

А. Н. КОСИГИН

Танланган нутқлар ва мақолалар



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЯТИ
Тошкент — 1975

Косигин, А. Н.

Танланган нутқлар ва мақолалар. Т., «Ўзбекистон», 1975.
848 б.

Косыгин, А. Н. Избранные речи и статьи.

ЗК5

К $\frac{10202-261}{М 351 (06) 75}$ 29-75

© «ПОЛИТИЗДАТ», Москва, 1974 й.

© Русча нашридан таржима, «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1975 й.

НАШРИЁТДАН

КПСС Марказий Комитети Спёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигининг китоби унинг 35 йил давомида давлат ва партиявий раҳбарлик лавозимларида олиб борган фаолиятидаги танланган нутқлари ва мақолаларини ўз ичига олган.

Китобга КПССнинг XVIII, XIX, XX, XXI, XXII съездларида сўзлаган нутқлари, XXIII ва XXIV съездларда қилган докладлари, КПСС Марказий Комитетининг пленумларида, СССР ва РСФСР Олий Советларининг сессияларида сўзлаган нутқлари ва қилган докладлари, матбуотда босилган мақолалари, хўжалик масалалари бўйича кенгашларда, мамлакатимиз меҳнаткашларининг йиғилишларида сўзлаган нутқлари, А. Н. Косигининг чет элларга қилган сафарларидаги, унинг Совет Иттифоқида бошқа мамлакатлар раҳбар арбоблари билан учрашувлари ва музокараларидаги нутқлари киритилган.

Тўплам материаллари коммунистик қурилишнинг турли босқичларида партия олиб борган иқтисодий сиёсат мазмунини, бу сиёсатни амалга ошириш бўйича қилинган ишларни очиб беради. Китобда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришнинг, мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг, Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва обрўйини янада мустаҳкамлашнинг актуал масалалари акс эттирилган.

Тўпланда партия XXIII ва XXIV съездларининг ҳамда КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш даврига мансуб ишлар асосий ўрин эгаллаган. Бунда коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш, иқтисодий ўсишнинг интенсив факторларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни тўхтовсиз юксалтириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш проблемалари, шу асосда миллий бойликни кўпайтириш ҳамда халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш вази-

фалари диққат марказида туради. Ҳозирги босқичда ишлаб чиқаришни бошқаришни, планлаштиришни ва иқтисодий рағбатлаштиришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилган.

Автор таъкидлаб кўрсатганидек, ишлаб чиқариш қўламлигининг кўп марта ўсганлиги ишлаб чиқариш муносабатлари етуклик даражасининг юксалиши, илмий-техника революциясини авиз олдириш, интенсив методлар асосида хўжалик юритиш натижасида ўсиш факторларининг тубдан ўзгариши ривожланган социалистик жамият экономикасининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Бу эса социалистик тузум афзалликларидан, хўжалик юритишнинг социалистик тузумга хос форма ва методларидан, замонавий фан ва техниканинг энг янги ютуқларида халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, совет кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама қопдириш учун тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради.

Шу даврда Коммунистик партия ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалаларига бағишланган нуқтларида жаҳон социалистик системасини, миллий ва социал овозлик учун курашаётган халқлар билан бирдамликни янада мустаҳкамлашни, халқаро муносабатларда социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан янги жаҳон урушидан қутқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган СССР ташқи сиёсати асосий йўналишларининг турли томонлари кўриб чиқилади. Бу нуқталарда КПСС XXIV съездида қабул қилинган, бутун инсоният манфаатларига, инсониятнинг тинч ва прогрессив тараққиёти мақсадларига жавоб берадиган Тинчлик программасининг тарихий аҳамияти кўрсатилган. Совет ташқи сиёсатининг синфий характери, унинг пролетар интернационализми принципларига содиқлиги таъкидланади. КПССнинг Совет Иттифоқи тараққиётининг, унинг халқаро аҳволининг ўзгарувчан шароитларига ижодий ёндашиши қайд этилади.

Китоб материаллари хронологик тартибда жойлаштирилган. Улардан баъзилари қисқартириб босилмоқда.

Китобда келтирилган айрим йилларга тегишли қиймат маълумотлари планлаштириш ва ҳисобга олиш практикасида ўша даврда амал қилган ҳақиқий ёки қиёсий нархларда кўрсатилган. Бунда 1961 йил 1 январгача бўлган қиймат кўрсаткичлари эски пул баҳосида, бу санадан кейинги кўрсаткичлар эса янги пул баҳосида берилган.

ИЛГОР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ БАРПО ҚИЛАМИЗ

*ВКП (б) XVIII съездида 1939 йил 16 мартда
сўзланган нутқдан*

Ўртоқлар! Партиянинг XVII ва XVIII съездлари ўртасидаги давр ичида буюк мамлакатимизда эксплуататор синфлар батамом тугатилди, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини келтириб чиқарадиган сабаблар бутунлай йўқ қилинди, социалистик жамият асосан қурилди.

Партия Марказий Комитетининг И. В. Сталин томонидан съездга қилинган ҳисобот докладыда партия ва халқ фаолиятининг янги программаси очиб берилган, мамлакатимизнинг қудрати, унинг ажойиб ҳозирги кунги ва келажакги кўрсатилган.

Мен эконоимкамиз системасида катта аҳамиятга эга бўлган тўқимачилик саноатининг тараққиёти ҳақида съездга ахборот бериб ўтмоқчиман. Дастлабки икки беш йиллик даврида учинчи беш йилликда тўқимачилик саноатини муваффақиятли ривожлантириш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Эндиликда мамлакатда мустақкам пахта базаси мавжуд. Социалистик қишлоқ хўжалиги саноатни ўз ватанимизда етиштирилган юқори сифатли пахта билан таъминлаб турибди.

Агар 1913 йилда чор Россияси қайта ишланган жами пахта-нинг 46,9 процентини чет эллардан ташиб келтирган бўлса, эндиликда биз пахтани импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи мамлакатга айландик. Ўз тўқимачилик саноатимиз эҳтиёжларини тўла таъминламоқдамиз. Бу, ўртоқлар, социалистик тузумнинг, колхоз қишлоқ хўжалигининг энг буюк ғалабасидир. Жаҳонда ҳеч қандай мамлакат пахтачиликни ривожлантиришда биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида СССР эришган суръатга эришмаган.

Ўз тўқимачилик машинасозлигимизни вужудга келтирдик, тўқимачилик машиналарининг катта қисми ўзлаштирилди, бунинг устига Карл Маркс номли заводда ишлаб чиқарилаётган машиналар, масалан, йигирув машиналари сифат жиҳатдан чет элнинг энг яхши машиналаридан қолишмайди. Шундай қисқа муддат ичида ўз тўқимачилик машинасозлигини вужудга келтиришдек мисол капиталистик мамлакатлар тарихида бўлмаган.

Мамлакатимизда иш биладиган, партия тарбиялаб етиштирган, партия ва ҳукумат қўйган ҳар қандай вазифани уддалай оладиган техника кадрлари етарлидир. Тўқимачилик ишлаб чиқариши соҳасида СССР капиталистик давлатлардан мутлақо мустақил бўлган мамлакатга айлапди. Биз тўқимачилик саноатини ривожлаштириш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминланганмиз.

Учинчи беш йиллик планда тўқимачилик саноатини кенг ривожлантириш белгиланмоқда. Иккинчи беш йилликда 14823 миллион метр ип-газлама чиқарилган бўлса, учинчи беш йилликда 19 миллиард метрга яқин ип-газлама чиқаришни мўлжалламоқдамиз; иккинчи беш йилликда 1099 миллион метр зиғир толасидан тўқилган газлама ишлаб чиқарилган бўлса, учинчи беш йилликда 1566 миллион метр ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқдамиз; иккинчи беш йилликда 458 миллион метр жун газлама чиқарилган эди, учинчи беш йилликда 645 миллион метр жун газлама чиқариш мўлжалланмоқда; иккинчи беш йилликда 206 миллион метр шойи чиқарилган эди, учинчи беш йилликда 291 миллион метр шойи чиқарилиши керак.

Тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг бозорлардан қилинган янги урчуқни ишга тушириш талаб қилинади. Россиянинг юз йилдан ортиқ мавжуд бўлган тўқимачилик саноати эса 1913 йилда 1200 минг урчуқ билан қамраб олинган, бу Россияда тўқимачилик саноати 30—40 йил ичида қанча йўл босиб ўтган бўлса, учинчи беш йилликнинг қолган тўрт йилида шунча йўл босилади.

Учинчи беш йилликда Барнаул, Новосибирск, Кузбассда янги ип-газлама фабрикаларини ишга тушириш, шунингдек йигириш билан тўқиш ўртасидаги диспропорцияни тугатиш учун эски тўқимачилик районларида кичик йигирув фабрикалари қуришни амалга ошириш; Тошкент ип-газлама комбинатининг иккинчи навбатини, Ленинкадан йигирув фабрикасини, Киев ва Семипалатинск мовут комбинатларини ишга тушириш мўлжалланади. Учунчи беш йиллик планида марказий районларда тўқув ускуналарини иш билан тўла таъминлаш, калаваларни оммавий ташувни йўқ қилиш, эски фабрикаларда ускуналарни ўрнатиш учун мавжуд барча бўш майдонлардан тўла фойдаланиш мўлжалланади.

Фарбий Сибирь ва Ўрта Осиёда янги фабрикалар қуриш кўзда тутилмоқда.

Қурилишни жадаллаштириш учун биз янги фабрикаларни лойиҳалаштириш ишини тартибга солишимиз, типовой лойиҳаларга кўчиримиз керак. Тошкент ва Барнаулда дастлабки йирик комбинатларни қуриш салкам 5—6 йил давом этди. Ҳозир биз учинчи беш йилликда амалга ошириладиган суръатлар бўйича тўқимачилик фабрикалари қуришни бир йил ичида тугаллаб, ик-

кинчи йили уларни фойдаланишга топширишга эришишимиз керак. Биз энг янги техника талабларига жавоб берадиган янги фабрикаларнинг намунавий типовой лойиҳаларини тузмогимиз лозим. Бундай лойиҳаларни тузиш устида тажрибали тўқимачи-инженерлар иш олиб бормоқдалар.

Машинасозлар олдида тўқимачилик саноатини барча зарур янги машиналар билан таъминлашдан иборат масъулиятли ва фахрли вазифа турибди. Биз тўқимачилик машинасозлигини мустақамлашимиз, бу соҳага энг яхши конструкторларни юборишимиз керак; жун газлама, зиғир толасидан тўқиладиган газлама ва шойи тўқиш саноати учун машиналарни оммавий тарзда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз керак. Айни вақтда машиналарни нокомплект етказиб бериш практикасини батамом йўқ қилиш зарур, чунки бу практика мавжуд ускуналардан фойдаланиш имконияти бериб қолмайди. Ускуналар қийматини камайтириш ва чиқарилаётган янги машиналарни запас қисмлар билан тўла таъминлаш керак. Қурилган комбинатларни тўла монтаж қилиш ва ўз вақтида ишга тушириш мажбурияти ва масъулиятини машинасозлик саноати зиммасига юклаш лозим. Бу эса машиналарни нокомплект етказиб беришни тугатади.

Биз бу ишни, айтайлик, Америка машинасозлик саноати мисолида қайта қуришимиз керак. Америка машинасозлик саноати бутун комбинат учун бир йўла шартнома тузади ва бутун тўқимачилик фабрикасига машина етказиб бериш ва уни монтаж қилишни комплект таъминлайди. Бизда эса кўпинча шундай бўлади: йнгирув машиналари етказиб берилади-ю, бироқ банкаброшлар келтирилмайди; бу эса нокомплектликка олиб келади ва натижада ускуналар маълум даврда бекор ётади.

Янги қурилиш бораётган районларда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ғишт, оҳак, харсанг тош сингари материалларни бошқа ёқдан ташиб келтиришни бутунлай йўқ қилиш учун тўқимачилик фабрикалари қурилишини маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминлашга тайёр бўлишлари керак. Маҳаллий ташкилотларнинг вазифаси янги тўқимачилик фабрикаларини ўз вақтида қуриш ва ишга туширишни таъминлаш учун бу ишда актив ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Кейинги йилларда партиямизга содиқ ёш мутахассислар тўқимачилик саноатига раҳбарлик қила бошладилар. Бу кадрлар фабрикалар, цехларга раҳбарлик қилиш санъатини тез эгаллаб олмақдалар. Улар партия ва халқ ишига содиқликларини исботладилар, техникани, топширилган ишни қўнт билан ўрганмоқдалар, ўларига нисбатан талабчанликни оширмоқдалар.

Тўқимачилик саноатида ҳам стахановчилик ҳаракати кенг авж олиб кетди. Бу ерда ишчилар кўп миқдордаги станоклар билан ишлашга ўрганиб олдилар. Чор Россияси фабрикаларида тўқувчи аёл бир-икки станокда ишлар эди. Англия ва АҚШда бир ходим

жуда кўп деганда 8—10 оддий тўқув стапогида ишлай олади. Бизда аҳвол маца бундай: агар 1934 йилда Иваловодаги ишчи Федор Зиновьев номли фабрикада тўқувчи Тансия Шувандина тўрт тўқув станогиди ишлаб, бир йилда 19 750 метр сатин тўқиган бўлса, 1938 йилда у 20 станокда ишлаб, 106,5 минг метр сатин тўқиди. Бу ягона мисол эмас. Иваново, Москва ва Ленинграддаги бир қанча фабрикаларда кўпгина тўқувчи аёллар 12, 16, 18, 20 тўқув станокларида ишламоқдалар.

Учинчи беш йилликнинг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, тўқимачилик саноатининг янги корхоналар учун кадрлар тайёрлашга дарҳол киришиш керак ва бу кадрларни маҳаллий аҳолидан тайёрлаш лозим.

Иккинчи беш йиллик тўғичлари ҳисобланган Барнаул ва Тошкент комбинатлари сингари корхоналар базасида янги тўқимачилик фабрикалари учун кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш зарур, токи кадрлар тайёрлаш янги қурилишлар билан бир вақтда борсин, ҳозирдагидек янги комбинатни қуриб қўйиб, ишчи кучи билан таъминланмаслик каби ҳоллар рўй бермасин.

Учинчи беш йилликда жуп газлама саноати учун катта капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Ўз Ватанимизда етиштириладиган жамч хом ашёни қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш базасини кўзга олган ҳолда шунинг маъноси — СОВЕТЛАШТИРИШ

маолағ ажратилади. Жуп газлама саноатини шундай тайёрлашимиз керакки, унда тўртинчи беш йилликда ҳозир ип-газлама саноатида рўй берган аҳволга ҳақиқатан ҳам эришимиз. Ҳозир бу саноатнинг қишлоқ хўжалиги бераётган жами шахтани қайта ишлаш имкониятига эга эмасмиз.

Учинчи беш йилликда биз жуп газлашни четдан келтиришдан батамом қутулишимиз ва жуп газлама саноати учун мустақкам хом ашё базасини таъминлашимиз керак.

Халқ хўжалиги учун юқори сонли, масалан, 24, 26, 28-сонли зиғирпоя керак. 1938 йилда биз ўртача 9,5 сонга эга бўлдик. Зиғирпоя ҳосилдорлиги бизда бир қанча капиталистик мамлакатлардагига қараганда паст. Ер органлари зиғиркорликка ва зиғирпояни дастлабки ишлаш масалаларига кам эътибор бермоқдалар, социалистик қишлоқ хўжалиги бераётган афзалликлардан бўш фойдаланмоқдалар.

Зиғирпоя ишлаш саноати саноатнинг энг қоқоқ тармоғи ҳисобланади. У техника жиҳатдан бошқа тўқимачилик тармоқларига нисбатан бўшироқ таъминланган. Заводларимиз ишлаб чиқараётган зиғирпоя ишлаш машиналарининг янги турлари бир қанча конструктив камчиликларга эга. Бир қанча машиналар етарли даражада синаб кўрилмасдан оммавий тарзда ишлаб чиқаришга қўйилган. Учинчи беш йилликда зиғирпоя ишлаш саноатини янги техника билан таъминлаш ва уни тўқимачилик саноатида дастлабки ўринлардан бирига олиб чиқиш зарур.

Учинчи беш йилликда шойи тўқиш саноатини ва супъий тола ишлаб чиқариш саноатини анча ривожлантириш мўлжалланади.

Тўқимачилик саноати халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Социалистик қишлоқ хўжалиги саноатни ўз Ватанимизда етиштирилган хом ашё билан тўла таъминламоқда. Халқимиз мамлакатнинг турли газламаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондира оладиган қудратли тўқимачилик саноатини вужудга келтиришни талаб қилмоқда.

Учинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва тўқимачилик фабрикалари қуриш программасини амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

1. Тўқимачилар саноат тараққиётини мустаҳкамлашлари ва янада олга силжитишлари зарур. Бутун саноат бўйича программанинг бажарилишига эришибгина қолмай, балки ҳар бир фабриканинг ўз программасини ва ҳар бир ходимнинг ўз нормасини бажаришига ҳам эришмоқ керак.

2. 1939 йил учун лойиҳалаштирилган янги қувватларни тўла ишга тушириш керак.

3. Тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида техника қоқлигини тугатиш лозим.

4. Машинасозлар ускуналарни нокомплект етказиб беришни тугатишлари, ип-газлама фабрикалари ва зиғир толаси, жун ва шойи тўқиш саноати пардозлаш фабрикалари учун машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари ҳамда барча машиналарни оммавий тарзда ишлаб чиқаришга қўйишлари керак.

5. Сибирь ва Ўрта Осиё тўқимачилик саноати корхоналарини жиҳозлаш учун Сибирда, Қузбасс районларида, Новосибирскда қисқа муддатлар ичида тўқимачилик машинасозлиги базасини вужудга келтириш керак.

6. Машинасозларимиз бутун фабрикани комплект жиҳозлаш бўйича заказлар қабул қилишлари учун Америка саноати тажрибасидан фойдаланиш лозим.

7. Госплан ускуналарни электр материаллари билан бирга етказиб беришни планлаштириши зарур, акс ҳолда ускуналар бекор туриб қолади.

8. Районларда ўзаро бир-бири билан боғлиқ саноат тармоқларининг комплекс ривожланиши учун район бўйича пухта планлаштиришни ўтказиш зарур. Бу саноатнинг нормал ишлашини таъминлайди ва темир йўл транспортини ортиқча юк ташишдан бўшатади.

9. Шу нарсаи ҳал қилиш керакки, тўқимачилик саноатини электр энергияси билан таъминлайдиган, Ивасоводаги сингари барча йирик электр станциялар Электр станциялар ва электр саноати халқ комиссарлиги томонидан қурилсин.

10. Тўқимачилик саноатининг ишга тушириладиган барча объектлари энергия билан тўла таъминлансин. Бу, айниқса, эски

тўқимачилик районлари учун тааллуқлидир. Бу районларда ишлаб турган фабрикаларда янги ускуналар ўрнатиш ҳисобига қувват оширилади ва бу ерда тўқимачилар ўз энергетика базасига эга эмаслар.

11. Тўқимачилик фабрикаларини қуришни йигма темир конструкцияларни қўлланиш билан олиб бориш зарур ва мақсадга мувофиқ, деб топилсин. Бу ҳол қурилишни тезлаштиради. Бунинг учун зарур миқдорда металл ажратиш керак.

12. Тўқимачилик корхоналари қурилишини ғишт, харсанг тош оҳак сингари ва бошқа материаллар билан таъминлаш учун маҳаллий саноат маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни тезроқ авж олдириши керак.

13. Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги зиммасига 1939 йилда юқори сонли зигирпоя етиштиришни кенгайтириш бўйича зарур тадбирлар кўриш, саноатни юқори сонли юмшоқ похол ва ивигилган зигирпоя билан таъминлаш мажбуриятини юклаш керак. Зигирпоя етиштириш ва зигирпоя ёйишни назорат остига олиш зарур.

14. Пахтачиликдаги муваффақиятларни янада ривожлантириб, пахта йигим-теримини ташкил қилишдаги, айниқса, янги районларда пахта йигим-теримини ташкил қилишдаги таъминотларни тезлуқотиш зарур. Пахтанинг илгичка толали қимматли навларини етиштиришга эътиборни кучайтириш керак.

15. Республикалар, жойлардаги танкиётлар ва Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги ипакчиликни кенг йўлга қўйишлари, тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларини ўз Ватанимизда етиштириладиган ипак билан тўла таъминлашлари керак. Ипакни ишлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

16. Белгиланган қатта қурилиш программаси муносабати билан тўқимачилик саноатига олий ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассисларни етарли миқдорда юбориш, шунингдек, тўқимачилик олий ўқув юртлари тайёрламайдиган инженер-қурувчи ва энергетик кадрларни юбориш зарур.

Биз белгиланган программани муддатидан олдин бажариш учун курашамиз ва албатта галаба қиламиз.

Биз биламизки, бизда янгидан-янги галабаларга олиб боровчи буюк куч бор, бу — Коммунистик партиямиз кучидир.

РСФСРНИНГ ХҲЖАЛИК ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*РСФСР Олий Совети V сессиясида
1944 йил 3 мартда
сўзланган нутқ*

Депутат ўртоқлар! Улуг Ватан уруши моддий ресурсларни ва пул маблағларини эг қўп даражада сафарбар қилиш зарурлигини, мамлакатнинг бутун хўжалик ҳаётида жуда тежамкорлик билан иш олиб боришни тақозо этмоқда.

Россия Федерацияси 1944 йил бюджетининг сўзга чиққан депутатлар томонидан яқдиллик билан маъқулланиши шундан далолат берадики, бу бюджет халқимиз продасини тўла-тўқис ифода этади ва ёвуз душманни узил-кесил тор-мор келтириш вазифаларига жавоб беради.

РСФСР саноати ялли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1943 йил планини муддатидан олдин бажарди. Ўтган йили республика саноати маҳсулот чиқаришни тўхтовсиз ўстириб борди.

Республика колхоз ва совхозлари уруш йилларининг катта қийинчиликларига қарамай, армия ва орқа томонни озиқ-овқат билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш вазифасини қониқарли бажардилар.

Соғлиқни сақлаш органлари бемор ва ярадор жангчилар ҳамда командирларнинг соғлиғи ва кучини тиклаш, шунингдек аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишда катта натижаларга эришдилар.

Партия ва ҳукуматнинг халқ маорифи тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги совет мактабларимизни янада мустаҳкамлашда ўз ифодасини топди.

Душман вайрон қилган районларда хўжаликларни тиклаш соҳасида катта ишлар қилинди. Қўп миқдорда саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, уй-жой фондининг анча қисми, мактаблар, касалхоналар, болалар уйлари ва яслилари тикланди. Бироқ бу иш эндигина бошланмоқда. Халқимиз босқинчилар келтирган вайронликларни батамом тугатиш учун ҳали кўп иш қилишлари керак.

1943 йилда республика халқ хўжалиғи эришган ижобий натижалар республика бюджетининг муваффақиятли бажарилишини таъминлади ва 1944 йилда давлат бюджетининг ўсиши учун база бўлди.

Бюджетнинг ўсиши халқ хўжалигимизнинг янада ривожланиши билан таъминланади. Республикамиз халқ комиссарликлари ва идоралари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1944 йилда 1943 йилдагига нисбатан 15,2 процент кўпаяди. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 24 процент ортади. Чорва моллари ва уй паррандалари сонини анча ошириш кўзда тутилмоқда. Экин майдонлари кенгайтирилади ва дон экинлари, сабзавот ҳамда картошка олиш кўпаяди. Товар оборотини янада ўстириш мўлжаллаймоқда.

1944 йилда республика халқ хўжалиги олдида турган барча вазифалардан энг муҳими фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашда шонли Қизил Армиямизга ёрдам бериш вазифаси ҳисобланади.

1943 йилда республика саноати Қизил Армия аҳтиёжлари учун 1700 тагача турли буюмлар ишлаб чиқариб, Қизил Армияни ўқ-дори, аслаҳа-анжомлар билан таъминлашда катта салмоққа эришди.

Саноатимиз Қизил Армия учун зарур бўлган кўп буюмларни етказиб берувчи энг йирик саноат ҳисобланади.

Совет деҳқонлари Ватанимиз манфаатларини юксак даражада амалга оширишнинг қувватли ва мос вақтида Москва, Ленинград, Ярославль, Вологда, Архангельск, Тула, Калинин, Ленинград ва бошқа областларининг, Чувашия ва Бурят-Монголия АССР колхозлари 1943 йилда қишлоқ хўжалик ишлари планларини ва чорвачиликни ривожлантириш топириқларини муваффақиятли бажариб, маҳсулдор чорва моллар айрим турлари сонини анча оширдилар.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигига доимий ёрдам кўрсатмоқдалар. Автоном республикалар, ўлкалар ва областларга 1943 йилда қишлоқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатлар учун фақат иттифоқ бюджети бўйича қарийб 2,5 миллиард сўм берилди.

Давлатимиз оккупациядан озод қилинган районларга ғоят катта ёрдам кўрсатди. 1944 йилнинг 1 январигача Қизил Армия озод қилган районларга салкам 14,5 минг трактор, 8 мингдан ортиқ плуг, 3500 дан кўпроқ сеялка, шунингдек 1 миллион бошдан ортиқ чорва моллари ва 500 мингдан кўпроқ уй паррандаси етказиб берилди. Озод қилинган районларда қишлоқ хўжалигига раҳбарликни мустаҳкамлаш учун 5500 дан ортиқ мутахассис юборилди.

Курск, Воронеж, Орлов областлари, Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, Шимолий Осетия АССР ва Кабарда-Балқария АССР давлат ҳамда орқа томондаги районларнинг колхозлари кўрсатган ёрдам негизда 1943 йилдаёқ ўз хўжаликларини тиклашда катта муваффақиятларга эришдилар. Москва области, бир қанча районларда қишлоқ хўжалиги ва саноатга босқинчилар катта зарар етказганлигига қарамай, хўжаликни тиклашни муваффақиятли ту-

галламоқда. Москва области бўйича экин майдонлари 1943 йилда урушдан олдинги даражанинг 94 процентини ташкил қилди.

1943 йилда қишлоқ хўжалигида ва сапоатнинг бир қанча тармоқларида жиддий камчиликлар юз берди. Биз ўтган йил сабоқларини ҳисобга олишимиз ва бу йил хатоларнинг такрорланшига йўл қўймаслигимиз керак. Шунинг эса тутиш зарурки, қишлоқ хўжалиги ёки сапоатнинг ҳар қандай тармоғида планни бажармаслик бюджетнинг бажарилишига, бутун халқ хўжалигига, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда Омск, Саратов, Пенза, Тамбов, Новосибирск, Чкалов, Челябинск областлари, Красноярск ўлкаси ва Бошқирдистон АССР қишлоқ хўжалигида аҳволнинг ёмонлашишига, экин майдонларининг қисқариб кетишига, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайишига йўл қўйилди. Бунинг асосий сабабларидан бири шунки, маҳаллий Советлар ва ер органлари колхозлар ва МТСларнинг ишини чуқур ўрганмадилар, қишлоқ хўжалик масалалари билан бутун йил давомида эмас, балки баҳорги дала ишлари ва йиғим-терим давридагина шуғулландилар. Колхоз кадрлари билан мунтазам иш олиб борилмади; тракторларни ўз вақтида ремонт қилиш устидан назорат ўрнатилмади; агротехникага нисбатан эътиборсизлик қилинди.

Колхозларга ёмон раҳбарлик қилиниши натижасида, айниқса, Қурган, Челябинск, Омск, Кемерово, Новосибирск областларида, Красноярск ва Олтой ўлкаларида чорвачиликни ривожлантиришда жиддий камчиликлар юз берди. Чорва моллари, айниқса, ёш молларга ёмон қаралганлиги, ем-хашак билан таъминланмаганлиги натижасида молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди.

Қишлоқ хўжалигидаги камчиликларни йўқотиш учун ҳозирги пайтда машина-трактор станцияларини мустаҳкамлаш, ремонт устaxonалари шохобчаларини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар чиқаришни кескин кўпайтириш бўйича, шунингдек кадрлар тайёрлаш соҳасида иттифоқ ҳукумати қарорларида кўзда тутилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика Халқ Комиссарлари Совети ва маҳаллий совет ташкилотлари 1944 йилда қолоқ ўлка ва областларда қишлоқ хўжалигининг аҳволини тубдан яхшилаш учун иттифоқ ҳукумати белгиланган тадбирларни қисқа муддатларда амалга оширишлари лозим.

1944 йилда юқори ҳосил учун кураш барча Совет органларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Республикамиз жанубида — Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида кўкламги экин кампанияси бошланиб кетди.

Юқори ҳосил учун кураш муваффақияти кадрларни, машиналар, уруғлик, ўғит ва от-улов кучларини ўз вақтида тайёрлаб қўйиш билан белгиланади.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик инвентарларини ремонт қилишни тугаллаш учун қисқа вақт қолди. Бироқ Куйбишев, Рязань, Саратов, Тамбов, Ульяновск, Чкалов областларида, Татаристон АССР ва Приморье ўлкасида тракторлар ремонтни пландагидан анча орқада қолмоқда. Бу областлар, ўлка ва автоном республика раҳбарлари бой берилган вақтнинг ўрнини қоплаш учун чора кўришлари ва қишлоқ хўжалик ишлари бошлангунча трактор парки ремонтини таъминлашлари керак.

Утган йиллар сабоқларини ҳисобга олиб, ҳозирдаёқ экин бўйича ишчи планларини тузишга киришиш, бригада ва звеноларни бутлаш, бригадалар ва звенолар тарқалиб кетган жойларда уларни янгидан ташкил қилиш, уларга инвентарлар, от-улов кучларини бириктириб қўйиш ва от-улов кучлари ҳамда қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишда эгасизликка йўл қўймаслик зарур.

Кўкламги экин планларини бажариш учун звенолар, бригадалар, колхозлар, МТС ва районлар социалистик мусобақасини кенг равишда ташкил қилиш керак.

Дала ишлари бошлангунча болалар яшилари ва майдончалари, шунингдек дала шийпонлари тайёр бўлиши, умумий овқатлашни ташкил этилиши, ёқилган тўла ва ўз вақтида таппаб олиниб, тракторларнинг ҳаётини яхши...

Бу йил иттифоқ саноати ва маҳаллий саноат кўкламга экин тайёргарлигига актив қўшилиб, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда ердан бермоқда.

Машина-трактор станциялари ва айрим колхозларга кўрсатиладиган ёрдамни шаҳар саноат корхоналарининг малакали ишчи бригадаларини юбориш, ремонт учун зарур бўлган материаллар ва асбоблар ажратиш, запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ҳар томонлама кучайтириш керак.

Сугориш системаларини кенгайтириш қурғоқчиликдан зарар кўраётган областлар, ўлкалар ва автоном республикаларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради. Республикамизда 1944 йилда сув хўжалиги ишларига жами 21,5 миллион сўм миқдоридан капитал маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Қурғоқчиликдан тез-тез зарар кўрадиган Саратов, Чкалов, Сталинград областларида, Бошқирдистон автоном республикасида фақат 1944 йил учун белгиланган ҳажмда капитал ишларни бажарибгина қолмасдан, балки сугориладиган майдонларни янада кенгайтириш бўйича тайёргарлик ишларини олиб бориш зарур. Бу областларда ва автоном республикада 1944 йилдаёқ ҳар бир колхозда 5—10 гектар майдонда сугориладиган участка бўлишига эришиш керак.

Область ва ўлка советлари ижроия комитетлари ҳамда автоном республикаларнинг халқ комиссарлари советлари олдида сабза-

вотчиликни ривожлантириш ва меҳнаткашларни сабзавот билан таъминлаш ишида жиддий вазифалар турибди.

Уруш йилларида республикамизда сабзавот ва картошка экинладиган майдонлар кенгайди. Бироқ картошка экиш давлат плани атиги 87 процент бажарилди. Куйбишев, Ульяновск, Тамбов, Пенза областлари, Мордовия АССР белгиланган топшириқларни бажармадилар.

Бу областлар ва автоном республика раҳбарлари планинг бажарилмаслигига, уруғликнинг етишмаганлигини сабаб қилиб кўрсатдилар. Аслида эса бу областлар ва автоном республикада туганаклар, туганакларнинг уст қатлами ва картошка кўзлари ҳисобига уруғликни кўпайтириш йўли билан қўшимча картошка тайёрлаш имкониятларидан фойдаланмадилар.

Сабзавотчиликда уруғчилик ишига жиддий эътибор берилиши керак. Кўпгина областлар, ўлкалар ва республикаларда сабзавот экинлари уруғликлари фақат экинга киришиш олдидангина эга тушади ва уни марказдан талаб қиладилар. Масалан, Татаристон АССР, Чкалов, Саратов, Тамбов, Ульяновск ва Свердловск областлари уруғлик етиштириш учун ҳамма имкониятларга эга бўлишларига қарамай, ҳатто уруғликка бўлган ўз эҳтиёжларини ҳам таъминламаптилар. Улар уруғчилик хўжалигини яхши йўлга қўйган ва 1944 йилда уруғликка бўлган ўз эҳтиёжларини тўла таъминлаётган москваликлар ҳамда калининликлардан ўрганишлари керак. Ҳар бир область, ўлка ва автоном республика ўзини ўзи сабзавот экини уруғлиги билан таъминлаши зарур.

Республикада пиёз етиштириш мутлақо ёмон аҳволда эканлигини алоҳида қайд қилиш керак. Республика колхозлари 1943 йилда пиёз ва саримсоқ экинларини 1941 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд камайтириб юбордилар. Пенза областининг Бессунов районида, Рязань областининг Спасск районида, Горький областининг Арзамас районида, Ярославль областининг Ростов районида ҳозир пиёз етиштириш билан шуғулланмай қўйдилар. Ваҳоланки, бу районлар илгари пиёз етказиб берувчи районлар ҳисобланганлар. Бу аҳволни тузатиш керак. СССР Халқ Комиссарлари Совети махсус қарор қабул қилди, бу қарорда пиёз экиши кенгайтириш учун колхозларга имтиёзлар ва катта имкопиятлар берилган.

Яна бир муҳим иш устида тўхталиб ўтиш керак. Гап республикамизда богдорчиликни ривожлантириш устида бормоқда. 1940 йилнинг 1 январидан биз 695 млнг гектар бог ва мевазорга, шу жумладан колхозларда қарийб 300 млнг гектар бог ва мевазорга эга эдик. Бу урушгача бўлган даврда ҳам етарли эмас эди. Колхозларнинг фақат 25 проценти, колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжалиklarининг 15 проценти резавор-мева ўсимликларига эга эди, холос.

вотчиликни ривожлантириш ва меҳнаткашларни сабзавот билан таъминлаш ишида жиддий вазифалар турибди.

Уруш йилларида республикамизда сабзавот ва картошка экинладиган майдонлар кенгайди. Бироқ картошка экиш давлат плани атиги 87 процент бажарилди. Куйбишев, Ульяновск, Тамбов, Пенза областлари, Мордовия АССР белгиланган топшириқларни бажармадилар.

Бу областлар ва автоном республика раҳбарлари планинг бажарилмаслигига, уруғликнинг етишмаганлигини сабаб қилиб кўрсатдилар. Аслида эса бу областлар ва автоном республикада туганаклар, туганақларнинг уст қатлами ва картошка кўзлари ҳисобига уруғликни кўпайтириш йўли билан қўшимча картошка тайёрлаш имкониятларида фойдаланмадилар.

Сабзавотчиликда уруғчилик ишига жиддий эътибор берилиши керак. Кўпгина областлар, ўлкалар ва республикаларда сабзавот экинлари уруғликлари фақат экишга киришиш олдидангина эга тушади ва упи марказдан талаб қиладилар. Масалан, Татаристон АССР, Чкалов, Саратов, Тамбов, Ульяновск ва Свердловск областлари уруғлик етиштириш учун ҳамма имкониятларга эга бўлишларига қарамай, ҳатто уруғликка бўлган ўз эҳтиёжларини ҳам таъминламаптилар. Улар уруғчилик хўжалигини яхши йўлга қўйган ва 1944 йилда уруғликка бўлган ўз эҳтиёжларини тўла таъминлаётган москваликлар ҳамда калининликлардан ўрганишлари керак. Ҳар бир область, ўлка ва автоном республика ўзини ўзи сабзавот экини уруғлиги билан таъминлаши зарур.

Республикада пиёз етиштириш мутлақо ёмон аҳволда эканлигини алоҳида қайд қилиш керак. Республика колхозлари 1943 йилда пиёз ва саримсоқ экинларини 1941 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд камайтириб юбордилар. Пенза областининг Бессунов районида, Рязань областининг Спасск районида, Горький областининг Арзамас районида, Ярославль областининг Ростов районида ҳозир пиёз етиштириш билан шугулланмай қўйдилар. Ваҳоланки, бу районлар илгари пиёз етказиб берувчи районлар ҳисобланганлар. Бу аҳволни тузатиш керак. СССР Халқ Комиссарлари Совети махсус қарор қабул қилди, бу қарорда пиёз экиши кенгайтириш учун колхозларга имтиёзлар ва катта имкониятлар берилган.

Яна бир муҳим иш устида тўхталиб ўтиш керак. Гап республикамизда богдорчиликни ривожлантириш устида бормоқда. 1940 йилнинг 1 январидан биз 695 миң гектар бог ва мевазорга, шу жумладан колхозларда қарийб 300 миң гектар бог ва мевазорга эга эдик. Бу урушгача бўлган даврда ҳам етарли эмас эди. Колхозларнинг фақат 25 проценти, колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг 15 проценти резавор-мева ўсимликларига эга эди, холос.

Ўтган йилларнинг қаттиқ қишида боғларнинг апча қисми побуд бўлди. Немис-фашист босқинчилари боғларга катта зарар етказди. Маҳаллий Советларнинг ва ер органларининг, шунингдек, мактаб, касалхона, болалар яслилари раҳбарларининг энг муҳим вазифаси томорқа участкаларида нобуд бўлган резавор мева ўсимликларини тиклашдан иборатдир. Шунга эришни керакки, ҳар бир колхозчи ва қишлоқ жойларида яшайдиган ишчилар ва хизматчилар яқин йиллардаёқ 10—15 тундан мевали дарахт ва 40—50 тундан резавор ўсимлик эксин. Тез ҳосилга кирадиган, ўтказгандан кейин иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосил берадиган экин ҳисобланган резавор ўсимликларга алоҳида эътибор бериш керак.

Бу вазифани бажариш учун республика Ер Ишлари Комиссарлиги кўчатзорларни кенгайтириш бўйича катта ишлар қилиши зарур, токи яқин йиллар ичида камида 25—30 миллион кўчат тайёрланадиган бўлсин.

Боғдорчиликни кенгайтиришни, албатта, асаларичиликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш керак. Республиканинг кўпгина областларида асаларичиликка старли эътибор берилмаётир. Агар ишга астойдил киришилса, икки-уч йил ичида боғдорчиликни тўла тиклабгина қолмай, балки уш асча кенгайтириш ҳам мумкин.

1944 йилда республика ҳукумати томонидан боғдорчилик ва боғдорчиликнинг кенгайтирилиши бўйича бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди. Қишлоқ хўжалигини катта ёрдам кўрсатилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасидан республикада 1944 йилда кўкларнинг экин кампаниясини алча тайёрлаш ҳолда кутиб олмақда. Ҳозир ҳал қилувчи кунлар келди. Республика қишлоқ хўжалиги олдига партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча кучларни сафарбар қилиш, қўкларни экин кампаниясига тайёргарлик ишлари иланининг бажарилиши устидан қўндалик контроль ўрнатил зарур.

1944 йилда ўрмончилик саноати олдига гоьт катта вазифалар турибди. Ҳаммага маълумки, саноат аҳтиёжи учун, озод қилинган районларда саноат корхоналари ва уй-жой фондини тиклаш учун ёгочни, шунингдек темир йўл ва йирик саноат марказлари учун ўтинни асосан РСФСР етказиб беради.

Область ва район ижроия комитетлари томонидан ўрмонга ишчи кучлари ва от-арава кучларининг тўла чиқишининг ва улардан тўғри фойдаланишнинг таъминланиши ўрмон саноати ишининг энг муҳим шарт ҳисобланади. Шунга айтиш керакки, буни ҳамма ерда ҳам чинакамга тушуниб олишган ва ҳамма ерда ҳам бу талаб бажарлаётир, деб бўлмайдди. Бир қапча областлар ва районларда ёгоч тайёрлашни ишчи кучлари ва от-арава транспорти билан таъминлаш топшириқлари қониқарсиз бажарилмоқда. Ўрмонда меҳнат ёмон ташкил қилинган. Мудофаа саноати учун ёгочнинг махсус навларини ва кўмир саноати учун устун бўладиган ёгоч-

ларни етказиб бериш, транспорт учун ўтин етказиб бериш, озод қилинган районларда тиклаш ишларини қурлиш ёғочларни билан таъминлаш — буларнинг ҳаммаси энг муҳим давлат вазифалари бўлиб, бу вазифалар ушбу йилда тўла ва ўз вақтида ҳал этилиши керак.


Ўрмончилик саноати корхоналарининг раҳбарлари, шунингдек область ва район ижроия комитетлари шунинг ҳисобга олишлари керакки, қиш даврида ёғоч тайёрлаш ва ўрмондан ёғочларни олиб чиқиш планни бажарилмаса, унда халқ хўжалигининг зарур аҳтиёжлари ёзда иш олиб боришни талаб қилади. Бу эса, шубҳасиз, қўшимча маблағ сарфлашга олиб келади ва қишлоқ хўжалик ишларини ўтказишда қийинчилик туғдиради. Ўрмончилик саноатини ишчи кучи ва от-арава транспорти билан таъминлаш бўйича топшириқларнинг бажарилишини тезлаштириш зарур.

Кейинги икки йил ичида маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайди. 1943 йилда янги маҳсулот чиқариш 1942 йилдагига қараганда маҳаллий саноат корхоналарида 140,4 процентни, ҳунармандчилик кооперацияси бўйича 125 процентни ва инвалидлар кооперацияси бўйича 134 процентни ташкил қилди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиши билан бир қаторда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кенгаймоқда. Маҳаллий республика саноати пттифоқ саноати ривожланиши суръатларидан орқада қолмади ва ҳукумат тасдиқлаган планларни муваффақиятли бажарди.

Уруш йилларида маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси кўп миқдорда янги кенг истеъмол буюмлари ва товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Москва ва Ленинград шаҳарлари, Москва, Горький, Калинин ва Ярославль областлари саноати катта муваффақиятларга эришди. Бу шаҳарлар ва областларда илгари мавжуд бўлган ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш корхоналарининг катта қисми тикланди, буюмлар ассортименти кенгайтирилди, йирик саноат чиқиндиларини топиш ва тақсимлаш бўйича ишлар тўғри ташкил қилинди. Босқинчилардан озод қилинган районларда маҳаллий саноатнинг бир қанча муҳим корхоналари ҳозирдаёқ ишга туширилди.

Бироқ маҳаллий саноат ва республика ҳунармандчилик кооперацияси халқ хўжалиги учун муҳим бўлган кўп миқдордаги буюмлар ишлаб чиқариш бўйича давлат топшириқларини тўла бажармастлар. 1943 йилда ҳунармандчилик кооперацияси 97 буюмдан 35 буюм бўйича, маҳаллий саноат эса 86 буюмдан 27 буюм бўйича планни бажарди. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ремонт-мапший ишлари бўйича планни бажармадилар. Масалан, ҳунармандчилик кооперацияси пойафзал ремонт қилишни 1943 йилда 1940 йилдагига нисбатан 30 процент камаятди юборди.



Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги маҳаллий қурилиш материаллари — оҳақ, гишт, алебастр ишлаб чиқариш бўйича 1943 йил планини қониқарсиз бажарди. Шунинг айтиш керакки, халқ комиссарликларимиз ва маҳаллий органлар бу материалларни ишлаб чиқариш билан етарли шуғулланмаётирлар. Қишлоқ районларининг аҳолиси черепица, гишт ва оҳаққа муҳтож. Бу қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш ташкил қилинмаган.

Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадирлар. Янги ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ошириш зарур. Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ва ҳунармандчилик кооперацияси бошқармаси ўз корхоналарига усқуналар ва инструментлар билан ёрдам беришлари керак.

Бир қанча район саноат комбинатлари ва ҳунармандчилик кооперацияси артелларида кўпгина буюмлар шу вақтгача қўлда ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ва Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармаси ўз корхоналарида кўпгина оддий механизмларни тайёрлашлари мумкин ва бу механизмлар моҳият ҳунармандчилигини ошириши имкониятини берган ҳолда зарур эди. Маълумки, маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясига ишлаб чиқарилиши 1942 йил 1 январдан кейин ташкил этилган барча усқуналар ва инструментларини ўз эҳтиёжлари учун қолдириш ҳуқуқи берилган. Бироқ Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги, Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармаси ўз корхоналари эҳтиёжи учун ниҳоятда зарур бўлган усқуналар ишлаб чиқаришни шу вақтга қадар бўш ривожлантирдилар.

Бир қанча область пярояя комитетлари маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясида фойдаланиш учун ишлаб чиқариш чиқиндиларини топиш ва тақсимлаш ҳуқуқидан фойдаланмаётирлар. Натижанда чиқиндиларининг анча қисми нобуд бўлмоқда. Масалан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг махсус кўрсатмасига қарамай, Киров область пярояя комитети саноат чиқиндиларини ҳисобга олиш ва тақсимлашни йўлга қўйгани йўқ. Ваҳоланки, областда металлни қайта ишлаш ва ёғочни қайта ишлаш саноатининг кўплаб фойдаланилмаётган чиқиндилари мавжуд. Иваново, Саратов, Челябинск, Пенза ва Рязань областларида ҳам аҳвол ана шундай.

Кўпчилик областларда хом ашёнинг маҳаллий ресурсларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Маҳаллий саноат бир қанча корхоналарининг ва ҳунармандчилик кооперацияси артелларининг раҳбарлари ялли маҳсулот чиқариш бўйича (пул билан фойдаланганда) плани бажаришга интилиб, ассортимент бўйича плани бажаришни мутлақо унутиб қўймоқдалар ва нотўғри йўлга тушиб қолмоқдалар: ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва чиқинди-

лардан фойдаланиш ўрнига асосан буюртмачилар хом ашёсидан қimmatбаҳо буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар.

Район ижроия комитетлари маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясини ривожлантириш билан ёмон шуғулланмоқдалар ва ишлаб чиқаришни аҳолини маҳаллий хом ашёдан тайёрланган кенг истеъмол буюмлари билан тўла таъминлайдиган қилиб уюштириш ўзларининг иши эканлигини унутиб қўймоқдалар. Пенза областида 30 га яқин район саноат комбинати бўлгани ҳолда ой сайин жуда оз миқдорда ялпи маҳсулот чиқарилаётган экан, бу фақат район ижроия комитетлари раҳбарларининг эпизодлиги ва бу муҳим халқ хўжалиги иши билан жиддий шуғулланшини хоҳламаётганлиги оқибатидир. Албатта, бундай аҳволда аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжи қопдирилмайди, район саноат комбинатлари эса давлат маблагларини еб битирмоқдалар. Пенза область ижроия комитети корхоналарга раҳбарликни мустаҳкамлаш ҳақида яхши ғамхўрлик қилмаяпти. Раҳбарларнинг тез-тез алмаштириб турилишига йўл қўймоқда.

Уруш йилларида республикамиз шаҳарлари ва областларининг хўжаликлари тўхтовсиз ўсишда давом этди. Айниқса Поволжье, Урал, Ғарбий Сибирь районларида саноат ва шаҳар хўжалиги зўр ривожланди.

Свердловск, Новосибирск, Горький, Куйбишев, Челябинск шаҳарлари ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг йирик саноат марказларига айланди. Масалан, Новосибирскда уруш вақтида аҳоли 200 мингдан зиёд кишига кўпайди, корхоналар сонини кўп марта ошди. Шаҳар саноат корхоналари ялпи маҳсулотини 1939 йилдаги 500 миллион сўмликдан 1943 йилда 4 миллиард сўмликгача кўпайди.

Бир қанча область марказларида сансатнинг кўп даражада ўсиши область ижроия комитетлари ташкилий ишيني мураккаблаштирди. Чунки улар олдиди шаҳар қурилиши ишида ва ўсиб бораётган коммунал ҳамда уй-жой хўжалигига раҳбарлик қилишини яхшилашда янги вазифалар пайдо бўлди. Шу муносабат билан Куйбишев, Саратов, Свердловск, Челябинск шаҳарларини ва бошқа айрим шаҳарларни республика аҳамиятидаги шаҳарларга айлантириш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Бу шаҳарларда уй-жой ва коммунал хўжалигига ҳам, маҳаллий саноатга ҳам совет органлари томонидан раҳбарлик даражаси ортди.

Бир қанча областлар бўлиб юборилди. Янги областлар — Ульяновск, Курганск, Кемерово ва Астрахань областлари ташкил қилинди. Тўрт янги областнинг ташкил этилиши область ва шаҳар ижроия комитетларига районларга, саноат, қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилиши ва шаҳар ободончилигига раҳбарликни яхшилаш ва, бинобарин, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш имкониятини берди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети республика аҳамиятидаги

бир қанча шаҳарларнинг хўжалик аҳволини кўриб чиқиб, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида совет органлари ишнини яхшилашга қаратилган амалий чоралар кўрди.

Фашист босқинчиларидан озод қилинган районларда уй-жой ва коммунал хўжалигини тиклаш бўйича ишларнинг катта ҳажми иш ва республикамиз шаҳарларида шаҳар хўжалиги ва уй-жой қурилишини кенгайтириш бўйича катта ишларни ҳисобга олиб, Уй-жой граждан қурилиши халқ комиссарлиги тузилди. Бу халқ комиссарлиги ҳокимиятининг маҳаллий органларига қурилиш ташкилотларини кескин мустаҳкамлашда ёрдам бериши ва бу билан республика шаҳарларида уй-жой ва коммунал қурилиши ишнини яхшилаш керак.

Пировардида мен жуда муҳим масалага эътиборни жалб қилмоқчиман. Бир қанча область, ўлкаларнинг ижроия комитетлари ва автоном республикаларнинг халқ комиссарликлари қуйи совет органларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар, уларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатмаётирлар. Кўпгина районларда маҳаллий совет органларининг ташкилий иши бўш йўлга қўйилган. Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, шаҳар, район советларининг сессиялари мунтазам ўтказилмаётти. Советларнинг ишлари шунга бағиш қилиб қилинган.

Шуни тан олиш керакки, республика Халқ Комиссарлари Совети ҳам область, Ўлка ижроия комитетлари ишига ва автоном республикалар халқ комиссарлари советлари ишига ҳам эътибор берди, уларнинг ташкилий ишларини камдап-кам текширди ва уларга ҳамма вақт ҳам етарли ёрдам кўрсатмади.

Уруш йилларида совет органлари раҳбар ходимларининг кўпчилиги қисми ўзгарди. Кўпгина ходимлар совет аппарати ишига биринчи марта келдилар. Улар зарур тажрибага эга эмаслар ва совет қурилиши билан етарли даражада танишмаганлар.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ўз ҳузурда ташкилий-инструкторлик бўлимини тузди. Бу бўлим область, Ўлка ижроия комитетлари ва автоном республикаларнинг халқ комиссарлари советларига раҳбарликни яхшилашга ёрдам беради.

Депутат ўртоқлар! Республикамиз олдидан 1944 йилда муҳим ҳарбий-хўжалик вазифаларни турибди. Бу вазифаларни бажариш биздан зўр куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Шунга шубҳа йўқки, Россия Федерациясининг миллионлаб совет ватанпарварлари ўз фидокорона меҳнати билан республика хўжалигининг янада ўсишини ва давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар. Бу билан улар ёвуз немис-фашист босқинчиларини батамом тор-мор қилишдек буюк ишга катта ҳисса қўшадилар.

Қизил Армиямиз бутун совет халқи ёрдамида гитлерчи босқинчиларни батамом тор-мор қиладиган ва муқаддас ермизини улардан бутунлай тозалайдиган кун яқинлашмоқда.

ВАТАН ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЮДЖЕТИ

*СССР Олий Советининг XI сессиясида
1945 йил 25 апрелда
сўзланган нутқ*

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Совети ушбу сессиясининг иши бизнинг қаҳрамонна Қизил Армиямиз гитлерчилар Германияси пойтахти — Берлинга, герман империалистлари жаҳонни забт этиш ва кўпгина халқларни қириб ташлашни мўлжаллаб тузган қароқчилик планлари ишлаб чиқилган шаҳарга кириб борган ажойиб кунларда ўтмоқда.

Қизил Армия иттифоқчиларимизнинг қўшинлари билан биргаликда душманга қарши қақшатқич зарба бермоқда ва гитлерчилар Германиясини тор-мор қилиш ишини охирига етказмоқда. Совет Иттифоқи халқлари Ватанзимизнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган, жаҳондаги эркесвар халқларнинг манфаатларини кўзлаб, улғу озодлик урушини олиб бораётган ўз жонажон Қизил Армиясини қонуний ғурур билан мадҳ этмоқдалар.

Қизил Армия жангчилари Улуғ Ватан урушида халқларимизга қадимдан хос бўлган буюк ватанпарварлик, мардлик, шон-шухрат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар, халқларимизнинг шонли традицияларини бойлэтдилар.

Мамлакатимиз қарийб тўрт йил давом этган урушнинг мисли кўрилмаган синовларидан ўтиб янада мустаҳкам, кучли ва янада монолит бўлиб қолди.

Совет ҳокимияти ва социалистик экономика бизнинг ҳарбий қудратимизнинг душмандан устунлигини таъминлади. Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалиги Улуғ Ватан уруши даврида олдимизда турган вазифаларини тўла удаламоқда. Социалистик экономика ҳатто узоқ давом этган оғир уруш шароитларида ҳам хўжаликни ривожлантириш, ғоят катта қурилиш ишларини амалга ошириш имкониятини берди. Фашист босқинчиларига қарши улғу умумхалқ курашида совет кишилари ўз кучларини душман устидан ғалаба қилиш ишига чексиз садоқат билан бағишловчи ҳақиқий ватанпарвар эканликларини кўрсатдилар.

Халқ хўжалигининг тараққиёти ва совет халқининг қаҳрамонна меҳнат ғайратлари бизнинг давлат бюджетимизда ҳам ёрқин ифодасини топмоқда. 1945 йилда халқ хўжалигини ривожланти-

риш даромадларни ўтган йилдагига қараганда 37 269 миллион сўм ёки 13,9 процент кўпайтиришни таъминлайди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо бюджетга қўшимча маблағ тушишининг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

Сизнинг тасдиқишгизга қўйилган 305252 миллион сўм миқдордаги давлат бюджети маблағ тушадиган манбалардан тўла таъминланади. Давлатимизнинг 1945 йил даромадлари ҳарбий харажатлар учун, фашист босқинчилари вайрон қилган хўжаликларни тиклаш учун, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи, соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш учун ва ҳарбий хизматчиларнинг oilаларига моддий ёрдамни кўпайтириш учун маблағлар ажратишни ошириш имкониятини беради.

Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ахтпёжлари учун ажратилган 137,9 миллиард сўмни халқимиз маъқуллайди ва сизлар билан биргаликда, депутат ўртоқлар, бутун совет кишилари гитлерчилар Германиясини батамом тор-мор келтириш вазифаларига жавоб берадиган ана шу суммани қабул қилиш учун овоз берадилар.

Иттифоқ бюджетининг ўсишига мувофиқ РСФСР давлат бюджети ҳам ўсали. 1945 йилда Россия Федерацияси даромадлари 28 588 миллион сўмни таъкил қилати яъни иллагиган 14,5 процент кўп бўлади. Республика саноати бу йил 1944 йилдагига қараганда 16 процент кўп жамғарма бериши керак.

Республика бўйича даромадларнинг ортши харажатларни 5032 миллион сўмга ёки ўтган йилги харажатларга нисбатан 21,4 процентга кўпайтириш имкониятини беради.

1945 йилда РСФСР бюджетига социал-маданий тадбирлар, маориф, соғлиқни сақлаш учун 20 587 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда. Бу ўтган йил харажатларидан 19,4 процент ортиқдир.

Республика халқ хўжалигига ажратилган маблағлар ўтган йилдаги 3063 миллион сўмдан 3660 миллион сўмга, яъни 19 процентдан зиёд кўпаяди.

Гитлерчи қароқчилар РСФСРнинг халқ хўжалигига ва унинг оккупация қилинган районларидаги аҳолига ғоят катта зарар етказдилар. Шаҳарлар ва район марказларида уй-жой фонди қарийб 60 процент вайрон қилинган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган. Хўжаликнинг асосий тармоқлари бўйича саноат корхоналари ва транспорт деярли тўла ишдан чиқарилган.

Немис-фашист ваҳшийлари республикаимизнинг Воронеж, Смоленск, Орел, Новгород, Калуга, Калинин, Псков, Ростов-Дон сингари ва бошқа энг йирик шаҳарларни деярли батамом харобага айлантирдилар. Сталинград, Севастополь, Новороссийск, Керчь вайрон қилинди. Ленинградга оғир зарар етказилди. Ленинград областида, Қримда ва республиканинг бошқа районларида тарих ва жаҳон санъатининг қимматбаҳо ёдгорликлари вайрон қилинди.

Немислар оккупация қилган районларда социал-маданий муассасаларга катта зарар етказилди. 23 мингдан ортиқ мактаб яқсон қилинди ва зарарланди. 1600 дан зиёд касалхона, 3700 поликлиника ва бошқа бир қанча медицина муассасалари вайрон қилинди.

Оккупациячилар қишлоқ хўжалигимизга ҳам гоят катта зарар етказди. Колхозчиларнинг 1 миллиондан ортиқ уй-жойи яқсон қилинди ва қуйдириб юборилди. Колхозларнинг салкам 300 минг турли хўжалик иморати, 4 мингдан ортиқ тегирмон батамом ишдан чиқарилди. Колхозчилар ва колхозларнинг 2 миллиондан ортиқ оти, 4 миллион бошдан кўпроқ қора моли, 3 миллиондан ортиқ чўчқаси, 10 миллиондан ортиқ қўй ва эчкиси таланди ва йўқ қилинди.

Районлар оккупациядан озод қилингандан кейин дарҳол уй-жойлар, маиший муассасалар, мактаблар, касалхоналар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини тиклаш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ўтган давр ичйда РСФСРнинг озод қилинган районларида бузилган коммунал электр станциялар, водопровод ва трамвай хўжалигини қисман тиклаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Маҳаллий Советларнинг уйларида салкам 2 миллион квадрат метр турар-жой майдони тикланиб, одам яшайдиган аҳволга келтирилди. Колхозчиларнинг юз минглаб уй-жойлари тикланмоқда.

РСФСРнинг озод қилинган районларида республика саноати ва маҳаллий саноатнинг тикланган қисми 1944 йилда пул билан ҳисоблаганда 3,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Озод қилинган районларда экин майдони 1944 йилда олдинги йилдагига нисбатан 9 процент кўпайди. Қора моллар сони ортди. Кўпгина мактаблар ва маданий-маиший муассасалар тикланди. Шунини айтиб ўтиш қиёояки, 1944/45 ўқув йилида озод қилинган районларда салкам 35 минг бошланғич ва ўрта мактаб ишлаб турибди, уларда 4800 минг бола ўқимоқда.

Хўжаликлар ва маданий муассасаларни батамом тиклаш учун кўп меҳнат ва моддий маблағ сарфлаш талаб қилинади. Гоёт кўп миқдорда қурилмиш материаллари, металл, томга ёпиладиган материаллар ва ҳар хил ускуналар талаб қилинади.

Уй-жой ва коммунал хўжалик эҳтиёжлари учун берилаётган маблағлар 1944 йилда кўпчилик шаҳарларда ўтган йиллардагига қараганда яхши ўзлаштирилди. Фақат уй-жойларни жорий ва капитал ремонт қилиш бўйича 496 миллион сўмлик ёки 1943 йилдагидан 148 миллион сўмлик кўп иш бажарилди. Шу билан бирга 1944 йилда биринчи бор ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилди.

Иттифоқ саноати корхоналари шаҳар хўжалигига ёрдам кўрсатиб, уй-жой-коммунал хўжалик ва шаҳарлар ҳамда ишчи посёлкаларини ободонлаштириш учун бир қанча буюртмаларни бажармоқдалар. Шаҳарларнинг коммунал хўжалигига авиация саноати

халқ комиссарлиги, Қора металлургия халқ комиссарлиги, Тапк саноати халқ комиссарлиги, Қурол-яроғлар халқ комиссарлиги, Ўқ-дорилар халқ комиссарлиги ва бошқа халқ комиссарликларининг кўплаб корхоналари айниқса жиддий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўтган йил кўпгина шаҳарларда шаҳар ва коммунал хўжалигининг аҳволи яхшиланди. Ленинград, Свердловск, Горький, Саратов ва бошқа айрим шаҳарларда аҳолига коммунал хизмати кўрсатини юксалди. Бироқ республикада умуман коммунал хўжалиги аҳоли томонидан унинг олдига кўйилаётган талаблардан анча орқда қолмоқда. Бир қанча шаҳарларда, масалан, Пенза, Омск, Иркутск, Тамбовда коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш жуда қоқоқ аҳволда.

1945 йилда уй-жой ва коммунал хўжалик эҳтнёжлари учун ажратиладиган маблағларни янада кўпайтириш назарда тутилмоқда. Бу маблағлар 2 миллиард сўмдан зиёд суммада белгиланди ёки 1944 йилда қилинган харажатлардан 42 процент кўпдир.

Ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш ва ўзлаштириш, қурилиш ва ремонт ишлари планини бажариш мақсадида шаҳар-

ларнинг қишлоқ, кўчалар ва ускуналарни ишлаб чиқариш учун ўрнатиш базасини ташкил қилиш бўйича бир қанча тадбирлар кўриш керак. Заказларнинг бир қисmini маҳаллий саноат ва ҳунармандлик кооперацияси корхоналарида ишлаштириш, коммунал хўжалик корхоналарида унча мураккаб бўлмаган ускуналар ва эҳтиёт қисмларни ремонт қилиш ҳамда тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш устахоналарини вужудга келтириш зарур.

1945 йил бюджетда маориф ишини янада ривожлантириш белгиланмоқда. Фақат РСФСР бўйича ана шу мақсад учун харажатлар 10973 миллион сўмни ташкил қилади. Бу эса 1944 йилдагига нисбатан 2194 миллион сўм ортиқдир. Мўлжалланаётган маблағлар мактаблар ва билим юрлари сонини кўпайтириш, мактаб ишлари сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни яхшилаш бўйича 1944 йилда ҳукумат белгилagan тадбирларни амалга оширишни таъминлаш имкониятини бе ради.

Ётти ёшдан болаларни умумий таълимга жалб қилиш, мактабда 4 ва 7-синфларда битириш имтиҳонлари системасини жорий этиш, ўрта мактабни тамомлаганда етуклик аттестати учун имтиҳонлар топшириш ҳақида қабул қилинган қонун энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларни мукофотлаш учун олтин ва кумуш медаллар жорий қилинди.

1945 йил халқ маорифини янада юксалтириш йили бўлади. Қоғоз ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан бизда эндиликда мак-

табларни дафтарлар, ёзув ва мактаб асбоблари билан яхшироқ таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Маорифга ҳолат катта эътибор бериладиган бизнинг мамлакатимиздагина уруш даври шароитларида халқ маорифи ишини тўхтовсиз кенгайтириш ва яхшилаш мумкин.

1945 йил бюджет маблағлари мактаблар тармоғини урушдан олдинги даражага қўпайтириш имкониятини беради. Бунинг устига республикамизда фақат қўнғузги мактабларда ўқувчилар сонини 1944 йилдаги 14 миллиондан 15 миллионга етади.

1945 йилда болалар муассасалари тармоғини кенгайтиришни мўлжаллаб ажратилган маблағлар хизмат кўрсатишга аҳтиёжманлиқ бўлган барча болаларни болалар уйлари, боғчалари, яслиларига деярли рад қилмасдан қабул этишни таъминлайди.

1945 йил бюджетда кўзда тутилган маблағлар аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш ва ривожлантиришни таъминлайди. Халқ соғлиғини сақлаш ва медицина кадрларини тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар фақат Россия республикаси бўйича 7939 миллион сўмни ташкил қилади ёки 1944 йил харажатларига нисбатан 16 процент кўп бўлади. РСФСР бўйича касалхоналарда ўринлар сонини ўтган йилдаги 405 мингдан 435 мингга етказиш мўлжалланмоқда. Барча қишлоқ Советларининг қарийб 90 проценти ўз медицина пунктларига эга бўлади. Санаторияларда ўринлар сонини 1943 йилдаги 27 мингдан 60 мингга етказиш белгиланган. Бизда урушдан олдинги, 1940 йилда бўлган санаториялар ўринлари сонидан 92 процент ўринни бюджет ҳисобига сақлаш таъминланади.

1944 йил аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш йили бўлди. РСФСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг маълумотларига кўра, 1944 йилда республикамиз аҳолиси ўртасида касалланиш анча пасайди.

Ўз фидокорона меҳнати билан аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаётган, ўз қуч-қайратини Ватан ва халқ хизматиغا бағишлаётган медицина ходимларимизнинг катта хизматини қайдирилмасдан ўтиб бўлмайди.

Бироқ соғлиқни сақлаш соҳасида ҳали жуда жиддий камчиликлар мавжуд. Бир қанча даволаш муассасаларида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш паст даражада. Айрим шаҳарлар ва районларда, айниқса Мордовия Автоном республикасида, Курган, Тамбов, Рязань ва Пенза областларида аҳолига ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Доридармонлар билан, айниқса қишлоқ жойларни, таъминлашда узи-чишлар бўлиб турибди.

Маҳаллий Советлар ва соғлиқни сақлаш органлари олдида 1945 йилда даволаш ва болалар муассасалари қурилишини таъминлаш, уларда иш сифатини ошириш, шунингдек аҳолига медицина хизматини яхшилашдан иборат катта вазифа турибди.

РСФСР саноатининг иши ҳақида бир неча мулоҳазаларимиз бор. Республика саноати ва маҳаллий саноат ўтган йили ўз иш-ни яхшилади. 1944 йилда яли маҳсулот ишлаб чиқариш 1943 йилда ишлаб чиқарилган яли маҳсулотдан 18 процент ортди. Бу белгиланган планнинг 102,7 процентини ташкил қилади. Қизил Армия ва Флот аҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш анча яхшиланди. Ўқ-дорилар, ҳарбий буюмлар, обоз-хўжалик ва ҳарбий-ияженерлик буюмларининг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ортди. Ўқ-дориларнинг япада такомиллаштирилган турларини оммавий тарзда ишлаб чиқариш янгидан ўзлаштирилди.

Кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 1943 йилдагига нисбатан Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги бўйича 45,1 процент ва Хунармандчилик кооперацияси бошқармаси бўйича 32,2 процент кўпайди. Бироқ ишлаб чиқарилаётган айрим буюмларнинг сифати қониқарсиздир. Кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқараётган республика ташкилотларимиз, халқ комиссарликларимиз, шунингдек савдо ташкилотлари кенг истеъмол товарлари сифатини ошириш учун кескин кураш олиб боришлари керак.

Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш халқ комиссарликларидан ва меҳнатқаштар депутатлари Советларнинг ифтихор комитетларидан мезин ишларини яхшилашни, хўжаликларини рентабеллигини ошириш учун ва лобудгарчиликни тугатиш учун курашни кучайтиришни талаб қилади. РСФСРнинг республика ва маҳаллий хўжаликларида катта резервлар мавжуд. Буни маҳсулот таннархини камайтириш бўйича планнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди. 1944 йилда республика маҳаллий саноати таннархини 152,8 миллион сўмга камайтириши лозим эди. Ҳақиқатда эса 103,4 миллион сўм тежам олинди. Саноат халқ комиссарликларидан фақат Енгил саноат халқ комиссарлиги билан Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлиги таннархини камайтириш бўйича планни бажарган. Енгил саноат халқ комиссарлиги пландаги 58,3 миллион сўм ўрнига 65,4 миллион сўм тежам олган. Енгил саноат халқ комиссарлиги корхоналари ишлаб чиқарган барча товар маҳсулотининг таннархи пландагидан 31,2 миллион сўм кам бўлган. Тежашнинг асосий манбаи хом ашё ҳисобланади. Масалан, тикув саноати газламани бичишни рационаллаштириш ҳисобига хом ашё бўйича 26,5 миллион сўм тежам олган. Саноатнинг деярли ҳар бир тармоғида, айниқса, ўрмон саноати, қурилиш материаллари саноати, тўқимачилик ва баллиқ саноатида таннархини камайтиришнинг катта резервлари мавжуд.

Юкларни кичик дарёларда ташишни ривожлантириш маҳсулот таннархини анча камайтириш имкониятини беради. Оддий ҳисобларга кўра, юк ташиш мумкин бўлган дарёлардаги 500 минг километрлик масофанинг ҳақиқатда 100 минг километрдан камроғидан фойдаланилмоқда. Масалан, Вологда, Архангельск, Киров

областларидаги, шунингдек, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг областларидаги территорияларидаги ўтган кичик дарёларнинг узунлиги темир йўл узунлигидан 10 баравардан зиёдроқ ортиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ичкаридаги пунктлардан ташиб келтириш қийинлаштириб юборилган; ана шу пунктлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташийдиган қарийб ягона восита отулов транспорт ҳисобланади. Кичик дарёлардан эса фойдаланилмаётир. Кичик дарёларда бир тонна-километр юк ташини қийматли автомобиль транспортда юк ташиндан 6—8 баравар арзонга тушади. Автомобиль транспортга қараганда тахминан 6 баравар кам ёқилги сарфланади. Кичик дарёлари ўзлаштириш камёб материалларни кўп талаб қилмайди ва бу ишни маҳаллий ташкилотлар кенг миқёсда муваффақиятли амалга оширишлари мумкин.

1944 йил январда СССР Халқ Комиссарлари Совети кичик дарёлари транспорт юрадиган қилиб ўзлаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор кам тоннажлик флотни вужудга келтириш ва ривожлантириш ҳамда кичик дарёлари ўзлаштириш ишига асос солди. Шу қарорга мувофиқ РСФСР Халқ Комиссарлари Совети областлар учун 1945 йилга катерлар ва кемалар қуриш иланини, кичик дарёлари транспорт қатнайдиغان қилиб ўзлаштириш бўйича тадбирлар белгилади. Бу йил 400 катер, 42 минг тонна юк кўтариш умумий қувватига эга бўлган ўзи юрмас кемалар қурилиши керак ва кичик дарёларда камда 1,5 миллион тонна юк ташини вазифаси қўйилган. Кичик дарёлари ўзлаштириш учун бюджетдан 1945 йилда 30 миллион сўм ажратилади.

Республика саноати, маҳаллий саноат ва уй-жой-коммунал хўжалиги қиш ойларида ёқилги етишмаслигидан катта зарар кўрдилар. Бу эса бир қанча қорхоналарда маҳсулот таннархининг ортиб кетишига сабаб бўлди. Торф қазиб чиқаришни кўнайитириш учун имконияти бўлган торф саноатига жойларда ҳозиргача ҳам етарли эътибор берилмаётир, ваҳоланки, торфни брикет қилинганда у юқори калорияли ёқилги ҳисобланади. 1945 йил ёз даврида торф қазиб чиқаришни кўнайитириш бўйича катта ишлар қилиш зарур. Бу йил йилга 225 минг тонна қувватга эга бўлган 28 торф брикетлаш заводларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу торф брикетлаш заводлари қуришнинг дастлабки навбати ҳисобланади. Келаси йили бундай заводларни қуриш камда 3—4 баравар ортиши керак. Бунинг учун ҳозирдаёқ торф брикетлаш заводлари қурилиши учун хом ашё базаси ҳисобланган янги торф конларини ўзлаштиришга киришиш лозим. Ёқилги саноати халқ комиссарлиги олдида, шунингдек торф брикетлаш заводларини қурадиган пттифоқ халқ комиссарликлари олдида зарур ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифаси турибди. Шундай ускуналар бўлмаса, биз мамлакатда торф ишини олга силжитолмаймиз.

Депутат ўргоқлар! Бюджет комиссиясининг тузатишлари билан ҳукумат киритаётган, гитлерчилар Германиясини батамом тор-мор келтириш вазифасига жавоб берадиган ва мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлашни таъминлайдиган бюджетни тасдиқлашларингизни таклиф қиламан.

Совет халқи тўртинчи ҳарбий бюджетимиз ва 1945 йил халқ хўжалик планининг бажарилиши учун ўз меҳнат гайратини сарфлайди.

Мамлакатимиз Ленин байроғи остида душман устидан тўла ғалаба қозониш сари бормоқда. Ғалаба тантанаси кунини яқин қолди. Совет кишиларининг қалби оғир жангларда партия тарбиялаб чиқиқтирган ўз шонли Қизил Армияси билан фахр ила тўлиб тошмоқда.

МАМЛАКАТ ТИНЧ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

*РСФСР Олий Совети олтинчи сессияси
мажлисида
1945 йил 7 июнда
сўзланган нутқ*

Депутат ўртоқлар! Улуғ Ватан уруши ғолубона тугади. Энг кучли душман, уруш ва қароқчилик ташкилотчиси, эрксевар халқларнинг зулмкори — гитлерчилар Германияси тор-мор қилинди. Қизил Армия ва иттифоқчиларимиз қўшинларининг зарбаси остида қароқчи фашист давлати йўқ қилинди.

Шовли Қизил Армия мамлакатимизни немис-фашист босқинчиларидан батамом озод қилди. У Европанинг эзилган халқларини ҳам немис зулмидан қутқариб, буюк халоскорлик вазифасини адо этди.

Совет халқи Ватанини шараф билан ҳимоя қилган, рейхстаг устига Ғалаба байрогини тиккан қаҳрамон жангчиларни, ўз содиқ фарзандларини мадҳ этади. Бизнинг тарихий ғалабаларимизнинг буюк илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик партияга муҳаббатимиз ва миннатдорчилигимиз чексиздир.

Давлатимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида катта қурбонлар бердик. Ўз халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун ҳаётини бағишлаган қаҳрамонлар хотираси совет кишилари қалбларида абадий сақланади. Совет халқи фидокорона меҳнати билан, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш билан ҳалок бўлган ватандошлари шон-шухратини абадийлаштиради.

Уруш кунларида ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар улуғ Ленин партияси атрофига, ҳукуратимиз атрофига янада маҳкамроқ япиш-лашдилар. Большевиклар партияси урушнинг оғир йилларида совет халқини илҳомлантирди, унинг куч-ғайратини бирлаштирди, фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашини ташкил қилди. Совет Иттифоқи халқлари партиямиз раҳбарлиги остида Улуғ Ватан урушида беқиёс матонатга, мустаҳкам қатъиятга, душмани янчиш учун тўла ишончга эга эканликларини намоён қилдилар, фронтда ва фронтнинг орқа томонида оммавий қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Даҳшатли душман — фашизмга қарши яқдиллик билан оёққа турган Совет Иттифоқи халқлари орасида рус халқи тенги йўқ мардлик, жасорат ва меҳнат қаҳрамонликларини кўрсатиб, биринчи сафларда бўлди.

Уруш даврининг оғир шароитларида ҳам РСФСР территориясида саноат ўсишда давом этди. Ишлаб турган саноат корхоналари кенгайтирилди, янги саноат корхоналари, айниқса Урал, Сибирь районларида ва Волга бўйи областларида янги саноат корхоналари вужудга келтирилди. Фронт яқинидаги районлардан кўчириб келтирилган корхоналар қисқа муддатларда ишга туширилди.

Депутат ўртоқлар! РСФСР Олий Советининг V сессиясида бери ўтган вақт ичида республикамиз халқ хўжалиги 1944 йил учун тасдиқланган халқ хўжалиги плани ва давлат бюджетига мувофиқ тўхтовсиз ривожланди. Саноатнинг ҳарбий заказларини муваффақиятли бажарганлиги, қишлоқ хўжалигининг фронтни ва орқа томонни озиқ-овқат ҳамда хом ашё билан узлуксиз таъминлаб турганлиги — РСФСР Олий Совети V ва VI сессиялари ўртасидаги даврда энг муҳим халқ хўжалиги яқунларидир.

Республика саноати ва маҳаллий саноат 1944 йилда 1943 йилдагига нисбатан 18 процент кўп маҳсулот чиқарди. Район саноати муваффақиятли ривожланди.

Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси аҳоли учун саноат товарлари ва хўжалик буюмларини 1943 йилдагидан 38 процент кўп ишлаб чиқарилар.

1944 йилда ишлов хўжалиги асосий тармоқларининг иши яхшиланди. Қолхозлар ва совхозларда қора моллар ҳамда чўчқалар сони кўпайди, совхозлар иши яхшилаб бопланди.

Республика территориясида давлат ва кооператив савдои товар обороти 1943 йилдагига нисбатан 34 процент кўпайди.

Мактабларда ўқув ва тарбиявий ишлар сифати ортди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиши яхшиланди.

Республикамиз хўжалигида ўтган йили 845,3 миллион сўмлик, 1943 йилдагига нисбатан 74,1 процент кўп капитал ишлар амалга оширилди. Бу эса кўпгина саноат ва коммунал-маиший корхоналарини ишга туширишни таъминлади.

Ўтган йилнинг асосий иш яқунлари ана шулардир.

Улуғ Ватан урушининг ғолибона тугаллангани натижасида саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва коммунал хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун катта имкониятлар очилмоқда.

1945 йил учун РСФСР давлат бюджети республика хўжалиги ва маданиятини янада ривожлаштиришга маблағларни кўпроқ ажратишни назарда tutади. Россия республикаси даромадлари ўтган йилдагига қараганда 13,1 процент ортади. Харажатлар 4455 миллион сўмга кўпайди. Социал-маданий тadbирлар, маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари учун 20547,9 миллион сўм, ўтган йилдагидан 18 процент кўп маблағ ажратилади. Саноат, қишлоқ ва коммунал хўжалиги учун маблағ сарфлаш 23,2 процент кўпайди.

1945 йилда РСФСР қишлоқ хўжалигига катта маблағлар сарфланади. Маълумки, машина-трактор станцияларининг ишлаб чи-

қариш харажатлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича бошқа тadbирлар учун, совхозлардан ташқари, иттифоқ бюджети бўйича 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Бизнинг республика бюджетимизда қишлоқ хўжалиги бўйича ўтказиладиган тadbирларга ва кадрлар тайёрлашга 1200 миллион сўм ёки 1944 йилда сарфланганидан 293 миллион сўм кўп маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

Республика қишлоқ хўжалиги олдида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини қисқа муддатда тиклаш ва янада ривожлантиришга эришишдан иборат жуда муҳим вазифа турибди. Бу биринчи галда дон ва техника экинлари ҳамда чорвачиликка тааллуқлидир. Озод қилинган районларда қишлоқ хўжалигини тезроқ тиклаш алоҳида аҳамиятга эга.

1944 йилда республика қишлоқ хўжалигининг аҳволи 1943 йилдагига қараганда яхшиланди. Трактор ишлари планни 1943 йилдагига қараганда 12,4 миллион гектар ошириб бажарган машина-трактор станцияларининг яхши иши бунга ёрдам берди.

Кўкламги дала ишлари, экин парвариши, ҳосил йиғим-терими анча уюшқоқлик билан ўтказилди. Ўтган йили республика бўйича колхозлар ва совхозлар умуман ялпи маҳсулотни кўпайтиришга эришдилар ва давлатга дон ҳамда қанд лавлагини 1943 йилдагидан кўп топширдилар.

1944 йилда айрим областларда қишлоқ хўжалик ишлари планни бажарилмади. Далаларни ишлаш қоқиқарсиз ўтказилди. Меҳнат бўш ташкил қилинди. Кўпгина колхозчилар меҳнат кунни минимумини бажармадилар, натижада пландагидан кам ҳосил йиғиб олинди ва давлатга маҳсулот етказиб бериш бўйича қабул қилинган мажбурийят бажарилмади. Бу биринчи галда Олтой ўлкасига, Новосибирск, Куйбишев, Ульяновск областларига, Мордовия ва Татаристон АССРларга тааллуқлидир.

Иттифоқ ҳукумати, ВКП(б) Марказий Комитети 1945 йилда ҳосилдорликни бутун чоралар билан оширишни ва дон ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ялпи ҳосилини кўпайтиришни асосий вазифа қилиб қўйдилар.

Колхозлар, МТСлар ва совхозлар бу йил экин ишларини ўтган йилнинг баҳоридагига қараганда анча юқори даражада ўтказдилар.

Биринчи июнга бўлган маълумотларга кўра, колхозлар баҳорги экинларни ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 2,3 миллион гектар кўп экидилар. Бошоқли экинлар экиш планни 93 процент бажарилди. Кузгисини қўшиб ҳисоблаганда, барча экинлар йиғиб-териладиган майдон колхозлар бўйича 1944 йилдагига қараганда 3,5 миллион гектарга ортади. Картошка экиш, сабзавот экинлари, кунгабоқар, зигир ва бошқа техника ҳамда ем-хашак экинларини экин қўпаяди. Совет ва ер органларидан яқин кунларда экинни тугаллашни таъминлаш, экин парваришига, ўтоқ қилишга,

шудгорлашга алоҳида эътибор бериш, ҳосилни йнғиб-териш олишга тайёргарликни кенг ташкил қилиш талаб этилади. Бу ишда колхоз меҳнатини тўғри ташкил қилиш, ишчи кучидан тўла фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш жуда муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экиплари ҳосилдорлигини оширишда тўғри алмашлаб экиш, алмашлаб экиш бузилган жойларда уни қайта тиклаш, уруғчилик пшени яхшилаш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва бегона ўтга қарши кенг кўламда кураш олиб бориш, кузги шудгорлашни кўнайитириш катта аҳамиятга эгадир.

1944 йилда Россия Федерацияси бўйича чорва моллар сонини кўпайди. Колхозлар қора моллар бўйича давлат плавини бажардилар. Колхозчиларнинг шахсий фойдаланишида бўлган моллар сонини ортди.

Колхозлар 1944 йилда қиш учун 1943 йилдагига қараганда 5 миллион тонна кўп ем-хашак тайёрладилар, чорва қишлоқнинг анча уюшқоқлик билан ўтказдилар. Чорва моллар побудгарчилигини камайдилар, паст олиш кўпайди. Айрим областлар чорвачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришдилар. Москва, Калинин ва Тула областларида колхозлар маҳсулдор моллар айрим турларини ҳосилдор қилишнинг олтинчи даражасига эришдилар.

РСФСР Олий Советининг V сессиясида Олтой ва Красноярск ўлкаларида, Кемерово, Қурган, Новосибирск, Омск ва Челябинск областларида чорвачилик ишларининг ёмонлигини қайд қилинган эди. 1944 йилда улардан айримлари ишни яхшиладилар. Масалан, Челябинск области колхозлари қора моллар сонини 6 процент, кўйлар сонини 10 процент кўпайитирдилар.

Новосибирск, Кемерово, Омск областларининг ва Красноярск ўлкасининг Совет ва ер органлари бу танқиддан хулоса чиқариб олмадилар — чорвачиликни ривожлантиришда яхшиланиш бўлмади.

1943 йилда Горький области ҳақли равишда илғор область сифатида қайд қилинган эди, бироқ 1944 йилда чорвачиликни ривожлантиришда эришилган даража мустаҳкамланмади. Аксинча, чорвачиликнинг аҳволи ёмонлашди.

Горький область ижроия комитети, унинг ер органлари чорвачиликда аҳволни тузатиш учун шопилнич чоралар кўришлари керак.

Калуга, Куйбисhev областларида, Красноярск, Хабаровск ўлкаларида ва Мари АССРда маҳаллий органлар чорвачилик билан ёмон шуғулланмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги олдида 1945 йилда колхозлар ва совхозларда чорва моллар сонини кўпайитириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ургочи молларнинг қисир қоллишини ва молларнинг побуд бўлишини тугатиш, чорвачилик учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш вазифаси турибди.

Аҳолини озқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун паррандачилик сингари тармоқни тезроқ тиклаш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда РСФСРда инкубатор станцияларининг кенг тармоғи ташкил қилинди. Республикамиз маҳаллий саноати 1944 йилда ва 1945 йилнинг тўрт ойи ичида 4,5 миллион тухум ўрни бўлган 392 инкубатор тайёрлади. Давлат колхозларга гўшт етказиб бериш ҳисобига парранда топиширишдек фойдали шароит яратиб берди.

Айрим областларда инкубаторлар тухум билан тўла таъминланмаётганлиги тўғрисида шикоятлар тушмоқда. Шу муносабат билан кўпгина инкубатор станциялари ўз қувватидан етарли фойдаланмаётир. Бу маҳаллий совет органлари ишдаги жиддий камчиликдир. Инкубатор-паррандачилик станцияларини тухум билан таъминлашни дарҳол яхшилаш керак.

Бу йил олдимизда турган катта вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилаш талаб қилинади. Автоном республикаларнинг халқ комиссарлари советлари, область ва ўлка ижроия комитетлари қишлоқ хўжалиги билан кун сайин шуғулланишлари, районлардаги аҳволни яхши билишлари, қоқол колхозлар ва МТСлар ишини тузатиш учун ўз вақтида чора кўришлари, уларга ташкилий ёрдам кўрсатишлари ва улар фаолияти устидан зарур контроль ўрнатишлари керак.

Асосий уруғчилик районларида оккупациялар сабзавот уруғчилигига жиддий зарар етказдилар. Сабзавот экинлари ва илдизмевали озуқа етиштириш масалаларига 1945 йилда катта эътибор берилиши керак. Асосий уруғчилик областлари ва ўлкаларида яқин икки-уч йил ичида уруғчилик ишлари тикланмоғи керак. Сабзавот экинлари уруғи ҳосилдорлигини оширишга жиддий эътибор бериш лозим. Марказий ва Шарқий областларда сабзавот экинлари майдонлари кенгайтирилди.

Иттифоқ ҳуқумати Кузбасснинг, Свердловск, Нижний Тагиль, Челябинск шаҳарларининг ва бошқа шаҳарларнинг саноат марказлари атрофда шаҳар атрофи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича бир қанча қарорлар қабул қилди. Биз бу қарорларнинг бажарилишини таъминлаб, шаҳар меҳнаткашларининг картошка ва сабзавотга бўлган талабларини тўла, сут ва гўштга бўлган талабларини кўп даражада қондириш учун шаҳар атрофи хўжалиқларини кенг ривожлантиришга эришмоғимиз керак.

1945 йил халқ хўжалик планида саноатни янада ўстириб, 1944 йилдагига қараганда 8,2 процент ошириш мўлжалланади.

Тасдиқлаш учун қўйилмаётган бюджет саноат ўсишини таъминлаш топиширишга мувофиқ тузилган. Республика саноати ва маҳаллий саноат 1944 йилда ўз мажбуриятини бажарди. 1944 йил давлат бюджети даромадларида кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган саноат жамгармаси катта ўрин олди. Утган йили кенг

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўпайди: 1926/27 йилдаги нархларда 8,6 миллиард сўмликдан зиёд ёки планга нисбатан 110 процент ва 1943 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 138 процент товар ишлаб чиқарилди.

Аҳоли эҳтиёжлари учун саноат буюмлари номенклатураси анча кенгайди. Урушнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқаришдаги олиб қўйилган бир қанча буюмлар янгидан ишлаб чиқарила бошланди. Айрим янги турдаги буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Озод қилинган районларда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш муваффақиятли равишда тикланмоқда. Бу районларда 1944 йилда фақат Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги, ҳунармандчилик кооперацияси ва инвалидлар кооперацияси корхоналари 1634 миллион сўмлик саноат буюмлари ишлаб чиқардилар. Ўтган йили республиканинг кўпгина шаҳарлар ва областлари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш планини ошириб бажардилар. Ленинград, Москва шаҳарлари, Москва, Тула, Ярославль, Иваново, Горький, Киров, Свердловск ва Новосибирск областлари яхши натижаларга эришдилар. Бир қанча областларда янги тикув фабрикалари, трикотаж устaxonалари ишга туширилди, кўп сонли

кўпгина саноат корхоналари тикланди.

Давроқ овоз кенг истеъмол товарларини ҳали ҳам кам ишлаб чиқармоқдамиз, чиқарилаётган товарларнинг сифати пастлигича қолмоқда. 1945 йилда аҳоли учун саноат товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш масалалари автоном республикалар халқ комиссарлари советлари, область ва ўлка ижроия комитетлари ишида асосий ўрин тутуши керак. Пенза, Тамбов, Ульяновск, Куйбишев, Чкалов, Қурган областларининг, Краснодар ўлкаси ва Доғистон АССРнинг совет органлари айниқса катта иш қилишлари керак.

Тинч қурилишга кўчиш шу йилнинг ўзидаёқ кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга катта имкониятлар беради. Ҳарбий заказлар тўхтатилиши муносабати билан саноат олдига урушдан олдинги ассортиментда товар чиқариш учун ишлаб чиқаришни тезроқ қайта қуриш вазифаси қўйилган. Бу ишга тайёргарлик июнь ойи ичида батамом тугалланishi керак. Учинчи квартал планида кенг истеъмол товарлари ассортиментини анча кенгайтириш ва уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Саноатни урушдан олдинги ассортимент товарларини ишлаб чиқарадиган қилиб қайта қуришда маҳсулот сифатига жиддий эътибор бериш керак. Бунинг учун, аввало, маҳаллий саноатнинг кўпгина корхоналарида ва ҳунармандчилик кооперацияси артелларида мавжуд бўлган жиддий камчиликларни йўқ қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, барча корхоналарда кенг истеъмол товарларига техник шартларни тиклаш керак.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети маҳаллий саноат корхоналарида, ҳунармандчилик кооперацияси артелларида ва пивалдлар кооперациясида техника контроли бўлимини тиклашни, майда корхоналарда эса сифатли маҳсулот чиқариш учун жавобгар шахслар ажратилишини тақлиф қилди. Техника контроли бўлиминининг бошлиқлари маҳсулот сифати учун заводларнинг бош инженерлари ва директорлари билан бир қаторда тўла жавобгардирлар. Мастернинг фақат миқдор топшириғи учун эмас, балки технология интизомига риоя қилиш ва маҳсулот сифати учун ҳам жавобгарлиги оширилиши керак.

Кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари кўпинча аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмайдилар. Кам сотиладиган ва сотилмасдан ётадиган, бироқ уларни муттасил баҳолар бўйича реализация қилганда фойдалан ҳисобланган буюмлар ишлаб чиқаришни афзал кўрадилар. Кўпинча товар ишлаб чиқариш бўйича программаси бўлган корхоналарнинг раҳбарлари бошқа заводлар ва корхоналардан оладиган хом ашёдан қиммат турадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдек енгил йўлини танлайдилар ва шу тариқа программани янги маҳсулот бўйича бажариш учун ҳисоб берадилар, бунда программани белгиланган ассортимент бўйича бажармайдилар. Бу ҳол энг зарур буюмлар чиқаришни камайтирибгина қолмай, балки чиқарилган товарларнинг сотилмаслигига, савдо шохобчалари ва корхоналарнинг омборларида тўпланиб қолишига олиб келади. Ассортимент бўйича планни қатъий бажариш ҳар бир корхона учун қонун бўлиши керак. Бу соҳада ҳеч қандай бўшапувчанликка йўл қўймаслик лозим.

Автоном республикаларнинг халқ комиссарлари советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида мунтазам иш олиб боришлари зарур. Брак ва маҳсулотнинг паст сифати халқ хўжалигига зарар етказди ва саноатнинг қиймат бўйича планни бажармаслигига сабаб бўлади. Ҳар бир корхона фақат аъло сифатли маҳсулот чиқариши керак. Унинг фабрика маркаси истеъмолчига таниш бўлиши лозим. Ўз фабрикаси маркаси учун курашиш ҳар бир корхонанинг шарафли иши бўлмоғи керак. Корхоналарнинг жамоат ташкилотлари бу муҳим ишда катта роль ўйнашлари лозим. Паст сифатли ва брак маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг раҳбарлари жазоланмоғи лозим. Маҳсулот сифатини яхшилаш ишида савдо ташкилотлари катта роль ўйнаши керак. Улар корхоналар олдига маҳсулотни урушдан олдинги намуналарда топшириш талабини қўйишлари лозим. Савдо шохобчаларига паст сифатли маҳсулот келиб тушишига йўл қўймаслик керак.

Ишлаб чиқарилаётган товарларни реализация қилишни тартибга солиш лозим. Корхоналар тайёрлаган саноат товарларини сотиш учун фақат савдо ташкилотларига топшириш даркор. Товарларни реализация қилишнинг белгиланган тартибни бузувчи-

ларга қарши кескин кураш олиб бориш керак. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ўз ишлаб чиқариш учун алоқадор бўлмаган заказларни қабул қилиш тақиқлаб қўйилмоғи лозим.

РСФСР Госплани областларда кенг истеъмол товарлари учун мавжуд бўлган нархларни текшириш билан пугулланиши, корхоналарнинг аҳоли учун энг зарур товарларни ишлаб чиқаришдаги манфаатларини ҳисобга олиб, тадбирлар ишлаб чиқиши керак.

Аҳоли учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш янги ишчи кучини жалб қилишни талаб этади, бу кучни эса ўқитиш зарур. Илгарги ҳарбий заказларни бажаришда банд бўлган ишчиларнинг кўп қисмининг малакасини ўзгартириш керак. Корхоналарнинг раҳбарлари ишчилар учун зарур маданий-маиший ва уй-жой шароитларини яратиб бериш ҳақида гамхўрлик қилишлари лозим. Бунингсиз ишчиларни жалб қилиб бўлмайди ва уларни корхоналарга бирктиб қўйиб бўлмайди.

Республикамиз уй-жой хўжалиги уруш йилларида қаттиқ зарар кўрди. Озод қилинган районларда турар-жой аҳоли жуда оғир. Гитлерчи босқинчилар шаҳарлар ва район марказларида саткам 60 процент уй-жой майдонини, қишлоқ жойларда эса кол-

орқа томондаги областлар шаҳарларида уруш вақти қилинган ишчилари тўғайли уй-жой қурилиши зарур ҳажмларда олиб борилди. Бу ерда асосий эътибор уй-жойларни сақлаб қолишга ва шаҳарларни ободонлаштиришга қаратилди. Ҳукумат уй-жой хўжалигига имконияти борича маблағлар ва материаллар билан ёрдам кўрсатди. Уй-жойларни ремонт қилиш ва шаҳарларни ободонлаштириш учун 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Утган йили фақат уй-жой ремонтини учун 496 миллион сўм ажратилган эди. Уруш йилларида биринчи марта ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилди.

Иттифоқ ҳукумати ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети озод қилинган областларда ва орқа томондаги областларнинг кўпгина шаҳарларида шаҳар хўжалиги, уй-жой ва коммунал хўжаликнинг аҳолини махус қараб чиқдилар. 38 шаҳар — Калинин, Саратов, Смоленск, Қозон, Челябинск, Новгород, Свердловск, Тамбов ва бошқа шаҳарларнинг уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободончилигини яхшилаш бўйича махус қарорлар қабул қилинди.

Озод қилинган областларда уй-жойларни тиклаш ва ремонт қилиш бўйича катта ишлар авж олдириб юборилди. Шу областларнинг шаҳарларида қарийб 2 миллион квадрат метр уй-жой майдони тикланди ва одам яшайдиган ҳолга келтирилди. Бу эса кишиларни ертўлалардан ва зах подваллардан кўчириш имкониятини берди.

Шуни қайд қилиш керакки, озод қилинган областларнинг шаҳарларида ана шу давр ичида уй-жой капитал қурилишини олиб

боролмадик. Материаллар ва ускуналарнинг етишмаслиги туфайли асосий эътибор биринчи галда тиклаш ишларига ва уй-жойларни ремонт қилишга қаратилди.

Бошпанасиз қолган колхозчиларни уй-жой билан таъминлаш вазифаси ҳали тўла ҳал этилгани йўқ. Давлат колхозчиларга уй-жой қурилиши учун зарур бўлган кредит, асбоблар ва буюмлар билан катта ёрдам кўрсатмоқда. Қишлоқ ва овулларда колхозчилар учун кўплаб уйлар қурилди. Бироқ кўпгина районларда минглаб кишилар ҳали огир уй-жой шароитида яшамоқдалар. Смоленск областида 130 мингдан ортиқ уй, Орлов областида 100 мингдан ортиқ, Калинин областида 88 мингдан ортиқ, Брянск областида 83 мингдан ортиқ, Курск областида 82 мингдан ортиқ уй ёндириб юборилган. Бошқа областларда ҳам аҳвол ана шундай.

Маҳаллий Совет органларининг энг муҳим вазифаси колхозчилар учун кенг қўламда уй-жой қурилишини таъминлашдан, бу йил ўтган йилдагига қараганда анча кўн уй қуришдан иборатдир. Қишда ертўлада қолган бирон оила бўлмаслиги керак.

Ҳамма шаҳарларда уй-жой фондиди ремонт қилиш бошланди. 1945 йилда маҳаллий Советлар уйлари ни капитал ва жорий ремонт қилиш учун бюджетда 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ кўзда тутилмоқда. Янги уй-жой қуриш ва эскиларини тиклаш учун ажратиладиган маблағ 349 миллион сўмни ташкил этади. Шаҳар ижроия комитетлари ва уларнинг уй-жой органлари 1945 йилда уй-жойларни капитал ва жорий ремонт қилиш планларини РСФСР Халқ Комиссарлари Совети белгиллаган муддатларда, ишнинг юқори сифатида амалга оширилиши билан бажаришни таъминлашлари керак.

Бу йил барча шаҳарларда ободонлаштириш бўйича катта тадбирлар ўтказилмоқда. Озод қилинган областларнинг шаҳарларида бу йил фақат РСФСР қарамоғида бўлган хўжаликлар бўйича уй-жой коммунал ва маъший қурилиш соҳасида салкам 420 миллион сўмлик, Ленинград шаҳрини қўшганда эса 570 миллион сўмликдан зиёд, шу жумладан уй-жой хўжалиги бўйича 250 миллион сўмликдан зиёд иш бажариш белгиланган.

Қурилишнинг белгиланган плагини муваффақиятли бажариш учун икки шарт бўлиши: мустаҳкам ва батартиб қурилиш ташкилоти ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун салмокли база бўлиши зарур.

Ҳозирга қадар озод қилинган районларда тиклаш ишлари асосан вайрон қилинган бинолардан бузиб олинган гиштлардан фойдаланиш ҳисобига оlib борилди. Вайрон қилинган бинолар томига ёпилган материаллардан, майдаланган тошдан кўп миқдорда фойдаланилди ва ёғоч материаллари кенг қўлланилди. Маҳаллий Совет органлари қурилиш материаллари корхоналарини тиклаш ва янгиларини қуриш билан етарли тарзда шуғулланмадилар. Натижада кўпгина районларда қурилиш материаллари

етишмовчилиги сезилмоқда. Шунинг учун қурилиш ишлари тўхтаб қолмоқда.

Фашист босқинчилари фақат РСФСР қурилиш материаллари халқ комиссарлиги системасида 1,8 миллиард дона гишт чиқариш умумий қувватига эга бўлган гишт заводларини ва 750 миң тонна оҳак тайёрлаш қувватига эга бўлган оҳак заводларини вайрон қилдилар. Вайрон қилинган корхоналарни тезроқ тиклаш ишларини таъминлаш учун зарур бўлган даражада қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эришиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

1944 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражанинг фақат 15—25 процентини ташкил қилди. Ўтган йил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш пилани ҳатто гишт, черепица, оҳак, ганч сингари асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича ҳам бажарилмади. Озод қилинган районларда гишт бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш тешириги атиги 38 процент бажарилди.

Қурилиш материаллари саноатининг орқада қолишига Қурилиш материаллари саноати халқ комиссарлиги ва область ижроия комитетлари корхоналарга бўш раҳбарлик қилганликлари сабаб бўлди. Бу раҳбарлик қилганликларининг натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ишдан-ишга каматиб кетмоқда, қурилиш материаллари корхоналари ниҳоятда қолоқ аҳволда, ишчи кучлари кўнимсизлиги катта корхоналар ёқилги билан таъминланмаган. Бошқирдистот АССР Халқ комиссарлари Совети 1944 йилда қурилиш материаллари корхоналари иши ҳақидаги масалани бирор марта ҳам қараб чиққани йўқ. Киров, Курск, Омск ва бошқа областлар ҳамда Чувашия АССРда ҳам қурилиш материаллари саноати билан ёмон шуғулланмоқдалар.

Маҳаллий Совет органлари олдида маҳаллий хом ашё базасида гишт, оҳак, қурилиш гипси, черепица, цемент, турли хил қурилиш деталлари ишлаб чиқаришни вужудга келтириш вазифаси турибди.

Область, ўлка ижроия комитетлари ва автоном республикаларнинг халқ комиссарлари советлари қурилиш материаллари корхоналарининг иши билан кун сайин шуғулланишлари, уларга ёрдам кўрсатишлари, уларнинг хўжалик базаларини мустаҳкамлашлари, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни эҳтиёжни тўла қондирадиган даражада ривожлантиришга эришишлари керак. Бу муҳим вазифа асосан яқин икки йил ичида ҳал қилиниши лозим.

Томга ёпадиган материалларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериш зарур. Кўпгина шаҳар уйларининг томларига ёпилган материалларни алмаштириш талаб қилинади. Шаҳарларда уй-жой ва саноат қурилиши янгидан йўлга қўйилиши муносабати билан томга ёпиладиган материалларга бўлган эҳтиёж янада катта

даражада ортади. Халқ хўжалигини томга ёппладиган материаллар билан таъминлаш учун черепица ишлаб чиқаришни ривожлантириш керак. Черепица томга ёпиладиган допмий материал ҳисобланади. Черепица ишлаб чиқаришни ҳар бир районда йўлга қўйиш мумкин. У қimmatбахо махсус ускуналар бўлишини, катта маблаг сарфлашни талаб қилмайди. Ҳар бир қолхоз ва маҳаллий саноат ҳамда ҳунармандчилик кооперациясининг майда корхоналари черепица ишлаб чиқара олиши мумкин. Биз маҳаллий Совет органлари олдига қишлоқ жойларида похол томларни черепица билан алмаштиришни вазифалардан бири қилиб қўйишимиз лозим.

Сўзга чиққан бир қанча депутатлар РСФСР Қурилиш материаллари саноати халқ комиссарлиги ишини тўғри танқид қилдилар. Халқ Комиссарлари Совети депутатларнинг халқ хўжалигининг бу муҳим тармоғига моддий ресурсларни кўпроқ сафарбар қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифларини ҳисобга олади. Бироқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни юксалтиришга маҳаллий органларнинг ёрдами билангина эришиш мумкин. Ёишт, черепица, оҳак сингари қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни авж олдириш, шубҳасиз, маҳаллий органларнинг иши билан мустаҳкам боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда хўжалик қурилишида, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашда Советларнинг роли анча ортади. Шу билан бирга маҳаллий Советлар аҳоли ҳақида гамхўрликни кучайтиришлари: кенг истеъмол товарларнинг тобора кўпроқ ишлаб чиқарилишига эришишлари, уй-жой хўжалигида тартиб ўрнатишлари, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишлари, маъший муассасалар ва корхоналарнинг намунали ишини йўлга қўйишлари, Улуг Ватан уруши инвалидлари ҳақида, етим қолган оилалар ҳақида гамхўрлик қилишлари, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ишига катта эътибор беришлари керак.

Бу ва бошқа вазифаларни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан маҳаллий Советларнинг ташкилий иши қандай қўйилганлигига боғлиқ. Айрим область ижроия комитетлари ижронини контроль қилиш ва текшириш ишига етарли баҳо бермайдилар, район, шаҳар ижроия комитетлари ҳисоботларини камдан-кам тинглайдилар, ўз қарорларнинг бажарилишини текширишни бўш уюштирадидилар ва шу тариқа кўпинча жойлардаги аҳволни билмайдилар. Кўп ҳолларда ижронини ҳақиқатда текшириш ўрнига расмий справкалар билан чекланадилар.

Улуг Ватан уруши йилларида Совет органларига совет ишида старли тажрибаси бўлмаган минглаб янги кишилар кўтарилиди. РСФСР бўйича район ва шаҳар ижроия комитетлари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва секретарлардан салкам 30 процентини совет ишида бир йилдан кам стажга эга; қишлоқ ва посёлка советлари раислари ва секретарларининг 65 процентдан кўпроғи совет

ишида икки йилдан кам ишлаган. Бу ходимлар донмий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга, тайёргарликнинг кенг ва ўйлаб тузилган системасига муҳтождирлар.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 56 область, ўлка ва автоном республикаларда раҳбар совет кадрлари учун курсларнинг долмий тармогини ташкил қилди. Ўтган йили қишлоқ, район ва шаҳар советлари раислари ва уларнинг ўринбосарларидан 9100 киши уч ойлик ва олти ойлик курсларни тамомлаб чиқдилар. Ҳозирги пайтда курсларда 2800 киши ўқимоқда.

Совет кадрларини амалий ишда кун сайин тарбиялаш, бу ходимларга авайлаб муносабатда бўлиш, уларнинг умумсиёсий ва амалий билим даражасини кенгайтиришда қўмаклашиш, ташаббусини ривожлантириш ва рағбатлантиришга интилиш керак.

Депутат ўртоқлар! Қудратли мамлакатимиз тинч ривожланиш даврига, буюк қурилиш даврига шавкатли қадам қўймоқда.

Совет халқи душман вайрон қилган хўжаликларни тезроқ тиклаш ва социалистик экономикани янада ривожлантириш ишига ўз иккунчи куч-гайратини сафарбар қилди. У янги кучлар билан социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлайди ва шон-шухратини оширади.

ЕНГИЛ САНОАТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

*КПСС XIX съездида 1952 йил 9 октябрда
сўзланган нутқдан*

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг Ҳисобот докладыда Совет Иттифоқи эришган оламшумул-тарихий галабалар кўрсатилган ва партия ҳамда мамлакат олдига коммунистик қурилишнинг янги вазибалари қўйилган.

Партиямиз, совет халқи ВКП(б) XVIII съезидан бери ўтган вақт ичида шонли қахрамонона йўл босиб ўтдилар. Ленин таълимоти билан қуролланган партия Ватанамиз халқларини Улуг Ватан урушининг даҳшатли синовларидан ғолибона олиб ўтди. Қисқа муддат ичида мамлакат уруш етказган оғир жароҳатларни тuzатиб олди ва ўз тараққиётида гоят катта муваффақиятларга эришди.

Партия, ҳукумат мамлакатимиз меҳнаткашларининг моддий аҳволини доимо яхшилаш, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтириш ҳақида ҳормай-толмай гамхўрлик қилмоқдалар. Замонавий техника билан қуролланган йирик тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, мўйна, поёафзал, кўнчилик корхоналари барпо қилинди. Сунъий ва синтетик тола, кўн ўрнида ишлатиладиган материаллар ошлайдиган экстрактлар ишлаб чиқарадиган ва луб экинларини дастлабки ишлаш бўйича янги тармоқлар ривожланмоқда. Кейинги йилларда енгил саноатнинг кўпгина корхоналари янги техника базасида қурилди ва реконструкция қилинди. Урушдан кейинги даврда енгил саноатда 170 мингдан ортиқ янги станок ва машина ўрнатилди. Корхоналарни реконструкция қилиш биринчи навбатда чиқарилаётган маҳсулот бирлиги учун меҳнат харажатларини мунтазам қисқартириб боришни таъминлашга ва ишлаб чиқариш процессларини янада механизациялаштириш ва автоматлаштириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг технологик процессини яхшилашга қаратилган.

Мисол учун, пп-газлама саноатини олайлик. Яқин вақтгача у эски, кам унум мюль машиналарида ишлар эди. Эндиликда улар ўрнига тўрт баравар кам жой эгаллайдиган юксак унумли янги йигирув машиналари ўрнатилди. Улардаги урчуқларнинг унумдорлиги мюль машиналаридагига қараганда 60—65 процент ортиқ-

дир. Йигирув фабрикаларида янги ускуналар ўрнатилиши билан асосий машина операцияларининг миқдори 12 тадан 6 тагача қисқаради.

Тўқув фабрикаларида эски механик станоклар автомат стапоклар билан алмаштирилмоқда. Бу эса тўқувчиларнинг меҳнат унумдорлигини 1,5—2 баравар ошириш имконини беради.

Трикотаж саноати корхоналарини техника билан жиҳозлашда тубдан ўзгаришлар юз берди. Сунъий тола саноати янги техника ва янги технология асосида реконструкция қилинмоқда. Шунинг натижасида сунъий тола чиқариш 1940 йилдагига қараганда 4,5 баравар кўпайди.

Саноатнинг пойафзал, тикув, трикотаж, мўйна ва кўн-галантерея тармоқларидаги кўпчилик корхоналарда конвейер-поток системасига кўчилди. Бу эса пойафзал саноатида меҳнат унумдорлигини 20 процент, мўйна саноатида 40 процентгача ва тикувчилик саноатида 30 процентгача ошириш имкониятини берди.

Енгил саноатни муваффақиятли тиклаш ва янада ривожлантириш натижасида газлама, пойафзал, трикотаж ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда урушдан олдинги даражадан анча ўзиб кетилди. 1952 йилда енгил саноат маҳсулотини чиқариш урушдан олдинги даражадан 100 процентга кўпайди. Газлама чиқариш 62 процент, трикотаж буюмлари чиқариш 60 процентдан зиёд, шойни чиқариш 3 баравардан зиёд ортади.

Енгил саноат ходимлари партия ва ҳукуматнинг енгил саноат товарлари ишлаб чиқаришини ошириш ва кўпайтириш ва чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажара бориб, урушдан кейинги йилларда чиқарилаётган буюмлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, сортини ошириш ва ташқи безанини яхшилаш мақсадларида саноатни қайта қуриш бўйича катта иш қилдилар. Енгил саноатнинг Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган ишлаб чиқариш новаторлари ўз ижодий ташаббуслари билан аъло сифатли маҳсулот чиқариш учун, хом ашё ва материаллардан тежаб фойдаланиш, ҳар бир ишлаб чиқариш операциясида таннархни камайтириш учун ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ажойиб ҳаракатини вужудга келтирдилар.

Енгил саноат маҳсулот сифатини яхшилаш ва буюмлар ассортиментини кенгайтиришда маълум натижаларга эришди. Бироқ бизда бу ишда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар мавжуд. Биз бу камчиликларни тугатишимиз керак.

Енгил саноатнинг айрим корхоналарида ҳали кўплаб сортини паст маҳсулотлар чиқарилмоқда. Чиқарилаётган маҳсулотлар сифати соҳасида давлат интизоми бузилмоқда.

Тикувчилик саноатида катта ишларни амалга ошириш, тикув буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тикув сифатини ошириш ва моделлаштириш ишини яхшилаш талаб қилинади. Бизда

шарқий районларда, Уралда ва Ўрта Осиёда тикувчилик саноати бўш ривожланган. Биз тикувчилик саноати маҳсулотларини ана шу районларга ташиб келтиришга мажбурмиз. Бешинчи беш йилликда кўпчилик областларда тикувчилик корхоналарини барпо қилиш ва тикувчилик товарларини узоқ жойлардан ташиб келтиришни энг кам даражагача қисқартириш зарур.

Бизнинг ип-газлама, жуи газлама, шойи, зигир толасидан тўқилган газламаларимиз, трикотаж буюмларимиз, пойафзалимиз мустаҳкам ва пишиқ ҳисобланади. Бироқ бир қанча буюмларнинг ташқи безаги кўрimsиздир. Агар яқинда енгил саноатнинг кўпгина буюмлари камёб ҳисобланган бўлса, ҳозирги пайтда ана шу буюмларнинг кўп қисми сотувда етарли миқдорда мавжуддир. Бу ҳол саноатимизни ишни яхшилашга, совет истеъмолчиларининг тобора ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш учун саноатимиз ишини янги ассортиментда янада чиройлироқ, пишиқроқ товарлар чиқарадиган қилиб қайта қуришга кўпроқ мажбур этмоқда. Шунинг учун ҳам пардозлаш соҳасида катта иш қилиниши ва енгил саноат барча буюмларини пардозлашнинг сифатини яхшилашни таъминлаш керак.

Тўқимачилик саноати тармоқларида очиқ гулли ва ранги айинмайдиган газламалар чиқариш кенгаймоқда. Буларнинг ҳаммаси янги бўёқлар, асосан сира айинмайдиган ва очиқ рангли бўёқлар чиқаришни ташкил қилишни талаб этади. Шунингдек, газламага ранги айинмаслик, сувга чидамлилиқ ва киришмаслик хусусиятларини берадиган, газламанинг сифатини оширадиган бир қанча янги химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва синтетик толалар ишлаб чиқариш учун хом ашё чиқаришни анча кенгайтириш зарур.

Биз енгил саноатнинг сотувчи ташкилотлари ишини яхшилашимиз, барча областлар, ўлкалар ва республикаларга товарларни расомади билан етказиб беришга эришишимиз керак. Савдо ташкилотлари билан биргалликда истеъмолчиларнинг товарларга бўлган талабларини кенгроқ ўрғанишни таъминлаб, саноатни истеъмолчи учун зарур буюмларни ишлаб чиқарадиган қилиб ўз вақтида қайта қуришга эришишимиз зарур.

Янги беш йиллик план енгил саноатнинг барча тармоқларини реконструкция қилишни, уларни энг янги техника билан жиҳозлашни, машиналарни янада кенгроқ автоматлаштириш ва агрегатлаштиришни, ускуналар тезлигини янада оширишни назарда тутмоқда.

Ишлаб чиқаришни энг янги техника асосида тўхтовсиз такомиллаштириш саноатни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартидир. Бизга умуман машиналар эмас, балки энг илгор техника машиналари керак. Бу машиналар меҳнат унумдорлигини янада ўстириш талабларига жавоб бериши, мураккаб ва қимматли ассортиментдаги маҳсулотларни тайёрлаш имкониятини таъминла-

ши ва бу машиналар ишлаб чиқаришда ишчи меҳнатини янада энгиллаштириш лозим.

Енгил саноат олдда маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида турган вазифалар машинасозлик заводлари янги турдаги машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришларини ва уларни сериялаб чиқариш плавларини ўз вақтида бажаришларини қатъий талаб қилади.

Ҳозир енгил саноатни хом ашёнинг айрим турлари билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Совет пахтачилиги олинаётган пахта ҳосилини йилдан-йилга кўпайтириб, юксалиб бормоқда. Бу беш йилликда пахта етиштиришни янада кўпроқ ўстириш назарда тутилмоқда.

Бироқ пахта тозалаш билан боглиқ бўлган масалаларни четлаб ўтиб бўлмайди. Пахтачилик министрлиги тайёрланган пахта билан белгиланган муддатларда тозалашни уддалай олмайётган пахта тозалаш саноатининг иши билан ёмон шугулланмоқда. Техник жиҳатдан бу масала аллақачаноқ ҳал этилган. Бизнинг пахтамыз толасининг узунлиги жиҳатидан ҳам, ингичкалиги жиҳатидан ҳам жаҳонда энг яхши пахта ҳисобланади. Гап шундаки, пахтачилик министрлиги заводларда пахта тозалаш бўйича ишни чинакампане тарзида бажариш керак. Дарҳақиқат, пахта тозалашнинг сифати ёмонлашди, туқимачилик фаорикаларига аса мунтазам равишда жуда кўп даражада инфлосланган пахта етказиб берилмоқда. Бу ҳол саноат ишининг сифат кўрсаткичларини пасайтиради.

Пахтачилик министрлиги пахта тозалаш заводлари ишини яхшилаши, шунингдек, юқори сортли пахта тайёрлашни янада кўпайтиришни, ингичка толали пахта етиштиришни келгайтиришни ва пахтанинг тезпишар юқори ҳосилли янги сортларини етиштириш, айниқса, янги пахтачилик районлари учун шундай сортларни етиштириш йўлида селекция ишларини кучайтиришни таъминлаши керак.

Бир қанча областлар ва республикаларда зиғиркорликни ривожлантириш муҳимлигига етарли баҳо берилмади. Ҳатто зиғирпоя толасини ишлаш бўйича йирик саноатга эга бўлган ва зиғирпоя толасининг асосий истеъмолчилари ҳисобланган Кострома, Смоленск, Ярославль областларида ҳам зиғиркорликка етарли эътибор берилмаётир. Бу областларда зиғирпоя тайёрлаш илани бажарилмаётир. Зиғирпоя толаси билан ишлайдиган саноат корхоналари ниҳоятда оғир иш шароитига тушириб қўйилган.

Зиғиркорликнинг паст товарлигига асосан зиғирпояни йнгиштириб олиш ва унга дастлабки ишлов беришда кўплаб нобудгарчиликка йўл қўйилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Йнгим-терим ишларининг кеч ўтказилаётганлиги натижасида ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлмоқда. Одатда зиғирпоя ҳосилини йнгиштириб олиш бошқа экинларга қараганда энг охири навбатда ўтказилади. Зиғирпоя илдизида туриб қолади ва ўз сифатини йўқотади. Йнгим-

терим ишлари етарли равишда механизациялаштирилмаганлигидаш меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги ҳам ҳосил нобудгарчилигига сабаб бўлмоқда.

Хукумат колхозларга катта имтиёзлар берди. Тайёрлов нархлари оширилди, минерал ўғитлар бериш кўпайтирилди. Зигирпоя етиштириш ва уш дасглабки ишлаш бўйича ишларни механизациялаштириш соҳасида тадбирлар ўтказилмоқда.

Зигир экадиган областлар ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари экин майдонларини анча кенгайтиришга, энгиркорликда товарлиликни оширишга яратишлари керак.

Кўн-пояфзал саноати учун тушаётган хом ашё йил сайин кўпаймоқда. Бироқ қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ташкилотларида нобудгарчиликка қарши кураш яхшироқ олиб борилганда, тери ресурслари яна анча кўпайтирилган бўлур эди.

Бир неча йиллардан бери умумий тайёрловда паст сортли тери салмоғи жуда катта бўлиб келмоқда, ҳайвонларнинг териси нотўғри шилиниши натижасида кўн хом ашёсининг 25 процентдан кўпроғи нуқсон билан, 20 проценти куя ва терихўр еган ҳолда келиб тушмоқда. Қорамол терисининг кўп қисми сақланадиган шароит қониқарсизлигидан сўна ва кана еган ҳолда келиб тушмоқда. Бу эса юқори сортли тери олиш имкониятини камайтиради ва колхозларга ҳамда давлатга катта зарар еткази.

Хонадонларда сўйилган моллар терисини қотириш иши ҳам яхши бораётгани йўқ. Бунда кўпинча терини тузламасдан қуруқ қотириш усули қўлланилади. Намақоб пуркаб қотирилган тери ўз сифатини яхши сақлайди. Колхозларга терини тузламасдан қуруқ қотириш усулидан воз кечишни тавсия қилиш зарур.

Яқин вақт ичида ҳамма жойда молларни қушхоналарда сўйишга ўтиш зарур. Бу эса тери сифатини оширади, терини қуриштириш ва сақлаш ишини яхшилайди, катта нобудгарчиликларни йўқ қилади.

Енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш масалалари буюмларни ассортиментда чиқариш плани билан узвий боғлиқ ҳолда қараб чиқишли керак. Пахтачиликда ана шундай ишга асос солинди. Пахтачиликда саноатнинг социалистик қишлоқ хўжалигига заказлари асосида ҳар йили пахта экинни районлар бўйича сортлаб етиштириш плани тузиб чиқилади. Енгил саноатга зигирпоя толаси, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб беришда ҳам ана шундай практика жорий қилиниши керак.

Янги беш йиллик план Директивалари лойиҳасида назарда тутилган топшириқларга кўра, Енгил саноат министрлиги бўйича маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсими тахминан 11 процентни ташкил қилиши лозим.

Янги беш йилликда енгил саноат олдида қўйилган вазифалар совет халқининг моддий фаровонлигини янада ўстириш ҳақида Коммунистик партия қилаётган ғамхўрликни ёрқин ҳис эттиради.

Жун газлама саноати учун хом ашё базасининг кенгайиб бораётганлиги бу беш йилликда костюмбоп ва пальтобоп матолар, аёллар кўйлагини учун газламалар чиқаришни кескин кўтариш имкониятини беради. Жақкард гулли газламалар чиқариш кўпайтирилади.

Кенг ассортиментда шойи газламалар ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. 1952 йилда 1940 йилдагига қараганда уч баравардан зиёд шойи газлама ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Гулдор мато ва духоба чиқариш кўпаяди.

Сунъий тола саноати бу беш йилликда ишлаб чиқаришни 1940 йилдагига қараганда қарийб 11 баравар оширади.

Синтетик толанинг янада юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган бошқа янги турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун замин яратилмоқда.

Янги беш йилликда кўп миқдорда ип-газлама, шойи тўқуш, тукувчилик, трикотаж, кўпчилик, пойафзал корхоналари ва сунъий тола заводлари қурилиши амалга оширилади. Капитал маблағ сарфлаш ҳажми олдинги беш йилликдагига қараганда қарийб 2,5 баравар ортади. Фақат лимитдан ортиқча қурилиш бўйича салкам 750 корхона қурилади ва реконструкция қилинади.

Кампшин, синтетик, тўқуш ва тўқуш корхоналари ҳисоби билан бирлигида янги ширик тукувчилик марказлари барпо қилинади. Бунинг натижасида тукувчилик саноатини жойлаштиришда жиддий оқинишлар рўй беради. Ип газлама ишлаб чиқариш корхоналари хом ашё манбаларига ва тайёр маҳсулотни истеъмол қилувчи районларга янада яқинлаштирилади. Бу комбинатларнинг кўпчилиги ўз қуввати жиҳатидан жаҳондаги мавжуд ҳар қандай тукувчилик корхонасидан анча устун бўлади. Масалан, Кампшин ип-газлама комбинати бир суткада салкам 1 миллион метр юқори сифатли мато ишлаб чиқаради. Янги корхоналар техника билан жиҳозланиши ва лойиҳалаштирилган ассортиментни жиҳатидан энг илғор корхоналар бўлади. Улар турли газламаларни энг қimmatли ассортиментда оммавий миқдорда ишлаб чиқарадилар.

Ўртоқлар! Совет халқи қозонган улугвор ғалабалар социалистик хўжалик системасининг капиталистик хўжалик системасидан тубдан афзаллигини ёрқин намоён қилади.

Совет давлати тинчлик сиёсатини ўтказмоқда ва халқ хўжалигининг тўхтовсиз юксалишини амалга оширмоқда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тинмай яхшиламоқда. Коммунистик партия атрофига жишслашган. Совет Иттифоқи халқлари янада катта сиёсий ва меҳнат кўтаришқилиги билан тинчлик учун, янги беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш программасини амалга ошириш учун курашадилар.

Яшасин совет халқи буюк ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Ленин партияси!

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎСТИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

*„Коммунист“ журналининг 1956 йил 2-сонида
босилган мақола*

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун курашмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бешинчи беш йилликни муддатидан илгари тугатлаб, партия XX съезидга халқ хўжалигининг барча соҳаларида, совет халқининг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишда янги ютуқлар билан келмоқдалар. Бешинчи беш йилликнинг бажарилиши Совет давлатининг иқтисодий қудратини янада юксалтиришни, СССРнинг халқаро аҳволини ва жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашни таъминлади. Бизнинг муваффақиятларимиз—оғир саноатни устун даражада ривожлантириш ленинча йўлини огишмай амалга ошириш натижасидир. Оғир индустриянинг ўсиши, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши негизда енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг барча тармоқлари ривожланади.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз юксалиши совет жамияти ҳаётида объектив қонуният, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга эришиш учун халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиёти учун курашни кучайтириш, илғор техника ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш асосида меҳнат унвумдорлигини янги, юқори даражага кўтариш талаб қилинади. Техника тараққиёти экономикамизни, ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантиришни, социалистик ишлаб чиқаришнинг барча резервларини сафарбар қилишни таъминлайди.

Хом ашё ва материаллар сарфлашни бутун чоралар билан қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг барча маҳсулотларидан энг кўп даражада фойдаланиш социалистик саноатни янада юксалтиришнинг, маҳсулот чиқаришни кўпайтиришнинг манбаларидан бири ҳисобланади.

КПСС XX съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани бўйича Директивалари лойиҳасида «хом ашё, ёқилғи, электр энергия, металл ва бошқа моддий ресурс-

ларни янада рационал сарфлашни, хом ашёни қайта ишлашда ундан комплекс фойдаланишни, хом ашё ва материаллар сарфлаш нормасини камайтиришни, хом ашё, материаллар ва рангли металлларнинг камёб ва қиммат турлари ўрнини босадиган материалларни жорий қилишни таъминлаш. Ишлаб чиқаришда иккинчи хом ашёдан, шунингдек тежамли материалларнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришда материаллар нобудгарчилигини, айниқса брақдан келадиган нобудгарчилигини кескин қисқартириш» вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатимизда хом ашё ва материаллар етишмаётганлигидан уларни тежаб сарфлаш ва улардан энг кўп даражада фойдаланиш учун кураш боряпти деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Ҳаммага маълумки, СССР жуда хилма-хил хом ашё ва материалларга бой мамлакат. Ана шу материаллардан жуда унумли фойдаланиш, шунингдек, ўрнини босадиган материаллар ишлаб чиқаришни кенг ташкил қилиш учун шароитлар яратиш чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг реал йўлидир. Шунингдек, бу замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг қонунийлиги теъдилларидан биридир.

К. Маркс ташландиқ (чиқинди)лар саноатнинг ўша ёки бошқа даврларда қилган тобора янги элементлардан янги элементларнинг ишлаб чиқаришда тежашнинг муҳим соҳаси, деб қурган эди. Бунда Маркс, бундай тежаш йирик миқёсда иқтисомий меҳнат натижасини ва фақат ана шундай шароитларда чиқиндилар шу қадар катта миқдорда пайдо бўладигани, уларнинг ўзи ишлаб чиқаришнинг янги элементлари бўлиб қолади, деб таъкидлаган эди.

Йирик саноатнинг ривожланиши ва уни техника билан жиҳозлашнинг ортиши натижасида моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳам ўсади. Чиқиндилар миқдори камайибгина қолмай, балки чиқиндиларнинг ўзи янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё хусусиятига эга бўлади. Кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришда бадар нобуд бўладиган чиқиндилар тўла қимматли хом ашё сифатида янада кенгроқ қўлланила бошлайди. Ишлаб чиқариш маҳсулотларидан саноатда тобора кўпроқ фойдаланиш имконияти техника тараққиётининг бевосита натижаси ҳисобланади ва янги ускуналар ҳамда илғор технологик процессларни жорий қилиш билан боғлангандир. Маркс машиналарни тақомиллаштириш ва фан, айниқса химия соҳасидаги муваффақиятлар йирик ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган чиқиндиларнинг катта запасларидан фойдаланишнинг зарур шarti ҳисобланади, деб таъкидлаган эди. Шу туфайли «илгари ушбу шаклда истеъмолда бўлмаган моддалар янги ишлаб чиқаришда қўлланиш учун яроқли тусга киради...»¹.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 25-том, I қисм, 113-бет.

Агар Маркс тош кўмир қатронидан анилин бўёқлар ва дори-дармонлар олишни мисол тариқасида келтирган бўлса, ҳозирги пайтда химия муваффақиятлари қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ўрнини тўла босадиган материалларни ва халқ хўжалигида кенг қўлланилаётган турли синтетик материалларни ишлаб чиқарадиган, илгари мутлақо номаълум бўлган саноат тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини беради.

Ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулида хом ашёнинг қимматлашуви, капиталистлар ўртасидаги доимий рақобат юзага келтирган хом ашё манбалари учун кураш қийинчиликлари, энг кўп даражада фойда олиш орқасидан қувиш хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан янада тўлароқ фойдаланиш учун стимул ҳисобланади. Капитализм чиқиндилар билан ишлайдиган ва хом ашёнинг ўрнини тўла босадиган материаллар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини ривожлантириш учун бизнинг шароитимизда бўлгани сингари кенг имкониятни ҳеч қачон таъминлай олмайди.

Хўжаликнинг социалистик, плавли системаси ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши учун чинакам битмас-туганмас имкониятлар очиб беради. Социализм шароитида моддий ресурслардан рационал фойдаланиш саноат маҳсулоти чиқаришни янада мунтазам равишда кўпайтириб боришнинг энг муҳим резервларидан бири бўлиб қолади.

Хом ашё ва материалларнинг ҳар хил турларидан рационал фойдаланишни таъминлаш, шунингдек хом ашё ўрнини босадиган турли хил юқори сифатли материалларни кенг жорий қилиш халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган тармоқларда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик бўйича Директивалари лойиҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мавжуд хом ашё ресурсларини анча кенгайтириш ва саноатнинг ана шу тармоқларида маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имкониятини беради.

Моддий ресурсларни тежаш учун кураш халқ хўжалигида гоёат катта аҳамиятга эга. Маълумки, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда маҳсулот бирлиги учун хом ашё ва материаллар сарфлашни қисқартириш маҳсулот таннархини камайтиришнинг ва социалистик жамгарманни ўстиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Маркс, тежаш—ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишдан ташқари, бу чиқиндиларни энг кам даражага келтириш ва хом ашё ҳамда иккинчи даражали материаллардан энг кўп даражада бевосита фойдаланишдан ҳам иборатдир, деб кўрсатган эди.

Хом ашё ва материаллардан энг яхши фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини минимал даражагача қисқартириш оқибат-натияжада халқ истеъмоли товарлари чиқаришни кўпайтириш имкониятини беради. Партия ва ҳукумат ишлаб чиқаришни

ўстиришнинг бу катта резервига ҳамиша зўр эътибор бериб келдилар ва эътибор бермоқдалар.

Тўқимачилиқ, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт-сут саноати корхоналари ва саноат бошқа тармоқларнинг корхоналари маҳсулот бирлиги учун хом ашё ва материаллар сарфлашни қисқартиришга, чиқиндиларни энг кўп даражада камайтиришга мунтазам равишда эришиб келмоқдалар. Бунга янги техника ва илгор технологияни жорий қилиш йўли билан, меҳнат методларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни яхшилаш, новаторларнинг тажрибасини ёйиш, бракни қисқартириш, маҳсулот сифатини ошириш йўли билан эришилмоқда. Масалан, 1940 йилда пахтадан калава олиш 91,4 процентни ташкил қилган бўлса, 1955 йилда бу 93,5 процентга ўсди.

Спирт саноатида янги техника ва технологияни жорий қилишдан катта самарага эришилди. Спирт заводларини узлуксиз ва ярим узлуксиз ишлаб чиқариш схемасига кўчириш натижасида крахмалли хом ашёдан спирт чиқариш анча ортди. Масалан, 1940 йилда 1 тонна крахмалдан 60,3 декалитр спирт олинган бўлса, 1950 йилда — 63,2, 1954 йилда эса — 64,4 декалитр спирт олинди. Крахмалдан спирт олишни кўпайтириш ўн минг ва юз минг тоннадан аниқроқ бўлиши даражасида қўшимча амалдорликлар (салтан картошка) ни тежаб қилиш имкониятини берди.

Кунгабоқар уруғидан ёғ олиш йилдан-йилга кўпаймоқда; агар 1940 йилда бу тахминан 25,4 процентни ташкил қилган бўлса, 1950 йилда — 28 процентгача, 1955 йилда эса — 32,5 процентгача кўтарилди. 1955 йилда кунгабоқар уруғидан ёғ олишнинг 1950 йилдагига қараганда кўпайиши мамлакат учун қўшимча равишда салкам 53 минг тонна ўсимлик мойи берди. Кунгабоқар мойи олишни кўпайтириш ва ундаги нобудгарчиликни қисқартиришга, кунгабоқар уруғининг янги серёғ сортларини чиқариш ва қайта ишлашнинг прогрессив методларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида эришилди.

Бироқ саноатнинг бу тармоқларидаги каби, бошқа бир қанча тармоқларда ҳам ҳали жуда катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда, хом ашёдан ёмон фойдаланилмоқда. Пахта тозалаш саноатида ҳар йили салкам 80 минг тонна момик чигитда қолиб кетади. Аммо чигитга ёпишиб қоладиган момик вата ва ацетилцеллюлоза тайёрлашда катта қимматга эга. Ацетилцеллюлозадан эса, ўз навбатида, юқори сифатли пластмасс ва ацетат ипаги тайёрлаш мумкин. Ёғ саноатида мойли донлардан ёғ олишни кўпайтиришда эришилган муваффақиятларга қарамай, уларни қайта ишлашга кўплаб нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда; биз ҳозирчалик бу соҳада қатор чет мамлакатлардан орқада қолмоқдамиз. 1954 йилда бизда пахта мойи ишлаб чиқаришдаги нобудгарчилик салкам 4650 тоннани ташкил қилди. Кўпгина ёғ заводларида ҳали ҳам эски технология сақланиб қолмоқда. Бунда чигитдаги мойининг умумий

миқдорига нисбатан 5 процентдаи 20 процентгачаси олинмасдан қолиб кетади. Ёғ олишни кўпайтириш имкониятини берадиган экстракцион усул билан ҳозирги пайтда ёғ бўладиган уруғлик ва кунжараларнинг фақат 30 проценти қайта ишланмоқда. Ҳами ёғ бўладиган уруғликни экстракцион усул билан қайта ишлаш олтинчи беш йилликда ўша миқдордаги ёғ бўладиган уруғликдан кўшимча 240 минг тоннадан ортиқ ўсимлик мойи ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Қанд-шакар саноатида қанд лавлагини сақлаш ва ташишда унинг жуда кўплаб нобуд қилинишига йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқаришда шакарни нормадан ортиқча нобуд қилиш ва патока (қием)да шакарнинг ортиқ даражада бўлиши натижасида фақат 1955 йилнинг ўзида мамлакат салкам 70 минг тонна кам шакар олди. Қанд-шакар заводларида энг янги техника ва илғор технология бўш жорий қилинмоқда; машинасозлик янада такомиллашган ускуналарни ўзлаштириш ва тайёрлашда орқада қолмоқда. Шунинг учун ҳам умуман қанд-шакар саноати бўйича ишлаб чиқаришда шакар нобудгарчилиги ҳозиргача тахминан урушдан олдинги даражада турипти.

Ҳозирги пайтда лавлагини қайта ишлашда шакарнинг нобуд бўлиши ва патокада қолган шакар қайта ишлаш учун келтирилган лавлагидagi бутун шакарнинг қарийб бешдан бир қисмини ташкил қилади. Бизда патокадан шакарга ажратиб олиш ҳали кенг миқёсда ташкил қилинмаган. Ваҳоланки, патокадан шакар олиш усули аллақачондан бери маълум ва тажрибада синалган: бу патокада қоладиган шакарнинг 80 процентгачасини олиш имкониятини берадиган ажратиш сепарацияси методидир. Ҳар йил сепарация йўли билан олиниши мумкин бўлган салкам 250 минг тонна шакар сепарация мосламалари йўқлигидан патокада қолиб кетмоқда ва асосан спирт тайёрлаш учун сарфланмоқда. Шунча миқдорда шакар олиш учун эса салкам 100 минг гектар ерга қанд лавлагини экиш керак.

Олтинчи беш йилликда қанд лавлагини экишни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шу туфайли янги қанд-шакар заводлари қуриш билан бир қаторда, ишлаб турган қанд-шакар заводларини реконструкция қилиш ҳисобига уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини анча ошириш керак. Замонавий ускуналарни (тўхтовсиз ҳаракат қилувчи автоматлаштирилган диффузион аппаратлар, тўхтовсиз ҳаракат қиладиган вакуумфилтрлар, тез юрадиган центрифугалар ва бошқалар) ҳамда патокада шакарни қолдирмайдиган янада такомиллашган технологик процессларни жорий этиш, мавжуд заводларда шакар нобудгарчилигини лавлагини вазнига нисбатан камда 1 процент қисқартириш имкониятини беради.

КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик плани бўйича Директивалари лойиҳасида лавлагини патокадан шакар олишнинг сепарацион усулларини ва ёғлик уруғликлардан ёғ олишнинг

экстракцион методларини кенг жорий қилиш назарда тутилади. Бу эса хом ашёдан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига қўшимча равишда кўп миқдорда шакар ва ўсимлик мойи олиш имкониятини беради.

Сут саноатида катта нобудгарчиликлар мавжуд. Масалан, сут таркибида мавжуд бўлган барча қimmatли маҳсулотлардан биз ҳозирга қадар учта тўла фойдаланмаймиз. Маълумки, сут таркибида ўрта ҳисобда 3,9 процент мой, 3,4 процент оқсил, 4,9 процент сут шакари мавжуд. Ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси истеъмолчига сут, мой, қаттиқ маҳсулотлари, сузма ва ҳоказолар тариқасида етиб бориши лозим бўлса керак. Бироқ, қуруқ моддага айлантириб ҳисоблаганда сутдан фойдаланишнинг тахминий ҳисоби ҳам сут саноатимиз 1955 йилда жуда катта нобудгарчиликка йўл қўйганини кўрсатади. Масалан, топширувчиларга ёғи олинган сут, айрон, зардонни қайтариб берилганлигини, шунингдек, саноатда белгиланган нормалар бўйича нобудгарчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳам, сутни озик-овқат маҳсулоти сифатида қайта ишлашда сал кам 6 минг тонна сут мойидан, салкам 40 минг тонна оқсил ва кўп миқдорда сут шакаридан фойдаланилмаган. Буларнинг ҳаммаси сут саноатида ўша миқдордаги хом ашёдан маҳсулот чиқаришни кўнайитириш учун имконият на қадар катталигидан далолат беради.

Ҳейинги вақтларгача сут саноати асосан сутдан ёғ олиш билан шуғулланар ва сутда мавжуд бўлган оқсил ҳамда сут шакари сингари маҳсулотлардан икки кам фойдаланади. Ваҳоланки, овуқалик сифати жиҳатида оқсил ва сут шакари юқори калорияли, жуда қimmatли тўйимли маҳсулот ҳисобланади. Масалан 1 килограмм сут оқселида ўртача 4 минг калорий ва 1 килограмм сут шакарида —4100 калория мавжуд.

Ҳатто тахминий анализлар кўрсатадики, сут саноатида қўшимча равишда пишлоқ, сузма ва бошқа маҳсулотлар олиш учун катта резервлар мавжуд. Бироқ СССР гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрилиги сутнинг қуруқ моддаларидан фойдаланиш балансини тузмайди ва сутдаги барча тўйимли маҳсулотлар миқдори учун ҳисобот бермайди. Натижада заводларда ҳамма нобудгарчиликлар ҳам ҳисобга олинавермайди. Ҳар бир алоҳида корхона бўйича сутнинг барча ажралмас қисмларини қайта ишлаш аниқ планлаштирилмайди. Заводларнинг раҳбарлари мойдан ташқари бошқа сут маҳсулотларининг нобудгарчилиги учун жавобгарлик сезмайдилар. Чунки, мой заводларининг ишига асосан ишлаб чиқарилган мой миқдори бўйича баҳо берилди. Ана шу камчиликларни тугатиш министриликлар томонидан ҳар бир корхона нобудгарчиликка қарши қандай қураш олиб бораётганлиги устидан амалий контроль ўрнатиш имкониятини беради ва сутда мавжуд барча фойдали маҳсулотларни энг кўп даражада олиш учун ишлаб чиқаришни техника билан жиҳозлашни яхшилашга рағбатлантирган бўлур эди.

Ҳозирчалик бизнинг сут корхоналаримиз одатда етарли техника базасига эга эмаслар. Кўпчилик сепараторлик бўлимлари ва мой-пишлоқ заводлари механизациялаштирилмаган, эски қўл сепараторлари билан жиҳозланган. Эски қўл сепараторлари эса сутнинг мойини тўла ололмайди. Бу ҳол мойнинг нобуд бўлишига олиб келади. Сутни дастлабки ишлаш корхоналарида одатда совутини ускуналари бўлмайди. Уларнинг кўпларида ёз вақтида қаймоқларни совутиш учун установкалар етишмайди. Натижада айронда кўплаб ёғ қолиб кетади. Кўпгина корхоналар зардобдан альбумин ажратиб олиш билан мутлақо шуғуланмаётирлар. Пишлоқ тайёрлаш учун зарур ишлаб чиқариш базаси йўқ. Фақат шунинг учунгина биз, гарчи етарли миқдорда сутга эга бўлсак ҳам, пишлоқ тайёрлашда орқада қолмоқдамиз. Сут саноати корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва нобудгарчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш сут таркибида мавжуд бўлган яами қимматли тўйимли маҳсулотларда фойдаланиш имкониятини беради. Кечиктириб бўлмайдиган ва жуда муҳим вазифа энг қисқа муддатларда ҳал қилинмоғи керак.

Шу билан бирга, шаҳар атрофида сут тайёрлаш зонасини кенгайтириш жуда муҳимдир. Бу зонада сутни қайта ишлашни тақиқлаб, шаҳарларни ёғи олинмаган сут билан таъминлашни кескин кўпайтириш керак.

Хом ашёни янада тежамлироқ сарфлаш, ишлаб чиқаришда чиқиндиларни ва нобудгарчиликларни қисқартиришдан иборат гоят катта резервлар энгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларида, жумладан тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, кўпчилик, пойафзал, гўшт, консерва ишлаб чиқариш, виночилик тармоқларида ҳам мавжуд. Ана шу резервларни топиш ва улардан энг кўп даражада фойдаланиш барча хўжалик, партия ва совет ташкилотларининг зарур ишидир.

Халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарадиган саноатнинг хом ашё ресурсларини кўпайтириш учун натурал хом ашё ўрнини тўла босувчи турли хил материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш гоят катта аҳамиятга эга. Сунъий хом ашёдан ва синтетиканинг турли хилларидан кўплаб саноат буюмлари тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва истиқболга эга эканлиги кун сайин кўпроқ тасдиқланмоқда. Бунда шунини қайд қилиш керакки, «ўрнини босувчи» деган ибора ҳаминша ҳам тўғри тушунилавермайди; баъзи кишилар ўрнини босувчи материалларни жорий қилишга жуда камёб ва қимматбаҳо материаллар ўрнини вақтинчалик алмаштириш, деб қарайдилар. Баъзан ўрнини босувчи материаллар сифат жиҳатидан натурал хом ашёдан паст туради, деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатда бундай эмас.

Химиянинг ҳозирги муваффақиятлари ўз сифати жиҳатидан натурал қишлоқ хўжалик хом ашёсидан қолишмайдиган, балки сифати юқорилиги ва аҳоли талабларига кўпроқ жавоб бериши билан

фарқ қиладиган товарлар тайёрлаш имконини берадиган ўринини босувчи материалларни вужудга келтиришга имконият туғдиради. Мисол учун сунъий ва синтетик толаларни олайлик. Бизнинг саноатимиз сунъий ипак, сунъий штапель, сунъий корд, ацетат ипак, хлорин ипак, хлорин штапель, капрон ипак, капрон штапель, капрон корд, ипак-анид ва бошқа сунъий материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ва ишлаб чиқармоқда. Натурал, сунъий ва синтетик толалар сифати таққослаб кўрилганда, калава ва газлама тайёрлашда сунъий ва синтетик толаларнинг анча афзаллиги кўзга ташланмоқда. Уларнинг кўрсаткичларини узилиш нарузкаси (якка ипанинг мустаҳкамлиги) ва узилиш узунлиги бўйича (ипанинг оғирлиги унинг узилиш нарузкасига тенг бўлган ҳолдаги узунлик) кўриб чиқамиз:

Калава ва газламаларнинг тури	Узилиш нарузкаси (граммларда)	Узилиш узунлиги (километрларда)
Штапель калава № 65	130	8,5
Ип калава № 65	185	12,0
Капрон калава № 65	130	8,5

Мисол учун таққослаб кўришда калавага нисбатан тахминан 3,4 баравар, штапель калавага нисбатан 4,8 баравар ортиқдир.

Калава номерлари бўйича таққосланадиган газламаларнинг ишқалишга чидамлилиги, ишдан чиқиш коэффициенти билан кўрсатилиши мумкин. Бу ҳар хил газламалар бўйича қуйидагичадир: натурал ипак —1,0, ип-газлама, сатин —2,5, сунъий ипак —5,0, капрон газлама —25,0. Бошқача қилиб айтганда, капрон газламалар натурал ипакдан тўқилган газламалардан 25 баравар, сунъий ипакдан 5 баравар, сатиндан 10 баравар мустаҳкамроқдир.

Сунъий ва синтетик толадан тўқилган бир қанча газламалар ўзининг юқори сифати билан бизда ҳаммага ёқиб қолди. Ярим жун газламага 10—15 процент штапель капрон тола қўшиш унинг чидамлилигини оширади ва шу билан бирга ташқи кўринишини яхшилайдди. Сунъий ва айниқса синтетик толаларни газлама ва трикотаж буюмларга қўшиш бу газламаларнинг хизмат муддатини анча узайтиради ва ўсимлик хом ашёсини қўшлаб тежаб қолишни таъминлайди.

Барқарор хом ашё базасига эга бўлган капрон, лавсан, анид, нитрон сингари сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқаришни явада ривожлантириш аҳолининг жун, ипак, ип-газламаларга, трикотаж буюмларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имкониятини беради.

Сунъий ва синтетик толаларга ҳозирги пайтда натурал хом ашё ўрнини босадиган материал сифатидагина қараш нотўғридир. Булар янги қимматли материаллар бўлиб, бу материалларсиз кўпгина ишлаб чиқаришларда замонавий техника плгарп силжий олмайди: бундай материалларни чиқариш саноатнинг мустақил тармоғи бўлиб қолди. Масалан, ҳозир автомобиль покришқаларининг учдан бир қисмидан кўпроги сунъий тола (вискоза, капрон)дан қилинган кордда (қаттиқ иштатилган мустаҳкам ишлар) тайёрланади. Сунъий кордда тайёрланган автомобиль покришқалари иш-газламадан қилинган кордда тайёрланган покришқаларга нисбатан анча мустаҳкамроқдир. Сунъий толадан қилинган кордни покришқалар ишлаб чиқаришда қўлланиш покришқалар сифатини яхшилайти ва уларнинг юриш муддатини узайтиради. Капрондан қилинган кордда тайёрланган автомобиль покришқалари сифат жиҳатидан янада яхшироқ бўлиб, сунъий кордда тайёрланган покришқалардан иккп-уч баравар мустаҳкамроқдир. Автомобиль кордида сунъий толалар ва капронни қўлланиш натижасида кўп-лаб каучук тежаб қолинади ва покришқалар сарфи қисқаради. Бу эса муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

Сунъий тола электроизоляцияда, балиқ овлаш тўрлари, филтлар учун газламалар, махсус кийимлар, арқон, трос ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда кенг жорий қилинмоқда. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, сунъий толадан тайёрланган газламалар ўсминлик толаларидан тайёрланган, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилаётган деярли барча техник газламалар ўрнини боса олиши мумкин. Бунинг устига бундай ўрн алмаштириш ҳар жиҳатдан жуда самарали бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати сунъий тола ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. 1955 йилда сунъий тола чиқариш урушдан олдинги даражага қараганда 10 баравар ўсди. Бу эса ана шу давр ичида сунъий толадан ишак ва штапель газламалар ишлаб чиқаришни қарийб 13 баравар кўпайтириш имкониятини берди. Бироқ эришилган муваффақиятларга қарамай, саноатнинг бу муҳим тармоғи ҳали халқ хўжалиги эҳтиёжларидан анча орқада қолмоқда. Биз сунъий тола саноатини кенгайтириш учун социалистик ишлаб чиқаришнинг бой имкониятларидан ҳали старли фойдаланаётганимиз йўқ.

Кенг истеъмол товарлари ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш учун сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақида КПСС Марказий Комитети ва СССР Млнпстрлар Совети яқинда қабул қилган қарорда олтинчи беш йилликда сунъий тола саноатига, шунингдек, сунъий тола тайёрлаш учун хом ашё ишлаб чиқарадиган химия ва целлюлоза саноатига қарийб 11 миллиард сўм миқдорда капитал маблағ сарфлаш назарда тутилади. Ушбу қарорда белгиланган тадбирларни бажариш беш йилликда сунъий тола ишлаб чиқаришни 330 млнг тоннагача ёки

уч барвар ошириш синтетик тола (бунга алоҳида эътибор берилган) ишлаб чиқаришни 44 минг тоннагача етказиш, ёки 1955 йилдагига нисбатан беш баравар ошириш имкониятини беради. Синтетик толанинг янги турлари — лавсан, нитрон ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, шунингдек капрон ва анид чиқаришни кенгайтиришга жиддий эътибор берилади. Целлофан анча кўп миқдорда тайёрланади.

Қарорда сунъий ва синтетик толалар учун хом ашё тариқасида юқори сифатли химикатлар ва целлюлоза ишлаб чиқарадиган химия ва целлюлоза саноати тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилган. Сунъий тола саноати усқуналарини тайёрлаш учун машинасозлик базаси кенгайтирилади. Сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқариш бўйича янги заводлар қуриш, шунингдек мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш программаси тасдиқланди.

Белгиланган программани бажариш лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларимиз олдига жуда жиддий талаблар қўяди: улар сунъий ва синтетик тола заводлари қурилишини арзонлаштириш бўйича катта ишлар қилишлари зарур. Масалан, ҳозир қилинаётганидек химия ва йнгирув цехлари учун айрим бинолар қўрмасдан, балки бу цехларни бир охирага жамлаштириш йўли бундай қурилишдаги харажатларни қисқартиришга эришиш мумкин. Бунда кубатурада тежашдан ва ишлаб чиқариш майдонини тежашдан ташқари, бинони иезитиш, ёритиш ва совлатишга кетадиган харажатларни қисқартиришдан ташқари, одатда, бундай заводларда капитал маблағнинг катта қисмини қамраб оладиган коммуникациялар қурилиши учун кетадиган харажатлар кескин қисқартирилади. Бу харажатларни камайтириш эса бинолар ўртасида ёнгина қарши очиқ жойлар нормасини ҳам қисқартирган бўлур эди.

Сунъий тола ва, биринчи навбатда, олтингугурт углероди ишлаб чиқаришда маҳсулотларни рекуперация қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Рекуперация қимматли газлардан иккинчи марта фойдаланиш мақсадида уларни ажратиб олиш ва ушлаб қолишдан иборатдир. Бу эса заводларни вентиляция мосламалари билан жиҳозлаш учун кетадиган харажатларни анча қисқартиради ва меҳнат шароитини яхшилайд.

Мавжуд усқуналарни тақомиллаштириш ва янги, янада унумтироқ машиналарни жорий қилиш негизидagina сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқаришни тезроқ ривожлантириш мумкин. Яқин вақтлар ичида эса шак йнгирув, пардозлаш, қуришиш ва шиитишнинг тўхтовсиз процессини таъминлайдиган машиналар барпо қилиниши лозим. Янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган заводларда агрегатлар қувватини кескин ошириш талаб қилинади. Масалан, штапель тола ишлаб чиқарадиган агрегат ҳозир суткасига 10 тонна маҳсулот чиқаришга мўлжалланган бўлса, янги завод-

ларда унумдорлиги суткасига камида 20 тонна бўлган агрегатлар ўрнатилади.

Янги заводларни лойиҳалаштириш ва ишлаб турган заводларни реконструкция қилишда замонавий техниканинг барча ютуқларидан ва илгор тажрибадан фойдаланиш керак. Кейинги йилларда суьий тола ишлаб чиқаришда технологик процессни ва аппаратураларни такомиллаштирган бир қанча йирик тадбирлар жорий этилди. Масалан, тўхтовсиз ҳаракат агрегатини барпо қилиш туфайли корд ишлаб чиқаришда технологик процесс муддати бир неча марта қисқарди. Одатдаги беш аппарат ўрнига бир аппаратда суьий масса олишнинг янги оригинал усули катта аҳамиятга эга. Шу туфайли суьий масса тайёрлаш 6—7 баравар тезлашди, ишлаб чиқариш майдонларига бўлган эҳтиёж ва капитал харажатлар эса икки баравардан зиёд қисқарди. Суьий тола илмий-текшириш институти ва амалий ходимлар маҳсулот сифатини яхшилаш учун бу технологик процессни янада такомиллаштиришлари керак. Тажриба шуни кўрсатадики, капрон ишлаб чиқаришда йиғирув агрегатларини техник жиҳатдан бирмунча такомиллаштириш билан ускуналар унумдорлигини қарийб икки баравар ошириш мумкин. Бундай такомиллаштириш тадбирлари тезда ҳаётга татбиқ қилиниши керак.

Маълумки, суьий тола ишлаб чиқариш учун олтингугурт углероди талаб қилинади. СССР оғир машинасозлик министрилигининг Краматорск ва Красноярск заводлари ишлаб чиқарадиган реторталар олтингугурт углероди заводиди асосий аппарат ҳисобланади. Бизнинг реторталаримизнинг хизмат муддати 3—4 ойдан ошмайди, ваҳоланки, чет элларда реторта одатда уч-тўрт йил хизмат қилади. Реторталаримиз хизмат муддатининг қисқалиги олтингугурт углероди заводлари қурилиши ва улардан фойдаланишини анча қимматлаштириб юбормоқда. Оғир машинасозлик министрилиги юқори сифатли реторталарни серияли чиқаришни қанча тез ўзлаштира ва таъминласа, олтингугурт углероди ишлаб чиқариш учун заводлар қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича харажатлардан шунча катта тежам олиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорида суьий ва синтетик толалар, шунингдек, ана шу толалар учун ярим фабрикалар ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқот ишларини қучайтириш бўйича бир қанча копкрет тадбирлар ҳам белгиланган. Илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш учун зарур бўлган тегишли моддий-техника базасини вужудга келтириш назарда тутилади.

Суьий тола ишлаб чиқаришни кенг ривожлантиришда бевоинта амалга ошириш зарур бўлган муҳим вазифалардан бири целлюлоза ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш учун мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш ва унинг сифатини анча яхшилаш вазифаси ҳисобланади. Мамлакатимизда бой ўрмон ресурс-

лари бўлишига қарамай, СССР ўрмончилик саноати министрлиги ва СССР қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги сунъий тола саноатининг сунъий целлюлозага бўлган эҳтиёжини тўла таъминламаётганликларини нормал ҳол деб бўлмайди.

Химия саноати олдда сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқариш учун химиявий хом ашё сифатини яхшилаш соҳасида жиддий вазифалар турпти. Бу айниқса каустик сода, сульфат кислота, капролактан, АГ тузини тозалашни яхшилашга тааллуқлидир.

Бизнинг сунъий тола саноатимиз хом ашёдан фойдаланишда чет мамлакатлардан ҳали орқада қолмоқда; биз биринчи навбатда чиқарилаётган толанинг ҳар тоннаси учун целлюлоза, сульфат кислота, сода сарфлашни қисқартириш бўйича кўплаб қўшимча ишлар қилишимиз керак.

Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича белгилаган тадбирларни амалга ошириш аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган тўқимачилик, трикотаж буюмлари ва бошқа буюмларни қўшимча равишда кўплаб чиқариш имкониятини беради.

Бизнинг кимчилик ҳаммагачи хом ашёдан фойдаланишнинг сунъий тола материаллардан фойдаланишга асосланган саноатининг бошқа тармоғи — сунъий чарм ишлаб чиқариши тез суръатлар билан ривожланимоқда.

СССР Енгил саноати министрлигининг чарм ўрнини босадиган материаллар илмий-текшириш институти сунъий чармнинг янги турини ишлаб чиқди. Бу пахта толаси, паста ҳосил қиладиган смолалар, синтетик каучук ва капролактан негизида тайёрланади. Сунъий чарм натурал чармдан анча арзон бўлиб, ундан тайёрланган техник буюмлар ва галантерея ўз сифати жиҳатидан натурал чармдан тайёрланган буюмлардан қолишмайди. 1955 йилда 500 минг квадрат метрдан кўпроқ сунъий чарм тайёрланди; 1956 йилда 1 миллион квадрат метрдан ортиқ сунъий чарм тайёрлаш назарда тутилмоқда. Бу тахминан 500 минг бош қора молдан олинган натурал чармнинг ўрнини босади.

Олтинчи беш йилликда сунъий чарм кенг истеъмол товарлари тайёрлашда ҳам, ҳозирги пайтда кўплаб миқдорда натурал чарм ишлатилаётган техника эҳтиёжлари учун ҳам кенг қўлланилади. Биринчи навбатдаги вазифа шундан иборатки, яқин вақт ичда техника эҳтиёжлари учун ишлатилаётган натурал чармларнинг ўрнига бағамом сунъий чарм ишлатилиши керак. Бу мутлақо мумкиндир.

1952 йилда Чарм ўрнини босувчи материаллар илмий-текшириш институти тагчарм сифатида солиштирма огирлиги 0,8—0,7 дан иборат микропор резина ишлатишни таклиф қилди. Бу резинани тайёрлаш учун оддий резина тайёрлашда сарфланадиган

каучукка қараганда анча кам каучук сарфлапади, сифати эса анча юқоридир. Микропор резина сапоатта тез жорий қилинди. Ҳозирги пайтда ўн миллион жуфтлаб пойафзал тагчарм микропор резинада тайёрланмоқда.

Институтнинг кейинги ишлари шуни кўрсатдики, микропор резинага парафор (говак бўлиши учун химиявий маҳсулот) қўшиш орқали солиштирма огирлиги 0,5—0,6 бўлган енгиллаштирилган микропор резина олиш мумкин экан. Бу резина янада яхшироқ хусусиятларга эга: тагчарми бундай резинадан қилинган пойафзал анча енгил бўлиб, унинг чидаш муддати ҳам камаймайди. Бунда каучук ва резинадаги бошқа компопентларни қарийб 20 процент тежаб қолиш мумкин. Енгиллаштирилган микропор резинани оммавий ишлаб чиқаришга тез жорий қилиш лозим, химия сааноати эса зарур миқдорда парафор ишлаб чиқаришни таъминламоғи керак.

Синтетик хом ашёдан фойдаланиш сапоатда техник мақсадлар учун ишлатилаётган турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини энг кўп даражада бўшатиб олишда жуда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Бизнинг мамлакатимиз ва бошқа мамлакатларнинг химия ва нефть сааноатидаги фан ва техника ютуқлари шуни кўрсатадики, апа шу мақсадларда бир қанча қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнида синтетик хом ашёни муваффақиятли ишлатиш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотини ўз йўлга сарфламасдан, балки сааноат мақсадлари учун сарфлаш, ўрнини босадиган материаллар тайёрлашга даъват этилган сааноат тармоқларининг техник қолоқлигидан далолат беради. Масалан, ҳозирги пайтда совун тайёрлаш учун озиқ-овқатта ишлатиладиган қимматли ўсимлик мойи ва қисман ҳайвон ёғидан фойдаланилмоқда. Чунончи, 1955 йилда совун ишлаб чиқариш учун 308 минг тонна ўсимлик мойи сарфланди. Ваҳоланки, ҳозирдаёқ кир ювадиган моддалар ишлаб чиқаришда озиқ-овқатда ишлатиладиган мой ўрнини тўла равишда босадиган материаллар ишлатишнинг самарали усуллари мавжуд. Европанинг кўпгина мамлакатларида, Америка Қўшма Штатларида нефтни қайта ишлаш натижасида синтез қилинган маҳсулотлар базасида кир ювиш моддаларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бундай препаратлар ўсимлик мойи ва мол ёғидан тайёрланган кир ювиш моддаларига нисбатан анча самарали ва юқори сифатли экан. Синтетик кир ювиш моддаларининг кенг ассортименти уларни жуда турли соҳаларда қўлланиш имкониятини беради. Масалан, чорва молларни, шунингдек қишлоқ хўжалик инвентарлари, сут аппаратуралари, озиқ-овқат корхоналари ускуналари, ойна, чинни, сопол идишлар, автомашиналарни ювиш учун, биноларни дизенфекциялаш ва ҳоказолар учун махсус препаратлар мавжуд.

Газлама ва синтетик тола ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил ювиш препаратларини вужудга келтириш катта

аҳамиятга эга. Бу фақат озиқ-овқатда ишлатиладиган мойни тежашни таъминлабгина қолмай, балки маҳсулот сифатиши анча яхшилаш имконини ҳам беради. Кир ювишда бундай препаратларни қўлланиш газламаларни совун билан ювгандагига қараганда яхшироқ сақлашга ёрдам беради.

Кир ювиш моддаларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг яна бир ўзига хос томонини таъкидлаб ўтиш зарур. Кейинги вақтда бир қанча чет эл мамлакатларида қулча совун тайёрлаш нескни қисқармоқда ва кир ювиш учун ишлатиладиган моддалар орасида турли хил кир ювиш порошокларни кўпроқ ўрин олмоқда. Бу порошоклар синтетик маҳсулотлардан ҳам, натурал мойлардан ҳам тайёрланилади. Кир ювиш порошокларини ишлаб чиқариш учун натурал мойлардан фойдаланиш қулча совун ишлаб чиқаришда фойдаланишдагига нисбатан анча тежамли ва самаралироқдир. Синтетик маҳсулотлардан кир ювиш моддалари ишлаб чиқаришга кўчиш амалга оширилмагунча натурал мойлардан кир ювиш порошокларни ишлаб чиқариш учун тўлароқ чиқитиш жуда кам чиқарган ҳолда ва жуда самарали тарзда вақтинчалик фойдаланиш керак. Бунинг мақсадга мувофиқлиги яна шундаки, кир ювиш порошокларни осон ишлатилати, масалан, кир ювиш маъмулаларини фойдаланишда қўлайлиги шунки:

Юқори сифатли синтетик кир ювиш моддалари ишлаб чиқариш саноатини кенг ривожлантириш қимматли озиқ-овқат ёғини ана шу мақсадлар ҳақи сарфларини батамом қисқартириш имконини тинч беради.

Бошқа бир қанча саноат буюмлари, масалан каучук, спирт, алетон ишлаб чиқаришда ҳапуз қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари кўп миқдорда сарфланмоқда. Саноатнинг фапер, мебель ишлаб чиқарадиган тармоқлари ва бошқа тармоқларида кўп миқдорда ишлатиладиган елим тайёрлаш учун ҳам ашё ҳозирги пайтда сутда бўладиган қимматли тўйимли модда — казеин ҳисобланади. Фақат 1955 йилда салкам 20 минг тонна ана шу қимматли озиқ маҳсулоти елим тайёрлаш учун сарфланди. Ваҳоланки, чет элларда синтетик маҳсулотлардан, масалан, кремнийорганик бирикмалар, фенол ва бошқа химик маҳсулотлар базасида елим тайёрлаш усули маълум ва кенг қўлланилмоқда. Яқин вақт ичида синтетик маҳсулотлардан елим ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, қимматли оқсил модда — казеинни батамом бўшатиб олиш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини саноат ишлаб чиқаришидан бўшатиб олиш проблемасининг ғоят даражада муҳимлиги КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик бўйича Директивалари лойиҳасида таъкидлаб ўтилган. Лойиҳада кўрсатилдики, химия саноатининг энг муҳим вазифаларидан бири синтетик каучук, спирт, кир ювиш моддалари ва бошқа химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун дон маҳсулотлари, ўсимлик мойи ва озиқ-овқат ҳам ашёсининг бошқа турларини сарфлашни анча қисқартириш мақ-

садларида мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун нефть, табиий газ ва нефть маҳсулотларидан фойдаланишни кескин оширишдан иборат. Лойиҳада беш йилликнинг охирига бориб, техника мақсадлари учун озиқа спиртни сарфлашни асосан тугаллаш, синтетик спирт ишлаб чиқаришни тахминан 10 баравар ва синтетик каучук ишлаб чиқаришни 2,2 баравар кўпайтириш, шунингдек, кокс газидан ҳамда кўмирни кокслаш маҳсулотларидан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига химикатлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш белгиланган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети озиқа хом ашёсини техника эҳтёжлари учун сарфлашни қисқартиришнинг катта аҳамиятини ҳисобга олиб, саноат истеъмоли учун дов, озиқа мойи ишлатишни тежаш бўйича, нефть хом ашёси ва ёғочни қайта ишлаш саноати чиқиндиларидан химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиш бўйича тадбирлар ҳақида махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда этил спирт, синтетик каучук, совун ишлаб чиқаришда озиқа маҳсулотларини тежашга, шунингдек, бошқа техника мақсадлар учун сарфланган озиқа маҳсулотларини тежашга қаратилган тадбирларнинг конкрет программаси белгилаб берилган; нефть хом ашёсидан ва целлюлоза ҳамда ёғочсозлик саноати чиқиндиларидан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва кенгайтириш назарда тутилди.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда ишлаб чиқариш ресурсларини янада кўпайтиришга ёрдам беради.

Биз хом ашё ва материалларнинг резервларини аниқлаш ва улардан янада тўлроқ фойдаланиш учун кураш билан боғлиқ бўлган айрим масалаларнигина кўриб чиқдик. Социалистик хўжалик системасининг афзаллиги, саноатимиз техника даражасини янада ошириш, илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, хом ашё ўрини босадиган материаллар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш, турли химикатлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилардан самарали фойдаланиш, хом ашё нобудгарчилигини мунтазам равишда қисқартириб бориш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада ўстиришга эришни имкониятнинг беради.

СОВЕТ ЭКОНОМИКАСИНING ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ САРИ

*КПСС XX съездида
1955 йил 23 февралда
сўзланган нутқ*

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX ва XX съездлари орасида ўтган даврда Совет халқи сиёсий, иқтисодий ва маданий иш соҳаларида катта-катта ютуқларга эришди, совет ижтимоий ва давлат тузуми янада мустаҳкамланди.

Партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати-нинг тўғри ички ва ташқи сиёсати Ватанимизнинг буюк ишла-рида, совет иқтисодиётида, Халқимизнинг аҳоли ҳаётидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашида ўзининг ёрқин нфодасини тошмоқда.

КПСС XIX ва XX съездидаги Қисовет лоялигида совет халқи томонидан қилинган катта ижодий ишнинг ажойиб натижалари кўрсатилиб ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, мамлакатимиз меҳнаткашлари моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада оширишнинг буюк программаси белгилаб берилган Бешинчи беш йиллик якунлари партия XIX съездининг Директивалари муваффақиятли бажарилганлигидан, халқ хўжалигининг барча тармоқларида катта ютуқларга эришилганлигидан, социалистик давлатнинг қудрати янада ошганлигидан далолат беради.

Партия ва Ҳукулатимиз оғир индустриянинг устун даражада ривожланишини таъминлаш билан бирга, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, енгил ва озиқ-овқат саноатининг барча тармоқла-рини ривожлантиришга зўр эътибор бермоқда. Партия XX съезди-нинг олтинчи беш йиллик план тўғрисидаги Директивалари прое-ктида истеъмол қилинадиган буюмлар ишлаб чиқаришни тахминан 60 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Биз белгиланган ишлаб чиқариш суръатларини муваффақият билан амалга ошириш, кўзда тутилган тоншириқларни тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Бунга олтинчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, саноатнинг ишлаб чиқариш техника базасини ривожлантириш ийўли билан эришилади.

Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш жиҳатидан олтинчи беш йиллик аввалги беш йилликдан анча фарқ қилади.

Даставвал, енгил ва озиқ-овқат саноати янги беш йилликда ўтмишидагига қараганда анча кўп қишлоқ хўжалик хом ашёси олади. Шу билан бирга бу беш йилликда сунъий ва синтетик хом ашё, масалан, тола, ёғ кислоталари, чарм, мўйна ва бошқа бир қанча материаллар ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Газлама, трикотаж ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилларда асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тайёрланган хом ашёни қайта ишлашга асосланар эди. Яна янги беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпчилиги тармоқлари кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун қўшимча катта синтетик ресурсга эга бўладилар.

Яна, олтинчи беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг деярли ҳаммаси юқори унумли автоматик қуроллар ва узлуксиз-поток линиялари билан анча тез суръатда жиҳозланади.

Янги беш йилликда, бундан ташқари, аҳоли истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қатъий суратда кўпаяди, — буларни оғир саноат тармоқлари ишлаб чиқаради. Масалан, химия саноати аҳоли учун чиқариладиган товарларни, шунингдек аҳоли истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ярим фабрикатларни анча кўпайтиради. Машинасозлик саноати турли уй-рўзгор ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришнинг қатъий суръатда кўпайтиради.

Янги беш йилликда асосий саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги баъзи бир маълумотларни келтираман.

Барча хил газламаларни ишлаб чиқариш 9 миллиард-у 263 миллион метрга кўпаяди. Драп, габардин, костюмлик ва кўйлаклик газламалар каби юқори сифатли кийимлик газламалар ишлаб чиқариш кўпаяди. Пойафзал ишлаб чиқариш ҳам шунча кўпаяди. 1960 йилда 455 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади. Тайёр кўйлаklar, ич кийимлар, трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга катта эътибор берилади. Беш йиллик охирига келиб, 78 миллиард сўмлик тайёр кийим ишлаб чиқариладиган бўлади; бу — тайёр кийимлар ишлаб чиқариш бир ярим баравардан кўпроқ ошади, демакдир. Бундан ташқари, трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш 580 миллион донага етади.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш жуда тез суръатлар билан ривожлантирилади. Масалан, қанд ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди ва 1960 йилда камида 6,5 миллион тонна ички ташкил этади. Бу — аҳолининг қандга бўлган талабни тўла қондиради ҳамда кондитерлик ва бошқа товарлар ишлаб чиқаришни кенг авж олдириб юборишга имкон беради.

Янги беш йилликда гўшт ва сут етиштириш умуман мамлакат бўйича икки баравар кўпаяди. Шунинг бараварида гўшт етиштириш 1960 йилга келиб фақат давлат саноатидагина қарийб 4 миллион тоннага етади. Ёғ, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1955 йилдагига қараганда 86 процент ошади. Сут саноати шаҳар аҳолисини сут маҳсулотлари билан муттасил таъминлаб туриш учун тўла имкониятга эга бўлади.

Балиқчилик саноати янада ривожланади. 1955 йилда бизда 27 миллион центнер, яъни 1940 йилдагидан икки баравар кўп балиқ овланган эди. Ўтган беш йилликда балиқ овлашдаги ўсиш 10 миллион центнерини ташкил қилган бўлса, олтинчи беш йилликда 15 миллион центнер кўпроқ балиқ овлашни керак.

Директивалар проектида белгиланишича, балиқ овлаш 1960 йилга келиб 42 миллион центнерга кўпайиши керак. Бунга, асосан, очиқ денгизларда балиқ овлашни янада ривожлантириш йўли билан эришилади. Шу муносабат билан балиқ саноатининг музлатувчи ускуналар ва балиқни қайта ишлайдиган ускуналар билан жиҳозланган ҳозирги замон йирик балиқчилик кемалари билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Музлатувчи ускуналар ўрнатилган янги йирик дизель траулерлари балиқ овлашни эски траулерларга қараганда тахминан икки баравар кўпайтириши имконини беради. Янги траулерлар балиқни реализация ва оғирлик таъбир билан балиқ маҳсулотлари — музлатилган филе, музлатилган балиқ консервалар ва бошқа маҳсулотлар тарзида портларга олиб келидилар. Ваҳоланки, эски типдаги кемалар балиқни асосан тузланган ҳолда келтиришди. Шунинг учун ҳам балиқ саноатининг яқин вақт ичида янги типдаги траулерлар билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг бошқа барча тармоқларида саноат буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш апчагина миқёсда кўпаяди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ашё ресурсларининг ўсишига мувофиқ равишда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш юзасидан олтинчи беш йилликда катта вазифани ҳал қилиши керак. Саноатнинг бу тармоқларида ўтган беш йиллик ичида анчагина капитал ишлар қилинди. Қурилишга 33 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланди. 1,5 мингга яқин янги йирик саноат корхонаси қурилиб ишга туширилди ва ишлаб турган бир қанча корхона реконструкция қилинди.

Лекин саноатнинг бир қанча тармоқларидаги машина-ускуналар келтириладиган ҳам ашёни тўла ва ўз вақтида қайта ишлаш учун етарли эмасдир. Ҳозир бизда ип-газлама, жун, ипак, зиғир корхоналари ва саноатнинг бошқа баъзи бир тармоқларидаги корхоналарнинг деярли ҳаммаси 3 сменада ишламоқда.

1955 йилда қанд лавлаги ҳосили 1954 йилдагидан бир ярим баравар юқори бўлибди. Кубанда, Молдавияда, Украинанинг ғар-

бий областларида қанд лавлагн экиладиган майдон кенгайтирилди. Лавлагини қайта ишлайдиган машина-ускуналар эса, айниқса шу районларда мутлақо етарли эмас. Шу сабабдан анчадан-анча лавлагн қайта ишлаш учун бу районлардан Украинанинг ва Россия Федерациясининг бошқа областларига жўнатилиши керак бўлади. Қанд лавлагининг 1955 йилги ҳосилини қайта ишлаш мавсуми бир қанча районларда кейинги йилнинг апрелигача чўзилди. Маълумки, қайта ишлаш муддати чўзилган сари лавлагининг шираси йўқола боради ва нобудгарчилик кўпаяди.

Қанд саноатининг муҳим вазифаси қанд лавлагини қайта ишлаш муддатини қисқарттиришдан иборатдир. Қанд саноатида қанд лавлагининг бутун ҳосилини ўша ҳосил йилининг ўзида, яъни 1 январгача қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари яратишга киришиш биз учун иқтисодий жиҳатдан қулайдир. Лавлагини қайта ишлаш муддатининг қисқарттирилиши нобудгарчиликларга барҳам беришга ва қўшимча равишда анчагина қанд етиштиришга имкон беради.

Биз сўт саноати соҳасида анча орқада қолганмиз. Бу саноат сутни қайта ишлашни яхши удалай олмаяпти. Агар 1955 йилда ўтган йилдагига қараганда 20 процентдан сал кўпроқ сут тайёрланган бўлса, шу 1956 йилда бундан ҳам анча кўпроқ сут тайёрланади. Масалан, ўтган йилнинг январь ойига нисбатан шу йилнинг январь ойида 70 процент кўп сут тайёрланди. Сут саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари етарли эмас. Корхоналар техника билан ёмон жиҳозланган. Бу саноатда кўндан-кўп озуқа маҳсулотлари: оқсил моддалари, сутдаги шакар моддаси, ёғлар нобуд қилиб юборилди. Сут кислота маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қимматли хом ашёдан тўла фойдаланилмастир.

Саноатнинг бошқа баъзи бир тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш соҳасида ҳам қолоқлик бор. Тўғридан-тўғри айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг хом ашё ресурслари саноатнинг бир қанча тармоқларида шундай хом ашёни қайта ишлаб чиқарувчи қувватлар даражасидан ўзиб кетмоқда.

Олтинчи беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноатида қурилш программаси амалга оширилди. Тўқимачилик саноатига, енгил саноатга, озиқ-овқат, гўшт-сут ва баллиқ саноатига солинадиган капитал маблағлар 75 процент кўпаяди ва беш йилликда деярли 59 миллиард сўмни ташкил қилади. 1600 дан ортиқ йприк саноат корхонасини ишга тушириш кўзда тутилди. Саноат тараққийсининг қишлоқ хўжалик хом ашёси ресурслари тараққийсидан орқада қолишига йўл қўймаслик учун беш йилликнинг дастлабки йиллари ичида машина-ускуналари кўпайтириш айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумидан кейин саноатнинг барча соҳаларида янги техникани жорий қилиш юзасидан

анчагина ишлар қилинди. Лекин биз шу нарсага иқрор бўлишимиз керакки, бу иш саноатимизни қайта қуришнинг бошигинадир. Машинасозлик саноати енгил ва озиқ-овқат саноати учун керакли бўлган энг янги ускуналарни ҳали ҳам жуда секпяллик билан ўзлаштирмоқда. Бу — илмий текшириш ва конструкторлик ишлари саноат соҳасида қонқарспз эканлигининг оқибатидир. Машинасозлик илмий-текшириш институтлари ва саноат тармоқлари институтларининг кўпчилиги камқувват бўлиб, булар кўпинча бир тема устида ишлайдилар. Институтлардаги экспериментал база, одатда, заифдир.

Енгил ва озиқ-овқат саноати қисман ўз кучи билан янги машиналар конструкциясини ишлаб чиқиб, бу машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун машинасозларга техника ҳужжатларини тайёрлаб беришга мажбур бўлади. Бунда шунн қайд қилиш керакки, заказчилар томонидан ишлаб чиқилган техника документлари, одатда, машинасозлик министрликлари томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартирлади. Машинасозлар тайёрлаган намуналарни ўз заводларида синаб кўрмайдилар, балки уларни синаб кўриш ва ўз фикрини айтиш учун енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарига юборалилар.

Машиналарнинг ҳаммаси ишче ва озиқ-овқат машиналарига таъёрлашга кун вақт сарф қилинади. Катта маблағлар чиқим қилинади ва тайёрланадиган машиналарнинг сифати ва муҳлати учун машина ишлаб чиқарувчиларнинг мессулияти йўқдир. Бундан ҳолни нормал ҳол деб бўлмайди. Биз ҳам ўзимиздаги, ҳам чет элдаги ўз йирик конструкторлик бюроларига ва янги машиналарни синаб кўриш учун ишлаб чиқариш базаларига эга бўлган илмий текшириш институтларининг ва бир қанча йирик машинасозлик заводларининг ижобий тажрибасидан фойдаланишимиз керак.

Техника жиҳатдан такомиллашган ускуналар ишлаб чиқаришни анча тез суръатлар билан ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири — илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотларининг ишини тубдан яхшилашдан иборат. Шу мақсадда майда илмий-текшириш институтларини бирлаштириш, институтлар ва йирик машинасозлик заводлари ҳузурнда ҳозирги замон ускуналари билан яхши жиҳозланган экспериментал база яратиш зарур, бундай база малакали ишчи ва инженерлар ишлайдиган йирик цехдан иборат бўлсин. Бу цехларда қисқа муддат ичида машиналар намунаси ясалиб, синаб кўрилиши керак. Илмий-текшириш институтларининг ва конструкторлик бюроларининг ишини қайта қурмай туриб машинасозлик олға силжий олмайди.

Бизнинг машинасозларимиз енгил ва озиқ-овқат саноатига янги конструкциядаги машиналарни кам тавсия қиладилар. Айни вақтда чет элда машинасозлик фирмалари, одатда, ўзлари маши-

налар конструкциясини ишлаб чиқиб, енгил сапоат корхоналарига комплектли янги усқуналар,— юқори ушумдорлиги гарантияланган усқуналар таклиф қилиб турадилар.

Бизнинг машинасозлик корхоналаримизнинг ва министрликларимизнинг раҳбарлари баъзан ишлаб чиқариш планига аллақачонлар ўзлаштирилган маҳсулотни киритишга интиладилар. Бунга усқуналар ишлаб чиқаришни плавллаштиришнинг мавжуд методлари анчагина шароит тўғдириб беради. Ҳозирги плавллаштириш практикаси шароитда планларда машиналар ва аппаратуралар ишлаб чиқариш топшириги, асосан, единица билан, дона билан, ҳатто оғирлиги билан, (масалан, химия усқуналари) белгиланади. Плавллаштиришнинг бундай тартиби янги машина ишлаб берилаётган ишлаб чиқаришнинг барча хусусиятларини ўз ичига олмайдди.

Қуйидаги мисолни олайлик. Машинасозлар 1956—1960 йиллар ичида тўқимачилик саноатига фақат комплектловчи усқунали йнгирув машиналаридан камиди 20 миш единица етказиб бериши керак. Маълумки, баъзи бир капиталистик мамлакатларда ҳозирги замон йнгирув машиналари ишлаб чиқарилади. Машиналарнинг тартиб олувчи аппаратлари бизнинг машинасозлик саноатимиз ишлаб чиқарадиган йнгирув машиналаридаги тартиб олувчи аппаратлардан анча кучлироқдир. Ҳозир бизда катта иш олиб борилмоқда ва яқин вақт ичида бизда ҳам худди шундай машина яратилади. Машинасозлар ҳозирги замон янги йнгирув машиналарини тезда ўзлаштиришлари зарур. Бу машиналарнинг тортқичлари мавжуд тортқичлардан 3—4 марта узайтирилган ва тезлиги оширилган бўлиши керак. Бу тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг циклини анча қисқартади ва, шундан кейин, беш йиллик мобайнида комплектлаш усқуналари ҳисобига кирадиган мураккаб, кўп металл талаб қиладиган металл машиналардан камиди икки мишга ишлаб чиқариш учун зарурат йўқолади. Натижада анчагина металл, ишлаб чиқариш майдонлари иқтисод қилинади ва меҳнат ушумдорлиги ошади.

Бошқа мисол тариқасида тўқув станокларини келтириш мумкин. Директивалар лойиҳасида газлама ишлаб чиқариш бўйича кўзда тутилган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун ва автомат тўқув станоклари паркни (уларнинг тўқимачилик саноатидаги умумий сонидан) олтиш процентга етказиш учун шу беш йилликда 125 мишга яқин автомат тўқув станогли ўрнатилиши керак бўлади. Ҳозирги вақтда машинасозлик саноати этарли даражада умумли бўлмаган тўқув автоматлари ишлаб чиқаришнинг давом эттирмоқда.

Машинасозлар қисқа вақт ичида юқори ушумли станокларни серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари керак. Бундай ҳолда, эҳтимол, шу беш йилликда плавллаштирилганидан 25—30 миш дона кам тўқув станогли ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида

анча металл иқтисод қилинади, камроқ фабрикалар қуриш талаб қилинади, машиналарни эксплуатация қилиш учун ишчиларга бўлган талаб қатъиян қисқаради, маҳсулот таннарни пасайди.

Саноатнинг кўпдан-кўп тармоқлари ишлаб чиқарадиган бошқа бир қанча ускуналар тўғрисида ҳам худди ана шундай мисоллар келтириш мумкин.

Машиналар ва станоклар ишлаб чиқаришни бирликлар билан ёки уларнинг оғирлигига қараб планлаштиришнинг мавжуд практикаси юқори унумли ускуналар ишлаб чиқарилишига ва янги техникани жорий қилишга имкон бермайди. Ускуналар ишлаб чиқаришни планлаштиришда машиналарнинг сони ёки уларнинг оғирлигини эмас, балки машиналарнинг қуввати, айтиайлик, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хом ашёни қайта ишлаш қуввати асос қилиб олинса, мақсадга мувофиқроқ бўлар эди. План кўрсаткичлари системаси анча унумли ва тежамли машиналар ишлаб чиқаришга рағбатлантириши керак, бу машиналар меҳнат унумдорлигининг оғишмай ўсиб боришини, хом ашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланилишини таъминлаши керак.

План ишлаб чиқариладиган ускунанинг зарур ишлаб чиқариш қувватини белгиласан, бундан берадиган машиналар сонини ҳисоблашнинг асоси бўлиб қоларканда, балки машиналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга шароит яратиб бериши керак. Ишлаб чиқарилиши керак бўлган ускуналар сонини истат.модульлар билан белгилаб бериш заводалар бирликда, келинган ҳолда белгиласалари керак, чунки бу ишлаб чиқаришдаги асосий нарса эмас, балки белгиланган қувватдан ва машинанинг унумдорлигидан келиб чиқади. Шу соҳада планлаштириш системасининг ўзгартрилиши завод ва фабрикаларнинг ташаббусни ошириб юборади ва ишлаб чиқаришга янги техникани анча қисқа муддатлар ичида жорий қилишга ёрдам беради.

Мен планлаштиришни такомиллаштиришга оид тадбирлар тўғрисида баъзи бир мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Партия ва ҳукумат капитал қурилиш ишидаги йирик-йирик камчиликларни бир неча марта кўрсатиб ўтдилар. Бу камчиликлардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: кўпдан-кўп қурлишларда маблағларнинг сочилиб кетиши, қурилишларнинг чўзилиб кетиши ва қуриб битказилган объектларни ишга тушириш муддатининг бузилиши, қурилишда ортиқча харажат қилиб юборилиши ва зарар кўрилиши — мавжуд камчиликларнинг оқибатидир.

Биз олтинчи беш йилликда мамлакатимизда 990 миллиард сўмлик капитал ишлар қилишимиз керак. Бизда ҳеч қачон бунчалик кўп миқдорда капитал маблағ сарфланган эмас эди. Шундай шароитда қурилиш қимматини арзонлаштириш учун қураш — агар қурилишда қилинадиган тежамнинг ҳар бир проценти беш йил-

ликда деярли 10 миллиард сўмиш ташкил қилиши ҳисобга олinsa,— жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз капитал қурилишни буғчаллик катта қўламда тўғри амалга ошира бориш ва шу асосда бутун халқ хўжалиғини янада кучли юксалтиришга эришиш учун капитал ишларини планлаштириш практикасини жиддий суратда яхшилашимиз зарур. Капитал ишларини планлаштиришдаги мавжуд тартибнинг жиддий нуқсонлари бор. Бу нуқсонлар шундан иборатки, капитал маблағ сарфлаш объектлар бўйича фақат бир йилга планлаштирилади, ваҳоланки, саноат ва бошқа объектлар қурилишлари, одатда, бир неча йилга мўлжалланади.

Бу планлаштириш тартиби шунга олиб келадикки, қурилиш ташкилотлари ўзларининг бир йиллик иш ҳажминигина биладилар ва шунинг учун иш кучини, материаллар ва керакли ускуналар келтиришни тўғри планлаштира олмайдилар, қурилиш ишларини кенг авж олдириб юбориш учун керакли база ярата олмайдилар. Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўладикки, бинокорлар ишни кенг авж олдириб қўйиб, келаси йили,— агар қурилишни янги йилда давом эттириш планда кўрсатилмаган бўлса ёки унинг ҳажми эришилган даражадан қисқартиб кўрсатилган бўлса,— ишни тўхтатишга ёки қисқартиришга мажбур бўладилар. Бу қурилишни чўзиб юборди, қурилайётган объектларни ишга тушириш планининг бажарилмаслиғига сабаб бўлади. Чунончи, масалан, Кўмир саноати министрлигида 50 дан ортиқ қурилиш объекти 2—4 йил ўрнига 7—20 йилдан бери қурилмоқда. Бундай мисолларни саноатнинг барча тармоқлари бўйича кўплаб келтириш мумкин.

Бир йиллик капитал маблағ сарфлашни планлаштиришнинг мавжуд тартибидан бираўла бутун объектни қуриб битказишгача планлаштиришга ўтиш, яъни қурилиш бошланмасдан аввал план ёки алоҳида қарор билан муайян қурилишга ҳар йили қанча капитал маблағ сарфланиши, шунингдек, айни қурилишни битказиш муддати аниқ белгиланган планлар системасини белгилаш анча тўғри бўлур эди.

Капитал ишларни маблағ билан таъминлашни шундай ташкил қилиш мақсадга мувофиқки, маблағлар ўзлаштирилишига қараб капитал ишларни маблағ билан таъминлашнинг умумий ҳажми допросида берилиши керак. Унда муайян объектнинг йиллик топшириғи назарда тутилмаслиги керак. Биз қурилишга киришар эканмиз — бунга жиддий эътибор беришимизни ҳамма тушунади. Планлар ҳам, сарфланадиган капитал маблағлар билан таъминлаш ҳам шунга мувофиқ белгиланиши керак.

Шундай бўлганда бинокорлар қурилишни ўз вақтида тугаллаш имкониятига эга бўладилар, қурган бинолари арзонга тушади ва қуриб тугалланган объектларни муддатидан илгари ишга туширишга ҳаракат қиладилар. Бу, албатта, бир йилда сарфланадиган

капитал маблағлар ҳажми давлат бюджетда, халқ хўжалик планда қайд қилинмайди, деган гап эмас, асло.

Планлаштиришнинг бундай тартиби маблағларнинг сочилиб кетишига ва қурилиш муддатларининг чўзилиб кетишига йўл қўймайди. Планлаштирувчи ташкилотлар қурилиш объектларини планлаштиришга анча масъулият билан қарайдиган бўладилар. Чунки объектининг титулга киритилиши маблағларнинг бир йилга эмас, балки бутун қурилишнинг охиригача берилишини олдиндан белгилаб қўяди.

Иккинчи масала — жорий ва перспектив планларни бир-бири билан боғлаш масаласи. Хўжалиқда юз берган жузъий номутаоспбликларнинг сабаби, маълум даражада, бизда перспектив планлаштиришга етарли аҳамият берилмаганлигидадир. Ўтган беш йилликда бир қанча ҳолларда жорий план билан перспектив план ўртасида уйғунлик бўлмаганлигига сабаб бизнинг планлаштирувчи органларимиз партия XIX съездининг Директивалари асосида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муфассал беш йиллик планини ишлаб чиқмаганлигидадир. Шу билан бирга маълумки, биринчи беш йиллик план ҳам йиллик кўрсаткичлар асосида тузилган эди.

Сўнги йиллар ичида бу муаммоларни ривожлантириш асосида мамлакатимизда бир қанча тўғриликлар бўлиб кетди, балки, аксинча, анча ёмонлаштирилди. Бизнинг эконоимист ва планчиларимиз перспектив планлаштириш ишини яхшилаш соҳасида теярли ҳол келмади. Бу муаммоларни бўлиб кетган хўжалиқ планининг барча кўрсаткичларини комплекс ишлаб чиқиш, беш йиллик ва бир йиллик планларда бу кўрсаткичларни ўзаро уйғунлаштириш тўғрисида етарли гамхўрлик кўрсатмадилар.

Ҳаёт халқ хўжалигини планлаштиришни анча юксак даражага кўтаришни талаб қилмоқда. Халқ хўжалиқ планларининг сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқишга катта эътибор бериш керак. Шунингдек халқ хўжалигининг перспектив планларини тузиш вақтида давлат бюджети юзасидан ва пул даромадлари ҳамда харажатлари юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг объектив суръатда мавжуд бўлган планли (пропорционал) ривожланиш қонуни планлаштириш методларини муттасил такомиллаштириб бориш зарурлигини тақозо қилади. Биз халқ хўжалигини планлаштириш даражасини юксалтириш билан халқ хўжалигини планлаштиришда аҳён-аҳёнда содир бўлиб турадиган баъзи бир номутаоспбликларга барҳам берамиз ва планлаштириш ишини мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг янада кучлироқ воситасига айлантирамиз.

Ўртоқлар! Кун сайин социалистик давлатимизнинг қудрати ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, демократия ва социализм лагерининг кучлари ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Партия Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик плани тўғрисидаги Директивалар лойиҳаси халқ тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан сўғорилган. Олтинчи беш йиллик топшириқларнинг улуғворлиги совет халқини меҳнат соҳасида янғидан-янги ғалабаларга пилҳомлаптиради. Белгиланган топшириқларнинг тўла ва ортиги билан бажарилишига шак-шубҳа йўқ.

Олтинчи беш йиллик Директиваларида илгари сурилган вазифаларнинг бажарилиши коммунистик жамият қурпиш сари олға ташланган янги жуда катта қадам бўлади.

БАРЧА МАМЛАКАТЛАР ОЛИМЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ УЧУН

*Москвада X халқаро астрономик
съезднинг очилишида 1958 йил 12 августда
сўзланган нутқ*

Ҳурматли жаноблар, азиз ўртоқлар!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматининг тошпириги билан Халқаро астрономик иттифоқ аъзоларини ва барча олимларни — очилаётган Бош Ассамблея қатнашчиларини қизғин қутлайман. Совет ҳукумати Москвада 35 давлат астрoном олимларини қутлашдан мамнуддир, улар орасида бир қанча олимлар номини жаҳонга машҳур, баъзилари эса астрономияда ўзининг алоқаларини ўрнатган ҳудудларнинг энг олимларини. Биз турли мамлакатлар ва турли аҳолида машғуло астрономлар ана шу съездда шахсий алоқалар ўрнатишларини истар эдик. Бу алоқалар фақат янада ривожлантириш ишига хизмат қилмади.

Барча ҳақиқий олимларда, уларнинг энг сий ёки диний эътиқодларидан қатъи назар, ягона юксак мақсад — атрофимизни қуршаб турган моддий дунёнинг объектив қонуनларини биллини ва дунёнинг ўрнатилган қонунларидан инсоният манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсади бор. Худди ана шу юксак мақсад бутун жаҳон олимлари ҳамкорлигини вужудга келтирувчи асосий ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади.

Фани ҳар томонлама ривожлантиришга гоаят катта аҳамият бериб, биз фанга бутун инсониятга бахт ва яхшилик келтирувчи буюк моддий ва маданий бойликларни яратадиган манба сифатида қараймиз. Ҳозирги замон фанининг ажойиб ютуқларидан халққа ёмонлик келтириш учун эмас, балки бу ютуқлардан фақат тинч мақсадлар учун, барча халқларнинг бахт-саодати учун фойдаланиш кўп жиҳатдан халқларга ва ҳукуматларга боғлиқдир.

Фан ютуқларидан фақат тинч мақсадларда фойдаланишнинг зарур шартини халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Совет ҳукумати тинчликни сақлаш ва мамлакатлар ўртасида пайдо бўладиган ҳамма жанжалларни тинч йўл билан ҳал этишга бутун куч-ғайратини сарфламоқда.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам тинчлик манфаатларини ҳимоя қилади ва фан ютуқлари барча халқларнинг тинч ижодий ишлари мақсадларига хизмат қилиши учун ўзига боғлиқ бўлган барча нарсани қила беради.

Фанин янада муваффақиятлироқ ривожлантириш учун ва уни тинч йўлда қўллашиш учун турли мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга.

Астрономияда олимларнинг халқаро бирдамлиги, биргаликда ишларни амалга ошириш зарурияти, ана шу ишларни координация қилиш қадимий традицияга эга. Айтиш мумкинки, бу жиҳатдан астрономлар билимининг барча соҳалари вакилларига яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Хатто мутахассис бўлмаган астрономлар ҳам:

ўтган асрнинг иккинчи ярмида юлдузларнинг аниқ вазиятлари каталоглари тузилганлигини,

халқаро кенглик хизмати ташкил қилинганлигини,

вақт хизмати шохобчалари тузилганлигини,

фақат астрономлар учун эмас, балки геодезистлар, навигаторлар учун ҳам бирдай зарур бўлган астрономик йилликлар тузишда қатнашилганини,

ўзгарувчан ва номўқим юлдузларни ўрганish бўйича биргаликда ўтказилган ишларни биладилар.

Буларнинг ҳаммаси астрономларнинг мустақкам илмий ҳамкорлигидан далолат беради.

Маълумки, астрономлар халқаро геофизика йиллини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бир қанча тадқиқотларда жуда актив қатнашмоқдалар. Халқаро геофизика йиллини ўтказиш ҳам ўз навбатида олимлар халқаро ҳамкорлигининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Астрономиянинг турли соҳаларида бир қанча халқаро тадқиқотларни ташкил қилиш ишида халқаро астрономик иттифоқ кўп сарфлади.

Халқаро астрономик иттифоқнинг ҳар уч йилда чақириладиган съездлари, аслида, қилинган ишларнинг кўриги ҳисобланади ва бутун жаҳонда астрономияни ривожлантириш ишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Биз халқаро илмий бирлашмалар иши на қадар мураккаб эканлигини биламиз. Шунинг учун ҳам Халқаро астрономик иттифоқ **президенти, Париж обсерваториясининг директори профессор А. Данжон, Халқаро астрономик иттифоқнинг собиқ президенти, Калифорния университетининг профессори, О. Л. Струве, Халқаро астрономик иттифоқ бош секретари, Лейден университетининг профессори П. Осерхофларининг** улкан ишларини қайд қилиб ўтмоқчиман.

СССР Фанлар Академияси Астрономия кенгашининг Академиянинг мухбир аъзоси А. А. Михайлов бошчилигида турли мамла-

катларнинг астрономлари ўртасида илмий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган катта ишшни қайд қилмасдан ўтиб бўлмайди.

Москвада қақирилган, 35 мамлакатдан келган мингдан ортиқ киши иштирок этаётган бу съезд тишчилик, дўстлик ва ҳамкорлик учун актив ҳаракат қилинса эришилиши мумкин бўлган имкониятларнинг ёрқин намунасидир.

Совет ҳукумати олимларнинг халқаро ҳамкорлигини ташкил қилиш ишида эришган ҳар бир ютуғидан бу ютуқлар жаҳон фаши ва Ватанимиз, совет фаши тараққиётини тезлаштиргани учунгина эмас, балки бу муваффақиятлар турли халқларнинг бир-бири билан ўзаро яқинлашиш ишига маълум ҳисса бўлиб қўшилгани учун ҳам қувонади.

Совет Иттифоқи халқлари фашига зўр ҳурмат билан қарайдилар ва фашининг нормал ҳамда тез ривожланиши учун имкони бўлган барча нарсани қиладилар. Совет ҳукумати илмий ишларни ташкил қилишга, янги илмий муассасалар барпо этишга йил сайин катта маблағлар ажратмоқда.

Биз кундалик ишимизда фаши ютуқларига таянамиз, бу ютуқлардан халқ хўжалигини ривожлантириш учун, меҳнаткашлар турмуши фаровонлигини ошириш учун фойда қилишимиз керак.

Совет ҳукумати фашини ривожлантириш учун моддий маблағлар ажратар экан, буида коммерция мақсадларига амал қилмайди. Бу маблағлар фашининг илмий проблемаларини ҳал этишни назарда тутати. Бу проблемалар эса ҳаётга ҳамда техникага баъзан бевосита, баъзида эса билвосита таъсир кўрсатиб, халқ учун, бутун инсоият учун фойда келтиради.

Шу нуқтан назардан совет астрономиясининг ривожланиш йўлини эса олиб ўтмоқ зарур. Совет астрономияси ўз тараққиётида бутун мамлакатимиз сингари икки жаҳон уруши оқибатлари билан боғлиқ бўлган оғир даврларни бошидан кечирди. У 40-йилларнинг бошларидаёқ жиддий муваффақиятларга эришган эди. Бироқ Совет Иттифоқида фашист Германиясининг ҳужуми натижасида мамлакатимизда астрономия кишилар назарида худди тиклаб бўлмайдигандек зарар кўрди: шонли Пулково обсерваторияси ер билан яқсон қилинди, Симеиздаги энг йирик обсерватория вайрон бўлди, халқ бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирган бу уруш вақтида бошқа кўилаб обсерваториялар ҳам шикастланди.

Уруш гумбур-гумбурлари тингандан бери атиги 13 йил ўтди ва биз Пулково обсерваторияси тикланибгина қолмай, балки анча кенгайтирилганлигини, Қримда янги обсерватория қурилганлигини, шунингдек бошқа бир қанча янги ва анча кенгайтирилган обсерваториялар вужудга келганлигини кўриб турибмиз.

Сиз Совет Иттифоқининг ўтмишда умуман ҳеч қандай илмий марказга эга бўлмаган республикаларида кўнлаб янги илмий таш-

килотлар пайдо бўлганлигини биласиз. Эндликда биз Озарбайжонда, Арманистонда, Грузияда, Қозогистонда, Тожикистонда, Туркменистонда астрономик обсерваторияларга эгамиз.

Совет ҳукумати астрономиянинг атрофимизни ўраб турган дунёни билишдаги гоят муҳим аҳамиятини қадрлайди. Ҳозирги вақтда СССР Фанлар Академиясининг Қримдаги обсерваторияси учун диаметри 2 метр 60 сантиметрдан иборат парабolik рефрактор қурилмоқда. Арманистон Фанлар академияси Бюракан обсерваторияси учун кириш диаметри 1 метрлик Шмидт системасидаги телескоп қурилмоқда. Диаметри 5 метр чамасидаги янада кучлироқ рефракторни вужудга келтириш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Кучли радиотелескоплар қурилиши амалга оширилмоқда. Максудов ва Шмидт системаларидаги анаберикион телескоплар барпо қилишда катта муваффақиятларга эришилди.

Илмий ташкилотларнинг доимо ўсиб ва кенгайиб бораётган шохобчаларининг нормал ишлаши учун кўп сонли ва жуда малакали кадрлар керак. Худди шу сабабли Совет ҳукумати халқ хўжалиги учун ҳам, фан учун ҳам кадрлар тайёрлаш вазифаларига алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатимизда ҳамма ерда олий ўқув юрталарининг катта ва кенг тармоғи мавжуд. СССРдаги бир қанча университетларда астрономия бўйича ихтисослашиш бор.

Биз съезд қатнашчиларини мамлакатимиздаги энг йирик университет — Ломоносов номи Москва университетида бўлгуси астроном мутахассисларни ўқитиш қандай йўлга қўйилганлиги билан танишишга таклиф қиламиз. Бу университетда махсус ўқув астрономик обсерватория ва бир қанча ўқув лабораториялари мавжуд.

Фан ва техниканинг мисли қўрилмаган тез суръатлар билан ривожланиши давримизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги замон фани ва техникаси қисқа муддатларда шу қадар катта кашфиётлар қилмоқдаки, илгарчи бу кашфиётларни амалга ошириш учун неча ўн йиллар талаб қилинар эди. Бу эса халқаро ҳамкорликни ва олимлар ўртасида шахсий учрашувларни айниқса зарур ва қимматли қилиб қўймоқда.

Халқаро астрономик иттифоқ томонидан ўтказилаётган илмий симпозиумлар ва бирлашган мунозаралар шахсий алоқалар ўрнатилган тадқиқотларни координация қилишга, тезроқ илмий ахборот беришга ёрдам қилади.

Биз шунга аминимизки, X Халқаро астрономик съезди кун тартибиде белгиланган илмий симпозиумлар ва бирлашган мунозаралар муваффақиятли ўтади ҳамда астрономиянинг қўнғина проблемаларини тўғри ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳозирги замон фани фақат ўхшаш фанлар ва саноат билан мустаҳкам алоқада бўлибгина ривожланиши мумкин. Шу сабабли астрономлар билан саноат ходимлари ўртасида алоқаларни мус-

таҳкамлаш учун пмкони борича ҳамма ишларни қилиш жуда муҳимдир. Олимлар — оптиклар, радиофизиклар, механиклар ва радпо-техниклар билан ҳамкорлик қилмасдан туриб, ҳозирги замон астрономияси фахрланиш мумкин бўлган ютуқларга эришиб бўлмас эди.

Астрономия соф қузатиш фанидан экспериментал фанга йил сайин тобора кўпроқ айланиб бормоқда.

Совет олимлари, конструкторлари, техниклари ва ишчиларининг аҳил куч-гайрати натижасида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилган 1957 йил 4 октябрда астрономия тараққиётида янги саҳифа бошланди. Сунъий йўлдошларга жойлаштирилган турли аппаратлар бажарадиган қузатувларнинг нақадар муҳим эканлигини, йўлдошларнинг ҳаракатидаги қонуниятларни қузатиш нақадар муҳимлигини сиз ҳаммангиз биласиз. Ернинг сунъий йўлдошларининг учирилиши — бу жаҳон бўшлиғига дастлабки ёриб кириш бўлиб, чексиз истиқболлар очиб беради.

Бизнинг олимларимиз Америка Қўшма Штатлари олимларини табриклайдилар. улар ҳам сунъий йўлдошларни учирдилар.

Биз ўз томонимиздан шунга айтишимиз мумкинки, бизнинг жаҳон бўшлигини ўзлаштириши ва табиийёт илминини асосий ривожланиши ҳақиқатини ҳисобга олишда астрономиядаги ишимиз давом эта беради ва кенгай беради.

Астрономияда энг янги техникани қўллагани, янги физик ҳодисалар ва процессларни ўйлаштириши, астрономиядаги ер атмосферасидан ташқарида қузатиш мумкинлиги сабоатнинг юксак даражада ривожланганлиги билан боғлиқдир.

Биз шунга яқин биламизки, АҚШ, Англия, Франция, СССР ва бошқа айрим мамлакатларда саноат ва техника юксак даражада ривожланганлиги туфайлигина астрономияда катта муваффақиятларга эришилди.

Буларнинг ҳаммаси тинч ҳамкорлик негизида илмий тадқиқотларни янада кенгроқ координация қилишни қайта-қайта талаб этади.

Халқимиз олимларимиз Амбарцумян, Фесенков, Зверев, Кукаркин, Мустель, Паренаго, Северний, Соболев, Сүбботин ўртоқларини ва юлдузлар соҳасида, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши соҳасида, осмон механикаси ва астрономия соҳасида иш олиб бораётган бошқа олимларни билади. Уларнинг илмий ишлари астрономияга қўшилган қимматли ҳиссадир.

Совет кишилари шу билан фахрланадиларки, бизнинг олимларимиз космик фазони ўзлаштиришда етакчи роль ўйнамоқдалар. Биринчи бор Совет Иттифоқида барпо қиладиган ва учирилган сунъий Ер йўлдошлари ер атмосферасининг ташқи қатламлари, космик нурлар, қуёшнинг нурланиши ва бошқа кўп ҳодисалар ҳақидаги билимларни бойнатади.

Совет халқи фақат ўз олимларининг ютуқлари билангина фахрланмайди. Совет халқи инсоният тараққиётига ёрдам берётган барча мамлакатлардаги олимлар ишини юксак баҳолайди.

Бизнинг астрономларимиз Англия ва Австралия олимларининг радиоастрономия соҳасидаги ишрик ютуқларини ҳам, катта телескоплар ёрдамида узоқдаги юлдузлар ва галактикаларни текширган Америка Қўшма Штатлари астрономларининг буюк тадқиқотлари натижаларини ҳам совет халқи ўртасида кенг оммалаштирдилар.

Совет халқи табиат сирларини билиш соҳасида инсоният тафаккури эришган ажойиб янги галабаларни эшитар экан, ҳаммиса қувонади.

Ўтмишда буюк маданиятни вужудга келтирган, бироқ, оғир тарихий шароитлар, хорижий босқинчилар ва мустамлакачиларнинг узоқ муддатли ҳукмронлиги оқибатида ҳозирги замон фанини ривожлантиришда узоқ вақт етарли даражада қатнашни имкониятига эга бўлмаган мамлакатлардаги фан тараққиёти ҳақидаги яхши хабарларни зўр мамнуният билан қарши олади.

Ҳозирги замон астрономиясига араб олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Юлдузларнинг арабча номлари: Алтайр, Альдебаран, Алголь ва бошқа кўлаб номлар астрономия арабларнинг қадимий маданияти олдида қанчалик қарздор эканлигини бизга эслатиб туради. Шу нарсани кўриш қувончлики, ўз мустақиллиги учун одилона ва қатъий кураш олиб бораётган араб мамлакатлари халқлари ўзларининг миллий орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишида фанининг аҳамиятини юксак қадрлайдилар.

Франция, Ҳиндистон, Бельгия, Чехословакия, Нидерландия, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив республикаси, Польша ва Ғарбий ҳамда Шарқий Европадаги бошқа мамлакатларнинг астрономлари астрономияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ушбу съездда Латин Америкаси, Осиё ва бошқа қитъалардаги мамлакатларнинг кўп сонли астрономлари ҳам қатнашаётганлигини мамнуният билан қайд қилиш керак.

Биз совет астрономларининг бошқа мамлакатларнинг астрономлари билан, у мамлакатларнинг сиёсий системаларидан қатъи назар, биргаликда иш олиб боришларини бундан буён ҳам табриклиб берамиз.

Совет астрономларининг бутун жаҳон астрономлари билан самарали ҳамкорлиги фақат бутун жаҳон олимларининг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасидагина қоинот ҳақидаги фанининг асосий проблемалари муваффақиятли ҳал этилиши мумкинлигини ҳаммадан кўра яхшироқ исботлайди.

Совет ҳукумати X Ҳалқаро астропомик съезд ишига катта аҳамият беради.

Совет ҳукумати X Халқаро астрономик съезд ишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади, астроном олимларни совет олимларининг ютуқлари билан, совет астрономик марказлари билан ва бошқа илмий муассасалар билан таништиришга кўмаклашади.

Совет ҳукумати барча қитъалардан Совет Иттифоқининг пойтахти — Москвага келган сиз астроном олимларга соф илмий проблемаларни муҳокама қилишда ҳам, халқаро бирдамлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда муҳим бўлган илмий-ташкилий масалаларни ҳал этишда ҳам самарали ишлашингизни тилайди.

Совет ҳукумати шунга аминки, бу съезд ҳам бошқа илмий съездлар ва кенгашлар сингари барча мамлакатлар олимлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади, оқибат-натигада бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Фақат тинчликни мустаҳкамлаш негизидагина фанш ҳар томоглама ривожлантириш мумкин.

ТАРАҚИЁТИМИЗ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*КПСС XXI съездида
1959 йил 28 январда
сўзланган нутқ*

Ўртоқлар! Партия XX съезидан кейин атиги уч йил ўтди. Бироқ ана шу вақт ичида саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида йприқ тадбирлар амалга оширилди, халқнинг моддий фаровонлигини анча ўстириш таъминланди.

Партиямиз ўтказётган ленинча ташқи сиёсат, Совет давлати тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган актив қураш самарали натижалар бермоқда. Совет Иттифоқининг ва бутун жаҳон социалистик системасининг халқаро обрўйи янада ортди.

КПСС XXI съезди СССР халқ хўжалигини 1959—1965 йилларда ривожлантиришнинг етти йиллик планини кўриб чиқмоқда. Ана шу етти йилликда партия совет халқининг моддий фаровонлигини янада ўстириш соҳасида кенг тадбирларни амалга оширишни белгилади.

Етти йилликнинг энг муҳим вазифаларидан бири яқин йиллар ичида аҳолини барча зарур буюмлар билан тўлароқ таъминлаш ва айрим товарларнинг камёблигини тугатиш учун халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш ҳисобланади.

Давлатимиз экономикаси ҳозирдаёқ оғир саноатни биринчи навбатда ривожлантиришни таъминлаб, етти йиллик планда енгил ва озиқ-овқат саноатини олдинги даврлардагига нисбатан юқорироқ суръатларда ривожлантиришни назарда тутмиш имкониятини беради. Агар етти йилликда халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 1,8 барабар кўпайса, енгил ва озиқ-овқат саноатнда у тахминан 2 барабар ортади. Бу эса аҳоли турмуш даражасини тезроқ юксалтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш имкониятини беради.

Етти йиллик планда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни 1958 йилдаги даражага нисбатан тахминан 62—65 процент кўпайтириш белгиланмоқда. Товарлар ишлаб чиқаришни миқдор жиҳатдан ўстириш билан бир қаторда уларнинг ассортиментини яхшилаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, турмушда

маданият ва қулайликни вужудга келтирадиган энг яхши кийим-кечаклар ва буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича тadbирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Юқори калорияли ва витаминларга бой сут маҳсулотлари, қанд-шакар, гўшт ва балққ маҳсулотлари, сабзавот ва мева истеъмол қилиш жуда жиддий сурбатда ортади. Саноат товарларини, айниқса жун ва шак газламаларни, пойафзал, тайёр кийимлар ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига сотиш кўпаяди.

Қанд-шакар ишлаб чиқариш қарийб 2 баравар ортади. Бунинг реал эканлигини қишлоқ хўжалигимизнинг муваффақиятлари тасдиқлайди. Қишлоқ хўжалиги 1958 йилдаёқ партия XX съезди Директиваларида қанд-лавлaги етиштириш бўйича 1960 йлга белгиланган топшириқларни бажаришга эришди. Асосий лавлагикор районларда қанд-лавлaги экиладиган майдонларни анча кенгайтириш, лавлагикор ва қанд-шакар ишлаб чиқарадиган янги йприк районларни барпо қилиш назарда тутилмоқда. Қанд-шакар саноатига капитал маблағ сарфлаш олдинги етти йилликдагига нисбатан 4,5 баравардан зиёд кўпаяди. Қанд-шакар саноатининг ишлаб чиқариш қуввати икки баравардан зиёд ортади.

Кейинги йилларда янги қанд-шакар заводларини қуриш ва ишлаб чиқариш қувватини кўпайтиришнинг муваффақиятлари кўпайиб кетмоқда. Уларни суткасига 10—15 минг центнер лавлагини қайта ишлаш қувватига эга бўлган қанд-шакар заводлари қурилар ва бундай заводларни қуриш муддати 4—5 баравар кичикроқ вақтда йилларга қилиниб кетар эди. Эндиликда алча кўпроқ қувватга — суткасига 30, 45 ва 50 минг центнер лавлагини ишлаш қувватига эга бўлган заводлар қурилади. Кейинги вақтдаги тажриба шуни кўрсатадики, қанд-шакар заводини бир ярим-икки йил ичида қуриш мумкин экан. Йприк қанд-шакар заводларини қуриш қувват бирлигига айлантриб ҳисоблаганда ўрта қувватли заводларга нисбатан 25—30 процент арзон тушади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, қанд лавлагини ташиш радиуси оширилганда ҳам ишлаб чиқарилган қанд-шакарнинг танпархи арзон тушади.

Мамлакатда чорвачиликни ривожлантириш туфайли сут-гўшт, мол ёғи етиштириш ортади. Ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Сут етиштириш икки баравар ўсади. Чорва молини қайта ишлаш учун етти йиллик мобайнида 250 га яқин гўштни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилади. Гўшт чорвачилиги районларида ана шундай корхоналар қурилишини кенгайтириш натижасида колхозлар ва совхозлар чорва молларни бевосита гўштни қайта ишлаш корхоналарига топширишда катта имкониятларга эга бўладилар. Бу эса чорва молини узoққа ташишни қисқарттиради ва ташиш билан боғлиқ бўлган нoбўдгарчиликларни тугатади. Гўштни қайта ишлайдиган янги корхоналар асосан ўрта ва кичик қувватли қилиб қурилади. Корхона-

ларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш молни сўйишдан олинадиган хом ашёдан кенг ассортиментда гўшт маҳсулотлари чиқариш учун тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради.

Чорва молларни бўрдоқга боқадиган пунктларни кенгайтириш ва янги пунктлар қуриш тадбирларни назарда тутилмоқда. Бу тадбирлар колхоз чорвачилиги озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда топириладиган молнинг семизлигини оширишга, йил давомида чорва молларни гўштни қайта ишлаш корхоналарига кўпроқ бир меъёردа етказиб беришга ҳамда гўшт саноати корхоналари ишида мавсумийликни енгиллаштиришга эришиш имкониятини беради.

Етти йилликда ёғ-мой ва консерва саноати юқори суръатлар билан ривожланади. Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 60 процентдан зиёд, консервалар ишлаб чиқариш 82 процент ортади. Гўшт, балик, сут, сабзавот, томат ва мева консерваларни ишлаб чиқариш кўпаяди; мева ва резавор шарбатларни ишлаб чиқариш анча ўсади. Озиқ-овқат товарларини консерва қилишда тез музлатадиган аппаратлар ва бошқа янги усуллар кенг жорий қилинади. Бу эса консерваларнинг тўйимлилиги ва таъминни яхшироқ сақлашни татминлайди.

Хом ашё зоналарига бевосита яқин бўлган қишлоқ районларида озиқ-овқат корхоналари қуришнинг катта программаси белгиланмоқда. Илгари қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар қайси идорага тегишлилигига қараб қурилар, бу эса анча қимматга тушар ва тежамсиз бўларди. Шундай мисоллар оз эмаски, ҳатто аҳоли яшайдиган бир пункт районида қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналардан бир нечтаси бир-бирига жуда яқин масофада қурилган. Уларнинг деярли ҳар бирида ўзининг энергетик ва омборчилик хўжалиги бўлган. Ҳар бир корхона ўз қоровулчилигига, ҳисоблаш ашарати ва маъмурияга эга бўлган. Бир қанча ҳолларда бу практика ҳозир ҳам сақланиб қолган. Чунки лойиҳалаш институтлари ҳали ҳам ўз ишларини қайта қурмадилар ва ўз ишларини тор тармоқчилик бўйича давом эттирмоқдалар. Майда, тарқоқ корхоналар ўрнига ишлаб чиқаришдаги айрим турларнинг мавсумийлигини ҳисобга олиб, турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича цехларга эга бўлган ягона корхона қуриш керак. Бу эса капитал маблағ сарфини қисқартиришни, ускуналарни иш билан тўлароқ таъминлашни, йил давомида ишчи кучларидан яхшироқ фойдаланишни таъминлайди ва халқ хўжалигига катта тежам келтиради.

Етти йиллик мобайнида совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш катта ҳажмларда ортади. Районлар бўйича етти йиллик планни тасдиқлашда совхозларда ўз маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш программасини тузиб чиқиш лозим. Бу эса совхозларда айниқса ишчилар дала ишларидан ва

бошқа қишлоқ хўжалик ишларидан бўш бўлган даврда ишчи кучларидан яхшироқ фойдаланиш учун қулай шароит яратиб беради ва совхоз ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга, ташиш қўйин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташишни қисқартиришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янгилигида ва янги қайта ишланган ҳолатда ташиш учун кўп миқдорда автомобиль-рефрижераторлар талаб қилинади. Етти йиллик план лойиҳасида ана шундай автомобиллар ишлаб чиқаришни авж олдириш назарда тутилмоқда. Автомобиль-рефрижераторларни серияли ишлаб чиқаришни тезроқ ташкил қилишни таъминлаш зарур. Бу эса тежам беради ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яхшироқ сақлаш имкониятини яратади.

Аҳоли озиқ-овқатида балиқ маҳсулоти катта ўрнини эгаллайди. Агар урушга қадар бизда жон бошига балиқ маҳсулоти истеъмол қилиш 5 килограммни ташкил этган бўлса, ҳозир 9,5 килограммни ташкил қилади. 1965 йилга борганда эса балиқ маҳсулотини истеъмол қилиш 12—13 килограммгача етади. Балиқ саноатининг ўзинлар флотини урушдан олдинги даврдигига нисбатан ҳозир 3,5 баравар ортди. КПСС XXI съездида Украина ССР кемасозлари ҳажми 44 минг тонналик «Советская Украина» номли янги кит овлаш кемасини сувга туширишлари муваффақиятли бўлганлиги муваффақиятдир. Бизнинг балиқчилик флотининг кўлини дунёнинг балиқчи кадрларга эга. Бизнинг балиқчиларимиз Атлантикада Тинч океанда балиқ овлаётган янги районларни муваффақиятли ўзлаштирмоқдалар. Антарктикада совет кит овлашчиларининг вазифаларини муваффақиятли бажармоқдалар. Юқори сифатли консервалар ишлаб чиқариш учун сардина ва туңц балиқларини овлаш бўйича Африка соҳиллари яқинида янги балиқ овлаш районларини қидириб топиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 1958 йилда денгизларда кемалар билан умуман балиқ овлаш урушдан олдинги, 1940 йилдагига нисбатан 5 баравардан зиёд кўпайди.

1965 йилда мамлакатда 4.600 минг тоннадан ортқ балиқ овланади, ёки балиқ овлаш 1958 йилдагига нисбатан 60 процентдан зиёд кўпаяди.

Портларга балиқларни асосан янги тугилган пайтида ва музлатилган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларига кўпроқ жавоб берадиган ҳолда етказиб беришни таъминлаш учун рефрижератор флотини кўпайтириш зарур. Бу флот балиқни бевосита денгизда қайта ишлашни анча кенгайтириш имкониятини беради. Ленинград, Херсон ва Хабаровск халқ хўжалиги кенгашлари балиқ овлайдиган ва транспорт рефрижератор кемалари қурилишини тезроқ авж олдиришлари ва балиқчилик саноатига етказиб беришни жадаллаштиришлари керак. Балиқчилик саноатини сифатли тара билан тўлароқ таъминлаш учун узоқ Шарқ, Болтиқ бўйи ва

бошқа балиқ овлaш районларидаги халқ хўжалик кепгаплари тара ишлаб чиқаришни яқин икки йил ичида анча ривожлаштиришни кўзда тутишлари лозим.

Шу етти йиллик мобайнида совет кпшилариини газламалар, кийим-кечак, поймафзал ва бошқа товарлар билан мўл-кўл таъминлаш вазифаси ҳал этилади. Жун газлама ва зигир толасидан тўқилган газламалар ишлаб чиқаришнинг миқдори бўйича Совет Иттифоқи жаҳонда бирикинчи ўринда туради. Етти йиллик планда барча турдаги газламалар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Трикотаж саноати юксак суръатлар билан ривожланади. Ички трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш қарийб 2 баравар, устки трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш эса 1,7 баравар ортади. Ассортиментни кенгайтириш ва сифатини оширишга катта эътибор берилди. Бу эса натурал майин жундан ва сунъий янги толалардан буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига таъминланади.

Сунъий мўйна ишлаб чиқариш катта ҳажмда ортади. Сунъий мўйнадан енгил, иссиқ устки кийим ва бош кийимлари тайёрланади. Тикувчилик ишлаб чиқаришини кенгайтириш бўйича ва, айниқса, тайёр кийимларни тикиш ҳамда пардозлаш, сифатини яхшилаш бўйича янги тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Кўнчилик, поймафзал саноати, сунъий чарм ишлаб чиқариш саноати тез суръатлар билан ривожланади. Етти йилликнинг охиригача чарм ва кигиз поймафзал ишлаб чиқаришни 559 миллион жуфтга етказиш назарда тутилган. Бундан ташқари резина поймафзал ишлаб чиқаришни 212 миллион жуфтга етказиш мўлжалланмоқда. Поймафзал ишлаб чиқариш учун янги сунъий чармлар барпо қилинди. Бу чармлар натурал чармнинг ўрнини тўла босибгина қолмай, балки айрим ҳолларда ўз сифати жиҳатидан ундан устун туради, қиймати эса натурал чармдан анча пастдир. Яқин вақт ичида поймафзал учун жуда енгил говакли тагчармни оммавий тарзда ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бу вази жиҳатидан пробкадан ҳам енгил бўлиб, иссиқ тутиши жиҳатидан кигизга тенг келадиган материалдир. Янги юқори сифатли материалларни қўлланиш пишиқ ва чиройли поймафзал ишлаб чиқаришни таъминлайди. Сунъий чарм ва турли хил мустаҳкам материалларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш галантерея саноатини ўстиришга, янги пишиқ материаллардан плашчлар ва ёпқичлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга таъсир кўрсатади, шунингдек, ҳозир техника мақсадлари учун сарфланаётган кўп миқдордаги газламаларни бўшатиб олиш ва уларни синтетик плёнка билан алмаштириш имкониятини беради.

Турмушда зарур бўлган буюмлар ва хотин-қизларнинг уй-рўзгор ишларини енгиллаштирадиган машиналар ишлаб чиқаришни

икки барабар кўпайтириш мўлжалланмоқда. 1940 йилда бизда 3 миллиондан камроқ барча турдаги соатлар ишлаб чиқарилган эди, ҳозир салкам 25 миллион соат ишлаб чиқарилмоқда. 1965 йилга бориб эса 35 миллион донадан ортиқ соат ишлаб чиқарилади. Етти йилликда жами 200 миллиондан ортиқ соат ишлаб чиқариш белгиланган. Урушга қадар мамлакатимизда йилга 250 мингдан ортиқ велосипед ишлаб чиқариш эди, етти йилликнинг охирига бориб велосипед чиқаришни 4 миллион 200 минг донагача етказиш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз етти йилликнинг охириги йилида 9 миллиондан ортиқ радио приёмник, радиола, телевизор, 2,5 миллиондан кўпроқ кир ювиш машинаси ва қарийб 1,5 миллион холодильник чиқаради.

Уй-жой қурилишининг гуркираб ўсиши муносабати билан етти йиллик планда мебель ишлаб чиқаришни кенгайтириш назарда тутилганлиги гоят катта аҳамиятга эгадир. Мебель ишлаб чиқариш 1958 йилда ишлаб чиқарилганга нисбатан 2,4 барабар ортади.

Халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кўпайтириш туфайли совет савдосини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Мамлакатда чакана товар обороти кийсй нархларда. 1958 йилда 667 миллиард сўмни ташкил қилиб, 1957 йилга нисбатан 2,4 барабар ортиб, навоҳатдаги етти йилликда товар обороти ҳажми тахминан 62 процент ўсиши керак. Аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатиш учун қўшимча равишда катта миқдорда магазин ва 64 минг опихона, закускахона, кафе, ресторан очиш назарда тутилмоқда.

Қадоқланган товарлар чиқаришни кўпайтириш савдони яхшилашнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Товарларни қадоқлаш ҳолда ва доналаб сотишни ривожлантириш савдонинг янги формаларини кенгайтиришга, савдога турли автоматларни жорий қилишга ва товарларни уйга етказиб беришни кенг ташкил этишга ёрдам қилади. Яқин вақтлар ичда савдода товарлар упаковкеси учун синтетик материаллар — полиэтилен ва целлофандан қилинган ялтироқ плёнкалар кенг қўлланила бошлайди. Бу эса аҳолига кўпгина ярим фабрикаларни, тайёр кулинария маҳсулотларини яхши ўралган ҳолда, сабзавот ва меваларни сўлитмасдан, совутилган ва музлатилган ҳолда сотиш имкониятини беради. Товарларни қадоқлаган ҳолда сотиш савдо маданиятини анча оширади ва харидорларга катта қулайлик туғдиради.

Халқ фаровонлиги ортиси билан аҳолининг юқори сифатли турли хил янги товарларга бўлган эҳтиёжи ва талаби ҳам ўсмоқда. Бозор чиқарилаётган товарлар ассортиментини тўхтовсиз янгилаб боришни талаб қилмоқда. Товарларнинг ассортиментини яхшилаш, янги турларини ишлаб чиқиш ва уларни оммавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича жиддий равишда мунтазам иш олиб борилиши керак.

Улгуржи савдо иттифоқдош республикалар ихтиёрига берилиш билан чакана савдонинг саноат корхоналари билан бевосита алоқасини ўрнатилш учун шароит яратилди.

Фабрика ва заводлар чиқарилаётган товарларнинг ассортимини савдо ташкилотларнинг талаби билан ўзгартиришлари керак. Саноат корхоналарига талабнинг ўзгаришига мувофиқ ишлаб чиқариш плагина зарур тузатишлар киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Эндликда корхона, шунингдек, магазин ишига плагини фақат биргина кўрсаткич бўйича бажарилишига қараб баҳо беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Мукофотлаш системаси фақат плагининг бажарилишини эмас, балки товарларнинг юксак сифатини, савдо маданияти ва харидорга хизмат кўрсатишнинг юксак даражасини ҳам рағбатлантириши керак.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича топшириқларни бажариш учун етти йиллик плагинда енгил ва озиқ-овқат саноатида янги қувватларни тезроқ ўстириш назарда тутилган. Бу тармоқларда капитал қурилиш учун 80—85 миллиард сўм, яъни олдинги етти йилликдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўп маблағ сарфланади. 1600 дан ортиқ корхона ишга туширилиши керак. Масалан, тўқимачилик саноатида қувватлар 1,5 баравардан зиёд ортади. Бу эса ўтган йилгирма йил ичида ишга туширилган қувватларга тахминан тенг келади. Корхоналарни асосан янги иқтисодий районларда қуриш белгиланган. Шу етти йилликда Урта Осиё республикаларида, Қозоғистонда, Уралда, Сибирда тўқимачилик саноати айниқса кўп ривожланади.

Яқин йиллар ичида енгил ва озиқ-овқат саноатида ишлаб турган корхоналарнинг ускуналарини янгиллаш ва модернизация қилиш, реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш кенг қулоч ёяди. Бу тадбирлар ниҳоятда самарали бўлиб, ўрни жуда тез қопланади. Масалан, Иваново халқ хўжалиги кенгаши тўқимачилик корхоналарида ускуналарни модернизация қилиш бўйича белгиланган ишларни амалга ошириш кўзда тутилган, бу эса газлама чиқаришни 100 миллион метр кўпайтиришни таъминлайди. Бу билан боглиқ бўлган харажатларнинг ўрни бир, бир ярим йил ичида қопланади. Москва области тўқимачилик корхоналарида реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш майдонларини қисман кенгайтириш натижасида янги қурилиш учун сарфланадиган маблағларга нисбатан (қарийб 1,6 баравар) кам маблағ сарфланган ҳолда, бозор учун қўшимча равишда йилга 3 миллиард сўмликдан кўпроқ товар ишлаб чиқарилади. Белгород ва Ростов халқ хўжалиги кенгашлари янги қурилишга сарфланадиганига нисбатан 2 баравар кам пул маблағи сарфлаб, Шебекинск ва Волга-Дон комбинатларининг мой кислоталари ишлаб чиқариш қувватини икки баравардан зиёд оширади. Ана шу комбинатларда қўшимча қувватлар ишга туширилиши билан мой ўрнини босадиган материаллардан фойдаланиш

асосида совун ва кир ювиш воситаларини ишлаб чиқариш йилига 275 минг тоннагача кўпайтирилади. Бунча маҳсулот ишлаб чиқариш учун эса тахминан 300 минг гектар ерга кунгабоқар экиш талаб қилинар эди.

Етти ва озиқ-овқат саноатида янги қурилишларни амалга ошириш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш учун кўп миқдорда ускуналар талаб этилади. Кейинги етти йил ичида тўқимачилик саноатида янги корхоналарда ва реконструкция қилинган ишлаб турган корхоналарда йилига ўрта ҳисобда 260 мингга яқин янги йиғириш урчуғи ва 7800 автомат тўқув станогни ўрнатилди. Етти йиллик план бўйича биз ҳар йили ўрта ҳисобда 925 минг урчуқ ва 21,5 минг тўқув станогини ишга солишимиз керак.

Машинасозлик заводларини ихтисослаштириш ва уларнинг қувватларини ошириш ҳамда юқори унумли ускуналарни барпо қилиш бўйича катта вазифалар турибди. Масалан, тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқариш учун Пенза, Тошкент, Климовск, Орлов, Ленинград, Москва ва бошқа бир қанча шаҳарлардаги мавжуд машинасозлик заводлари қувватини кенгайтириш зарур. Машинасозлик заводлари чиқараётган машиналарнинг айрим

Ленинград заводини кўрсатиш мумкин. Капрон толасини йиғириш учун улар чиқараётган машиналар 48 иш жойига эга бўлиб, ҳар йили ўрта ҳисобда ҳар бир машина ўртада 12 миқдорда маълумотларга кўра, чет элларда худди шундай машиналар ҳар бир иш жойида 4 дан 12 тагача иш чиқаради. Бинобарин, бир хил тезликда ва хизмат кўрсатадиган ишчилар баравар бўлгани ҳолда, машиналаримизнинг унумдорлиги чет эл машиналари унумдорлигидан бир неча баравар пастдир. Машинасозлик саноати ходимлари янада юқори унумли машиналарни тезроқ барпо қилишлари керак.

Машинасозликда илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотлари ишини қайта қуриш зарур. Илмий текшириш институтларини ҳозиргидек технологик ва машинасозлик институтларига бўлиш нотўғридир. Технологик институтлар машиналарнинг янги конструкцияларини параллель ишлаб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Натижада илмий кучлар сочилиб кетмоқда ва яхши экспериментал база яратилмаётир. Энг янги техника ва технологияни яратиш вазифаларини муваффақиятли ва жадалроқ ҳал қилиш учун янги технологияни ишлаб чиқиш ва янги машиналарни конструкция қилиш функцияларини ягона тармоқ илмий-текшириш институтларида бирлаштириш лозим. Янги машиналарни лойиҳалаштириш бўйича ишнинг асосий қисмини бевосита машинасозлик заводларидаги конструкторлик бюрolarига юклаш керак. Маблағни аямай, конструкторлик бюрolarини анча кен-

гайтириш, малакали конструкторлар билан мустақамлаш ва лойиҳачиларни янада тежамли ва такомиллашган машиналарнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқишдан моддий манфаатдор қилиш лозим.

Ускуналар ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг такомиллаштирилмаганлиги ҳам янги техникани жорий қилишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири ҳисобланади. Машинасозлик заводлари ишга чиқарилаётган машиналар миқдорига қарабгина эмас, балки ана шу машиналарнинг унумдорлигига қараб ҳам баҳо берилш лозим.

Фан ва техниканинг ривожланиши халқ хўжалиги учун янги резервлар очиб беради. Бу резервлардан биз планни бажариш процессида фойдаланишимиз керак. Шу нарса мутлақо равшанки, етти йиллик планнинг барча ҳисоблари техниканинг ҳозирги даражасини назарда тутиб тузилган. Бизнинг давримизда кўпгина янги муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқдаки, бу тадқиқотлар халқ хўжалиги проблемаларини тобора янгира, иқтисодий жиҳатдан тобора фойдали ҳал этиш имкониятини беради. Бу бизнинг катта резервимиз ҳисобланади ва бу резервдан ўз вақтида фойдаланишимиз керак.

Шундай мисолни олайлик. Салкам бир йил олдин сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш ва реконструкция қилишнинг катта программаси қабул қилинган эди. Унда капитал қурилиш ҳажми, ишлаб чиқариш ҳажми ва айрим турдаги толаларни ишлаб чиқариш нисбати белгиланган эди. Бироқ газни қайта ишлаш ва ацетилен ишлаб чиқариш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар сунъий толанинг бошқа айрим турларига нисбатан анча қимматли ҳисобланган ацетат ипак ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш учун янги катта имкониятлар пайдо бўлганини кўрсатади. Бу ипакни ишлаб чиқаришни кенгайтириш катта иқтисодий самара беради. Шунинг учун сунъий толани ривожлантириш программасига энг янги илмий тадқиқотлардан келиб чиқадиган ўзгаришларни ҳозирдаёқ киритиш керак.

Бошқа бир мисол. Капрон тола ишлаб чиқариш бўйича технология ва машиналар конструкцияларига янги прогрессив ечимларнинг жорий этилиши янги корхоналар қурганда ускуналар миқдорини тахминан 15 процент камайтириш имкониятини беради. Бунинг натижасида капитал маблағ сарфлаш кўп миқдорда тежаб қолинади ва тайёр маҳсулот қиймати арзонлаштирилади.

Гарчи бир қанча ҳолларда илгари қабул қилинган лойиҳалар ва қарорларни тубдан ўзгартириш талаб этилса ҳам, янги, янада илгор лойиҳалар ишлаб чиқиш йўлидан дадил боравериш керак. Агар бу иш мунтазам равишда қилинмаса, унда корхоналаримизнинг техника даражаси орқада қолади.

Халқ хўжалигини жадал ривожлантириш манфаатлари бир-бирининг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноят

тармоқларига сарфланадиган капитал маблағлар самарадорлигини пухта ўрганишни талаб қилади. Саноатнинг айрим тармоқлари бўйича капитал маблағ ҳажминин тақсимлашда энг прогрессив ва иқтисодий жиҳатдан фойдали қарорлар қабул қилиш учун шундай тадқиқотлар натижасини ҳисобга олиш зарур. Газ ва нефть саноатини жадал ривожлантириш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг нақадар катта халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлиги ҳаммага маълум. Бу қарорлар мамлакатда ёқилги балансини иқтисодий жиҳатдан фойдали томонга тубдан ўзгартиради. Шунингдек, темир йўлларда буғ билан тортишдан тепловоз ва электр билан тортишга кўчишни нақадар катта аҳамияти ҳам маълум. Химия саноатининг ривожланиши билан камёб ва анча қimmat турадиган материаллар ўрнини боса оладиган синтетик хом ашёни халқ хўжалигида жорий этиш катта самара беради. Маълумки, капрон, нейлон, полиэтилен, полипропилен сингари бир қанча полимерлар ва бошқа материаллар кўпгина рангли металлларнинг ўзига хос рақобатчилари ҳисобланади. Бу материаллар ишчиқлиги жиҳатидан рангли металллардан қолишмайди, яхши эгилювчанлик, зарарли муҳитга чидамлилик хусусиятига эга. Улардан фақат толалар эмас, балки техника плёнкалари, трубалар деталлар ва бошқа буюмлар тайёрлаш мумкин.

Ишлайди. Бу эса ишлаб чиқаришда меҳнат шaroитини соғломлаштириш учун катта аҳамиятга эгадир. Газлама ўрнига синтетик каучукнинг кенг жорий қилиниши ҳам шундай ҳолат.

массалар ва резина буюмларини кенг жорий қилиш газламалар, смола, каучукни фоят кўплаб тежаб қолтириши беради.

Янги полимер материалларнинг таннарни рангли металллар қийматига нисбатан тезроқ суръатлар билан камайиб боради. Масалан, 1950 йилдан 1957 йилгача бўлган давр ичида миснинг қиймати 6,4 процент камайди. Капрон сингари полимер қиймати эса 4 баравар камайди. Полимерлар ишлаб чиқаришни тегшли равишда ривожлантириш натижасида кўпгина буюмлар ва машина деталларини рангли металллардан эмас, балки полимерлардан тайёрлаш анча фойдали бўлади. Полимернинг солиштирма оғирлиги кам бўлганлиги учун унинг 1 тоннасида қарийб 6 баравар кўп деталь ясаш мумкин.

Бизнинг илмий-тадқиқот муассасаларимиз, план органларимиз ва халқ хўжалиги кенгашларимиз ўрин босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларига капитал маблағ сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги масалаларини мунтазам равишда тадқиқ қилиб боришлари керак. Планилаштиришда узлуксизлик жорий қилинаётган ва план анча узоқ муддатга тузилаётган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир. Ана шундай масалаларни анча рационал ҳал қилиш орқали биз қув-

ватларни ишга тушириш бўйича етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун ва халқ хўжалигига катта тежам келтириш учун катта резервларни топа оламиз.

Саноат қурилишимизда эришилган муваффақиятлар ҳаммага маълум. Бироқ капитал маблағ сарфлашнинг иқтисодий самарадорлиги ва қурилиш қийматини янада камайтириш масалаларини четлаб ўтиб бўлмайди.

Капитал маблағлардан самарали фойдаланишнинг энг муҳим кўрсаткичлари харажатларнинг шундай нисбати ҳисобланадиган, бунда капитал маблағларнинг кўп қисми ускуналар ва машиналарга, кам қисми эса бинолар ва иншоотлар қурилишига сарфланади. Бу жиҳатдан биз анча орқада қолмоқдамиз. Маълумотлар шунини кўрсатадиган, бизда саноат объектларида бинолар ва иншоотлар қийматининг салмоғи АҚШдагига нисбатан 1,5 баравар ортиқдир. Ускуналар учун харажатлар салмоғини кўпайтириш саноат қурилишида капитал маблағ сарфлаш самарадорлигини оширар ҳамда капитал қурилиш суръатларини анча тезлаштиради. Бизнинг лойиҳалаш институтларимиз бу соҳада катта иш олиб боришлари керак.

Етти йилликда саноат маҳсулоти таннархини тахминан 11,5 процент камайтириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда нарх-навоининг планли системаси катта роль ўйнаши мумкин. Бу система халқ хўжалигини ривожлантиришга, хўжалик ҳисоби ва пул муомаласини мустаҳкамлашга жиддий таъсир кўрсатади. Партия XX съезидан кейин ўтган давр ичиди нарх-навоининг планли системаси янада ривожланди: колхозлардан сотиб олинadиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ягона нарх белгиланди, республика ва маҳаллий органларнинг нарх белгилаш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилди, нархларни тартибга солиш бўйича бошқа тадбирлар ўтказилди. Нархларни тартибга солиш ва улардаги номунаосибликни йўқотиш бўйича бундан буён ҳам иш олиб бориш зарур. Аввало бир хилдаги маҳсулотлар учун нархлардаги номунаосибликни йўқотиш, рентабелликдаги беҳуда ҳар хилликни тугатиш зарур. Металл, машина, ёқилғининг баъзи турларини ишлаб чиқаришнинг зарарли бўлиши, бошқа турларини ишлаб чиқаришнинг эса юқори рентабелли бўлишини нормал ҳол деб бўлмайди. Масалан, қора тунука ишлаб чиқариш бўйича таннархга нисбатан 11 процент зарар кўрилади. Оқ тунука ишлаб чиқариш бўйича эса рентабеллик — 22 процент. Кўмир саноати учун айрим машиналар ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги 16 процент зарар билан 45 процентгача фойда ўртасида тебраниб туради.

Рентабелликдаги кескин тафовут хўжалик раҳбарларида ишлаб чиқариш тоишириқларини рентабелли маҳсулотлар ҳисобига ошириб бажаришга интилиш тугдиради. Бунда халқ хўжалиги учун муҳим, аммо корхона учун рентабелли бўлмаган буюм-

лар ишлаб чиқаришга зарар бўлади. Маълумки, масалан, болалар ассортиментдаги айрим тикув буюмларини ишлаб чиқаришда мавжуд норентабеллик туфайли ана шу буюмларни ишлаб чиқариш пани кўпинча бажарилмас эди.

Саноат корхоналари ва халқ хўжалиги кенгашларига олти ойгача мuddат билан янги ишлаб чиқарилган маҳсулотларга вақтинчалик улгуржи нархлар белгилаш ҳуқуқи берилган. Бу шунга боғлиқки, вақтинчалик нархлар ишлаб чиқаришнинг дастлабки даври харажатларини акс эттиради ва, табиийки, бирмунча юқори бўлади. Ишлаб чиқариш ўзлаштириб борилгани сари бундай нархларни қайта кўриб чиқиб, янада пастроқ доимий нархлар билан алмаштириш керак.

Бироқ айрим корхоналар бошқача иш тутмоқдалар. Рoshаль номли машинасозлик заводида (Ленинград халқ хўжалиги кенгаши) 1956 йилдаёқ қозғоз массасини майдалайдиган машина учун 110 минг сўм вақтинчалик нарх тасдиқланган эди. Ҳозирги пайтда бундай машина таннархи 68 минг сўмни ташкил қилади. Аммо вақтинчалик нарх ҳали ҳам амал қилиб келмоқда. Саноатнинг бир қанча тармоқлари практикасида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай практика фойда ҳажминини

кўпайтириш ва маҳсулот узумдорлиги даражасини бунинча кўрсаткичларни бузди. Бу, шунингдек, капитал қурилиш учун маблағ ажратишни кўпайтириш заруриятини туғдиради ва бу билан саноатнинг умумий зарари дининча тўлиқ бўлади.

Чакана нарх соҳасида биринчи навбатда жамоат овқатланиш маҳсулотлари нархи камайтирилади. Шунингдек, нархлардаги номутаносибликни тартибга солиш ва тугатиш бўйича чоралар кўрилади. Масалан, бизда давлат саноати билан ҳунармандчилик кооперациялари ишлаб чиқарадиган бир хилдаги товарларнинг нархларида ҳар хиллик мавжуд. Кўпинча, ҳунармандчилик кооперациялари ишлаб чиқарган товарларнинг сифати ёмон бўлишига қарамай, уларнинг нархи юқорироқ бўлади. Мамлакатнинг айрим районларида мева ва сабзавотга нотўғри равишда оширилган харид нархлари белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни қимматлаштириб юборишга ва консерва саноати маҳсулотлари нархининг ортishiга олиб келган. Натижада нархларда номутаносиблик пайдо бўлган.

Нархларни тартибга солиш бўйича ишларни маҳсулот таннархини кескин камайтириш заруриятини ҳисобга олган ва нархнаво соҳасида иқтисодий спёсат бирлиги принциpigа риоя қилган ҳолда ўтказиш керак.

Ўртоқлар! ХХІ съездининг етти йиллик план тўғрисидаги қарорлари мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда янги босқичдир. Бу планни амалга ошириш экономикани, фан, маданиятни ривожлантиришни, Совет Иттифоқи халқлари моддий фа-

ровонлигини ўстиришни, ватанимиз қудратини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Коммунизм қуришдек хайрли ишда бизни жаҳоннинг барча прогрессив кишилари қўллаб-қувватламоқдалар. Улар пнсоветнинг орзу-умидларини биринчи бўлиб амалга ошираётган бизнинг буюк мамлакатимизга умид билан кўз тикмоқдалар ва бизнинг галабамизга ишончлари комил. Коммунистнк қурилишнинг гоят улкан истиқболлари бизда ўз партиямиздан, ватанимиздан фахрланиш ҳиссини туғдиради. Бу истиқболлар бутун совет кишиларини қамраб олади ва янги меҳнат галабалари сари илҳомлантиради.

Шубҳа йўқки, бизнинг ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз, элларимиз, қаҳрамонова совет ёшларимиз партиясининг буюк режаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун ўзларининг бутун продаларини ва ўзларининг бутун ижодий кучларини сарфарбар қиладилар.

Марксизм-ленинизмнинг енгилмас назарияси билан қуролланган, ўз жонажон партиясини атрофига мустаҳкам жипслашган совет халқи ёрқин келажак — коммунизм сари шахдам қадамлар билан бормоқда.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ БУЮК ҲАМДЎСТЛИГИ

*„Правда“ газетасида
1959 йил 28 апрелда
босилган мақола*

Бугун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) — социалистик мамлакатларнинг социалистик интернационализм ва қардошларча ўзаро ёрдам принципларига асосланган халқаро иқтисодий ташкилоти тузилганига 10 йил тўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши социалистик мамлакатлар ўртасида таркиб топган чинакам тенг ҳуқуқлилиқ ва ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатларини акс эттирувчи мутлақо янги типдаги муносабатлар ташкилидир.

1959 йилда ўзаро иқтисодий ёрдам ташкилининг ташкили этилиши социалистик мамлакатлар халқлари ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда эришилган тажриба ва муваффақиятларни мустаҳкамлаб, ана шу мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг халқаро иқтисодий ташкилот сифатида характери ва спецификаси жаҳон социалистик системасига хос хусусиятлар билан социалистик мамлакатлар ўртасида мустаҳкам ўртоқларча ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдам муносабатлари билан белгиланади.

Маълумки, иқтисодий турмушни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида мамлакатлар ўртасида меҳнатни тўғри ва мақсадга мувофиқ тақсимлаш фоят катта аҳамиятга эга.

Бу ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив қонуни ҳисобланади. Инсоният бу қонундан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришни жадал ва янада самаралироқ ривожлантиришни таъминлаши мумкин.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, капитализм шароитида меҳнатни оқилона ва мақсадга мувофиқ халқаро тақсимлашни амалга ошириш, турли давлатлар экономикасини тўғри ривожлантиришни таъминлашнинг имкони йўқ. Капитализмнинг ўз табиати, унинг халқларни қул қилиш ва асоратга солишга қаратилган босқинчилик ташқи сиёсати экономикани ривожлантиришда турли

мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳамкорлиги ва кучларни бегараз бирлаштирувчи имкониятини йўққа чиқаради. Ҳозирги замон капитализм шароитида иқтисодий жиҳатдан бўш ривожланган мамлакатлар ана шу мамлакатларни ўзларининг аграр хом ашё қўшимчасига айлантириб олувчи йирик монополияларнинг эксплуатация предмети бўлиб қоладилар.

Империализмнинг туб моҳиятини ақс эттирувчи бу ҳодисанинг қонунийлигини таъкидлаб, В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Капиталистлар дунёни жуда баттол бўлганликларидан тақсим қилмайдилар, балки шу сабабдан тақсим қиладиларки, концентрациянинг ҳозирги даражаси фойда қилмоқ учун шу йўлга киришга мажбур қилади; тақсим қилишда ҳам «капиталга» қараб, «кучга» қараб тақсим қиладилар — товар ишлаб чиқариш системаси ва капитализм вақтида бошқача тақсим усулининг бўлиши мумкин эмас»¹.

В. И. Ленин капитализм ҳомийларининг халқаро картелларининг вужудга келиши капитализмнинг келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршиликларини ҳал этиш имкониятини беради, деб исботлашга бўлган ҳар қандай уришишларни қақшатқич танқид остига олган эди. Ленин капитализм бор экин, курашнинг шакли қанчалик ўзгармасин, унинг моҳияти, унинг синфий мазмуни ўзгара олмайди, деб исботлади.

Бу ленинча қонда ҳозирги кунда капиталистик мамлакатлар иқтисодий ҳаётида ёрқин исботланмоқда.

Жаҳон социалистик системаси вужудга келиши билан инсоният тарихида биринчи марта турли мамлакатлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва бегараз ҳамкорлиги учун зарур шароитлар тартиб тошди. Қардошларча дўстлик ва ҳамкорлиги, тўла тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитет, халқларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришда ўзаро манфаатдорлик принциплари муқаррар равишда социализмнинг ўз табиатидан келиб чиқади.

Социалистик мамлакатларнинг мустақамланиб бораётган ҳамкорлиги ана шу мамлакатларда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигига асосланган социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳукмронлиги билан белгиланади ва марксна ленинча назария принциплари, пролетар интернационализи принципларининг синалган тарихий практикасига таянади.

Фақат жаҳон социалистик системаси шароитларидагина меҳнатни халқаро тақсимлашнинг бутун афзалликларидан оқилона фойдаланиш учун ҳамда каттаю-кичик барча мамлакатларда ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ўстириш ва такомиллаштиришга зарур шароитлар яратиш учун имкониятлар очилади.

Социалистик хўжалик системасининг, социалистик лагер мамлакатлари ҳар томонлама фаол ҳамкорлигининг шубҳасиз афзал-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 22-том, 279—280-бетлар.

лиқлари социалистик мамлакатлар моддий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эришган гоят катта муваффақиятларда ёрқин намён бўлмоқда. Бу муваффақиятларнинг ўзига хос томонлари шундан иборатки, халқ хўжалиги ва маданиятнинг гуркираб ривожланиши жараёнида илгарп қолақ бўлган мамлакатлар сопаоти ривожланган мамлакатларга етиб оладилар ва шу тариқа социалистик мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг умумий даражаси тенглашади. Урушдан олдинги даврдагига нисбатан саноат ишлаб чиқариши 1958 йилда Албанияда 18 баравар, Болгарияда—тахминан 9 баравар, Венгрияда—3 баравардан зиёд, ГДРда—2,7 баравардан зиёд, Польшада—5,5 баравардан зиёд, Руминияда—қарийб 4 баравар, СССРда—4 баравардан зиёд, Чехословакияда—3,3 баравар кўпайди.

Айни вақтда капиталистик дунёдаги турли мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражасидаги фарқ тобора кўпроқ ортмоқда. Империализм даврида капитализмнинг иқтисодий ва сosisий тараққиётдаги нотекислик қонуни ана шунда намён бўлмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлар билан ва тўхтовсиз ўсиши—бу социализмнинг умумий қонуниятидир. Социализм мамлакатлари саноат ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши кейинги беш йил ичида 12 процентни, бутун капиталистик дунё бўйича

1958 йилда социалистик мамлакатлар саноат ишлаб чиқариши 1937 йилдагига нисбатан умуман 5 баравар кўпайди. Ана шу давр ичида капиталистик давлатлар саноат ишлаб чиқариши 1937 йилдагига нисбатан 1,5 баравар оширишга ҳам эришолмадилар.

Иккинчи жаҳон уруши олдида, Совет Иттифоқи ягона социалистик мамлакат бўлган пайтда унинг ҳиссасига ер куurrasидаги территориянинг 17 проценти, аҳолининг салкам 9 проценти ва жаҳон саноат маҳсулотининг ўндан бир қисмига яқини тўғри келар эди. Ҳозир эса социалистик лагерь мамлакатлари ер шари территориясининг 26 проценти ни ишғол қилиб турибди. Бу территорияда ер шари аҳолисининг учдан бир қисмига яқини яшайди ва жаҳонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг учдан бир қисмидан кўпроги ишлаб чиқарилади. Бу бир бутун ҳолда олинган жаҳон социалистик системаси халқаро майдонда жаҳон капиталистик системаси билан мусобақаланиб, аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича ҳозирдаёқ жаҳон капиталистик системасига етиб олди, деган маънони билдиради.

Социалистик хўжалик системасининг экономикани юксалтиришда турли мамлакатлар фаолиятини бирлаштиришни таъминлаш имкониятини берадиган энг муҳим афзаллиги унинг планли характеридир. Социалистик давлатлар ўртасидаги меҳнат тақсимиоти стихияли тарзда, ўз-ўзидан эмас, балки иқтисодий ривожланишнинг конкрет хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш йўли билан тузиладиган планлар асосида амалга оширилади.

Халқ хўжалик планларини координациялаш, қатнашувчи ҳар бир мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда эҳтиёжларини биргаликда ўрганиш социалистик халқаро меҳнат тақсимоти илмий негизда амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса миллий хўжаликларни ҳар томонлама ривожлантиришни ва янги ҳаёт қуриш ишида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ёрдамлаштириш таъминлайди.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳар бир мамлакатда конкрет иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ушбу мамлакат экономикасини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида ҳамхўрлик қилиб, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан бирга қўшиб олиб борилади. Бунинг натижасида социализмнинг айрим мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг илгари бу ерда сира бўлмаган ёки жуда бўш ривожланган мутлақо янги тармоқлари вужудга келтирилади ва тез ривожланади.

Бунда Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатларининг ўзаро техника ёрдами катта аҳамиятга эга. Улар бутун корхоналар учун ускуналарни комплект етказиб беришни амалга оширадilar ва ускуналарни монтаж қилиш ҳамда ишга туширишда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

Қардош мамлакатлар ёрдамида Албания меҳнатқашлари қисқа муддат ичида кон-руда саноатини, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, енгил саноат, озиқ-овқат саноати тармоқларини вужудга келтирдилар.

Болгарияда рангли ва қора металлургия, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника, вагонсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, кemasозлик вужудга келтирилди ва анча кенгайтирилди; минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кенг миқёсларда йўлга қўйилди.

Венгрияда саноатнинг янги тармоқлари—приборсозлик, шарикоподшипник саноати барпо қилинди; алюминий ишлаб чиқариш, электротехника саноати, дизелсозлик, кemasозлик ва машинасозликнинг бошқа айрим тармоқлари янада ривожлантирилди, минерал ўғит ишлаб чиқариш анча кенгайтирилди.

ГДРда замонавий кemasозлик ва самолётсозлик вужудга келтирилди ва такомиллаштирилмоқда. Машинасозлик (айниқса вагонсозлик, металлургия ва электротехника ускуналари ишлаб чиқариш), химия саноати, рангли металлургия тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Польшада алюминий ишлаб чиқариш, автомобиль, подшипник саноати деярли янгидан ташкил қилинди; қора металлургия, химия саноати, кemasозлик, қўмир қазиб чиқариш ва рангли металлар ишлаб чиқариш анча ривожлантирилди.

Руминияда автотрактор ва подшипник саноати вужудга келтирилди; газ, электротехника, нефтни қайта ишлаш саноати, машинасозлик ва, аynиқса, нефть ускуналари ишлаб чиқариш янада ривожлантирилди; химия ва целлюлоза саноати барпо қилинмоқда.

Илгари ҳам саноат тараққиётида юксак даражага эга бўлган Чехословакияда янгидан алюминий ва кемасозлик саноати барпо қилинди ҳамда қора металлургия, ёқилги саноати, енгил саноат, машинасозлик янада ривожлантирилди. Химия саноати соҳасида сунъий тола, пластмасса ишлаб чиқариш ривожланмоқда.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Хитойда қисқа муддат ичида минглаб янги йприк ёрхоналар қурилди, оғир индустриянинг муҳим тармоқлари барпо қилинди. Экономикани ривожлантиришда Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Монғолия Халқ Республикаси меҳнаткашлари катта ютуқларга эришдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши давлат тепасида турадиган директив орган ҳисобланмайди, балки суверен давлатларнинг тўла тенг ҳуқуқлиликка, миллий манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга, ўртоқларча ўзаро ёрдамга ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ташкилотдир. Бу принциплар шу билан таъминланадиги, Кенгашнинг кўриб чиқилаётган масалалар бўйича барча қарорлари ва тавсиялари фақат манфаатдор мамлакатларнинг розилиги бўлган тақдирдагина қабул қилинади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши тенг ҳуқуқли вакиллик негизига асосланган.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг ҳар би ҳуқуқдорликларини мувофиқлаштириш оунича тадоирларни амалга ошириш ҳам, бундан уларнинг умумий план органи ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакат Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ривожлантириш планларини мустақил ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши вазибалари ва иш формаларини белгилашда социалистик мамлакатлар партия ва ҳукумат раҳбарларининг кўп томонлама учрашувлари катта аҳамиятга эга. Социализм мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари бир-бирини ўзаро тўла англаш, социалистик интернационализм руҳида социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги ва жиислигини янада ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалаларни ҳал этишни коллектив равишда ишлаб чиқадилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолияти социализм лагери мамлакатларининг самимий дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Капиталистик дунёда манзара тамоман бошқача. Турли халқ-аро иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар «ҳамдўстлик», «иттифоқ» деган ва ҳоказо баланднарвоз номларга эга бўлишларига қарамай, уларнинг ҳаммаси ўз моҳияти жиҳатидан халқларнинг манфаатларига зид бўлган ўта реакцион империалистик блоklar ва келп-шувлар тариқасида қолаверади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши допрасида мамлакатлар амалга ошираётган кўп томонлама ҳамкорлик мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўрнини алмаштирмайди, балки,

акспича, бу муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Кенгаш тавсияларининг икки томонлама иқтисодий битимлар тузиш тариқасида амалга оширилишидан иборат иқтисодий проблемаларни ҳал этиш практикаси шундан келиб чиқади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ўз фаолиятининг биринчи босқичида УИЕК мамлакатлари ўртасида аввало ўзаро савдони кенгайтириш масалаларига эътибор берди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда социалистик мамлакатлар ўртасида ўзаро товар оборотини ривожлантириш асосан йиллик савдо битимлари негизида амалга оширилган бўлса, социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичи узоқ муддатли савдо битимларига кўчиш билан характерланади. Бундай битимлар мамлакатларга узоқ муддат ичида машиналарни, ускуналарни, хом ашё ва иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган бошқа товарларни олиб туриш учун гарантия бўлади, уларнинг маҳсулотларини сотишни таъминлайди, экономикани янада юксалтиришда ёрқин рағбат ва ишончни вужудга келтиради.

УИЕК мамлакатлари ташқи савдосини ривожлантиришнинг ўзига хос томони улар товар оборотининг мунтазам ўсиши ҳисобланади, товар обороти эса шу мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолнинг тўхтовсиз ривожланиши ва ташқи савдо учун имкониятларнинг тобора ортиб бориши натижасида ўсмоқда.

1958 йилда УИЕК мамлакатларининг умумий ташқи савдо обороти 1950 йилдагига нисбатан 2,5 баравар, шу жумладан, Албаниянинг товар обороти — 3,8 баравар, Болгарияники — 3 баравар, Венгрияники — 2 баравар, ГДРники — 4,1 баравар, Польшаники — 1,8 баравар, Руминияники — қарийб 2,1 баравар, СССРники — 2,7 баравар, Чехословакияники — 2 баравар ортди.

Кенгаш қатнашчиси бўлган мамлакатларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги учун энг муҳим товарларни импорт қилиш эҳтиёжларининг асосий қисми ўзаро савдо йўли билан қондирилади. Масалан, 1957 йилда Кенгаш қатнашчиси бўлган мамлакатларининг импорт қилиш эҳтиёжи ўзаро мол етказиб бериш ҳисобига, машиналар ва ускуналар бўйича 78 процент, қаттиқ ва суюқ ёқилги, темир рудаси, чўян, химиявий ўғитлар, дон, нана баргли дарахтдан қиллинадиган тахта-ёғоч материаллари бўйича 72 процентдан 95 процентгача, қора металллар прокати бўйича салкам 60 процентгача, пахта бўйича 52 процент қопланди ва ҳоказо.

Қардош мамлакатларда қурилаётган турли корхоналарни жиҳозлаш учун комплект ускуналар етказиб бериш ва уларнинг қурилишида техника ёрдами кўрсатиш социалистик мамлакатлар қардошларча ўзаро ёрдамнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу соҳада Совет Иттифоқи катта роль ўйнайди. Совет Иттифоқи комплект ускуналар етказиб беришни йил сайин кўпайтирмоқда. Шуни айтиш кифояки, Совет Иттифоқи етказиб бераётган комплект

корхоналар ускуналарининг қиймати 1958 йилда 1950 йилдагига нисбатан тахминан 10 баравар ортди.

СССР билан бир қаторда бошқа социалистик мамлакатлар ҳам комплект ускуналарни экспорт қиладилар. Чехословакия социалистик мамлакатларда қурилаётган электр станциялар, химия ва цемент заводлари ва бошқа корхоналар учун комплект ускуналар етказиб беради. Германия Демократик Республикаси электр станциялар, прокат цехлари, химия корхоналари, цемент заводлари ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноатининг бир қанча корхоналари қурпилиши учун комплект ускуналарни экспорт қилади. Польша сульфат кислота, цемент, қанд-шакар заводлари ва бошқа корхоналар қурилиши учун комплект ускуна етказиб бермоқда.

Шуни қайд қилиш керакки, УИЕК мамлакатлар ўртасида ўзаро савдонинг ўсиши уларнинг капиталистик мамлакатлар билан ташқи савдони ривожлантиришларига халақит бермайди. Социалистик мамлакатлар икки хил ижтимоий система тинч-тотув яшаши мумкинлиги ҳақидаги ленинча қоидага амал қилиб, капиталистик мамлакатлар билан ўзаро фойдали савдонинг ривожлантиришга фаол киришмоқдалар. Аммо айрим капиталистик мамлакатларнинг сиёсий доиралари ана шу мамлакатлардаги корчalon доиралар бундай савдодан мутлақо манфаатдор бўлмайди. Бу мамлакатлар савдонинг ривожлантиришга қўйиб берган халақитли ҳаракатларга қўрғоқчилик қилишмоқдалар.

Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар сингари тенг ҳуқуқлилик ўзаро манфаатдорлик асосида савдо қилишнинг икки товларига аралашмаслик шартида савдо қилиш хоҳишини билдирган барча мамлакатлар билан савдо муносабатларини ривожлантиришни ҳамisha изчиллик билан ёқлаб келди ва ёқламоқда.

Реакцион доираларнинг Шарқ билан Ғарб ўртасида савдонинг ривожлантиришга халақит бериш учун уринишларига қарамай, кейинги йилларда социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми ортмоқда. УИЕК мамлакатларининг капиталистик мамлакатлар билан савдо обороти 1958 йилда 1953 йилдагига қараганда икки баравардан зиёд ортди.

Социалистик мамлакатлар товар оборотида мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлган Осиё ва Африка мамлакатлари билан савдо қилиш муҳим ўрин тутди. Социалистик мамлакатлар бу мамлакатларга уларнинг миллий экономикасини ривожлантиришда, саноат корхоналари қурилишида ёрдамлашмоқдалар, бир қанча ҳолларда ускуналар, саноат хом ашёси сотиб олиш учун кредитлар бермоқдалар.

Бу шундан далолат берадики, жаҳон социализм системаси тинчлик ва социал прогресс учун, ижтимоий системаси турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун қурашаётган барча кучларга муҳим таянч бўлиб хизмат қилади.

Социалистик мамлакатларни иқтисодий юксалтиришда муваффақиятли ривожланаётган илмий-техника ҳамкорлиги катта роль ўйнайди. Барча социалистик мамлакатлар, улар халқ хўжалигининг барча тармоқлари илмий-техника ҳамкорлиги билан қамраб олинган.

Социалистик мамлакатлар ўртасида кенг тажриба алмашиш социалистик мамлакатларнинг бирида ҳал этилган илмий-техника проблемаларини ишлаб чиқиш учун ортиқча маблағ ва куч сарфлашдан озод қилади. Илмий-техника ва ишлаб чиқариш ютуқларини ўзаро алмашиш ўн миллиард сўмлаб маблағни тежаб қолиш ва вақт жиҳатидан ўнлаб йилларни ютишни таъминлаш имкониятини беради. Мутлақо равшанки, бир-бирига бундай текни ёрдам кўрсатиш фақат социализм шароитидагина мумкиндир.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг ўтган йили май ойида Москвада бўлиб ўтган Кенгаши социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди. Бу Кенгашда Хитой Коммунистик партияси, Вьетнам меҳнаткашлар партияси, Корея Меҳнат партияси ва Монголия Халқ-революцион партияси вакиллари ҳам иштирок этдилар. Кенгаш социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик формаларини янада такомиллаштириш ва жаҳон социалистик хўжалик системасида мавжуд бўлган афзалликлардан энг кўп даражада фойдаланиш йўлларини белгилаб берди.

Кенгаш, жумладан, социалистик мамлакатлар халқ хўжалигини ривожлантириш планларини янада мустаҳкамроқ мувофиқлаштиришни амалга оширишни; барча социализм мамлакатлари ўз хўжалиklarини ривожлантиришнинг 10—15 йилга мўлжалланган перспектив планларини ишлаб чиқишларини; халқаро меҳнат тақсмоти негизида халқ хўжалигининг ўзаро бир-бирига боғлиқ тармоқларида ишлаб чиқаришни кенг ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни амалга оширишни зарур деб топди.

Бу программ қондалар Кенгаш фаолиятида ва, энг аввало, социалистик мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда амалга оширилмоқда. Масалан, Кенгаш тавсияларига мувофиқ Польшанинг кўмир саноати Чехословакияда, Германия Демократик Республикасида ва бошқа қардош мамлакатларда кўмирга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Бунда Чехословакия ва ГДР тузилган битимлар асосида Польшага кўмир қазиб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтиришда ёрдамлашмоқдалар. Польшада олтингугурт қазиб чиқариш ҳам ана шу принциплар асосида ривожланмоқда. Венгрияда алюминий саноати, Руминия ва СССРда нефть ва газ саноати социализм мамлакатлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Эришил-

ган битимга мувофиқ Совет нефтини Венгрия, ГДР, Польша ва Чехословакияга етказиб бериш учун нефть қузури қурилади.

Ҳозирги вақтга келиб айрим социалистик мамлакатлар машинасозлигини маълум даражада ихтисослаштириш аниқланди, бу эса машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстиришга ва танвархиви камайтиришга ёрдам беради.

УИЁК тавсиялари бўйича ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш ва ихтисослаштиришнинг амалга оширилиши социалистик мамлакатларга ўз хўжалик тараққиёти профилини яхшироқ белгилаб олиш имкониятини беради. Масалан Польша машинасозлик, кемасозлик, кўмир ва химия саноати мамлакати бўлиб қолмоқда; Чехословакияда оғир, химия, энергетика машинасозлиги устун даражада ривожланади, Германия Демократик Республикасида приборсозлик, энергетика, химия, металлургия машинасозлиги ва химия саноати устун даражада ривожланади.

Етти йилликда Совет Иттифоқида ҳам, барча социалистик мамлакатларда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, аҳолининг моддий ва маданий даражаси ўсади. СССР саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 1,8 баравар кўпайтиришни белгиламоқда. Чехословакия, Полша, Германия Демократик Республикасида ишлаб чиқаришни тахминан шундан ҳаммиларда ўстириш мўлжалланмоқда.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планиде ва бошқа социалистик мамлакатлар ривожланишнинг перспектив планларида социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни янада кенгроқ ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш назарда тутилмоқда.

1965 йилда Европадаги социалистик мамлакатларнинг ўзаро товар обороти 1958 йилдагига қараганда 60 процентдан зиёд ортади.

Социалистик мамлакатлар ўртасида 1965 йилгача иқтисодий ҳамкорликнинг келишилган перспективаси ана шу мамлакатлар экономикасини узоқ муддатда энг муҳим хом ашё турлари ва бошқа товарлар билан планли асосда таъминлайди ва бу билан социализм мамлакатларининг ҳар томонлама янада ривожланишлари учун шарт-шароит яратишга жиддий ёрдам беради.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар эришган ютуқлар уларга капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий мусобақада катта муваффақиятларни қўлга киритиш имкониятини беради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ўн йили шуни бутунлай аниқ равшан исботладики, социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги улар экономикасини юксалтиришнинг ва бутун жаҳон социалистик системаси қудратини оширишнинг муҳим во-

ситаси ҳисобланади. Пролетар интернационализм ва марксизм-ленинизм ғояларига содиқлик принципларига асосланган социализм мамлакатларининг мустақамланиб бораётган бирлиги социалистик қурилиш йўлини тутган барча мамлакатларнинг муваффақиятли ривожланишининг асосий гаровидир. Вазифа социалистик давлатларнинг буюк ҳамдўстлигини янада мустақамлаш, ҳамкорликнинг таркиб топган формаларини доимо такомиллаштириш ва янги формаларини илгари суришдан иборатдир.

ФАН ВА ТЕХНИКАДАН ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Москвада автоматик бошқариш бўйича
1 - Халқаро конгресснинг очилишида
1960 йил 27 июнда
сўзланган нутқ*

СССР ҳукумати тошпириғи билап автоматик бошқариш бўйича 1-Халқаро конгресс делегатлари ва меҳмонларини табриклашга рухсат этгайсиз.

Москва кейинги вақтда самарали илмий мунозаралар айниқса тез-тез ўтадиган жой бўлиб қолмоқда. Бу мунозараларда кўпгина мамлакатларнинг олимлари актив қатнашмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда умуман ҳам бу мунозараларга катта эътибор берилган.

Бизнинг мамлакатимизда инсоннинг ҳаётини яхшироқ қилиш ва унинг ҳаётини қўқорловчи ҳаёт шарт шартларини яхшироқ қилишга зўр ҳурмат бўлап қарайдилар. Биз ўз фаолиятимизда фан ва техника ютуқларига кенг таянган ҳолда иш кўрамыз ва халқимиз бахт-саодати йўлида фан ва техникадан катта фойдаланамиз.

Фан ва техниканинг ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасидаги фан ва техниканинг ғоят катта ютуқлари ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишда зўр аҳамиятга эга. Автоматикага ҳозирдаёқ бутун жаҳонда фан ва техниканинг янги, ёш мустақил тармоғи сифатида, техника тараққиётининг энг асосий калитларидан бири сифатида қаралмоқда. Бундан ташқари автоматика ўз аҳамияти жиҳатидан илм ва янги техниканинг атом энергетикаси, радиоэлектроника, космонавтика сингари янги тармоқлари билан бир қаторга қўйилмоқда. Бунга сабаб замонавий техникани ривожлантириш учун автоматика вужудга келтирадиган ғоят катта имкониятлардир. Ишлаб чиқариш процессларини изчил механизациялаштириш, умуман, кишини оғир жисмоний меҳнатдан озод қилади ва унинг меҳнати ни механизмлар ва машиналар иши билан алмаштиради ҳамда навбатдаги, олий босқичга—ишлаб чиқариш процессларини тўла автоматлаштиришга ўтиш учун тайёрлайди.

Автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини кескин оширишга олиб келади ва техникага ўта юқори тезликда ва босимда ишлайдиган машиналарни жорий қилиш имкониятини беради. Автоматлаштиришсиз киши бундай машиналарни бошқаролмайди. Бироқ

гап фақат бунда эмас. Муҳим социал ва иқтисодий ўзгаришлар ҳам автоматлаштиришнинг натижалари ҳисобланади. Маълум социал шароитларда автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини ошириб, моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни кўнайитиришга ва кишининг турмуш даражасини кескин ошириш проблемаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Автоматлаштириш меҳнат характери ни тубдан ўзгартиради, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги чегараларни йўқотишга ёрдам беради. Бу билан кишиларнинг мисли кўрилмаган даражада маданий юксалиши ва интеллектуал савиясининг ортиши учун асос яратади.

Капиталистик дунё вакиллари орасида баъзан автоматика кўп миқдорда ишчи қўлларини бўшатиб олиб, иш билан банд бўлишни камайтиради ва ишлаб чиқариш ҳамда маданиятнинг турли тармоқлари бўйича ҳам, территориял жиҳатдан ҳам ишчи қуларини қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган жиддий қийинчиликлар туғдиради, деган хавфсираш бор. Ҳақиқатан ҳам капиталистик системада шундай аҳвол мавжуд. Айрим мутахассислар ва сиёсатдошларга автоматиканинг шундай оқибатлари орқасида икки даҳшатли соя — ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик тургандек бўлиб туюлади. Бироқ агар ишлаб чиқариш ва тақсимот ҳамда жамиятнинг ижтимоий ҳаёти плмий, пухта ташкил қилинган планли асосга қурилган бўлса ва тараққиётнинг тинч ўзани бўйича борса, мўл-кўлчилик ёмонлик келтирмайди. Шунинг учун ҳам биз, совет кишилари, автоматикани жорий қилиш учун курашамиз ва уни муваффақиятли ривожлантириш учун бутун куч-гайратимизни сафарбар қиламиз.

Биз автоматик бошқариш бўйича 1-Халқаро конгресс Совет Иттифоқида — ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни муваффақиятли ривожлантираётган мамлакатда; автоматлаштириш давлат спёсати сифатида ўтказилаётган мамлакатда очилаётганлигидан мамнунмиз. СССРда 1936 йилдаёқ, жаҳонда биринчи бўлиб плмнинг ана шу тармоғига махсус бағишланган журнал — «Автоматика ва телемеханика» журнали мунтазам чиқа бошлаганлиги, шунингдек, бизда 1939 йилдаёқ жаҳонда биринчи бўлиб СССР Фаилар Академияси системасида автоматика ва телемеханика махсус институтининг ташкил этилганлиги бежиз эмас. Ҳозир бу институт ушбу конгресснинг энг актив ташкилотчиларидан биридир.

Ишлаб чиқариш процессларини автоматик бошқариш соҳасида техникани муваффақиятли ривожлантириш учун турли мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Ушбу конгресс турли мамлакатларнинг олимлари ва инженерлари ўртасида самарали тажриба алмашишга, улар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатишга имкон беради, фан ва техникани ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлган тинчлик ишини мустаҳкамлашга, саноат, энергетика, транспортни ва инсоният

ҳаётининг бошқа барча томонларини янада тинч ривожлантириш учун ёрдам қилади, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Совет ҳукумати автоматик бошқариш бўйича 1-Халқаро конгресс ишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади, олимларни совет илмий муассасалари ва корхоналари ютуқлари билан таништиришга имконият яратади.

Автоматик бошқариш бўйича 1-Халқаро конгресс делегатларига ва унинг барча иштирокчиларига муваффақиятли ҳамда самарали ишлашни тилашга рухсат этгайсиз. Биз шунга аминмизки, фан ва техниканинг машҳур вакиллари иштирок этаётган ушбу конгресс бутун жаҳонда халқлар турмушини яхшилаш иши йўлида фанга қўшилган муҳим ҳисса сифатида баҳоланади.

СССР ВА ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИНГ СИМВОЛИ

*Бхилаида Совет ва Ҳиндистон ишчилари
ҳамда инженерлари ҳамкорлиги шарафига обелиск қуришда
1961 йил 27 февралда
сўзланган нутқ*

Ҳиндистонлик азиз дўстлар, Совет Иттифоқидан келган азиз ўртоқлар!

Мен Бхилаи металлургия заводида бўлиш ва заводнинг шонли қурувчилари — ҳинд ишчилари, инженерлари ва маъмуриятининг бизнинг ватандошларимиз — совет ишчилари ва мутахассислари билан меҳнат ҳамкорлиги шарафига обелиск қуришда қатнашиш имконияти тугилганлигидан хурсандман.

Совет халқи, СССР ҳукумати номидан, сизга, Бхилаининг бутун коллективига: ишчиларга, инженерларга, техникларга ва заводни қуриш ҳамда эксплуатация қилиш раҳбарларига энг қизғин ва самимий табрикларни топширишга рухсат этгайсиз.

Ҳиндистонлик ва совет мутахассислари ҳамда ишчилари завод қурилиши учун кўп меҳнат сарфладилар ва бугун эришилган натижалар билан ҳақли равишда фахрланишлари мумкин. Сиз техниканиннг энг сўнги ютуқлари билан жиҳозланган ажойиб саноат иншоотини барпо қилдингиз. Бу Ҳиндистон миллий индустриясини ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса ва Ҳиндистон миллий кадрларини вужудга келтиришга қўшилган ҳиссадир. Бу бутун Ҳиндистон учун металлург кадрлар ўчоғидир, иқтисодий тараққиёт учун курашда мамлакатнинг катта ғалабасидир. Бундан беш йил олдин бу ер, Бхилаи, дашти-биёбон эди. Энди эса янги шаҳар барпо бўлди. Яна бир неча йиллардан кейин шаҳрингиз камол топади, шаҳар билан бирга Бхилаи кишилари ҳам ўсиб етишади. Бу кишилар Ҳиндистон саноатининг юксак малакали техника кадрлари буюк армиясининг бир қисмини ташкил қиладилар.

Мана шунинг ўзи ҳам ажойиб бир ҳолдир. Бироқ сизнинг меҳнатингиз, Бхилаи қурувчиларининг меҳнати мислсиз катта аҳамиятга эга. Бхилаида металлургия заводи мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик символи бўлиб қолди. Бхилаини қурган кишилар, шу кунда бу ерда ишлаётган кишилар ана шу буюк дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда бевосита қатнашмоқдалар.

Бхилаи—Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги нақадар самарали ва муваффақиятли эканлигининг ёрқин далилидир. Шу нарсани қайд қилишдан мамнунмизки, бир неча йил мобайнида Совет ва Ҳиндистон мутахассислари ҳамда ишчилари Бхилаида бир ахил оила аъзоларидек меҳнат қилдилар. Кеча Ҳиндистон ва Совет кишилари иштирақ қилган ҳисобда бўлганимизда, биз буюк дўстлик кучини яна бир марта ҳис қилдик. Биз бу дўстлик билан фахрланамиз. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг ўз меҳнати, ўз кундалик иши билан ана шу дўстликни мустаҳкамлаётган ва кенгайтираётган сиздек вакилларида миннатдормиз. Бизнинг дўстлигимиз йил сайин янги самарали натижалар бераверади. Ҳозирнинг ўзидаёқ салкам 700 ҳиндистонлик мутахассис Совет Иттифоқи заводларида ишлаб чиқариш практикасини ўтдилар ва олган билимларини эндиликда бу ерда қўлланмоқдалар.

Завод замонавий техника даражасида лойиҳалаштирилди ва қурилди. Бу ерда янғор технология процесслари, энг яхши иншоотлар, машиналар ва ускуналар конструкциялари мужассамлашган ва рационал қурилиши ишлари қўлланилган. Совет Иттифоқи саноат қурилишининг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланилган.

Заводда энг йирик ишлаб чиқариш иншоотларининг бутун бир қисми

қурилиши, электр станцияси, уздуксиз-танерлаш резьсобалка ва сортир станцияси, электр станцияси ишлаб турибди.

Завод ҳозирдаёқ мамлакатга 1 миллион тоннадан ортиқ

темир руда ишлаб чиқариш ва 500 минг тоннадан ортиқ прокат берди. Қопларда 2 миллион тоннадан зиёд темир руда қазиб олинди.

Шунинг қайд қилиш қувватчилики, ҳар икки томон ҳам барча турдаги ишлар бўйича ва қурилишга техника жиҳатдан раҳбарликни амалга ошириш ҳамда заводни ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бажарди.

Бхилаи металлургия заводининг биринчи навбати қурилишини муваффақиятли тугаллаш — бу Ҳиндистонни индустриалаштиришда, унинг миллий экономикасида давлат секторини ривожлантиришда қўйилган катта қадамдир.

Бизнинг мамлакатимизда Бхилаи металлургия заводи қурилишини яхши билдилар. 400 дан ортиқ совет корхоналари ускуналарни яхши борица барвақтроқ ва юксак техника даражасида тайёрлаш учун, заводнинг барча объектларини муддатида ишга тушириш мақсадида совет мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун интилдилар. Бугунги кунда улар ана шу фахри вазифани муваффақиятли уддалай олдилар, деб айтиш мумкин.

Бхилаи заводини қуриш вақтида йирик объектларни қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бу ерда салкам 20 минг кишидан иборат ҳиндистонлик қурувчи ва монтажчиларнинг қудратли коллективи ўсиб етишди. Улар мамлакатдаги миқдори йил сайин

кўнаиб бораётган бошқа қурилишларда ҳам ана шундай ишларни бажаришга лаёқатлидирлар. Бу ҳинд халқининг катта ютуғидир, чунки мутахассис ва малакали ишчи кадрлар мамлакатни индустриалаштиришни амалга оширишда ва ўз ватани саноатини вужудга келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар.

Заводнинг биринчи навбати қурилиши тугалланган ҳозирги пайтда Ҳиндистон ҳукумати янги вазифа — Ҳиндистонни иқтисодий ривожлантиришнинг учинчи беш йиллик плани даврида завод қувватини йилга 2,5 миллион тоннагача пўлат эрптиш даражасига етказиш вазифасини қўймоқда. Бхилаи заводи учинчи беш йилликнинг охирига бориб бутун мамлакатда ишлаб чиқариладиган пўлатнинг тўртдан бир қисмини бера бошлайди. Шубҳа йўқки, совет ва ҳинд қурувчилари ҳамда металлурглари биргаликда ишлаб ортирган тажриба ана шу вазифани муваффақиятли ҳал этиш имкониятини беради.

Шуниси қувончлики, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва техника ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Ҳозиргина Совет Иттифоқи томонидан Ҳиндистонга берилган 600 миллион сўм миқдоридagi кредитдан фойдаланиш ҳақида ва СССРнинг техника ёрдами билан Ҳиндистонда ана шу кредит ҳисобига қатор саноат корхоналари ва бошқа бир неча объектларни қуриш тўғрисидаги янги битим имзоланди.

Совет Иттифоқининг дўстона ёрдами Ҳиндистон саноатининг етакчи тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради. Совет ташкилотларининг техника ёрдами билан спзнинг мамлакатинида геология-қидирув ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда, Нейвелида оғир машинасозлик, кон-шахта ускуналари заводлари, иссиқлик электр станцияси қурилмоқда, Баранунида нефтни қайта ишлаш заводини лойиҳалаштириш бўйича, Корба ва Синграулида иссиқлик электр станциялари, фармацевтика саноати корхоналари қуришни лойиҳалаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек бошқа бир қанча жуда муҳим корхоналар қурилади.

Биз Ҳиндистонга ёрдам берар эканмиз, ўзимиз учун бирон-бир фойда чиқаришни кўзлаётганимиз йўқ. Совет халқи ва унинг ҳукумати Ҳиндистон халқига иложи борича қисқа муддатда мамлакатни индустриалаштиришни амалга оширишда, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг негизи—ҳар томонлама ривожланган саноатни вужудга келтиришда ёрдам бериш учун самимий интиломоқдалар.

Совет халқи ҳинд халқи ўз миллий экономикасини мустаҳкамлаш йўлида эришган муваффақиятлардан чин қалбдан қувонади. Ҳиндистоннинг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган куч-гайратини совет кишилари чуқур англайдилар. Ахир, ўз вақтида бизнинг мамлакатимизга ҳам чор

Россиясидан мерос бўлиб қолган иқтисодий қолоқликни енгиб ўтишга тўғри келган эди-да.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россиянинг экономика ва маданий тараққидёт йўлидан тезроқ олға силжиши учун гоят катта имкониятлар яратиб берди. Биз тез суръатлар билан ватанимизни кенг индустриялаштиришни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кучларини юксалтиришни амалга ошпра олдик. Бунинг натижасида ўтмишда қолоқ бўлган бизнинг мамлакатимиз ривожланган индустриал давлатга айланди. Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича Европада биринчи ўринни ва жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Фан, техника ва маданият соҳасида Совет Иттифоқи эришган гоят катта муваффақиятлар бутун жаҳонга маълум. Совет космик кемалари инсоният томонидан космосни забт қилиш учун муваффақиятли йўл очмоқда ва ушбу дақиқаларда совет кишиларининг қўли билан яратилган планеталаро космик станция Венера планетаси томон ўз йўлини давом этдирмоқда.

Совет етти йиллик планининг муваффақиятли бажарилиши СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун янада кенг истиқболлар очиб беради. Бу ҳамкорлик ҳалқларимиз ва мамлакатларимиз ботининда ва раъданга, уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилгандир ва ўзаро ишонч, дўстлик ва тўла тенгликка асослангандир. Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдалани бўлган бу ҳамкорлик совет халқлари билан ҳинд халқлари бир-бирларини яхшироқ англашига ёрдам беради, бутун жаҳонда тинчлик ишини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Заводнинг шонли қурувчилари меҳнат ҳамкорлиги шарафига бутун қурилган обелиск Совет ва Ҳиндистон кишиларининг Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари буюк дўстлиги йўлида биргаликда қилган самарали ишларини эслатиб турсин.

Азиз дўстлар, эришилган ишлаб чиқариш ғалабалари билан сизларни яна бир бор табриклайман ва заводнинг иккинчи навбатини қуришдаги ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Бхилаи заводи барча қурувчиларига шон-шарафлар бўлсин!
Яшасин Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи буюк халқлари ўртасидаги дўстлик!

Яшасин бутун жаҳонда тинчлик!

ФАННИНГ ТУРМУШ БИЛАН ЯҚИН АЛОҚАСИ УЧУН

*Москвада илмий ходимларнинг
Бутуниттифоқ кенгашида
1961 йил 14 июнда
сўзланган нутқ*

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ва СССР Мнпистрлар Совети томонидан қақририлган илмий ходимларнинг ушбу кенгаши партия ва ҳукумат фанни ривожлантириш ҳақида кўрсатаётган ғамхўрликнинг яна бир далилидир. Коммунистик қурилиш даврида фаннинг аҳамияти янада ортади.

СССР Фанлар академиясининг президенти ўртоқ М. В. Келдишнинг мазмунли докладыда совет фанини ривожлантиришнинг ажойиб яқунлари ва истиқболлари кўрсатиб берилган.

Мамлакатимиз экономикани тўхтовсиз юксалтириш йўлидан бормоқда. Халқнинг турмуш даражаси ортмоқда.

Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи оғишмай мустаҳкамланмоқда.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, фаннинг энг сўнгги ютуқлари бўйича яратилган техникасиз коммунизм сари муваффақиятли бориб бўлмайди.

Жамиятимиз ривожланиб боргани сари фаннинг халқ турмушининг барча томонларига таъсири тобора кўпроқ ўсади. Партия Марказий Комитети, ҳукумат олимларнинг фидокорона меҳнатини юксак баҳолайдилар. Совет халқи фан эришган ютуқлар билан фахрланади ва бу ютуқларни капитализм билан тинч мусобақада социализм ғалабасининг гарови, деб билади.

Бизнинг фаннимиз моддий ишлаб чиқаришнинг барча ҳал қилувчи тармоқларига катта ҳисса қўшди. Ватанимизни замонавий мудофаа воситалари билан таъминлаш ишида ҳам фаннинг хизмати катта. Совет фани эришган ютуқлар коммунизмнинг буюк мақсадларига, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Совет Иттифоқида фан халқимизнинг ва бутун инсониятнинг тараққиётини таъминлаш мақсадларида ривожлантирилади.

Коммунистик партия фанни ривожлантириш, фан билан коммунистик қурилиш практикасининг мустаҳкам алоқасига эришиш масалаларига ғоят катта аҳамият бермоқда.

Социализм фанга бебаҳо афзалликлар беради, ишлаб чиқаришни илмий асосларда ташкил қилиш имкониятини яратади ва шу

билан бирга фан учун зарур моддий-техника базасини вужудга келтиради. Эндилқда фансиз халқ хўжалигининг биронга тармоғини ривожлантириш мумкин эмас. Илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланишига ва халқларнинг юксак моддий ва маданӣ турмуш даражасига эришишга, коммунистик жамият қуришга ёрдам бериши керак.

Шуни биринчи галда қайд қилиб ўтиш керакки, ҳозирги замон фани моддий ишлаб чиқариш кучига тобора бевосита айланиб бормоқда. К. Маркс башорат қилиб айтган эдики, йирик sanoat ривожлангани сари чинакам бойликни яратиш фаннинг умумий аҳволига ва технологияни ривожлантириш даражасига ёки ана шу фанни ишлаб чиқаришда қўлланишга тобора кўпроқ боғлиқ бўлади. Эндилқда К. Маркснинг бу илмий башорати турмушга татбиқ қилинмоқда.

Бизнинг давримизда фан ҳар қандай ишлаб чиқариш процессининг негизи бўлибгина қолмай, балки илмий фаолият, илмий тадқиқотнинг ўзи ҳам маълум маънода ишлаб чиқариш характерига эга бўлиб қолди.

Фан ва техниканинг моддий ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқасининг бутун мураккаблиги ва хилма-хиллигига қарамай, шу нарса ўз-ўзидан рақобатлик ҳосил қилиши билан илмий тадқиқот ишлаб чиқаришнинг ўстириш шартларини ривожлантириш суръатлари ҳам аса техниканинг ривожланишига қараганда тезроқ ривожланишга эришилади. Бундан фаннинг қишлоқлик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитларидагина эришиш мумкин. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларида фан-техника тараққиёти меҳнатни осонлаштиришга, иш вақтини қисқартиришга, халқ фаровонлигининг ўсишига олиб боради ва тинчлик ишига хизмат қилади.

Инсон ақли тараққиётининг, табиат кучларни бўйсундиришнинг чеки йўқ. Ҳар қандай бой фантазия ҳам инсоният заковати келажакда эришадиган ютуқлардан устун туролмайди. Табиатни ўзгартиришда, кишиларнинг турмушини яхшилашда, бахт-саодат ва узоқ умр кўриш учун курашда инсоннинг бундай чексиз имкониятларини англаш олимларни янги мисли кўрилмаган илмий кашфпётларга руҳлантириши керак.

Коммунистик партия, В. И. Ленин айтганидек, фаннинг чиндан ҳам танимиз ва қонимизга сингиб кетиши учун, тўла ва ҳақиқий равишда турмушнинг ажралмас қисмига айланиши учун интилиммоқда.

Бироқ фанализ муваффақиятлари ҳақида гапирганимизда шуни унутмаслик керакки, капиталистик дунёни ўртаётган барча қарама-қаршилиқларга қарамай, илгор капиталистик мамлакатларда фан ва техника анча тез суръатлар билан ўсмоқда. Моновалистик капитал фан ва техника ютуқларидан ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фойдаланишга интилиб, илмий тадқиқотларни

кенгайтиришга катта маблағлар ажратмоқда. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, капитализмда фан кишилар меҳнатидан ажралиб қолган, техника тараққиёти эса ишсизлар армиясининг кўпайишига олиб боради, фандан капитал томонидан меҳнаткашларнинг турмуш даражасига ҳужум қилиш учун, қуролланишни авж олдириш учун фойдаланилади.

Биз камчиликларимизни ҳам оқилона баҳолашимиз, уларни тугатишнинг самарали йўлларини белгилашимиз керак. Бу эса мамлакатимизга фан-техника тараққиётининг барча ҳал қилувчи соҳаларида илғор позицияларни мустаҳкам эгаллаш имкониятини беради.

Шу нарса мутлақо равшанки, фаннинг ҳозирги замон тараққиёти хусусиятларига илмий муассасалар ишининг ташкилий формалари ҳам мос бўлиши лозим. Бу ерда гап фанни ишлаб чиқариш билан тобора мустаҳкамроқ боғлаш, фундаментал илмий тадқиқотлар аҳамиятини ошириш, мамлакатнинг илмий қучларидан яхшироқ фойдаланиш ҳақида бормоқда.

1. СОВЕТ ФАНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Совет жамиятини планли ривожлантириш социализм объектив қонунлари ҳаракатини илмий билиш туфайли юз бермоқда. Бундай билиш социалистик қурилиш тарихий тажрибаси ва практикасини назарий умумлаштириш туфайли амалга оширилмоқда. Партиямиз, унинг Марказий Комитети ва совет олимлари томонидан ижодий ривожлантирилаётган марксизм-ленинизм замонамизнинг энг илғор фани ҳисобланади. Материалистик дунёқараш, марксча диалектик метод унинг асосини ташкил қилади. Бу асос, практика кўрсатганидек, совет фанининг барча тармоқлари тараққиётини таъминлайди.

Социализм шароитида социалистик ижтимоий муносабатларнинг бутун системаси умум таълим ва меҳнаткашларнинг маданий-техника савиясини ёяёт зўр даражада юксалтириш билан илмий тараққиёт учун битмас-туганмас имкониятлар яратилади.

Социалистик жамиятда фан бутун жамият манфаатлари йўлида ривожлантирилмоқда. Давлат фанни ривожлантириш учун катта маблағлар сарфламоқда. Илмий-тадқиқот институтларининг сони ва илмий ходимлар миқдори тез ўсмоқда. Барча миллий республикаларда илмий марказлар барпо қилинди, туб аҳолидан илмий кадрлар тайёрланди.

Маблағларни бундай концентрациялашни, илмий текширишларни бу қадар техника билан таъминлашни, халқ маорифидаги бундай кўламини, фаннинг ва, биринчи навбатда, унинг ҳал қилувчи соҳаларини устун суръатлар билан ривожлантиришни чинкаем

таъминлай оладиган илмий кадрлар тайёрлашни фақат социалистик давлатгина уддалай олади.

Физикларимиз, химикларимиз, математикларимиз, биологларимиз, техника ва бошқа фан вакиллари эришган ютуқлар бутун жаҳонга маълум. Совет математика мактаби жаҳон фанида ҳақли равишда етакчи ўринда турибди. Физика юксак даражада ривожланди.

Совет фани ютуқлари техникада ва ишлаб чиқариш технологиясида катта ўзгаришлар бўлишига, саноат маҳсулотининг мутлақо янги турлари пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ошириб бориш имкониятини берадиган қудратли турбиналар барпо қилинмоқда. Автомат станоклар, механизмлар ва автомат линиялар, электрон автомат бошқарув мосламалари ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бу билан меҳнат унумдорлигини анча оширибгина қолмай, балки меҳнат характери ҳам тубдан ўзгартириш имкониятини бермоқда.

Химия соҳасида эришилган муваффақиятлар туфайли табиий хом ашёдан янада тўлароқ ва ҳар томонлама фойдаланиш таъминланмоқда. Химия саноатида юқори молекуляр бирикмалар маҳсулотлари (полимерлар) ва пластмассалар ишлаб чиқариш келиб бори бори Арзон пластмасса хом ашё тайёрлаш босқини янада кўрсатишга эга янги буюмларни вужудга келтириш имконияти ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тез ривожланишини белгилади.

Совет геолог олимларининг хизматлари ҳаммага маълум. Ўз тадқиқотлари билан мамлакатда йирик табиий бойлиқларни очишни таъминлаган академиклардан П. М. Губкин, А. Е. Ферсман, А. Д. Архангельский, В. А. Обручев, С. С. Смирновларнинг номларини айтиб ўтишнинг ўзи kifойадир.

Олимларнинг Волга ҳавзасида ва Урал районида нефть ва газнинг гоят катта қонлари, Курск магнит аномалиясида темир руданинг запаслари ҳақидаги тахминлари батамом тасдиқланди. Бу ерда сифатига кўра водир темир руда кени негизида мамлакатнинг янги металлургия базаси барпо қилина бошланди. Якутия территориясида энг йирик олмос кени очилди.

Совет Иттифоқи минерал хом ашёнинг аниқланган занаслари бўйича энг бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. СССР темир ва марганец рудалари, мис, қўргошин, рух, никель, асбест, табиий газ, кўмир, нефтнинг топилган запаслари бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради.

Металл ишлаб чиқаришни юқори даражада ўстириш фақат янги қувватларни ишга тушириш ҳисобигагина эмас, балки ишлаб чиқаришга энг янги илмий ютуқларни жорий этиш, технология процессларини такомиллаштириш, асосий агрегатлар конструкцияларини йириклаштириш ва мукамаллаштириш, хом ашё ва ёқил-

ғининг янги турларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам таъминланмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда табиий газдан фойдаланиш билан домнада эритишнинг янги технологияси кенг ёйилмоқда.

Мартен ва электр печларида пўлат эритиш процессини интенсифлаштириш учун кислород пуркаш тобора кенг қўлланилмоқда. Совет Иттифоқида жаҳонда энг йирик пўлатни узлуксиз қуйиш мосламалари ишлатилмоқда.

Бизнинг олимларимиз ва саноат ходимлари рангли ва ноёб металллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Илмий тадқиқот институтларининг коллективлари ва нефть конлари мутахассислари ишлаб чиққан қатламлар устига сув бостириш йўли билан қатлам босқинини сақлаган ҳолда нефть конларидан фойдаланиш методи нефть қазиб олишни юксак суръатлар билан ўстиришга эришишни таъминлади.

Урал ва Поволжье юқори дебитли нефть конларини тезроқ ўзлаштиришда бурғилашнинг турбина усули ҳал қилувчи омил бўлди.

Ишлаб чиқариш технологиясида энг янги фан ютуқларни қўллаш жамоат меҳнати сарфлашни кўплаб тежашни таъминлайди. Масалан, нефть газларидан каучук ишлаб чиқаришнинг янги усули таннархни анча пасайтириш ва заводлар қурилиши учун каппитал маблағ сарфлари салмоғини 30—35 процент камайтириш имкониятини беради.

Фанимиз эришган муваффақиятлар гоят катта, бироқ эришилган муваффақиятлар билан чекланиб бўлмайди. Ютуқларимизни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз, камчиликларни таҳлил қилишимиз, уларни йўқотиш йўлларини белгилашимиз керак.

Табиётшуносликни ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда биз физиклардан атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида фундаментал назарий проблемаларни ишлаб чиқишларини кутмоқдамиз. Халқ хўжалигида атом энергиясидан кенг фойдаланиш учун термоядро процессларни бошқариш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш зарур.

Айрим муҳим проблемаларни ишлаб чиқишда орқада қолиш саноатнинг баъзи тармоқларининг, масалан, ўта юқори параметрлар энергетикаси тараққипётига тўсиқ бўлмоқда. Ватанимизда ишлаб чиқарилган қўнғина йирик энергетик агрегатлар жаҳондаги энг янги илмий-техника ютуқларни талабларига жавоб бермайди. Ўта соф материаллар химияси соҳасида, юқори молекуляр бирикмаларни олиш ва қайта ишлаш процесслари назарияси ва технологиясида орқада қолинмоқда. Бизнинг биология фанимиз ҳали ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан етарли равишда боғланмаган.

СССР Фанлар академияси ва турли идоралар илмий муассасалари ишида кераксиз параллелизм, ўзини оқламаган кўп темали-

лик мавжуд. Бу эса кучларнинг сочилиб кетишига олиб келади. Кўп ҳолларда илмий муассасалар на назарий, на практик аҳамияти бўлган темалар билан узоқ вақт шуғулланадилар.

Илмий муассасалар ишлаб чиқаришнинг энг муҳим эҳтиёжларига жавоб берадиган жуда муҳим масалаларни ишлаб чиқишга ўз диққат-эътиборларини қаратишлари керак.

Партия ва ҳукуматимиз барча фан ходимлари эътиборини мамлакатда фаннинг родини тобора ўстиришга, турмушимиз ва фаолиятимизнинг барча соҳаларини фан асосида ривожлантиришга қаратмоқдалар. Фан ютуқларидан энг кўп самара билан ва янада қисқа муддатларда халқ хўжалигида фойдаланиш учун уни турмушга янада кўпроқ яқинлаштириш зарур.

2. КОММУНИСТИК ҚУРПИЛИШ ВА ФАН

Коммунизмнинг ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг энг юқори даражасига асосланган моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан планли фойдаланилган ва шу асосда муқабалли равишда барча тармоқларнинг техникасини янги даражага кўтаришда таъдирданга муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Илмий-текшириш муассасалари коллективларининг иккундий куч-гайрати катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлиши энг муҳим проблемаларни ҳал этишга қаратилмоғи керак. Совет фани ва техникаси қисқа муддатларда янги янада йирикроқ муваффақиятларга эришиши мақсадли илмий-текшириш институтларининг техника тараққиёти учун курашдаги родини кўтариш зарур.

Саноатни янги техника негизда қайта жиҳозлаш вазифаси, шубҳасиз, мураккаб вазифа. Бироқ бу вазифа қанчалик мураккаб бўлмасин, уни ҳал этмоқ ва яқин борича қисқа муддатларда ҳал этмоқ керак. Мамлакатимизда автоматлаштиришнинг илмий ва техник тажрибаси етарли даражада юқори ва у ҳар қандай қийин вазифани ҳал қилишга қодирдир. Космик ракета ва кемаларни автоматик бошқарув соҳасида эришилган муваффақиятлар бунга мисол бўла олади. Бизда яхши тайёргарлик кўрган олим, инженер, конструктор, техник ва малакали ишчи кадрлар кўп. Улар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир эканликларини амалда кўрсатдилар.

Ҳозирги техника воситалари (тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш машиналарини назарда тутмоқдаман) илмий тадқиқотларда, лойиҳалаштиришда, халқ хўжалигини планлаштиришда, турли хил ҳисоб ва банк операцияларда, статистикада, ахборотни йўлга қўйишда ва ҳатто текстни бир тилдан иккинчисига таржима қилишда ҳам ақлий меҳнатнинг кўпгина процессларини механизациялаш-

тириш имкониятини беради. Шунингдек, планлаштириш билан боғлиқ бўлган кўпгина иқтисодий вазифаларни ҳисоблаш машиналарида ечиш тажрибаси ҳам мавжуд. Бу ишлар математик методлар ва тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш машиналарини қўлланишнинг халқ хўжалиги учун катта самарадорлигидан далolat беради. Ана шу методларни практикада қўлланиш миқёсларини кенгайтириш зарур.

Коммунистик жамият қурилиши аҳолининг турмуш даражасини тўхтовсиз ўстириб боришни тақозо этади. Коммунистик партия мамлакатимизда турмуш даражаси энг юқори бўлишига ва иш куни жаҳонда энг қисқа бўлишига эришиш вазифасини қўймоқда. Бунга янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим бўлган ва оқибат-натияжада, Владимир Ильич Ленин айтганидек, энг асосий бўлган меҳнат унумдорлигини изчиллик билан ўстириш негизидagina эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлигининг энг юқори даражасига эса фақат техника тараққиёти асосида эришиш мумкин.

Совет кишиларн учун яхши ва чиройли янги халқ истеъмоли буюмлари — рўзгор машиналари ва асбобларн, уй-рўзгор учун қулай буюмлар яратиш ҳақида гамхўрлик қилиш ҳам социалистик фанмпзнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу муҳим ва зарур иш бўлиб, олимларимиз уни доимо эсда сақлашларн керак.

Социализмда меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва соғлиғи ҳақида гамхўрлик қилиш давлат вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда соғлиқни сақлаш, аҳолининг овқатланиши ва унга хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган олимларимиз алоҳида роль ўйнашларн керак.

Ижтимоий фан олдида турган вазифалар катта. Совет жамиятининг коммунизмга томон тараққиёти қонуниятларини тадқиқ қилиш, КПССнинг буюк тарихий тажрибасини умумлаштириш, экономика ва маданиятни планли ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, илсонни коммунистик тарбиялаш, унинг маънавий ҳаётини бойитиш, ҳозирги замон буржуа идеологиясига қарши кураш олиб бориш — жамият ҳақидаги фаннинг айрим энг муҳим проблемалари ана шулардир.

КПСС XXI съезди қарорларида «ижтимоий фанлар соҳасида, айниқса иқтисод фани олдида хўжалик ва маданий қурилишни ижодий умумлаштириш вазифаси, ҳаёт илгари сураётган янги масалаларни тадқиқ қилиш вазифаси турибди», деб кўрсатилганди. Иқтисод фани, ҳаёт, практика талабларидан ҳануз орқада қолмоқда. Иқтисодчи олимлар планлаштириш методологиясини ишлаб чиқишга, капитал маблағлар сарфлаш самарадорлигини ошириш, асосий ва оборот фондларидан рационал фойдаланиш масалаларига ва хўжалик қурилиши практикаси илгари сураётган бошқа масалаларга кам эътибор бермоқдалар.

Меҳнат увумдорлиги, таннарх, хўжалик ҳисоби соҳасида олиб борилаётган кўпгина тадқиқотлар одатда умумий характерга эга бўлиб қолмоқда.

Бизнинг план ва хўжалик органларимиз бир қанча масалалар бўйича, масалан, қурилаётган корхоналарнинг оптимал ҳажмлари ҳақида, жаҳон бозорининг аҳволи ва конъюнктурасини, товарларга бўлган талабни, баҳо белгилаш қонуниятларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни энг яхши ташкил қилишни ўрганиш масалалари бўйича илмий ёрдамга муҳтождирлар. Бу ўринда экономика институтлари учун фаолият доираси катта.

Иқтисод фанини коммунистик қурилиш практикасига кескин сурабда яқинлаштириш керак. Иқтисод фани Совет Иттифоқида ва барча социалистик мамлакатларда социализм ва коммунизм қурилиши тажрибасини ҳар томонлама ўрганиши ва умумлаштириши, капиталистик дунё экономикасида содир бўлаётган муҳим процессларни ҳар томонлама таҳлил қилиши керак. Иқтисод фани коммунизм моддий-техника базасини яратишга, ишлаб чиқариш мўпосабатларини такомиллаштиришга актив ёрдам бериши лозим. Иқтисодчилар перспектив планлаштиришни яхшилаш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини рационал жойлаштириш, нарх-навоми ва меҳнат ресурсларини раёоблаштириш практикасини такомил-

лаштириш сингари масалаларни мунтазам равишда ишлаб чиқишлари керак. Мамлакатимизда иқтисод фанининг роли, биринчи навбатда, СССР халқ хўжалиги планли социалистик хўжалиги асосида ривожланишига қараб белгиланади. Иқтисодий тадқиқотлар планлаштириш билан жуда мустаҳкам боғланган бўлиши керак. Бунда ташқари биз иқтисодий тадқиқотлар планлаштиришдан олдин ўтказилиши, планлаштириш эса ана шу иқтисодий тадқиқотлар натижаларига таяниши керак, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг иқтисодчиларимиз меҳнат ва бошқа моддий ресурслардан ҳақиқатда фойдаланишни таҳлил қилишлари, техника тараққиёти имкониятлари ва истиқболларини текширишлари ва шу асосда фан ҳамда техника ижтимоий меҳнатда энг кўп тежам бериши лозим ва мумкин бўлган йўналишларни кўрсатиб беришлари керак.

Мисол учун корхоналарни реконструкция қилиш масаласини олайлик. Ҳозир энг йирик автомобиль заводларни реконструкция қилишнинг бош планлари ишлаб чиқилмоқда. Уларни реконструкция қилишнинг смета қиймати бир неча юз миллион сўмга етади. Автомобиль саноати тараққиёти йўналишини тўғри белгилаш, янги заводлар қуриш ва ишлаб турган заводларни реконструкция қилишнинг техника лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун мамлакат халқ хўжалигига зарур бўлган автомобилларнинг энг рационал турларини танилашни иқтисодий тадқиқот қилиш, бунда шу автомобиллар юрадиган ҳар хил йўллар, улар орқали ташиладиган юкларнинг турлари ҳисобга олиниши лозим. Бироқ бу иқтисодий

тадқиқотлар ёмон олиб борилаётганда ва биз юк автомобили туриши танлаш ҳақидаги масалани тўғри қилиш учун илмий ташкилотлардан тугал маълумотларни ололмаётимиз, ваҳоланки, бу жуда катта халқ хўжалиги вазифаси ҳисобланади.

Партия ва ҳукумат қарори билан темир йўл транспортининг реконструкция қилинаётганлиги муҳим техника проблемаларини иқтисодий асосда ҳал этишнинг ижобий мисоли ҳисобланади. Маълумки, 1957 йилдан бошлаб мамлакатимизда магистрал паровозлар чиқариш тўхтатилди. Эндиликда темир йўллар фақат тепловоз ва электровозлар билан таъминланмоқда.

Қора металлургия корхоналарининг территориал жойлаштириш проблемаларини рационал ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳал этиш жуда йирик халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Бироқ руда, скрап ва металл юк потокларини иқтисодий тадқиқ қилиш ёмон ташкил этилган. Янги корхоналарини лойиҳалаштиришда, янги металлургия заводлари қуриладиган жойни аниқлашда хатоларга йўл қўйилмоқда.

Нефть қувурлари қуришда ҳам аҳвол ана шундай. Нефть қувурларини қуриш—бу фақат инженерлик масаласи бўлмай, балки катта иқтисодий масаладир. Нефть қувурлари қуриш бўйича ишлар йил сайин кенгайиб бормоқда. Маълумки, бу ишлар катта миқдорда капитал маблағ сарфлашни талаб қилади. Бу ерда ҳам нефть ва нефть маҳсулотлари қувурлари типлари, уларнинг йўналишлари, қурилиш навбати ҳақидаги масалаларни техник жиҳатдан ишлаб чиқишдан олдин иқтисодий тадқиқ ўтказилиши керак.

Жиддий иқтисодий тадқиқотни талаб қиладиган йирик халқ хўжалиги проблемалари бир-бирининг ўрнини боса оладиган маҳсулотлар: кўмир, нефть ва газ, қора металллар, алюминий, магний ва пластмассалар ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишни ривожлантириш перспективаларини ишлаб чиқиш билан ҳам боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг иқтисодий самардорлигини илмий баҳолаш энг муҳим иқтисодий проблемалардан бири ҳисобланади. Автоматлаштиришни рационал қўлланиш доираларини, энг кўп тежам билан автоматлаштириш имкониятини берувчи процесслар доираси ва характерини белгилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни илмий ишлаб чиқиш, автомат қурилмаларининг энг тежамли ва самарали типлари ҳамда турларини аниқлаш ва автоматлаштириш бўйича ишлар навбатини белгилаш лозим.

Шуни қайд қилиш керакки, иқтисодий тадқиқотлар ўз натижаларидан халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этишда, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган даражада конкрет ҳолатга етказилиши шарт. План органлари иқтисодий тадқиқ қилиш ишига планлаштиришнинг дастлабки босқичи сифатида қарамоқ-

лари керак. Халқ хўжалиқ проблемаларини ўрганиш фақат иқтисодчиларнинг ишигина бўлиб қололмайди. Техника-иқтисодий масалалар билан техника ва фаннинг барча тармоқларидаги мутахассислар шуғулланмоқлари лозим.

Иқтисод фанида ва иқтисодий илмий-тадқиқотларга асосланган планлаштиришда замонавий электрон-ҳисоблаш техникасидан ва математик методлардан фойдаланишга дадил ва кенг миқёсда кўчиш зарур. Иқтисодчилар ва математиклар математик методларни ва замонавий ҳисоблаш техникасини—тез ҳаракат қилувчи машиналарни иқтисодий тадқиқотларда, планлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда қўлланиш бўйича биргаликда конкрет таклифлар ишлаб чиқмоқлари зарур.

Ижтимоий фанларни ривожлантиришда коммунизм қурилиши, социалистик ишлаб чиқариш ва маданий қурилишни ташкил қилиш тажрибасини конкрет умумлаштирувчи социологик тадқиқот муҳим ўрин эгаллайди.

Кўнчилик гуманитар институтларнинг асосий тематикаси ҳам коммунистик қурилиш практикаси ва перспективасари билан мустақкам боғланган бўлиши керак.

Бизнинг назарияни практикада ҳар томонлама ва бутун ҳисоблаш тармоқларида қўлдан келгунча қўлдан келтириш зарур. Иқтисодий ҳисоблаш тармоқларида иқтисодчиларнинг иқтисодий назариясини юксак баҳолашга, шуни билан, практиканинг фан тараққиёти учун ролини юксак баҳолашга асослангандир.

Бироқ биз нисбатан ўзгача келажак ва бўлажакнинг асосий масалаларини назарни яна ҳатдан ишлаб чиқаётган олимларни мутлақо тушунамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Фан практикадан олдинда бориши, фақат эртанги кунни эмас, балки ундан узоқни ҳам кўра олиши керак.

Илмий-тадқиқот ишлари давлат планида энг муҳим қонуниятларни аниқлашни, табиат кучларини ўзлаштиришда инсоният тараққиётининг янги йўлларини очишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган катта изланишларга муносиб ўрин берилмоғи керак.

Шу билан бирга, келажак учун олиб борилаётган ишлар даврийлигининг ҳаётий эҳтиёжларидан ажрлиб қолмаслиги керак. Олимларнинг бурчи—ижодий ташаббус кўрсатишдан ва ўз назарий тадқиқотлари натижаларининг амалга оширилишига қатъият билан эришишдан иборат.

3. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР ПРОБЛЕМАСИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фаннинг тез ривожланишини таъминламоқдалар ва унинг ютуқларидан халқ манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Коммунизм моддий-техника базаси қурилиши вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун илмий ишларни ташкил қилиш ва планлаштиришни анча яхшилаш, зарур

меҳнат тақсироти, ихтисослаштириши ва кооперациялаштириши амалга ошириш керак.

Илмий қўчлар ва моддий воситалар энг муҳим йўналишлар бўйича етарли даражада концентрация қилинаётган, илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва тажриба ишларини ўтказишда зарур даражада келишиб ишлаб берилаётган. Кўп ҳолларда илмий тадқиқотларни уларни халқ хўжалигига жорий қилишга узлуксиз оlib бориш таъминланаётган. Фанни ривожлантириш талабларига жавоб бериладиган такрорлаш, параллелизм ва кўп темалилик катта камчилик ҳисобланади.

СССР Фанлар академияси фаолияти ҳозирги замон даври талабларини ҳар жиҳатдан қондираётган, деб бўлмайди. Фанлар академияси составида кейинги вақтга ҳам кўп миқдорда тармоқ профилдаги институтлар мавжуд эди. Бу эса Академияни фаннинг истиқболга қаратилган проблемаларини ҳал этишдан чалғитди, жуда кўп илмий-техника масалаларини ишлаб чиқишда куч ва маблағларни сочиб юборди ва мамлакатда фанни ривожлантиришда академиянинг ташкилотчилик таъсирини сусайтирди.

Фанни фақат календарь муддатга—бир йил, беш йилга планлаштиришдан иборат мавжуд практика фан ходимларини қаноатлантиролмайди ва тақомиллаштиришни талаб қилади. Бизнингча, фанни ривожлантиришни бошқача планлаштириш керак. Илмий-тадқиқот ишлари то бу ишлар батамом бажарилгунча планлаштирилмоғи лозим, яъни белгиланган ишларни моддий ва молиявий таъминлаш ана шу ишларни тугаллашга бўлган бутун даврга планлаштирилиб, оралиқдаги план муддатлари учун иш ҳажми белгилаб берилмоғи лозим.

Фанни планлаштиришнинг бундай методи илмий коллективлар ва айрим ходимларнинг жавобгарлигини оширади, темаларни пландан планга қўчириш, яъни ҳар гал гўё янгидан планлаштиригандек иш тутиш имкониятини йўқотади. У ходимлар ташаббусини кенгайтиради, илмий тадқиқотларни моддий ва молиявий таъминлаш масалаларини ҳал этишда бюрократларча иш тутишни йўқотади ва темаларни ишлаб чиқиш муддатларини қисқартиради.

Фанни ривожлантиришни истиқболга мўлжаллаб планлаштириш—бу илмий ижоддир. Илмий ишларни планлаштиришга олимлар ва илмий-текшириш ташкилотлари жалб қилмоғи керак.

Илмий-тадқиқот ишлари давлат плани формаси ва мазмунини пухта ўйлаб кўриш лозим. Афтидан, эксперимент ва конструкциялаш босқичида бўлган йприк халқ хўжалик аҳамиятига молик ишлар бўйича планларда тадқиқотни синашни, лойиҳалаштиришни бирга қўша оладиган ишларнинг барча босқичларини изчиллик билан ўтказишни ва натижаларни практикада қўлланишни ҳамда ана шу барча босқичларни тегишли равишда моддий ҳамда ташкилий жиҳатдан таъминлашни назарда тутиш керак.

Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш проблемаси — бу фан ва техникани ривожлантиришнинг биринчи даражали ташкилий проблемаларидан биридир. Таъриба шуни кўрсатадики, кўпгина муассасалар ва корхоналарни кенг равишда ва яхши ташкилий координация қилмасдан туриб йирик замонавий илмий тадқиқотлар ўтказишнинг умуман фойдаси йўқ.

Бироқ илмий ишларни планлаштириш ва координациялаш ҳар қанча яхши бўлмасин, фаннинг тез ривожланиши учун у қифоя қилмайди. Ҳар қандай ишда ва, айниқса, фанда ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Фан кишилари учун алоҳида талаблар қўйилади, илмий кадрларни тайёрлаш учун эса кўп вақт керак. Биз илмий тараққиёт вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир, яхши тайёрланган кўп сонли олимлар кадрларига эгамиз. Шундай бўлса ҳам, янги илмий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини тўғри ташкил қилиш соҳасида ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда фаннинг тўхтовсиз ўсиб бораётган ролни ҳисобга олиб, биринчи навбатда физика, математика, химия соҳасида, фаннинг ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, аниқ приборсозлик билан боғлиқ бўлган тармоқларда, асосан, лабораторияни кўпмундирлаштириш ва уларнинг ишлари ва мамлакатнинг муҳим раёонлари бўлиши ҳамда илмий кадрлар тайёрлашнинг яхши ўйлаб тузилган перспектив планига эга бўлишимиз керак.

Фан учун кадрларни танлаш масаласи алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда илмий ишларнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан фан ходимларининг қандай танланишига ва уларнинг меҳнати қанчалик тўғри ташкил қилинганлигига боғлиқ.

Илмий-текшириш институтларини кадрлар билан тўлдирish ишлаб чиқаришда иш таърибасига ва етарли назарий тайёргарликка эга бўлган саноат ходимлари ҳисобига ҳам, ўқув юртлари ва аспирантурани тугатганлар ҳисобига ҳам амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки, илмий муассасалар учун кадрлар танлаш иши ҳали ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Илмий ишга саноатда ишлаётган мутахасссларни қатъият билан тортиш керак. Бунда уларнинг ишлаб чиқариш таърибасини ва ижодий тадқиқот ишга лаёқатини ҳисобга олиш лозим. Улар фан ва техника тараққиёти ҳамда ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш учун катта фойда келтиришлари мумкин.

Илмий муассасаларни ўқув юртларини тамомлаётганлар ҳисобига ёш мутахассслар билан тўлдирishдан иборат мавжуд система ҳамма вақт ҳам яхши натижалар бераётир, деб бўлмайди. Бу система илмий ишга ҳақиқатда лаёқатли, ишда ўз қобилиятларини кўрсатган ёшларни етарли даражада танлаш ва кўтариш имкониятини бермайди. Фанга кўпинча етарли қобилиятга эга бўлмаган кишилар кириб қолади. Бундай кишилар узок вақт давомида

иш учун ҳеч қандай фойда келтирмай, илмий муассасаларда ўрни эгаллаб ўтирадилар. Улар бу ерга тер тўкиб, тадқиқот иши билан шуғулланиш ва халқ хўжалигига фойда келтириш учун келмайдилар, балки диссертацияни осонроқ тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун, илмий даража олиш учун келадилар. Афсуски, халқ хўжалиги учун фойда келтирмайдиган, архив жавонларида шунчаки тахланиб ётган кандидатлик диссертацияларигина эмас, балки докторлик диссертациялари ҳам оз эмас.

Кандидатлик ёки докторлик диссертациялари биринчи галда уларнинг назарий ишлар учун ёки халқ хўжалигида амалий тадбирлар учун қанчалик фойда келтириши нуқтаи назаридан қараб чиқилмоғи зарур. Диссертация ёқлашни бирдан-бир мақсад қилиб қўйиш ҳолларига барҳам бериш керак. Диссертация фан ёки техникани илгари силжитишга маълум даражада ёрдам берадиган иш бўлиши керак. У, одағда, диссертация ёқловчининг фаннинг конкрет соҳасида олиб борган практик ишининг маълум даврига яқин ясовчи босқич бўлмоғи лозим.

Диссертация тематикасини тасдиқлашдаёқ илмий тадқиқот натижаларидан амалий фаолиятда фойдаланиш вазифасини қўймоқ лозим. Хуллас, диссертацияларнинг халқ хўжалиги учун чинакам илмий ва фойдали иш бўлишини ўйласак, уларга ипсбатан талабни бутун чоралар билан ошириш керак.

Илмий ходимлар меҳнати самарадорлигининг асосий мезони улар халқ учун келтирадиган фойда бўлмоғи лозим. Бу олим меҳнатининг ҳақиқий ўлчови ва баҳосидир. Бизда кишиларга уларнинг реал ишлари ва bilimларига қараб эмас, балки фақат илмий даражалари ва унвонларига қараб баҳо бериш ҳоллари оз эмас. Маълумки, қобилиятга қараб ишлаб меҳнатга яраша ҳақ олиш социализмнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Илмий кадрларни таплашда, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш ва унга ҳақ тўлашда ана шу принципни тўла амалга ошириш лозим.

Биз шундай қатъий қондага амал қилишимиз лозимки, агар мутахассис илмий тадқиқот иши учун асосларга эга бўлмаса ва бу ишни олиб боришга иқтидорсиз бўлса, уни илмий муассаса даргоҳида узоқ қолдирмаслик керак. Унга, биринчи навбатда бевосита у кўпроқ фойда келтира оладиган корхонада, саноат ёки қишлоқ хўжалигида иш бериш керак.

Фанни айрим шахслар ва гуруҳларнинг монополия қилиб олишларига, илмий танқид ва ўз-ўзини танқидга, назариянинг муҳим масалаларини ижодий муҳокама қилишга халақит бериш учун маълум уринишларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайд.

Бир қанча институтларда илмий кучлар биринчи галда энг муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда жой-жойига қўйилмаган.

Бизда баъзан илмий кучлардан ниҳоятда нораціонал фойдаланилади. Олимлар қўн вақтларини ҳар хил тайёргарлик ишлари-

га сарфлайдилар. Бу ишларни малакали илмий-техника персонали муваффақиятли ҳал қилиши мумкин. Илмий персонал билан илмий-техника персонали ўртасида тўғри нисбатни таъминлаш вазифасига илмий муассасаларнинг раҳбарлари диққат-эътибор билан қарашлари зарур. Олимнинг меҳнат ундморлиги ушнинг билими, таланти, тажрибасидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Илмий муассасаларда илмий-текшириш ишларини ташкил қилганда олимларнинг ўз ижтимоий бурчини юксак ҳис қилиб ижодий активлик ва ташаббус кўрсатишларини назарда тутиш керак.

Практик ишда ўзини яхши кўрсатган қобилиятли кишилар учун фан эшигини кенг очиб қўймоқ керак. Фанга ижодий изланишлар учун ўзининг бутун куч-қувватини беришга тайёр бўлган, зарур қобилият ва майлга эга бўлган кишилар керак.

Ёш мутахассисларни илмий муассасаларда ишлаш учун танлаш ўқув юртидаёқ бошланиши керак. Студентларни илмий фаолиятга тайёрлаш учун олий ўқув юртларида илмий-текшириш ва экспериментал базани мустаҳкамлаш зарур. Агар ўқув юртларида ўқитиш муддати давомида тегишли даражада йўлга қўйилган илмий-текшириш ишлари ўтказилса, раҳбарлар ва профессор ўқитувчилар орасида йўналиш бўлиши мумкин. Шунинг учун илмий муассасалар, унда илмий иш учун ёш мутахассисларни тавлаш вазифаси янада муваффақиятлироқ ҳал этилади.

Илмий муассасалар ходимларининг корхоналар билан янада мустаҳкамроқ алоқасини ўрнатиш зарур. Олим учун ўз тадқиқотини завод лабораторияси ёки конструкторлик бюросида текшириш ёки тугаллаш кўпинча фойдали бўлади, баъзи завод ходимлари учун эса ишлаб чиқаришда бошланган илмий ишни илмий-текшириш институти шароитида тугаллаш муҳимдир.

Совет давлати мамлакатда фанни ривожлантиришга сахийлик билан маблағ ажратмоқда. Вазифа шундан иборатки, давлат ажратаётган маблағлардан халқ хўжалиги йўлида янада мақсадга мувофиқ ва самарали тарзда фойдаланиш керак.

Афсуски, илмий тадқиқотларнинг етарли даражада самарали бўлишини таъминламаётган илмий муассасалар оз эмас. Улар давлат олдида катта қарздор бўлиб қолмоқдалар. Айни вақтда биз айрим илмий муассасалар учун ажратиладиган маблағлар ҳажми етарли эмас, деган гапларни эшитамиз. Шунинг эса тутиш керакки, хўжалик тармоқларига ва фанга ажратиладиган маблағларнинг ҳажми план даврида ҳал қилиниш лозим бўлган вазифалар билан белгиланади.

Фанга қисқа муддатларда янги прогрессив ишлаб чиқаришни вужудга келтириш имкониятини берадиган қўшимча маблағлар сарфлашнинг фойдалилиги исботланса, унда давлат учун халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан маблағларнинг бир қисmini

фанга олиб бериш мақсадга мувофиқдир ва бу тўғри бўлади. Агар қўшимча маблағ сарфлашда иқтисодий самара таъминланса, унда оқибат-натияжада бу самара фанни қўшимча маблағ билан таъминлаш учун манба бўлади. Шундай экан, фанга ажратиладиган маблағларни кўпайтириш олимларнинг ўз қўлида. Фанга сарфланадиган маблағларнинг ҳозирги замонавий техника даражасида саноатнинг тегишли тармоқларида қувватларни кенгайтириш учун сарфланадиган маблағлар фанга сарфланадиган маблағлар самарадорлигига nisbatan берадиган самарага бутунлай боғлиқдир.

Социалистик мамлакатлар ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги ва илмий ютуқларни алмашиш фан ва техника тараққиёти иши учун катта роль ўйнаши керак. Олимлар бир қанча проблемалар бўйича, уларни тезроқ ҳал қилиш учун, ўз кучларини бирлаштиришлари мумкин эди. Социализм дунёси айрим мамлакатларнинг илмий-техника ютуқларини монополия қилиб олишни билмайди. Бу социализмнинг буюк афзалликларидан биридир.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқлари социалистик мамлакатлар учун ҳам, капиталистик мамлакатлар учун ҳам ўзаро фойдалидир. Аммо бизда ихтиро учун капиталистик мамлакатлар билан ўзаро фойдали лицензиялар алмаштириш иши ёмон йўлга қўйилган. Капиталистик мамлакатларда совет ихтироларини патентлаш ишининг яхши йўлга қўйилиши ва ана шу мамлакатларда СССР халқ хўжалигини қизиқтирувчи ихтиролар учун лицензияларни тўғри сотиб олиш жадал фан-техника тараққиёти учун катта аҳамиятга эга ва бир қанча илмий-техника проблемаларини ишлаб чиқишда кўп куч ва вақтни тежайди.

Бизнинг илмий-текширини институтларимиз чет эллардаги ютуқларни яхшироқ билишлари зарур. Бироқ шу билан бирга, илмий-текшириш институтлари илмий-техника проблемалари ишлаб чиқиётган дастлабки вақтдаёқ лицензияларимизни патентлаш ва уларни чет элга сотиш имкониятини ҳисобга олишлари керак. Бу эса ўз навбатида чет эллардан лицензиялар сотиб олиш учун қўшимча манба бўлур эди.

Албатта, капитализм мамлакатлари билан илмий-техника алмашувини йўлга қўйиш ва кенгайтириш фақат бизга боғлиқ эмас. Маълумки, чет эллардаги қўшгина таъсирли доиралар бундай алоқаларга тўсқинлик қиладилар. Бироқ биз ўз томонимиздан тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида, бутун инсоният бахт-саодати йўлида халқаро илмий-техника алмашувини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилаверамиз.

Илмий алоқаларни ва халқаро илмий-техника алмашувини ривожлантириш олимларнинг билимларини ўзаро бойитишларига ва илмий-техника тараққиётига ёрдам беради ҳамда, шубҳасизки, фан ва техниканинг муҳим проблемаларини тезроқ ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг янада такомиллашган процеслари жорий этилиши билан тармоқ институтлари махсус лабораториялар ташкил қилишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, машинасозликнинг айрим институтларида химия лабораториялари, электротехника, телемеханика, автоматика лабораториялари ва бошқа кўплаб лабораториялар ташкил қилинмоқда.

Бир қанча илмий муассасалари бўлган йприк шаҳарларда СССР Фаилар академияси ҳисоблаш марказига ўхшаш алоҳида марказлар барпо қилиш ҳақида ўйлаб кўрилса бўлар эди. Бундай марказлар илмий муассасаларининг эҳтиёжлари учун, айтайлик, ҳисоблаш ишлари ва умумий характерга эга бўлган бошқа ишлар учун хизмат қилган бўлур эди.

Фаннинг маълум соҳаларида тадқиқотларнинг аҳволи ҳақида ўз вақтида ва тўла ахборот бериш олимлар меҳнатининг юксак самарадорлиги шарт ҳисобланади. Олимлар ҳал этилган масалалар устида ишлаб ўтирмаслик учун шу соҳада—бизнинг ўзимизда ва чет элларда нималар қилинганлиги ҳақида яхши ахборотга эга бўлишлари керак. Буларнинг ҳаммаси олимлар меҳнати самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатмоғи керак.

Институтларнинг тегишли буюртмалар, шартномалар ва контрактлар бўйича ишларни ушунга қаратишнинг теҳника

Институтларнинг айрим махсус масалаларни малакали ҳал қилиб бериши таъминлаш учун баъзи илмий марказларни маълум даражада ихтисослаштириш, уларнинг йилима-йили ҳисоб-китобларини координация қилувчи органлар учун муҳим масала ҳисобланади.

Албатта, бу жуда мураккаб иш. Бу маълум вақтни, катта bilimни талаб қилади. Эҳтимол, ҳамма ирсанинг қўли остида бўлишига, гарчи энг янги эмас, балки эскирган техника бўлса-да, ўзиники бўлишига ўрганиб қолган айрим институт раҳбарларининг қаршилигига ҳам дуч келар.

Фанни координациялаш органлари илмий муассасаларимизни тегишли тарзда қайта қуришни таъминлашлари керак. Бу эса халқ хўжалигимизнинг жадал техника тараққиётига ёрдам берадиган масалаларни кам маблағ сарфлаб, янада малакали ва самарали ҳал этиш имкониятини беради.

Совет фани—бутунлай халқиники, унинг жонажон, сеvimли фарзандидир. Совет фани—чинакам халқчил фан, у халқимизни социал озод қилиш билан бирга тугилди, у билан бирга ўсди ва камол топди, улугвор ютуқларга эришди ва эндиликда ёрқин келажак йўлида янги чўққиларни ишғол қилмоқда.

Совет олимлари армияси—инсоният келажак сари коммунистик ҳаракатнинг асосий йўналишидаги зарбдор армиядир. Совет олимлари халқ билан биргаликда табиатни бўйсундирмоқдалар ва ўзгартирмоқдалар, ўз-ўзини бошқарадиган жуда мураккаб механизмларни конструкциялаштирмоқдалар, табиатда бўлмаган

янги хусусиятларга эга бўлган моддаларни вужудга келтирмоқдалар, фақат моддий бойликларни эмас, балки буюк маънавий бойликларни ҳам яратмоқдалар, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга, унинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам бермоқдалар. Совет олими, курашчи олим, революционер олим бўлиш, коммунизм қурувчилари буюк армиясининг актив иштирокчиси бўлиш зўр шарафдир!

Ватанимиз, совет халқи, партия ва ҳукумат пилмий ходимларга энг қийин ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган барча нарсаларни бермоқдалар ва бераверадилар. Бироқ кимга кўп берилса, ундан шунча кўп талаб қилинади. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ишонадиларки, мамлакатимиз олимлари ўз олдиларида турган фанни ривожлантириш ва фан-техника тараққиёти проблемаларини шараф билан бажарадилар.

КОММУНИЗМ УЧУН

*КПСС XXII съездида
1961 йил 21 октябрда
сўзланган нутқ*

Ҳисобот даврида партия томонидан ижтимоий, сиёсий, ҳўжалик ва маданий ҳаётда йирик тадбирларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришни, давлатимиз мудоффа қобилиятини янада мустаҳкамлашни ва совет кишиларининг турмуш даражасини оширишни таъминлади. Совет фапи оламшумул талабаларга эришди. Мамлакатимиз фан ва техниканинг кўпинча соҳаларида жаҳонда биринчи ўринда турибди.

Оғир саноатнинг муҳим тармақларини шу ҳамда янги саноат тармақларини ривожлантиришнинг устуун даражада ривожлантириш, ёқилги балансила сифат ўзгаришларни амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалигини қайта қуриш, егини саноат ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, транспортни ривожлантириш соҳасида ўзгаришлар ясаи партиянинг ҳўжалик сиёсатида асосий звенолар ҳисобланади. Бу сиёсатни амалга ошириш техника тараққибётини, бутун халқ ҳўжалигини тезроқ ривожлантиришини таъминлади.

Биз ҳозир экономикани ривожлантиришда шундай даражага эришдикки, эндиликда коммунизм қурилиши совет халқининг бевосита амалий вазифаси бўлиб қолди. Совет ҳокимияти йилларида юз берган чуқур ижтимоий ўзгаришлар Ватанимиз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди, уни экономикаси ва маданияти гуллаб яшнаган қудратли социалистик давлатга, бутун меҳнаткаш инсоният учун машъалга айлантирди.

Эксплуататор синфларни тугатиш, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар ўртасидаги социал фарқни аста-секин йўқотиш натижасида Совет Иттифоқида халқнинг мустаҳкам ва бузилмас социал-сиёсий ҳамда ғоявий бирлиги таркиб топди. Ишчилар синфининг тарихий вазифаси—коммунизм қуриш—эндиликда бутун совет кишиларининг вазифаси бўлиб қолди. Ишчилар синфининг Коммунистик партияси эса бутун совет халқининг партияси бўлиб қолди. Коммунистик партия учун халқ манфаатларидан юқорироқ ҳеч нарса йўқдир. Партия халқ учун яшайди ва ўзининг фаолияти маъносини халққа хизмат қилишда деб билади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезд тасдиқига тақдим қилинган янги

Программасига коммунистик жамият қуришнинг буюк ғоялари асос қилиб олинган.

Партиямиз фаолияти, бошқа коммунистик партиялар фаолияти сингари, барча мамлакатлар меҳнаткашларига йил сайин шунги тобора ишонarli иббат қилмоқдаки, Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт коммунизмининг ажралмас қисмидир. Коммунистлар инсоният учун энг изчил, энг матонатли курашчилардир. 1917 йил октябрида улуғ Ленин раҳбарлигида халқимиз бошлаган инсониятни озод қилиш иши Коммунистик партиянинг ишончли қўлларидадир.

Ўртоқлар! Партиямиз ва ҳукуватимиз ўзининг бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати соҳасидаги фаолиятида йирик муваффақиятларга эришди. Тинч-тотув яшаш ва халқлар ўртасида дўстликнинг ленинча ташқи сиёсат йўли Совет давлатининг халқаро обрўини ва халқаро масалаларни ҳал этишда унинг ролини беҳад оширди.

Эндилликда гап қисқа муддатли тинчлик танаффусига эришни ҳақида бораётгани йўқ. Совет Иттифоқи ўз ташқи сиёсати бош йўлини жамият ҳаётидан урушни умуман чиқариб ташлашда иборат, деб билади.

Биз ана шу мақсад учун қун сайин курашмоқдамиз. Совет Иттифоқи ҳар қандай халқаро масалага тинч-тотув яшаш позициясидан, халқларнинг хавфсизлиги ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берадиган позициядан ёндашади. Башарти империализм идеологлари социалистик мамлакатларнинг қандайдир «агрессив ниятлари бор» деб вайсаетган эканлар, бу фақат империалистик пропагандининг зўр бериб қуролланишни ва «совуқ уруш» сиёсатини оқлашга, жаҳон халқларини чалғитишга мўлжалланган эски усулидир.

Коммунизмининг тарихий вазифаси урушни йўқ қилишдан, ер юзида адабий тинчликни қарор топтиришда иборатдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қилмоқда ва ўз интернационал бурчини муқаддас биллиб бажармоқда. Мамлакатимизда коммунистик қурилиш муваффақиятлари жаҳон социализм системасини янада мустаҳкамлашга қўшилган бебаҳо ҳисса ҳисобланади ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракатига қудратли маънавий мадад кўрсатади.

Коммунистик партиялар билан ишчи партиялар ўртасидаги муносабатлар пролетар интернационализм принципларига асосланган. Бу принциплар коммунизм умумий иши учун курашда марксизм-ленинизм ғояларига содиқлик ва қардошларча бир-бирини қўллаб-қувватлаш билан характерланади. Бу эса бизнинг зиммамизга, коммунистлар, ҳар бир марксий-ленинчи партия зиммасига марксизм-ленинизм принципларини ҳар қандай бузишларни дадил, ленинчасига фoш қилиш вазифасини юклайди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Совет кишилари истиқболни кўзлаб яшаш ва ишлашга кўникиб қолдилар, қурилишмизининг юксак суръатларига ва миқёсига кўникиб қолдилар.

Мамлакатнинг иқтисодий потенциали тез ўсишини белгилайдиган асосий омил—бу социалистик тузум бўлиб, бу тузум ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун, халқ оммасининг жонли революцион ижоди учун чексиз имкониятлар яратиб берди.

Партиямиз коммунизм моддий-техника базаси қурилишини асосий иқтисодий вазифа қилиб қўйди.

Биз коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун курашар эканмиз, энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар эконимикаси структурасидан нусха кўчирмаймиз, балки халқ хўжалигининг социализм иқтисодий қонунлари талаблари билан белгиланадиган ўз структурасини вужудга келтирамиз. Бу структура ишлаб чиқарувчи кучларни тўғри жойлаштириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини уйғун ривожлантириш, хўжалик оборотиغا яшидан очилаётган хом ашё манбаларини жалб қилиш, меҳнат шароитларини максимал даражада яхшилаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бизда яхши социалистик система шундан иборат: иқтисодий ҳаётда тузилади.

Совет Иттифоқи минерал хом ашёнинг жуда катта ресурсларига эга. Кўмир, нефть, газ, темир рула, марганец, боксит, титан, алюмин, ванадий, рений ва бодир металлларнинг запаслари бўйича мамлакатимиз жаҳон мамлакатлари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодий ривожланишнинг юксак суръатлари ва миллий даромаднинг тақсимлаш характери айни вақтда истеъмол фонддини ўстириш билан бир вақтда жамғарма фонддини кўпайтиришга йлрик маблағлар сарфлаш имкониятини ҳам беради. Миллий даромаднинг бешдан бир қисмидан кўпроғи капитал қурилишда фойдаланилади. Биз меҳнатни қуроллантирадиган, унинг увумдорлигини оширадиган энг замонавий қудратли техникани вужудга келтирмоқдамиз.

Бизда қурилиш мисли кўрилмаган даражада қулоч ёйди. Бу йил давлат капитал маблағларининг ўзи 1940 йилдагига нисбатан қарийб етти баравар кўпайди ва салкам 33 миллиард сўмни ташкил қилади.

СССР Марказий статистика бошқармаси ўтказган рўйхат маълумотларига кўра, давлат ва кооператив корхоналар ҳамда ташкилотларнинг асосий фондлари қиймати 1940 йилдагига нисбатан 3 баравар (бу уруш давридаги ғоят катта вайронагарчиликларга қарамай) ва мамлакат асосий фондларининг қиймати биринчи беш йиллик бошпдагига нисбатан 12 баравар ортган.

Янги капитал қурилиш билан бир қаторда ишлаб турган корхоналарни янги техника негизида реконструкция қилиш ва кен-

гайтириш ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ оширишнипг самарали воситаси ҳисобланади. Барча капитал маблағларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир ана шу мақсадлар учун сарфланмоқда.

Халқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни таъминлаш бўйича ўтказилган тадбирлар саноатнинг бир қанча тармоқларида қувватларни оширишдаги қолоқликни тугатиш имкониятини берди.

Маълумки, кенгайтирилган социалистик тақрор ишлаб чиқариш суръатлари капитал қурилиш учун ажратилган маблағларнинг ҳажмигагина эмас, балки бу маблағларни тўғри тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Капитал қурилиш ҳажми ўса боргани сари бу масала янада катгароқ аҳамият касб этмоқда.

Бу соҳада биз баъзи муваффақиятларга эришдик. Масалан, бизнинг мамлакатимизда иссиқлик электр станциялари, цемент, қанд-шакар заводлари ва бошқа айрим саноат объеклари қуриллшида ишлаб чиқариш қуввати бирлигига капитал маблағ сарфлаш салмоғи Америка Қўшма Штатларидагига қараганда пастдир. Қора металлургияда, резина шиналари ишлаб чиқаришда ва бошқа бир қанча ишлаб чиқаришларда бу салмоқ АҚШдаги билан тахминан бир даражада. Бироқ умуман саноат бўйича капитал маблағ сарфлашнинг ўртача салмоғи ҳали ҳам юқори, нефтни қайта ишлаш, химия, автомобиль заводлари бўйича эса бу салмоқ Америка Қўшма Штатларига қараганда тахминан бир ярим баравар ортиқдир.

Биз бир қанча тармоқларда йирик саноат объектиларини қисқа муддатларда қурмоқдамиз. Масалан, йирик домна печлари бизда бир йилдан кам муддатда, катта мартен печлари — ярим йилда, беш қаватли йирик панелли уйлар тўрт-беш ойда қурилади. Аммо умуман халқ хўжалиги бўйича капитал қурилиши суръатлари ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди. Қурилишни лойиҳалаштириш ва қурилишни ташкил қилишдаги капитал ишларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ва планлаштиришдаги жиддий камчиликлар бизга халақит берапти.

Қурилишнинг конкрет муддатларини ва сарфланадиган капитал маблағ ҳажмларини аниқлашда қурилишнинг давом этиш нормаларини белгилаш бузилмас қонун бўлмоғи керак. Қувватларни ишга тушириш планини бажармасликни хўжаликни ривожлантириш умумий планини бажармаслик сифатида баҳоламоқ лозим.

Қурилишни лойиҳалаштиришни тубдан яхшилаш капитал маблағлар сарфлаш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Лойиҳалаштириш муддатлари ва сифати учун масъулиятни ошириш мақсадларида лойиҳа институтларини аниқ ихтисослаштириш ва улар ишини координациялашни яхшилаш принципларига қатъий риоя қилиш зарур.

Лойиҳа ечимларида халқ хўжалиги учун қимматга эга бўлган барча тугалланган илмий-тадқиқот ишлари акс эттирилмоғи керак.

Йириклаштирилган ва блокланган саноат бинolari, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бинolar ҳамда иншоотлар қуриш ҳисобига, завод ички транспортга конвейерлар, транспортёрлар, трубопроводларни жорий қилиш, иложи бор жойларда очиқ ва ярим очиқ майдонларга ишлаб чиқариш агрегатлари ва мосламаларни жойлаштириш ҳисобига ҳам капитал маблағлар сарфлаш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Бизнинг энг кўп фойда келтирувчи қувватга эга бўлган корхоналарни кўпроқ қура оlishимиз учун ҳукумат тошпиринги билан корхоналарнинг типовой оптимал ҳажмлари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳалаш-конструкторлик ишларини кескин қисқартириш ва гоёт катта тежам олиш имкониятини беради.

Обод бўлмаган районларда янги қурилишлар катта ҳажмда олиб борилмоқда. Биз ана шу районларда меҳнаткашларнинг яшаши ва ишлаши учун яхши шароитлар яратиб беришимиз керак. Шу нарса қоида тусига кириши лозимки, ҳар бир янги қурилишда корхона қурилишини авж олдиришдан олдин уй-жой, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналари қурилсин.

Капитал қурилиш ҳажмлари бу қурилишнинг бинокорлик материаллари ва усқуналар билан таъминланишига мустаҳкам бериш бўлиши керак. Хизматланаётган капитал маблағлар ва моддий ресурслар биринчи навбатда ишга тушириладиган объектларда марказлаштирилиши лозим. Янги объектлар қурилишига фақат тўпга ўхшаш ўтувчи қурилишлар маблағлар ҳамда моддий-техника ресурслари билан тўла таъминланган тақдирдагина киришиш зарур.

Бир-бири билан ўзаро боглиқ ишлаб чиқаришларнинг бутун комплекси бўйича қувватларни ишга туширишни таъминлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Бунинг пухта назорат қилиб бормоқ зарур. Акс ҳолда, айниқса ҳозир, янги ишлаб чиқариш, янги хом ашё базасида ташкил этилаётган бир пайтда ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида диспропорция вужудга келиши мумкин.

Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишлари учун масъулиятини ошириш мақсадида бундан буён уларнинг фаоллигига баҳо беришда, шунингдек ходимларни мукофотлашда капитал қурилиш учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш даражасига қараб эмас, балки қуриб битказилган объектларнинг ишга туширилишига қараб баҳо бериш ва мукофотлаш керак.

Ишга тушириладиган қурилишларда капитал ишларнинг катта ҳажмда олиб борилаётганлиги туфайли уларни усқуналар билан ўз вақтида комплектлаш айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Бош машинасозлик заводларида монтаж ташкилотларини келтириш, бундай ташкилотлар бўлмаса, уларни тузиш зарур, токи, қурилишларда усқуналарни монтаж қилишни машинасозлик за-

водлари амалга оширилди. Ускуналарни монтаж қилиш технологияси процессининг сўнгги босқичидек бўлади. Бу машинасозлик заводларининг ускуналар сифати учун ва маълум даражада ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш ва ишга тушириш учун жавобгарлигини оширади.

Машинасозлик заводларига ускуналар қийматини тўлаш тартиби ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқмоқ керак. Афтидан, ускуналар фойдаланишга топширилгандан кейин қийматни тўлаш мақсадга мувофиқдир. Ускуналар топширилишигача бўлган даврда эса, заводлар учун банк кредити очилиши мумкин.

Монтаж ташкилотларига катта эътибор бериш керак. Уларни юқори малакали инженерлар ва ишчилар билан мустаҳкамлаш, монтажчилар учун махсус тайёргарликни ташкил қилиш зарур.

Тугалланмаган қурилиш ҳақидаги масала ҳам янада ишлаб чиқишни талаб қилади. Ортиқча қилинган ишлар ҳажми қурилишнинг давом этиши муддатларига қараб белгиланиши керак.

Қурилиш муддатларини қисқартиришдан, уни арзонлаштиришдан ва тугалланмаган қурилиш ҳажмини камайтиришдан корхоналар ва қурилишнинг моддий манфаатдорлигини вужудга келтириш учун тажриба тариқасида капитал сарфларга бюджетдан маблағ ажратишдан узоқ муддатли қарз беришга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб турган ускуналарни замонавийлаштириш ва яхшилаш учун СССР Давлат банк томонидан икки-уч йилга узоқ муддатли ссуда бериш практикаси ўзини батамом оқлади. Бундай тартибни ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш бўйича ишларга ҳам татбиқ қилиш мумкин бўлур эди. Бу эса қурувчиларнинг объектни ишга туширишни тезлаштиришдан ва ўз манбаларини вужудга келтиришдан манфаатдорлигини оширган бўлур эдики, олинган кредитлар шу манба ҳисобидан қайтарилади.

Қурувчиларни цемент, бетон, темир-бетон ташиниш учун махсус автотранспорт билан, руда бўлмаган қазилмаларни ташиниш учун етарли миқдорда йирик самосваллар билан таъминлаш керак, яъни транспорт ихтисослаштирилган бўлмоғи лозим.

ЗИЛ, Горький ва Миасс автозаводлари замонавий махсус автомашиналарни кўпроқ ишлаб чиқиш ва чиқариш учун конструкторлик бюроларини мустаҳкамлашлари зарур. Бу халқ ҳўжалигининг қарийб барча тармоқлари учун муҳимдир. Оммавий юкларни ташиниш учун мослаштирилган бундай автомашиналарни чиқариш меҳнат унумдорлигини кескин оширишни таъминлайди.

Темир-бетон ишлаб чиқариш учун қурилишни металлнинг керакли сортлари билан таъминлаш айниқса муҳимдир. Арматура темир ишлаб чиқаришнинг ва майда сортли прокатларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш анча ўсганлигига қарамай, қурувчилар бу маҳсулотларни керагича ололмаётдилар. Бу эса қурилиш суръатларини орқага сурмоқда.

СОЦИАЛИСТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Халқ хўжалигини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш хўжаликка раҳбарликни доимо такомиллаштириб боришни, моддий ва меҳнат ресурсларидан жуда оқилона ва самарали фойдаланишни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш, аввало, ишлаб чиқариш фондларидан энг яхши фойдаланиш демакдир. Бу эса маҳсулот чиқаришни анча кўпайтириш имкониятини беради. Сааноатнинг айрим тармоқларида биз яхши натижаларга эришдик. Масалан, бутун қора металлургия ишлаб чиқаришида 1959—1960 йилларда маҳсулот чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш қувватларининг ўсишидан анча юқори бўлди. Цемент сааноатида ана шу йилларда ишлаб чиқариш қувватлари 9,2 миллион тоннага кўпайгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллион тоннадан зиёдроққа ортди. Чарм пойафзал ишлаб чиқариш бўйича 40 миллион жуфтга мўлжалланган қувватлар ишга туширилди. Пойафзал ишлаб чиқариш эса 63 миллион жуфт кўпайди. Бундай резервлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида мавжуд.

Машинасозлик сааноатининг катта резервлари бекор турган машинасозлик корхоналарида ускуналар ишининг сменалилик коэффициенти 1,4—1,5 дан ошмайди. СССР Марказий статистика бошқармаси таянч текширган корхоналарда дастлабки ички сменада станок паркнинг фақат ярмига яқинигина иш билан тўла таъминланган; бунда биринчи сменада ҳар олти станокдан бири, иккинчи сменада эса ҳар уч станокдан бири тўла ишламаган. Фақат универсал ускуналар эмас, балки водир ускуналар, махсус ва агрегат станоклар, огир темирчилик-пресслаш машиналари иш билан кам таъминланган. Ускуналарнинг сменалар ичида бекор қолиш даражаси ҳали ҳам юқори. Бу айрим машиналар бўйича умумий иш вақтининг 18 процентига етади.

Айни вақтда ускуналарни иш билан таъминлашни кўпайтириш имкониятлари мутлақо реалдир. Айрим машинасозлик заводларида тўла смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолишининг 40 процентгачаси ва сменалар орасида бекор туриб қолишининг 50 процентдан кўпрогига ташкилий ҳоллар, асосан материаллар билан ўз вақтида таъминламаслик, заготовклар ва инструментларни иш жойига ўз вақтида етказиб бермаслик сабаб бўлмоқда.

Ускуналардан тўла фойдаланиш мақсадларида кўп станокка хизмат кўрсатиш практикасини кенг ёйиш жиддий роль ўйнамоғи керак. Бу эса иш фронтини кенгайтириш ва қўшимча капитал маблағ сарфламасдан, ишчилар сонини оширмасдан маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имкониятини беради. Албатта, кўп станокка хизмат кўрсатиш тегишли ташкилий-техника тайёргарлиги бўлишини—ускуналарни қайта жойлаштиришни, уларни техникавий

мосламалар билан жиҳозлашни, кадрлар малакасини оширишни талаб қилади. Афтидан, кўп станокда ишлайдиган ишчиларни кўпроқ манфаатдор қилиш мақсадида уларни моддий рағбатлантириш системасини ҳам кўриб чиқиш керакдир.

Социалистик ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштириш меҳнатни ташкил қилишнинг янги, янада юқори босқичга ўтишни талаб этади. Иш ўрнини рационал ташкил қилиш, нормал ёругликни таъминлаш, меҳнатнинг гигиена шароитларини яхшилаш, меҳнатнинг илгор усулларини жорий қилиш ва ҳоказолар — ҳуллас, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш деб аталадиган, меҳнатни энгиллаштирадиган ва унинг унумдорлигини оширадиган барча ишлар корхона раҳбарларининг диққат марказида бўлиши керак.

Юқори даражада механизациялаштирилган замонавий sanoat корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш проблемаларининг бутун комплексини илмий ишлаб чиқиш ҳозир кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу вазифани бизнинг илмий муассасаларимиз—тармоқли ва умумиқтисодий институтлар, лойиҳалаштириш ташкилотлари ҳал қилмоқлари керак. Шунингдек, ўқув юртларида ҳам ишлаб чиқаришни ташкил қилиш проблемаларини ўрганишга эътиборни кучайтириш лозим.

Sanoat ишлаб чиқаришини ташкил қилишни такомиллаштириш, иқтисодий район, тармоқ ва умуман бутун sanoat миқёсида уни ихтисослаштириш ҳам ишлаб чиқариш воситаларидан яхшироқ фойдаланиш учун катта имкониятлар очиб беради.

Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш иқтисодий район доирасидан четга чиқадиган бир қанча масалаларни ҳал этишни талаб қилади.

Кейинги йилларда ҳукумат корхоналарни ихтисослаштириш ва аниқ профиллаш негизида станоксозликни, электр техникаси санотини, тепловозлар, қурилиш ва йўл машиналари, компрессорлар, қуюв машиналари, инструментлар, метизлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳақида қарорлар қабул қилди.

Магистрал тепловозларни ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ўзлаштириш натижасида кейинги икки йил ичида тепловозлар чиқариш қарийб икки баравар ортди.

Бироқ машинасозликнинг бир қанча бошқа тармоқларида ихтисослаштириш секин ўтказилмоқда. Қуюв цехларининг ишлаб турган қувватлари машинасозлик корхоналарининг бир меъёрида ишлаши учун зарур миқдорда заготовклар ишлаб чиқаришни ҳали таъминламаётир. Урмон, ёғочсозлик саноти ва энгил санотда ихтисослаштириш бўш олиб борилмоқда. Янги заводларни қуришда ва ишлаб турган заводлардан фойдаланишда ихтисослаштириш принципи бузилмоқда. Бу эса ўтказилаётган ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтирмоқда.

Саноатда салкам 800 миң металл қирқиш станоклари турли корхоналарнинг ремонт-механика, инструментал ва бошқа ёрдамчи цехларга сочиб юборилган. Бу станоклардан запас қисмлар ва деталлар тайёрлаш учун фойдаланмоқда. Кўпинча, бундай деталлар якка тартибда, зарур технологияга риоя қилинмасдан тайёрланади ва жуда қимматга тушади.

Ремонт ишини оқилона марказлаштириш ва йирик иқтисодий районларда ёки республикада бир неча районлар учун запас қисмларни ихтисослаштирилган тартибда ишлаб чиқаришни кенгайтириш иқтисодий жиҳатдан анча асослироқлиги равшандир. Асосий воситаларни ремонт қилишни ташкил этиш проблемасини ҳозир умумдавлат миқёсида план органлари орқали ҳал этмоқ лозим.

1962 йил иланидаёқ запас қисмлар ишлаб чиқарадиган айрим корхоналарни ихтисослаштириш бўйича биринчи галдаги тадбирларни назарда тутиш, ҳозирги пайтда запас қисмлар тайёрлаш билан банд бўлган ускуналардан эса асосий ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдаланиш керак.

Стандартларни кенг жорий қилиш, чиқарилаётган буюмлар ва ускуналарнинг узеллари ҳамда деталларини бир хилга келтириш, шунингдек технология процессларини типиклаштириш ишлаб чиқаришни прогрессив ташкил этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу соҳата советистини афзаллик системаси фойда катта афзалликларга эга. Бизни ҳеч парса чеклаб туролмайди: бизда хусусий мулкчилик йўқ, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш сирлари йўқ. Ишнинг ҳаммаси бизнинг афзалликларимизни тўла рўёбга чиқаришимизга ва бу масалаларга кенг, чинакам давлат кўламини беришимизга боғлиқ.

Саноат ишининг сифат кўрсаткичларини, юксак унумли ускуналар чиқаришни янада яхшилаш, машиналар ва агрегатларнинг хизмат муддатини ошириш фойда катта аҳамиятга эга. Мисол учун дизель ва моторлар ишлаб чиқариш масаласини олайлик. Мехнатни энергия билан қуролантириш ана шу двигателларни оммавий тарзда тарқатиш ҳисобига яна кўп даражада ортади. Бироқ дизеллар ва моторларнинг хизмат қилиш муддати ҳали етарли эмас, шу сабабли халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирмоқ учун ана шу двигателларни жуда кўп миқдорда ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Биз моторлар ва дизеллар хизмат муддатини оширишни энг муҳим халқ хўжалик вазифаларидан бири қилиб қўймоғимиз керак.

Дизеллар ва моторлар хизмат муддатини ошириш учун комплекс шароитларни ўрганиш, чиқарилаётган дизеллар ва моторларнинг ҳар бир янги серияси янада узоқроқ муддатга хизмат қилишни билан фарқланиши учун металлларнинг янги қотишмаларини излаб топиш, ёқилги ва мойлаш материаллари, махсус присадкалар сифатини яхшилаш бўйича ишлар олиб бориш зарур. Бу эса халқ хўжалигида катта тежам беради. Узоқроқ муддат билан хизмат қилади-

ган дизеллар ва моторларни яратганлик ва ишлаб чиқарганлик учун завод ходимларини рағбатлантириш ҳақидаги масалани ҳам ўйлаб кўрмоқ зарур.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кенгайтириш, корхоналар билан иқтисодий районлар ўртасида хўжалик алоқаларини ривожлантириш планлаштириш системасини яхшилашни талаб қилади. Бу биринчи галда халқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти планларини ишлаб чиқишга тааллуқлидир.

Таъминот-сотув органлари системаси тузилишидаги камчиликлар, планлаштириш ва тақсимлашдаги хатолар, бир қанча ҳошларда материалларни сарфлашдаги контролсизлик корхоналар ва қурилишларни хом ашё, материаллар, ярим фабрикаларнинг айрим турлари билан таъминлашда ноўрин қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Баланс ишлари сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ва қурилиш планларининг моддий-техника таъминоти планлари билан тўла бирикиб кетишига эришиш керак.

Материаллар сарфлашнинг амалдаги нормалари кўп жиҳатдан эскириб қолди. Бу нормалар ўзгариб туриши, янги техниканинг ривожланиши, материалларнинг янги турлари вужудга келиши билан шунга мувофиқ мунозаам равишда янгиланиб туриши лозим. Материал сарфлашнинг илмий жиҳатдан асосланган нормалари халқ хўжалигида техника тараққиётини тезроқ ривожлантириш учун стимул беради, рационализаторлар ва ихтирочилар, инженерлар ва илмий ходимларнинг кўп миллионли армиясини хом ашё ва материалларнинг янги турларини излаб топишга, машиналарнинг янада такомиллашган конструкцияларини яратишга, рационал технологияни жорий қилишга, ишлаб чиқариш процессларини яхшироқ ташкил қилишга сафарбар этади. Нормалаштириш ишини яхшилаш қуйидан юқорига—корхонадан республикаларнинг давлат планлари ва СССР Госпланигача амалга оширилиши керак.

ҲАММА НАРСА ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Ўртоқлар! Партиямиз совет кишиларининг турмуш даражаси дунёда энг юқори бўлиши учун қатъият ва изчиллик билан иш олиб бормоқда. Ҳозирги пайтдаёқ иш билан таъминланганлик, иш қунини қисқартириш, медицина хизмати кўрсатиш, социал таъминот, қурилаётган квартиралар миқдори сингари муҳим кўрсаткичлар бўйича Совет Иттифоқи барча энг тараққий этган мамлакатларни, шу жумладан АҚШни орқада қолдириб кетди.

Партиямиз Программасининг лойиҳаси иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиш ва халқнинг моддий фаровонлигини ўстириш пестиқболларни очиб беради. Партиянинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шiori тўла юзага чиқади. Бунинг учун биз катта моддий бойликка эга бўлишимиз, ишлаб

чиқаришни аҳолининг озиқ-овқатга, кийим-кечак, пойафзал, уй-жой ва маданий-маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини энг кўп даражада қондирадиган қилб ривожлантиришимиз керак.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати энгил саноат, озиқ-овқат, химия саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш бўйича махсус тadbирлар ишлаб чиқдилар.

Халқ учун умумий овқатланишни чинакам оммавий, қулай ва фойдали қилиш мақсадида умумий овқатланишни ривожлантириш ва яхшилаш планлари, шунингдек болалар муассасалари шохобчаларини, коммунал, кир ювиш корхоналарини, маиший комбинатларни ҳамда оилага жамоат хизмати кўрсатиш ва турмушнинг бошқа формаларини кенгайтириш бўйича планлар ишлаб чиқилди.

Савдо ходимлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Аҳоли талабларини чуқур ўрганиш ва юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш керак. Савдо саноат билан аҳоли ўртасидаги боғловчи звено ҳисобланади. Савдо ходимлари истеъмолчилар манфаатларининг ифодачилари бўлишлари, товарларнинг сифати ва ассортименти учун курашишлари, саноат корхоналарини ишлаб чиқаришни ўз вақтида қайта қуришга ва бажону дил сотиб олиннадиган товарлар чиқаришга ундамоқлари керак.

Макада савдо шохобчаларини бутун товарлар билан кенгайтириш, қишлоқда савдо формалари ва методларини такомиллаштириш, уларни шаҳарлардаги давлат савдосида мавжуд бўлган шароитларга яқинлаштириш лозим. Магазинларимиз, ошхоналаримиз, кафеларимиз савдонинг юксак маданияти талабларига жавоб бермоғи керак.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида — энгил саноат, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида, савдода, маҳаллий саноатда, коммунал ва шаҳар хўжалигида миллионлаб меҳнаткашлар банд. Кўп нарса уларнинг меҳнатига ва маҳоратига боғлиқ, улар коммунистик қурилишга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Биз турмуш билан боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор беришимиз керак. Бу — майда нарса эмаслигини унутмаслик лозим. Ҳаммаси ҳам муҳим ва зарур бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир республика, ўлка ва областда саноат ва яхши кадрлар бор. Аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондириш учун жойлардаги энг бой имкониятлардан фойдаланишни ташкил қила билиш лозим.

Бизда янги кишилар — юксак маданиятли, янгиликка, коммунистик ишларга интилаётган кишилар ўсиб етишмоқда. Ҳар қандай соҳада, ҳатто энг сезилмас участкада бўлсин, ҳар қандай ишда, улар партиямизнинг катта ишларини қилмоқдалар. Биз улар ҳақида миннатдорчилик билан ўйлаймиз.

Биз уй-жой, болалар боқчалари, яслилари, касалхоналар қуриш учун катта маблағлар сарфламоқдамиз, шаҳарларни ободонлашти-

риш ва коммунал хўжаликни ривожлантириш учун кўп иш қилмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси халқимиз хизматига бўйсундирилган. Кўп қиррали хўжаликни яхши аҳволда сақлаш, аҳоли эҳтиёжларига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти ҳақида коммунал ва шаҳар хўжалигининг кўп миллионли меҳнаткашлари армияси гамхўрлик қилиши лозим. Бу кишилар ўзларига халқимиз ишониб топширган гоят катта бойликларни сақлаш учунгина эмас балки кишиларимизнинг меҳнати ва дам олиши учун энг яхши қулайликлар яратиб беришга ҳам даъват этилганлар.

Шаҳарларимиз, магазинларимиз, шаҳар транспорти, барча маданий-маиший муассасаларнинг ташқи қиёфаси халқимизнинг дидига ва маданий талабларига жавоб бермоғи учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Турмуш учун, кишилар учун яратиладиган ҳамма нарсалар яхши, қулай ва чиройли бўлиши керак.

Бу ерга, ишлаб чиқаришнинг ана шу тармоқларига катта мутахассислар, энг яхши архитекторлар ва рассомлар, конструкторлар ва моделчилар—ўз билими ва куч-қувватини улкан халқ ишига бажону дил ва муҳаббат билан сарфлайдиган кишилар йўлланмоғи лозим.

Кишиларимизнинг бой ички мазмунига ҳаётнинг ташқи шaroитлари ҳам мос бўлиши керак. Дид билан тикилган кийим-кечак, чиройли жиҳозланган квартиралар, уйларимиз ва кўчаларимиз шакллариининг мукамаллиги—буларнинг ҳаммаси пардози билан ҳам, гуллари билан ҳам ва мутаносиблиги билан ҳам кўзни қувонтирмоғи лозим. Ҳамма ерда—ишда ва уйда, театрда ва йўлда—совет кишиси ўз манфаатларига, истаклари ва талабларига эътиборни ва гамхўрликни сезиб туриши лозим, токи, буларнинг ҳаммаси кишилар қалбини совет турмушимиз намунасидадан ғурурланиш ҳисси билан тўлдирсин.

Ўртоқлар! Партиямиз умумхалқ муҳаббати билан қуршаб олинган. Совет кишилари ўз жонажон партиясини доно раҳбар, ўзларининг туб манфаатлари ва интилишларининг содиқ ифодачиси, деб биладилар. Бутун совет халқи Коммунистик партия сиёсатини қўллаб қувватлайди ва ҳаётга актив татбиқ қилади.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ

*Кремлдаги Съездлар саройида
Москва Советининг тантанали мажлисида
1962 йил 6 ноябрда
қилинган доклад*

Ўртоқлар! Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ҳар бир йиллиги — совет халқининг, қардош социалистик мамлакатлар халқларининг, бутун дунё меҳнаткашларининг катта байрамидир. Йиллар, ўнлаб йиллар ўтар, лекин 1917 йилнинг октябрида, Владимир Ильич Лениннинг сўзи билан айтганда «...халқларни империализмдан озод қилиш учун, халқлар ўртасидаги урушларни тўхтатиш учун, капитал ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун, социализм учун кўзғолон»¹ бошлаган Россия ипчилари ва тоҳқонлари кутган қаҳрамонликнинг улғуровидиг эсло сўймайдди. Октябрь революцияси ижтимоий тараққиётнинг қопуниятли патижаси бўлиб, у бутун инсониятга коммунизмнинг кенг йўлини очиб берди.

Биринчи социализм мамлакати капиталистик океанда орол бўлиб тургандан бери орадан кўп вақт ўтдимиз? Ҳозирги вақтда эса бир миллиарддан кўпроқ киши марксизм-ленинизм асосида янги ҳаёт қурмоқда. Социалистик мамлакатларнинг қудратли, енгилмас ҳамдўстлиги вужудга келди. Социализм кучга тўлган ва ўз келажагига тўла ишонган ҳолда жаҳон майдонига чиқиб олди.

Социализмнинг таъсири, унинг моддий ва маданий, илмий-техника муваффақиятлари социалистик лагерь доирасидан узоқларда ҳам сезилиб турибди. Ҳозир ер юзида одамлар «социализм» сўзини билмайдиган ҳамда ўзларининг энг порлоқ ва энг муқаддас орзу-умидларини социализм билан боғламаган бирон жой йўқ.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқларнинг озодлик курашини кучайтирувчи қудратли туртки бўлди. Бугун биз мустамлакачилик системаси емирилаётганлигини, бу система батамом барбод бўлаётганлигини кўриб турибмиз. Кейинги вақтларда жаҳоннинг сиёсий картасида 50 дан кўпроқ янги мустақил давлат пайдо бўлди.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 28-том, 173-бет.

Шу нарса диққатга сазовордирки, Осие ва Африкадаги ёш давлатларнинг кўпчилиги мустақил яшаш йўлига тушиб олиб, ўз турмушларини социализм негизда қуриш ниятида эканликларини айтмоқдалар. Тўғри, бу мамлакатларда социализмни тушуниш бу жамият тўғрисидаги илмий тасаввурдан кўпинча жуда фарқ қилади. Бироқ улар ўз турмушларини социализм негизда қуриш ниятида эканликларини айтаётганликлар социализм идеялари янгидан-янги юз миллионлаб кишиларнинг онгига чуқур сингиб бораётганини кўрсатиб турибди. Социализм давримизнинг байроғи бўлиб қолди.

Инсоният тарихида тенги бўлмаган революцион тўнтарош ясаган мамлакатимизнинг ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларидан жуда катта мардлик, букилмас прода, мислсиз зўр ғайрат талаб қилинган эди. Ағдариб ташланган эксплуататор синфлар ва халқаро империализм билан олиб борилган қаттиқ курашда Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш тағни ҳам қийинроқ бўлди. Помешчикларсиз ва капиталистларсиз турмуш қура бошлаган ишчилар ва деҳқонларга қарши бутун эски дунё ёпприлиб келди. Дастлабки кунларданоқ буржуа-помешчиклар контрреволюциясига қарши, интервентларнинг ғалаларига қарши, иқтисодий блокадага қарши, социалистик давлатни сиёсий жиҳатдан яқкалаб қўйишдаги уринишларга қарши кураш олиб боришимизга тўғри келди. Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси тамом бўлгандан кейин орадан йигирма йилча вақт ўтгач, деярли бутун Ғарбий Европани қул қилиб олган империалистик Германия мамлакатимиздаги социализмни тугатишга уриниб кўрди. Совет халқи ўзининг ленинчи партияси раҳбарлигида гитлерчи босқинчиларни тор-мор келтирди, социализм ғалабаларини қаттиқ ҳимоя қилди ва Европа халқларини фашистлар истибдодидан озод қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Социализм бизнинг мамлакатимизни ва бошқа социалистик мамлакатларни иқтисодий, маданий ва фан-техника тараққиётининг кенг йўлига олиб чиқди. Мана бир неча рақамларни кўрсатиб ўтайлик. 1913 йилда Россиянинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 4 процентдан сал кўпроқ, Америка Қўшма Штатларининг ҳиссаси эса 34 процент эди. Германия, Англия, Франция ҳам Россиядан анча олдинда эди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи жаҳон саноат маҳсулотининг 20 процентини — Англия, Германия Федератив Республикаси ва Францияни қўшиб ҳисоблаганда улар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотига деярли тенг келадиган миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқармоқда. Ҳозирги вақтда социализм мамлакатлари жаҳон саноат маҳсулотининг деярли 37 процентини ишлаб чиқармоқдалар. Жаҳон маҳсулотини ишлаб чиқаришда Америка Қўшма Штатларининг ҳиссаси анча камайиб кетди.

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва социал муваффақиятларида инсониятнинг энг яхши идеаллари ва умидлари мужассамлашгандир. Халқлар социал адолатсизликни тугатишни асрлар давомида орзу қилиб келмаганмидилар, ахир? Эндиликда бу орзу Совет Иттифоқида ва халқларнинг улуғ социалистик ҳамдўстлигида амалга оширилди.

Халқлар уруш офатларидан қутулишни асрлар давомида орзу қилиб келмаганмидилар, ахир? Эндиликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Совет Иттифоқининг ва бошқа социализм мамлакатларининг тинчликсевар сиёсати мавжудлиги туфайли, ҳамма мамлакатларда тинчликсевар кучлар ўсиб бораётганлиги туфайли жаҳон урушининг олдини олиш учун реал имконият бор. Совет давлатининг бутун куч-қудрати, унинг бутун сиёсати ва халқаро ишлардаги таъсири тинчлик ва тараққиётга зўр хизмат қилмоқда.

Ғалабаларимиз жуда улкан, қилган ишларимиз миқёслари жуда кенг ва катта, совет кишиларининг — ишчилар, деҳқонлар зиёлиларнинг — фидокор меҳнаткашларнинг, улуғ Ватанимизни коммунистик негизда қайта қуриш ишларини олиб бораётган оташин ташаббускорларнинг қаҳрамонлиги асрлар бўйи яшайдиган мангу қаҳрамонликдир. Коммунистик партия раҳбарлигида жаҳонга биринчи соқмончилик мамлакатини қурган ва эндиликда коммунизмнинг нурафшон биносини муваффақиятли қураётган давримизнинг кишиларини кўп авлодлар асло унутмайдилар ва ҳамisha улуғлайдилар.

Бизнинг ғалабаларимиз улуғ генийлар — Маркс, Энгельс, Ленин яратган марксча-ленинча фаннинг таътанасидир. Бизнинг қудратли ленинча партиямиз уларнинг ишларини муносиб давом эттирмоқда. КПССнинг бутун фаолияти, унинг коммунистик қурилишга раҳбарлиги революцион ижодкорликнинг энг улкан намунасидир. Коммунистик партиянинг кучи унинг сафларининг бузилмас бирлигида, омма билан узилмас алоқасидадир ва шундай бўлиб қолади.

ПАРТИЯ ПРОГРАММАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бундан бир йил муқаддам КПССнинг XXII съезди янги Програма қабул қилди. Социалистик қурилиш вазифаларини илмий жиҳатдан умумлаштирган бу программа коммунизм қурилишининг бир-бири билан чамбарчас боғланган уч асосий жиҳатини — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, янги кишини тарбиялаш вазифаларини кўрсатиб берди. Коммунизмнинг моддий пойдеворини қуриш бу вазифаларни ҳал қилишда асосий роль ўйнайди. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган принцип ҳукмронлик қиладиган, хўжалик плашли асосда

бошқариладиган социалистик жамиятда давлатнинг ва коммунистик партиянинг фаолиятида экономикани ривожлантириш етакчи ўринни эгаллайди.

В. И. Лениннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» мақоласи дастлабки ёзмасининг яқинда эълон қилинган бобларида «...Совет ҳокимиятининг... туб негизи, туб моҳияти шундан иборатки, бунда сиёсий вазифалар пқтисодий вазифаларга нисбатан бўйсунувчи ўринда туради»¹ дейилади. Маълумки, В. И. Ленин шу маънода ГОЭЛРО плавини «партиянинг иккинчи программаси» деб атаган эди.

Совет ҳокимияти яшаб келаётган бутун давр мобайнида партия ўзининг съездлари ва пленумларида хўжалик қурилишининг туб масалаларини, социалистик индустриалаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, экономикани ҳар томонлама ривожлантириш, саноатга, қурилишга, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш масалаларини қўйиб ва муҳокама қилиб келди.

Коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг бош перспективаси КПССнинг янги программасида баён қилинди. Коммунизм ишлаб чиқарувчи кучларда жуда катта тўнтарилар ясади. Бу тўнтарилар ўзининг миқёси ва тарихий аҳамияти жиҳатидан йирик капиталистик саноатни вужудга келтирган саноат тўнтариларига қараганда анча каттадир. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишлаб чиқаришни тўла электрлаштиришни, комплекс механизациялашни, автоматлаштириш ва химиялаштиришни, энг прогрессив технологияни ва ижтимоий меҳнатни илмий негизда ташкил этишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам партиямиз юксак даражада сермахсул, илмий жиҳатдан ташкил этилган, замонавий техника билан қуролланган меҳнат коммунизм асосларининг асосидир, деб қатъий равишда уқтиради.

Ўртоқлар! Партия XXII съезидан бери ўтган бир йил мобайнида янги катта ғалабалар қўлга киритилди. Халқ хўжалиги социализмнинг жуда катта афзалликларидан фойдаланиб, ривожланиш суръатларини муттасил кучайтирмоқда. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида саноатимиз етти йиллик планда шу йиллар учун мўлжалланганига қараганда 28 миллиард сўмлик кўп маҳсулот берди. Партия XXII съезидан бери совет халқи халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янгидан юксалтиришга муваффақ бўлди. Саноатнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 1962 йилда ошириб бажарилади, саноат маҳсулотининг ҳажми бир йил ичида 9 процентдан зиёдроқ кўпаяди.

Планнинг шу йилнинг тўққиз ойи ичида бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари ишидаги сифат кўрсаткичлари жиддий равишда яхшилانганли-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, 130-бет (русча нашри).

гини кўрсатиб турибди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани саноатда ҳам, қурилишда ва транспортда ҳам ортиги билан ба-жарилди. Саноат маҳсулотнинг таннархини камайтириш плани ҳам ошириб адо этилди ва пландан ташқари 600 миллион сўмлик маблағ тежалди.

В. И. Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, мамлакатни ёшасига электрлаштириш ва йирик индустриянинг моддий негизини — ёқилғи, металл ишлаб чиқаришни, машинасозликни, химия саноатини ривожлантириш меҳнат унумдорлигини тўхтов-сиз оширишнинг зарур шартидир.

Партиямиз ва совет ҳукумати Лениннинг бу идеясини муваф-фақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Бир неча ўн минг ки-ловатт қувватли агрегат қуриш яқиндагина катта муваффақият, деб ҳисобланар эди, ҳозирги кунда эса биз ҳар бири 300 минг ки-ловатт қувватли агрегатларни кўплаб ишлаб чиқармоқдамиз. Яқин фурсатларда СССРда ҳар бири 500—800 минг ва ҳатто ҳар бири 1 миллион киловатт қувватли турбиналар ишлайдиган бўлиб қолади.

Биринчи беш йиллик даврида биз Днепр ГЭСини қуриш учун чет эл мутахассисларини таклиф қилган эдик. Эндиликда эса со-вет мутахассислари чет мамлакатларда электр станциялар қуриш-га орданлашмоқдалар. Бизнинг энергетика қурилишимиз узиниш-кўп кўрсаткичлари жиҳатидан жаҳонда мавжуд юксак кўрсат-кичлардан ошиб кетди. КПСС XXII съезди номидаги Волга гидро-станцияси, В. И. Ленин номидаги Волга гидростанцияси ва қис-ман ишга тушган Братск гидростанцияси жаҳонда энг қудратли гидроэлектр станциялардир. Европада энг катта бўлган бир неча иссиқлик электр станциялар ҳам бизнинг мамлакатимизда ишлаб турибди. Бу электр станцияларнинг ҳар қайсиси 1 миллион кило-ваттдан кўпроқ қувват бера олади. СССР 400—500 киловольт кучланишли электр энергиясини узоқ масофаларга юбориш проб-лемасини ҳал қилган биринчи мамлакатдир. Ўзгармас токда иш-ловчи 800 киловольт кучланишли электр қуввати юбориш линияси Октябрнинг 45 йиллиги арафасида ишга туширилди. СССР Евро-па қисмининг ва Марказий Сибирнинг, Закавказье, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ягона энергетика системалари электр станциялар бераётган жами қувватнинг учдан икки қисмини бирлаштириб турибди. Волгада ва Днепрда электр станцияларнинг ягона кас-кади, гигант хўжалик комплекслари қурилиши битай деб қолди. Ленин уларнинг жуда катта социал аҳамияти борлигини доҳиёна башорат қилган эди.

Мамлакатда янги машиналар ва агрегатлар ишлаб чиқариш анча кўпайди. 1962 йилда халқ хўжалиги 178 мингдан кўпроқ янги металл қирқиб станоклари олади.

Етти йилликнинг тўрт йил мобайнида пландан ташқари сал-кам 13 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилади. Энг муҳим ранг-

ли металллар ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқи ҳозир Европада биринчи ўринда турибди.

Металлургия тез ривожлантирилаётганлиги ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда, аввало, кислороддан ва табиий газдан фойдаланиш соҳасида жиддий сифат силжишлари рўй берганлигининг натижасидир. Утган йил жами чўяннинг 52 проценти табиий газ оловида эритилди. Бунинг натижасида 3 минг тоннадан кўпроқ кокс тежаб қолинди. Пулат ишлаб чиқаришнинг мартен усулига нисбатан анча тежамли бўлган кислород-конвертор усули кенг ривожланмоқда.

Химия саноатининг тобора тез суръатлар билан ривожлантириш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Химия саноатнинг хом ашё балансини тубдан ўзгартирмоқда, рангли ва қора металлларнинг ўрнини босадиган материаллар, бинокорлик материаллари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун хом ашё яратиб бермоқда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ғоят катта роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача ўсими умуман саноат ишлаб чиқариши ўсими суръатларидан анча ўзиб кетди. 1962 йилда синтетик ва сунъий тола ишлаб чиқариш 1953 йилдагига нисбатан 4,4 баравар кўпаяди. Ишлаб чиқарилаётган химия маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқи жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Бироқ химия маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ва бу маҳсулотнинг структураси халқ хўжалигининг эҳтиёжларига ҳали ҳам кўп жиҳатдан мувофиқ эмас. Синтетик каучук, толалар, ўғитлар ва бошқа материалларнинг янги прогрессив турларини ишлаб чиқаришда қолоқлик бор.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат халқ хўжалигининг бу тармогини тагин ҳам тез юксалтиришни таъминлаш тадбирларини кўрмоқдалар.

Капитал қурилиш совет экономпкасини ривожлантиришнинг муҳим масаласидир. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида мамлакатда 3700 та йирик саноат корхонаси ишга туширилади, ишлаб турган корхоналарнинг кўплари эса кенгайтирилади ва энг янги ускуналар билан жиҳозланади. Қарағанда металлургия заводи, Красноярск ва Днепропетровск шпна заводлари ишга туширилди. Череповец, Кривой Рог, Новолипецк, Новотулъск заводларида гигант домналар ҳамда бошқа муҳим объектлар қурилди. Машинасозликнинг янги марказлари барпо қилинди. Химия, ёқилғи газ, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларининг катта-катта корхоналари ҳам ишга туширилди.

Саноатдаги барча асосий фондларнинг деярли ярми кейинги вақтларда барпо қилинди. Бу, ҳеч шубҳасиз, совет халқининг катта галабасидир. Етти йиллик тўрт йилининг якуналари саноатни ривожлантириш соҳасида партия белгилаб берган программа

муваффақиятли бажарилаётганлигини кўрсатиб турибди. Лекин бизнинг ҳамма ходимларимиз камчиликларга нисбатан муросасиз бўлганларида эди, улар социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан, унинг жуда кўп ва хилма-хил резервлари ҳамда ресурсларидан ўла фойдалана олганларида эди, муваффақиятларимиз тагин ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Бизнинг саноатимизда резервлар бор. Бу резервларни образли қилиб «саноатнинг қўриқ ерлари» дейиш мумкин. Аввало, самарали янги тармоқларни ривожлантириш, машиналарнинг сифатини ва чидамлилигини ошириш, уларнинг иш ресурсларини кўпайтириш, технология процессларини такомиллаштириш, ускуналарни ишлатишнинг сменалилиги коэффицентини кўпайтириш, меҳнат ва материалларнинг нобуд қилинишига қарши курашиш, хом ашёни камроқ сарфлаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мана шундай резервлардир.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма резервларидан энг кўп даражада тўлиқ фойдаланиш умумхалқ ишидир. Ҳар бир совет кишиси, у қаерда ишламасин, ҳамма жойда чинакам хўжайин бўлиши, талабчан ва тежамли хўжайин бўлиши лозим.

Халқнинг турмуш даражасини юксалтиришда қишлоқ хўжалик хом ашё базасини кенгайтириш энг муҳим ва зарур саноат саноати ҳисобланади. 1952 йилда мамлакатда экин майдонлари 11 миллион гектардан зиёдроқ кўпайди. Доннинг ялпи ҳосили бу йил 1961 йилдагидан кўпроқ бўлди. Гўшт тайёрлаш кўпайди. Сут ва бешик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча кўп тайёрланди.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун ҳам бир талай ишлар қилинди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бу йил давлат ва колхозлар томонидан сарфланган маблағлар 1952 йилдагига нисбатан қарийб 4 баравар кўпроқ бўлди. Қишлоқ хўжалигида электр энергияни истеъмол қилиш 1962 йилда 1953 йилдагига нисбатан 5,1 баравар кўпайди. Бу йил мамлакат қишлоқ хўжалиги 200 мингтадан зиёдроқ янги трактор олади, бу — урушдан олдинги, 1940 йилдагига нисбатан 10,5 баравар кўп демакдир.

1953 йилдан 1962 йилга қадар колхозлар ва совхозларнинг жамоат хўжаликларида маҳсулот етиштириш 1,9 баравар ортди, ҳолбуки, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг сони шу вақт ичида 1,4 миллион кишига қисқарди. Шундай бўлса ҳам, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражаси бизни қаноатлантира олмайди. Олдимизда жуда катта ишлар турибди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари туфайли совет кишиларининг турмуш даражаси тўхтовсиз яхшиланиб бормоқда, сариёғ, гўшт, қанд, сут маҳсулотлари сингари озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Саноат буюмларини, айниқса кийим-кечак, пойафзал ва кишила-

римизнинг турмушини яхшилаш учун ишлаб чиқарилаётган кўпгина янги молларни истеъмол қилиш кескин равишда кўпайди.

Совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам янада ўстиришни талаб қилади.

Партиямиз уй-жой қурилишига нақадар катта эътибор бераётганлиги маълум. Кейинги олти йил ичида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтдан бери совет халқидан 69 миллион киши — мамлакат аҳолисининг деярли учдан бир қисми янги қурилган уйлардан квартиралар олдилар ва ўзларининг уй-жой шароитларини яхшиладилар. Шў йилнинг ўзидагиша шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида умумий сахни 82 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари фойдаланиш учун топширилади.

Бизнинг улкан муваффақиятларимиз партиянинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш йўлида олиб борган ишларининг натижаси, меҳнатга юксак даражада онгли муносабатда бўлиш пайдаларини кўрсатаётган миллион-миллион совет кишилари ижодий меҳнатининг натижасидир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин буюк починнинг — биринчи коммунистик шанбаликларнинг моҳиятини ва аҳамиятини анализ қилиб, бу ҳаракат буржуазияни агдариб ташлашдан ҳам муҳимроқ, ундан ҳам кўпроқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тўнтаринининг бошланишидир, деб доҳиёна башорат қилган эди. «Бу, — деб ёзган эди Ленин, — ўз жоҳиллигимиз, бебошлигимиз, майда буржуача худбинчилигимиз устидан, лаънати капитализм ишчилар ва деҳқонларга мерос қилиб қолдирган мана шу одатлар устидан қозонган ғалабамиздир»¹. Новатор ишчилар, коммунистик меҳнат коллективлари ҳаракати меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни ривожлантиришнинг энг муҳим формаларидир. Меҳнатга бундай муносабат инсон шахсини ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳам ўзгартириб юборади, улуглайди, мислсиз юксакликка кўтаради.

Коммунизм учун актив кураш ҳозирги кунда ҳар бир совет кишинининг ҳаётгий иши бўлиб қолмоқда. Юз минглаб йигит ва қизлар партиянинг чақириги билан кўриқ ерларни ўзлаштиришга, мамлакатнинг Шарқий районларида саноат марказларини қуришга жўнаб кетдилар. Валентина Гаганованинг ҳамда унинг умумхалқ вазифаларни юксак даражада тушунган минглаб издошларининг ватанипарварлик ташаббуси кенг ёйилди. Звено бошлиғи Надежда Григорьевна Загладанинг меҳнаткаш шахнини қадрлайлик, ўзимизга топширилган иш учун астойдил жон куйдирайлик, деб қилган даъватини мамлакатимизнинг миллионлаб

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 29-том, 425-бет.

меҳнаткашлари ўз виждонларининг овози деб, ўз коммунистик онглариининг талаби, деб қабул қилдилар.

Коммунистик меҳнат ҳаракати йилдан-йилга тобора оммавий ҳаракат бўлиб қолмоқда. Бу ҳаракатга ҳозирги кунда қарийб 21 миллион киши қатнашмоқда, эртанги кунда эса халқ бахти учун курашувчиларнинг юксак ахлоқий хислатларини ўзида мужассам қилган бу қудратли ҳаракатга шаҳар ва қишлоқнинг янгидан-янги миллионлаб меҳнаткашлари қўшилади. Бу ҳаракатнинг буюк маъноси шундан иборатки, бу ҳаракат қатнашчилари энг асосий вазифани: келажакнинг замини бугун барпо қилинаётганлигини, келажак аввало ишлаб чиқариш доирасида, ҳар бир кишининг ишида, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бажараётган ишда қарор топаётганлигини яхши тушунолмақдалар.

Шонли металлурглар ва машинасозларнинг, кўмир қазувчилар ҳамда нефть ва газ саноати ходимларининг, химиклар ва энергетикларнинг, тўқимачилик, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ходимларининг, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти ходимларининг, бинокорлар ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг меҳнатдаги муваффақиятлари билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

Янги кўришлар ва ўйлар, янги қўлланма усулларнинг қўлланилиши, қўлдан келтирилган янги техника ва қорғоқлари билан совет кишиларига шон-шарафлар!

Ўртоқлар! Коммунизм қуришнинг улуг мақсадини амалга ошириш совет кишиларининг бевосита меҳнати билан қилинётган иш бўлиб қолди. Бу улуг мақсад иқтимоий ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ва жадал ривожлантиришни, фан-техникани тез тараққий эттириш асосида меҳнат унумдорлигини кескин оширишни талаб қилади. «Фаннинг қўлланилиши, — дейлади КПСС Программасида, — жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг кучли суратда ўсишининг ҳал қилувчи факторига айланади». Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг илмий равишда ўрганилмаётган, фан муваффақиятлари татбиқ қилинмаётган бирорта соҳаси йўқ. Коммунизмга яқинлашиб борганимиз сари фан тобора кўпроқ бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолаверади, ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ яқинлашаверади. Социализм фанга ва фан аҳдларига шундай фахрли ўринни бериб қўйдик, буржуа жамияти уларга бундай ўринни беролмайди.

Социализм халқнинг бахт-саодатига хизмат қилаётган фан-техникани тўхтовсиз тараққий эттириш учун бутун шарт-шароитни яратиб бермоқда. Совет фани ҳозирги куннинг вазифаларини ҳал қилишда мамлакат халқ хўжалигига ёрдам бермоқда, эртанги кунга йўл очмоқда. Табиат ва жамият тараққиётининг қонуналарини кишиларга хизмат қилдирмоқда, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтирмоқда. Кейинги ўн йил ичида фан муваффақиятлари асосида бизнинг мамлакатимизда машина-

лар ва усқуналарнинг 20 миңдан кўпроқ энг янги типлари яратилди. 18 миллионга яқин ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди, бу эса йилга ўрта ҳисобда 1 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежашни таъминлади.

Космосни ўзлаштиришдаги жуда катта муваффақиятлар жаҳон фан-техника тараққиётида совет халқининг авангардлик ролини ёрқин кўрсатиб берди. Бундан беш йилгина муқаддам, Октябрнинг 40 йиллиги арафасида, Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилган эди. Бугунги кунда эса космосга учиб чиқиб эсон-омон ерга қайтиб тушган тўртта совет кишиси биз билан бирга Октябрь революциясининг 45 йиллигини байрам қилмоқда. Планеталараро автоматик станция Марс планетасига томон муваффақиятли учирилганлиги совет фан ва техникасининг жуда катта муваффақиятидир.

Қишки Саройни штурм қилишдаи космосни штурм қилишга-ча бориб етдик. Халқимиз маана шундай катта қадамлар билан олға бормоқда.

Халқларнинг чинакам писопий ҳаёт тўғрисидаги, эксплуатация ва зулм бўлмайдиган, урушлар ва мустамлака асорати бўлмайдиган турмуш тўғрисидаги асрий ният ва орзуларини фақат социализмгина амалга ошира олишни Октябрь ер юзидаги барча халқларга яққол кўрсатди.

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА НУР СОЧИБ ТУРИБДИ

Социализм ўзининг чексиз имкониятларини йил сайин тобора ёрқинроқ намоён қилмоқда, капитализм билан мусобақада қадамба-қадам янги позицияларни забт этмоқда, кишилик тараққиётининг ҳал қилувчи фактори бўлиб қолмоқда.

Ғоявий душманларимиз юз ва миң марталаб «эскириб қолган» ва «рад этилган» фан деб эълоп қилган марксча-ленинча фан тобора янгидан-янги миллионлаб кишилар онгига сингиб, уларнинг гоят чуқур ғоявий эътиқодига айлланиб бормоқда. Эндилекда буни душманларимиз ҳам эътироф этишга мажбур бўлмоқдалар.

Биз истиқболга дадил назар ташламоқдамиз: тарихий перспективалар бизга хурсандчилик бахш этмоқда. Капитал мамлакатларида эса аҳвол бутунлай бошқачадир. Капитал мамлакатларида пессимизм, умидсизлик, капитализмнинг ҳалокатни олдиндан сезиш қайфиятлари ҳукм сурмоқда. Тобора кучайиб бораётган бу социал пессимизм кўнгина олимлар, ёзувчилар, савдо-саноат аҳли, сиёсий ва давлат арбоблари ташвишманг бўлиб қолганликларида ўз нфодасини топмоқда.

Улуг Октябрь социалистик революцияси натижасида 45 йил муқаддам вужудга келган янги ижтимоий система ўзи билан бир-

га халқаро муносабатларнинг янги принципларини ҳам бунёдга келтирди. Социализм мамлакатларининг ташқи сиёсати халқларнинг тинчлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, барча давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш идеяларига асосланади. Айни социалистик мамлакатлар социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ҳақида улуғ Ленин илгари сурган принципни қатъият билан ҳимоя қилмоқдалар. Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги бутун фаолияти халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Совет Иттифоқи қанча бақувват бўлса, социализм позициялари қанча мустаҳкамроқ бўлса, унинг халқаро ҳаётга таъсири қанча зўр бўлса — бутун дунёда тинчлик иши шунчалик яхши таъминланган бўлади.

Жаҳон социалистик системаси — капиталистик зулмни улоқтириб ташлаган ва янги жамият қуриш билан машғул бўлган халқларнинг ихтиёрий ҳамдўстлиги бўлиб, у бутун дунё ҳаётида йил сайин тобора катта роль ўйнамоқда.

Давлатларнинг ҳарбий блокларда қатнашмаслик йўлига кириб олган катта бир группаси тинчликни сақлаб туришнинг зўр факторидир. Ана шу давлатлар билан социалистик ҳамдўстлик ёрдамида турли-хил муносабатлар вужудга келдики, бу муносабатларнинг барчаси ҳам тинчликни таъминловчи ва ҳимояловчи ролини ўйнамоқда. Ишчилар сиёси ва унинг авангарди — Коммунистик партиялар бошчилигидаги тинчликсевар кучлар империалистик мамлакатларни ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Шундай қилиб, янги жаҳон урушининг олдини олишга қодир бўлган тинчликсевар кучларнинг қудратли фронти вужудга келди. Ахир, бу Октябрь идеялари қудратли ўзгартирувчи кучга эга эканлигининг далили эмасми?

Бизнинг давримизда империализм эмас, балки ўзининг тинчлик ва тараққиёт идеалларига эга бўлган жаҳон социалистик системасигина жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи фактори бўлиб бормоқда.

Совет Иттифоқи, социалистик тараққиёт йўлидан бораётган ҳамма мамлакатларнинг халқлари ўртасида чуқур социал бирдамлик ва жипсликдан иборат тамомила янги муносабатлар вужудга келдики, бу муносабатлар социализм мамлакатлари меҳнаткашларининг туб манфаатлари умумийлигидан, пролетар, социалистик интернационалиزم принципларидан келиб чиқади.

Социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами миллий экономикани муваффақият билан ривожлантиришга ҳамда бутун жаҳон социалистик системасини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Кенг кўламдаги иқтисодий ва илмий-техника алоқалари социализм барча мамлакатларининг

планли ва пропорционал равишда ривожланиб боришини таъминламоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши тузилгач, бу процесс жадаллашиб, янги фазилатлар касб этди.

Саноатнинг айрим тармоқлари бўйича халқ хўжалик планларини координациялашда, машинасозлик, қора металлургия, рангли металлургия ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни авж олдиришда катта ютуқларга эришилди. Мамлакатларимизнинг бир қанча энергетика системаларини бирлаштириш учун яхши негиз солинди. Волга соҳилларидан бошланиб, Ғарбга томон 4200 километрдан кўпроқ масофага чўзилиб кетадиган нефть қувурини — ана шу улкан иншоотни қуриш тугалланиб бормоқда. Бу нефть қувурига «Дўстлик» деб ном берилганлигининг ўзи қардош социализм мамлакатларини бир-бири билан боғлаб турган муносабатларнинг моҳиятини жуда яхши ифодалайди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари билан ҳукумат бошлиқларининг 1962 йил июнь ойида бўлиб ўтган Москва кенгашининг қарорлари ана шу муҳим тарихий процессда янги босқични бошлаб берди.

Ўтган йиллар мобайнида айрим социалистик мамлакатлар ўртасидаги товар обороти миқёслари анча кўпайиб, бир қанча ҳолларда энг тараққий этган капиталистик давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмидан ошиб кетди. Жаҳон социалистик системаси доирасида ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш янада авж олган сайин социалистик мамлакатлар ўртасидаги товар оборотининг ҳажми ҳам йил сайин тобора ортаверади.

Лекин бундан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар капиталистик дунё билан савдо-сотиқни ривожлантирмоқчи эмас, деган маъно асло келиб чиқмайди. Совет ҳукумати ҳамisha капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бир қанча капиталистик мамлакатларнинг, чунончи, Англия, Франция, Италия, Германия Федератив Республикаси, Америка Қўшма Штатларнинг энг узоқни кўзлаб иш тутадиган корчалон доираларининг вакиллари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни ривожлантиришнинг зарурлигини яхши тушуниб, бу йўлда конкрет қадамлар қўймоқдалар. Лекин, афсуски жаҳон миқёсидаги савдо-сотиқ ишларида камситувчилик билан шугулланаётган ҳамда социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини тўхтатиб қўйиб чораларини кўраётган баъзи бир Ғарб капиталистик давлатларининг ҳукуматлари тўғрисида бундай деб бўлмайди. Қалтабинлик билан амалга оширилаётган бундай сиёсат муқаррар суръатда объектив қонуниятларга зид бўлиб чиқмоқда. Объектив қонуниятлар эса икки системанинг тинч-тотув яшаши шароитида мамла-

катлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўртоқлар! Совет ҳукумати халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашни ниҳоятда мураккаб халқаро вазиятда олиб бормоқда.

Яқиндагина жаҳон Америка Қўшма Штатларининг Кариб денгизи раёонидаги агрессив ҳаракатлари туфайли юз берган бе-ниҳоя хатарли воқеаларни бошидан кечирди. Америка империа-лизми халқаро жандарм сифатида иш кўришга яна уринмоқда, у давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўриштирилган қонунларни оёқ ости қилмоқда, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига ара-лашмоқда. Империалистларнинг «ўзравоплик позицияси», уруш ёқасига келтириб қўйиш сиёсати жаҳонни ана шу уруш ёқасига жуда яқин олиб бориб қўйди. Башарти, уруш бошланиб кетган тақдирда, бу уруш дастлабки дақиқаларданоқ жаҳон термо-ядро урушига айланиб кетиши кимга аён эмас эди.

Америка Қўшма Штатлари ҳукмрон доиралари капиталистик дунёнинг эски, таг-томпри билан чириб кетган тартибларини сақ-лаб қолтиришга, кишилик жамиятининг прогрессив тараққиётига тўғаноқ солишга интиломоқдаларки, конфликтнинг негизи ҳам шундадир. АҚШ Кубалаги революцияни «таш олмаганлигига»

бу ҳақ бўлганимиз билан, бу революцияни америка империализми-нинг манфаатларига шикаст етказди.

Куба халқи ўзининг ажойиб йўлбошчиси Фидель Кастро раҳ-барлигида янги ҳаётни берки кишини йўлига кириб олди. Куба-нинг истаги мустақил яшаб, равиқ топиш, ўз халқи манфаатла-рига мос бўлиб тушадиган сиёсий ва социал тузумга эга бўлишдир. Бу — Кубанинг шак-шубҳасиз ҳуқуқи, ҳар бир халқнинг ҳуқу-қидир. Башарти, бошқа мамлакатлар халқларнинг ана шу суверен ҳуқуқларига тажовуз қиладиган бўлсалар, унда тинч-тотув яшаш мумкин бўлмай қолади.

Совет Иттифоқи социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашининг ленинча позициясида туриб келди ва тур-моқда. Бу позиция Совет ташқи сиёсатининг программамизда баён қилинган бош йўлдир, биз қатъий амал қилаётган ирри-цидир.

Совет халқи қаҳрамон Куба халқини қўллаб-қувватламоқда. Биз озодлик, мустақиллик, тинчликка бўлган ўз муқаддас ҳуқуқ-ларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Куба халқига мадад бериб келдик, мадад бермоқдамиз ва бундан буён ҳам мадад беравера-миз.

Совет Иттифоқи Куба ўз суверенитетини қаттиқ туриб ҳимоя қила олиши учун унинг мудофаасини мустаҳкамлашга ёрдам бер-ди. Қўшма Штатларда Кубанинг ишига аралашши учун аллақандай «алоҳида ҳуқуқлар» ошкора пропаганда қилина бергани учун биз Кубага ёрдам беришга мажбур бўлдик.

Бутун пнсоният шу парсадан мамнун бўлмоқдаки, тинчликнинг тақдири, печа юз миллионлаб кишиларнинг ҳаёти қил устида қолган танг пайтда ҳар иккала томон ҳам вазминликни қўлдан бермадилар, масъулиятни ҳис этиб, ақл-идрок билан иш кўрдилар, термо-ядро урушининг бошланиб кетишига олиб борадиган сўнгги чорани кўрмадилар. Чунки бу фақат Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида бошланадиган уруш бўлмай, балки янги жаҳон уруши бўлар, бу уруш бутун пнсоният бошига сон-саноксиз қулфатлар келтирар эди.

Конфликтни тугатиш соҳасида Совет ҳукумати кўрган тадбирларни жаҳон халқлари қизғин маъқулладилар. Зотан, урушни тўхтатиб қўядиган чорадан ҳам оқилона чора йўқдир. Совет Иттифоқи, социалистик давлатгина ана шундай чорани кўрди.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари ҳам термо-ядро урушининг нафасини сезмасдан қола олмади.

Совет ҳукумати Америка Қўшма Штатларининг президенти жаноб Кеннедининг АҚШ Куба блокадасини бекор қиладди, унинг суверенитетини қатъиян ҳурматлайди, Кубага бостириб киришдан воз кечади ва Ғарбий ярим шардаги бошқа мамлакатлар ҳам шу зайдда иш тутадилар, деган ваъдасини эътиборга олди.

Совет ҳукумати қудратли қуро-яроғларни Кубага жойлаштириш масаласини ҳал қилаётган вақтда фақат бир мақсадни: Куба халқини агрессорлар bosқинчилигидан ҳимоя қилишни кўзлаган эди. АҚШ президенти жаноб Кеннеди АҚШ ҳам, Ғарбий ярим шардаги бошқа мамлакатлар ҳам Кубага бостириб кирмайди ва шу мамлакатларнинг территориясидан Кубага бостириб кирилмайди, деб бутун жаҳон олдида тавтанали ваъда бергач, АҚШ ҳукумати ҳужум қилиш қуроли деб атаган ана шу қуролнинг Кубада бўлиши ўз аҳамиятини йўқотди.

Ана шу вазиятда ким-кимга ён берди? Биз ҳар иккала томон ҳам бир-бирига ён берди, ақл-идрок ва тинчликка ён берилди, деб ҳисоблаймиз.

Бу конфликтда айбдор ким? Бу конфликтда Америка Қўшма Штатларининг милитаризм, агрессив империализми айбдордир. У ана шу конфликтни вужудга келтирди, бу конфликт эвазига пнсоният жуда катта қурбонлар бериши мумкин эди.

Лекин оқибат-натияжада мурасага келиш ва бир-бирига ён бериш натижасида ҳозир кескин конфликт тугатилди ҳамда бу конфликтни батамом йўқ қилиш мақсадида музокаралар олиб борилмоқда.

Баъзи бировлар: ён бериш керакмиди, деб савол беришлари мумкин. Биз, ҳар иккала томон ён бериши керак эди, чунки бу — бир-бирига ён бериш, оқилона суратда мурасага келиш, деб ҳисоблаймиз. Бу мурасага келиш ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, зотан, шу асосда жаҳон термо-ядро урушининг хавфи тугатилди.

Ленинча тинч-тотув яшаш сиёсати планетамизда мавжуд бўлган иккита антагонистик системанинг — социалистик ва капиталистик системанинг уруш қилмасдан, яъни тотув яшаётганлигини эътироф этишлари керак, деган маънони билдиради. Бу — мурасага келиш демакдир, бу — ҳар икки томоннинг ён бериши демакдир. Бу сиёсат низоли масалаларни уруш йўли билан эмас, балки тинч-тотув яшашнинг музокаралар олиб бориш принципи, тинч мусобақа қилиш йўли билан ҳал қилишни тақозо этади.

Ғарбдаги таъсирли доиралар социалистик мамлакатларга нисбатан «қатъий» «муросасиз» сиёсатни давом эттириш керак, деб қистамоқдалар. Шунинг учун кўрмаслик мумкин эмаски, бундай «қатъий» урушга ва термо-ядро ҳалокатига олиб бориши мумкин. Ҳозир барча давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилган ҳолатда бераётган гавларни кўпайтириш керак эмас, балки, аксинча, уларни ўргатган кўтариб ташлаш керак. Ана шунинг натижасида жаҳондаги ҳамма халқларнинг айни муддаоси бўлган тинчлик таъмин этилади.

Халқаро кескинлик сақланиб турган ҳамда империализм тинчликка ва халқлар хавфсизлигига тўғридан-тўғри қасд қилаётган вазиятда биз совет мамлакатининг, бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида йўл-йўналишларни белгилаш керак.

Бизнинг ҳозирги сиёсатимизнинг қадамлар қўшилмагунча, ҳеч ким биздан ўз қуролимизни бир ўзимиз йўқ қилишимизни кутмаслигини дорим. Коммунистик партия, Совет ҳукумати Совет Иттифоқи ва тинчликка ва халқлар хавфсизлигига буладиган ҳар қандай ҳаммаларга қақшатқич зарба беришга доим тайёр бўлиб туриши тўғрисида гамхўрлик қилмаса, халқ олдидаги, бутун инсоният олдидаги бурчларини бажармаган бўлур эди. Иккинчи жаҳон урушининг тажрибаси совет кишиларини ўз қуролларини ҳаммаша шайлаб туришга ўргатмоқда.

Партиянинг тинмай гамхўрлик қилаётганлиги, бутун совет халқининг куч ва ғайрати туфайли, бизнинг шонли қуроли кучларимиз энг биринчи даражали, замонавий қурол-яроғлар билан таъминландилар ва уларда ҳар қандай агрессорни тор-мор келтириш учун зарур бўлган ҳамма нарса бор. Умумхалқ меҳр-муҳаббати ва гамхўрлигига сазовор бўлган совет жангчилари Ватанимизнинг муқаддас чегараларини сергаклик билан қўриқлаб турибдилар. Қардош социалистик мамлакатларнинг қуроли кучлари жанговар постда улар билан ёнма-ён турибдилар.

Бизнинг келажакка бўлган ишончимиз мустаҳкам негизга асосланади. Биз инсон ақл-идрокига ишонамиз, халқаро муносабатларнинг энг мураккаб проблемаларини тинч йўл билан ҳал қилиш мумкинлигига ишонамиз.

Ўртоқлар! 45 йилдан бери Октябрь идеялари халқларга энг яхши истиқбол йўлини ёритиб турибди. Халқаро ишчилар синфи,

ер юзидаги барча меҳнаткашлар бизнинг мамлакатимизга умид ва меҳр-муҳаббат билан қарамоқдалар. Совет Иттифоқи эришяётган муваффақиятлар, коммунистик жамият қураётган ҳар бир совет кишисининг фидокорона меҳнати бутун дунё тақдири учун тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунистик қурилишнинг жон-гани бўлиб турибди, совет халқининг бутун яратувчилик фаолиятининг плҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб турибди, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизнинг энг яхши ўғил ва қизларини ўз сафига тўплади, совет жамиятининг барча ижодкор кучларини ўз теварагига жишслаштирди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг ишлари билан, марксизм-ленинизмга чексиз содиқлиги билан бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг зўр ишончига сазовор бўлди. У ўзининг бутун тажрибасини, ўзининг жуда улкан гайратини халқ бахт-саодати йўлидаги хизматга бахш этмоқда.

Партияимизнинг синалган даргаси — КПСС Марказий Комитети партияни Ленин йўлидан ғалабадан-ғалабага олиб бормоқда.

Яшасин Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 45 йиллиги!

Коммунизм қураётган улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Социалистик халқларнинг қудратли ҳамдўстлиги гуллаб-яшнайверсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

Яшасин зафарли марксизм-ленинизм таълимоти!

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ ХОТИРАСИ

*Союзлар Уйининг Колонна залида
Москва жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида
1964 йил 8 июнда
сўзланган нутқ*

Қадрли ўртоқлар! Элчи жаноблар! Дўстлар!

1964 йил 27 майда ҳинд халқи, прогрессив инсоният оғир жудаликка учради. Шу куни Ҳиндистоннинг улуг фарзанди, Бош Министр Жавоҳарлал Нерунинг юраги уришдан тўхтади.

Бугун биз шу жудаликдан айниқса оғир қулфат чеккан ҳинд дўстларимиз билан биргаликда давримизнинг атоқли давлат арбоби, бутун дунёда тинчлик учун оташии курашчи, зўр ақл-заковат ва қалб эгаси, Совет Иттифоқининг самимий дўсти Жавоҳарлал Нерунинг ёрқин сўймосини хотирлаш учун бу ерга тўйланлик

муҳаббатини қозонган эди. Совет кишилари Нерунинг ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги ва тикланиши учун ҳинд халқининг қудратли кўрсаткичи ва инсониятнинг алоқасизликка қарши

мустамлакачиликка қарши актив курашчи сифатида билар эдилар. Уни халқлар ўртасида ҳамфикрлик ва ишончли мустаҳкамлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшган тажрибали ва узоқни кўриб шунгутадиган сиёсатчи сифатида, тинч-тотув яшаш ва ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсатининг изчил тарафдори ва актив пронагандисти сифатида билар эдилар.

Жавоҳарлал Неру вафоти муносабати билан Совет ҳукумати марҳум Бош Министрнинг ҳурматини бажо келтирмақ, уни сўнгги йўлга узатмоқ, ана шундай қайғули ва гам-гуссали дақиқаларда унинг содиқ ва ишончли дўсти бўлган Совет Иттифоқи томонидан Ҳиндистон билан дўстлик алоқаларини ва яқин ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ҳаминша тайёр эканлигига Ҳиндистон халқини ишонтирмақ учун делегация юборди. Бундай дўстлик ва ҳамкорликка Неру ҳаётлигида пухта асос солинган эди.

Ҳинд халқи билан биргаликда биз Нерунинг дафн қилиш маросимида қатнашдик ва совет кишилари ҳамда Совет ҳукуматининг Президентга, давлат арбоблари ва Ҳиндистон халқига чуқур таъзиясини топширдик. Биз Нерунинг қизи — Индира Ганди ва унинг бошқа яқин кишиларига, бошларига тушган қулфат муно-

сабати билан хайрихоҳлик ва ҳамдардлик билдирдик. Биз Нерунинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, совет халқи нақадар қайғурганлигини гапириб бердик.

Ана шу гам-гуссалл кунларда Деҳлида бўлган ҳар бир киши Ҳиндистонда Нерунинг ўлими катта миллий қайғу туғдирганлигини кўриши мумкин эди. Уша кунларда Деҳли гам-алам шахри бўлди. Жаваҳарлал Нерунинг сўнгги йўлга узатиб қўйиш учун тўп-ланган юз минглаб кишилар юзида оғир жудонлик изи, атоқли ва моҳир даргасидан жудо бўлган мамлакатнинг тақдирини учун ташвиш бор эди.

Бир кечада марҳумнинг уйига 200 мингдан зиёд киши келиб кетди. Одамлар ўз қадрли кишисидан, буюк ватанпарвардан абадий жудо бўлганликларини ҳис этиб, изтироб чекмоқда эдилар.

Кремация қилинадиган жойгача бўлган бир неча ўн километрлик йўл бўйлаб тонг-саҳардан майдонлар ва кенг кўчалар одамлар билан лиқ тўлди, кишилар томларнинг устига чиқиб олган эдилар. Ҳиндистон матбуоти Неру билан видолашмоқ учун камидан бир ярим миллион киши келганлигини ёзди. Жазирама иссиқ бўлишига қарамай, кишилар бир неча соатлаб яланг бошларини қўйиб солиб турар эдилар. Халқ Неру билан ўзининг энг қадрдон кишисидек видолашмоқда эди.

Марҳум Бош Министр ўз васиятида, меъининг жасадим кремация қилинган, ҳокимнинг кўп қисмини самолётда баланд осмонга олиб чиқиб, у ердан ҳинд деҳқонларини меҳнат қилаётган Ҳиндистон далаларига сочиб юборилсин ва шу тариқа бу ҳок Ҳиндистон тупроғига қориниб, унинг ажралмас қисми бўлиб қолсин, деб ёзган эди.

Неру боғи оиладан чиққан, шу сабабли унда ўзини яшаган социал, сиёсий муҳитнинг таъсири бўлган, албатта. Бироқ у халқ оммасини, камбағаллар аҳволининг бутун даҳшатини кўра билди. Уларнинг ҳаётини маишаатлари учун, социал тараққиёт учун кураш байрогини кўтара билди. 1912 йилда у Ҳиндистон миллий конгресси партиясига кирди ва ўша пайтдан бошлаб сиёсий ҳаётда ҳамда миллий озодлик ҳаракатида жуда актив қатнашди. 1929 йилдан эътиборан Неру бир неча бор ана шу партиянинг раислигига сайланди. У мустамлакачиликка қарши оташин нутқлари билан мамлакатда зўр обрў қозонди, миллионлаб ҳиндларнинг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. Мустамлакачилар уни кўп марта қamoққа олиб, турмага ташладилар, у 10 йилдан кўпроқ вақтнинг тутқунлигида ўтказди. Бироқ репрессиялар Нерунинг ўз халқни озодлиги учун курашга бўлган продасини бука олмади. Неру ўз халқининг содиқ ва ишончли фарзанди эди.

Ҳиндистон озод бўлганидан кейин Неру улкан давлатга раҳбарлик қилишдан иборат оғир вазифани ўз зиммасига олди. Ҳиндистоннинг ташқи ва ички сиёсатини белгилади. У колонналар

ўтмишнинг оғир мероси ўз муҳрини босган мамлакатга мураккаб сўбсий кураш шароитларида, неокOLONиализм кучлари томонидан доимий дўқ-пўписа ва ҳужум бўлиб турган бир вазиятда раҳбарлик қилди.

Совет халқи Ҳиндистон халқининг миллий-озодлик курашига ҳамisha зўр ҳамдардлик ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди. Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг буюк асосчиси В. И. Ленин 1908 йилдаёқ Ҳиндистонда мустамлака режими сўзсиз барбод бўлишини башорат қилиб айтган эди. У Ҳиндистон халқининг ижодий кучларига ва озодлик ҳамда мустақиллик учун курашда унинг муқаррар ғалаба қозонишига чуқур ишонган эди.

Россияда Улуг Октябрь социалистик революциясининг тарихий ғалабаси ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг муваффақиятлари Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракати учун намуна бўлди ҳамда ҳинд халқини ўз озодлиги учун курашни кучайтиришга илҳомлантирди. Неру Аҳмаднагар турмасида ёзган «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» деган машҳур асарида бундай деган эди: «Совет Иттифоқининг амалий ютуқлари ҳам фавқулодда чуқур таассурот қолдирди. Совет революцияси инсоният жамиятини анча олға силжитди ва шундай ёрқин алаҳна ёлтириш бу давлатни сўнгиини мумкин эмас...»¹

Идеология соҳасида Неру биз билан маслақдон эмас эди. Унинг фалсафий қарашлари марксизмнинг асосий қисми эди, бироқ у ҳозирги замоннинг бир қанча туб масалаларида, чунончи уруш ва тинчлик, мустамлакачиликни тугатиш сингари масалаларда миллионлаб кишиларнинг чин манфаатларини аниқ элтиривчи позицияда турган арбоб эди.

У капиталистик жамиятнинг иллат ва маразларини, ижтимоий ва миллий зулмни кўриб турар ва ҳаётда прогрессив қайта қуришлар бўлишини ёқлар эди. У мустамлакачилик ҳукмронлиги остига тушган халқлар ҳаёти учун мустамлакачиликнинг ҳалокатли оқибатларини фoш этар ва бу халқларнинг миллий озодлиги учун курашга шубҳасиз ҳақли эканликларини тан оларди.

Жавоҳарлал Неру ҳозирги Ҳиндистоннинг энг маълумотли кишиларидан бири бўлиб, ҳозирги замоннинг энг зарур проблемаларига қизиқиб қарар, жуда билимдон эди ва у ривожланиб бораётган воқеликка калтабинлик ва ақидапарастлик билан қарашни ҳамisha қораларди. У инсон ақл-заковати кучига, дунёни илмий билишнинг чексиз имкониятларига, ижтимоий тараққиёт ва инсониятнинг олға қараб ривожланиши енгилмаслигига ишонар эди. Марксизм-ленинизм билан танишиши унинг ижтимоий тараққиёт йўллари ва қонунларини англашида катта роль ўйна-

¹ Ж. Неру. Ҳиндистоннинг кашф этилиши, М., 1955, 24-бет.

ди. «Маркс ва Ленинни ўрганиш,— деб ёзган эди Неру, менинг онгимга гоят катта таъсир кўрсатди ва тарихни ҳамда ҳозирги ҳаётни янгича тарзда кўришимга ёрдам берди. Тарихий воқеалар ва ижтимоий тараққётнинг узун занжирида қандайдир маъно, қандайдир изчиллик пайқадим. Келажак эса унчалик қоронғу бўлмай қолди»¹.

СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда социализм муваффақиятлари таъсири остида Неру капитализм ўз прогрессив имкониятларини тугатди ва у социализм билан алмаштирилиши керак, деган хулосага келди. 1936 йилдаёқ у бундай деган эди: «Амиманки, жаҳон проблемаларини ва Ҳиндистон проблемасини ҳал этишнинг ягона калити социализм ҳисобланади. Социализм иқтисодий таълимотга қараганда ҳам қандайдир каттароқ таълимотдир; бу — ҳаёт фалсафаси бўлиб, шу тарзда ҳам у мени жалб қилади. Социализм мавжуд капиталистик тузумдан радикал фарқ қилувчи янги цивилизацияни билдиради. Ана шу янги цивилизация ҳақида айрим таассуротларни биз Совет Иттифоқи намунасидан олишимиз мумкин. Агар келажак умид билан тўла экан, бу фақат асосан Совет Россияси, у амалга оширган барча ишлар туфайлидир»².

Албатта, Нерунинг социализм ҳақидаги тушунчаси бизнинг тушунчамиздан фарқ қилади. Бироқ Неру Ҳиндистон келажagini социализмда кўрганлиги социалистик ғояларнинг энгилмаслигини тан олганлигидан, социалистик тузумнинг капиталистик тузумдан афзаллигини тан олганлигидан далолат беради.

Жавоҳарлал Неру инсоният фақат тинчлик йўлидан ривожлана ва олға спикий олишини жуда яхши тушунар ва буни кўп тақрорлар эди. Совет халқи Ҳиндистон республикасининг ва шахсан Нерунинг тинчлик ва ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш ишига қўшган ҳиссасини юксак баҳолайди. Ҳиндистон ташқи сиёсатининг илҳомчиси бўлган Неру ҳақли равишда Ҳиндистон ҳукуматининг тинчликсевар йўли, аввало, яратувчилик меҳнати билан банд бўлган, ўз мамлакатининг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий юксалтириш учун курашаётган ҳинд халқининг манфаатларига жавоб беради, деб билар эди.

Ҳиндистон мустақиллик йўлидан эндигина дастлабки қадам қўймошлаган бир пайтда империализм социализм ва прогресс кучларига қарши қақшатқич «совуқ уруш» олиб бораётган эди. Империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон допралари «куч ишлатиш позициясидан» пш кўриш сиёсатини ўтказмоқда эдилар. Дунёда ҳарбий тўқнашишга олиб келадиган допмий жиддий хавф мавжуд эди.

¹ Ж. Неру. Ҳиндистоннинг кашф этилиши, М., 1955, 24-бет.

² Нерунинг дунёқараш. М., «Наука», 1973, 12, 38—39-бетлар.

Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишини мардонавор ҳимоя қилди, халқаро кескинликни юмшатиб боришга изчиллик билан эришди. Жавоҳарлал Неру раҳбарлик қилган Ҳиндистон ҳукумати ташқи сиёсатда давлатларнинг блокларига қўшилмаслик йўлини асосий йўл сифатида танлаб, халқаро муносабатларни нормаллаштириш учун кураш ишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Бунда Неру, қўшилмаслик сиёсати пассив кутиб туриш, ўз ўзини ажратиб қўйиш, ҳозирги замоннинг ўткир масалаларидан, жаҳон проблемаларини ҳал этишда қатнашишдан четда қолиш сиёсати эмас, деб неча бор таъкидлаган эди. Ана шундай позицияда туриш учун ирода, мустаҳкам қатъият ва маълум даражада мардлик талаб қилинар эди.

Ипсоншарвар инсоният тараққиёти гоёларига гоёт содиқ Жавоҳарлал Неру ҳозирги замоннинг энг муҳим ҳаракати — тинчлик учун кураш ҳаракатидан четда қолмади ва четда қололмас эди. Тинчлик унинг учун сиёсатнинг энг муҳим мақсади эди. У совет сиёсатига асос бўлган тинч-тоғув яшаш гоёсини ҳозирги замоннинг энг улуғвор гоёларидан бири сифатида қабул қилди. У Ҳиндистоннинг ташқи сиёсат йўлини белгилар экан, ўз миллий сиёсати ифода этишнинг йўлини ҳам белгилар асосий иншоотлар билан тинчликнинг гоёсини тарқатишни таъминлай оладиган конкрет формаларини топишга иштирд.

Эндликда ер юзида тобора кўпроқ кишилар тинч тоғув яшаш гоёсини тинчликнинг тарқалиши билан-бир истиқооли, деб билмоқдалар. Бу тинчлик кучларининг, прогресс кучларининг катта ғалабасидир.

Тинчлик ишида эришилган ҳар бир муваффақиятни Совет Иттифоқи урушдан кейинги йиллар мобайнида барча тинчликсевар кучларни жицлаштириш учун, тинчлик учун курашни ҳозирги замоннинг буюк ижтимоий ҳаракатига айлантириш учун олиб борган фаолиятдан, зўр бериб қилган оғир ишларидан ажратилган ҳолда қараб бўлмайди. Шу билан бирга биз тинч-тоғув яшашдан иборат яхши гоёлар бутун жаҳонда кенг тарқалиши учун кўп ишлар қилган, қўшилмаган мамлакатлар катта группаси родини ҳам юксак баҳолаймиз.

Халқаро тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлганликлари сабабли Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳозирги замоннинг бир қанча асосий масалалари бўйича бир хил позицияларга эгадирлар.

Ҳиндистон қатъий халқаро назорат остида ёппасига ва батамом қуролсизланишни, ядро қуроолларини таққиқлаб қўйишни ёқлаб чиқмоқда. Неру тўла қуролсизланишга эришиш бутун жаҳон олдида турган энг муҳим вазифадир, деб ҳисоблар эди. Ҳиндистон ҳукумати ана шу йўлга амал қилиб, ядро қуроолини атмосферада, космик фазода ва сув остида синашни таққиқлаш ҳақидаги

Москва шартномасини унинг дастлабки қатнашчиларидан кейин биринчи бўлиб имзолади.

Ҳиндистоннинг марҳум Бош Министри Москва шартномасининг ғоят катта аҳамиятини таъкидлаб, Ҳиндистон ҳукумати ядро синовларини қисман тақиқлаш ҳақидаги Москва шартномасини табриклайди, деган эди.

Нерунинг ташқи сиёсат масалалари бўйича сўзлаган нутқларида халқаро проблемалар ва низоларни тинч воситалар билан ҳал этишни ёқлаб айтган гаплари катта ўрин тутади. Халқаро кескинликни янада юмшатишга эришиш учун, деб таъкидлаган эди у, низол халқаро проблемаларни тинч воситалар билан ҳал қилишга янглиш зарур. Тинчликни уруш позицияларидан туриб эмас, балки тинчлик позицияларидан туриб ҳимоя қилиш керак.

Ҳиндистон Совет Иттифоқи ҳукуматининг территория низоларини ва чегаралар ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда давлатларининг куч ишлатишдан воз кечиши тўғрисида халқаро битим тузиш бўйича таклифини табриклаган эди. Неру Ҳиндистон халқаро низоларини ҳал қилишда куч ишлатишни йўқ қилиш планига розидир, бу соҳада мамлакатлар ўртасида битимга келиш кескинликни юмшатар ва халқаро ишончни вужудга келтиришда янги қадам бўлур эди. Бу эса ёлпасига ва тўла қуролсизланиш ҳақида битим тузиш йўлида прогрессга эришиш учун муҳимдир, деб ёзган эди.

Нерунинг имперналистик давлатлар ҳарбий блокларини қоралаб ва ўзгаларнинг территорияларида ҳарбий базаларни тугатишга, жаҳонда атомсиз зонани вужудга келтиришга даъват қилиб айтган гапларини кишилар унутмайдилар.

Ҳиндистоннинг Неру ижод қилган ва бевосита илҳомчиси бўлган тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли Ҳиндистон ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Жаҳон жамоатчилиги олдида унинг мартабаси ошди ва бу шунга олиб келдики, эндиликда Ҳиндистон халқаро майдонда ҳақли равишда буюк давлат ўрнини эгаллаб турибди.

Неру мустамлака остидаги халқларни озод қилиш ва мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш учун актив курашчи эди. Унинг раҳбарлигида ҳинд халқи Португалия босқинчилари мустамлакачилик ҳукмронлиги остида бўлган азалий ҳинд территорияси — Гоа, Даман ва Диунн озод қилди. Ҳиндистон Анголада мустамлакачилик режимини тугатиш учун, Жанубий Африка республикасида ва бошқа мамлакатларда прқий зулм ва тенгсизликни таг-томири билан йўқотиш учун изчиллик билан курашиб келди ва курашмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида Ҳиндистон вакиллари мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш ҳақида Совет Иттифоқи илгари сурган резолюцияни ёқлаб овоз бердилар.

Неру Осиё ва Африканинг империализмга қарши курашиб, озодликка эришган мамлакатлари бирлигини мустаҳкамлаш ишига кўп куч сарфлади. Шу муносабат билан Бандунг конференциясини ташкил қилиш ва муваффақиятли ўтказишда Неру ўйнаган оламшумул ролни қайд қилиб ўтиш керак.

Маълумки, Совет ҳукумати Бандунг конференцияси ва қарорларини юксак баҳолади. Агар империализмга, мустамлакачилик ва неоколониализмга қарши курашувчи барча кучларни янада жипслаштириш мақсадида Африка-Осиё мамлакатларининг иккинчи конференцияси чақириладиган бўлса, Совет ҳукумати уни қўллаб-қувватлашга тайёрдир. Бу конференцияни муваффақиятли ўтказиш манфаатларини кўзлаб, унинг ишида тинчлик, озодлик, миллий мустақиллик учун, империализмга ва ҳар қандай шаклдаги мустамлакачиликка қарши кураш олиб бораётган Осиё ва Африкадаги барча давлатларнинг қатнашшини таъминлаш жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан иккинчи Африка-Осиё конференциясини чақириш бўйича яқинда бўлиб ўтган тайёргарлик кенгашига Ҳиндистоннинг ана шу конференцияга Совет Иттифоқини таклиф қилиш позициясида турганлигини қайд қилиб ўтмоқчи эдим. Биз бу позицияга Ҳиндистон ҳукумати эндилик, озодлик ва халқлар тараққиоти учун курашнинг ҳамойи қилаётган барча кучлар бирлигини мустаҳкамлаш ҳақида тамхўрлик қилаётганлигининг далили сифатида қараймиз. Совет кишилари бу позицияни янги асослардаги Барча Осиё давлати ҳисобланган Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлаш учун, Осиё ва Африка халқларини мустамлакачилик ҳукмронлигидан ва чет эл қарамлигининг барча шаклларида тўла озод қилиш учун тарихий курашда ўйнайдиган ролни тан олишдир, деб биладилар.

Кейинги 10—15 йил ичида биз Совет Иттифоқи билан мустамлакачиликдан озод бўлган ва мустақиллик йўлига тушиб олган катта гуруҳ мамлакатларнинг катта гуруҳи ўртасида дўстона муносабатлар тўхтовсиз ўсиб борганлигининг гувоҳи бўлдик. Совет Иттифоқи миллий-озодлик ҳаракатини ҳозирги замон тарихий тараққиётини белгилайдиган асосий ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири, деб билади.

Мустамлакачилик зулминг улоқтириб ташлаган Ҳиндистон Неру раҳбарлигида нисбатан қисқа муддат ичида миллий экономикани мустаҳкамлашда, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, маорифни ривожлантиришда маълум муваффақиятларга эришди. Саноатда давлат сектори ривожланмоқда. Ҳиндистоннинг мустақиллик йилларида саноатнинг металлургия, оғир машинасозлик, асбобсозлик сингари муҳим тармоқлари вужудга келтирилди, ўз энергетика базаси яратилмоқда.

Марҳум Бош Министр экономика масалаларига катта эътибор берар эди. Унинг раҳбарлигида Ҳиндистонни иқтисодий ривож-

лантиришнинг уч беш йиллик плани ишлаб чиқилди, давлат оғир саноати негизлари яратилди. Неру давлат секторини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берар, бу ишни мамлакат иқтисодий мустақиллигининг пойдевори деб билар эди.

Ҳиндистон ҳукумати олдида кўп зарур проблемалар турибди. Ўз экономикасини ривожлантириш учун Ҳиндистон етарли табиий ресурсларга эга. У фойдали қазилмаларга бой. Унинг қишлоқ хўжалиги, агар ерга сув ва ўғит берилса, халқнинг озиқ-овқатга ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаши мумкин. Ҳиндистонда мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун кўп ишларни қилишга қодир бўлган ажойиб меҳнатсевар халқ бор.

Неру Ҳиндистоннинг ватанпарвари эди, мамлакатнинг тақдирини, мамлакат, халқнинг келажагини уни жуда ҳаяжонлантирар эди. У мамлакатни ўтмишнинг оғир меросидан қутқаришни, уни тараққиёт йўлига олиб чиқишни ўз фаолиятининг мақсади, деб билар эди. Бу мақсадга эришиш учун кўп куч-ғайрат сарфлаш зарурлигини у англар ва хотиржам бўлиб туролмас, қийинчиликлар ва ғов бўлаётган тўсиқлар ҳақида очиқ, ҳалол гапирар эди. У оптимист бўлиб, келажакка ишонар эди.

Ҳиндистоннинг социалистик мамлакатлардан иборат содиқ дўстлари бор, улар мустақил ривожланиш йўлига тушган мамлакатларга беғараз иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқдалар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи Ҳиндистонга 30 дан ортиқ йирик саноат объектлари ва бошқа объектлар қурилишида ёрдам бермоқда. СССР ёрдами билан қурилган бир қанча корхоналар ҳозир ишга туширилди. Булар орасида совет-ҳинд дўстлиги симболи бўлиб қолган Бхилаи металлургия заводи, Анкleshвардаги нефть конлари, Нейвелидаги психиклик марказининг биринчи навбати ва бошқа объектлар бор. Ҳиндистон саноати учун, унинг экономикасини юксалтириш учун Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан Ранчида қурилаётган ва ҳозирдаёқ бир неча цехлари фойдаланишга топширилган оғир машинасозлик заводи, Койял ва Бараунида қурилаётган нефть тозалаш заводлари ҳамда бошқа корхоналар муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу объектлар қурилиши учун Совет Иттифоқи Ҳиндистонга 3,8 миллиард руния миқдорида имтиёзли қарз берди.

Совет кишилари ҳинд халқига иқтисодий тараққиёт йўлида чин қалбдан янги муваффақиятлар тилайдилар. Улар ҳинд халқига миллий мустақилликни мустаҳкамлашда ёрдам бериш учун бундан буён ҳам қўлидан келган ҳамма ишни қиладилар. Хусусан, Совет ҳукуматининг яқинда Ҳиндистонда яна битта металлургия заводини вужудга келтиришда техника ёрдами кўрсатишга розилик берганлиги бунинг далилидир.

Осиё ва Африкадаги бошқа ёш мустақил давлатлар билан бир қаторда Ҳиндистон Республикасининг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериб, Совет Иттифоқи собиқ мустамаला ва ярим мустамаला халқларига оёққа туриб олишда, мустамалагачилик оқибатларини тугатишда, социал-тараққиёт йўлидан олга боришда ёрдамлашши ҳақидаги ленинча васиятни бажармоқда. Чунки айни иқтисодий мустақилликни таъминлаш вазифаси сиёсий мустақилликка эришган мамлакатлар учун асосий вазифа бўлиб қолди. Буни Жавоҳарлал Неру яхши англади.

Неру Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар ва мустақкам ҳамкорликни мустақкамлаш ва ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳисса туфайли уни совет кишилари қадрлайдилар.

Совет кишилари Нерунинг Совет Иттифоқига қилган дўстона сафарлари ҳақидаги хотираларни сира унутмайдилар. У уч марта — 1927, 1955 ва 1961 йилларда мамлакатимиз меҳмони бўлган эди. Ҳиндистон халқининг шонли вакилини совет кишилари ҳар сафар муҳаббат ва зўр мамнуният билан кутиб олар эдилар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон давлат, сиёсий ва ижмоат арбобларининг шахсий учрашувлари ва алоқаларининг катта аҳамиятини ҳисобга олиб, биз бундан буюн ҳам Неру ҳаётини

бу шунга аминимизки, совет-ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлиги бундан буюн ҳам йилдан-йилга кенгайиб, мустақкамлана беради. Бу дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга Неру бебаҳо ҳисса қўшган эди. Бизнинг дўстлигимиз бошқа мамлакатлар ва халқлар учун ҳам яхши қўшничилик муносабатларининг намунасидир. У халқаро муносабатларни ривожлантиришга яхши таъсир кўрсатади ва умум тинчлик ишига хизмат қилади.

Биз Нерунинг яқин сафдошларидан бири, Ҳиндистоннинг янги Беш Министри Лаъл Баҳодир Шастрининг Ҳиндистон бундан кейин ҳам Неру йўлидан боради, деган гапларини мамнуният билан қабул қилдик. Деҳлида ўтказилган матбуот конференциясида жаноб Шастри қўшилмаслик сиёсати Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий принципи бўлиб қолади, деди. Неру ҳаётлик чоғида бўлганидек, Ҳиндистон ёппасига ва тўла қуролсизланшини амалга ошириш учун курашаверади. Ҳиндистонда илиқ ва дўстона вазиятда ўтган суҳбатимиз вақтида жаноб Шастри Ҳиндистон бундан кейин ҳам кўп йиллар давомида Неру амалга оширган сиёсатни қатъият билан ўтказмоқчи, чунки, бу сиёсат ҳинд халқи манфаатларига жавоб беради, деди.

Ҳиндистон Президенти жаноб Радхакришнан билан ўртамизда дўстона учрашув бўлди. У ҳам бизга, Ҳиндистон сиёсати Неру вафотидан кейин ҳам аввалгича қолаверади, деб айтди.

Биз ўз сафаримиз вақтида учрашган Ҳиндистоннинг бошқа давлат ва сиёсий арбобларидан ҳам шундай гапларни эшитдик.

Улар Неру сўёсати чуқур илдиз отган ва Ҳиндистон халқи бу сўёсат мамлакат олдида турган туб вазифаларни ҳал қилишнинг воситаси деб билади, дедилар.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ҳиндистонда империалистик доиралар қўллаб-қувватлаётган реакция кучлар ҳам мавжуд. Бу Ҳиндистонни империалистик сўёсат доирасига жалб қилиш учун, уни ҳинд халқининг манфаатларига, мамлакат эҳтёжларига, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш вазифаларига жавоб бермайдиган йўлга зўрлаб тушириш учун интилаётган уюшган кучдир. Ҳиндистонда тараққиёт душманлари сўёсий жаҳолатпарастлар ҳисобланади. Улардан империалистлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиб, ана шу жаҳолатпарастларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар.

Деҳлидаги мотам митингида турли қарашдаги кишилар сўзладилар. Бироқ, шуниси характерлики, сўзга чиққан 25 нотиқдан биронтаси ҳам Неру амалга оширган йўлни очиқдан-очиқ шубҳа остига қўйишга ботиолмади. Нерунинг Ҳиндистондаги ва мамлакат ташқарисидagi душманлари марҳум Бош Министрнинг гоёлари миллионлаб кишилар ўртасида кенг тарқалганлигини, бу гоёлар тивчлик учун, Ҳиндистоннинг миллий мустақиллиги ва иқтисодий тараққиёти учун кураш симболи эканлигини билдирдилар.

Совет кишилари ҳинд халқига, уларнинг прогресс ва тивчлик йўлидан бораётган мамлакатни ҳамisha кучли ва мустақил бўлишини тилайди.

Совет давлатининг Ҳиндистонга нисбатан тутаётган сўёсати дўстлик сўёсатидир. Биз бундан буён ҳам ана шу дўстликни мустаҳкамлаймиз ва ривожлантираемиз. Биз ҳинд қардошларимизга: сиз ҳозир ҳам худди илгаригидай, совет халқининг хайрихоҳлиги ва ёрдамига таянишингиз мумкин, деб айтаемиз. Совет-ҳинд дўстлигининг фақат бой ўтмишигина эмас, балки ишончли бугуни ва шонли келажаги ҳам бор.

Совет ва ҳинд халқлари манфаатлари йўлида, бутун жаҳонда тивчлик йўлида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин. Ҳиндистоннинг буюк фарзанди — Жаҳоҳарлал Неру хотираси асрлар бўйи яшайверсин!

СОВЕТ ХАЛҚИ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРМОҚДА

*Ижтимоий фанлар институтида
1964 йил 3 июлда
ўқилган лекция*

Қадрли ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитети ва Министрлар Совети тонширигига биноан сизларни табриклашга, сизларга энг қизгин туйгуларни билдиришга ва энг яхши натажаларни топширишга рухсат этгайсиз. Мен шундай масъулиятли аудитория билан учрашганимдан жуда мамнунман.

Совет экономикасини ривожлантиришнинг принципиал йўналишлари КПСС Программаси билан, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб вазифаларни билан белгилаб берилган.

Совет билан коммунизм ҳақида кўпчиликнинг қўйган саволларига дастлабки беш йиллик планларини тузганимизда буржуа матбуоти, кўпгина Ғарб сиёсий арбоблари ва иқтисодчилари бу планларнинг амалга ошириш қатъий шубҳа билдирган эдилар. Биррақ совет ҳақидаги планларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини исботлади. Ушандан бери кўп йиллар ўтди. Ҳозир бизнинг планларимиз жуда улкан. Социализм ва техника тараққиёти бизнинг коммунистик жамият қуриш учун қурашдаги моддий имкониятларимизни амалда чексиз қилиб қўйди.

Урушдан кейинги даврда, яъни кейинги йигирма йил ичида фан ва техника ўз тараққиётини янги кашфиётлар, янги техника гоялари, янги техника процесслари оқими билан, машина ва материалларнинг бутунлай янги конструкциялари яратилиши билан ривожланди.

Социалистик система шароитларида техника тараққиёти жуда самарали боради. Социалистик система шароитларида, капиталистик жамиятдагидан фарқли равишда, кризислар бўлмайди, халқ меҳнати билан яратилган бойликларни қўкка совуриш бўлмайди.

Илмий-техника революцияси халқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларини қамраб олади.

Техника ҳақидаги одат бўлиб қолган тушунча ўзгаради. Шундай бир мисол келтираман. Қирқинчи йилларда 50 минг киловаттлик турбина ва генератор анча қудратли агрегат ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда бизда 300 минг киловатт қувватга эга бўлган ти-

повой турбина ва типовой генератор чиқарилмоқда. 500, 800 миң киловатт ва 1 миллион киловаттлик янада қудратли турбиналар лойиҳалаштирилмоқда.

Фан тобора бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолмоқда. Илмий муассасаларда юз миңлаб олимлар, инженерлар, техниклар ишламоқдалар. Илмий-тадқиқот ишларига ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпаймоқда.

Ўзгарган социал шароитлар, янги меҳнат қуролининг совет кишиларига мамлакатнинг янги районларини ўзлаштириш ва уларнинг бойликларини хўжалик оборотига қўшиш имкониятини беради.

Масалан, биз Қўтб доираси ортида жойлашган районларнинг ер ости бойликларини ўзлаштира олдик. Бу ерда гоёт катта хом ашё ресурслари аниқланиб, улар саноат томонидан ўзлаштиришга киришилди.

Шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқининг катта территорияси қаттиқ табиатли. Бу, шубҳасиз, кўпгина халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилишга таъсир этади. Бундан ташқари уруш экономикасизга етказган гоёт катта вайронгарчиликларни ҳам унутиб бўлмайди. Совет ҳокимиятининг 46 йилидан тахминан 20 йилни давлатимиз ўзига қарши мажбуран бошлаб берилган урушларни даф қилишга ва халқ хўжалигини тиклашга сарфлади. Фақат 24—25 йил мобайнида биз нормал ишлаш имкониятига эга бўлдик.

Совет экономикаси ягона давлат плани бўйича ривожланмоқда. Капиталистик мамлакатлар экономикаси билан таққослаганда унинг энг муҳим хусусияти ва афзаллиги ҳам ана шундадир. Социалистик планлаштириш иқтисодий тараққиёт характерини ўзгартириб, унинг капиталистик ишлаб чиқариш усулига хос бўлган стихиялиликдан қутқаради.

Бизда планлаштириш тахминлар асосида эмас, балки баланс ҳисоблари негизда олиб борилади. Планларни тузишда ишлаб чиқаришнинг моддий баланслари ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғидаги ресурслар асос қилиб олинади.

Планли система экономикасининг юксак ва муттасил суръатлар билан ривожланишини таъминлайди. Кейинги ўн йил ичида бизда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсish суръати АҚШдаги ўсish суръатидан қарийб уч баравардан зиёд кўп бўлди.

Планлаштириш халқ хўжалигида прогрессив структурали силжишни доимо амалга ошириш имкониятини беради. Айниқса саноат ишлаб чиқаришида жиддий ўзгаришлар юз берди. Масалан, қора металлургия ҳозир жаҳонда энг қудратли тармоқлардан бири ҳисобланади. Бизда эритилган пўлат ГФР, Англия, Франция бирга қўшиб олинганда уларнинг пўлат қуюв саноати чиқараётган маҳсулотга қарийб тенг келади. Химия материаллари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Аниқ машинасоз-

лик тез ривожланмоқда. Автоматик линиялар ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Машинасозлик халқ хўжалигининг барча тармоқларини замонавий ускуналарнинг асосий турлари билан таъминлашга ва экспортнинг катта эҳтиёжларини қондиришга қодирдир. Биз ҳозир кенг ассортиментда автомат станоклар, қудратли бинокорлик механизмлари, саноятнинг кўп тармоқлари учун прогрессив технологик ускуналар, турли хил асбоблар, жаҳонда энг йирик элементар заррачалар тезлаткичларидан тортиб, электрон микроскопларгача ва электрон ҳисоблаш-ечиш мосламаларигача бўлган электрон ускуналарни ишлаб чиқармоқдамиз.

Совет экономикаси қудратли моддий-хом ашё базасига таянади. Бизнинг олимларимиз мамлакатнинг кўплаб табиий қазилмаларини ўргандилар ва топдилар. Яқинда Сибирнинг кенг бўшлиқларида нефть, газ, олмос, кўмир ва бошқа кўплаб қимматли қазилмаларнинг жуда бой конлари, Тюмень областининг шимолий районларида эса нефть ва газнинг миллиард тонналаб ҳисобланадиган запаслари очилди. Ҳатто аллақачоққ обод бўлган, ўтмишда етарли равишда тадқиқ қилингандек кўрилган районларда ҳам янги бойликлар топилмоқда. Масалан, Украинанинг Харьков ва Полтава районларида нефть ва газнинг катта қони очилди. Шунингдек, бизнинг кўп шаҳарларида нефть ва газнинг катта запаслари мавжуд.

Совет Иттифоқи темир руданинг жаҳонча энг қудратли манба тарифига эра. Темир руда запаслари жаҳон темир запасларининг қарийб ярмини ташкил қилади. Биз марганец рудаси, мис, қўрғош, рух, олтин, кумуш, никель, боксит, молибден, вольфрам, кобальт, алюминий, симоб, олтингугурт, сурма, барча турдаги кўмир, торф, калий тузлари, фосфат хом ашёси, асбест ва бошқа турдаги хом ашёларнинг топилаган бой запасларига эгамиз. Шундай қилиб, мамлакатимиз ўз тараққиётини тўла таъминлай оладиган даражада фойдали қазилмаларнинг запасларига эгадир. Бундан ташқари, бир қанча қазилмаларнинг запаслари неча юз йиллар мобайнида фақат бизнинг халқ хўжалигимизни хом ашё билан таъминлаш манбаи бўлибгина қолмай, балки экспорт манбаи ҳам бўла олади.

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун биз ишчилар, мутахассислар, инженерлар, агрономлар, техниклар, экономистлар, олимлардан иборат зарур кадрларга эга бўлишимиз керак.

Партиямиз 20-йилларнинг охиридаёқ мамлакатда ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлардан халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника раҳбарлигини ўз қўлига олишга қодир бўлган техника интеллигенциясини вужудга келтириш вазифасини қўйган эди. Бу вазифа муваффақиятли равишда ҳал этилди. СССР билан АҚШда мутахассислар тайёрлашни таққослаш шуни

кўрсатадиги, бизнинг мамлакатимиз ҳар йил ижтимоий ва техникларни АҚШдаги қараганда анча кўп етиштирмоқда. Маълумотлар келтираман. 1953 йилда Совет Иттифоқида 51 минг ижтимоий, АҚШда эса 29 минг ижтимоий тайёрлаб чиқарилди. 1961 йилда СССРда 123 минг, АҚШда 45 минг ижтимоий тайёрланди. Булардан ташқари СССРда 1962 йилда техникумлар ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида 216 минг техник тайёрлаб чиқарилди. Агар 1953 йилда халқ хўжалигимизда 489 минг дипломли ижтимоий, АҚШда эса 361 минг дипломли ижтимоий ишлаган бўлса, ҳозир бизда 1420 минг, уларда эса 696 минг дипломли ижтимоий ишламоқда. Демак, бизнинг халқ хўжалигимиз ҳозир АҚШдаги қараганда яқин баравар кўп дипломли ижтимоийга эга. Агар биз ўқитувчилар, врачлар, агрономлар ва бошқа мутахассисларни кўшиб, бутун халқ хўжалигини олиб ва ўрта махсус маълумотли барча мутахассислар сонини оладиган бўлсак, улар Совет Иттифоқида 10 миллион кишидан кўпроқни ташкил қилади.

Совет Иттифоқи мутахассисларнинг гоёт катта армиясига эга бўлиб, бу мутахассислар илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юртларида ва йирик лабораториялари, экспериментал цехлари, конструкторлик бюрolari бўлган корхоналарда бевосита илмий проблемаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар.

Бинобарин, моддий хом ашё базаси ва мутахассис кадрлар халқ хўжалигимизни тезроқ ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадирлар. Бироқ фақат бугина эмас. Планларимизни амалга ошириш учун маблағ ҳам талаб қилинади. Хўжалиқни ўстириш вазифаларини ҳал этиш учун молиявий ва бошқа иқтисодий имкониятларни ҳам ҳисоблаб чиқиш керак.

Маблағ ажратиб манбаи миллий даромад ҳисобланади. Чор Россиядан совет халқига урушда вайрон бўлган қолоқ хўжалик теги. Аммо иқтисодий ривожланишнинг юксак суръатлари тугайли Совет Иттифоқи тараққий этган капиталистик мамлакатлардан, шу жумладан АҚШдан миллий даромадни ишлаб чиқариш бўйича кескин қолоқликни тугата олди. Ҳозир бизнинг миллий даромадимиз АҚШ даражасининг тахминан 60 процентига тенг келади ва йил сайин бу фарқ қисқариб бормоқда.

Маълумки, капитал ишлар ҳажми янги қувватларни ошириш учун, бинобарин, кўшимча маҳсулот олиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Биздаги капитал маблағлар ҳажми билан АҚШдаги капитал маблағлар ҳажми ҳақида қуйидаги маълумотлар бизга тасаввур беради. Агар 1950 йилда Совет Иттифоқида жами капитал ишлар ҳажми АҚШдаги даражаниннг тахминан 30 процентини ташкил этган бўлса, 1963 йилда тахминан 90 процентини ташкил қилди. Шундай қилиб, капитал ишлар ҳажми, бинобарин, жамғариш ҳам бизнинг мамлакатимизда 1950 йилдагига нисбатан қарийб тўрт баравар ўсди. Бу жуда муҳим иқтисодий яқундир.

Лекин шундай бир савол туғилади: агар Совет Иттифоқи АҚШ миллий даромади даражасининг тахминан 60 процентига тенг миллий даромадга эга бўлиб, айни вақтда капитал ишлар ҳажми АҚШдаги шундай ишлар ҳажмининг 90 процентини ташкил қилса, унда миллий даромад билан капитал маблағ сарфлаш ўртасидаги фарқ учун маблағлар қаердан олинади?

Биз гарчи АҚШдагидап кам, яъни АҚШдаги 300 миллиард сўмлик миллий даромад ўрнига тахминан 170 миллиард сўмлик миллий даромадга эга бўлсак ҳам, капитал ишлар учун АҚШдагига қараганда фақат 10 процент кам маблағ сарфлаймиз. Шунинг учун Совет Иттифоқида миллий даромадда жамғарма ҳиссаи тахминан 26 процентни, АҚШда эса 21 процентни ташкил қилади.

Капитализмга хос бўлган ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, текинхўрлик ва исрофгарчиликнинг йўқлиги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилова ва тежамли фойдаланиш имкониятини беради.

Сиз биласизки, расмий маълумотларга кўра, АҚШда салкам 5 миллион ишсиз бор. Бундан ташқари салкам 6 миллион киши тўла ҳафта ва тўла иш кунига ишламайди. Ишсизлик кариозлиги билан ҳозирда АҚШда катта исрофгарчиликнинг ҳолати бўлиб, ортиқ ишга лаёқатли кишилар жамият учун оғир юк бўлиб қолмоқда.

Америка саноатининг кўриниб турган тармоқларида исрофгарчилик ётап ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ҳам яққол кўриниб турган исрофгарчиликдир. Масалан, металлургияда кўпчилик корхоналарида қувватларнинг кўп дегадда 76—80 процентигина иш билан таъминланган.

Ҳарбий ишлаб чиқариш ва ҳарбий харажатлар, полиция аппаратини сақлаш гоят катта исрофгарчилик ҳисобланмайдими, ахир? Ана шу мақсадлар учун АҚШда 71 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ёки миллий даромаднинг 20 процентдан кўпроғи сарфланади.

Текинхўр синфлардан ва исрофгарчиликлардан озод бўлган социалистик система миллий даромаднинг кам ҳажмда бўлишига қарамай, унинг катта қисмини жамғармага айлантириш ва бу билан экономикани ривожлантиришнинг юксак суръатлари, халқнинг турмуш даражасини оширишни таъминлаш имкониятини беради.

Бироқ биз халқ хўжалигимизни муваффақиятли ривожлантириш ҳақида гапирганимизда унинг айрим тармоқларини ривожлантиришдаги камчиликларни ҳам, планлаштириш ёки планин бажариш давомида хатоларга йўл қўйилса айрим помутаносибликлар вужудга келиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш доимо такомиллаштирилмоқда. Бир қанча энг муҳим иқтисодий проблемаларни ва, аввало, меҳнат унумдорлигини ўстириш проблемасини ҳал этишнинг янги йўллари изланмоқда. Кейинги 10 йил (1954—1963 йиллар) ичида бизда саноатда меҳнат унумдорлиги 86 процент, АҚШда эса 54 процент ўсди.

Совет Иттифоқи меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари бўйича АҚШдан олдинда бораётганлигига қарамай, бизда меҳнат унумдорлигининг даражаси ҳали анча настдир. Шунинг учун ҳам бизнинг саноатимизда ва айниқса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлигига АҚШдагига қараганда кўнроқ ишчи банд бўлмоқда.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планида меҳнат унумдорлигини юксалтириш йўллари аниқланган, ишчилар, инженерлар, техниклар, колхозчилар, агрономлар ва бевосита ишлаб чиқариш процессида банд бўлган бошқа барча ходимларнинг саноатни янги техника билан янада тезроқ қайта қуроллантиришдан, янги технологик процессларни жорий қилишдан моддий манфаатдорлигини яхшилаш бўйича чоралар белгиланган.

Бироқ меҳнат унумдорлигини ўстиришга фақат бевосита станокда ишлабгина эришилмасдан, балки асосан халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида янада тўғрироқ пропорция ўрнатиш, уларнинг ўзаро самарали алоқасини вужудга келтириш ҳисобига эришилади. Янги прогрессив ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш гоят катта социал-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Моддий ва молиявий воситалар биринчи навбатда худди ана шунинг учун сарфланмоғи керак.

Гоят катта табиий бойликларга, ривожланган машинасозликка эга бўлган бизнинг мамлакатимиз ўз эҳтиёжларини тўла қопдириши мумкин. Буржуазия иқтисодчиларининг гапларига қараганда, гўё Совет Иттифоқи ўзининг бошқалардан ажратилган экономикасини ва ёки социалистик мамлакатларнинг алоҳида ўз экономикасини вужудга келтириш йўлидан бораётган эмиш.

Бундай сиёсат Совет давлати учун ёт сиёсатдир. Биз яқкаланиб қоладиган экономикага қаршимиз ва мамлакатлар ўртасида кенг илмий-техника алмашуви бўлишининг тарафдоримиз. Совет Иттифоқи халқаро меҳнат тақсироти афзалликларини, давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришни яхши англайди.

Мен бир қанча мамлакатларда бўлганман, саноатнинг турли тармоқлари билан танишганман. Шунини айтишим керакки, ҳатто экономикаси катта бўлмаган энг кичик мамлакатнинг ҳам, шубҳасиз, ўзинга хос бир қизиқарли томони бўладики, у ана шу қизиқарли томони билан, ҳатто катта мамлакат билан ўртоқлашиши ва техника ҳамда фанни ривожлантиришда ўз ҳиссасини

қўшиши мумкин. Биз дунёқарашда ва ижтимоий тузумда фарқ бўлишига қарамасдан барча мамлакатлар билан давлатлараро битимлар тузиш орқали ташқи савдонини ривожлантиришни, техника-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни ҳамда айрим капиталистик фирмалар билан илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантиришни ҳамма вақт ёқламоқдамиз.

Шунинг айтишим керакки, кейинги вақтларгача ҳам кўпгина капиталистик мамлакатларда СССР билан илмий-техника ҳамкорлиги олиб боришга иштиёқ йўқ эди. Бироқ улар совет экономикаси билан таниша борганлари сари, уларда ана шундай иштиёқ пайдо бўла бошлади. Аммо кўпгина сиёсий арбоблар ҳозиргача ҳам бизнинг экономикамыздаги ҳақиқий аҳвол ҳақида таассуротга эга эмаслар. Характерли бир воқеани гапириб бераман. Яқинда мен Хипдистонда бўлганимда Деҳлида АҚШ давлат секретари жаноб Дип Раск билан учрашдим. Суҳбатда Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳақида масала туғилди. Раск бу масалага унча эътибор бермади. Ҳатто: «арақ ва ширадан ташқари сиз нима ҳам сота олардингиз?» (шу парсалар дастурхонда унинг олдида турар эди) деган гапни айтишгача бориб етди. Мен унга бу гапнинг мамлакатимиз экономикаси ҳақида жуда чекланган маълумотга эга эканини айтиш зарурлигини таъкидлаб айтдим.

СССР билан савдо қилишдан нақадар манфаатдор бўлишини кўрсатувчи бир қанча мисоллар келтирдим. Жаноб Раск бироп-бир айтиров билдире олмади. АҚШ Совет Иттифоқи билан иқтисодий муносабатларини ривожлантирмаётган ягона мамлакатдир. Аммо АҚШда биз билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш туғилаётганини кўрсатувчи баъзи белгилар борлигини айтиб ўтиш мумкин. Ҳозир биз Қўшма Штатлар билан илмий-техника ҳамкорлиги бўйича давлат битимига эгамиз. Айрим фирмалар билан алоқалар ўрната бошламоқдамиз. Албатта, Америка корчалон доираларида совет техника ва фанидаги кўпгина йирик кашфиётлар қизиқиш уйғотади. Мисол учун, пўлатни узлуксиз қуйиш ёки электр энергияни доимий ток билан узоқ масофаларга узатиш ва бошқа бир қанча нарсаларни ҳам олсак бўлади.

Социалистик мамлакатлар билан муносабат масаласига келганда эса, Совет Иттифоқи улар билан ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама битимлар асосида энг кенг илмий-техника ҳамкорлигини олиб бормоқда. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши катта роль ўйнамоқда. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бир-бирларини билан техника ҳужжатларини айирбошламоқдалар. Бу эса уларнинг ҳар бирига халқ хўжалигида маблағларни гоаят катта миқдорда тежаб қолиш имкониятини беради.

Илмий-техника ҳамкорлиги ҳар қандай давлат экономикаси учун муҳим аҳамиятга эга. У техника тараққиётига ёрдам бера-

ди, моддий ва молпвий ресурсларни кўплаб тежаб қолишни таъминлайди. Биз яқинда Англиядаги энг йприк химия фирмаларидан бири — «Ай-Си-Ай»нинг раҳбари жапоб Чэмберс билан техника ҳамкорлиги ўрнатилиш масаласини муҳокама қилдик. Ун йил муқаддам фирма Совет Иттифоқи билан техника ҳамкорлиги бўйича ҳеч қандай муносабатда бўлишни ва ҳатто савдо олиб боришни ҳам истамас эди. Ҳозирги вақтда жапоб Чэмберс бизнинг мамлакатимизда химия соҳасидаги илмий тадқиқотларга жуда қизиқиб қарамоқда. Бунга сабаб шунки, «Ай-Си-Ай» фирмасининг бир гуруҳ олимлари Совет Иттифоқига келиб, илмий-тадқиқот муассасаларида, институтларда, конструкторлик бюроларида бўлишлар. Заводларга бордилар, кўпгина қизиқарли ва оригинал нарсаларни кўрдилар. Улар минглаб инглиз инженерлари ва техниклари зўр бериб ишлаб тадқиқ қилаётган айрим проблемалар перспективасиз бўлиб чиққанлиги учун бизда аллақачоноқ тўхтаиб қўйилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Шундай қилиб, ахборот алмашиш бир қанча фойдасиз ишларни йўқотиш имкониятини беради.

Энергетика ва химия саноатини ривожлантириш меҳнат унумдорлигини ўстириш ва бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун гоят катта аҳамиятга эга.

Агар энергетика ҳақида кенг маънода гапириладиган бўлса, унда бунга ёқилгининг ҳамма турларини — кўмир, нефть, газ, торф, гидроэнергияни кпиритиш керак. Энергетика — экономиканиннг энг муҳим тармоғи. Ҳозир энергетика масалалари билан бутун жаҳондаги кптисодчилар шуғуullanмоқдалар. Шунинг айтиш керакки, Европадаги барча мамлакатлар мураккаб энергетика шароитларида турибдилар. Англия, Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Дания етарли энергетика ресурсларига эга эмаслар. Бу мамлакатларда кўмир энергетика базаси ҳисобланади. Ғарбий Европада шу вақтгача нефть ва газнинг бирон-бир йприк кони топилмади. Шунинг учун ҳам бу ердаги мамлакатлар жуда кўп миқдордаги нефтни Африкадан, Жаңубий Америкадан, Яқин Шарқдан ташиб келтиришга мажбурдирлар. Нефть химиясининг ривожланиши кўп миқдорда нефть бўлишини талаб қилади. Бунинг натижасида улар учун энергетика баланси жуда оғир бўлиб, энергияни кўп истеъмол қиладиган тармоқларни ривожлантиришда қийинчиликлар туғилади. Масалан, энергияни кўп миқдорда талаб қиладиган ишлаб чиқариш ҳисобланган алюминий ишлаб чиқаришини олнинг. Электрлаштириш, авиация, машинасозлик ва бошқа тармоқлар учун бу маҳсулотга гоят катта эҳтиёж бўлишига қарамай, Ғарбий Европа мамлакатларида алюминий ишлаб чиқариш бўш ривожланмоқда. Энергетика қийинчиликларини мавжудлиги учун Европа мамлакатларида алюминий ишлаб чиқаришини ривожлантириш перспективалари ҳам деярли йўқ даражада.

Энергетика масалаларини ҳозир, илгари бўлганидек, асосан кўмир эмас, балки нефть ва газ ҳал қилади. Бундай ҳол Америка Қўшма Штатларни учун ва бизнинг мамлакатимиз учун характерлидир. Жаҳон энергетикасининг ривожланишини ақс эттирувчи қизиқарли рақамларни келтираман. 1920 йилда жаҳонда қазиб чиқарилган жами нефть 96 миллион тоннани ташкил қилган эди. Уша даврда Совет Россияси салкам 4 миллион тонна, Қўшма Штатлар эса 60 миллион тонна нефть қазиб олар эди. 1940 йилда жаҳонда қазиб олинган нефть 292 миллион тоннани ташкил қилди. Шундан 183 миллион тоннаси (63 проценти) АҚШ ҳиссасига, 31 миллион тоннаси эса Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келди.

1963 йилда жаҳонда қазиб олинган жами нефть 1305 миллион тоннага етди. Совет Иттифоқи нефть қазиб чиқаришини 206 миллион тоннага етказди. Бу йил эса 222 миллион тоннагача кўйайтиради. Америка Қўшма Штатлари ҳозир 372 миллион тонна нефть қазиб чиқармоқда.

Газ саноатининг ривожланишини кўрсатувчи рақамлар япада сермазмундир. 1920 йилда жаҳонда жами қазиб олинган газ йилга 22 миллиард куб метрни ташкил қилиб, бу асосан Америка Қўшма Штатларида тўпланган эди. 90 йилдан буён бу рақам 1940 йилда таъини газ рақамига 29 миллиард куб метр бўлганга қараганда 5 миллиард куб метр. АҚШда эса 77 миллиард куб метрни ташкил қилди. 1963 йилда мамлакатимизга газ қазиб чиқариш 90 миллиард куб метрнинг атрофида, 1964 йилда эса салкам 110 миллиард куб метр газ қазиб чиқарилади. АҚШда ҳозир 400 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб чиқарилмоқда.

Совет Иттифоқида газнинг янги кенлари очилмоқда. Газдан фойдаланиш ёқилғининг бошқа турларидан фойдаланишга қараганда нақадар самарали эканлигини қўйдагилардан кўрса бўлади: 1000 куб метр газ тахминан 1 тонна юқори калорияли кўмирга тенг келади. Бунда ёқилганда газнинг фойдали иш коэффициенти ёқилғининг бошқа турлари — кўмир, мазут ёқилгандаги коэффициентга қараганда анча юқоридир. СССРда 50 минг километрдан ортиқ нефть-газ қувурлари қурилган. Шуниси ҳам борки, катта диаметли — 1020 миллиметр диаметрдаги қувурлар ётқизилган. Улар истеъмол жойига ғоят катта ҳажмда газ етказиш имкониятини беради. Илгари нефть қазиб чиқариш асосан Озарбайжонда, Боку атрофида олиб борилар эди. Кейинчалик Поволжье, Бошқирдистон, Татаристон районларида нефтнинг катта запаслари очилди. Ҳозирги вақтда эса Тюмень областида нефтнинг ғоят улкан запаслари аниқланди. Нефть ва газ запасларининг топилиши мамлакатимизга энергетикани ривожлантиришда зўр имкониятлар яратиб беради.

Кўмир қазиб чиқариш кўп даражада ривожланмапти. Масалан, Америка Қўшма Штатларида кейинги 10 йил ичида кўмир

қазиб чиқариш бир хил даражада, тахминан 400 миллион тонна миқдорда бўлиб келди. Франция ва Англияда эса ҳатто камайиб кетди. Бироқ бу — кўмир энергетикада ҳеч қандай истиқболга эга эмас, деган маънони билдирмайди. Ҳозир кўмирдан фойдаланишнинг янги усуллари топилган. Эндиликда шундай бўлиб қолдики, кўмирни ёқилган сифатида электрстанцияларнинг ўтхонасига солишдан олдин у химиявий ишловдан ўтказилади. Бундан ундан хушбўйи модда ажратиб олинади. Кўмирдан фойдаланиш негизда химия саноатини ривожлантириш келажакда кўмирдан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини очиб беради. Бироқ, ҳозирги вақтда нефть ва газ ишлаб чиқаришни ривожлантириш анча фойдали ҳисобланади, чунки газ ва нефть қазиб чиқаришда ер ости ишлари олиб бориш талаб этилмайди, капитал маблағлар сарфлаш анча қисқаради. Шунинг учун ҳам мамлакатлар кўпроқ энергетиканинг энг муҳим тармоқлари сифатида нефть ва газ саноатини ривожлантириш йўлидан бормоқдалар.

СССРда электр энергия ишлаб чиқариш 1953 йилдаги 134 миллиард киловатт-соатдан 1963 йилда 412 миллиард киловатт-соатгача ўсди. Бизда ишлаб чиқариладиган электр энергия Англия, Франция, ФРГни бирга қўшиб ҳисоблаганда ишлаб чиқариладиган электр энергияга тахминан тенгдир. Америка Қўшма Штатларида ўша давр ичиде электр энергия ишлаб чиқариш 541 миллиард киловатт-соатдан 1066 миллиард киловатт-соатга кўнади, яъни уларда электр энергия ишлаб чиқариш биздагидан тахминан 2,6 барабар юқоридир. Бироқ шунга қайд қилиш керакки, Америка Қўшма Штатлари ўз гидроресурсларидан деярли тўла фойдаланиб бўлишди, бизда эса ҳали гидроресурсларнинг жуда оз қисмидан фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда энергетиканинг гуркираб ривожланиши натижасида саноат ва қишлоқ хўжалигини энергия билан таъминлаш тез ўсмоқда. Саноатда бир ишчининг энергия билан таъминланиши 1913 йилдагига қараганда 17 барабар, электр билан таъминланиши эса 29 барабар ўсди.

Совет Иттифоқи катта электр станциялари қуриш, айниқса Шарқда катта электр станциялари қуриш йўлидан бормоқда. Шарқда Анғара, Обь ва Иртиш дарёларида гидроэлектр станциялари қурилди, Братскда лойиҳадаги қуввати 450 минг киловаттга тенг станция — жаҳонда энг йирик электростанция қурилди. Яқин йилларда янада қудратлироқ — 6 миллион киловатт қувватга эга бўлган Красноярск станциясининг дастлабки гидротурбиналари фойдаланишга тошпирилади. Сибирь электр энергиядан қийинчилик сезмайди, у ерда электр энергия керакчча бор, бироқ мамлакат ғарбий районларининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришда баъзи қийинчиликлар мавжуд. Тўғри, СССРнинг Европа қисмида янги гидростанциялар барпо этиш имконияти бор. Хусусан, Волгада яна 4 та йирик электр станцияси, Днепр-

да ва бошқа дарёларда электр станциялари қуриш мумкин. Бироқ, яқин келажакда бу ерда сув ресурсларидан тўла фойдаланиб бўлинади.

Ҳозир Урални электр энергия билан таъминлаш масаласи жиддий масала бўлиб қолди. Урал гоёт катта миқдорда фойдали қазилмаларга эга бўлса ҳам, бироқ, ҳақиқатда ўз энергетикаси йўқ.

Ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимизда электр энергияни узоқ масофаларга узатиш линияларини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Биз электр энергияни ўзгарувчан ток билан эмас, балки ўзгармас ток билан узатишнинг энг тежамли усуллариини узиш-кесил ишлаб чиққанemizдан кейин нобудгарчилик кескин қисқаради, Ангарадан ва бошқа Шарқий дарёлардан кўп миқдордаги электр энергияни Уралга ўтказиш имконияти вужудга келади. Бу эса Урал саноатини электр энергия билан таъминлаш имкониятини беради. Ҳозир Уралга Ғарбдан етказиб берилаётган энергия эса, Марказ ва Ғарбий районлар саноати эҳтиёжлари учун сарфланади.

Энергетикада ҳар йили 10 миллион киловаттдан зиёд қувват ишга туширилмоқда. 1966 йил 1 январгача мамлакатимизда саноат 115 миллион киловатт белгиланган қувват бўлади ва келажакда ҳам яхши перспективатор.

Меҳнат ва истеҳсол қувватини ўзгартириш учун ва саноатда ҳам ашё сифатида кенг фойдаланиш меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот таннархисини камайтириш имкониятини беради.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш кўп жиҳатдан истиқболи энг кўп тармоқларни ривожлантириш йўналишини тўғри танлашга боғлиқдир. Маълумки, АҚШда меҳнат унумдорлиги фақат интенсивлаштириш, заводларни реконструкция қилиш ва технология процессларини ўзгартириш ҳисобигагина эмас, балки саноатнинг айрим тармоқларини ривожлантириш йўналишларини принципиал ўзгартириш ҳисобига ҳам ўсган. Буни энергетика мисолида яхши кўриш мумкин. Энергетикада ёқилгининг прогрессив турларига кўчилган. Бу эса меҳнат унумдорлигининг тез ўсишини таъминлаган ва кўпгина иқтисодий проблемаларни мутлақо бошқача йўл билан ҳал қилиш имкониятини берган.

Агрегат бирлиги қувватини ошира бориб, эришилган қувват бирлигига капитал маблағ сарфлашни қисқартриш энергетикада меҳнат унумдорлиги билан йўналишни танлаш ўртасидаги алоқанинг характерли мисоли бўла олади. Равшанки, ҳар бири 50 минг киловаттли 20 та машина 1 миллион киловаттли битта машинага қараганда анча кам тежамлидир. Бунда ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг гоёт катта резервлари мавжуд.

Химия саноатини жадал ривожлантириш меҳнат унумдорлигини ўстириш учун катта аҳамиятга эга. Биз химия саноатининг айрим тармоқларини ривожлантиришга бирмунча кечикиб ки-

ришдик. Аммо бизда химияни халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қараганда секинроқ ривожлантиришга олиб келадиган сабаблар йўқ.

Химия саноатини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сунъий ўғитлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ўғитлар ишлаб чиқаришда биз Америка Қўшма Штатларидан орқада қолдик. 1953 йилда биз салкам 7 миллион тонна сунъий ўғит (шартли бирликларда), америкаликлар эса 23,4 миллион тонна, яъни 3,4 барабар кўп сунъий ўғит ишлаб чиқардилар. Буига 10 йил бўлди. Коммунистик партия ва ҳукумат халқ хўжалиги олди-га сунъий ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини қўйгандан кейин сезиларли натижалар юз берди. 1963 йилда бизда салкам 20 миллион тонна ўғит ишлаб чиқарилди. 1964 йилда ўғит ишлаб чиқариш яна 25 процент ортади. Келгуси йилда эса Американинг ҳозирги ишлаб чиқариш даражасига яқинлашамиз.

Ўғит ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг шу программаси реал программами? Мутлақо реал программа. Биласизки, ўғитнинг асосий уч компоненти азот, фосфор ва калий ҳисобланади. Азот ишлаб чиқариш бўйича бизнинг имкониятларимиз чексиз. Азот ишлаб чиқариш табиий газга қўчирилганда меҳнат унумдорлиги бир неча барабар ортди, капитал ишлар ҳажми эса бир неча барабар қисқарди. Америкаликлар буни илгарироқ қилган эдилар, чунки улар химияни ривожлантириш билан олди-роқ шуғулландилар.

Ўғит ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иккинчи компонент фосфор ҳисобланади. Совет Иттифоқи фосфор хом ашёси запаслари жиҳатидан энг бой мамлакатдир. Кола ярим оролида, Хибинда кўп миқдорда апатитлар қазиб чиқарилади. Апатитларнинг бир қисми қайта ишланиб, чет элларга, социалистик мамлакатларга, шунингдек айрим капиталистик мамлакатларга, хусусан Скандинавия мамлакатларига, Ғарбий Германияга юборилади. Қозоғистонда фосфоритларнинг гоёт катта запаслари мавжуд. Биз фосфор ўғити ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг етарли запасларига эгамиз.

Ўғит ишлаб чиқариш учун учинчи компонент ҳисобланган калийда ҳам аҳвол тахминан ана шундай. Уралда ва Белоруссияда калий тузларининг катта запаслари мавжуд.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ўғит ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг барча турларига ва зарур ускуналарни ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ҳозир биз айрим ускуналарни чет эллардан сотиб олмоқдамиз. Бунинг сабаби шунки катта ҳажмларда сунъий ўғит ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўймоқчимиз. Сунъий ўғит ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари йилга тахминан 20—25 процентни ташкил қилади. Яқин йилларда ана шундай ўсиш планлаштирилмоқда.

Бизда қудратли металлургия саноати барпо қилинган. У ажойиб руда базасига эга. Ҳозир СССРда темир руда жаҳондаги ҳар қандай бошқа мамлакатдан кўп қазиб олинмоқда. 1963 йилда биз салкам 140 миллион тонна руда қазиб олдик, ваҳоланки АҚШда 75 миллион тонна руда қазиб чиқарилди. Биз 80 миллион тонна пўлат эритдик, АҚШ эса 101 миллион тонна пўлат эритди. Металлургиямиз кенг даражада реконструкция қилинди. Домналар учун шихталар янги технология асосида тайёрлана бошлади. Домнага кислород ва табиий газ етказиб бериш таъминланди. Бу эса кокс сарфлашда тежамга эришиш имконини берди ва меҳнат унумдорлигини анча оширди. Бизнинг металлургиямиз 1 миллион тоннадан зиёд чўян эритиш қувватига эга бўлган домна печларига эга. Бир домнадан 1 миллион тонна чўян олиш — бу гоят катта рақамдир. Бундай печлар бошқа мамлакатларда ҳали йўқ.

Прокат ишлаб чиқаришга келсак, бунда муҳим масала ҳал этилди — пўлатни тўхтовсиз қуйиш йўли билан прокат олиш методи ишлаб чиқилди. Бу метод меҳнат унумдорлигини гоят кўп даражада ўстиришни таъминлайди. Пўлатни тўхтовсиз қуйиш усули бўйича лицензиямизни французлар сотиб олдилар. Ҳозир шу процесс технологиясини сотиб олиш билан Франциянинг темир йўли бошқаруви билан шартнома имзоланди.

Темир йўл транспорти ҳақида бир неча оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Ҳар қандай мамлакат экономикасини ривожлантириш тарихи унинг транспорт артериаларини ва биринчи навбатда темир йўл транспортини ривожлантириш билан мустаҳкам боғлиқдир. Бизнинг темир йўл транспортимиз кейинги йилларда тубдан реконструкция қилинди ва бут кучи билан тортишдан электр ва дизель кучи билан тортишга кўчрилмоқда. Ҳозирги пайтда темир йўл транспортимизда жами юкларнинг 70 процентдан кўйроғи электровоз ва тепловоз билан ташилади. Ана шундай реконструкция туфайли меҳнат унумдорлигини анча оширишга эришилди, машинистнинг меҳнати кўп даражада енгиллаштирилди, ўт ёқувчининг меҳнатига зарурат қолмади. Двигатель қуввати бир неча баравар кўлайди. Поездлар бир неча минг тонналаб юкларни ташийдиган бўлиб қолди. Совет Иттифоқида электровоз йўллари энг узун йўл ҳисобланади. Масалан, Москва — Иркутск, Москва — Януб ва бошқа линиялар тўла электрлаштирилган.

Мен саноат ва транспортнинг барча масалалари устида батафсил тўхталиб ўтолмайман, ҳали мен халқ фаровонлигини ошириш ҳақида ҳам гапиршим керак. Аввало реал даромадларнинг ўсиши ҳақида маълумот келтираман. 1963 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 1953 йилдагига нисбатан 55 процент ортди. Биз ўй-жой қурилишига катта маблағ сарфламоқдамиз. Ўй-жой проблемаси жуда катта капитал ишлар қилишни талаб этади. Бу проблемани ҳал этиш гоят катта халқ хўжалиги

ва социал аҳамиятга эга бўлади. 10 йил ичида бизда шаҳар ва ишчи посёлкаларида 634 миллион квадрат метр уй-жой, яъни тахминан 17 миллион квартира қурилди. Вазифа уй-жой қурилишини янада кенгайтиришдан ва ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлашдан иборатдир.

Капиталистик мамлакатларда уй-жой қурилиши корхона эгалари учун фойда манбаи ҳисобланади. СССРда квартира ҳақи жуда паст бўлиб, давлат янги қурилишнинг ўсиши билан уй-жой учун дотация ҳажмларини ҳам кўпайтиришга мажбур бўлмоқда. Чунки квартира ҳақи уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича харажатлар ўрнини қоплай олмайди.

Биз капиталистик мамлакатлар учун хос бўлган йўлдан, квартира ҳақини ошириш йўлидан бора олмаймиз. Чунки бу ҳол аҳолининг кам ҳақ оладиган гуруҳлари учун айрим қийинчиликлар туғдирган бўлур эди. СССРда реал иш ҳақи даражасини баҳолаганда амалда давлат томонидан тўланадиган уй-жой дотациясини ҳаммаша ҳисобга олиш керак.

Шу билан бирга кўп миқдорда касалхоналар, болалар муассасалари, поликлиникалар ва бошқа маданий-маиший муассасалар ҳам қурилмоқда.

Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш масаласи ҳозирги пайтда тайёрланмоқда ва яқин вақт ичида СССР Олий Совети Сессияси муҳокамасига қўйилади. Биз яна бир муҳим вазифа — интеллигенциянинг — ўқитувчилар, медицина ходимлари, савдо, шаҳар ва коммунал хўжалик ходимлари иш ҳақи даражасини янада ошириш вазифасини ҳал этишга киришамиз. Бу тахминан 20 миллион кишига тааллуқлидир. Кўрсатилган тадбирлар турмуш даражасини янада оширишни таъминлайди.

Мамлакатимиз ривожланишнинг мутлақо аниқ перспективаларига эга. Бироқ бу, ана шу масалаларнинг ҳаммаси меҳнатсиз ҳал этилади, деган маънони билдирмайди, албатта. Планларни бажариш давомида бизда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Бу қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Бундай қийинчиликлар турли сабабларга кўра: табиий шароитларнинг ўзгариши оқибатида ҳам, иланлаштиришдаги хатолар туфайли ҳам вужудга келиши мумкин. Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда бизда ҳали камчиликлар мавжуд. Баъзан кишиларни нотўғри жойлаштириш ҳам қийинчиликларга сабаб бўлади. Партиямиз ўз куч-гайратини хўжаликка раҳбарликни яхшилаш ва такомиллаштиришга, халқ иродасини сафарбар қилишга, КПСС XXII съезди қабул қилган программани муваффақиятли бажаришга қаратмоқда. Партиямизнинг, давлатимизнинг сиёсатини бутун ишчилар синфи, барча колхозчи деҳқонлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Эътиборингиз учун миннатдорчилик билдиришга ва ишда сизларга муваффақиятлар тилашга руҳсат этгайсиз.

**КОСМОНАВТЛАР КОМАРОВ, ФЕОКТИСТОВ, ЕГОРОВ
ЎРТОҚЛАР ШАРАФИГА КРЕМЛДАГИ ҚАБУЛ
МАРОСИМИДА 1964 ЙИЛ 19 ОКТЯБРДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар! Қадрли Комаров, Феоктистов, Егоров ўртоқлар! Қадрли ўртоқлар — ажойиб «Восход» космик кемасини ижод этган олимлар, илженерлар, конструкторлар, техниклар, ишчилар!

Сизларни бутун совет халқи табрикламоқда, сизларни инсон ақл-идроқи юлдузлар сари йўл очган вақтдан бошлаб бизга яқин ва қадрдон бўлиб қолган бутун планетамиз табрикламоқда. Сизларнинг космосга қилган ажойиб парвозингиз тедди инсоний ақл-идроқ, прометейча фидокорликнинг тимасини бўлди, бу фидокорлик таъсирининг қудратли кучларини бўйсундириб, уларни ўз кучига, инсоний кучга айлантarmoқда. Бир вақтлар коммунизм эришиб бўлмайдиган, хаттоки, олин фазо инсон орзу бўлиб туюлар эди. Лекин инсоният, деб ёзган эди Карл Маркс, ўз олдига фақат ўзи ҳал қила оладиган вазифаларни қўяди. Совет халқи коммунистик жамият қуриш вазифаларини ҳал этмоқда. Мана, бутун коммунизм қурувчилари ўзларининг жасур фарзандларини қизгин шарафламоқдалар, уларнинг ажойиб жасорати социалистик тузумнинг улғувор кучини яққол пфодаб турибди.

Фридрих Энгельс Уйғониш даври тўғрисида бундай деган эди: бу давр «ўзининг донолиги, эҳтироси ва характерининг кучи жиҳатидан, ҳар томонлама билимдонлиги ва олимлиги жиҳатидан улғу зотларга муҳтож бўлган ва ана шундай улғу зотларни яратган»¹ давр бўлди. Бизнинг социалистик давримиз иши ва ақл-заковоти улғу зотларни яратди. Бу улғу зотлар орасида ўз ҳаётининг эгаси, ўзининг социалистик ҳозирги куни ва янада ажойиб, коммунистик келажакнинг ижодкори бўлиб қолган халқ энг улғу зотдир. Инсониятнинг энг дадил орзу-умидларини амалга ошираётган фансиз улғу куч бўлиб қолди. Бизнинг жонажон ленинча Коммунистик партиямиз буюк яратувчи, улғувор куч бўлиб қолди: коммунистик партиямиз янги, илгор ҳаракатларнинг ҳаммасини доимо қўллаб-қувватламоқда ва олға боришимизга халал

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 346-бет.

берадиган нарсаларнинг ҳаммасини дадиллик билан улоқтириб ташламоқда.

Комаров, Феоктистов, Егоров ўртоқларни партия ва ҳукуматнинг масъулиятли тодшириғини муваффақиятли бажарганликлари билан, олий мукофот — Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва СССР космонавт учувчиси унвони билан табриклар эканмиз, биз шу билан бирга, ўзининг шавкатли меҳнати билан ана шу ёрқин космик парвозни амалга оширишга ёрдам берган кишиларнинг ҳаммасини қизғин қутлаймиз. Биз «Восход» кемасини яратган совет олимлари ва конструкторларига, совет ишчиларимизга самимий миннатдорчилик билдираемиз. Биз ўзларининг илмий муваффақиятлари билан космик фазони ўзлаштиришда бирмунча роль ўйнаган чет эллик олимларга ҳам самимий миннатдорчилик изҳор қилаемиз.

Бутун қаҳрамон космонавтларимизни ва ўзларининг таланти ва маҳорати билан тинчлик ва социализм байроғини яна космик трассаларига олиб чиққан кишиларнинг ҳаммасини шарафлар эканмиз, биз: олтинчи океан — космос давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги майдони бўлиб қолсин, деймиз. Космосдан ҳарбий мақсадларда фойдаланмаслик керак! Совет ҳукумати низоли халқаро масалалар музокаралар йўли билан ҳал қилинишига, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишонч ривожланиши, халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги тўла тенглик ва ўзаро манфаатдорлик негизда ривожланиб боришига қаратилган куч-ғайратини қўнайтира беради. Биз эски ва янги мустамлакачиликнинг барча формаларини батамом тугатиш учун, барча мазлум халқларнинг озодлиги учун аввалгидек курашаверамиз. Совет ҳукумати оқлбат-натijaда қуролланиш пойгасига барҳам бериб, қуролензланишга амалда киришиб, халқларни ўсиб бораётган ҳарбий харажатлар азоб-уқубатларидан халос қилиш имконини берувчи битимлар тузиш учун зўр ғайрат ва қатъият билан курашиб келди ва бундан буён ҳам курашаверади. Бироқ, тинчликка хавф тугдираётган ва кескинлигини тугатишга кўмаклашмаётган империалистик кучлар дунёда мавжуд ва биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат улуг ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, чегараларимизнинг дахлсизлигини ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг улугвор муваффақияти бўлган бутун социалистик ҳамдўстлик хавфсизлигини таъминламоқ учун тегишли чоралар кўриб келди ва бундан буён ҳам шундай чораларни кўраверади.

Ўртоқлар! Совет космонавтлари ва совет космик кемаларининг ажойиб қурувчилари эришган янги буюк муваффақият бизнинг социалистик тузумимиз замиридаги, улуг Ленин партияси раҳбарлик қилаётган эркин жамиятнинг эркин граждандари коллектив бўлиб қилаётган яратувчилик меҳнатидаги улкан ижодий

имкониятларни жуда равшан кўрсатиб турган далилдир. Шу сабабдан ҳам биз фазони штурм қилар эканмиз, ерни, ўзгирмизнинг ердаги катта-катта ишларимизни — янги шаҳарлар ва заводлар, шинам уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, йўллар қуришни, далаларимизнинг ҳосилдорлигини оширишни, маориф, фан, санъатни — бутун инсоният маданиятини янада ривожлантиришни унутмоқчи эмасмиз. Бизнинг партиямиз: совет халқининг турмуш даражасини, фаровонлигини узлуксиз ўстиришни таъминлашдан кўра ҳам юксакроқ, олийжаноброқ, зарурроқ вазифа йўқ, демоқда. Меҳнат ушумдорлигини узлуксиз ўстирмай туриб, меҳнат процессини уюштиришни ва бутун жамият ҳаётига плмий раҳбарлик қилишни тинчсиз такомиллаштирмай туриб бу вазифани ҳал этиб бўлмайди. Моддий ва маънавий неъматларнинг коммунистик мўл-кўллиғи ғойибдан келмайди, биз ҳам ҳеч нарсани меҳнатсиз, ижодий куч-гайрат ишлатмай текшига олишни истамаймиз.

Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлигини ривожлантирмай, социалистик жамиятдаги барча меҳнаткашларни фақат ишлаб чиқариш масалаларинигина эмас, балки шу билан бирга, давлат масалаларини ҳам ҳал этишга жалб қилмай, социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантирмай туриш, илгор партияликнинг меҳнаткашлар эришган юксак меҳнат ушумдорлигидан ўзиб кетиб бўлмайди. Бизнинг партиямиз, улуғ Ленин партияси, ана шу доҳиёна кўрсатмаларнинг буюк аҳамиятини тўла-тўқис ҳисобга олмоқда, ана шу доҳиёна кўрсатмаларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ва маданий тараққиётни, шубҳасиз, шу қадар ғоят ва тез жалаллаштириб юборадими, бу марксизм-ленинизм кўрсатиб бераётган истиқбол йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигига яна юз миллионлаб кишиларни ишонтиради.

Совет кишини нима иш қилмасин — атом ядроси бағригами ёки олин космос бағригами кириб боришидан қатъи назар, ҳамма вақт ўзининг бутун дунё меҳнаткашлари олдидаги, коммунизмнинг муқаддас иши олдидаги юксак интернационал бурчининг ҳеч қачон унутмайди. Бизнинг ҳамма ишларимиз, бутун фикру зикримиз ана шу бурчини адо этишга хизмат қилади. Совет кишиларининг космосни эгаллашда кўрсатган янги жасорати ҳам ана шу ишга хизмат қилади.

Бизнинг янги Совет Иттифоқи Ҳаҳрамонларимиз, оддий ва камтарин совет кишилари, улуғ халқимизнинг ҳақиқий намоёндалари, космонавт учувчиларимиз Владимир Комаров, Константин Феоктистов, Борис Егоров шарафига қадаҳ кўтаришимга рухсат этгайсиз. Улуғ халқимизга хизмат қилиш ҳар биримизга ғоят зўр қувонч ва шараф бахш этади.

СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1965 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

*СССР Олий Советининг сессиясида
1964 йил 9 декабрда
қилинган доклад*

Хурматли депутат ўртоқлар! ССР Иттифоқи Министрлар Советининг раиси лавозимига менни сайлаб, улуғ Ленин партиясининг вакили сифатида менга юксак ҳурмат ва катта ишонч кўрсатганлигингиз учун сизларга миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мен буюк Ватанимиз Министрлар Совети Раиси вазифасини қабул қила туриб, зиммамга юкланган партия ва халқ олдидаги жуда катта масъулиятни сезиб турибман. Юксак ишончингизни оқлаш учун ва ўз ишим билан улуғ совет халқига ва давлатимизга фойда келтиришга куч ва билимларимни сарфлашга ваъда бераман.

Депутат ўртоқлар! СССР Министрлар Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришининг 1965 йилги давлат плани лойиҳасини Олий Совет муҳокамасига тақдим қилади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари 1954 йилги халқ хўжалиги планини муваффақиятли адо этмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ экономикаимизнинг энг муҳим тармоқларида топшириқлар қандай бажарилаётганлигини кўрсатувчи дастлабки якунларини чиқариш мумкин. Бу йил саноат ишлаб чиқариши плани ошириб бажарилади; мамлакат плацдан ташқари кўп миқдорда химия маҳсулотлари, нефть, қўмир, электр энергия, металл, машина ва ускуналар, ёғоч ва бинокорлик материаллари, шунингдек газлама, трикотаж буюмлар, пойафзал, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, баллқ ва бошқа товарлар олади. 600 га яқин янги йирик давлат саноат корхонаси ишга туширилади. Электр станцияларининг қуввати 9 миллион киловатт оширилади.

Колхозчилар, совхозлар ходимлари бу йил дон, қанд лавлагини, нахта, кунгабоқар, картошка ва сабзавот экинларидан яхши ҳосил еттиштирдилар. Бироқ, чорвачилик орқада қолмоқда. Қишлоқ хўжалигини учун оғир келган 1963 йилнинг оқибатларини бунга сабаб бўлмоқда.

Транспортнинг ҳамма турлари янада ривожланиб бормоқда ва мамлакатда юк обороти анча ошиб кетди.

Йил якунлари шуни кўрсатиб турибдики, халқ хўжалиги Коммунистик партия Программасида белгилаб берилган йўлдан ривожланиб бормоқда. Улуг мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда олга томон янги қадам қўйилди.

Совет халқи коммунистик қурилишда партиямиз раҳбарлигида қўлга киритган муваффақиятлар Совет Иттифоқининг халқаро миқёсидаги обрўсини янада кўпроқ мустаҳкамлади. СССР ҳукумати ташқи сиёсатда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашга, социалистик мамлакатлар бирлиги ва жишислигини мустаҳкамлашга қаратилган, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун империализмга ҳамда мустамлакачиликка қарши курашаётган барча халқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ленинча йўлни қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда.

Партиямизнинг ички сиёсатда ҳам, шунингдек ташқи сиёсатда ҳам ленинча принципларга содиқлиги ҳамда шу асосда қўлга киритилган ютуқлар, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги Советлар мамлакатини олдида пайдо бўлаётган янгидан-янги зўр вазифаларни ҳал қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Билан амаллаштириш практикасида мамлакатдаги хўжалик ишларининг ҳолатига сергаклик билан баҳо беришимиз ҳамда иқтисодий процессларни ҳар тарафлама анализ қилишимиз, фақат ютуқларни кўра бермасдан, айни маҳалда нуқсонларни ҳам кўришимиз ва илмий асосланган қарорлар қабул қилишимиз керак. Шундай қилганимиздагина халқ хўжалигини бундан буён қайси йўлдан ривожлантириб боришни тўғри белгилаб олиш ва меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги учун кенг майдон очиб қўйилишини таъминлаш мумкин.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА 1965 ЙИЛГИ ПЛАН ВАЗИФАЛАРИ

Партия ва ҳукумат 1965 йилги халқ хўжалиги плани лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида қуйидаги вазифаларга — социалистик ишлаб чиқаришнинг буздан буён янада кўпроқ ўсишини таъминлаш, оғир индустрияни ривожлантириш негизида мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, барча иттифоқдош республикалар эконо-микаси ва маданиятининг янада юксалтирилишини таъминлаш вазифаларига асосландилар.

Партиямиз Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 1965 йилги халқ хўжалиги плани лойиҳасини ҳар тарафлама қараб чиқдилар, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ошириш зарур, деб билдилар ҳамда совет халқи-

нинг турмуш даражасини янада ошириш юзасидан бир қанча муҳим тадбирларни ўтказиш учун қўшимча ресурсларни қидириб топдилар.

1965 йилги план лойиҳасининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда миллий даромадни анча кўпайтириш ҳамда шу асосда совет кишиларининг моддий ва маданий турмуши даражасини ошириш кўзда тутилган.

Бу қуйидаги жадвалдан яққол кўриниб турибди.

	1964 йилдаги ўсим; 1963 йилдагига нисбатан процент ҳисобида	1965 йилда мўлжалланаётган ўсим; 1964 йилга нисбатан процент ҳисобида
Миллий даромад	5,0	8,0
Сапоат ялини маҳсулотни (планлаштирилмаётган даврда), жами	7,8	8,1
Шу жумладан		
Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси)	8,2	8,2
Истеъмол воситалари ишлаб чиқариш («Б» группаси)	6,5	7,7
Давлат бюджетининг даромадлари	4,8	6,1
Аҳолининг реал даромадлари (ўртача бириши ҳисобига)	3,9	7,3

Шундай қилиб, 1965 йилги план лойиҳасида қуйидаги ишларни амалга ошириш мўлжалланади:

биринчидан, миллий даромадни кўпайтириш суръатлари оширилади. Миллий даромад 1964 йилдагига нисбатан 14 миллиард сўмдан зиёд ортади;

иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш анча кенгайтирилади;

учинчидан, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларига яқинлаштирилади;

тўртинчидан, аҳолининг реал даромадлари анча оширилади. Аҳолининг реал даромадлари 1964 йилдаги 3,9 процент ўрнига 1965 йилда 7,3 процент ортади.

Биз миллий даромадни кўпайтириш билан бирга, бу даромаднинг тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг янада ўсишини, меҳнат унумдорлигининг ошишини ва халқ турмуш даражасининг кўтарилишини энг яхши тарзда таъмин этиши тўғрисида гамхўрлик қилмоғимиз керак.

Иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириб, шу орқали халқ фаровонлигини жадал юксалтирмақ учун бизда барча зарур

шарт-шароитлар мавжуд. Аввало, қудратли социалистик оғир саноатнинг мавжудлиги ана шу шарт-шароитларни белгилаб бермоқда, қудратли социалистик оғир саноат иқтисодий ривожланиш ва мамлакат мудофааси аҳтиёжларини қондириш билан бирга қишлоқ хўжалигини, энгил саноатни, озиқ-овқат саноатини ва аҳолига хизмат кўрсатишга алоқадор бўлган бошқа тармоқларни ишлаб чиқариш воситалари билан илгаригига қараганда анча кўпроқ даражада таъминлай олади.

Шуни тўла ҳисобга олиш зарурки, миллий даромадни ва унинг истеъмол фондига тушадиган қисмини анча кўпайтиришга фақат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билангина эришиш мумкин.

Социалистик ишлаб чиқаришимизни юксак даражада самарадор қилишга эришиш деган сўзнинг маъноси нима? Бунинг маъноси энг кам меҳнат ва материал сарфлаган ҳолда энг кўп натижаларга эришиш демакдир.

Бунинг учун:

ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари ўртасида пропорцияларнинг тўғри бўлишига риоя этиш ва корхоналарни рационал жойлаштириш;

янги техникани ва технологияни тезроқ яратиш ва ҳаётга келтириш, уларнинг тақомиллаштириб бориш;

маҳсулот хилларини жиддий янгилаш ва кўпайтириш;

паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш хом ашёни, материалларни, энергияни, меҳнатни беунум сарфлаб юборишдан иборат экацидани осда тутиб, маҳсулот сифатини узлуксиз равишда ошириш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари бирлиги ҳисобига кўпроқ маҳсулот олиш, капитал маблағлар салмоғини камайтириш;

хом ашё, материаллар, ёқилги ва электр энергиядан рационал фойдаланиш, меҳнатни тежаш;

таннархни камайтириш ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллилигини ошириш зарур.

1965 йилдаёқ бу соҳада жиддий силжишлар бўлишига эришмоқ керак. Бу эса халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш ҳамда халқ фаровонлигини оширишга кўпроқ абадга ажратиш имконини беради.

Депутат ўртоқлар, планга доир материаллар сизларга тарқатилди, бу материалларда зарур маълумотлар берилган. Жумладан, шу материалларда тақдим этилган лойиҳа ўтган йил СССР Олий Советининг учинчи сессияси 1965 йил учун қабул қилган кўрсаткичларга солиштириб кўрсатилган. Шу сабабдан мен ўз докладимда халқ хўжалиги тармоқларига доир кўрсаткичларга муфассал тўхталиб ўтирмай, фақат асосий маълумотларни айтиб бериш билан kifояланаман.

САНОАТ ВА ТРАНСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аввало саноат ва транспорт тўғрисида гапирайлик.

Планда саноатни ривожлантириш суръатларини ошириш ҳамда унинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш мўлжалланади.

1965 йилда саноат маҳсулоти ва транспортнинг юк оборотининг ўсими 1964 йилдагига nisbatan процент ҳисобида қуйидагича бўлиши керак:

Бутун саноат маҳсулоти	8,1
Шу жумладан:	
Электр энергия	— 12,5
Нефть ва газ саноати	11
Металлургия	6
Химия саноати	15
Машинасозлик ва металл ишлаш	9
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	7,7
Шу жумладан	
Озқ-овқат саноати маҳсулотлари	10
Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти	7,1

1965 йилда асосий эътибор ишлаб чиқаришнинг техника даражасини янада оширишга, буюмлар сифатини яхшилашга, маҳсулотнинг эскириб қолган хилларини жаҳондаги энг яхши стандартларга мувофиқ келадиган янги, мукамалроқ хиллари билан алмаштиришга қаратилмоғи керак.

Электрлаштиришни янада ривожлантириш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техникани тараққий эттиришнинг негизидир. Келгуси йилда 510 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш планлаштирилди. Саноат, қурилиш ва транспортнинг энергетика билан қуролланиш даражаси оширилади, қишлоқ хўжалигида ва маъшиий эҳтиёжлар учун электр энергия истеъмол қилиш кўпайтирилади. Электр энергия ҳосил қилишни ана шу даражага етказмоқ учун 11 миллион киловаттдан кўпроқ янги қувватларни ишга солиш зарур. Қувватлар ўсими аввало, йирпк энергетика блокларини фойдаланишга топшириш йўли билан вужудга келади.

Мамлакат Европа қисмининг энергетика базаси анча мустаҳкамланади, ҳозирги вақтда бу ерда электр энергия билан таъминланишда маълум қийинчилик сезилмоқда. 1965 йилда энг йирик иссиқлик электр станцияларидан Днепрбўйи станциясининг қуввати 2 миллион 100 минг киловаттга ва Старобешевская станциясининг қуввати 1 миллион 900 минг киловаттга етказилади.

Ўсиш суръатлари жиҳатидан саноат тармоқлари орасида, аввалгидек, химия биринчи ўринда бўлади. 1965 йилда химия саноатининг ялпи маҳсулоти тахминан 15 процент, шу жумладан пластмассалар ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш 28 процент,

синтетик каучук ишлаб чиқариш 24 процент, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 31 процент кўнайтирилади. 1965 йилда 33,5 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мўлжаллаб қўйилди. Химиявий толалар ишлаб чиқариш 416 минг тоннага етказилди. Бу эса арзон ва юқори сифатли газламаларни кўпроқ тўқиб чиқаришга имкон беради. Машиный химия товарлари ишлаб чиқариш кўнайтирилади.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун кон-руда базасини ривожлантириш соҳасида каттагина тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади. Мурманск областидаги апатит руда конларида 4 миллион тоннадан зиёд янги қувватлар ишга туширилади. Белоруссиядаги калий конларининг қуввати 3 миллион тоннага етказилди. Қозғоғистон ССРдаги Павлодарда йирик химия корхонаси қурилиши кенг авж олдириб юборилди.

Химия sanoatини ривожлантириш соҳасида мўлжалланган юксак суръатларга эришмоқ учун ишга туширилган корхоналарнинг лойиҳада кўзда тутилган қувватларини тезроқ ўзлаштирмоқ керак.

Химиянинг жадал ривожлантирилишини таъминлаш билан бирга биз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим асоси бўлган металлургияни ривожлантиришга ҳам алоқадор ҳисоблар қилишимиз керак.

Келгуси йилда камда 90 миллион тонна пўлат, қарийб 70 миллион тонна прокат ишлаб чиқариш, қувурлар ишлаб чиқаришга анча кўнайтириш, металл хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мўлжалланмоқда. Шунингдек алюминий, мис, қўрғош, рух, никель ва бошқа хил рангли ҳамда нодир металллар ишлаб чиқариш кўнайтирилади.

Сўнгги йилларда мамлакатни ёқилғи билан таъминлашда баъзи қийинчиликлар вужудга келди. Бунга сабаб кўмир ва газ чиқариш юзасидан белгиланган етти йиллик план топширигининг бажарилмай қолаётгани, айни маҳалда қора металлургия, энергетика ва темир йўл транспортини сингари ёқилғи истеъмол қилувчи асосий тармоқларнинг етти йиллик топшириқларига мувофиқ равишда ривожланиб бораётганлигидир. Яқин фўрсат ичда бу номувофиқликни тугатиб, ёқилғи sanoatининг ривожланишини жадаллаштириб юбориш зарур.

1965 йилги планда нефть чиқаришни 242 миллион тоннага ва газ чиқаришни 128 миллиард куб метрга етказиш мўлжалланади. СССРнинг Европа қисмини ва Урални ёқилғи билан яхшироқ таъминлаш учун 1965 йилда Бухоро (Ўзбекистон ССР)—Урал газ қувурининг иккинчи тармоғи қуриб битказилади ҳамда Туркменистон ССРдан Марказдаги районларга томон энг йирик газ қувури ётқизилад бошлайди.

Ғарбий Сибирь пасттекислигидаги табиий бойликларни, аввало нефть, газ, ўрмонларни ўзлаштириш борасида катта-катта иш-

лар авж олдириб юбориладп. Геологларимиз бу ерда жаҳонда энг йирик нефть ва газ конларидан бирини топдилар.

Нефть ва газ чиқаришнинг кўнайтирилиши мамлакат ёқилғи балансида ана шу тежамли ёқилғи хиллари салмоғини 53 процентга етказиш имконини беради.

1965 йилда халқ хўжалигининг ёқилғига бўлган эҳтиёжлари бир оз қийинчилик билан қондириб турилади. Шу муносабат билан план лойиҳасида кўмир саноатини янада ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди. Бу тармоққа сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми қарийб 14 процент кўнайтирилади.

Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бир йилда 9 процент кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Технология ускуналари ишлаб чиқариш соҳасида машинасозлик саноатимиз анча юксак даражага эришди ва янги қувватларнинг ишга туширилишини ҳамда мавжуд паркдаги эскириб қолган ускуналарнинг алмаштирилишини таъминлаб келмоқда.

Афсуски, машиналаримизнинг сифати ҳамма вақт ҳам замонавий фан-техника талабларига мос бўлаверди, деб бўлмайди. Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган ускуналарнинг баъзи турлари ўзининг тузилиши ва иш қўрсаткичлари жиҳатидан ҳали фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари даражасига етказилган эмас. Бу қолоқлик учун шундай ускуналарни ишлаб чиқараётган корхоналаргина айбли бўлмай, шу билан бирга, техника тараққий этиши таъминлаш учун бевосита жавобгар бўлган тармоқ комитетлари ҳам айбидирлар. Машинасозларнинг энг муҳим вазифаси буюмлар сифатини тубдан яхшилашга эришни, машина ва ускуналарнинг ғоят унумли ва тежамли турларини тезроқ ўзлаштириб олишдан иборат.

Планда бинокорлик материаллари — цемент, ойна, томга ёпиладиган материаллар, темир-бетон конструкциялар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни янада кўнайтириш кўзда тутилди.

Целлюлоза-қоғоз саноатини ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларда келгуси йил биринчи марта янги ишлаб чиқариш қувватларини анча ошириш ҳамда целлюлоза ишлаб чиқаришни 20 процент ва қоғоз ишлаб чиқаришни 12 процент кўпайтириш мўлжалланади. 1965 йилда Братскда энг йирик целлюлоза заводи ва картон фабрикаси фойдаланишга топширилади. Қоғаз комбинатининг қувватлари икки баравар оширилади. Шу корхоналарнинг ҳар бири йилига ярим миллион тоннадан ортиқ целлюлоза беради.

Келгуси йилда оғир индустрия халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш учун илгаригига қараганда кўпроқ машиналар, хом ашё ва материаллар беради. Гап газлама, кийим-кечак, пойафзал ва маданий-маиший буюмлар

ишлаб чиқаришда химиявий хом ашё салмоғини ошириш устида бормоқда. Оғир саноат корхоналарида холодильниклар, кир ювиш машиналари, телевизорлар сингари товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Ҳамма турдаги газламалар ишлаб чиқариш 9220 миллион метрга, трикотаж буюмлар 922 миллион донага ва пойафзал 477 миллион жуфтга етказилмоғи керак. Айни маҳалда ана шу товарларнинг хилларини кўпайтиришга ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда енгил саноат корхоналаридаги пардозлаш цехларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилади, тагин ҳам юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш учун янги ускуналар ўрнатилмоқда.

Дон ва мойли экинлардан, қанд лавлаги, картошка ва сабзавотдан яхши ҳосил олинганлиги келгуси йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1964 йилдагига нисбатан 10 процент кўпайтиришга имкон беради. Қанд-шакар ишлаб чиқариш 8 миллион 610 минг тоннагача ёки 25 процент, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 2 миллион 147 минг тоннагача ёки 17 процент кўпайтирилади. Нон-булка ва кондитер маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва хилларини анча кўпайтириш, шунингдек баллиқ маҳсулотларини ва бошқа бир неча хил маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Халқ ҳўжалигининг эҳтиёжларини ташвишлamoқ учун транспорт ва алоқа воситаларининг ҳамма турларини янада ривожлантириш мўлжалланади. Темир йўл транспортини техника жиҳатдан буздан буён қайта қуроллантириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Саноат транспортга кўп миқдорда янги тепловозлар, электровозлар ва бошқа хил замонавий техника стказиб беради.

Партия ва ҳукумат темир йўл транспортини реконструкция қилиш ҳамда уни буг ёрдамида тортувдан электр ва дизель ёрдамида тортувга кўчириш программасини белгилаганларидан буён кўп вақт ўтган ийўқ. Совет Иттифоқидаги электрлаштирилган йўллар жаҳонда энг узун масофага чўзилган. 1965 йилда темир йўл транспортдаги бутун юк оборотининг қарийб 86 процентини электровозлар ва тепловозлар ташиб беради.

Қувур транспорти айниқса тез ўсмоқда. Келгуси йилда транспортнинг ана шу турп билан юклар етказиб бериш ҳажми деярли 35 процент кўпаяди. Бу эса темир йўлларни нефть ва нефть маҳсулотлари ташиндан анча бўшатиш имконини беради.

Саноат ва транспортда 1965 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажариш илмий-техника ютуқларидан нечоғли тўла ва самарали фойдаланилишига, омманинг ижодий ташаббускорлиги ва активлиги нечоғли кенг авж олдирилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервлари ишга солиб юборилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Биз аминимизки, саноат ва транспорт ишчилари, инженер ва техниклари 1965 йил учун белгиланган топшириқларни муваффақият билан бажарадилар.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ МУҲИМ ВАЗИФА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида белгиланган план топшириқлари бажарилмай келинди. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий хатоларга йўл қўйилди — колхозчиларнинг моддий манфаатдорлик принципи бузилди, маъмуриятчиликка, ташқилий жиҳатдан узлуксиз қайта қуришларга берилиб кетилди, шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигининг аҳволига зарарли таъсир кўрсатди. Об-ҳаво шароити ниҳоятда ноқулай келганлиги сабабли ўтган йил қишлоқ хўжалигимиз учун айниқса оғир бўлди. Қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги умуман мамлакат экономикасининг ривожланишига ва жумладан аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлашга таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Бу йил деҳқончиликда баъзи ижобий натижаларга эришилди. Об-ҳаво шароити анча қулай келди. Дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, пахта, картошка харид қилиш давлат планлари бажарилибгина қолмай, шу билан бирга, анча ошириб ҳам бажарилди. Ана шу маҳсулотлар, шунингдек, сабзавот, мева, тамаки ўтган йиллардагига нисбатан анча кўп харид қилинди.

Ана шу ижобий натижаларни таъкидлаш билан бирга биз умуман қишлоқ хўжалигидаги ва, айниқса, чорвачиликдаги қолоқлик ҳали тугатилмаганлигини айтиб ўтишимиз керак. Бундай аҳволнинг сабабларидан бири шуки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси сўнгги йилларда мустаҳкамланган бўлса ҳам, лекин ҳали ҳам етарли даражада эмас. Бизнинг олдимизда қишлоқ хўжалигини тракторлар, замонавий машиналар, ўғитлар билан иложи борича тезроқ ёлчишиб таъминлашдан иборат жуда зарур вазифа турибди.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва химиялаштириш қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омплларида биридир.

Бизнинг саноатимиз 1965 йилда колхоз ва совхозларга ўтган йиллардагига нисбатан анча кўп машиналар бера олади. Совхоз ва колхозлар 240 мингта трактор, 80 мингта ғалла ўрувчи комбайн ва қарийб бир ярим миллиард сўмлик бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари олишади.

Колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси — техникадан яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни пухта ташкил этиш, механизаторларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтиришдан иборатдир. Шундай шароитдагина меҳнат

унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш ва таннархини арзон қилиш мумкин. Аммо қишлоқ хўжалик машиналаридан қовиқарсиз фойдаланилмоқда, машиналарни асраш ва уларга техника қарови ёмон уюштирилган.

1965 йилда колхоз ва совхозлар 1964 йилдагидан қарийб учдан бир қисса кўп минерал ўғит оладилар. Келгуси йилда бегона ўтларга ва ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши курашиш учун химиявий воситалар етказиб бериш ҳам кўпайтирилади.

Қурилиш эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалигига анчагина маблағ ажратилади. Планада ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун 1965 йилда 5,7 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагидан 18 процент кўп капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Давлат колхозларга капитал қурилиш учун 1,5 миллиард сўм узоқ муддатли кредит беради. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ўзларининг резерв фондларида бир қисmini қишлоқ хўжалигига қўшимча капитал маблағ сарфлаш учун ажратиб имкониятга эгадирлар. Бундан ташқари колхозлар ўз маблағларида капитал қурилишга талайгина пул сарфлашлари кўзда тутилади.

1965 йилда ерларни сугориш ва унинг захини котириш соҳасида катта-катта ишлар бажарилиши керак. Советларнинг республикалари, Болгария, Украина, Полесьеси ва РСФСРнинг қора туپроқ бўлмаган зонасидаги сернам ерларнинг захини қочириб муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу районларда ишчи кучлари етарли бўлиб, иқлим шaroитлари ҳам яхшидир. Бу жойларда сарфланган капитал маблағларнинг ўрни тезда қопланади. 1966 йилда мелiorация ишларини кенг миқёсда авж олдириб юбормоқ учун тадқиқотчилик ва лойиҳалаш-қидириш ишларини барвақт ўтказиш керак. 1965 йилда Ўрта Осиёда ва бошқа сугориладиган деҳқончилик районларида кенг миқёсдаги ирригация қурилиши давом эттирилади.

Сўнгги йилларда қўриқ ерларда янги совхозлар тузилди ва мамлакатнинг бир қанча областларидаги колхозларнинг бир қисми совхозларга айланттирилди. Ана шу хўжаликларнинг кўпи техника билан етарли даражада таъмин этилмаган, уларда ҳосилдорлик ва чорва моллари маҳсулдорлиги паст бўлиб, маҳсулот таширхи баъзи жойларда жуда ошиб кетмоқда. Ана шу совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга кўпроқ капитал маблағ ажратиб бериш, систематик суръатда ёрдам кўрсатиш, уларни тезроқ рентабелли хўжаликларга айланттириш зарур. Бу — иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ва улардаги қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Давлат бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағни кўпайтираверади. Ана шу маблағлардан сама-

рели фойдаланиш учун жавобгарликни кучайтириш лозим. Меҳнат ушумдорлигининг қандай бўлиши, маҳсулот ҳажми қанча кўпайиши, маҳсулот таннарни қандай бўлиши ва капитал маблағлар қанчалик тез ўзини қоплаши лойиҳалаштириш даврида аниқ белгилаб олинмоғи керак. Баъзи раҳбарлар шундай масалаларни ҳал қилишга юзак қараётганликлари учун кўринишда шундай оддий ҳақиқатлар тўғрисида гапиршига тўғри келмоқда.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари қишлоқ хўжалигига ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланилишини таъминлаб, бундай маблағларни биринчи галда кўпроқ арзон маҳсулот бера оладиган ва энг қисқа вақт ичида ўзини қоплайдиган хўжалик тармоқларига сарфлашларни мутлақо шарт.

Мамлакат учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган дов хўжалигини ривожлантиришда сўнгги йилларда асосий озиқ-овқат экинларини, асосан буғдой ва жавдар етиштиришга эътибор сусайтириб юборилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати чорвачиликнинг қолоқлигидан ташвишланиб, уш тизроқ юксалтириш чораларини кўрмоқдалар. Бу борада ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалий чоралар кўриш энг зарур вазифадир. Колхоз ва совхозлар ем-хашак етиштиришнинг кўпайтириш ҳамда табиий пичанзорлардан тўғри фойдаланиш соҳасида катта иш қилишларни керак.

Партия ва ҳукумат совхоз ва колхозларда жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериб, айни маҳалда колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигига писбатан жорий этилган нотўғри, асоссиз чеклашларни йўқотишни, мол боқайтган кишилардан олинмаган солиқни бекор қилишни зарур деб топдилар. Мол боқувчиларга концентрат емлар сотиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шунингдек сут етиштиришдан қишлоқ хўжалик ходимларининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида сутнинг давлат харид нархларини оширишга қарор қилинди. Шу билан бирга сут ва сут маҳсулотларининг мавжуд чакана нархлари ўзгармай, аслича қолаверади.

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш миқдорлари планда ишлаб чиқаришининг ўсишини назарда тутган ҳолда белгилашди.

Агротехника, экин майдонларининг структураси, чорва молларини боқиб масалалари ва қишлоқ хўжалигига доир бошқа масалалар юзасидан сўнгги йилларда масъулиятсизлик билан бир талай тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.

Совхоз ва колхозлар, социалистик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлат харид планларига асосланиб, ишлаб чиқариш планларида экин майдонларининг ҳажминини ва энг қулай структу-

распни ҳамда чорвачиликни ривожлантиришдаги йўналишни ўзлари белгилаб олишлари мумкин ва лозим.

Колхоз ва совхозларни моддий-техника воситалари билан тагин ҳам тўлароқ таъминлаш, қишлоқ хўжалик ходимларининг ташаббускорлигини авж олдириш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, шак-шубҳасиз, 1965 йилги планнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга бутун қишлоқ хўжалигининг кескин юксалишини ҳам таъминлайди.

Планда кўзда тутилган тадбирлар қишлоқ хўжалигининг қолоқлигини тугатишга ёрдам беради. Бироқ мана шу катта ва мураккаб вазифани қисқа вақт ичида тўла ҳал қилиб бўлмайди.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети беш йиллик план лойиҳасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширишни таъминловчи зарур капитал маблағлар ва моддий ресурсларни назарда тутишни СССР Госпланига топширдилар.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Социалистик экономикани ривожлантиришда капитал қурилиши катта роль ҳисобланади. Давлат ва ишлага капитал қурилишга жуда кўп маблағлар сарфлайди. Утган олти йил ичда саноатга, транспортга, қишлоқ хўжалигига, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга 200 миллиард сўмдан кўпроқ ёки Совет ҳокимиятининг бундан олдинги ҳамма йиллари давомида сарфланганга деярли тенг келадиган миқдорда маблағ сарфланди. Шу олти йил ичида 5 мингдан кўпроқ йирик саноат корхоналари ишга туширилди, давлат саноат корхоналари асосий ишлаб чиқариш фондлари қарийб икки барабар кўпайди. Мавжуд асосий фондлар анча янгиланди.

1965 йил халқ хўжалик планида капитал қурилишнинг катта программаси кўзда тутилган. 1965 йилда 1964 йилдагига нисбатан капитал маблағларнинг ўсимини қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди:

	1964 йилдаги ўсим. 1963 йилдагига нисбатан процент ҳисобда	1965 йилдаги ўсим. 1964 йилдагига нисбатан процент ҳисобда
Давлат капитал маблағ сарфларининг умумий ҳажми	6,8	11,3
Шу жумладан, қурилиш—монтаж ишлари	3,3	8,2
Асосий фондларнинг ишга туширилиши	7,4	11,8

Давлат капитал маблағ сарфлари 38 миллиард 400 миллион сўмни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигига, химия саноатига ва улар билан боғлиқ бўлган тармоқларга, шунингдек енгил саноатга, озиқ-овқат ва балиқчилик саноатига, аҳолига маънавий хизмат кўрсатувчи корхоналар қуришга сарфланаётган капитал маблағларни кўпайтириш учун тагин ҳам юксак суръатлар белгилаб қўйилди. Қора ва рангли металлургияга ҳамда ёқилги саноатига сарфланадиган капитал маблағ анча кўпайтирилади. Уй-жой қурилишига сарфланадиган капитал маблағларни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

1965 йилда жами қиймати 38 миллиард сўмлик ёки бу йилдагига қараганда 4 миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Пиланда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан катта вазифалар назарда тутилмоқда.

Бу йилдагига нисбатан 1965 йилда ишга тушириладиган қувватлар қора металллар прокати ишлаб чиқариш соҳасида икки баравардан зиёдроқ, тракторлар ишлаб чиқариш соҳасида қарийб бир ярим баравар, пластмассалар ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш соҳасида икки ярим баравар, химиявий толалар ишлаб чиқариш соҳасида 1,6 баравар ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш соҳасида уч баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам кўпгина қувватларни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Сарфланадиган капитал маблағларнинг структураси бирмунча яхшиланади: қурилиш-монтаж ишларининг салмоғи камайирилади, ускуналар сотиб олишга сарфланадиган маблағлар кўпайтирилади. Бу эса ишлаб турган корхоналарда эскириб қолган ускуналарни кенг миқёсда янгилашга имкон беради.

1965 йил пиланини муваффақиятли бажармоқ ва бундан кейинги йилларда анча катта ҳажмдаги капитал қурилишларни бажаришга ҳозирланмоқ учун лойиҳалаш, планлаштиришдаги ва қурилиш ишларини ташкил этишдаги катта камчиликларни йўқотиш зарур.

Лойиҳалаш ишининг аҳамияти жуда катта. Бизнинг жуда кўп лойиҳалаш институтларимиз бор, бу институтларда 450 мингга яқин киши ишлаб турибди. Бизнинг лойиҳаларимиз асосида фақат СССРдагина эмас, балки жаҳоннинг кўп мамлакатларида жуда мураккаб инженерлик ишшоотлари қурилади. Шундай бўлса ҳам лойиҳалаш ишида камчиликлар ҳали кўп. Лойиҳалаш вақтида лойиҳаланаётган корхоналарнинг қувватлари, уларни жойлаштириш ва ишлаб чиқариш алоқалари техникавий-иқтисодий жиҳатдан кўпинча зарур бўлган даражада асослаб берилмайди, сарфланаётган капитал маблағларнинг самарадорлиги энг оптимал вариантларга асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилмайди.

Баъзан биз иқтисодий жиҳатдан ўринли бўлиб чиқмайдиган объектларни қурмоқдамиз. Қўпгина қурилишларда лойиҳаларнинг турли томонлари кўп марта баҳо ўзгартирилади беради, қурилиш қийматини белгилашда қўнол хатоларга йўл қўйилмоқда, бу эса кўпинча сметалар ҳажмини ошириш учун қайта кўриб чиқишларга олиб келмоқда. Утган йилда биз капитал қурилишга етти йиллик планда мўлжалланганига қараганда кўпроқ маблағ сарфладик, ammo планда кўрсатилганидан камроқ қувватларни ишга туширдик.

Капитал қурилишнинг натижаларига ишга туширилган қувватларга қараб эмас, балки сарфланган маблағларнинг миқдорига қараб баҳо беришдек ногўғри практика шу вақтгача кенг қўлланилиб келмоқда.

Маълумки, партия ва ҳукумат бундай практикани қораладилар ва қурилиш ташкилотларининг планни бажарганликларига баҳо беришда уларнинг қувватларни, асосий фондларни ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларни қанчалик бажарганликлари асосий кўрсаткич бўлиши лозимлигини печта марта баҳо таъкидладилар. Қурилиш ташкилотларининг фаолиятига баҳо беришдаги бу тартибга қаттиқ риоя қилиниши лозим. Капитал қурилишга сарфланган ҳар бир сўм янги ишлаб чиқариш имконияти

Тавсия қилинган, жумладан қилмоқчи объектларига доир тавсия қилинган типовой лойиҳа ва сметалар

ларни қанча қуриш чикин, улар орасидан энг тежамлиларини таппаб олиш керак. Масалаи, чорвачилик биноларини қуришнинг смета қийматини ошириб юборишга асло йўл қўйиб бўймайди. Бундай бинолар қуришдаги смета қийматининг ошиб кетаётганлигига кўн жиҳатда сабаб шуки, бир қанча ҳолларда иқтисодий жиҳатдан етарли равишда асослапмай туриб, арзонроқ маҳаллий материаллар ўрнига темпр-бетон конструкциялар қўлланилмоқда.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳаларнинг сифати ва қурилиш қийматининг камайтирилиши учун жавобгар бўлишлари лозим.

Капитал қурилиш планларини тузишда, бу қурилишларни техника ва иқтисодий жиҳатдан асослаб беришни мутлақо шарт қилиб қўйиш лозим. Кўпинча упумсиз сарфларга сабаб бўладиган субъектив ечимларга йўл қўйиш ярамайди. Қурилиш қийматини кўн миқдорда қисқартиришга ва сарфланган капитал маблағлардан жуда самарали фойдаланишга имкон берадиган саноат комплексларини лойиҳалашни кенг жорий қилиш зарур.

Қурилишларнинг титул рўйхатларини тўғри тузиб чиқиш ҳамда моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини энг муҳим объектларга тўплаш катта аҳамиятга эга.

Иттифоқдош республикаларнинг Мипистрлар Советлари, планлаштирувчи органлар, шунингдек, министрликлар ва идоралар ти-

тул рўйхатларни қисқа муддат ичида тасдиқлаб беришлари, қурилиш ва монтаж ишларининг графикларини, ускуналар ва материаллар етказиб бериш планларини тузиб чиқишлари керак. Бунда моддий-техника ресурсларини 1965 йилда битказиладиган объектларда ҳамда 1966 йилда ишга туширилиши лозим бўлган энг муҳим объектларда тўйлашни назарда тутиб, шу ресурсларни марказлаштириш принципини изчиллик ва қатъият билан ўтказиш зарур. Шундай қилиш қувватларни ишга тушириш планини бажаришни таъминлашга ва қурилиш муддатларини реал қисқартиришга имкон беради.

Қурилишларнинг титул рўйхатларини кўриб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби ўтган йилларда ҳаддан ташқари марказлаштирилиб ва мураккаблаштирилиб юборилди. Шунинг натижасида капитал қурилиш планларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш ниҳоят даражада чўзилиб кетди.

Яқинда ҳукумат титул рўйхатларини тасдиқлашнинг янги тартибини белгилади. Бу тартиб юқоридаги камчиликларни йўқотди. Иттифоқдош ресубликаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар титул рўйхатларининг тўғри тузилиши ва тасдиқланиши учун жавобгардирлар.

Кўпгина қурилишларда қурилиш техникасидан етарли равишда фойдаланилмаётир — иш вақтининг кўп нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, ишчилар орасида қўнғимсизлик ҳали ҳам катта. Қурилиш ташкилотларининг деярли ярмиси меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш қийматини камайтириш юзасидан берилган план топшириқларини бажармаётир. Қурилиш сифати ҳали ҳам паст, айниқса уй-жой қурилишнинг сифати паст.

Қурилиш сифатини ошириш бипокорларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бизда қурилиш жуда катта миқёсда олиб борилаётган бир вақтда қурилиш ишларининг сифатига нисбатан талабни бўшаштира олмаимиз. Қурилаётган корхоналар ва уй-жой бинолари жуда кўп йиллар хизмат қилиши лозим. Бироқ қурилиш ишларининг, айниқса уй-жой қурилишидаги ишларнинг сифати кўпичча замонавий талабларга жавоб бермаётир ва қурилишнинг техникавий даражасига мос бўлиб тушмаётир.

Қурилиш сифатини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда енгиб бўлмайдиган қийинчиликлар йўқ. Бу вазифаларни ҳал қилишнинг ҳаммаси, аввало, лойиҳачилар ва бипокорларнинг ўзига, лойиҳалаш сифатига, қурилиш монтаж ва пардозлаш ишларини моҳирлик билан ташкил эта олишга, қурилиш техникаси ва материалларидан, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантириш учун мавжуд маблағлардан тўғри фойдалана билишга боғлиқ.

1965 йилги планда қурилишнинг индустриал методларини ривожлантириш учун мўлжалланган бипокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш кўзда тутил-

гай: Бироқ кўпгина иқтисодий районларда кейинги йилларда ёшт, майда бетон блоклар, гипс снгари маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кескин камайтиришга йўл қўйилганлиги нотўғри иш бўлди. Маҳаллий материалларнинг ҳаммасидан, айниқса қишлоқ қурилишида мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ёшт заводларини ҳамда маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган бошқа корхоналарни тартибга солиш, ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш зарур.

Лойиҳалаш, капитал маблағлар сарфлашни планлаштириш, қурилишни ташкил этиш ишидаги камчиликларимиз оз эмас. Шу нарсаи тўпна-тўғри айтиш керакки, биз ҳали ҳам секин қурмоқдамиз ва қурилишларимиз қимматга тушмоқда, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш топшириқлари йилдан-йилга бажарилмай қолмоқда, битмай қолган қурилишларнинг ҳажми ҳали ҳам жуда юқор.

Айни вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари қурилишни тезлатишда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар катта-катта корхоналарни яхши сифатли қилиб ҳамда қурилиш ва монтаж ишларининг қийматини пасайтириб, қисқа муддатларда қуриб бермоқдалар. Илгор бинокорлар коллективларининг иш тажрибаси капитал қурилиш соҳасига фойдаланишга...

Вазифа шуки, капитал қурилишдаги камчиликларни қисқа муддат ичда тугатиб, сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш. Ишда шундайгина эришилши, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш керак.

1965 ЙИЛДА ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСINI ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Депутат ўртоқлар! Ишлаб чиқаришни мўлжалланаётган даражада ривожлантириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва миллий даромадни кўпайтириш 1965 йил планининг лойиҳасида халқ фаровонлигини ошириш суръатларини жадаллаштиришни кўзда тутишга имкон беради.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат халқнинг турмуш даражасини оширишга сарфлашни мумкин бўлган ресурслар масаласини ҳар томонлама кўриб чиқдилар ва 1965 йилда аҳолининг реал даромадларини киши бошига ҳисоблаганда 7 процентдан зиёдроқ кўпайтиришни план лойиҳасида кўзда тутиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Реал даромадлар мана шундай кўн миқдорда ўстирилади. Бу 1959—1964 йиллардаги йиллик ўртача ўсишдан икки баравардан зиёдроқ кўпдир.

Халқ фаровонлигини ошириш йўллари ва усулларини планларимизда белгилар эканмиз, биз КПСС Программасининг қоидаларига оғишмай амал қилишимиз лозим. КПСС Программасида

айтиладики, ижтимоий истеъмол фондларининг роли ошиб боргани ҳолда меҳнатга қараб ҳақ тўлаш социализм шароитида халқ эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи бўлиб қолаверади, социализм принциплари маиша шунга тақозо қилади.

1965 йилда аҳолининг реал даромадлари асосан меҳнатга тўланадиган ҳақнинг кўпайтирилиши ҳисобига ўсиб боради. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини 4,5 процент ошириш мўлжалланади, ваҳолокин кейинги 6 йил ичида иш ҳақи йилига ўрта ҳисобда 2,4 процент ошиб борган эди. Шу билан бирга, ишчи ва хизматчиларнинг сони бир йил ичида 2 миллион 700 минг кишига кўпайиб, 76 миллион кишига етди. Қолхозчиларнинг қолхозлар ижтимоий хўжалигидан оладиган даромадлари тағин ҳам кўпроқ миқдорда ошди.

Саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалиги ва транспорт давлат корхоналарида ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида ходимларнинг иш ҳақини ошириш ҳамда тартибга солиш соҳасида кейинги йилларда катта иш қилинди.

СССР Олий Советининг бундан олдинги сессиясида ўқитувчилар, врачларнинг ҳамда аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги бошқа ходимларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Олий Советга шунга маълум қилишим керакки, Қонунга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари 1964 йилнинг октябрида мамлакатнинг шимолий районларида аҳолига хизмат кўрсатувчи ҳамма тармоқлардаги ходимлар учун жорий қилинди, 1964 йил 1 ноябрдан бошлаб эса, бутун мамлакатдаги маорпф ва соғлиқни сақлаш ходимлари учун жорий қилинди. Натижада 9 миллиондан кўпроқ ходимнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 23—25 процент кўпайди.

Яна шу Қонунга мувофиқ 1965 йилнинг III кварталда уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ходимларнинг иш ҳақи оширилиши лозим. 1965 йилнинг IV кварталда эса аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлардаги ходимларнинг иш ҳақи оширилиши лозим. Иш ҳақининг оширилган минимумини жорий қилишни ҳам шу муддат ичида тугаллаш мўлжалланган эди.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат бу тадбирларни тағин ҳам қисқа муддатлар ичида амалга ошириш имконияти масаласини кўриб чиқдилар. Иш ҳақи минимуми шу дамгача оширилмаган тармоқларда ходимларнинг ставкалари ва оқладларини 1965 йил 1 январдан бошлаб ошириб, белгиланган минимумга етказиш ҳақидаги таклиф Олий Совет тасдиқига киритилди. Шундай қилиб, халқ хўжалигида иш ҳақининг янги минимумини жорий қилиш 1965 йилнинг бошидаёқ ҳамма жойда тугалланади. Шу билан бир қаторда уй-жой-коммунал хўжалигида, савдо соҳасида ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларда ишлаб турган ходим-

ларнинг иш ҳақини оширишни ярим йил олдинроқ ўтказиш ва буни 1965 йилнинг декабри ўрнига 1965 йилнинг 1 майгача амалга ошириш таклиф қилинади.

Шу чоралар натижасида 9 миллиондан кўпроқ кишининг иш ҳақи планлаштирилган муддатдагига қараганда олдинроқ оширилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларини жорий қилиш муддатлари қисқартирилганлиги ҳисобига шу ходимларнинг иш ҳақи қўшимча равишда 890 миллион сўм миқдорда кўпаяди. Мана шу миқдордаги маблағ Олий Совет тасдиқига тақдим этилган 1965 йилги Давлат бюджети харажатларида кўзда тутилган.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш натижаларини яхшилаш асосида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ҳамда колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақни оширишга ва такомиллаштиришга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият бераверадилар, айни вақтда иш ҳақининг минимал миқдорини кўпайтираверадилар.

Ҳар бир ходимнинг ва коллективнинг юксак даражада унумли ва ҳалол меҳнати, умуман корхона ишининг умумий якунлари яхшиланганлиги моддий жиҳатдан рағбатлантириб турилиши лозим. Бу — иш ҳақи ошмасин...

Ҳар бир корхона ва маҳаллада юксак ишчилик ва хизматчилик ҳақи фаровонлигини ошириш ва меҳнатқилларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш мақсаатларига мос бўлиб ту...

Ўқин давр ичида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ҳар томонлама кўпайтириш билан бир қаторда, савдо-сотиқни ва умумий овқатланишни, маданият муассасалари ва коммунал-маиший корхоналар қуришни кенг ривожлантиришга катта эътибор берилиши лозим. Хўжалик қурилиши практикасида кўпинча хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг роли камситилиб, уларга етарли баҳо берилмайди. Бундай қилиш нотўғри. Хўжалик планларини тузаётган вақтда халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савияси ўсаборгани сари хизмат кўрсатувчи тармоқларга нисбатан аҳолининг талаблари орта боришини ҳисобга олишимиз ва шу талабларни қондириш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш тўғрисида гапириб ўтман. Савдо-сотиқда жиддий камчиликлар келиб чиқаётганлигига кўп жиҳатдан сабаб — аҳолининг талабини тўла равишда қондирмоқ учун барча товарларга етарли даражада эга эмаслигимиздир, албатта. Магазинлар етарли миқдорда қурилмаганлиги, ускуналар ва савдони механизациялаш воситалари кам берилганлиги ҳам савдо-сотиқнинг аҳволига таъсир қилмоқда. Лекин савдо-сотиқнинг яхшиланиши кўп жиҳатдан савдо ходимларининг ўзларига ҳам, уларнинг ишга бўлган муносабатларига, ташаббус-

корликларига ва иродаларига, аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифатига ҳам боғлиқ.

1965 йилда аҳолини товарлар билан таъминлаш тўғрисида нима дейиш мумкин?

Халқ истеъмоли молларини давлат ва кооператив савдоси орқали аҳолига сотиш 1964 йилда атиги 5 миллиард сўм миқдоридан кўнайдан бўлса, 1965 йилда 7 миллиард сўмликдан зиёдроқ кўпайтирилади.

Кийим-кечак, газламалар, пойафзал, рўзгор асбоблари, мебель, рўзгорга керакли электр асбоблар, радиоприёмниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари, соатлар, фотоаппаратлар ва бошқа кўпгина саноат моллари билан узлуксиз ва яхши савдо қилмоқ учун товар ресурсларимиз етарли. Агар эндиликда ҳам айрим районларда шундай моллар билан савдо қилишда узлиш рўй берадиган бўлса, бунга шундай молларни ишлаб чиқариш учун керакли хом ашё ёки қувватлар етарли эмаслиги сабаб бўлмайди, балки шу молларни ишлаб чиқараётган корхоналарнинг ёки шу молларни аҳолига сотиш жавобгарлигини ўз зиммасига олган савдо ташкилотларининг ёмон ишлаганлиги сабаб бўлади, холос.

Маълумки, аҳолининг холодильникларга бўлган талабини шу вақтгача қондиролмадик. Ҳозирги вақтда биз холодильниклар ишлаб чиқаришни яқин йиллар ичида анча кўпайтирмоқ ва аҳолининг эҳтиёжини тўла қондирмоқ учун холодильниклар ишлаб чиқарадиган қувватларни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдамиз. 1965 йилнинг ўзидаёқ аҳолига 1 миллион 800 мингтадан кўпроқ ёки 1964 йилдагига қараганда 76 процент кўп холодильник сотиш мўлжалланмоқда.

Озиқ-овқат молларининг ресурслари 1965 йилда аҳолини нон, макарон, крупа, қанд, кондитер моллари, ўсимлик мойи, консервалар ва бошқа баъзи озиқ-овқат моллари билан узлуксиз таъминлаб туришга имкон беради. Шу билан бирга, аҳолига оқ нон сотиш анча кўпайтирилади.

Картошка ва сабзавот бу йил ўтган йилдагига қараганда анча кўп тайёрланди. Савдо ходимлари картошка ва сабзавотни яхши сақлашлари керак, токи аҳоли магазинлардан ҳаминша зарур миқдорда яхши сифатлисини сотиб оладиган бўлсин.

Аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда баъзи қийинчиликлар 1965 йилда ҳам бўлади. Ҳукумат махсус чораларни ишлаб чиқмоқда, аҳолини гўшт ва сўғим ёғи билан таъминлашни яқин вақт ичида яхшиламоқ учун бу тадбирларнинг бир қисми 1965 йилги планга ҳам киритилди.

Тикилган буюмларнинг баъзи турлари, газламалар, пойафзал ва бошқа саноат моллари ҳозирги вақтда корхоналарнинг складларида ва магазинларда ошиб ётибди. Ҳукумат шу молларнинг нархларини қайтадан белгилаб чиқишга қарор қилди ва 1965 йилнинг плани ва бюджетидан шу мақсадлар учун анчагина маб-

лаг — 1 миллиард 300 миллион сўмга яқин пул ажратишни кўзда тутиб қўйди. Шундай қилиб, аҳоли бу молларни бирмунча арзонроқ нархлар билан сотиб олиши мумкин. Харпдорларга қулай бўлиши учун бу моллар махсус магазинларда сотиладиган бўлади.

Юқори сифатли янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўпинча хийла қимматроқ материалларни қўлланишни ва қўшимча сарфлар қилишни талаб этади. Бундай молларнинг чакана нархлари, айниқса шу молларни ишлаб чиқаришни ўзлаштираётган дастлабки вақтларда бирмунча юқори бўлиши мумкин, албатта. Бироқ кейинги вақтларда юқори сифатли янги молларнинг нархларини эмас, балки аллақачон ўзлаштирилган молларнинг нархларини расми, формаси ўзгарди, деган ва шу каби баҳона билан ошириб юбориш ҳоллари содир бўлди.

Бу — қонушга хилоф ишдир. Молларнинг чакана нархларини оширишга қаратилган уринишларга асло йўл қўйилмайди, бундай оширишга йўл қўйган шахслар эса қаттиқ жавобгарликка тортилади.

Кооператив савдоси 1965 йилда япада ривожлантирилади. Колхозчиларнинг ёрдамчи хўжалиқларини асосиз чеклаш бекор қилинганлиги, ҳеч шубҳасиз, колхоз бозорларида сотиладиган молларнинг кўпайишига олишнинг асосий сабабларидан бири бўлади.

Умумий овқатланишни яхшилаш тўғрисида ҳамisha гамхўрлик қилиб туриш лозим. Умумий овқатланиш корхоналарининг шундай тартибда ўзлаштирилишига қараман, бу иш ҳам ҳам яхши ташкил этилган эмас. Бу иш шундай ташкил қилиниши керакки, ошхона ёки кафега кирган одамлар лаззатли ва арзон овқат олиб ейиши билан бирга, дам ҳам олсинлар.

Заводлар ва фабрикалар ҳузуридаги, янги қурилишлардаги, колхозлар, совхозлар ва ўқув юртларидаги ошхоналарнинг ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кейинги вақтларда бирмунча яхшиланди. Бироқ аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ҳозирги даражаси бизни асло қаноатлантиролмайди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ҳозирги фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг муваффақиятларидан фойдаланадиган ижтимоий фаолиятнинг йирик тармоғига айлантиришимиз лозим.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтнинг ўзида аҳоли қўлида телевизорлар, радиоприёмниклар, фотоаппаратлар, велосипедлар ва рўзгор техникасининг бошқа буюмлари кўнаиб кетди. Шу билан бирга 1965 йилда маданий-рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш кескин равишда кўпайтирилади. Шу буюмларни яхшилаб ва тез ремонт қилдиришни таъминлаш зарур. Иш тўғри ташкил қилинган тақдирда, бундай буюмларни ремонт қилиш аҳоли учун арзонга тушиши ва давлат учун ҳам манфаатли бўлиши мумкин. Бироқ

бизда маиший хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилган эмас ва одамларга кўшгина ўнгайсизликлар туғдирмоқда.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишга доир ҳатто унча катта бўлмаган топшириқлар ҳам бажарилмаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Кўпгина маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва маҳаллий хўжалик органлари маиший хизмат кўрсатишга етарли эътибор бермайдилар, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида кам гамхўрлик қилмоқдалар.

1965 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми 1964 йилдагига нисбатан 19 процент кўпайтириш мўлжалланади. Қишлоқ жойларида бу ишларнинг ҳажми 1,5 баравардан эпёдроқ кўпаяди. Қир ювиб берадиган корхоналар, ҳаммомлар, кийимларни химиявий усулда тозалаш ва рўзғор асбобларини ремонт қилиш корхоналари айниқса кенгайтирилади.

Аҳолига хизмат кўрсатишнинг яхшилашидан ходимларнинг моддий маънавиятини ошириш мақсадида бундай ходимларнинг меҳнатига маош тариқасида ҳақ тўлаш ўрнига бажарган иш учун тушган пулдан процент бериш йўли билан ҳақ тўлашни кенг миқёсда жорий қилишимиз, шунингдек, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни ремонт учун керакли бўлган зарур миқдордаги запас қисмлар ва материаллар билан таъминлашни планларда махсус равишда кўрсатишимиз лозим.

Турмушни яхшилаш соҳасида партия ва ҳукумат қўйган катта вазифаларни ҳал қилиш маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бу ишга доимий эътибор беришларини талаб қилади. Аҳолининг турмуши тўғрисида гамхўрлик қилиш уларнинг энг муҳим вазифасидир. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш совет халқининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги умумий программанинг ажралмас қисmidир.

1965 йилги планнинг хусусиятларидан бири шунки, халқ морифига, фан, маданият, соғлиқни сақлашга, физкультура ва спортга, социал-таъминотга, социал страхованига, кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақалар тўлашга мўлжалланган харажатлар анча кўпайтирилди. Бу харажатлар 37,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу эса 1964 йилдагидан 4,3 миллиард сўм кўпдир.

1965 йилда болалар боқчаларида ва яслиларида 7,7 миллион бола тарбияланади. Бироқ болалар муассасалари ҳали ҳам етарли эмас. Ҳукумат болалар боқчалари ва яслилари қуришни жадаллаштириш чораларини кўради. Болалар яслилари ва боқчаларида 1964 йилда 400 мингта янги ўрин очилган бўлса, келгуси йилда 500 мингта янги ўрин очилади. Болалар муассасаларида шу қадар кўп ўрин бизда ҳеч қачон бўлган эмас. Бундай тадбир биринчи марта амалга оширилмоқда.

1965 йилги планда меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган яна бошқа бир қанча тадбирлар ҳам кўзда тутилди.

Хукумат халқ соғлигини сақлашга катта аҳамият бериб, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласини махсус кўриб чиқди. Дори-дармонлардан айрим турларининг чакана нархларини 1965 йил 1 январдан бошлаб пасайтиришга қарор қилинди. Бундан ташқари, касалхоналарда ҳамда инвалидлар ва қариялар уйида даволапаётган беморлар учун текин бериладиган дори-дармонларга маблағлар сарфлаш нормалари қарийб 20 процент оширилди. Беморларнинг баъзи категорияларига амбулаторияларда даволаниш вақтида дориларни текин бериш кўзда тутилди.

Врачларнинг ва бошқа медицина ходимларининг иш ҳақи кўпайтирилганлиги билан бир қаторда бу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳолига кўрсатилаётган медицина хизматининг сифатини янада яхшилашга ёрдам беради.

Ишчи ва хизматчиларга инвалидлик сабабли, шунингдек ўз боқувчисидан ажраб қолганлиги учун тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдори ҳозирги вақтда қариллик учун тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдоридан ҳали ҳам кам. 1965 йилнинг IV кварталда шу пенсияларнинг минимал миқдори оширилади. Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, 1965 йилда 6,8 миллион колхозчи пенсия олади.

Сивиларга тарқатилган материаллардан кўришиб турибдики, хукумат мана шу тадбирларнинг ҳаммасига 1965 йилги план ва ҳисоб қилинган ҳудудларда ҳудудларга кўра маблағ ажратилиши кўзда тутган.

Партия ва хукумат уй-жой проблемасига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Кейинги олти йил ичида мамлакатимиздаги аҳолининг тахминан учдан бири ўз уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар. Бироқ уй-жойга бўлган талаб ҳали ҳам катта. Шу сабабли уй-жой қурилиши ҳажми кейинги икки-уч йил ичида камайтириб юборилганлигини ўринли деб ҳисоблаб бўлмайди. 1965 йилда уй-жой бинолари қуриш кўпайтирилади. Бунинг учун ажратилган ҳамма маблағлар ҳисобдан шаҳар ва ишчи носёлкаларида умумий сатҳи 84 миллион квадрат метрга тенг келадиган уй-жой бинолари қуриш кўзда тутилади. Ваҳоланки, бу йил умумий сатҳи 75,1 миллион квадрат метрга тенг келадиган уй-жой бинолари қурилди. 1965 йилда бундан олдинги йилларнинг ҳар биридагига қараганда ҳам кўпроқ ҳажмда уй-жой бинолари қурилади.

Уй-жойга бўлган эҳтиёж жуда катталигига қарамай, уй-жой қуриш планлари кейинги йилларда мутгасил бажарилмай келаётганлигига эътиборни жалб қилиш керак. Зарур маблағ ва моддий ресурслар ажратиб берилган бўлса ҳам бу планлар бажарилмай қолмоқда.

Шаҳарларда қуриладиган иморатларнинг қаватларини камай-тириш кейинги йилларда зўр бериб тавсия қилиниб келди. Бундай тавсиялар иқтисодий ҳисоб-китобга асосланган эмас. Шаҳарлардаги иморатларнинг қаватини камайтириш хўжалик жиҳатидан нотўғри ва кўп ҳолларда фойдасиздир.

Уй-жой биноларининг тежамли бўлиши ва аҳоли учун энг кўп қулайлик келтириши бундай биноларни қуришда асосий мезон қилиб олиниб, бу масалаларни Госплан ва Госстрой яқин вақт ичида синчиклаб кўриб чиқиши лозим.

Қурилиш ташкилотлари ва маҳаллий совет органлари 1965 йилда уй-жой бинолари қуриш планларини ҳеч сўзсиз бажармоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари лозим. Уй-жой бинолари қуриш соҳасида 1965 йил планида давлатнинг халқ олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлари албатта бажарилиши лозим.

Депутат ўртоқлар! Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, халқ хўжалиги планларини бажариш вақтида қўшимча ресурслар ва бюджет даромадлари топилиб қолади. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мана шу қўшимча ресурсларнинг ҳаммасини 1965 йилда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ҳамда аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш ишларига сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Совет кишиларининг турмуши ва маишати яхшилаш соҳасида бизнинг олдимизда турган ва ҳал қилиниши лозим бўлган зарур масалалар ҳали кўп. 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планни тайёрлаш вақтида шу масалаларга биринчи даражада эътибор берилди ва совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришга доир махсус чоралар ишлаб чиқилди.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЗЕРВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Депутат ўртоқлар! Социалистик экономикани ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш суръатлари фан-техника тараққиётини тезлаштиришга ва социалистик хўжаликнинг ички резервларидан бутун чоралар билан фойдаланишга таянган ҳолда жаддалаштирилмоғи лозим.

Ҳозирги замон шароитида илм-фанни ривожлантириш мамлакатимизда экономикани тараққий эттиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб бормоқда. Илм-фаннинг ишлаб чиқаришга кўрсатаётган таъсири ва унинг халқ ҳаётининг ҳамма жиҳатларига ўтказаетган таъсири беқийс ошмоқда. Биз хўжалик планларини тузиш вақтида ҳозирги замон фани ва техникасининг ютуқларидан кенг ва атрофлича фойдаланишимиз лозим.

Совет олимлари фан ва техниканинг етакчи тармоқларини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг муваффа-

қиятлари ватанимиз шухратини опирмоқда, совет халқи ўз олимплари билан ҳақли равишда фахрланмоқда.

Бизнинг мамлакатда илм-фанни ҳар тарафлама ривожлаштиришга катта эътибор берилмоқда: халқ хўжалиги плапларида илмий тадқиқотлар учун катта-катта маблағ ажратилмоқда. Партия ва ҳукумат бундан кейин ҳам олимларнинг самарали ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб, уларнинг ижодий ташаббусларини, изланишларини рағбатлаштираверади.

Истиқболли тадқиқотларни олиб боришда илмий кучларни халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида техникани гоят тараққий эттириш учун йўл очиб берадиган проблемаларни ҳал қилишга тўшлаш керак.

Айни маҳалда илмий муваффақиятларни ишлаб чиқаришга тез жорий қилиш учун, химия, электроника, ярим ўтказгич техника, биология ва бошқа соҳаларда илм-фаннинг ривожланиши билан ҳозирдаёқ тайёрлаб қўйилган техника тараққиёти учун олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари зиммасига катта масъулият тушади.

Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ моддий неъматлар бера оладиган бўлишимиз учун илм-фан аҳд-тараққиётларини кучайтириш керак.

Хўжалигимизда жорий қилини талбирлари кўзда тутилади. Бироқ бу соҳада ҳали ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланилган эмас.

Илмий тадқиқотлар натижасида олинган илгор. фойдаланишнинг ҳаммасидан ҳам планларимизда ўз вақтида фойдаланилиши, деб бўлмайди. Шу сабабдан илмий кашфиётлар ва техниканинг ихтиролар кўпинча эскириб, ўзининг амалий аҳамиятини йўқотиб қўймоқда.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан қандай фойдаланилаётганлигини хўжалик иланларига ва шу планларнинг бажарилишига баҳо беришда асосий мезонлардан бири қилиб олинса яхши бўлур эди. Афсуски, саноатнинг кўпгина ходимлари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг асосий манбаини ҳамон фақат янгидан-янги капитал маблағлар сарфлашдан иборат, деб билмоқдалар ҳамда фан ва техника муваффақиятларини тезроқ жорий қилиш учун чинакам кураш олиб бормаётлар. Бу муваффақиятлар янги капитал маблағ сарфлашга қараганда анча кўп самара бериши мумкин.

Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ва унинг хилларини кўнайтириш учун янги имкониятлар очиб беради. Маҳсулот сифатини яхшилаш халқ хўжалигида энг асосий, энг муҳим вазифалардан бири бўлиб бормоқда. Экономикamız ривожланишининг бутун бориши шунга тақозо этмоқда. Бу — ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш-

нинг асосий манбаларидан бири бўлиб, аҳолининг халқ истеъмоли товарларига ўсиб бораётган талабини қондиришнинг зарур шартидир.

Эндиликда маҳсулот сифати проблемаси янгича тарзда қўйилмоқда. Гап фақат ҳозиргача ўзлаштирилган буюмлар турларининг сифатини яхшилаш устида эмас, балки фан-техника ютуқларини ва жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини пазарда тутиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни систематик ва планли тарзда янгилаб бориш устида ҳам кетмоқда.

1965 йилги план лойиҳаси саноат ходимларини маҳсулот сифатини яхшилашга ундайди. Бироқ бу ҳамир учидан патир, холос ва биз бу йўлда ҳали катта иш қилмоғимиз керак. Корхоналар илашши бажариш жараёнида ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати нуқтаназаридан унга илсбатан ўсиб бораётган талабларни ҳисобга олишлари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни такомиллаштириш учун техника имкониятларидан фойдаланишлари керак. Корхоналар бозордаги аҳволи ва харидорларининг ўзгариб бораётган талабларини яхшироқ ҳис қилиб турадиган бўлишлари учун корхоналар (ёки бирлашмалар) билан уларнинг маҳсулоти аҳолига сотаётган магазинлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишни кенг йўлга қўймоқ лозим. Ишлаб чиқариш воситалари: машиналар, ускуналар, металл ишлаб чиқарувчи тармоқларда ҳам мол етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида худди ана шундай бевосита алоқа ўрнатиш зарур.

Биз корхоналар ва раҳбар органларнинг фаолиятига, асосан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчиларнинг талабларига қай даражада мос келаётганлигига, қай даражада сотилаётганлиги ва жаҳон техника даражасига қанчалик мувофиқ келаётганлигига қараб баҳо бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарнинг раҳбарлари шуни билиб қўйишлари керакки, агар улар маҳсулот сифатини яхшилаш ғамида бўлмай, планни фақат миқдор кўрсаткичлари бўйича бажаришни кўзлай берсалар, уларнинг маҳсулотига талабгор топилмай, сотилмасдан қолса, улар етказилган зарар учун давлат олдида жавобгар бўладилар.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда иқтисодий стимуллардан кенг фойдаланилади. Корхоналарнинг маҳсулотни сотилмагани ҳолда улар шундай маҳсулотни ишлаб чиқара бераётганликлари ва ўз харажатларини қошлаш учун бемалол пул олиб турганликлари сингари практикага бундан кейин йўл қўйиб бўлмайди. Бу тартиб ўзгартирилади. Улгуржи нарх шундай бўлиши керакки, халқ хўжалиги учун зарур ва иқтисодий жиҳатдан самарали маҳсулотни ишлаб чиқариш корхоналарга фойдали бўлсин. Маҳсулот сифатини муттасил ошира бориш иланларда кўрсатиб қўйилиши лозим.

Социалистик хўжалик системасининг афзалликлари ишлаб чиқаришни тезда қайта қуриш ва янгилаш имконини беради. Бизда малакали кадрлар, зарур техника бор ва биз маҳсулотимиз сифати жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган бўлишига эриша оламиз.

Биз яқин давр ичида меҳнат ушумдорлигини ошириш суръатларини тағин ҳам кўп даражада жадаллаштиришга эришмоғимиз керак. Бу хўжалик қурилишимизнинг туб вазифаларида биридир. Эндиликда бу вазифани ҳал қилиш халқ хўжалигида пропорцияларнинг тўғри бўлишини ва саноатнинг истиқболли тармоқлари тағин ҳам тезроқ ривожланишини таъминланга ҳам, шунингдек ҳар бир корхонада меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш ҳамда моддий манфаатдорлик принципини изчиллик билан амалга оширишга ҳам боғлиқ.

1965 йилги план лойиҳасида 1964 йилдагига нисбатан меҳнат ушумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш ва социалистик корхоналарнинг даромадларини кўпайтириш юзасидан қуйидаги топшириқлар кўзда тутилади:

Меҳнат ушумдорлигини ошириш:	
саноатда	5,7 процент
қурилишда	6 процент
Ишлаб чиқариш ва ашё	
қурилишнинг қўшимча қиймати	1,2 миллиард сўм
девят социалистик корхоналари даромадларининг ўси- ши (фойда ва оборотдан олинган солиқ)	13,2 процент

1965 йилда саноатда меҳнат ушумдорлигини ошириш йўли билан йиллик маҳсулот ўсиши 70 процентга етказилади.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида гоёт катта моддий бойликлар борки, шу бойликлар бефойда ётибди ва улардан на ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ва на аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилпти. Аввало қурилиш муддатлари кечга сурилб кетганлиги ва капитал маблағлар сочиб юборилганлиги натижасида битказилмаган қурилиш ҳажмининг ҳаддан ташқари ошиб кетганлиги ана шундай бойликлар жумласига кирди. Қурилишлар ва корхоналарда узоқ вақтлардан бўён ўрнатилмай ва ишга солинмай келаётган кўп миқдорда ускуналар бор.

1965 йилда нормативдан ортиқча запаслар ҳисобига 763 миллион сўмлик ускунани капитал қурилиш учун ишлатиш мўлжалланмоқда. Сотилмасдан, корхоналарнинг омборларида йиғилиб қолган маҳсулот ҳам халқ хўжалигида жойини топиб ишлатилади.

Бизнинг шароитимида битказилмаган қурилишлар, ускуналар, материаллар, хом ашё ва халқ истеъмоли товарларининг керагидан ортиқча ҳажмда тўпланиб қолишига чидаб бўлмайди. Бу хўжаликнинг ривожланишига халақит беради, корхоналарнинг

молиявий аҳволини оғирлаштириб қўяди ва катта-катта нобудгарчиликка олиб келади. Вазифа — фойдаланилмаётган барча моддий бойликларни тезроқ ишга солиб юборишдан иборат.

Ривожланаётган хўжалик уни бошқариш системаси ва методларини тинмай такомиллаштиришни талаб қилади, шу билан бирга бу ишни омилкорлик билан олиб бориш, илғор тажрибани ҳар тарафлама ўрганиш ҳамда хўжалик ҳаётидаги янги, прогрессив ҳодисаларни ҳисобга олиш керак.

Халқ хўжалигини бошқаришда бир-бири билан параллель ҳаракат қилаётган органлар кўп. Бу нарсга хўжаликка раҳбарлик қилиш принципларига зарарли таъсир кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга, мутлақо кераксиз равишда бир-бирининг ишини такрорлаш, ишлаб чиқиляётган тадбирларни тинимсиз равишда ўзаро келишиб олиш ҳолларини туғдирмоқдаки, оқibatда қўйилган масалаларнинг амалда ҳал қилиниши кечга сурилиб кетмоқда.

Планлаштириш ва хўжаликни бошқаришнинг ҳозирги вақтда амалда бўлган системаси анча такомиллаштиришни талаб қилади. Гап демократик централизм принципларини янада ривожлантириш, планлаштиришни ташкил этишни тартибга солиш, хўжалик ва план органларининг ишидаги параллелизмни тугатиш, топирилган иш учун ҳар қайси органнинг масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий стимулларини бутун чоралар билан кучайтириш устида бормоқда. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат бу масалани ўрганмоқдалар ва зарур қарорлар қабул қиладилар.

Иқтисодий проблемалар қатъий иқтисодий ҳисоб-китоб асосида ишлаб чиқилмоғи керак. Бизга чинакам иқтисод фани ва шу фanning экономикамиз ривожланишининг қонуниятларини тўғри акс эттирувчи ҳамда асосли қарорлар қабул қилиш имконини берувчи объектив ҳулосалари даркор.

Бизнинг иқтисод фанимиз эндиликда ҳаммага равшан бўлган нарсани — хўжаликда иқтисодий омиллардан фойдаланиш зарурлигини исботлаб берибгина қолмай, балки, асосан, тавсиялар ишлаб бериши, шу тавсияларни айрим корхона, ишлаб чиқаришнинг айрим тармоғи шароитида ва бутун халқ хўжалигида амалда қандай қўллашиш кераклигини айтиб бериши керак.

В. И. Ленин иқтисодий иш масалаларига катта аҳамият берган эди. У бундай деган эди: «Экономика тўғрисида кўпроқ гапирисин. Ленин экономика тўғрисидаги гаплар «умумий» муҳокамалардан иборат бўлмаслиги лозим... Экономика тўғрисида гапирганимизда чинакам янги ҳаёт қуриш соҳасидаги фактларни тўплаш, яхшилаб текшириш ва ўрганиш маъносида гапиршимиз керак»¹.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 28-том, 93-бет.

Биз халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги хўжалик ходимларидан экономикага ва техникага пухта ўйлаб раҳбарлик қилишни талаб этишимиз зарур.

Халқ хўжалигига раҳбарликни насихатгўйлик қилишдан иборат, деб ўйлаб юрган, чинакам амалий раҳбарлик қилиш ўрнига такаббурлик билан пайд-насиҳат ўқиб юрган кишиларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Малакали ходимларнинг кўп вақтнинг босқорга ўтказиб юборатган узундап-узоқ ва кераксиз мажлисларга барҳам бериш лозим.

В. И. Ленин хўжалик қурилиши масалаларида тадбиркор ва ишчан бўлишни, илмий асосда иш кўришни талаб қилган эди. У қуруқ, бемаъни гаплардан қулган эди.

Планлаштириш соҳасида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш планларини истеъмолчиларнинг заказлари асосида, саноат корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишни назарда тутиб тузиш зарурати етилди. Планлаштиришнинг шундай тартибига кўчиш, шак-шубҳасиз, олға қараб силжиш бўлади. Зотан, заказларга таяниб тузилган планлар авча конкретлашиб қолади, хўжаликнинг ва аҳолининг эҳтиёжлари билан маҳкамроқ боғланган бўлади.

Биз халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи саноатдаги ва асосан шунинг билан хўжаликнинг ишчан талам

рампэ. ... корхоналари асосида план тузиш йўлидан бо-

Хўжалик қурилишида хўжаликни планлаштириш

... қўллаш билан боғлиқ бўлган камчиликлар мавжуд.

Шуни эътироф этиш керакки, бу камчиликлар ҳамма вақт ҳам ўз вақтида очиб ташланиб, лозим даражада танқид қилинаётгани йўқ. Кўпинча хўжасизлик фактлари тўғрисида лом-мим дейилмапти ва бу фактларни йўқотиш чоралари кўрилмапти. Танқидий мулоҳазалар билан ҳисоблашмаётган ва ишни ҳамон эски-часига олиб бораётган раҳбарлар бор. Буига тоқат қилиб бўлмайди. Бундай хўжалик ходимларини алмаштириш керак.

Бизнинг вазифамиз хўжалик қурилишида меҳнаткашларнинг активлигини бугун чоралар билан ошириш, ишдаги камчиликларни танқид қилишни авж олдириш ва бутун хўжалик ишларини яхшилашдан иборат.

Хўжаликка раҳбарликни ва уни планлаштиришни яхшилаш учун корхоналарнинг хўжалик ишларидаги мустақиллигини кенгайтириш ҳамда давлат плани топшириқларини бажаришнинг энг тежамли йўллари тавлаб олишда уларнинг масъулиятини ошириш, корхона директорлари, цех бошлиқлари ва мастерларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш талаб қилинади. Турли-туман бюрократик ғовларга барҳам бериш ва корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашавериш ҳолларини тугатиш мамлакат экономи-

касини янада юксалтириш ишида корхона коллективлари ва колхозларнинг ташаббускорлигини авж олдирish учун кенг йўл очиб беради.

Хўжалик ҳисобини жорий қилиш, иқтисодий жиҳатдан асосланган нархлар белгилаш фойда олишнинг ролини ошириш ҳамда яхши упул билан қилинган меҳлатини моддий жиҳатдан албатта ва муттасил рағбатлаштириб туриш экономикамизни жадал юксалтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги вақтда хўжалик ҳисоби фақат корхона доираси билан чекланиб қолмоқда. Корхонанинг ўзида ҳам тўлиқ амалга оширилаётгани йўқ. Чинакам хўжалик ҳисобини экономикамизнинг ҳамма катта-кичик тармоқларига пачиллик билан жорий қилиш зарур. Хўжалик ҳисобини корхоналарда жорий қилишдан ташқари, ишлаб чиқариш бирлашмаларига ҳам жорий қилиш керак.

Шундай аҳволни вужудга келтириш зарурки, бунинг натижасида корхонанинг ҳар бир ходими фақат ўз иш жойида ишлаб чиқаришда яхши самарага эришишдан манфаатдор бўлибгина қолмай, шу билан бирга айни маҳалда бутун корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг умумий натижаларини яхшилашдан ҳам моддий манфаатдор бўлсин.

Сўнгги вақтларда кўпгина олимлар, саноат, хўжалик ва план органларининг ходимлари хўжаликка раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар билан матбуотимизда чиқяшди. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат шу масалага катта аҳамият бериб, бу таклифларни кўриб чиқадилар ҳамда халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширадilar.

СОВЕТ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ВАЗИФАСИ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ УЧУН ТИНЧ ШАРОИТ ТАЪМИНЛАБ БЕРИШДИР

Депутат ўртоқлар! Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг баъзи масалаларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Социализм ва коммунизм қуриш учун тинч шароит таъминлашни, янги жаҳон урушининг олдини олишни бизнинг ҳукуматимиз ташқи сиёсат соҳасида ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Давлатимизнинг ташқи сиёсат йўли социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини мустаҳкамлашга, революцион озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатлар билан ҳамкорликни ривожлаштиришга қаратилган йўлдир. Бу йўл тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш, турли социал тузумдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув янаш принципларини изчиллик билан ўтказиш йўлидир.

Партиямиз ва совет ҳукумати ўтказиб келаётган ленинча тинчлик сиёсати қийин синовларга неча маргалаб бардош берди. Империалистик кучларнинг барча кирдикорларига қарамай,

ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш ғоялари одамлар онгига ва халқаро муносабатлар практикасига тобора чуқур кириб бормоқда. Худди шунинг учун ҳам халқаро кескинликни бирмунча юмшатишга, ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган дастлабки битимларни тузишга эришиш мумкин бўлиб қолди. Совет Иттифоқининг кўпгина давлатлар билан муносабатлари яхшиланди, ташқи савдо анча кенгайди.

Бироқ эндиликда мустаҳкам тинчликка тўпна-тўғри ва осон йўл очилди, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга йўл қўймаслик, халқларнинг ўз турмушларини ўзлари хоҳлаганларича қуришларига халақит бермоқ учун империалистик реакция ва милитаризм кучлари ҳамма чораларни кўрмоқда. Мана шундай мураккаб вазиятда биз совет кишиларининг тинч меҳнатини ва қардош социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқ учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлган Қуроли Кучларимизнинг жанговар қудрати тўғрисида ҳамisha ғамхўрлик қилишимиз лозим. Совет ҳукумати империалистларнинг иввогарликларига зарба бериб келмоқда ва халқаро кескинликни янада юмшатишга ҳормай-толмай ҳаракат қилмоқда.

Давлатлар ҳаётини мавжуд бўлган қурол-яроғларнинг шундай тартибда қурулиши ҳам бағамом пуқотиш яъни тинчликни таъминлайдиган энг яхши гарантлардир. Ҳарбий техника мислсиз ривожланиб кетганлиги, давлатларнинг яроғ-аслаҳа омборларига оммавий қирғин қуролларининг мавжудлиги янги жаҳон урушининг оқдин олишини барча халқларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириб юборган ҳозирги замонда мана шундай қилиш айниқса катта аҳамиятга эга. Янги жаҳон уруши жуда катта офат келтирган бўлур эди. Ҳатто кескинликнинг сақланиб қолиши, қуролланиш пойгасининг давом эттирилиши инсониятга қимматга тушмоқда, ер курагининг кўп районларида одамлар очлик, қашшоқлик ва касаллик азобини тортаётган бир вақтда, жуда кўн миқдордаги моддий бойликларни суроф қилишга олиб келмоқда. Уруш ва тинчлик масалалари миллион-миллион кишилар учун ҳаёт-мамонт масалаларидир. Халқларнинг келажаги ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш имконияти шу масалаларнинг ҳал қилинишига кўп даражада боғлиқдир. Шу сабабли бу масалалар жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди ва бутун дунё халқларини ташвишга солмоқда.

Халқлар давлат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг ва ҳукуматларнинг тинчлик тақдири учун, инсониятнинг келажаги учун ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис қилишларини талаб этмоқда. Мана шундай шароитда Совет ҳукумати ёппасига ва бағамом қуролсизланиш учун курашни ташқи сиёсат соҳасидаги ўз фаолиятининг асосий йўлларида бири деб ҳисоблайди.

Қуролсизланиш халқаро конференциялардаги самарасиз нутқларнинг темаси бўлиб қолмаслиги лозим. Биз, қуролсизланиш гоялари ва планлари амалга оширилсин, деймиз ва бу жуда муҳим проблемани ҳал қилишнинг турли йўллари қидиришга тайёрмиз. Бу ҳусусда бизнинг аввалдан ўйлаб қўйган фикримиз йўқ. Ениасу ва батамом қуролсизланишни амалга оширишга интилиш билан бирга, қуролланиш пойгасини лоақал тўхтатиб тура оладиган чоралар қўрилишини ҳам талаб қилмоқдамиз.

Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш чоралари тўғрисидаги конкрет таклифларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессияси муҳокамасига киритишни Совет ҳукумати бизнинг делегациямизга топширди. Совет Иттифоқи, жумладан, йирик давлатларнинг ҳарбий бюджетларини янада қисқартириш масаласига катта аҳамият бермоқда. Бундай қилинаётганлиги тасодифий эмас. Агар давлатлар ҳақиқатан ҳам қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлидан бормоқчи бўлсалар, у ҳолда ҳарбий харажатларни йилдан-йилга қисқартира бериш бунга жуда мос бўлиб тушадиган чорадир.

Совет ҳукумати Совет Иттифоқининг мудофаа харажатларини янада қисқартириш масаласини кўриб чиқди. СССР Министрлар Совети 1965 йил бюджетда мудофаа учун харажатларни 500 миллион сўм миқдорига камайтириш кўзда тутилсин, деган таклифни сизларнинг муҳокамаишига киритади. АҚШ ҳукуматининг вакиллари Қўшма Штатлар ҳукуматининг планлари тўғрисида бизга тегишли баёнотлар бердилар. Шу баёнотлардан маълум бўлишича, АҚШ ҳукумати ҳам 1965/66 бюджет йилида ўзининг ҳарбий харажатларини қисқартирмоқчи.

Бицобарин, келгуси йилги бюджетда Совет Иттифоқининг ҳарбий харажатларини қисқартириши ва АҚШда ҳарбий харажатларнинг кутилаётгандек қисқартирилиши халқаро кескинликни камайтириш йўлида қўйилган муайян ижобий қадамдир.

Жаҳондаги 115 давлат қатнашаётган катта форум бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро хавфсизлик учун курашда зўр роль ўйнаши лозим. Кейинги вақтларда актуал халқаро проблемаларни Бош Ассамблея сессиясида кўриб чиқишга халақит бермоқ учун ҳаракат қилиб кўрилди ва Ғарб давлатларининг айби билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошига тушган молиявий қийинчиликлар баҳона қилинди. Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишида тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик органи бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлаш позициясида қатъий турибди ва бизнинг бу йўлимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатларнинг кенг доираси қўллаб-қувватламоқда.

Европада хавфсизликнинг мустаҳкам гарантиясини вужудга келтириш тинчликни мустаҳкамлашнинг жуда муҳим шартидир.

Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва Германия проблемасини тинч ҳал қилиш масаласида бир битимга келиш зарурлигини Европа халқлари ҳамisha ҳис қилмоқдалар, чунки бундай битимнинг йўқлиги Европа марказидаги бутун вазиятга айниқса зарарли таъсир ўтказмоқда ва келгусида жуда жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

НАТОнинг кўп томонлама ядро кучларини вужудга келтиришга тайёргарлик ишлари Фарбда авж олдириб юборилганлиги сабабли аҳвол тагин ҳам кўпроқ мураккаблашмоқда. Бундай планларни амалга ошириш нимани билдиради? Бундай планларни амалга ошириш билан Европа хавфсизлигига путур етказилади. Ядро қуроли янада кенроқ ёйилади, Германия Федератив Республикаси ҳақиқатда ядро қуролига шерик қилиб қўйилади. Германия Федератив Республикасида эса реваншчилар ва милитаристлар ташиқ сиёсат йўлига катта таъсир ўтказмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушининг якунларини ревизия қилишни, Европада вужудга келган чегараларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқдалар.

Бошқа социалистик мамлакатлар каби Совет Иттифоқи ҳам НАТОнинг кўп томонлама ядро кучлари вужудга келтирилишига қарши кескин кураш олиб бормоқда ва бу курашни давом эттириверади. Вазиятни янада жиддий ҳисобга олиб Совет Иттифоқи Европада ядро қуролини қатъий қилиб таъминлаш билан Европада хавфсизлик таъминлашидан фойда манфаатдор бўлган давлатлар билан маслаҳатлашиб олиш мақсадида мувофиқ бўлган давлатлар билан муносабатларни яхшиламоқда.

Совет Иттифоқи халқаро низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳамisha тарафдор бўлиб келмоқда. Биз Фарб давлатлари билан музокаралар олиб боришни талаб қилмоқдамиз ҳамда низоли масалаларни бартараф қилмоқ учун зўр бериб ва сабр-матонат билан ҳаракат қилишга тайёرمىз. Бунинг учун, ўз-ўзидан маълумки, бизнинг музокарадошларимиз ҳам тинчлик иши учун фойдали бўладиган қарорларга келиш йўлини излашни ҳақиқатан исташлари зарур.

Биз Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни ривожлантириш тарафдоримиз. Бу йўлда, гарчи унча катта бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бирмунча силжиш бошланди. Бу силжилни мустаҳкамлаш ва давом эттириш зарур. Бизнинг фикримизча, бунинг учун низоли спёсий масалаларни ҳал қилиш чораларини қидириш соҳасида ҳам, шунингдек ҳар иккала мамлакатнинг иқтисодий, маданий ва илмий алоқа қилишлари соҳасида ҳам имкониятлар бор.

Англияда лейбористлар партияси орадан 13 йил ўтгач яна ҳокимият тепасига чиқиб олди. Бу партиянинг раҳбарлари Буюк Британия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни яхшилашга кўмаклашиш истагида эканликларини неча мартабала

гапирдилар. Биз бу гапларга диққат ва эътибор билан қардик, биз ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ҳам йўлга қўйишга кўмаклашиш учун тайёрмиз.

Францияга нисбатан сиёсатимизда шунга асосланиб иш олиб бормоқдамизки, Европа қитъасидаги иккита энг катта давлат бўлган Совет Иттифоқи билан Франция зиммасида Европадаги хавфсизлик учун зўр масъулият бор. Совет-француз муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари мавжуд. Бунини, жумладан, СССР билан Франция ўртасида 1965—1969 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли савдо битими шу йил 30 октябрда имзоланганлиги кўрсатиб турибди.

СССРнинг Афғонистон ва Финляндия билан муносабатлари яхши ривожланмоқда. Совет Иттифоқи Италия, Япония, Швеция, Дания, Норвегия, Австрия, Туркия, Эрон, Греция ва бошқа капиталистик мамлакатлар билан ҳам ўз алоқаларини янада ривожлантираверишга тайёр. Шу билан бирга Совет ҳукумати сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам мазкур давлатлар билан муносабатларини мустаҳкамлашга интилаверади.

Совет Иттифоқи билан капиталистик мамлакатлар ўртасида чинакам катта ва ўзаро фойдали савдо-сотиқ кенгайиб кетиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Агар Ғарб биз билан ўзаро фойдали шартлар асосида кенг савдо-сотиқ қилишни ҳақиқатан истаса, Совет бозорининг ҳажмини ҳам, шунингдек Ғарб мамлакатларини қизиқтираётган хом эшёнларни, ускуналарни ва бошқа молларни совет мамлакатидан етказиб беришни ҳам анча кўпайтириш мумкин бўлур эди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани бажарилиб бўлаётган ва Совет Иттифоқи бундан буёнги беш йиллик давр учун ўз экономикасини иланлаштиришга киришаётган ҳозирги вақтда савдо-сотиқни ривожлантириш имкониятларини плавларимизда акс эттириш ва тегишли тармоқларга қўшимча катта маблағлар сарфлаш мумкин бўлур эди. Бу эса Совет Иттифоқининг Ғарб мамлакатлари билан савдо муносабатларини мустаҳкам негизга асослантирган бўлур эди, узоқ муддатларга мўлжалланган савдо битимларини тузиш имкониятини берган бўлур эди.

Турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги алоқалар нақадар кенг ва хилма-хил бўлса, биз самарали халқаро ҳамкорлик ўрнатишга шу қадар кўпроқ яқинлашамиз.

Ҳозирги вақтда Ғарбдаги баъзи давлатларнинг халқаро кескиликни юмшатиш манфаатларига зид келадиган ҳаракатлар қилаётганликлари, қўпол равишда ўзбошимчалик қилаётганликлари сингари фактларга дуч келмоқдамиз.

Конгода кейинги вақтларда бўлиб ўтган воқеалар бутун дунёни жуда ғазаблантирди. Бу воқеалар Африкани мустамлакага

айлантириб, қул қилиш тарихининг энг шармандали саҳифаларини эслатади. Совет ҳукумати ва мамлакатимиз жамоатчилиги Бельгия ва АҚШнинг Конгодаги интервенциясини кескин равишда қораладилар.

Совет ҳукумати Кариб денгизи районидаги, Жапуби-Шарқий Осиёдаги ва жаҳоннинг бошқа районларидаги воқеаларнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турибди, чунки агрессив империалистик доираларнинг шу жойлардаги ҳаракатлари вазиятни кескинлаштириб юбормоқда. Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатларнинг — Вьетнам Демократик Республикаси ва Куба республикасининг тақдирига индамай қараб туролмайди, деб билдиради. Агар агрессорлар уларга қўл кўтарсалар, Совет Иттифоқи шу қардош социалистик мамлакатларга зарур ёрдам кўрсатишга тайёр.

Ғарб давлатлари раҳбар арбобларининг халқаро кескинликни юмшатишни, СССР билан муносабатларни яхшилашни, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашни истаймиз, деган гапларини кўп марталаб эшитишга тўғри келмоқда. Агар бу гаплар ўшар Ғарб давлатларининг амалий ҳаракатларига зид бўлиб чиқмаганида эди, бундай гапларни фақат табриклаш мумкин бўлур эди. Жаҳоннинг бошқа районларида қарбий ишларнинг оқибати учун кўп қўллайтувчи бўлишида Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш мумкинлигига умид қилиб бўлмайди. Совет ҳукумати шунини очиқ ва равшан айтадики, ҳамма давлатлар кимнинг дўсти бўлишиларидан ва қайси қитъада — Европадами, Осиёдами, Африкадами ёки Латин Америкасидами — жойлашганликларидан қатъи назар, улар халқаро кескинлик юмшаганлигининг самараларидан фойдаланишлари лозим.

Биз мамнуният билан шунини айтишимиз мумкинки, Осиё ва Африкадаги мустақил давлатларнинг кўпчилиги билан Совет Иттифоқи мустаҳкам дўстона муносабатлар боғлаб олди. Осиё ва Африкадаги миллий озодлик ҳаракати йилдан-йилга тобора янги муваффақиятларга эришмоқда. Африка қитъасида бизнинг халқ Жазоир, Бирлашган Араб Республикаси, Гана, Гвинея, Мали ва бошқа мамлакатлар сингари яхши дўстларимиз бор. Ҳиндистон, Индонезия ва Цейлон билан муносабатларимиз йилдан-йилга тобора кенгаймоқда ва самарали бўлиб қолмоқда. Латин Америкасидаги баъзи мамлакатлар билан муносабатларимиз яхшиланиб бормоқда.

Депутат ўртоқлар! Коммунизм идеяларининг ғалабаси учун бутун дунёда тинчлик учун курашда бизнинг энг яқин дўстларимиз ва сафдошларимиз — социалистик мамлакатлардир. Социалистик ҳамдўстликда халқаро муносабатларнинг социалистик интернационализмга, қардошларча дўстликка, кенг ҳамкорликка ва ўзаро ёрдамга асосланган янги тили вужудга келди. Совет ҳукумати бу муносабатларнинг ҳаминша тенг ҳуқуқлилиқ, суверен

хуқуқларни ҳурмат қилиш ва ҳар бир мамлакатнинг манфаатларини бутун ҳамдўстлик манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш намунаси бўлиб қолишига интиломда. Бундай муносабатлар осонлик билан вужудга келмайди, ўз-ўзидан туғилмайди. Лекин биз шу нарсага жуда аминмизки, социалистик мамлакатларнинг дўстлиги ва жиқслиги доимо мустаҳкамланаверади, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги янги чўққиларга кўтарилаверади.

Биз барча социалистик давлатлар ўртасида кенг иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Қардош мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ўса боргани сари жаҳон социализм системаси замиридаги афзалликлардан тўлароқ фойдаланилаверади. Буни социалистик мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти бўлган Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида халқ хўжалик планларини координациялаш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш соҳасида олиб борилаётган жиддий иш кўрсатиб турибди. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида ташқи савдо кенгайиб бормоқда.

Социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришнинг яхши истиқболлари бор. Бундай ҳамкорлик натижалари шу ҳамкорликда қатнашаётган мамлакатларга тобора катта фойда келтира беради ва жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ёрдам бераверади.

Сизларни ишонтириб шуни айтишим мумкинки, ўртоқлар, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини ва жиқслигини марксизм-ленинизм принциплари асосида мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўришни партиямиз ва совет ҳукумати ўзининг биринчи даражали вазифаси, деб ҳисоблайди.

Депутат ўртоқлар! Халқаро майдонда Совет Иттифоқининг обрўси ва таъсири доимо ўсиб бормоқда, деб айтиш учун қўлимизда ҳамма асослар бор. Давлатимизнинг овозига ҳамма жойда қулоқ солмоқдалар. Совет ташқи сиёсати катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқда. У совет халқига коммунистик жамият қуриш учун тинч шароитда ишлаш имкониятини таъминлаб бериб, тинчликни сақлаб қолишга актив ёрдамлашмоқда.

Бизнинг кучимиз кўпаймоқда ва ўсмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил октябрь ва ноябрь ойида бўлиб ўтган пленумлари қабул қилган қарорлар барча совет кишиларининг коммунистик қурилишда ижодий ташаббус кўрсатишлари ва актив қатнашишлари учун кенг имконият очиб берди.

1965 йилги халқ хўжалик плани — етти йиллик охириги йилнинг плани халқимиз олдида коммунистик партия қўйган

мақсадларга эришиш йўлида олға қўйилган яна бир янги қадам бўлади. Бу план мустаҳкам ва реал негизга асосланиб тузилди ҳамда саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг ходимлари олдига, барча совет кишилари олдига катта ва муҳим вазифалар қўяди. Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Коммунистик партия ағрофига маҳкам жипслашган бизнинг халқимиз бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун бутун куч ва билимларини сарфлайди ва бу вазифаларни ўз меҳнати билан муваффақиятли равишда амалга оширади, деб ишонадилар.

ОСИЁНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИГА САФАР ТЎҒРИСИДА

*СССР Марказий телевиденияси орқали
1965 йил 26 февралда
сўзланган нутқ*

Қадрли ўртоқлар! Совет Иттифоқи делегацияси яқинда Осие-нинг социалистик мамлакатлари — Вьетнам Демократик Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикасига қилган сафардан қайтиб келди. Виз у ерга мазкур мамлакатлар ҳукуматларининг таклифига биноан бордик. Ханойга кетаётиб ва қайтишда Пекинда икки марта тўхтадик.

Совет делегациясининг сафар қилишидан мақсад нима?

Вьетнам ва Кореяга йўлга чиқарканмиз, биз бу мамлакатларнинг коммунистик партиялари ва ҳукуматлари раҳбарлари билан фикр алмашишни, қардошларча муносабатларимиз ва жиҳслигимизни, шу билан бирга тинчлик, демократия ва социализм кучларини янада мустаҳкамлаш чораларини ҳам биргаликда ўйлаб олишни назарда тутдик. Вьетнам Демократик Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси социалистик давлатлар буюк оиласининг аъзолари ҳамда социализм ва коммунизм учун умумий курашда ўртоқларимиз ва сафдошларимиздир.

Вьетнам Демократик Республикасига кетаётганда биз бу районда юз бераётган вазиятни ҳам ҳисобга олдик, албатта. У ерда ҳақиқатда уруш кетяпти — чет эл интервентлари вьетнам халқига қарши уруш олиб борапти. Сўнгги вақтларда Қўшма Штатларнинг милитаристик доиралари агрессия ҳаракатларини кенгайтиришдан иборат хатарли йўлга ўтмоқдалар. Ҳинди-Хитой ярим оролида ҳарбий хавфнинг кучайиши барча тинчликсевар давлатлардан тинчликни ҳимоя қилиш, низонинг авж олишига йўл қўймаслик учун кескин чоралар қўришни талаб қилади. Совет делегациясининг демократик Вьетнамга сафари Совет Иттифоқи вьетнам халқининг адолатли ишени актив қўллаб-қувватлаётганлигининг ифодаси бўлди.

Жануби-Шарқий Осиеда ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати бўлган Вьетнам Демократик Республикасининг пайдо бўлганидан буён қарийб 20 йил ўтди. У ерда мустамлакачилар хўжайинлик қилган вақтлар энди қайтиб келмайди. Меҳнаткашлар эндиликда ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолдилар. Улар

иқтисодий қолоқликни тугатиш ва социализм галабасини таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасида эканлигимизда вьетнам ишчи ва деҳқонлари зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликларининг, улар ҳаётни янги-часига қайта қуришга астойдил киришганликларининг гувоҳи бўлдик.

Мустамлакачилар ҳукмронлик қилган даврда Вьетнамда миллий саноат йўқ эди. Эндиликда эса бу ерда мамлакатнинг ўзининг энергетика корхоналари, металлургия, химия ва бошқа заводлар барпо этилган. Кўндан-кўп мактаблар қурилган, саводсизлик деярли тугатилган. Вьетнамликлар биринчи бор текин медицина ёрдами оладиган бўлиб қолдилар.

Ҳозирги вақтда демократик Вьетнам халқи ўзининг биринчи беш йиллигини ниҳоясига етказмоқда. Бу беш йилликнинг асосий мақсади — Шимолий Вьетнамда социализмнинг моддий-техника базасига замиш яратишдан иборат.

Янги жамият барпо этиш — осон иш эмас, албатта. Социализм қурилиши мустамлакачилар ҳукмронлиги оғир мерос қолдирган Вьетнам сингари мамлакатда айниқса катта меҳнат ва кураш билан амалга оширилмоқда. Лекин Вьетнам Демократик Республикаси халқи ўз партияси раҳбарлигида социалистик йўлдан коммунистик бийлик билан тўмон даража бормоқда.

Бизнинг келишимиз арафасида Вьетнам халқи Вьетнам коммунистлари партияси барпо этилганлигининг 35 йиллигини таътанали нишонлаган эди. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва унинг раҳбарлари халқнинг катта иззат-ҳурматига сазовор бўлганлар. Биз Вьетнам коммунистлар партиясининг асосчиси ва синалган раҳбарларидан бири, унинг Раиси ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Хо Ши Мин билан учрашганимиздан хурсанд бўлдик. У илгаригидек ҳозир ҳам бардам ва чарчамас эканлигини, ўзининг бутун кучини ўз халқига бағишлаётганлигини кўриб қувондик. Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Биринчи секретари ўртоқ Ле Зуан, Бош министр ўртоқ Фам Ван Донг ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг бошқа таниқли арбоблари билан учрашувлар ва суҳбатлар бизда катта таассурот қолдирди.

Агар Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашлари коммунистик билан социал, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлидан бораётган бўлсалар, мамлакат жанубидаги Вьетнам халқининг тақдирини бутунлай бошқача бўлди.

Жанубий Вьетнам ерида кўп йиллардан буён шиддатли уруш кетяпти, тинч аҳоли қириляпти, қишлоқлар ёндириляпти. Қўшма Штатлар 1954 йил Женева битимларини қўпол равишда бузди. Улар Вьетнамда демократик сайлов ўтказишни бузиб, мамлакат жанубида халққа қарши сайгон режимини ўрнатдилар. Бу режим фақат америка найзаларига суянишига қарамай, Жанубий

Вьетнамда навбатдаги давлат тўнтаришисиз ўтмаган бпр неча ойни ҳам эслаш қийин. Қўғирчоқ ҳукмдорлар вьетнам халқининг мустақиллик ва озодликка интилишини ваҳшийларча бостиришга уришмоқда. Жанубий Вьетнамда 25 мингдан кўп америка солдати ва офицери вьетнам ватанпарварларига қарши операцияларда қатнашмоқда. Жанубий Вьетнам соҳилларида 7-америка флотининг авианосецлари ва бошқа ҳарбий кемалари узлуксиз сузиб юришди.

Жанубий Вьетнамдаги миллий-озодлик ҳаракатини ўқлар ҳам, напалм ҳам тўхтатолмади ва тўхтатолмайди ҳам. Чунки бу миллий-озодлик ҳаракати чинакам умумхалқ характерига эгадир.

Бу курашда аҳолининг турли хил қатламларига мансуб бўлган, турли хил сиёсий қарашлар ва эътиқодларга эга бўлган кишилар қатнашмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг асосий мақсадларига кўра бирдамдир. Улар чет эл интервенциясини тўхтатишга, Жанубий Вьетнамда мустақиллик, демократия, тинчлик ва бетарафлик сиёсатини олиб борадиган миллий коалицион ҳукумат тузишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мавжуд маълумотларга кўра, Жанубий Вьетнам Миллий фронти ҳозирнинг ўзидаёқ Жанубий Вьетнам территориясининг тахминан тўртдан уч қисмини Сайгон режими ҳукмронлигидан ва интервентларидан озод қилиб бўлди. Бу территорияда эса мамлакат аҳолисининг уддан икки қисмига яқини яшайди.

Жанубий Вьетнамда юргизаётган сиёсати барбод бўлаётганига тобора ишонч ҳосил қилаётган америка ҳарбийлари вьетнам ватанпарварларини қўрқитиш воситаси сифатида Шимолий Вьетнамнинг тинч аҳолисини бомбардимон қилмоқда. Империалистлар Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг озодликка эришиш борасидаги қатъияти учун бутун вьетнам халқидан ўч олишга уришмоқда. Лекин улар бундай йўл билан ўз мақсадларига эришамиз деб қаттиқ янглишади. Бу репрессиялар чет эл интервентларига бўлган қаҳр-ғазабни кучайтиради, вьетнам халқининг мардлиги ва матонатини мустаҳкамлайди, холос.

Қардош республикада бўлганимизда вьетнам халқи америка ҳарбийларининг пфвогарлик ҳаракатини зўр мардлик ва матонат билан қарши олганлигининг гувоҳи бўлдик. Биз қудратли норозилик намойишларини кўрдик. Вьетнам халқи агрессорларга кескин зарба бериш учун янада маҳкам жишслашган. Америка самолётларининг Вьетнам Демократик Республикасининг тинч шаҳар ва қишлоқларини қароқчиларча бомбардимон қилиши совет халқи, барча социалистик мамлакатлар халқлари, барча тинчликсевар халқларнинг ғазабига ва кескин қоралашига учради. Ҳатто Қўшма Штатларнинг иттифоқчилари бўлган Англия, Италия, Японияда ҳам норозилик митинглари ва намойишлари тўлқини юз бермоқда.

Вьетнам Демократик Республикасини ҳимоя қилиб чиқиш — бу мустақиллик ва озодликни ҳимоя қилиб чиқиш демакдир. Вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш — дунёдаги барча прогрессив кишиларнинг ишидир. Матбуот вакиллари агар чидаан ҳам прогрессив жамоатчилик фикрини ақс эттираётган бўлсалар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари агар империалистик реакция томонига ўтишни хоҳламасалар, турли хил қарашлар ва эътиқоддаги кишилар агар гуманизм идеалларини қадрласалар ўз овозларини баландлатадилар ҳамда вьетнам халқига нисбатан бўлаётган зўравонлик ва ҳақсизликни қоралайдилар.

Табиийки, Ҳинди-Хитойда вужудга келган вазият Вьетнам раҳбарлари билан бўлган суҳбатимизнинг диққат марказида турди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати-нинг топириғига мувофиқ биз вьетнамлик дўстларимизга Совет Иттифоқи қардош социалистик республиканинг тақдирига бефарқ қарамаслигини ва унга зарур ёрдам кўрсатажаклигини билдирдик.

Бизнинг Қўшма Баёнотимиздан биласизларки, музокаралар давомида Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган чоралар тўғрисида битимга эришилди. Ҳозирги вақтда бу битим амалга оширилмоқда. Вьетнам ҳақида яна бир эътиборли ҳақиқат қилиш керак: 1962 йилда берилганлар қаттиқ шикоятлар.

Вьетнамлик ўртоқлар билан бўлган суҳбатларимизга биз Ҳинди-Хитойдаги бошқа давлатларда вужудга келган аҳволни ҳам муҳофаза қилдик. Камбоджанинг мустақиллиги ва нейтралитетига қарши инволар қилинмоқда. Американинг Лаос ишларига аралашини бу мамлакатдаги шундоқ ҳам танг аҳволни янада мураккаблаштирмоқда.

1962 йилда Лаосда учта куч битишганлиги натижасида миллий бирлик ҳукумати тузилди ҳамда Лаос масаласини ҳал қилиш бўйича Женева кенгашининг қатнашчилари, жумладан АҚШ ҳам Лаос масаласини шу тариқа ҳал қилишни ҳурмат қилиш ва «Лаос короллигининг суверенитетини, мустақиллигини, нейтралитетини, бирлигини ва территориал бутунлигини таъминлаш» мажбуриятини олган эдилар. Ҳозирги вақтда эса Америка авиацияси Лаос ишларига тўғридан-тўғри аралашининг бошқа формалари билан бирга, бу мамлакатнинг тинч аҳолисини, америкаликларнинг фикрига кўра бу мамлакатдаги кучлар нисбатини ўз фойдаларига ўзгартириши мумкин бўлган районларни айниқса қаттиқ бомбардимон қилмоқда. Бу халқаро битимлар, халқаро ҳуқуқларни поймол қилишнинг яна бир мисolidир. Биз Женева битимларини ҳимоя қилишда қатъий эканлигимизни яна бир тасдиқлаб, АҚШдан ва шунингдек Женева кенгашининг бошқа қатнашчиларидан бу мажбуриятларни ҳурмат қилишни ва унга қаттиқ амал қилишни талаб қилдик.

АҚШнинг суверен давлат — Вьетнам Демократик Республикасига қарши қуролли ҳаракати, табиғий, кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари ва халқларини жиддий ташвишлантирмоқда.

Яқинда Вашингтонда тинчликчи мустақамлаш йўлларини қидириб топиш зарурлиги тўғрисида, халқаро контактларни кенгайтириш муҳимлиги тўғрисида баёнот берилди. Маълумки, Совет Иттифоқи халқаро ҳамкорликчи мустақамлаш мақсадида халқаро кескинликчи юмшатиш юзасида тегишли чоралар ишлаб чиқиш учун бошқа мамлакатлар билан контактлар ўрнатиш тарафдор бўлиб майдонга чиқмоқда. Бироқ Қўнма Штатлар ҳукуматининг бу Баёнотини унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлари билан асло сингилтириб бўлмайди. Халқаро ҳуқуқнинг элементар нормаларини ва БМТ Уставини бузиш — сирганчиқ йўл, унинг оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Ана шундай вазиятда барча тинчликсевар мамлакатларнинг бурчи — Вьетнам Демократик Республикасининг ҳуқуқлари ва суверенитетини астойдил ҳимоя қилиб чиқишдан иборатдир. Агар ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқларга қарши ҳарбий куч ишлатишдан иборат империалистик сиёсатга зарба берилмаса, агар империалистик агрессия фактларидан кўз юмиладиган бўлса, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ҳар қандай ёш давлатнинг мустақиллиги доимий хавф остида қолган бўлур эди. Империализмнинг халқларнинг ҳуқуқларига хуружга хотима бермоқ лозим.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги визо авж олиб кетишининг олдини олиш ҳамда Ҳинди-Хитой проблемаларини музокаралар столга теварағида ҳал этиш йўлини топиш учун тинчликсевар мамлакатлар Женева битимларининг қатъий бажарилишига даъват этмоқдалар. Қўшма Штатларнинг демократик Вьетнамга қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилсин — Ҳинди-Хитойдаги аҳволни нормаллаштиришга олиб келувчи йўллари қидириб топиш учун шароит яратиш мақсадида биринчи навбатда ана шу талаб этилади.

Биз Корея Халқ Демократик Республикасига сафарга, унинг раҳбарлари билан учрашиш ва суҳбатлашишга катта эътибор бердик.

Мен демократик Кореяда буздан олдин ҳам, 1961 йилда бўлганман. Шунинг айтишим кераки, ўша вақтдан буён ўтган тўрт йил ичида республика социалистик жамият қурилишида, ўз эконимикасини ривожлантиришда кўп муваффақиятларга эришди.

Корей халқи катта кураш ва синовлар йўлини ўтди. Мамлакат япон империалистлари зулми остида эканлигида корейс ватанпарварлари босқинчиларга қарши фидокорона ва актив кураш олиб бордилар. Озодликка эришилгандан кейин салкам 20 йил ичида социалистик Корея ривожланган индустриал — аграр

давлатга айланди. Шу йиллар ичида шонли Корея Меҳнат партияси меҳнаткашлар оммасининг жанговар раҳбари ва ташкилотчиси бўлди. Корея Халқ Демократик Республикаси эришган катта муваффақиятлар мамлакатнинг ички сиёсий аҳволи мустаҳкам эканлигида, меҳнаткашлар ўз партияси теварагига маҳкам жипс-лашганлигидан дарак беради.

Ҳозир демократик Корея ўзининг етти йиллик ялпиви бажариш ишлари билан машғул. Етти йиллик илан бажарилгандан кейин республика саноат ишлаб чиқариши олға томон катта қадам тайлаши керак. Республика раҳбарлари экономиканинг турли тармоқларида ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида, қандай проблемаларни ҳал қилишга ва қандай қийинчиликларни енгил-га тўғри келаётганлиги тўғрисида бизга батафсил гапириб берди-лар. Оғир саноатни, химия ва энергетикани, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кореяда социализм қурилиши мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Вьетнам сиғари, Корея ҳам сунъий равишда икки қисмга ажратиб юборилган. Бу ерда, бир мамлакат территорияси-да, икки ижтимоий система, икки тараққиёт йўли тўқнашиб қол-ди. Агар Шимолий ва Жанубий Кореянинг ўтган йилларда эриш-ган натижалари бир-бири билан қиёс қилинадиган бўлса, соци-алистик йўлнинг афзаллиги айниқса яққол кўзга ташланади.

Жанубий Кореяда саноатнинг шимолий Кореядан саноат, қиш-лоқ хўжалиги ва маданий тараққиёт жиҳатидан анча орқада қол-ган. Қашшоқлик ва очлик ҳамон мамлакат жаҳубида ишовчи қўш-чиллик аҳолисининг оғир қисмати бўлиб келмоқда. Империалистлар Жанубий Кореядан ўз мустамлакasi ва ҳарбий базasi сифатида фойдаланмоқда, мамлакатнинг тинч йўл билан бирлашувига тўс-кинлик қилмоқда, халқ Кореясига қарши ифвогарлик ҳаракатла-рини авж олдирмоқда.

Совет корейс дўстлиги уруш синовларининг оғир йилларида ҳам, тинч қурилиш йилларида ҳам ривожланди ва мустаҳкам-ланди. Мамлакатимиз халқлари социализм ва коммунизм учун, империалистларнинг агрессив ниятларига қарши, бутун дунёда тинчлик учун биргаликда кураш олиб боришларига ишончимиз комил.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1961 йилда тузилган Шартнома Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демокра-тик Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг мус-таҳкам негизидир. Бу шартнома пролетар интернационалиزمи руҳи билан суғорилган бўлиб, Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсиз-ликни мустаҳкамлашнинг муҳим дастури бўлиб хизмат қилади.

Биз корейс ўртоқларга совет халқи корейс халқининг ўз мам-лакатини қайта бирлаштириш учун олиб бораётган курашига чин юракдан хайрихоҳ эканлигини айтдик. Биз Америка қўшинлари Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетилиши керак деб ҳисоблаймиз

ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг ўз мамлакатини тинч йўл билан бирлаштириш борасидаги ғайратини қўллаб-қувватлаймиз. Корейс масаласи — бу корейс халқининг ички иши. Бинобарин, бу масала корейс халқининг ўзи томонидан ҳал қилиниши мумкин ва лозим.

Корейс ўртоқлар билан бўлган суҳбатларимиз чоғида империализмнинг Осиёдаги бошқа районлар ва жумладан Ҳинди-Хитойда олиб бораётган агрессив ҳаракатлари муносабати билан келиб чиққан асосий проблемалар бўйича бир фикрга келдик.

Пхеньянда бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар шуни кўрсатдики, бизнинг партияларимиз ва ҳукуматларимиз бутун социалистик ҳамдўстликнинг ўзаро ҳамкорлиги ва жиқслигини мустаҳкамлашга иштирокдорлар. Биз совет ва корейс халқлари ўртасидаги жанговар дўстлик бундан буён мустаҳкамланиб ва ривожланиб боришига ишонамиз.

Ким Ир Сен, Цой Ен Ген ва Корея Халқ Демократик Республикасининг бошқа раҳбарларига, Кореянинг барча меҳнаткашларига дўстона суҳбатлари учун, сидқидилликлари учун ва бизни ҳамма жойда илқ кутиб олганликлари учун чин юракдан миннатдор эканликларимизни яна бир бор изҳор қилмоқчиман.

Совет делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига ва Корея Халқ Демократик Республикасига сафарига яқин ясар эканман, шунини айтиш керакки, бу сафар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бирликни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Музокараларимизнинг энг муҳим натижаси ўлароқ, биргаликда қабул қилинган Баёлотда Совет Иттифоқи, Вьетнам Демократик Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси социализм мамлакатлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва жиқсликни ҳимоя қилиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, империализмга қарши ягона фронтни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлашга аҳд қилганлигимиз яна бир бор тасдиқланди.

Вьетнам ва корейс дўстларимизнинг илтимосларига қўра барча совет кишиларига уларнинг саломини ҳамда коммунизм қурилишида янгидан-янги ютуқларга эришишда чин юракдан билдирган истаklarини тошпиришга рухсат бергайсиз.

Айтиб ўтганимдек, сафаримиз вақтида биз икки марта Пекинда тўхтаб, хитой раҳбарлари билан учрашдик ва суҳбатлашдик. Бу учрашув ва суҳбатлар вақтида ўзаро манфаатларга дахлдор бўлган проблемалар юзасидан ошқора фикр алмашишдик. Биз халқаро аҳвол, жаҳон коммунистик ҳаракати, партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлардан иборат масалаларни муҳокама қилдик.

Бу суҳбатлар чоғида совет делегацияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг позициясини баён қилди. Биз Ленин йўлидан дадил бормоқдамиз. Бу — коммунизм

қурилши йўли, империализмга қарши кураш, революцион ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, жаҳон урушининг олдини олиш ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш йўлидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва қардошларча ҳамкорлигига, улар ўртасидаги партиявий ва давлат алоқаларини ривожлантиришга айниқса катта аҳамият беради. Биз жаҳон коммунистик ҳаракатидаги қўшнчиликларни енгилга, унинг марксизм-ленинизмнинг принципал базасида, Коммунистик партияларнинг 1957 ва 1960 йилларда бўлиб ўтган Москва кенгашларида қабул қилинган Декларациялар ва Баёнотлар асосида жипслашувига эришмоқдамиз. Бу — коммунистик ҳаракат барча отрядларини жипслаштириши учун реал асосдир.

Пекинда олиб борилган музокаралар чоғида, шунингдек, Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантиришга тааллуқли бўлган қатор масалаларга ҳам тўхталдик. Бу масалаларни амалий ҳал қилиш мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Биз хитой раҳбарлари билан бўлган учрашувлар ва суҳбатлар фойдали бўлди деб ҳисоблаймиз. Чунки бу суҳбатлар ва учрашувлар муносабатларининг янада ривожлантирилиши учун яхши имконият берди.

Халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган қийинчиликлар ва келишмовчиликларни дарҳол ҳал қилиб бўлмайди, бу табиий. Биз қарашларда мамлакатлар тарихий ривожланишининг муайян хусусиятлари билан, турли босқичдаги тараққиётнинг ўзига хос томонлари билан боғлиқ бўлган тафовутлар борлигини ҳам яхши биламиз. Ҳар бир мамлакатдаги конкрет тарихий вазиятдан, миллий хусусиятлардан, миллий ўзига хосликдан келиб чиқувчи бу тафовутларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Лекин марксизм-ленинизмнинг кучи шундаки, бундай хусусиятлар ва ўзига хос томонлар жаҳон коммунистик ҳаракатининг умумий вазифаларини ҳал қилишга зид келмайдигина эмас, балки социалистик интернационализмнинг буюк принциплари билан органик қўшилиб кетади. Бизнинг партиямиз биз учун муқаддас бўлган социалистик интернационализм принципларини амалга ошириш учун доимо изчиллик билан кураш олиб борди ва кураш олиб бормоқда.

Бизнинг интернационал бурчимиз — барча коммунистик партиялар, барча революцион кучларнинг бурчи — ягона сафга бирлашишдан, ҳаракат бирлигимизни мустаҳкамлашдан, тинчлик ва социал тараққиёт ишини биргалликда ҳимоя қилишдан иборат.

Социалистик лагернинг бирлашган кучи — енгилмасдир. Бунга социалистик мамлакатлар меҳнаткашларигина эмас, шу билан

бирга халқаро ишчилар синфи ҳам тўла асос билан ишонадилар. Социалистик давлатлар империалистик хавф олдида бирдам ва ҳамкор эканликларига ҳеч кимда шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки социалистик давлатлар ўзларининг хавфсизлигига империалистик агрессорларнинг ҳар қандай хуружини даф этиш учун реал воситаларга эгадирлар.

Совет Иттифоқи социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлайверади. Айни вақтда бизнинг сиёсатимиз бирон-бир мамлакатга ёки миллатга қарши қаратилмаган. Дунёдаги барча халқлар, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар билан биргаликда биз бундан буён ҳам халқаро кескинликни юмшатиш учун, ёппасига қуролсизланиш, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун кураш олиб боришга тайёرمىз. Ер юзидаги тинчликсевар кучлар тинчлик ва инсониятнинг социал тараққиёти йўлидаги барча таҳдидларни, барча тўсиқларни бартараф этиш учун жипслашмоқлар керак. Тинчликни мустаҳкамлаш совет халқи бораётган коммунизмни қуришдан иборат буюк мақсадни амалга ошириш учун ташқи шароит яратади, бутун инсониятнинг социал тараққиётига кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Ҳурматли телетомошабинлар, эътиборларингиз учун ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

лишлар халқ хўжалиги планларида, кўпгина докладлар ва эълон қилинган мақолаларда ҳам акс эттирилиб, масалан тўғри қал қилиш йўли сифатида талқин қилинди.

Мен бу ҳақда фақат шунинг учун тўхтаяпманки, бу ерда ҳеч ким бундай нормал бўлмаган аҳвол ҳақида индамади. Ваҳоланки, бу нотўғри йўл-йўриқлар ҳозиргача жойларда кўп планчилар томонидан планлаштириш учун раҳбарий кўргазма деб қабул қилинмоқда.

Шундай масалалардан бири планларни қаерда — марказда тузиш керакми ёки жойларда тузиш керакми, деган масаладир. Баъзилар, план марказда тузилиши ва жойларга юборилиши, маҳаллий органлар эса шу пландан чиқмаслиги керак, дейишади. Баъзилар плани жойлардаги ходимлар тузгани яхши, чунки уларга ҳамма нарса аён, Иттифоқ Госплани эса маҳаллий планларни яхлит ҳолга келтириб қўя қолади, дейишади. Менинча, биринчи нуқтаи назар ҳам, иккинчи нуқтаи назар ҳам тўғри эмас. СССР Госплани республикалардан келадиган планларни «бир-бирига улаб» қўйса бўлди, деган хом қонда эсларингда бўлса керак. Бундай примитив тасаввур планлар қандай тузилиши кераклиги ҳақида тасаввурни йўқ кишилардагина туғилган. Жойларда катта ишлар олиб борилди, бу шак-шубҳасиз, лекин бу ишлар ҳар доим ҳам умумдавлат манфаатларига жавоб бергани йўқ, жойлардан олинган планларда маҳаллий тенденциялар жуда аниқ намоён бўлган ҳолларда айниқса шундай бўлди.

Кўпгина раҳбар ходимлар, саноат маҳаллий органларга бўйсунаркан. Халқ хўжалиги кенгашлари мавжуд экан планлаштиришда лозим даражадаги тартиб бўлмайди, деган фикрни ҳам билдиришмоқда.

Халқ хўжалигини планлаштириш экономикани бошқаришни ташкил этиш, унинг форма ва методлари билан маҳкам боғлиқдир. Бинобарин, мавжуд система такомиллаштиришга муҳтож, бу шубҳасиз. Бироқ планлаштиришдаги ва хўжалик фаолиятидаги камчиликларни фақат саноат ва қурилишни бошқариш системасининг такомиллашмаганига ағдариб қўйиш нотўғри бўлур эди. Агар шу нуқтаи назарга амал қиладиган бўлсак, яна кўп хатолар қилган бўламыз.

Халқ хўжалиги плани, аввало, умумдавлат манфаатларини ифода этмоғи лозим. Халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда жойларда ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ва айни вақтда қўйиндан бўлган ташаббусни эътиборга олмаслик мумкин бўлмаган кўпгина масалалар бор. Планда маҳаллий органларнинг ташаббуси ва тақлифлари марказий планлаштирувчи органларнинг мамлакат халқ хўжалиги айрим тармоқлари ва районларини ривожлантириш бўйича иқтисодий жиҳатдан асосланган лойиҳалари билан ижодий уйғунлашган бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда СССР Госплани республикаларга хўжаликни ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича контроль рақамлар тарзида эмас, балки жойларда экономиканинг айрим тармоқларини ривожлантиришда тегишли йўналишни аниқлаб бериши лозим бўлган тахминий белгилар тарзида ориентировка бериши керак. Лекин бундан ана шу тахминий белгилар маҳаллий ҳокимият органлари учун қатъий қонуи бўлиши керак, бу маълумотларни улар шунчаки кўчириб ёзиб қўйсалар бўлди, деган маъно келиб чиқмайди. Менинчга, Госплан берадиган бу тахминий белгиларни иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари танқидий кўриб чиқишлари ва шунга қараб жойлардаги ходимлар ўз фикрларини айтишлари лозим.

Биз халқ хўжалиги лойиҳасида келажакка мўлжалланган асосланган планларни камсита оламизми? Йўқ, бундай қилолмаймиз. Планлаштириш ўзига ҳамма илмий ва техникавий ютуқларни ҳамда прогрессив гояларни сингдирган бўлиши керак. Акс ҳолда план партия ва ҳукумат қўяётган вазифаларга жавоб бера олмайди. Шунинг учун илмий прогнозларни муҳокама қилишдан олдин халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш керак. Аслида бундай илмий прогнозни янги беш йиллик планини ишлаб чиқишдан олдин бериш керакми? Ўйиб, биз бир оз тинчлик билан шу масалага қайтишимиз керак.

Бизнинг фикримиз. Биз Министрлар Советида шу масала юзасидан фикр алмашдик, халқ хўжалигида техника тараққиётини тезлаштириш максимал асосий мақсад бўлиши керак. Шунинг учун бу масалада таклиф таъерлаш вазифасини топширдик. Бу таклифлар СССР Министрлар Советининг мажлисида кўриб чиқилади. Шу билан бирга, яқин вақтлар ичида фаилар академиясида ва СССР Госпланида етакчи олимлар ва йирик мутахассислар иштирокида фан ва техникани тараққий эттириш масалаларини, шунингдек, келгуси беш йилликдаги энг муҳим иқтисодий проблемаларни муҳокама қилиш лозим деб топилди. Менинчга, бундай ишларни республикаларда ҳам халқ хўжалиги планлари лойиҳасини ишлаб чиққунга қадар амалга ошириш лозим.

Биз илгор, прогрессив нарсаларга ўз вақтида йўл очиб, планини қайси йўналишда ишлаб чиқишни билиш учун ҳар бир саноат тармоғини ривожлантириш юзасидан илмий прогнозларга эга бўлишимиз керак.

Планларни тузиш — катта ижодий иш бўлиб, унинг жараёнида муҳим иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал қилиш зарурлиги ва имконияти илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

Авалло планда белгиланадиган тармоқлараро ва ички тармоқ пропорцияларининг тўғрилигини илмий жиҳатдан асослаш керак. Бу, янгилик эмас, албатта. Экономистлар ва планчилар кўп йиллардан буён тўғри пропорцияларга эга бўлмоғимиз лозим, деб

гапириб келишяпти. Янги беш йиллик плавни, яъни экономика-ни янада ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш программасини тузишга киришар эканмиз, биз халқ хўжалигида тарқиб тошган пропорцияларни таҳлил қилиб чиқишимиз, экономиканинг айрим тармоқларини ривожлантиришда вужудга келган номувофиқлик сабабларини очиб ташламоғимиз лозим. Шундай қилинмаса, диспропорцияларни бартараф этиш йўллари-ни белгилаш ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигини бундан ҳам юксак суръатлар билан оширишни таъминлаш мумкин эмас.

Илгарилари халқ хўжалигини ривожлантиришдаги пропорциялар ҳақида нима дея оламиз? Агар ўтган даврдаги қишлоқ хўжалиги тараққётининг якунларини ва унинг ҳозирги даврдаги ҳақиқий аҳволини таҳлил қилладиган бўлсак, экономиканинг бу муҳим тармогини ривожлантиришда пропорция бўлмаган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Перспектив планлаштиришда биз қишлоқ хўжалиги ичида тўғри пропорцияни таъминлашга ҳамда қишлоқ хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда тегишли нисбат бўлишига етарли эътибор бера олмадик. Натжада қишлоқ хўжалиги, аслини олганда, бизнинг социалстик тузумда бўлиши лозим бўлган даражага ҳеч қачон кўтарилмади, бинобарин халқ хўжалиги эҳтиёжларини тўла қондира олмади.

Қишлоқ хўжалигининг оқшашига асосий сабаб шуки, бошқа ҳар қандай соҳага нисбатан бу тармоқда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемаларига субъектив ёндашиш оқибатлари салбий таъсир кўрсатди, иқтисодий қонунларнинг талаблари қўпол равишда бузилди ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлик принципларига етарли баҳо берилмади.

Партиямиз Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги масалалари билан махсус шуғулланмоқда, бу борада йирик тадбирлар ишлаб чиқилди. Тегишли таклифлар КПСС Марказий Комитетининг 24 мартда чақириладиган пленумида кўриб чиқилади.

Тайёрлашни планлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзини ривожлантириш тартибини ўзгартириш назарда тутилмоқда. Кўпгина энг муҳим маҳсулот турларининг харид нархлари ошириладиган бўлди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантириш юзасидан бутун бир чоралар системаси таклиф этилмоқда. Бунда бўлажак беш йилликда қишлоқ хўжалигига ажратиладиган капитал маблағларини анча ошириш назарда тутилмоқда. Бу чораларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини юксалтириш имконини беради. Мазкур тармоққа раҳбарликни кескин яхшилаш зарур. Чунки бу раҳбарлик илгариги вақтларда кўпинча бўлганидек қуруқ маъмуриятчилик ва қогоз-бозлик-бюрократик методлар йўли билан эмас, балки бошқаришнинг иқтисодий методларини кенг қўлланиш асосида амалга оширилмоғи керак.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш чоралари белгиланаётганлиги муносабати билан бўлажак беш йиллик планда бутун социалистик экономикани ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини оширишнинг янада юксак суръатларини таъминлаш мақсадида халқ хўжалиги пропорцияларида ўзгаришлар бўлиши муқаррар.

Пропорциялар ҳақидаги масала муҳокама қилинаётганда баъзи раҳбарларда шубҳа ва ҳатто эътирозлар бўлиши мумкин, албатта. Баъзи ўртоқларда умумдавлат манфаатларига зид бўлган қуруқ маъмуриятчилик кайфияти устун чиқмасдан қололмайди.

Биз халқ хўжалигидаги пропорциялар ҳақида гапирар эканмиз, бунда асосий тармоқлар ўртасидаги пропорцияларнинггина эмас, шу билан бирга ҳар бир хўжалик тармоғи ичида таркиб топадиган пропорцияларни ҳам назарда тутамиз.

Ўзларинг биласизларки, саноат ва қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларида кўпгина хом, субъектив, иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ечимлар бўлган эди. Бунга, айтайлик, маккажўхорп экинларини мамлакатнинг шимолий районларида жойлаштириш мисол бўла олади. Бунинг масалани иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда ҳал қилиш деб бўладими? У иқтисодий самара бериш уёқда турсин, ҳатто халқ хўжалигига жуда катта зарар етказиб қолсин.

Бизнинг бизда бир мисол беришимиз керак. Бизда енгил автотранспортни янгилаш чىқаришини кенг ривожлантиришга эҳтиёж йўқ, деган гояга ёнишиб олиб, уни бошқаларга зўр бериб енгилтирмоқчи бўлингани ўзларингга маълум. Бу ҳақда одамлар фақат йўлаб, сарфда юриши керак бўлгандек. Ҳатто элп йирик корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарларини ҳам енгил автотранспортдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун қўлдан инманки келса, ҳаммаси қилинди. Ахир, шу тўғри ишми? Оқибати шу бўлдики, кўп раҳбарлар ўз хизматлари йўли билан юк транспортдан қонунга хилоф равишда фойдаланишга мажбур бўлдилар. Кўринишда транспорт харажатлари тежалган бўлди-ю, амалда эса давлатга катта зарар етказилди. Кўринишда жуда кичкина бўлиб кўришган масалага ҳам иқтисодий самарадорлик нуқтан назардан жуда ўйлаб ёндошмоқ керак, акс ҳолда ҳаётнинг ўзи пухта ўйланмаган бундай хом ишларини тезда улоқтириб ташлайди.

Планда яқин вақтлар ичида халқ хўжалигида инмани ривожлантириш лозимлигини белгилаш — катта ва жиддий масала. Агар планда ногўғри пропорциялар қўйилса, халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари оқсаб, мамлакатимиз бойлиги сезиллик билан ўсади.

Пропорциялар ҳақидаги масала — бу оқибат-натияда ижтимоий меҳнат унумдорлиги ҳақидаги масаладир. Биз ҳозир саноатда меҳнат унумдорлиги жиҳатидан АҚШдан тахминан 2—2,5 баравар орқада қолаёмиз, деяёмиз. Лекин тегишли маълумотлар-

ни таҳлил қилсак, бир қатор ишлаб чиқаришда бизда бунчалик орқада қолишлик йўқ, баъзи тармоқлар бўйича биз АҚШдаги меҳнат унумдорлиги даражасига яқинлашиб қолаяёмиз (масалан, нефть қазиб чиқариш, пўлат эритиш бўйича).

Докладчи бу мажлисда тегишли ҳисоб-китобларни келтириб, баъзи таҳминий лойиҳаларни баён қилди, холос. Бироқ халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш истиқболлари тўғрисидаги масала янада жиддий таҳлил қилиб чиқишни талаб қилади. Биз учун ўрта рақамларни билиш етарли эмас, бу рақамларнинг мазмунини очиб, унга тегишли баҳо бермоғимиз лозим.

Меҳнат унумдорлигини ошириш проблемасини ҳал қилиш кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив структурасини таъминлаш билан боғлангандир. Маълумки, бу соҳада сўнгги вақтларда кўп ишлар қилинди, жумладан саноатнинг ёқилги-энергетика тармоқларида шундай бўлди. Янги беш йилликда саноатдагина эмас, шу билан бирга бошқа тармоқлар, жумладан транспортда ҳам прогрессив тармоқларни янада жадал ривожлантиришни таъминламоқ лозим.

Транспортда меҳнат унумдорлигини ошириш машинистнинг малакасигагина эмас, айни вақтда транспортни анча илғор техникавий базага кўчириш, составларнинг кўп юк ортиш ва тезлигини ошириш имконини берган тепловозлар ва электровозларни қўлланиш билан ҳам боғлиқдир. Биз қанчалик кўп темир йўлларни электрлаштирсак, меҳнат унумдорлиги шунчалик юқори бўлади. Бунда техника йўналишини ва ички хўжалик пропорцияларини тўғри белгилаш яхши таъсир кўрсатди.

Масалан, яна, энергетикани олайлик. Бу ерда меҳнат унумдорлигини ошириш кўп жиҳатдан техника сифати билан, катта қувватли энергетика агрегатларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан белгиланади. Америкада «Вестингауз» фирмаси ҳар бири 1 миллион киловаттлик учта кучли дастлабки турбина чиқарди. Бизда бундай турбиналар ҳозирча чиқарилаётгани йўқ; қуввати 300 мингги агрегатларгина ишга туширилди ва 800 минг киловатт турбинали станция қурилмоқда. Бизнинг машинистларимиз ҳозирча АҚШдагига нисбатан кам қувватли агрегатларда ишлашапти. Шунинг учун уларнинг меҳнат унумдорлиги америкаликларникига қараганда анча паст.

Шуни айтиш керакки, америкаликлар прогрессив тармоқларни ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Мен сизларнинг эътиборингизни бу масалага шунинг учун қаратаёлманки, бизнинг планларимизда бугун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экономика-мининг ривожланиш суръатларини кўтариш кўп жиҳатдан ана шу масалаларни ҳал қилишга боғлиқдир.

Иқтисодий жиҳатдан жиддий таҳлил этишни талаб қиладиган энг йирик халқ хўжалиги проблемалари ҳам ишлаб чиқаришни

ривожлантириш ва бир-бирининг ўрнини босадиган маҳсулотларни, жумладан кўмир, нефть, газ, қора ва рангли металллар, пласт-массаларни истеъмол қилш истиқболларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Госплан янги беш йиллик планда пропорцияларни тўғри белгилаётганими? Бу масалага, афтидан, Госплан раисининг ўзи ҳам ҳозирча жавоб бера олмайди. Бу масалага жавоб бериш шунинг учун қийинки, пропорцияларнинг ўзи ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Биз кўп ҳолларда айрим тармоқларни ривожлантиришда халқ хўжалигидаги пропорцияларни яхшилаш, бипобарин, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни яхшилашни таъминловчи янги йўналишларнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини етарли даражада ўрганаётганимиз йўқ.

Планда пропорцияларни белгилаш масаласи айниқса муҳимдир. Бу масала Госпланда, ҳар бир республикада, ҳар бир давлат комитетида пухта таҳлил қилиниши керак.

Биз беш йиллик планнинг лойиҳасини яхшилаб ишлаб чиқишимиз керак. Токи бу план экономикани ривожлантиришнинг ҳамда келишларнинг турмуш шароитини яхшилашнинг аниқ иштиқболлини ақс эттирадиган бўлсин. Бизда экономикада ишлаб ривожлантириш учун ҳомларнинг беш йиллик шартномада қўйилган қудратли маъмурий қўлқўлга, беш хом ашё ресурсларига — турли минерал рудаларга, нефтга, газга, хумлас ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун лозим бўлган хом ашёнинг ҳамма турларида эгадир. Биз юксак даражада ривожланган қудратли саноатга ва малакали кадрларга эгамиз.

Суръат тўғрисидаги масала — планли хўжаликнинг тўб масалаларида биридир. У планли социалистик системамизнинг афзалликларидан фойдаланиш билан боғланган. Бизнинг халқ хўжалигимиз тез ривожланаётган бўлса ҳам унинг суръати кўнглидагидек эмас. Планли хўжалик афзалликларидан моҳирона фойдаланганимизда бундан ҳам тез суръатга эришишимиз мумкин эди.

Биз ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини тезлаштириш учун аввало иқтисодий чораларни кўришимиз лозимга ўхшайди. Ҳукумат Госпланга экономикамизни ривожлантириш суръати тўғрисидаги масалани ўрганш ва ишлаб чиқариш ва капитал маблағ сарфлаш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва йўллар тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқишни тошширди. Бу таклифлар янги беш йиллик планда ўз аксини топиши керак.

Биз кўпгина йирик масалаларни кўриб чиқаётганда кўпинча ўзимиз ишлаб чиққан ва айни вақтда уни янги, саноатни ривожлантиришнинг замонавий шароитларига жавоб берувчи принциплар билан кўзданоқ алмаштирилиши лозим бўлган қонунларга

аспр бўлиб қоламиз. Улар орасида иш ҳақи масалалари алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Иш ҳақи меҳнат унумдорлигини оширишга ва зарур маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйилмоғи лозим.

План лойиҳасини ишлаб чиқаётганда мураккаб масалаларни ҳал қилиш масалага ижодий ёндашишни ва уни иқтисодий асосларни талаб қилади.

Илгарилари бўлганидек, ҳозир ҳам планлаштиришда кўпгина хатоларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳол мураккаб масалаларни ҳал қилаётганда бир қадар муқаррар, албатта. Бироқ бу хатоларнинг кўплари масалаларни ҳал қилишга бюрократларча қараш натижасида пайдо бўлди. Айрим раҳбарлар тўғридан-тўғри лаганбардорлик йўлига ўтиб олиб, ишларнинг ҳақиқий аҳволини нообъектив ёритганликларини, натижада баъзи хўжалик масалалари юзасидан нотўғри қарорлар қабул қилинганлигини ўзларинг биласизлар.

План ва хўжалик органларининг раҳбар ходимлари орасида планларни фақат у ёки бошқа тармоқнинг ўтган йилги ривожланиш динамикасига қараб тузиш мумкинлигига кўникиб қолган кўпгина кишилар бор. Ишдаги мавжуд камчиликларга янада кўпроқ танқидий кўз билан қараш, ўз хатоларини тан олишни хоҳламайдиган бундай кишиларга маҳдуд бўлиб қолмаслик, юз берган хатолар ўзларининг айби эканлигини ёки бу хатолар ўзларининг иштирокида содир бўлганлигини турли йўللار билан беркитишга уришиб, гуноҳларини бўйинларига олишни хоҳламайдиган кишиларга эргашмаслик керак. Биз ўз мавқеимизда туришимиз, ўз фаолиятимизга жиддий муносабатда бўлишимиз лозим. Тўғри, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ишда йўл қўйган хатолари ёки камчиликлари кўрсатилса, уни нотўғри тушунадиган ҳатто хафа бўлиб юрадиган айрим ходимлар, ҳатто таниқли ходимлар ҳам борлиги менга маълум. Хизмат мавқеимиздан қатъи назар, бундай одатлардан воз кечишимиз керак.

Ҳаёт келтириб чиқараётган масалаларни моҳирона, ишчанлик билан ва тез ҳал қилиш учун иш методлари ва услубини қатъийлик билан қайта кўриб чиқиш ҳамда хўжалик ва план органларимиз кадрларининг ташкилотчилик ролини ошириш керак. Госплан ўзининг бутун диққат-эътиборини мамлакат экономикасининг бош масалаларига қаратмоғи лозим. Уни ҳар қандай майда-чуйда ва кераксиз, ортиқча ишлардан халос қилиш керак.

Илгарилари хўжаликдаги план ходимларининг роляга етарли баҳо берилмас ва камситилар эди. Бу ҳолларга энди хотима бермоқ лозим. План ходимлари бизнинг давлатимизда катта иқтисодий ишларни амалга ошираётган кишилар эканлигини ҳамма тушуниб етиши керак. Улар директив органларда кўриб чиқиш учун йирик масалаларни тайёрлайдилар. Биз план ходимларига ёрдам беришимиз, яхши иш натижалари учун уларни рағбатлантириб туришимиз ва айни вақтда Госпланинг таклифларида

масалага субъектив қараш кўринишлари бўлмаслиги учун уларнинг ишини назорат қилиб бормоғимиз керак.

В. И. Ленин план ишларини тўғри ташкил этишга, Госплан ва хўжалик наркоматларининг функцияларини аниқ белгилаб беришга қанчалик катта аҳамият берганлигини, махсус жорий вазифалар ва топшириқлари Госплан халқ хўжалиги планларини тузиш юзасидан системални иш олиб бориш, планларни амалга ошириш усуллари ва тартибини ишлаб чиқишдан иборат асосий вазифасини бажаргандан кейингина ижро этиши тўғрисида қандай ғам-хўрлик қилганлигини бир эсланглар.

«Давлат план комиссияси,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— афтидан, бизда ҳар томонлама экспертлар комиссияси бўлиб бормоқда... Давлат план комиссиясининг маълум даражада мустақил бўлиши ва мустақил иш кўриши бу илмий муассасанинг обрў-эътиборини кўтариш нуқтаи назаридан шартдир ва буни ёлғиз шу нарса тақозо қиладики, унинг ходимлари виждонли бўлиши ва уларнинг бизнинг иқтисодий ва ижтимоий қурилишимиз планини амалга ошириш учун виждон билан ҳаракат қилишлари лозим бўлади»¹.

Социалистик хўжалик афзалликларидан тўла фойдаланиш халқ хўжалигининг юксак суръатлар билан ривожланишини таъминлаш учун план ишларини мотамом равишда амалга ошириш, планларнинг ижросини назорат қилиш тус берилиш зарур.

План органлари директив органларнинг халқ хўжалиги планлари ва қарорларини қандай баъзи шартларнинг текшириш юзасидан оқибат раҳматини кучайтирмоқ лозим. Бу иш, ҳозир ҳам кўпинча бўлиб турадигандек, саёз ва юзаки равишда эмас, балки ижодий тарзда, мамлакат экономикасида содир бўлаётган жараҳиларнинг ҳаммасини чуқур таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак.

Бошқариш системасини яхшилаш тўғрисида бир печа сўз. Октябрь Пленумида буён салкам олти ой ўтди. Шу вақт ичида партиямиз Марказий Комитети партия ва совет органларининг структурасини тартибга келтириш юзасидан жуда катта ишлар қилди. Ҳойларда партия ва совет органлари қайта қурилди: янги область комитетлари барпо этилди, янги район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари ташкил этилди. Сўнгги вақтларда саноатнинг муҳофаа тармоқларини бошқариш қайта қурилди. Партиямиз Марказий Комитетининг Президиуми саноатга ва қурилишга раҳбарликни тартибга солиш масалаларини қайта қурмоқчи. Бу иш аста-секин, пухта-пишиқ тайёргарлик кўрилгандан кейин ўтказилади. Марказий Комитет бу ишни жуда тўғри ташкил этмоқда.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 36-том, 628-бет.

Шу муносабат билан мен Давлат комитетлари ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман. Уларнинг ишида кўпгина қийинчилик борлигини тушунаман. Лекин шу билан бирга комитетлар техника сиёсатини амалга оширишда, техника тараққиёти проблемаларини ҳал қилишда кўпгина афзалликларга эгадирлар. Бироқ улар бу афзалликлардан суст фойдаланмоқдалар. Комитетларда юқориде айтиб ўтилган масалаларни пухта ўйлаб ишлаб чиқа оладиган юқори малакали ходимлар бор. Комитетларнинг илмий жиҳатдан асосланган таклифлари планларда саноатнинг айрим тармоқларини ривожлантириш йўналишларини белгилаш учун негиз бўлиши мумкин.

Беш йиллик планда халқ хўжалигида техника тараққиёти масалаларни кенг ишлаб чиқиши керак. Машинасозлик бўйича Давлат комитети ва Госплан илғор машинасозликни янада ривожлантиришга алоҳида диққат қилишлари, қолақликнинг сабабларини чуқур ўрганишлари ҳамда бизнинг машинасозлигимизни энг яқин вақт ичида илғор марраларга олиб чиқа оладиган чораларни таклиф этишлари керак. Ҳар бир комитетда моддий ресурслардан энг самарали фойдаланиш ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириши масалалари тўғрисида жиддий фикр юритилмоғи лозим.

Масалан, Автотрактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги комитетини олайлик. Автомобиль транспортини энг рационал ривожлантириш масаласи доимо шу комитетнинг диққат марказида бўлиши керак. Автомобиль транспортини ривожлантириш ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишда, халқ бойлигини қўнайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Агар комитет иқтисодий проблемалар билан жиддий шуғулланганда эди, у етарли даражада юк кўтара ололмайдиган машиналар чиқариш хўжаликларнинг эҳтиёжларини қондира олмаслигини, чунки улар иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини кўпданок тушуниб етган бўлар эди. Ҳозир бизда чиқарилаётган машиналар Ғарбда кўпдан бери ишлаб чиқарилаётгани йўқ. У ерда юк машиналари прицеплар билан ва биздагига нисбатан анча кучли қилиб чиқарилмоқда. У машиналар 15—20 тоннадан юк ташийди, тезлиги ҳам катта. Биз Лихачев ва Горький номли заводларни кўп юк кўтарадиган машиналар чиқарадиган қилиб қайта қурдик, лекин мен ҳамма ишлар тўғри қилинганлигига амин эмасман.

Менга, бизнинг йўлларимиз ва кўприкларимиз катта юк ортилган машиналарни кўтара олмайди, деб эътироз билдиришлари мумкин. Бироқ бизнинг кўпгина районларимизда жуда яхши йўллар ва бақувват кўприклар бор. Шунга қарамай биз бу ерлардан ҳамон бир ярим-икки тоннали машиналарда цемент, ғишт ва бошқа юклар ташимоқдамиз. Бу масала халқ хўжалиги аҳамиятига эга ва шунинг учун ҳам бўлажак беш йилликда лозим даражада ҳал қилиниши керак.

Юк автотранспортидан фойдаланиш тўғрисида гапирмай ўтолмайман. Бу борада бизда катта хўжасизлик бор.

Яқинда биз Германия Демократик Республикасида бўлганимизда катта автомобиль йўлидан, Лейпцигдан Берлинга қараб йўлга чиқдик. Мен йўлда кетаётган машиналар қанча юк орگانлигини сеҳн солиб кузатдим. Ҳар 100 машинадан 90 тасига юк оргилган, 10 таси бўш. Ўша куннинг ўзида Москванинг ҳақиқа йўлидан ўтаётиб, мен тамомла бошқа манзарани кўрдим: бизнинг ҳар 100 юк машинамиздан 70 таси бўш ва атиги 30 таси юк билан кетаяпти. Бу — жуда нохуш фактдир. Машиналарни уриб ҳайдаймиз, бензинни ёқамиз, резинани сарфлаймиз. Бу — нонни ўтда куйдириш билан баб-баравар. Халқ хўжалигига жуда катта зарар етказилаяпти, бунинг учун эса ҳеч ким жавоб бермаяпти.

Бу ишда қатъий тартиб ўрнатиш, хўжаликлар ва совхозлар раҳбарларининг ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш учун масъулиятини ошириш зарур. Планлаштирувчи органлар ишлаб чиқарувчи қувватлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан фойдаланиш нормативларининг тегишли системасини ишлаб чиқишлари ва бу система планлаштиришда ва иш натижаларини ҳисобга олишда негиз бўлиб қолиши лозим.

Экономикани планли ривожлантиришнинг иккинчи босқичи — рационал тақсим қилиш билан ишчиликни янада кенгайтириш — социалистик экономиканинг энг муҳим афзаллигидир. Иқтисмоний меҳлатини шу тарзда тақсим этишнинг энг муҳим шароитларидан бири ишлаб чиқариш қувватларининг энг яхши фойдаланиш ва энг кам харажат билан ишчилик натижасига эришиш имкониятини берувчи ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришдир. Ҳозирга қадар бизда саноат тармоқларини ихтисослашни ривожлантиришнинг кенгайтирилган перспектив плани йўқ. Янги беш йиллик планда ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни қайта кўриб чиқиш зарур. Шунинг назарда тутиш керакки, ихтисослаштиришни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш саноатнинг энг тор тармоқларини йириклаштириш ҳамда ихтисослаштирилган фирмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш йўли билан боради. Саноат корхоналарини кенг миқёсда ихтисослаштиришни амалга ошириш ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтиришнинг катта резерви бўлади.

Бизнинг партиямиз халқ хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантира бориб, совет кишини тўғрисида, унинг яшаши учун энг яхши шароит яратиш тўғрисида гамхўрлик қилмоқда. Биз уй-жой проблемасига эътиборни кучайтиришимиз керак. Чунки бу проблема бизда унчалик ҳал қилинганича йўқ.

Госплан беш йиллик планга материаллар тайёрлаётганда аҳоли харид қувватининг ўсиши, аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш суръатининг ошиб бориши масалаларини ҳар томонлама

кўриб чиқши, бунда ҳамма товарларга талабни ва мамлакатда нормал пул муомаласини янада планли равишда қондиришни назарда тутиши керак.

Янги беш йиллик планни тузаётганда план ва ҳўжалик органлари олдида турган асоқий масалалар ана шулардан иборат.

План лойиҳасини ишлаб чиқишда банд бўлган барча ходимлар бу катта давлат вазифасига жиддий ва масъулиятни яхши сезган ҳолда муносабатда бўладилар ҳамда халқимиз манфаатларига тўла жавоб берадиган план тузадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

**КОСМОНАВТ БЕЛЯЕВ ВА ЛЕОНОВ
ЎРТОҚЛАР ШАРАФИГА КРЕМЛДА
1965 ЙИЛ 23 МАРТДА ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун биз бу ерга янги қаҳрамонларни — совет космонавт учувчилари Павел Иванович Беляев билан Алексей Архипович Леоновни муборакбод қилмоқ учун тўпландик. Бугун мамлакатимиз—жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги печа юз миллион кишилар уларнинг космосдаги парвозини ҳаяжон билан кузатиб турдилар. Уларга чин кўнгилдан муваффақият тиладилар. Биз бутун совет халқи қатори—барча яхши ниятли кишилар ҳам космос қаҳрамонларни кўрсатишнинг шарафига тўғридан-тўғри қатнашмоқчи бўлишимиз билан фахрланаётганлигимизни билдираемиз. Космос қаҳрамонлари ва уларнинг ёру-дўстлариши мапани парвоз портоқ тарзда тугаллангандаги буюк шараф эдилар.

Биз ажойиб оловдорликни, инжонерларимизни, техшиқларишони, иншиларимизни—«Восход-2» космик кемасини яратган ва планеталар орасидаги фазога учирган ҳамда шу кеманинг ерга омон-эсон қайтиб тушишини таъмишлаган кишиларнинг ҳаммасини янги муваффақият билан табриклаймиз ва астойдил қутлаймиз.

Ана шу ғоят катта илмий тадқиқотнинг муваффақиятли тугаланиши инсон ақл-идрокининг буюк ғалабаси, ҳозирги илмий-техника тараққиётига асосланган илмий-техник башоратнинг ғалабасидир.

Юрий Алексеевич Гагариннинг парвози космик даврга—инсоннинг космосни ўзлаштириш даврига асос солиб берганига атиги тўрт йил бўлди. Ҳозирги кунда эса космик фазонини тадқиқ қилишда, жаҳон фанини ривожлантиришда тамомла янги, бениҳоя муҳим қадам қўйилди. Космонавт биринчи марта йўлдош кема пичидан ташқарига чиқиб, инсоннинг бевосита космик муҳитда сайр қилиши мумкинлигини амалда исботлади дея оламиз. Биз бу нарса илм-фан олдига янги истиқболлар очиб бермоқда, космонавтиканинг энг мураккаб техникавий вазифаларини, яъни Ойга ва бошқа само жисмларга одамларни қўндириш вазифасини ҳал қилиш учун йўл солиб келмоқда, деймиз. Ерда тетапоя бўлиб қўйган дастлабки қадамлари ҳар бир айрим одамнинг ҳаётида қанчалик

муҳим бўлса, одамнинг кема ичидан космосга биринчи марта чиққанлиги ҳам космонавтикани ривожлантириш учун ана шунчалик муҳимдир.

Мана шу янги галабани совет кишилари қўлга киритганликларини кўриб, инсониятнинг энг журъаткорона орзуларини ҳақиқатга айлантираётган мамлакатимиз билан, социалистик тузумимиз билан ҳақли суратда фахрланмоқдамиз. Қарийб 100 йил муқаддам Карл Маркс Париж коммунарларини осмонни штурм қилаётган кишилар деб атаган эди. Россиядаги революцион кураш йилларида Владимир Ильич Ленин Маркснинг ана шу сўзларини эслаб: «Россия ишчилар синфи осмонни штурм қилишга» қодир эканлигини бир марта исбот қилиб кўрсатди ва яна бир неча марта исбот қилиб, кўрсатади»¹ деб ёзган эди. Мана, энди совет халқи «штурм қилиш» деган сўзнинг асл, том маъносида осмонни штурм қилишга қодирлигини ҳозир яққол исботлади.

18 март—Париж Коммунаси кунда космонавт ўртоқ Леонов ўзининг ажойиб командири ўртоқ Беляев раҳбарлигида космик кемадан космосга чиқди, бемалол парвоз қилиб юрди, ўзига берилган топшириқни бажариб, яна космик кема ичига қайтиб кирди. Мана шу мисли кўрилмаган жасоратни Улуғ Ватанимиз халқлари кўриб турдилар, бутун дунё халқлари космонавтларга қойил қилиб, уларни олқишладилар.

Космонавт учувчилар Беляев ва Леонов ўртоқларининг кўрсатган жасорати инсон беҳад қобилиятлар ва чексиз имкониятлар эгаси эканлигидан далолат бериб турибди. Космонавтика илм-фаннинг энг олий даражадаги мураккаб ва муҳим соҳасидир. Космонавтика табиатнинг кўпгина тилсизотларини очиб учун хоҳ у атом оламидан бўлсин, хоҳ у кинотнинг чексиз қўйишдан бўлсин—қалит топишга ёрдам берди. Космонавтика табиатнинг янги қонуниятларини кашф этишга кўмаклашди, у Ердаги амалий вази-фаларни ҳал қилиш учун бевосита ва тўғридан-тўғри аҳамиятга эгадир. Аммо, инсон тафаккурининг бошқа кўпгина буюк кашфиётлари сингари космонавтикадан ҳам вайронагарчилик ва уруш қуроли сифатида инсониятнинг манфаатларига зид бўлган мақсадлар учун фойдаланиш мумкин.

Импералистлар яна қардош социалистик мамлакатларга қарши агрессия қилиш йўлини тутаётган ҳозирги бир пайтда биз буни эсдан чиқара олмаймиз.

Бизнинг мамлакатимиз импералистик агрессияга қарши курашаётган Вьетнамнинг қаҳрамон халқига ҳам, шунингдек, бошқа дўстларимиз ва иттифоқчиларимизга ҳам ёрдам кўрсатмоқда, бизнинг мамлакатимиз ўз ёрдамини бундан кейин ҳам дариг тутмайди.

Озод халққа қарши қаратилган ҳар қапдай ифвогарлик, ҳар қандай интервенциянинг барбод бўлиши муқаррардир, шундай

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 14-том, 427-бет.

интервенциянинг ташкилотчилари эса шармандан-шармисор бўладилар.

Бугун биз Павел Иванович Беляев билан Алексей Архипович Леоновни муборакбод қилар эканмиз, фақат космосни забт этган қаҳрамонларнингна эмас, айни маҳалда шавкатли Совет Армиясининг жасур офицерларини ҳам муборакбод қилмоқдамиз. Улар космосда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатдилар. Улар партия ва ҳукуватимизнинг, халқимизнинг ҳар қандай топширигини адо этишга худди мана шундай фидокорлик билан шай бўлиб турганликларини биз биламиз. Уларни табриклаш билан биз социализм ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилиб турган шавкатли Қурулли Кучларимизнинг бутун шонли офицерлар корпусини табрикламоқдамиз.

Совет Армияси ўз қудрати жиҳатидан тенг бўлмаган энг замонавий қурол-яроғларга эгадир. Лекин бизнинг эзгу мақсадимиз мана шу қурол-яроғларни урушда фойдаланишни абадий соқит қилишдан иборат. Бизнинг ниятимиз шуки, олимларимиз яратган ўта қудратли ракеталар фақат тинч мақсадларда ишлатилсин, социал тараққиёт ишига, фанни янада ривожлантиришга ва инсониятнинг фаровонлигига хизмат қилсин.

Эндилликда совет космонавтларининг оиласи 11 кишидан иборат бўлди. Шудардап ҳар бири такрорланмас ва унутилмас жасорат қилди.

Қўниберишга аминлик. Эскини космосни ўзлаштиришда қўни киртадиган ҳар бир ғалабамиз биз учун ўзининг катта тапталли ноқеа сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Совет космонавтлари — бағаватимизнинг парилхори ва шон-шарафидир. Космосда дастлабки йўлларни очиб берган қаҳрамонларнинг номини бутун инсоният ўн йиллар ва ҳатто юз йиллардан кейин ҳам меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва миннатдорчилик билан тилга оладилар. Совет халқининг содиқ фарзандлари, ҳақиқий коммунистлар — коммунизм қурувчилари авлодининг шонли намояндалари бўлган Павел Иванович Беляев билан Алексей Архипович Леонов номлари ана шу қаҳрамонларнинг номлари орасида фахрли ўринда туради.

Уларнинг саломатлиги учун, космосда янги ғалабалар учун қадаҳ кўтаришга рухсат этгайсиз. Шунингдек, ўзларининг илҳомбахш меҳнатлари билан мамлакатимизга космосни ўзлаштиришда яна бир катта маррани эгаллаш имконини берган ажойиб олимлар, талантли инженерлар ва техниклар, моҳир ишчилар учун ҳам қадаҳ кўтаришингизни таклиф этаман.

Ижодкор халқ — совет халқимиз учун, барча ғалабаларимизни ташкил қилаётган шонли Коммунистик партиямиз учун!

**ВРОЦЛАВДА 1965 ЙИЛ 7 АПРЕЛДА ЎТКАЗИЛГАН
СОВЕТ—ПОЛЬША ДЎСТЛИГИ МИТИНГИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Вроцлавви келиб кўриш, заводларингизнинг коллективлари билан учрашиш тўғрисидаги таклифни Совет Иттифоқининг партия-ҳукумат делегацияси зўр мамнуният билан қабул қилди. Хурсандлик билан кутиб олганликларингиз учун, совет халқига яхши истаклар билдирганликларингиз учун қизғин ташаккур айтамыз. Бизнинг делегациямиз социалистик Польша шонли ишчилар синфининг вакиллари бўлган сизларга совет халқининг самимий саломини ва энг яхши истакларини олиб келди.

Сизларнинг заводларингиз социалистик Польша иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил бораётганлигини кўрсатувчи яхши далилдир. Корхоналарингизнинг ишчилари ва инженирлари ўзлари чиқараётган маҳсулотнинг техника жиҳатидан биринчи даражали бўлишига эришмоқдалар. Маҳсулотларингиз ҳақиқатан ҳам шундай. Сизларнинг маҳсулотингиз фан ва техника жиҳатидан юксак даражада эканлиги сизлар катта ишлаб чиқариш маданиятига эга эканлигингизни кўрсатиб турибди. Ўзининг корхонасига, айнан ўзиники бўлган халқ корхонасига янги социалистик муносабатда бўлиш мамлакатингизда ҳамма жойда рўй берган ва Польша Халқ Республикасининг Фарбдаги ерларига янги турмуш олиб келган турли социал ўзгаришларнинг энг ёрқин далили дейиш мумкин.

Бундан йлгирма йил муқаддам бу ерда, Фарбдаги ерларда, ақлдан озган фашист шайкалар ўзларининг «ерларни куйдириб юбориш» стратегияларини қўллашиб, деярли ҳар бир уйни култепага айлантириб юбордилар. Уруш тамом бўлганидан кейин буржуазия экспертлари, қайта бирлаштирилган поляк ерларидаги оғир уруш жароҳатларини битказмоқ учун кўп ўн йиллаб вақт керак бўлади, деб олдиндан қаромат қилмоқчи бўлган эдилар. Лекин улар урушдан олдинги Польшани билар эдилар, шунинг учун ҳам улар социализм йўлига тушиб олган поляк халқининг ижодий кучларига баҳо бера олмадилар.

Шу йиллар пичида Польшанинг Фарбдаги ва Шимолдаги ерлари таниб бўлмайдиган даражада бошқача бўлиб қолди, қадимий Вроц-

лав ўзгариб кетди ва ўсди. Ишчилар, деҳқонлар ва халқ интеллигенцияси меҳнатининг ажойиб самараларни ҳамма жойда кўришиб турибди. Аҳамиятп жихатидан мамлакатнинг иккинчи саноат маркази бўлиб қолган Вроцлав воеводлиги билан танишиш жуда катта таассурот қолдирди.

Польша давлатининг чегаралари узил-кесил муқим бўлиб қолди. Бу чегаралар шунинг учун ҳам бузилмайдиган чегаралардирки, Польша Халқ Республикасининг ишчилар синфи ва деҳқонлари, барча меҳнаткашлари бу чегараларни ҳимоя қилишни таъминлаб турибди.

Поляк ва совет халқларининг дўстлиги, иккала давлатимизнинг қудрати шу чегараларнинг реваншчилар ҳамласидан омон сақлавишини ва дахлсизлигини таъминловчи гарантнядир. Польша чегараларининг дахлсизлигини таъминловчи яна бир гарантня шуки, шу чегараларнинг нарёгидаги социалистик давлатлар—Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикаси тинчлик ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш позициясида турибди. Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг дўстлиги Европанинг мана шу районда ўтмишда шу жойлардап ўтган уруш чегарасини эмас, балки мустаҳкам ва бузилмас давлат чегарасини таъминлаб турибди.

Совет-Польша қардошларча дўстлиги замон сиповидан утди. Бу дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, халқларимизга социалистик ва коммунистик қурилишда ўзаро ёрдамга таяниб ишлашларига имконият бермоқда.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг Польшага қилган сафаридан асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги Шартнома имзолашдан иборат экаплигини биласиз. Эртага имзоламоқчи бўлган бу Шартнома Совет-Польша муносабатларининг 20 йил мобайнида ривожланишнинг акс эттиради. Бу Шартнома турмушнинг ҳамма соҳаларда мамлакатларимизнинг қардошларча ҳамкорлигини янада кенгайтириш ишига хизмат қилади, бирлигимизни келгусида янада мустаҳкамлаш учун яхши негиз бўлади.

Биз янги шартномага жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Шу шартномага кўра, ҳар иккала давлатимиз ўз зиммасига олаётган мажбуриятлар совет ва поляк халқларининг манфаатларига, бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатларига мос бўлиб тушади. Гап халқ Польшаси билан Совет Иттифоқи ўртасида вужудга келган ва ривожланиб бораётган муносабатларни юридик жихатдан расмийлаштириб олишдангина иборат эмас. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар практикасида вужудга келган ва давом этиб келаётган вазият ҳам гоёт катта аҳамиятга эга. Бир-бирига хушмуомала бўлса ҳам, аммо бир-бирига кўнгил

унчалик яқин бўлмаган одамлар ўртасида бўлгани каби давлатлар ўртасидаги алоқалар ҳам шунчаки расмий алоқалар бўлиши мумкин. Муштарак мақсадга эга бўлган—социализм ва коммунизм қуришни ўзларига умумий мақсад қилиб олган икки давлатнинг ҳамкорлик қилишга ва ўзаро ёрдамлашишга астойдил интилаётганликлари шартнома мажбуриятларида акс эттирилган бўлса, бу—бутунлай бошқа гап.

Совет Иттифоқи билан қардош Польшанинг муносабатлари худди мана шундай муносабатлардир. Бизни бирлаштириб турган нарса конкрет сиёсий мақсадларнинг муштараклиги, иккала давлатимиз хавфсизлиги биргаликда ҳимоя қилинаётганлиги, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигимизнинг чамбарчаслигидангина иборат эмас. Бизни, аввало, социал тузумимизнинг айнан бирлиги, мақсадларимиз ва марксизм-ленинизм идеологиясининг айнан бирлиги бирлаштириб турибди. Халқларимиз фашизмга елкама-елка туриб қарши курашдилар, уруш вайрон қилган халқ хўжалигини қайта тиклаш, социалистик ва коммунистик қурилиш планларини бажариш йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилдилар. Бизлар яхши кунларда ҳам, оғир синов кунларда ҳам бирга бўлганмиз.

Польша Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар вужудга келди ва муваффақиятли ривожланиши бормоқда. Давлатларимизнинг иқтисодий ривожланиши, демак халқларимиз турмушининг даражаси ҳам, ҳар бир меҳнаткаш кишининг фаровонлиги ҳам мана шу алоқаларнинг тўғри ташкил этилишига, бу алоқаларни биз қандай йўллаб туришимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу сабабли капиталистик дувёдан фарқли ўлароқ, бизнинг иқтисодий битимларимиз фақат давлатлар ўртасидаги битимгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга халқлар ўртасидаги битим ҳамдир. Бу битимларни ҳар бир ишчи, ҳар бир деҳқон ўзига яқин ва тушунарли деб билади, чунки шу битимларнинг муваффақиятли бажарилишидан манфаатдордир. Империализмнинг реакцион доиралари уруш хавфи манбаларини вужудга келтираётган, халқларнинг миллий ва социал озодлик йўлидаги буюк ҳаракатини тўхтатиб қолмоқ учун ҳамма чораларни кўраётган шароитда биз янги жамоат қурмоқдамиз.

Империалистларнинг энг реакцион кучлари, жумладан иккинчи жаҳон урушининг якуналарини ревизия қилишга интилаётган Ғарбий Германия реваншчилари тинчликка ва халқлар хавфсизлигига қарши олиб бораётган кўпоровчилик ишлари тўғрисидаги масала бу ерда, Вроцлавда айниқса актуал масала бўлиб турибди.

Бу интилишлар ҳар қанча шуч ва бемаъни бўлса ҳам, лекин бундай интилишлар кескинлик манбаларини вужудга келтираётганлигини, Европа проблемаларини ҳал қилиш йўлида қўшимча қийинчиликлар тугдираётганлигини, тинчликни мустаҳкамлаш вазифасини қийинлаштираётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Европа хавфсизлиги манфаатлари барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг ҳамisha кўз-қулоқ бўлиб туришини талаб қилади.

Варшава Шартномаси ҳарбий авантюраларга ишқибоз бўлганларнинг йўлига қўйилган мустаҳкам говдир. Варшава Шартномаси мамлакатлари бир-бирлари билан маҳкам иттифоқ бўлиб ҳаракат қилсалар ўз халқларига бўладиган ҳар қандай таҳдидни даф қила оладилар ва тинчлик манфаатларини ҳимоя қила оладилар. Ғарбий Европа халқлари ҳам урушни истамаётганлигига ҳамда Европа хавфсизлиги ва тинчликни сақлаб қолиш учун кураш зарурлигини тушуниб турганликларига аминмиз. Европадаги ҳамма мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлигини таъминлашни, Европада мустаҳкам хавфсизлик системасини вужудга келтиришни кўзлаб ишлашимиз лозим.

Янги Польша-Совет Шартномасини мураккаб халқаро вазиятда имзолашимизга тўғри келмоқда. Шарқий-Жанубий Осиёда кескин аҳвол вужудга келганлигини кўрмаслигимиз ва ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнам халқининг озодлик курашини ваҳшийларча шафқатсизлик билан бостиришга уринмоқдалар, Лаос ва Камбоджанинг суверенитетини бузмоқдалар. Америка агрессорлари социалистик давлат бўлган Вьетнам Демократик Республикасига қарши дўқлар қилишдан тўғридан тўғри уруш ҳаракатлари олиб боришга уришмоқдалар мумкин бўлмайдиган нарсага эришишга—қулга қурол олиб курашиб, озодликни ва мустақилликни қўлга киритган, ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолган халқни бўйсунтиришга мумкин қилишга уринмоқдалар.

Модомки, Америка империалистлар янги ҳарбий авантюралар қилиш, Ҳинди-Хитойдаги урушни кенгайтириш йўлига кириб олган экан, бу нарса аввало, уларнинг Жанубий Вьетнамда қуролли интервенция қилиш сиёсати шарманда бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бутун прогрессив ҳаракатга нафрати жўш уриб, ҳеч нарсани кўролмайдиган бўлиб қолганларгина ҳеч кимнинг вақили бўлмаган бир ҳовуч қўғирчоқ генераллар ва сиёсатбозлар ёрдами билан бутун бир халқнинг озодликка интилишини бостираман, деб умид қилишлар мумкин. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари империалистларга тобора сезиларли зарбалар бермоқдалар. Жанубий Вьетнам халқининг курашига раҳбарлик қилаётган Миллий озодлик fronti Жанубий Вьетнамда ҳозирги аҳволнинг ва келажакнинг эгаси бўлган реал куч эканлиги адиликда ҳаммага равшан бўлиши лозим.

Яқинда Жанубий Вьетнам озодлик fronti Марказий Комитетининг Баёноти кенг равишда эълон қилинди. Шу Баёнотда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари бутун дунёнинг прогрессив кучларини Жанубий Вьетнам халқининг адолатли курашига моддий ва маънавий мадад беришга чақирдилар. Совет Иттифоқида, бошқа социалистик мамлакатларда тараққиёт ва тинчлик ишини

қадрловчи ҳамма одамлар орасида бу Баёнот жуда кепг равишда маъқуллади.

Рўй берган аҳволнинг жуда жиддийлигига етарли аҳамият бермайдиган одам бўлмаслиги керак. Озодликни ҳимоя қилиш ишига эркин халқлар бепарво бўлиб қараб туролмайдилар. Улар империализмнинг Вьетнамдаги агрессиясини, ваҳшийларча уруш қилиб, ҳимоясиз қишлоқларни, мактабларни ва касалхоналарни ёпдириб юбораётганлигини, тинч аҳолини қираётганлигини, хотинлар ва болаларни ҳалок қилаётганлигини асло кечирмайдилар.

Совет халқи агрессив ҳаракатларни қоралаш билангина кифоя-лаяётгани йўқ. У, Вьетнам Демократик Республикасининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаҳрамонона курашига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бор имкоиятлардан фойдаланмоқда. Қардош социалистик мамлакатга нисбатан империалистик агрессия қилинаётган шароитда Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар озодлиги ишини қадрловчи кишиларнинг ҳаммасини бир ёқадан бош чиқариб ва қаттиқ туриб агрессорга зарба беришга чақиради.

Азиз ўртоқлар! Совет партия- ҳукумат делегацияси Польшада турган вақтида Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлари билан, Польша ҳукуматининг аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашди. Мана шу чинакам ўртоқлик суҳбатлари вақтида биз халқларимизни қизиқтираётган кўп масалаларни муҳокама қилдик. Тинчликни сақлаб қолмоқ учун, Совет Иттифоқи билан Польша ўртасидаги қардошлик муносабатлари янада ривожланиши учун, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўсиб ва ривожланиб бориши учун яқин келгусида кўрилиши зарур бўлган чоралар тўғрисида фикрлашиб олдик. Биз, шунингдек, бутун социалистик лагернинг жипислигини мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдик.

Шу сабабли биз сизларга, Польша ажойиб ишчилар синфининг пайонидаларни бўлган сиз қадрдон дўстларимизга хурсанд бўлиб шунини айтишимиз керакки, совет партия-ҳукумат делегациясининг ҳамда Польша Халқ Республикаси партия ва давлат арбобларининг мана шу проблемаларнинг ҳаммасига қарашлари ва шу тўғридаги фикрлари бир-бирига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда.

Суҳбатлар вақтида биз ҳам, шунингдек, Польша Халқ Республикасининг раҳбарлари ҳам ишчилар синфининг ғалабасига кўмаклашмоқ учун ҳамма чораларни кўриш зарур, деган фикрга асосланиб иш олиб бордик. Бунда биз фақат миллий ҳисларгагина амал қилиб қолмасдан, айни вақтда бутун дунё ишчиларига шу қадар яқин ва тушунарли бўлган интернационал ҳисларга ҳам амал қилдик. Шу сабабли Польша ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари каби сиз азиз ўртоқлар ҳам биз имзолайдиган Шартномани, мамлакатларимизнинг ишчилари ва деҳқонлари

номидан биз олиб борган музокараларнинг натижаларини маъқулайсиз, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўртоқларча яхши кутиб олганлигингиз учун яна бир марта ташаккур изҳор қилишга ва бутунги учрашув курашдош ўртоқларнинг учрашуви эканлигини, биргаликда янги жамият қураётган, марксизм-ленинизм буюк иши учун биргаликда курашаётган кишиларнинг учрашуви эканлигини қайд қилиб ўтишга ижозат бергайсиз. Бизнинг партия ва ҳукумат делегациямиз сизларга ўртоқларча, дўстларча янги муваффақиятлар тилайди, келгусига мўлжалланган ҳамма планларингизнинг рўёбга чиқишини тилайди. Қалин дўстимиз, биродаримиз бўлган поляк халқига, социализм қураётган халққа чин кўнгилдан осойишталик тилаймиз.

Яшасин Польша Халқ Республикасининг ишчилар синфи, деҳқонлари, интеллигенцияси!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ривожланаверсин ва мустаҳкамланаверсин!

Сизларнинг ажойиб шаҳрингиз — ёшлик шаҳри, куч ва қувват шаҳри ривожланаверсин ва мустаҳкамланаверсин!

**НЕМИС ХАЛҚИ ФАШИЗМДАН ОЗОД
БЎЛГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДА БЕРЛИНДА
1965 ЙИЛ 7 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадрли ўртоқлар, дўстлар! Бизнинг делегациямиз гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда социалистик Германия меҳнаткашлари билан биргаликда қатнашиш учун Берлинга келди. Бу санани бутун жаҳон халқлари нишонламоқдалар. Бу кун уларнинг хотирасида тарихдаги барча урушлар орасида энг кўп қон тўкилган урушнинг тугалланиш куни, гитлерчилар фашизми зулмидан халос бўлиш куни сифатида абадий сақланиб қолади.

Европада фашист диктатурасининг мудҳиш муҳити ўн йилдан ортиқ давом этди. Гитлерни ҳокимият тепасига чиқарган герман империализми жаҳонга ҳоким бўлишга уринди. Фашизм ана шу мақсадда бир миллатнинг бошқа халқлар устидан ирқий ҳукмронлигини эълон қилди. Фашизм бутун инсоният учун жуда катта бало бўлиб, инсониятни ваҳшийлик ва қулликка қайтариш билан таҳдид қилган эди. Гитлеризмга қарши уруш алоҳида уруш эди: тараққиёт кучлари ашаддий реакция кучларига қарши курашдилар, халқларнинг озодлигини асорат остига тушиб қолиш хавфидан, кўп ҳолларда эса қирилиб кетиш хавфидан ҳам ҳимоя қилдилар.

Шу сабабли, турли социал тузумдаги давлатлар, турли эътиқод, миллат ва ирққа мансуб бўлган кишилар умумий душманга зарба бермоқ учун биргалашиб ҳаракат қилдилар. Совет Иттифоқи, Англия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция ягона антигитлерчи коалицияга бирлашдилар. Польша, Югославия, Чехословакия, Албания, Греция, Норвегия ва бошқа мамлакатларнинг қаҳрамон халқлари фашист босқинчиларига қарши озодлик урушига отландилар. Болгария, Венгрия, Руминия ва Италиянинг ватанпарвар кучлари бизнинг томонимизда бўлди. Интернационалист ва ватанпарвар немислар нацист режимига қарши зўр ғайрат билан фидоқорона кураш олиб бордилар, гитлеризмга қарши уруш чинакам халқ уруши эди ва фашизмнинг тор-мор қилиниши барча эрксевар кучлар ҳаққоний ишининг тантанаси бўлди.

Антигитлерчилар коалициясининг ғалабаси Европа халқларини фашизм асоратидан қутқазди.

Германия халқи учун бу ғалаба унинг тарихидаги энг разил, энг оғир давр, немис миллати яратган энг яхши парсаларнинг ҳаммаси фашистлар томонидан оёқ ости қилинган давр тугатилганидан далолат берди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба немис халқи учун янги тарихий истиқболлар очиб берди.

Совет халқи учун бу ғалаба қирғинчилик урушининг тугатилганлигидан далолат берди. Совет халқи бу уруш давомида ўз социалистик давлатининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Биз шу билан фахрланамизки, жаҳоннинг барча мамлакатларидаги коммунистлар антифашистларнинг биринчи сафларида бўлдилар, фронтда жанг қилдилар, Гитлер асоратига тушиб қолган мамлакатларда Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатини уюштирдилар, душман устидан ғалаба қозониш учун зарур шарт—фронт орқа томони мустаҳкам бўлишини таъминладилар.

Совет халқига фашист босқинчилар билан қурашнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олишга тўғри келди. Совет халқи деярли бутун Европа қитъасидаги ресурсларни ўзига хизмат қилдирган гитлерчи армияларнинг қаттиқ ҳамласига бардош берди. Совет Армияси буюк халоскорлик вазифасини ўз зиммасига олди ва ўзининг юксак интернационал бурчини шараф билан бажарди. Жаҳонда биринчи соқлашган мамлакат бўлган Совет Иттифоқи фашист империализмнинг қирғинчилик асосий роли ушбағавлиги тамомла қонунийдир. Коммунистик партия фашизмга қарши қурашда совет халқига раҳбарлик қилди, энг янвор идеология марксизм-ленинизм идеологиясида совет халқига янҳом баян этди.

Иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи жанглар рус тупроғида—Москва, Сталинград остоналарида, Курск дугасида бўлди. Партия ва халқ етиштирган энг истеъдодли саркардалар раҳбарлигидаги шавкатли совет қўшинлари Россия тупроғида гитлерчилар фашизмининг белини синдирдилар.

Бу ғалаба бизнинг халқимизга жуда қимматга тушди. Уруш 20 миллиондан кўп совет кишисининг ёстигини қуритди. Бутун дунёга мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган қаҳрамон шаҳарлар—Ленинград, Севастополь ва Одессанинг ўлмас зафарлари ҳамманинг эсида турибди. 1945 йилнинг февраль ойида Америка ва Англия авиацияси ҳужум қилганидан кейин Дрезден қандай аҳволга тушиб қолганлигини немислар яхши биладилар. Уларнинг кўплари Гамбург ёки Берлин қандай аҳволга тушиб қолганлигини ҳам эслайдилар. Совет Иттифоқи территориясининг душман ҳужумига дучор бўлган жуда катта қисми худди шундай аҳволга тушиб қолган эди. Аммо Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бизнинг армиямиз ва халқимиз ҳатто урушнинг энг оғир дақиқаларида ҳам герман фашизмини немис халқи билан бир қаторга асло қўйган эмас. Совет солдати немис тупроғига истилочи ва қасосчи бўлиб эмас, балки Германия меҳнаткашларининг дўсти бўлиб

кирди. Совет солдати Германия меҳнаткашларини фашизмга қарши курашда, социализм учун курашда ўзининг табиий иттифоқчилари деб билди.

Биз Ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаб турган ҳозирги кунда халқлар озодлиги учун жонини фидо қилган кишиларни миннатдорлик билан эсга оламиз.

Биз жанг майдонларида ҳалок бўлган кишиларнинг хотираси олдида ҳурмат билан бошимизни эгамиз.

Биз фашист агрессиясига дучор бўлган мамлакатларда гитлерчилар ваҳшийлигининг миллионларча номаълум қурбонларини, фашист зиндонларида ва концентрацион лагерларда азоблаб ўлдирилган миллионларча кишиларни эсга олганимизда ҳурмат билан бошимизни эгамиз.

Биз партизанларни, фашизмга Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг курашчиларини иззат-ҳурмат билан эсга оламиз. Улар фашизм устидан ғалаба соатини яқинлаштириш учун ҳаддан ташқари оғир ва жуда хатарли бўлган ҳамда кучлар тенг бўлмаган шaroитларда мардона курашдилар. Биз немис халқининг гитлерчилар истибодини тугатиш учун жонини тиккан минг-минглаб энг яхши намоёндаларини унутмаймиз.

Немисларнинг Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида коммунистлар асосий роль ўйнадилар. Коммунистлар немис миллатининг виждони ва шон-шавкати бўлиб келганликлари ва шундай бўлиб қолажаклари ҳозир ҳар бир кишига аёндыр.

Азиз ўртоқлар! Биз гитлерчилар фашизми тор-мор қилинишининг йигирма йиллигини бу сананинг улуғворлигини таъкидлаш ва тараққиёт ҳамда халқлар озодлиги иши учун ҳалок бўлган кишиларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олиш учунгина нишонлаётганимиз йўқ. Урушдаги воқеалардан зарур сабоқларнинг ҳаммаси чиқариб олинганлиги, ё йўқлиги тўғрисида ҳар қачонгидан кўра ҳозирги кунда ўйлаб кўриш ўринлидир. Уруш йилларидаги жуда оғир машаққатларни ҳали ҳам эслаётган халқлар ҳақли суратда бундай савол бермоқдалар: Европада янги ҳарбий конфликт чиқишига йўл қўймаслик учун зарур ишларнинг ҳаммаси қилинганми?

Биз, коммунистлар соф виждонимиз билан шунга айта оламизки, янги урушнинг олдини олиш учун кўп иш қилинди. Европадаги ва бутун дунёдаги кучлар нисбати, бинобарин, халқаро аҳвол ҳам ҳозир урушдан аввалги вазиятдан тамомила фарқ қилади, уруш тамом бўлганидан кейин ўтган йигирма йил тарихий тараққиёт ва социализм кучлари фойдасига ривожланиб борган йиллар бўлди. Варшава Шартномаси ташкилотидан бирлашган социалистик давлатлар ҳамдўстлиги Европа халқларининг осойишталигини қўриқлаб турибди.

Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши Германиянинггина эмас, балки бутун Европанинг ҳаётида ҳам энг муҳим тарихий воқеа бўлди.

Немис ерида тарихда биринчи марта чинакам демократик ва тинчликсевар давлат — ишчи ва деҳқонлар давлати вужудга келди. Дарҳақиқат, Германия Демократик Республикасининг вужудга келиши немис миллати пешқадам қисмининг ҳукмрон империалистик доиралар неча ўн йиллар мобайнида мажбуран қабул қилдириб келган агрессия ва талончилик сиёсатини тугатишга қатъий қарор берганлигини ифода этди.

Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари ва интеллигенцияси монополиялар ва юнкерлар ҳукмронлигига, бошқа халқларга нисбатан душманлик ва нафрат сиёсатига абадий хотима бердилар. Тинчлик, барча давлатлар ва халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик, Европада хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш учун кураш — социалистик Германия сиёсатининг мазмунидир.

Уруш Германия территориясида ҳеч қачон бошланмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш Германия Демократик Республикасининг тарихий миллий вазифаси бўлиб қолди.

Озодликнинг 20 йиллиги муносабати билан Халқ палатаси манифест қабул қилди. Ана шу муҳим сиёсий ҳужжат бутун немис миллатининг осойишталиги ва келажакда тинч яшаши тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Халқ палатаси немис халқини фожияли ўтмишдан тортиб, сабоқларни чинакаро олишга ала шу фожиянинг ўзининг такрорланишига йул қўймасликка даъват этади. Тинчликни қадрлаётган ва урушга нафрат билан қараётган барча немислар, шубҳасиз, бу даъватни тунувиб оладилар ва қўллаб қувватлайдилар.

Немис ишчи ва деҳқонлари давлати яшамоқда, куч тўпламоқда ва ўзининг халқаро позицияларини мустаҳкамламоқда. Совет кишилари Германия Демократик Республикасининг муваффақиятларини қутлайдилар. Турли-туман соҳаларда — иқтисодий соҳада ҳам, маданият соҳасида ҳам, фан-техника соҳасида ҳам кўп муваффақиятлар қўлга киритилди. Германия Бирлашган социалистик партияси, Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ижодий фаолияти самаралари Германия Демократик Республикаси ишчилари ва деҳқонларининг, меҳнат интеллигенциясининг барча ютуқларида яққол кўриниб турибди. Немис коммунистлари ва социал демократларни бирлаштирган партия барча партияларни ва оммавий ташкилотларни Миллий фронтнинг ягона ватанпарварлик ҳаракатида жипслаштира олди, уларни тарихий мақсадга эришиш — социалистик жамият қуриш сари бошлаб бора олди.

Германия Демократик Республикаси Европа марказида социализм ва тинчликнинг мустаҳкам қўрғонидир, деган сўзларни кўп такрорлайдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сизнинг республикангиз империализмга қарши курашнинг олдинги сафида турибди. Социалистик Германияга қилинадиган ҳар қандай ҳамлани

Совет Иттифоқининг миллий хавфсизлигига, бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигига қилинадиган ҳамма деб қараймиз. Иккинчи жаҳон уруши сабоқларини ўзлаштириб олмаган кишиларга ҳозирги кунда ҳам шу гапларни айтамыз: социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган, дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномамизга содиқ бўлган Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикаси чегараларининг дахлсизлигини ўз чегараларини ҳамоя қилгандек ҳамоя қилаверади.

Совет халқи ўтган урушнинг сабоқларини яхши эсда тутати ва шу сабабли ўз мамлакатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Агрессор бизнинг мамлакатимизни гафлатда қолдира олмаслигига бемалол ишониш мумкин.

Бизнинг армиямиз — тинчлик армияси. Бу армиянинг кузатган мақсади — совет кишиларининг социалистик ғалабаларини ҳамоя қилишдан, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини ҳамоя қилишдан иборат. Зарурат бўлиб қолган тақдирда қуроли кучларимиз ўз вазифасини бажара олишлари учун қурол-яроғларнинг энг янги турлари билан таъминланган. Агрессияни даф қилмоқ учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бизда бор. Ҳарбий санъатни мукамал эгаллаган саркардалар Совет Қуроли Кучларига бошчилик қилмоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг миллий Халқ армияси каби Совет Иттифоқининг Қуроли Кучлари ҳам Варшава Шартномасига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар армиялари ҳамдўстлигига киради. Эртага бу ерда, Берлинда ўтказиладиган ҳарбий парад қуроли кучларимизнинг ҳамкорлигини, уларнинг биргалишиб ҳаракат қилишга тайёрлигини ифода этади. Бу парадда Халқ армияси билан бир қаторда Совет Армияси бўлинмалари ҳам қатнашади. Совет қўшинлари социалистик Германияда иттифоқдош давлат армияси сифатида турибди. Бу армия тинчлик ишини ва бутун социалистик ҳамдўстликни эҳтимол тутилган агрессиядан ҳамоя қилиш каби интернационал бурчни бажармоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг сабоқларидан хулоса чиқариб олмаган кишилар ҳам борлиги сабабли, биз шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапирмоқдамиз. Баъзи кимсалар фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлганлигини тарихдан ўчириб юбориш мумкин бўлган ёқимсиз бир воқеа холос, деб қарамоқчи бўладилар. Ҳарбий Германия милитаристлари ва реваншчилари — мен худди шулар тўғрисида гапиряпман — ўтган урушнинг якунларини ревизия қилишни хаёлларига келтириш билангина чекланиб қолмаётирлар.

Ҳарб давлатлари ва, аввало, Америка Қўшма Штатлари Потсдам битимларига мувофиқ, Германияни демократлаштириш ва демилитаризация қилиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарганларида — Европадаги вазият бутунлай бошқача бўлган бўлур эди.

Совет Иттифоқи Гарбий Германиядаги немисларнинг ҳаммаси реванш гоъялари билан заҳарланган, деб мутлақо ҳисоблаётгани йўқ. Германия Федератив Республикаси аҳолисининг кўпчилиги тинчлик шароитида яшашни истаётганлигини биз тушунамиз. Лекин биргина шу истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Тинчлик учун кураш масалаларида пассив позицияда туриш ярамайди. Бинобарин, ҳозирги вақтда Гарбий Германияда реваншчилар билан океан ортидаги империалистларнинг хатарли пайрангларига бепарволик билан қараётган кишилар эртапги кунда уларнинг қўлидаги штоаткор ва поилож қурол аҳволига тушиб қолишлари мумкин.

Гарбий Германия милитаристлари ўзларининг реваншчилиги планларини ишлаб чиқаётганларида, бу планларни гўё бутун немис халқининг тақдирини тўғрисида, герман давлатининг яхлитлигини тўғрисида «гамхўрлик» қилмоқдамиз, деган демагогик даъволар билан ниқоблашга уринмоқдалар. Лекин Германияни бирлаштиришга олиб боровчи реал имкониятларни ҳақиқатан топмоқчи бўлган киши бу имкониятларни спёсий ва ҳарбий авантюралар йўлидан эмас, балки иккала герман давлатининг ихтиёрий равишда келишиб олиши юзасидан изламоғи керак.

Германия тарихида урушлар кўн бўлди. Германия милитаризми билан империализм бошлаб келган урушлар ҳеч қачон герман давлатига шухрат келтирган эмас. Бу урушлар немис халқини илгирлиги фожиялар ва талафотлар билан қопларди, қонсиз ётган уруш Германия бошига айниқса катта кулфатлар келтирди. Миллион-миллион кишилар ўлди ва ярадор бўлди, мишглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди. Айни ҳолатда, герман халқи аёвсиз уруш мактабини ўтди, уруш қурбонлари ва кулфатлари нима эканлигини яхши билади. Башарти, агрессив кучлар янги жаҳон урушини бошлаб юборишга муваффақ бўлсалар, бу уруш мислсиз даражада оғир ва вайроналиклар келтирувчи уруш бўлади. Янги жаҳон урушини хавфини йўқотиш учун имкон бўлган чораларнинг ҳаммасини кўришни герман халқининг ҳаётий манфаатлари талаб қилмоқда.

Германия Демократик Республикаси герман халқининг ана шу манфаатларини ифодалаб турибди, Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикасини немислар юртида тинчлик ва халқаро хавфсизлиكنинг таянчи деб билади. Биз республикангизга таянлаб олган шонли йўлида янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

Уртоқлар! Биз халқларнинг фашизмга қарши олиб борган улус урушида қозонилган ғалабанинг йиллигини нишонлаётган ҳозирги вақтда урушдан аввалги йиллардаги вазиятни эсламай ўта олмаймиз. Шу нарса шак-шубҳасизки, немис ишчилар синфи ўртасида, Германиядаги прогрессив демократик кучлар ўртасида бирликнинг йўқлиги фашистларнинг ҳокимият тепасига келишни кўп жihatдан енгиллаштиришди. Коммунистларнинг фашистларга қарши

фронт вужудга келтиришга қилган даъватларини, афсуски, немис социал-демократлари лозим даражада қувватламадилар.

Гитлерчилар янги урушни тайёрлаш йўлига тушиб олган, ўзларининг ваҳшиёна идеологияларини тарқатаётган пайтда эса халқро миқёсда фашизм хавф солиб турган давлатлар ўртасида бирликнинг йўқлиги гитлерчилар тузган режаларнинг амалга оширилишини енгиллаштирди. Совет ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга сабот-матонат билан ҳаракат қилди, фашист-агрессорни жиловлаб қўйиш учун актив чоралар кўрди. Бироқ Ғарб давлатларининг ҳукуматлари бизнинг ҳаракатимизни қувватламадилар. Улар фашизм хавф солаётган давлатларнинг ихлит фронтни вужудга келтиришдан бўйин товладилар ва шу тариқа Гитлернинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўйиб бердилар. Фашист давлатлар янгидан-янги агрессия ҳаракатлари бошлаб юборган пайтдагина Ғарб давлатлари гитлеризмга зарба бериш учун Гитлерга қарши коалиция тузишга рози бўлдилар.

Ҳозирги вақтда ҳам импералистлар антиимпералистик кучларни парчалаб юборишга муваффақ бўламиз деган умидда бир талай режаларни тузмоқдалар. Улар, шунингдек, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида вужудга келган қийинчиликлардан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар. Бу мақрли планларга старли баҳо бермаслик ва тарих сабоқларининг ҳаммасини ҳисобга олмаслик хато бўлур эди.

Баъзи кимсалар фақат янги жаҳон уруши социалистик лагер ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслашувига олиб келади, деб даъво қилмоқдалар. Биз бундай нуқтаи назарни қатъиян рад этамиз. Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги ва жинслиги учинчи жаҳон урушининг олдини олишда муҳим роль ўйнаши керак ва шундай ролни ўйнайди, деган фикрда қаттиқ турибмиз ва биз бу йўлдаги фаоллигимизни кучайтиравемиз.

Гитлерчилар фашизми устидан қозонилган улуг ғалабанинг йиллиги ҳарбий авантюраларнинг шикибозларига шунинг эслатиб қўйиши лозимки, халқларнинг тақдири билан ўйнашининг уриниш уларни оқибат-натияжада муқаррар суратда шармандаю шармисор қилади. Инсоният XX асрнинг иккинчи ярми тинчлик, озошлик ва социал тараққиёт йўлини очиб беришини кетайди, бинобарин, бу йўлга тўғаноқ бўлганларнинг ҳаммасини халқларнинг хоҳиш-иродаси, тарихнинг бориши муқаррар равишда улоқтириб ташлайди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан бери ўтган ана шу 20 йил ичида жаҳон тубдан ўзгариб кетди. Социализм жаҳон системасига айланди. Ушлаб халқлар мустамлака зулми кишанларини улоқтириб ташлаб, озошликка чиқди, миллий мустақилликни қўлга киритди. Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси натияжасида фашизм тор-мор қилинганлигининг 20 йиллигини биз социализм кучлари,

миллий озодлик ва халқаро ишчилар ҳаракати кучлари ўсганлигининг 20 йиллиги сифатида нишонламоқдамиз. Уруш, тинчлик ва революция масалалари ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек катта аҳамият касб қилмаган эди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сифатини изчиллик билан амалга ошириб, империалистик реакциянинг революцион ҳаракатларни мағлубиятга учратиш, янги жаҳон урушини бошлаб юбориш учун қилаётган ҳамма уринишларига қарши сабот билан курашмоқдалар. Ҳеч ким бизни ана шу ленинчи йўлдан тойдириб юборишга муваффақ бўла олмади.

Иккинчи жаҳон урушида қарийб 50 миллион, яъни биринчи жаҳон урушидагидан 5 баробар кўп одамнинг ёстиғи қуриди. Лекин янги уруш ёнғини аланга оладиган бўлса, ўтган урушда тортилган машаққатлар билан ҳеч бир таққослаб бўлмайдиган машаққатлар халқлар бошига тушиши мумкин. Уруш натижасида агрессорлар тор-мор келтирилган бўлур эди, лекин бу ғалабани инсоният жуда катта қурбонлар, тарихда мисли кўрилмаган вайронгарчиликлар эвазига қўлга киритган бўлур эди. Уруш жаҳоннинг барча районларини қамраб олган ва инсониятни анча орқага улоқтириб ташлаган бўлур эди. Биз учун янги жаҳон ёнғинининг олдини олишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ, Совет Иттифоқи билан янги социалистик Германиянинг ҳамкорлиги ҳам асосий шартлардан бири бўлиши керак.

Азиз ўртоқлар! Ана шу танталалш кунда бизнинг делегациямиз Германия Демократик Республикасининг бутун аҳолисига, немис ва францусий бирлашган прогрессив кучларига Коммунистик партиямиз ва совет ҳукуматидан, Совет Иттифоқининг барча халқларидан оташин салом топширади. Германия Демократик Республикасининг мавжудлигини, Германия Бирлашган социалистик партиясини, унинг Марказий Комитетининг фаолиятини, мамлакатларимиз меҳнаткашлари манфаатларининг муштараклигини биз халқларимиз ўртасида ҳамisha тинчлик ва дўстлик муносабатлари давом этиши ва ривожланиб боришининг гарови, деб биламиз.

Биз шу нарсага қатъий аминмизки, коммунистик ҳаракатнинг тарихий вазифаларини амалга ошириш учун, янги уруш можаросининг олдини олиш учун, иккинчи жаҳон урушидан кейин қолган масалаларнинг ҳаммасини тинч йўл билан ҳал этиш учун курашда бундан буён ҳам биргалашиб куч-ғайрат сарфлайверамиз.

Биз уруш тамом бўлганлигининг 20 йиллигини яли байраминиз деб, фашизм устидан қозонилган ғалаба байрами деб биламиз. Одамларнинг келгузи авлодлари ҳам бу кунни тинчлик ва тараққайёт кучларининг фашизм ваҳшийлиги устидан, реакция ва уруш кучлари устидан тантанаси куни сифатида нишонлайдилар.

МОСКВА — ҚАҲРАМОН ШАҲАР

*Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар
Советининг тантанали мажлисида
1965 йил 19 майда
сўзланган нутқ*

Азиз ўртоқлар! Яқинда мамлакатимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган галабанинг 20 йиллигини тантанали нишонладик. Инсоният оғир курашда ўз социалистик давлатининг шон-шарафи ва мустақиллигини сақлаб қолган, бутун дунё халқларини фашистлар зулми хавфидан қутқариб қолган совет халқининг жасоратини ҳеч қачон унутмайди.

Биз бутун жанглarda ва меҳнатда Ватанимиз пойтахти — Москвани юксакликка кўтарган совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва мардлигига муносиб баҳо бермоқ учун тўпландик.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ пойтахт меҳнаткашлари, бутун совет халқини Москвага «Қаҳрамон шаҳар» деган фахрли унвон берилиши билан табриқлайман.

Бу ерда азиз меҳмонлар — шонли қаҳрамон шаҳарлар бўлмиш Ленинград, Севастополь, Одесса, Волгоград, Киевнинг, қаҳрамон қалъа Брестнинг вакиллари ўтиришибди. Бу қаҳрамон шаҳарлар ва қалъанинг ҳимоячилари Улуғ Ватан уруши йилларида мисли кўрилмаган мардлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати помидан уларни шонли шаҳарлари фахрли мукофотлар билан тақдирланганлиги муносабати билан чин юракдан табриқлайман.

Даҳшатли уруш йилларида Москва фашизмга қарши муқаддас урушга отланган бутун мамлакатимизни гавдалантирди. Москва яқинидаги буюк жангда Совет Иттифоқидаги барча миллатларнинг вакиллари ёнма-ён туриб мардона жанг қилдилар. Улар душманини Ватанимиз пойтахтига қўймасликка қатъий аҳд қилган эдилар, чунки Москва — бу барча мамлакатлар миллион-миллион меҳнаткашларининг порлоқ келажаги учун кураш байроғи, Москва — бу барча илғорликнинг тимсоли, халқлар дўстлиги тимсоли, социализм тимсолидир. Бутун дунёдаги прогрессив кишилар ўзларининг энг яхши орзу-умидларини Москва номи билан боғлайдилар.

Гитлерчилар Совет халқининг курашини ташкил этувчи марказ бўлган пойтахтимизни босиб олишга бириччи даражали аҳамият берди. Бу билан душман Москвани эгаллаб олиб, Шарққа талончилик юришини ғолибона тугалламоқчи бўлди.

Бироқ фашист босқинчилар худди шу ерда, Москва яқинидаги ерларда, шу урушдаги энг катта мағлубиятга учради. Гитлер пропагандаси ўз армиясини енгилмас деб ҳисоблаган афсонага худди шу ерда хотима берилди.

Москва яқинида қозонилган ғалаба урушда бурилиш ясалганига асос солди ва урушнинг бутун боришига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ғалаба стратегик ва маънавий-сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир совет кишиси бу ғалабани фашизмни узил-кесил тор-мор келтиришга қатъий қарор берган халқимизнинг куч-ғайратини оширувчи воқеа деб қабул қилди.

Москвани қаҳрамонона мудофаа қилиш Европа мамлакатларининг ватанпарварларида овоз бўлиш кунлари муқаррар етиб келади, деган ишончни мустаҳкамлади. Москва оғир синовга шараф билан бардош берганлиги ва душман ҳужумига бардош берибгина қолмай, балки гитлерчиларнинг армияларига уруш давомида бириччи марта жиддий зарба берганлиги каби фактнинг ўзи бутун дунёда прогрессив кучларнинг фашизм устидан қозонилган умумий ғалабаси сифатида қабул қилинди. Бу ғалаба мамлакатларимизнинг мамлакатларида фашизмнинг босқинчи армияларига оид бўлган мамлакатларда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатини кучайтириб юборди.

Москва яқинида фашист армиялари тор-мор келтирилганга калар АҚШ ва Англиянинг қўлини дават ва ҳарбий аربоблари Совет Иттифоқи гитлерчи Германияга қарши урушда чидай олмайдилар, деб ишондилар. Москва яқинида қозонилган ғалаба мамлакатимиз агрессорни тор-мор келтиришга қодир эканлигини бутун дунёга кўрсатди. Бу эса антигитлерчилар коалициясини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Социалистик давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўи янги юксакликка кўтарилди.

Уруш йилларидаги Москва халқаро сиёсатнинг маркази бўлиб қолди. Бу ерда иттифоқчиларимиз билан муҳим учрашувлар ва кенгашилар бўлиб ўтди, антигитлерчи коалиция қатнашчиларининг жанговар ҳаракатлари координация қилиб турилди.

Бутун уруш йиллари давомида Москва мамлакатимизнинг жанговар штаби бўлди. Давлат Мудофаа Комитети Москвадан туриб гитлерчи ғалаларни тор-мор келтиришни уюштириш соҳасидаги барча ишларга раҳбарлик қилди. Партиямиз Марказий Комитети ва ҳукумат фронтда ва мамлакат ичкарисида барча совет кишиларининг ҳарбий куч ва ғайратини шу ердан йўналтириб турди.

Москваликлар бутун совет халқи билан биргаликда мислсиз оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Марказий Комитетнинг чақириги билан леча ўн миглаб кишилар халқ лашкари қисмларига

кўпгилли бўлиб кўшилдилар, душманга қарши мардопавор жанг қилдилар.

Галаба бизга қимматга тушди. Милг-миглаб жангчпларимиз жанг майдонларида абадий кўз юмдилар. 1812 йилда Москва яқинидаги Бородино майдонидagi муқаддас жойга ўхшаб, 1941 йилда Дубосекова, Наро-Фоминск, Клин яқинидаги жанг майдонлари ҳам Ватан урушининг қаҳрамонона йилмомасига кирди. Пойтахтимиз учун бўлган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотирасини муқаддас билиб эслаймиз. Совет Иттифоқи халқлари Москва яқинида душманга қарши ҳаёт-мамот курашида голиб чиқиш учун ўз ҳаётини аямаган фарзандларини асло унутмайди.

Ўртоқлар! Бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги 1941 йил кузидаги қалтис вазиятни яхши эслайдилар. Хавф-хатар жуда катта эди. Гитлернинг танкларни шаҳар чеккаларига ёриб кирмоқда эди.

Гитлер Москванинг олинганлигини Қизил майдонда ҳарбий парад ўтказиш билан намойиш қилмоқчи эди. Қизил майдонда 1941 йил 7 ноябрда ҳақиқатан ҳам парад бўлди. Лекин бу парад Қизил армия қисмларининг паради бўлди. Шу ерда, Владимир Ильич Ленин мавзолейи олдида солдатлар ва офицерлар жанговар қасамёд қилиб, Қизил майдондан тўғри фронтга қараб йўл олдилар.

Бу парад қандай катта аҳамиятга эга бўлганлиги, у совет кишиларининг галабага бўлган ишончини қандай мустаҳкамлаганлигини яхши эслайсиз.

Уша оғир дамларда пойтахтда бўлганлар Москва бутун мамлакатимиз учун матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиши кераклигини яхши тушунишарди. В. И. Лениннинг 1920 йил мартда Москва ишчи ва қизил аскар депутатлари Советига мурожаат қилиб айтган сўзларини эсладилар. «Москва ишчилари ҳамма вақт намуна бўлиб келдилар ва яна... намуна бўлишлари шубҳасиздир, бошқа шаҳарларнинг ишчилари эса улардан ўрпак оладилар»¹. Улуг Ватан уруши йилларида Москва чипдан ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатди.

Биз пойтахт учун жанг қилган жангчпларга миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз. Москваликлар қаҳрамонларга хос бўлган жасорат ва мардлик кўрсатдилар. Неча юз миглаб москваликлар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Москваликлар Ватан олдидаги бурчларини бажардилар ва бу бурчни фронтдаги машаққатли кунлардагина бажариб қолмадилар. Пойтахт партия ташкилоти раҳбарлик қилган Москва ишчилар синфи Совет Армиясига жуда катта ёрдам кўрсатди. Меҳнаткашлар шаҳарни энг йирик қурол-аслаҳа арсеналига айлантириб, фронтга миномётлар, пулемётлар, автоматлар, спарядлар ва кўп

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 30-том, 445-бет.

турдаги бошқа қуруллар етказиб бердилар. Пойтахтимиз ишчилари, инженерлари, партия ва хўжалик ходимларининг фаолияти чинакам жасоратдан иборатдир.

Шуни эслатиш кифояки, душман пойтахтдан унчалик узоқ бўлмаган энг оғир даврда Москва ишчилари олдига жуда масъулиятли ва мураккаб вазифалар қўйилди. Қисқа вақт ичида ҳамма ресурсларини сафарбар этиб, уларни Москва мудофааси учун зарур бўлган маҳсулот чиқаришга жўнатиш лозим эди. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат 1941 йилнинг тўртинчи квартал учун жуда тизимли план—Москва саноатини тамомила мудофаа манфаатларига бўйсундирган қилиб қайта қуриш ишлари планини ишлаб чиқдилар. Бу планни бажариш учун ҳар бир кишидан жуда катта кучгайрат талаб қилинди. Қўпгина заводлардаги ишчилар цехлардан кетмай, кечаю кундуз ишладилар. Москваликлар партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифани шараф билан бажардилар—вазиятнинг бутун мураккаблигига қарамай, армияга қурул етказиб бериш плани ошириб бажарилди.

Қўпгина Москва корхоналари мамлакатнинг Шарқига кўчирилди, у ерларда жуда қийин шароитларда ҳарбий техника ишлаб чиқариш тезда йўлга қўйилди. Волгада, Уралда, Сибирда эвакуация қилинган Москва заводлари негизда йирик корхоналар барпо этилди. Бу районлар мамлакат Шарқидан қурулнинг ишчилари билан бирга қўпгина Москва инженерлари, техниклари, Москва ишчиларининг хизмати каттадир.

Биз Москва ҳимоячилари ҳақида гапирар эканмиз, хотин-қизларимиз ҳақида энг самимий ва эзгу сўзларини айтишимиз керак. Улар фронтга кетган эрлари ва ака-укаларининг ўрнини олиб, дастгоҳларда ишладилар, ўзларининг бутун жонларини ярадор жангчиларини сақлаб қолишга бағишладилар. Улар қанчадан-қанча қийинчиликлар ва оғирликка қарамай, фронтга совғалар юбордилар, ўз меҳрибонликлари билан жангчиларнинг жонига оро кирдилар, уларни жасоратларга илҳомлантирдилар. Жуда кўп хотин-қизлар қўлларига милятиқ олдилар, самолётларнинг штурвалини бошқардилар.

Биз Москва ёшларининг шонли ишларини миннатдорчилик ва фахр билан эслаймиз. Улар кекса авлоднинг муносиб ўринбосарлари бўлдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Москва ҳарбий комиссариатларига ва район комсомол комитетларига ёш ватанпарварлардан фронтга жўнатишни сўриб ёзилан ўн мингларча ариза тушди. Ленин комсомоли тарбиялаб етиштирган Москва йигит ва қизлари фронтга, партизан отрядларига, қирувчи батальонларга, танкларга қарши хандақлар ҳамда госпиталлар қурилишига кетдилар. Заводларга ўсмир мактаб ёшлари келди. Улар катталар билан баббаравар меҳнат қилдилар. Москва йигит ва қизларининг бу олижаноб ишлари ёш авлод учун ҳамisha ёрқин намуна бўлиб қолади.

В. И. Ленин бундай деган эди: «Ҳар қандай урушда ғалабани пировард натижада жанг майдонида ўз қонини тўкаётган кўпчилик кишиларнинг руҳий ҳолати белгилайди»¹. Москва меҳнатқашлари бутун совет халқи билан биргаликда фашист босқинчиларини тор-мор келтириш йўлида букилмас ирода ва жанговар руҳларини зўр намоиш қилдилар.

Азиз ўртоқлар! Москвага қаҳрамон шаҳар унвони берилишини нишонлар эканмиз, Москва бизнинг кўп миллатли Ватанимизнинг тарихий тақдирида қандай роль ўйнаганлигини эсламасдан ўтолмаймиз. Москва асрлар давомида рус миллий давлатини шакллантирган, кейинчалик эса кўп миллатли Совет социалистик давлатини шакллантирган марказ бўлди.

Москва — шонли революцион анъаналар шаҳри. Революцион Петроград ва бошқа пролетар марказлари билан бирга Москва Улуғ Октябрь Социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказишда ажойиб роль ўйнади. 1905 йилда Пресня баррикадаларида жанг қилган ҳамда 1917 йил Октябрь жанглирида ғалаба қозongan Москва ишчиларининг революцион чиқишлари ҳаммага яхши маълум.

Партияимизнинг энг кўп сонли отрядларидан бири шонли Москва партия ташкилоти социалистик Москва тарихида муҳим роль ўйнади. Москва коммунистлари партия йўлининг поклиги учун курашнинг ҳамisha олдинги сафларида бўлдилар, бизни Ленин белгилаб берган йўлдан чалғитишни кўзлаган ҳар қандай уринишларга қарши актив кураш олиб бордилар.

Москваликлар ўз меҳнатлари билан коммунизм учун курашдан иборат умумхалқ ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Москва — энг прогрессив ғоялар олами, илғор фан, юксак маданият ва социалистик санъат марказидир.

Москваликлар кўп марта катта-катта ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускори бўлиб чиқдилар. В. И. Ленин 1919 йил майида Москвада туғилган ҳамда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига тезда ёйилган коммунистик шанбаликнинг зўр аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Партия XXI съезди арафасида бу ерда — Москвада меҳнатга коммунистик муносабат учун ҳаракат туғилди. Бундан 40 йилдан кўп вақт олдин биринчи коммунистик шанбаликни ташкил этганларнинг ворислари ана шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар.

Москва — тинчлик байроқдори. Бизнинг меҳмондўст пойтахтимиз кўпгина муҳим халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказдир. Бу ерда — пойтахтда турли мамлакатлар ва халқларнинг вакиллари тинчлик, озоодлик ва тараққиёт учун кураш масалаларини муҳокама қилишда умумий тил топадилар. Москва мамлакатимизга тинчликни, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 129-бет.

Қурилмиш ишларини ҳамда уй-жой биноларининг пчки пардозини сифатини ошириши муҳим вазифадир. Янги уй-жойларга кўчиб кирайлар квартираларнинг қулай жойлаштирилганлигидан мамнун бўлмоқлари керак. Шу билан бирга, ҳар бир уй намунали сақланиши учун бутун уй-жой фондидини аҳволи яхши бўлишини таъминлаш керак. Бу кўп жиҳатдан шу уй-жойларда яшовчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқдир.

Фахрий мукофот Москва ташкилотлари зиммасига ўз шаҳарини ҳар жиҳатдан: сабоатнинг иши жиҳатидан ҳам, савдоини иши жиҳатидан ҳам, транспортнинг барча турларининг иши жиҳатидан ҳам, хизмат кўрсатиши соҳасидаги корхоналарининг иши жиҳатидан ҳам ўзларининг бутун куч-гайратларини янада кўпайтириши вазифасини юклайди.

Азиз ўртоқлар! Партия ва ҳукумат нойтахтни ривожлантиришининг ҳаётини муҳим масалаларига ўз эътиборини асло сусайтирмайди. Ҳеч шубҳа йўқки, москваликлар ўз шаҳар партия ташкилоти раҳбарлигида ҳаммамиз учун қадрдон бўлган шаҳар зиммасига юклашган юксак шарафни оқлайдилар. Москва меҳнаткашлари ўз меҳнатлари билан Улуғ Ватан урушини йилларида мислсиз жасорат кўрсатганларининг шонли анъаналарини янада кўпайтирадлар ҳамда пойтахтимиэнинг шуҳратини янада оширадлар.

Биз Ленин байроғи остида Улуғ Ватан урушида ғолиб чиқдик. Шу байроқ остида Ленинчи Коммунистик партия совет халқини коммунизм ғалабасига олиб келади!

**ПАТРИС ЛУМУМБА НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИНИ ДАСТЛАБКИ БИТИРИБ
ЧИҚУВЧИЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
ИЙГИЛИШДА КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА
1965 ЙИЛ 29 ИЮНДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Азиз ўртоқлар! Дўстлар! Тантанали воқеа — Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университетида билим олган дастлабки мутахассисларнинг битириб чиқиши муносабати билан студентларни, профессорлар ва ўқитувчиларни, шунингдек чет эллик меҳмонларни, бу ерда тўпланган ҳамма кишиларни Совет ҳукумати номидан табриклашга руҳсат бергайсиз.

Биз бугун икки юз йигирма саккиз ёш мутахассисни ўқишни тамомлаганликлари билан табрикламоқдамиз. Уларнинг университетни битириб чиқиши Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ёш давлатлар учун миллий мутахассис кадрлар тайёрлаб берилган ва бу мутахассисларнинг кўпчилиги ўзини мамлакатлари билан табрикламоқдамиз.

Бугун сиз билан биз ҳақли равишда айта оламизки, университетни битириб чиқувчилар муваффақиятли имтиҳон топширишлари билан бирга, университетнинг ўзи ҳам муҳим имтиҳондан ўтди.

Патрис Лумумба номидаги университетдек йирик ўқув марказининг барпо этилиши кўпгина кишилардан анча куч-ғайрат ва ижодий меҳнат талаб қилди. Ўқув жараёнини янгилаш ташкил этиш, турли мамлакатлардан келаётган студентларни тарбиялаш хусусиятларини эътиборга олиш ва бошқа қатор проблемаларни ҳал қилиш лозим бўлди. Эндиликда университетнинг профессор — ўқувчилар состави ва бутун коллективнинг куч-ғайрати туфайли унинг ҳаётидаги биринчи босқичдан муваффақиятли ўтибди.

Совет Иттифоқига келиб билим олган ва сўнгра ўз билимларини халқларига хизмат қилдиришга аҳд қилган ёшларнинг ҳис-туйғулари ва муддаоларини ўзларига яқин билган ва англаган кишиларнинг ҳаммаси учун бугунги кун чинакам тантанали айёмдир. Совет ҳукумати ВЦСПСга, бошқа жамоат ташкилотларига ва Халқлар дўстлиги университетини барпо этишда қатнашган барча кишиларга миннатдорчилик билдиради. Ҳозирги вақтда бу университетда совет студентлари билан бирга Африка, Осиё ва Латин Америкасидан келган йигит ва қизлар билим олмоқдалар. Улар Патрис Лумумба номидаги университетни битириб чиқадиган кўпгина мутахассисларнинг дастлабки қалдирғочларидир. Биз университетга бундай бўёғини ишларида янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

Сизларнинг университетингиз — турли қитъаларда яшовчи ҳар хил миллатлар ва ирқларга мансуб бўлган кишиларнинг ўзаро яқинлашиш ва ҳамкорлик қилишга астойдил интилаётганликларининг конкрет кўринишларидан биридир. Шунинг учун ҳам биз университетнинг самарали ишлашига бажонидил катта эътибор бермоқдамиз, у ҳақда қайғурмоқдамиз. Ҳамда ўз томонимиздан кўлимиздан нимаики келса ҳаммасини бажарамиз. Ҳозирги вақтда Москвада Ленин проспектида университетнинг ҳамма факультетларини жойлаштириш учун янги бинолар комплекси қурилмоқда. Орадан кўп вақт ўтмасдан бу бинолар сизларнинг ихтиёрингизга берилади.

Совет кишилари Москвада шу университетни барпо қилиш орқали мустақил ривожланиш йўлига кирган мамлакатнинг халқларига ўзларининг миллий кадрларини тайёрлашда ёрдам беришни сидқидилдан истаётганликларини яна бир қарра амалда исбот этдилар. Совет Иттифоқининг бу проблемани ҳал этишдаги иштироки шу университетни барпо этишнинг ўзи билан чекланаётгани йўқ. Ҳозирги вақтда СССРдаги олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ўзида 20 мингдан ортиқ чет эл студенти билим олмоқда.

Совет Иттифоқи бевосита чет мамлакатларнинг ўзида ҳам умумий ва махсус таълимни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бирма, Ҳиндистон, Эфиопия, Камбоджа, Гвинея, Индонезия, Мали, Жазоир, Кения, Бирлашган Араб Республикаси, Афғонистон, Тунис ва бошқа мамлакатларда Совет Иттифоқининг кўмаги билан 90 дан кўпроқ ўқув юр்தлари ва марказлари қурилди ва қурилмоқда.

Ривожланаётган ёш давлатлар олдида мураккаб вазифа турганлигини биз яхши тушунамиз: улар империализм томонидан бўлаётган доимий тазйиқ шароитида, мустамлакачилардан мерос бўлиб қолган қийинчиликларни енгиб, қисқа тарихий вақт ичида катта йўлни босиб ўтишлари керак. Ҳозирги вақтда мустамлакачилик ўтмишини тугатмасдан туриб, ривожланган миллий экономикани барпо этмасдан туриб мустаҳкам сиёсий мустақилликка эришиш мумкин эмаслиги, халқларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлаш, озод бўлган давлатларнинг озодлик ва тараққиёт йўлидан муваффақиятли ривожланишини таъминлаш мумкин эмаслиги кўпчиликка аёндыр. Ана шу туб вазифани бажаришда миллий мутахассис кадрлар катта роль ўйнайдилар. Ҳозирги вақтда миллий мутахассис кадрлар — ривожланаётган ёш давлатлардаги муҳим сиёсий ва иқтисодий кучдир. Улар — шундай бир қалитки, экономикани ривожлантириш проблемаларини бусиз ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабдан Совет Иттифоқи ёш давлатларнинг миллий кадрларини тайёрлаш ишида улар билан ҳамкорлик қилишга шу қадар катта аҳамият бермоқда.

Мустамлакачи давлатлар ўзларининг узоқ давом этган ҳукмронлиги даврида техникавий ва илмий билимларни монополия

қилиб келдилар. Маълум халқларнинг энг оз вакилларигина олий маълумот у ёқда турсин, ҳатто ўрта маълумотни ҳам зўрға олдилар. Шунда ҳам улар аксарият миллий экономикаши ва маданиятни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган соҳаларда маълумот олдилар. Коллежларни адвокатлар, мустамлака маъмурияти амалдорлари ва жуда кам ҳолларда инженерлар, экономистлар ва врачлар битириб чиқарди.

Биз ривожланаётган мамлакатлардан келган студентларга уларнинг юртларига қайси ихтисослар ҳаммадан кўра кўпроқ зарур бўлса, апа шу ихтисосларни ўрганиб олиш имконини беришга интилоқдамиз. Совет Иттифоқда Осиё, Африка, Латин Америкасидан келган йигит ва қизларнинг жуда кўпчилиги техника ва қишлоқ хўжалик фанларини, физика, химия, медицина, математикани ўрганмоқдалар.

Ривожланаётган мамлакатлардан келган йигит ва қизлар СССРда фақат назарий билимлар олиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Уларнинг ҳаёти шу ўқув юртлари ичидагина ўтмаётир. Улар бизнинг улкан мамлакатимизнинг турли районларида бўлиб, бизнинг халқимиз қандай яшаётганлиги ва меҳнат қилаётганлигиши, ривожланаётган давлатлар халқларига қардошларча мубосабатда бўлаётганлигини ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эгадирлар. Совет ишчилари ёрдамини олиш ва кўришни шу тарафдан билиш имкониятига эгадирлар.

Уларнинг кўзларида бу тарафчилар билан бажовидил ўртоқлашмоқдалар. Биз университетни битириб чиққан мутахассислар Ватанларига қайтган, биздан олган билимлари ва тажрибаларидан ўз халқларининг фаровонлиги йуанида энг яхши фойдаланишларини хоҳлаймиз.

Чет эллик студентлар беш-олти йил ўқиш давомида бизнинг мамлакатимизда экономика ва маданият қандай ривожланаётганлигини, Совет социалистик жамиятининг олға томон ҳаракати қандай юз бераётганлигини яққол кўра оладилар. Улар бизда бунёд этилган ўзимизга хос нарсаларни, бизнинг жамиятимизни характерловчи ўзига хос белгиларни кузатиш имкониятига эгадирлар.

Биз ўз қарашларимизни ҳеч кимга тиқштирмаймиз. Бу қарашларимизни бизнинг мамлакатимизда таълим олаётган чет эллик студентларга ҳам тиқштирмаймиз. Уларнинг ўзлари мустақил фикр юритиб, Совет Иттифоқда кўрган ва билганларига керакли баҳо беришлар.

Ривожланаётган мамлакатларга тайёргарлик кўрган кадрларнинг, юқори малакали мутахассисларнинг ўзигина зарур бўлиб қолмай, шу билан бирга уларга ватанпарвар мутахассислар, миллий мустақиллик ва ўз мамлакатларининг тараққиётига чексиз садоқатли кишилар, ўз билимларини Ватанига садоқат билан бахш этувчи демократик, прогрессив маслакдаги кишилар керак. Халқлар дўстлиги университетига атоқли ватанпарвар, империализм ва мустамлакачиликка қарши букилмас курашчи, ўз халқининг овоз-

диси ишига ҳаётичи қурбон этган Патрисе Лумумба номи берилган. Университетни битириб чиққан мутахассислар бу йил Совет Иттифоқидаги бошқа ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган чет эллик 2 минг мутахассис сингари ўз юртларига борганда ажойиб нияжперлар, врачлар, педагоглар, экономистларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга ўз мамлакатларини миллий тиклаш учун, ўз халқларининг социал тараққиёти учун илгор курашчилар ҳам бўладилар. Биз бунга аминимиз. Университетингизни битириб чиққан мутахассисларга ўзлари тавлаб олган йўлда чин кўнгилдап зўр муваффақиятларга эришишни тилаймиз. Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 100 дан ортқ мамлакат ёшларининг вакиллари бўлган студентларнинг аҳил интернационал оқласи бўлиб бирлашган ва бугун бу ерга тўплаган кишиларга ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз дўстлар! Мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш бизнинг ташқи сиёсатимизнинг асосий принципларидан биридир. Марксни-ленинчилар ҳамма шаклдаги зулм ва эксплуатацияни тугатишга эришишни ўзларнинг мақсади деб билдилар. Владимир Ильич Ленин бизга империалистик зодимларга қарши курашувчи халқларни қўллаб-қувватлашни васият қилиб қолдирган эди. Ленин социализмни, яъни эксплуататорларсиз ва эксплуатация қилинувчиларсиз тузум барпо этишни миллий-озодлик антиимпериалистик революциясининг бутун жараёни табиий равишда тугаллашинидир, деб билди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда мустамлакачилик зулмидап халос бўлган қатор мамлакатлар социализм йўлини ташламоқдалар. Бу халқларнинг ўзи таплаган йўл бўлиб, уни ҳеч ким ташқаридан мажбуран қабул қилдирган эмас. Совет Иттифоқи халқларни бу йўлга зўрлаб ундаётгани йўқ. Биз у ёки бошқа қитъада қандай вазият юзага келаётганлиги, у ёки бошқа давлат қандай сиёсат ўтказиши керак, у ёки бошқа халқ нима қилиши кераклигини ўргатаётганимиз йўқ. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципига қаттиқ амал қилиб келмоқда.

Совет Иттифоқининг Африка-Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Биз сизлар сингари миллий мутахассис кадрлар тайёрлашдек «инсоний» элемент бўлган муҳим самарали ҳамкорлик келажакда ҳам муваффақиятли ривожланади, деб ишонамиз. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар бор.

Асосий принципал масала — империализм ва агрессияга қарши, тинчлик ва миллий мустақиллик учун кураш зарур деган масалада Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг манфаатлари ривожланаётган ёш мамлакатларнинг манфаатларига тўла мос бўлиб тушмоқда. Жаҳондаги озодлик жараёни барча улук кучлари манфаатларининг чамбарчас боғланганлиги муваффақиятли ҳамкорлик қилишимизнинг гаровидир.

Азиз дўстлар! Миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиши, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш илгариги мустамлакачилар ва аввало бутун халқаро империализм томонидан тазийқ ҳамон тўхтамаётган шароитда юз бераётганлигини сизлар ўз халқларингиз тажрибасида яхши биласизлар.

Мустамлакачилик системаси емирилган бўлса ҳам, лекин мустамлакачилик яшаб турибди. У ўз қийфасини ўзгартирмоқда, тактикасини алмаштириб, мустамлакачи империялар парчаланиб кетганлиги оқибатида вужудга келган янги вазиятга мослашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мустамлакачилик янги мустамлакачилик шаклида намён бўлмоқда, ёш давлатларни иқтисодий қарамлик исканжасида сақлаб қолишга, уларнинг социал тараққиётига бориш йўлини тўсиб қўйишга уринмоқда. Ана шу давлатларнинг кўпчилиги ҳали ҳозирча халқаро молия капитали томонидан эксплуатация қилинмоқда. Айни вақтда ҳозирги замон мустамлакачилари ўзларини илгари сўнги сариқ чақагача пуллини сугуриб олган мамлакатлар учун ҳамёнини очиб қўйишга тайёр турган саҳоват эгалари қилиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Янги мустамлакачилик — фақатгина иқтисодий эксплуатациянинг янги шакллари бўлиб қолмай, империализмнинг Осиё, Африка ва Латин Америкасига идеологик нурдан келиб чиққан мустамлакачиликнинг янги билинмоқда. Бу нурдан кўрсатилаётган мақсад — озод бўлган халқларни тўғри йўлдан тойдириб юбориш, уларнинг дўстлари ким-у, душманлари ким деган масалада уларни адаштириш. Бунининг давлатларда империалистик таъсир учун таянч вужудга келтиришдир. Империалистлар ўзларини жаҳон цивилизациясини тарқатувчи бирдан-бир кимсалар қилиб кўрсатишга уриниб, озод бўлган халқларнинг маънавий тикланиши ва тараққиёти фақат «Ғарб тафакқури намунаси» асосига қурилиш мумкин, деб уларни ишонтирмоқчи бўладилар.

Ирқчилик ва бутун-бутун миллатлар ва халқларни камситишни асослашга уриниб келган ва ҳозир ҳам шунга уринаётган империалистик идеологиянинг тарафдорлари худди шундай деб даъво қилмоқдалар.

Ирқий камситиш — мустамлакачилик зулмининг, инсон қадриқимматини камситишнинг энг разил кўринишларидан биридир. Танаси бошқа рангда бўлганлиги учунгина бундай кишиларнинг ҳақорат ва таҳқир қилиниши ҳар бир соф виждонли кишининг ақли ва виждонига сизмайди. Илғор кишилар ҳар доим барча ирқ ва миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги учун курашиб келганлар. Маркечи-ленинчилар ҳар доим ирқий камситишнинг энг кескин ва мурасасиз душманлари бўлганлар ва ҳозир ҳам шундайдирлар. Ўзларингизга маълумки, бизда, Совет Иттифоқида 100 дан ортиқ миллатлар ва элатлар бўлиб, улар ягона аҳил оилада яшайдилар. Ҳамма кишилар ирқи ва миллий мансублигидан қатъи назар,

тенгдирлар. Лекин гап кўпгина капиталистик мамлакатларда эълон қилинган юзаки, юридик тенг ҳуқуқликдагина эмас, балки амалдаги ҳар қандай миллий зулмни бартараф этишдадир. Социализм шароитида миллий тенгсизлик ҳақиқатан ҳам тамомла хотида топган.

Совет кишилари ирқчиликнинг ҳар қандай кўринишларига чуқур нафрат билан қарайдилар. Биз ирқчиликни мустамлакачиликдан, фашизмдан, жабр-зулм ва ваҳшийликдан ажратиб бўлмайдиган бир нарса деб биламиз. Бизнинг давримизда, XX асрнинг иккинчи ярмида, масалан, бутун бир халқ ҳақиқатда концентрацион лагерга қамаб қўйилган Жанубий Африка Республикаси сингари мамлакатлар мавжудлиги инсоният учун исноддир. Ҳозирги вақтда Жанубий Родезия ирқчиларни ҳам айни шу йўлдан бормоқдалар.

Жаҳон цивилизацияси барча халқларнинг куч-ғайратлари ва муваффақиятларидан таркиб топган, унинг хазинасига барча миллат ва ирққа мансуб бўлган кишилар ҳисса қўшганлар. Мазлум халқлар ҳатто мустамлакачилик ҳукмронлиги шароитида ҳам ўзларининг миллий маданиятини давом эттирганлар. Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар меҳнатини эксплуатация қилиш ҳисобига анча-мунча техника ва фан ривож топди.

Янги миллий интеллигенция кадрлари зиммасига, шу жумладан бу ерда ҳозир бўлган сизларнинг зимангизга ўз мамлакатларингизнинг тақдирини учун тарихий масъулият юклатилади ва сизлар ўз билимларингизни халқларингизнинг бахт-саодатига бахш этасиз. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Совет Иттифоқида таълим олган студентлар ўз Ватанларига қайтиб борганларидан кейин бутун куч-ғайратларини миллий экономикани қуришга ва маданиятни ривожлантиришга тўла сарф этишларига, ўз мамлакатлари халқларининг фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишларига ишончимиз комил.

Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университетини битириб чиққанлар! Сизлар яхши таҳсил кўрдигиз, юқори малака олдингиз. Ундан мамлакатларингизни жадал ривожлантириш манфаатлари йўлида муваффақиятли фойдалана оласиз. Уқитувчилар ва профессорлар сизларга ўзларининг ҳамма билимларини, бутун бой тажрибаларини бериш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани аямадилар.

Сизлар ёшсизлар, куч ва ғайратга тўласиз. Сизларда билим ва ёшларга хос жўшқин ғайрат бор. Фан ва техниканинг буюк ютуқлари табиати ва кишилик жамиятини қайта ўзгартиришнинг қудратли дастури эканлигини сизлар яхши биласизлар. Ватандошларингиз сизлардан кўп нарса кутишяпти. Сизлар уларнинг катта умидларини шараф билан оқлашингизга ишонамиз.

Патрис Лумумба номидаги университетни дастлабки битириб чиққан мутахассисларни бугунги кунда табриклар эканмиз, улар-

нинг ҳаётларида, меҳнати ва курашида багта муваффақиятлар тилаймиз, уларнинг ҳали ўқишни давом эттираётган ўртоқларига эса пухта билим олишларини ва бу билимларини тобора кенгайтиришларини тилаймиз.

Биз, албатта, шунинг истаймизки, сизлар юртингизга қайтиб борганларингизда совет кпшиларининг сизларга бўлган самимий дўстлик туйғуларини ўз ватандошларингизга ҳам етказгайсиз. Биз, университетни битириб чиққан мутахассислар ҳамisha бизнинг дўстларимиз бўлиб қолишларини, ўз халқлари билан биринчи социализм мамлакати халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик тарафдорлари бўлиб қолишларини истаймиз.

Сизларга муваффақиятлар ва бахт-саодат ёр бўлин, ёш дўстлар!

ВОЛГА БҮЙИДАГИ ҚАҲРАМОН ШАҲАР ШУҲРАТИ АСРЛАР ОША ҲЧМАЙДИ

Қаҳрамон шаҳар Волгоградга Ленин ордени ва „Олтин Юлдуз“ медали топширилиши муносабати билан Волгоградда область ва шаҳар партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг тантанали мажлисида 1965 йил 11 июлда сўзланган нутқ

Қадрли ўртоқлар! Яқинда, бутун прогрессив инсоният фашист Германияси устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 20 йиллигини тантапани нишонлаган кунларда СССР Олий Совети Президиуми қаҳрамон шаҳарни Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлаган эди. Бу қаҳрамон шаҳарларнинг меҳнаткашлари Совет Армияси кўшиқлари билан биргаликда фашист боқинчиларига қарши курашда оммавий қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатдилар.

Москва ва Ленинград, Одесса ва Киев, Севастополь ҳамда Брест қалъасининг қаҳрамонона мудофааси совет халқи тарихидан абадий ўрин олди. Қаҳрамон шаҳарлар орасида Волгоград фахрли ўринни эгаллайди. Бу шаҳар халқимизнинг фахри, унинг матонати, фидокорлиги ва ғалабага бўлган буқилмас иродасининг тимсолидир.

Партия Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ишчилар, хизматчилар, ишкенирлар ва техниклар, фан ва маданият ходимлари, уруш ва меҳнат ветеранларини юксак мукофот билан табриклашга ва социалистик Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз. Қаҳрамон шаҳар меҳнаткашлари тинч ҳаёт йилларида ҳам шаҳарнинг шонли революцион ва жанговар анъаналарини шараф билан давом эттирвердилар.

Шаҳарнинг кейинги ярим асрдаги тарихи, маълум даражада бутун Совет давлатининг тарихидир. Бу ерда, Россиянинг ичкарисида, улуг рус дарёси — Волга соҳилларида янги ва эски дунё кучлари икки марта жанг қилган эди. Бу ерда мамлакатнинг тақдирини, унинг революцион ғалабаларининг тақдирини икки марта ҳал этилган эди.

Советлар республикаси интервентлар ва оқ гвардиячиларнинг армиялари томонидан тамомилан қуршаб олинган бир орол бўлган даврда, Царицин революция душманларининг йўлини тўсган, енгилмас қалъа бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, Царицин Улут Октябрь ғалабаларини сақлаб қолишда жуда катта роль ўйнади.

Уша вақтда шаҳарнинг ишчилар синфи революция олдидаги буюк хизматлари учун «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланган эди. В. И. Ленин Царицин яқинида жанг қилган қизил жангчиларнинг мардлиги ва жасоратини таъкидлаб, 10- армия Революцион ҳарбий кенташига юборган телеграммасида бундай деган эди: «Царицинни ҳимоя қилишда 10-армиянинг ва Царицин пролетариатининг кўрсатган қаҳрамонлигини шодлик билан кузатиб бордим. Қишда қамалга бир печа ой бардош берган қизил Царициннинг ҳозир ҳам барча синовларга бардош беришига ишонаман»¹.

Коммунистик революцион полклар 1918—1919 йилларда ишчи ва деҳқонлар давлати энгилмас эканлигини кўрсатдилар, буни улар яна 1942—1943 йилларда ҳам исбот этдилар. Царицин мудофаасини жапгларининг кўлами ва катталиги жиҳатидан Улуғ Ватан уруши йиллари кунларидаги Волга бўйидаги жанг билан таққослаш қийин, албатта. Лекин Царицин ҳимоячилари Владимир Ильич Ленин ёзган фидокорликлари ва қаҳрамонликлари жиҳатидан Сталинград ҳимоячилари билан қон-қардошдирлар. Уларни Совет Ватанига, Коммунистик партияга садоқат, улуг халқимиз олдидаги бурч туйғуси ҳам бирлаштириб туради.

1941—1945 йиллардаги Ватан уруши инсоният тарихидан энг катта уруш бўлди. Урушлар тарихида бермак фарқи билан ҳамма Ватанимизга қарши ташланган шунчалик ҳарбий куч ҳеч қачон ҳаракатга келтирилган эмас. Лекин шундай куч ҳам тўхтатиб қўйилди, кейин эса совет халқи ҳамда антигитлерчи коалицияга кирган бошқа халқлар томонидан яқсон қилинди. Ватан урушида кўлигина катта ва оғир жанглар бўлди. Бироқ Сталинград эпопеяси ўз миқёслари ҳамда урушнинг бутун бориши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган оқибатлари жиҳатидан ажралиб туради.

Авлодлар хотирасидан кўп нарса кўтарилиши мумкин. Аммо Сталинград мудофаасининг қаҳрамонона кунлари шуҳрати ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Сталинград шундай бир тарихдирки, бу тарих абадий ўтмишда қолиб кетмайди, балки кундалик ҳаётимиз ва курашимизга ёрдам бераверади. Шу сабабли бу тарих саҳифаларига ҳамisha мурожаат қилиб туришга тўғри келади.

Ғалабамизнинг улуғворлигини равшан тушуниб олмоқ учун, тарихдаги ана шу энг буюк жангнинг ролига тўғри баҳо бермоқ учун шундай қилиш керак. Бу — ёшларимизни совет халқининг энг яхши қаҳрамонона традициялари руҳида тарбиялаш учун айнақса зарурдир.

Сталинград жанги урушнинг шундай даврига тўғри келдики, бу даврда гитлерчилар пропагандаси буюк Ватанимизнинг халқлари ўртасига миллий нифоқ солишга, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга зўр бериб беҳуда уринаётган эди. Сталин-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 35-том, 398-бет.

град душманнинг ана шу кирдикорларига қарши муносиб жавоб бўлди. Бу ерда мамлакатимиздаги барча халқларнинг бирлиги, турли миллат жангчиларининг жанговар биродарлиги яна бир бор намоён бўлди. Совет Иттифоқи халқлари — руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қozoқлар, грузинлар, озарбайжонлар, литваллилар, молдаванлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманлар, туркманлар, эстонлар, барча миллат вакилларининг дўстлиги социалистик давлатимизнинг энг буюк галабаси бўлди. Бу дўстлик урушда қозонган галабамизнинг ҳал қилувчи факторларидан бири бўлди.

Уша даврнинг жуда мураккаб ва қийин аҳволни биз яхши эслаймиз. Мамлакат кўпдан-кўп қурбонлар бераётган ва катта моддий зарар кўрган шароитда, Европада иккинчи фронт очилмаган шароитда галаба учун курашишга тўғри келди. Болтиқ-бўйи, Белоруссия, Бутун Украина, Молдавия, Россия Федерациясининг ғарбий ва жанубий областлари фашистлар қўлида эди. Фашист босқинчилар Ленинград яқинида турар, Москва яқинида жуда катта группаларини сақлаб турар, Кавказ тоғи этакларига чиққан эди.

Гитлер Сталинградга қарши зарбани қаратиб, бундан кўп нарсалар кутган эди. У Жанубни мамлакатнинг марказий районларидан узиб қўйишга, унинг бойликлари ва хом ашё ресурсларига эгаллик қилишга ва шу йўл билан урушни ўз фойдасига тугатиш учун шарт-шароитлар тайёрлашга интилди. Сталинградда авж олган жанг ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Қарийб 100 минг квадрат километрни ташкил этган территорияда, олти ярим ойдан кўп вақт давомида жаҳон тарихида мисли кўрилмаган жуда катта жанг бўлди. Бу жангнинг айрим босқичларида ҳар икки томонда 2 миллионга яқин киши, 26 минг тўп ва миномёт, 2 мингдан кўп танк ва тахминан шунча самолёт қатнашди. Совет қўшинлари, шаҳар меҳнаткашлари Сталинградни муҳофаа қилиш билан сон жиҳатидан ўзларидан икки баравар кўп бўлган гитлерчи қўшинларнинг зарбасига чидаш бердилар. Жанг душманнинг 330 минг кишилик группировкасини ўраб олиш ва уни тўла тугатиш билан якунланди. Фашистлар Германияси Сталинград жанги вақтида совет-герман frontiда ҳаракат қилган барча армияларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғидан маҳрум бўлди. бу ерда шундай қақшатқич зарба едик, бу зарба унинг узил-кесил мағлубиятга учраши учун кўп жиҳатдан замин тайёрлаб берган эди.

Ҳозирги замон буржуа сохтакорлари тарихни бузиб кўрсатишга ҳар қанча уриниб кўрмасинлар, Волга бўйида немис-фашист қўшинларининг тор-мор қилиниши иккинчи жаҳон урушидаги энг катта ҳарбий-сиёсий воқеа бўлганлигини эътироф этишга мажбур диллар. Фашист қўшинларининг Сталинградда тор-мор келтирилиши фашистлар Германиясининг ҳарбий қудратини кўп

юборди ва унинг ички сиёсий ва ташқи сиёсий аҳволини жуда қийинлаштириб қўйди, Европада озодлик курашининг юксалишига ёрдам берди. Сталинград яқинидаги галаба ҳақиқат билан бирга куч ҳам социализм томонида эканлигини, фашизм муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум эканлигини аниқ кўрсатди. Совет Армиясининг буюк озодлик юриши шу ердан бошлади. Гитлер Германияси жон-жаҳди билан уришишга қарамай, ўз армияларининг илгариги жанговарлик қобилиятларини қайта тиклаш олмади ва шиддатли курашдан сўнг аштитилерчи коалиция зарбалари остида қулади.

Ушша шиддатли ва эрдан чиқмайдиган кунлардан буён 20 йилдан кўн вақт ўтди. Волга бўйидаги шаҳар ҳимоячиларининг қаҳрамонлик эпонеясини сўз билан таърифлаш қийин. Биз бугун Мамаев қўрғонда оталаримиз, ога-нилларимиз ва ўнгаларимиз хотирасига архитекторлар ва rassomлар яратган фундаментал ижодларини кўрдик. Уларнинг бу ижоди Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонларини фидо қилган совет кишиларининг чексиз ватанпарварлиги хотирасини авлоддан-авлодга етказди. Шаҳарнинг ҳимоячиларининг жасоратлари тўғрисидаги хотира бронза ва гранитдагина эмас, шу билан бирга кишиларнинг қалби ва ақлида ҳам абадийлаштирилган. Халқимиз Волга ерида думолаштириш қилинган жангларда халқ олдига Совет Армияси жангчиларининг хотирасини абадий эсда сақлайди.

Совет халқи А. И. Еременко қўмондонлигидаги Сталинград fronti қўшинлари, аввало В. И. Чуйков ва М. С. Шумилов қўмондонлик қилган 62 ва 64-армиялар қўшинларининг хизматига юксак баҳо беради. А. И. Родимцев қўмондонлигидаги гвардиячиларнинг, Л. Н. Гуртьев қўмондонлигидаги сибирликлар дивизияси, Н. Ф. Батюк, В. Г. Жолудев, И. И. Людников ва С. Ф. Горохов қўмондонлигидаги қўшнлар, Д. Д. Рогачев қўмондонлигидаги Волга ҳарбий флотилияси жангчиларининг жасорати халқ хотирасида абадий сақланиб қолади.

Сталинград эпонеяси даврида қўнгина ҳарбий саркардаларимиз: Олий Бош қўмондон Ставкасининг вакиллари — А. М. Василевский, Н. Н. Воронов, Г. К. Жуков ўртоқлар, фронт қўмондонлари — Н. Ф. Ватутин, А. И. Еременко, К. К. Рокоссовский ўртоқлар, армияларнинг қўмондонлари — П. И. Батов, И. В. Галанин, В. Ф. Герасименко, А. С. Жадов, С. А. Красовский, В. И. Кузнецов, Д. Д. Лелюшенко, Р. Я. Малиновский, К. С. Москаленко, М. М. Попов, П. Л. Ромащенко, С. И. Руденко, Ф. И. Толбухин, Н. И. Труфанов, В. М. Харитонов, Т. Т. Хрюкин, И. М. Чистяков, Э. И. Чуйков, Н. С. Шумилов ўртоқлар ҳамда бошқа қўнгина ҳарбий саркардаларимизнинг ажойиб фазилатлари ёрқин намойиш.

рига соҳилларида Совет Армиясининг қўндан-қўн жангчилари билан жасорат кўрсатдилар. Улар орасида тўрт кечаю кундуз

мобайнида душман танклари ва илҳа аскарларнинг атакаларини даф этган младший лейтенант В. Кочетков бошчилик қилган жангчилар, шунингдек, сержант Я. Павлов афсонавий уйининг қаҳрамон ҳимоячилари, довжорак снайперлар В. Зайцев, В. Медведев, Г. Авзалов, жасур учувчилардан Н. Токарев, М. Баранов ва бошқа кўп миңлаб ватанпарварлар бор.

Шаҳар мудофаасида унинг ҳамма аҳолиси қатнашди. Уша кунларда бу ерда фронт чизиғи ҳам, фронт орқа чизиғи ҳам йўқ эди — граждон аҳолиси душман ўқи остида фронт учун фидоко-ропа меҳнат қилди. Уларнинг кўпи Совет Армияси жангчилари билан елкама-елка туриб жанг қилди. Сталинград яқинида қўшинлар билан биргаликда трактор заводи, «Баррикадалар» ва «Красний Октябрь» заводларининг ишчилари ҳам душманни биринчи бўлиб қарши олдилар. 50 миңдан кўп аҳоли қасосчилар сафига кирди.

Қамал қилиб олинган ва ёнаётган шаҳарда шиддатли жанглар кетаётган районлар ёнида одамлар жангчиларга қурол ва ўқ-асла-ха етказиб бериш учун ишларини бир зум ҳам тўхтатмадилар, завод цехларида ва олдинги маррада, душман ўқи остида танкларни ремонт қилдилар. Шиддатли бомбардимон қилинаётганлигига қарамай «Баррикадалар» заводининг мардонавор коллективи тўпчиларнинг зақазларини кечаю кундуз бажардилар.

Бутун мамлакат Сталинград жангининг боришини кузатиб турди; миллион-миллион кишилар унинг ўқ овозларига қуроқ солиб борди. Уша оғир ва хавотирли ойларда ҳар бир совет кишиси Сталинграддан ҳаяжон билан хабарлар кутди. Мамлакатимиз тақдир кўп жиҳатдан бу ердаги жангининг якунига боғлиқлигини ҳамма яхши тушунарди.

Уша вақтда қамалдаги Ленинградда эканлигимда биз Сталинград фронтидан хабарларни сабрсизлик билан кутганлигимиз ҳамон эсимда. Сталинград яқинидаги гитлерчи қўшинларнинг тор-мор этилиши ўша вақтда жуда қийин қамал шароитида бўлган Ленин шаҳрининг ҳимоячиларини пилҳомлантириб юборди, уларга янги куч бағишлади, уларнинг фашизмнинг яқсон қилинишига бўлган ишончини янада оширди. Волга соҳилидаги ғалаба қамални ёриб ўтишни ва немис қўшинларини Ленинград яқинида тор-мор этишни тезлаштирди.

Кеча Ленинградда тантанали йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда ўртоқ Л. И. Брежнев қаҳрамон Ленинград шаҳрига «Олтин Юлдуз» медалини тошширди. Волгоград меҳнаткашлари ўша куни бутун мамлакат билан биргаликда улуғ Ленин шаҳрини самимий қутладилар, муборакбод қилдилар ва бу шаҳарнинг тинч меҳнатда янги шонли муваффақиятларга эришувини тиладилар.

Бутун мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Волга бўйидаги ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг зўр бериб қилган меҳнати туфайли 1942 йил ўрталарига келиб, халқ хўжалигини

ҳарбий изга солиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу мураккаб вазифа эди. Уни ҳал этмасдан туриб, фронтни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаш мумкин эмас эди, ғалабага эришиб бўлмас эди. Қўшгина районларимиз босиб олинганлиги ва вайронагарчиликлар натижасида халқ хўжалигига жуда катта зарар етказилган энг оғир шароитларда бизга юзлаб йирик саноат корхоналарини мамлакатнинг итқари томонига кўчиришга тўғри келди. Шундай давр бўлдики, бундай даврда ҳарбий саноатнинг катта қисми Шарққа томон йўл олаётган эди. Юз минглаб кишилар — ишчилар, мутахассислар ўзлари туғилиб ўсган жойлардан бошқа жойга келиб қолганликларига қарамай, мамлакатнинг шарқий районларида энг қисқа муддат ичида корхоналарни биринкетин ишга тушира бошладилар.

Буларнинг ҳаммаси орадан 20 йил ўтганидан кейин, ҳозир ҳам эслашга арзыйдиган фактлардир. Гитлерчи армиялар Сталинградга яқинлашган ўша вақтда мамлакатимизнинг урушга қадар 85 миллионга яқин аҳолиси яшаган ҳамда бутун саноат маҳсулотининг учдан бир қисми ишлаб чиқариладиган, бутун экин майдонларининг 47 процентга яқини ва бутун чорва молларининг қарийб ярмини ташқил этадиган территорияси оккупация қилиб олинган эди.

Шундай бўлса ҳам 1942 йил охирига келиб, мамлакатда тарқиб турган ва тез орада Сталинграддан раёонларга юракдан ҳарбий хўжалик ишга тушди. Сталинград яқинида армияларимиз томонидан фойдаланилган қуроолларнинг қарийб ҳаммаси ўша йилнинг баъзил ва йилларнинг бундай ойларида совет саноати томонидан ишлаб чиқарилди.

Кишиларимизнинг — ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, эркақлар ва аёллар, ёшлар ва ҳатто мактаб ёшидаги болаларнинг қаҳрамонлигини сўз билан тасвирлаш қийин. Уларнинг ҳаммасининг зиммасига катта қийинчиликлар тушди: озиқ-овқат ва кийим-кечак етишмас, уй-жойлар иситилмас эди. Ишчилар корхоналарда 12 соатлаб ва ҳатто ундан ҳам кўп соатлаб дастгоҳлар ёнидан кетмадилар. Фронт ва фронт орқаси чиндан ҳам бирикиб кетди. Совет кишилари армия душманни тор-мор келтириши учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар.

Ўша ниҳоятда мураккаб шароитларда халқимиз кўрсатган ҳаётбахш куч — совет кишиси маънавий фазилатларининг ва социалистик тузум афзалликларининг энг яхши гувоҳидир.

Барча ғалабаларимиз сингарп Волга бўйида эришган ғалабаларимиз ҳам коммунистик партиянинг жуда катта ташкилотчилик фаолияти билан яқиндан боғлангандир. Коммунистлар қаҳрамонона мудофаанинг етакчи кучи бўлдилар, улар ҳужумга биринчи бўлиб кирдилар, «Бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!» деган шиор остида жонажон ерларининг ҳар бир қаричини ҳимоя қилиб жанг қилдилар. Партия ва унинг Марказий Комитети Сталинград

жанги кунларида катта резервларни сафарбар этиб, душманга ҳал қилувчи зарба бериш учун кучларни тайёрлай ва тўплай олди. Қийин синов пайтларида бўлганидек, партия вужудга келган хавфнинг нечоғлик катта эканлигини совет халқидан яширмади. Партия меҳнаткашлар оммаси ва жангчиларни темирдек мустаҳкам иттиҳом ва кураш иродаси билан боғланган ягона жанговар армияга бирлаштирди. Партия тарбиялаган совет ватанпарварлиги уруш даврининг жуда катта руҳий ва жисмоний оғирчилигини енгиш, халқимиз тарихида энг буюк галабага эришиш имконини берган куч манбаи бўлди.

Сталинград жанги — бу фақат Совет Иттифоқи тарихи билан боғланган воқеа эмас. Бутун дунёдаги прогрессив кишилар учун бу рус шаҳри илгор гоиларни ҳимоя қилиш рамзи, тараққиёт учун, халқларни фашистлар қуллигидан озод этиш учун кураш намунаси бўлди.

Империалистлар дунёдаги вазиятни кескинлаштиришга, халқлар ўртасида ишонч ўрнатишга халақит беришга уринаётган, банкротга учраган антикоммунизм доктринаси яна ишга солинаётган бизнинг кунларда ҳам герман фашизмига қарши кураш даврида Совет давлати етакчи роль ўйнаганлиги кенг эътироф этилаётганлигини эслатиб ўтиш ортиқча бўлмас.

Кўнгина мамлакатлар гитлерчилар ҳукмронлиги остида бўлган ўша 1942—1943 йилларнинг қишида Волга бўйидаги шаҳар ҳимоячиларининг матонати ва мардлиги халқларнинг кураш ва галабага бўлган иродасини мустаҳкамлади. Бутун дунёда Сталинград жангининг жасоратига қойил қолиб гапиришди. Сталинград жангининг ҳал қилувчи аҳамиятини Америка давлат ва ҳарбий раҳбарлари ҳам эътироф этдилар.

Спзнинг шаҳрингизда президент Ф. Рузвельт шаҳар ҳимоячиларига йўллаган ёрлиқ сақланмоқда. Ёрлиқда бундай дейилган: «Мен Сталинград шаҳрига, унинг шавкатли ҳимоячиларига қойил қолганимизни нишонлаш учун Америка Қўшма Штатлари номидан шу ёрлиқни топшираман. Уларнинг 1942 йил 13 сентябрдан 1943 йил 31 январгача кўрсатган мардлиги, руҳий кучи ва фидоқорлиги барча озод кишиларнинг қалбини абадий илҳомлантириб туради. Уларнинг шонли галабаси босқинчилик тўлқинини тўхтатди ҳамда агрессия кучларига қарши Иттифоқчи Миллатлар урушининг бурилиш нуқтаси бўлди».

Генерал Д. Эйзенхауэр АҚШ конгресси икки палатасининг махсус мажлисида 1945 йилнинг 18 июнида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

«Шаҳардаги бутун қаршилиқни яқсон қилган Қизил Армиянинг компаниялари Германиянинг тор-мор этилишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Совет раҳбарларининг қобилияти, уларнинг жангчилари, эркаклари ва аёллари кўрсатган жасурлик ва матонат солдатнинг юсак фазилатларини қадрловчиларининг ҳаммасини

қойил қолдирмоқда. Немисларнинг йиртқишларча ҳаракатидан вайрон бўлган ўз ерида совет халқидан жуда катта қурбонлар талаб қилинди. Совет кишилари ҳатто Сталинградга чекинишга мажбур бўлганларида ҳам урушни фақат галаба билан тугаллашдан бошқа нарсани қатъий туриб рад этганлиги ҳамма даврлар тарихида ҳурмат билан тилга олинади». Американинг кўзга кўришган арбоблари бундан йигирма йилдан сал кўпроқ олдин шундай дейишган эди.

Биз, Совет Иттифоқи ҳам АҚШ халқининг антигитлерчи коалицияда қатнашганлигини ва уруш йилларидаги совет-америка муносабатларини қадрлаймиз. Бироқ АҚШдаги баъзи бировлар ана шу жанговар ҳамкорликни ҳам, совет халқи иккинчи жаҳон урушидаги галабага ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини ҳам эсдан чиқармоқчи бўлишади. Бундай қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳаётнинг ўзи дунёда биринчи социалистик давлатнинг фашизми тор-мор келтиришдаги ролини эслатиб турибди.

Ҳақон уруши бутун империализм системасини ларзага келтирди. Тинчлик ва тараққиёт кучларининг галабаси туфайли бутун халқаро вазият таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кўпгина мамлакатларнинг меҳнаткашлари капиталистик тўзумни улқотириб ташлаб социализм йўлига ўтдилар. Бошқа қисмида давлатлар империалистларнинг бу мамлакатларни ўз продасига бўйсундириш, уларни ўз қўлига олиш йўлидаги уринишларига қарши ўз миллий мустакиллигига эришиш ва уни муваффақият билан қўқаламоқда.

Биз бундай уринишлар оқибат натижада фақат зулмга ва зўравонликнинг энг ашаддий методларигагина ишонадиган империалистик доиралар томонидан содир бўлаётганлигини назарда тутишимиз керак. Улар Совет Иттифоқини ўзларининг агрессив планларини амалга ошириш йўлидаги асосий тўсиқ деб биладилар. Шунинг учун ҳозир ҳам бизнинг мамлакатимиз, унинг Қурулли Кучлари зиммасида тинчлик ва социализм тақдирини учун жуда катта масъулият бор.

Бу ерда, Волгоградда, Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини оширишга қандай аҳамият бераётганлигимизни айтиб ўтиш ўринлидир. Бизнинг армиямиз Улуғ Ватан урушида гитлерчи армия устидан ўзининг афзаллигини яққол кўрсатди, унинг қўлидаги қурол эса немис қуролига қараганда анча мукамал бўлиб чиқди.

Урушдан кейинги вақтда фан ва техника мислсиз тараққий этганлиги шунга олиб келдики, армиялар тобора янгидан-янги қурол турлари билан қуроолланмоқда. Яқинда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мудофаа саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан қатор чораларни амалга оширди. Бугунги кунда бизнинг ҳарбий саноатимиз халқаро вазият ва

ҳозирги замон ҳарбий ишининг тараққиёти тақозо этаётган даражада турибди.

Совет Қуроли Кучларининг командирлари ва оддий состави марксизм-ленинизм руҳида, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм руҳида тарбиялангандир. Генераллар, офицерлар ва солдатлар катта профессионал маҳорат эгасидирлар. Улар ўзларига ишониб топширилган қуролини яхши ишлата оладилар.

Тўғри, ҳозирги замон Қуроли Кучларини сақлаш жуда катта маблағ талаб қилади. Биз бу маблағни бажонидил хўжаликнинг бошқа тармоқларига сарфлаган бўлур эдик. Лекин ҳозирги аҳволда мудофаа учун маблағни аяш — Совет давлати манфаатларига зид бўлади. Бизнинг партиямиз ва совет халқи ҳеч қачон бунга рози бўлолмайди. Биз ўз армиямизни, Ҳарбий-Денгиз Флотимизни ва Ҳарбий-Ҳаво Кучларимизни севамиз ва уларга доимо ғам-хўрлик ва эътибор кўрсатамиз.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бизнинг Қуроли Кучларимиз бундан бўён ҳам ҳозирги замон вазиятлари даражасида бўлишлари учун қўлларидан келган ҳамма тadbирларни кўрмоқда. Совет Қуроли Кучлари партия ва ҳукуратимизнинг социалистик Ватаннинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳар қандай топширигини бажаришга тайёрдирлар.

Совет кишилари шунга ишончлари комилки, халқлар ўртасида тинчлик, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши барча халқларнинг манфаатларига тўла-тўқис жавоб беради. Гитлер дунё абадий мавжуд бўлса, инсоният ҳалок бўлади, деган эди. Биз бундай ёвуз назарияни жирканиб рад этамиз ва янги жаҳон уруши муқаррар эмас деймиз.

Империалистик реакция активлашаётган ҳозирги шароитда империализмга қарши сўзда эмас, балки амалда бирлик бўлишини истовчи барча антиимпериалистик кучларнинг бирилашуви зарур. Эркесвар халқларнинг ҳарбий авантюраларга қарши кескин ва актив кураши халқларни ифвогарларга ва империализмнинг агрессив доираларига зарба беришга қодир бўлган қудратли кучга бириштиради.

Қадрли ўртоқлар! Партия меҳнаткашларда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаётганлиги ҳам ҳарбий, ҳам тинчлик ишларида тўла намоён бўлмоқда. Сизнинг шахрингиз уруш йилларидаги қаҳрамонлик тарихигагина эга бўлиб қолмай, шу билан бирга меҳнатдаги муваффақиятлари билан ҳам машҳурдир. Биринчи беш йиллик даврида мамлакатимизни индустриалаштиришнинг ажойиб босқичи — совет тракторсозлиги биринчи маҳсулотининг чиқарилиши Сталинград билан боғлиқдир. Биринчи Сталинград трактори бутун мамлакат учун катта воқеа бўлди. Уни Москвага партия XVI съезди ўтаётган кунларда келтиришганди. Кейинчалик эса минглаб бундай машиналар колхоз ва совхоз далаларига

чиқарилди, уларнинг ёрдамида қишлоқда эски турмушга хотима бердик. Янги ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтирдик.

Тинч социалистик қурилиш йилларида сизнинг шаҳрингиз мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан бирига, унинг мудофаа қудратининг таянч пунктларидан бирига айланди.

Фашист армиялари тор-мор этилгач, бутун аҳоли янги шаҳарни бунёд этишга киришди. Бизнинг солдатларимиз ана шу кўчаларда қандай жанг қилишган бўлса, сизларга ҳам қарийб шундай қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келди. Хотин-қизларни янги шаҳар қурилишида ишлашга, ишлаганда ҳам ихтиёрий, бепул ишлашга даъват этган А. М. Черкасовнинг машҳур ҳаракати сержант Я. Павловнинг машҳур уйини қайта тиклашдан бошланганлиги тасодифий эмас.

Шаҳарни ҳимоя қилишда ҳам, уни қайта тиклашда ҳам бутун мамлакат ёрдам берди — бу ерга ёқилги, бинокорлик материаллари, машиналар, дори-дармонлар, озиқ-овқат юборилди. Сизнинг шаҳрингизга бутун мамлакатдан ёшлар келди. 1945 йилнинг бошларига келиб, уруш ҳали давом этаётганда, бу ердаги асосий ишлаб чиқариш фондлари маълум даражада қайта тиклаб бўлинди.

Астойдил меҳнат тўғрисида иккинчи марта, аслида эса янги, ривожланган замонавий саноатга, юксак маданиятга эга бўлган шаҳар бунёд этилди.

Волгоград ишчилари ва хизматчилари, инженерлари ва техниклари жанговар, жишслашган партия ташкилоти раҳбарлигида катта муваффақиятларга эришдилар. Заводлар ва фабрикаларда ишлаб чиқариш йил сайин кенгаймоқда. Кўпгина ирилик корхоналар бунёд этилди. Улар орасида КПСС XXII съезди номидagi дунёда энг йирик Волга гидроэлектр станцияси, қудратли алюминий заводи, оғир нефть асбобсозлиги заводи, нефтни қайта ишловчи завод ва бошқалар бор. Кўчалари, майдонлари кенг, ёруғ кўкаламзор шаҳарнинг ташқи қиёфаси тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳозир бу ерда мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юрлари, касалхоналар ва поликлиникалар, болалар муассасалари, магазинлар анча кўп. Уй-жой фонди урушдан олдинги даврдагига нисбатан икки баравар кўпайиб, тобора ошиб бормоқда.

Волгоградликлар ўзларининг меҳнатдаги муваффақиятлари билан энг мураккаб вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодир эканликларини, барча совет кишилари сингари улар ҳам коммунизм қурилиши йўлидан олга боришга қатъий аҳд қилганликларини яққол кўрсатиб туришти.

Биз кенг меҳнаткашлар оммасининг актив ва онгли иштирокида катта ва мураккаб ишларни амалга оширишимиз лозим. Биз ишларнинг барча участкаларида хўжаликларнинг ҳамма тармоқларини юксалтиришга эришишимиз керак. Партиямиз бизнинг мамлакатимизда меҳнат янада унумдор бўлиши учун, миллий

даромад тезроқ ошиб бориши, кишиларнинг моддий турмуш даражаси муттасил юксалиб бориши учун қўлидан келган барча ишларни қилади. Биз маиший хизмат кўрсатиш шаҳарларда ва қишлоқларда доимо яхшиланиб бориши ва совет кишиларининг талабларини кўп даражада қондирилишига катта эътибор беришимиз керак. Бу хўжалик ва жамоат ташкилотларининг энг асосий ва фахрли вазифасидир.

Кишиларнинг турмуш даражасини ошириш тўла равишда давлатнинг миллий даромади ўсиб боришига боғлиқдир. Миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳар бир ишчи, колхозчи, техник, инженер, олим томонидан яратилади. Биз ҳар қандай меҳнат юксак даражада унумли бўлиши, меҳнат натижалари ишловчига роҳат бағишлаши учун меҳнатни ташкил этишни жиддий равишда яхшиламоғимиз лозим. Ҳар бир келаси кун ўтган кундагига нисбатан анча унумли бўлиши керак. Бу ҳол хўжалигимизни ривожлантиришнинг, олға томон ҳаракатимизнинг қатъий қонуни бўлмоғи лозим. Ватанчимизнинг қудрати ва халқ бойлиги оқибат натижада шу билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми қарорлари жуда катта ва принципиал аҳамиятга эга. Бизнинг давлатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳамда маҳсулот тайёрлашни рағбатлантиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағлар ва моддий ресурслар сарфлаган эмас. Партиянинг ана шу энг муҳим соҳа тўғрисидаги ғамхўрлиги яхши самаралар бермоқда.

Бу йил об-ҳаво шароити айниқса донли экинлар учун баъзи жойларда унчалик қулай келмаган бўлса-да, баҳорги дала ишлари анча уюшқоқлик билан бошланди. Тупроқ-иқлим шароити турли хил бўлган бизнинг мамлакатимизда барқарор ва юқори ҳосил олиш тўғрисидаги масалани радикал ҳал қилиш ерларни суғориш ва мелiorациялаш ишларини ўз ичига олувчи катта тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Келаси йилларда Ўрта Осиё республикаларида, Украинанинг шимолида, Шимолий Кавказ районларида ва Поволжьеда донли, техника ва сабзавот экинларини суғоришни ривожлантиришга катта куч-ғайрат сарфланади. Бу чораларни кўнгилдагидек ўтказишнинг яхши натижалари, шубҳасиз, кейинги йилларда бой самаралар беради.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг жанубий районларида ғалла ўрими авж олган. Бу жуда масъулпяти давр бўлиб, ўрими-йиғими ишларини қисқа муддатда ва нобудгарчиликсиз ўтказиш ва давлатга ғалла сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муносиб бажаришлари учун колхозлар ва совхозларнинг ишида пухта уюшқоқлик бўлишини талаб қилади.

Сўнги йилларда Волгоград области ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи йirik район бўлиб қолди. Область совхозларининг ишчилари ва колхозчилари ўз олдларига қўйилган

вазифаларни бажариш учун бутун куч ва билимларини сарфлайдилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз.

Бизнинг мамлакатимиз кун тартибида саноатда етилган қатор вазифаларни ҳал қилиш ишлари турипти.

Бизнинг саноатимиз юксак суръатлар билан ривожланимоқда. Партия 1964 йил октябрь Пленумидан кейин саноатга раҳбарликдаги субъективизмни бартараф этиш ҳамда хўжалик органлари ва меҳнат коллективларининг икждий ишлаши учун шароит яратиш борасидаги чора-тадбирлар, шубҳасиз саноат ишини яхшилашнинг муҳим факторларидан бири бўлди.

Экономика, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида қўйилган вазифалар янада муваффақиятлироқ бажарилиши учун биз хўжаликни бошқариш системасини яхшилаш, халқ хўжалигини планлаштиришни такомиллаштириш ҳамда хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз ва бу билан янги техникани жорий этиш учун, ҳар бир ходимнинг, ҳам ҳар бир корхона коллективининг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлигини ошириш учун энг кулай шароит яратибшимиз керак.

Буни амалга ошириш учун иқтисодий тайёргарлик, катта ташкилотчилик ишлари олиб бориш талаб этилади. Партия Марказий Комитетини ва ҳукумат хўжалик органларини раҳбарлик қилишнинг ҳуқуқларини кенгайтириш лозим деб ҳисоблайди.

Хўжалик раҳбарларининг, ҳар бир коллективнинг тошширилган иш учун ва, бинобари, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш умумий иши учун ҳам маъмуриятнинг бутун чоралар билан ошириш зарур. Инженер ёки маъмуриятчи ўз корхонасининг истиқболини кўра билиши билан бирга, бу истиқболни ҳар бир ишчи ҳам кўра билиши ва ундан манфаатдор бўлиши лозим. Шундай қилинганда биз ҳақиқатан ҳам техникавий жиҳатдан чинакам илғор ва юксак самарали ишлаб чиқаришга эриша оламиз. Бизнинг биринчи даражали вазифаларимиздан бири — саноат маҳсулоти сифатини яхшилаш юзасидан доимий ва астойдил иш олиб боришни ташкил этишдан иборат. Сифат учун кураш масалаларига, гарчи муҳим бўлса-да, фақат истеъмолчилик нуқтаи назаридангина қараб бўлмайди. Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши ҳам юксак тежамлиликни, ҳам меҳнат унумдорлиги юксак бўлишини таъминлаши лозим. Ҳозирги вақтда техника ва экономикада шундай босқич бошландики, бу босқичда маҳсулот сифати масалалари белгилловчи роль ўйнаши керак. Бу масalani ҳал қилиш ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам ихтисослаштириб бориш ҳамда кўпгина янги муҳим материалларни ва янги технология асбоб-ускуналарини ўзлаштириш билан боғлиқдир. Шундай экан, юқори сифат учун курашнинг аҳамиятига етарли баҳо беролмайдиган киши саноатда фойда етказолмайди. Сифат учун, юксак стандарт учун кураш бизнинг иқтисодий соҳадаги ишлари-

мизда ва техника сиёсатимизда энг муҳим йўналишлардан бири бўлиши керак.

Москва ва Ленинград илгор коллективларининг сифат учун кураш ташаббусига миқлаб корхоналарнинг коллективлари қўшилмоқдалар. Улар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларнинг энг муҳим турлари бўйича уч-тўрт йил ичида энг яхши жаҳон намуналарига эришишни ўз вазифалари қилиб қўймоқдалар.

Волгоград корхоналарининг буюмлари харидорғвр. Лекин, афсуски, бу буюмлар энг яхши чет эл фирмаларининг конкуренциясига ҳар доим ҳам бардош берапти, деб бўлмайди. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат Волгоградни Иттифоқимизнинг Европа қисмидаги муҳим саноат маркази деб билади ҳамда ишчилар, техниклар, инженерлар ва бошқарув аппаратида меҳнат қилаётганлар маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун бу илгор ҳаракатда актив қатнашадилар, деб ишонади. Волгоград буюмлари қаҳрамон шаҳар деган жаҳон шуҳратига муносиб бўлиши керак.

Олдинда кўпгина катта ишлар турипти, бинобарин, кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келади. Лекин улуғ Ленин партияси раҳбарлик қилаётган халқнинг фидокорона меҳнати олдида бу қийинчиликлар чекинади. Ўзларининг шонли анъаналарига содиқ бўлган волгоградликлар яхши намуна кўрсатадилар ва бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари билан биргаликда коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўртоқлар! Волгограднинг Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланганлиги — бу Ватанимиз, бутун совет халқи Улуғ Ватан урушида Сталинград ажойиб роль ўйнаганлигини эътироф этганлигининг ифодасидир.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати барча волгоградликларни Ватаннинг юксак мукофоти билан чин юракдан ва қизгин табриклайдилар.

Сизларнинг шаҳрингиз бутун дунёга мард, довюрак ва енгилмас шаҳар сифатида донг таратган. Бугунги кунда унинг жанговар ўтмишини фахр билан эслаб бундай деймиз: меҳнаткаш, коммунистик жамиятнинг толмас бинокори Волгоградга шон-шафрлар бўлсин!

Волгоград меҳнаткашлари — ишчилар, хизматчилар, инженер ва техниклар, фан ва маданият ходимлари бундан буён ҳам ўз участкаларида ўз кучлари ва билимларини, тажриба ва талантларини тўла ишга солиб меҳнат қилишларига ишонамиз. Волгоградликлар яхши ишлашни биладилар.

Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати ишонч билдирадиларки, ўзларининг қаҳрамон шаҳри анъаналарига содиқ бўлган Волгоград меҳнаткашлари совет халқи олдида турган катта вазифаларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Яшасин шонли Коммунистик партиямиз — Ленин партияси!

Яшасин коммунизм қурувчи улуғ совет халқи!

САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ, ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*КПСС Марказий Комитети Пленумида
1965 йил 27 сентябрда
қилинган доклад*

Ўртоқлар! Марказий Комитет Президиуми саноатга планли раҳбарлик қилишни ва уни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги таклифларни ушбу Пленум муҳокамасига қўймоқда. Бу — мамлакатимизда коммунистик қурилиш практикаси сира кечиктирмай ҳал этишни талаб қилаётган жуда муҳим масаладир.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми халқ хўжалигининг асосий проблемаларига иқтисодий ривожланишнинг бевосита қўлуқчилигини тўғри аниқлаш ва ҳал қараб бериш ҳисобига олиш негизига янгича муносабатда бўлишга асос солди. Партия мамлакатимизда социалистик қурилишнинг тарихий тажрибасига, бутун жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг тажрибасига таяниб, жамиятимизнинг иқтисодий қонувларидан ва гоёт катта ижодий имкониятлардан тўғри фойдаланиш учун жамиятимиздаги иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини тобора чуқурроқ ўрганмоқда.

Советлар мамлакати янги беш йиллик бўсағасида турибди. Биз иқтисодий қурилиш ва халқнинг турмуш даражасини анча ошириш йўлида олға қараб катта одим ташлашимиз керак. Бутун халқ хўжалигининг негизи бўлган саноатни ривожлантириш соҳасидаги янги вазифаларнинг уддасидан чиқиш ҳамда техникани ва экономикани тараққий эттириш суръатларини жадаллаштиришга имкон берувчи шарт-шароитлар вужудга келтириш учун Марказий Комитет Президиуми билан Министрлар Советининг фикрича, планлаштиришни, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш соҳасида бир қанча чораларни амалга ошириш зарур.

Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш сиёсий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Муболағасиз айтиш мумкинки, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш программасини муваффақиятли бажариш, халқ фаровонлигини яшада юксалтириш ва мамлакатимизнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш

ана шу масалаларнинг қай тахлитда ҳал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Сапоатга планли раҳбарликни яхшилаш масалалари партия-хўжалик активи, илмий жамоатчилик, матбуотимиз томонидан бир неча йиллар мобайнида кенг ва қизғин равишда муҳокама қилинди. Кўпгина фойдали таклифлар айтилди.

КПСС Марказий Комитетининг ушбу Пленумига ҳавола қилинаётган асосий тадбирларни атрофлича муҳокама этишда Москва, Ленинград, Волгоград, Минск ва бошқа шаҳарлардаги кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари, партия ходимлари, экономистлари ва бошқа ходимлари, олимлар, планлаштириш ва хўжалик ташкилотларининг мутахассислари актив қатнашдилар. Таклифлар иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Госплани, Фанлар академиясининг Президиуми, министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари томонидан ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳанинг асосий қоидалари ёшасига маъқулланди.

1. САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛИГИГА НИСБАТАН ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Ўртоқлар! Бизнинг саноатимиз социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг соғлом ва мустаҳкам негизига таянган ҳолда ривожланмоқда. Етти йиллик планни бажариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтиришга эришилди; унинг структураси яхшиланди; энг илгор тармоқлар мўлжалланганига нисбатан тез суръатлар билан ўсмоқда. Айниқса мамлакатнинг шарқида тобора янги-янги районлар индустриал ривожланишга жалб этилмоқда.

Бу йил тугалланадиган етти йиллик мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми пландаги 80 процент ўрнига 84 процент ошади. Электроэнергия ҳосил қилиш икки баравардан зиёд кўпайтирилиб, 1958 йилдаги 235 миллиард киловатт-соатдан 1965 йилда 507 миллиард киловатт-соатга етказилади. Пулат эритиш 55 миллион тоннадан 91 миллион тоннага етказилади, бу эса Англия, Франция ва ГФРни бирга қўшганда улар ишлаб чиқараётган пулат миқдоридан анча ортиқдир. Бу йил нефть чиқариш 1958 йилдаги 113 миллион тонна ўрнига 243 миллион тоннага, газ чиқариш эса 1958 йилдаги 29 миллиард кубометр ўрнига қарийб 128 миллиард кубометрга етказилади. Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,4 баравар ҳамда химия саноати маҳсулоти деярли 2,5 баравар кўпайтирилаётганлиги етти йилликнинг муҳим якуни бўлади. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти 1,5 баравар кўпайди.

Етти йил ичида 5,5 мингдан кўпроқ йирик саноат корхонаси қурилди ва ишга тушрилди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари халқ хўжалигида 1,9 баравар, шу жумладан саноатда 2 баравар

кўнаймоқда. Бунинг маъноси шуки, етти йиллик даврида биз ишга солаётган асосий саноат ишлаб чиқариш фондлари ўзининг 1958 йилгача бутун ривожланиши натижасида саноат эга бўлган фондларнинг қимматига тенгдир.

Совет саноатининг техника даражаси оширилмоқда. Бу нарса асосий ишлаб чиқариш фондлари узлуксиз ўсаётганлиги ва янги-ланаётганлигида, меҳнатни энергия билан қуроллантириш даражаси оширилаётганлигида, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари ўзлаштириб олинганлигида, энг янги серуноум ускуналар яратилаётганлиги ва жорий қилинаётганлигида, ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилаётганлиги ва автоматлаштирилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, саноатда бир ишчи ҳисобига меҳнатни энергия билан қуроллантириш даражаси сўнгги 7 йил мобайнида бир ярим баравардан зиёд оширилди.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида электр энергетикасининг, машинасозликнинг ва металл ишлашнинг ҳамда химия саноатининг, яъни бутун халқ хўжалигида техника тараққиётини таъминловчи тармоқларнинг ҳиссаси узлуксиз ошмоқда. Бу ҳисса 7 йил мобайнида 27 процентдан 35 процентга етди.

Бизнинг фанимиз ва техникамиз бутун дунёнинг эътиборини қозонган ғоят катта муваффақиятларга эришди ва жаҳондаги фан-техника тараққиётининг бир қанча муҳим соҳаларида етакчи уришни эгаллаб турибди. Космик фазони тадқиқ қилшда Ватанимиз қўлга киритган ажойиб ютуқлар ҳаммага маълум. Алоқа ишларини такомиллаштириш, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан антиб бериш ва навигация учун йўлдошлар ва ракеталардаш фойдаланиш соҳасида кенг имкониятлар очилмоқда. Совет Иттифоқи жаҳон миқёсида атом физикасини ва атом техникасини ривожлаштиришда етакчи бўлиб бормоқда.

Электрлаштириш соҳасида, жаҳонда энг йирик гидротурбина генераторлари, буғ турбиналари яратишда, узоқ масофаларга электр энергияси юборишда катта-катта ютуқларга эришилди.

Совет фани квант генераторлари яратишга зўр ҳисса қўшди. Физика ва химиянинг муваффақиятлари материалларни ишлашнинг янги самарали технологик жараёнларини яратиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Конструкцияларда ишлатиладиган кўпгина материалларнинг нишиқлигини, мустаҳкамлигини оширишда муҳим тараққиётга эришилди. Абразив материаллар сифатида ишлатиладиган сунъий олмос кристалларини саноат тарзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фан ва техниканинг бошқа соҳаларида ҳам муҳим ютуқларга эришилди.

Техника тараққиёти таъсир остида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари узлуксиз вужудга келмоқда ва ривожланмоқда, улар саноатнинг эски тармоқларидан ажралиб чиқмоқда, ихтисослаштириш муттасил чуқурлашиб бормоқда. Бир қанча ихтисослаштирилган корхоналарни, масалан, запас қисмлар, қўйма, металл

буюмлар, поковкалар ва саноатда кўплаб қўллашладиган бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишда олга қараб қадам ташланди.

Етти йиллик планни бажариш жараёнида халқнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш юзасидан бир қанча катта тадбирлар амалга оширилди. Иш куни соатлари қисқартирилди, ўртача иш ҳақи оширилди, ишчи ва хизматчилар талайгина қисмининг иш ҳақидан олинладиган солиқлар бекор қилинди ёки камайтирилди, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тартиби жорий этилди. Ички бозордаги молларнинг хиллари анча кўпайтирилди, аҳолини кўпгина истеъмол буюмлари билан таъминлаш яхшиланди. Уй-жой қурлиши жуда кенг миқёсларда олиб борилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси шонли ишчилар сифимиз, инженерларимиз, техникларимиз, олимларимиз қилаётган ижодий меҳнатнинг натижаси, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари омма орасида олиб бораётган катта ташкилотчилик иши ва сиёсий ишнинг натижасидир.

Лекин социалистик саноатни янада юксалтириш вазифаларини тўғри тушуномқ учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишидаги ҳозирги босқични характерлайдиган бир қанча ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Ишлаб чиқариш миқёслари ғоят кенг даражада ошиб кетди, сарфланаётган капитал маблағларнинг ҳажми ва ишлаб чиқариш фондларининг миқдори кўпайди. Хўжалик алоқалари анча кенгайди ва мураккаблашиб қолди.

Фан-техника тараққиёти суръатлари жадалланди. Фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ишлаб чиқаришга иложи борича тезроқ жорий этиш зарурати янада кучайди.

Ҳозирги замон фан-техникасидаги революция маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати, мустаҳкамлиги, ундан фойдаланишнинг самараси сингари масалаларни олдинги ўринга қўймоқда. Социализм мамлакатлари билан капитализм мамлакатларининг тинч иқтисодий мусобақасидаги асосий оғирлик ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг айни ана шу жиҳатларига кўчмоқда.

Капитал маблағлар сарфлаш учун ғоят катта жамғармалар барпо этиш ва айни маҳалда халқ моддий фаровонлигини анча ўстиришни таъминлаш зарур. Бу эса ресурсларни ўстириш манбаларини кенгайтириш вазифасини тамоман кескин қилиб қўймоқда.

Шунинг орқасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самараларини бутун чоралар билан ошириш, жонли ва моддийлашган меҳнат сарфларини тежаш, капитал маблағлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан олинладиган фойдали доимо ва анча кўпайтириш асосий проблема сифатида олдинги ўринга қўйилмоқда.

Шу муносабат билан турли-туман эгасизликка, исрофгарчиликка, беунум сарфларга қарши курашни кучайтириш катта аҳа-

мият касб этмоқда. Бизнинг бошқариш аппаратимиздаги штатлар ва харажатларда каттагина ортиқчалар бор. Бу соҳада биз қатъий тартиб ва қаттиқ тежам жорий қилишимиз лозим.

Натижа қандай куч-гайратлар ва чиқимлар эвазига, нималар бадалига қўйла киритилаётганига, ҳар бир корхона бир ёқда турсин, ҳатто ҳар бир айрим ходимнинг меҳнати қай даражада самарали бўлаётганига жамият мутлақо бефарқ қараб тура олмайди.

Совет экономикаси, фани, техникаси ва маданиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида халқ хўжалигининг бейстисно ҳамма тармоқларида, биринчи галда саноатда хўжаликни рационал равишда, тежамли юргизиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Хўш, ишлаб чиқаришнинг самарасини ошириш ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш соҳасида аҳвол қандай?

Саноат ишлаб чиқаришнинг аҳволига тўғри баҳо бермоқ учун фақат эришилган муваффақиятлар тўғрисида эмас, шу билан бирга саноатнинг ишидаги камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида ва ҳали ҳал бўлмаган вазифалар ҳақида ҳам равшан тасаввурга эга бўлиш зарур.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўмига тўғри келадиган миллий даромад ва саноат маҳсулоти миқдорлари сўнги йилларда бир оз камайиб кетганининг айтаётган даромади Саноат

маҳсулоти унумдорлигининг ўсишига қўйилган (бу ҳақда шундан ишлаб чиқаришнинг қай даражада самарали бўлаётганлигини кўрсатувчи муҳим белгидир) сўнги йилларда бирмунча секинлашиб қолди. Биз бу аҳволни шунди йилларда тўғри баҳолашга мумкин ва керак.

Шуни айтиш лозимки, бизнинг экономист олимларимиз ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қай даражада самарали бўлаётганлигини анализ қилиш ва унинг самараларини ошириш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш билан кам шуғулланмоқдалар.

Мамлакатимизнинг гоят катта социал-иқтисодий афзалликларидан шу тахлитда фойдаланиш керакки, бунинг натижасида миллий даромадни зарур даражадаги суръатлар билан ўстириш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўми ҳисобига маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш таъмин этилсин.

Миллий даромад қанча юқори бўлса, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва халқ фаровонлигини оширишга шунча кўп маблағ ажратилиши мумкин. Шу сабабдан, биз асосий фондларга сарфланган ҳар бир сўм эвазига олинадиган даромадни узлуксиз кўпайтира беришга ҳаракат қилишимиз керак.

Бизда асосий фондлардан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётганлиги янги ишлаб чиқариш фондларини барпо этишга жуда кўплаб маблағ сарфлашга мажбур қилиб қўймоқда. Бу ишнинг миллий даромадни тақсимлашга ҳамда миллий даромаднинг халқ

истеъмолига ажратиладиган қисми миқдорига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Энг муҳим вазифалардан бири шуки, яқин йиллар мобайнида миллий даромаднинг истеъмолга сарфланадиган қисмини кўпайтириш лозим. Бироқ, капитал маблағларнинг абсолют рақамлари ҳам муттасил кўпайиб бориши керак. Бунинг учун бизда имкониятлар бор. Фақат шу имкониятлардан оқилона фойдаланилса кифоя. Бу эса халқ меҳнати билан вужудга келтирилган жуда катта ва тобора кўпайиб боровчи ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни узлуксиз яхшилашни, ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишни талаб қилади.

Социалистик хўжалик системаси очиб бераётган афзалликлар ва имкониятлардан ҳали ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаётганлигини тан олиш керак. Гарчи саноатимиз муваффақиятли ривожланиб, етти йиллик план тошпириқларини умуман ошириб бажарётган бўлса ҳам, биз айниқса енгил, озиқ-овқат, химия, ўрмон ва қоғоз саноати, шунингдек бинокорлик материаллари саноати сингари тармоқларда эришилган натижалардан мамнун эмасмиз.

Яқин ўтмишда планлаштиришда бир талай хатоларга йўл қўйилганини, мураккаб хўжалик проблемаларини ҳал қилишга ўйламай-нетмай таваккалчилик билан қаралганини биз биламиз, ўртоқлар. Бу ҳол хўжаликнинг турли тармоқлари ўртасидаги зарур пропорцияларнинг бузилишига олиб келди. Узоқ давр мобайнида бизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан саноатнинг ривожланиши ўртасида зарур пропорционаллик бўлмай келяпти. Қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги саноатни, айниқса истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш суръатларининг секинлашиб қолишига таъсир кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида бу қолоқликнинг сабаблари батафсил муҳокама қилинди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги ҳамма тармоқларнинг ривожланишини жадаллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунини рўй-рост айтиш керакки, март Пленумида ана шу диспропорцияни тугатиш юзасидан амалий чоралар белгилади. Бу чораларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги ҳозирдаёқ тажрибада ўз самараларини кўрсатмоқда.

«А» группасидаги саноатнинг ривожланиши билан «Б» группасидаги саноатнинг ривожланиши ўртасида нотўғри нисбат вужудга келди. Бир неча йиллардан буён «Б» группасидаги саноат ўз ривожланишида орқада қолмоқда. Бундай қолоқликка сабаб фақат «Б» группасидаги саноат тармоқларини ўстириш суръатлари планларнинг ўзида пасайтириб кўрсатилгани эмас, шу билан бирга, ҳатто пландаги ана шу тошпириқларнинг муттасил бажарилмай келгани ҳамдир.

Қишлоқ хўжалиги билан «Б» группасидаги саноатни ривожлантириш суръатлари орқада қолганини истеъмол буюмлари иш-

лаб чиқариш билан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ўртасида маълум даражада номувофиқлик вужудга келтирди. Бу эса аҳолининг реал даромадларини ўстириш суръатларига, моддий рағбатлантириш даражасига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самараларини ошириш йўли билан апа шу қолоқликни тугатиш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Халқ хўжалигида баъзи салбий ҳоллар оғир саноатнинг айрим тармоқларида, асосан, ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш соҳасида планларнинг бажарилмаганлиги патижасида ҳам вужудга келди. Бу эса масалап, химия саноатида содир бўлганидек, ишлаб чиқаришни хом ашё ва ярим фабрикатлар билан таъминлашда муайян қийинчиликлар туғдирди.

Капитал қурилишда жиддий камчиликлар мавжуд: қувватларни ишга солиш мuddатларн кечиктириб юборилмоқда, ишга солинаётган корхоналарнинг таинархи қимматга тушмоқда, давлатнинг кўплаб маблағлари ўлик молга айлантириб қўйилмоқда.

Техника тез суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги замон шароитида корхоналарни сусткашлик билан қуриш шунга олиб келмоқдаки, ўрпатилаётган ускуналар фойдаланишга топширилмасдан турибқ кўнинча техника жиҳатидап эскириб қолмоқда.

Капитал қурилишдаги катта-катта камчиликлар кўп жиҳатдан маблағларнинг қоптанмас эҳволга эканлиги билан боғлиқдир. Капитал ишларини реаллаштиришнинг билинмай турганлиги маблағларнинг сочиб юборилишига сабаб бўлмоқда, молиявий ва моддий жиҳатдан қийинчиликлар туғдирмоқда, халқ хўжалигига энгн етказмоқда.

СССР Госплани капитал қурилишни планлаштиришда тартиб ўрнатиб, бу соҳада асосий ролни ўйнаши керак. Бошқармалар ва маҳаллий органларнинг қисталапига парво қилмай, Госплан планда молиявий ва моддий ресурслар билан капитал ишларининг ҳажми ўртасида мувофиқлик бўлишига қатъий роя этиши лозим. Биз 1966 йил планидаёқ мана шу йўлни қатъий ва изчиллик билан ўтказишимиз керак, бу эса кўп жиҳатдан экономикамининг ривожланишини тезлаштиради ва битмай қоладиган капитал қурилишни камайтиради.

Капитал ишларни планлаштириш системасини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Бинокорлик ташкилотларининг фаолиятига сарфланган маблағларнинг миқдорига қараб эмас, балки тайёр маҳсулотга қараб, яъни ҳақиқатда фойдаланишга топширилган заводлар, фабрикалар, уй-жойларга қараб баҳо бериш керак.

Капитал қурилишни тубдан яхшилаш учун маблағ ажратип, пудратчи ташкилотлар билан буюртмачилар ўртасида хўжалик ҳисоби асосидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, лойиҳа-смета ишларини ва қурилишнинг ўзини яхшилаш соҳасида кўпгина тадбирларни ўтказиш талаб қилинади. Капитал қурилишни талкил этиш ва планлаштиришга тааллуқли ҳамма масалаларни бир-

мунча кейинроқ муфассал ва комплекс равишда муҳокамадан ўтказмоқ учун биз ана шундай тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетганлиги кўп даражада янги қувватлар секин ўзлаштирилаётганлиги сабабли содир бўлди. Бир қанча ҳолларда ишга туширилган корхоналарда лойиҳада кўрсатилган қувватларни ўзлаштириш 4 йилга ва ҳатто бундан ҳам кўпроқ муддатга чўзиб юборилмоқда. Химия саноатида, қора металлургияда, бинокорлик материаллари саноатида, целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш қувватлари айниқса ёмон ўзлаштирилмоқда. Ҳўшинча бу ҳол янги корхоналарни комплекс ишга туширмаслик, лойиҳалар ва технология жараёнларида хатолар ҳамда нуқсонларга йўл қўйиш орқасида содир бўлмоқда. Янги корхоналарни хом ашё билан таъминлаш ёмон уюштирилганлиги, улар учун ишчи кадрлар ўз вақтида тайёрланмаётганлиги ҳам кўп даражада ишнинг белига тепмоқда.

Синтетик каучук заводларида, масалан, каучукнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи қувватлар барпо этилган Куйбишев, Волжск, Ефремов заводларида қувватларни ўзлаштиришда ниҳоятда орқада қолинди. Халқ хўжалиги кўп миқдордаги синтетик каучукни ололмай қоляпти, биз эса бундай каучукка ниҳоятда муҳтожмиз. Қўшалоқ суперфосфат ишлаб чиқариш учун фойдаланишга топширилган қувватлар яхши ишлатилмаяпти. Масалан, 1963 йилда Воскресенск химия комбинатида ишга туширилган қувватларнинг фақат 17 процентидан, Волхов алюминий заводида эса 1964 йилда ишга туширилган қувватларнинг 32 процентидан фойдаланиляпти, холос.

Янги қувватларни ишга туширишни тезлаштириш фан, техника тараққиётининг туб масаласидир.

Ҳозирги вақтда саноат ривожланишнинг шундай даврига кирдики, унинг ўсиш суръатларини тобора кўп даражада техника тараққиёти, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш белгилаб бермоқда. Аммо, бу ишда бизда жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб, ана шу камчиликлар саноат ишлаб чиқаришини ўстириш ва кўпгина корхоналарни техника билан қайта қуролантириш суръатларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Фан ютуқлари суствашлик билан жорий қилинаётганлигига бир томондан, бир қанча илмий тавсияларнинг амалда фойдаланиш учун етарли даражада мукамал ишлаб чиқилмаётгани сабаб бўлса, иккинчи томондан олимлар ишлаб берган серурум технология жараёнларини, машина ва самарали материалларни саноат секин ўзлаштираётганлиги сабаб бўлмоқда. Мисоллар келтирмаман.

Бир неча йил муқаддам бизнинг олимларимиз катта босим остида суюқлиқ ёрдами билан металлларни ишлашнинг ғоят сама-

рали усулини жаҳон практикасида биринчи бўлиб ишлаб чиққан эдилар. Бу усул ҳатто ўзгариши қийин бўлган металлларни жуда катта аниқлик билан ишлаш, металлларнинг хоссаларини яхшилаш, ишлаб чиқариш майдонларини қисқартириш, технология ускуналарини соддалаштириш ва ишни юксак тезликда олиб бориш имконини беради. Ишлашнинг янги методини кенг жорий қилмоқ учун юксак босимли аппаратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим эди. Бироқ, бундай аппаратларни яшаш ҳанузгача йўлга қўйилган эмас.

Бир неча йил муқаддам олимларимиз электр токини ўзгартирувчи юксак даражада самарали чалаўткаазгичли ускуналарнинг тамомила янги намунасини яратган эдилар. Бу ускуналар аввалги механик ва симобли ускуналарга қараганда анча юксак даражада фойдали иш коэффициентига эга бўлиб, ҳажми ҳам кичикдир. Уларнинг афзалликлари аниқ кўриниб турганига қарамай, sanoat чалаўткаазгичли ускуналар ишлаб чиқаришни кенг ривожлантиришни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга солиб келмоқда.

Беш йилдан кўпроқ муқаддам совет олимлари гоёт самарали конструкция материали бўлган полипропилен ишлаб чиқариш методини топган эдилар. Полипропилендан қувурлар, арматура-лар, турли шаклдаги ва эркин турган ишқинчилик воситалари, мушкетларга бардош берувчи деталлари, радио ва электр саноати учун деталлар, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва рўзгор мақсадлари учун плёнка буюмлар, ниҳоятда ишқинчи тола тайёрлаш мумкин. Бата-дильида полипропилен ишлаб чиқарувчи биринчи корхона 1961 йил декабрь ойида ишга туширилиши керак эди. Бироқ, Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгаши билан Химия sanoati давлат комитети ана шу корхонани шу чоққача ишга солганлари йўқ.

Илмий-тадқиқот ишларининг ҳамда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг плавлари муттасил ба-жарилмай қолмоқда. Янги машиналар яратиш ва шундай машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида аҳвол айниқса ёмон. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш сусткашлик билан олиб боришмоқда, шу билан бирга автоматлаштириш соҳасидаги баъзи тадбирларнинг самараси жуда кам бўлмоқда. Янги технология жараёнлари ишлаб чиқаришга етарли даражада жорий қилинаётгани йўқ.

Кўпгина тармоқларда ишлаб чиқарилаётган машина ва ускуналарнинг тузилиши ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Масалан, ишлаб чиқарилаётган металл ишловчи ускуналарнинг умумий ҳажмида аниқ қўйма чиқарувчи машиналар, темирчилик-пресс ускуналари ҳанузгача мутлақо арзимаган ўринни эгаллайди.

Биз машина ва ускуналарнинг прогрессив турларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришимиз зарур. Биринчи галда, темирчилик-пресс ускуналари, аниқ қўйма тайёрловчи машиналар,

электрофизика, электрохимия ва бошқа шу каби серунум методларни қўлланиб металл ишлайдиган станок ва машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак.

Ватан машинасозлигини бутун чоралар билан ривожлантириб, чет эл техникасининг ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим.

Буюмларимизнинг сифати жаҳондаги энг яхши намуналардан наст бўлмаслиги шарт. Бунинг учун биз барча корхоналарда технология ва ишлаб чиқариш интизомини кўтаришимиз, ишлаб чиқариш маданиятини оширишимиз, шу тариқа Ватанимиз эҳтиёжларини ҳам, экспорт эҳтиёжларини ҳам чинакамига қондиришимиз керак.

Меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш суръатларини тезлаштириш учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 87 проценти ижтимоий хўжалиқда банд ёки ўқимоқда. Аҳолининг қолган қисми шахсий ёрдамчи хўжалиқда ва рўзғор ишларида банддир. Ижтимоий ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш соҳасига қўшимча ишчи кучини жалб этиш имконияти борлиги ана шу рақамлардан кўриниб турибди.

Кичик шаҳарларда, айниқса Украина, Белоруссиянинг ғарбий районларидаги, Закавказьенинг бир қанча районларидаги, шунингдек РСФСРнинг баъзи марказий районларидаги кичик шаҳарларда ишчи кучининг талайгина резервлари бор. Хўжалик ташкилотлари, комитетлар, министрліклар нуқул йирик шаҳарларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги корхоналар қуришга интилаётганлари шундай аҳволнинг сабабларидан бири эканлигини айтиб ўтиш лозим. Буни сира тўғри деб бўлмайди.

Госплан мамлакат районларидаги меҳнат ресурсларини ўрганиб чиқиши ҳамда ишлаб чиқариш билан қурилишни халқ хўжалиги планларида шундай жойлаштиришни кўзда тутиши лозимки, бу нарса халқ хўжалиқда меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланишни таъмин этсин.

Партия Марказий Комитетининг Президиуми билан СССР Министрлар Совети халқ хўжалиқдаги камчиликларни диққат-эҳтибор билан анализ қилиб кўрдилар ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг сусайиб қолганлиги сабабларини аниқладилар. Анализ шуни кўрсатмоқдаки, экономикаимизнинг ривожланишидаги маълум қийинчиликлар вақтинча характерга эга бўлиб, ана шу камчиликлар қисқа муддат ичда бартараф этилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Президиуми билан СССР Министрлар Советининг фикрича, саноатин янада ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида етилиб қолган проблемаларни ҳал қилиш вақтида асосий эҳтибор саноатга раҳбарлик қилиш методлари ва формаларини тақомиллаштиришга қаратилмоғи керак. Саноатда бошқариш, планлаштириш ва рағбатлантиришнинг ҳозир амалда бўлган формаларни энди ҳозирги

замондаги техникавий-иқтисодий шароитларга ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига жавоб бермайди.

Корхоналарнинг хўжалик ишларидаги ташаббускорлиги ва уларнинг ҳуқуқлари торайтириб қўйилган, уларнинг масъулият эса етарли даражада эмас. Хўжалик ҳисоби кўп жиҳатдан расмиятчилик тусига эга. Саноат ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг мавжуд системаси корхона ишнинг умумий якунларини яхшилашдан уларни дуруст манфаатдор қилимай ва кўп ҳолларда умуман халқ хўжалиги манфаатларига зид бўлиб қолади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни бошқаришда ва планлаштиришда ниҳоятда чаққонлик ва оперативчилик талаб қилинади. Хўжаликда ўзгариб бораётган вазиятни ўз вақтида ҳисобга олиш, ресурсларни чаққонлик билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириб туриш, фақат юқоридан эмас, балки қуйидан ҳам ишлаб чиқаришни аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва талаби билан моҳирона боғлаб юбориш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тез жорий қилиш, корхонанинг конкрет шароитида хўжалик вазифаларини ҳал қилишнинг энг яхши усулларини топиш жуда муҳимдир.

Ана шундан келиб чиқиб, марказлаштирилган планли раҳбарликнинг ишларни бошқариш билан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий воситалари ва моддий стимуллари кучайтириш билан, раҳбарликнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари кенгайтириш эришиш мумкин. Ана шунда хўжаликни бошқариш системаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларига етарли даражада мослаштирилган бўлиб қолади.

Пленумга қўйилган таклифлар марказлаштирилган планли раҳбарликнинг экономикамизни ривожлантиришдаги етакчи ролдан келиб чиқади. Бу принципдан чекиниш муқаррар суратда планли социалистик экономиканинг афзалликларини қўлдан бой бериб қўйишга олиб борган бўлур эди.

Планлаштириш методларини такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда эришилган даражага ҳамда коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг ҳозирги босқичида илгари сурилаётган вазифаларга мос келувчи бошқаришнинг ташкилий формалари билан боғлаб юборилган тақдирдагина тегишли самарани беради.

Ишлаб чиқариш-техника проблемалари ҳаддан ташқари мураккаблашиб бораётган ҳозирги замон шароитида ҳар қайси тармоқнинг хусусиятлари ва вазифаларини тўла ҳисобга олиш орқалигина саноатга самарали раҳбарлик қилиш мумкин. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш техникани тараққий эттиришнинг, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг

муҳим бўғинидир. Шу сабабдан, раҳбарликнинг тармоқ принципи таъмин этиш хўжаликни бошқаришнинг ажралмас элементи ҳисобланади.

Маълумки, сўнгги йилларда бошқаришнинг тармоқ принципи бузилиб, бу нарса ишлаб чиқаришни ва техникани ривожлантиришга маълум зиён етказди. Таклиф қилинаётган тadbирлар аҳволни тузатиш имконини беради.

Бироқ, бошқаришнинг тармоқ принципи территориал принцип билан, умуман халқ хўжалигини ҳамда мамлакатдаги республика ва районларнинг экономикасини комплекс ривожлантиришдаги тармоқлараро вазифалар билан, республикаларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлаб олиб борилиши керак.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг муҳокамасига, биринчидан, планлаштиришни такомиллаштириш, корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги ташаббускорлигини ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш хусусидаги ва, иккинчидан, саноатни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш хусусидаги таклифлар тақдим қилинади. Биринчи гурӯпадаги масалалар социалистик корхона тўғрисида яқинда тасдиқланган янги Низом билан, иккинчи гурӯпадаги масалалар эса, иттифоқдош республикаларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақидаги қарор билан чамбарчас боғланган. Ана шу масалаларнинг ҳаммаси бир бутунни ташкил этади.

Таклиф қилинаётган тadbирларнинг асосий мақсади планли раҳбарлик системасини ва хўжаликни юргизиш методларини коммунистик қурилиш вазифаларига мувофиқлаштириб олиш, социалистик ишлаб чиқариш усулининг энг муҳим жиҳатларини ва афзалликларини янада ривожлантириш ҳамда шу тариқа экономикамизнинг коммунизмга олиб борувчи йўлдан тагин ҳам тезроқ олға босишни таъмин этишдан иборат.

2. ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ

Қайси асосий соҳаларда экономикага планли раҳбарлик қилиш формаларини ва ҳар бир корхонада хўжаликни юргизиш методларини такомиллаштириш таклиф қилинмоқда?

Биринчидан, экономикани давлат йўли билан планлаштиришнинг илмий савиясини ошириш юзасидан бир қанча чоралар белгилашмоқда.

Халқ хўжалиги планларида кўзда тутилаётган ишлаб чиқаришни ўстириш, миллий даромадни кўпайтириш суръатлари ва асосий пропорциялар оптимал бўлиши, яъни мавжуд имконият-

лардан социализмнинг объектив, иқтисодий қонунларига мувофиқ равишда энг яхши, энг самарали фойдаланилишини таъмин этиши керак. Ҳозирги фан-техника революцияси шароитида планлаштиришнинг вазифаси фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини саноат йўли билан тез суръатларда ўзлаштириб олишни планларда кўзда тутишдан иборат. План фан-техника тараққиётининг истиқболлари негизда тузилмоғи керак. Истиқболли планларнинг родини ошироқ, планлаштириш учун илмий асосланган нормативлар системасини вужудга келтироқ зарур.

Шу орқали биз планлаштиришда таваккалчилик юз бериб қолиши аҳтимолининг олдини олишимиз ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самараларини ошириш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришимиз мумкин.

Иккинчидан, корхоналар билан бирлашмаларнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини ва ташаббускорлигини кенгайтириш ҳамда экономикамизнинг асосий хўжалик ячейкаси бўлган корхоналарнинг родини ошириш юзасидан кўриладиган тадбирларнинг бутун бир системаси таклиф қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ўсиб бораётган, ишлаб чиқариш алоқалари кенгайиб бораётган бир шароитда хўжалик соҳасидаги мустақиллиkning мавжуд доиралари ҳозирги социалистик корхоналар учун

пи рўёбга чиқаришга тўқинлик қилмоқда. Корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш, ишчилар тивларнинг партия ташкилотлари раҳбарлигида ишлаб чиқаришни бошқаришда тагин ҳам кенгроқ қатнашишлари учун имконият очиб беради.

Шу мақсадда корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги фаолиятини ортиқча чеклаб қўйишга барҳам бериш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун корхоналарни зарур воситалар билан таъминлаш ва корхоналарнинг кенгайтириладиган ҳуқуқлари учун қонунда мустаҳкам гарантиялар белгилаб қўйиш зарур.

Учинчидан, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, нарх, фойда, муқофот, кредит сингари воситалар ёрдами билан ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш таклиф қилинади. Ишлаб чиқаришни ўстиришдан, даромадларни кўпайтиришдан, гоят катта бойлик — корхоналарга биркитиб қўйилган ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланишдан корхоналарнинг манфаатдорлигини ошириш лозим.

Корхона ишининг умумий яқунларини яхшилашдан ишчи ва хизматчиларнинг манфаатдорлигини қатъиян кучайтириш ва шу орқали хўжалик қурилишида омманинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришни бошқаришда

оммани кўпроқ қатнаштиришнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлаш мўлжалланади.

Таклиф қилинаётган тадбирлар меҳнаткашларни моддий манфаатдор қилишдан иборат ленинча принципини изчиллик билан амалга оширишга, корхоналарнинг ўзидан янги-янги резервларни топишга, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш учун янги манбалар вужудга келтиришга қаратилган.

Саноатни планлаштиришни яхшилаш тўғрисида ва корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш ҳақида

Корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш мақсадида корхоналарга юқоридан тасдиқлаб бериладиган кўрсаткичлар сонини қисқартириш таклиф қилинади. Айни бир маҳалда планда сақланиб қоладиган кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг самараларини оширишга қаратилган бўлиши шарт.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажмининг кўрсаткичи корхоналарни халқ хўжалигига ва аҳолига ҳақиқатан зарур бўлган буюмларни ишлаб чиқаришга йўналтирмайди, ва кўп ҳолларда маҳсулот хилларини ҳамда сифатини яхшилашга халақит беради. Кўпинча корхоналар истеъмолчига керак бўлмаган ва шу сабабдан сотилмай қоладиган паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ялпи маҳсулот кўрсаткичи ўрнига корхоналарнинг планларида улар сотадиган маҳсулотнинг ҳажми бўйича топшириқлар белгилаб қўйиш таклиф қилинади. Маҳсулотларни сотиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш корхоналардан маҳсулот сифатига кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона бундай маҳсулотни сота олмай, қийналиб қолади ва, бинобарин, планни ҳам бажара олмайди. Корхоналарнинг фаолиятига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотга қараб баҳо беришдан иборат ҳозирги тартибга кўра эса бундай корхона планни бажарган бўлиб ҳисобланар эди.

Бироқ, корхоналарнинг ишига фақат сотилган маҳсулотнинг ҳажмига қараб баҳо бериш етарли эмас. Жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун халқ хўжалигига маҳсулотнинг муайян турлари керак. Шу сабабдан, буюмларнинг энг муҳим хиллари бўйича бериладиган топшириқлар рўйхати план кўрсаткичларида сақланиб қолиши лозим.

Корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқалари яхши уюштирилиб, шартномалар системаси авж олдирилган тақдирда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг давлат планида тасдиқлаб қўйиладиган хилларини бора-бора камайтириб, уни группа шаклидаги, йириклаштирилган рўйхатдан иборат қилиб қўйиш мумкин бўлади.

Агар маҳсулотни сотиш бўйича белгиланган топшириқ ишлаб чиқаришни истеъмоил билан яқинроқ боғлаш мақсадини кўзласа, фойда, рентабеллилик кўрсаткичи корхонани ишлаб чиқариш самараларини оширишга рағбатлантириш учун энг яхши омил бўлиб хизмат қилади. Фойданинг миқдори ҳар қайси корхона мамлакатнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва халқ фаровонлигини яхшилашга сарфланадиган соф даромадига қанча ҳисса қўшаётганлигини кўп даражада акс эттириб туради.

Фойда бўйича топшириқлар белгилаб қўйиш таннархни камайтириш проблемасининг аҳамиятини бўшаштирмайди, балки, аксинча, кучайтиради, албатта. Маҳсулот таннархини камайтириш хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир. Корхонанинг техника — саноат — молия планида таннарх кўрсаткичига алоҳида эътибор берилиши керак.

Фақат маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги таннархини камайтириш ҳисобига эмас, шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, буюмларнинг хилларини кўпайтириш ва янгилаш, сифатини ошириш ҳисобига ҳам жамғармаларни муттасил кўпайтириб боришдан давлат манфаатдордир. Таннархдан фойданинг фарқи шуки, у корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг ана шу барча жиҳатларини тўлароқ акс эттиради. Бунда фақат фойданинг миқдори ва фойданинг хил хиллиги ҳисобига таннархнинг даражасини ҳам ҳисобга олиш, яъни ишлаб чиқариш фойдасининг ҳар бир сўми эвазига қанча фойда олинганлиги биллиб туриши муҳимдир.

Корхоналарда меҳнатни планлаштиришда ҳам шундай урғуришлар қилиш кўзда тутилади.

Ҳозирги вақтда корхоналарга меҳнат бўйича тўртта кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги, ходимларнинг сопи, ўртача иш ҳақи ва иш ҳақи фонди тасдиқлаб берилмоқда. Зикр қилинган кўрсаткичлардан корхоналарга фақат биттасини — иш ҳақи фондини тасдиқлаб бериш таклиф қилинади. Бу, қолган кўрсаткичлар ўз аҳамиятини йўқотди, деган маънони билдирмайди, албатта. Меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ходимларнинг сопига ва ўртача иш ҳақига доир кўрсаткичлар аввалгидек ҳозир ҳам халқ хўжалиги планининг ва корхонанинг ўзига берилган ишлаб чиқариш плаининг зарур элементлари бўлиб қолаверади. Бироқ, ана шу топшириқларнинг ҳаммасини корхонага юқоридан тасдиқлаб бериш шартми? Планлаштиришнинг бундай тартиби меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини танлаб олишда корхоналарнинг ташаббускорлигини бўғиб қўяётганлигини тажриба кўрсатди.

Корхоналарга иш ҳақи фондини ҳам тасдиқлаб қўймаслик ҳақида таклифлар киритилди. Бироқ, иш ҳақи фондини планлаштиришдан воз кечиш вақти келмай туриб қилинган иш бўлур эди. Халқ хўжалигида халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилаётган молларнинг миқдори билан аҳолининг харид қуввати ўртасида

зарур мувофиқлик бўлиши таъмин этилмоғи керак. Аҳолининг харид қувватини эса кўп жиҳатдан иш ҳақи фонди белгилайди.

Келажақда истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш ва истеъмол молларнинг зарур резервларини жамғариб қўйишга муваффақ бўлингач, корхоналарга иш ҳақи фондини тасдиқлаб беришдан воз кечса ҳам бўлади. Бу ишни биринчи галда истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқларда амалга ошириш назарда тутилади.

Бинобарин, корхоналар учун юқоридан қўйидаги кўрсаткичлар тасдиқлаб бериледи:

соғиладиган маҳсулотнинг ҳажми;
 маҳсулотнинг асосий турлари;
 иш ҳақи фонди;
 фойда миқдори ва рентабеллилик;
 бюджетга киритиладиган тўловлар ва бюджетдан бериладиган маблағлар.

Бу кўрсаткичлардан ташқари, корхоналарга қўйидаги топшириқлар ҳам белгилаб қўйилади:

марказлаштирилган тартибда ажратиладиган капитал маблағларнинг ҳажми ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга солиш;

янги техникани жорий қилиш юзасидан асосий топшириқлар; моддий-техника таъминоти кўрсаткичлари.

Хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини корхонанинг ўзи мустақил равишда планлаштиради, бу кўрсаткичларни юқори ташкилотлар тасдиқламайди. Бу эса, корхоналарни кераксиз вассийликдан халос қилади ҳамда уларга ишлаб чиқаришнинг конкрет шароитларини ҳисобга олиб, энг тежамли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш билан давлат техника тараққиёти, капитал маблағлар, нархлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва молия соҳасида бундан буён ҳам ягона сиёсат ўтказиши беради, ягона система асосида давлат статистика учёти ва ҳисоботи олиб борилишини таъмин этади.

Планлаштирувчи ва хўжалик ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларнинг талабларига ва замонавий техника даражасига мувофиқ равишда маҳсулот сифатини оширишдир.

Техника даражаси ва маҳсулот сифатининг энг муҳим кўрсаткичлари ҳамда бунинг учун зарур бўлган молия, меҳнат ва моддий ресурслар планларда кўрсатиб қўйилиши керак.

Маҳсулот сифатини яхшилашнинг таъсирчан воситаси бўлган давлат стандартларининг ролини ошириш зарур. Стандартлар фан ва техника муваффақиятларини ҳисобга олиб, доимо такомиллаштириб борилиши лозим. Маҳсулот сифатини давлат имтиҳонидан ўтказиш тартибини жорий қилиш керак.

Корхоналарга юқоридан тасдиқлаб берилган планлар зарур техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва асослар билан мустаҳкамланмаганлиги, планнинг айрим қисмлари эса бир-бири билан боғланмаганлиги орқасида корхоналарнинг нормал хўжалик фаолияти кўпинча бузилмоқда. Планлаштириш ва хўжаликни юргизиш вақтида зарур бўлган техникавий-иқтисодий нормативларни ишлаб чиқишга ҳанузгача тегишinchа эътибор берилмаяпти. Тасдиқланган планлар тез-тез ўзгартирилиб, бунинг натижасида корхоналарнинг иши издан чиқарилмоқда ва ишлаб чиқариш самардорлиги камайтириб юборилмоқда. Корхоналар учун sanoat тармоқлари ва корхоналар группасининг конкрет хусусиятларини ҳисобга олиб, илмий асосланган нормативлар ва техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоблар негизида тузилган барқарор планларни ишлаб бериш планлаштиришни такомиллаштиришдаги асосий вазифалардан биридир.

Планлаштиришнинг илмий савиясини ошириш экономист олимлар олдига мамлакатнинг техникавий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишидаги ҳозирги жараёнларни анализ қилиш, пайдо бўлиб келаётган тенденциялар ва истиқболларни ойдинлаштириб бериш вазифаларини қўймоқда. Янги техниканинг иқтисодий самараларини оширишга, ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги структура ўзгаришларига хўжалик шартларини раёонлар асосидан

меҳнат тақсмотини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва унинг самардорлигини оширишнинг муҳим шартиф шартлари сурмаётган ҳозирги шароитда корхоналарнинг хўжалик фаолиятига плапли раҳбарлик қилиш йиллик планлар билан чеклаиб қолиши керак эмас. Истиқболли планларга эса лозим даражада аҳамият берилмай келди. Кўпгина корхоналарда бундай планлар умуман тузилмади, шундай планлар бор бўлган жойларда эса улар аксар, халқ хўжалигини ривожлантириш планлари билан боғланмади. Истиқболли планлаштиришни йўлга қўйишнинг ҳозирги тартибдаги катта камчилик ана шундан иборатки, истиқболли планларнинг тасдиқланган топшириқлари, чунончи етти йиллик планнинг контроль рақамлари йиллар бўйича тақсимлаб қўйилмади.

Бундай аҳвол шунга олиб келмоқдаки, корхоналар ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболларини аввалдан билмайдилар ҳамда ишлаб чиқаришни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш, мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан доимий алоқа боғлаш имкониятига эга эмаслар.

Планлаштиришнинг асосий формаси сифатида беш йиллик план белгилаб, унда энг муҳим топшириқларни йиллар бўйича тақсимлаб қўйиш таклиф қилинади, токи корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ана шу план асосида олиб борадиган бўлсин.

Сўнги вақтларда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқаришнинг самарасини оширишга қаратилган чоралар халқ хўжалиги планларида етарли даражада кўзда тутилмади, бунга саноатни бошқаришнинг тармоқ принципи бузилганлиги сабаб бўлди. Вазифа — саноатни бошқаришда ҳам, халқ хўжалиги планида ҳам саноат ишлаб чиқариши тармоғининг аҳамиятини ошириш ҳамда тармоқлар бўйича планлаштиришни республикалар ва иқтисодий районлар бўйича планлаштириш билан тўғри қўшиб олиб боришни таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан СССР Госпланининг вазифалари тўғрисида гапириш керак бўлади. Госплан халқ хўжалигидаги пропорциялар ва алоқаларнинг тўғри бўлишини таъминлашга, ижтимоий ишлаб чиқариш самараларини оширишга, миллий даромадни тез кўпайтириш ва халқ фаровонлигини ошириш учун ресурсларни қидириб топишга кўпроқ эътибор бериши керак. Шу билан бирга, халқ хўжалиги балансларини, жумладан, миллий даромад ва ундан фойдаланиш балансини, умуман мамлакатда, шунингдек районлар бўйича меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш балансини, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансини, молия ресурслари балансини, шунингдек энг муҳим моддий балансларни синчиклаб, чуқурроқ ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Корхоналарни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш тўғрисида

Планлаштириш формаларини ва методларини яхшилаш хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш проблемасини янгича тарзда қўйишга имкон беради. В. И. Ленин ҳар бир корхонанинг иши рентабелли бўлиши, ўзининг харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан тўла равишда қолаши ва фойда бериб туриши лозим, деб кўрсатиб ўтган эди.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва бу корхоналарнинг раҳбарлари ишнинг иқтисодий натижалари учун тўла равишда жавобгар бўлишлари лозим. Лениннинг хўжалик ҳисоби тўғрисидаги идеялари бизнинг иқтисодий практикамызга мустаҳкам сингдирилиши лозим. Шу идеяларни изчиллик билан амалга оширишни ва янада ривожлантиришни коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида етилган кўпгина вазифаларни ҳал қилишга олиб борадиган йўл, деб биламиз.

Хўш, янги шароитда хўжалик ҳисобини мустаҳкамламоқ ва ривожлантирмоқ учун амалда нималар қилиш керак?

Биринчидан, шундай шароит вужудга келтириш керакки, бу шароитда корхоналар ишлаб чиқаришнинг такомиллаштириш масалаларини мустақил ҳал қила оладиган бўлсинлар ва ўзларига бириктириб қўйилган ишлаб чиқариш фондларидан маҳсулот чи-

қаришни ва олинаётган фойданинг миқдорини кўпайтирмоқ учун яхшироқ фойдаланишдан манфаатдор бўлсинлар. Бунинг учун корхонанинг олган фойдаларидан унга кўпроқ маблағ қолдира бериш керак, токи корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантира бериш, техникани такомиллаштириш, ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда корхона ишчилар ва хизматчиларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаб бориш имкониятига эга бўлсинлар. Корхонага қолдириладиган маблағларнинг миқдорини шу корхонага бېриштириб қўйилган ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг, реализация қилинадиган маҳсулот ҳажминини кўпайтиришнинг, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг самарали бўлишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш керак. Шу билан бирга, капитал ишларни таъминламоқ учун давлат томонидан қайтариб олинмайдиган пул беришни чеклаб қўйиш ва кредитни қўлланишни кенгайтириш керак.

Иккинчидан, корхоналар ўртасидаги муносабатларда хўжалик ҳисоби принципини мустаҳкамлаш, товарлар етказиб бериш соҳасида олинган мажбуриятларга қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш ва мажбуриятларни бажариш учун бўлган моддий масъулиятни кучайтириш керак.

Учинчидан, бутун коллективни корхонанинг ҳар бир манъиватқиллиги билан рағбатлантиришнинг мақсади билан қўйиш керак. Шу билан бирга, корхона ишининг умумий яқунларини яхшилаш учун ҳам хўжалик ҳисоби асосида моддий манфаатдор қилиб қўйиш керак. Шу билан бирга, рағбатлантиришнинг мақсадини шундай қилиб қуриш керакки, корхоналар план топшириқларини кўпроқ қилиб ишлаб чиқариш ва бажаришдан, ички ресурслардан яхшироқ фойдаланишдан манфаатдор бўлсинлар.

Хуллас, корхонанинг бутун фаолиятини ишлаб чиқариш экономикасини яхшилаш, корхона даромадларини ошириш йўллари-ни қидириб топишга ва шу тариқа мамлакатнинг янги миллий даромадини кўпайтиришга йўллаб юбориш керак.

Капитал маблағ сарфлашнинг ҳозирги тартибида капитал маблағлар нуқул марказлаштирилган план асосида сарфланмоқда, шу билан бирга, бу маблағларнинг анчагина қисми янги корхоналар қуришга сарф бўлмоқда. Ишлаб турган корхоналарнинг кўп ҳолларда зарур маблағлари бўлмай қолмоқда ва шу сабабли, улар эскириб қолган ускуналарни ўз вақтида алмаштира олмаётирлар. Бу эса меҳнат унумдорлигини ўстиришни, маҳсулот сифатини яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишни тўхта-тиб қўймоқда.

Корхона олган фойдадан ажратилган маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳар бир корхона ўз фондини вужудга келтирсин, деган таклиф бор. Бундан ташқари, асосий фондларни тўла равишда тиклаб олишга мўлжалланаётган амор-

тизациян ажратмаларнинг бир қисми шу фондга олиб бериладиган бўлади. Ҳозирги вақтда амортизациян ажратмаларнинг шу қисми капитал қурилишни пул билан таъминлашга марказлаштирилган тартибда тўла равишда сарфланмоқда ва корхоналарнинг ўзлари шу маблағларни тасарруф қила олмаяптилар.

Бу тадбирлар амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилган ва корхоналар ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан такомиллаштиришга мустақил равишда сарфлай оладиган фонднинг маблағи ҳозирги вақтдаги миқдордан анча кўпроқ миқдорни ташкил қилади. Буни қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.

1964 йилда саноатда янги техникани жорий қилишга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга корхоналарнинг фондидан 120 миллион сўм сарфланди, бундан ташқари, мана шу мақсадларга банк кредитлари ҳисобидан 600 миллион сўм, жами — 720 миллион сўм сарфланди. Янги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди яқин йилларда тахминан 4 миллиард сўмни ташкил қилади, шу жумладан бу маблағнинг 2,2—2,4 миллиард сўми амортизациян ажратмалар ҳисобидан вужудга келади.

Ҳўжалик ҳисобини мустақкамлаш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш давлат корхонага маблағларни қандай асосда беришига ва корхона ўз даромадларининг бир қисмини давлат бюджетига қай тартибда ажратишига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда капитал ишларга керакли пул давлат бюджетдан бериб турилибди ва бу пул қайтиб олинмайди. Корхоналарнинг раҳбарлари корхонани реконструкция қилиш қанчага тушиши ва капитал ишлар учун сарфланган қўшимча маблағлар қандай самара бериши тўғрисида унчалик ташвишланмайдилар, чунки корхоналар олинаётган маблағларни қайтариб беришга мажбур эмас. Бинобарин, бизда шундай система бўлиши керакки, ҳўжалик раҳбарлари энг кам капитал маблағ сарфлаган ҳолда, янги цехлар ва объектлар вужудга келтирмоқ, шу цехлар ва объектларни ўз вақтида ишга туширмоқ ва лойиҳадаги қувватни тезроқ ўзлаштирмоқ учун қурилишга ажратилган маблағлардан энг кўп тежаб фойдаланиш гамини ейдиган бўлсинлар.

Капитал қурилишга қайтариб олинмайдиган шартлар билан маблағ беришдан узоқ муддатли кредитлашга ўтиш шу вазифани ҳал қилиш йўлларидан биридир. Шу нарса назарда тутиладикки, кредитлаш системаси биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни капитал маблағлар билан таъминлашга нисбатан қўлланладиган бўлади. Янги объектлар қуришга келганда, бу соҳада узоқ муддатли кредитлаш системасини қилинган сарфларга нисбатан қисқа муддатда қопланадиган корхоналар учун қўлланиш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Корхонага берилаётган оборот маблағларидан тўғри ва тежамли фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишига эришмоқ

учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда корхонанинг оборот маблағлари ҳар сафар етишмай қолганида, бунинг учун давлат бюджетидан маблағ ажратиб берилади. Шу сабабли, модомики корхона ўзига бериб қўйилган оборот маблағларидан фойдаланиш учун унинг зиммасида ҳеч қандай иқтисодий масъулият бўлмас экан, чинакам ҳўжалик ҳисоби тўғрисида гапириб ҳам бўлмайди. Корхонанинг оборот маблағларини бюджет ҳисобидан тўлдириб, қайтариб олинмайдиган маблағлар беришдан бундан буён воз кечиш ва корхоналарга зарур бўлиб қолган тақдирда, шу мақсадлар учун вақтинча кредитлар бериб туриш таклиф қилинади. Бундай тартиб корхонани ўзига берилган оборот маблағларида тежаб-тергаб фойдаланишга мажбур қилади.

Корхоналарнинг ўз даромадларидан давлат бюджетига тўловлар бериш тартибини ўзгартириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда корхоналарнинг ўзлари олган маблағлардан бюджетга тўлайдиган ажратмаларининг миқдори шу корхоналарга биржитиб қўйилган ишлаб чиқариш фондларига боғлиқ эмас. Бу эса, корхоналарнинг капитал ишларни бажаришга ва оборот маблағларининг етишмай қолган қисмини тўлдиришга давлатдан кўпроқ пул олишга интилаётганликларига, оборот маблағларидан рационал равишда фойдаланиш учун ўзлари зарур чоралар кўрмасликларига олиш келадиган сабабларнинг омилидир. Ҳоло корхона олишган маблағларни қандай қилиб бўлса ҳам сарфламоқ учун ўзига керакмас ускуналарни сотиб ола беради.

Кейинги йилларда саноатнинг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқариш фондларида фойдаланиш патижасида олипаётган самара камайиб кетганлигини айтиб ўтган эдик. Шу сабабли, корхоналарни маҳсулот чиқаришни кенгайтиришга ва ўзлари олаётган фойданинг умумий миқдорини кўпайтириш билан бирга, шу олипаётган фойданинг ўзларига ажратиб берилган ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмга тўғри келадиган қисмини ҳам кўпайтиришга қизиқтиришнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг учун корхоналарга бириктириб қўйилган асосий фондларнинг қиммати ва оборот маблағларига қараб уларнинг фойдаларидан ишлаб чиқариш фондлари эвазига тўланадиган ҳақ тариқасида бюджетга ажратмалар бериб туришларини жорий қилиш зарур.

Асосий фондлар ва оборот маблағлари эвазига тўланадиган пулнинг нормативлари узоқ муддатга — бир неча йилга мўлжаллаб белгилаб қўйилади. Бунинг белгилашда шу нарса пазарда тутилмадики, нормал ишлаб турган корхона мазкур тўловни тўлаганида кейин корхонанинг рағбатлантириш фондларини вужудга келтирмоқ ва планли сарфларни қопламоқ учун унинг ўзига фойда қоладиган бўлиши керак. Ўзининг асосий фондларидан ва оборот маблағларидан яхшироқ фойдаланаётган корхонанинг ихтиёрида рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш учун

кўпроқ фойда қола беради, бу эса, корхонага бериб қўйилган халқ маблағларидан яхшироқ фойдаланиш учун зарур моддий ман-фаатдорликни таъминлайди.

Янги техника, янги ўрнатилган ускуналар, янги ишга туширилган корхона ёки цехлар ҳамма ҳолларда ҳам дарров тўла иқтисодий самара беравермайди, шу муносабат билан корхоналарда вақтинча молиявий қийинчиликлар туғилиши мумкин. Шу сабабли, фондлар эвазига тўланадиган ҳақни янги ишга туширилган қувватларни ўзлаштиришнинг планда белгиланган муддати ўтганидан кейингина ундириб олишга киришиш таклиф қилинади.

Шуни уқтириб ўтиш керакки, фондлар эвазига тўланадиган ҳақни корхоналар ҳозир бюджетга бераётган тўловлардан ташқари қўшимча равишда тўлашлари лозим бўлган взнос тариқасида жорий қилинмаслиги керак, деб таклиф этилмоқда; бунда гап корхоналарнинг бюджетга берадиган тўловларининг анчагина қисмини янги усулда тўлашлари устида бормоқда. Кейинроқ бориб, фондлар эвазига тўланадиган мана шундай ҳақ давлат бюджети даромадларининг энг муҳим қисми бўлиб қолади ва шунга яраша бошқа тўловларнинг, шу жумладан оборот солиғининг роли камаяди.

Корхоналар ўртасидаги муносабатларда хўжалик ҳисоби принципини кенг жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда корхоналарнинг бир-бирига нисбатан иқтисодий жавобгарлиги асло етарли эмас. Корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда хўжалик шартномаси ҳали ҳам лозим бўлган ўринни олгани йўқ.

Маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан шартномада олинган мажбуриятларни бажармаганлиги учун корхоналарнинг ва ташкилотларнинг моддий жавобгарлигини ошириш, яъни мажбуриятларни бажармаслик натижасида келган зарарларни тўлашни қонда қилиб қўйиш таклиф қилинади. Темир йўл, сув транспорти, автомобиль транспорти ва бошқа транспорт ташкилотларининг маҳсулотни корхоналардан ўз вақтида олиб чиқиб кетмаганликлари ва шу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берамаганликлари учун уларнинг зиммаларидаги жавобгарлик кучайтирилади. Лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари ҳам ўз лойиҳаларида, технология схемаларида ва конструкцияларида йўл қўйилган камчиликлар объектларни қуриш ва ишга туширилган объектларни ўзлаштириш жараёнида моддий зарарлар қўришга ва қўшимча сарфлар қилинишига олиб келган бўлса, мана шу нуқсонлар учун жавобгар бўлишлари зарур.

Маҳсулотни реализация қилиш кўрсаткичларини белгилаб қўйиш маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг аҳволини ва шу корхоналарда фондлар вужудга келтиришни харидорларнинг тўловларни ўз вақтида бериб туришларига боғлиқ қилиб қўяди. Албатта, ҳар бир корхона тўловларни ўз вақтида тўлаб туриши ва

маҳсулот етказиб берувчи корхоналар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши учун ўзи жавобгар бўлиши лозим. Корхоналар ўртасида хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлар тўлаш интн-зомини мустаҳкамлашни талаб қилади. Айни вақтда маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро узлуксиз ҳисоб-китоб қилиб туришларини таъминлаш мақсадида давлат кредитининг хўжалик оборотидаги роли оширилиши лозим.

Ходимларнинг корхоналар ишини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш тадбирлари тўғрисида

Корхона ишининг умумий яқунларини яхшилашдан ишлаб чиқариш коллективининг ва ҳар бир ходимнинг манфаатдорлиги ҳозирги вақтда мутлақо етарли эмас. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни корхонанинг ўзи вужудга келтирган даромад манбалари ҳисобидан ошириш учун корхоналарнинг имконияти гоёт чеклаб қўйилган.

Сапоат корхоналарининг қарийб ярмиен фойдадан ҳосил қилинадиган ўз фондига эга эмас, корхона фонди бўлган жойларда эса, бу фонднинг миқдори жуда кам ва рағбатлантирмақ учун шу фонднинг манфаатдорлигини ошириш ва манфаатдорлигининг ва бошқа рағбатлантиришларнинг деярли ҳамма турлари олтингап фойдадан тўланмасдан, балки иш ҳақи фондидан тўланмасдан фойдани кўзайтиришда ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишда корхона эришган ютуқлар корхона ходимларининг бевосита иш ҳақиға таъсир қилаётгани йўқ.

Корхона ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун бу практикани ўзгартириш зарур. Шундай тартиб ўрнатиш керакки, ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни ошириш соҳасида корхоналарнинг имконияти, аввало ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши билан, маҳсулот сифатининг яхшиланиб бориши, корхона олаётган фойданинг кўнаиб бориши ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошиб бориши билан белгиланадиган бўлсин. Ишчилар ва хизматчиларнинг тариф ставкалари ва окладлари бундан буён ҳам марказлаштирилган тартибда оширила беради. Шу билан бирга, корхоналар иш ҳақи фонди билан бир қаторда, ходимларнинг яқка тартибда эришган муваффақиятлари учун ва корхона ишининг юксак умумий яқунлари учун ходимларни рағбатлантирадиган ўз манбаларига эга бўлиши лозим.

Корхона олаётган фойданинг бир қисми мана шундай манба бўлиши керак. Бутун йил давомида қилинган ишнинг юксак кўрсаткичлари учун ишчи ва хизматчиларга шу фойда ҳисобидан мукофотлар тўланибгина қолмасдан, шу билан бирга, йил охирида бир йўла мукофот пули ҳам бериладиган бўлади. Бунда корхонада узлуксиз ишлаш стажининг қанча давом қилганлиги ҳисобга

олипадиган бўлади, бу эса, кадрларни корхонада узоқ сақлаб қолишга ижобий таъсир ўтказди.

Моддий рағбатлантиришнинг ҳозирги мавжуд практикаси шароитида корхоналар ўзларининг ички ресурсларидан энг тўлиқ фойдаланишни планларда кўзда тутишдан манфаатдор эмаслар, чунки корхоналарнинг ишларига баҳо беришнинг ҳаммаси ва ходимларни рағбатлантириш системасининг ҳаммаси, аввало плани ошириб бажарганлик учун рағбатлантириш асосига қурилган. Бундай система сабабли корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида камроқ тошшириқ олишга ва иш ҳақи фонддини, ходимларнинг сонини, капитал маблағларнинг ва моддий фондларнинг миқдорини плании осонроқ ошириб бажарадиган қилиб хийла кўпайтириб олишга интиладилар. Бу эса, тўғри планлар тузишни қийинлаштириб қўяди. Бу тартибни қандай қилиб ўзгартириш таклиф этилмоқда?

Ҳар бир корхонада олинган фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш фонди вужудга келтирилади. Моддий рағбатлантириш фондига ажратмалар бир қанча йилларга мўлжаллаб белгилаб қўйилган стабил нормативлар асосида бериб турилади, токи моддий рағбатлантириш фонднинг миқдори реализация қилинаётган маҳсулот ҳажмининг ёки олинаётган фойданинг ҳажми кўпайиб боришига ҳамда планда кўзда тутилган рентабеллик даражасига боғлиқ бўлиши керак. Плании ошириб бажарганлик учун рағбатлантириш тариқасида тўланадиган маблағнинг миқдори планда кўзда тутилган кўрсаткичларга эришганлик учун тўланадиган маблағнинг миқдоридан нисбатан камроқ бўлади. Бу эса, корхоналарни резервларни ўз вақтида топиб ишга солишга ва юқорироқ план тошшириқларини қабул қилишга рағбатлантиради.

Моддий рағбатлантириш фонди янги маҳсулотнинг салмоғига ва маҳсулот сифати оширилганлиги учун пархга қўйилган устамалардан корхона олаётган қўшимча даромадларга қараб ҳам кўпайтирила беради. Корхоналар янги маҳсулот ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришдан ва шу маҳсулотнинг сифатини яхшилашдан манфаатдор бўлиб қоладилар.

Ишлаб чиқаришнинг ва таннархнинг структураси, шунингдек корхона олаётган фойда билан шу корхона тўлаётган иш ҳақи ўртасидаги нисбатлар турли тармоқларда бир хилда бўлмаганлиги сабабли, моддий рағбатлантириш фондига ажратиб бериладиган ажратмаларнинг нормативларини иш ҳақи фондларининг миқдорини ҳисобга олиб, айрим тармоқлар бўйича ва имкон борича корхоналарнинг группалари бўйича табақалаштириб қўйиш назарда тутилмоқда.

Корхоналарда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди ҳам вужудга келтирилиши лозим. Бу фонднинг маб-

лағлари уй-жойлар қуришга берилаётган марказлаштирилган маблағлардан ташқари уй-жойлар қуришга, болалар муассасалари, пионер лагерлари, дам олиш уйлари ва санаторийлар қуришга ҳамда уларнинг харажатларига, ҳамда бошқа социал-маданий эҳтиёжларга сарфланади.

Бинобарин, корхона яхши ишлаган сари, шу корхонадаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш учунгина эмас, шу билан бирга, уларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш ҳамда маданий ва соғломлаштириш тadbирларини ўтказиш учун ҳам корхонанинг имкониятлари кўпая беради.

Планлаштириш методларини ва иқтисодий рағбатлантириш методларини ўзгартириш тўғрисида қилинаётган бу таклифлар назарий ҳулосаларгагина асосланган таклифлар бўлиб қолмай, шу билан бирга, ҳозирги мавжуд амалий тажриба натижаларига асосланган таклифлардир.

1964 ва 1965 йиллардаёқ тўқимачилик, пойафзал ва тикувчилик саноатининг бир қанча корхоналарида планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методлари жорий қилина бошлади. Бу корхоналарнинг фаолиятига саноат маҳсулотини реализация қилиш пиланини бажариш натижаларига ва фойда олиш пиланини бажаришларига қараб баҳо берилмоқда.

Майнинг орадада биз қанча тarmoқларнинг корхоналарида мукофотлашнинг янги системаси ҳам жорий қилинди, бу система ишлаб чиқаришни ўстиришдан, маҳсулот сифатини яхшилашдан ходимларнинг манфаатдорлигини оширишга қаратишдан системадир. Биз қўлга киритган дастлабки натижалар биз тавлаб олган бу йўлнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди. Янги системани қўлланишнинг бир амалий тажрибаси тўғрисида бирмунча муфассалроқ гапириб ўтмоқчиман. Бунда гап автомобиль транспорти корхоналари устида боради.

Автотранспорт корхоналарининг хўжалик фаолиятида катта камчиликлар бор. Автомобилларнинг бекор қатнаши улар босган ҳамма йўлнинг қарийб ярмигини ташкил қилади. Бекор қатнашларни қисқартириш, автопаркка хизмат кўрсатишга тааллуқли сарфларни камайтириш, машиналарга ортиладиган юкни кўпайтириш ва шу кабиларга доир топшириқлар ҳар йил планларга киритилади, албатта. Бироқ, амалда бу нарса кам натижа бермоқда. Автотранспорт хўжаликлари ўзлари учун белгиланган план топшириқларини бажариш мумкин эмаслигини исботламоқ учун жуда кўп баҳоналар келтирадилар.

Бундан беш ой муқаддам СССР Министрлар Совети планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини баъзи автохўжаликларда қўлланишни Меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи комитетга ҳамда Москва ва Ленинград шаҳар ижроия комитетларига топширди. Бундай система

Москвадаги учта ва Ленинграддаги иккита автохўжаликларда жорий қилинди. Булар қурилишларга, савдо шохобчаларига ва саноатга хизмат кўрсатаётган, шаҳарлараро юк ташиб бериш билан шуғулланаётган турли профилдаги йирик автохўжаликлардир.

Бу корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги кенгайтирилди, улар учун юқоридан белгилаб берилаётган план кўрсаткичларининг сонини камайтирилди; пландан ташқари олинган фойдадан ва иш ҳақи фондининг тежалганлиги натижасида ҳосил бўлган маблағдан ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг социал-маданий шароитини яхшилаш, шунингдек хўжаликнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш учун фойдаланишда мазкур корхоналарга катта ҳуқуқлар бериб қўйилди.

Яқинда СССР Министрлар Советининг Президиуми Москвадаги иккита автохўжаликда қилинган ишлар тажрибасининг дастлабки яқунларини кўриб чиқди ва шу хўжаликлар директорларининг докладларини эшитди. Мазкур хўжаликлар ишининг дастлабки яқунларийёқ планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини қўлланиш анча катта самара бераётганлигини кўрсатди. Автохўжаликларнинг коллективлари кенг ҳуқуқлар ва имкониятлар олган, ўз фаолиятларини яхшилаш, аввало автомобилларнинг беҳуда қатновини қисқартириш ҳисобига улар ташиб бераётган юкни анча кўпайтириш йўлини топиб олдилар. Улар ўзлари хизмат кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар доирасини кенгайтирдилар ва хизмат кўрсатиш сифатини анча оширдилар, машиналарга юк ортиш ва машиналар юкни бўшагишда бекор туриб қолишларни камайтиришдан ўз миқозларини манфаатдор қилиб қўйдилар, машиналарни ремонт қилишни ва машиналарга хизмат кўрсатишни ташкил этишни яхшиладилар, кераксиз автомашиналарни ва ускуналарни сотиб пулладилар, хўжаликлардаги ходимларнинг ортиқчаларини қисқартирдилар.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширди. Янги шароитда тўрт ой (1965 йил май-август ойларида) ишлаш натижасида машиналарнинг беҳуда қатнаши 15 процент қисқарди ва шу ҳисобдан юк обороти 34 процент кўпайтирилди. Меҳнат унумдорлиги 31 процент ошди, олинаётган фойда эса, икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Бу эса, ходимларнинг иш ҳақини ошириш имкониятини берди. Бешта автохўжаликда пландан ташқари олинган фойда тўрт ой ичида 969 минг сўмни ташкил қилди. Илгари вақтларда бўлгани каби бу сафар ҳам хўжаликлар олган фойдаларнинг 40 процентини бюджетга топширдилар, қолган қисмини эса — 550 минг сўмдан кўпроқ пулни — ишлаб чиқаришни яхшилашга ва резервлар вужудга келтиришга, шунингдек социал-маданий эҳтиёжларга ва ходимларни моддий рағбатлантиришга ишлатдилар.

Автохўжаликларнинг ҳаммасида ҳам иш бирданга мана шундай яхшилашиб кетади, деб кўз тутиб қийин, албатта. Аммо, шунга қарамай, тажрибанинг натижалари яққол кўришиб турибди. Бу натижаларда янги тажриба халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта самара беришини билдираётганлигини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришини янги формаларига ва методларига ўттириш нархлар ҳосил қилиш системасини яхшилашни талаб қилади. Нархлар меҳнатга қилинаётган ижтимоий зарур сарфларни тобора кўпроқ даражада акс эттириши, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларининг ўрнини қоплашни ҳамда нормал ишлаётган ҳар бир корхонанинг фойда олишини таъминлаб туриши лозим.

Халқ хўжалигини планлаштиришда ва бошқаришда иқтисодий методларга етарли баҳо берилмасдан келинганлиги, хўжалик ҳисоби сусайтириб юборилганлиги нархлар ҳосил қилишдаги катта камчиликлар билан кўп даражада боғлиқ бўлди. Модомики, асосланган нархлар бўлмас экан, иқтисодий ҳисоблар ҳам етарли равишда ишончли бўлмаб қолади, бу эса, ўз навбатида субъективистик қарорлар қабул қилишга йўл очади.

Эндиликда саноат маҳсулотига улгуржи нархлар белгилаш вақтида саноат тармоқларида рентабеллик даражасини белгилашдаги муаммоларнинг кўпчилиги ҳисобга олинмаб қолмоқта. Нормал ишлаётган корхоналар ўз маҳсулотларини улгуржи нархлар билан реализация қилиш натижасида фойда оладиган бўлишлари ва шундан ярама рағбатлантириши фойдаланиши аҳволга келтириши имкониятига эга бўлишлари, шунингдек ўз фаолиятларини кенгайтирмоқ учун, асосий фондлар ҳақини тўламоқ ва бюджетга бошқа вазосларни тўламоқ учун уларнинг ихтиёрида зарур маблағлар бўлиши лозим.

Маҳсулот сифатини ошириш билан, буюмларнинг мақсадга мувофиқ равишда узоққа чидайдиган ва пишиқ бўлишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳам нарх катта роль ўйнаши лозим. Шу сабабли, янги, мукамалроқ буюмларга нархлар белгиланаётган вақтда, шу буюмларни тайёрлаб берувчилар қилган қўшимча сарфларни ва истеъмолчилар сифат жиҳатидан яхшироқ бўлган шу маҳсулотдан фойдаланиш натижасида оладиган иқтисодий самара ҳам ҳисобга олиниши керак. Бундай ҳолда маҳсулот тайёрлаб берувчиларнинг маҳсулотни такомиллаштиришдан кўпроқ манфаатдор бўлишлари вужудга келтирилади, истеъмолчилар эса, шундай маҳсулотни ишлатишдан иқтисодий манфаат кўрадиган бўлиб қоладилар.

Шу Пленумга тайёргарлик кўрилаётган вақтда, КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ва СССР Министрлар Совети СССР Госплани ҳузурида Давлат Нархлар комитети тузишга қарор қилдилар. Шу Комитетга нархларни сарфланган ижтимоий

зарур меҳнат даражасига энг кўп яқинлаштириш зарурлигини назарда тутиб, саноат маҳсулотига улгуржи нархларни ишлаб чиқишдаги асосий йўналишлар тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, 1966 йил 1 январга қадар тақдим этиш вазифаси тоширилади. Бу нархлар планлаштиришни ва корхоналарни иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш соҳасида мўлжалланаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаши лозим.

Нархлар ҳосил қилиш системасини такомиллаштириш ва улгуржи нархлар белгилаш практикасини яхшилаш саноат ишининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга, қўшимча резервларни қидириб топишга ҳамда саноат маҳсулоти таннархини систематик равишда ва муттасил камайтириб боришни таъминлашга ёрдам беради. Ўз-ўзидан равшанки, чакана нархларни фақат камайтириш йўлини қўзлаб қайта кўриб чиқиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатдики, маҳсулотнинг ҳамма турлари учун улгуржи нархлар даражасини ҳисоблаб чиқиш ва саноатнинг ҳамма тармоқларига доир янги нрейскурантлар тайёрлаш анча вақт талаб қилади. Амалда янги нархларни 1967—1968 йилларда жорий қилиш мумкин бўлса керак.

Шу билан бирга, иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шартларига шу муддатлардан олдинроқ ўтган саноат тармоқлари бўйича шу тармоқлар маҳсулотининг нархларидаги рентабеллик соҳасида бўлган асосиз тафовутларни йўқотмоқ учун Госплан, Молия министрлиги ва Нархлар комитети амалдаги нархларга зарур тuzатишларни киритишлари лозим бўлади.

Планлаштиришни такомиллаштиришга ва саноат ишлаб чиқаришини рағбатлантиришга доир асосий таклифларнинг мазмуни умуман шулардан иборат. Планлаштириш ва рағбатлантириш соҳасида таклиф қилинаётган системани асосан қурилишда ҳам, темир йўл транспортида ҳам, халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларида ҳам қўлланиш мумкин. Бироқ, шу тармоқларнинг экономикаси хусусиятларини ва улар олдида турган вазифаларни ҳисобга олмай туриб, бу системани мазкур тармоқларда ўйлаб-ветмай жорий қила бериш ярамайди. Бу соҳадаги ишлар қадам-бақадам амалга оширила беради.

3. САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкилий формаларидан демократик централизмнинг ленинча принципи асосида такомиллаштириш, бошқаришнинг умри тугаган формаларидан ўз вақтида воз кечш объектив заруратдир. Бу зарурат ишлаб чиқарувчи кучларни ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқмоқда.

Ўз-ўзидан равшандирки, хўжаликни бошқаришни чинакам такомиллаштириш бошқа-ю, реал хўжалик ҳаётидан ажратилган ҳолда ўтказиладиган ва объектив иқтисодий қонуларнинг талаб-

ларига зид бўлган, шопма-шопарлик билан қиллинадиган ҳеч бир асоссиз қайта қуришлар бошқа.

Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимизда халқ хўжалигини бошқарин соҳасида катта қайта қуриш ўтказилди. 1957 йилдан бошлаб саноат халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқариладиган бўлиб қолди. Саноат министрликлари тугатилди, улар қарамоғида бўлиб келган корхоналар эса халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёрига ўтказилди.

Саноатни халқ хўжалиги кенгашлари орқали бошқаришнинг баъзи бир ижобий томонлари рўй берди. Бир қанча ҳолларда бир-бирига алоқадор корхоналар фойдали равишда бирлаштирилди, ускуналарни ремонт қилиб берадиган, заготовклар ишлаб чиқарадиган, саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналарга хизмат кўрсатиш учун керакли асбоблар ишлаб чиқарадиган заводлар ташкил этилди.

Лекин вақт ўта бериши билан саноатни бошқаришдаги катта камчиликлар аён бўла бошлади. Ишлаб чиқариш — техника жиҳатдан яхлит бир нарса бўлган саноат тармоғига қилинаётган раҳбарлик жуда кўп иқтисодий районларга бўлишиб кетди ва бу раҳбарлик бутунлай издан чиқди. Саноат тармоқлари иқтисодий районларнинг хўжалиги ичида «қоришиб кетди» деса бўлади. Халқ хўжалиги кенгашларида саноатнинг турли тармоқларига қарашли корхоналарга ихтисослаштирилган бошқармалар эмас, кўпшча кўп тармоқли бошқармалар раҳбарлик қилмоқда. Халқ хўжалиги кенгашларида саноатнинг кўпгина тармоқларига тоғи зинада маҳкамли кадрлар йўқ.

Бундай аҳвол мана шу камчиликларни йўқотиш йўлини қидиришга мажбур қилди. 1960 йилда РСФСР, Украина ССР ва Қозоғистон ССРда республика халқ хўжалиги кенгашлари тузилди, 1962 йилда эса, халқ хўжалиги кенгашлари йириклаштирилди. СССР Халқ хўжалиги кенгаши, СССР Олий халқ хўжалиги кенгаши, саноат тармоқлари бўйича давлат комитетлари тузилди. Бироқ бу қўшимча ташкилий тадбирлар бошқаришнинг мана шу системасидаги туб камчиликларни йўқота олмади.

Тармоқ комитетлари саноат ишлаб чиқаришининг техникавий даражасини оширишга ҳал қилувчи таъсир ўтказмадилар. Етарли ҳуқуқларга эга бўлмаган бу тармоқ комитетлари ҳақиқатда корхоналардан ва ишлаб чиқариш масалаларининг бутун комплексдан ажралиб ишлайдиган консултатив органлар бўлиб қолди.

Ҳозир халқ хўжалигида шундай аҳвол вужудга келиб қолгани, янги техникага доир планларни кўриб чиқиб ҳал қиладиган органлар бошқа-ю, ишлаб чиқариш ва капитал қурпилиш планларини кўриб чиқиб ҳал қиладиган органлар бошқа, таъминот масалалари билан эса учинчи хил органлар шуғулланмоқда. Аслини олганда, жуда кўп хилма-хил бўлган тармоқларнинг ҳам-

масини ривожлантириш масалаларини комплекс равишда кўриб чиқиб, ҳал қилиб бера оладиган ягона орган йўқ.

Мана шуларнинг ҳаммаси натижасида техникани тараққий эттиришга, саноат ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга, ихтисослаштиришга, турли иқтисодий районлардаги корхоналар ўртасида раціонал ишлаб чиқариш алоқаларига зарар етказилди.

Тармоқ принциpidан воз кечип тармоқларга қилинаётган раҳбарлик даражасининг пасайиб кетишига, техника сиёсатида бирликнинг бузилишига ва малакали кадрларнинг тарқалиб кетишига олиб келди, бошқаришнинг кўп босқичли системасини вужудга келтирди. Саноатнинг ривожлантирилиши учун бевосита жавобгар бўлмаган жуда кўп органлар пайдо бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси масъулиятсизликка, масалаларни келишиб олиш учун бениҳоя кўп вақт сарфлана беришига ва раҳбарлик қилишда оперативчилигини йўқотиб қўйишга олиб келди.

Винобарин, саноатни бошқаришни ташкил этишни жиддий яхшилаш масаласи етилган масала бўлиб қолди. Саноатни муваффақиятли ривожлантириб тармоқ учун ҳар бир айрим тармоқдаги ишлаб чиқаришга, техникага, экономикага ва илмий-тадқиқотларга қилинадиган раҳбарликда бирлик бўлишини таъминлаш зарур. Хўжаликни юритишнинг социалистик системаси шароитида ҳар бир тармоқни алоҳида бошқариш принципи татбиқ қилинган тақдирдагина, саноатга раҳбарлик қилиш соҳасида кучларни лозим бўлган даражада бир жойга тўшлаш ва марказлаштириш мумкин бўлиб қолади.

Шу нарса диққатга сазовордирки, саноатни ривожлантириш эҳтиёжлари уни ташкил этишнинг янги формасини — хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган тармоқ бирлашмаларини келтириб чиқарди. Халқ хўжалиги кенгашлари доирасида хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган ишлаб чиқариш бирлашмалари вужудга келганлиги шуни кўрсатиб турибдики, бошқаришни ташкил этишнинг анча такомиллашган формаси — тармоқ формаси турмушда зўр бериб ўзига йўл тоииб олмоқда. Бу форма ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни, кооперативлашни ва концентрациялашни яхшилашга ёрдам бермоқда, малакали кадрлардан тагин ҳам оқилона фойдаланишга имкон бермоқда, техникавий ва иқтисодий раҳбарликни такомиллаштирмоқ учун қулай шароит яратиб бермоқда.

Саноатга раҳбарликни яхшиламоқ учун тармоқ принципи асосида қурилган органлар тузиш зарур. Ишлаб чиқариш тармоқларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқларининг ҳаммасига эга бўлган ва шу тармоқларнинг ривожлантирилиши учун тўла равишда жавобгар бўлган саноат министрликлари мана шундай органлар бўлиб қолиши лозим.

Министрликлар ишлаб чиқаришни планлаштириш, унга раҳбарлик қилиш билан шуғуллана берадилар ҳамда техника сиёсати,

моддий-техника таъминоти, пул таъминоти, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ҳал қила берадилар. Тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ҳам министрликларга бўйсундириб қўйилади. Бу эса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ишини енгиллаштиради, чуқури корхоналардаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаоллигининг барча энг муҳим принципал масалалари эндиликда битта органда, яъни министрликда ҳал қилинадиган бўлиб қолади.

Министрликлар халқ хўжалиги ва аҳолининг зарур маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қопдириш учун жавобгар бўладилар. Улар буюмларнинг янги, прогрессив хилларини ишлаб чиқаришда ташаббус кўрсатиб туришлари, ўсиб бораётган эҳтиёжларга мувофиқ, шу буюмларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тез ва оператив равишда таъминлаб туришлари лозим.

Равшандирки, экономикага марказлаштирилган ҳолда планли раҳбарлик қилиш иттифоқдош республикаларнинг, маҳаллий органларнинг ва корхоналарнинг ташаббусини ривожлантириш билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш-техникавий хусусиятларини ҳисобга олиб, умумиттифоқ, иттифоқ-республика ва республика тармоқ саноат министрликлари тузиш мўлжалланмоқда.

Буюмлар, узеллар ва деталларни стандартлаштирмоқ, упифи-

кацияларни қўриқиб кўриш ва уларни стандартлаштириш учун таъминламоқ учун бутун мамлакат миқёсида ягона техникавий раҳбарлиқни айниқса талаб қилаётган машинасозлик саноатининг тармоқлари бўлиб қолган иттифоқ министрликлари тузиш таклифи қилинади. Машинасозлик саноати корхоналарига умумдавлат миқёсида раҳбарлик қилиниб турган тақдирдагина, мазкур вазифалар муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Машинасозлик тармоқларига раҳбарлик қилмоқ учун қуйидаги умумиттифоқ министрликларини тузиш таклифи қилинади:

Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги,
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги.

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги,
Автомобиль саноати министрлиги,

Электротехника саноати министрлиги,

Асбобсозлик, автоматлаштириш ва бошқариш системалари венталари министрлиги,

Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги,

Станоксозлик ва инструментал саноат министрлиги,

Енгил саноат, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзгор машиналари ишлаб чиқарувчи министрлик.

Саноатнинг бошқа тармоқларини иттифоқ-республика қарамонига ўтказиш мўлжалланмоқда. Демак, мапа шу тармоқларнинг корхоналарини бошқаришда иттифоқдош республикаларнинг иштирок қилиши таъминланади. Иттифоқ-республика СССР минис-

трликлари, шунингдек иттифоқдош республикаларда айни шу номдаги министрликлар ташкил қилинади, шу билан бирга, республикада саноатнинг шу тармоғига доир министрлик тузиш керакми ёки бошқарма (хўжалик бирлашмаси) тузиш керакми, деган масалани республикаларнинг ўзлари СССР Иттифоқининг тегишли министрлиги билан келишиб ҳал қиладилар.

Қуйидаги иттифоқ-республика СССР министрликларини тузиш таклиф қилинади:

Қора металлургия министрлиги,
 Рангли металлургия министрлиги,
 Қўмир саноати министрлиги,
 Химия саноати министрлиги,
 Нефть чиқарувчи саноат министрлиги,
 Нефтни қайта ишлаш ва нефть-химия саноати министрлиги,
 Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги,
 Қурилиш материаллари саноати министрлиги,
 Енгил саноат министрлиги,
 Озиқ-овқат саноати министрлиги,
 Гўшт ва сут саноати министрлиги.

Иттифоқдош республикаларда иттифоқ-республика саноат министрликлари ёки бошқармалари (бирлашмалари) иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг ва тегишли иттифоқ-республика СССР министрликларининг қарамоғида бўладилар ва корхоналарни бошқариш соҳасидаги ўз ишларида иттифоқ-республика СССР министрликлари тузиб берадиган низомларга амал қиладилар.

Республика қарамоғидаги саноатга келганда, министрликлар ва хўжалик бирлашмалари тузиш мақсадга мувофиқми ёки йўқми эканлиги масаласини республикаларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Республика органларининг муҳим функцияси шунки, улар аҳолига хизмат кўрсатиш учун аҳамияти катта бўлган маҳаллий саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети планлаштириш, капитал қурилиш, пул билан таъминлаш, меҳнат ва иш ҳақи соҳасида иттифоқдош республикаларга янги ҳуқуқлар беришни кўзда тутувчи қарорни муҳокама этиб, қабул қилдилар. Биз хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида иттифоқдош республикаларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга бундан буюн ҳам жиндий эътибор бериб туришимиз лозим.

Министрликларнинг ташкил этилиши бошқарув аппарати соини кўнайтиришга асло олиб келмаслиги лозим. Аксинча, бу аппаратнинг сони қисқартрилиши лозим. Министрликларнинг ихчам структурасини ва кам сонли штатларни тузиб чиқиш зарур, корхоналарга ва хўжалик бирлашмаларига катта ҳуқуқлар бериб қўйилди ва корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашиб турадиган аппарат тузишга эҳтиёж йўқ.

Тармоқ министрликлари тузилганлиги Госплanning ролини кучайтиришни талаб қилади. Тармоқларни бошқарувчи марказлаштирилган органлар мавжуд бўлиб турган шароитда хўжалиkning айрим тармоқларини ва мамлакатнинг иқтисодий районларини уйғунлаштириб ривожлантиришнинг аҳамияти кучайиб боради.

Ҳозир Госплан СССР Олий халқ хўжалиги кенгашига қарайди. Аммо, В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, Госплanning вазифаси бутун халқ хўжалигини илмий равишда планлаштиришдан иборатдир. Шу сабабли, СССР Госпланини иттифоқ-республика органи сифатида бевосита СССР Министрлар Советига бўйсундириш таклиф қилинади.

Территориал планлаштириш ишларини тўғри олиб бормоқ, иқтисодий районлардаги табиий, меҳнат, энергетика ресурслари ва бошқа ресурслардан комплекс тарзда фойдаланмоқ учун иттифоқдош республикаларнинг госпланлари республикалар халқ хўжалигини, шу жумладан иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги саноат тармоқларини ривожлантириш планларининг лойиҳаларини тузиб чиқиш билан шуғулланишлар. Республика госпланлари умумиттифоқ қарамоғида бўлган ва республикалар территориясида жойлашган корхоналарнинг ишлаб чиқариш планларини лойиҳаларини ҳамда донор тақлифларини ҳам шундан келиб чиқиб лозим.

Шундай қилиб, иттифоқдош республикаларнинг госпланлари умумий халқ хўжалиги манфаатларига асосланиб, умуман республика саноатини ривожлантириш масалаларини ташкирлаб берувчи органлар бўлиб қоладилар. Бу эса, иттифоқдош республикаларнинг идорачилик манфаатларини кўзловчи тенденциялар рўй беришига йўл қўймасликлари учун имкон беради.

СССР илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетини ўзгартириб, СССР Министрлар Советининг фан ва техника умумиттифоқ Давлат комитетига айлантириш таклиф қилинади. Ҳозирги вақтда СССР Олий халқ хўжалиги кенгаши қарамоғида бўлган СССР Госстройини СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи давлат комитетига айлантириш ва уни иттифоқ-республика органи сифатида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

СССР Олий халқ хўжалиги кенгашини, СССР Халқ хўжалиги кенгашини, республика халқ хўжалиги кенгашлари ва иқтисодий районларнинг халқ хўжалиги кенгашларини тугатиш таклиф қилинади.

Моддий-техника таъминотини ташкил этиш масалалари халқ хўжалигини бошқаришда катта ўрин олиб турибди. Моддий ресурслардан рационал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва тайёр маҳсулотнинг сифати моддий-техника таъминоти қай тарзда йўлга қўйилганли-

гига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Моддий-техника таъминоти халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши учун уни ягона мустақил система тариқасида планлаштириб ва бошқариб туриш лозим.

1957 йилга қадар моддий-техника таъминоти идоровий система асосида олиб борилар эди, бунинг учун жуда кўп майда конторалар, базалар ва складлар ташкил қилинган бўлиб, улар бир-бирининг ишини такрорлай берар эди. Қимматга тушаётган бу система халқ хўжалигидаги мавжуд моддий ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишга имкон бермас эди.

Таъминот ва реализация ишларини территориал принцип асосида ташкил қилиш соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган тадбирлар бу системани бирмунча яхшилашга имкон берди. Майда таъминот-реализация ташкилотларининг жуда кўпи қисқартирилди. Анча йирик ва яхшироқ ускуналанган ихтисослаштирилган базалар, универсал (тармоқлараро) конторалар ва складлар вужудга келтирилди. Жойлардаги мавжуд ресурслардан тўлиқроқ фойдаланилмоқда.

Бундан буён моддий-техника ресурсларини СССР Госплани СССР министрликлари ихтиёрига ажратади, ана шу министрликларнинг ўзлари фондларни сақлаб туради. Бу министрликлар ресурсларни ўз қарамоқларидаги истеъмолчиларга тақсимлаб берадилар.

Фондларни реализация қилиш билан ҳозирги вақтда ишлаб турган главснабситлар ва моддий-техника таъминотининг территориал органлари шуғуллана берадилар.

Материал, ускуналар ва хом ашё фондларини планларга мувофиқ реализация қилиб туриш учун моддий-техника таъминотининг мавжуд территориал органларини ва уларнинг конторалари, ихтисослаштирилган ҳамда универсал базалари ва складларини сақлаб қолиш таклиф қилинади. Мазкур районлардаги корхоналарга ажратиб берилган материал фондларини реализация қилиш учун масъулият ҳамда шу корхоналарнинг маҳсулотини бошқа районларнинг истеъмолчиларига етказиб бериш устидан контрол қилиб туриш моддий-техника таъминотининг мана шу территориал органларига юклатилади.

Бундан буён моддий-техника таъминоти соҳасида маҳсулот тайёрлаб берувчи корхоналар билан маҳсулотни истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгроқ ривожлантира бериш керак. Истеъмол қиладиган районлардаги территориал таъминот-реализация базалари орқали материаллар ва ускуналарнинг айрим турлари билан улгуржи савдо қилишга аста-секин ўтиш зарур.

Мамлакатда моддий-техника таъминотига раҳбарлик қилиб туриш учун СССР Министрлар Советининг иттифоқ-республика моддий-техника таъминоти Давлат комитетини тузиш таклиф

қилинади. Таъминот планларини реализация қилиш, маҳсулотларни кооперативлаштирилган тартибда тармоқлараро етказиб бериш, маҳсулот етказиб бериш планларининг ўз вақтида бажарилишини контрол қилиб туриш мана шу комитетга юкланади. Ҳозирги вақтда СССР Халқ хўжалиги кенгаши ҳузурида бўлган ва республикалараро маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғулланаётган бош бошқармаларни мазкур Комитет қарамоғига ўтказиш таклиф қилинади.

Бироқ, хўжалик шартномаларини бажаришда корхоналар ва ташкилотларнинг чинакам масъулиятли бўлиши ва бундан етарли равишда моддий манфаатдор бўлиши жорий қилинмаса, таъминот системасининг ҳар қандай ташкил этилиши ҳам халқ хўжалигининг манфаатларини қондира олмайди.

Саноатга хўжалик соҳасида раҳбарлик қилиш органларининг ўтказилаётган қайта қурилиши муносабати билан мўлжалланаётган янги система асосан шулардан иборат.

Биринчи қарашда илгариги министрликларга шунчаки қайтиб қўя қолиш таклиф қилинаётганга ўхшаб кўриниши мумкин. Бироқ, шундай деб ўйлаш, бир қанча ҳолатларни ҳисобга олмаслик, хатога йўл қўйиш бўлур эди. Ташкил қилинаётган министрликлар бутунлай бошқа янги шароитда ишлайтувчи министрликлар бўлар.

Бунинг асосида хўжалик ҳисоби методларини ва иқтисодий раёбатлантириш воситаларини анча кучайтириши билан қўшиб олиб борилади, корхоналарнинг ўзига оид ишларни раёбатлантиришнинг қўшимча кенгайтирилади.

Тармоқлар ичида хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бирлашмалар кўнайтирилади, бу бирлашмалар ўз корхоналарига ўзлари бевосита раҳбарлик қила берадилар. Бу раҳбарлик хўжалик ҳисоби негизига тобора кўпроқ даражада асослана беради, аммо, шу билан бирга, давлат план интизомига қаттиқ риоя қилиниши мутлақо шарт, албатта. Министрликлар ўз ишларини хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларга таяниб олиб борадиган бўлиб қоладилар, кўпгина оператив функцияларни ана шу бирлашмаларга топшириб қўядилар. Бунинг устига министрликларнинг ўзида — айниқса енгил саноат ва озиқ-овқат саноати министрликларининг ўзида шу министрликларнинг кўпгина бош бошқармалари хўжалик ҳисобида бўлишлари лозим. Министрликлар фаолиятларини ўз тармоқларини прогрессив тарзда ривожлантиришнинг асосий соҳаларига қаратадилар. Иқтисодий воситаларга, корхоналар ва бирлашмаларнинг ишларини яхшилашга ва тўла хўжалик ҳисобини мунтазам равишда жорий қилишларига ёрдам кўрсатишга асосий эътибор бериладиган бўлиб қолади.

Саноатга раҳбарлик қилишнинг иқтисодий методларини ривожлантириш корхоналар билан юқори органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерини ҳам ўзгартириб юборади. Раҳбар хўжа-

лик органлари билан корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда раҳбар хўжалик органларида ҳамма ҳуқуқлар бўлиши керак-у, ammo, корхоналар фақат буюрилган ишларнинггина бажаришлари керак, деб одад бўлиб қолган тасаввурлардан воз кечиш керак. Раҳбарликнинг иқтисодий методларини ривожлантириш, саноатда хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш шу муносабатларда ҳар иккала томоннинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқларини ва мажбуриятларини белгилаб қўйишни, корхоналарнинг ҳам, шунингдек саноатга раҳбарлик қилувчи органларнинг ҳам масъулиятини оширишни талаб этади.

Социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисидаги Низом лойиҳаси корхоналар ходимларининг кенг иштироки билан узоқ вақт муҳокама қилинди. Бу Низом КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети томонидан кўриб чиқилди ва Пленумдан сўнг кучга киритилади. Низом фақат саноат корхоналарининггина эмас, шу билан бирга, қурилиш, қишлоқ хўжалик, транспорт ва алоқа корхоналарининг ҳам хўжалик фаолиятидаги етилган масалаларни ҳал қилиб беради.

Корхоналарнинг оборот маблағлари, амортизация ажратмалари борасидаги, шунингдек ошиқча ускуналарни ва бошқа материалларни сотиш натижасида ўзлари қўлга киритган маблағларни тасарруф қилишга доир ҳуқуқлари кенгайтирилади. Корхонанинг фондлари ҳисобидан қурилган уй-жой майдоши мана шу корхона ходимлари ўртасида тўла равишда тақсимлана беради. Корхоналарнинг бутун йил давомида иш ҳақи фонди тежаганлиги натижасида ҳосил бўлган маблағдан фойдаланиш ҳуқуқлари кенгайтирилади. Корхоналар аппарат структурасини ва штатларни, шунингдек маъмурий-бошқарув харажатларининг сметаларини молия органларида қайд қилдирмасдан мустақил равишда ўзлари тасдиқлайдиган бўлиб қоладилар. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига доир бошқа бир қанча масалаларни ҳал қилишда ҳам уларнинг хўжалик ташаббускорлиги ва мустақиллиги кенгайтирилади. Корхона тўғрисидаги Низом корхоналардаги хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга шубҳасиз ёрдам беради.

Саноатни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш ва саноатга раҳбарлик қилишнинг иқтисодий методларини кучайтириш соҳасида таклиф қилинаётган чоралар давлат йўли билан ягона тартибда плавлаштиришни корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлаши билан қўшиб олиб боришга, саноат тармоқларини марказлаштирилган тартибда бошқаришни кенг миқёсдаги маҳаллий хўжалик ташаббускорлиги билан қўшиб олиб боришга, якка-бошчилик принципини ишлаб чиқариш коллективларининг ролини ошириш билан қўшиб олиб боришга асосланган чоралардир. Хўжаликни бошқаришнинг бундай системаси ҳозирги замон талабларига жавоб беради ва социалистик тузум афзалликларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради.

Социалистик экономикампэннинг тез ривожланиб бориши халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришнинг бундан буён янгидан-янги проблемаларини муқаррар келтириб чиқара беради. Бу эса, шу соҳадаги илмий тадқиқот ишларида бўлган қолоқликни қатъиян тугатишни ва ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишнинг илмий асосларини чуқур ишлаб чиқишни талаб қилади.

4. САНОАТГА ПЛАНЛИ РАЎБАРЛИКНИНГ ЯНГИ СИСТЕМАСINI УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАТБИҚ ЭТАЙЛИК

Ўрдоқлар! Пленумнинг қарорлари саноатга қилинадиган планли раўбарликка катта ўзгаришлар киритади. Аслини олганда бу хўжалик ишлари соҳасида муҳим ислоҳот бўлиб, бу ислоҳот саноатдаги ходимларнинг кўп миллионли армияси — ишчилар, хизматчилар, инженерлар, техниклар, экономистлар, хўжалик раўбарларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўз ичига олади.

Саноатда янги хўжалик-ташкилый методларга ўтиш бутун халқ хўжалигига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади. Хўжалик юритишнинг бутун системасининг сифат жиҳатида янги босқичга кўтариш имконияти вужудга келтирилади. Бу эса Ватанимиздаги илмий тадқиқотларнинг кучайтириши ва совет илмушуруни билан муш даражасини юксалтиришнинг қўшимча маъбаларини ишга солиш имконини беради.

Аmmo бу ишда муваффақиятлар ўз-ўзларини қўлиб қўриётгандай вужудга келтирилаётган қулай имкониятларни рўёбга чиқармоқ учун, саноатга хўжалик раўбарлигини янги иш шароитларига кўчириш учун ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш, саноат кадрлари хўжалик фаолияти савиясини янги вазибалар ва янги талабларга мувофиқ юксак даражага кўтариш, меҳнаткашларнинг, корхоналардаги ишлаб чиқариш коллективларининг ижодий активлигини кенг ривожлантириш зарур.

Саноатга раўбарликни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар пухта ўйлаб тузилган планга мувофиқ аста-секин ва уюшқоқлик билан амалга оширилиши керак. Министрликларни ташкил этиш учун муайян вақт талаб этилади. Бошқаришнинг янги системасига шу тариқа ўтиш керакки, бунинг натижасида давлат планларининг бажарилиши ва саноатнинг нормал ишлаши таъмин этилсин.

Корхоналарнинг ҳаммаси ҳозирча министрликлар ихтиёрига топширилмайди, халқ хўжалиги кенгашлари ўз ишларини давом эттиришлари ва ўз ихтиёрларидаги корхоналарнинг узлуксиз ишлаб туриши учун тўла жавобгар бўлишлари керак. Давлат тармоқ комитетлари ҳам ўз вазибаларини бажариш учун тўла жавобгардирлар.

Ҳозирги вақтда 1966 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш ва давлат бюджетини тузиш соҳасидаги ишлар тамомланмоқда. План ва бюджет саноатни бошқаришдаги ҳозир мавжуд бўлган структурага мувофиқ тузилган. Шу сабабли иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ хўжалиги кенгашлари ва давлат ишлаб чиқарish комитетлари планларни ўз вақтида корхоналарга маълум қилишлари зарур.

Янги министрликлар тузилиши муносабати билан ҳар бир министрлик ишга тушиб кетган корхоналар миқдори жуда қисқа вақт ичида белгилаб чиқилиши ва шунга биноан ҳар бир тармоқ бўйича халқ хўжалиги ва бюджет кўрсаткичлари бошқаришнинг янги структурасига мувофиқ аниқлаб чиқилиши лозим. Госплан бу ишни пухта уюштириши ва бу тадбирнинг бажарилишини кузатиб, назорат қилиб туриши керак. Молия министрлиги ҳам саноатни бошқаришнинг янги структурасига мувофиқ 1966 йилги давлат бюджетини тузиш соҳасида тегишли ишларни ташкил қилмоғи зарур.

Қабул қилинган қарорларга мувофиқ Госплан, Молия министрлиги, меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат комитети, Давлат нарх комитети, Давлат банки, шунингдек саноат министрликлари бу йил ва хусусан 1966—1967 йиллар мобайнида ҳар бир соҳанинг ва ҳатто бир группа корхоналарнинг хусусиятларини эътиборга оладиган низомилар, методик қўлланмалар, инструкцияларни тузиб чиқишлари керак. Бу ишга корхоналарнинг ходимларини, таниқли мутахассислар ва олимларни ҳам жалб этиш керак.

Саноатни бошқариш органларининг янги системасига ўтиш муносабати билан хўжалик кадрларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш керак бўлади. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советлари, министрликлар, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари ана шу катта ва муҳим ишга жиддий эътибор беришлари керак.

Корхоналарни юқори малакали кадрлар билан ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур, ахир ишнинг муваффақияти пировардида корхонада ҳал этилади-ку. Айни вақтда янги ташкил этиладиган министрликлар учун мутахассисларни пухта танлаб олиш лозим. Саноатни бошқариш соҳасидаги ҳамма ишларнинг самараси кўп жиҳатдан шунга боғлиқ бўлади. Биз хўжалик кадрлари тўғрисида энг кўп гап-сўз қилишимиз ва ҳар бир ходимдан оқилона фойдаланишимиз керак.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда социалистик ишлаб чиқаришнинг минг-минглаб истеъдодли ва обрўли ташкилотчилари ўсиб етишди. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарида икки миллиондан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишлаб турибди. Бу корхоналарда тўрт миллиондан кўп коммунист ишляпти. Бу жуда катта кучдир. Биз бу кучга таяниб энг мурак-

каб вазифаларни ҳам ҳал эта оламиз. Партия, халқ мутахассис кадрларни, ишлаб чиқариш ташкилотчиларини ғоят қадрламоқдалар, уларга катта шонч бйдириб, уларнинг мураккаб ижтимоий фойдали ишларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ишлаб чиқариш-хўжалик кадрлари олдиға қўйилаётган талаблар жиддий суратда ортиб бормоқда. Бу талабларни турмушнинг ўзи илгарги сурмоқда. Ишнинг кўзини билишға асосланган ташаббус, оперативчилик, ишчанлик, янгиликни ҳис эта билиш, ҳар бир конкрет шароитда ишлаб чиқариш ресурсларидан энг самарали фойдалана билиш — янги талабларнинг моҳияти ана шундай.

Хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиши муносабати билан партия ва давлат олдиға уларнинг зиммасиға япада катта жавобгарлик ҳам юкланади. Улар илгарги кўпинча юқоридан туриб ҳал этилган масалаларни ишлаб чиқариш коллективлари билан бирға ўзлари ҳал этишлари даркор бўлади.

Янги шароитларда саноат учун кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти кескин суратда ортади. Бу соҳада катта-катта камчиликлар бор. Буниг учун Олий ва ўрта махсус таълим министрини ва Госплан кўп жиҳатдан айбидир. Техниклар ва инженерлар тайёрлашда жиддий диспропорцияларға йўл қўйилди. Буларға натижада коммунал-хўжалик тармоқларида мутахассисларнинг қисқариши ҳолда саноатнинг бошқа тармоқларида мутахассислар етишмайtir.

Инженер техник кадрларни тайёрлашнинг суратини ишлаб чиқаришда қушилмаган. Ҳозирги шароитда инженернинг, конструкторнинг, лойиҳа тузувчининг ишлаб чиқариш экономикасини чуқур билмаслиги каби бир ҳолға йўл қўйиши асло мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда экономистларни тайёрлаш ғоят муҳим аҳамиятға эға бўлиб қолди. Мамлакатда иқтисодий кадрларға катта эҳтиёж борлиги сабабли бу ишға эътиборни кучайтириш зарур. 1965 йилнинг бошиға келганда олий иқтисодий маълумотға эға бўлган мутахассислар СССРдаги барча мутахассисларнинг атпги 6 процентини ташкил этди, бу эса ҳатто 1940 йилнинг охиридаги нисбатдан ҳам бирмунча камроқдир.

Раҳбар кадрлар малакасини оширишнинг илгарги мавжуд бўлган ва яхши натижа берган системасини тиклаш керак. Кадрлар тайёрлашдаги ана шу форманиг тугатилганлиги жиддий хато эди.

Кўпгина корхоналарда инженер-техник кадрлардан нотўғри фойдаланмоқдалар; корхона ва қурилишларнинг раҳбарлари, инженер-техник ходимлари кўпинча самарасиз кенгашларға чақирила бериб, уларнинг эътибори ўзларнинг ишлаб чиқариш ишларидан четға тортилади. Мутахассисларнинг бир қисми ўзлариға хос бўлмаган функцияларни бажариш, ҳар қандай ҳисоботлар, ста-

тистика маълумотлари, справкалар тузиш билан банд бўлиб қолган.

Кадрларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишдаги ана шу нуқсонларнинг ҳаммасига чек қўймоқ керак.

Саноат раҳбар кадрлари давлат томонидан ўзларига ишониб топширилган ишлаб чиқариш участкаси учун шахсан тўла жавобгардирлар. Ишлаб чиқаришдаги бу жавобгарлик, яккабошчиликнинг роли ҳозирги пайтда айниқса ўсиб бормоқда. Аммо яккабошчилик корхонанинг хўжалик ҳаётига ва ишлаб чиқаришни бошқаришга тааллуқли энг муҳим масалаларни муҳокама қилишда ишчиларни ва хизматчиларни жуда кенг қўламда қатнаштириш билан узвий равишда қўшиб олиб борилиши керак. Хўжалик ходими ишларининг муваффақияти коллективга таяниб иш қўришига ва ўзининг юксак ишчанлик фазилатлари ва вринципиаллиги билан қозонадиган обрўсига боғлиқдир.

Хўжалик бошқармасининг демократик асослари тобора ривожлантирилмай туриб, ишлаб чиқаришни бошқаришда омманинг иштирокни анча кучайтирмай туриб, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш мумкин эмас. Планлаштириш масалаларини ҳал этишда, ишлаб чиқаришнинг ички резервларини сафарбар қилишда, иш натижаларига баҳо бериш ва ходимларни рағбатлантиришда корхона коллективларининг, завод жамоатчилигининг ролини юксак даражага кўтариш лозим. Корхоналарнинг фондлари кенгайтирилиши муносабати билан ана шу фондлардан тўғри фойдаланишда завод жамоат ташкилотларининг аҳамияти кўп даража ортади. Барча ходимларда ишлаб чиқаришнинг хўжайинимиз деган туйғуларни бутун чоралар билан кучайтириш керак. Қаттиқ меҳнат интизоми ва ишлаб чиқариш интизоми бўлмаса, ҳар бир раҳбар, ҳар бир инженер, хизматчи ва ҳар бир ишчининг ўз бурчларини ва ўзлари олган топшириқларни пухта бажаришни талаб қилмай туриб, корхоналарнинг муваффақиятли ишлашини тасаввур этиб бўлмайди.

Коллектив шартнома — ишчи ва хизматчиларни корхоналарнинг иш натижаларини яхшилаш учун курашга жалб этишнинг муҳим воситасидир. Эндиликда коллектив шартноманинг роли кўн даража ортади. Ишнинг умумий натижаларини яхшилашдан корхона ишчилари ва хизматчиларининг манфаатдорлиги анча ўсганлигини эътиборга олиб, коллектив шартномалар корхона ишчилари ва хизматчилари ўртасида кенг ва пухта муҳокама қилиниши лозим. Корхонанинг яхши, рентабель ишлаши учун қандай конкрет чоралар амалга оширилишини, корхона ишининг яхшиланиши меҳнат ва турмуш шароитларига, ходимларнинг иш ҳақиға қандай таъсир кўрсатишини ва коллектив шартнома ишчи ҳамда хизматчининг зиммасига қандай жавобгарлик юклашини корхонанинг ҳар бир ишчи ва хизматчиси билиб олмоғи керак. Хўжалик раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари коллектив

шартномалар тузиш практикасини яхшилашлари ва шартномаларда кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан систематик контроль ўрнатилишини таъминлашлари керак.

Саноатни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши партия, касаба союз ташкилотларидан ва корхоналарнинг раҳбарларидан меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасини уюштиришни тубдан яхшилашни талаб этади. Хўжалик юритиш методларининг такомиллаштирилиши социалистик мусобақа учун мустаҳкам иқтисодий база яратиб беради. Социалистик мусобақада бутун эътиборни янги техникани тезроқ жорий қилишга, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишга қаратиш лозим. Корхонадаги бутун илгор усуллар социалистик мусобақа ёрдамида кенг ёйилиши керак. Бу — ҳар бир корхонада социалистик хўжалик юритишни янада юксак даражага кўтаришга эришишнинг муҳим шартидир.

Партия, касаба союз, совет ва хўжалик органлари планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш, саноатни бошқаришни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни барча меҳнаткашларга мана шуни ўргатиш ва уларнинг уюштирилишини яхшиловчи тадбирларнинг ҳар бир корхонанинг ва умуман саноатнинг муваффақиятли ишлашини таъминлашга сафарбар қилишлари керак.

Ўртоқлар! Бизнинг Ленинчи Коммунистик партиямиз социалистик экономикада коммунизм йулидан ривожлантиришнинг раҳбар, етакчи кучидир. Коммунистик партиямиз мамлакатимиз олдида турган йирик хўжалик вазифаларини ҳал этишнинг энг самарали воситалари ва методларини қидириб топиш тўғрисида ҳамisha гамхўрлик қилиб келмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг шу Пленуми муҳим принципиал қарорларни муҳокама этади ва қабул қилади. Бу қарорларнинг амалга оширилиши, бинобарин экономикамизнинг муваффақиятли ривожланиши асосан партиямизнинг, партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг сиёсий ва ташкилотчилик ишларига боғлиқ бўлади.

Таклиф қилинаётган тадбирларнинг моҳиятидан шу нарса келиб чиқадики, хўжаликка партия раҳбарлиги роли янада ортади. Иттифоқдош республикалар Компартиялар Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг саноатга чинакам илмий, маҳаллийчиликнинг ҳам, шунингдек, бошқармачиликнинг ҳам ҳар қандай таъсиридан холи бўлган раҳбарлик учун, бошқаришнинг янги усули очиб берадиган имкониятлардан коммунистик қурилиш манфаатлари йўлида тўлароқ фойдаланиш учун масъулияти анча ортади. Ҳозирги вақтда саноатга раҳбарлик қилишда ўлка ва область партия комитетларининг масъулияти айнаниқса оширилмоқда.

Партия комитетлари хўжалик органларининг ишини бажаришга уринмай, бу органларга майда-чуйда масалаларни ҳал қилишда ҳам аралашавермай, энг аввало кишилар билан, кадрлар билан, ишчилар билан ва ишлаб чиқариш интеллигенцияси билан иш олиб бориб, ўзларига хос бўлган восита ва методлардан фойдаланишлари керак. Энг муҳим шундаки, партия комитетлари саноатимиз меҳнаткашлари ташаббуси ва активлигини сафарбар қила олсинлар, уларнинг тажрибаси ва ижодий ғайратини бир мақсадга мужассамлаштира олсинлар.

Корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши ва уларнинг мустақиллиги оширилиши муносабати билан ишлаб чиқариш партия ташкилотларининг роли ҳам ортади. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш резервларини қидириб топиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шу билан бирга иқтисодий рағбатлантиришдан тўғри фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқариш партия ташкилотлари ишида асосий ўринни эгаллаши керак. Худди ана шу партия ташкилотлари меҳнатга маънавий стимулларни бутун чоралар билан ривожлантиришлари, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини янада ўстириш учун кураш олиб боришлари керак.

Шунга шубҳа қилмаса ҳам бўладикки, партия ташкилотларимизнинг ҳаммаси ҳормай-толмай иш олиб борса, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришнинг таклиф этилаётган чоралари самарали натижа беради ва мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этишга муваффақиятли хизмат этади.

Ўртоқлар! Ушбу Пленумнинг иши чет элларда ҳам сўзсиз мулозаҳаларга сабаб бўлади. Биз шунга қатъий ишонамизки, Совет Иттифоқининг ҳаёти ва иқтисодий тараққиётини зўр қизиқиш билан кузатиб бораётган социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз Пленум қарорларини қониқиш билан қабул қиладилар. Аммо душманларимиз бу қарорларнинг моҳиятини бузиб кўрсатишга уринадилар, албатта. Ҳозирнинг ўзидаёқ буржуазия идеологлари СССРда хўжалик реформаси тайёрланаётганлигини эшитиб, уни планли социалистик хўжалик системаси заиф бўлганлиги учун шундай қилинаётир, деб кўрсатишга уринмоқдалар. Буржуазия матбуоти хўжалик ишимиздаги мавжуд камчиликларни, кўпроқ эса аслида бўлмаган камчиликларни бўрттириб совет экономикасидаги қандайдир «тартибсизлик», «кризис» ҳақида гапирмоқда. Афтидан бизда халқ хўжалигини планлаштириш ва унга раҳбарлик қилишни яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган мунозара «совет ишлари бўйича» баъзи буржуазия «экспертлари» миёсида ана шундай бузилган тарзда акс этган бўлса керак. Биз ўз ишимизни қандай қилиб янада самаралироқ қилиш, социализм имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш тўғрисида ўйламоқдамиз, улар эса бир вақтлардаги каби бизнинг ижтимоий ишлаб чиқариш системамиз тушқунлиги ҳақида, СССР хўжаликни капиталистик бошқариш позициясига ўтмоқда, планли иш олиб бориш бозор

таъсирида бошқаришнинг стихияли механизми билан алмаштирилмоқда, деб жар солмоқдалар.

Бекор гапни айтибсиз! Хўжалик системасининг моҳияти давлат ҳокимияти, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари қимнинг қўлида эканлигидадир, ишлаб чиқариш қайси синфлар манфаатлари йўлида эканлигидадир, ишлаб чиқариш қайси синфлар манфаати йўлида тақсимланаётганлигидадир. Бу — туб масала, биз бу масалада доимо марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам позициясида турамыз. Совет Иттифоқи социализм ғалаба қозонган мустаҳкам мамлакатдир. У комил ишонч билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратмоқда. СССРдаги социалистик мулк коммунистик мулкка айланиш йўлидан ривожланмоқда. Баъзи бир буржуазия экономистларининг совет экономикасининг аста-секин капитализм йўлига ўтаётганлиги тўғрисидаги гаплари фақат бир нарсдан — улар ўз истакларини ҳақиқат деб кўрсатишга уринаётганликларидан далолат беради.

Совет экономикасининг «қийинчиликлари», унинг «буржуача айниётганлиги» ҳақидаги пропагандистик шовқин-суронлар яна бошқа мақсадни ҳам кўзлаб қилинаётганлигини яхши тушунамыз. Осиё ва Африкадаги кўпгина мустақил мамлакатлар тараққийлаётганлиги, совет иқтисодий йўлини таълаб олаётганлиги, Совет

ни ўрганаётганлиги, бу мамлакатлар билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантираётганлиги душманларимизни чўчқитиши.

Улар совет экономикаси қандайдир «кризисга» учради деган уйдирмалари билан социализмни, унинг хўжалик методини ва социализмнинг иқтисодий соҳадаги самарадорлигини камситиб кўрсатишни истайдилар, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Лекин бу пасткаш воситалар билан қилинаётган уринишдир. Пленумимиз қабул қиладиган қарор хўжаликнинг социалистик системаси афзалликларидан янада яхшироқ фойдаланиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Таклиф этилаётган хўжалик реформасининг муҳим халқаро аҳамияти шундан иборатки, у икки хил ижтимоий система ўртасидаги иқтисодий мусобақада социализм мавқеини мустаҳкамлайди.

Европадаги социализм мамлакатларининг деярли ҳаммасида хўжаликни бошқариш методлари такомиллаштирилмоқда. Конкрет масалаларни ҳал қилишга ёндошишдаги баъзи тафовутлар айрим мамлакатлар экономикасининг ўзига хос аҳволидан келиб чиқади. Юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти планлаштиришнинг илмий савиясини оширишдан, ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтиришдан, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат.

Европадаги барча социалистик мамлакатлар учун шу нарса характерлики, уларда саноатни бошқаришнинг тармоқ принципи чуқурлаштирилмоқда, ана шу мамлакатларда хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган тармоқ ишлаб чиқариш бирлашмалари тобора кўпроқ роль ўйнамоқда.

Бизнинг мамлакатимизда, шунингдек, Европадаги бошқа социалистик мамлакатларда хўжаликни социалистик бошқаришнинг янги методларига ўтилаётганлиги халқаро социалистик меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштириш учун, халқ хўжалик планларини яқиндан ўзаро фойдали тарзда координациялаш учун яхши шарт-шароит яратиб беради. Пленум қабул қиладиган қарорларнинг жуда катта халқаро аҳамияти ана шунда ҳам ўз ифодасини топади.

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети саноатни планлаштириш ва бошқаришнинг янги методлари ва формаларига ўтиш турли мамлакатлар халқлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат совет сиёсатининг иқтисодий негизларини мустаҳкамлайди деб ҳисоблайдилар. Амалга оширилаётган ислоҳот ўз Ватанининг гуллаб яшнашидан манфаатдор бўлган совет халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу ислоҳотни амалга ошириш совет кишиларининг турмушини янада яхшилашга, Ватанимиз куч-қудрати ва мудофаа қобилиятини янада юксакликка кўтаришга, коммунизм сари олга ҳаракатимизни тезлаштиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини Марказий Комитет аъзолари тўла қўллаб-қувватлайдилар, партия ва халқ яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВ

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУҲАММАД АЙОУБХОН БИЛАН ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ ЛАЪЛ БАҲОДИР ШАСТРИ ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВНИ РАСМИЙ ОЧИШ ЧОҒИДА 1966 ЙИЛ 4 ЯНВАРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли Президент жаноблари! Ҳурматли Бош министр жаноблари!

Совет ҳукумати Покистон Президенти ва Ҳиндистон Бош министрининг Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва вужудга келган конфликтни бартараф этиш мақсадида бевосита алоқа ўрнатилш учун Тошкентда учрашшга рози бўлганликларини зўр қониқш билан қабул қилди.

Совет Иттифоқи ҳукумати шу учрашув тўғрисидаги таклифни киритар экан, бу билан Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва вужудга келган конфликтни бартараф этиш мақсадида алоқа ўрнатилшга рози бўлганликларини зўр қониқш билан қабул қилди. Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва вужудга келган конфликтни бартараф этиш мақсадида алоқа ўрнатилшга рози бўлганликларини зўр қониқш билан қабул қилди. Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва вужудга келган конфликтни бартараф этиш мақсадида алоқа ўрнатилшга рози бўлганликларини зўр қониқш билан қабул қилди.

Ҳиндистон билан Покистон — бизнинг жанубдаги қўшниларимиздир. Биз ҳар доим Совет Иттифоқининг Ҳиндистон ва Покистон билан дўстона муносабатлари тобора ривожланиб бориши билан биргаликда, шу мамлакатларнинг ўзлари ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳукм суриши тарафдори бўлиб келганмиз. Ҳиндистон ва Покистон халқлари тарихида улар чет эл ҳукмронлигига қарши қаҳрамонона курашда елкама-елка турганликларини кўрсатувчи мисоллар кўп. Мустамлакачилик устидан қозонилган ғалабага уларнинг умумий куч-ғайрати туфайли эришилган, шу ғалаба йўлида улар баб-баравар қурбон беришган. Ўтмишда бўлганидек, бугунги кунда ҳам Покистон ва Ҳиндистон душманларигина уларнинг тўқнашувидан манфаатдордир.

Ҳинд халқи билан Покистон халқини яқинлаштириб турган жиҳатлар ўтмишгагина тааллуқли эмас. Бугунги кунда улар олдида турган вазифалар кўп жиҳатдан бир-бирига яқиндир. Икки мамлакат халқлари ўз аҳолисининг фаровонлиги ва бундан кейинги тараққиёти билан боғлиқ бўлган йирик иқтисодий проблемаларни ҳал қилишга уринмоқдалар. Бу интилишларнинг маъноси

бизга яхши тушунарли. Биз Покистон ва Ҳиндистонни дўст-аҳил яшовчи, ўргаларида келиб чиқадиган масалаларни тинч йўл билан ҳал қилувчи, ўз миллий тараққиётлари йўлида муваффақият билан ривожланувчи давлатлар сифатида кўришни истаймиз. Ҳинд ва Покистон халқлари катта имкониятларга эгадирлар. Уларнинг бунёдкорлик куч-гайратлари, ижодий қобилиятлари тобора очилиб бораётганлиги, бу мамлакатлардаги табиий бойликларни қазиб олиб ишлатиш уларнинг иқтисодий жиҳатдан тез тараққий этиши учун шароит яратиб беради.

Совет халқи ва Совет ҳукумати Покистон билан Ҳиндистон ҳукуматларининг уруш оловини ўчириш тўғрисидаги битишувини табриклади. Барча мамлакатлардаги прогрессив кишилар шу битишувдан кейин Ҳиндистон ва Покистон давлат арбобларининг тинч ва аҳил яшашга интилиши тўғрисидаги берган баёнотларини зўр қониқш билан кутиб олдилар.

Биз Тошкентдаги бу учрашувни Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясайдиган учрашув деб баҳолаймиз. Биз мазкур икки давлат раҳбарлари Тошкентга шу мақсадга эришиш иштиёқи билан тўлган ҳолда келганлар, деб ўйлаймиз.

Вужудга келган проблемаларни бир учрашувдаёқ ҳал қилиш қийин бўлиши табиий, албатта. Лекин муҳими, бу проблемаларни ҳал қилишга олиб борувчи йўлларни белгилаб олиш, ўзаро ишонч ва бир-бирларини тушуниш вазиятини вужудга келтириш, аynи бир вақтда муносабатларни нормаллаштиришга бугунги кунда ҳалақит бериб турган масалаларни ҳал қилишдир. Бу олға томон ташланган муҳим қадам бўлур эди. Биз соф ниятли барча кишилар билан биргаликда шунга ишонамизки, Президент Айюбхон билан Ҳиндистон Бош министри Шастри шундай қадамни ташлаш учун ўзларининг бутун куч-гайратларини сарфлайдилар. Ҳукуматлар жанжалли масалаларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда совуққонлик билан ва объектив равишда қараб чиқсалар, низолар бартараф этилибгина қолмай, шу билан бирга уларнинг келиб чиқиш манбалари ҳам кўп ҳолларда бартараф этилажагини ҳаёт тасдиқлаб турибди. Биз икки мамлакатнинг жамоатчилик фикри ва матбуот вакиллари тинчликсеварлик ниятини кўзлаб, бу ишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Ҳинд-Покистон муносабатларининг келажаги Ҳиндистон билан Покистонга, уларнинг ижодий натижаларга эришиш йўлида яхши ният изҳор этишларига, бир-бирларини яхши тушунишлари ва астойдилликларига боғлиқ. Ўз томонидан Совет Иттифоқи ҳам ана шу олижаноб мақсадларнинг амалга оширилишига ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Биз бу учрашувни муваффақиятли ўтказишда соф ният билан хизмат қилишга тайёрмиз.

Президент Айюбхон билан Бош министр Шастри музокараларни Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласида катта

ютуқларга эришган Совет Ўзбекистони дйёрида олиб борадилар. Мамлакатларимиз халқлари, айниқса Ўрта Осиё республикалари халқлари Покистон ва Ҳиндистонда яшовчи халқлар билан азалдан бери яқиндан савдо ва маданий алоқаларда бўлиб келганлар. Мана шу музокаралар ёрдами туфайли бу икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг нормал изга солиниши Совет Иттифоқининг Покистон ва Ҳиндистон билан дўстона алоқаларининг янада ривожланишига имкон беради, уларнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга ва халқларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришга олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин.

Тинчликни қадрловчилар Покистон Президенти билан Ҳиндистон Бош министрининг учрашувини катта эътибор ва умид билан кузатиб туришибди. Улар Покистон ва Ҳиндистон раҳбарларининг давлат арбобига хос доноликларига ишонадилар, Тошкент учрашувига муваффақият, ҳинд ва Покистон халқларига тинчлик ва осойишталик тиламоқдалар. Улар Тошкентдан яхши хабарлар кутишмоқда, бу учрашув самарали бўлишига ҳамда давлатлар ўртасидаги тинчлик таъминлавиши мумкинлигига, ҳатто вужудга келган қийин шароитларни ҳам бартараф этиш йўли топилиши мумкинлигига барча прогрессив кишиларнинг ишончини қозонишга умид қилишмоқда.

Биз, ўзбекистонлик жанобларига ва бош министр жанобларига мамлакатларимиз халқлари манфаатлари, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлидаги ишнингизга муваффақият тилашига руҳсат бергайсиз. Биз янги 1966 йил Ҳиндистон билан Покистон ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш йили бўлишига ишонамиз.

УЧРАШУВИНИ ЕПИШ ВАҚТИДА 1966 ЙИЛ 10 ЯНВАРДА СУЗЛАНГАН НУТҚ

Мен Покистон Президентига ва Ҳиндистон Бош министрига тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ўзаро мақбул ечимларни қидириб топиш йўлида сарфлаган куч-ғайратлари, кўрсатган сабр-тоқатлари ва осойишталиклари учун катта ташаккур изҳор қилишни, сизлар бугун ўз имзоларингиз билан мустаҳкамлаган ҳужжат Ҳиндистон билан Покистон ўртасида абадий дўстлик тизмоли бўлиб қолишини истардим.

Совет ҳукумати номидан, Совет Иттифоқининг барча халқлари номидан сизларга катта салом тонширишга руҳсат бергайсиз. Биз Осиёнинг икки буюк давлати раҳбарлари томонидан бугун имзоланган Тошкент декларацияси Ҳиндистон билан Покистон, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи, Покистон билан Совет Иттифоқи дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам беришига ишончимиз комил.

Шу учрашувнинг самарали ишида қатнашган ва унинг муваффақиятига кўмаклашишганларнинг ҳаммасига ташаккур изҳор этмоқчиман. Мен, шунингдек Тошкентдаги учрашувнинг боришини ҳалол ва тўғри ёритган ва бу билан ўз томонидан унинг муваффақиятли тугалланишига ёрдам берган матбуот вакилларига миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сўзимнинг охирида Сиз, Президент жанобларига ва Сиз, Бош министр жанобларига яна бир бор муваффақиятлар тилайман, биз Сизларга янги самарали учрашувлар тилаймиз, демоқчиман.

Покистон Президенти ва Ҳиндистон Бош министри билан келишилганига мувофиқ, Тошкент учрашувини тугади, деб эълон қилишимга рухсат этгайсиз.

**СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
1966—1970 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ
ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIII
СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ**

*КПСС XXIII съездида
1966 йил 5 апрелда
қилинган доклад*

Қадрли делегат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директивалар лойиҳасини партия XXIII съезди муҳокамасига тақдим этмоқда. Бу лойиҳа СССР экономикасини ривожлантиришнинг яқин беш йилга мўлжалланган ва партиямиз совет халқи олдига қўяётган программасидир. Совет халқининг туб маффаатларини ифодаловчи партиямиз сиёсатининг, КПСС Программасида кўзда тутилганидек, СССРда коммунизм қурилишини янада янж олтириш сиёсатининг асосий маъмуни шундан иборатдир.

Директивалар лойиҳаси бўлиб қилингандада кейин мамлакат ичида ва чет элларда кенг эътибор қозонди. Бу лойиҳа республикалар партия съездаларини, йиллик рапортларнинг йиллик рапортларида, бошлангич партия ташкилотларининг йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида кўриб чиқилди, матбуотда кенг муҳокама қилинди. Лойиҳа ҳамма жойда яқинлик билан маъқулланди. Кўпгина таклифлар тушди. Бу таклифлар беш йиллик планни ишлаб чиқиш чоғида диққат билан кўриб чиқилади, айрим таклифлар эса Директиваларда акс эттирилиши лозим.

Беш йилликнинг асосий вазфаларини баён қилиб беришга ўтишдан олдин хўжалигимиз ва маданиятимиз ривожининг энг муҳим яқунлари тўғрисида гапириб ўтишга ижозат бергайсиз.

**1. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИ.
МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКАСИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ
КЕЙИНГИ ЕТТИ ЙИЛДА РИВОЖЛАНИШИ**

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан съездада қилган Ҳисобот докладиди:

КПСС XXII съезидан кейинги даврда партия томонидан қилинган жуда катта ишлар ва совет жамиятини ривожлантиришда партиянинг раҳбарлик роли яққол кўрсатиб берилди;

Совет Иттифоқининг ташқи ва ички аҳволи сиёсий жиҳатдан батафсил тавсифлаб ўтилди ва мамлакатимиз тараққиётининг социал-иқтисодий яқунларига баҳо берилди;

коммунистик қурилишнинг бундан буёнги хўжалик-сиёсий вазифалари белгилаб берилди.

Экономикамизни ва маданиятимизни ривожлантиришда социалистик ижтимоий тузумнинг афзалликларини ифодаловчи халқ хўжалик перспектив планлари жуда муҳим уюштирувчи роль ўйнайди. Партиянинг XV съезди социалистик экономикани илмий асосда планлаштириш тўғрисидаги Лениннинг идеяларига амал қилиб, биринчи беш йиллик план юзасидан Директиваларни тасдиқлаб берганидан бери орадан салкам 40 йил вақт ўтди. Ўша вақтдаёқ беш йиллик планлар системасига негиз солинган эди, бу планлар Совет Иттифоқини сиёсий, хўжалик ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади.

Биринчи беш йиллик план қабул қилинган вақтда бизнинг мамлакатимиз оғир индустрияни яратишга аслини олганда эндигина киришмоқда эди. Ўша вақтда саноат ишлаб чиқаришида ва айниқса савдо соҳасида хусусий капитал ҳали ҳам каттагина ўрин олиб турар эди; қишлоқ майда деҳқон хўжаликлари океанидан иборат эди, совхозлар ва қишлоқ хўжалик кооперативлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жуда кам роль ўйнар эди; шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам эксплуататор синфлар ҳали яшаб келмоқда эди. Ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммаси Коммунистик партия раҳбарлигида социализмнинг иқтисодий пойдеворини қуришга биринчи қадамларинигина қўймоқда эдилар.

Биринчи, иккинчи беш йиллик планларни ва иккинчи жаҳон уруши сабабли тўхталиб қолган учинчи беш йиллик планнинг бир қисмини амалга ошириш натижасида мамлакатни индустриаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш соҳасида миқёси жиҳатидан жуда катта бўлган вазифа ҳал этилди. Эксплуататор синфлар ва одамни одам томонидан эксплуатация қилишни вужудга келтирувчи сабаблар тугатилди. Янги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантирмоқ учун кенг йўл очиб берди. Совет Иттифоқи юксак даражада ривожланган индустриал давлатга айланди, социализмнинг мустаҳкам моддий базаси вужудга келтирилди.

Мамлакатда чинакам маданий революция қилинди. Барча совет республикалари хўжалик ва маданий қурилишда катта муваффақиятларга эришдилар.

Фашист босқинчилар бошлаб берган уруш Совет Иттифоқига жуда катта зарар етказди; 20 миллиондан кўпроқ киши ҳалок бўлди, биз мамлакат миллий бойлигининг қарийб 30 процентидан маҳрум бўлдик. Партия ва халқ олдида кечиктириб бўлмайдиган вазифа пайдо бўлди — қисқа муддат ичида халқ хўжалигини тик-

лаб олиш, сўнгра эса халқ хўжалигининг урушдан олдинги даражасидан анча ошиб кетиш керак эди. Биз тўртинчи беш йиллик планни бажариб, бу вазифани асосан ҳал қилдик. Бешинчи беш йиллик давомида экономика янада юксалтирилди.

Коммунистик қурилишни авж олдириш йўлини белгилаб берган партиянинг XX съезди олтинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларни тасдиқлади. Орадан уч йил ўтгач, партиянинг навбатдан ташқари XXI съезди халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини тасдиқлади. Мана шу даврнинг ҳаммаси икки беш йиллик муддатни ташкил қилади. Шундай қилиб, мамлакатимиз жами еттита беш йиллик планини бажарди.

Ҳар бир беш йиллик совет халқининг катта ғалабаси бўлди, социалистик Ватанимиз қаҳрамонона тарихининг босқичи, социализм ва коммунизм қурилишининг янги погонаси бўлди.

Биринчи беш йилликдан то шу кунгача мамлакатимиз босиб ўтган йўлни тасаввур қилмоқ ва янги, саккизинчи беш йиллик планни тузишда негиз қилиб олинadиган позицияларни белгилаб олмақ учун оғир индустрия тармоқлари маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қацдай ўсиб борганлигини кўрсатувчи маълумотларни айтиб ўтаман:

	1928 йил	1940 йил	1945 йил	1958 йил	1965 йил
Электр энергия (миллиард килловатт-соат)	0,9	48,3	43,3	230	500
Пўлат (миллион тонна)	4,3	18,3	12,3	54,9	91,0
Нефть (миллион тонна)	11,6	31,1	19,4	113	243
Газ (миллиард кубометр)	0,3	3,4	3,4	29,9	129
Кўмир (миллион тонна)	35,5	166	149	493	578
Цемент (миллион тонна)	1,8	5,7	1,8	33,3	72,4
Металл қирқадиган станоклар (минг дона)	2,0	58,4	38,4	138	185
Автомобиллар (минг дона)	0,8	145	75	511	616
Тракторлар (минг дона)	1,3	31,6	7,7	220	355
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда, миллион тонна)	0,14	3,2	1,1	12,4	31,3

Биринчи беш йилликнинг бажаришга киришаётганимизда атиги беш миллиард килловатт-соат, яъни ҳозирги вақтда Куйбишев областидаги В. И. Ленин номидаги Волга гидроэлектростанциясининг ўзи бир йилда ишлаб чиқараётган электроэнергиядан икки барабар кам электр энергия ишлаб чиқараётган эдик. Биринчи, иккинчи беш йиллик давомида ва учинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида электроэнергия ишлаб чиқариш қарийб 10 барабар кўпайди. Уруш етказган зарар натижасида электроэнергия ишлаб чиқариш камайиб кетди. Лекин урушдан кейинги биринчи

беш йилликдан бошлаб, то ўтган етти йилликнинг охирига қадар бўлган давр ичида электроэнергия ишлаб чиқариш яна йилдан-йил тез кўпая борди. 1965 йилда мамлакатда 507 миллиард киловатт-соат, яъни 1928 йилдагига қараганда 101 баравар кўп электроэнергия ишлаб чиқарилди.

Оғир индустриянинг бошқа тармоқларидаги манзара ҳам тахминан шундай бўлди. 1965 йилда пўлат эритиш, нефть чиқариш 1928 йилдагига нисбатан 21 баравар, кўмир қазиб чиқариш 16 баравар, цемент ишлаб чиқариш 39 баравар ошди, металл қирқадиган станоклар чиқариш 93 баравар кўпайди.

Халқ истеъмол қиладиган молларга келганда қуйидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

	1928 Йил	1940 Йил	1945 Йил	1958 Йил	1965 Йил
Газламаларнинг ҳамма турлари (миллиард метр)	3,0	4,5	1,8	7,5	9,1
Трикотаж (миллион дона)	8,3	183	50	496	907
Чарм-пояфзал (миллион жуфт)	58	211	63	356	486
Лавлагидан олинган шакар (миллион тонна)	1,3	2,2	0,5	5,2	8,9
Радиоприёмниклар (миляг дона)	3,0	160,5	13,9	3902	5159
Телевизорлар (миляг дона)	—	0,3	—	979	3655
Холодильниклар (миляг дона)	—	3,5	0,3	360	1675

Шу жадвалдан кўриниб турибдики, беш йилликлар даврида газламалар ишлаб чиқариш 3 баравар, чарм-пояфзал ишлаб чиқариш 8,4 баравар, шакар ишлаб чиқариш 7 баравар кўпайган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотни етиштириш ҳам муттасил кўпайиб борди. Буни айрим беш йилликларга доир қуйидаги ўрточа йиллик маълумотлар кўрсатиб турибди:

	1924— 1928 Йиллар	1936— 1940 Йиллар	1946— 1950 Йиллар	1956— 1960 Йиллар	1961— 1965 Йиллар
Қишлоқ хўжалигининг жами маҳсулотни (1958 йилдаги таққосланувчи нархларда, миллиард сўм)	22,0	23,5	27,3	46,7	52,3
Маҳсулотнинг энг муҳим турларини етиштириш: дон (миллион тонна)	69,3	77,4	64,8	121,5	130,2
пахта (миллион тонна)	0,6	2,5	2,3	4,4	5,0
сўйилган вазндаги гўшт (миллион тонна)	4,2	4,0	3,5	7,9	9,3
сут (миллион тонна)	29,3	26,5	32,3	57,2	64,7
тухум (миллиард дона)	9,2	9,6	7,5	23,6	28,7
жун (миляг тонна)	157	129	147	317	362

Беш йилликлар мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умуман ҳар йили ўртача ҳажми қарийб икки ярим барабар ўсди. Бироқ шу даврда мамлакат аҳолиси бир ярим барабар кўпайган ва унинг харид қобилияти бундан ҳам ошиқроқ кўтарилиб борган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш бунга нисбатан орқада қолиб келди ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўла равишда таъминламай турди.

Кўриниб турибдики, ўртоқлар, совет халқ хўжалиги ўз тараққиётининг турли даврларида пайдо бўлиб келган қийинчиликларга қарамай, ҳамisha юксалиб бормоқда. Экономикамизнинг муваффақиятлари мамлакатнинг ички ресурслари ҳисобига, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг қаҳрамонона меҳнати билан, социалистик тузумнинг афзалликлари туфайли қўлга киритилди.

Етти йиллик ланни бажаришнинг асосий юнлари ҳам муваффақиятларимиздан даллат бериб турибди.

Ўтган етти йил давомида саноат маҳсулотининг ҳажми 84 процент, капитал қурилиш (қурилиш-монтаж ишлари) ҳажми 54 процент, транспорт ҳамма турларининг юк обороти 72 процент кўпайди. Истеъмол ва жамгаршш учун фойдаланилган миллий даромад 53 процент ортди. Халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,9 барабар, шу жумладан саноатда ички бар...

Етти йиллик мобайнида кўпгина янги корхоналар ишга туширилди, жаҳонда энг катта домналар, кокс батареялари, прокат станциялари, машинасозлик ва химия заводалари, металлургиянинг энг охири саноати корхоналари қурилди, машиналар ва ускуналарнинг ўп мишгаб янги турлари яратилди, транспортнинг ҳамма турларини техника жиҳатидан реконструкция қилиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди.

Бизнинг фанимиз жуда зўр муваффақиятларга эришди. Совет олимлари ва инженерларининг космосни тадқиқ қилиш, квант электроникасини ривожлантириш соҳасида, қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида, полимер материаллар ва турли чала ўтказгич материаллар ҳосил қилиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ва бошқа соҳаларда қилган кўпгина ишлари ҳаммага маълум ва ҳамма томонидан эътироф қилинди.

СССР халқ хўжалигининг индустриал-техникавий ўсиши негизда бизнинг мудофаа саноатимиз узлуксиз ва ҳар томонлама тақомиллаштирилмоқда. Жанговар техникани ишлаб чиқариш кўпайтириб борилганлиги билан бир қаторда, бу техниканинг янги турларини яратишга ва ўзлаштиришга, қурол-яроғимизнинг жанговарлик ва техникавий сифатларини оширишга катта эътибор бериб келинди. Ҳозирги вақтда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти замонавий, қудратли қурол-яроғларга эга.

Энг юксак даражада жанговар техника яратиб бераётган таланти олимларимиз ва конструкторларимиз, инженерларимиз,

техникларимиз ва мудофаа саноатимизнинг ишчилари билан фахрланамиз.

Совет Иттифоқи жуда катта табиий ресурсларга эга. Ажойиб геологларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли текшириб аниқланган табиий бойликларнинг запаслари анча кўпайди. Ҳозир бизда бўлган мана шу запасларнинг миқдори халқ хўжалигини янада ривожлантиришни тўла равишда таъминлайди.

СССР аҳолиси етти йил мобайнида 23 миллион кишига кўпайиб, 232 миллион кишига етди. Ишчи ва хизматчилар сони 56 миллион кишидан 77 миллион кишига ўсди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, қурилишда ишлаб турган мутахассислар анча кўпайди, фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ходимлари ва ақлий меҳнат билан шугулланувчи бошқа ходимлар анча кўпайди. Бу қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1962 йилда, яъни биринчи беш йиллик бопланмасдан сал олдин ўтказилган аҳоли рўйхатиغا биноан	1959 йил январиди, яъни етти йиллик бопланганда	1965 йилнинг охирига келиб
Ақлий меҳнат ходимлари—жами (миллион киши)	3 дан кам	19,3	25,3
Шу жумладан халқ хўжалигида банд бўлган ўрта махсус ва олғий маълумотли дипломли мутахассислар (миллион киши) . .	0,5	7,5	12,1

Жисмоний меҳнат билан шугулланаётган меҳнаткашларнинг умумий маълумот савияси ошди. Ўрта маълумотли (тўлиқ ва тўлиқсиз) кишилар кейинги етти йил ичида кўпайиб, саноат ишчилари орасида 45 процентдан 58 процентга, қолхозчилар орасида эса 23 процентдан 31 процентга етди. Хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий ишлаб чиқаришда жуда катта роль ўйнамоқда.

Меҳнаткашлар турмушини яхшилаш соҳасида етти йиллик мобайнида, айниқса 1965 йилда бир қанча муҳим чоралар амалга оширилди. Умуман бутун мамлакатда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи оширилиб, 1958 йилдаги 78 сўмдан 1965 йилда 96,5 сўмга етказилди. Ижтимоий истеъмол фондларидан берилаётган тўловлар ва имтиёзлар ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, буларнинг ҳаммасини қўшганда ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари кўпайиб, 104 сўмдан 129,2 сўмга етди. 1965 йилдан бошлаб қолхозчилар давлат пенсияси билан таъминланадиган бўлди. Давлат пенсиялари олаётган кишиларнинг ҳаммаси етти йил мобайнида 20 миллион кишидан 32 миллион кишига етди.

Кейинги йилларда уй-жой қурилишига катта эътибор берилди. Етти йил мобайнида шаҳарлар ва қишлоқларда қарийб 17 миллион квартира ва якка тартибда уйлар қурилди. Бу эса мамлакатда етти йилликнинг бошида бўлган уй-жой фондининг қарийб 40 процентини ташкил этади.

Халқ истеъмолчи кенг миқёсда ўсиб борди. Давлат ва кооператив савдоси орқали аҳолига моллар сотиш етти йил мобайнида 60 процент кўпайди.

Шундай қилиб, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми, транспортнинг барча юк обороти ва бошқалар каби бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича план тошшириқлари ошириб бажарилди.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги бўйича тошшириқлар бажарилмай қолди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажми етти йилликда фақат 14 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалигининг қолақлиги сабаблари КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумида ҳар томонлама қараб чиқилган, камчиликларни бартараф қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантириш юзасидан тадбирлар белгиланган эди. Қишлоқ хўжалиги орқада қолганлиги туфайли енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш юзасидан берилган тошшириқлар ҳам айни саноатнинг. Бу эса миллий даромаднинг ўсиш суръатлари кескин пасайиб, ҳаётнинг фаровонлигига таъсир қилмасдан қолмади.

Аҳоли реал даромадларининг секин ўсишига яна бир сабаб шу бўлдики, кейинги йилларда меҳнат ҳажми толиғининг ўсиш суръатлари бирмунча пасайиб кетди. Саноатда меҳнат ушумдорлигининг ҳар йиллик ўртача ўсиши 1956—1960 йилларда ўрта ҳисобда 6,5 процентни ташкил қилган бўлса, 1961—1965 йилларда 4,6 процентни ташкил қилди. Бу қолақликни тугатиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Вьетнамда агрессив уруш бошлаган ва бу урушни кучайтираётган АҚШнинг айби билан халқаро вазият кейинги вақтларда жиддий равишда мураккаблашганлиги ҳам муайян роль ўйнамоқда. Вьетнамдаги бу агрессив уруш тагин ҳам кенг авж олиб кетиши мумкин ва ялпи тинчликка таҳдид солиб турибди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати империалистларнинг мана шу, шунингдек бошқа агрессив ҳаракатларини ҳисобга олиб, мудофаа ҳаражатларини кўпайтиришга мажбур бўлдилар.

Етти йилликда мўлжалланган айрим план тошшириқлари бажарилмай қолганлигининг бошқа сабаблари ҳам бўлди. Етти йиллик планда йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни айтмоқчиман. Бу нарса айниқса қишлоқ хўжалигига ва саноатнинг баъзи тармоқларига тааллуқлидир. Бир қанча мураккаб хўжалик проблемаларини ҳал қилишда ўйланмасдан, волюнтаристик йўл тугилганлиги мазкур камчиликларнинг таъсирини кучайтириб

юборди, бундай йўл тутилиши халқ хўжалигининг турли тармоқлари ўртасида, шунингдек тармоқлар ичида зарур пропорцияларнинг бузилишига олиб келди. Бир қанча ҳолларда иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ва бажарилиши мумкин бўлмаган топшириқлар кўзда тутилди. Шу сабабли янги беп йилликда баъзи тармоқлар бўйича 1970 йилга мўлжалланган топшириқлар олдин мўлжаллаб қўйилганига қараганда бирмунча камайтириброқ белгиламоқда.

Иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги субъективизмни партия ленинизмга ўт нарса деб, фан ва практика маълумотларини дилетантларча назар-насанд қилмаслик деб қоралади. Марказий Комитетнинг 1964 йилги октябрь Пленуми ва ундан кейинги Пленумлари қабул қилган қарорлар раҳбарликнинг бундай «методларига» чек қўйди, бу қарорлар социалистик қурилишга илмий раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини тиклаб, ҳозирги замон шароитига татбиқан ривожлантирмоқда. Бу қарорлар бошқарини ва планлаштиришни социализмнинг объектив иқтисодий қонуинлари талабларига мувофиқлаштиришга, планли халқ хўжалигимизнинг ҳамма резервларини ва афзалликларини сафарбар қилиб, коммунистик қурилишга хизмат қилдиришга, омманинг ижодий ташаббускорлигини тағин ҳам кенг авж олдиринишга қаратилган қарорлардир.

Етти йиллик планнинг бажарилиши якуинларини жамлаб, экономикани ривожлантиришда жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди, деб айтишга тўла равишда ҳақлимиз. Социалистик халқ хўжалиги беқийс ўсди, тағин ҳам хилма-хил ва кўп тармоқли бўлиб қолди. Фан-техника тараққишти суръатлари ва унинг энг янги муваффақиятларини жорий этиш суръатлари кучайтирилди. Совет Иттифоқининг халқаро позицияси ва обрўйи тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

Бизнинг ажойиб ишчилар синфимиз оммавий шавкатли меҳнат ва юксак даражада онглилик намуналарини кўрсатиб, етти йиллик планда социалистик саноат олдига қўйилган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилди. Колхозчилар ва совхоз ходимлари жуда катта ва самарали иш қилдилар. Улар ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан қийинчиликларни зўр бериб енгмоқдалар, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамламоқдалар.

Олимлар, конструкторлар, инженерлар ва техниклар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ходимлари — совет интеллигенциясининг ҳамма отрядлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, унинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш — умумхалқ ишига фойта зўр ҳисса қўшмоқдалар.

Миллионларнинг фидокорона меҳнати — хўжалик ва маданий қурилишда муваффақиятлар қозонишининг энг муҳим шартидир.

Шак-шубҳа йўқки, ушбу беш йилликда ҳам совет халқи экономика ва маданиятини ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришади.

2. ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар! Беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳаси катта-катта халқ хўжалик вазифаларини амалга оширишни назарда tutади. Беш йиллик ичда мамлакатимизнинг моддий-техника базаси янада кучли суратда ривожланади. СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қуввати ортади. Совет жамяти коммунистик қурилиш йўлидан олға томон анча катта олим ташлайди.

Совет давлатининг бутун иқтисодий сиёсати каби янги беш йиллик планнинг назарий асосини ҳам марксча-ленинча фан ташкил этади. Партия беш йилликнинг асосий йўналишларини белгилашда В. И. Лениннинг коммунизм қурилиши тўғрисидаги, социалистик экономика тўғрисидаги, социалистик давлат тўғрисидаги ҳамда иқтисодий ва социал процессларни илмий асосда бошқариш тўғрисидаги таълимотига амал қилади. Бунда партия СССРда социализм ва коммунизм қурилиши тажрибасини, бошқа коммунистик мамлакатлар тажрибасини ҳам ҳисобга олиши

бу беш йилликда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўлларида ҳозирги замон фан-техника революциясининг муҳим тенденциялари, физика, химия, математика, биология, биология ва бошқа фанлар соҳасидаги катта кашфиётлар ўз ифодасини тошган.

Директивалар лойиҳасида айтилганидек, партия фан ва техника ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун иқтисодий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноат ишлаб чиқаришини талайгина ўстиришни, қишлоқ хўжалигини юксак ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашни ҳамда ана шулар туфайли халқ турмуши даражасини анчагина оширишга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга эришишни беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси, деб билади.

Бу вазифани амалга ошириш учун жами иқтисодий маҳсулотни, миллий даромадни ва аҳолининг реал даромадларини ўтган беш йилдагига нисбатан жадалроқ суръатлар билан ўстириш кўзда тутилган. Жами иқтисодий маҳсулотнинг ҳажми 1,4 баравар, асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,5 баравардан зиёд, шу жумладан саноатда 1,6 баравар, қишлоқ хўжалигида эса 1,9 баравар кўпаяди. Миллий даромаднинг ҳажми 38—41 процент, меҳнат-кашларнинг реал даромадлари (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) 1,3 баравар ортади.

Беш йиллик план мустаҳкам хўжалик ва илмий асосга эга. План топшириқлари совет жамиятининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларига, экономикампзнинг амалдаги даражасига ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг реал имкониятларига асосланиб белгиланган.

Биз айни бир вақтда ҳам жамғаришни кўпайтириш, ҳам халқ истеъмолини ошириш соҳасида катта кўламдаги вазибаларни ҳал қилишимиз лозим бўлади. Бу вазибаларни эса, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўли билангина ҳал қилиш мумкин, бу эса, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, бутун халқ хўжалигини техника жиҳатдан тезда қайта қуроллантириш, унинг структурасини прогрессив тарзда ўзгартириш, эскириб қолган маҳсулот ўрнига янги, анча такомиллашган маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги йўл-йўриқлар янги беш йиллик планнинг ўзига хос хусусиятидир. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини индустриал асосда янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Фан-техника ютуқларини тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи факторидир. Бусиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратин вазибаларни муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва унинг самарадорлигини оширишда катта роль ўйнайди, у, кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш ишига зўр ҳисса қўшади, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беради. Икки жаҳон системаси иқтисодий мусобақасининг бориши кўп жиҳатдан фаннинг ривожланиш даражасига, илмий тадқиқотлар натижаларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш кўламига боғлиқдир.

Шу муносабат билан беш йиллик планда ҳам фундаментал, назарий тадқиқотларни, ҳам амалда қўлланиладиган илмий тадқиқотларни янада тезроқ ривожлантириш, куч ва маблағларни фан ва техникани ривожлантиришнинг энг муҳим, энг перспективали йўлларига кўпроқ сарфлаш кўзда тутилиши керак.

Илмий-техника тадқиқотлари ишлаб чиқариш учун аниқ перспективани ўз вақтида белгилаб бериши ва масалаларни прогрессив тарзда ҳал этиши лозим. Яқин вақт ичида илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга тез ва жуда тежамли суратда жорий этишни планли ташкил қилишнинг ва рағбатлантиришнинг яхши йўлга қўйилган системасини барпо этмоқ зарур. Илмий институтлар билан корхоналар ўртасида бевосита хўжалик ҳисоби алоқаларини ривожлантириш, шубҳасиз, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга янада тезроқ жорий этишга ёрдам беради. Фан билан ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқа бўлишини таъминлаш — илмий муассасалар ва министрликларнинг бевосита вазибаларидир.

Биз мамлакатда илмий ахборотларнинг юксак самарали умум-даълат системасини барпо этишимиз зарур. Бу, фан-техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишни тезлатишда планлаштириш, хўжалик органларига ва илмий-тадқиқот ташкилотларига ёрдам беради. Тадқиқотчиларимиз ва конструкторларимиз ўринсиз равишда параллел ишлашдан, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашдан қутуладилар. Фан ва техника комитети илмий ахборотнинг муваздам ва пухта системасини яратиш тадбирларини олимлар иштирокида ишлаб чиқиши лозим.

Маҳсулот сифатини ошириш фан-техника тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Сифатни яхшилаш — эскириб қолган буюмларни ишлаб чиқаришда қатъият билан олиб ташлаш, уларни замонавий талабларга жавоб берувчи янги буюмлар билан алмаштириш демакдир. Бу йўл тармоқлар ва корхоналарнинг беш йиллик планларида аниқ-равшан ифодаланиши керак. Ҳозирги беш йилликда саноат маҳсулотларнинг янги хилларини тобора кўпроқ яратиб бориши лозим. Бундай маҳсулотлар сифати жиҳатдан жаҳон ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида бўлибгина қолмай, балки бу даражадан ўзиб кетиши ҳам лозим.

Асосий фондлардан, хом ашё, ёқилғи, материаллар, меҳнат ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган барча харажатларни қисқартириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Планда машинасозлик ва металл ишлашда қора металллар прокати сарфининг салмоғини 20—25 процент, саноатда ёқилғи сарфи нормасини камида 8—10 процент камайтириш кўзда тутилади. Бу вазифани ҳал этиш беш йиллик планни бажаришнинг муҳим шартидир, чунки саноатда материал сарфларини бир процент камайтириш миллий даромадни бир ярим миллиард сўмдан зиёд кўнайтиради. Биз фақат 1970 йилда 8 миллион тоннадап кўпроқ қора металллар прокатини тежаб қолишимиз керак, бу миқдор Магнитогорск металлургия комбинати каби гигант комбинат бир йилда чиқарадиган прокатга баравардир; шунингдек 85 миллион тонна шартли ёқилғини, 40—50 миллиард киловатт-соат электроэнергияни ва бошқа кўпгина моддий бойликларни тежаб қолишимиз лозимки, бу бойликлар мамлакат манфаатлари учун, халқ бахт-саодати учун ишлатилади.

Ишлаб чиқариш фондларидан (сотиладиган маҳсулот миқдори ва сифати бўйича ҳамда фойда бўйича) энг кўп самара олиш ҳар бир корхона ишига баҳо беришда энг муҳим мезонлардан бири бўлмоғи керак. Корхоналарнинг беш йиллик планларини тузганда рентабеллик даражаси (фойдаланиш асосий фондлар ва оборот маблағлари суммасига нисбати) тўғри белгиланиши зарур. Ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш учун кураш жуда катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, у чипакам умум халқ ишига айлавиши керак.

Шунигдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва қурилиш саломини камайтириш, ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ҳажмини, сотилмаган товарлар миқдорини қисқарттириш, қурилиш ва янги қувватларни ўзлаштириш муддатларини камайтириш, капитал қурилишни арзонлаштириш ҳам планинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Ёрдамчи ишларни механизациялаш, ишлаб чиқаришнинг бир метёردа ишлашини таъминлаш, меҳнат пнтивомини кучайтириш, ишчиларнинг бекор туриб қолишларини бартараф этиш халқ хўжалигидаги катта-катта ички резервлардир.

Директивалар лойиҳаси маҳсулот таннархини анча камайтиришни ва бутун ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишни, шу жумладан саноатда фойда суммасини икки баравардан зиёд кўпайтиришни назарда тутадик, бу — халқ турмуши моддий даражасини оширишнинг асосий манбаи бўлади.

Директивалар лойиҳасида белгиланган ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш талбирлари биз бу беш йилликда амалга оширишимиз лозим бўлган кенг кўламадаги социал-иқтисодий программаинг асосидир.

Халқ фаровонлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш беш йиллик планинг энг муҳим социал вазифасидир. Мамлакатда зоришлик даражадининг ўсишини мувофиқ тарзда асосий маънавий даромадлари ошно ооради. Биз янги оени йилликда истеъмол фондини бундан илгариги беш йилликдагига нисбатан анчагина — 36—39 процент кўпайтиришимиз мумкин. Бунинг маъноси шуки, истеъмол фондининг йиллик уртача ўсиши утми оени йил мобайнидаги 6,5 миллиард сўм ўрнига 11 миллиард сўм бўлади.

1970 йилда халқ фаровонлигини ошириш учун ишлатиладиган ресурслар 1965 йилдагига нисбатан тахминан 59 миллиард сўмлик кўпайиши керак.

Кўп йиллар мобайнида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш суръатлари ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш суръатларидан сезиларли даражада орқада қолиб келди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг эришилган даражаси янги беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларининг анча оширишни ҳамда бу суръатларни саноатни ривожлантириш суръатларига яқинлаштиришни, саноатнинг ичида эса — истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига яқинлаштиришни белгилаш имконини беради. Бутун саноат янги маҳсулотнинг умумий ўсиши 47—50 процент бўлгани ҳолда, «А» группа маҳсулотларини ишлаб чиқариш 49—52 процент, «Б» группа маҳсулотларини ишлаб чиқариш 43—46 процент ўсиши керак. Олдинги беш йилда эса, саноат маҳсулоти ҳажмининг ўсиши «А» группа бўйича 58 процент, «Б» группа бўйича атиги 36

процент бўлган эди. Шундай қилиб бу беш йилликда халқ хўжалигидаги пропорцияларда жиддий ўзгаришлар содир бўлади, маблағлар ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни устул даражада ривожлантиришни сақлаб қолган ҳолда, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш фойдасига қайта тақсимланади.

Ўз-ўзидан равшанки, партия Марказий Комитети ва Ҳукумат ҳозирги халқаро вазиятни ҳисобга олиб, бу беш йилликда ҳам мамлакатнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлайверади, Қуроли Кучларимизни ҳар қандай агрессорга, агарда у, совет халқининг тинч ҳаёти ва тинч меҳнатига тажовуз қилишга журъат этса, унга қақшатқич зарба бера оладиган даражада тутати.

Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини жадаллантириш қуйидаги йўллар билан: халқ истеъмолини ўстиришга бевосита алоқадор тармоқларни, яъни қишлоқ хўжалигини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, савдо, уй-жой қурилишини, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларни таъминлаш учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш; енгил ва озиқ-овқат саноати учун мустаҳкам қишлоқ хўжалик хом ашёси базасини яратиш; оғир саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида, айниқса машинасозлик ва химия саноатида истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ҳиссасини ошириш йўллари билан таъминланади.

«А» группа маҳсулотларини ва «Б» группа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини бир-бирига яқинлаштиришнинг энг муҳим шarti — ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни анча яхшилашдир. Биз ишлаб чиқариш воситаларидан қанчалик яхши фойдалансак, «А» группа маҳсулотларини камроқ ўстирсак ҳам, бутун натижасини ишлаб чиқаришнинг, шу жумладан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлар билан ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

Айни бир вақтда истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўстиришни жадаллаштириш — бундан буён ҳам экономикани муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим заминидир. Шундагина ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг барча моддий стимуллариини ишга солиш мумкин бўлади.

Беш йилликнинг яна бир муҳим социал вазифаси — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш йўлидан янада олга бориш, қишлоқ аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасини изчиллик билан ошира бориш, уни шаҳар аҳолисининг турмуш даражасига яқинлаштиришдир.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш-техника даражасини жиҳатдан саноатга янада кўпроқ яқинлашади. Қишлоқ хўжалигида беш йиллик мобайнида асосий ишлаб чиқариш фондлари қарийб икки баравар кўпаяди ва жиддий суратда янгилашади, меҳнат унумдорлигининг ошши суръатлари саноатдагига қараганда икки-беш баравар юксак суръатлар билан ўсиши кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь (1965 йил) Пленумлари ишлаб чиққан планлаштириш ва ҳўжаликни бошқаришнинг янги методларига ўтиш беш йиллик планни бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Вазифа ана шу методларни пачилик билан жорий этиш учун марказлашган планли раҳбарликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш билан бир вақтда, ҳўжаликни бошқаришнинг демократик асосларини ривожлантиришдан, омманинг ижодий активлигини авж олдиришга бутун чоралар билан ёрдам беришдан иборатдир. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ва звеноларда ҳўжалик ҳисобини тўла-тўқис жорий этишни таъминлаш лозим.

Ҳозирги замон шароитлари экономистларимиз олдига янги, янада юксак талаблар қўймоқда. Олимларимиз илмий асосда планлаштиришнинг ва янги шароитда ҳўжаликни бошқаришнинг бир қатор актуал проблемаларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади. Бу эса иқтисодий процессларни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганишни ҳамда ҳўжалик қурилиши практикасини яхшилаш юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар тайёрлашни талаб этади.

Директивалар лойиҳасида барча иттифоқдош республикалар экономикаси ва маданияти янада кучли сўратда юксалтириш пазарда тугилади. Лойиҳа партиянинг СССР халқлари дўстлиги ва қардошларнинг бутун дорлар билан мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа мислини сясатига асосланади. Беш йиллик мобайнида сапоат ишлаб чиқаришнинг ҳажми: РСФСР, Украина, Латвия ва Эстония ССР бўйича тахминан 1,5 барабар, Грузия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон ССР бўйича 1,6 барабар, Белоруссия, Қозоғистон, Литва ва Молдавия ССР бўйича 1,7 барабар, Тожикистон ва Арманистон ССР бўйича 1,8 барабар ўсди. Шундай қилиб, пллари саноати унчалик ривожлапмаган республикаларда саноат ишлаб чиқаришнинг янада жадалроқ сурьатлар билан ўсиши таъминланади.

Иттифоқдош республикаларнинг беш йиллик планлари ҳар бир республиканинг иқтисодий хусусиятлари ва имкониятларига асослашни ҳамда иттифоқдош республикалар ўртасидаги ҳўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни кўзда тутиши ва СССРнинг барча қардош халқлари манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Ҳар бир республика ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантирар экан, бу билан умумиттифоқ вазифаларини ҳал қилиш ишига кўпроқ ҳисса қўлиши керак. Ленинчи коммунистлар худди ана шуни социалистик интернационализмнинг моҳияти, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг асоси деб биладилар.

Ишлаб чиқарувчи кучларни иттифоқдош республикаларда ва мамлакатнинг иқтисодий районларида рационал, жуда самарали жойлаштириш фоят катта аҳамиятга эга. Биз беш йиллик мобайнида Уралнинг шарқида жойлашган ва саноат хом ашёси, ёқилғи ва

электр энергиясининг жуда катта ресурсларп жамланган районларда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўпайтиришимиз лозим. Мамлакатнинг шарқида кенг кўламда хўжалик қурилишини авж олдириш лозим бўлади. Бу ерда нефть, газ, арзон кўмир, қора ва рангли металл рудаси қазиб чиқарилаётган ҳамда янги очилаётган конлар ва бошқа ресурслар базасида қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарни ўз ичига оладиган бир қанча йирпк кўп тармоқли хўжалик объектлари барно этилади, янги темир йўллар ва автомобиль йўллари ҳамда нефть ва газ қувурлари қурилади.

Беш йиллик ичида қора ва рангли металл рудаларига, ёқилғи-энергетика манбаларига, ўрмон, балиқ ва бошқа табиий ресурсларга бой бўлган Узоқ Шарқнинг иқтисодий потенциални анча ошириш лозим бўлади. Биз ўз экономикамизни бошқа социалистик мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда ривожлантирмоқдамиз. Беш йиллик ланининг асосий вазифаларини ҳал қилиш жаҳон социалистик системасидаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришни назарда тутати.

Партия ва бутун совет халқи олдида, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари олдида янги беш йиллик ланини бажариш билан боғлиқ бўлган катта ва мураккаб вазифалар турибди.

Социалистик мусобақани тагин ҳам авж олдириш беш йиллик топшириқларнинг муваффақиятли бажариш учун энг муҳим аҳамиятга эга. Социалистик мусобақа омма революцион ижоднинг жонли ифодаси, омманинг коммунизм қурилишидаги иштирокининг энг муҳим формаларидап бири бўлиб қолди. Миллион-миллион мусобақа иштирокчиларининг куч ва ғайратини беш йилликнинг асосий вазифаларини ҳал қилишга қаратиш, намуна кўрсатишнинг, пилор тажрибанинг ташкилотчилик кучига жуда кенг имконият яратиб бериш лозим.

Шу муносабат билан халқ контроли органлари ҳақида ҳам гапириш лозим бўлади. Халқ контроли органлари кадрларни топширилган иш учун юксак масъулият сезиш руҳида тарбиялашда, совет кишилари онгидаги мамлакатнинг хўжайини туйғусини кучайтиришда партияга ёрдам бермоқдалар. Халқ контроли ишлаб чиқаришнинг ва капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш учун, янги техникани жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, давлат иттизомини мустаҳкамлаш учун умумхалқ курашида янада фаол қатнашиши лозим.

Ишни шундай йўлга қўйиш зарурки, натижада социалистик мусобақа, халқ контроли, ишлаб чиқариш кенгашлари, омма ижодий ташаббускорлигининг барча формалари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишга, халқ хўжалигининг ички резервларини анқлаш ва ишга солишга максимал даражада ёрдам берсин.

3. САНОАТ

Ўроқлар! Янги беш йилликда саноат ишлаб чиқариши тахминан 1,5 баравар ортади.

Янги беш йилликда саноатнинг ривожланиши белгилари: саноатнинг тармоқ структурасини такомиллаштириш ва тармоқ ичидаги пропорцияларни яхшилаш, кўпроқ прогрессив ва тежамли бўлган тармоқларни ва ишлаб чиқаришларни устун даражада ривожлантириш; бутун халқ хўжалигини ва япада такомиллаштирилган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуrolлантиришни таъминловчи тармоқларнинг салмоғини ошириш; саноатнинг электроника, радиоэлектроника техникаси, атом энергетикаси, соф ва ўтасоф материаллар ишлаб чиқариши, электрон-ҳисоблаш машиналари, ситетик материаллар ишлаб чиқариш каби энг янги тармоқларини анча кенгайтириш, саноатда қишлоқ хўжалиги ахтиёжларини япада тўлароқ қондиришга ва халқ истеъмоли товарлари чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтиришга кўпроқ эътибор беришдан иборат бўлади. Структурага хос бу принципал ўзгаришлар халқ хўжалигининг зарур талабларига жавоб беради.

Ишлаб чиқаришнинг тобора ўсиб бораётган кўлами саноатнинг барча тармоқларида ривожланишига шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ. Буни қўллашнинг асосий йўналишлари: қўл ишчи ва қўлчиларнинг ҳаёт шарт-шароитларини яхшилаш, хом ашё, материаллар, ёқилғи сарфини камайтиришни талаб этади. Бу вазифа, энг аввало, корхоналарда ва иш жойларида ҳал қилинади. Шу билан бирга, техника сисемасининг асосий йўналишнинг белгилашда ҳам ана шу вазифага асосланмоқ лозим.

Техника тараққиётининг суръатлари ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизда саноатда, айниқса машинасозлик ва металл ишлашда талайгина ихтисослаштирилган тармоқлар барпо этилди. Бироқ тармоқлар аро ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳали ҳам орқада қолиб келмоқда. Кўпгина машинасозлик заводларининг комплекташ буюмлари, қўймалар, поковкалар, инструментларнинг бутун номенклатурасини ва барча технология асбобларини ўзлари учун ўзлари тайёрлаётганликларини нормал ҳол, деб бўлмади. Қўймалар ишлаб чиқариш бизда тарқоқ ҳолда бўлиб, 3 мингдан ортиқ цехда бажарилади. Бу пехларнинг аксарий кўпчилигининг техника савияси паст бўлиб, бунинг натижасида маҳсулот таннархи юқоридир.

Мавжуд практикани қатъият билан ўзгартириш лозим. Госплан беш йиллик планни ишлаб чиқиш вақтида мавжуд ишлаб чиқаришларни ихтисослаштиришни ҳамда янги тармоқлар аро ихтисослаштирилган корхона ва цехлар қуришни назарда тутиши керак. Шунингдек, машиналар ва асбоб-ускуналарга запас қисмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарни кенгайтириш

тиришга ҳам катта эътибор берилди лозим. Запас қисмлар, деталлар ва узеллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш асбоб-ускуналарнинг ремонт қилишни жуда рационал ташкил этишга имкон беради. Ремонт ишлари ҳозирги вақтда жуда қимматга тушмоқда, ҳар йили ремонт учун 10 миллиард сўмгача маблағ сарфланмоқда.

Беш йилликнинг муҳим вазифаларидан бири — энергетикани ва ёқилғи саноатини янада юксалтиришдир. Бутун мамлакатни электрлаштириш ленинча ғояси янги беш йиллик ила учун ҳам ҳал қилувчи омилдир. Электр энергияси ҳосил қилиш беш йил ичида тахминан 70 процент кўпаяди. Энергетикани ривожлантиришда асосий йўл ёқилғи билан ишлайдиган йирик электростанциялар ва тежамли гидроэлектростанциялар қуришдан иборат бўлади. Ёқилғи билан ишлайдиган бир неча ўнлаб йирик электростанциялар ишга тушади; Уралдаги Рефтинск ва Украинадаги Углегорск каби гигантлар қурилади, уларда шу беш йилликда дастлабки агрегатлар ишга тушади. Волга, Кама ва Днепр дарёларида гидроэлектростанциялар каскадлари қурилиши битказилади. Сибирда дунёдаги энг йирик Красноярск ГЭСи қуриб битказилади. Атом электростанциялари қуриш янада ривожланади.

Совет энергетикасида техника жиҳатдан туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ёқилғи билан ишлайдиган электр станциялари асосан 300 минг киловатт қувватли йирик энергетика блоклари ўрнатилиб ишга туширилади. 500 ва 800 минг киловатт қувватли энергоблоklar ишлай бошлайди. СССР Европа қисмининг ягона энергетика системасини барпо этишни тугаллаш, Сибирдан ва Қозғоғистонда марказий районларга ва Уралга энергия юбориш учун 1,5 миллион вольт кучлилик доимий токи узатиш линияларини қуришга киришиш ҳамда кўпчилик қишлоқ аҳоли пунктларини, колхоз ва совхозларни давлат электр системаларига қўшиш учун тақсимлаш шохобчаларини ривожлантириш назарда тутилади. Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида энергияни истеъмол қилиш анча кўпаяди. Уй-рўзгор эҳтиёжлари учун шаҳар аҳолисига берилётган электр энергияси 60 процент, қишлоқ аҳолисига берилётган электр энергияси эса тахминан 3 барабар кўпайтирилади.

Янги беш йилликда ёқилғи саноатини ривожлантириш анча тезлаштирилади, ёқилғи баласининг структураси яна такомиллаштирилади: ишлаб чиқарилаётган жамики ёқилғида газ билан нефтнинг ҳиссаси 1965 йилдаги 51 процент ўрнига 60 процентга етказилади.

1970 йилда нефть чиқаришни 345—355 миллион тоннага ва газ чиқаришни 225—240 миллиард кубометрга етказиш мўлжалланади. Нефть чиқаришнинг ҳар йилги ўсиши 20 миллион тоннадан ошиб кетади ва газ чиқаришнинг ҳар йилги ўсиши 20 миллиард кубометрга яқинлашиб қолади. Нефть ва газ чиқариш процесслари янада интенсификацияланади. Нефть қатламларида

сулғий таъсир ўтказиш, бир неча горизонтдаги нефтни айни бир вақтда битта кон-қудуқнинг ўзида чىқариб олиш усуллари ва бошқа юқори самарали методлар кепг фойдаланиладиган бўлиб қолади. Бир неча горизонтда бир кон-қудуқ билан фойдаланиш усулининг жорий этилиши фойдаланиладиган кон-қудуқлар пармаланиш камайтириш патижасида беш йилда 400 миллион сўмга яқин капитал маблағни тежашга имкоп беради.

Нефть чиқаришдаги ўсишнинг асосий қисми ўзлаштирилган нефть районларига тўғри келади. Шу билан бирга, сўзга чиққан делегатлар айтиб ўтганидек, нефть ва газнинг янги катта районларида — Тюмень ва Манғишлоқ районларидан нефть чиқариб олишга киришилади. Ғарбий Сибирда янги очилган нефть ва газ конлари негзида катта конлар қурлади; беш йилликнинг охирига бориб, у ерда Озарбайжон республикасида чиқарилаётган миқдорда нефть олинладиган бўлиб қолади. Магистрал газ қувурларининг шохобчалари 1,5 баравар кўпайтирилади. Катта диаметрли қувурлар ётқизиш йўли билан янги газ қувурларининг газ ўтказиш қобилияти кескин равишда оширилади.

Ўзбекистон ССРдан (Бухородан) Уралга олиб ўтилган газ қувурининг иккита ливияси ётқизилиб ўтган йил ишга туширилганлиги ва Игрим — Серов газ қувури ишга туширилганлиги Урал-Туркменiston бораб янги мустақкамликда ва Уралнинг Свердловск, Челябинск, Магнитгорск, Нижний Тагил, Орск, Серов ва бошқа энг муҳим шаҳарларини арзон ёқилги билан таъминламоқ учун катта аҳамиятга эга. Кўп шаҳарлар газ ола боплаганлиги дуфайла аҳолининг турмуш шароити яхшиланди ва кўнгила ишлаб чиқаришларда технология процесси ўзгарди.

Шу беш йилда Ўзбекистондан, Туркменистондан ва Тюмень областидан мамлакатнинг марказий районларига магистрал газ қувурлари ўтказилади, шу районларда сапоат ва маший аҳтиёжлар газ билан доимий таъминланиб турилади.

Нефтни қайта ишловчи корхоналар қуввати тахминан 1,5 баравар кўпайтирилади, нефть маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш мўлжалланади. Йириклаштирилган технологик установкаларни жорий қилиш кўзда тутилади. Чунончи, нефтни қайта ишлаш учун қуриладиган установкалардан ҳар бирининг қуввати 1,5—2 баравар кўпайтирилади. Бу эса шундай установкадан ҳар бирини қуршга сарфланадиган капитал маблағни камайтиришга, металл сарфланишини қисқартиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкоп беради.

Нефть ва газ саноатини интенсив ривожлантириш билан бир қаторда, янги беш йилликда кўмир саноати ҳам ривожлантирила беради. Кўмир қазиб чиқариш қарийб 100 миллион тонна кўпайтирилиб, 1970 йилда 665—675 миллион тоннага етказилади. Қокс-лападиган кўмирларни қазиб олиш энг тез суръатлар билан ривожлантирилла беради. Кўмир саноати халқ хўжалигининг ишлаб

чиқариш эҳтиёжларини ҳам, шунингдек аҳоли эҳтиёжларини ҳам юқори сифатли кўмир билан тўла равишда таъминлаш лозим. Асосий кўмир ҳавзаларининг ҳаммаси янада ривожлантирилади. Кўмир қазиб олиш ишларини янада механизациялаш соҳасида катта ишлар қилиниши керак. Лаваларда кўмирини ортин ишларини механизациялаш асосан тугалланади ва механизациялантирилган комплекслар кенг миқёсда жорий қилинади. Бу эса шахтёрлар меҳнатининг унвдорлигини ошириш билан бир қаторда меҳнат шароитини ҳам анча яхшилайдди. Кўмирини очиқ усулда қазиб олишни ривожлантириш имкониятидап тўлиқроқ фойдаланиш керак. Директивалар лойиҳасида кўзда тутилган чоралар кўмир қазиб олишни мўлжалланган миқдорда кўпайтиришга ишчилар совини оширмай туриб эришни имкониин беради.

Совет металлургиясининг анчагина муваффақиятлари бор. Қора металлургиядаги бир қанча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича биз анча ривожланган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетдик. СССРда жаҳонда энг катта мартен ва домна печлари, пўлатни узлуксиз қуйиб берадиган установкалар қурилган, металл эритишининг технология процесслари анча яхшилашган.

Металлургиямизнинг техникавий даражасини бундан буён ҳам зўр бериб ошира боршимиз лозим. Беш йил мобайнида биз ҳозир ишлаб турган металлургия агрегатлари, ҳар бирининг ҳажми 2 700 кубометрли домна печларига қараганда ҳам каттароқ металлургия агрегатлари, улкан электр пўлат эритиш печлари ва кислород конвертерлари, механизациялашган катта прокат станлари қурилади. Кислород, табиий газ, флюсланган агломерат ва темир руда окатишларидан фойдаланиб, металл эритишининг иш унуми тагин ҳам юқори бўлган методлари ва технология процесслари кенг қўлланиладиган бўлиб қолади. Чунотчи, 1970 йилда жамини пўлатнинг бешдан бир қисмидап кўпроги кислород-конвертер методи билан ишлаб чиқариладиган бўлади. Кислород қўлланилиб эритиладиган чўян беш йилликнинг охирига бориб 60 миллион тоннага ва пўлат 90 миллион тоннага етказилади.

Металл сифатини ошириш юзасидан катта тадбирлар белгилашмоқда. Юқори сифатли пўлат эритиш бир печа баравар кўпайтирилади. Прокат, трубалар ва металл буюмлар хили ҳам кўпайтирилади. Аниқлиги юксак даражада бўлган фасонли профиллар, совуқ ҳолида ёйилган сортли пўлат листларини ва совуқ ҳолда чўзилган сортли пўлат прокатлар, девори юпқа пўлат қувурлар, сим ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Совуқ ҳолида прокат қилинган юқори сифатли трансформатор пўлати ишлаб чиқарувчи қувватлар 3 баравар кўпайтирилади. Прокатни термик усулда ишлаб мустаҳкамлаш методи анча ривожлантирилади.

Қора металлургия министрлиги исепиқ ва совуқ усулда кенг листларини тайёрлаб берадиган, зашламайдиган ва трансформатор пўлатидан листлар ишлаб чиқарадиган ва оқ тунука ишлаб чиқа-

радиган цехларни Магнитогорск комбинатида, Челябинск, «Запорожсталь», Верх-Исетск заводларида, Ждановдаги Ильич номли заводда қуришни, сербар балкалар ва диаметри 1 420 миллиметр-гача бўлган қувурлар ишлаб чиқарадиган станлар қуришни, шунингдек аниқ профиллардаги металл буюмлар ишлаб чиқармоқ учун прокат цехларини ускуналарини тезлаштиришни лозим. Бу тадбирларни амалга оширишнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти катта: шунинг айтиб ўтиш кифоя қиладики, металлнинг сифатини ошириш ва унинг хилларини яхшилаш соҳасида Директивалар лоийҳасида мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш 1970 йилда қўшимча равишда 5 миллион тоннадан кўпроқ прокат ишлаб чиқаришга тенгдир.

Ушбу беш йилликда рагли металлургия ҳам тез суръатларда ривожлантирилади. Алюминий ишлаб чиқаришини 1,9—2,1 баравар, мис ва рух ишлаб чиқаришини 1,6—1,7 баравар кўпайтириш, қўрғошнинг, магний ва қалайин, никель, титан, вольфрам ва молибден концентратлари, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва олмос ишлаб чиқаришини анча кенгайтириш мўлжалланмоқда. Хом рудадан комплекс равишда ва энг тўлиқ фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Химия sanoatini тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Минерал ўрнатларнинг

ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналарини яхшироқ равишда маҳсулотларини, маиший химия молларини ва рўзгорбон турли буюмларни ишлаб чиқариш айниқса тез ривожлантирилади беради. Қош маишийнинг ширта бериб, минерал ўрнатлар ишлаб чиқариш йилига 62—65 миллион тоннага, пластмассалар ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш 2,1—2,3 миллион тоннага, химиявий толалар ишлаб чиқариш 780—830 минг тоннага етказилади. Газламалар тўқитиш, трикотаж ва сунъий мўйна ясаш учун ишлатилади-гап синтетик материаллар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Шиналар учун ишлатиладиган корд деярли батамом химиявий толалардан тайёрланадиган бўлиб қолади. Балиқ овлаш асбоблари ва турлари, филтрлаш тўқималари ва бошқа техникавий тўқималар ҳам деярли батамом химиявий толалардан ишлаб чиқарилади.

Могилёв шаҳрида йилига 50 минг тонна лавсан тола ишлаб чиқарадиган катта синтетик тола комбинати қуриш планлаштирилмоқда.

Полоцк химия комбинатида ҳар йили 48 минг тонна полиэтилен ва 50 минг тонна нитрон тола ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Табиий каучук ўрнига ишлатиладиган юқори сифатли сунъий каучуклар ишлаб чиқарувчи Нижне-Камск химия комбинати ишга туширилади. Бу комбинат жаҳондаги энг катта корхоналардан бири бўлади.

Чебоксари химия комбинати қуриб битказилмоқда. Бу комбинатда бўёқларнинг янги турлариши шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилувчи ғоят самарадор химиявий воситаларни ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Беш йилликда ишлаб чиқариладиган химия маҳсулотининг ҳажми анча кўпайтирилади, лекин маҳсулотнинг баъзи турлари бўйича бундай маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми илгарги қабул қилинган қарорларда мўлжалланганга қараганда ҳали бирмунча камроқ бўлади. Аммо бундан химияга эътибор сусайтирилади, деган маъно келиб чиқмайди, балки бу парса бу ишда реал йўл туптаётганлигини кўрсатади. Химия саноатига доир илгариги режалар лойиҳалар, тайёр технологик процесслар, ускуналар, қурилиш ташкилотларининг қуввати билан таъминланмас эди. Ишга туширилган химия корхоналарининг кўпчилигида шу корхоналарнинг лойиҳаларида йўл қўйилган хатолар, ўрнатилган ускуналарнинг нуқсонлари, қуриш вақтида қолиб кетган чала ишлар ва корхоналарнинг ўзи малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги сабабли, 1965 йилда қувватлардан фойдаланиш даражаси жуда паст бўлди.

Химиявий маҳсулотнинг сифатини оширишга ва турларини кўпайтиришга, янги химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта эътибор берилиши лозим.

Халқ хўжалигини техника билан қайта қуролантиришда ва меҳнат унумдорлигини оширишда машинасозлик ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Совет машинасозлигининг имкониятлари халқ хўжалигининг ғоят серурум техникага бўлган эҳтиёжларини қондира олади. Кўпгина машинасозлик заводлари қўллаб ишлаб чиқараётган хилма-хил ускуналарнинг техникавий кўрсаткичлари энг яхши жаҳон стандартлари даражасида турибди ёки ундан ҳам ошиқроқ. Масала, Кривой Рог ва Челябинск металлургия заводларида 1964 йилда ишга туширилган бюмингларнинг иш унуми чет мамлакатлардаги энг катта шундай агрегатларнинг иш унумидан анча ортиқ. Братск ва Красноярск гидроэлектростанциялари учун жаҳонда қуввати энг катта бўлган гидротурбиналар ва шу турбиналар учун генераторлар тайёрлаб берилди, домна печлари ва цемент саноати учун энг янги ускуналарни, энг катта экскаваторларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Металл ишлаш учун керакли замонавий автомат ва ярим автомат линияларнинг 1300 дан кўпроқ комплекти кейинги йилларда яратиб берилди.

Бироқ, кўпгина заводларда ўзининг техникавий даражаси жиҳатидан ҳозирги замон талабларидан орқада қолаётган машиналар ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳали ҳам давом эттирилмоқда. Бир қапча мисоллардан бирини айтиб ўтаман. 1958 йилда янги ТЭ-10 типидagi тепловозларнинг намуналари тайёрланган эди. Тез орада тағил ҳам мукамалроқ тепловозлар яратилди, бу тепловоз-

ларнинг қуввати ҳозир кўплаб ишлаб чиқарилаётган ТЭ-3 тепловозларининг қувватидаш 1,5—2 барабар катта. Шундан бери етти йил ўтиб кетган бўлса ҳам, янги ТЭ-10 тепловозлари оз чиқариламоқда. Қувватлироқ тепловозлар ишлаб чиқариш эса ҳалигача ташқи етилгани йўқ. 1965 йилда ТЭ-10 тепловозлари эски тепловозларга қараганда қарийб тўрт барабар кам тайёрлаб берилди. Луганск, Харьков ва Коломна заводларининг раҳбарлари япада кучлироқ тепловозларнинг ҳам дизелларини созилаши йўл қўйиб бўлмаслик даражада орқага суриб юбордилар. Харьковдаги «Электротяжмаш» заводининг раҳбарлари эса электр ускуналар етказиб беришни таъминламадилар. Новочеркасск ва Тбилиси электровоз йиғини заводларида электровозлар чиқариш ҳам шундай аҳволда деса бўлади.

Заводларимиз чиқараётган ускуналарнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари Ваташимиз ва жаҳон фаши билан техникасининг энг янги муваффақиятлари даражасида бўлиши лозим. Жумладан, юксак даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган ускуналар комплексларини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз керак. Чиқарилаётган ускуналардаги, аввало энергетика блокларидаги, домна ва пўлат эритиш цехларида ўрнатиладиган агрегатлардаги, химия ва нефтни қайта ишлаш заводларида ўрнатилган ҳамма қисм ва узлукларнинг техникавий кўрсаткичлари керак.

Конструкторлик бюроларининг корхоналар билан алоқасини мукаммаллаштириши ва уларнинг рақиблик ҳолатида олириши, конструкторларнинг иккунинг иш олиб бориши, ўз қобилиятларини кўрсатишлари учун энг яхши шароит яратиб бериш, тузилаётган лойиҳаларда қўйилган конструктив вазифаларни ҳал қилишнинг техникавий даражасини юксак логонага кўтармоқ учун конструкторларнинг масъулиятини ошириш лозим. Конструкторлик ишида юксак муваффақиятларга эришишни рағбатлаштирмоқ керак. Машиналар, ускуналар ва асбобларнинг янги серияларини ўз вақтида ишлаб чиқаришга киришмоқ учун конструкторлик ишларида дарров тайёрлаб бериладиган лойиҳалар ҳаминша бўлиши зарур.

Госплан ҳамда Станоксозлик ва инструментлар саноати министрилик темирчилик-пресслаш ускуналарини ва металл қирқадиган энг прогрессив станокларни, айниқса юксак даражада аниқ ишлайдиган станокларни, махсус ва агрегат линияларини, шлифовка қиладиган ва сошлаб берадиган, автомат ва яримавтомат станокларни, шунигдек автомат линияларини ишлаб чиқаришви илдамлик билан ривожлантиришлари лозим. Программа билан бошқариладиган стапоклар чиқариши анча кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Стандартлар комитети машинасозлик министриликлари билан бирга машина ва асбобларнинг узел ҳамда деталларини унификация-

циялаш ва нормаллаштириш, шунингдек технология процессларини типизациялаш ишларини ташкил этиши керак.

Асбобсозлик заводларини техника билан қайта қуролантириш, замонавий асбоблар ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда технология процессларини автоматлаштириш, контроль қилиш ва тартибга солиш воситаларини, аниқ ўлчовлар ўтказиш учун керакли асбобларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз керак. Халқ хўжалигининг техника даражасини кўтармоқ учун электрон-ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳисоблаш машиналарининг сифатини ошириш, тадқиқот, ҳисоблаш ва лойиҳалаш ишларида, ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳисоблаш воситаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш зарур.

Халқ хўжалигининг эҳтиёжларини назарда тутиб, Директивалар лойиҳасида машинасозлик тармоқларидан ҳар қайсисини ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларни белгилаб берилди. Энергетика, металлургия, химия ва нефть машинасозлигини, электроника ва радиотехникани анча ўстириш кўзда тутилмоқда. Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги олдига катта вазифалар қўйилмоқда. Автомобиль саноати тез ривожлантирилиши лозим. Юқ автомобиллари ишлаб чиқаришни 1,6—1,7 баравар, енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни эса қарийб 4 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун мавжуд заводларни кенгайтириш ва янги автомобиль заводи қуриш талаб қилинади. Шундай техникавий даражага ва мутахассис кадрларга эга бўлган машинасозлик саноатимиз машиналар ва ускуналар халқаро бозорда муваффақиятли рақобат қила оладиган маҳсулот чиқаришга мажбур.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар чиқарувчи машинасозлик тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Шу тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларини анча кўпайтириш, йиғирув-тўқув ва пардозлаш корхоналари, трикотаж, галантерея ва пойафзал фабрикалари, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати корхоналари учун унумдор машиналарнинг 3 миятга яқин янги типларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши керак.

Беш йиллик планда оғир ва меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаштирмоқ учун керакли машиналар ва механизмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилиши керак.

Мавжуд заводларда корхоналарнинг ускуналаридан фойдаланишни яхшилаш йўли билан, жумладан корхоналарда смена бўлиб ишлашни ошириш йўли билан маҳсулот чиқаришни кўпайтирмоқ учун машинасозлик саноатида бир талай резервлар бор. Корхоналар ўзлари олаётган фойданинг бир қисминини ўзларининг уй-жой фондларини кенгайтиришга сарфлаш имкониятига эга бўлиб қоладилар, бу эса эпидиликда уларнинг янги илмчи кадрларни ишга тортишларини осонлаштиради.

Янги беш йилликда ўрмончилик, қоғоз ва ёғочсозлик саноатида катта ўзгаришлар рўй беради. Ўрмончилик ва ёғочсозлик саноати шу дамгача хили нисбатан камроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ёғочнинг кўп пероф бўлишига йўл қўйилмоқда. Кўшинча биэнинг корхоналаримизда бир кубометр ёғочдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёғочни қайта ишлашнинг замонавий технологияси жорий қилинган корхоналардагига қараганда қарийб 3—5 баравар кам. Капитал маблағлар хом ашёни комплекс қайта ишлаб берувчи қувватлар яратилишга сарфланиши лозим. Хом ашёдан яхшироқ фойдаланиш йўли билан қоғоз-целлюлоза, картон, пайраҳа-қилиқ плиталар ва ёғоч толасидан ясалган плиталар, дурадгорлик буюмлари, спирт, ачитқи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўп миқдорда оширилади.

Беш йилликда айниқса мамлакатнинг шарқда ёғочни қайта ишлайдиган катта корхоналар қурилади. Жумладан, Братск ўрмончилик саноати комплекси, Красноярск целлюлоза-қоғоз комбинати ва Комсомольск-Амурдаги целлюлоза-картон комбинатининг биринчи қисми қурилади, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида қарийб 2,5 миллион тонна целлюлоза ва 1,3 миллион тоннага яқин картон ишлаб чиқарадиган қувватлар вужудга келтирилади.

Картон, ёғоч плиталар ва олиманган фанер ишлаб чиқаришни кўзда тутиб соҳасида мўлжалланган топширикларнинг bajar-лиши 1970 йилда 60 миллион кубометрлик кўпроқ иморатбон ёғоч-ни текшири таъминланди.

Совет халқининг турмуш даражаси охиб бораётганлиги халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи саноат олдига катта вазифалар қўяди.

Енгил саноатда 300 га яқин янги катта корхоналар қуриш ва 100 тадан кўпроқ мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Енгил саноатда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ҳар йилги ўртача суръати 2,1 баравар оширилади. 1970 йилда 9,5—9,8 миллиард квадрат метр газлама, 1,65—1,75 миллиард трикотаж буюм, 610—630 миллион жуфт чарм пойафзал ишлаб чиқариладиган бўлади. Трикотаж саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Беш йил ичида 75 та трикотаж фабрикасини қуриш мўлжаллаб қўйилди. 100 дан ортиқ тикувчилик фабрикаси, йилга 120 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилиши, ишлаб турган пойафзал фабрикаларининг кўпи реконструкция қилиниши керак.

Енгил саноат ходимлари олдига чиқарилаётган маҳсулот хилларининг кўп қисмини янгилан вазифаси қўйилмоқда. Саноат систематик равишда янги, истеъмолчи учун қизиқарли моллар ишлаб чиқарадиган бўлиши, шундай молларни аҳолига тақдим қилиб туриши ва шу тариқа шундай молларга талаб вужудга келтириши лозим.

Қишлоқ хўжалик ходимлари саноат ходимлари билан бирга-

ликда пахта, жун, зигирпоя толаси, тери ва бошқа хом ашёларнинг сифатини яхшилашни таъминлайдиган зарур тадбирларни ишлаб чиқишлари, қишлоқ хўжалигида шу хом ашёни етиштириш чоғида унинг сифати учун бўладиган масъулиятни, шу хом ашёни тайёрлаш пунктларига ва саноат корхоналарига етказиб бериш учун бўладиган масъулиятни аниқ белгилаб қўйишлари лозим. Шу муносабат билан мазкур хом ашёнинг бузилишига ёки сифати ёмонлашиб қолишига йўл қўймаслик учун тегишли ташкилотларга транспорт воситаларини, идешлар ва зарур нарсаларнинг ҳаммасини бериш планда кўзда тутилиши лозим.

Химия саноатининг ходимлари химиявий толаларнинг, бўёқлари, плёнкалар ва бошқа химия материаллари учун хом ашё сифатини кескин равишда оширишлари керак ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарига сифати паст хом ашё етказиб бергалиги учун қаттиқ жавобгар бўлишлари лозим. Шу тадбирларнинг амалга оширилиши саноат ишлаб чиқараётган кенг истеъмол молларининг хилларини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ташнарини камайтириш ва молларнинг сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Юқори сифатли хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини ҳамма жойда, узлуксиз таъминлаб туриш вазифасини ҳал қилишимиз лозим. Озиқ-овқат саноати маҳсулотининг ҳажми шу йиллар мобайнида 1,4 барабар кўпайтирилади.

Беш йилликнинг охирига бориб, давлат ресурсларидан гўшт етиштиришни 1965 йилдаги 4,8 миллион тонна ўрнига 5,9—6,2 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Пишлоқ, сут маҳсулоти ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Балиқ овлашни 1,5—1,6 барабар кўпайтириш чамаланмоқда. Шу мақсадда балиқчилик саноатининг флотига балиқ овлайдиган катта замонавий кемалар қуриб бериш мўлжаллаб қўйилган. Бу кемаларнинг кўчилиги юқори сифатли маҳсулот чиқарадиган сузиб юрвчи заводлардан иборат бўлади. Балиқчилик саноатининг ходимлари ўзларининг флотларидан яхшироқ фойдаланишлари, балиқ маҳсулотининг ташнарини систематик равишда камайтиришга эришишлари лозим.

Беш йиллик планда қўлларда балиқ етиштиришни кенг ривожлантириш кўзда тутилиши керак. Дарёлар ва қўллардаги балиқ запасларини муҳофаза қилиш яхшироқ ташкил этилиши лозим. Саноат ва коммунал корхоналарнинг тозаланмаган ювинди сувлари билан дарёларни, қўлларни ва сув омборларини булғатиш ва пфлос қилишда айбдор бўлганлар қаттиқ жавобгарликка тортилиши керак.

Озиқ-овқат саноати ҳозир янги шароитда ишламоқда. Молларга эҳтнөж тобора хилма-хил бўлиб қолмоқда, молларга бўлган талаблар ҳам тобора ошиб бормоқда. Ҳар хил ярим фабрикаларни, пазандалик маҳсулотларини, оз-оздан қилиб тортиб ва ўраб

қўйилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш, консерва саноатининг ишини жиддий равишда яхшилаш зарур.

Кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш — муҳим ва фахрли вазифа. Бу вазифанинг бажарилишини партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари — бутун жамоатчилик доимо контроль қилиб туриши лозим.

Ўроқлар! Саноат корхоналарида янги иқтисодий системани жорий қилиш саноатни ривожлантириш соҳасида мўлжалланган планни бажаришнинг энг муҳим шартидир. Шу дамгача бир қанча катта корхоналар мана шу янги системага ўтказилди, бу корхоналарда жами 300 млнгдан кўпроқ ишчи ва хизматчи бор. Иккинчи кварталда жами 700 млнга яқин киши ишлаб турган корхоналарнинг яна бир катта группаси янги системага ўтказилди. Шундан сўнг машинасозлик ва озиқ-овқат саноатининг, тўқимачилик саноатининг баъзи тармоқларини янги системага ўтказиш бошланади. Янги системага ўтказилган корхоналарда ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони 1967 йилнинг бошида саноатда ишлаб турган жамини ишчи ва хизматчилар сонининг қарийб учдан бир қисmini ташкил қилади.

Янги системага ўтказилган давлат саноат корхоналарининг давлат баёнига қўриқиб қўйилган равишда давлатнинг саноат саноат маҳсулоти бериш ва пландан ташқари 56 миллион сўм фойда олиш мажбуриятини қабул қилдилар. Биринчи кварталда янги системага ўтказилган корхоналарнинг қўйилган маҳсулотни реализация қилиш ва фойда олишнинг кўпайтирилган планини ошириб бажарди. Давлат бюджетининг даромадлари кўпайди. Корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва социал-маданий тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши учун зарур фондлар вужудга келтирилди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ошди.

Янгича ишлаш материал-техника таъминотини пухта ташкил этишни талаб қилади. СССР Министрлар Советининг Материал-техника таъминоти давлат комитети ва миинистрликлар наstdан тортиб то юқоригача таъминот органларининг ишларини яхшилашлари лозим.

Янги системага ўтиш корхоналардаги ҳўжалик вазиятини анча яхшлайди, ходимларнинг меҳнат ушумдорлигини оширишдан, материалларни тежашдан, маҳсулот таппархини камайитириш ва сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини оширади.

Резервларимиздан чинакамга фойдалансак, — резервларимиз эса жуда катта, — бу ҳолда комил ишонч билан айтиш мумкинки, саноат беш йиллик план тошшириқларини бажарибгина қолмай, шу билан бирга ошириб ҳам бажаради. Бу — ишчилар синфимизнинг, инженерлар, техниклар, конструкторларимиз, барча саноат ходимларимизнинг катта ғалабаси бўлади.

4. ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ

Мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги алоҳида муҳим роль ўйнайди. Халқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг юксалишини ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ўсишини кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги белгилайди.

Қишлоқ хўжалигига оид беш йиллик план Директивалари КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорларига асосланади. Беш йилликда қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, унинг ривожланишидаги юксак ва барқарор суръатларни таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилади. Шу йилларда бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми ундан илгариги беш йилдаги ўртача йиллик ишлаб чиқаришга нисбатан 25 процент ортishi керак.

Дон етиштириш жадал суръатлар билан ўсиши лозим. Дон йиғиб олишнинг ўртача йиллик ҳажмини 30 процент кўпайтириб 167 миллион тоннага етказиш чамаланади.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини қуйидаги миқдорга етказиш мўлжалланади:

қанд лавлаги — 1961—1965 йиллардаги ўртача 59 миллион тонна ўрнига 80 миллион тонна,

пахта — 1961—1965 йилларда ўртача 5 миллион тонна ўрнига 5,6—6 миллион тонна,

картошка — 1961—1965 йилларда ўртача 82 миллион тонна ўрнига 100 миллион тонна,

гўшт — 1961—1965 йиллардаги ўртача 9,3 миллион тонна ўрнига 11 миллион тонна,

сут — 1961—1965 йиллардаги ўртача 65 миллион тонна ўрнига 78 миллион тонна,

тухум — 1961—1965 йиллардаги ўртача 29 миллиард дона ўрнига 34 миллиард дона.

Дон хўжалигини юксалтиришнинг энг муҳим воситаси ҳосилдорлиқни оширишдир. Бунинг учун аввало деҳқончилик маданиятини ошириш, уни илмий асосларда олиб бориш керак. Табиий шароити хилма-хил бўлган мамлакатимизнинг фоят катта территориясида ҳамма районлар учун ягона деҳқончилик системаси бўлиши мумкин эмас. Бу ишда шаблонга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, бинобарин, қатъий гапни қишлоқ хўжалик фани, совхоз ва колхозларда ишлаётган мутахассислар ва практиклар айтишлари керак.

Украина, Шимолий Кавказ, марказий қоратупроқли областлар, Волга бўйи, Қозоғистон, Сибирь районларида дон етиштириш яна ҳам анча ривожлантирилиши керак. Бу районларда дон экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг катта резервлари бор.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, РСФСР ва Қозғоғистон ССР Министрлар Советлари қўриқ районлардаги аҳволга алоҳида эътибор беришлари керак. Бу ерларда далаларни бегона ўт босиб кетган, каттагина майдонлар эрозияга учрамоқда. Бу районларда деҳқончилик системасида жуда қисқа муддат ичида тартиб ўрнатиш, галладан мўл ва барқарор ҳосил етиштиришга эришиш керак.

Россия Федерациясининг қоратупроқли бўлмаган зонасида, Белоруссияда, Балтика бўйи республикаларида, Помесьеда ва Украинанинг ғарбий областларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксалтириш — беш йилликда ҳал этилиши керак бўлган янги вазифалардан биридир. Бу ерларда зах ерларнинг захиши қочирш, нордоп тупроқли ерларни оҳаклаш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, ўт экинни ривожлантириш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан кенг миқёсда иш олиб бориш мўлжалланади. Бу районлар кўп миқдорда қўшимча сут, гўшт, галла ва бошқа маҳсулотлар беради. Нами етарли бўлган бошқа зоналарга ҳам жиддий эътибор берилади. Бу зоналарда ўғитдан фойдаланган тақдирда, кўшлаб арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса товар дон олиш мумкин. Шу тарзда нами етарли бўлган ҳамма зоналардан шу пайтгача бўлиб қўрилган қўриқликларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксалтириш керак.

Ҳосилдор тупроқли қўриқчилик районларида — Ўрта Осиёда, қисман Шимолий Кавказда, Волга бўйида ва Украинанинг жанубида суғориш ишлари кенг миқёсда олиб борилади.

Сернам зоналарда захни қочирш ва қўриқчилик районларида суғориш ишлари қишлоқ хўжалигининг интенсифлаштириш ҳамда дон экинлари билан бир қаторда пахта, қанд лавлаги, зигир, кунгабоқар, сабзавот, мева, узум, шунингдек, кўп йиллик ўтлар етиштиришни кенгайтириш имконини беради.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш муҳим вазифадир. Бу вазифани ҳал этишнинг асосий йўли — мустаҳкам озуқа базасини яратиб, шу асосда чорва маҳсулдорлигини: чорва молларнинг вазни ва сезимлигини ошириш, сут соғиб олишни, жун қирқиб олишни, шунингдек чорва моллар ва паррандаларини кўпайтиришдан иборатдир.

Бунинг учун озубоп дон экинлари, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда табиий яйловлардан фойдаланишга жиддий эътибор бериш лозим. Панда ана шу яйловларни яхшилаш юзасидан катта ишлар ўтказиш учун маблағ ажратиб кўзда тутилади. Бу маблағларни энг кўп иқтисодий самара берадиган қилиб сарфламоқ лозим. Айни вақтда ем-хашак экинлари билан банд бўлган экин майдонларидан яхшироқ фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш программаси умуман олганда ана шундан иборат. Бу программанинг bajarлишини таъминламоқ учун Директивалар лойиҳасида қишлоқ хўжалигига кўплаб хилма-хил техника етказиб бериш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машина-созлиги корхоналаримиз дон, қанд лавлагини, картошка, пахта, маккажўхори етиштиришни комплекс механизациялаш учун деярли ҳамма машиналарини ишлаб чиқармоқда. Зингир, сабзавот ва бошқа экинларини парвариш қилиш ва уларнинг ҳосилини йиғиб олиш учун, шунингдек, чорвачиликдаги ишларни механизациялаш учун машина системалари ишлаб чиқилмоқда.

Двигателлар, агрегатлар, запас қисмлар ва заготовклар ишлаб чиқарувчи маъжуд заводларни реконструкция қилиш ва янги-ларини, жумладан ихтисослаштирилган заводлар қуриш мўлжалланади. Яқин йилларда Павлодарда (Қозоғистон ССР) янги йирик трактор заводи барпо этилади. Машинасозлар трактор ва комбайнлар сифатини яхшилаш, тракторларнинг тезлиги ва қувватини ошириш ҳамда ёпилган сарфини алча камайтириш масаласига алоҳида эътибор беришлари зарур. Бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришда ҳам, улардан зоналар шароитини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишни кўзда тутиб, худди шундай йўлдан бориш керак.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ходимлари олдида деҳқончилик ва чорвачилик учун машиналарнинг мукамалроқ комплексларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда уларни чиқаришни кўнайитириш шунингдек, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари билан қишлоқ хўжалигини тўла таъминлаш вазифаси турибди.

Беш йилда колхоз ва совхозлар 1 миллион 790 миң ёки илгирини беш йилликдагига қараганда 1,6 баравар кўп трактор, 1 миллион 100 миң юк автомобилли, 550 миң галла комбайни ҳамда бошқа кўпгина техника ва ускуналарни оладилар. Натияжада колхоз ва совхозларнинг энергия билан қуровлашини даражаси беш йилликда 1965 йилдагига нисбатан 2 баравар ортади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаси учун ремонт базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигига юбориб турилган машина ва ускуналарнинг ана шу жуда катта паркдан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Химия саноати минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йил сайини ошириб боради. Колхозларга ва совхозларга минерал ўғит етказиб бериш 2 баравар ортади. Бу эса техника экинларини минерал ўғитлар билан тўла таъминлаш ҳамда дон ва озуқабоп экинларга солинадиган ўғит миқдорини алча ошириш имконини беради. Ўғит ишлаб чиқаришни кўнайитириш билан бир қаторда, унинг сифатини ошириш, ташини, сақлаш ва фойдаланиш вақтида побудгарчилиқни йўқотиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Аралаш ем тайёрловчи саноат ўз маҳсулотини камида 2 баравар кўпайтиради. Бунда оқсилга бой озуқалар, витаминлар, антибиотиклар ва озуқа самарасини оширувчи турли моддалар тайёрлаш кенг ривожланади.

1970 йилда қишлоқда электр энергияси истеъмол қиллш 60—65 миллиард киловатт-соат ортади, бу эса 1965 йилги даражадан 3 баравар кўп ва 1940 йилда бутун мамлакат истеъмол қилган электр энергиясидан 30 процент ортиқдир. Қишлоқ районларда электр шохобчаларини тахминан 2 баравар узайтириш ҳамда колхоз ва совхозларни давлат энергия системалари ва электр станцияларидан марказлаштирилган тартибда электр билан таъминлаш ҳиссасини ошириш мўлжалланади. Электр энергияси — сермеҳнат процесларни, айниқса, чорвачиликдаги ишларни механизациялаш учун база бўлиб қолиши ва шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш замири бўлиб қолиши керак. Қишлоқ аҳолисининг хилма-хил маиший электр приборлари ва аппаратларидан, телевизор, радиоприёмниклар, холодильниклар, кир ювиш машиналаридан оммавий тарзда фойдаланиши қишлоқ меҳнаткашларининг маданият даражасини анча оширади ва турмуш шароитини яхшилайд.

Қишлоқларда уй-жой бинолари қурилиши, хонадонларни газ билан таъминлаш, шаҳар тилидаги мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар турмуш ишларини анча келгаштириш мўлжалланади.

Колхозчиларнинг жамоат ҳўжалигидан оладиган даромадларини беш йил ичда 35—40 процент ошириш кўзда тутилади. Шунингдек, шахсий ўрдамчи ҳўжаликлар уларнинг даромадида кўшимча манба бўлади. Колхозларда меҳнатни нормалаштириш, ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш совхозларда вужудга келган даражага ва формаларга тобора яқинлашиб боради. Колхозчилар меҳнатига ҳар ойда гарантияланган ҳақ тўлашга секин-аста ҳамма жойда ўтиш мўлжалланади. Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ишчи ва хизматчиларни пенсия билан таъминлаш шароитига яқинлаштирилади.

Қишлоқларда меҳнат ва турмуш шароитининг яхшиланиши, колхозчиларнинг жамоат ишлаб чиқаришидан оладиган даромадларининг анча ўсиши қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар аҳолисининг турмуш даражасига яқинлаштиришдан иборат тарихий вазифанинг изчиллик билан амалга оширилаётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган программаси қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил юксак суръатлар билан ўстиришни кўзда тутади. Бу программа батамом реал программadir. Уни амалга ошириш учун колхоз ва совхозларга жуда кўп миқдорда машина техникаси, химиявий ўғитлар, электр энергияси етказиб берлади. Партия ва ҳукумат қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларининг

турмуш даражасини ошириш, уларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш ҳамда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг юксак унумли меҳнатдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш соҳасида амалга ошираётган катта тадбирлари ҳам бу программанинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси совхоз ва колхозларда меҳнат унумдорлигини 44—45 процент оширишдан иборат катта вазифани ҳал этиш учун жуда қулай шароит вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши катта харажатларни талаб қилади. Бунинг учун планда тегишли молня ресурслари кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш қурилиши (ер захини қочирини ва сув чиқаришга кетадиган харажатлар ҳам шу ҳисобга киради) ҳамда техникага ҳақ тўлаш учунгина давлат қишлоқ хўжалигига 41 миллиард сўм миқдорда — илгариги беш йилдагига қараганда тахминан 2 барабар кўп маблағ ажратади.

Шунинг назарда тутиш керакки, қишлоқ хўжалигини юксалтириш программаси давлатдан, масалан, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлигига, ўғит ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун химия саноатига, энергетикага ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларга катта маблағ сарфлашни талаб қилади.

Давлатнинг капитал маблағларидан ташқари, колхозларнинг ўзлари тахминий ҳисобларга қараганда, ўз хўжаликларини кенгайтиришга 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлайдилар.

Шу беш йилда колхозларнинг ўртача йиллик даромадлари 1961—1965 йиллардаги ўртача йиллик даромадларга нисбатан 40 процентдан зиёдроқ ортади. Даромадларнинг бундай ўсиши колхозларда ялпи ва товар маҳсулот етиштиришни кўзда тутилган миқдорда кўпайтириш ҳамда колхоз маҳсулотини харид қилиш ва харид нархларини оширишнинг март (1965 йил) Пленумида белгиланган янги шартлари, шунингдек, колхозларга бериладиган ишлаб чиқариш воситалари нархининг камайирилиши ва колхозлардан олинadиган даромад солиғининг деярли 2 барабар камайирилиши билан таъминланади.

Колхоз даромадларини кўпайтириш ҳар бир колхозчи даромадининг колхоз фаолиятидаги умумий иқтисодий натижаларга қараб кўпайиши учун реал имконият яратади. Бу эса кенг колхозчилар оммаси учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, ундаги ҳар бир тармоқнинг рентабеллигини оширишга рағбатлантирувчи омил бўлади, социалистик қишлоқ хўжалиги колхоз формасининг иқтисодий негизини мустаҳкамлайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда совхозлар маҳсулотининг салмоғи каттадир. Ҳозирги жуда муҳим вазифа улар ишининг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда совхозларни планлаштиришнинг янги тартибига ўтказиш, улар-

нинг бутун фаолиятида хўжалик ҳисобини жорий қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу тадбирлар совхозларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга, уларни ихтисослаштиришни кучайтиришга, маҳсулот тапшархини камайтиришга, совхозларни намунали қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантиришга ёрдам беради.

Янги беш йилликда тайёрлаш ва савдо ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади, колхозларга, совхозларга, тайёрлаш ташкилотларига транспорт воситалари етказиб бериш кўпаяди, колхоз ва совхозларнинг савдо корхоналари ва магазинлар билан бевосита алоқа қилиш практикаси кенгайтирилади. Бу тадбирлар сабзавот, мева, полиз экиплари ва бошқа маҳсулотларини истеъмол қилинадиган жойга нест-нобуд қилмай етказиб бериш, аҳолини яхши ва янги маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш, тайёрлаш харажатларини қисқартириш имконини беради, колхоз ва совхозларга эса кўпгина қўшимча даромад келтиради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги оқибатида колхоз ва совхозларда мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан бутун йил бўйи тўла фойдаланилмаётир. Шу сабабли қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мавсумий ишлаш ва қантлаш билан оқибатда ҳамтаъминлаш мақсадлар ишлаб чиқариш бўйича ёрдамчи корхоналар, шунингдек конкрет маҳаллий шароитга асосланиб, турли ҳушармандчилик корхоналарини ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам колхоз ва совхозларга даромад ва қишлоқ аҳолисига қўшимча иш ҳақи беради. Бундай ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун давлат колхоз ва совхозларга зарур ёрдам кўрсатади.

Озиқ-овқат саноати кўпгина тармоқларининг янги корхоналарини ҳам ашё ва бўш ишчи кучи бўлган қишлоқ жойларда қуриш лозим. Колхоз ва совхозларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавсумий филиалларини вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги учун улкан ишлаб чиқариш программаси белгиланибгина қолмай, бу программани муваффақиятли бажариш учун зарур шароит ҳам вужудга келтирилган. Энди гап қишлоқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм яхши иқтисодий натижа бермоғи учун ана шу имкониятлардан моҳирона фойдаланишдадир.

Партия барча колхозчиларни, совхоз ишчиларини, механикаторларни, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассисларини беш йилликнинг дастлабки йиллидаёқ дон хўжалиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари кескин юксаладиган йил бўлишини таъминлашга чақиради. Бу билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик пиланини муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам замин яратилади.

5. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

Ўртоқлар! Сапоат ва қишлоқ хўжалиги ишнинг муваффақияти, мамлакат мулоффа қобилиятининг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан транспортга боғлиқ. Миллионларча меҳнаткашлар поездлар, теплоходлар, автобуслар, самолётларнинг яхши уюштирилган қатновидан манфаатдордирлар.

Бутун юк оборотининг 70 процентдан кўпроғини темир йўллар ташиб беради. Улар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётган юкларни муваффақиятли ташиб бермоқдалар, бу ишни ишловчилар сонини оширмаган ҳолда удаламоқдалар. Янги техникани жорий этиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ана шу ютуққа эришилди. Ҳозир бутун юк ташишнинг 85 процентини электровозлар ва тепловозлар бажармоқда. Локомотивларнинг янги турларига ўтиш темир йўллар ишини, уларнинг экономикасини, темирйўлчиларнинг меҳнат шароитини тубдан яхшилади.

Директивалар лойиҳасида темир йўл транспортига апчагина капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган. 1970 йилга бориб темир йўлларнинг электровоз ва тепловозга ўтиши асосан тугалланиши керак. Ҳаракатдаги состав қаторига қудратли замонавий локомотивлар ва кўп юк кўтарадиган вагонлар қўшилади. Кўпгина йўлларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш тадбирлари кўрилади — иккинчи йўллар қурилади, станциялар кенгайтирилади, автоматика жорий этилади.

Кўнғирот — Мақат ва Гурьев — Астрахань томонларда умумий узунлиги 1600 километрдан зиёдроқ янги темир йўл линиялари қуриш мўжалланади. Ўрта Осиёни мамлакат Европа қисми билан тугаштирадиган янги йўл барио этилиши билан Манғишлоқ ярим оролидаги нефтга бой районни тезроқ ўзлаштириш мумкин бўлади.

650 километр узунликдаги Тюмень — Тобольск — Сургута районини темир йўл линияси қурилади. Бу линия Тюмень областидаги нефть қазиб чиқариш сапоатини ва умуман бутун районни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Барнаулдан Қўстанайгача бўлган Ўрта Сибирь магистралининг қурилиши тугалланамоқда. Бу эса Қўзбасс билан Урал ўртасидаги транспорт алоқаларини яхшилайдиган, зўриқиб ишлаётган асосий Сибирь магистраллида юк ташишни бир оз камайтиради.

Темир йўл транспортининг ички резервларидан фойдаланишга жиддий эътибор бериш керак, бундай резервлар эса озмунча эмас. Масалан, корхоналарда, денгиз ва дарё портларида вагонларнинг беқор туриб қолиш муддатини қисқартириш сингари катта резервни олайлик. Юк ортиш, юк тушириш ишларини механизациялаш, юкни ўзи туширадиган вагонларни жорий этиш, контейнерлар конструкциясини такомиллаштириш, корхоналарга

кирадиган шох йўллар ҳолатини яхшилаш — бу соҳада катта ёрдам бериши мумкин. Юк ортиш ва юк тушириш бутун транспорт харажатларининг тахминан учдан бир қисмини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда муҳим иқтисодий проблемадир.

Рационал бўлмаган юк ташишларни ҳамма чоралар билан қисқартириш катта резервдир. Планлаштирувчи ва ҳўжалик органлари маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида оптимал транспорт алоқаларини белгилашлари, йил давомида юк ташишнинг бир меъёрда тақсимланишини, темир йўл, сув, автомобиль транспорти ва транспортнинг бошқа турларининг тўғри мослашган бўлишини кўзда тутишлари керак.

Транспорт тарифларини шундай қайта кўриб чиқиш керакки, у транспортнинг ҳар хил турлари ўртасида юк ташишнинг иқтисодий асосланган тақсимланишини ва ҳамма транспорт воситаларидан яхшироқ фойдаланишни рағбатлантирадиган бўлсин.

Кейинги йилларда Совет Денгиз флоти сафларига жуда кўп замонавий қудратли кемалар келиб қўшилди. Бу флотнинг юк ташиш ҳажми етти йилликда 2,5 баравар кўпайди. Денгиз флоти тапқи савдонининг кенгайтириш алоқасидан мустақил бўлиши мумкин.

Тапқи савдонинг ривожланиши, каботаж юк ташишларнинг ўсиши денгиз флоти тоннажини янада кўпайтиришни талаб қилади. Директивалар лойиҳаси кўп юк кўтарадиган катта механизациялаштирилган тезюар кемалар қуришни, портларни ривожлантириш ва механизациялаш юзасидан анчагина ҳажмдаги ишларни бажариш, кема ремонт қиладиган заводлар қуришни кўзда тутади.

Дарё транспорти бўйича ҳам флотни кенгайтириш ва портларни ривожлантириш кўзда тутилади. Бу тадбир Сибирь ва Узоқ Шарқдаги янги саноат районларини тезроқ ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Волга, Кама, Днепрда юк ташишни ривожлантириш, Балтика, Каспий ва Қора денгизлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш мамлакатнинг Европа қисмида темир йўлларда юк ташишни нормал ҳолга келтириш ва оммавий юклар ташишни арзонлаштириш имконини беради. Бунда темир йўлчилар билан дарёчиларнинг пухта мослашган ҳолда ишлашни таъминлаш, транспортнинг ҳар иккала туридан фойдаланган ҳолда юк ташишни кенгайтириш, портлардаги юкларни тезроқ жўнатиш жуда муҳимдир.

Кейинги йилларда трубопровод транспорти кенг ривожланиб, унинг юк обороти етти йилликда тўрт баравардан зиёдроқ ўсди. Трубопроводларда нефтни етказиб бериш таннархи темир йўллардагига қараганда 2—3 баравар арзон тушади. Бизда, масалан,

умумий узунлиги 3,6 минг километр келадиган Туймази — Омск — Красноярск — Иркутск трубопроводи, Татаристон АССР районларидан Польша, ГДР, Чехословакия, Венгрияга етиб борадиган ва умумий узунлиги 4,5 минг километр келадиган «Дўстлик» нефть қувори, умумий узунлиги 1150 километрга яқин келадиган Альметьевск — Горький — Рязань — Люберци нефть қувори сингари жуда катта нефть трубопроводлари қурилди.

Бу беш йилликда тахминан 37 минг километр узунликдаги нефть ва газ қувурлари қуриш кўзда тутилди. Бу эса 1970 йилда узоқ конлардаги нефть маҳсулотларининг ярмидан кўпрогини нефть қувурлари орқали жўнатиш, шунингдек, кўмир ва ёқилгининг бошқа турлари ўрнига газдан фойдаланишни анча кўпайтириш имконини беради.

Бизда темир йўллар, кўприклар ва трубопроводлар қурадиган йирик ихтисослаштирилган ташкилотлар барпо этилган, техника билан яхши таъминланган бу ташкилотлар составида юқори маънадаги мутахассислар бўлиб, улар мамлакатнинг ҳали ўзлаштирилмаган районларида қийин шароитларда мураккаб қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Қурувчиларнинг чинакам қаҳрамонна меҳнатига халқимиз юксак баҳо берди. Биз аминмизки, бу беш йилликда улар ўз олдларида турган янги катта вазифаларни ҳам шунчалик муваффақият билан ҳал этадилар.

Директивалар лойиҳасида автомобил паркни кескин кенгайтириш кўзда тутилган. Бу парк универсал автомашиналар билан бир қаторда, кўплаб махсус машиналар билан таъминланади. Автомобилларнинг ўртача юк кўтариш қуввати оширилади. Аҳолининг ошиб бораётган талабларини қондириш учун замонавий автобуслар ва енгил машиналар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Ўтган етти йил ичида автомобиль хўжаликларини йириклаштириш, автотранспортнинг техника базасини вужудга келтириш, юкларни марказлаштирилган ҳолда ташини ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилинди. Бу ишларни давом эттирмоқ керак. Ҳозир юк автомобиллари йўлнинг қарийб ярмида юксиз қатнайди, машиналар юк ортиш ва юк тушириш пайтида кўплаб туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Планлаштиришнинг янги тартибига ўтган автомобиль хўжаликларининг иш тажрибаси бекор туриб қолишларни ва юксиз юришларни кескин камайтириш учун реал имконият борлигини яққол исботламоқда.

Автомобилларнинг кўпгина қисми ремонт вақтида анчагача бекор туриб қолмоқда. Бу бекор туриб қолишларни ниҳоятда қисқартириш учун машиналар ремонтини ташкил этишни ва бу ишнинг технологиясини такомиллаштиришни, ремонт заводлари ва автомобиль хўжаликларини запас қисмлар билан таъминлашни яхшилаш, уларнинг сифатини ошириш, зарур миқдорда покликлар бериш лозим. СССР Давлат план комиссияси, автомобиль

санвати министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бу ҳақда ҳамхўрлик қилишлари лозим.

Шу беш йилликда 63 минг километрга яқин узунликдаги тошасфальт автомобиль йўллари қуриш кўзда тутилди. Бундан ташқари даромадларнинг маҳаллий манбалари, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг маблағлари ҳисобига кўшигина кўшимча иш қилиш мумкин.

Етти йиллик мобайнида ҳаво транспорти батамом янгиланди. Унинг ихтиёрида замонавий тезуچار самолётларнинг катта парки бор. Граждан авиацияси мамлакат ичкарисидан узоқ масофаларга пассажир ташишининг анчагина қисмини бажармоқда. Совет Иттифоқини дунёдаги 38 мамлакат билан боғловчи мунтазам ҳаво линиялари мавжуд. Бу беш йилликда ҳаво йўлларида пассажир ва юк ташиш ҳажми 1,8 баравар ортади. Бунинг учун паркни замонавий самолётлар билан янада кўпроқ таъминлаш, янги аэропортлар қуриш мўлжалланади. Граждан Ҳаво флотининг ходимлари пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳаво транспорти билан юк ташишни кенгайтириш учун ҳали кўпгина иш қилишлари керак.

Транспорт ходимлари олдига катта вазифалар қўйилган. Беш йиллик планинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан транспорт системасининг бундай эволюцияни пухта ва умумийлик билан ижтимоий таъминлар. Транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ва транспортда юк ташиш таннархисининг арзонлаштирилиши иктимоний ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Транспорт ходимлари экопомикамизни янада ривожлантириш программасини амалга оширишга сўзсиз ўз ҳиссаларини қўшади.

Директивалар лойиҳаси аҳолига алоқанинг ҳамма турлари билан хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни кўзда тутди. Алоқанинг қудратли кўп капалли кабель ва радиореле линияларини ўтказиш, ягона автоматлаштирилган шохобчаларни вужудга келтириб, пухта ва узлуксиз телефон алоқасини ҳамда информациянинг хилма-хил турларини юборишни таъминлаш мўлжалланади. Аҳоли хизматидаги телефонлар сони тахминан икки баравар кўпаяди. Сибирь, Узоқ Шарқ, Урта Осиёнинг узоқ районларига хизмат кўрсатиш учун қудратли радиоэпиттириш станциялари қурилади. Телевизион станцияларнинг шохобчалари анча кенгайтирилиб, улар телевидение программасини мамлакатнинг деярли ҳамма районларига юборилишини таъминлаш имконини беради. Ернинг суғий йўлдошлари орқали Марказий телевидение программаларини Магадан областида, Камчаткада, Сахалинда, Ёқутистонда ва бошқа узоқ районларда қабул қилиб олиш мумкин бўлади.

Халқ хўжалиги ва маданиятнинг тез ривожланиши, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари барча алоқа турларининг ишини жид-

дний яхшилашни талаб қилади. Алоқа ходимлари бунинг учун илмий техника тараққиёти вужудга келтираётган ҳамма имко-
ниятлардан фойдаланишлари керак.

6. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ

Ўртоқлар! Янги беш йилликда мўлжалланаётган капитал маб-
лағлар ҳажми ўсганлиги қурилишда маблағлардан жуда самара-
ли фойдаланиш масаласини биринчи даражали аҳамиятга эга қи-
либ қўяди.

Ўтган етти йил ичда капитал қурилишини яхшилаш учун
анча-мунча ишлар қилинди. Қурувчилар ва монтажчиларнинг
ютуқлари ҳаммага маълум. Ҳозирги вақтда эътиборни планлаш-
тириш, лойиҳалаш ва ишларни ташкил этишдаги ҳал қилинмаган
вазифаларга, камчиликларга, бу камчиликларни қандай қилиб
бартараф этиш кераклигига қаратмоқ лозим.

Капитал маблағларнинг жуда кўп объектларга тарқалиб кет-
ганлиги энг жиддий камчилик бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай-
дир. Бу шунга олиб келадикки, ишга туширилиши лозим бўлган
кўпгина қурилишлар молнийвий ва моддий ресурслар билан таъ-
минланмай келди. Бир қанча ҳолларда техника ҳужжатларининг
йўқлиги ёки уларнинг сифати пастлиги туфайли қурилиш суст
борди. Қурилишларни ускуналар билан комплектлаш қониқарсиз
ташкил этилган эди.

Лойиҳалаш ташкилотлари сифатсиз лойиҳалар ишлаб чиқиш-
га ва қурилишларнинг смета қийматини белгилашда қўпол хато-
ларга йўл қўйдилар. Кўпгина объектлар бўйича, айниқса электр
станциялар бўйича дастлабки смета қиймати жиддий асосларга ва
ҳисобларга таявилмасдан белгилаб чиқилди. Бунинг натижасида
ҳақиқий қиймат анча юқори бўлди ҳамда бундай қурилишларни
битказиш учун кўплаб қўшимча маблағлар талаб этилди. Бир
қанча ҳолларда қурилатган корхоналарнинг, айниқса химия ва
целлюлоза-қоғоз саноати корхоналарининг лойиҳаларида етарли
даражада пухта ишлаб чиқилмаган технология процесслари ва
эскириб қолган асбоб-ускуналар кўзда тутилди. Бу ҳол қури-
лишларни битказиш, қувватларни ўзлаштириш муддатларига
ва янги корхоналарда фондларни қоплашга салбий таъсир кўр-
сатди.

Қурилишни ташкил этишда ҳам талайгина жиддий камчилик-
лар бор: меҳнат унумдорлиги ҳали ҳам паст, машина ва меха-
низмлардан қониқарсиз фойдаланилади, жуда кўп иш вақти бе-
кор кетади.

Шуни айтиш керакки, капитал қурилишини планлаштиришни
ва тартибга солиб туришни лозим бўлган ташкилотлар ўз зимма-
ларига юкланган вазифаларни удалай олмадилар.

Янги беш йилликда капитал қурилиш соҳасидаги вазифалар анча кўпаяди. 1966—1970 йилларда СССР халқ хўжалигига солинадиган капитал маблағларининг умумий ҳажми 310 миллиард сўм миқдорига, яъни кейинги беш йилдагидан 25 процент кўпроқ миқдорда белгиланади. Айни бир вақтда асосий фондларни ишга тушириш ўтган беш йилдагига нисбатан тахминан 1,5 баравар кўпаяди.

Саноатнинг халқ хўжалигидаги техника тараққиёти ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ўсиши ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлган тармоқларга солинадиган капитал маблағлар анча кўпаяди. Олдинги беш йилликдагига нисбатан маблағлар химия саноатига деярли икки баравар кўпроқ, қора металлургияга тахминан 70 процент кўпроқ, эперетикага, машинасозлик ва ёқилги саноатига 50 процент кўпроқ, енгил, озиқ-овқат ва балиқчилик саноатига 84 процент кўпроқ ажратилади.

Бундан ташқари, ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатдан қайта қурулантиришга ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришга янгидан барпо этилаётган фонд ва банк кредитларни ҳисобидан кўпаяди.

Капитал қурилиш планларини бажариш, қувватларни ишга тушириш муддатларига аниқ ва сўзсиз рўя килиш ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг халқ хўжалиги барча тармоқларида ҳам муваффақият мақсадида мувофиқ пропорцияларни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Планлаштириш практикасининг яхшилашши ва капитал маблағларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослашни капитал қурилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисобламоқ лозим.

Тақриба ва иқтисодий анализ шуни кўрсатиб турибдики, капитал маблағларни биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатдан қайта қурулантиришга, янги ишлаб чиқариш қувватлари қисқа муддатда ва жуда кам маблағ сарфланган ҳолда ишга туширилиши учун бошланган қурилишларни тезроқ тугаллашга сарфлаш керак. Ҳар бир объект қурилишини нухта иқтисодий ҳисоблар билан асослаш зарур.

Капитал маблағлар планини тузишдан олдин капитал қурилиш эҳтисоблари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва материалларнинг асосий хиллари балансини, шунингдек қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватлари балансини ишлаб чиқиш лозим.

Эндиликда беш йиллик план барча қуршайётган корхоналар бўйича ҳар бир йил учун алоҳида-алоҳида қилиб тузилади. Бу эса, қурилиш ташкилотлари учун ҳар бир объект қуриладиган бутун даврининг перспективасини очиб беради; корхоналар келгуси йиллардаги ишларга олдиндан тайёрланишлари, асбоб-ускуналарни ўз вақтида заказ қилишлари мумкин бўлади. Планларини муваффақиятли бажараётган қурилишлар беш йиллик учун

ажратилган бутун маблағ ҳажми допрасида маблағ олиб турадилар ҳамда объектларни анча қисқа муддат ичда пшга тушириш имкопига эга бўлиб қоладилар.

Лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Ёзиинг сапоатимиз энг янги технология процесслари ва энг прогрессив материаллар асосида, юқори улумли машиналардан, автоматикадан кенг фойдаланиш асосида ривожланмоғи лозим. Лойиҳалаш ташкилотлари жаҳон практикасида эришилган барча янгиликларни, илгор тажрибани кўзда тутишлари, корхоналарни фап ва техниканинг энг янги ютуқлари даражасида барпо этиш учун энг янги замонавий техника воситаларида фойдаланишлари лозим. Лойиҳаларда шундай технология пазарда тугилиши керакки, бу технология ҳар бир янги корхонада бир килограмм хом ашё ва материалдан ҳозирги кунда мавжуд заводларда ишлаётганига қараганда анча кўн ва яхши сифатли маҳсулот чиқариш имконини берсин. Янги лойиҳалар капитал маблағларининг юксак самарадорлигини таъминлаш лозим.

Тажриба тасдиқлаганидек, сапоатда қуввати орттирилган агрегатларни ишлатиш мақсадга жуда ҳам мувофиқ бўлади. Бу иқтисодий самара беради. Масалан, ҳар бири 200 минг тонналик агрегатлари бўлган умумий қуввати 800 минг тонналик синтетик аммиак заводи қуриш умумий қуввати худди шунча бўлиб, лекин ҳар бир агрегатининг қуввати 100 минг тонналик завод қуришга қараганда 25 процент арзон тушади. Нефть тозалаш сапоатида ҳар бир ишлаб чиқариш установкасининг қувватини икки баравар ошириш қурилишда капитал маблағлар салмоғини 20—25 процент камайтириш ҳамда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш имконини беради.

Лойиҳа-смета ишнини қатъиян яхшилаш учун лойиҳалаш ташкилотларининг лойиҳалар сифати учун масъулиятини ошириш ва қурилишнинг смета қийматини тўғри белгилаш лозим.

Янги беш йилликда уй-жой қурилишига катта капитал маблағлар ажратиш кўзда тутилади. Бу маблағлардан жуда самарали фойдаланиш учун уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришдаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш лозим.

Архитекторлар аҳоли учун қулайликлар яратишга кўпроқ эътибор беришлари, квартираларнинг плапларини ҳамда турар жой ва жамоат биноларининг ташқи безагини яхшилашлари, бунда ортиқчаликларга йўл қўймасликлари керак, албатта.

Бундан буён ҳам қурилишни индустрилаш ва механизациялаш даражасини ошириш, одатдагидек қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг пудрат усулини қўлланиш лозим. Илгор методларни ва самарали технологияни иланли суратда қатъият билан жорий қилиб борни, қурилишларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш керак.

Қурлиш сифатини қатъий суратда яхшилаш, қурлишда ва айниқса пардозлаш ишларида банд бўлган ишчиларнинг малакасини ошириш зарур.

Қурлиш материаллари соноати енгил ва тежамли деворбоп материаллари, чиройли ва чидамли пардозлаш материалларини, декоратив цементни, витрина ойнасини, керамикани, санитария техникаси буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариши керак. Беш йиллик мобайнида цемент ишлаб чиқаришни 72 миллион тоннадан 100—105 миллион тоннага етказиш, йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар, шифер ишлаб чиқаришни 1,6 баравар, дераза ойнаси ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Химия соноати қурилишни чидамли, яхши бўёқлар ва бошқа материаллар билан таъминлаши керак. Маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлаштирмоқ лозим.

Ўртоқлар! Бизнинг бинокорларимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун олиб борилаётган курашнинг олдинги сафларида турибдилар. Янги беш йилликда бинокорлар олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Экономиканинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш ва совет кишиларининг фаровонлигини яна ҳам яқинроқ кўришни таъминлашнинг олдинчи вазифасидир. Бунга асосан коммунистларнинг кўп миллионли коллективи ана шу вазифаларни шараф билан адо этади.

7. ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўртоқлар! Коммунистик қурилиш билан халқ фаровонлигини юксалтиришни бир-биридан ажратиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети янги беш йилликда экономикани ривожлантиришнинг асосий йўларини белгилаб чиқишда халқнинг турмуш даражасини ошириш тадбирларига алоҳида эътибор бердилар. Бу — беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳасини кўрпб чиқишда марказий масалалардан бири бўлди.

Совет халқининг фаровонлигини ўстириш суръатларини жадаллаштириш — партия бошланган беш йилликда оғинмай амал қиладиган йўлдир. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини пзчиллик билан амалга ошириш ҳамда халқ хўжалигида асосий пропорцияларни жиддий суратда яхшилаш моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ютуқлардан совет кишиларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида тағин ҳам тўлароқ фойдаланишни таъминлайди.

Директивалар лойиҳасига кўра, истеъмол фондининг, яъни халқ истеъмолига сарфланадиган моддий неъматлар умумий сум-

масининг абсолют ўсиши янги беш йилликда бундан олдинги беш йилдагидан 1,7 барабар кўпаяди. Аҳоли реал даромадларининг, чакана товар обороти ҳажмининг, умумий овқатланish корхоналари обороти ҳажмининг, аҳолига маъший хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръатлари 1961—1965 йиллардагига нисбатан анча юқори қилиб белгиланган. Бу ҳақда қуйидаги маълумотларни келтираман:

Кўрсаткичлар	1961—1965 йиллардаги ўсиш (процент)	1966—1970 йиллардаги ўсиш
Реал даромадлар (аҳоли жон бошига)	20	Тахминан 30 процент
Чакана товар обороти ҳажми	34	43,5 процент
Умумий овқатланish корхоналарининг обороти	35	Қарийб 1,5 барабар
Аҳолига маъший хизмат кўрсатиш ҳажми . .	90	Тахминан 2,5 барабар

Кўриб турибсизки, халқ фаровонлигини ўстириш юзасидан белгиланган суръатлар муҳим кўрсаткичлар бўйича олдинги беш йилликда эришилган даражадан анча юқоридир.

Бу беш йилликда меҳнат ҳақини кўнайтириш ва ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш икки манба ҳисобига: давлат қўлида жамланган ресурслар ҳисобидан ва даромадларнинг (фойданинг) тобора кўпроқ миқдорда корхоналарда моддий рағбатлантириш фонди ҳамда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди шаклида корхоналар ихтиёрида қоладиган қисми ҳисобидан амалга оширилади. Эндликда ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг ўсиши кўп жипҳатдан муайян корхонадаги ишлаб чиқариш натижалари — сотилган маҳсулот ҳажмининг ўсиши, сифатининг яхшилланиши, меҳнат унумдорлигининг ва рентабеллик даражасининг ошиши, фойда миқдорининг кўпайишига боғлиқ. Бу соҳада ҳар бир коллектив олдида катта имкониятлар очилмоқда.

Халқнинг турмуш даражасини юксалтириш юзасидан белгиланган планда меҳнатга қараб тўланадиган ҳақнинг — ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг ҳамда жамоат хўжалигидан колхозчилар оладиган даромаднинг ўсиши ҳал қилувчи звено бўлади. Бу — ишлаб чиқаришнинг муҳим стимули ва аҳоли даромадлари ўсишининг асосий манбадир.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи беш йилликда ўрта ҳисобда камда 20 процент кўпаяди ҳамда янги беш йилликнинг охирига бориб қарийб 115 сўмни ташкил этади, жиктимоний истеъмол фондлари ҳисобидан тўловлар ва имтиёзларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир ишловчи бошига тахминан 155

сўмга отади. Колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадлари ўрта ҳисобда 35—40 процент кўпаяди. Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар меҳнат ҳақининг бутун фонди беш йиллик ичида тахминан 40 процент ўсади.

Бизнинг иш ҳақи сиёсатимизда беш йилликнинг энг муҳим ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда унинг рағбатлантирувчи ролини оғишмай ошириб бориш асосий масаладир. Иш ҳақини мухтазам суратда ошириб боришни моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва такомиллаштиришга энг кўп ҳисса қўшган ходимларни кўпроқ рағбатлантириш билан тўғри боғлаб бориш зарур. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, бунинг натижасида ҳар бир ишчи, инженер, техник ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланадиган бўлса ўзининг иш ҳақи қапчалик ошишини, корхонанинг қўшимча даромадида унинг улуши қанча бўлишини билсин.

Янги беш йилликда иш ҳақи минимуми оширилади. Айни бир вақтда ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкаси ва маоли оширилади. Бу ҳол ходимларнинг айрим категориялари меҳнатига ҳақ тўлашда тўғрироқ нисбат ўрнатилиши имконини беради. Бунда меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлган участкаларда, ер ости ишларида ҳамда интенсиблиги юқори даражада бўлган ишларда ишловчи кишиларга имтиёзани кўпайтириш лозим.

Булар ҳақида гапирганда биз малакаси ишчиларни ва хизматчиларни, хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ходимларни назарда тутамиз. Бу категориянинг ҳар бири унинг қўшимча даромадида ёрдамчи ишларни ҳар хил ҳисоблаш операцияларини кенгроқ кўламда механизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш лозим. Малакани ошириш ана шундай ходимларнинг кўпчилигига бориқча ишларга ўтиш имконини беради. Бу — ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш пуқтай назардан ҳам, партиямиз ўз олдига қўяётган асосий вазифа — халқнинг турмуш даражасини юксалтириш вазифаси пуқтай пазаридан ҳам қонуний процессдир.

Иш ҳақини ошириш билан бир қаторда баъзи категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинadиган солиқларни бекор қилиш ва камайтиришни давом эттириш кўзда тутилади.

Корхоналарда моддий рағбатлантириш фондларининг ташкил қилиниши барча ходимларнинг корхоналар ишнинг умумий натижаларини яхшилашда коллектив суратда манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради. Шу муносабат билан янги беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақида мукофотлар ва бир йўла берилadиган ҳақлар ҳиссасини ошириш кўзда тутилади. Бу тадбир ҳар бир ходим манфаатлари билан коллективнинг ва бутун жамиятнинг манфаатларини яхшироқ уйғунлаштириш имконини беради. Меҳнат унумдорлигини, иш сифатини, ишлаб чи-

қаршнинг индивидуал ва коллектив натижаларини ҳисобга олувчи мукофот системаларини рағбатлаштиришнинг янги системаси жорий қилина борган сари аста-секин ходимларнинг барча категорияларига ёйиш лозим.

Иш ҳақи сисёатида мамлакатнинг турли районлари хусусиятларини, уларнинг табиий-иқлим шароитларини, районларни хўжалик жиҳатда ўзлаштириш даражасини ва у ердаги мавжуд чакана нархларни ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вақтда Сибирда, Узоқ Шарқда ва Европанинг Шимолӣ қисмида иш ҳақига кўшиладиган коэффицентлар барча ишчи ва хизматчиларнинг ҳаммаси учун ҳам жорий этилмаган. Янги беш йилликда бу номувофиқлиги бартараф қилиш лозим. Шу билан бирга чекка Шимол районларида ва бу районларга тегилаштирилган жойларда ишлаётган кишилар учун имтиёзлар кўпайтирилади.

Маълумки, кейинги йилларда капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи кескин синфий кураш жараёнида иш ҳақини бирмунча оширишга муваффақ бўлди. Лекин бу устамалар энг зарур товарлар нархининг, квартира ҳақининг, коммунал ва бошқа хизматлар қийматининг мунтазам суратда оширилиб бораётганлиги туфайли, медицина хизматининг қимматлиги туфайли реал аҳамиятини анча йўқотмоқда.

Ҳатто энг тараққий этган капиталистик мамлакатларда ҳам меҳнаткашларнинг кўпгина табақалари камбағаллик ва қашшоқликка маҳкум этилган. Шуниси ҳам борки, бунинг сабаби ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ўсмаганлиги эмас, балки аслида капиталистик ишлаб чиқариш усулига хос бўлган социал иллатлар, яъни кризислар, ишсизлик, майда ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлиши, ирқий ва миллий нотенглик, хотин-қизлар меҳнатига камроқ ҳақ тўлаш, айрим иқтисодий районларнинг тапазулга юз тутиши оқибатидир.

Социалистик тузум халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги бу тўсиқларни улоқтириб ташлади, тарихда биринчи бўлиб халқнинг турмуш даражасини моддий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш даражасига ва меҳнат унумдорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйди ва бу билан ҳар бир меҳнаткам учун ўз моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўла-тўқис қондириш йўлини очиб берди.

Халқ фаровонлигини ошириш вазифасини ҳал этишда меҳнаткашлар даромадларини меҳнатга қараб ҳақ тўлаш ҳисобидан кўпайтириш билан бир қаторда ижтимоий истеъмол фондлари муҳим роль ўйнайди. Бу фондлар бизнинг шароитимизда меҳнаткашларнинг кўп болалик оилалари турмуш даражасини тезроқ ошириш ҳамда аҳолининг социал ва маданий эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имконини беради.

Директивалар лойиҳасида аҳолига ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан бериладиган тўловлар ва имтиёзларнинг умумий ҳажмини камида 40 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Бу

фондларнинг ўсиши биринчи навбатда пенсия таъминотини яхшилашга, болалар муассасаларида жамоат йўли билан болаларни тарбиялаш ва боқишга, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам соғлиқни сақлашни ва аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилашга қаратилди. 1970 йилда ана шу мақсадлар учун тахминан 60 миллиард сўм сарфланади.

Ишчи ва хизматчиларни пенсия билан таъминлаш соҳасида: ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга қариллик учун бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини 30 процентдан зиёд ошириш;

баъзи бир тармоқларда меҳнат интенсивлиги орттирилган ишларда банд бўлган саноат корхоналари ходимларининг айрим категорияларига қариллик учун тўланадиган пенсияларни 50 ёшдан тайинлаш;

қарилликда пенсия олиш учун ёш жиҳатдан ва пенсия ажратиш тартиби жиҳатдан колхозчиларни ишчи ва хизматчиларга тенглаштириш;

I группа инвалид колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорини ошириш, шунингдек, меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги туфайли инвалид бўлиб қолган III группа инвалид колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорини ошириш.

Ижтимоий истеъмол фондларидан фойдаланишнинг ботиқ муҳим йўли — болаларни жамоат йўли билан боқиб ва тарбиялашдир. Давлатга қарашли мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сонини 1970 йилда 12,2 миллионгача етказиш мўлжалланмоқда. Бу — 1965 йилдагига қараганда 1,6 баравар кўпдир. Шундай қилиб, шаҳар аҳолиснинг болалар муассасаларига бўлган эҳтиёжи қондирилади ва қишлоқ районлари аҳолисини булдай муассасалар билан таъминлаш анча яхшиланади. Мактаблардаги ва куни узайтирилган гуруҳлардаги ўқувчилар сонини баравардан зиёд кўпаяди.

Янги беш йилликда ишчи ва хизматчиларни ҳозирги вақтда белгиланган ҳафталик иш вақтининг умумий миқдорини сақлаб қолган ҳолда беш кунлик иш ҳафтасига (беш кун ишлаб икки кун дам олишга) кўчириш йирик социал-иқтисодий тадбир бўлади. Бу ҳол меҳнаткашларнинг бўш вақтларини кўпайтиради, уларга ўз истироҳатини, ўқибини яхши ташкил этиш, малакасини ошириш имконини беради. Шу билан бир қаторда беш кунлик ҳафтага ўтиш меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш экопомикасини яхшилашга ёрдам қилади. Икки кун дам олиш ускуналарни ремонт қилишни яхши ташкил этиш, бекор туриб қолганларни камайтириш, ёқилги ва энергия сарфини қисқартириш ва шу сингариларга имкон беради. Чунончи, кўп вақтдан буён беш кунлик иш ҳафтаси билан ишлаётган бир қанча тўқимачилик, машинасозлик, химия ва металлургия корхоналарининг

тажрибаси буни кўрсатиб турибди: бу корхоналарда меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот ташири пасайди.

Кейинги йилларда савдонинг яхшилаш соҳасида анча ишлар қилинди. Асосий озиқ-овқат ва сапоат товарлари кўпроқ миқдорда сотилди. Магазинлар ва бошқа савдо корхоналари, шунингдек, складлар, сабзавот ombорлари қуришга ўтган беш йилликда тўрт миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаган эди. Магазинлар сони 59 миңга, ошхона ва бошқа умумий овқатланш корхоналари сони 46 миңга кўпайди, склад ва холодильниклар тармоғи кенгайтирилди.

Аммо давлат ва кооператив савдосининг ривожини ҳали турмуш талабларидан орқада қолмоқда. Аҳолининг айрим товарларга бўлган талаби тўла қондирилмаяпти. Айрим жойларда, ҳатто етарли даражада мавжуд бўлган товарларни сотишда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда. Товарларни олиб бориб сотиш айниқса қишлоқ жойларда мутлақо етарли ривожланмаган, автолавкалар кам ишлатилади, ваҳоланки, улардан фойдаланиш арзонга тушади, колхозчилар ва совхоз ишчиларига хизмат қилишни анча яхшилайди.

Совет савдосини яхшилаш ҳозирги беш йилликдаги муҳим вазифалардан бирidir. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотини 45 миллиард сўм ёки тахминан 43,5 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ва енгил сапоат буюмларини сотишни анча кўпайтириш, шу жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотишни — 21 процент, сут ва сут маҳсулотлари сотишни — 37 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотишни — 71 процент, қанд-шакар сотишни — 22 процент, ўсимлик ёғи сотишни — 65 процент, маргарин сотишни 95 процент, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларини сотишни 44 процент, мева ва узум сотишни 30 процент, газлама, кийим-кечак, трикотаж сотишни 38 процент, пойфазал сотишни 26 процент кўпайтириш кўзда тутилади.

Аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган ва электр-рўзгор асбобларини сотиш ҳам тез суръатлар билан ортиб боради.

Таққослама маълумотлар мана бундай:

	1961—1965 йилларда сотилган	1966—1970 йил- ларда сотиш мўлжалланмоқда
Рўзгор холодильниклари (миллион дона)	4,7	18,5
Қир ювиш машиналари (миллион дона)	10,9	19,0
Радиопрёмниклар ва радиолар (миллион дона)	21,5	30,0
Телевизорлар (миллион дона)	12,0	27,0
Мебеллар (миллиард сўмлик)	8,0	11,6

Бизнинг вазифамиз шундан иборатки, товар ресурсларини аҳолининг харид талабига тўла-тўқис мувофиқлаштириб олишимиз керак. Шунга айтиш керакки, савдо ходимлари аҳолининг талабини ўрганишни ҳали лозим даражада уюштира олганларича йўқ. Бу ҳол савдо ташкилотлари ишида хатоларга йўл қўйишга олиб келади, аҳолини айрим моллар билан таъминлашни ёмонлаштиради, бир қанча ҳолларда эса молларнинг кўплаб тўпланиб қолишига ва катта-катта моддий нобудгарчиликларга сабаб бўлади. Сўнгги вақтларда савдо ташкилотларининг саноатга заказ бериш практикаси жорий этилди. Бу тadbир ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар берди. Бу практикани ҳамма жойда омалаштириш лозим. Шунинг натижасида савдонинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга, уларнинг турларини кўпайтириб, сифатини яхшилашга ўтказадиган таъсирини кучайтириш имконияти туғилади.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, савдо ходимларининг товар оборотини кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш, иланлаштириш ва рағбатлантиришнинг саноатга жорий этилаётган янги системасига ўхшаш система савдода ҳам татбиқ этилади.

Умумий овқатланишда кўпгина жиддий нуқсонлар бор. Опхоналарнинг ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти ҳозир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўрсатишмайдилар. Шундан оулса ҳам кўпинча таомлар лаззатли қилиб тайёрланмайди, хўрадаларга маданий хизмат кўрсатиш савияси ҳамон паст.

Бу беш йилликда умумий овқатланишни яхшилашга катта эътибор берилиши керак. Умумий овқатланиш корхоналарининг обороти тахминан бир ярим барабар кўпайтирилади. Кўпгина янги опхоналар, кафелар ва ресторанлар очиб мўлжаллаб қўйилган. Барча корхоналарда, қурилишларда, совхозларда ва ўқув юртларида психқ овқат билан таъминлаш имкониятини яратиш лозим.

Матлубот кооперацияси янада ривож тоилади. У кийим-кечак, пойафзал, ёқилги, бинокорлик материаллари, маданий-маиший ва хўжалик товарлари билан узлуксиз савдо қилишни йўлга қўйиш, новвойхоналарни кенгайтириши ва кўпайтириши, умумий овқатланишни ва қишлоқ аҳолисига бошқа хилдаги хизматлар кўрсатишни яхшилаши керак.

Қишлоқ ва шаҳар савдосидаги нархлар бир хил қилиб қўйилган ҳозирги вақтда қишлоқда харидорнинг зарур ҳамма нарсаларни қишлоқ магазинида ҳам сотиб олиши учун зарур шароитларни яратиш қўйиш лозим. Бу — матлубот кооперациясининг вазифаси.

Халқ истеъмол қиладиган айрим товарларнинг, аввало болалар учун керакли товарларнинг, давлат чакана нархларини пасайтириш меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш манба-

ларидан бйридир. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўсган сари ва зарур товар ва молня ресурслари жамғарилган сари нархлар пасайтириб борилади.

Колхоз бозорларида савдои яхшилаш зарур.

Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга боғлиқ. Биз маиший хизматни халқ хўжалигининг йирик, техника билан қуроллантирилган тармоқларида бирга айланттиришимиз лозим. Буниинг учун қулай шароитлар вужудга келтирилмоқда: маиший хизмат учун керакли ускуналар, машина ва механизмлар, жумладан, кир ювиш ускуналари, кийим-кечаклари хизмат тозалаш, пойафзални ремонт қилиш учун, сартарошхоналар учун керакли машиналар ишлаб чиқариш анча кўнайтирилади. Маиший хизмат корхоналарини материаллар ва химикатлар билан таъминлаш тубдан яхшиланади. Бу корхоналарни қуриш ва техника билан таъминлаш учун анчагина капитал маблағ сарфлаш мўлжаллаб қўйилди, банк кредитидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми беш йил ичида тахминан 2,5 баравар, шу жумладан қишлоқ жойларда 3 баравардан зиёд ортади. Қишлоқларда уларга яқин шаҳарлардаги ва район марказларидаги маиший хизмат корхоналарининг филиаллари ва қабул пунктлари ташкил этилади.

Маиший хизматни ривожлантиришга қилинган харажатларнинг ўрни тез қоплашиб кетишини тажриба кўрсатмоқда. Маиший хизмат корхоналарини плаплаштиришнинг янги шароитларига ўтказиб, шу корхоналардаги ходимлар иш ҳақини хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга бевосита боғлиқ қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими шуки, маиший хизматни ташкил этишга ташаббускор, одамларга қулай бўлиши учун ишмалар кераклигини тушунадиган кишиларни жалб этиш зарур. Масалан, квартирани тез ва яхши ремонт қилиб бериш, янги уйга кўчиб чиқадиган кишиларга янги квартирага кўчиб ўтиш ва ўрнашиб олишда ёрдам бериш, сотиб олган нарсаларини уйига олиб боришда харидорга кўмаклашиш, пойафзал, кийим-кечак, рўзгор асбобларини яхши, тез ва арзон ремонт қилиб бериш керак.

Уй-жой проблемаси бу энг катта социал проблемалардан биридир.

Одамларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражаси халқ турмуш даражасининг шундай кўрсаткичлари қаторига кирадик, бу кўрсаткичлар миллий даромад жорий ишлаб чиқаришининг ҳажмигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жамғарилган бойлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади, чунки уй-жой фонди бир печа ўн йиллар давомида вужудга келтирилади.

1966—1970 йилларда шаҳарларда, илчи посёлкалари ва совхозларда умумий сахни 480 миллион квадрат метрдан кўпроқ

бўлган уй-жой бинолари қуриш мўлжалланмоқда, бундан ташқари қишлоқ жойларда аҳолининг ва колхозларнинг кучи билан 2—2,5 миллионта уй қуриш кўзда тутилмоқда.

Уй-жой қурилишига марказлаштирилган тарзда ажратилдиган давлат капитал маблағларини кўпайтириб бориш билан бирга корхоналардаги социал-маданий тadbирлар ва уй-жой қурилиши фондидан кенгроқ фойдаланиш керак. Кооператив тарзида уй-жой қуришни бутун чоралар билан рағбатлантириш (бундай қурилиш ҳажми 3—4 барабар кўпайтириш белгилаб қўйилди), ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига ва кредит ёрдамида яқка тартибда уй қуриб олишида уларга кўпроқ кўмаклашиш зарур.

1966—1970 йилларга мўлжалланган уй-жой қурилиши программаси ўтган беш йилдаги 54,6 миллион киши ўрнига тахминан 65 миллион кишининг уй-жой шaroнтини яхшилаш ва янги уйларга кўчириб ўтказиш имконини беради. Бу — катта программа. Бироқ, ҳали бу билан уй-жой масаласи тўла-тўқис ҳал этилмайди. Шу сабабли янги-янги уй-жой бинолари қуриш учун зўр ғайрат билан зарур маблағларни қидириб топишни давом эттириш керак.

1966—1970 йилларда коммунал хўжалигини ривожлантиришга сарфланган маблағларнинг кўпайиши билан қишлоқ жойларидаги

қуриш ишлари шундан кўра шаҳар ва посёлкалар марказлаштирилган тартибда сув билан таъмин этилади, кўпгина шаҳарлар газлаштирилади. Қишлоқ жойлардаги уйларни ҳам газлаштириш ишлари бошланади. Тўзгор оқтнежларни учун электр энергиясидан кенгроқ фойдаланиладиган бўлади.

Ўртоқлар! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ соғлигини сақлашга катта эътибор бермоқдалар. Совет Иттифоқи сўнгги йилларда ўлим энг кам бўлган мамлакатдир. Бизнинг медикларимиз кўпгина касалликларга, айниқса юқумли касалликларга қарши курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу — уларнинг зўр хизматиدير. Бизда тўрт миллиондан ортиқ медицина ходими, шу жумладан беш юз эллик беш минг врач халқ саломатлигини кўриқлаб турибди. Соғлиқни сақлашнинг моддий базаси анча мустаҳкамланди.

Бироқ соғлиқни сақлаш системасида ҳали кўпгина камчиликлар бор. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, беморларга кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор билан қараш, амбулатория ва поликлиникалар, санитария хизмати, уйда медицина ёрдами кўрсатиш, тез медицина ёрдами кўрсатиш станциялари шохобчасини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш лозим.

Янги беш йилликда ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатишни кенгайтириш, соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш белгиланди. Кўп миқ-

дорда янги шаҳар ва қишлоқ район касалхоналари ва поликлиникалари қурилади, дорп-дармонлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Беш йилликда касалликларнинг олдини олишни кучайтиришга, болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, физкультура ва спортни ривожлантиришга, ташқи муҳит — ҳаво ва сувни тозалашга, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Эпидемияга қарши курашувчи санитария хизмати органлари биринчи навбатда саноат корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан санитария талабларини кучайтиришлари лозим. Вирусли касалликларга қарши, аввало грипп сингари касалликларга, шунингдек юрак, қон-томпир касалликларига, ёмон сифатли шилшларга қарши курашишга алоҳида эътибор берилиши керак. Янги шифобахш моддалар, антибиотиклар, самаралли вакцина ва сивороткалар ҳосил қилиш, шунингдек янги медицина асбоблари, аппарат ва ускуналари яратиш соҳасида катта иш қилиниши лозим.

Бизнинг медик олимларимиз, врачларимиз ва халқнинг зўр иззат-икромига сазовор бўлган барча медицина ходимларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, соғлиқни сақлаш ишида янги-янги муваффақиятларга эришадилар. Биз бунга шубҳа қилмаймиз.

Янги беш йиллик маданий қурилишнинг янги босқичи бўлиб қолиши керак. Беш йиллик планнинг бажарилиши билан моддий ишлаб чиқариш гоят ривож топади ва меҳнаткашларнинг турмуш даражаси анча ортади шу туфайли совет социалистик маданиятининг равнақ топиши учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси вужудга келтирилади. Социалистик қурилиш моддий неъматлар ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириб ва бу неъматлар билан бутун аҳолини таъминлаб, шу тариқа маданиятни ривожлантириш учун ҳам, шунингдек меҳнаткашларнинг кенг табақаларини ундан баҳраманд қилиш учун ҳам ҳамма шарт-шароитни вужудга келтириб беради. Бутун ҳокимият, бутун ижтимоий бойлик меҳнаткаш халқ тасарруфига бериб қўйилган бизнинг мамлакатимизда омма маданиятга шу қадар зўр ҳавас билан интиломоқдаки, омманинг маданий камолоти шу қадар жадал бормоқдаки, ҳеч бир капиталистик давлатда бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ: «...Бошқа ҳеч ерда халқ оммаси чиннакам маданиятдан биздагидек манфаатдор эмас; бу маданият масалалари бошқа ҳеч қаерда биздагидек чуқур ва изчил бир суратда қўйилган эмас»¹ деб айтганида, худди ана шуни назарда тутган эди. Ҳозирги вақтда Лениннинг бу қопдаси тағин ҳам актуал бўлиб қолмоқда. Янги

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 33-том, 483—484-бетлар.

беш йиллик социалистик маданиятни барқ уриб ривожлантириш беш йиллиги бўлиб қолгани керак!

Саккиз йил муқаддам СССРда мактаб ёшидаги барча болалар учун саккиз йиллик мажбурий таълим жорий этилган эди. Бу — социализмнинг улкан ғалабаси эди. Бу муваффақият бизнинг мамлакатимиздаги кенг меҳнаткашлар оmmasини энди қаноатлантира олмаяпти. Эндиликда биз халқ маорифини янги, тагин ҳам юксак поғонага кўтаришимиз, умумий мажбурий тўла ўрта таълимни жорий этишга ўтишни асосан тугаллашимиз керак.

Янги мактаблар қуришга катта-катта маблағлар сарфлаш мўлжалланади, чунки янги беш йилликда бундан аввалги беш йилдагига қараганда тўрт баравар кўп йигит ва қиз тўла ўрта маълумот олади. Партия, совет, касаба союз ташкилотлари янги мактаблар қурилишини ва уларнинг ишчи ташкил этишини доимий равишда контроль қилиб туришлари лозим. Саноат корхоналари, совхоз ва колхозлар янги мактаблар қуришда ва уларни жиҳозлашда катта ёрдам беришлари турган гап. Лекин умумий ўрта таълимни амалга оширишнинг чинакам тарихий вазифасини ҳал этишдаги асосий масъулият, табиий, совет мактаби ходимларининг зиммасига тушади. Бизнинг ўрта мактабимиз бир талай яхши натижаларга эришди. Лекин унинг ишда янги йиллар

да барқарор ўсиш мумкин ва лозим бўлган шартларни яна ҳам беш йилликдаги мактаб ўқувчиларини ўқитиш замонвий юксак механизациялаштирилган ишлаб чиқаришнинг кўп қиррали талабларига ҳали ҳам яхши бевариб олиб беришганини ўқувчиларнинг таълим улартиришмоқда, программаларда бемалол тушириб қолдирса ёки замонвий фан нуқтаи назаридан бошқа муҳимроқ масалалар билан алмаштира бўладиган масалалар жуда кўп; бир қанча фанлар бўйича барқарор дарсликлар йўқ. Ҳар бир мактаб ўқувчисини ички интизом, уюшқоқлик, сабот билан ўқиш руҳида тарбиялаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Мактаб ўқувчиларини жисмоний ва эстетик тарбиялашга етарли эътибор берилмаяпти.

Янги беш йилликда ўрта мактаб ишсини анча яхшилаш лозим. Бу ишга куч-гайратни аямаслик керак: чунки мактаб одамнинг шахсини камолотга етказди. Биз шунга эришишимиз керакки, мактабларимиз ёш авлодга пухта билим берадиган бўлсин, уларда меҳнатга муҳаббат уйғотсин, уларни ижтимоий бурчини юксак даражада англаш руҳида тарбияласин, йигит ва қизларда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини талабларига мувофиқ келадиган фазилатларни вояга етказсин.

Ўз-ўзидан равшанки, мактабда таълим-тарбия ишларини тақомиллаштириш қандайдир кампания ёки навбатдаги қайта қуриш бўлмай, балки тала-партишлик қилмасдан кун сайин олиб бориладиган ва илмий асосга қурилган ижодий ишдир.

Бизнинг халқ ўқитувчиларимиз жуда катта аҳамиятга эга бўлган, ҳақиқатан ҳам олижапоб ишни қилмоқдалар. Биз халқ

ўқитувчиларнинг роли ва обрўсини тағин ҳам баланд кўтаришимиз керак. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, колхоз ва совхозларнинг коллективлари ўқитувчининг самарали ишлаши учун зарур шароитларнинг ҳаммасини яратиб беришлари, ёш авлодни тарбиялашдек қийин, лекин шу билан бирга ошжаноб ишда унга кўмаклашишлари лозим.

Ушбу беш йилликда ўрта мактабни ва техникумни ҳар йили 4—5 миллион киши битириб чиқадиган бўлади. Улардан бир қисмининг олий ўқув юртларига қабул қилиниши маълум. Битириб чиқувчиларнинг кўнчилиги халқ хўжалигига ишга боради, шу сабабдан беш йиллик планда ҳар бир йилит ва қизнинг турмушдаги ўз ўрнини топиб олишга имкон берадиган тадбирлар кўзда тутилиши керак.

Профессional-техника таълимининг аҳамияти охиб бормоқда. Professional-техника билим юртларига қабул қилишни беш йилликнинг охиригача йилига 1,7—1,8 миллион кишига етказиш мўлжалланмоқда. Бу вазифа professional-техника билим юртларида кўпайтириш ва кенгайтиришни, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Совет халқ хўжалигида ўрта махсус маълумотли ходимлар жуда етишмай турибди. Шу сабабли техникумларга ўқувчилар қабул қилишни тахминан бир ярим баравар кўпайтириб, 1970 йилга борганда 1600 минг киши қабул қилини кўзда тутишмоқда. Техникумларда ўқитиш ишларининг ҳаммасини ҳозирги замон талабларига мослаб ташкил этишни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши керак.

1965—1966 ўқув йилида совет олий мактабда уч миллион 861 минг студент ўқимоқда. Янги беш йилликнинг охирига борганда олий ўқув юртларининг биринчи курсларига студентлар қабул қилишни 940 минг кишига етказиш мўлжаллаб қўйилди. Ҳаммаси бўлиб мамлакат олий ўқув юртларида 5 миллионга яқин студент ўқийди.

Мутахассислар тайёрлаш савиясини ошириши керак. Турмуш, ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги, фан-техника тараққиёти буни қатъий талаб этмоқда. Олий ўқув юртлари ва техникумлар ўз студентларини марксизм-ленинизм дунёқароши билан, чуқур назарий ва амалий билимлар билан қуроллантириши лозим. Мамлакат олий мактабдан яхши мутахассислар, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиларини, экономикани, бошқариш методларини, меҳнатни илмий ташкил этиш принципларини муфассал биладиган кадрларни етиштириб беришни кутмоқда.

Олий мактабнинг ўқув планларини, студентлар ва ўқитувчиларнинг иш вақти бюджетини анализ қилиб чиқиши, лекцияларга, семинарларга, амалий машғулотларга, студентларнинг кутубхонада, лабораторияда мустақил ишлашига кетадиган вақтни

рационал таъсирлаш ва ўқитувчилар билан студентларнинг ижодий ишларини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини яратиб берилг керак.

Бизнинг аjoyиб олий ўқув юртимиз ва илмий-тадқиқот институтларимиз бор. Бизнинг мамлакатимиз атоқли олимлар, фан соҳасида талабтли ёшлар билан фахрланшга ҳақлидир. Атоқли олимларимизнинг номлари жаҳон фани тарихига ёзилиб қолди. Лекин шундай бўлса ҳам биз шунини айтишимиз керакки, илмий-тадқиқот институтлари ишининг ташкил этилиши, кадрларни танлаш, кучларни жой-жойига қўйиш, иқтисодий ва маънавий рағбатлаштириш формалари илмий-тадқиқот ишларини яхшилашга, янги тадқиқотларни, дадил илмий режаларни ишлаб чиқариш билан яқиндап боғлашиб ишлашши, фан-техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини ўртага қўйишда старли равишда ёрдам бераётгани йўқ. Ишбу шундай ташкил этиш керакки, бунда аввало табиёт ва техника соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий меҳнатнинг энг унумдор соҳаси бўлиб қолсин. Бу — шунчаки истаккина бўлиб қолмай, бу — ҳозирги турмушнинг муҳим талабидир.

Бурувча думанларимиз сўнгги вақтларда, партия ва Совет ҳукумати фақат техника фанлари ва табиётнинг шу фанларга алоқадор тармоқларига кизикмоқда. Леб даво кунда бошқарулар бу тармоқ ҳел қилган борми.

Фаолиятимиз мустаҳкам илмий замишга, ижтимоий тараққиётнинг энг ялғор назариясига таялмоқда. Марксизм-ленинизм фан бўлиб, мамият тараққиётини ва ижтимоий ҳаётни таъинишда фан иезишда раҳбарлик қилинмоқда. Марксизм-ленинизм философияси билмнинг барча соҳалардаги илмий-тадқиқотларнинг методологияси бўлиб қолганига анча вақт бўлди. Тарихий материалистик тушунишга асосланган ва социалистик жамиятдаги конкрет фактларни умумлаштириб бераётган социологик тадқиқотлар, амалий масалаларни — сивсий, ишлаб чиқариш, тарбиявий масалаларни ҳал этишда кун сайин тобора катта роль ўйнамоқда.

Социалистик маданиятни янада ривожлантириш учун мамлакатимизда жуда катта имкониятлар бор. Бизда ишчилар ва деҳқонлар орасидан чиққан халқ интеллигенциясининг йигирма беш миллиондан ортқ армияси ишлаб турибди. Барча иттифоқдош ва автоном республикаларда маданият ва саъят муассасаларининг кенг тармоғи барпо этилган. Давримизнинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, меҳнаткашларнинг кенг оммаси бадий ижодкорликка жалб этилган. Халқ маданият университетлари, халқ театрлари, филармониялар, ансамбллар ва бошқа бадий коллективлар ишда шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашлардап ўн миллионга яқин киши қатнашмоқда. Нашриётчилик, кино, радио, телевидение кенг ривож топди. Буларнинг ҳаммаси халқни ғоя-

вий ва маданий тарбиялашнинг қудратли воситалари бўлиб, биз улардан тўла-тўқис фойдаланишимиз керак.

Экономика ва маданиятнинг ҳозирги даражаси, уларнинг янада ривожланиши коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифасини ҳал қилиш учун — жисмоний ва ақлий меҳнат ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириб беради. Янги беш йиллик бу буюк социал вазифаларни ҳал этишда қўйилган шахдам одим бўлиши лозим.

Директивалар лойиҳасида совет маданияти ва савъятини янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун зарур моддий пегиз белгилаб берилган. Шаҳар ва қишлоқдаги театрлар, клублар, маданият саройлари ва уйлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг бутун кенг шохобчаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг маданий савъясини ошириш, халқимиз жуда бой бўлган талентлар ва истеъодларни ривожлантиришга самарали хизмат қилиши керак. Ижодий интеллигенция, барча маданият ходимлари социалистик тузум яратиб берган қулай шарт-шароитлар ва имкониятлардан совет халқининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш учун тағин ҳам яхшироқ фойдаланишлари зарур.

Халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савъясини ошириш юзасида Директивалар лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга, юқорида айтиб ўтганимдек, жуда катта моддий харажатлар қилиш керак бўлади. Бироқ партия Марказий Комитети ва Ҳукумат бу тадбирларни минимал тадбирлар деб билмоқда. Бу беш йилликда олға томон қапчалик йлдамлаб кетшимиз, халқ фаровонлиги даражасини ошириш учун қўшимча равишда пималар қила олошимиз бизнинг ўзимизга, меҳнатимизнинг ва хўжалик юрйтишимизнинг натижаларига боғлиқ бўлади. Агар биз ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот танвархиши камайтириш, рентабеллиликни ошириш бўйича план тошшириқларини ортинги билан бажарадиган бўлсак, давлатимиз халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида қўшимча тадбирларни амалга ошириш учун катта моддий имкониятларга эга бўлади.

8. СССР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўртоқлар! Ўтган етти йилликда Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни актив ривожлантиришни давом эттирди. Давлатимизнинг бу соҳадаги фаолияти совет экономикасини янада юксалтиришга ёрдам берибгина қолмасдан, шу билан бирга жаҳон социалистик системаси мамлакатларини жипслаштиришга, бу системанинг қудратини кучайтиришга, Осиё ва Африкада мустақил ривожланиш йўлига тушиб олган ён мил-

Иқтисодий ҳамкорликнинг ривожлантирилиши, равшанки, янги масалаларни ҳам келтириб чиқармоқда. Ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар ўзларига керакли жаминки ускуналар ва машиналарнинг 95 процентдан кўпроғини ўзлари ишлаб чиқарган ва ўзаро айирбошланган ускуналар ва машиналар ҳисобидан олоқдалар. Бундай шароитда саноат ва ташқи савдо ташкилотлари эгемасида энг юқори сифатли молларни ўз эгемаларига олинган мажбуриятларда кўрсатилган муддатларда ўзаро етказиб беришни таъминлашдек катта масъулият турибди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, дўстларимизнинг мамлакатларида ҳам саноат ва ташқи савдо ходимларининг диққат ва эътибори мана шунга қаратилишига ишончимиз комил.

Директивалар лойиҳасида саноатда иқтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни кенгайтиришдан социалистик мамлакатларнинг манфаатдор эканликлари ҳам ҳисобга олинган. Табиийки, социалистик ишлаб чиқариш кооперацияси заминда унинг ҳар бир аъзосининг манфаатларига қатъий роя қилиш ётади.

Янги беш йилликда биз илмий-техник ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳам кўп иш қилишимиз керак. Назарий ва амалий тадқиқотлар, конструкторлик ва лойиҳалаш ишлари соҳасида социалистик мамлакатлар сарфлаётган куч ва ғайратни координациялаш жаҳон социалистик системасининг ресурсларида рационал фойдаланиш борасидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Социалистик мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш биз учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир, чунки бу нарса ҳар бир айрим мамлакатнинг ва бутун жаҳон социалистик системасининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати пролетар интернационализмининг ленинча принципларига амал қилиб қардош мамлакатларнинг ҳамкорлигини кенгайтирмоқ учун, социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий қудратини оширмоқ учун, унинг бирлигини мустаҳкамламоқ учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўраверади.

Биз СССРнинг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатлар билан иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Бутун инсониятнинг қарийб ярмиси яшаб турган шу мамлакатлар ҳозирги шароитда империализмга қарши шиддатли кураш майдони бўлиб қолдилар. Совет Иттифоқининг ёш миллий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги шу давлатлар экономикасини мустаҳкамлаб, тинчликни ҳамда халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш йўлида сарфланаётган куч ва ғайратнинг муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий соҳада СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлиги шу мамлакатларда миллий саноатнинг муҳим

тармоқларини вужудга келтириш, техника кадрлари ва илмий кадрлар тайёрлаш, уларнинг жаҳон бозоридagi позициясини мустаҳкамлаш снгари туб проблемаларни ҳал қилиш мақсадини кўзда тутиб. Совет Иттифоқи учун бу ҳамкорлик халқаро меҳнат тақсимотининг афзаликларидан кенроқ фойдаланиш соҳасида қўшимча имкониятларни ҳам очиб бермоқда. Биз мазкур мамлакатларнинг традицион молларини — пахта, жуш, тери, рангли металл рудаларининг концентратлари, ўсимлик мойи, мева, кофе, япчилмаган какао, чой ва хом ашёнинг бошқа турларини, шунингдек тайёр буюмларни ҳам тобора кўпроқ сотиб олишимиз мумкин.

Беш йиллик мобайнида бизнинг ривожланаётган мамлакатлар билан товар оборотимиз анча кўпайтирилади. Бунда товар обороти кўпайтирилибгина қолмасдан, шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлар экономикасидаги силжишларга мувофиқ равишда товар оборотининг структураси ҳам ўзгартрилади. Беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳасида ўзининг мустақил миллий экономикасини қураётган мамлакатларга машиналар ва ускуналарни экспорт қилишни анча кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Запас қисмлар, комплектловчи буюмлар, шунингдек материаллар ва хом ашёнинг баъзи турларини экспорт қилишни ҳам шунга яраша кўпайтира бориш муҳим вазифалар.

Техника кадрларини тайёрлашнинг муҳим мисоли инш аҳамияти катта. Шундан кадрлар вужудга келтиришнинг аҳамияти миллий сабоат корхоналари қуришнинг аҳамиятидан кам эмас. Директивалар лойиҳасида кадрларнинг кўпайтириш ва табиқани соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Имперализмга қарши қураш олиб бораётган халқларнинг ижодий қобилиятларига ишонамиз, уларнинг адолатли ишлари тантана қилишига ишонамиз ва шу халқлар билан иқтисодий ҳамкорлигимизни муттасил кенгайтириб бориш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлай берамиз.

Совет Иттифоқининг капиталистик мамлакатлар билан, биринчи навбатда Финляндия, Франция, Италия, Япония, Англия, Швеция билан савдоси ҳам кейинги беш йил ичида бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди. Бироқ, Ғарбнинг СССР билан савдо муносабатлари сунъий чеклашлардан ҳоли эмас. Бир қапча мамлакатларда совет молларидан ҳали ҳам ортиқча пошлиналар олинмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотининг объектив эҳтиёжлари, ҳеч шубҳасиз, шунга олиб келадикки, совет экспортининг структураси экономикамизнинг замонвий структурасига ва унинг имкониятларига тобора кўпроқ жавоб берадиган бўлиб қолаверади. Биз билан савдо қилувчилар Совет Иттифоқининг халқ хўжалигида рўй берган ва рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб иш қилсалар, бу нарса капиталистик мамлакатлардан биз харид қилаётган мол-

лар ҳажмиши анча кўпайтиришга имкон беради. Беш йиллик план юзасида Директивалар лойиҳасида капиталистик мамлакатлар билан товар оборотини янада ўстириш кўзда тутилмоқда. Совет Иттифоқи билан ўзаро фойдали мустаҳкам савдо алоқаларини ривожлантиришда манфаатдорликни акс эттирувчи узумддатли савдо ва кредит битимлари бундай ўсишга аввалги йиллардагига қараганда тағини ҳам кўпроқ даражада ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Шу нарса тобора равшан бўлиб қолмоқдаки, ҳозир илм ва техника соҳасида жаҳонда рўй бераётган революция халқаро иқтисодий мусобабатларда янада кўпроқ эркинлик бўлишини талаб қилади, социалистик мамлакатлар билан капиталистик система мамлакатлари ўртасида кенг иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун замин яратиб беради. Бу процесс эса ўз павбатида халқаро вазиятга самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтган беш йилликда ташқи савдо бир қапча муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ҳал қилишимизга ёрдам бериб келди. Бироқ ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши бизга очиб бераётган имкониятлардан ҳали ҳам етарли даражада фойдаланаётганимиз йўқ.

Ташқи савдонинг ролига бирмунча бошқачароқ тарзда баҳо бериш пайти келди. Ташқи савдо ташқилотларининг ходимлари кўпинча ўз доираларида ўралашиб қолмоқдалар, уларнинг бутун фаолияти бутун халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш вазифаларига бўйсундирилиши лозимлигини етарли равишда ҳисобга олмаяптилар. Шу нарса ўз-ўзида маълумки, ташқи савдонинг перспектив плани халқаро бозорда пайдо бўлаётган ҳамма имкониятлар ва ўзгаришларни кўзда тутиши мумкин эмас, лекин шунинг учун ҳам ташқи савдо ходимлари хўжалигимизнинг эҳтиёжларини яхши биллиб туришлари ҳамда молларни энг манфаатли тарзда харид қилиш ва сотиш масалаларини қўйишда ташаббус кўрсатиб туришлари жуда муҳим ишдир. Иккинчи томондан, саноат ходимлари кўпинча ҳали ҳам ташқи савдога қандайдир иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар. Бутунлай ногўғри бўлган бу қарашни ўзгартириш, саноат билан ташқи савдо ўртасидаги иш алоқаларини мустаҳкамлаш керак.

Янги беш йиллик планда биз экспорт ва импортнинг товар структурасини анча яхшилаш, экспорт билан импортнинг самарадорлигини ошириш, экспорт қиладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, савдо методларини такомиллаштириш, импорт моллардан тўғрироқ фойдаланиш чораларини кўзда тутишимиз лозим. Экспортимизнинг ҳажминини анча кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда машиналар, ускуналар ва бошқа тайёр буюмларни чиқариб чет мамлакатларга сотишни илдамроқ ривожлантиришни, кўп миқдорда валюта олтишимизни таъминлайдиган хом ашё турларини, ярим фабрикалар ва

материалларни экспорт қилишни кенгайтириш зарур. Бу муҳим халқ хўжалик вазифасини ҳал қилишга планлаштирувчи, саноат, ташқи савдо ва транспорт ташкилотлари муайян мақсадни кўзлаб биргалликда иш олиб боришлари орқали эришиш мумкин.

Ушбу беш йилликда саноатимизнинг ривожлантирилиши ташқи савдо соҳасида қўшимча имкониятлар очиб беради. Шунинг билан керакки, мамлакатнинг кўпгина машинасозлик заводлари ҳозирги куннинг ўзида ҳам техника жиҳатдан мукамал ва конструкцияси оригинал ускуналар ишлаб чиқармоқдалар. Шунинг учун ҳам ажойиб инженерларимиз ва ишчиларимизнинг ижодкорлиги ва маҳорати натижасида вужудга келган мана шу биринчи даражали маҳсулотни пардозлашга, техника ҳужжатларини расмийлаштиришга, хизмат кўрсатишни таъминлаш ва реклама қилишга етарли эътибор берилмаётганлиги сабаблигина баъзан шундай маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарилмай қолаётганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Патентлар ва лицензиялар билан савдо қилишга бизда кейинги вақтларгача етарли аҳамият берилмай келди. Аммо бутун дунёда бу савдо тобора сезиларли роль ўйнамоқда ва саноат моллари билан савдо қилишга қараганда тезроқ ривожланоқда. Бизнинг

қўлимизда бу соҳадаги имкониятлар кўпгина ҳолларда янада кўпайиб кетмоқда. Шунинг билан биз маҳорат лицензиялар бозорига мурожаат қилишнинг имконияти мумкин ва лозим. Ҳа навбатида бир марта ҳатто бу соҳадаги имкониятни ҳал қилиш билан ушбу соҳадаги имкониятни шунинг билан қараганда лицензияни сотиб олиш биз учун ҳам фойдали бўлади. Патент ҳуқуқларини чет эллардан сотиб олиш янги беш йилликда илмий-тадқиқот ишларида юз миллион сўмлаб пулни тежашга имкон беради.

Экспорт учун энг самарадор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш янги беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Министрликлар ва планлаштирувчи органлар ана шу вазифани бажариш масаласи билан жиддий шуғулланишлари лозим. Саноат ходимлари ўз маҳсулотларини мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам сотиш шароитини ўрганишлари, ташқи савдо министрлиги эса уларга зарур информацияни бериб туриши керак.

Ташқи иқтисодий алоқалар — ишмизнинг муҳим участкасидир. Бу участкада ишлаб турган кишилар катта давлат иштини бажармоқдалар. Уларга ёрдам бериб туриш, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак, СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларини муваффақиятли ривожлантириш, бу алоқаларнинг самарадорлигини ошириш СССР халқ хўжалигини янада юксалтиришга, совет ташқи сўнатишининг ленинча йўлини оғишмай ўтказишга ёрдам беради.

9. БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТИ Тўғрисида

Ўртоқлар! Партияимизнинг съездлари чет элларда ҳамisha ҳаманинг катта диққат ва эътиборини жалб қилиб келган. Совет Иттифоқи катта иқтисодий ва ҳарбий потенциалга, жуда зўр халқаро нуфузга эга бўлган буюк социалистик давлатдир. Чет эллардаги дўстларимиз янги совет беш йиллик планини тарихда биринчи бўлиб социализм қурган ва коммунистик жамият барпо қилишга киришган халқнинг бундай буёнги муваффақиятлари учун гаров деб билмоқдалар. Бизнинг бундай дўстларимиз эса ер кurrasининг ҳамма жойида бор. Бизнинг синфий душманларимиз Совет давлатининг муваффақиятлари билан тобора кўпроқ ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар.

Коммунизм қурилиши йўлидан бораётган галиб ишчилар синфи кўрсатаётган ўрнакнинг кучи жаҳон революцион жараёнининг ривожланишга ёрдам бераётган энг муҳим факторлардан биридир. Бизнинг халқ хўжалик планларимиз, эришган муваффақиятларимиз жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги кўп миллионли меҳнаткашлар оммаси орасида социализм ва коммунизмнинг энг яхши агитатори ва энг яхши пропагандисти деб айтиш учун тўла асосимиз бор, десак бўлади. В. И. Лениннинг, бизнинг социалистик давлатимиз халқаро революцияга ўз асосий таъсирини ўзининг хўжалик сиёсати билан ўткази беради, деб айтган сўзлари чуқур маънога эга эканлигини ҳозир биз ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳис қилмоқдамиз. Ленин социализм капитализмга қараганда тагин ҳам юксакроқ меҳнат унумдорлигини вужудга келтиради, деганида икки системанинг иқтисодий мусобақасини тарихан қонуний процесс сифатида таҳлил қилган эди.

Бу мусобақага ҳақиқатда бизнинг мамлакатимиз ички контр-революция ва чет эл интервенцияси тор-мор келтирилганидан кейин, совет халқи ўз партиясининг раҳбарлигида бир мамлакатда социализм қуриш тўғрисидаги ленинча идеяларни амалга ошира бошлаганида киришган эди. Ўз-ўзидан маълумки, дастлабки пайтларда биз капиталистик дунёнинг энг бой давлатларидан ўзиб кетиш вазифасини конкрет тарзда қўя олмас эдик. Лекин бизнинг иқтисодий позицияларимиз мустаҳкамлана борган сари бу вазифа тобора кўпроқ реал тусга кирди.

Масалан, пўлат ишлаб чиқаришга доир маълумотлар ҳам Совет Иттифоқининг саноат қуввати тўхтовсиз ўсиб борганлигини кўрсатиб турибди. Бизда 1928 йилда жаҳонда эритилаётган пўлатнинг атиги 3,9 проценти ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги вақтда биз қарийб 20 процентини ишлаб чиқармоқдамиз. СССРда 1928 йилда ишлаб чиқарилган пўлат АҚШда ишлаб чиқарилган пўлатнинг саккиз процентини ташкил қилар эди ва пўлат эритиш соҳасида биз Англия, Франция ва Германиянинг ҳар биридан анча

орқада турар әдик. 1965 йилда эса СССРда пўлат эритиш АҚШда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг 75 процентига етди ва Англия, Франция ҳамда Германия Федератив Республикасида ишлаб чиқарилган жамини пўлатдан анча ортиб кетди.

Капиталистик системанинг ўз табиғати хос тузалмас иллатлари бор. Буржуа экономистлари экономикаши давлат воситаси билан тартибга солишга ва бошқа факторларга умид боғламоқдалар. Аммо бу уришишларнинг ҳеч бири хўжалик ривожланишининг стихияли характерини тугатишга, муттасил иқтисодий ўсишга эришишга, иқтисодий ривожланишдаги потекисликни ва капитализмга хос бўлган антагонистик сифий зиддиятларини бартараф қилишга имкон бермайди. 1948 йилдан 1961 йилга қадар бўлган давр ичиде АҚШда ортиқча ишлаб чиқариш сабабли тўрт марта иқтисодий пасайиш содир бўлди. Айрим йилларда Ғарбий Европа мамлакатларида 8—10 процентга, Японияда эса ҳатто 15 ва ундан ҳам кўпроқ процентга етиб бораётган саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши вақти-вақти билан кескин равишда пасайиб турди. Кейинги бир-икки йилда Ғарбий Европада ва Японияда иқтисодий ўсиш суръатлари анча пасайганлини кўришиб турибди.

Умуман шуни айтиш мумкинки, урушдан кейинги тажриба капиталистик дунёдаги иқтисодий ахволнинг бинбаранг сифий ахволнинг ҳам бинбаранглигини тасвирлаш мумкин.

Совет экономикасига келганда, биз халқ хўжалигимизининг тўхтовсиз ривожланиб бораётганлигини қайд қилишимиз учун тўда эссимиза бор. Дунда биз йилдан-йилан ҳазордан ортиқча мамлакатга ошириш мамлакатимизининг иқтисодий қудратини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш, халқаро майдонда тинчлик ва социализм фойдасига янада силакишлар бўлишини таъминлаш демакдир.

Давлатнинг мудофаа қуввати ҳам давлат экономикасининг ҳолатига боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу фикр айниқса ҳозирги вақт учун жуда тўғри фикрдир, чулки қурол-яроғлар тобора мураккаблашиб бормоқда ва тобора қимматга тушмоқда, қурол-яроғлар ишлаб чиқариш учун фақ ва техниканинг юксак даражада бўлиши талаб қилинмоқда. Хўжалигимизни ривожлантира бериш билан биз Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини, бутун социалистик лагерининг қудратини мустаҳкамлай берамиз. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ва биришчи навбатда Совет Иттифоқининг жуда катта ҳарбий қуввати халқимизининг ва бошқа халқларининг революцион ғалабаларини бевосита ёки бавосита ўз паноҳига олиб турмаганда эди, бу революцион ғалабалар хавф остида қолган бўлур эди. Импералистлар ўзлари хоҳлаганларича ҳаракат қилишдан кўпинча чўчиётган эканлар, бунинг сабаби фақат шуки, улар бундай ҳаракат қилиш ўзлари учун нақадар хатарли эканлигини яхши биладилар.

Марказий Комитетнинг съездга қилган Ҳисобот докладиде ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги замондаги вазиятни атрофлича ана-

лиз қилиб берди. Ҳозирги кунда жаҳондаги аҳволнинг характери-ли хусусияти шуки, социализм ва тараққиёт кучлари янада ўсиб бораётганиги билан бир қаторда жаҳон реакцияси ўз позицияси-ни мустаҳкамлаб олишга, имкон бўлган жойларда эса ўзининг бой бериб қўйган позицияларини қайтариб олмоқ учун қарши ҳужумга ўтишга ҳам уришмоқда. Импералистлар ва биринчи навбатда Америка имперализми ўтказаятган агрессив йўл етил-ган кўнгина проблемаларнинг ҳал қилинишига тўғаноқ бўлиб турибди.

Табиийки, бундай шароитда биз мамлакатнинг муҳофаа қоби-лияти соҳасида сарфлаётган куч ва ғайратимизни асло бўшашти-ришимиз мумкин эмас. В. И. Ленин айтган қуйидаги сўзларни ҳамisha эсда сақлаймиз: «Ўзимизнинг тинч қурилишимизни бош-лаб юбориб уни узлуксиз давом эттирмоқ учун бутун кучимизни сарфлаймиз. Айни вақтда, ўртоқлар, сергак бўлиб туришлар, мам-лакатимизнинг ва Қизил Армиямизнинг муҳофаа қобилиятини кўз қорачигидек сақлашлар ва шуни эсда тутишларки, ишчи ва деҳқонларимизга ҳамда уларнинг галабаларига нисбатан эътибор-ни сусайтиришга бир дақиқа бўлса ҳам йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ».

Шунинг учун партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳуку-мати социализмни ҳимоя қилувчи, совет халқининг тинч меҳнати-ни муҳофаза қилувчи Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашни аввалгидек энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайверади.

Фактлар шуни кўрсатиб турибдики, халқ ҳўжалигимизнинг ривожланиши Совет Иттифоқининг халқаро аҳволига ва жаҳон-даги бутун вазиятга тобора кўнроқ таъсир ўтказаятган экан, ўз навбатида жаҳондаги вазият ҳам бизнинг планларимизга, иқти-содий ривожланишимизнинг жараёнига, суръатларига ва перс-пективаларига таъсир қилмоқда. Агар ҳамма парса фақат бизнинг ўзимизга боғлиқ бўлганида эди, ҳеч шубҳасиз, биз ҳарбий хара-жатларни анча қисқартирган бўлур эдик ва халқ ҳўжалигининг тинчликка хизмат қилувчи тармоқларига, миллий даромададаги истеъмол ҳиссасини янада кўнайтиришга капитал маблағлар сарф-лашни шунга яраша кўнайтира берган бўлур эдик. Биз кўп марта-лаб айтдик ва яна такрорлаб айтаемизки, импералистик давлат-лар инсониятни қуроллаштириш пойғасига қўшилишга мажбур қилган бўлса ҳам биз бу қуроллаштириш пойғасини зарарли ва хатарли деб ҳисоблаймиз. Инсон меҳнати, ғайратини ва маблағларини мана шундай бемаъни пероф қилишга чек қўймоқ учун Совет Иттифоқи ҳамма чораларни кўрди ва кўрмоқда.

Шу вақтгача айтиб келганимиз каби ҳозир ҳам такрор айта-мизки, Совет Иттифоқининг сиёсати — тинчликни ҳимоя қилиш сиёсатидир, инсониятни уруш йўлига судрамоқчи бўлган кучлар-га қарши кураш сиёсатидир. Бизнинг асосий вазифамиз янги жаҳон уруши хавфининг олдини олишдан иборат. Тинчликни

сақлаб қолишга ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай та-шаббусни маъқуллаймиз ва қувватлай берамиз. Халқаро кескин-ликни юмшатиш ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш пози-циясида турган ва турадиган ҳукуматларнинг ҳаммаси билан Совет Иттифоқи ҳамкорлик қилишга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

Тинч-тотув яшаш принциплари турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳал қилувчи принциплар бўлсин, деб биз шундай принципларни амалга оширишга аввалги-дек иштига берамиз. Халқаро вазиятни соғломлаштириш тўғриси-да КПСС Марказий Қомитетининг Ҳисобот докладда баён қи-лингган программани амалга ошириш шу мақсадга энг яхши хиз-мат қилган бўлур эди.

Халқаро аҳволнинг ҳар қанча мураккаблигига қарамай, биз, коммунистлар келажакка асосли оптимизм назари билан қарай-миз. Мамлакатимизнинг кучлари барқ уриб яшнаб турган, социал-лизм жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ғалаба қилган, ўз деле-гацияларини мана шу съездга юборган иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз шу қадар кўп бўлган, коммунистлик ҳаракат ер кўррасилишг ҳамма қитъаларига ёйилган ҳозирги кунда биз шунинг айтамузики, агрессорлар жиловланиб қўйилиши мумкин ва лозим, янги жаҳон урушининг олти олтинчи муҳими бу бўлади.

Бу имкониятни амалга оширмоқ учун КПСС Марказий Коми-тети ва Совет ҳукумати янги жаҳон урушига қарши чиқаётган-ларнинг мустаҳкам ва ғайритаъин ёнидаги қўлини қўйиб олиш таъбир этмоқда. Биз шунга асосланмоқдамизки, бу фронт пақадар кенг бўлса, тинчлик душманларининг ўз ёвуз ниятларини амалга оширишлари шу қадар қийин бўлади. Тинчликнинг чинакам дўст-лари ҳар бир мамлакатда жуда катта кўнчилиқни ташкил қилади, мана шу тинчлик дўстларининг ҳаммаси шунга амин бўлишлари мумкинки, Совет Иттифоқи умумий тинчлик манфаатларини ва халқлар хавфсизлигини охиригача ҳимоя қилаверади.

Биз, совет коммунистлари, ҳаммаша интернационалистлар бў-либ келганмиз ва бундан буён ҳам интернационалист бўлиб қола-верамиз. Бинобарин, биз ички масалаларни ҳал қилаётганимизда шунга асосланиб пш кўрмоқдамизки, бизнинг планларимиз ва ишларимиз социалистик ҳамдўстликнинг, халқаро ишчилар син-фнинг, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатининг янги муваф-фақиятлар қозонишига кўмаклашмоғи лозим. Шак-шубҳа йўқки, совет экономикасини янада юксалтириш ва унинг самарадорлиги-ни оширишнинг партия съездида муҳокама қилинаётган катта программасини муваффақиятли бажариш жаҳондаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатади.

Қардош партияларнинг жуда кўп делегациялари ўз нутқлари-да Совет Иттифоқи халқ хўжалигини янада ривожлантириш би-

лан боғлиқ бўлган масалаларга кўп эътибор бермоқдаларки, буни биз ғоят мамнуният билан қабул қиламиз. Улар беш йиллик плани муҳокама қилишда актив қатнашмоқдалар, деб тўла асос билан айтишимиз мумкин. Бу нарса бизнинг янги халқ хўжалик планимиз фақат Совет Иттифоқи халқларининггина жонажон иши бўлиб қолмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бизнинг янги халқ хўжалик планимизни барча қардош партияларнинг коммунистлари, Совет Иттифоқининг барча дўстлари, бутун дунёдаги прогрессив кишилар ҳам ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилмоқдалар. Бу ерда ҳозир бўлган меҳмонлар — қардош партияларнинг вакиллари халқ хўжалигимизни янада ривожлантириш программасига шу қадар зўр қизиқиш билан қараётганликлари, бу программани бажаришда бизга муваффақиятлар тилаётганликлари учун уларга партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан қизғин ташаккур билдирамиз.

Ўртоқлар! Янги беш йиллик планининг вазифалари жуда катта ва улғувор вазифалардир. Бундан олдинги беш йил пчида қилинган ишларга қараганда анча кўп ишларни бажаришимиз керак. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши ишчилар синфининг, бутун совет халқининг улғу мақсади бўлган коммунизм қурилишини тағин ҳам кенг авж олдириб юборади. Коммунизм қурувчиларнинг авангарди бўлган партиямизнинг бутун кўп қиррали фаолияти маъна шу мақсадга бўйсундирилган.

Коммунизм биз учун мавҳум идеал эмас. У объектив тарихий заруратдир. У миллион-миллион меҳнаткашларнинг инсон бахтсаодати йўлида, инсон фаровонлиги ва унинг ҳар томонлама эркин ривожланиши йўлида ҳар кун қилаётган жонли фаолиятидир.

Беш йиллик вазифалари шунчаки белгилаб берилган вазифалар эмас, бу вазифалар янги жамият қуриш практикасини умумлаштиришдан, социал-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичдаги объектив тенденцияларини ва эҳтиёжларини илмий анализ қилишда келиб чиқаётган вазифалардир.

Шу вазифаларни амалга ошириш йўлларини ва миқёсларини танлашда субъективизмга ўриш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Истаки воқелик деб тақдир қилиш ярамайди. Ривожланишимиз давомида тўпланган проблемаларнинг ҳаммасини имкон борича тезроқ ҳал қилишни истар эдик, албатта. Лекин шу проблемаларни ҳал қилишдаги ҳар бир қадам ҳар томонлама асосланиши лозим, эришилган натижаларга, ҳаммамизнинг меҳнатимиз билан яратилган реал имкониятларга таяниши лозим.

Беш йиллик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстиришнинг, пажтимоий ишлаб чиқаришдаги икки энг муҳим соҳа бўлган саноат билан қишлоқ хўжалигини бир-бирига мувофиқлаштириб ривожлантиришнинг барқарор суръатларига мустаҳкам негиз яратиб беради. Бу эса, шаҳар ва қишлоқдаги меҳнат ва турмуш

КПСС XXIII СЪЕЗДИДА 1966 ЙИЛ 7 АПРЕЛДА ҚИЛИНГАН ДОКЛАД БЎИШЧА ЯКУНЛОВЧН СУЗ

Делегат ўртоқлар! СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳасининг муҳокама қилиниши съезд делегатлари мамлакат иқтисодий тараққиётининг белгиланган программасини яқдиллик билан маъқуллаётганликларини ва бу программа барча совет кишиларининг қалбидан чуқур жой олганлигини кўрсатди. Бу программа совет халқининг манфаатларига ва ҳаётини эҳтиёжларига жавоб беради.

Съезд делегатларининг нутқлари ва Директивалар лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган вақтда киритилган таклифлар хўжалик қурилишининг етилган масалаларини қай тариқа яхши ҳал этиш, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш ва совет кишиларининг моддий фаровонлигини ўстиришни қай тариқа яхши таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Съезд делегатлари илгари сурган таклифлар мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг кўпгина проблемаларини ҳал этишга қўшилган катта ҳиссадир. Бу таклифларни съезд комиссияси қараб чиқди. Комиссия уларнинг бир қисmini Директиваларга киритишни таклиф этади. Урганиб чиқини талаб этилган бошқа таклифларни беш йиллик планни ишлаб чиқини вақтида эътибор билан қараб чиқини учун СССР Министрлар Советига, СССР Госпланига, министрликларга ҳавола қилиш таклиф этилади.

Директивалар лойиҳасининг яқдиллик билан маъқуллашганлиги партиямиз Марказий Комитети томонидан ўтказилаётган коммунистик қурилишининг беш йўлига баҳо беришда партия ва халқнинг бирлигини ёрқин пфода этади!

Эндилликда бизнинг олдимизда яқуда муҳим вазифа — Директивалар асосида 5 йилга мўлжалланган яқона давлат халқ хўжалик планини тузиш вазифаси турибди. Бу катта ва масъулиятли ишдир.

Яқин беш йиллик планни 4—5 ой ичида батамом тузиб чиқини зарур. Шундан кейин беш йиллик план СССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига қўйилади.

Беш йиллик планни тузиш соҳасидаги иш чинакам илмий асосларда, хўжалик раҳбарлигининг яқин шароитларини эътиборга олиб уюштирилиши лозим; иқтисодий проблемаларни ҳал этишга субъективистик ёндошинга йўл қўйини мумкин эмас. Бу иш яқодий ёндошини, план топшириқларини иқтисодий жиҳатдан асослаб беришни ва фан ҳамда техниканинг замонавий ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг самарали йўлларини танлаб олишни талаб қилади. Беш йиллик планни ишлаб чиқинишга илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари,

олимлар, халқ хўжалиги барча тармоқларининг мутахассслари жалб этилиши лозим. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш новаторлари ва илгорларининг тажрибасидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Шунинг эса тутиш керакки, халқ хўжалигини ривожлантириш ва халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тадбирларини муваффақиятли суратда амалга ошириш, пажтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ишлаб чиқариш фондлари ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга, ҳар бир қорхона хўжалик фаолиятининг натижаларига бутунича ва тамомла боғлиқдир. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида қаттиқ тежамкорликни йўлга қўйиш, программани тўла амалга ошириш учун керакли резервларни вужудга келтириш, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишни қаттиқ назорат қилиб туриш зарур.

Шундай қилганимиздагина халқнинг моддий фаровонлигини ўстириш юзасидан белгиланган программани муваффақиятли суратда амалга ошира оламиз ва совет кишиларининг турмуш даражасини янада юксалтириш учун асос ярата оламиз.

Янги план, унинг мақсад ва вазифалари ҳар бир меҳнаткашга аниқ-равшан бўлиши керак. Партия ташкилотлари янги беш йиллик плаимизининг улкан топшириқларини, бу планни бажаришнинг конкрет йўллари ва воситаларини ҳар бир совет кишисига маълум қилишлари керак.

Совет ҳокимиятининг таъбирига тўла ўзган бир шароитда беш йилликнинг бирипчи йили топшириқларини бажаришга киришди. Партия ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оmmasининг прода бирлигини ва белгиланган программани бажаришга таиёргарлигини мустаҳкамлаб бориб, беш йиллик планни бажариш йўлидаги умумхалқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партиянинг XXIII съезди белгиланган программани амалга ошириш учун, мамлакатимизда коммунизм қурилишида янги-янги муваффақиятларга эришиш учун партиямиз раҳбарлигида янги куч, янада зўр гайрат билан кураш олиб боради.

СОВЕТ—АРАБ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲҚАМЛАНАВЕРСИН

АСВОНДАГИ МИТИНГДА 1966 ЙИЛ 12 МАЙДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Қадрли дўстимиз Президент Ҳамол Абдул Носир! Қадрли араб дўстлар! Қадрли совет ўртоқларимиз!

Мешингча, Асвонда бу ерда кўрганларига бефарқ қарайдиган одам топилмаса керак. Лекин биз бундай кишилар қаторига кирмаймиз. Бу ерда бўлган кўпимиз бизнинг хотирамизда абадий сақланиб қолади. Биз Асвоннинг шонли қурувчиларидан, шаҳар аҳолисидан ва барча расмий шахслардан қизгин кутиб олганликларини учун, сидқидилдан айтган табрик сўзларини учун жуда миннатдоримиз.

Бирлашган Араб Республикаси халқининг меҳнат ғайрати, унинг оташин ватанпарварлиги, унинг ўз ютуқларини ҳимоя қилишга тайёр эканлиги менда ва мен билан бирга келган ўртоқларда катта таассурот қолдирди. Асвондаги шу улкан қурилиш майдончасида бўлганингда сизлар эришган миллий озодлик ва мустақиллик келтирган катта-катта ўзгартиришни айниқса аниқ ҳис қиласан киши.

Буюк Нилнинг ўзлаштирилиши Миср халқининг ажойиб ютуғидир. Қўйин иқлим шароитида, ривожланган саноат марказларидан йироқ жойда улкан техника иншоотларидан бири қад кўтармоқда. Баланд Асвон тўғонининг тарихи ҳали ёзилмаган, лекин сиз, қадрли ўртоқлар ва дўстлар, бу тарихни ўзларингизнинг ажойиб ишларингиз билан яратмоқдасиз. Қадимий, лекин илгарилари машҳур бўлмаган Асвон шаҳрини эндиликда бутун дунё билди.

Ўтган олти йил ичида ўз миқёсларини жиҳатидан жуда катта ишлар қилинди: сувни чиқариб ташловчи канал қазилди, гранит деворга олти туннель очилди, Нил тўсилди, энди унинг сувини янги ўзандан оқа бошлади. Жаҳон практикасида бунақа типдаги гидроэлектр станциялари қурилиши бўлмаган Асвон — Қоҳира электр узатишнинг юқори вольтли линиясини бунёд этиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Электр станциясининг энергияси саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига, Миср ишчиларини ва фаллоҳларини уйига кириб борадиган кун узоқ эмас. Йирик энергетика базаси вужудга келтирилади. Бу эса ўз навбатида янги

индустрия марказларини вужудга келтириш, машинасозликни ривожлантириш, минерал ўғитлар ва бошқа саноат маҳсулотлари турлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Тўғон қурилиб битгач, Нуби саҳросида катта денгиз — улкан сув омбори ҳосил бўлади ва унинг суви деҳқонларнинг далаларини суғоради.

Маълумки, БАР жуда кам ерли мамлакатлар қаторига киради. Табиат сизнинг халқларингизга ҳақиқатан ҳам тантаник кўрсатмаган: Нил қирғоғи ёнидаги ерлар эҳсиз, теварак-атроф бепоён саҳро. Лекин экин экиладиган майдонларнинг 30 процентга кўпайтирилиши БАР қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун энг муҳим тадбир бўлади.

Совет Иттифоқида ҳам қурғоқ ерларни پرригациялаштириш ва ўзлаштириш проблемаси бор. Ҳатто биз бу масалани партиямиз Марказий Комитети Пленумида махсус муҳокама қилмоқчимиз.

Бироқ, Асвон иншооти — қўшимча доп, ғалла, шол, пахтагина эмас, миллий даромадининг ўсишигина эмас. Асвон — бу халқнинг ўз қобилиятига ва яратувчилик кучига иншончининг рамзи, мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш тимсолидир.

Асвондаги қурилиш ўзи билан бирга, гарчи қарорларда қайд қилинмаган бўлса-да, лекин жуда катта аҳамиятга эга бўлган яна бир вазирлик қурилиши бўлади. Бу вазирлик қурилиши ҳам иншоотнинг

Асвондаги иншоотнинг қурилиши халқлари ўртасидаги дўстлик. Асвон байроғи бўлиб қолган дўстликнинг мустаҳкамлашиб бораётганлигини назарда тутаяман. Қурилишда мисрликлар билан биргача иншоотнинг совет катталикларимиз ҳам ишламоқдалар. Совет ишчилари ва мутахассисларининг биринчи гуруҳи Асвонга 1959 йилнинг ноябрида келди. Нил тўсиладиган пайтга келиб улар 1800 кишига етди. Ҳозир улар минг кишига яқин. Булар Волгада, Иртишда, Ангарда, Днепрда, Енисейда ишлаган малакали қурувчилардир. Ривожланаётган ёш давлатга ёрдамга келган совет киши — бу дўст ва биродар, меҳнатда ортирилган ўртоқлар.

Шу муносабатдан фойдаланиб, бу ерда ҳозир бўлган совет мутахассисларига мурожаат қилмоқчиман.

Қадрли ўртоқлар! Сизларнинг ҳаммаларингизга ва рафиқаларингизга Батанимиздан салом топширмоқчиман, партия ва ҳукумат сизларнинг фидокорона меҳнатингизни юксак қадрлаётганлигини айтмоқчиман. Сизларга оғир ва кўпикилмаган шароитларда меҳнат қилишга тўғри келаётган бўлса ҳам, Асвонда ўтказилган ойлар ва йилларини доимо зўр қизиқиш билан эслашингизга аминман.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан барча совет инженерлари, техниклари ва ишчиларини қизгин табриклайман. Ҳаммаларингизга Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида янги катта муваффақиятлар тилайман.

Бизнинг катта дўстимиз Президент Жамол Абдул Носир, банданд Асвон тўғони қурилиши ишлари бўйича министр ҳамда Бирлашган Араб Республикасининг бошқа давлат арбоблари бизга совет мутахассисларининг ишидан хурсанд эканликларини, уларнинг куч-қайратига қойил қолганликларини айтдилар. Улар ўтган олти йилдан кўп вақт мобайнида Асвондаги араб ва совет қурувчилари дўстлигига соя соладиган биронта ҳам ҳодиса юз бермаганлигини айтдилар. Биз бундай юксак баҳо берилганидан хурсандмиз. Совет кишилари БАР ҳукуматининг Асвон шаҳрида совет-араб дўстлигининг тимсоли сифатида монумент қуриши тўғрисидаги қарорини зўр қониқши билан кутиб олдилар.

Совет ва араб қурувчилари ўртасида яхши ишчилик мuposабатлари таркиб топди. Улар етти йилдан буён қўлви қўлга бериб аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг энг яхшилари Совет Птифоқи ва Бирлашган Араб Республикасининг орден ва медаллари билан мукофотланди.

Асвон гидроузелининг қурилиши — миллий саноат кадрлари тайёрлашнинг ажойиб мактабидир. Бу ерда техника жиҳатдан саводли ишчилар тайёрланмоқда. Миср инженерлари пазарий ва амалий жиҳатдан чиқишмоқдалар. Бу катта иш. Ривожлантаётган мамлакатлар учун, хусусан замонавий саноат тармоқларига эга бўлган БАР учун ўз миллий кадрларини яратиш янги саноат тармоқларини қуришдек муҳим ишдир. Техника, заводлар, электр станциялари — мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисмидир. Лекин малакали кадрларсиз миллий бойлигининг бу қисми ошини у ёқда турсин, ҳатто беҳуда сарф бўлиши мумкин. Аксича, бизнинг тажрибамиз, айниқса социалистик қурилишнинг дастлабки йилларидаги тажрибамиз шунч кўрсатадики, пухта тайёрланган кадрлар баъзан эски техника базасида ҳам катта иқтисодий самара беришга қодирдир. Энг муҳими, кадрлар — техника тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Шу маънода кадрлар мамлакат иқтисодий тараққиётининг келажагини белгилайди. Биз Асвондаги мактабни ўтаган миср инженерлари ҳозирги вақтда мамлакатда бошқа кўпгина қурилишларда яхши ишлаётганликларини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Бизнинг олимларимиз ва мутахассисларимиз ўз билимларини дунёнинг кўп мамлакатларига олиб борадиган кун яқинлигига ишонамиз.

Президент Жамол Абдул Носир ўз нутқларидан бирида янги ишсони яратиш янги завод ёки фабрика қуришдан ҳам анча қийин, деб айтди. Биз Асвонда бундай ишсон туғилаётганлигини, оёққа туриб, ўз қўллари билан ўз мамлакатининг порлоқ келажагини бунёд этаётганлигини кўриб турибмиз. Бу миллий-озодлик революциясининг муҳим ғалабаларидан биридир. Бу БАРда амалга оширилаётган қайта ўзгартишларнинг натижасидир. Сизларнинг халқингиз мустамлака ўтмишининг записларини узил-кесил чилларчин қилиб ташлади ва шу билан биргаликда ўз умри-

ни ўтаб бўлган, империалистлар томонидан яратилган тасаввурни, яъни Шарқ одами чет элликларга абадий бўйсунмиш учун яратилган дегап сохта тасаввурни ҳам қатъий чиппакка чиқарди. Озодликка эришган янги миср кишиси ўзининг зўр ижодий имкониятларини очмоқда.

Қадрли дўстлар! Асвон — бу менингча фақат яхши ҳунар-техника таълимигина эмас, шу билан бирга сиёсий таълим ҳамдир. Бир вақт Ғарб давлатлари Асвонда тўғон қурилишига моллийвий ёрдам беришга тайёр экаликларини айтган эдилар. Лекин ёш Араб Республикаси бунинг учун жуда катта ҳақ тўлаши — ўзининг мустақил сиёсий йўлидан воз кечиши керак эди. Миср ҳукумати бу номуносиб гапларни кескинлик билан рад этгач, ғарб давлатлари 1956 йилнинг июлида тўғон қурилишида иштирок этиш тўғрисидаги таклифларини жуда қўполлик билан қайтариб олдилар. Ушанда Араб Республикаси Совет Иттифоқиغا мурожаат қилди ва 1958 йилнинг 27 декабрида Совет Иттифоқи баланд Асвон тўғони қурилишига иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатаёган тўғрисида битим имзоланди. Ўз-ўзида маълумки, бу шартнома ҳеч қандай сиёсий шартлар билан боғланган эмас.

Бу тажриба шундан далолат берадики, ҳозирги дунёда ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро қарам-қарши ҳукуматлари билан

бир томондан — империалистик давлатларнинг ғаразли ёндошуви. Иккинчи томондан — ривожланаётган мамлакатлар билан мамлакатларнинг техникавий ҳамкорлик уларнинг миллий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий кадрлар барпо этишга ҳамда халқларнинг турмуш даражасини оширишга ёрдам бериши — ўз олдига вазифа қилиб қўйган социалистик мамлакатларнинг ёндошуви. Социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳамкорлиги — янги ҳодиса, у капиталистик система мамлакатлари ва мустақиллик йўлига кирган ёш давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар характердан принципиал равишда, тубдан фарқ қилади.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик кўп йиллардан буён муваффақиятли ривожланиб келяпти.

Совет Иттифоқи мамлакатларимиз ўртасида тузилган битимлар асосида БАҒга миллий экономикани ривожлантириш планларини амалга оширишда амалий ёрдам бермоқда. Бу ёрдам мамлакат экономикаси учун жуда муҳим бўлган саноат тармоқлари ва энергетикани ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда бизнинг ёрдамимиз билан БАҒда 133 та объект барпо этилмоқда. Совет геологлари Миср инженерлари ва техниклари билан биргаликда ер ости бойликлари ва сув ресурсларини Миср халқига хизмат қилдириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бирлашган Араб Республи-

касбда хизмат қилаётган совет мутахассслари айни бир вақтда маҳаллий кадрларга мамлакат учун зарур бўлган касбларни ўргатмоқдалар.

Совет Иттифоқи — БАРда қурпилаётган сапоат корхоналари учун асбоб-ускуналар етказиб берувчи асосий манбалардан биридир. Шуниси характерлики, сизнинг мамлакатингизга совет экспортининг 70 процентини асбоб-ускуналар ва машиналар ташкил этади. Бу нарсаларга БАР учун традицион бўлган ва бизга халқ хўжалигимизни ривожлантириш учун зарур бўлган товарлар билан ҳақ тўланмоқда. Шундай қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик қандайдир садақага эмас, балки ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро фойдага асосланган. Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик Бирлашган Араб Республикасига иқтисодий мустақиллиқни мустаҳкамлаш, миер халқининг фаровонлигини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Совет ҳукумати мамлакатларимиз ўртасида тузилган битимларнинг бажарилиши яхши бораётганлигидан қониқиб ҳосил қилганлигини билдиради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдон ривожлантиришда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Сўнгги 10 йил ичида СССР билан БАР ўртасидаги товар обороти 10 барабар кўпайди. Ўтган йилнинг охирида тузилган ва келаси беш йилликка мўлжалланган янги савдо битими пкки мамлакат ўртасидаги товар оборотини янада кўпайтиришни назарда тутди.

Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС XXIV съезди томонидан қабул қилинган совет экономикасини янада юксалтириш катта программасининг муваффақиятли амалга оширилиши Бирлашган Араб Республикаси ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги бошқа мустақил давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Совет Иттифоқининг ёш мустақил давлатлар билан амалий алоқаларининг кенгайиши, ўз моҳият эътиборига кўра, тинчликни ва халқларнинг мустақил ривожланиши ҳуқуқини таъминлаш йўлида сарфлаётган куч-гайратининг муҳим қисмидир.

Қадрли ўртоқлар! Халқингизнинг орзу-умидлари ва интилишлари, унинг ҳаётни янгичасига қуриш борасидаги қатъияти совет кичиларига яқин ва тушунарлидир. Биз Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши мамлакатларимиз манфаатларига, миллий озодлик ҳаракати ва антиимпериалистик кураш манфаатларига, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб беришига қизғин ишонамиз.

Сўзимни тугатар эканман, ажойиб халқингизга, сизларнинг ҳаммаларингизга экономикани ривожлантиришда, мустақил давлатингизни мустаҳкамлашда катта ютуқлар тилайман.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин!

Шу қадимий ерда ва бутун дунёда тинчлик бўлсин!

Бирлашган Араб Республикаси халқи гуллаб-яшнашини чин кўнгилдан истаймиз!

БАР МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА 1966 ЙИЛ 17 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли депутатлар! Миллат мажлиси бизга Бирлашган Араб Республикаси парламенти минбаридан туриб сўзлаш имкониятини бериб, катта ҳурмат кўрсатди. Шу ҳурмат учун дўстларимизга ташаккур. Биз БАРнинг олий қонун чиқарувчи органининг депутатлари билан бугунги учрашувни мамлакатларимиз, уларнинг халқлари ва ҳукуматлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч тобора ортиб бораётганлигининг яна бир гувоҳи деб биламиз.

СССР Олий Совети ва ҳукумати номидан, совет халқи номидан сиз ҳурматли миллат мажлиси депутатларига, Сиз, ҳурматли Президент Ҳамол Абдул Носирга, Сиз, ҳурматли Раис Анвар Садатга чин юракдан салом топшираман ҳамда фаолиятингизда катта мувофақиятлар тилайман. Сизларнинг сўймоҳиятида биз совет халқи ҳамкорлиги катта ҳурмат ва эҳтибор билан кўрилади. Биз сизларнинг ҳамкорлигини ўз муносиб вакиллари билан табриклаймиз.

Бу дўстлик шу жиҳатдан мустаҳкамки, у тарафли мақсадлар, тўғри йўналиш билан боғланган эмас. Бу дўстлик имсониятни тўлқинлаштириб келаётган қатор проблемалар бўйича манфаатларнинг муштараклигига асосланади. Бу дўстлик ўз таъсир кучини узоқ тарихий истиқболда сақлаб қоладиган фактордир.

Ирсоният тарихи янгилик билан эскилик ўртасидаги, тараққиёт кучлари билан олға томон ҳаракатга тўсқинлик қилувчилар ўртасидаги курашнинг узлуксиз йилномасидир. Тинчлик, озодлик ва тараққиёт иши учун курашда манфаатлари муштарак бўлганларнинг доимо яқин иттифоққа жиқслашганликларинг прогрессив ҳаракатлар муваффақиятларининг энг муҳим омили бўлган.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик шундай асосда вужудга келди ва ривожланди. Бизнинг мамлакатларимиз империализмга ва мустамлакачиликка қарши, халқлар ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш учун курашаётган давлатлар қаторида туради.

Совет Иттифоқи учун ҳам, БАР учун ҳам бундай позиция тамомла қонуний бўлиб, бизнинг мамлакатларимиз борган тарихий йўллар билан боғлангандир. Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси социал тенгсизлик, синфий ва миллий зулми инкор этувчи социалистик системанинг вужудга келишига асос солди. У мамлакатимизга социал озодлик келтирибгина қол-

май, айни вақтда унда яшовчи барча халқларга миллий озодлик ҳам келтирди. 1917 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатимиз ҳар доим мустамлақачиликка қарши кураш олиб бораётган барча миллатлар тарафида бўлиб келмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси зулм ва эксплуатация қилишдан иборат империалистик системани тугатишдан манфаатдор бўлган барча халқларнинг миллий озодлик ҳаракати га катта куч бағишлади ва уларнинг кураш олиб бориши учун қулай шароит яратди. 1952 йил 23 июль революцияси ана шу курашнинг энг ёрқин босқичларидан бири эди ва у Шарқ халқлари учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Бирлашган Араб Республикаси тараққиёт йўлида миллий қурилиш вазифаларини ҳал қилиб борган сарф мамлакатларимизнинг дўстона муносибатлари ҳам тобора ривожланиб ва мустаҳкамланиб борди.

Биз миллий ҳаракатлар Хартиясининг аҳамиятига, Президентингиз ва Араб социалистик иттифоқининг Раиси бўлмиш Жамол Абдул Носир раҳбарлигида ишлаб чиқилган бу муҳим программ ҳужжатнинг аҳамиятига юксак баҳо берамиз. Дунёда биринчи социалистик жамият қурган Совет Иттифоқи халқлари учун, табиийки, социализм идеаллари яқин ва қадрлидир. Шундай қилиб, халқларнинг мустақиллиги учун курашдаги муштарак манфаатларимизга социал тараққиёт учун курашдаги муштарак мақсадлар ҳам қўшилди. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги замоннинг прогрессив-революцион кучлари сафларида ҳамкорлик қилиш ва биргаликда ҳаракат қилиш учун мустаҳкам негиз яратади.

Бирлашган Араб Республикасида қатор муҳим иқтисодий ва социал ислоҳотлар ўтказилганлиги халқингиз учун қандай катта аҳамиятга эга бўлганлигини биз яхши тушунамиз. Бу тадбирлар жамиятингиз структурасини жиддий равишда ўзгартирди. Агар шулар қаторига маориф, соғлиқни сақлаш, социал хизмат кўрсатиш, маданий қурилиш борасида эришилган жиддий муваффақиятларни ҳам қўшсак, ўтган йилларда қанчалик кўп ишлар қилинганлигини яққол кўриш мумкин. БАР биринчи беш йиллик илапининг бажарилиш якуналари ҳам шундан далолат бериб турибди.

Мамлакатингизда юз берган катта ўзгаришлар шу ерда, миллат мажлисининг мажлислар залида ҳам яққол сезилиб турибди. Бу залда 1952 йилга қадар ҳам парламент кенгашлар ўтказган. Лекин улар халқдан ва унинг манфаатларидан йироқ бўлган подшоҳлар ва амалдорларнинг кенгаши бўлган. Бизнинг кунлардаги БАРнинг миллат мажлиси — бу мамлакатнинг бутун тарихидаги энг ваколатли парламентдир. Эндилкда бу бинода миср халқининг вакиллари ишламоқда.

Бирлашган Араб Республикасининг олға томон тараққиёт йўлидан бориши вужудга келган қийинчиликларни енгиш учун

катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Бу қийинчиликларни совет халқи яхши тушуяди. Бизнинг ўзгичамизга ҳам асрий қолоқликдан кейин пиллаоялардап кўтариллишга тўғри келганлигини, бу қанчалик оғир иш эканлигини яхши биламиз. Айниқса дастлабки даврларда кўникиб қолинган, асрлар давомида тарихан таркиб топган тартиблардан халос бўлиши, янгиликка йўл очили, галабаларимизни ички ва ташқи душманлардап сақлаб қолиши осон бўлмаганлигини совет кишиларининг кекса авлоди яхши билади.

Индустриалаштириши, аграр қайта ўзгаришларни амалга ошириши бутун халқнинг катта куч-ғайрат сарфлашини талаб этишини биз ўз тажрибамиздан биламиз, лекин совет халқи ўз олдида пайдо бўлган тўсиқларни доимо енгди ҳамда ўз мамлакатини жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг қарийб бешдан бир қисмини етказиб берадиган етакчи саноат мамлакатига айлантирди. Агар бизга қарши вайронгарчилик уруши бошланмаганида Совет Иттифоқининг ютуқлари, ҳеч шубҳасиз, бундан ҳам катта бўлурди.

Бирлашган Араб Республикасида бўлган вақт ичида биз баъзи корхоналарда бўлиб, мамлакатдаги турли доираларнинг вакиллари билан учрашдик, давлат арбоблари билан суҳбатлашдик. Биз коммунистлар билан олға бораётган мамлакатни кўриши ва меҳнати билан етказиб берадиган мамлакатни кўриши билан бир қатар мамлакатни кўридик.

БАРнинг чинакам дўстлари бўлган бизлар эришган катта ютуқларингиз билан табриклаймиз ҳамда бу муваффақиятлар янада кўшайтирилишига ва тоб ораганимиз. Социализмнинг талаба қозолишидан чиндан манфаатдор бўлган ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, барча меҳнаткашларнинг янги ҳаёт қурилишига тобора кенг иштирок этиши мамлакатингизда прогрессив социал қайта ўзгаришларнинг тўла муваффақиятини таъминлайди.

Бир вақтлар жаҳоннинг бу районида кўп асрлар давомида ўтмишнинг юксак маданияти ривож топган ва мавжуд бўлган эди. Бу маданият кишини ҳайратга соладиган даражада улугвор обидаларни ўзидан хотира қилиб қолдирган. Лекин келажак авлод учун биз ҳозир кўриб турган Миср халқининг меҳнати билан эришилган натижалар беқиёс улугвор бўлади. Бизнинг давримизда техника тараққиёти инсон қўлига амалда чексиз имкониятлар беради. Агар ҳозирги дунёда эксплуатация бўлмаганда эди, уруш хавфи бўлмаганда эди, бутун кишилик жамияти олға томон янада илдамроқ борган бўлурди.

Ҳар қандай давлат ташқи факторлардан узилган ҳолда, халқаро вазиятдан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Бизнингча, ҳозирги вазият, агар уни кенг, тарихий истиқболда оладиган бўлсак, тинчлик, озошлик ва социал тараққиёт учун курашаётган кучлар учун қулай бўлмоқда. Жаҳон социалистик системаси тобора мустаҳкамланмоқда, Африка, Оспё ва Латин Америкасида

миллий озодлик ҳаракати авж олмоқда, ривожланган капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг кураши кучаймоқда. Озод бўлган мамлакатларнинг ўз миллий мустақилликларини мустаҳкамлаш учун, иқтисодий мустақилликка ва социал тараққиётга эришиш учун курашининг янада чуқурлашув жараёни кетмоқда.

Айни вақтда жаҳонда бир-бирига қарама-қарши тенденциялар курашининг кескинлашуви юз бермоқда. Империалистик доиралар халқаро тараққиётни ўзлари хоҳлаган йўлга солишга, кўп ҳолларда жиддий тўқнашувларга олиб келишига қарамай, ўз позицияларини сақлаб қолишга уринмоқда. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан буён атғи 20 йил ўтган бўлса ҳам, шу вақт ичида жаҳонда 40 га яқин урушлар ва қуролли низолар юз берганлиги, уларнинг аксарияти империалистик спёсатнинг натижаси бўлганлиги билан уларнинг ишлари йўқ. Империалистлар маҳаллий реакция билан тил бириктириб, прогрессив ва демократик кучларни бир-биридан ажратиб юборишга умид боғламоқдалар, қуролли агрессия ва антиреволюцион тўнтаришлар, иқтисодий экспансия ва идеологик диверсиялар қилмоқдалар. Шунингдек, турли хил группировкаларни активлаштириш ёки ҳатто янгиларини тузишга, озод халқларга қарши агрессияларнинг таянч пункти бўлган ҳарбий базаларни мустаҳкамлашга уришилмоқда.

Яқин Шарқда ҳам аҳвол ана шундай. Баъзи давлатлар ер шарининг бу районда «ҳарбийларни сақлаш»дан иборат хавфли спёсатдан воз кечмаётдилар.

Ҳозирги вақтда империалистлар Яқин ва Ўрта Шарқда янги таянч нуқтаси топишга умид боғламоқдалар. Биз Президент Жамоал Абдул Носирнинг бу планларни ҳозирги вақтда Яқин ва Ўрта Шарқдаги реакция доиралари илғари сурмоқда, улар бир қатор араб мамлакатларида ўтказилаётган чуқур социал-иқтисодий қайта ўзгаришлардан қўрқмоқдалар, деган нуқтани назарига қўшиламиз. Бу доиралар араб халқларига қарши фитна тайёрлаётган империалистлардан актив ёрдам олмоқдалар.

Яқинда сизнинг Миллат мажлисингиз бу планларни яқдиллик билан қоралади. Биз сизларнинг позициянгизни тушунамиз ва унга қўшиламиз. Халқларнинг ҳушёрлиги шубҳасиз, аввало Яқин Шарқ ва Шимолӣ Африканинг прогрессив давлатларига қарши қаратилган хуружларнинг барбод бўлишига олиб келади.

Бугунги Араб Шарқи — бу янги Шарқ, унинг халқлари ўз қадрини тушувишининг юксак даражасига кўтарилган. Улар ўзларининг миллий манфаатларига жавоб берадиган, экономикаси ва социал системаси ривожланган мустақил давлатларини қуришга қатъий аҳд қилганлар. Сўнгги ўн йилдан кўп вақт ичида шундай факторлар пайдо бўлди ва амал қилмоқдаки, бу факторлар бу районда прогрессив, антиимпериалистик йўналишдаги, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги тари-

хпй тараққидетни белгилаб бермоқда. Шу факторлар ичида, аввало, Бирлашган Араб Республикаси сингари илгор давлат вужудга келганлиги ва мустақамланганлигини айтиб ўтиш керак.

Сизнинг мамлакатингиз алоҳида географик мавқега эга. У Осиё билан Африка туташган жойда ўрнашган икки қитъа мамлакатидир. Миср революцияси империалистик давлатларнинг Мисрнинг ўзидаги позициясидагина эмас, балки Яқин Шарқ ва Африкадаги позицияларига ҳам қақшатғич зарба берди. Бу революция ана шу райондаги нефть монополияларининг бир вақтлардаги чексиз ҳукмронлигини тугатди, Сувайш каналидаги чет эл капиталининг ҳукмронлигига хотима берди, колониализм Осиёни Африкадан ажратиб, ўша икки қитъада ўз позициясини ушлаб туришига ёрдам берган ҳарбий базалар ва коммуниқацияларнинг бутун системасини емирди.

Президент Жамол Абдул Носир бошчилигидаги БАР мана 14 йилдан буён мустақил ташқи сиёсат, миллий манфаатларни, социал тараққидет ва тинчликни ҳимоя қилиш сиёсатини юргизиб келмоқда. Шу йилларнинг ҳаммаси унинг халқаро мавқеи ўсган, обрўси мустақамлашган йиллар бўлди.

Сизнинг республикангиз Яқин Шарқ ва Африка халқлари антиимпериалистик курашининг авангардига бермоқда. У Жазоир халқининг даврий ишлар овозини эшитди. Унинг қўлига қўл жижатдан ёрдам берди. Сизнинг республикангиз Оман, Аден, Жаҳубий Арабистон ва бошқа мамлакатларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб келмоқда.

Совет Иттифоқида Президент Носир ва БАР ҳукумати араб халқининг бирлигини мустақамлаш юзасидан олиб бораётган катта ишларни яхши билишади. БАР, Жазоир, Сурия, Ироқ ва бошқа мамлакатларнинг куч-қайрати бирлаштирилиши умумий антиимпериалистик фронтни мустақамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди. Биз БАРнинг Африка мамлакатлари кучини жинслаштириш борасидаги фаолиятига чуқур ҳурмат билан қараймиз, чунки бу фаолият барча Африка мамлакатларининг чет эл ҳукмронлиги ва зулмининг ҳар қандай кўринишини узил-кесил тугатишга, биргаликда кураш учун бирлашишга интилишига жавоб беради.

Сизнинг мамлакатингиз араб халқларининг Фаластин проблемасини ҳал қилиш учун курашида ҳам муҳим роль ўйнайди. Арабларнинг бу проблемага катта қизқиш билан қарашини биз тушунамиз. Бинобарин, биз бу проблема адолатли негизда ҳал қилиниши тарафдоримиз. Совет Иттифоқи Фаластин қочоқларининг қонуний, ажралмас ҳуқуқларини қайта тиклаш учун курашга илгаригидек, ҳозир ҳам хайрихоҳдир.

Бирлашган Араб Республикаси ва шахсан Президент Носир Яқин Шарқ ва Африка чегарасидан чикувчи ҳаракат — қўшилмаган мамлакатлар ҳаракатида ҳам кўзга кўринарли роль ўйнай-

ди. Африкада БАР, Осиёда Ҳиндистон сингари таъсирли давлатлар ва озод бўлган бошқа кўпгина мамлакатлар қўшилмаслик позициясида маҳкам турибдилар. Бу ҳаракат ўз эътибори билан мустамакачилик ва империализмга қарши курашда йирик куч бўлиб, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, бугунги кунда Қоҳира — халқаро сиёсатнинг, спёсат бўлганда ҳам тинчлик ва халқлар озодлиги ишига хизмат қилувчи сиёсатнинг эътироф этилган марказларидан бирдир, деб тўла асос билан айта оламиз.

Сизнинг мамлакатингиз билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик вужудга келганлиги ва мустаҳкамланиб бораётганлиги Яқин Шарқдаги тараққётга катта таъсир кўрсатаётган энг муҳим фактордир. Бизнинг дўстона ҳамкорлигимиз бу райондаги ва ундан ташқаридаги прогрессив ва озодлик тенденцияларини мустаҳкамламоқда, тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

СССР ва БАР позицияларининг муштараклиги биргаликдаги амалий қадамларимизда, ўзаро ҳаракатларимизда бир неча бор намойён бўлди.

Президент Жамол Абдул Носир ўтган йил Совет Иттифоқига сафаридан қайтиб келгандан сўнг шу ерда, Миллат мажлисида сўзлаган нутқида, совет халқи ўз тараққиёти ишини жаҳон тараққиёти ишидан ажратмайди ва бу билан миллий озодликка жуда катта хизмат қилаётти, деб айтган эди. Бизнинг интернационализм ҳамда барча тинчликсевар ва ҳурриятпарвар халқлар билан қардошларча ҳамкорлик сиёсатимизнинг моҳиятини акс эттирувчи бу сўзлар учун миннатдоримиз. Яқинда Москвада бўлиб ўтган КПСС XXIII съезди ўз қарорларида озод бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўли ўзгармас эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Бирлашган Араб Республикаси билан бизни катта ва доимий манфаатлар боғлаб турипти. Бугунги кунда шу олий мажлис миёнбаридан туриб шуни қайд қилмоқчиманки, Совет Иттифоқи Бирлашган Араб Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантиришга амал қилиб келди ва амал қилаверади. Бу бизнинг ўзгармас йўлимиздир.

Биз БАР билан социалистик мамлакатлар — бизнинг дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганлигини қониқиб билан қайд қиламиз. Сизнинг мамлакатингизнинг Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия, Югославия билан алоқалари кенгайиб бораётганлиги — бу халқаро ҳаётда ижобий ҳолдир. Совет халқи туйғусини ифодалаб, шуни таъкидламоқчиманки, сизнинг халқингизнинг яхши ва ишончли дўстлари бор, улар сизларнинг курашингизни зўр хайрихоҳлик билан қузатиб туришибди.

Биз бирлашган Араб Республикасининг ўз мамлакати хавфсизлигини таъминлаш ва унинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш йўлидаги куч-гайратини жуда яхши тушунамиз. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини ва у бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб боришини ўзларингиз биласизлар.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. У давлатлар ўртасидаги одатдаги формал муносабатлар доирасидан тобора чиқиб кетмоқда. Ҳақиқатан ҳам, совет ва араб ишчилари ва мутахассисларининг, масалаи, Асвои тўғриси қурилишидаги биргаликдаги меҳнат — бу шунчаки иқтисодий битимларни бажариш эмас, балки ёш давлатларнинг миллий экономикасини мустаҳкамлашни тўхтатиб туришга уринаётган империалистик кучларга қарши халқларимиз ҳамкорлигининг намоён бўлишидир. Бизнинг дўстона муносабатларимиз мустаҳкам негизга эга эканлигини назарда тутсақ, бу қонуний ва мантқийдир.

Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик регионал аҳамиятга эмас, балки янги аҳамиятга эга бўлган йирик халқаро проблемаларни қараб чиққанда ҳам тўла-тўқис намоён бўлади.

Биз ўзини «Халқаро ядроларнинг қурулганлигини маълум қилиш» қарорлари билан хавфнинг олдинчи боши билан боғлиқ бўлган проблемаларни — ядро қуролини тарқатмаслик масаласи ҳам шунага киради. — халқаро кескинликни юмшатиш вазифаларини, давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йул билан ҳал қилиш заруриятини қайд қилиб ўтмоқ лозим.

Совет Иттифоқи БААР билан биргаликда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартномани тезроқ тузиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Бундай шартнома ҳақиқатан ҳам таъсирчан ва ишончли бўлур эди. Биз Совет Иттифоқи, унинг дўстлари ва иттифоқчиларининг ҳаётини муҳим манфаатларига даҳлдор бўлган бу масалада озгина бўлса-да бефарқ қараб туролмаймиз. Агар ҳозирги замон ревапшистлари ва милитаристлари оммавий қирғин қуролини ишлатишга йўл очиб олгундай бўлсалар, тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг оқибати жуда хунук бўлади. Ядро қуролини тарқатмаслик проблемаси спзинг мамлакатингиз, бошқа араб давлатлари хавфсизлигини таъминлашга бевосита тегишлидир, чунки Яқин Шарқда ҳам шундай қуролини қўлга киритишни ўйлаб юрган кучлар топилиб қолиши мумкин.

Сизнинг республикангиз ҳукумати ядро қуролини пойгасини тўхтатиш ишига ўзининг фойдали ҳиссасини қўшмоқда.

Халқаро вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турганлар шунини яхши биладиларки, дунёда кўнгина ҳар хил мураккаб проблемалар, кўнгина мунозарали масалалар йиғилиб қолди. Бу масалаларни ечилмаган ҳолда қолдириш хавфли бўлур

эди. Ахвол шундай қолаверса биронта ҳам мамлакат ўзини осойишта ҳис қилолмайди. Совет ҳукумати умумий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, бу масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун астойдил курашмоқда. Биз шунини қониқиб билан қайд қиламизки, бизнинг мамлакатларимиз ўзларининг халқаро муносабатларида давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига амал қилмоқдалар. Маълумки, Совет Иттифоқи ўтказиб келаётган тинч-тотув яшаш сиёсати партияимиз XXIII съездида ёрқин ифодаланган.

Миллат мажлисининг ҳурматли депутатлари! Биз Яқин Шарқ ва унинг ташқарисидида тинчлик ва тараққиёт кучлари учун қулай бўлган вазиятни ривожлантиришда Бирлашган Араб Республикасининг роли ва совет-араб дўстлигининг аҳамияти тўғрисида сўзладик. Бу райондаги ахволга таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим шарт бор. Мен барча миллий озодлик, антиимпериалистик ҳаракат кучларини жиислаштириш зарурлигини назарда тутмоқдаман.

Империализм прогрессив ҳаракатларни бир-бирида ажратиб юбориш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш йўлидаги уришларидан воз кечгани йўқ. У ўзининг қўпоровчилик ишлари учун ҳар қандай сабабда, озгина бўлса ҳам баҳонадан фойдаланишга уринмоқда. Мустақилликка эришган халқлар олдида ҳали жиддий кураш турипти. Шунинг учун ҳам уларга илгаригидек ҳозир ҳам урушга қарши ва антиимпериалистик барча кучларнинг ҳамкорлиги керак. Улар бу ҳамкорликни сақлашлари ҳамда мустамлакачилик зулмини ё эски, ё янги шаклда қайта тиклашга қаратилган ҳар қандай иштилишларга абадий хотима бериш учун бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари лозим.

Ҳозирги вақтда барча прогрессив ҳаракатларни бир оқимга жиислаштириш учун кураш кетмоқда. Ўзларингизга маълумки, биз илгаригидек ҳозир ҳам социалистик мамлакатлар ўртасидаги бирликни таъминлаш учун куч-ғайрат сарфлаёмиз. Аини вақтда биз жаҳон социализми ва миллий-озодлик ҳаракати ўртасидаги бирликни мустаҳкамлашнинг актив тарафдоримиз.

Империализм устидан ғалаба қозониш йўли, мустаҳкам тинчликни ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш йўли Осиё, Африка ва Латин Америкаси озодлик кучларининг жаҳон социалистик системаси билан, капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи билан яқин иттифоқда бўлишидадир.

Бу ҳақиқат айниқса сўнгги вақтларда аниқ-равшан бўлиб қолди. Барча қитъалардаги тинчликсевар кучлар олдида-вьетнам халқига қарши агрессияга хотима бериш, интервентларни Вьетнамдан чиқиб кетишга мажбур этиш учун бутун куч-ғайратни сарфлашда иборат биринчи навбатдаги вазифа турипти.

Империализм 1956 йилда Мисрда эришолмаган шиятин бугунги кунда Вьетнамда амалга оширишга уринмоқда — у вьетнам

халқининг озодлиги ва мустақиллигини бўғиб ташламоқчи. Совет Иттифоқи Вьетнамдаги агрессияни кескин қоралайди ва вьетнам халқининг ҳаққоний ишини қизғин қўллаб-қувватлайди. Бу ҳаққоний иш ғалаба қилишига ишончимиз комил.

Ҳурматли депутатлар! Бизнинг мамлакатларимиз олдида халқлар озодлиги учун, тинчликни таъминлаш ҳамда халқ хўжалиги планларини бажаришга лозим бўлган қулай ташқи шароитларни яратиш учун ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг яхши истиқболлари очилган.

Совет ҳукумати ва бутун совет халқи номидан сизларга, сизлар орқали бутун Бирлашган Араб Республикаси халқига энг яхши муваффақиятлар, равнақ ва тинчлик истаги билдиришга рухсат этгайсизлар.

Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

СОВЕТ ИТТИҒОҶИ ВА ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРЛЬ ДЕ ГОЛЛЬ ШАРАФИГА КРЕМЛДА УТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА 1966 ЙИЛ 30 ИЮНДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли Президент жаноблари ва де Голль хоним! Ҳурматли меҳмонлар! Ўртоқлар!

Сиз, Президент жаноблари ва де Голль хоним, ўтган ўн кун ичида Россия Федерациясининг бир қатор районларида, жумладан Сибирда ҳамда Украина республикасида бўлиб, саноат корхоналари билан танишдингиз, меҳнаткашлар билан, шунингдек мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг, унинг фани ва маданиятининг атоқли арбоблари билан учрашдингиз. Сиз, Президент жаноблари, ҳарбий объектларда ҳам бўлдингиз, Совет Қуроли Кучлари вакиллари билан учрашдингиз. Ўзингиз кўрганингиздек, совет кишилари ҳамма жойда Сизга ҳамда Сизнинг антигитлерчи коалиция раҳбарларидан бири сифатидаги жанговар ўтмишингизга ўз ҳурматларини пэхор этдилар. Улар Сизни обрўли ва реалистик фикр юритадиган, тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш нозициясида турувчи давлат арбоби сифатида табриклардилар.

Сизнинг Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида сўзлаган нутқларингиз совет халқи томонидан зўр қониқиш билан кутиб олинди. Совет халқи Сизнинг нутқларингизни ўзаро ишончни, дўстликни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга интилиш деб билади.

Сизнинг сафарингиз ҳамда ўша кунларда бўлиб ўтган самарали фикр олишувлар совет-француз муносабатлари тарихида янги саҳфа очди. Биз Сиз билан халқларимиз учун манфаатли бўлган ва бутун инсониятни тўлқинлантирувчи масалаларни батафсил муҳокама қилиш имконига эга бўлдик. Суҳбатларда қатнашган Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва бошқа ўртоқлар номидан шуни қайд қилмоқчиманки, ўша кунлар хотирामизда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдаги шонли кунлар сифатида сақланиб қолади.

Сиз, Президент жаноблари ва ўртоқ Н. В. Подгорний шу қабул маросими бошланмасдан олдин имзолаган Совет-Франция

декларацияси музокараларимизнинг натижаларини акс эттиради ҳамда бир қатор масалалар юзасидан бир-биримизни тушунишга эришганлигимизни ифода этади. Албатта, баъзи масалаларда Совет Иттифоқи ва Франциянинг позициялари яқин, бопқа масалаларда бир-бирларидан йироқроқ, чунки мамлакатларимиз спёсатда ҳеч бўлмаганда уларнинг турли социал-иқтисодий системаларига қўра муқаррар бўлган ўзига хос хусусиятлар бор. Лекин халқаро ҳаётнинг, бизнингча, жуда самарали бўладиган, халқларимизнинг манфаатларига жавоб берувчи кенг, айтиш мумкинлиги, ҳал қилувчи соҳалари бор.

Совет Иттифоқи ҳам, Франция ҳам мустаҳкам тинчликни таъминлашдан ҳамда уруш хавфини бартараф этишдан манфаатдордирлар. Шунинг учун ҳам, уруш аланга олаётган Жануби-Шарқий Осиёдаги вазият тобора жиддий тус олмоқда деган фикримиз бир жойдан чиқмоқда.

Совет Иттифоқи ва Франциянинг Европа масалаларидаги манфаатлари айниқса яқин. Европа хавфсизлиги аввало Европа халқларининг ўз ишидир. Франциянинг давлатларнинг ички ишларига ташқаридан аралашинишга қарши, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида яқинлашувга, Европа ва халқаро хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган қадимларини ҳар қоним Совет Иттифоқи ва Франциянинг ва Франция мамлакатлари.

Москвада имзолашган декларация бизнинг мамлакатларимизни бирлаштириб турган мақсадларга эришишнинг таъсирли воситаси бўлиб қолганига ишончнингиз қоним бўлсин. Совет Иттифоқининг ҳаракатлари Совет-Франция декларацияси руҳига жавоб беради.

Хурматли Президент жаноблари, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний номидан ва шахсан ўз номидан бизни Францияда бўлишга таклиф этганлигингиз учун Сизга катта ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз. Биз Москвада бошланган самарали ишни давом эттириш имконини берадиган бу таклифни қониқини билан қабул қиламиз.

**ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРЛЬ ДЕ ГОЛЛЬ
ТОМОНИДАН ЕЛИСЕЙ САРОВДА БЕРИЛГАН ЗИЕФАТ ВАҚТИДА
1966 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли Президент жаноблари ва де Голль хоним! Хонимлар! Жаноблар!

Президент жаноблари, мен Сизнинг нутқингизни эътибор бериб тингладим ва шунини айтишим керакки, Франция-Совет муносабатлари тўғрисида билдирган фикрингиз бизнинг нуқтаи назаримизга асосан тўғри келади. Сизнинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги дўстона сўзларингиз, пойтахтингиз бизни меҳмондўстлик билан кутиб олганлиги, бугунги суҳбатлар — буларнинг ҳам-

маси пкки давлат ўртасидаги муносабатлар яқин вақтдап бошлаб янги оқимдан бораётганлигидан нборат ажойиб фактни акс эттирадн.

Бу — мамлакатимиз халқларининг хизмати, ҳукуматларимизнинг хизмати, кўпгина давлат ва сиёсий арбобларининг хизмати-дир. Лекин, бу кўиларнинг хизмати экаплигини қайд қилар экан-миз, биз айни вақтда Сиз, Президент жанобларидан ҳам мпннат-дормиз. Совет-Франция яқинлашуви ишида Сизнинг ролингиз жуда каттадир.

Яқинда Сиз бизнинг мамлакатимизда бўлиб, халқимиз қандай яшаётганлигини ўз кўзингиз билан кўрдннгиз. Партия ва Совет ҳукуматининг сиёсати билан батафсил танишдннгиз. Маълумки, Совет Иттифоқининг биздагидан бошқача бўлган яқтимоий тузумдаги давлатларга нисбатан асосий ташқи сиёсий йўли тинч-тоғув яшаш сиёсатидир. Бундан шу маъно келиб чиқадики, биз жанжалли халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун, кескинликни юмшатиш учун, ҳар бир халқ ташқаридан бўладиган аралашувсиз миллий ва социал тараққиёт йўлидан эркин ривож-лана оладиган халқаро вазиятни вужудга келтириши учун ҳара-кат қилмоқдамиз. Бунинг маъноси яна шундан нборатки, бизнинг сиёсатимиз — бу агрессив кучларга кескин зарба бериш, халқаро вазиятнинг кескинлашувиға қарши чиқиш, янги жаҳон уруши келиб чиқиши хавфига қарши кураш сиёсатидир. Буларнинг ҳам-маси Франция билан муносабатларимизни ривожлантириш учун яхши негиз бўлади.

Совет Иттифоқида ҳозирги замон Франциясини яхши тасаввур этишади. Мамлакатингизда ўз меҳнати билан замонавий саноатни бунёд этган француз ишчилари, инженерлари ва техникларининг ютуқларига биз юксак баҳо берамиз. Биз Франциянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулдор эканлигини биламиз. Биз сизларнинг кўп-гина маданият ва санъат, фан арбобларининг ижодиётини, ажойиб олимларингизнинг асарларини катта ҳурмат қиламиз. Совет ки-шилари ва французлар муваффақият билан ҳамкорлик қилиш-лари мумкин бўлган ва бу ҳамкорлик пкки мамлакатга ва унинг халқларига, бутун инсониятнинг тараққиёти ишиға фойда келти-риши мумкин бўлган кенг соҳалар бор.

Сўнгги йилларда Франция халқаро майдонда ва Европада ўз халқининг улуғворлигига муносиб бўлган ўз ролни таъминлаш борасида кескин қадамлар қўйди. Совет Иттифоқи Франциянинг бу интилишини, бу қатъиятини тушунади. Нима фойдали-ю ва, аксинча, унинг миллий манфаатларига нима зид эканлигини ўзи ва фақат ўзи белгилайдиган кучли ва мустақил Франция бизнинг кўз ўнгимизда халқаро ва аввало бутун Европа хавфсизлигининг энг муҳим факторидир. Биз Франция — йирик давлат бўлганли-ги, унинг халқи ўз қонуний манфаатларини матонат ва донолик билан ҳимоя қилиб, дунёни бир печа бор ҳайратга солганлиги

учунгина унинг халқаро ҳаётдаги, Европа ишларидаги ўрни ва ролига шунчалик катта аҳамият бераётганимиз йўқ. Биз Франциянинг ролига биринчи навбатда шунинг учун катта аҳамият берамизки, француз халқининг меҳнатсеварлигига, унинг бизнинг мамлакатимизга анъанавий дўстлик туйғуларига ишонамиз. Биз шунга амал қиламизки, Франция ўз сиёсатида тинчлик тўғрисида, энг кенг халқаро ҳамкорлик тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилган йўл тутмоқда. Кенг ҳамкорлик доirasида эса шундай ҳамкорликка интилувчиларнинг ҳаммаси учун ўрн бор. Совет Иттифоқи ўзининг Франция билан бўлган ўзаро муносабатларида ана шу янги қоидадан амалий хулоса чиқаришга тайёрдир.

Бугунги кунда шунга айта оламизки, Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатлар юксак тараққийёт даражасига кўтарилди. Бир-биримизга тобора ўсиб бораётган ишончдан келиб чиқувчи ошкорлик, нозицияларимиз ва ниятларимизни жуда яхши билишга асосланган ўзаро тушуниш, у ёки бошқа жиҳатдаги келишув мустаҳкамланиб бораётганлиги — ҳозирги босқичдаги муносабатларимизнинг диққатга сазовор томони ана шулардир. Ошкоралик, ўзаро тушуниш ва тобора мустаҳкамланиб бораётган битишув — бу сўзлар, менинча, бизнинг Франция давлат арбоблари билан бошланган суҳбатларимизнинг атмосферасини характерлаш учун ҳам кунда мос келадиган.

Бизнинг суҳбатларимизнинг барча томонлама муносабатга тааллуқли энг кенг масалаларини, ҳам халқаро проблемаларни ўз ичига олади. Биз халқаро вазият унчалик осойишта бўлмаган вазиятга учиринормизми. Европада ҳам шундай кучлар борки, улар хавфсизликни юмшатиш ва мустаҳкамлаш эмас, балки уни кескинлаштиришни ўз манфаатларига жавоб беради, деб ҳисобламоқдалар. Ўзгичада агрессорлар бу мамлакатнинг қаҳрамон халқига қарши бошлаган қаттиқ уруши алангаси тобора авж олмақда. Осиё, Африка ва Латин Америкасида халқлар ўзини озод этиш ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қийин курашни давом эттирмоқдалар. Уруш ва тинчликнинг кўпгина йирик масалалари, қуролsizланиш масалалари ҳамон ечилмай келмоқда.

Мен Совет Иттифоқи ва Франциянинг барча халқаро проблемалар юзасидан кутаётган позицияси бир-бирига тўла мос келади, деб айтмоқчи эмасман. Лекин менинча, хато бўлмаслигига ишониб, шунга айтиш мумкинки, бугунги кунда бутун инсониятни тўлқинлатириб турган кўпгина муҳим проблемалар бўйича мамлакатларимизнинг нозициялари бундан бир-икки йил илгаригига қараганда анча яқин бўлиб қолди. Бугунги кунда бизни яқинлаштириб турган муштарак мақсадлар эртага бизнинг мамлакатларимизни янада самимий ва мустаҳкам ишлар билан боғлаши мумкин.

Биз бўлажак суҳбатларимизнинг самарали бўлишига ишонамиз. Бизнинг бу ишончимиз шунга асосланадиги, 1966 йил 30

июндаги Совет-Франция декларациясининг қоидаларини амалга ошириш юзасида ҳар пкки томондан актив ҳаракат қилинмоқда. Бизнинг олдимизда турган вазифалар яна шу билан енгиллашмоқдаки, шерикларнинг позициялари ва интилишлари яқинда Москвада олиб борилган музокаралардан ҳамда мунтазам равишда консультациялар олиб бориш ва алмашиш практикаси кенгайиб бораётганлигидан яхши маълумдир. Келаси, 1967 йилда янги Совет-Франция учрашувлари, алоқаларц, музокаралари бўлади. Шундай қилиб, биз йўлнинг бошида ёки охирида эмас, балки биргалкда олиб бораётган ишларимиз энг қизиган йўлда турибмиз.

Биз сиз билан СССР ва Франция бир-бирларига нисбатан ташқи сиёсий йўллари стабил эканлигига ишонамиз. Бу ҳол бизнинг халқларимиз олдида тобора ўсиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликнинг узоқ истиқболини очиб беради.

Шу дўстлик ва ҳамкорликнинг япада ривожланиши учун!

СОРБОННА УНИВЕРСИТЕТИДА 1966 ЙИЛ 3 ДЕКАБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли ректор жаноблари! Хошимлар ва жаноблар! Дўстлар! Меҳмондўстлик билан қабул қилганлигингиз ва дўстлик туйғуларингиз учун ташаккур.

Бу ерда, жаҳон университет маданиятининг энг кекса марказларидан бирида сўзга чиқиб, Сорбоннанинг профессорлари ва студентларига энг қизғин саломлар топшираман. Совет Иттифоқининг миллион-миллион граждaнлари онгда Сорбонна университетининг номи Франция маданиятининг улуғворлиги билан, унинг бой ва чуқур илмий тафаккури билан бирга туради. Француз халқининг маданиятига бўлган бу ҳурмат табиий бўлиб, бу совет кишиларининггина фикри эмас, бутун дунё халқлари ҳам шундай фикрдалар, чунки француз миллатининг инсоният «цивилизация» деб билган фахрли тушунча билан боглиқ бўлган умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссаси жуда кўн қирралидир. Бу маданият инсон ижодий фаолиятининг ҳамма соҳаларида — табиат қонунларини билиш ва тафаккурда, техника ютуқларида ва гуманистик идеалларнинг ривожланишида, санъатнинг нодир асарларини яратишда намоён бўлмоқда.

Икки ёки уч авлод материалистик марксча дунёқараш анъаналари руҳида тарбия топган бизнинг мамлакатимизда Франциянинг маданий ва революцион анъаналарининг, унинг прогрессив мутафаккирларининг аҳамияти жуда катта кадр топган. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг 1789 йил Француз революциясига берган баҳосини эсламасдан ўтолмаймиз. «Бу революция... шундай кўп иш қилиб бердики, бутун XIX аср, бутун инсониятга

цивилизация ва маданият берган аср, француз революцияси белгиси остида ўтди»¹.

Сорбонна — халқларимизнинг фан ва маданият соҳасидаги шонли анъаналарини сақлаб келмоқда. Бизнинг кўпгина йирик совет олимларимиз Париж университетининг шарафли унвонларини муносиб оқламоқдалар. Лекин, бугунги кунда анъаналар тўғрисида эмас, гарчи бу анъаналар жуда бой бўлса-да, мамлакатларимизнинг маданият соҳасидаги алоқаларни тўғрисида эмас, балки ҳозирги воқеалар муносабати билан ана шу алоқаларнинг баъзи томонлари ҳақида гапирмоқчиман.

Мен аввало бизнинг кўз ўнгимизда юз бераётган Совет Иттифоқи ва Франция ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бориши катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини қайд қилмоқчиман. Илгариги вақтларда мамлакатларимиз ўртасидаги яқинлашув Европада тинчлик ишига фойда берган пайтлар кўп бўлган. Ҳозирги вақтда Франция билан СССР ўртасида дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши Европа ва жаҳон сиёсатининг жуда муҳим сиёсий фактори бўлиб қолди.

Айни вақтда Совет Иттифоқи билан Франция муносабатларидаги янги йўналиш шундай қулай вазият яратадики, бу вазиятда сиёсатчилар ва профессионал дипломатлар билан бирга икки мамлакатнинг келгусидаги ҳамкорликнинг мумкин бўлган олинган фазо ва имкониятларини кенг қамраб олишнинг шартлари ҳам Совет-Франция ҳамкорлиги соҳасида куч-ғайрат сарфлашлари мумкин. Алоқаларни ривожлантириш ғайрат билан ишлашни ва сиёсий реализмни биз бундан кенгайтириш шарафли ишнинг ҳам социял система яшаб турган шароитда юз бераётганлигини ҳисобга олишни талаб этади. Аммо биз экономика, фан ва маданият соҳасида мамлакатларимиз ўзаро алоқаларни кенгайтиришни учун ҳозир қулай истиқбол очилаётганлигига шубҳа қилмаймиз.

Бу қонуний ҳодисадир. Чунки биз миллатлар бир-бирлари билан кенг муомалада бўлаётган даврда яшамоқдамиз. Мамлакатлар биргаликда иш қўриш учун ўз кучларини бирлаштирмоқдалар. Уларнинг техника тараққиёти даражаси кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Илм-фан янги кашфиётларни енгиллаштириш учун халқаро алоқаларга умид боғламоқда. Кенг интернационал алоқалар маданият ва санъат соҳасида ҳам йўлга қўйилмоқда ва ривожланоқда.

Ҳозирги замон шароитида ҳар қандай давлат томонидан ўзини четга олишга уриниш, бошқа мамлакатларнинг фан ва маданият ютуқларини менсимаслик, ўтмиш авлодларнинг маданий меросини инкор этиш муқаррар равишда экономикада зил кетишга,

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 29-том, 384-бет.

маънавий ҳаётнинг қашшоқланишига, сиёсатда реаллик туйғусидан маҳрум бўлишга олиб келади.

Совет Иттифоқи — экономика, фан ва маданият соҳасида кенг халқаро ҳамкорлик қилиш тарафдори. Бу ҳол дунёнинг айрим районларининг рационал миқёсларигагина тааллуқли эмас. Бундай ҳамкорлик дунёнинг турли қисмларидаги халқларнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга, янада юксак ишлаб чиқариш даражасига эришиш учун интилишига мос келгандагина прогрессив бўлади.

Бироқ, Совет Иттифоқи халқаро муомала бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат тараққиёти устидан назорат ўрнатиш ёки назоратни қарор топтириш дастури бўлиб хизмат қилишига қатъий қаршидир. Ҳозирги замон ҳаёти проблемаларига бир давлатнинг бошқа давлатлар устидан ҳукмронлик қилишидан иборат реакция позицияда туриб қарашга интилан ҳолларда дунёда АҚШнинг Вьетнам халқига қарши олиб бораётган жирканч урушидек шармандали воқеалар рўй бермоқда. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни тенг бўлмаган асосга қуришга интилишни кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Баъзи кишилар, Америка Қўшма Штатлари саноат ва илмий-техника соҳасида тобора олға қараб кетмоқда, бинобарин Ғарбий Европа «Маршалл плани» давридагидек шатакка олиниши керак, дейдилар. Бундай назария ўз асосига кўра репрессивдир, чунки у халқаро муносабатларда тенглик, ўзаро ҳурмат ва тўла ҳуқуқли шерикчилик принципларининг қарор топишига олиб бормайди.

Бундай мулоҳазалар сунъий характерга эга бўлиб, реал фактларга асосланган эмаслиги тамомила равшандир. Агар саноат ишлаб чиқариши сингари энг муҳим кўрсаткични оладиган бўлсак, АҚШнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси бир неча йиллардан буён тушиб кетаяпти, ҳолбуки Европа давлатларининг шу давр ичидagi ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Агар СССРни ҳам қўшганда Европани оладиган бўлсак, Европанинг хом ашё ва энергетика ресурслари мазкур қитъа ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришнинг жуда катта потенциал имкониятлари борлигидан далолат беради. Нефть, табиий газ, кўмир, қора ва рангли металллар запаслари ва, мен айтганимиз, экономикани ривожлантириш учун зарур бўлиб қолган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси уларни ишлаш ҳамда тегишли корхоналар ва транспорт воситалари қуриладиган бўлса, Европанинг эҳтиёжларини тўла қоплайди. Европа мамлакатларидаги илмий ва инженер-техника тафаккур Америкадагига нисбатан анча қўй излаувчи, дадил, самарали бўлиб қолди. Буни Европа олимлари ва мутахассисларини ишга жалб этишнинг ўзи ҳам исботлаб турибди. Бу ҳол урушдан кейинги йилларда АҚШда тобора кенг ёйилмоқда.

Фан-техника тараққиёти Америкада ҳам, Европада ҳам, бошқа қитъаларда ҳам юз бермоқда. Баъзи бир соҳаларда баъзи

мамлакатлар, баъзи ҳолларда бошқа мамлакатлар вақтинча олдинга ўтиб кетмоқда. Лекин табиий ресурслар, Европа қитъасидаги давлатларнинг табиий ресурслари, саноат ва техника тажрибаси, илмий изланиш кучи социал ва миллий тафовутлар доирасида туриб оқилона уйғунлаштириладиган бўлса, уларнинг имкониятлари чиндан ҳам жуда катта бўлади.

Бизнинг шунга ишончимиз комилки, Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида экономика, фан, маданият соҳасидаги ривожланиб бораётган алоқалар апа шу йўналишдаги ҳаракатга кенг иланда ёрдам беради. Бу иш бошлаб берилди, бизнинг мамлакатларимизнинг халқлари ҳамкорликнинг янги даврига қадам қўймоқдалар. Унинг янада ривожланишидан умид катта.

Апа шу ҳамкорликни амалга оширишда фан ва маданият арбоблари, илғор жамоатчилик катта роль ўйнашлари керак. Ўзининг маданият соҳасидаги анъанавий муомалалари билан машҳур бўлган Сорбонна университети бу фойдали ишга ўз ҳиссасини қўшишига ишончимиз комил.

Сизларнинг университетингизга катта муваффақиятлар тилаймиз. Сизнинг университетингиз билан совет олий ўқув юр்தарининг ижодий ҳамкорлиги халқларимиз маданиятининг бир-бирини бойитишига ва фаннинг раванқ топишига ёрдам беради, деган

ФРАНЦИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ 1966 йил 8 декабрда суъланган нутқи

Қадрли француз эркак ва аёл дўстлар!

Биз Президент генерал де Голль ва Франция ҳукуматиининг таклифига кўра сизларда бир ҳафта меҳмон бўлдик. Шу вақт ичида биз ажойиб мамлакатингизнинг давлат арбоблари билан, турли хил доираларининг вакиллари билан учрашдик ва суҳбатлашдик. Шу учрашувларнинг ҳар бири бизнинг хотирамизда қизиқарли учрашув сифатида сақланиб қолади.

Бугун телевидение ёрдамида менга айпиқса кенг аудитория билан учрашни имкони берилди. Шундан фойдаланиб, сизларнинг ҳаммангизга совет халқидан дўстона салом топиширмоқчиман. Совет халқи эса Францияга ва унинг граждандарига осойишталик ва тараққиёт тилайди.

Биз Францияга шу йилнинг ёзда генерал де Голль Москвада бўлган вақтда бошланган катта ишни давом эттириш учун келдик. Биз икки давлат ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкам, янада яқин бўлиб қолишига интилмоқдамиз. Бунга сиёсий ва жамоат арбобларининг куч-гайрати халқ томонидан қўллаб-қувватланган тақдирдагина муваффақ бўлинади.

Шу кунлар давомида олган таассуротларимиз бизда Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг ривожла-

ниши ҳам совет халқининг, ҳам Франция халқининг манфаатларига жавоб беради, деган ишончни мустаҳкамлади. Французларнинг бизнинг мамлакатимизга бўлган муносабатининг ўзи, уларнинг яхши ниятлилиги, дўстликсеварлиги бундан далолат бериб турибди. Биз Франция бўйлаб сафаримизда ҳамма жойда ана шу жиҳатларни яхши сездик. Пойтахтдан ташқари биз Тулузада, Лионда, Греноблда бўлдик. Француз халқининг ана шу дўстона муносабати ҳамма жойда ва ҳамма жиҳатларда — Франциянинг давлат арбоблари билан бўлган суҳбатларда ҳам, заводларда, университетларда ва тадқиқот марказларида бўлган учрашувларда ҳам ўз ифодасини топди.

Биз мамлакат бўйлаб кезганимизда, ажойиб шаҳарларнингизнинг кўчаларида юрганнимизда аҳоли билан кўп учрашдик. Ҳамма жойда бизга яхши кўз билан, диққат-эътибор билан, дўстона боқишди. Француз халқининг кайфияти, унинг бизни вакил қилиб юборган Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлик ва тинчликда яшаш иштиёқи шунинг ўзида жуда яхши акс этди.

Мен ўз ўртоқларим номидан ва шахсан ўз номимдан Францияда бизни меҳмондўстлик билан яхши кутиб олганларнинг ҳаммасига чин юракдан ташаккур изҳор этмоқчиман.

Бугунги кунда ҳам Рамбуйеда бирга бўлиб, шу кунни якуловчи музокараларга бағишлаганлигимиз учун генерал де Голлни яна бир бор табрикламоқчиман. Биз Бош вазир Жакоб Помпиду ва Француз ҳукуматининг бошқа аъзоларидан миннатдормиз. Мен, шунингдек, Париж, Тулуза, Лион, Гренобл мэрларига, департаментларнинг префектларига ҳамда биз учрашган бошқа расмий шахсларга ташаккур изҳор этмоқчиман.

Уларнинг куч-гайрати ва бизга берган имкониятлар тўғайли бизнинг сафаримиз қизиқарли ва фойдали бўлди.

Бизга тарихи буюк, маданияти бой, фан ва техникаси ривожланган Францияни кўрсатишди. Биз заводларда, университетларда ва лабораторияларда бўлиб, ишчилар ва инженерлар, олимлар ва студентлар билан учрашдик. Бинобарин, биз Франция жаҳон фан-техника ва индустрия тараққиётига катта ҳисса қўшади, деб айтишга ҳақлимиз.

Бизни француз фани ва техника тафаккури ҳал қилаётган кўнгина янги проблемалар билан таништиришди. Бу тафаккур аксарият ўзига хос, оригинал йўл билан бориб, жуда яхши натижаларга эришмоқда.

Бундай тадқиқотлар совет лабораторияларида ҳам олиб борилмоқда. Кўп ҳолларда совет ва француз олимларининг ишлари қандайдир даражада бир-бирини тўлдиради ёки параллель бормоқда. Бу эса фан ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар беради.

Мен Францияга тааллуқли баъзи таассуротлар ҳақида сизларга ҳикоя қилиб бердим. Сизлар ҳам бизнинг мамлакатимиз ҳаёти-

га ва унинг келажак режаларига қизиқсангиз керак. Совет Иттифоқи яқинда ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайди.

Бизнинг мамлакатимиз ана шу санага яқинлашаётган ҳозирги вақтда ўз тараққийнинг янги босқичида турибди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг куч-ғайрати совет халқи турмуш даражасини янада юксалтириш ҳамда унинг моддий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида ижтимоий-сиёсий тузумимизнинг ҳамма афзалликларидан максимал даражада фойдаланишга қаратилган.

Биз билан сизларнинг давлатларингиз ички тузилиши жиҳатидан турли хилдир. Лекин бу ҳол бизнинг ўртамизда кенг ҳамкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилолмайди. Амалдаги тинч-тотув яшашни худди ана шунда кўриб турибмиз.

Буюк давлатлар бўлиш ҳамда турли социал системаларга мансуб бўлган Совет Иттифоқи ва Франция биринчи бор ўз муносабатларини мустақкам асосга қуришга, контактлар ва алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидан қадамба-қадам боришга қатъий аҳд қилдилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги яқинлашув қандайдир вақтинча характерга эга эмас, қандайдир ўткинчи субъектив факторлар билан белгиламаган. Бу — мамлакатларимизнинг хавфсизлиги учун. Европа ва халқаро хавфсизликнинг мустақкамлиги учун. Француз ва совет аҳамиятини тушуниб етишга асосланган қатъий йўлдир.

Биз сизлар билан бир қитъада яшаймиз. Бинобарин, мамлакатларимизнинг ҳар бирининг хавфсизлиги ҳамда мустақкамлиги хавфсизлигидан ажралмасдир. Шунинг учун Европа проблемалари борасида бир-биримизнинг позициямизни тушуниб етиш, шу позицияларни яқинлаштириш Совет Иттифоқи ва Франция учун, тинчлик иши учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Зафар дарвозаси олдида Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётганда биз Европанинг бошига тушган оғир вақтларни, айниқса гитлерчилар агрессияси даврини эсладик. Ҳа давра мамлакатларимиз халқлари ўз мамлакатларининг ва бутун Европа қитъасидаги халқларнинг ҳаётини манфаатларини ҳимоя қилиб қурулларини бирлаштирган эдилар.

Муайян доиралар Европадаги тангликни янада кескинлаштиришга уринаётган ҳозирги вақтда биз урушнинг олдини олиш ва тинчликни мустақкамлаш учун куч-ғайратимизни бирлаштиришимиз керак.

Европадаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар кескинликни юмшатишга хизмат қилиши учун, аввало, Европада иккинчи жаҳон уруши натижасида ва унинг урушдан кейинги тараққийида вужудга келган реалликни эътиборга олиш керак ва, аксинча, мавжуд Европа чегараларини ва территорияларини ревизия қилиш тўғрисидаги хом хаёлларга бориб сўёсат юргизилмаган бўлса, бу ерда юз берган туб тарихий силжишлар эътиборга олинмаса,

Европада мустақкам тинчлик бўлиши мумкин эмас. Бундай сиёсат, бунинг устига ушбу ГФР ни ядро қуроли билан қуроллантириш орқали мустақкамлаш тинчлик иши учун жуда хавфли оқibatларга олиб келиши мумкин.

Бизнинг генерал де Голль билан Москвада бошланган ва Парижда давом эттирилган музокараларимиз шуни кўрсатдики, Совет Иттифоқи ҳам, Франция ҳам Европанинг келажагини унинг проблемаларини тинч йўл орқали ҳал қилиш билан, кескинликни юмшатишга хизмат қиладиган Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш билан боғлайдилар. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни таъминлаш вазифаси Европа проблемаларидагини иборат эмас, албатта. У умумий характерга эга.

Ҳозирги вақтда журналистлар билан бўлган учрашувда айтганимдек, дунёдаги умумий вазият билан боғланган ташқи сиёсатнинг ҳар қандай масаласи Вьетнам воқеалари билан ўлчанади. Францияда эканлигимизда биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, французлар Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам халқига қарши агрессиясидан жиддий ташвишланмоқдалар.

Совет халқи қурашаётган Вьетнамни қўллаб-қувватламоқда. Бу сиёсий ёрдамгина эмас, шу билан бирга катта моддий ёрдам ҳамдир. Бинобарин, биз ўз томонимиздан шунини қатъий айтишимизки, агрессияга хотима берилмагунча бу ёрдам давом эттирилаверади.

Табиики, Вьетнам проблемаси Президент де Голль билан бўлган суҳбатлар чоғида муҳокама қилинган масалалар доирасига кирмасдан қололмасди. Совет Иттифоқи билан Франция Вьетнамда юз бераётган воқеаларга кўн жиҳатдан бир хил баҳо бермоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам халқига қарши агрессияси халқаро кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасида мустақкам тинч муносабатлар ўрнатиш йўлидаги асосий тўсиқдир. Биз Вьетнам проблемаси юзасидан ўз позицияларимизни солиштириб бориш ва қарашларимиз билан алмашилиб туриш тўғрисида келишиб олдик.

Президент де Голль, Бош мннстр Помпиду ҳамда Франциянинг бошқа давлат арбоблари билан алмашган фикрларимизнинг ҳамма темаси ҳақида қисқа бир нутқда фикр юритиш имкони йўқ. Зотан бунга катта эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки бўлиб ўтган музокараларга ҳулоса ясовчи ҳужжат тез орада эълон қилинади. Шунини қайд қилмоқчиманки, биронта ҳам йирик халқаро масала, жумладан ядро қуролсизланиши ҳамда ядро қуролининг бундан кейин тарқатилишига йўл қўймаслик масаласи ҳам суҳбатларимиз диққат марказидан тушиб қолгани йўқ.

Бизнинг музокараларимизда Совет-Франция муносабатларининг амалий масалалари катта ўрин тугди. Мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари конкрет шакл олганлиги шунинг ўзидан ҳам кўришиб турибди.

Ана шу амалий масалалардан баъзиларини айтиб ўтаман. Биз мамлакатларимиз бундан кейинги йилларда ўзаро савдои анча кенгайтириш мумкин бўлган йўллارни муҳокама қилдик. Мен ана шу соҳадаги қадамларимиз шунчаки жорий коммерция манфаатларини таъминлабгина қолмай, балки иккала мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам берувчи фактор бўлиб қолишини ҳам назарда тутаяпман. Бизнинг мамлакатларимиз айрим ишлаб чиқаришни ва ҳатто узоқ вақт давомида бир-бирларига маҳсулотларини юбориб тура оладиган бутун-бутун тармоқларини ривожлантиришлари мумкин. Суҳбатлар давомида биз бу муҳим ишни қандай бошлаш тўғрисида келишиб олдик.

Совет-Франция муносабатлари дўстона характерга эга эканлигига, мамлакатларимизнинг иқтисодий имкониятлари бизга ҳамкорликни тобора янги соҳаларга ҳам ёйиш имконини беришига биз шубҳаланмаймиз. Ҳозир сизларнинг кўз ўпгингизда мен нутқ сўзлаётган мана шу телевидение ҳам бу самарали ҳамкорликнинг конкрет соҳаларидан биридир.

Кўп соҳаларда совет ва француз олимлари, инженерлари, конструкторларининг ижодий тафаккурини бирлаштириш икки мамлакатда техника тараққиётини анча тезлаштириши мумкин, миллий ресурсларни тежаш, оз меҳнат билан кўп натижага эришишни таъминлаши мумкин. Буларнинг асосида

лар ҳамда саноат билан боғланган кишилар бир-бирларининг имкониятларини яхши ўрганишлари зарур. Шунинг учун ҳам биз Франциянинг фан, техника ва маданият ишбилармон кишилари билан Совет Иттифоқида кўриш билан хурсанд бўламиз, бундай алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қиламиз.

Сўзимнинг охирида шунини айтганим, биз муносабатларнинг борилишидан ва уларнинг яқунларидан тўла қониқдик. Биз Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган ишовч ва ўзаро тушунишни янада кўи даражада мустаҳкамлаш учун сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш йўлидан янада олға бориш имкониятига эгамиз.

Биз эртага Ватанимизга қайтаемиз. Биз Франция ва Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг келажакига катта ва тўла асосли ишовч билан қараймиз.

Совет халқи шунга тўла ишонадики, қаҳрамонна анъаналарга эга бўлган, мард ва актив, тинчликсевар Франция халқи тинчлик ва хавфсизликнинг жиддий таянчидир. Совет кишилари француз халқи билан дўстликнинг қадрига етадилар ҳамда бу дўстликнинг ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги аҳамиятини тушунадилар. Ўйлайманки, француз халқи ҳам Совет-Франция дўстлигининг аҳамиятига шундай баҳо беради. Бизнинг олдимизда катта йўл — икки буюк халқнинг ҳамкорлик йўли, дўстлик йўли очиқ!

**ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ
СУЛАЙМОН ДЕМИРАЛ ТОМОНИДАН АНҚАРАДА
БЕРИЛГАН ЗИЁФАТ ВАҚТИДА 1966 ЙИЛ
20 ДЕКАБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли Бош министр жаноблари, бизнинг мамлакатимизни ва унинг вакиллари бўлган бизларни табриклар айтган дўстона сўзларингиз учун Сизга ташаккур.

Бундан бир неча соат олдин, расмий сафаримизни бошлар эканмиз, биз аввало Камол Отатуркнинг хотирасига иззат-иқром бажо келтирдик. Бу ажойиб давлат арбобининг қабри олдидаги тантанали маросим Туркиянинг бошига тушган синовлари, ўз мустақиллиги ва қадр-қимматини, ўз суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилишда турк халқи кўрсатган мардликни эслатди.

Бугун бўлиб ўтган тантанали маросим Камол Отатурк ҳозирги Туркиянинг асосчиси бўлганлигининга эслатиб қўйгани йўқ. Улуғ Ленин билан биргаликда у мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничлик асосларини қурди. Бу ёш Совет давлати эски дунё кучларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган давр эди. Бизнинг халқларимиз бир-бирларига ўзаро ёрдам ва кўмак бердилар.

Совет Россияси Туркия Республикасининг суверенитетини ташиган биринчи давлат бўлди. Бизнинг давлатларимиз бир-бирларига нисбатан ўша давр учун тамомла янги бўлган халқаро принципларга амал қилишга аҳд қилдилар.

Икки мамлакатнинг манфаатларига жавоб берувчи тўла тенг ҳуқуқлилиқ, суверенитет, мустақиллик ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшаш принциплари Совет Иттифоқининг биздагидан бошқа ижтимоий тузумга нисбатан позицияси учун белгиловчи жиҳат бўлди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Совет Иттифоқи билан Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган вақтдан буён салкам ярим аср ўтди. Бу йиллар мураккаб, қизгин воқеалар юз берган йиллар бўлди. Инсоният ўз тарихида жуда оғир бўлган, бутун-бутун давлатлар ва халқлар тақдири ҳал қилинган жаҳон урушини бошдан кечирди. Шу йиллар мобайнида мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда равшан ва туманли кунлар ҳам бўлди. Лекин шуниси

Тинчликни мустаҳкамлаш учун мураккаб ва кўп қиррали кураш кетаётган ҳозирги шароитда Европа давлатлари ўртасида ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлиги аяни вақтда бошқаларнинг ҳам хавфсизлиги бўладиган ўзаро муносабатлар ўрнатилиш катта аҳамият касб этмоқда.

Совет Иттифоқи — ўйлайманки, бу Туркияга ҳам баббаравар тааллуқли — Яқин ва Ўрта Шарқда ҳам умумий халқаро атмосферанинг яхшиланишидан манфаатдордир. Давлатларимиз халқлари бу район мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик зонасига айланишини талаб қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Американинг Вьетнамдаги агрессияси натижасида энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилиш қийинлашмоқда. Барча халқларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган бу хавф тобора кучаймоқда. Лекин, Вьетнамнинг ресурслари, унинг дўстлари актив ва тобора кўп ёрдам кўрсатаётганликлари агрессорлар қаҳрамон Вьетнам халқини ўз продасига бўйсундиришга ҳеч қачон муваффақ бўлолмайди, деб айтиш имконини беради. Вьетнам Демократик Республикасининг бомбардимон қилишни сўзсиз тўхтатиш, чет эл қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш, Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини бериш — тинчлик ва Жануби-Шарқий Осиёда можаронни тўхтатиш йўли мана шулардир.

Ҳурматли Бош министр жаноблари!

Бизнинг сафаримиз меҳмондўстлик ва яхши ният вазиятида бошланганидан қониқиб пазҳор этмоқчиман. Совет-Туркия муносабатларини янада яхшилаш бизларнинг ўзимизга, биргалликда куч-ғайрат сарфлашимизга боғлиқ, албатта. Биз бу куч-ғайрат муваффақиятли ва самарали бўлади, деб ишонамиз.

Турк халқининг осойишталиги ва равнақи учун!

**БУЮК БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИДА
1967 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛДА
СУЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли лорд-канцлер! Хурматли умумпалата спикери жаноблари!

Буюк Британия парламенти аъзолари олдида нутқ сўзлашга таклиф этилганимизни аввало бизнинг мамлакатимизга, бизнинг совет халқига ҳурмат белгиси деб биламиз. Сиз совет халқини ва бизнинг мамлакатимизни Буюк Британия халқининг яхши дўсти деб шинончилар. Бу таклиф учун сизларга ташаккур.

Бизнинг сафаримиз, бир қадар, тиғиз жадвал билан бўлса-да, жуда қизиқарли ўтмоқда. Биз бу ёнра сафаримизнинг Буюк Британияда мавқиди вақти билан йўл-йўриқларини ўзлаштиришга урғундик. энди ишонч ҳосил қилдикки, бундай қилиб тўтти иш тўтиб-миз. Бу билан иш қушни уч соатга узайтириш мумкин.

Бизга ҳамма жойда Буюк Британиянинг расмий маълумлари томонидан ҳам, бутун аҳолиси томонидан ҳам дўстона эътибор ва меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Лондон жамоатчилигининг энг турли хил доираларининг вакиллари бизни жуда яхши қабул қилишди.

Буюк Британия ишчилари, ўз меҳнати билан мамлакатининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган ва бутун дунёда юксак қадрланадиган ишчилар синфи билан учрашувлар бизда катта таъсир қолдирди. Биз инглиз халқининг совет халқига бўлган дўстона туйғуларининг запаси катта, деган хулосага келиб қўйдик. Бизга келганда ҳам худди шундай. Бизнинг мамлакатимиз билан боглиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасига бўлган қизиқиш ҳам сезилиб турипти.

Сизлар Совет давлати бу йил ўзининг 50 йиллигини шинонлашини биласизлар, албатта. Бу йиллар бизнинг халқимиз учун социалистик экономика, маданият, Совет ҳокимиятнин қарор топтириш ва ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилиш ва катта ютуқларга эришиш йиллари бўлди. Биз ўз қийинчиликларимизни яширмаймиз, биз ҳозирга қадар эришган ва эришаётган муваффақиятларнинг ўзиёқ халқимизда ўзининг бугунги кунига ва келажакга бўлган мустаҳкам ишонч ҳосил қилди.

Бу ерга, Англияга сафар қилишдан сал олдин меп мамлакатимизни айланиб чиқдим, унинг Москвадан тортиб Узоқ Шарққача бўлган турли районларида кўп одамлар билан учрашдим. Ҳамма жойда катта ғайрат, қўйилган мақсадга эришиш учун астойдил меҳнат қилиш иштиёқи сезилиб турипти.

Ҳозирги вақтда дунёда бизнинг планларимизнинг реаллигига ишончсизлик билан қаровчилар тобора камайиб бормоқда. Бу жуда яхши. Чунки масалага ақл кўзи билан қараш, оқибат натижада, биз интилаётган ўзаро тушунишга, жумладан бошқа сиёсий масаладаги, бошқа фалсафий қарашлардаги доиралар билан ҳам ўзаро тушунишнинг шартларидан биридир.

Ҳозирги дунёда ҳадиксираш ва душманлик кўпинча тўғри ахборотнинг йўқлиги ёки бир-бирини тушунмасликнинг оқибатидир. Ва аксинча, бошқа мамлакатларни яхши билиш, уларнинг ҳаёти ва сиёсати билан синчиклаб танишиш дўстлик ва бир-бирини тушуниш учун аъча мустаҳкам асос бўлади. Бу сўзларни Бош министр Вильсон жаноблари айтган. Бу сўзларга қўшилмаслик мумкин эмас.

Биз иқтисодий сиёсатимизда олдимизга эриша олинмаган вазифаларни қўйишимиз сингари, ташқи сиёсат масалаларига ҳам реал кўз билан қараймиз. Буюк Британия билан муносабатларни тубдан яхшилаш — бу оддий иш эмаслигини, бу ўзаро истак, икки томондан астойдил иш олиб боришни талаб қиладиган иш эканлигини биз яхши тушунамиз. Мамлакатларимиз халқлари муносабатларимиздаги бундай бурилишни табриклиаяжакларига биз ишонамиз.

Буюк Британия Совет Россияси билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш зарурлигини эътироф этган ва биз билан биринчи бўлиб савдо битими тузган буюк Ғарб давлатларидан биридир. Бизнинг сизлар билан муносабатларимиз таърибаси бошқалар учун ибратли бўлади, деб ўйлайман. Икки томондан ўзаро ишонч, турли соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш учун объектив имкониятлардан фойдаланиш истаги бўлган пайтларда ишлар чакки бўлмаган эди. Ўртага шубҳа оралаганда эса ўн йиллар давомда олиб ташланиши лозим бўлган бегонасираш девори қад кўтарди.

Совет ҳукумати Буюк Британия билан контактлар ва алоқаларни ривожлантиришни табриклайди. Бу контактлар бир-биримизнинг позициямизни яхши тушуниб олишга ёрдам беради, сиёсий ва иқтисодий муносабатларимизни, фан-техника ва маданият соҳасидаги алмашувларимизни қадамба-қадам яхшилаб боришга кўмаклашади. Совет-инглиз муносабатларини яхшилаш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончни ривожлантириш тинчлик ва барча халқлар хавфсизлиги манфаатларига жавоб бериши учун бу борада актив иш олиб боришга лойиқ эканлигига Совет ҳукуматининг ишончи комил.

Буюк Британия Бош министри ва британ министрларининг Совет Иттифоқига сафарлари, парламент делегациялари, жамоат ва маданият арбобларининг сафарлари, экономика ва савдо масалалари билан шуғулланувчи вакилларимизнинг учрашувлари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бизнинг ҳозирги сафаримиз ҳам шунга тааллуқлидир.

Бизнинг Вильсон жаноблари ва Буюк Британия ҳукуматининг бошқа аъзолари билан суҳбатларимиз икки томонлама совет-инглиз алоқалари масалалари хусусида жилла бўлса-да янги келишмовчилик йўқлигини кўрсатди. Ҳайтага, бу масалалар юзасидан бизларнинг ўртамида совет-инглиз ҳамкорлигини муваффақиятли амалга оширишнинг шунчаки бир нуқталари уёқда турсин, ҳаттоки бутун-бутун соҳалари бор.

Баъзи халқаро проблемалар — бошқа гап. Тўғри, биринчи қарашда бу борада ҳам бизнинг позицияларимиз кўп жиҳатдан бир-бирига тўғри келади.

Ҳукуматларимиз ҳам вужудга келаётган халқаро вазиятни хатарли деб ҳисобламоқдалар. Унинг оқибатларини сиз ҳам ўз халқингизга раво кўрмайсиз, биз ҳам хоҳламаймиз.

Совет ҳукумати сизгари Буюк Британия ҳукумати ҳам. Британия парламенти сизгари СССР Олий Совети ҳам ҳозирги муносабатларимизнинг асосини қўймоқдалар.

Ҳукуматларимиз ҳам вужудга келаётган халқаро вазиятни хатарли деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирги пайтда Вьетнамдаги уруш хавф-хатарлини асосий ўчоги эгаллиги умуман тушуниб етилмоқда, икки томон ҳам бу шароитдаги муносабатларимизни яхшироқ равишда ҳақиқатга яқинлаштиришга ҳаракат қилишмоқдалар.

Бироқ тажриба такрор ва такрор шунга ишонтирмоқдаки, томонларнинг у ёки бошқа проблемаларни ҳал қилишга интилиши масалани бундай ҳал қилишга ёрдам берадиган йўللар ва методлар хусусида умумий нуқтаи назар бор, деган гап эмас ҳали. Мапа шу масаладаги аҳвол ҳам шундай.

Мен аynиқса анъаналар ихлосманди бўлган инглизлар уйида туриб анъаналарни бузмоқчи ва мезбонлар шаънига танқидий фикрлар айтмоқчи эмасман, чунки мезбонларнинг ўзлари ҳам аynиқса биз фикр юртаётган масала юзасидан бир-бирларини танқид қилишдан тоймайдилар. Шунинг учун мен Совет ҳукумати ва Буюк Британия ҳукумати Вьетнамдаги урушнинг кенгайиш сабабларини ҳар хил тушунаётганлиги фактини таъкидлаб ўтиш билан чекланмоқчиман. Бизлар агрессорга, биз уни АҚШ деб ҳисоблаймиз ва агрессия қурбони — Вьетнам халқига ҳар хил муносабатдамыз.

Совет Иттифоқи ва Буюк Британия Женева битимини бир неча йилдан кейин топташ ва четга улоқтириб ташлаш учун имзолаган эмаслар. Женева битимлари остидаги Совет ва инглиз битимлари ҳукуматларимиз унинг амалда бажарилишини истаяжакларини билдирди. Агар бунга муваффақ бўлинганда, ҳозир

Жануби-Шарқий Оспёдаги вазият бутунлай бошқача бўлиши ва Вьетнамда тинчлик ҳукм сүриши мумкинлигини ҳамма тушунади. Буюк Британия Вьетнам масаласида ҳали ўзининг сўзини айтгани йўқ, деб ишонамиз.

Энди Европа хусусида. Европа цивилизациянинг ривожланишида жуда катта роль ўйнади. Лекин Европа дунёга кўп нарса берибгина қолгани йўқ, ундан кўп нарсани ҳам тортиб олди. Сон-саноксиз урушлар, жумладан иккита энг катта вайронгарчиликка олиб келган жаҳон уруши уруғлари шу Европада сепилди.

Хавотирланиш учун сабаб борми, ёки бўлмаса, йиғирма йилдан бери Европада замбараклар жимиб, солдатлар машқлардагина ўқ узаётганидан, улар жанговар тревога билан турғўпладиган кун келмайди, деб тўла ишонч билан айтиш мумкинми? Биз ҳозирги вазиятда бундай гарантия бериб бўлмайди, хавотирланиш учун ҳали жиддий асослар бор, деб ўйлаймиз. Менинчга, сизлар ҳам бунга қўшилсаларинг керак, Европадаги аҳволни қониқарли деб бўлмайди. Британия ҳукумати сизлар Совет ҳукумати ҳам Европани мустаҳкам тинчлик райони деб аташ учун ҳали кўп ишлар қилиш керак, деган фикрдадир.

Мана шу масалада ҳам қарашларнинг бир-бирига бундай тўғри келишидан қўйилган вазифаларга эришиш йўллари тўғрисида конкрет келишиб олишга ҳали узоқ. Европа хавфсизлиги нимадан ташкил тонади ўзи, деб сўрашга рухсат этасиз. Аввало Европадаги чегаралар бузилмалигига ишонч йўқ экан, ҳеч қандай хавфсизлик бўлиши мумкин эмас. Таркиб топган чегараларни тан олишни хоҳламаслик хавфсизликни мустаҳкамлашни хоҳламаганликдап бошқа нарса эмас. Чегара масаласи ҳал қилинмаган деган сохта баҳона натижасида Ғарбий Германияда реваншизм учига чиқмоқда, бу масалада ҳар қандай келишмовчилик иккинчи жаҳон уруши якупларини ревизия қилишга ишонччи рағбатлантирмоқда. Европа хавфсизлигини таъминлаш Европадаги чегараларнинг дахлсизлиги масаласида аниқ ва равшан позиция бўлишини талаб қилади.

Бошқа масала. Европа марказида мана 20 йилдирки, суверен давлат Германия Демократик Республикаси яшаб келмоқда ва ривожланмоқда. Эндиликда ГФРнинг баъзи кўзга кўринган арбоблари ҳам ГДР катта ютуқларга эришганлигини эътироф этмоқдалар. Савол туғилади: Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида жиддий гапириб туриб, айни вақтда энг йирик Европа давлатларидан бири яшаб турганлигидан кўз юмиш мумкинми, ёки Европа хавфсизлиги бу давлат яшашдан тўхтагани тақдирдагина таъминланади, деб айтиш мумкинми? Бундай сўёсатни тинчликни мустаҳкамлаш сўёсати эмас, балки Европада хавфсизликни қўпориш сўёсати деб аташ тўғрироқ бўлур эди.

Яна бир масала. Европа хавфсизлигини таъминлаш Ғарбий Германияни ядро қуролига қўйиш билан сиғиша оладими?

Менингча, европаликларнинг аксарият кўпчилиги, улардан бошқалар ҳам бу масалага салбий жавоб берадилар. Шундай эса, ҳар қандай жим туришлик ва англашилмовчиликларга йўл қўймаслик, Ғарбий Германия ядро қуролига қўйиш имконини йўққа чиқариш учун Европа давлатларининг ҳукуматлари буни тўғридан-тўғри айтишларига ҳеч нарса монелик қилмаслиги керак.

Ғарбий Европа давлатларида уларнинг территорияларида НАТО базалари ва штаблари борлиги билан боғланган ортиқча юк ва хавф-хатардан қутулишга иштирокчи кучаймоқда. Маълумки, ҳозирги вақтда уёқдан-буёққа кўчиши жараёнида бўлган бу штаблар ва базалар Европанинг қаеридадир тўхтаб қолгани кераклиги сабабини биз айниқса тушунолмаймиз. Бизнингча, бу штаблар ва базалар у ер, бу ерда тўхтаб ўтирмасдан тезроқ океanning парёғига жўнагани маъқул.

Табиийки, Буюк Британиядаги суҳбатларимизда Европа хавфсизлиги проблемаси марказий ўринлардан бирини эгалламоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мазкур проблема хусусидаги позицияси машҳур Бухарест декларациясида баён этилган. Бу декларация, бизнинг билишимизча, Буюк Британияда ҳам қизиқиш билан кутиб олинган. Қизиқиш бошқа, маъқуллаш бошқа, албатта. Бундай пайтда ҳар бир тезисни, ҳар бир талабни, ҳар бир шартни ҳақдорлик билан қўйиш керак. Бизнингча, бу талаблар ва шартлардан муваффақият ҳам яқини тақдирлар. Европада ҳамма учун, ҳар бир давлат учун тиричиликни мустаҳкамлашга ёрдам бера оладиган, бениҳтиё барча Европа давлатлари ўртасида ҳар бир мамлакатнинг ҳамкорлик қилиши истиқболларини очиб берадиган тақдирлар бўлса, биз уларни диққат билан қараб чиқамиз. Социалистик мамлакатлар Бухарест декларациясини тайёрлаётганларида Европадаги мавжуд чегараларни узил-кесил расмийлаштириш, ядро қуроли тарқатилишининг олдини олиш, инглиз вакиллари, жумладан Британия парламенти ичидагилар ҳам айтганидек, ГФРни ядро қуролига қўймасликни узил-кесил расмийлаштириш хусусидаги гойлар ва қарашларни ҳисобга олишга ҳаракат қилдилар.

Мен ядро қуролини тарқатмаслик масаласига тўхтаганимиз учун, тегишли халқаро шартнома тайёрлаш учун қилинган ишлар тез орада муваффақият билан ниҳоятга етказилди, деган ишопчи билдирмоқчиман. Совет ҳукумати бу ишни шундай тарзда тушунадими, унга кўра бу масаланинг бир неча аспекти бор. Бу масала аввало ўз моҳиятига кўра, ядро конфликтни хавфли чеклаш моҳияти сифатида муҳимдир. Бундан ташқари юқорида айтиб ўтганимдек, у Европада хавфсизликни таъминлашга тўғридан-тўғри алоқадордир. Ниҳоят, биз ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишини давлатларнинг бундан кейинги ядро қуролисизланиши томон муҳим қадам деб биламиз. Бу ҳозирги ядро қуролига эга бўлган давлатларга махсус статус берадиган восита эмас, балки ядро қуролисизланиши учун, ядро

қурулнини қўлланишни таққлаш учун, уни давлат қурулларидан ва қириш воситаларидан тўла ажратиб қўйиш учун курашда муҳим босқичдир, бу мазкур қурулни ишлаб чиқаришни тўхтатиш учун курашдир. Биз ишонамизки, оқибат натижада ана шу вази-фаларнинг ҳаммасини ҳал қилишга эришиш ва бу билан писони-ятни хавф-хатардан халос қилишга муваффақ бўлинади. Қурул-сизлашиш масалаларида мамлакатларимизнинг объектив манфаат-лари бир-бирига мос тушишига шубҳа йўқ.

Совет Иттифоқи ва Буюк Британия тинч-тотув яшаш сиёса-тига амал қилиб, тинчлик ва дўстликда яшашлари мумкин ва лозим, улар пайдо бўлаётган проблемаларнинг ҳаммасини музо-каралар йўли билан ҳал қилишлари мумкин ва лозим. Бизнинг томондан совет-инглиз муносабатлари тинч ҳамкорликнинг мустаҳкам ва кенг негизига қурилиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шу муносабат билан мен шуни айтмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга кенг истиқбол пуқтан пазаридан қа-раладиган бўлса, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия ўртасида дўстлик, тинч ҳамкорлик қилиш ва бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бундай шартнома тузиладиган бўлса, у совет-инглиз муносабат-ларини мустаҳкамлаш йўлида олга томон ташланган муҳим қадам бўлур эди. Бу шартнома бирон бир учинчи мамлакатга қарши қар-ратилмаган бўлурди. Аксинча, бу шартнома халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, кескишликни юмшатишга, тинчликни ва халқ-лар хавфсизлигини мустаҳкамлашга жиддий ҳисса бўлиб қўшил-ган бўлур эди. Бу шартнома ана шундай йўлга кириб, ёнига тинчликни мустаҳкамлаш ишига ёрдам берадиган бошқа давлат-лар учун ҳам намуна бўлур эди.

Сўзимнинг охирида Буюк Британия парламенти аъзолари билан учрашиш ва уларга Совет ҳукуматининг энг муҳим пробле-малар хусусидаги позициясини баён қилиш имкони берилганлиги учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман. Парламент аъзоларига Буюк Британия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фаоллиятларида муваффақиятлар тилайман.

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА
МАХСУС СЕССИЯСИДА 1967 ЙИЛ 19 ИЮНДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Раис жаноблар! Жаноб делегатлар! Дунёдаги қарийб барча мамлакатларнинг вакиллари сўнгги вақтларда Яқин Шарқда вужудга келган жиддий ва хавфли вазиятни, ҳамма жойда катта ташвиш тугдираётган аҳволни қараб чиқиш учун БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессиясига тўплашдилар.

Тўғри, ҳозирги вақтда у ерда уруш ҳаракатлари олиб борилаётгани йўқ. Ўт очиб тўхтатилганлиги тинчликсевар кучларнинг муайян юздорининг Барои Халқаролик БМТ Х

очилишининг тўхтатилишида унинг роли кам эмас. Агрессия давом этмоқда. Исроил қуролли кучлари БАВ, Сурия, Йордания ерлари-

Исроил қўшинлари босиб олишган территорияларини эгаллаб тураверар экан, агрессия оқибатларини тугатиш юзасидан тезлик билан чоралар кўрилмас экан, уруш моҳароси исалган вақтда янги куч билан бошланиб кетиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Бош Ассамблеянинг махсус сессиясини чақириб ташаббускори бўлиб чиқди. Кўпгина давлатлар бизнинг таклифимизни қўллаб-қувватлаганликларини қониқиш билан қайд қиламиз.

Бош Ассамблея масъул вазифалар олдида турипти. У Яқин Шарқда тинчликни қайта тиклаш йўлини тозалайдиган қарорлар қабул қилиши керак. Бу вазифа социял ва сиёсий системалардаги тафовутлардан, фалсафий қарашлардан катъий назар, географик мавқеидан ҳамда у ёки бошқа группировкаларга мансублигидан қатъий назар, барча давлатларга тааллуқлидир. Бу вазифа ҳозирги дунёнинг кўн қирраллиги ва мураккаблиги давлатлар ва халқларни бир-бири билан боғлаб турадиган умумий жиҳатларни ва, аввало, уруш фалокатининг олдини олишни тўсиб қўймасигина ҳал қилиниши мумкин.

Ҳозирги вақтда барча халқларни қайси масала тўлқинлантирмоқда? Бизнингча, халқларни қандай қилиб ана шу фалокатнинг

олдини олиш масаласи кўпроқ қизиқтирмоқда, десак Бош Ассамблеянинг ҳамма иштирокчилари қўшилганга керак.

Биропта халқ уруши истамайди. Ҳозирги вақтда янги жаҳон уруши, мабодо у бошлангундек бўлса, албатта ядро уруши бўлишига ҳеч ким шубҳаланмайди. Унинг оқибатлари кўнгилга мамлакатлар ва жаҳон халқлари учун муҳим бўлур эди. Турли хил мамлакатларнинг узоқши кўрадиган давлат арбоблари, ажойиб атоқли мутафаккирлари ва олимлари ядро қуроли пайдо бўлган дастлабки кунлардавоқ бу ҳақда огоҳлаштириб қўйганлар.

Ядро асри уруш ва тинчлик масалаларида янги реаллик туғдирди, у давлатлар зиммасига ана шу масалалар билан боғлиқ бўлган беқийс катта масъулият юклади. Оқилона фикр юритиш қобилиятидан маҳрум бўлмаган биропта ҳам сийосий арбоб, биропта ҳам ҳарбий одам буш рад этолмайди, айниқса ҳарбийлар ядро урушининг оқибати нима бўлишини бошқаларга қараганда яхши билишади.

Бироқ халқаро муносабатлар практикасида баъзи давлатлар бу масалага бошқача қарайтишликларини кўрсатувчи фактлар кўп. Мустақил мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашини, уларга ташқарида ўз сийосий концепцияларини, социал тузумга бегона қарашларини тикиштириш йўлидаги уршишлар тўхтамайтир. Ҳарбий блокларга жон киритиш учун қўлда келган ҳамма иш қилинмоқда. Агрессиянинг таянч нуқти бўлган ва бутун дунёга сочилиган ҳарбий базалар системаси янгиланмоқда ва тақомиллаштирилмоқда. Ҳарбий флотлар ўз қиргоқларидан мингларча километр нарида сузиб юриб, бутун-бутун районлардаги давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Кескиллигини кучайтириб ёки ҳарбий хавфнинг пайдо бўлиши нисбатан кичик давлатлар ўртасидаги конфликтлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда ҳам, бунда кўпинча йирик давлатларнинг қўли борлиги сезилиб туради. Бу гап анча йирик империалистик давлатлар қўллаб-қувватлаб турган Исроил агрессиясига дучор бўлган Яқин Шарқдаги тааллуқли бўлмай, шу билан бирга ер юзининг бошқа районларига ҳам тааллуқлидир.

Мана, қарийб уч йилдан бери Америка Қўшма Штатлари ҳар қандай ниқоби улоқтириб ташлаб, вьетнам халқига қарши тўғридан-тўғри агрессия қилмоқда.

Социалистик Кубага қарши душманчиликдан иборат позиция, гоҳ Конго, гоҳ Доминикан Республикасига қарши ҳарбий интервенция, ўз мустақиллигига эришишга урипаётган мустамлака территорияси халқларини қурол ишлатиш йўли билан бостириш — буларнинг ҳаммаси ўз хатти-ҳаракатлари билан халқаро кескинликни келтириб чиқараётган ва авж олдираётган ўша халқнинг бўғишлари, тинчликка қарши олиб борилаётган сийосатларининг намоён бўлишидир.

Масалан, ҳам биринчи, ҳам иккинчи жаҳон уруши ўт олган Европа қитъасини олайлик. Совет Иттифоқи, бизнинг дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз ва бошқа қўшгина давлатлар урушдан кейинги бутун давр ичида бу қитъада янги уруш чиқишига йўл қўймасликка, иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганлиги учун ўч олмоқчи бўлган кучларни жиловлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Европада тинчлик учун кураш жараёнида қўндапоқ гитлерчилар босиб ўтган йўлдан бормоқчи бўлган кучлар борлиги рўй-рост намойн бўлди. Бу кучлар — Ғарбий Германиядадир. Урушдан кейинги йиллар давомида у ерда уруш оқибатларидан очиқдан-очиқ норозилик билдирилмоқда. Урушдан кейин таркиб топган чегараларни қайтадан кўриб чиқишни талаб қилишмоқда, оммавий қирғин қуроллариға ёпишишмоқда. Бу кучлар халқлар учун хатарли бўлган ва Европада ташқарида жойлашган агрессив кучлар йўлига кирдилар.

ГФР милитаристлари ва реваншчилари шунини билишлари керакки, уларнинг телба планлари халқларнинг бошига оғир фалокат келтиради, аввало Ғарбий Германия учун ўлим хавфини туғдиради.

Совет Иттифоқи Европада тинчлик бўлишининг катъий таъинлари ва у Европада индустриал ва саноатнинг ҳудудларини тайин таркиб топган чегараларни, шу жумладан икки суверен номсиз давлати бўлган Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги чегараларни ҳурмат қилиш асосига қуради.

Халқаро ҳаётни алғов-далғов қилаётган, баъзи-баъзида эса катта кескинликка ва уруш ўчоғининг пайдо бўлишига олиб келадиган воқеалар рўйхати шу билангина тугамайди.

Агар Яқин Шарқдаги воқеаларни таҳлил қиладиган бўлсак, Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги уруш ҳам бирон бир англашмалмовчилик ёки томонларнинг бир-бирини етарли даражада тушуниб етмаслиги натижаси эмас, дегап хулосага келиш мумкин. Бу шунчаки локаль конфликт эмас. Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги қуроли тўқнашув муносабати билан яқинда Яқин Шарқда юз берган воқеаларни умумий халқаро вазият билан алоқадорликда олиб қараш зарур.

Мен бу хусусда қисма-қисм тўхтаб ўтирмоқчи эмасман, лекин юз берган воқеаларга тўғри баҳо бермоқ учун асосий фактлар ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги муносабатлар кескинликнинг узлуксиз ошиб борганлиги билан ҳамда Исроил қўшинлари ўз қўшниларидан гоҳ бирнга, гоҳ иккинчисига қарши ҳужумни тобора кенг кўламда авж олдирганлиги билан характерланади. Хавфсизлик Кенгаши 1966 йил 25 ноябрда БМТ Уставига хилоф равишда Иорданияга қарши нухта планлаштирилган «кенг

миқёсдаги уруш ҳаракати» қилганлиги учун Исроил ҳукуматини қоралади ҳамда бундай хатти-ҳаракат такрорланган тақдирда Хавфсизлик Кенгаши Уставда белгиланган тартибда «бундан кейин янада таъсирчан чора кўриш»га мажбур бўлинади, деб огоҳлантирди. Бироқ Исроил сабоқ олишни хоҳламади. Шу йилнинг 7 апрелида Исроил қўшинлари Сурия Араб Республикаси территориясига ҳужум қилди. Бу йприк ҳарбий операцияда самолётлар, танклар ва артиллерия ишга солинди. Шундан кейин Исроил Иордания билан чегарада янги уруш можаролари чиқарди.

Исроил ўша вақтда ўтказётган сиёсатининг оқибатлари учун жавоб беражаги тўғрисида қатор давлатлар томонидан яна бир огоҳлантирилди. Шундан кейин ҳам Исроил ҳукумати ўз йўлини қайта кўриб чиқмади. Унинг сиёсий лидерлари «араб мамлакатларига қарши янада кенгроқ уруш ҳаракатлари қилиш билан очиқдан-очиқ таҳдид қилдилар». Исроил Бош министри Сурияга апрель қурулли ҳужуми сўнги қадам эмаслигига ва Исроил ана шундай янги ҳаракатлар методи ва вақтини ўзи тайинлаяжигига шама қилди. 1967 йилнинг 9 майида Исроил парламенти ўз ҳукуматига Сурияга қарши уруш операциялари ўтказиш учун ваколат берди. Исроил чегараларига Исроил қўшинлари келтирила бошланди, сафарбарлик ўтказилди.

Ўша кунлари Совет ҳукуматига ва, мен ўйлайманки, бошқа ҳукуматларга ҳам, Исроил ҳукумати майнинг охирида Сурияга қаттиқ шикаст етказиш, кейинчалик эса уруш ҳаракатларини Бирлашган Араб Республикасига кўчириш учун тезда зарба беришни мўлжаллаётганлиги тўғрисида хабарлар келди.

Урушга тайёргарлик сўнги нуқтасига етгач, Исроил ҳукумати конфиденциал тартибда ҳам, ошкора равишда ҳам тўсатдан тинч мақсадларни кўзлашимиз деб ишонтиришга ўтди. Исроил ҳукумати уруш ҳаракатлари бошламоқчи эмаслигини, ўз қўшинлари билан низо чиқармоқчи эмаслигини билдирмоқчи бўлди. Араб давлатларига қарши ҳужум қилишдан атиги бир неча соат илгари Исроил Мудофаа министри унинг ҳукумати масалани тинч йўл билан ҳал қилиш йўлини излаётганлиги тўғрисида қасам ичди. Исроил учувчиларига Бирлашган Араб Республикаси, Сурия ва Иордания шаҳарларини бомбардимон қилиш тўғрисида буйруқ тошширилган бир пайтда бу министр «Энди дипломатия ишга тушсин» — деб айтди. Бу — мислсиз шармандалиқдир.

5 июнда Исроил Бирлашган Араб Республикасига, Сурия ва Иорданияга қарши уруш бошлади. Исроил ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини, халқаро ҳуқуқ нормаларини бузди ва бу билан ўзининг тинчликпарварлик тўғрисидаги ҳамма гаплари бошдан-оёқ сохта эканлигини кўрсатди.

Ундан кейин нима бўлгани ҳаммага маълум.

Бу ерда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида мен ўзини қўйиб юборган агрессор Хавфсизлик Кенгашининг ўт очишни

дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги талабларини қапчалик сурбетлик билан менсиммаганлигини эслатиб ўтмоқчиман холос.

6 июнда Хавфсизлик Кенгаши типчликни қайта тиклаш йўлида дастлабки қадам сифатида бутун уруш ҳаракатларини тўхтатишни таклиф қилди. Исроил фронтларда операцияни кенгайтирди.

7 июнда Хавфсизлик Кенгаши уруш ҳаракатлари тўхтатилиши лозим бўлган сўнгги муддатни белгилади. Исроил кўшинлари ҳужумни давом эттирди, Исроил авиацияси типч араб шаҳарлари ва қишлоқларини бомбардимон қилди.

9 июнда Хавфсизлик Кенгаши ўт очилиш тўхтатиш тўғрисида янги қатъий талаб қўйди. Исроил уни ҳам менсимайди. Исроил армияси Суриянинг пойтахти Дамашққа ёриб кириш мақсадида бу давлатнинг мудофаа чегараларига ҳужум бошлади.

Исроил кўшинлари уруш ҳаракатларини тўхтатиши учун яна бир чора — Хавфсизлик Кенгашининг тўртинчи қарори чиқиши лозим бўлди, қатор давлатларнинг Исроил билан дипломатик мубоҳабатларини ўзини, санкция қўлланилиши тўғрисида қаттиқ огоҳлантириши лозим бўлди. Ҳозирги вақтда Исроил томонидан амалда босиб олинган араб давлатлари территориясининг катта қисми ўша вақтдаги янги Хавфсизлик Кенгаши уруш қарорига босиб олинган.

Уруш бошлаганини учун, унинг қурбонлари учун, унинг оқибатлари учун Исроил широбур қилиниши фақат уруш бошлангандан бери майдонда кўрсатиб турибди.

Яқин Шарқдаги урушни Исроил бошлаганлигини кўрсатувчи далил-исботлар яна баъзиларга лозим бўлса, агрессор Исроил эканлигини кўрсатувчи далил лозим бўлса, бу далилни Исроилнинг ўзи берди. БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясини чақиритиш тўғрисидаги Совет Иттифоқи таклифини қўллаб-қувватлашдан Исроил ҳукумати бош тортганлигини бундан бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Агар Исроил ҳукумати жаҳон халқлари олдидаги айбини сезганда бизнинг муҳокамамиздан ҳамда Бош Ассамблея қабул қилиши керак бўлган қарорлардан ҳайиққан бўларди.

Исроил ўзи бошлаган агрессияни оқлаш учун ҳеч қандай баҳонага эга эмас. Унинг ўзини оқлашга уриниши Исроил сиёсати ва хатти-ҳаракатини оқлашга урипаётган ҳамда Араб давлатларига Исроилнинг ҳужуми мажбур бўлганликдан келиб чиқди, бошқа томон бундан бошқа йўл қолдирмади, деган сохта гапларга умид боғлаган адвокатларининг уришиши сингари ғирт ёлғондир.

Агар Исроилнинг ўз кўшинларига даъволари бўлса, у бу ерга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига келишч, БМТ Уставида кўрсатилганидек, масалаи тинч йўл билан ҳал қилиш йўлини шу ерда излаши керак эди. Ахир Исроил Бирлашган Миллатлар Таш-

килотн тазоларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга даъво қилаётгани. Лекин ҳуқуқлар ҳеч вақт бурчдан ажралган эмас.

Исроил босқинчилари ўзлари босиб олган территорияларда қилаётган ваҳшийликлари ва зўравонликлари тўғрисида тобора кўп хабарлар келмоқда. Синая ярим оролида ва Ғози раёонида, Йорданиянинг Ғарбий қисмида ҳамда Исроил қўшинлари ишғол қилган Сурия ерларида бўлаётган воқеалар пикетчи жаҳон уруши йилларида фашистлар қилган ёвуз жиноятларни эслашга мажбур этмоқда. Ғози, Қуддус ва бошқа раёнлардан тиб араб аҳолиси ҳайдаб чиқариламоқда. Бир вақтлар гитлерчи Германия ўзлари босиб олган раёнларда гаулейтерлар тайинлагани сингари, Исроил ҳукумати ҳам босиб олинган территорияларда оккупацион маъмурият тузмоқда, у ерда ўз губернаторларини тайинламоқда.

Исроил қўшинлари қишлоқларни ёндирмоқда, госпиталлар, мактабларни йўқ қилмоқда. Тинч аҳолини озиқ-овқатсиз ва сувсиз, яшаш учун ҳеч қандай воситасиз қолдирмоқда. Ҳарбий асирларни ва ҳатто хотин-қизлар ва болаларни отиб ўлдириш, ярадорлар тулган санитар маниваларни ёндириш фактлари юз бермоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу жиноятларни четлаб ўтолмайди. Хавфсизлик Кенгаши Исроил ҳукуматига босиб олинган раёнлардаги аҳолининг омон сақланишини, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш талаби билан мурожаат қилди. Шу резолюциянинг ўзиёқ агрессорга қарши айбномадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Исроилни халқаро қонунларни ҳурмат этишга мажбур этмоғи лозим. Араб мамлакатларининг босиб олинган территорияларида қилинган жиноятларнинг ташкилотчилари ва ижрочиларини қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Агрессия қурбонларига ёрдам кўрсатиш, ўз мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилиб чиқаётган халқларни қўллаб-қувватлаш принципига содиқ бўлган Совет Иттифоқи араб давлатларини ҳимоя қилиш тарафдори бўлиб чиқди. Биз Исроилни агрессия бошланғичга қадар ҳам, уруш давомида ҳам огоҳлантириб, агар Исроил уруш конфликтини бошлаганлик учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қарор қилган бўлса, бундай ҳукумат ана шу қадамнинг оқибатлари учун тўла жавоб бериши кераклигини билдирдик. Биз ҳозир ҳам шу позицияда турамыз.

Уруш ва тинчлик ҳақида, халқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида гап борганда сиёсатда найрангбозлик ишлатишга ўрин бўлмаслиги керак. Тўғри, у ёки бу масалани ҳал қилиш учун давлатлар бир неча тегшли йўл ишлаб чиқадилар, албатта. Лекин Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессияси ҳозир кўриб чиқаётганга ўхшаган масалаларда агрессорни, уни қўллаб-қувватлаётган кучларни кескин қоралаш альтернативаси, агрессия оқибатларини тугатиш альтернативаси бўлмайди. Акс ҳолда

агрессияни тўхтатишга, келажакда авантюра қилиш ишқибозларининг адабини бериб қўйишга эришиб бўлмайди.

Совет Иттифоқи Исроилга қарши нима учун бунчалик кескин чиқмоқда, деб сўрашлари мумкин. Йўқ, жаноблар, Совет Иттифоқи Исроилга қарши эмас, балки бу давлатнинг ҳукмрон доиралари ўтказаяётган агрессия сиёсатга қарши чиқмоқда.

Совет Иттифоқи ўзининг бутун 50 йиллик тарихи давомида катта ва кичик барча халқларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб келмоқда. Ҳар бир халқ ўз мустақил миллий давлатини тузиш ҳуқуқига эга. Совет Иттифоқи сиёсатининг асосий принципларидан бири ана шундай. Худди шунга амал қилиб, биз БМТнинг солиқ инглиз мустамлакаси Фаластин территориясида икки мустақил давлат — яҳудий ва араб давлатларини тузиш тўғрисидаги қарорига 1949 йилда овоз бериш билан Исроил давлатига ўз муносабатимизни белгилаб олганмиз. Шу принципиал позицияга амал қилиб, Совет Иттифоқи кейинчалик Исроил билан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаб чиқиб, Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга плобатан ҳар қандай давлатнинг агрессив сиёсат ўтказишига — бошқа ерларни босиб олиш, уларда яшовчи халқларни эзish сиёсатини қўллашнинг ҳўндаги ўрашларини ҳам кескинлик билан қобалайиб Исроил давлатининг сиёсати қандай? Афсуски, Исроил тарихининг катта қисми давомида унинг ҳукмрон доиралари агрессия ва ўз территориясини қўпни араб давлатлари ерлари ҳисобига келгайтириш, ана шу ерлардаги туб аҳолини ҳандаб чиқариш ва ҳатто қириш сиёсатини ўтказиб келдилар.

1948—1949 йилларда, Исроил БМТ қароридан назарда тутилган тарзда ташкил этилиши керак бўлган араб давлатлари территориясининг катта қисмини Исроил куч билан босиб олган кезларда шундай бўлган. Бир миллионга яқин киши ўз жойларидан ҳайдалди, очлик, мусибат ва қашшоқликка маҳкум этилди. Бу кишилар ана шу йиллар ичида ватансиз ва яшаш учун воситасиз қолиб, сургун қилинганлар аҳолига тушиб қолди. Исроил сиёсати келтириб чиқарган Фаластин қочоқлари проблемаси бугунги кунда ҳам ечилмай келмоқда, доимо бу районда кескинликни кучайтирмоқда.

1956 йилда Исроил Мисрга қарши агрессия қатнашчиси бўлиб чиққан кезларда ҳам шундай бўлди. Унинг қўшинлари ҳозиргига ўхшаш ўша йўл билан Миср ерларига бостириб кирди. Исроил ўша вақтда ҳам босиб олинган ерларни ўз қўлида сақлаб қолишга уринди, лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тазйиқи, унинг кўнчилилик аъзоларининг таъсирида орқага, яраш чизигининг нарёгига чекинишга мажбур бўлди.

Шундан кейинги йиллар мобайнида Исроил гоҳ Бирлашган Араб Республикасига қарши, гоҳ Сурия ва Иорданияга қарши

агрессив ҳаракатлар қилганлигини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари яхши биладилар. Хавфсизлик Кенгаши Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги конфликтлар масаласи юзасидан шунчалик кўп қақирилдики, бошқа масалалар юзасидан шу йиллар ичидан бунчалик кўп кенгаш қақирилган эмас.

Кўриб турибмизки, ҳозирги вақтда Исроил араб мамлакатларига қарши бошлаган агрессив уруш ҳукмрон экстремист доиралар ўз мамлакатида Исроил давлати ташкил бўлган пайтдан бошлаб ўтказиб келаётган сиёсатнинг тўғридап-тўғри давомидир. Совет Иттифоқи бошқа социалистик ва барча тинчликсевар давлатлар билан биргаликда худди мана шу агрессив сиёсатга қарши қатъий ва изчиллик билан қарши чиқмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчи Исроилни халқларнинг талабларига иттифоқ этишга бўйсундиришда иборат. Агар БМТ бу ишни қилмаса, у ўзининг ҳақиқий юксак бурчини бажара олмайди, халқларнинг бу ташкилотга ишончига путур етган бўлади.

Тинчлик йўлидан, қўшни давлатларга нисбатан агрессив сиёсат олиб бормаслик йўлидан боргандагина Исроил жаҳондаги давлатлар орасида ўз ўрнини қарор топтириши мумкин.

Исроил ўз ҳаракатларида ташқаридан, муайян империалистик доиралар томонидан бўлаётган ёрдамга таянаётганлигини рўйроқ айтмасак, Исроил сиёсатида баҳо беришда пачил ва адолатли бўлолмаймиз. Бундан ташқари, ана шу таъсирли доиралар шундай баёнотлар бердилар ва амалда шундай хатти-ҳаракатлар қилдиларки, Исроил экстремистлари бу баёнот ва хатти-ҳаракатларни фақат бир маънода — агрессия актлари қилишга ундаш маъносида тушундилар.

Масала, Исроил агрессияси арафасида АҚШда ва Англияда, матбуотда кенг эълон қилинганидек, араб давлатларига тазийқ ўтказиш учун халқаро ҳарбий-денгиз кучини барпо этиш юзасидан шошилинч равишда план ишлаб чиқилганлиги фактига бундан бошқа қандай баҳо бериш мумкин? Ўртаер денгизиде ва Қизил денгиз районида инглиз ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий-ҳаво кучларининг кучайиши ҳамда араб давлатлари соҳиллари ёнида 6-америка флотининг ҳарбий намоёнликлари ўтказишига, ёки Исроил армияси учун замонавий қурол ва ўқ-дорилар етказиб беришнинг кўпайтирилишига бундан бошқа қандай баҳо бериш мумкин?

Араб давлатларига ва уларнинг лидерларига қарши гиж-гижлатиш кампанияси айниқса АҚШ ва Ғарбий Германияда авж олдирилди. Жумладан, ГФРда араб давлатларига қарши таҳқирлайдиган молия чораларининг жорий этилиши эълон қилинди. Ғарбий Германиянинг турли шаҳарларида Исроил учун кўнгилли деб аталган кўнгиллиларни ёллаш бошланди.

Шуниси характерлики, уруш ҳаракатлари бошлангандан кейин, қуролли конфликт бошланган дастлабки соатлардаёқ Совет Иттифоқи Исроил агрессорларини кескин қоралаган, уларнинг

хийнаткорона ҳаракатлари ҳамма томонидан қоралашибини, ўт очишни дарҳол тўхтатишни ҳамда қўшинлари яраш чизиғидан нариги томонга олиб чиқиб кетишни талаб қилган бир вақтда агрессияга шерик бўлганлар деб аташдан бошқага ярамайдиган ўша кучларнинг ўзи Исроилга вақтдан ютиш ҳамда янги бошқинчилик қилиш, ўз плашларини амалга ошириш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар.

Натижада Хавфсизлик Кенгаши вужудга келган фавқуллода аҳвол тақозо этган қарор қабул қила олмади. Шунинг учун ҳам Яқин Шарқдаги хавфли аҳвол учун Исроилгина эмас, шу билан бирга Исроил билан биргаликда ана шу воқеаларга дахлдор бўлганлар ҳам жавобгардирлар.

Ҳозирги вақтда Тель-Авивнинг ўта урушқоқ доиралари ўзлари босиб олган араб территориялари, араб мамлакатлари ва халқлари олдига янги талаблар қўйиш учун асос беради деб сурбетларча гапирмоқдалар. Исроилда арабларга қарши пропаганда пиҳоятда авж олдириб юборилди. Буни баъзи ғарб мамлакатлари ҳам илиб олдилар. Исроил қуроли кучига зўр бериб, қўшин мамлакатларга яна янги таҳдидлар солмоқда. У ҳеч қандай қарорлар билан, жумладан талаблари қондирилмаса БМТ Бош Ассамблеясининг мазкур сессияси қарорлари билан ҳам ҳисоблашиб ўтирмаслигини айтмоқла.

Агрессор халқидан кўнрақ. С. 111. Шунинг учун қандаш нуқ қайта тузиш плани илгари сурилмоқда. Исроил раҳбарлари Исроил Ҳози районидан кетмайди, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан кетмайди деб Исроил бутун Қуддусни ўз назорати остида сақламоқчи, агар араб мамлакатлари унинг талабларига бўйсунини хоҳламасалар Исроил қўшинлари ҳозир турган жойларида қолаверали демоқда. АҚШ ва Англия ҳукуматлари Исроилнинг ана шу даъволарига қандай муносабатда бўлмоқда? Улар амалда бу масалада ҳам агрессорга нисбатан воситачи позициясида турибдилар. Улар Хавфсизлик Кенгашида Исроил қўшинларини яраш чизиғининг нариги томонига дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги таклифнинг қабул қилинишига халақит берганликларини агрессор бундан бошқа қандай тушунини мумкин? Америка вакилларининг Яқин Шарқ мамлакатлари мустақиллиги ва территориял яхлитлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида лоф уриб айтаётган гаплари, бу гапларни айтаётганлар агрессорнинг территориял даъволарини узил-кесил рад этганларидагина, унинг қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетилиши тарафдори бўлиб чиққанларидагина маъноли бўлур эди. Исроил аннексиялар программасини илгари суриб, реаллик туйғусидан маҳрум бўлмоқда ва жуда хатарли йўлга кирмоқда. Агрессия натижаларини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳар қандай уриниш муваффақият қозонолмайди. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти араб халқларига уларнинг қонуний манфаатларини, иззат-нафси ва қадр-қимматини

намойнадагидан тарздаги шартларни тикиштириш йўлидаги уришларни рад этишига ишонамиз. Айрим давлатларнинг розилиги билан территориялар босиб олишаверадиган бўлса, бу ҳол фақат янги, янада каттароқ, конфликтлар чиқишига сабабчи бўлади, Яқин Шарқдаги тинчлик ва хавфсизлик эса хом хаёл бўлиб қолади, ҳолос. Бундай аҳволга йўл қўйиш мумкин эмас, бундай аҳвол рўй бермаслигига ишонч комил. Агрессия натижаларини мустаҳкамлашга уришни оқибат-натияжада Исроил ва унинг халқига қарши қаратилади.

Исроил БАР, Иордания ва Сурия территорияларини оккупация қилиш билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, барча тинчлик-севар давлатларнинг юзига оёқ қўймоқда. Шунинг учун ҳам Ассамблеянинг асосий вазифаси агрессорни қоралашдан ҳамда Исроил қўшинларини яраш чизиғининг янги томонига кечиктирмасдан олиб чиқиб кетиш чораларини кўришдан иборат. Бошқа сўзлар билан айтганда, вазифа Исроил қўшинлари босиб олган араб мамлакатларининг ҳамма территорияларини босқинчилардан тозалашдан иборат.

Исроил агрессияси натижасида Сувайш канали — босқинчилар фронт чизиғига айлантириб юборган бу муҳим халқаро сув йўли иш издан чиқарилди.

Совет Иттифоқи Исроил қўшинлари дарҳол Сувайш канали қирғоқларидан, улар босиб олган араб территорияларининг ҳаммасидан чиқариб юборилиши керак, деган қатъий талабни илгарчи суради.

Исроил қўшинларининг босиб олинган территорияларидан олиб чиқиб кетилишигина вазиятни юмшатиш томонига, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун шароит яратиш томонига ўзгартириши мумкин. Агар бундай қилинмаса, Исроил босқинчилари араб давлатлари территориясидан чиқариб юборилмаса, Яқин Шарқдаги ҳал қилинмаган бошқа масалаларни йўлга қўйиб бўлмаслиги аниқ эмасми?

Араб давлатларига қарши уруш бошлаганлар бундан ўзлари учун бирон бир фойда чиқаришга умид боғламасликлари керак.

Тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш ишига хизмат қилиши лозим бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агрессияга хотима бериш учун ўзининг бутун таъсирини, ўзининг бутун обрўсини ишга солиши керак.

Совет ҳукумати агрессияни қоралашни ҳамда БАР, Сурия ва Иорданиянинг босиб олинган территорияларидан қўшинларни чиқариб юборишни талаб қилар экан, бунда Яқин Шарқнинг ўзидагина тинчликни сақлаш зарурлигига амал қилаётгани йўқ. Шунинг эътиборига чиқармаслик керакки, дунёда ҳали кўнгина шундай районлар борки, у ерларда бошқа территорияларга ишқибозлар кўп топилади, давлатларнинг территориял бутунлиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш бир четга суриб қўйилган. Агар бугунги

қунда Исроилнинг даъволарига зарба берилмаса, эртага янги катта ва кичик агрессорлар бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг территорияларини босиб олишга уриниши мумкин.

Жаҳон халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агрессорга зарур зарба беришини ҳамда дунёнинг энг йирик районларидан бири бўлган Яқин Шарқ халқлари манфаатларини муҳофаза қилишини диққат билан кузатиб турибдилар. Кўпгина давлатлар бу районда юз бераётган воқеаларнинг авж олишидан ўз хавфсизликлари нуқтаи назаридан ҳам ташвишланмоқдалар. Бу ўз-ўзидан тушунарли.

Агар биз бу ерда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотда етарли чоралар кўрмасак, конфликт қатнашчиси бўлмаган давлатлар ҳам БМТ томонидан ҳимоя қилинишга умид йўқ, деган хулоса чиқариб ва ўзларини хавф-хатардан сақлашга интилиб, қурол-яроқлар ишлаб чиқаришни тезлаштириш, ўз ҳарбий бюджетларини кўпайтириш йўлига кириб кетадилар. Демак, миллий экономикани ривожлантиришга, халқларнинг турмушини яхшилашга ажратиладиган маблағлар қурол-яроқлар ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган бўлади. Тинчлик манфаатларини қадрловчилар воқеаларнинг бундай йўлдан ривожланишига йўл қўя олмайдилар ва йўл қўймасликлари керак.

Исроил агрессордан келиб қолувчи яна бир муҳим аспект бор. Бу аспект шундан иборатки, агрессия узларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун дадил курашаётган БАВ, Сурия ва бошқа араб мамлакатларининг мавжуд режимларини ағдариб ташлашга қаратилган. Халқлар тараққиёти империалистларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда, мустақил тараққиёт йўлига кирган халқларнинг эса бирдамлиги ва қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Исроилнинг араб давлатларига қарши хатти-ҳаракатини жазосиз қолдириш — халқларнинг миллий озодлиги ишига қарши, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги кўпгина давлатларнинг манфаатларига қарши чиқиш демакдир.

Совет Иттифоқи Исроилнинг территориал босқинчиликларини эътироф этмайди. Тинчлик, озодлик ва халқлар мустақиллиги идеалларига содиқ Совет Иттифоқи агрессия оқибатларини тугатишга ҳамда бу районда мустаҳкам тинчликни ўрнатишга ёрдам беришга эришиш учун БМТда ҳам, бу ташкилот доирасидан ташқарида ҳам ўз томонидан қўлидан келган ҳамма чораларни кўради. Бу бизнинг қатъий ва принципиал йўлимиздир. Бу бизнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда тутаётган йўлимиздир.

9 июнда етти социалистик мамлакат коммунистик ва ишчи партияларининг ва ҳукуматларнинг раҳбарлари Араб Шарқи давлатларининг адолатли кураши билан тўла-тўқис ва батамом ҳамкор эканликларини билдирдилар. Агар Исроил ҳукумати агрессияни тўхтатмаса ва ўз қўшинларини яраш қизиғининг париги

томонига олиб чиқиб кетмаса, социалистик давлатлар араб мамлакатлари халқларига агрессияга кескин зарба бериш учун, ўз қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун, Яқин Шарқдаги уруш оловини ўчириш учун, бу районда тинчликни қайта тиклаш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Мазкур ғавқулодда сессиянинг муҳокамасига қўйилган масала биронта ҳам давлатни у агрессия районидан қанчалик узоқда бўлишига қарамай, бефарқ қолдира олмайди. Бу уруш ва тинчлик масаласи. Ҳозирги кескин халқаро вазиятда тинчлик тақдирини минутлар ёки соатлар ҳал қилиши мумкин. Агар Яқин Шарқда, Жануби-Шарқий Осиёда — тинчлик бузилаётган жойларда воқеаларнинг хатарли ривожланишига хотима берилмаса, конфликтларнинг авж олишига йўл қўйиб берилса, унинг натижаси бугун ёки эртага фақат битта бўлади — катта уруш бошланади, бунда бир четда турадиган давлатлар бўлмайди.

Ҳар бир давлат, ҳар бир ҳукумат агар у тинчлик тўғрисида, янги урушнинг олдини олиш тўғрисида чиндан ҳам ғамхўрлик қиладиган бўлса, бу воқеалар бизнинг чегаралардан узоқда юз бермоқда, биз уни хотиржам кузатиб турсак бўлаверади, деган фикр юритолмайди. Ҳа, шундай. Ҳатто кичик воқеалар ёки «локаль урушлари» деб аталадиган урушлар ҳам катта ҳарбий конфликтларга айланиб кетиши мумкин. Бу — ҳар бир давлат ва ҳар бир ҳукумат ўз ҳаракатлари билан воқеаларни мураккаблаштиришга йўл қўймасликлари, ўзларининг бутун куч ва гайратларини вазиятнинг бирон бир кескинлашувига, уруш ўчоғининг пайдо бўлишига йўл қўймасликка сарфлашлари керак, демакдир. Шундоқ ҳам мураккаб ва хавfli халқаро вазиятни жуда мураккаблаштириб юборган Яқин Шарқдаги сўнги воқеалар муносабати ила буни алоҳида куч билан таъкидлаш керак.

Агрессиянинг қурбони бўлган араб давлатлари ўз суверенитети, территориял яхлитлиги, қуроли ҳужум натижасида поймол этилган қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла равишда ва кечиктирилмай қайта тиклавишдан умидвор бўлишга ҳақлидирлар. Такрор айтаманки, бу аввало Исроил қўшинларини босиб олинган территориялардан олиб чиқиб кетиш демакдир. Бугунги кунда бу шундай муҳим масалаки, Яқин Шарқдаги кескинликни юмшатишни усиз ҳал қилиб бўлмайди.

Агрессия оқибатларини тугатиш, шунингдек, агрессор кимга ҳужум қилган бўлса, кимнинг ерини босиб олган бўлса, етказган моддий зарарини тўлаши керак демакдир. Исроил қўшинлари, исроил авиациясининг хатти-ҳаракатлари натижасида БАҲ, Сурия, Иорданияда уй-жойлар, саноат корхоналари, йўллар, транспорт воситалари вайрон бўлди. Исроил ўзи вайрон этган мана шуларнинг ҳаммасини тўла қиймати билан тўлаши, зўрлик билан

босиб олган мулкларини қайтариб бериши керак. Исроил бу ишнинг қисқа муддат ичида бажаришга мажбур.

Бош Ассамблея ўз олдида турган вазифаларни бажаришга кучи етадими, бу вазифаларнинг унинг ўзи бажара оладими? Ҳа, бажара олади. Бош Ассамблея адолат фойдасига, типчилик фойдасига ўзининг баобрў сўзини айтиши керак.

Совет Иттифоқи ва унинг делегацияси вакиллари ана шу бино гумбазлари остида тўпланган бошқа мамлакатлар билан бирга ишлашга тайёр, ана шу мақсадга эришиш учун бошқа давлатлар ва делегациялар билан бирга ишлашга тайёр.

Ириқ давлатларнинг куч-қайратига ҳам қўп парса боғлиқ. Агар ана шу давлатларнинг делегациялари Яқин Шарқдаги тинчлик, ёшасига типчилик манфаатларига жавоб берувчи қарорларга келиш учун тил тоңсалар яхши бўлур-эди.

БМТ Уставининг юксак принципларига амал қилиб, агрессия оқибатларини тезроқ тугатиш ва адолатни қайта тиклаш мақсадида Совет ҳукумати Бош Ассамблеянинг кўриб чиқиши учун қуйидаги резолюцияларни таклиф этади:

«Бош Ассамблея,

Исроил БМТ Уставини ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган принципларини кўпоя қаршига қўйиб, Бирлашган Араб Давлатларининг Сурия ва Иорданияга қарата амаллаштирилган, олдиндан тайёрланган агрессия ҳаракати бошлаб, уларнинг территорияларининг бир қисмини босиб олганлиги ва уларга катта моддий зарар етказишига қайта қўлиб,

Хавфсизлик Кенгашининг ҳамма уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш ва ўт очишни тўхтатиш тўғрисида 1967 йил 6 июнь, 7 июнь ва 9 июндаги резолюцияларига хилоф равишда Исроил кўрсатилган ана шу давлатларга қарши ҳужумкор уруш операциялари олиб боришни давом эттираётганлигини ва ўз территориялар босқинчиликларини кенгайтирилганлигини таъкидлаб;

Ҳозирги вақтда уруш ҳаракатлари тўхтатилган бўлсада, Исроил, БАҲ, Сурия ва Иордания территорияларини оккупация қилишни давом эттираётганлигини, бу билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, барча тинчликсевар давлатларнинг юзига оёқ қўйиб, агрессияни давом эттираётганлигини таъкидлаб;

Исроил араб давлатларига территориал даъволар қўйишига йўл қўймаслик ва бу даъволар қонунга хилоф, бу районда тинчликни қайта тиклашга халақит беради деб ҳисоблаб;

1. Исроилнинг агрессив ҳаракатларини ҳамда БАҲ, Сурия ва Иордания территорияларининг бир қисмини Исроил ҳамон оккупация қилиб турганлигини кескин қоралайди, бу ҳамма томондан эътироф этилган агрессиядир.

2. Ярашиш тўғрисидаги умумий битимларга мувофиқ, Исроил ўз қўшинларини кўрсатилган давлатларнинг территорияларидан

демаркацион яраш чизигининг нариги томонидаги позицияларга ҳеч қандай шартсиз олиб чиқиб кетишини ҳамда яраш тўғрисидаги апа шу битимларда кўрсатилган демилитаризация зоналари статусларини ҳурмат қилишини талаб қилади.

3. Исроил ўз агрессияси билан БАҲ, Сурия ва Йорданияга ҳамда унинг граждандарига етказган зарарини тўла равишда ва қисқа муддат ичиди тўлашсини ҳамда босиб олган мулклар ва бошқа моддий бойликларини қайтариб беришини ҳам талаб қилади.

4. Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Исроил бошлаган агрессиянинг ҳамма оқибатларини тугатиш учун ўз томонидан ҳеч кечиктирмай, таъсирли чоралар кўришни тавсия этади».

Совет Иттифоқи ҳукумати шунга ишонч билдирадики, Бош Ассамблея араб давлатларининг суверенитети ва территориял бутунлигининг дахлсизлигини таъминловчи, Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизликни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашни таъминловчи самарали қарорлар қабул қилади.

Бош Ассамблея фавқулодда сессиясининг чақирилиши катта халқаро аҳамиятга эга бўлган фактдир. Агар Бош Ассамблея тинчлик мақсадларида масалани лозим даражада ҳал қилиш йўлини тополмаган тақдирда, бу ҳол халқаро йлрик проблемаларни тинч йўл билан, дипломатик контактлар ва музокаралар воситаси билан ҳал қилиш мумкинлигига ишониятнинг ишончига катта зарар етказган бўлур эди. Ўз халқларининг келажак тўғрисида чинакам гамхўрлик қилаётган давлатларнинг ҳаммаси буни эътиборга ололмай қолмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставда эълон қилинган мақсадларга эришишга, ер юзиди тинчликни қўриқлашга қодир эканлигига халқларнинг ишончи комил бўлиши керак.

**ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ
ЖОРЖ ПОМПИДУ ШАРАФИГА КРЕМЛДА БЕРИЛГАН
ЗИЁФАТ ВАҚТИДА 1967 ЙИЛ 3 ИЮЛДА
СУЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли Бош министр жаноблари ва Помпиду хоним!

Биз сизларни, Кув де Мюрвиль жаиобларини ва бошқа француз меҳмонларни табриклашдан хурсандмиз.

Биз актуал халқаро масалалар юзасидан мамлакатларимиз ўртасида фикр алмашув ва консултациялар ўтказишга муҳим аҳамият берамиз. Бундай фикр алмашувлар ва консултациялар ўтказиш тобора мунтазамлашиб бормоқда ва чуқурлашмоқда. Бу ҳол икки томонга тобора мураккаблашиб бораётган халқаро вазиятда яхшироқ йул топиш, бир-биримизни чуқуროқ тушуниш ва зарур ҳолларда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида келишиб иш тутиш имконини беради.

Бундан роса бир йил муқаддам Москвада СССР билан билан Франция ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очган Совет-Франция музокаралари бўлиб ўтган эди. Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, мен ва генерал де Голль ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида бир-биримизни қизиқтирувчи кенг проблемалар юзасидан кенг битишувга эришилди ва Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш йўли ишлаб чиқилди. Ҳукуматларимиз биргаликда қабул қилган декларация ва баёнотда мустаҳкамланган бу йўл ўз ҳаётий кучини ишончли равишда исботламоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўп соҳаларда ривож топмоқда. Бу ҳамкорлик экономика ёки техника, фан ёки маданият соҳасида бўлганидек, сиёсат соҳасида ҳам ривожланаётганлиги айниқса муҳимдир.

Биз Парижда Франция Республикасининг Президенти генерал де Голль билан ўзаро фикр алмашганмиз ва ундан зўр қониқиш ҳосил қилганмиз. Бу фикр алмашув позицияларимизнинг, аниқроғи Яқин Шарқда тинчлик шароитини қайта тиклаш, араб давлатларига Исроилнинг ҳужуми оқибатларини бартараф этиш, дунёнинг бошқа районларида ҳам агрессия ўчоқларини тугатиш учун бутун куч-гайратни сарфлаш зарурлигида асосан яқин эканлигини кўрсатди. Биз Яқин Шарқда масалани тинч йўл билан ҳал қилишга ёрдам бериш ишида янада ҳамкорлик қилиш учун Совет

Иттифоқи ва Франция яхши имкониятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Араб давлатларига Исроилнинг ҳужуми патижасида ҳамда АҚШ Вьетнамда уруш ҳаракатларини авж олдиришни давом эттираётганлиги оқибатида халқро вазиятнинг кескинлашуви тинчликни сақлашдан манфаатдор бўлган давлатлар олдига икки йўлдан бирини танлаб олишни: ё агрессив кучлар дунёнинг у ёки бошқа районида низолар чиқараётганлиги натижасида вужудга келган аҳволга кўникиш, ёки агрессияга қарши кескин ҳаракат қилиш йўлига ўтиш масаласини қўймоқда. Шунинг учун халқларда агрессия ўз агрессияси учун дивиденд ололмайди, агрессия сиёсати ўз жазосини олади ва бу билан барвақт ҳалокатга маҳкум этилади деган ишончни туғдириш муҳимдир.

Илгариги учрашувлар вақтида Вьетнамдаги аҳвол юзасидан фикир алмашув давлатларимиз позицияларининг бир-бирига муайян даражада тўғри келишини кўрсатиб. Вьетнам халқига қарши Америка агрессияси ва унинг Вьетнамнинг ички ишларига аралашувиغا хотима берилиши керак. Қўшма Штатлар Вьетнамдан чиқиб кетиши, у ердан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши керак. Улар аввало Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни дарҳол ва сўзсиз тўхтатмоқлари лозим. Совет Иттифоқи га келганда, унинг позицияси яхши маълум — биз агрессияни дафъ этиш учун қаҳрамон Вьетнам халқига зарур ёрдам бердик ва ёрдам бераверамиз.

Йирик Европа давлатлари бўлган Совет Иттифоқи ва Франция бизнинг қитъадаги вазият қандай таркиб топишидан бевосита манфаатдордирлар. Гарчи Европада хавфсизликни юмшатиш ва уни мустаҳкамлаш йўллари қидириб топишнинг баъзи ижобий тенденциялари ривож топган, бунда мамлакатларимиз ўртасидаги яқинлашув катта роль ўйнаётган бўлсада, хотиржамлик учун асос йўқ. Аксинча, ҳозирги кескин халқро вазиятда Европа хавфсизлигининг йирик вазибалари ҳал этилмаганлигидан келиб чиқаётган хавф-хатар миқёслари кўп даражада кенгайиб кетмоқда. Бизнингча Европа давлатлари ўз олдидан турган проблемаларни ўзлари муҳокама қилишлари, қитъадаги реал аҳволни эътиборга олган ҳолда уларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишлари муҳимдир.

Сиз, Бош министр жаноблари иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги соҳасида мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатлар масаласига шахсан эътибор бераётганлигингиз бизга маълум. Утган вақт ичиде бу соҳада кўп ишлар қилинди.

Ҳар қандай катта ва янги ишда, икки катта давлат ўртасидаги мапа шундай кенг ҳамкорликни йўлга қўйишда баъзи қийинчиликлар учраши мумкин, албатта. Бу камчиликларни бартараф этиш учун астойдил, мунтазам равишда иш олиб бориш талаб этилади. Лекин энг муҳими шундаки, ҳар икки томонда ҳамкор-

ликни кенгайтиришга, уш чуқурлаштиришга, бу мамлакатларимиз халқларига конкрет самаралар келтиришга ҳамда Совет-Франция муносабатларини тобора мустаҳкам асосга қуришга ўзаро интилиш бор.

Биз, социал-иқтисодий системаларимиз ва идеологияларимиз турли хил бўлишига қарамай, апа шу йўлдан ишонч билан олга бориш имкониятига ишонамиз. Чунки мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар конъюнктур мулоҳазаларга эмас, балки халқ-аро ҳаёт томонидан қўйилаётган қатор йирик проблемаларни ҳал қилишда Совет Иттифоқи ва Франциянинг позициялари яқинлигига ва ўзаро манфаатдорликка асосланади. Бундан ташқари, у совет ва француз халқлари асосий ҳаётний миллий манфаатлари бир-бирига жуда тўғри келиши заминига асосланади.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги дўстлик ва мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик учун!

**СССР БИЛАН ВЕНГРИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК,
ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ
ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ ЧОҒИДА БУДАПЕШТДА
1967 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Азиз дўстлар! Бугун Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси ҳаётида шонли кун. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги Шартномани имзолаб, биз халқларимизнинг иродасини, уларнинг бизнинг давлатларимиз ва бизнинг халқларимиз ўртасидаги чинакам қардошларча муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат нақазини бажардик.

1948 йил шартномаси асосида қурилган Венгрия-Совет муносабатларининг 20 йиллик тажрибаси социалистик мамлакатларнинг умумий мақсадлари учун, тинчликни мустаҳкамлаш иши учун курашда мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишининг аҳамиятини яққол кўрсатди.

Бу ҳамкорлик турмушининг ҳамма соҳаларида — сиёсатда, экономикада, маданиятда, давлатларимизнинг муҳофаа қобилиятини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашда ажойиб самаралар берди ва бермоқда.

Социалистик, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда бир-бирига қардошларча ёрдам бериш, халқаро майдонда биргалашиб ҳаракат қилиш кучларимизни кўпайтиради, бутун социалистик ҳамкорликни мустаҳкамлашга, унинг жаҳондаги воқеаларнинг боришига таъсирини кучайтиришга ёрдам беради.

Бизнинг янги шартномамиз синалган социалистик интернационализм принципларига тўла-тўқис асосланади. Биз шунга ишонамизки, бу шартнома Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикасининг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини янада ривожлантиришда яхши негиз бўлиб қолади, бизнинг ўзаро муносабатларимиз практикасидаги ҳар қандай масалалар бундан буён ҳам манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш, чинакам ўртоқлик ва дўстлик руҳида ҳал қилинишига хизмат қилади.

Биз бугун имзолаган Шартнома — сиёсий мақсадларнинг муштараклиги, социал-иқтисодий тузумнинг бир типлиги билан бирлашган икки социалистик мамлакатнинг шартномасидир. Шунинг учун биз айта оламизки, бу ҳужжатнинг аҳамияти шунчаки давлатлар ўртасидаги битимлар доирасидан чиқиб кетади.

Гизнинг шартнома — бу социализм ва тинчлик байроғи остида бир сафда бораётган биродар халқлар ўртасидаги шартнома бўлиб, Совет Иттифоқи ва Венгриянинг ҳар бир граждани ана шу шартноманинг амалга оширилишида катта манфаатдор ва униг муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам беради.

Капиталистик мамлакатлар ўртасида ҳам шартнома муносабатлари бор. Лекин улардаги ҳар қандай битим ёки шартнома тамомилан бошқа характерга эга. Бундай шартнома ёки битим у ёки бошқа мамлакатлар ҳукмрон синфлари манфаатлари вақтинча бир-бирига тўғри келганлиги натижасида юзага келади, кучсизнинг кучлига бўйсунишни ёки шартнома қатнашчилари ўртасидаги зиддиятлар сақланиб қолингани ҳолда компромисс бўлишни билдиради. Бундай шартномалар кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан қўлла-қувватлана олмайди, чунки уларнинг синфий манфаатларига жавоб бермайди.

Совет-Венгрия шартномаси империализмнинг агрессив кучлари, аввало Америка империализми бошқа халқларнинг ишига қўноқ равишда аралашаётган. Вьетнамдаги жишоний курашни кенгайтираётган, араб давлатларига қарши Исроилнинг агрессивияси натижасида Яқин Шарқда хавфли халқаро крпзис юзага келган, Европий Германиянинг Германия ва Франциянинг империализмининг солиётган ҳозирги халқларо вазият нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Ана шундай шароитда бизнинг шартнома мамлакатларимизнинг халқаро позициялари ва хавфсизлигини мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга империалистик агрессивия сиёсатига қарши курашда, тинчлик ишнинг ҳимоя қилинида социалистик давлатларнинг умумий куч-гайратига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Биз Будапештда янги шартномани имзолаган 1967 йилнинг шу кунлари совет-венгер муносабатлари йилномасига тарихий кун бўлиб киради. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси бу шартномани 20 йилга мўлжаллаб туздилар, лекин, уни доимий шартнома деб ҳисобласак ҳам бўлаверади. У халқларимиз ўртасидаги қардош социалистик дўстлик шартномаси сифатида, шубҳасиз, бундан кейинги авлодлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилади.

Совет-Венгер шартномаси Улут Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан эпохал воқеа арафасида тузилганлигида катта қониқини ҳосил қилганимизни айтмасдан ўтиб бўлмайди. Россия пролетариатининг 1917 йилдаги ғалабаси Маркс — Энгельс — Ленин буюк ғояларининг амалга оширилишига асос солди, эксплуататорлик тузумида, социал ва миллий зулмда ҳалос бўлиш учун курашда бутун дунё меҳнаткашларининг ғалабаси бўлди. Октябрь юбилейини совет халқи билан бирга, бутун прогрессив инсоният билан бирга Венгрия меҳнаткашлари — иш-

чилар, деҳқонлар, интеллегонция ўзларининг катта байрами сифатида нишонлашга тайёрлаётганликларини биламиз. Совет кичилари буни венгер дўстларининг социалистик ҳамдўстликни муваффақиятли ривожлаштиришга, барча революцион кучларнинг жишслигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи пролетар интернационализмга содиқлигини кўрсатувчи ёрқин далил деб билдилар.

Дўстлар, сизларни шартноманинг имзолаганлиги билан табриклашга рухсат этгайсиз. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Марказий Комитетини, Венгрия Республикасининг ҳукуматини, қардош Венгриянинг барча меҳнаткашларини ишонтириб айтамызки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати халқларимизнинг фаровонлиги йўлида, тинчлик ва социализм ишнинг тантанаси йўлида совет-венгер муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Совет ва венгер халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳар доим мустаҳкамланиб бораверсин!

ЛЕНИНГРАДНИНГ СЌНМАС ЖАСОРАТИ

*Ленинградда Таврия саройида
1967 йил 5 ноябрда
сўзланган нутқдан*

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Совет ҳукумати номидан ҳамма ленинградликларни ҳамда шу ерда ҳозир бўлган ҳурматли меҳмонларни катта байрам — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ҳамда Ленинграднинг Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлиги билан табриклашга руҳсат этгайсиз.

Бутун мамлакатимиз учун таяннали бўлган шў кунларда эрта эртаклар революция қилди. Бунгай борган шаҳарта бошчилигимиздан хурсандимиз. Халқимизнинг тарихий ғалабалари ичида бу ерда, Нева соҳилларида 1917 йилнинг Октябрь кунларида эришилган ғалаба алоҳида ўрни эгаллайди.

Октябрь бутун инсониятнинг янги, озод ҳаёт, социализм томон йўлини ёритди.

Революцион шижоат билан тўлган Питер ишчилари Ленин партияси йўлидан бориб ва унинг раҳбарлигида бундан 50 йил муқаддам ғалабага эришдилар. Эски Питер, ундан кейин эса Ленинград ишчилар синфи халқимиз олдида ва бутун прогрессив инсоният олдида катта хизмат қилди. У Россия ишчилар синфи эга бўлган энг яхши фазилатлар: юксак синфий оғи, букилмас ирода, матонат, мардлик сингари фазилатлар эгасидир. Буларнинг ҳаммаси социалистик революция ғалабаси учун революцион жангларда намоён бўлди.

Бу ерда Ленин партияни ҳал қилувчи жангларга тайёрлади ҳамда Питер ишчилари, солдатлари ва матросларининг Октябрь қуроли қўзғолонига бошчилик қилди. Ўз йўлида эски дунёнинг зўр қаршчилигини — ҳуқуқсизлик ва социал адолатсизлик дунёсининг зўр қаршилигини сунириб ташлаган янги, Совет ҳоқимиятининг зафарли юриши шу ердан бошланган. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари Россия халқларининг буюк революцион ташаббусини табрикладилар. Бизнинг революциямиз ўз кучи ва мақсадларини тушуниб етган халқ иши енгилмаслигини бутун дунёга исбот қилди.

Шонли революцион аъваларни давом эттириб, Ленинград меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда социалистик қурилиш ишига жуда катта ҳисса қўшдилар. Ленинградликлар оғир синов йилларида совет кишилари қандай жасоратга қодир эканликларини бутун дунёга кўрсатдилар. Фашист галаларига қарши курашда улар кўрсатган матонат ва қаҳрамонлик инсофият хотирасида абадий сақланиб қолади.

Шу ярим аср мобайнида Ленинград босиб ўтган йўл бутун совет халқининг қаҳрамонона йўлини ёрқин акс эттириб турибди. Зулм ва эксплуатация дунёсини енгган, социалистик тузумнинг галабаси билан тугалланган Улуғ Октябрь революцияси озод халқнинг байрамидир.

Биз совет кишиларининг сўнмас жасорати билан ҳақли равишда фахрланамиз, улуғ Ленин партияси билан фахрланамиз.

Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг, даҳшатли уруш йилларида ватанимизни шараф билан ҳимоя қилганларнинг шу ерда ҳозир бўлган қатнашчиларини қизғин табриклаймиз.

Биз социалистик индустрия ва қишлоқ хўжалигининг фидокор қурувчиларини, партия ва совет ходимларини — социалистик тузумнинг ҳормас-толмас ташкилотчиларини, ажойиб олимлар — фан-техника тараққиётининг капитанларини табриклаймиз.

Биз ватанимиз чегараларини, Улуғ Октябрь Ватани чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган шавкатли Совет Армияси ва Флотининг шу ерда ҳозир бўлган вакилларини чин юракдан табриклаймиз.

Яшасин Ленинград коммунистлар ташкилоти — буюк Ленин партиясининг жанговар отряди! Яшасин Ленинград ишчилар синфи ва интеллигенцияси! Яшасин синфсиз коммунистик жамият қураётган улуғ совет халқи!

ЛЕНИН БАЙРОҒИНИ, КОММУНИЗМ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАМИЗ

*КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетлари,
меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар ва Москва область
Советларининг жамоат ташкилотлари билан биргаликда
Кремль Съездлар саройида ўтказилган тактанали мажлисида
1967 йил 6 ноябрда сўзланган нутқ*

Қадрли ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советининг тоншириғига мувофиқ бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини, Москва шаҳар ва областининг барча ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини ҳамда ҳурматли чет эллик меҳмонларини улуғ байрам — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан табриклашга руҳсат этгайсиз.

Шоғли юбилей совет халқи ва унинг шоғли Коммунистик партияси аришқик кўчмалари муваффақиятларини асла қоладиган куниги бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг 3—4 ноябрда бўлиб ўтган кўнима тактанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари уртоқ Леонид Ильич Брежневнинг доғри сўзларини билан доқладда совет халқининг ўтган 50 йил пчидаги жуда катта тарихий ғалабаларни ёрқин акс эттирди ва совет жамиятининг коммунизм йўлидан янада ривожлашши истиқболни кўрсатиб берилди.

Ҳозирги кунни ўтмиш билан боғлайдиган, бутун шжтимоий тараққиётнинг янги йўлларини белгилаб берадиган даврлар илсоният тарихида унчалик кўп эмас. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун жаҳон тарихида янги даврни бошлаб берган воқеа бўлди. XX асрнинг ана шу энг буюк воқеасидан қанчалик узоқлашганимиз сари унинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шунчалик аниқ намоён бўлмоқда.

Бундан ярим асрдан кўп вақт илгари коммунистлар партияси В. И. Ленин раҳбарлигида, Маркс ва Энгельс ишларини давом эттириб ва халқаро ишчилар синфининг революцион анъаналарини ривожлантириб, социализм учун кураш байроғини баланд кўтардилар. Ленин партияси Россия пролетариатини, меҳнаткаш деҳқонларини ва пролетар бўлмаган меҳнаткашларини уюштириб, жипслаштириб, маърифатли қилиб, халқимизни жаҳонда биринчи социалистик революцияга олиб борди. Октябрь революциясига беосита раҳбарлик қилган меҳнаткашларнинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленин «Россия тарихида бундан буён

янги палла бошланди, бинобарин, ҳозирги учинчи рус революцияси оқибати натижасида социализм галабасига олиб келиниш керак»¹,— деб бутун жаҳонга хитоб қилди.

Мамлакатимизда капитал ҳокимиятининг ағдарилиши ва пролетариат диктатурасининг қарор топтирилиши партиямиз ва революцион омманинг жаҳоншумул-тарихий жасорати бўлди.

Октябрь революцияси галабаси совет халқига социализм йўлини очиб берди. Совет халқи шу ярим аср мобайлида кўпгина шонли галабаларга эришди. Лекин совет ишчилари, деҳқонлари ва зиёлилари кураши ва фидокорона меҳнатининг эпг муҳим натижаси, энг асосий якуни — социализмнинг тўла ва узил-кесил галаба-қозонганлиги, коммунистик жамият муваффақият билан қурилаётганлигидир. Социализм бизнинг мамлакатимизни экономикаси юксак даражада ривожланган илғор, қудратли социалистик давлатга айлантирди.

Октябрь революциясининг энг буюк галабаларидан бири — миллий зулм ва тенгсизликнинг тугатилиши, СССР да яшовчи халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик муносабатларининг ўрнатилишидир. Социализм барча Совет республикаларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини, миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва бир-бирларини бойитишини таъминлади. Совет Иттифоқи барча миллатлар ва халқларнинг равнақи таъминланган монолит давлатни барпо этиш намунасини кўрсатди. Бизнинг кўн миллатли социалистик давлатимиз пролетар интернационализм гоялари таптанасини яққол намойиш қилмоқда.

Социалистик ижтимоий тузум таптанаси Коммунистик партия ва бутун совет халқининг янги жаҳоншумул-тарихий жасорати, Коммунистик партия ленинча йўлининг, унинг пзчил революцион сиёсатининг галабаси бўлди. Мамлакатимизнинг барча халқлари улуғ Ленин байроғи остида коммунистик қурилиш йўлидан дадил ишонч билан олға бормоқдалар.

Социализм илғор ижтимоий тузум сифатида ишлаб чиқарувчи кучларни гуркираб ва ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаяжagini, моддий ва маънавий маданият ютуқларини халққа хизмат қилдиражagini, меҳнаткашларнинг ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларида актив қатнашишлари учун, инсон шахсининг тўла равнақ топиши учун шароит яратиб беришини, меҳнаткаш инсонни ўз мамлакати ва ўз тақдирининг чинакам хўжайинига айлантиришини исботлади. Социализмнинг капитализмдан жуда катта афзаллиги ана шунда.

Социализм ўз намунаси, ўз афзалликлари билан барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари кўзи ўнғида ёрқин жозиба куч касб этди. Октябрь революцияси гоялари, марксизм-ленинизм гоялари инсоният орзу-умидларининг чинакам ҳукмдори бўлиб қолди ва

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 26-том, 239-бет.

жаҳон тарихининг боришига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Утган ярим аср мобайнида жаҳонда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Лекин ҳамма воқеалардан, ҳамма ўзгаришлардан энг асосийси, белгиланчиси — бу жаҳон революцион тараққиётининг оғишмай ривожланиб боришидир.

Мамлакатимиз, бутун социалистик ҳамдўстлик қудратининг ўсиши халқаро майдонда кучлар нисбатининг социализм фойдасига тобора ўзгариб бориши ва коммунистик қурпилиш учун қулай шароит яратиш учун, халқларнинг миллий озод бўлиши ва социал тараққиёт йўлидаги кураши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Октябрнинг улуг ғалабаларини шонли Қуроли Кучларимиз мустаҳкам қўриқлаб турибди. Октябрь туфайли барпо этилган ва ўзининг шонли жанговар йўлини қизил гвардиячи отрядлардан бошлаган Совет Армияси совет халқининг озодлиги ва мустақиллигига кўз олайтирган агрессорларнинг ҳаммасига зарба берган қудратли ва енгилмас кучга айланди. Қуроли Кучларимизнинг бутун қудрати тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига хизмат қилмоқда. Қуроли Кучларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Октябрь ватанига қарши, социализм мамлакатлари ҳамкорлигига қарши қилич кўтармоқчи бўлган ҳар қандай агрессорга қаршиги зарба беришига

қадрловчи барча кишилар Совет давлати тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишига, халқларнинг социал ва миллий тараққиёт ишига мезидлик билан ҳимоя қилишнинг шартлари ва шарт бўлиши мумкин.

Бугун биз қилган ишларимизнинг улугворлигини нишонлар оқамиз, бундан мақсад шонли ўтмишимизнинг ҳурматини бажо келтиришига эмас, шу билан бирга мамлакатимиз олдида турган янги вазифаларни янада яхшироқ тушуниб этиш, энг олий мақсадимиз бўлган коммунизмни янада яққолроқ тасаввур этиш ҳамдир. Биз ўз курашимиз билан ва ўз меҳнатимиз билан Октябрь революцияси бошлаб берган ишларни давом эттирмоқдамиз. У инсоният олдида қўйган масалаларни ҳал қилмоқдамиз. Биз Октябрь ишини давом эттириш учун куч-гайратга ва большевиктик продага эгамиз. Бизнинг энг биринчи вазифамиз экономикани янада ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, КПСС XXIII съезди томонидан белгилаб берилган беш йиллик планни муваффақиятли бажариш йўлидан янги катта қадамлар билан боришдан иборатдир.

Биз мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини бутун чоралар билан ривожлантира бориб, диққат-эътиборимизни социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштиришга, Совет давлатини мустаҳкамлашга, социалистик демократияни ривожлантиришга, барча совет кишиларида марксча-ленинча дунё-

қарашни шакллантиришга қаратмоқдамиз. Буни биз коммунистик қурилиш ғалабасининг зарур шarti ва гарови деб биламиз.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ўз зиммасига олган вазифани — коммунистик жамият қуриш вазифасини ниҳоясига етказишга қатъий аҳд қилган.

Биз ярим асрлик тарихий чегарадан ўтиб, келажакка ишонч билан боқамиз. Бизда коммунистик жамият қуриш учун зарур бўлган ҳамма омиллар — йўлимизни ёритиб турган марксча-ленинча назария, жуда катта табиий бойликлар, қудратли социалистик ишлаб чиқарувчи кучлар, буюк халқнинг битмас-туганмас ижодий ғайрати, янги жамият қурилишининг бой тажрибаси, социалистик мамлакатларнинг бузилмас дўстлиги ва ўзаро ёрдамч, бутун дунё меҳнаткашларининг доимий мададида иборат омиллар бор. Бу — чиндан ҳам қудратли куч бўлиб, унинг ёрдамида совет халқи ва унинг Коммунистик партияси Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишни ғалаба билан яқунлайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси вужудга келган дастлабки кунларданоқ ўзини халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисми деб билади ва СССР да коммунистик қурилишни совет халқининг фақат ўз манфаатларигагина эмас, шу билан бирга бутун жаҳон социалистик системаси манфаатларига, бутун дунё ишчилар синфи ва меҳнаткашлари манфаатларига жавоб берувчи энг муҳим интернационал вазифа деб билади. Қудратли меҳнат армиясининг юз миллионлаб кишиларининг нигоҳи ва умиди Октябрь ватанига қаратилган. Октябрнинг қизил байрами жаҳон узра озод меҳнат, халқлар дўстлиги ва қардошлиги рамзи, коммунизм рамзи бўлиб қилпираб турибди. Шу кунларда бутун ер юзиде Октябрга шон-шарафлар, дунёнинг революцион асосда янгилашишига шон-шарафлар, деган хитоблар янграмоқда. Октябрь йилликларини байрам қилиш энг халқчиллиги, интернационал характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу айниқса 50 йиллик юбилей байрами кунларида ёрқин намоён бўлмоқда.

КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар ва Москва область Советларининг шу ерда, Кремль Съездлар саройида ҳозир бўлган жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўтаётган тантанали мажлиси буюк Ватанимизнинг ҳамма шаҳарлари ва қишлоқларида, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, меҳнаткашларнинг ҳар бир коллективиде, ҳар бир совет оиласиде Октябрни байрам қилиш билан қўшилиб кетмоқда. Яқинлашиб келётган байрам ҳар бир киши қалбиде ўз севиқли Ватани учун, Коммунистик партия учун фахрланиш туйғусини туғдирмоқда.

Бу шонли юбилей барча совет кишиларининг қувноқ ва бахтиёр тантанаси бўлсин. Шонли пойтахтимиз ва Москва области-

нинг барча меҳнаткашларига сиҳат-саломатлик, катта бахт ва янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бизнинг байрамимиз совет халқларининг бутун дунё меҳнаткашлари билан буюк интернационал дўстлик байрами бўлсин. Бизнинг таптаналаримизга келган меҳмонларнинг ҳаммаларига байрамни худди ўз оилаларидагидек совет кичилари билан биргаликда ўтказишларини, мамлакатимиз ҳаёти билан янада яқинроқ танишишларини тилаймиз.

Тарихий воқеа — Совет давлатининг 50 йиллик юбилейини нишонлаш юзасидан Совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустақамлашдаги, социализм қуришда ва коммунизм қурилишида алоҳида хизмат кўрсатилганлигининг рамзи сифатида Октябрь Революцияси ордени таъсис этилди.

Бизнинг пойтахтимиз — қаҳрамон шаҳар Москва ва революция бешиги — қаҳрамон шаҳар Ленинград биринчи бўлиб шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Сиз, москвалик ўртоқларни революцион ҳаракатдаги қаҳрамонона ишларингиз учун ана шу муносиб мукофот билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

Москва меҳнаткашлари доимо социализм учун курашчиларнинг биринчи сафларида бордилар. Чор самодержавиясининг асосларини ларзага келтирган 1905 йил биринчи рус революцияси кунларида ҳам 1917 йил октябрь кунлари кунларида ҳам худди шундай бўлган. Большевиклар партияси раҳбарлигида Москва пролетарлари эришган галаба мамлакатда Совет ҳокимияти галаба қилиши ва қарор топишининг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлди. Москваликлар Улуғ Ватан урушида кўрсатган янги қират ўлмасдир. Москва тинч қурилиш йилларида, коммунизм қурилишида ҳам етакчи роль ўйнамоқда.

Пойтахт меҳнаткашлари эришган ютуқларда Москва партия ва совет ташкилотларининг роли катта. Бутун, Москва мукофотланган кунда биз уларнинг ишларига муносиб баҳо берамиз.

Москва меҳнаткашларига, барча москваликларга самарали ишларида янада катта муваффақиятлар тилашга ҳамда мукофотни олгач, москваликлар унга жаҳонда биринчи социалистик давлат пойтахтига муносиб бўлган янги галабалар, янги ишлар билан жавоб берадилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсизлар. Биз москваликларнинг беш йиллик планни муддатидан илгари — 1970 йилнинг 7 ноябрига бажаришдан иборат юксак мажбуриятлар олганликларини табриклаймиз. Ҳеч шубҳа йўқки, москваликлар бу мажбуриятларни шараф билан бажарадилар. Бу янги катта галаба бўлади.

Пойтахтимиз — қаҳрамон шаҳарга шон-шарафлар! Ажойиб Москва ва унинг меҳнаткашларига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги!

Социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм асосидаги бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин коммунизм — инсониятнинг порлоқ келажаги!

ДЕҲЛИДА ҲТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
1968 ЙИЛ 27 ЯНВАРДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли Бош министр хоним! Ҳурматли мэр жаноблари!
Азия дўстлар!

Биз Деҳлида Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан, мамлакатингиз ўзининг катта байрами — республиканинг 18 йиллигини нишонлаётган шонли кезларда меҳмон бўлиб турибмиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, СССР ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан сизларни катта байрам — Ҳиндистон Республикасининг 18 йиллиги билан табриклашга ва ҳинд халқига энг самимий саломлар ва энг яхши истаклар билан сизни таъриф ва раҳмат билан сиз.

Ҳиндистоннинг ажойиб сиёсий арбоби Жаҳоҳарлал Неру шу тарихий қалъа деворлари устида мустақиллик байроғини биринчи марта кўтарганидан буён йигирма йил ўтди. Республиканинг эълон қилиниши ҳинд халқининг ўз овозлиги ва мустақиллиги учун курашининг энг катта ғалабаси бўлди.

Сизнинг мамлакатингиз мустақил ривожланишнинг катта ва шонли йўлини босиб ўтди. Совет кишилари ҳар доим ҳинд халқининг курашини қўллаб-қувватладилар, унинг ютуқларига хурсанд бўлмоқдалар. Бизнинг ўзимизга ҳам қудратли социалистик давлатни барпо этишимиздан олдин оғир кураш олиб боришга, қийинчиликларга астойдил бардош беришга тўғри келган.

Яқинда бизнинг мамлакатимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини таътанали нишонлади. Шу 50 йил мобайнида Совет Иттифоқи қудратли социалистик давлат бўлиб қолди. Унинг улугвор ютуқларини барча мамлакатларнинг халқлари нишонладилар. Бу юбилей бутун дунё прогрессив кучларининг байрами бўлди. Октябрнинг ўша таътана кунларида биз мамлакатимизда Ҳиндистон Бош министри ҳурматли Индира Ганди хонимни қутлашдан хурсанд бўлдик. Индира Ганди хонимнинг таътаналарда иштирок этганлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг рамзи бўлди.

Ҳиндистоннинг атоқли арбоби Жаҳоҳарлал Неру Октябрь революцияси ҳақида гапириб, бу революция «Кишилик жамиятини

анча олға сурди ва ўчириб бўлмайдиган ёрқин аланга ёқди» деб қайд қилган эди. Бу революция бутун ер юзида социалистик ва миллий-озодлик революциялари даврини, империализм ва мустамлакачиликдан халос бўлиш даврини бошлаб берди. Халқлар катта қурбонлар талаб қилган узоқ ва оғир курашда озодлик ва мустақилликка эришдилар.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, озодлик учун курашда Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг халқлари берган қурбонлар зое кетгани йўқ. Миллий-озодлик ва социал тараққиёт иши олға томон бермоқда, уни ҳеч ким тўхтата олмайди, орқага қайтара олмайди.

Ўтган 20 йил кўнгина халқларнинг озодлик иши учун шиддатли кураш йиллари бўлди. Эндиликда дунёнинг 60 дан кўн мамлакати устида мустақиллик байроғи кўтарилди. Дунёда қандай муркаб воқеалар юз бермасин, эрксевар халқлар йўлида қандай қийинчиликлар келиб чиқмасин, ўтган йигирма йил миллий мустақиллик учун ҳаракат ғалабаси даври ҳамда реакция, империализм ва мустамлакачилик кучлари тор-мор этилган давр бўлганлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган мамлакатларнинг халқлари кўнгина муваффақиятларга эришдилар. Лекин дунёда миллион-миллион кишиларнинг ҳаётий манфаатларига таҳдид солаётган, социализм ва миллий-озодлик ҳаракати ғалабаларига хуруж қилаётган, халқро вазиятни кескинлаштиришга уринаётган империализм реакцион кучлари бўлмаганида бу муваффақиятлар янада кўп бўлур эди.

Реакцион империализм кучларининг Осиё халқларининг озодлиги ва мустақиллигига қарши қаратилган яшиной ва ваҳшиёна ҳаракатларидан бири Америка империализмининг Вьетнамдаги агрессиясидир. Вьетнам халқи ўз ҳаёти учун, миллий мустақиллик учун, ўз тақдирига ўзи хўжайинлик қилиш учун адолатли кураш олиб бормоқда. У ҳеч қачон зўравонликка бўйсунмайди, ғалаба унинг томонда бўлади. Виз агрессияга қарши курашаётган вьетнам биродарларимиз билан бирга бўламиз.

Биз Ҳиндистон ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасининг Америка томонидан бомбардимон қилинишини дарҳол тўхтатишни талаб қилиб чиққанлигини қониқиш билан қабул қилдик. Варча тинчликсевар кучларнинг вазифаси — вьетнам халқига бутун чоралар билан мадад ва ёрдам кўрсатишдан иборат. Вьетнамнинг жанг майдонларида фақат шу мамлакатнинггина тақдири ҳал қилинаётгани йўқ. Американинг Вьетнамдаги агрессияси бу тинчликка таҳдид, озодлик ва мустақиллик йўлига кирган кўнгина халқларга таҳдиддир.

Ўтган йили Исроил экстремистлари араб халқларига қарши агрессия бошлаганлиги натижасида Яқин Шарқда кескинлик ўчоғи вужудга келди.

Яқин Шарқдаги тинчлик мустаҳкам бўлиши учун ҳозирги вақтда асосий, бириччи навбатдаги масалаларни ҳал қилиш — барча давлатларнинг куч-гайратларини бирлаштириб, Исроилни ва уни қўллаб-қувватлаётган империалистик кучларни Хавфсизлик Кенгашининг қарорини бажаришга мажбур қилмоқ керак. Шу қарорга мувофиқ Исроил кўшиқлари босиб олинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетилиши керак. Биз Ҳиндистоннинг арабларнинг адолатли ишпи ҳимоя қилиш йўлидаги, жумладап БМТ органларидаги куч-гайратга етарли даражада баҳо бермоқдамиз.

Бизнинг давримизда озод бўлган мамлакатларда чуқур социал жараёнлар юз бермоқда. Янгилик, туғилаётган куртакларнинг муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлган эскиликка қарши шиддатли кураши авж олиб кетди. Бу мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, сиёсий мустақилликка эришиш ҳали уларнинг халқлари олдида турган катта проблемалар ҳал қилиб бўлибди деган гап эмас. Улар тўла иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда мустамлака қарамлигидан қолгаи қоқоқликни тугатиш учун ҳали кўп куч-гайрат сарфлашлари керак.

Империализм бу халқларга миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт йўлидан олға томои боришларига ҳалақит бериб, учун кўлидан келган ҳамма ишларни қилмоқда. Бунга у ривожланаётган еш давлатлар ичидаги реакция доираларга ҳам таъламоқда. Сўнгги вақтларда кўпгина мамлакатларда ички реакция яна беш кўтармоқда. эски тартибларни абалдийлаштиришга уриши, халққа қарши фаолиятини активлаштирмоқда. Ватаппарвар кучлар ўз вазифаларини тўғри тушуниб етган жойларда реакциянинг бу кирдикорларига муносиб зарба берилмаётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Империалистлар ҳар доим халқлар ўртасида нифоқ ва ишончсизликлик туғдиришга, копфликтлар ўчоғи вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқда. Еш мустақил давлатларга фитналар ва иғволарнинг қурбони бўлмаслик учун империализм кирдикорларига нисбатан доим ҳушёр бўлиб туришга тўғри келмоқда. Ҳиндистон ҳукумати ва шахсан Бош министр Индира Гандининг Осиёда тинчликни сақлашга, Ҳиндистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни ўтказишдаги роли дунёнинг барча прогрессив кучлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Бу сиёсат Ҳиндистон билан мустаҳкам ва дўстона муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқаётган Совет Иттифоқи халқлари томонидан ҳам зўр қониқиш билан қабул қилинмоқда.

Ҳиндистоннинг Осиё мамлакатлари халқларини тинчлик ва тинч ҳамкорлик қилиш принциплари асосида жипслаштиришга қаратилган куч-гайрати ҳаммага маълум. Осиё қитъасидаги сиёсий вазият учун Ҳиндистон ва Покистон сипари Осиёнинг икки давлати ўртасидаги муносабатлар катта аҳамиятга эга. Ҳин-

дистон ва Покистон раҳбарларининг мазкур мамлакатлар халқлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш истагини билдириб Тошкентда берган баёнотлари Ҳиндистон халқларининг ҳам, Покистон халқларининг ҳам қайфиятини ақс эттиради. Икки томондан чиққан бу истак доим мустаҳкамлашиб боради, Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари ўртадаги мавжуд зиддиятларни уziel-кесил тугатиб, шу мамлакатлар халқлари ўртасида яқин ҳамкорлик ва дўстликни йўлга қўйишга мувофиқ бўлишади, деб ишона-миз.

Қадрли ўртоқлар! Яқинда мамлакатларимиз жамоатчилиги Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигини таънавали нишонладилар. Бу тарихий ишнинг ташаббускори Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби Жаҳоҳарлаш Неру бўлган эди. У кўп йиллар давомида мустақил Ҳиндистон ҳукуматига бошчилик қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва бутун чоралар билан ривожлантиришга катта аҳамият берди. Совет-Ҳиндистон дўстлиги — бу империализмга қарши курашнинг умумий мақсадлари билан боғланган 750 миллион кишининг дўстлигидир. Бугунги кунда шунинг зўр ишонч билан айтаманки, дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган йигирма йилнинг ҳар бир йили ўзаро алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни кенгайтириш ишига ўз ҳиссасини қўшди.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлик узлуксиз ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини қониқиб билан қайд қиламиз. Ҳиндистонда Бхилай металлургия комбинати, машинасозлик заводлари, электр станциялари, қоплар, карьерлар, кўмир шахталари ҳамда Ҳиндистон экономикасининг давлат секторидаги қатор бошқа объектлар сингари ҳинд миллий экономикасининг йиртк қорхоналари барпо этилди.

Совет-Ҳиндистон яқин ҳамкорлигида барпо этилган қорхоналар, шубҳасиз, ривожлалаётган ҳинд экономикасига чет элга қарамликдан қутулишга ёрдам беради, ҳинд миллий кадрлари тайёрлаш мактаби бўлади.

Бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз тўла тенг ҳуқуқликка, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликка, ўзаро ҳурмат ва самимийликка асосланади. Бу дўстлик бошқа бироқ бир давлатга қарши қаратилмаган, мамлакатларимиздан ҳар бирининг учинчи мамлакатлар билан муносабатларини ривожлантиришга халақит бермайди. Шунинг айтиш мумкинки, Совет-Ҳиндистон муносабатларида эришилган ютуқлар вақтинча конъюктура битимларида ўзаро ишонч руҳи билан фарқ қилади. Бу ишонч кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқин тинчлик ва халқлар мустақиллиги гоёсига садоқат, кўн-гилга халқаро проблемаларга қарашларнинг муштарақлиги жаҳон

майдонида мамлакатларимиз янада самарали ҳамкорлик қилиши учун шарт-шаронт яратади.

Қадрли ўртоқлар, сизларни ва бутун ҳинд халқини катта миллий байрам билан яна бир бор чин юракдан табриклашга ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаверади деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. Бизнинг халқларимиз дўстлигини ҳеч ким буза олмайди, бу дўстлик бузилмас ва у мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида, яъни тинчлик манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб бораверади.

Яшасин ҳинд халқи!

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси халқларининг дўстлиги мустаҳкамланаверсин ва гуллаб-яшнаверсин!

М. ГОРЬКИЙНИНГ АДАБИЁТДАГИ РЕВОЛЮЦИОН АНЪАНАЛАРИ

*М. Горький тугилган куннинг
100 йиллиги муносабати билан
Кремлда ўтказилган қабул маросимида
1968 йил 29 мартда
сўзланган нутқ*

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар, ҳурматли меҳмоношлар!

Бизнинг халқимиз, ер юзидаги бутун прогрессив кишилар улуғ рус ёзувчиси, революциянинг Бўрон қуши — Алексей Максимович Горький тугилган кунининг 100 йиллигини нишонламоқдалар.

Ипсоният маданиятига чиндан ҳам катта хизмат қўшган, оламга машҳур бадий сўз устаси Горький — Ватанпимизнинг шоннарафи ва фахридир. У бизга улуғ ёзувчи, пролетар социалистик адабиётга асос солган революцион ёзувчи сифатида азпздр.

Унинг ижоди Россия пролетариатининг озодлик кураши тарихида, яқинда биз 50 йиллигини тантанали нишонлаган Улуғ Октябрь галабасидан ажралмасдир.

Катта сифий курашларнинг гувоҳи ва штирокчиси Горький ўзининг бутун қудратли талаптии меҳнаткаш халқ ишига бағишлади. У революцион халқнинг, ленинча большевиклар партиясининг тарихий жасоратини зўр бадий куч билан тасвирлади. Ўз даврининг, пролетар социалистик революцияси даврининг ажойиб ифодачиси М. Горький жаҳон адабиётига Пушкин ва Гоголь, Лермонтов ва Некрасов, Чернышевский ва Добролюбов, Толстой ва Чеховли берган рус адабиёти олижаноб граждан аънапаларининг муносиб давом эттирувчиси бўлди.

Улуғ пролетар ёзувчиси Владимир Ильич Лениннинг допо ва дўстона ёрдамили муттасил сезиб турди, ундаи ўрганди, ўзининг ҳаёти ва ижодий йўлини унга қараб солиштирди.

У ўз ижодини халқ билан, ишчилар сифи иши билан, пролетар революцияси ва социализм иши билан, улуғ Ленин иши билан боғлаганлиги учун ҳам унинг қудратли бадий таланти яшнади, ўзининг кўп қиррали ранги билан жилоланди.

Қадрли ўртоқлар! Вақт ўтяпти, лекин Горькийнинг буюк асарлари халқ хотирасидан асло ўчмайди, бу асарлар совет кишиларининг қалбида революцион пафос, бунёдкорлик куч-гайратини авж олдирмоқда. Яшаш ва ишда, коммунизм қурилиши йўлида муваффақият билан олға боришимизда ёрдам бермоқда.

Буюк гуманист ва интернационалист Горький ўз мамлакатининг оташин ватанпарвари эди. М. Горький ўз халқининг Ленин кўрсатган йўлдан биринчи бўлиб борганлигидан, бутун дунё меҳнаткашлари учун ибрат ва ишонч бўлиб қолганлигидан фахрланарди.

Улуғ ёзувчининг социализм ватанини ҳимоя қилиш, совет халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги овози бутун ер юзи бўйлаб жаранглаб эшитилмоқда.

Горький жаҳон прогрессив жамоатчилигини империалистик реакция ва фашизмга зарба бериш ва унга қарши курашга чақирди. Унинг «Маданият арбоблари, сизлар ким билан?» сарлавҳали мақоласида адабиёт ва санъат арбобларига қаратилган оташин даъвати ҳаммамизнинг эсимизда. Бу чақириқ дунёда бугунги кунда ҳам М. Горький айтган ўша кучларга қарши курашга даъват бўлиб жаранглаб эшитилмоқда. Прогрессив маданият арбоблари ҳам Ленин иши, улуғ Коммунистик партия иши, меҳнаткаш халқ, интернационализм тарафдоримиз, деб жавоб бермоқдалар.

Горький кўп миллатли совет адабиётининг моҳир ва меҳрибон таъкилотчиси бўлишга муваффақ бўлди. Энг яхши мутафаккирлар, барча талафтли кишилар унга, бу ёрқин ва ажойиб шахсга интилдилар, у ҳам уларни ҳормай-толмай жипслаштирди, халқ

Балиий сўз устаси Горькийнинг, гражданин ва курашчи Горькийнинг ажойиб анъаналари биз учун азиядир. Бу анъаналар бугунги кунда ҳам бизнинг ёшларимизнинг ҳаётини тарбиялаш учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун масъулиятни аниқ тушуниб етишга даъват этмоқда. Бу даъват катта ишларда ҳам, кичик ишларда ҳам ғоявий принципал бўлишга, халқимиз маиёатларини, социалистик Ватаннинг шарафи ва обрўсини, барча халқларнинг озодлик учун, тинчлик учун, социализм учун курашининг буюк ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ўргатмоқда.

Улуғ рус ёзувчисининг ана шу таптанали юбилей кунда ёзувчиларимизга, совет маданиятининг барча ходимларига янги ижодий ютуқлар тилашга руҳсат этгайсиз, ўртоқлар.

Совет адабиётида революцион, Горькийча анъаналар учун!
Коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар учун!

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ПРОБЛЕМАЛАРИ ТЎГРИСИДА

*Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг
махсус сессиясида
1969 йил 23 апрелда
қилинган доклад*

Ўртоқлар! Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг мазкур сессияси мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлигининг ва уни янада такомиллаштиришнинг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун тўпланди. Сессиядан олдин Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган ҳар бир мамлакатда катта ишлар олиб борилди. Шу материаллар асосида, муҳокама ва ўртоқларча ошқора фикр олишув натижасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро меҳнат тақсимотини кенгайтириш, олдинмида турган вазифаларни ҳал қилиш тартиби ва методларини биргаликда ишлаб чиқиш йўқошига эга бўламиз.

Бундай программапи биргаликда ишлаб чиқиш зарурати ҳар бир мамлакат ва бутун ҳамдўстлик иқтисодий тараққиётни эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Эпохал илмий кашфиётлар ва техника тез тараққий этаётган бизнинг асримизда таркиб топган иқтисодий муносабатлар ва формаларнинг ўзигагина таяниб қолмаслик керак. Ҳозирги замон шароитига мос янги қараш ва янги методлар талаб қилинади.

Социалистик ҳамдўстлик қудратини мустаҳкамлаш, унинг бирлигини мустаҳкамлаш — тинчликни ва мамлакатларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг, империализмга қарши курашда янги муваффақиятларга эришиш, барча революцион кучларни янада активлаштиришнинг муҳим факторидир.

Биз тўб сиёсий манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги марксизм-ленинизм умумий идеологияси билан жиқлашган социалистик давлатларнинг сиёсий бирлиги ишончли иқтисодий негизига, барқарор халқаро социалистик меҳнат тақсимотига таянишига катта аҳамият берамиз. Биз иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда қанчалик катта натижаларга эришсак, мамлакатларимизнинг халқ хўжалиги шунчалик тез ўсади, халқаро мавқеимиз ва капитализм билан мусобақада бизнинг позициямиз шунчалик мустаҳкам бўлади, жаҳон социализм системасини пароканда қилишга қаратилган империалистик сиёсат шунчалик пучга чиқади.

Ишлаб чиқариш, транспорт, бапк фаолиятидаги ҳамкорликнинг таркиб топган формалари ўзиши тамомла оқлади, унинг истиқболли яхши.

Шундай қилиб, биз мамлакатларимизнинг миллий хўжаликларини келишилган, ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш борасида муайян тажрибага эгамиз. Иқтисодий қуриллишнинг, фан-техника революцияси авж олишининг, ижтимоий муносабатлар такомиллашувиинг объектив бориши яқин келажакдаёқ ўз кучгайратларимизни япада юксак даражада бирлаштиришни зарур қилиб қўймоқда, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан экономика ва фан-техника тараққиётини перспектив ривожлантиришнинг биз учун умумий бўлган баъзи проблемаларини кўриб чиқишга ижозат бергайсиз.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг концентрациялашувиинг ошиб бориши, маҳсулот ассортиментиинг узлуксиз кенгайиб ва янгилашиб туриши, ишлаб чиқаришнинг зарур ресурслар билан таъминланиши — буларнинг ҳаммаси, аслини олганда, бизнинг қувларда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг интернационал проблемаси бўлиб қолмоқда.

Масала, хом ашё проблемасини олайлик. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар амалда минерал хом ашёнинг ҳамма турларига эга бўлиб, уларнинг қидириб топишган запаслари жиҳатидан дунёда биринчи ўрнда туради.

Марганец рудалари ва апатитлар жаҳон запасининг бешдан тўрт қисми, никель, вольфрам ва асбестининг учдан икки қисми, темир рудалари, рух ва мис запасининг қарайиб ярми, табиий газ запасининг 40 проценти, кўмпр ва нефть запасининг учдан икки қисмига яқини шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, ана шу ресурсларнинг катта қисми Совет Иттифоқи территориясида. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган бошқа мамлакатлар ҳам кўпгина турли хил фойдали қазилма запасларига эга бўлиб, улар ички аҳамиятига эга эмас.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг газ, рангли ва легирацияланувчи металлларга, химия саноатида ишлатиладиган хом ашёнинг баъзи турларига бўлган эҳтиёжи муттасил ошиб бормоқда. Тахминий маълумотларга кўра, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг хом ашё ва материалларининг асосий турларига бўлган эҳтиёжи 1970 йилдагига нисбатан 1975 йилда тахминан бир ярим баравар кўпаяди.

Хом ашё ва материалларга бўлган талабни қондириш учун ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида катта капитал маблағлар керак. Агар бизнинг ҳамкорлигимиздаги минерал ресурсларнинг тақсимланиш харитасига бир назар ташланадиган бўлса уларнинг асосий қисми Шарқда, асосан, Урал тоғининг нарёғида эканлигини кўрамиз. Бу ҳол маълум қийинчилик туғди-

ради, ана шу запасларни реализация қилиш учун қўшимча равишда катта капитал маблағлар талаб қилинади. Шу билан бирга, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, уни янада мукамал қайта ишлаш, транспорт имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган катта илмий-техника проблемаларини ҳал қилиш зарур. Бундай вазифаларни ҳамкорликни перспектив программалаштириш асосида, шунингдек зарур маблағлар ва моддий ресурсларни бирлаштириш йўли билан биргалашиб энг рационал равишда ҳал қилиш мумкин.

Қайта ишлаш сапоати тармоқларидаги ўзаро ҳамкорлигимизни такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳам ана шундай актуал вазифадир.

Бизнинг кунларда саноат икки тенденциянинг таъсирини тобора кўп сезмоқда. Бир томондан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оптимал ҳажми узлуксиз ошиб бормоқда, тайёр маҳсулотлар, узеллар ва деталларни ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви кўпаймоқда. Бошқа томондан, янги тармоқлар вужудга келмоқда, халқ хўжалигининг талаблари ошмоқда.

Бу икки тенденция мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришни, капитал маблағларни бамаслаҳат самфлаштириш, халқаро иқтисослантириш ва кооператив-

нинг мамлакатларимизда иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини энг замонавий техника билан янгиҳозлантирилган корхоналарни бирлаштириш имкониятини кенгайтириш ва мукамаллаштиришнинг мумкин.

Халқаро социалистик меҳнат тақсимотини кенгайтириш зарурлиги, иқтисодий кооперациялаштиришнинг янги формаларини белгилаш ҳам илмий тадқиқотларни, лойиҳалаш ва конструкторлик ишларини замонавий ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқади. Биргаликдаги куч-гайрат ва оқилона халқаро меҳнат тақсимоти энг қисқа муддат ичида энг кўп қайтим беришга қодир бўлган соҳа худди шу бўлади.

Тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ишларининг тез ўсиб бориши, янги маҳсулот ва янги технологияни ўзлаштириш йил сайин тобора кўп маблағлар талаб қилини яхши маълум. Жаҳон фан-техникаси билан баравар одимлаш учун куч-гайратимизни янада маҳкамроқ бирлаштиришимиз керак. Фан ва техника ўз характерига кўра миллий хўжаликлар доирасидан анча ўзиб кетди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар кўп соғли малакали илмий ва техника кадрларига, кўп тармоқли тадқиқот муассасаларига, қудратли ишлаб чиқариш базасига эгадирлар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг илмий-тадқиқот институтларида 950 минг мутахассис, шу жумладан Совет Иттифоқида 750 мингдан кўп мутахассис ишламоқда. Шундай қилиб, энг мураккаб фан-техника ва ишлаб чиқа-

риш вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган шарт-шароит мавжуд.

Фаннинг баъзи соҳаларида, масалан, математика соҳасида, ядро физикасининг баъзи бўлимларида, электротехникада, шунингдек ишлаб чиқариш ва металлургия ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш соҳасида, баъзи химия маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бизнинг мамлакатларимиз ёки Ғарбнинг ривожланган давлатлари эришган даражада турипти ёки ундан бир оз устун.

Шуни айтиш керакки, биз илмий тадқиқот планларимизни, шунингдек, конструкциялар ва янги технологияларни ишлаб чиқаришнинг координациялай бошлаган бўлсак ҳам баъзи ҳолларда ҳамон айнан бир хил проблемаларни асоссиз равишда ишлашни давом эттирмоқдамиз. Фан-техника потенциалимиздан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги масалани амалий ҳал қилиш жуда катта тежам беради ҳамда бутун социалистик ҳамдўстлик ва айрим ҳар бир мамлакатнинг техника жиҳатдан янада тез тараққий этишини таъминлайди.

Электрэнергетика соҳасидаги проблемаларни олайлик. Совет Иттифоқида бу соҳада катта илмий ва техника кучлари тўпланган. Энг йирик энергетика системалар, кучли электр станциялари барпо этилганлиги катта ютуқ бўлди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар халқ хўжалигини ривожлантириш учун энергетика жуда катта аҳамиятга эга эканлиги муносабати билан бу масала устида батафсилроқ тўхтаб ўтмоқчиман.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи 145 миллион киловаттга ўрнатилган қувватга эга. Шу йилнинг охирига бориб 155—156 миллион киловаттга эга бўлади. Электр энергияси ҳосил қилиш 1968 йилда 638 миллиард киловатт-соатни ташкил қилди, бу йил эса 690 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Кўриб турганингиздек, сўнгги йилларда энергетика қувватлари ва шунга тегишли равишда электр энергияси ҳосил қилиш тез ривожланиш томошига аниқ йўналган тенденция тусини олди.

Мен бу масалага шунинг учун тўختаяманки, биз илгариларки энергетика бўйича қўлланиб келган расчётлар эндиликда ярамай қолди, электр энергиясига бўлган талаб тез ўсиб бораётганлиги тўғрисидаги фактик маълумотлар томонидан улоқтириб ташланмоқда.

Шундай мисол келтирмаман. Шу йилнинг уч ойи ичида СССРда электр энергияси ҳосил қилиш 12 процент ошиди, саноат маҳсулоти эса 6 процент кўнайдди. Бундай бўлишига сабаб шунки, ҳозирги вақтда энергетика қишлоқ хўжалигига зўр бериб жорий этилмоқда ҳамда турмушда электр энергияси истеъмол қилиш мутасил ошиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда энергетика қувватларини ошириш масалалари жуда катта халқ хўжалиги проблемаси бўлиб қолмоқда. Агар,

айтайлик, ўтган йили биз қўшимча равишда ўн миллион киловатт ўрнатилган қувватни ишга туширган бўлсак, бу йил эса 12 миллион киловатт-соатни ишга туширадиган бўлсак, янги беш йилликда электр энергиясига бўлган талаб расчётларинг электр станцияларининг ўрнатилган қувватини янада оширишга ўтишни талаб қилишни кўрсатмоқда. Энергетика масалалари бизнинг мамлакатимиз учунига эмас, балки барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам муҳимдир.

Энергетикани пилбатан тезликда ўстиришга қайси йўللар билан муваффақ бўлишимиз мумкин? 1953 йилда энг йприк агрегатларнинг единица қуввати 100—150 мишг киловатт, иссиқлик электр станцияларининг қуввати эса тахминан 300—400 мишг киловатт-соатни ташкил этарди. 1960 йилда 300 мишг киловатт-соатли типовой машина ишлаб чиқилди. Бугунги кулда 40 га яқин шундай машина ишламоқда. Ҳозирги вақтда агрегатнинг единица қуввати 800 мишг киловаттга, айрим иссиқлик электр станцияларининг қуввати эса 2400 мишг киловаттга етди.

Бу техника имкониятлари бизга халқ хўжалигининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш масалаларини ҳал қилиш имкониятини берди. Агар биз шу йўлни тутмаганимизда, эндиликда жуда оғир аҳволда қолган бўлар эдик.

Агар, айтайлик, 1950 йилда шундай станцияларнинг максимал қуввати 650 мишг киловаттни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу қувватларнинг единица қуввати 2400 киловаттга етди. Бу ташкил этади. Бир турбинанинг қуввати эса булдан ўн йил илгаринг 72 мишг киловаттдан сал кўпроқни ташкил этган бўлса, ҳозир 500 мишг киловаттга қўнайди.

Агар илгарилари 100 мишгли машина ва 200 мишгли электр станцияси ўша вақтнинг кўнгини энергетика проблемаларини ҳал қилишга ёрдам берган бўлса, алюминий, химия материаллари ишлаб чиқаришда, электрохимия ва электрометаллургияни ривожлантиришда талаб тобора ошиб бораётган ҳозирги вақтда камқувватли электр станциялари ала шу ишлаб чиқаришларнинг электр энергиясига бўлган талабини қондира олмайди. Энергетикада барча параметрларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Станциялар, электрузатгич линияларини лойиҳалаштириш ва қуришда, имкониятларни вужудга келтиришда кучларимизни бирлаштириш зарурати келиб чиқади.

Иссиқлик таъминоти учун жуда муҳим ва энг фойдали бўлган иссиқлик энергетикаси тўғрисида икки оғиз сўз. Совет Иттифоқиде иссиқлик шохобчаларининг узунлиги булдан 10 йил муқаддам 2300 километрга яқин эди. Ҳозирги вақтда эса 10 мишг километрини ташкил этади. Иссиқлик таъминотини тез ривожлантириш учун куч-ғайратларимизни бирлаштириш, ҳозирги вақтда бу

борада тўпланган ижобий тажрибадан фойдаланиш талаб қилинади.

Ҳозир СССРда юқори кучлишлик электрузатгич линиялари зўр бериб ривожлантирилмоқда. Бу масалада бизнинг мамлакатимиз жаҳон практикасида илғор марраларга чиқиб олди. Биз 750 киловольт кучлишлик ўзгарувчан ток узатадиган линиялар қурмоқдамиз. Ҳозирги вақтда 800 киловольтли доимий ток узатадиган линиялар эксплуатация қилинмоқда. Биз кучларимизни бирлаштириб, катта масофаларга энергия узатишга кўчамиз.

Темир йўлларда электр энергияси истеъмол қилиш тез ўсмоқда. Агар бундан ўн йил муқаддам электрлаштирилган йўллар атиги 13 минг километр бўлса, ҳозирги вақтда 32 минг километри ташкил этади. Темир йўлларни электрлаштириш — бу бир мамлакатнинг эмас, балки бутун ҳамдўстлик мамлакатларининг халқ хўжалиги проблемасидир. Бу ердаги куч-ғайратларни бирлаштириш экономикани ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг кўпгина туб масалаларини тезда ҳал қилиш имконини беради.

Бизнинг турбиналаримиз ва генераторларимизнинг айрим типлари техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатида дунёда энг яхшиси ҳисобланади. Лекин бизда, масалан, трансформаторлар ишлаб чиқариш, электр узатиш линиялари учун баъзи электротехник асбоб-ускуналар яратишда жаҳон миқёсида эришилган даражадан орқада қолинаётганлиги сезилмоқда.

Бизнингча, энергетика соҳасида биргаликда тадқиқот ва конструкторлик ишлари олиб бориш, техника ҳужжатлари билан алмашишиш, ишлаб чиқаришни кенг ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, шубҳасиз, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг ҳаммаси учун катта фойда келтирар бўлур эди.

Мамлакатларимизнинг атом энергетикасини ривожлантиришида ҳамкорлик қилишлари учун айниқса истиқбол очилмоқда. Совет Иттифоқида 0,5—1 миллион киловатт қувватга эга бўлган ядро энергетика блокларни ишлаб чиқиш ишлари шўжоясига етказилди. Бу ҳол четдан келтириладиган ёшилғи билан ишлайдиган электр станцияларига нисбатан арзон электр энергияси ҳосил қилиш имконини беради. Бундай қурилмалар яқин беш йилликда фойдаланишга топширилади. Яқин йилларда атом энергетикасининг тежамлилиги янада ошади деб айтиш учун ҳамма асослар бор. Бу билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг кўпчилигида ёқилғи-энергетика баланси тигизлиги билан боғлиқ бўлган жиддий қийинчиликларни тугатишнинг реал имкониятлари очилади.

Келажақда атом электр станциялари комплекс вазифини бажаради ҳамда турли хил полимерлар ва бошқа хил химия маҳсулот-

лари олиш учун мосланган химиявий ишлаб чиқаришга эга бўлади деб ҳисоблаш мумкин.

Биз энг яхши олимлар ва конструкторларнинг куч-гайратини конструкцияларни мумкин қадар тезроқ ва арзон ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишга ҳамда техника тараққиётини белгиловчи соҳаларда асбоб-ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг ҳамма зарур турларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратмоғимиз лозим.

Совет Иттифоқида қора ва рангли металллар ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришилди. Сўнгги йилларда бизда ҳар бири 2700 куб метр ҳажмга эга бўлган бир неча домна печлари ишга туширилди, 3200 куб метр ҳажмли домналар бунёд этилмоқда ва 4 минг куб метргача ҳажмли кучли печларни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳол меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, хом ашё сарфлашни қисқартириш, таннархни, капитал маблағлар ҳажмини камайтириш имконини беради. Бизнинг домна печларимиз техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳозирги вақтда жаҳон практикасида етакчи ўринни эгаллаган.

Пўлат қуйиш саноатида ҳам жиддий ютуқларга эришилди, пўлатни узлуксиз қуйиш учун қурилмалар яратилди. Бу ҳол прокат чиқаришни кўнайитириш имконини бермоқда. Пўлат марказидаги ишлаб чиқаришнинг янги методлари ва қурилмалари ҳақида кўради.

Ҳудуд хом ашёсини тайёрлашнинг янги методларини қидиришда, металлларнинг янги марказларини қуришда ҳам ютуқлар қилинган. Шу билан усулларидан иккибўли патентларга эришилди.

Шу билан бирга, баъзи бошқа проблемалар ҳам бор. Бу проблемалар қаторига электрметаллургия учун самарали ускуналар яратиш, металлни вакуумда қуйиш, юқори сифатли маркали пўлат, биометаллар ишлаб чиқаришнинг янги технология жараёнларини ишлаб чиқиш кирди.

Қора металллар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, маҳсулот сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш учун, жумладан, янги юқори унумли металлургия асбоб-ускуналари намуналарини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ўртасидаги, машинасозлик заводлари ўртасидаги кооперация муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда металлни ишлашнинг янги самарали технология жараёнлари тобора кенг ёйилмоқда. Бунда программали бошқариладиган станокларни қўллашнинг ҳам қўшмоқ керак. Бу меҳнат унумдорлигини кўп даражада оширишни, станоклар паркни ва ишчи кучларини анча қисқартиришни, деталларни ишлашнинг тозалиги ва аниқлигини оширишни таъминлайди ҳамда бирмунча паст малакага эга бўлган ишчилардан операторлар сифатида фойдаланиш имконини беради.

Программали бошқариш станокларини яратиш соҳасидаги ишлар қатор социалистик мамлакатларда параллел равишда олиб борилмоқда. Бу соҳада мутахассисларнинг ишларини ва ҳамкорлигини координациялаштириш, шунингдек ўз конструкциясига кўра унификация қилинган бошқарув системаларини яратиш айниқса муҳимдир. Бу ишлаб чиқаришни тезроқ ривожлантириш учун биз программали бошқариладиган станокларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш, шунингдек программали бошқариш системаларининг айрим узеллари ва элементларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида кооперация тадбирларини ишлаб чиқишимиз керак.

Лойиҳалаш ишлари соҳасида кооперацияни янада яхшироқ йўлга қўйиш мамлакатларимизнинг халқ хўжалиги учун жуда катта фойда келтирган бўлур эди.

Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг лойиҳалаш ташкилотларида 800 минг киши, жумладан Совет Иттифоқида 550 мингдан зиёд киши ишламоқда. Ишлар ҳажмининг тобора ошиб бораётганлиги ҳамда капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш зарурияти бизнинг олдимизга лойиҳалаш ташкилотларининг кучларидан энг мувофиқ фойдаланиш вазифасини қўймоқда.

Мен айрим мисолларни келтириб, баъзи маъзаларни кўрсатиб ўтдим, холос. Лекин шуларнинг ўзи ҳам бизни шунга ишонтирадики, биз қисқа вақт ичида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги куч-қайратларимизни бирлаштиришнинг амалий йўллари топишимиз керак.

Ҳамкорлигимизни янада юксак босқичга кўтариш зарурияти социалистик жамиятнинг ички иқтисодий ва сиёсий талабларигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, шў билан бирга жаҳон тараққиётининг умумий қонуниятларига, шунингдек ички система — социалистик ва капиталистик системанинг ўзаро курашида келиб чиқувчи вазифаларга ҳам боғлиқдир. Бизнинг қуларда бу кураш турли хил плацдармларда ривожланмоқда ва турли йўллардан бормоқда. Бу ҳол социалистик ҳамдўстлик бирлигини янада мустаҳкамлашни, халқаро майдондаги ҳаракатларимизни янада кўпроқ координациялаштиришимизни талаб қилади.

Бизнинг мамлакатларимиз империализмнинг агрессив сиёсатига зарба беришга, халқаро вазиятни соғломлаштириш борасида таъсирли чоралар кўришга қаратилган биргаликдаги халқаро ҳаракатларни амалга ошириш йўлида кўп ишлар қилилар.

Ҳозирги замон империализмининг тактика йўли тез-тез ўзгариб турганлиги жиҳатидан ҳам келишиб ҳаракат қилишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Империализм ўз агрессив табиатини сақлаб қолиб ва янада милитаризациялашдан, ҳарбий тайёргарликлардан ва, аввало, ракета-ядро қуроллари пойғасидан воз кеч-

магап ҳолда икки жаҳон системасининг экономика, фан, техника ва маорифнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган кураш аспектига зўр бермоқда.

Юксак даражада индустриалашган капиталистик мамлакатлар учун ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви жараёнининг тезлашганлиги, экономикани давлат йўли билан бошқариш кучаяётганлиги характерлидир. Бунинг натижасида сўнгги йилларда бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг кўтарилиши, фонд қайтишининг ошиб бориши, кўп материал талаб қиладиган маҳсулотларнинг қисқариб бориши, банд бўлгаларнинг миқдори минимал даражада кўнаймаган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошини сезилмоқда. АҚШда эълоп қилинган маълумотлар сўнгги 10 йил ичида Америка сабоатидаги ишчилар сони кўнаймаётганлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш, фан-техника революцияси бугунги кунда етакчи империалистик давлатларга иқтисодий эъдиётларга, қаттиқ валюта кризисига, инфляцияга қарамай, экономика ва социал сиёсат соҳасида малавр қилишининг қўшимча имкониятларига эга бўлиши йўлини очиб бермоқда. Бундан капитализм экономикаси кўпгина мамлакатларда кўпгина ҳолда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қўшимча маълумоти келиб чиқмайди, албатта. Лекин империализм ҳамой кучли ва жиддий рақиб бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсифлаштиришидан ва хўжаликни планли бошқаришдан келиб чиқувчи жуда катта афзалликларга эга бўлган социалистик мамлакатлар учун фан-техника революцияси ва хўжаликни интенсифлаштиришининг беқиёс катта потенциал имкониятлари бор.

Ҳозирги замон буржуа давлати тобора ўзинга хос координациялаштириш марказига айлашиб, монополистик капиталнинг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. У иқтисодий ўсишининг етарли даражада юксак ва барқарор суръатларини таъминлаш, фан-техника тараққиётини янада ривожлантириш учун энг турли хил воситалардан фойдаланмоқда.

Бизнинг давримизда хўжалик ҳаёти, иқтисодий интеграция интернационалашувининг объектив жараёни тобора аниқ намоён бўлмоқда. Бу жараён кўпдан-кўп формаларда, жумладан турли хил регионал группалар тузиш йўли билан юз бермоқда.

Давлат-монополистик капитализми интеграция жараёнларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Сўнгги 10—15 йил ичида «Умумий бозор» сингари халқаро давлат-монополистик бирлашмаси вужудга келдики, унинг қатнашчилари ташқи савдо, ишлаб чиқариш, фан, техника соҳасида келишиб сиёсат юргизишга уришмоқдалар. Бу йўлда капитализм ўткир эъдиётларга дуч келмоқда. Халқаро капиталистик интеграция муқаррар равишда

капитализм табиати билан боғлиқ бўлган объектив чегаралар билан чекланмоқда. Халқаро капиталистик интеграция унинг иқтисодий заиф қатнашчиларини бўйсундириш, ютиб юбориш, миллий мамлакатларни камситиш билан юз бермоқда. Бироқ капиталистик мамлакатлар ўз иқтисодий куч-гайратларини бирлаштириш натижасида эришган иқтисодий натижаларга етарли баҳо бермаслик хато бўлур эди. Интеграция жараёнилари сапоат ишлаб чиқаришининг ўсишига, шу жараён пчидаги мамлакатлар билан ўзаро савдога рағбатлаштирувчи таъсир кўрсатди.

Капиталистик гуруҳлардан империалистик давлатлар жаҳон социалистик системасига қарши кураш воситасида бири сифатида фойдаланмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар билан иқтисодий мусобабатларнинг кўпгина масалалари юзасида Ғарбий Европа «Умумий бозори» яхлит ташкилот сифатида иш тутмоқда. Капиталистик мамлакатлар социалистик мамлакатларга ишбатаи ўз иқтисодий сиёсатини координациялаш учун Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаштириш ва ривожлаштириш халқаро банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти сингари халқаро институтлар ва ташкилотлардан фойдаланмоқда. Биз бу ҳолни эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз социалистик тўзумнинг имкониятлари ва афзалликларидан тўла фойдаланишимиз, икки система тич мусобақасининг асосий участкаларида энг яхши натижага кўрсатишимиз керак. Бу тамомла бизнинг уюшқоқлигимизга ва маҳоратимизга боғлиқ.

Социалистик ҳамдўстликнинг жипслиги, иқтисодий қудрати ва сиёсий обрўсининг ошиши капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракатига жиддий мадад бўлади, миллий-озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсатиш ишида бизнинг имкониятларимизни кўпайтиради, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга олиб келади.

Социалистик мамлакатлар экономикасининг аҳволини, фан-техника тараққиётини, жаҳон тараққиёт теңденцияларини ва икки жаҳон системаси мусобақасини таҳлил этиш бизни шу хулосага олиб келадикки, вужудга келган проблемаларни ҳал қилиш социалистик интеграция деган тушунча билан характерланадиган ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришни талаб қилади.

Ҳозирги босқич халқаро социалистик меҳнат тақсимотида янада юксак босқичга кўтарилишни, экономика, фан ва техника соҳасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишни, мамлакатларимизнинг миллий иқтисодий системаларининг ўзаро комплекс таъсирини пазарда тутати. Социалистик интеграциянинг моҳияти — янада самарали ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқларида кенг ва барқарор кооперациялашган алоқаларни шакллантиришдан, ана шу мамлакатларнинг халқ хўжалигини

янада ривожлантириш мақсадида уларнинг халқаро бозорини муостаҳкамлашдан иборатдир.

Шуни қайд қилиш керакки, халқаро социалистик интеграция — бу маъмурий таъсир кўрсатиш натижаси эмас, балки объектив иқтисодий жараёндир. Лекин у биз ўз сиёсатимизда тушуниб етган ҳолда ва плали асосда йўналтирган тақдирда янада муваффақиятлироқ ва катта самара билан амалга оширилади, албатта.

Бизнинг давримизда фан, техника, ишлаб чиқариш ва алмашувни интернационализациялаш мисли кўрилмаган миқёсга эга бўлди. Бу чуқур прогрессив жараён, шунинг учун ҳам унинг имкониятларидан тўла фойдаланиш энг илғор ижтимоий тузум бўлган социализмнинг тарихий вазифасидир.

Социалистик интеграция туфайли вужудга келган ва ривожлалаётган иқтисодий бирлик социалистик давлатларнинг қўшилиб кетиши ёки аралашиб кетиши характерига эга эмас, бу билан уларнинг мустақиллиги йўқолиб қолмайди. Социалистик интеграцияни ривожлантириш — халқаро ҳамкорликнинг, янги иқтисодий, техникавий ва ташкилий проблемаларига иккунчи қаровчи марканизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг илмий принципларига содиқ бўлган халқларимиз, қардош партияларимизнинг вазифасидир.

Бизнинг давримизда мамлакатларимизда социализм позицияларини янада муостаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтаришга, уларнинг тобора ёнғиб бораётган маънавий ва ақлий қўлини янада тулароқ қоплашнинг ҳаракат қилинмоқда.

Биз биргаликда олиб бораётган иш халқларни интернационализм руҳида тарбиялашга, уларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ишончини муостаҳкамлашга ёрдам беради.

Биз ҳозирги босқичда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорликни бутун чоралар билан кенгайтиришга қаратилган тadbирларни амалга оширишни тезлаштириш зарур, дегап фикрларга тўла қўшила-миз. Бу ишда, табиийки, вақт фактори айниқса хом ашё ва бошқа табиий ресурслар, энергия билан таъминлаиш проблемаларини ҳал қилишлари, шунингдек халқ хўжалигида фан-техника тараққиётининг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш учун воситалар ва имкониятларни сафарбар қилишлар лозим бўлган мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Биз социалистик интеграциянинг асосий дастури иқтисодий сиёсатни келишиб олиб боришдан, перспектив халқ хўжалиги планларини самарали йўлга қўйишдан иборат деб биламиз, биз халқаро социалистик меҳнат тақсимотини плали бошқаришга ҳал қилувчи аҳамият бериб, давлат томонидан марказлашган раҳбарликни товар-пул инструментларининг ролини ошириш билан уйғунлаштиришга амал қилмоқдамиз.

Барча социалистик мамлакатларда халқ хўжалигига планли раҳбарликни такомиллаштиришга, иқтисодий дастурлар ва стимуллардан бутун чоралар билан фойдаланишга, корхоналарнинг ташаббускорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни бошқаришда социалистик демократизмни янада ривожлантиришга қаратилган хўжалик ислоҳотлари ўтказилмоқда.

Совет таклифларида, бизнинг фикримизча, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириши мумкин бўлган тадбирлар системаси баён қилинган. Бу тадбирларни уч группа масалага бирлаштириш мумкин.

Биринчи. Биргаликдаги план фаолиятини такомиллаштириш, бунга шунинг учун мос келадиган шарт-шароитларни яратиш ҳам киради. Бизнинг фикримизча, фан, техника, конструкторлик ишлари, капитал маблағлар ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни планли бошқаришни яхшилаш социалистик интеграциянинг асосий жиҳатини ташкил этади.

Иккинчи. Ҳамкорлигимизнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, валюта-молия ва кредит мупосабатларининг форма ва методларини яхшилаш.

Учинчи. Халқаро ҳамкорликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини, унинг халқаро институтларини такомиллаштириш.

Бизнинг таклифларимиз хусусида батафсилроқ тўхтаб ўтишга руҳсат этгайсиз.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ПЛАН АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Биз диққат-эътиборни аввало моддий ишлаб чиқариш, фан ва техника соҳасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг план асосларини мустаҳкамлашнинг бир қатор етилган масалаларига қаратмоқчимиз. Биз бу масалалар хусусида ўз таклифларимизни ишлаб чиқаётганимизда кўп йиллар давомида тўплапган ҳамкорлигимиз тажрибасини ва аввало халқ хўжалиги планларини координациялаштириш тажрибасини пазарда тутдик.

Узоқ муддатли савдо битимлари тузиш билан якунлапган 1966—1970 йиллар плапларини координациялаштириш бир қатор йирик иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш имконини берди. Мамлакатларимизнинг ҳамкорлик қилишдаги энг муҳим йўналлшлари икки томонлама ва кўп томонлама асосда келишиб олинди. Мамлакатларимизнинг бир-бирларига товар етказиб бериш ҳажми ва структураси белгилаб олинди. Бу ҳол перспектив миллий планларни пухта ишлаб чиқиш имконини берди. Бироқ зарур товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кенгайтириш, мамлакатлар экономикасида бўш жойларга ўрин қўймаслик, шунингдек ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлантириш тадбирларини биргаликда ишлаб чиқишга кам эътибор берилди.

Бизнинг фикримизча, координациялаштириш борасидаги ишларимизнинг вазифаси савдо битимлари тайёрлашдангина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлаштириш учун план асосларини яратишдан, капитал қурилишининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларининг қатор участкалардаги куч-гайратларимизни бирлаштиришдан ҳам иборатдир.

Келишилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим дастури бўлган планларни координациялаштириш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарур, шунга эришиш керакки, планларни координациялаштириш мамлакатларимиз халқ хўжалигининг замонавий юқори самарали структурасини шакллантиришга, энг юксак илмий-техника даражасига эришишга, ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш, фап ва техника соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратиладиган бўлсин.

Бу вазифани бажариш учун ҳозирги вақтда қабул қилинган планларни координациялаштиришнинг форма ва методлари биргаликда плаплаштириш ишларимизни кучайтириш йўлида эволюциялашиб бормоғи лозим. Бунинг учун аввало мамлакатларимизнинг план органлари ўзаро маҳкам боғланган бўлишлари, ўртамизда доимий ва оператив контактлар бўлиши учун мавжуд бўлган шароитларни тоғини ва амалга ошириш зарур.

мизни кучайтириш бир неча йўналишда амалга оширилиши мумкин.

илекс ишлаб чиқишга ўттиш мақсадга мувофиқдир. Бу, биринчи навбатда, у ёки бошқа тармоқни ёки ишлаб чиқаришни, илмий-техника ва таъриба-конструкторлик ишларини ривожлаштиришнинг умумий илмий-техникавий концепциясини келишиб олиш, унификациялаштириш, тишлаштириш, ягона стандартлар ва техника шароитлари масалаларини ҳам шунга боғлиқ равишда ҳал қилиш демакдир. Шундан кейин Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг мазкур маҳсулотларга бўлган келажакдаги талаби биргаликда кўриб чиқилган бўлур эди. Танланган проблемани ҳал қилиш учун ҳар бир мамлакат ажратиши мумкин бўлган моддий ва молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватларини пазарда тутиб, ишлаб чиқаришни келишилган, зарур ҳолларда эса ишлаб чиқаришни тайёрлаш, кенг кооперация ва ихтисослаштириш асосида ишлаб чиқариш программасини тақсимлашнинг умумий планини ҳам тузиб чиқиш мумкин бўлур эди. Ишлаб чиқаришнинг келишилган плани асосида, шунингдек ўзаро тайёр маҳсулотлар етказиб бериш планини координациялаштириш, уларнинг коммерция шарт-шароитларини белгилаш ҳам мумкин бўлур эди. Ишга ана шундай комплекс ёндошилганда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг

рационал ва барқарор, узоқ вақтга мўлжалланган ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун шарт-шароит яратилган бўлув эди.

Иккинчидан, координациялаштириш плавлари перспектив прогнозлар тузишдан тортиб, беш йиллик ва зарур ҳолларда йиллик планларини тузишгача бўлган ҳамма босқичларда мамлакатларимизнинг плавл ва хўжалик ташкилотлари ишини биргаликда узлуксиз йўлга қўйиш муҳимдир. Шундай қилинганда, иқтисодий ҳамкорлик планларини ҳар бир мамлакатнинг миллий планларига органик равишда қўшиб юбориш мумкин. Бундай, ҳар бир мамлакатнинг миллий планлари халқаро социалистик интеграциянинг ривожланиши билан вужудга келадиган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда тузиладиган бўлади.

Учинчидан, планларни координациялаштириш жараёнида қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисида гап боради. Афтидан, қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаслигидан келиб чиқувчи зарарнинг ўрнини қоплаш принципига асосланган санкциялар қўлланиш масаласини ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Биз бу таклифни қўяр эканмиз, умуман халқ хўжалиги планларини координациялаштиришни ёки ана шу планларнинг синтетик кўрсаткичларини назарда тутаётганимиз йўқ. Биз шунга қаттиқ ишонамизки, кўпгина план кўрсаткичларини ва бир қатор ишлаб чиқаришни ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш тармоқларини перспектив илмий-техника прогнозлари асосида бир-бири билан боғлаш — мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг тўғри ва ишончли йўлидир.

План фаолиятини такомиллаштириш муайян келишилган капитал маблағлар сарфлашни талаб қилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги параллелизмни тугатиш, мазкур мамлакатнинг талабларини қондириш пуқтан назаридан лозим бўлмаса ҳам, лекин бутун ҳамдўстликнинг талабларини қондириш учун лозим бўлган оптимал қувватларга эга бўлган корхоналарни вужудга келтириш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Капитал қурилиш самардорлигини ошириш ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Биз айрим проблемаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ва мамлакатлар манфаатдор бўлган капитал маблағларини шу мамлакатлар рози бўлган ҳажмда ва формаларда координациялаш тўғрисидаги масалани қўймоқчимиз.

Бизнинг план ишларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш борасидаги таклифларимиз хаёлан тўқиб чиқарилган схемалардан эмас, балки реал иқтисодий вазиятдан келиб чиққандир. Биз социалистик қурпилишни ана шу иқтисодий вазиятда амалга оширмақдамиз. Шу ишни ташкил этишнинг янги формаларига ўтиш лозимлигини бир неча мисолда кўрсатиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Айтайлик, ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқариш сингарп са-
ноат тармоғини олайлик. Биз ўзимизнинг шу техникага бўлган
талабимизни замоавий машиналарнинг учинчи, кейинчалик эса
тўртинчи авлоди ҳисобига қондирганимиз керак. Катта ҳаракат-
лар ҳамда кўндан-кўп юқори малакали мутахассис кадрларни та-
лаб қилувчи бу вазифани ўзаро маҳсулот етказиб беришни
келтириш асосидагина ҳал қилиш қийин. Бу вазифани айрим мам-
лакатнинг ўзи, айлиқса кўп тармоқли саноатга эга бўлмаган ҳам-
да конструктор кадрлар билан етарли даражада таъминланмаган
мамлакатнинг бир ўзи умуман ҳал қила олмайди. Ҳаммадан олдин
илмий ва лойиҳалаш-қидирув ишлари соҳасида манфаатдор мам-
лакатларнинг кучларини бирлаштириш, ҳисоблаш техникаси иш-
лаб чиқаришни биргаликда планлаштириш, бундай машиналарни
ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш
масалаларини комплекс ҳал қилиш, ўзаро маҳсулот етказиб бе-
ришнинг иқтисодий шарт-шароитларини биргаликда белгилаш
йўлидан бормоқ керак.

Ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик проб-
лемасининг бир томони, ҳолос. Бу проблемасининг бошқа томони —
мамлакатларимизда электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдалани-
шишдадир. Ҳозирги вақтда шу техникани бўлганини, одатта
корхоналар ёки корхонадан ташқарида қолгани билан тегишли
қолмоқда. Бу эса ҳар бир корхона ўз қозонига ёки ўз электр стан-
циясига эга бўлиб ишлаган вақтларни эслатади. Саноатда энергия
системасидан марказланган тартибда электр энергияси билан таъ-
минлашга ўтганимиздек, ҳисоблаш техникасидан фойдаланишда
ҳам ана шундай имкониятлар очилмоқда. Жаҳон тажрибаси шунини
кўрсатадики, электрон-ҳисоблаш марказлари системаси ахборот-
ларга эҳтиёж сезган мамлакатларни зарур ахборотлар билан таъ-
минлайдиган ихтисослаштирилган экономика тармоғи бўлиб қол-
моқда.

Ёқилғи-хом ашё проблемаси ҳам яна бир мисол бўла олади.
Маълумки, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган Евро-
па мамлакатларига шу беш йилликда СССР дан 14,3 миллиард
сўмлик ёқилғи ва барча турдаги хом ашё етказиб берилади. Бу-
нинг эвазига мамлакатимиз аксарият машиналар ва асбоб-ускуна-
лар (11,5 миллиард сўмлик) олади. Ҳозирги вақтда Совет Итти-
фоқидан кўп капитал ва энергия талаб қиладиган хом ашё ва
материаллар етказиб бериш шундай ҳажмга ва шундай миқёсга
етдики, бу ҳол Совет Иттифоқида ижтимоий ишлаб чиқариш
структураси ва самарадорлигини шакллантиришга бевосита таъ-
сир кўрсатмоқда. Хом ашё ва ёқилғи экспорт қиладиган Ўзаро
Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган бошқа мамлакатлар
ҳам ана шундай проблемаларга дуч келмоқдалар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар-
нинг энг муҳим хом ашё турларига ва ёқилғига тобора ўсиб бора-

ётган талабларини қондиришни, Совет Иттифоқининг фикрча, яқин вақтлар ичида катта қийинчиликларга дуч келмаслик учун узок даврга мўлжаллаб биргаликда планлаштирмоқ лозим. Бунда Совет Иттифоқининг ҳам, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган бошқа мамлакатларнинг ҳам табиий ресурсларини манфаатдор мамлакатларнинг ўзаро қулайлик асосида бирлаштиришни назарда тутиш керак. Биз хом ашё проблемасини энг оқилона ҳал қилиш йўллари қидирмоқдамиз ва ўз таклифларимизда шу масала юзасидан қатор конкрет фикрлар билдирдик.

Бизнинг мамлакатларимиз транспорт қийинчиликларига дуч келмоқда, кўмир, руда, ёғоч, доп сингари катта юкларни ташишдан катта зарар кўрмоқда. Уларни ташиш харажати шу товарларнинг қийматидан ошиб кетмоқда. Бу проблема халқаро транспорт алоқаларининг рационал системасини яратиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Мавжуд алоқа йўллари ривожлантириш, контейнерларнинг ягона системасини яратиш, чегара станцияларини, депгиз ва дарё портларини кенгайтириш программасини биргаликда белгилаб олиш, айрим ҳолларда эса айниқса кўп юк ташиладиган участкаларда бир хил темир йўл пизига ўтиш имконини кўриб чиқиш пайти келди.

Бизнинг ҳамкорлигимиздаги интеграция жараёнларининг бундан кейинги ривожланишида ишлаб чиқаришни иқтисодий асослаш, барқарор ихтисослаштириш ва айниқса кооперативлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Бу — мамлакатларимиз ўртасида машиналар ва асбоб-ускуналар алмашиш, шунингдек ишлов берувчи сапоат маҳсулотининг айрим турларини сотишда бўладиган қийинчиликларни тугатишнинг асосий йўлидир. Шунинг учун ҳам биз машиналар ва асбоб-ускуналарни экспорт қилувчиларнинг ҳам, импорт қилувчиларнинг ҳам ўзаро манфаатдорлиги ва масъулиятини таъминловчи иқтисодий шарт-шароитларни биргаликда ишлаб чиқишимиз керак.

Социалистик бозорда машиналар ва асбоб-ускуналарни алмашишнинг энг йирик проблемаси бу — шу маҳсулотларнинг техника даражаси ва сифати масаласидир. Биз шу фактни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмаски, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар сўнгги беш йил ичида капиталистик мамлакатлардан машиналар ва асбоб-ускуналар харид қилишни кўпайтирдилар, қатор машинасозлик корхоналарининг нагрукаси унчалик етарли бўлмагани ҳолда капиталистик бозорга экспорт қилиш кам, жуда сует ўсмоқда.

Биз илғор техника даражасида машинасозликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ҳолда асосий масалаларни ҳал қилишга биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, кўп ҳисса қўшиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, капитал маблағларни, металл ва бошқа

ресурсларни социалистик бозорда танқислик сезилаётган машиналар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга сарфлаш учун мамлакатларимиз машинасозлигини ривожлантиришнинг ички тармоқ пропорцияларини яхшилаш зарурияти ҳам келиб чиқмоқда.

Бошқа тармоқларнинг ўсишидан кўра тез суръатлар билан ривожланаётган химия саноати мамлакатларимиз ўртасидаги ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни кенгайтиришнинг перспектив соҳасидир. Бу ерда ҳам техника, экономика ва ишлаб чиқариш структурасида анчагина сифат ўзгаришларига эришилди. Бу кўп тармоқли сапоат автоматикани қўлланиш ва технология жараёнларида йирик агрегатлар ва оширилган единица қувватига эга бўлган агрегатларни қўлланган ҳолда узлуксиз жараёни яратиш йўлидан ривожланмоқда.

Биз шунинг ҳисобигагина сўнгги йиллар ичида супъий ўғит ишлаб чиқаришдек муҳим сапоат соҳасида олға томон янада тез суръатлар билан бориш имконига эга бўлдик. Бу йил биз тахминан 47 миллион тонна ўғит ишлаб чиқарамиз. Гарчи бу жуда тез ўсиш бўлса ҳам, биз янаги йилда асосан катта агрегатларни қўлланиш ҳисобига 60—62 миллион тонна ўғит ишлаб чиқармоқчилик. Мисалдан, катталик ишлаб чиқарувчи агрегатлар бир келатқундада 1000 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан 15—20 йил илгари бизнинг химикларимизга бирон киши шундай қувватга эга бўлган агрегатлар тайёрлаш мумкин, деб айтганда, улар буни ҳаёл деб тунунган бўлур эдилар. Ҳозир биз шундай катта қувватга эга бўлган дастлабки қурилмаларни ишга туширмоқдамиз.

Лекин асосий химия маҳсулотлари ва энг муҳим полимер материаллари (пластмассалар, синтетик каучуклар, химиявий тозалар) ишлаб чиқариш ҳажми йил сайини ошиб бораётганлигига қарамай, ўзаро химия товарлари савдоси суст ривожланмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг экспорти ва импортида шундай товарларнинг салмоғи сўнгги етти йил ичида етарли эмаслигича қолаётир. Бу ҳол химия сапоатининг ишлаб чиқарувчи қувватларини яратишда вужудга келган параллелизмнинг оқибати эмасмикин? Бизнингча, биз бу ўринда ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш афзалликларидан ҳали етарли даражада фойдаланаётганимиз йўқ. Химия саноатидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тезлаштириш лозим бўлади.

Бизнинг мамлакатларимизда машинасозликни ва химияни ривожлантириш, шунингдек бу тармоқлардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қўйиш қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштириш ва химиялаштириш учун моддий база вужудга келтиришга ёрдам бериш керак.

Ўзро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларга эришдилар. Бу ютуқлар ҳосилдорликнинг ошганлигида, чорвачилик маҳсулдорлиги анча кўпайганлигида, наслчилик ишлари, уруғчилик селекцияси яхшилашганлигида, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликлари ва зараркупандаларга қарши кураш анча яхшилашганлигида кўришиб турибди.

Ҳозирги замон фани ва практикаси бу тармоқни моддий ишлаб чиқаришнинг энг юқори самара берадиган тармоқдан бирига айлантиришнинг реал имконияти борлигини исботламоқда.

Ўзро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларда йирик социалистик қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаштириш, уларда ишларни комплекс механизациялаштириш юзасидан катта тажриба тўпланди. Қишлоқ хўжалигининг бир қатор тармоқларини ва аввало чорвачиликни саноат асосига изчиллик билан кўчириш учун қулай шароитлар вужудга келмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги меҳнатининг унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фойдаланиш учун бўшатиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг замонавий моддий-техника базасини вужудга келтиришда ихтисослаштиришни авж олдириш ва ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқишни ҳам талаб қилади.

Биз енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш программасини, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи саноатни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш программасини ҳам биргаликда ишлаб чиқишимиз керак. Шундай қилсак, Ўзро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда халқ истеъмоли молларини аҳолининг эҳтиёжини қондирадиган даражада ва сифатли қилиб ишлаб чиқаришни таъминлаш мумкин бўлади. Шунингдек, халқ истеъмоли молларининг ассортиментини кенгайтириш имкониятларидан янада яхшироқ фойдаланиш ҳамда аҳоли эҳтиёжлари ва мавсумий талабларнинг ўзгариб туришига энчилик билан мослашишига ўргатиш керак.

Социалистик мамлакатларнинг илмий-техника ҳамкорлигини тўғри ташкил этиш юқорида катта аҳамиятга эга. Бу ишда ҳам сифат жиҳатидан янги ўзгариш яшаш зарур.

Ўзларинга маълумки, бизда илмий ва техникавий тадқиқотларнинг 1966—1970 йилларга мўлажалланган энг муҳим ишларини координациялаштиришнинг қўшма плани бор.

Биз шунга эришишимиз керакки, фан-техника тадқиқотлари соҳасидаги ишларимизни координациялаштириш ва ихтисослаш-

тириш биринчи навбатда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи йўналишларида амалга оширилсин, ишлаб чиқариш соҳасидаги куч-гайратларимизни бирлаштириш борасидаги ҳамма ишларимизнинг таркибий қисми бўлсин.

Шу муносабат билан ҳам экономика, социал тараққипёт соҳасида, ҳам фаннинг ўзини ривожлантиришда пайдо бўлаётган вазифалар ва мақсадларни олдиндан белгилаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда фан ва техниканинг профилли йўналишларини таплаган соҳасида бутун дунёда энг интенсив иш олиб борилаётганлиги диққатга сазовордир.

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда кўп томонлама ва икки томонлама асосда илмий-техникавий прогнозларни ишлаб чиқиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз олимплари 40 дан кўп проблема юзасидан биргаликда прогноз ишлаб чиқа бошладилар. Ҳумладан, табиий ва синтетик хом ашё базасида янги конструкция материаллар яратиш юзасидан, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулоти олиш, енгил саноатнинг хом ашё базасини ривожлантириш проблемаси юзасидан, микроэлектрон техника проблемалари юзасидан, полимерларни қайта ишлаш ва бошқа муҳим проблемалар юзасидан прогнозлар тузилмоқда.

Прогнозлаштириш ҳақидаги масалани ҳар бир мамлакат учун ва бутун соҳаларнинг ҳамдустлигимиз учун муҳимдир. Илмий прогнозлар илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаш, ишлаб чиқаришни халқаро иxtисослаштиришни ташкиллаштириш, ташқи савдо бўйича узоқ муддатли оқимларни ишлаб чиқиш учун асосий пункт бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг узоқ муддатли прогнозлаштириш масалалари бўйича илмий-координацион ишчи органини тузиш керак. Бундай прогнозларни тузишнинг ягона методологик усулини ишлаб чиқиш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ахборот соҳасидаги куч-гайратларимизни бирлаштириш сингарп муҳим масала тўғрисида ҳам тўхтаб ўтишга рухсат бергайсиз. Илмий-тадқиқотларни координациялаштиришнинг таъсирчанлиги, лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кўп жиҳатдан ахборотнинг оперативлигига ва тўлаллигига боғлиқ, деб айтсам, масалани кўпиртириб кўрсатган бўлмайман. Ҳозирги вақтда, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, ахборот индустрияси: электро-ҳисоблаш машиналари ва замонавий алоқа воситалари системаси яратилган. Радиоэлектроника ва бошқа техника воситаларининг ривожланиши Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ягона халқаро ахборот системасини яратиш ҳақидаги масалани амалий вазифа қилиб қўймоқда. Бу масала ахборот алмашиш бўйича марказлар системасини тузишдангина иборат эмас, албатта. Бу — дастлабки қа-

дам, холос. Ягона самарали ахборот системаси ўз ичига фан ва техниканинг ҳамма соҳаларини олиши керак. Бу система барча мамлакатларда қидирув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларининг шохобчаларини унификациялаштириш ва шакллантиришни, ахборот бериш ва кузатишни назарда тутати.

Биз ҳам ўз томонимиздап Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқаро илмий-техникавий ахборот марказини тузиш борасидаги умумий ишларида актив қатнашмоқчимиз. Бу ўрнида Москвадаги Бутуниттифоқ илмий ва техникавий ахборот институтидан ана шундай марказ базаси сифатида фойдаланиш масаласини кўйиш мумкин.

Шунингдек, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг бошқаришнинг илмий методларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳамкорлигига ҳам эътиборни қаратмоқчимиз. Бу проблема ҳозирги замон жамиятининг ривожлантиришда, фан-техника тараққиётида жуда катта ўрин эгаллайди. Экономикаси планли равишда ривожланадиган социалистик мамлакатлар учун бу соҳада ҳамкорлик қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бу ҳамкорликни ривожлантиришга лозим даражада эътибор беришимиз керак.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг ихтисослаштирилган органини тузиш ҳам жуда самарали бўлур эди. Бу орган мамлакатларимизда олиб борилаётган лойиҳалаштириш ишларини координациялаштириб турар эди. Мутахассисларимизни бирлаштириб турадиган ва ҳамдўстликнинг барча давлатлари учун муайян профилдаги корхоналарни лойиҳалаштирадиган лойиҳалаш ташкилотлари (жойларда филиаллари билан) тузиш йўллариини қидирмоқ керак. Бу ташкилотлар ё халқаро ташкилот бўлиши, ёки миллий ташкилотлигича қолиб уларнинг ишига бошқа мамлакатлардан энг яхши мутахассисларни жалб этиш мумкин бўлур эди. Маифаатдор мамлакатлар хўжалик ҳисоботи асосида лойиҳалаш-қидирув ишларини бажаришда ана шу мамлакатлар билан битим тузишлари мумкин бўлурди. Бу лойиҳалаш ташкилотлари социалистик мамлакатлар ишини бажарибгина қолмай, бошқа мамлакатларда ҳам нудрат ишларини ололадилар. Чунки улар бизнинг мамлакатларимиз лойиҳалаш ишлари соҳасида тўплаган энг яхши нарсаларни марказлаштирганликлари жиҳатидан, шубҳасиз, катта эътибор қозониб, энг илгор корхоналарнинг лойиҳаларини яратишга қодир бўладилар.

Биз, шунингдек, қурилиш соҳасида типовой лойиҳаларнинг каталогларини мунтазам равишда нашр этиб туришни таъминлай оладиган типовой лойиҳалар ва техника ахбороти халқаро марказини ҳам ташкил этишимиз мумкин. Шаҳар қурилиши соҳасида мамлакатларимизнинг лойиҳалаш ташкилотлари ва йприк мута-

хассисларни жалб этган ҳолда халқаро архитектура конкурсларидан самарали фойдалана оламиз.

Узоқ муддатга прогнозлаштирилган лойиҳалаштириш, ягона ахборот системасини вужудга келтириш, бошқарув масалаларини ишлаб чиқиш сингари проблемалар борасидаги ишларни ташкил этиш мамлакатларимизнинг техника сисёати ва бошқа тадбирлари соҳасидаги проблемалар бўйича ишларни йўлга қўйиш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлигини ўзаро янада маҳкам боғлашга, мазкур мамлакатлар хўжаликларининг тағип ҳам самарали бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Биз моддий ишлаб чиқариш соҳасида 10—15 йиллик даврга мўлжалланган тадбирлар программасини ишлаб чиқишни таклиф этар эканмиз, бу тадбирларни амалга ошириш йўлида баъзи қилпчиликлар бўлишини ҳам яхши тушунамиз. Бунинг учун мазкур программани муваффақиятли бажариш мақсадда зарур шарт-шароитлар яратишни таъминлайдиган бутун бир чора-тадбирлар системаси амалга оширилмоғи лозим.

ТАШҚИ САВДО, НАРХ ВА ВАЛЮТА-МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришда савдо ва валюта-молия алоқалари катта роль ўйнайди. Биз бунда мамлакатларимиз ўртасидаги товар-қул муносабатларидан ишлаб чиқариш, фан, техника, савдо ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин ва лозим деб биламиз. Бу мулоҳазалар жаҳон социалистик бозорини янада мустаҳкамлаш ҳамда валюта-молия воситаларидан ва халқаро кредитдан янада кенгроқ фойдаланиш тўғрисидаги таклифларга асос қилиб олинди.

Сўнгги ўн йил ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо обороти 10,7 миллиард сўмдан 27,7 миллиард сўмга кўлайди. Унинг ўсиш суръатлари ҳам жаҳон савдосининг ўсиш суръатидан юқори бўлди.

Хом ашё, ёқилғи, материаллар, машиналарнинг асосий турларига ҳамкорлигимизнинг ўз-ўзини таъминлашдаги юксак даражаси — бизнинг бирлашган қудратимизни кучайтирувчи муҳим ютуқдир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларидаги меҳнат тақсимоти такрорий ишлаб чиқаришнинг муҳим фактори бўлиб қолди. Бу ҳол кўнгина қимматли хом ашё турлари, материаллар, озиқ-овқат таъминотига тегишлидир. ГДР ва Чехословакия сингари мамлакатларнинг металл қайта ишлаш саноати ўз маҳсуло-

тининг тўртдап бир қисмини социалистик давлатларга етказиб бериш учун ишлаб чиқараётганлиги факти ҳам шундан далолат бериб турипти. Бошқа томондан, мамлакатларимизнинг ҳаммаси ҳам ўзларининг машиналарга бўлган ички талабларининг катта қисмини Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлардан импорт қилиш ҳисобига қондиришмоқда.

Мамлакатларимизда ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон социалистик бозорига ишлаётган бир қатор ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш вужудга келди. Булар орасида Польша ва ГДРнинг денгиз кемасозлигини, Чехословакия, Венгрия ва Руминиядаги дарё кемалари қурилишини, Польша товар вагонлари, ГДР да вагонрефрижераторлар, Венгрияда авто ва электрокарлар, Болгарияда электр двигателлари, Венгрияда фармацевтика товарлари ишлаб чиқарилишини айтиш мумкин. Совет Иттифоқи ўзида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, оғир энергетика ва металлургия асбоб-ускуналарининг кўп қисмини шу мамлакатларга етказиб бермоқда, мазкур мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондириш учун магистраль тепловозлар ишлаб чиқаришини кенг йўлга қўйди.

Ташқи савдо алоқаларимизнинг плали характерга эга эканлиги, ўзаро запасларнинг ҳажми катталиги, мамлакатларимизнинг географик жиҳатдан яқинлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда транспорт харажатларидан, жумладан товарларни кўплаб юклашдан олинаётган жуда катта тежам — буларнинг ҳаммаси мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдони жуда фойдали қилаётган объектив факторлардир.

Шундай бир нарсаи тасаввур қилиб кўрайлик: агар мамлакатларимиз ҳозирги вақтда бир-бирларига етказиб бераётган товарларни капиталистик бозорда сотадиган ва сотиб оладиган бўлса, қўшимча транспорт сарфларига муомала харажатларини қўпайтиришга ҳамда капиталистик бозорлардаги қаттиқ конкуренция муносабати билан келиб чиқаётган бошқа сарфларга Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзолари кўнгинча эркин валюта сарфлагап бўлур эдилар. Шубҳасизки, мамлакатларимиз ўзаро савдосотиқдап олаётган фойдалар экономикани ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишнинг муҳим қўшимча манбаидир.

Ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлантириш даражаси бундан ҳам юқори бўлганда ташқи савдонинг ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юксак бўлурди.

Шу билан бирга, ҳозирнинг ўзидаёқ социалистик бозорни товарлар, айниқса машиналар, асбоб-ускуналар ҳамда талаб муттасил ошиб бораётган халқ истеъмол моллари билан кўплаб таъминлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биз дефицит товарларни экспортга ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программаларини тайёрлашда актив иштирок этишга тайёрмиз.

Айниқса техника хизмати кўрсатишни яхшилаш, мамлакатларимиз етказиб берадиган машиналар ва асбоб-ускуналарни запас қисмлар билан таъминлаш ва уларни ремонт қилишни тубдан яхшилаш тўғрисидаги масалани алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Мамлакатларимизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлиги практикасида фойдаланмоқчи бўлган янги формаларни ҳисобга олиб, биз ташқи савдони планлаштиришни такомиллаштиришга ҳам тегишли аҳамият бермоқдамиз. Узоқ муддатли савдо битимлари ва товар обороти юзасидан ҳар йили тузиладиган протоколлар илгаригидек мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқни планли ташкил этишнинг асосий формаси бўлиб қолаверади.

Биз план асослари социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлигининг негизи бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Бунда мамлакатларимиз шароитида товар-пул муносабатларидан янада самаралироқ фойдаланиш план системасининг ролини камситишга эмас, балки уни янада такомиллаштиришга олиб келиши керак. Мамлакатларимиз ўртасида товар алмашиш бундан кейин ҳам асосан қатъий товар контингентлари билан белгиланади. Айни вақтда ташқи савдо бўйича оператив маневр қилиш, узоқ муддатли битимларга киртилган баъзи товар гуруҳлари юзасидан зарур эҳтилол кўрсатиш учун товарларнинг батафсил рўйхатини белгилаб олмаслик ва уларнинг мувозират раийи бўлиб қўйи-

луқтан назардан контингентсиз савдо-сотиққа ортқича баҳо бериб юборилмаслиги лозим.

Маъмур кенгашига тайёрланган материалларда ташқи савдодаги нархлар тўғрисидаги масалага тўхталишган. Бу ҳақда тап ҳам катта масала. Биз ҳозирги босқичда масалани ҳал қилиш учун ўзаро савдо-сотиқ ишларимиздаги контракт нархларни белгилаш мақсадда жаҳон нархларидан фойдаланиш тарафдоримиз. Ҳозирги вақтда бошқа қандайдир принципларни қўлланиш учун ҳозирча зарур шароит йўқ.

Биз нарх ҳосил қилишнинг ҳозирда мавжуд бўлиб турган механизми такомиллаштиришга муҳтож эмас, деган фикрдан йироқдамиз. Нархлар шундай тузилиши керакки, токи у ҳар бир мамлакатнинг социалистик бозордаги ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдорлигини оширадиган, техникавий иқтисодий параметрлари жиҳатидан юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишни рағбатлантирадиган бўлсин.

Яқин даврга мўлжалланган контракт нархларга келганда, бизнинг фикримизча, бу масала кўриб чиқилаётганда мамлакатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, баъзи иқтисодий факторларни янада кенгроқ ҳисобга олмоқ лозим. Ҳумладан, ҳозирги вақтда машинасозлик маҳсулотларига янада мақбул ташқи савдо нархи сиёсатини амалга ошириш учун шароит етилди. Етказиб бериладиган маҳсулот ва товарларнинг сериялиги ва ҳажмига, заказлар-

нинг барқарорлиги ва муддатига, буюмларнинг техника даражаси, эксплуатация қилиш ва истеъмол сифатига қараб табақалаштирилган нархларни кенг қўлланиш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси юқори сифатли товарлар билан ўзаро фойдали савдо-сотиқ қилишни кенгайтиришни рағбатлантиришни ва бир-биримизга техника жиҳатдан янада мукамалроқ асбоб-ускуналар етказиб беришимизга ёрдам бериши керак.

Мамлакатларимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро савдо-сотиғида нарх ҳосил қилишга келганда ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига бу масалани манфаатдор давлатларни жалб қилган ҳолда ўрганишни тошпириш лозим бўлади. Бунда, бизнинг фикримизча, ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдода нарх белгилаш имкониятини кўриб чиқишимиз ва бунда техника тараққиётини ҳамда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни ривожлантириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини тобора камайтириб боришни ҳисобга олиш мумкин бўлурди.

Ташқи савдо ҳақида гап борар экан, мен яна бир масала устида тўхтаб ўтмоқчиман. Биз мамлакатларимизнинг капиталистик мамлакатларга иқтисодий қарам бўлишига йўл қўя олмаймиз. Лекин шу билан бирга биз автаркия сиёсати ўтказишдан, мамлакатларимиз хўжалигини бошқа мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлардан суғйил равишда ажратиб қўйишдан йироқмиз. Автаркия сиёсати иқтисодий жиҳатдан ноқулай, бу сиёсат ҳозирги вақтда энг салбий натижаларга олиб келиши, бу йўлга кирган давлатларнинг бундан кейин муқаррар равишда орқада қолишига олиб келган бўлурди. Биз социализм дунёси билан амалий контактларни кенгайтиришга тайёрлигини билдираётган мамлакатларнинг ҳаммаси билан ўзаро фойдали савдо ва бошқа иқтисодий алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантираверамиз.

ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида белгиланаётган тadbирларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан валюта-молия ва кредит муносабатларини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади.

Бу соҳада сўнгги йилларда баъзи тadbирлар ўтказилди: коллектив валюта-ўтказиладиган сўм жорий этилди, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки тузилди. Шу асосда капиталистик валюта ишламаган ҳолда мамлакатларимиз ўртасида бутун товар-пул обороти бўйича кўп томонлама расче́тлар ва кредит беришни амалга ошириш учун шароит яратилди.

Коллектив валютанинг ролини ва унинг халқаро обрўсини ошириш зарур иқтисодий шарт-шароитга, биринчи навбатда барқарор кўп томонлама ташқи савдо оборотига ҳамда товар валюта резервлари жамғаришга таяниши керак.

Шу билан бирга коллектив валютанинг функцияларини ва уни қўлланиш соҳаларини кенгайтириш учун унинг реал курси ҳамда ҳақиқий харид қобилиятини акс эттирувчи тегишли олтин баробаридаги қимматини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, шундай қилинганда коллектив валюта Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар, шунингдек ана шу валютада расчет қилишни хоҳловчи бошқа мамлакатлар ўртасида товар обороти ва бошқа иқтисодий алоқалар бўйича ҳамма расчет, тўлов ва кредит операцияларига хизмат қила олади.

Бизнинг таклифларимиз коллектив валютанинг реал курсини белгилаш билан бирга, миллий валюталар билан коллектив валюта ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ўзаро келишилган курсларни ёки коэффициентларни жорий этиш лозимлигига асосланади. Бу билан миллий валюталарнинг коллектив валютага айланиши ва миллий валюталарнинг ўзаро айлаиши учун шарт-шароит яратилган бўлур эди.

Коллектив валюта базасига асосланувчи валюта-молня механизми миллий валюталар ўзаро айлашган тақдирда товар оборотини ривожлантиришга ҳозиргача бўлиб келганидан кўра кўпроқ ёрдам беради, шунинг билан илмий-техника ҳамкорлиги проблемаларини иқтисодий жиҳатдан ҳаллаб қўйишда шунинг сифатли таъминиди. Ҳозирги кунда қилинган шарт-шароит яратилган ва қабул қилинган ўзаро мажбуриятларнинг бақарилишига ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасида чакана ва улгуржи нархлар нисбатида тафурот борлиги учун баъзи тўловлар бўйича расчетларнинг мавжуд тартибини сақлаб қолиш ва мамлакатлардаги мавжуд нархлар даражасини ҳисобга олиб, расмий курсларга скидка (падбавка) ҳажмларини аниқлаш керак.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар янада ривожланаётган шароитда капитал қурилиш учун ресурслардан фойдаланишида кўпроқ концентратциялаш ва келишиш масалалари катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда бундан кейин капитал қурилишга ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредит беришни банк системасидан фойдаланган ҳолда аксарият кўп томоплама асосда амалга ошириш лозим бўлади.

Ҳозирда иш бошлаб юборган Халқаро иқтисодий алоқалар банкидан унга инвестиция функциясини бериш йўли билан фойдаланишининг ўзи билангина бу масала ш муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Капитал маблағлар соҳасидаги кредитлар алоҳида характерга эга эканлигини ва халқаро практикаш назарда тутиб, социалистик мамлакатларнинг Халқаро инвестиция банкини тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнинг фикримизча, Халқаро инвестиция банки орқали кредит бериш инвестицияларини келишиши кўн даражада таъминлайди, шунинг билан чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлашти-

ришни ҳисобга олган ҳолда капитал маблағларининг иқтисодий самарадорлигини оширади ва умуман социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ва иқтисодий ҳамкорлик планларига мувофиқ корхоналар қуришда кредитнинг ролини кучайтиради.

Банкнинг Устав капиталини, унинг мақсадлариши ҳисобга олиб, коллектив ва эркин конвертлаштирилладиган валюталарда яратиш лозим бўлади. Коллектив валюта взнослари товар ресурслари билан таъминланган бўлурди. Устав капиталига секин-аста, мамлакатларнинг келишувига қараб ҳақ тўлаш мумкин бўлурди.

Инвестиция банкнинг энг муҳим вазибаларидан бири халқаро бозорларда пул маблағларини сафарбар этишдир. Худди шунинг учун банкнинг Устав капиталидан бир қисми эркин конвертлаштирилладиган валютада шаклланиши керак.

Бу банк секин-аста катта ресурсларни, жумладан эркин конвертлаштирилладиган валюта ресурсларини жалб қилган йирик кредит муассасасига айланган бўлур эди. Бунинг учун инвестиция банки капиталистик пул бозорида банк ва молния кредитларини жалб қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда капиталистик мамлакатларнинг тегишли банклари хизматидан фойдаланиб, облигация заёмлари чиқариш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Бу ҳозирга қадар биз фойдаланиб келмаган кредит ресурсларини жалб қилишининг янги формаси бўлурди. Бизнинг фикримизча, бунинг учун имконият бор.

Шунингдек, инвестиция банкида махсус фондлар очиб мақсадга мувофиқ экалнинг тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиш керак.

Биринчидан, биргаликда қурилишга берилладиган кредит фонд. Бу фонд биргаликда қуришни амалга оширишдан мақсаатдор бўлган мамлакатлар билан келишувга мувофиқ мамлакатлар томонидан ажратилладиган ресурслар ҳисобига ва зарур ҳолларда инвестиция банки кредитлари ҳисобига ташкил қилиниши мумкин;

Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам ва техника кўмаги кўрсатиш бўйича тадбирларга берилладиган кредит фонд.

Халқаро инвестиция банки ўз функцияларини муваффақиятли амалга ошириш учун жаҳонда яхши обрўга эга бўлиши керак. Бунда, шубҳасиз, банк ресурсларидан самарали фойдаланилмоғи, унинг ўз устига олган мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти гарантияланган бўлмоғи лозим. Бу, ўз навбатида, банкдан олинадиган кредитларни ўз вақтида тўлаш иптизомига қатъий риоя қилишни назарда тутад. Бу банкда ишлашга мамлакатларимизнинг банк доираларида ва бутун иш билармонлар дунёсида яхши табиқилган юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш лозим бўлади.

Совет Иттифоқи, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар сингари, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки фаолиятини, жумладан, товар оборотига қисқа муддатли кредит бериш системасини бундан буёқ ҳам кенгайтиривериш зарур деб ҳисоблайди. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга эркин конвертлаштирилган валютада қисқа муддатли кредит бериши таъминлашда ҳозирнинг ўзидаёқ муайян роль ўйнамоқда.

Бизнинг фикримизча, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг бу соҳада бошқа мамлакатлар билан муносабатларидаги ишларини координациялашни яхшилаш зарурати ҳам мамлакатларимиз валюта-молиявий ва кредит дастурларидан янада активроқ фойдаланишларини тақозо этади. Бу, биричи навбатда, кредит спёсати ва халқаро валюта-кредит муассасаларига муносабат принципларини келишиб олишга тааллуқли бўлса керак.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҚИМЛАШ

Мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини янада тавоқилантиришни талаб этади.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги кўп томонлама ва икки томонлама алоқалар турли формаларда амалга оширилмоқда. Бу алоқа формалари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳамкорлик қилишдан, ҳукуматлараро комиссиялар, план ва хўжалик идоралари, корхоналар ва илмий-техника муассасалари даражасидаги контактлардан ҳамда қатор халқаро иқтисослашган ташкилотлардан иборат.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини яхшилаш, унинг кўп томонлама ҳамкорликни ташкил этишдаги ролини кучайтириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашини маълум даражада ташкилий жиҳатдан яхшилаш, унинг органлари фаолиятининг йўналишларини аниқлаш зарурати борга ўхшайди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини миллий план ташкилотлари билан алоқасини янада яқинлаштириш ҳақидаги масала алоҳида эътиборга лойиқ.

Бизнингча, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг вазифаси айрим хусусий масалаларни деталлаштириб ишлаб чиқаришдангина эмас, шу билан бирга ҳар томонлама пухталаштирилган ва асосланган тавсияномаларни ишлаб чиқишдан ҳам иборат. У миллий план ва хўжалик идоралари вазифасини бажармай, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича мамлакатларимиз компетент органларининг ишлаши учун қулай ташкилий, илмий шарт-шароит яратиб бериши керак.

Шу муносабат билан ҳамкорликнинг амалий вазифаларини ҳал қилишда миллий ташкилотларнинг оператив ишлаш даражасини ошириш муҳимлигини қайд қилиб ўтмоқчимам. Биз план органлари, министрликлар, илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги, зарур ҳолларда эса корхоналар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни мустақамловчи тадбирлар системаси хусусида ҳам биргаликда ўйлаб кўришимиз лозим. Бундай ишчиплик алоқаларини йўлга қўйишга Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ҳам ёрдам берилиши мумкин.

Бу биринчи навбатда госпланларимиз ўртасида янада яқин ва муносабатли контакт ўрнатишга тааллуқлидир. Госпланларнинг бундай яқиндан ҳамкорлик қилишини қандай йўлга қўйиш кераклигини, шунингдек уни ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришни ўйлаб кўриш керак.

Биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг перспектив йўналишлари тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқадиган марказ, мамлакатларимиз план ва хўжалик органларининг вакиллари ўртасидаги контактлар ташкилотчи бўлиб қолиши керак, деб ўйлаймиз. Биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва унинг органлари саноат тармоқлари бўйича техникавий-иқтисодий прогнозлар тайёрлаш, ҳамкорлик практикасини умумлаштириш ишларини активлаштириб юборадилар, ишлаб чиқаришдаги илғор ютуқлар тўғрисида ва халқ хўжалигини планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш борасида қабул қилинаётган методлар ҳақида ахборот алмашишни яхшилайдилар, деб кутамиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши унинг қатнашчилари учун умумманфаатли бўлган йирик иқтисодий ва илмий-техника проблемаларини комплекс тадқиқ ва анализ қиладиган органга айлана бориши керак.

Бизнинг назаримизда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши органларининг ишини шундай ташкил этиш керакки, токи Кенгаш ҳамма аъзолар эмас, балки бир неча аъзога манфаатдор бўлган тадбирларни ҳам тайёрлаш ва амалга оширишга актив ёрдам бера олсин.

Биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Уставида ёзиб қўйилган манфаатдорлик принципи самарали ишлаш учун муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Бу принцип ташкилотимиз қатнашчиларининг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини гарантиялайди. Чунки у ҳар қандай мамлакатга унинг манфаатларига мос бўлмаган қарорлар қабул қилдиришга йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам биз бу принципни тарафдоримиз. Лекин ҳозирги манфаатдорлик деган тушунчани бошқачароқ талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлурди. Бу масала хусусида бир битимга келиш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши органлари ишидаги кераксиз нарсаларни бартараф этган бўлурди, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг ҳар қандай масаласини ҳал қилиш им-

қонини берган бўлур эди. Шу билан бирга, масалан шу тарзда ҳал қилиш манфаатдор мамлакатларнинг ҳуқуқларини асло камситмайди.

Халқ хўжалиги планларини координациялаштиришни амалда рўёбга чиқариш, конкрет ишлаб чиқариш, техника ва бошқа масалаларни бевосита келишиб олиш, бизнинг фикримизча, миллий план органлари, министрликлар ва идоралар зиммасига юклашмоғи лозим. Биз миллий органларнинг бу соҳадаги ишларини жиддий равишда яхшиламасдан туриб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтиришда муваффақиятга эришишимиз қийин бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар план ва хўжалик органларининг турли хил даражадаги алоқаларини мустаҳкамлаш шартнома системасини янада кенгроқ қўлланишни талаб қилади. Планларни координациялашда, хўжалик ташкилотларимизнинг конкрет ишлаб чиқариш, илмий-техника, савдо ва валюта-молжавий масалалар соҳасидаги ҳамкорлигини даб келиб чиқувчи ўзаро мажбуриятларни шартнома асосида мустаҳкамлаш қанчалик фойдали эканлигини кўрсатувчи мисолларни менимча ҳар биримиз кўзимдан кўришимиз мумкин. Буни бизнинг биринчи сессиядаги ишларимиздан кўришимиз мумкин. Илмий-техника ҳамкорлигини вужудга келтиришга умид бўлаб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг илмий-техника ҳамкорлигини йўлга қўйиш, расчёт-кредит операцияси ишларини олиб бориш борасидаги ташкилотчилик ишларининг кўп қисмини ихтисослаштирилган халқаро бирлашмалар зиммасига юклаш мумкин. Лекин уларнинг таърибаси фақат ижобий томондангина иборат эмас, албатта. Мавжуд тармоқ бирлашмаларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг техника даражасини оширишнинг перспектив вазифаларини ҳал қилиш учун тайёргарлиги етарли эмас. Уларнинг фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳал қилингангича йўқ. Миллий ишлаб чиқариш, план ва савдо органлари, шунингдек, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тегишли тармоқ органлари билан контактларда зарур оперативчилик кўринмапти.

Бирлашмаларнинг фаолиятини сиқчилаб ўрганиш керак, чунки келажакда манфаатдор мамлакатлар ихтисослаштирилган халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва ташқи савдо харақтерига бирлашмаларни тузишда давом этсалар керак.

Мазкур сессияда иқтисодий ҳамкорлигимизни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилиб бўлганимиздан кейин, бу ишда умумий принципаал йўлни келишиб олганимиздан сўнг ана шу йўлни амалга ошириш юзасидан катта амалий ишлар авж олиб кетади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу программада мазкур сессия қабул қилган қарорларга мувофиқ зарур иқтисодий ва ташкилий тадбирлар кўрсатилиши ва бу тадбирлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган барча мамлакатларнинг маффаатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич оширилиши керак.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мазкур сессия муҳокамасига қўйилган масалага катта аҳамият беради. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш умумий программасининг ишлаб чиқилиши ва сўнгра уш амалга ошириш ишлари мамлакатларимизнинг бирлиги ва янглигини янада мустаҳкамлайди. Биз бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда мамлакатларимизнинг ҳаётий маффаатларига жавоб берувчи халқаро социалистик ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан амалга оширишни ўз интернационал бурчимиз деб биламиз.

**КОБУЛ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ ОЧИЛИШИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МИТИНГДА
1969 ЙИЛ 29 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ҳурматли Бош министр жаноблари! Ҳурматли ректор жаноблари! Азиз дўстлар, студентлар ва ўқитувчилар!

Сизларни Афғонистон ҳаётидаги муҳим катта воқеа — Қобул политехника институтининг расмий очилиши билан табриклашга руҳсат этгайсиз.

Институтнинг таънавали очилиш маросими афғон халқи ўз мустақиллигининг 50 йиллигини нишонлаётган кунларда ўтаётганида чуқур маъно бор. Бу бинолар, ўқув заллари, лабораториялар ўз моҳиятига кўра мамлакатнинг оқибатли янги равишда тарқатиладиган тараққиётга иштирокчи бўлиб мустақил Афғонистон эришган ютуқлардир. Бу ютуқларга афғон халқи ўз озоқчилигини сақлаб қолиб, мустақил тараққиёт йўлига тикиб олгани билан бахтидан эришибди.

Мустақиллик — ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишининг негизидир. Лекин ҳар қандай халқдан мустақилликка эришилгандан сўнг ана шу юксалишини амалга ошириш учун кўп куч-ғайрат, кўп меҳнат талаб қилинади. Биз фан ва техника, учқур инсоният тафаккури гуркираб ривожланаётган асрда яшамоқдамиз. Илм-фан одамлар фаолиятининг ҳамма соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда ва у шундай юксакликка кўтарилдики, шу туфайли жисмоний меҳнатгина эмас, шу билан бирга ақлий меҳнатнинг энг мураккаб жараёнларини ҳам механизациялаштириш мумкин бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси цивилизацияни ривожлантириш, халқларнинг турмуш даражасини оширишнинг, очлик, эпидемиялар, қолоқлик, қашшоқликни тугатишнинг кенг истиқболларини очиб бермоқда.

Фан-техника революцияси барча халқларнинг, бутун инсониятнинг мулки бўлиши ва албатта шундай бўлиб қолиши керак. Ҳозирги вақтда ҳар бир мамлакат малакали, ўз ишини пухта биладиган ва пухта тайёрланган мутахассисларга ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Чунки бундай мутахассисларсиз тараққиётни ва олға томон ҳаракатни тасаввур этиб бўлмайди. Империалистлар томонидан тараққиёти узоқ вақт давомида тўхтатиб

келинган Осиё давлатлари учун миллий кадрлар ва техника кадрлари тайёрлаш вазифаси айниқса кечиктириб бўлмайдиган характерга эга. Қобул политехника институти бу масалани ҳал қилишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бу ўқув юртида Афғонистон экономикасига жуда зарур бўлган инженерлар, кўп профиллар бўйича юқори техник малакали мутахассислар тайёрланади.

Биз миллий техника ва илмий кадрлар тайёрлаш учун муҳим марказ бўлиб қолиши лозим бўлган бу ажойиб ўқув юртини қуришда иштирок этган афғон инженерларини ва ишчиларини, барча кишиларини табриқлаймиз. Биз бу ерда ўз мамлакатининг тараққиёти йўлида ўқишни ва ишлашни лозим бўлган профессорлар, ўқитувчилар ва студентларни табриқлаймиз ва уларга жуда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида фан ва техника мутахассислари тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда. Бу ҳамкорлик олимлар ва студентлар алмашinishида, биргаликда тадқиқотлар олиб борилишида ифодаланмоқда. Қобул политехника институтини вужудга келтиришда совет кишиларининг ҳам меҳнат ҳиссаси бор. Бу ўқув юрти совет-афғон ҳамкорлиги объектларидан бири бўлиб, унинг заминига биринчи натижани 1963 йилда ўша вақтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси сифатида Афғонистонга келган Л. И. Брежнев қўйган эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги битмга мувофиқ мазкур институтда ўқишни йўлга қўйишда қатнашаётган совет мутахассислари, профессорлари, илмий ходимлари ўзларининг бутун билимлари, бутун катта тажрибаларини аямасликларига шак-шубҳа қилмаймиз. Улар ўз олдларидан турган вазифанинг катта аҳамиятга эга эканлигини тўла-тўқис тушуниб ишлайжакларига ишончимиз комил. Совет Иттифоқи Афғонистон билан илмий-техникавий ҳамкорлик соҳаси тобора кенгайиб бориши учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилади.

Биз шуни яна бир бор қайд қиламизки, Совет ҳукумати Афғонистон билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади ҳамда совет-афғон ҳамкорлигининг ҳамма масалаларига шу нуқтан назардан баҳо беради.

Бундан икки кун аввал совет-афғон халқлари мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 50 йиллигини ишонладилар. Ўтган 50 йил ичида совет-афғон дўстлиги янада мустаҳкамланди. Бу ҳол совет-афғон дўстлиги мамлакатларимизнинг ҳаётий эҳтиёжларига жавоб бераётганлигидан далolat беради. Совет-афғон муносабатлари ўзаро ишонч руҳи билан характерланади. Афғонистон ҳам, Совет Иттифоқи ҳам бизнинг умумий чегарамизда тинчлик ва осойишталик бузиламаслигига тўла ишонадилар. Совет Иттифоқи ва Афғонистон бир-бири билан катта савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйган. Бинобарин шуни

оладиган ёшлар олдида жуда масъулиятли ва омижаноб вазифалар турибди. Улар инсоният тўплаган билимларни эгаллашлари, ўз мамлакатининг табиий бойликларидаан кенг фойдаланиш, миллий экономикани, маданият ва фанни олға томон силжитиш имкониятига эга бўлиш учун ана шу билимларни ижодий қўлланишлари керак. Улар, шунигдек, ўз халқи ва инсоният олдидаги бурчларини бажаришлари керак. Бу бурч эса тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик ишига хизмат қилишдан иборат. Биз сиз, азиз дўстларга, катта муваффақиятлар тилаймиз. Бутун афғон халқига муваффақиятлар тилаймиз.

СССР билан Афғонистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин!

Яшасин совет-афғон дўстлиги!

**«БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ —
СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН 25 ЙИЛ»
ВИСТАВКАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА МОСКВАДА
1969 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадрли ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитети номидан, Совет ҳукумати номидан, шу ерда тўпланган пойтахт жамоатчилиги вакиллариининг ҳаммаси номидан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живковни ва Болгария Халқ Республикаси делегациясининг барча аъзоларини қизғин табриклайман. Шунингдек, қардош Болгариянинг социализм йўлидан ривожланишининг 25 йиллик ютуқларидан эътиборини шунингдек, аҳолий ва бундай ютуқларнинг қатнашган барча қадрли болгар дўстларимизни ҳам қизғин табриклайман.

Бу виставканинг очилиши болгарлар сингари, совет кишилари учун ҳам тантанали воқеадир. Икки мамлакат халқларини тарихий дўстлик аънавалари боғлаб турибди. Лекин биз фикр юртаётган 25 йил алоҳида даврдир. 25 йилдан буён Болгария ва Совет Иттифоқи халқлари бир байроқ остида бормоқдалар, умумий иш учун курашмоқдалар. Фақат бир хил фикр юртадиган, социалистик интернационализмга, меҳнаткашларнинг улуғ доҳийси В. И. Лениннинг васиятлари ва ғояларига содиқ бўлган халқлар ўртасидагина бўлиши мумкин бўлган қардошларча дўстлик ва ўзаро ишопч асосда ўз муносабатларини қурмоқдалар.

Шунинг учун Болгария Халқ Республикасининг миллий виставкаси, шубҳасиз, қардош социалистик мамлакатнинг ютуқларидан хурсанд бўлган ва бу ютуқларда социалистик мамлакатларнинг кучи ва ҳаётийлигининг намоён бўлишини кўрган совет кишиларининг диққат-марказида бўлади. Социалистик Болгария ютуқлари шунинг учун ҳам ажойибки, урушдан олдинги Европада Болгария империалистик давлатлар учун хом ашё етказиб бериш ролини ўйнар эди. Социалистик қурилиш йилларида қолоқ, асосан қишлоқ хўжалик экономикасида пборат бўлган Болгария ривожланган индустриал-аграр, фан ва маданият гуллаб-яшнаган давлатга айланди. Бу шонли Болгария Коммунист-

тик партияси раҳбарлигида қардош болгар халқи эришган энг катта ғалабадир.

Болгария Халқ Республикаси — социалистик ҳамдўстликнинг аъзосидир. Социалистик қурилиш бир давлат чегарасидан чиқиб, халқаро характерга эга бўлган вақтдан бошлаб, кўпгина вазиғлар анча тез ва энг самарали ҳал қилинди. Бунга халқаро ҳамкорлик шароитида, умумий социалистик кооперациямиз доирасида муваффақ бўлинди. Шу нарса яхши маълумки, Болгария Халқ Республикаси социалистик давлатлар орасида муносиб ўрин тутди. Болгар миллий экономикасининг янада ўсиши, саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятининг юксалиши — бу ҳам болгар меҳнаткашлари — ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларининг социалистик ҳамдўстлигимизнинг сиёсий, иқтисодий ва мудоффа қудратли мустақамлашга қўшган катта ҳиссасидир.

Ички, миллий планда ҳам, халқаро планда, социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги миқёсида ҳам социалистик ва коммунистик қурилиш ҳамма соҳалардаги фаолиятни ўз ичига олди. Шу йиллар ичида Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси ҳамкорлиги самарали ривожланди. Бизнинг ҳамкорлигимиз аввало социализм ва коммунизм қурилиши масалалари бўйича, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати проблемалари бўйича Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Болгария Коммунистик партияси қарашлари ва ҳаракатларининг бирлигида ўз ифодасини топди. Бу ҳамкорлик халқаро сиёсат соҳасида, ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари бўйича бошқа қардош мамлакатлар билан биргалликдаги чиқишларда доимо намоён бўлиб келди. Совет-болгар ҳамкорлиги ҳамма натижалар бўйича ҳамда экономика ва маданият соҳасида ҳам жуда самарали бўлди.

Биз ишни ўзаро фойдали кенг савдо-сотиқдан бошлаб, уни кейинчалик муайян даражада келишилган меҳнат тақсимотиға кўчирдик. Совет Иттифоқи болгар саноати ва қишлоқ хўжалиги энг муҳим тармоқларининг маҳсулотини йил сайин кўп миқдорда сотиб олмоқда. Асбоб-ускуналар ва машиналарнинг баъзи турларини етказиб бериш йирик, серияли характерга эга. Бу эса Болгария Халқ Республикасининг ёш машинасозлигини янада ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Совет Иттифоқи бўлажак беш йилликда ҳам Болгариянинг аксарият корхоналарининг маҳсулотларини кўп харид қилади. Бунга, масалан, электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг ҳам маҳсулотларини киради.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Болгарияда юздан ортиқ саноат корхоналари ва айрим цехлар қурилди, реконструкция қилинди ва асбоб-ускуна билан жиҳозлантирилди. Совет саноат асбоб-ускуналари етказиб берилиши болгар меҳнаткашларига металлургия, машинасозлик, химия саноати сингари энг саноат тармоқларини вужудга келтиришда ёрдам берди. Совет Иттифо-

қидан Болгарияга замоавий саноатни ривожлаштириш учун ҳаётий муҳим бўлган энг муҳим хом ашё товарлари ҳам етказиб берилмоқда.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш соҳасида анча катта имкониятлар очилмоқда. Узро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг шу йил баҳорида Москвада бўлиб ўтган XXIII сессияси қарорларининг бажарилиши шундай имкониятларни самарали амалга оширишга ёрдам беради, совет-болгар иқтисодий ҳамкорлигини янада самарали, икки мамлакат халқлари маффаатларига янада кўп даражада жавоб берадиган қилади. Ҳозир ўртоқ Живков очадиган Болгария Халқ Республикасининг юбилей Миллий виставкаси билан совет саноат вакилларининг танишуви ҳам бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради деб ишонамиз. Болгария маҳсулотини Совет Иттифоқида яхши билишади, кўпгина болгар товарлари совет истеъмолчиларига маъқул тушмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу виставка бизга Болгария Халқ Республикасининг экономикаси тўғрисида ва албатта, экономика билан бирга катта улуғ ишмиздаги ўртоқларимиз бўлган Болгария кишилари ҳаётининг турли хил томонлари тўғрисида ҳам янада тўла тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Совет кишилари болгар дўстларини эришган ютуқлари билан бизни таъбриқлайдилар. Биз болгария Халқ Республикасининг виставкасига катта муваффақиятлар тилаймиз. Бу виставка мамлакатларимиз халқари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонимиз комил.

Бу ерда, виставкада болгар халқи тинч меҳнатининг самаралари қўйилган. Совет кишилари сингари, болгарлар ҳам тинчликни қадрлайдилар, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Қардош коммунистик партияларимиз, социалистик давлатларимизнинг куч-ғайрати шунга қаратилган. Болгария, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан қанчалик кучли бўлсалар, ўз халқ хўжаликларини қанчалик муваффақиятли ривожлантирсалар, социалистик ва коммунистик қурилишнинг тинч шароитлари шунчалик ишончли таъминланади.

Азиз ўртоқ Живков, Болгария Халқ Республикасининг гуллаб-яшнашида қардошлар истагини топширишга, унинг халқига ва мамлакатингиз меҳнаткашларининг шонли авангарди — Болгария Коммунистик партиясига янги муваффақиятлар тилашга пажозат бергайсиз.

**ДЕПОЗИТАРИЙ МАМЛАКАТЛАРИ — СССР ВА АҚШНИНГ
ЯДРО ҚУРОЛНИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
ШАРТНОМАНИНГ РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИНИ
ТОИШИРИШ МАРОСИМИДА МОСКВАДА
1970 ЙИЛ 5 МАРТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ўртоқлар! Хонимлар ва жаноблар!

Биз катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеада ҳозир бўлиб турибмиз. Бугун ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга кириди. Шу муносабат билан Совет ҳукуматининг топширигига биноан зўр мамнуният нэхор этишимга ижозат бергайсиз.

Ядро қуроли пайдо бўлган пайтдан бери Совет Иттифоқининг сиёсати ҳамisha инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилишга қаратилиб келди. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома шу мақсадга олиб боровчи муҳим қадам бўлади, чунки бу шартнома ядро қуроли сингари хатарли оммавий қирғин қуролининг бундан буён тарқалиши йўлига муайян тоғ солади.

Шартноманинг асосий қоидаларига биноан, унда қатнашувчи ва ядро қуролига эга бўлган давлатлар бу қуролини бирон-бир давлатга хоҳ бевосита, хоҳ билвосита бермаслик ва уни ишлаб чиқаришда ёки сотиб олишда ёрдам қилмаслик мажбуриятини оладилар. Ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар эса, ўз навбатида, бу қуролини ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик мажбуриятини оладилар.

Бу шартнома халқаро миқёсда кенг қўламда эътироф қилинди, салкам юз давлат бу шартнома остига ўз имзосини қўйди. Эпиделикда шартнома кучга кирганлиги муносабати билан ядро қуролини тарқатишдан воз кечиш тўғрисидаги мажбуриятлар халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим нормаларидан бири бўлиб қолади. Шартномада қатнашмайдиган давлатлар ҳам ана шу халқаро ҳуқуқий норма билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Ядро қуролининг тарқалишига чек қўйилиши ёки қўйилмаслиги учун уларнинг зиммасига ҳам масъулият тушади, чунки ядро қуролининг тарқатилмаслигидаш бутун инсоният манфаатдордир.

Шартномада қатнашувчи Совет Иттифоқи ўзи учун қандайдир бир томонлама манфаат чиқариб олишга интирмайди. Биз, аввало, халқларнинг хавфсизлиги ва тинч турмушини таъминлаш, келажак авлодларни ҳам уруш кулфатларидаш халос қилиш муддосига асосланамиз. Айни шу юксак мақсад йўлида шартнома ажал

келтирувчи ядро қуролининг ер юзига тарқалишига тўсқинлик қилиши лозим. Шу билан бирга ядро технологиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш неъматларидан шартномада қатнашувчи ҳамма давлатлар тинчлик мақсадларида баҳраманд бўлишлари керак.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши унинг қатнашчилари олдига катта вазифалар қўяди. Бу гап аввало контроль масаласига тааллуқлидир. Контроль пухта бўлиши ва шартномада белгиланган муддатларда амал қила бошлаши лозим.

Маълумки, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ядро қуролининг ўзини йўқ қилмайди. Шу сабабли ядро қуролига эга бўлган давлатлар ҳам, бошқа ҳамма мамлакатлар ҳам ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, яъни ва тўла қуролисизланиш ишида олға силжиш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишлари керак. Халқаро вазиятни соғломлаштириш манфаатлари ана шуни қаттиқ талаб қилади.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар бундан буён ҳам ана шу йўлдан боришни зарур деб ҳисоблайдилар ва ҳамма давлатларнинг яхши ниятда эканликларини, чинакам қуролисизланишга амалда киришишга тайёр эканликларини, кўрсатишга қақирадилар. Биз, жумлалаб, қуролланиш пойгасини аввало ядро ракета-ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисида бир битимга эришиш борасида, яъни ва батамом қуролисизланиш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш борасида қуролисизланиш бўйича Женева комитети доирасида тўрқуч тайярлаш сарфламоқдамиз. Женева комитетидаги Совет Иттифоқи вакилига Совет ҳукумати химия ва бактериология қуролини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва запасларини тўплашни тақиқлаш ҳамда унинг запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги Конвенцияни, шунингдек, денгиз ва океанлар тубига ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани тезроқ тузишга эришиш ҳақида йўл-йўриқ берган.

Стратегия қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш масалалари юзасидан Қўшма Штатлар билан ўтган йил охирида бошланган музокарага Совет ҳукумати муҳим аҳамият бермоқда. Биз ҳозир ана шу масалалар юзасидан бўладиган музокараларга зўр жиддият билан тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Пировардида Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар ва бошқа давлатларнинг ратификация ёрлиқларини бугун сақлаш учун топшираётганлиги ва шу тариқа ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг кучга кираётганлиги, мазкур шартнома яъни, чинакам универсал характер касб этмоғи учун яхши омил бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдиришга пжозат этгайсиз. Бу — барча давлатларнинг, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган муҳим ва керакли шартномадир.

КУРСК ОБЛАСТИ БАЙРОҒИДА ИККИНЧИ ЛЕНИН ОРДЕНИ

*Курскада КПСС область ва шаҳар комитетининг,
меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг
тайтанали мажлисида 1970 йил 17 апрелда
сўзланган нутқдан*

Қадрли ўртоқлар! Мен Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ областингизга Ленин ордени топширишдек юксак шарафга муяссар бўлдим.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизларни, барча ишчилар, колхозчилар, зиёлиларни, Совет Армияси жангчиларини юксак мукофот билан қизғин ва самимий табриқлайман ва область меҳнаткашларига Ватанимиз фаровонлиги йўлида, коммунизм таянмаси йўлида ажойиб ғалабалар тилайман.

Курск области юксак мукофот — Ленин орденини иккинчи марта олишга сазовор бўлмоқда. Бу билан Ватан областингиз меҳнаткашлари социализм ва коммунизм қурилиши ишига қўшган ва қўшаётган катта ҳиссани тақдирламоқда.

Ватаниннг бу юксак мукофоти Курск областига мамлакатимиз, бутун дунё меҳнаткашлари, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини жуда катта меҳр билан ишонлаётган ажойиб кунларда топширилмоқда. Коммунистик партия янги жаҳият қурувчиларининг ягона оқсига бишлаштирган ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларимиз, совет қўшинлари, СССРнинг барча қардош халқари Ленин васиятларига, буюк ва енгилмас коммунизм ғояларига ўз садоқатини яна ва яна ишончли равишда намойиш қилмоқдалар.

Қўш орденли Курск области меҳнаткашлари ҳам катта ютуқларга эришдилар. Партия продаси, халқ меҳнати туфайли область қиёфаси ўзгариб кетганлигини кўриб қувонасан киши. Илгарилари бу ерлар қолоқ деҳқончилик ўлкаси эди. Совет ҳокимияти йилларида серҳосил экинзор ва бог-роғлар ўлкасига, ривожланган индустрия ва юксак маданият ўлкасига айланди.

Тарихимизнинг неча асрлар давомндаги кўпгина воқеалари Россиянинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Курск билан боғланган. Утмишда Курск ерларида кўпгина жанговар ва меҳнат

жасоратлари кўрсатилган. Бу ерда «Игорь полки жангномаси»-да куйлашган жасур қўшинлар саҳроий кўчманчиларнинг ҳужумларини даф этганлар. Бу ерда бир вақтлар Москва давлатининг мудофа чегаралари ўтган. Бу ерда С. М. Буденний кўмондонлигидаги Биринчи отлик армия душманга қақшатғич зарба бериб, шон-шухрат қозонган. Курск днэри Ватанга ташқин партия ва давлат арбобларини берган. Улар орасида профессионал революционер-большевиклардан Ф. А. Сергеев (Арте́м), бу ерда ўз революцион фаолиятини бошлаган И. Ф. Дубровский бор.

Курск области меҳнаткашлари ҳар доим социалистик қурилишининг, Совет давлатини ҳимоя қилиши ва мустақкамлашнинг актив қатнашчилари бўлиб келишган. Улар Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиб, граждандлар уруши фронтларида мардона жанг қилдилар, мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, урушгача бўлган беш йилликлар даврида фидокорона меҳнат қилдилар. 1941 йилнинг июнида совет халқининг тинч меҳнати немис-фашист босқинчилари томонидан бузиллиб, мамлакат устида ўлим хавфи пайдо бўлганда область меҳнаткашлари босқинчиларга қарши умумхалқ курашига қўшилдилар.

Курск дугасида 1943 йил ёзда немис-фашист босқинчиларини кескин тарихий иштирокчилар. Мелитополь ерларида тоғлик қишлоқдаги жангда бизнинг қаҳрамон армиямиз фашист талаварининг гўё енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани пучга чиқарди. Сталинград остоналарида 1942 йил охирида шайхлар Германия кушинчиларига қудратли қақшатғич зарба берилди. Курск дугасида немис босқинчилари жуда катта зарба еди. Буларнинг ҳаммаси иккинчи жаҳон урушининг боринини тубдан ўзгартириб юборди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Давлат Мудофаа Комитети, Оснэ Бош кўмондон Ставкиси ва Бош штаб Совет Армиясини 1943 йилнинг ҳал қилувчи жангларига тайёрлаш юзасидан жуда катта ишлар қилдилар. Йирик артиллерия, миномет ва танк қўшинлари тузилди. Ишчилар синфининг куч-гайрати туфайли бизнинг дивизияларимиз тобора такомиллашган автоматик ва танкка қарши қуроллар билан таъминланди, фронтлар тобора кўйлаб биринчи даражали танклар ва самолётлар ола бошлади. Уруш даври шароитининг қийинчиликларига қарамай, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қўшинларни ознқ-овқат билан узлуксиз таъминлаб турдилар. Қўшинлар орасида партия ва комсомол ташкилотлари, сиёсий ходимлар ва командириларнинг сиёсий ишлари такомиллаштирилди, бу ҳол Совет Қуролли Кучларининг жангворлик қобилиятини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлди.

Курск дугасидаги жангларда қўшинларнинг қудратли гушнарлари қатнашдилар. Курск жангини ҳақли равишда иккинчи жаҳон урушининг энг катта танк жанги деб аташади. Совет Қурол-

ли Кучлари душманга шундай зарба бердики, нацистлар Германияси ундай кейин ўзини ўнглаб ололмади.

50 кеча-ю кундуз давом этган мисленз жапгда Совет Армияси кўшиқлари ўз помлариши ўчмас июл-шуҳрат билан чулғадилар. Қаштап Г. Н. Игншев батареяси артиллериячиларининг жасорати сабот-матопат рамзи бўлди. Ушннг жапгчилари тенгсиз жапгда фашист тапқларининг асосий зарбасини биринчи бўлиб қарши олиб, душманин ўтказмадилар. Күрек осмоннда старший лейтенант коммунист А. К. Горовец бир жапгда тўққихта душман самолётини қулатди. Бу жасорати учун белорус халқининг жасур фарзандига ўлимидап сўнг Совет Пттифоқи Қаҳрамони унвоин берилди. Уч марта Совет Пттифоқи Қаҳрамони бўлган П. Н. Кожедуб ўзининг жапгварар ҳисобини шу ерда очди. Совет Пттифоқи Қаҳрамони А. П. Маресев юксак ватапнарварлик памунасини кўрсатди. Совет лочинлари билан бирга «Нормандия» француз эскадрильясининг учувчилари ҳам жапг қилдилар.

Шиддатли жапгларда Совет Армияси ва халқининг мардлиги ва қаҳрамонлиги, уларинг Ватапга чекеиз муҳаббати, Коммунисттик партия ва ушннг Марказий Комитети теварагига япада маҳкам жинслашувини ёрқин памоеин бўлди. Бу совет ҳарбий санъатининг янги ёрқин галабаси бўлди. Күрек остоналаридаги жапгда кўнгиша талаптли ҳарбий саркардаларимиз: Олий Бош қўмондон Ставкасининг вакиллари — Г. К. Жуков, А. М. Василевский, Н. Н. Воропов ўртоқлар, фронт қўмондоплари ва фронт штаби бошлиқлари — К. К. Рокоссовский, Н. Ф. Ватутин, П. С. Копев, В. Д. Соколовский, М. М. Попов, М. В. Захаров, С. П. Пванов, М. С. Малинин, А. П. Покровский, Л. М. Саудалов ва бошқа ўртоқлар, армия қўмондоплари — П. Х. Баграмян, П. А. Белов, В. М. Бадапов, Н. В. Болдин, П. П. Батов, М. М. Громов, А. С. Жадов, М. Е. Катуклов, В. Я. Колиакчин, С. А. Красовский, К. С. Москаленко, Н. П. Пухов, П. А. Ротмистров, С. П. Руденко, П. С. Рибалко, В. А. Судец, П. П. Федюшинский, П. Д. Черняховский, П. М. Чистяков, М. С. Шумилов ва бошқа кўнгиша ўртоқлар ўзларини яна бир бор кўрсатдилар. Бу бирлашматар, қисмлар ва бўлишматар командирлари жапгварар маҳоратининг галабаси бўлди. Бу Коммунисттик партия социалисттик Ватапини ҳимоя қилишнинг лепинча гоилари руҳида тарбиялаган бутун армиямиз юксак жапгварарлик руҳининг галабаси бўлди.

Совет Армияси кўшиқлари билан бирга Коммунисттик партия раҳбарлигида бутун халқимиз, жумладан Күрек область меҳнаткашлари ҳам душман устидан галабасини таъминлади. Фронт ичинда қолинган қийин шароитда Күрек область партия ташкилоти ўз составининг катта қисминини фронтга жўнатди, меҳнаткашларини душманин тор-мор этинга жинслаштирди. Уч ои мобайнида область аҳолиси душман авнацияси зарбаларига қарамай, мудофаа марраларин, аэродромлар, йўллар қуришда кўшиқларга ёрдам бер-

ди. Армия ва аҳоли кучли мудофаа узеллари барпо этди. Фронт яқинида бўлган саноат корхоналари душман ўқи остида ҳам ўз ишини тўхтатмади. Мен фронт яқинидаги қийин шароитда Воронеж ва Марказий фронтларнинг қўшинларини узлуксиз таъминлаб турган темир йўлчиларнинг меҳнати ва қаҳрамонона ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Курск областининг ишчилари ва хизматчилари қисқа муддат ичида катта стратегик аҳамиятга эга бўлган Старий Оскол-Ржава линиясини қуриб битказдилар.

Областининг ўп мингларча қўшинлари турли фронтларда гитлерчи босқинчиларга қарши курашда актив қатнашдилар. 1943 йил июль жанглири бошлангунга қадар Марказий фронт бирлашмаларининг ўзингагина Курск области шаҳарлари ва қишлоқлардан 50 мингдан зиёд киши юборилди. Улардан икки юздан кўп киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. Г. Мильников ва А. Борових эса бу номга икки марта сазовор бўлдилар. Курск области аҳолиси ўз ҳамюртлари — И. Коноров, Н. Вялик, В. Черников, Н. Баранов, С. Косиновлар билан фахрланидилар. Улар ўз қисмларининг рўйхатиغا абадий киритилганлар. Областининг 27 жангчиси «Шуҳрат» орденининг тўла кавалеридур. Асрлар ўтказиб келиб инқилобнинг порлоқ келажакли ҳақида курашда совет қўшинлари кўрсатган учмас касорат халқлар хотирасида абадий яшайди.

Курск остоаларидаги жангга қозонилган тарихий ғалаба — бу социалistik тузум бўлак ҳаётини кучининг яна бир гувоҳидири. Ватани озод қилиш учун олиб борилган курашда Курск диёрида мамлакатимизнинг минг-минглаб содиқ ўғил ва қизлари мардларча ҳалок бўлдилар. Курск диёри бу қаҳрамонлар хокини муқаддас библи авайлаб сақламоқда.

Фашизм устидан улғу ғалабани таъминлаган қаҳрамонларга — жангчилар ва меҳнаткашларга шон-шарафлар бўлсин!

Ўртоқлар! Гитлерчи босқинчилар оккупация даврида Курск шаҳри ва областига жуда катта зарар етказди, аҳолига эса кўп ташвиш, азоб-уқубат, жудоник келтирди. Область халқ хўжалигига етказилган зарарининг жами ҳажми жуда кўп миллиард сўмга тенг келади. Саноат корхоналарининг қарийб ҳаммаси йўқ қилинди, колхозлар ва совхозлар таланди, юзлаб қишлоқларга ўт қўйилди.

Шиддатли уруш олиб борилаётган энг қийин шароитларда, мамлакатнинг жуда катта территорияси ҳали босқинчилар асра-тида эканлигида партия Марказий Комитети, ҳукумат, бутун совет халқи астойдил меҳнатлари билан Совет Армияси фашистлардан озод этган областлар ва районларни энг қисқа муддат ичида қайта тиклаш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар. 1943 йилнинг май ойидаёқ СССР Халқ Комиссарлар Совети қарор қабул қилди, унда Курскнинг урушда вайрон этилган

саноат ва қишлоқ хўжалигини қайта тиклашга анча маблағ ажратилган назарда тутилди. Область меҳнатқашларининг фидокорона меҳнати, куч-ғайрати туфайли бутун совет халқи ёрдами билан, партия ва ҳукумат раҳбарлигида, область шаҳарлари ва қишлоқлари, колхозлари ва совхозлари вайроналар ва култепалар ичидан қад кўтарди. Снарядлар ва бомбалар уйдим-чуқур қилиб юборган Қурск ерлари урушдан кейин саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги техника билан қуролланган ўлкага айланди. Уша вақтда уруш вайрон этган хўжаликни қайта тиклаш учун қанчадан-қанча қийинчиликларни енгишга тўғри келганлигини ҳозирги вақтда кўнчилигимиз эсдан чиқариб қўяймиз, баъзилар эса ҳатто тасаввур ҳам этишолмайди.

Ота-боболари ва оналари жопажон дпёрини, туғилиб ўсган уйини, ўз жонажон социалистик Ватанини қанчалик қийинчилик билан ҳимоя қилганини ёшларга эслатиб қўйиш айниқса фойдалидир. Бизнинг ёшларимиз ўз Ватанининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий тараққиёт тарихини жиддий ўргангилари, социалистик хўжаликни, социалистик жамиятни қандай шароитда ва қандай катта қийинчиликлар билан, бизни қуршаб турган капиталистларнинг актив қаршилигини енгиб қуришга тўғри келганлигини яхши билишлари керак.

Ҳамма нарса қарийб йўқ қилинган, тугатилган, қуйдирилган Қурск области вайрон бўлган хўжалик Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бошчилигидаги халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан қисқа муддатда қайта тикланганлиги ва урушгача бўлган даража анча орқада қолдириб кетилганлигига мисол бўла олади.

Бизнинг социалистик эконоомкамиз муттасил юксак суръатлар билан ўсмоқда. Буни, жумладан, Қурск области хўжалигининг ривожланган яқунлари ҳам кўрсатиб турибди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми шу беш йилликнинг тўрт йили ичида 45 процент ошди.

Бу ерда, Қурск областида жуда катта табиий бойликлар тўпланган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Советининг Қурск магнит аномалиясини разведка қилиш ишларини кенгайтириш тўғрисидаги қарорини имзолади. Ҳозирги вақтда Михайловск темир-руда комбинати шу йилнинг ўзидаёқ РСФСРда қазиб чиқариладиган бутун товар темир рудасининг камидан 10 процентини бериши керак.

Қурск области тобора индустриал қиёфага кирмоқда, металлургия ҳам ашёси, химия, машинасозлик области бўлиб қолмоқда. Шунингдек, енгил саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш ҳам кенг ривожланди. Химия ва резина-техника саноатининг йирик корхоналари вужудга келтирилди. Лавсандек ажойиб тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тракторларга эҳтиёт қисмлар чиқарувчи

йирик завод қурилди. Катта подшипник заводи қурилмақда. Ҳисоблаш-аналитик машиналар заводи ишга туширилди. Бойинтиш фабрикалари бўлган тоғ-коп комбинати бунёд этилмақда. Шу комбинат базасида Желсапогорск шахри бунёд этилди.

Курск области Совет Иттифоқининг энг йирик сапоат районларида бирга айланмақда. Келажакда бу ерда, афтидан, мавиқуд темир руда хом ашёси базасида йирик металлургия вужудга келса керак.

Қишлоқ хўжалиги иштенсив ривожланмақда. Унда доп экинлари билан бир қаторда техника экинлари ҳам катта ўрни олмақда, боғдорчилик хўжалиги тўла-тўқис қайта тикланди. Областининг ҳамма колхозлари ва совхозлари электрлаштирилган.

Қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўнайитириш ва давлатга сотишда эришган ютуқлари учун область 1957 йилда Ленин ордени билан мукофотланди. Кўпгина қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг орденлари, медаллари билан мукофотландилар, уларнинг баъзилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олшига сазовор бўлдилар.

Ўтган йили Курск далаларида юксак таъла ҳосили етиштирилди: область бўйича ўрта ҳисобта ҳар гектардан 20 центнердан ортиқ оғирликтаги таъла ҳосил қилинди. Бу ҳосилнинг қўшма маъноси бўйича беш йилликнинг тўрт йили илаплари тўла бажарилди.

Ўтган йили Б. П. Левин қишлоқ хўжалик тармоқларида ишга тушиб В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги ҳамда Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги нишонланади. Саккизинчи беш йиллик илашининг бажарилиши ниҳоясига етказилди. Бизнинг эконоамиз тобора юксалиб бормоқда. Сапоат ишлаб чиқаришининг ривожланиш суръатлари ривожланган капиталистик мамлакатлар сапоатининг ўзини суръатларидан ўзиб кетмоқда. 1951 йилдан 1968 йилгача сапоат маҳсулоти ҳажми Совет Иттифоқида қарийб 6 баравар, ривожланган капиталистик мамлакатларда эса — 2,6 баравар, шу жумладан АҚШда — 2,4 баравар кўнайди. Электроэнергия, машинасозлик, химия сапоати ва баъзи бошқа тармоқлар япада жадал ривожланди.

Электроэнергетика энергия системаларига бирлашган энг йирик песиқлик ва гидравлика стапцияларига эга бўлган энг илгор замонавий индустрия тармоқларидан бирга айланди. Совет Иттифоқи дунёда юқори кучланишли электр энергиясини узоқ масофаларга узатиш проблемасини ҳал қилган биринчи мамлакатдир.

Қишлоқ хўжалиги техника жиҳатдан қайта қурулантирилмақда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 1951 йилдан 1968 йилгача икки баравардан зиёд кўнайди. Дон, гўшт, сўт, тухум етиштириш ўсди. Мамлакатни ўзимизда етиштирилган пахта билан таъминлашдан иборат энг катта халқ хўжалик проблемаси ҳал қилинди.

Экопомкамиз муваффақиятли ривожлаётганлиги туфайли халқнинг турмуш даражаси мутасил ошиб бормоқда, аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал, кўнга чидайдиған товарларга бўлган талаби тўлароқ қондирилмоқда.

1969 йилда аҳоли жон бошига реал даромад 1950 йилдагига нисбатан 2,8 баравар кўп бўлди. Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш аҳоли жон бошига 1,8 баравар, сабзавот ва полиз экинлари истеъмол қилиш — 1,6 баравар, балиқ истеъмол қилиш — 2,2 баравар, қанд истеъмол қилиш — 3,3 баравар кўпайди. Телевизорлар, радиопрёмниклар, холодильниклар турмушга синиб кетди.

Уй-жой масаласи ҳамон кескинлигича қолиб келмоқда. Бу масалани ҳал қилиш давлатдан жуда катта маблағлар сарфлашни талаб қилади. Тўққиз йил (1961 йилдан 1969 йилгача) мобайнида шаҳарларда ва шаҳар типидаги поселкаларда умумий фойдали саҳни 550 миллион квадрат метрга тенг бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, 1950 йил охирида мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида қанча уй-жой бўлса, шунча уй-жой қурилди. Бу, ўртоқлар, жуда катта бойлик. Бу бойликни эҳтиёт қилиш, уй-жой фондининг яхши сақланишига ва ундан фойдаланишни яхшилашга бўлган талабни ошириш зарур.

Юқорида айтилганидек, асосий вазифалари партия XXIII съезди томонидан белгилаб берилган саккизинчи беш йилликнинг бажарилиши бу йил ниҳоясига етказилади. Ҳозир беш йилликнинг баъзи якуналарини чиқариш мумкин. Биз беш йилликнинг асосий социал-иқтисодий вазифалари бажарилаётганлигини қониқиб билан қайд қила оламиз. Беш йил ичида миллий даромад 1970 йил планининг бажарилишини назарда тутганда тахминан 40 процент, саноат ишлаб чиқариши 47 процентдан кўп ошади. Бу эса КПСС XXIII съезди Директиваларига қарийб тўғри келади.

Беш йиллик плани муддатидан илгарি бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси яхши самаралар бермоқда. Саноат ва қурилиш ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, меҳнат ва товар обороти бўйича топшириқлар бажарилмоқда. Бу муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва авж олдириш керак. Шунда бу йилги план ошириб бажарилади, беш йиллик план эса муддатидан илгари 7 ноябрда бажарилади.

Лекин халқ хўжалигининг баъзи бўғинларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этсак олға томон ҳаракатимиз янада тезлашади.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1969 йил) Пленуми хўжалик қурпилишидаги ютуқлар ва қийинчиликларни бирмабир таҳлил қилиб, экономикани ривожлайтиришдаги, айниқса моддий ва меҳнат ресурсларида фойдаланишдаги камчиликларни очиб берди.

Ҳаммамиз ҳам экономикани халқ хўжалиги планларида назарда тутилганига нисбатан янада тезроқ ўстиришни истаймиз, албатта. Бу — кишиларнинг моддий ва маданий талабларини қондириш учун кўпроқ маҳсулотга эга бўлишдан иборат табиий ниятдир. Яхши ният — совет кишиларининг қонуний фазили. Лекин халқ хўжалиги фақат ниятлариникига эмас, шу билан бирга мавжуд ресурсларни ҳам ҳисобга олади. Бироқ давлат маблағлари кўпинча олиши керак бўлган қайтимни ололмайди. Хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, иш вақтидан нораціонал фойдаланиш, сифати паст маҳсулотлар чиқариш фактлари учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси ишимиздаги жиддий камчиликлар бўлиб, корхоналар коллективлари, жамоат ташкилотларининг куч-ғайрати уларни тугатишга қаратилмоғи керак. Мамлакат иқтисодий тараққиётини анча тезлатишга ва халқнинг турмуш даражасини оширишга фақат шу йўл билан эришиш мумкин. Шундай камчиликлар ҳам борки, уларни бартараф этиш хўжалик ва партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Бизнинг саноатимиз ва савдо-миз аҳолининг ўсиб бораётган талабларини ҳар доим ҳам ҳисобга олаётми, деб бўлмайди, улар мавсумий молларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишни таъминлай олмаётирлар, ассортиментни секинлик билан янгилamoқталади. Саноат корхоналарида қўрилган ишчи-хизматчиларнинг аҳолининг йўл-йўракларини қамқоқларини таъминлаш учун тезроқ қанча қурилиши керак.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида. Бу борича ҳамон асосий вазифани қўрилиш муддатларининг чуқурилиб кетишидан, аксарият сифати пастлигидан иборат. Бир вақтнинг ўзида кўплаб объект қурилишига ҳамон йўл қўйилмоқда. Бу ҳол маблағларнинг сочилиб кетишига, қурилишнинг план муддатлари бузилишига олиб келмоқда. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат қурилишни ташкил этиш масаласини махсус кўриб чиқди ҳамда қурилиш базасини мустаҳкамлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қурувчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди ва бошқа йирик тадбирлар белгилади.

Иқтисодий ислоҳот ҳозир қурилишга жорий этилмоқда. Унинг дастлабки натижалари қурилишдаги ишларни яхшилашнинг катта имкониятлари борлигидан дарак бермоқда. Шунингдек, қурилишни концентрациялаштириш, малакали кадрлар тайёрлашни яхшилаш, қурилишларда қўнимсизликни қисқартириш чоралари ҳам кўрилди.

Партия иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларини ҳал қилишда хўжаликни бошқаришни ташкил этиш катта роль ўйнайди. Иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигида мавжуд бўлган резервларни ҳаракатга келтиришга, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланишга, корхоналар коллективлари, ишчилари, хизматчилар ва инженер-техник ходимларни ишлаб чиқариш са-

марадорлигини оширишдан янада манфаатдор қилишга даъват этилган.

Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг мавжуд системаси кўп ҳолларда катталшиб кетган, хўжалик органлари ва уларнинг бошқарув бўғинларининг ташаббусини, мустақиллигини ривожлантиришга ва масъулиятини оширишга лозим даражада ёрдам беролмайди. Саноатнинг кўпгина тармоқларини бошқариш бешолти бўғинлик система асосида ташкил этилган. Бунинг оқибатида саноат корхоналарига раҳбарлик қилишда қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Ҳозирги вақтда саноатнинг айрим тармоқларини бошқаришнинг икки-уч бўғинли системасига ўтказиш имкониятлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Бу ҳол бошқаришни янада самарали қилади ва хўжаликни бошқариш аппаратини арзонлаштиришга ёрдам беради.

Ўртоқлар! Энди халқро ҳаётнинг айрим масалаларига тўхтаб ўтишга руҳлат бергайсизлар. Умуман олганда халқро вазият ҳозир социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги, прогрессив кучларнинг империализмга қарши, унинг агрессив сиёсатига қарши курашдаги активлиги ошиб бораётганлиги билан характерланади. Бу Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялар социализм кучларининг бирлиги ва жиҳслигини, бутун халқро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш учун сарфлаётган катта куч-ғайратнинг энг муҳим натижаларидир.

Айни вақтда биз дунёда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга мустаҳкам тинчлик шароитида ривожланишни гарантвиялаб берган ўзгартишлар юз берди, деб айтолмаймиз, Вьетнамдаги уруш ўчгани йўқ, Яқин Шарқда уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Агрессив НАТО блоки ўз ҳарбий қудратини кучайтирмоқда. Бу блок мамлакатларининг қўшинлари янги қурооллар, жумладан ядро қурооллари билан қуроолланмоқда. АҚШ ва унинг иттифоқчилари бошқа ҳарбий блокларни, социализм мамлакатларига қарши, дунёдаги революцион кучларга қарши бўлган империалистик давлатларнинг агрессия ва қўпоровчилик сиёсати қуроолларини мустаҳкамламоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ва унинг иттифоқчиларининг хавфсизлиги тўғрисида, ҳеч қандай агрессия Совет Иттифоқини шошириб қўймаслиги учун муудофаа қудратимизни мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш керак.

Ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Ҳзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIII сессияси социалистик мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан янада яқинлашувини учун катта аҳамиятга эга бўлди. Сессия қарорлари халқро меҳнат тақсимотини кенгайтиришга, иқтисодий кооперациянинг янги формаларини авж олдиришга қаратилган.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мам-

лакатлари тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча принциплари билан белгиланадиган ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келмоқдалар.

Импералистик кучларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида халқаро вазият кескинлашаётганлиги биз мавжуд проблемаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун капиталистик мамлакатлар билан битишувимиз лозим бўлган куч-гайратларимизни сусайтиришимиз керак, деган маънони аниқлатмайди, албатта. Тинчликни мустаҳкамлашга олиб борувчи ҳар қандай таклифни Совет Иттифоқи ҳар доим бажонидил қабул қилади ва қўллаб-қувватлайди. Лекин совет халқининг ва қардош социалистик халқларнинг социалистик ғалабаларига, ҳар қандай хуружга, агрессорнинг ҳар қандай хуружига қаттиқ зарба бериш аҳдимиъга ҳеч ким шубҳаланмай қўя-қолсин.

Совет-Америка муносабатлари тўғрисида бир неча оғиз сўз. Бу муносабатларнинг Совет Иттифоқи ва АҚШ халқлари учун, бутун халқаро вазият учун, бутун дунёда тинчлик иши учун аҳамияти ҳаммага маълум. АҚШ президенти Р. Никсон яқинда бу муносабатларни қониқарсиз деб характерлади.

Мунносабатларнинг йилдан-йилга кескинлашганига, тасоввирини, энди бошқача қарашни ҳисоб, бу баҳога қўшилмаслик мумкин эмас.

АҚШнинг Вьетнам халқига қарши агрессияси, Хинди-Хитойда ҳарбий конфликтларни келтиришда уринишлар Совет-Америка муносабатларига катта зарар етказмоқда. Вашингтоннинг Яқин Шарқдаги сиёсати ҳам бизнинг муносабатларимизга таъсир кўрсатмай қололмайди. АҚШ ҳукумати Исроил ҳукмрон доираларининг араб мамлакатларига нисбатан агрессив йўл тутишда давом этишини рағбатлантирмоқда.

Муносабатларни нормаллаштириш учун ташқаридан ҳар қандай аралашувсиз халқларнинг мустақил ривожланишидан иборат ажралмас ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида ҳозирги халқаро конфликтларни бартараф этиш муҳимдир.

Шу билан бирга, ҳал қилиниши аввало Совет Иттифоқи ва АҚШга боғлиқ бўлган масалалар юзасидан келишиш йўлларини ахтармаслик нотўғри бўлур эди. Бу айниқса қуролланиш пойгасини чеклаш, қуролсизланиш юзасидан у ёки бошқа чораларга тааллуқлидир. Шу масалалар юзасидан бир битимга келиш жаҳондаги вазиятни соғломлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Совет Иттифоқи, жумладан, стратегия қуроллари пойгасини тўхтатиш тўғрисида Венада АҚШ билан бошланган музокара-ларга катта аҳамият беради. Биз стратегик қуролланиш пойгасини тўхтатиш қурол-яроғларни чеклаш бўйича ҳар қандай чоралар сингари тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнаши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Биз Венадаги

музокаралар позитив натижаларга эришиши учун астойдил интиламиз.

Ишонамизки, АҚШ ҳукумати бу проблемага конструктив ёндошади, у ана шу соҳадаги ўзининг муайян сиёсатида Совет-Америка муносабатларини нормаллаштиришдан манфаатдор бўлмаган ва қуроллаштиш пойгасини янада авж олдирмоқчи бўлган доираларнинг фикри устун чиқишига йўл қўймайди.

Куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисида Москвада бўлиб ўтган Совет-Ғарбий Германия фикр алмашувига Совет Иттифоқининг Европа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган актив куч-гайрати нуқтаи-назаридан баҳо бермоқ керак. Бу ўринда гап Совет Иттифоқи ва ГФР ўртасида битим тузиш имкониятларини аниқлашга уриниш ҳақида бормоқда. Фикр алмашув ҳали давом эттирилади. Шунинг учун қандайдир конкрет натижалар ҳақида гапиришга вақт ҳали эрта.

Германия Федератив Республикасида социалистик давлатлар билан муносабатларни Европадаги ҳақиқий аҳволга қараб қуриш лозимлигини тушунувчи кишилар билан бир қаторда иккинчи жаҳон уруши якуларини қайта кўриб чиқишни даъво қилаётган, социалистик давлатлар билан ҳамкорлик қилишга қарши чиқаётган доиралар ҳам актив ҳаракат қилмоқда.

Совет Иттифоқи, табиийки, Европадаги кескинликни юмшатишга ҳаракат қилаётган давлатлар қаторига ГФРнинг ҳам қўшилишини истайди. Федератив Республика халқининг келажаги, Европадаги бошқа халқлар сингари, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш билан яқиндан боғлангандир.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида яхши муносабатлар таркиб топмоқда. Бу муносабатлар Европада хавфсизликни таъминлаш, шунингдек баъзи муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилишдан икки мамлакат манфаатдор бўлган масалаларни ҳал қилиш йўлларини қидириб топшнинг муҳим фактори бўлиб қолди. Совет ва француз халқлари ўртасидаги иқтисодий, илмий-техника ҳамкорлиги ва бошқа алоқаларни янада кенгайтириш бу халқларнинг манфаатларига жавоб беради.

Сиёсий муносабатларни эътиборга олмаганда, Англия билан савдо-иқтисодий, илмий-техника ва бошқа алоқалар дуруст ривожланаяпти. Совет Иттифоқи энг муҳим халқаро проблемаларни, биринчи навбатда Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш проблемасини ҳал қилиш борасида биргалликда куч-гайрат сарфлаш икки халқ манфаатларига жавоб берган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган. Бу алоқалар иқтисодий ва техникавий вазифаларни ҳал қилишда, шунингдек, аҳолининг турли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда фойдалидир. Биз капиталистик мамлакатлар билан савдоиш коммерция асосида олиб бормоқдамиз.

Тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатишга эришиш, агрессияларга зарба бериш билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар инсониятнинг аксарият кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқаро майдонда Ватанчимизнинг манфаатлари тўғрисида бундан буён ҳам тинмай гамхўрлик қилаверади, ленинча ташқи сиёсатни, халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни давом эттираверади.

«Коммунистик партия,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг КПСС XXIII съездида ҳисобот докладыда,— бундан буён ҳам ўзининг бутун кучини халқларнинг бахт-саодати ва Ватанчимизнинг гуллаб-яшнаши учун, коммунизм учун кураш ишига сарфлайди ва ўзининг амалий ишлари билан совет халқининг катта ишончини оқлайди».

Совет халқининг яқдиллиги, унинг Коммунистик партия теварагига маҳкам жиқслашганлиги коммунизм йўлидан муваффақиятли боришимизнинг гаровидир.

Азиз ўртоқлар, сизларни мубоҳаб мукофот билан яна бир бор қизил табриклашга, социалистик Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ!

*В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган
тантанали мажлисда Кремль Свездлар саройида
1970 йил 22 апрелда
сўзланган нутқ*

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!
Доҳий, мутафаккир ва улуғ революционер, барча мамлакатлар
ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг йўлбошчиси Владимир
Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тан-
танали мажлисимиз ўз ишини тамомламоқда.

В. И. Ленин 100 йиллик юбилейининг байрам қилиниши
Ленин иши тантанасининг, унинг ғоялари, унинг васиятлари бе-
нихоя ҳаётий кучга эга эканлигининг улуғвор намоёнлигига айла-
ниб кетди.

Коммунистик партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, совет
кишиларининг ўз устози ва йўлбошчисига чексиз меҳр-муҳабати,
Ленин ғоялари ва ишига садоқати умумхалқ шодиёнаси вазияти-
да улуғ байрам кунларида алоҳида куч билан намоён бўлди.

Планетамиз ҳамма қитъаларидаги меҳнат аҳли, қайси мил-
латга ва irqқа мансуб эканлигидан қатъи назар, ўзларининг пор-
лоқ келажак йўлидаги курашларида Ленин фикрларига ва ишла-
рига мурожаат қилмоқдалар. Бу эса, Ленин ғояларининг жаҳон
ижтимоий тараққиётининг боришига жуда катта таъсир ўтказа-
ётганлигидан дарак берувчи ёрқин далиллардан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев
докладда Ленин таълимотининг ана шу буюк ўзгартувчилик
кучининг манбалари таърифлаб берилди, совет халқи, халқаро
коммунистик ва ишчилар ҳаракати Ленин байроғи остида жаҳон-
шумул тарихий ғалабаларга эришганлигига баҳо берилди, социа-
лизм, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашнинг
ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифалари таъкидлаб ўтилди.

Биз шу залда мамлакатимиз меҳнаткашлари — қаҳрамон иш-
чилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, Ватанимиз
Қуролли Кучларининг вакиллари, Ленин гвардиясининг ветеран-
лари ва коммунизм ёш бинокорлари вакилларининг нутқларини
зўр эътибор билан тингладик. Бу нутқлар совет кишилари турли
авлодларининг ленинизмга садоқати тўғрисидаги таъсирли қа-
самёди бўлди. Улар Советлар мамлакатининг жаҳоншумул тари-
хий ғалабалари тўғрисида, Ленин васиятларининг бажарилаётган-

масининг вужудга келганлиги, мустамлакачилик емирилиб, мазлум миллатлар озодликка чиққанлиги Ленин номи билан, унинг ўлмас таълимоти билан боғлангандир.

Ленин — инсониятнинг жабр-зулмдан озод бўлиш байроғидир, янги дунё қуриш байроғидир, меҳнаткашлар интернационал қардошлиги байроғидир.

Ленин, ленинизм ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жамиятнинг чинакам тараққиётига йўл очиб берди. Лениннинг музаффар таълимоти ижтимоий тараққиёт учун, коммунистик идеаллар учун курашувчи янги инсонни вояга етказувчи улуғ кучдир. В. И. Ленин меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини ўртага қўйганида ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берган эди. Совет ёшларининг авангарди бўлган Ленин комсомолининг вужудга келиши Ленин номи билан бевосита боғлангандир. «...Маълум маънода олганда коммунистик жамият яратишда чинакам вазифа худди шу ёшлар устига тушади...»¹,— деган эди у.

Ленинизм — ривожланиб боровчи, абадий барҳаёт, ижодий таълимотдир. Бу таълимот бизни ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб ҳодисалари ва жараёнларини билишнинг илмий методологияси билан қуроллантиради. Ленин таълимоти келажакни кўзлаб, доимо олга чорлаб, халқларни тарихий истиқбол билан қуроллантирадики, бунда ҳам Ленин таълимотининг ҳаётбахш кучи намойён бўлади. Бутун ҳаётимиз, ҳозирги кунимиз ва келажакимиз Ленин ғояларининг нури билан чарогон бўлиб турибди. Шу боисдан ҳам Ленин сиймоси ва унинг ғоялари барҳаётдир. Улар асрлар бўйи яшайверади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати, Совет халқи улуғ Ленин васиятларини муносиб равишда бажо келтирмақ учун ҳамма ишни қиладилар. Ленин руҳида ҳаракат қилиш — улуғ шарафгина бўлиб қолмай, улуғ бурч ҳамдир, бутун сиёсий практикада Ленин васиятларига амал қилиш, Ленин ишлаб чиққан принципларга муносиб равишда ҳаракат қилиш бурчи ҳамдир.

Ленин руҳида ҳаракат қилиш — ҳаёт ўртага қўйган вазифаларни ижодий ҳал қилиш демакдир, коммунизм қуриш учун курашдаги куч-ғайратларини кўпайтириш, социалистик система афзалликларидан, фан-техника революцияси ютуқларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш учун, халқнинг турмуш даражасини муттасил кўтариш учун, янги инсонни тарбиялаб вояга етказиш учун максимал равишда фойдаланиш демакдир.

Ленин руҳида ҳаракат қилиш — жаҳон империализмга қарши курашда ҳозирги замоннинг ҳамма революцион ва озодлик кучлари бирлиги ва жишчилигини, аввало, жаҳон революцион жа-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 31-том. 290-бет.

раёнининг бош отряди бўлган социалистик мамлакатлар жинслигини мустаҳкамлаш демақдир.

Ленин руҳида ҳаракат қилиш — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини марксизм-ленинизм негизида тинимсиз мустаҳкамлаш ҳамда партиялар ва халқлар ўртасида интернационализм туйғусини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш демақдир.

Ленин руҳида ҳаракат қилиш — тинчлик учун қатъият ва изчиллик билан курашиш демақдир, тинчлик посбонлигида сергак туриш, империалистик агрессияга қарши халқларга ёрдам бериш, халқларнинг социал тараққиёти ва миллий мустақиллиги ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш демақдир.

Улуғ ғоялар улуғ куч-ғайратни юзага келтиради. Марксизм-ленинизм бизни жамиятни қайта қуриш улуғ ғоялари, коммунизм идеаллари билан қуроллантирди, кенг халқ оммасининг улуғ ғайрат-шижоати ва ижодкорлигини уйғотди.

Яшасин марксизм-ленинизм!

Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар бўйи яшай-версин!

**СССР БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҰРТАСИДА ДҮСТЛИК,
ҲАМКОРЛИК ВА ҰЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМАНИНГ ИМЗОЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
СССР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА
ЧКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЧССР ПРЕЗИДЕНТИ
ВА ЧССР ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН УТКАЗИЛГАН
ҚАБУЛ МАРОСИМИДА ПРАГАДА
1970 ЙИЛ 6 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадрли ўртоқ Гусак! Қадрли ўртоқ Свобода!

Қадрли ўртоқ Штроугал!

Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги Шартнома имзоланган бағишланган бугунги тантанали қабул маросимида шунингдек, мана шу муносабат билан ҳозиргина бўлиб ўтган митингда қатнашиб, чуқур ҳаяжонга тушмаслик мумкин эмас. Бу бизлар шу ерда, Чехословакияда ўтган урушда қуролдош сарфдошлар, социализм ва коммунизм қуриш учун, Европада мустақкам тинчликни таъминлаш учун курашда сафдошлар бўлган чехословак ва совет халқларининг биродарлик муҳитини хис этаётганлигимиз билан боғлиқдир. Чехословакиянинг мустақил давлат бўлиб яшаш учун, Совет Иттифоқининг озодлиги ва мустақиллиги учун оғир кураш даврида чехословак халқлари билан совет кишилари қийинчиликлар ва маҳрумликларга биргаликда чидаш бердилар. Совет кишилари чехлар ва словаклар билан оғанин бўлиб, гитлерчи Германия устидан қозонилган ғалабани, миллион-миллион руслар, украинлар, белоруслар, чехлар, словаклар, грузинлар, қозоқлар ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг ҳаёти эвазига эришилган ғалабани биргаликда нишонладилар. Халқлар бу ғалабага Европада уруш касофатларининг қайтарилмаглигига, ўн ёки йигирма йилга эмас, балки кўпдан-кўп авлодлар учун тинчликни мустақкамлашга қатъий аҳд қилган ҳолда эришдилар.

Бу фикр бизнинг янги шартномамизда ўз ифодасини топди. Унда мамлакатларимиз биргаликда босиб ўтган йўлга яқун ясалди ҳамда ҳозирги, янада юксак ҳамкорлик босқичига мос бўлган вазифалар белгиланди. Янги шартнома ўтган уруш давомида 1943 йилда тузилган шартноманинг манتيқий давоми ва ривожланишидир. Уша вақтда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бўлажак муносабатларга замин қўйила бошлаган эди. Биз уша вақтда янги ишнн биргаликда бошлаб юбордик ва ана шу ҳамкорликнинг йўлида кўнгина қийинчиликлар ҳам учради. Эндликда халқларимиз-

ниг умумий тузум битта — социализм ва биз янги жамият қурилишидаги асосий мақсадлар ва вазифаларнинг муштарақлиги билан бирлашганмиз. Шу мақсадга эришишда янги шартнома, ҳеч шубҳасиз, жуда катта ижобий роль ўйнайди. В. И. Ленин кўрсатган эдики, «Социалистик ҳаракат инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда ҳар қандай миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта ўлароқ, ҳозирги миллий ғовлар йўқотилган бир шароитда интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилажак»¹.

Менинча, янги шартнома ана шу ленинча ғояни яхши ифода қилади. Мазкур шартнома ўзининг асосий қоидаларига кўра, мамлакатимиз халқларининггина эмас, шу билан бирга бутун социалистик ҳамдўстликнинг туб манфаатларига ҳам хизмат қилишга даъват этилган. Шартномада, пролетар интернационализи, социалистик ҳамдўстлик принципларига садоқат бугун Прага Кремлида бўлган митингга Г. Гусак ва Л. И. Брежнев ўртоқларнинг нутқларида ёрқин ифодалаб берилди. Биз интернационалист-ленинчилармиз. Бу эса бизнинг элимизга кўч вазифалар юклайди. Пролетар интернационализи бундан буён ҳам бизнинг асосий вазифамиз бўлади.

Шунчаки муҳим ҳуқуқий акт эмас. Бизнинг шартномамиз — бу Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг, Коммунистик Германиянинг, коммунистик Франциянинг, коммунистик Италиянинг борлиши — коммунистик жамият қуриш, бунда бир-биримизга бутун чоралар билан ёрдам бериш, социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва социализм ишиси агрессив империалистик кучлар томонидан бўладиган хуружлардан биргаликда ҳимоя қилишдан иборат хоҳиш-иродасининг ифодасидир.

Биз ҳамдўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлидан бориб, мамлакатларимизнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаймиз ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш учун шарт-шароит яратамиз. Прагада метрополитен қуришда СССРнинг техника ёрдамини кенгайтириш тўғрисида, ЧССРда умумий қуввати 1 миллион 700 минг киловатт бўлган икки атом электростанциясини барпо этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида ва уй-жой комбинатларининг маҳсулот етказиб бериши тўғрисида яқинда Прагада имзоланган совет-чехославак битими ҳам ҳамкорлигимиз муваффақиятли ривожланаётганлигининг янги конкрет ифодасидир.

Бизнинг шартномамиз — бу тинчлик шартномаси. Совет ва чехословак халқлари тинчликни сақлаш ва Европада хавфсизликни мустаҳкамлашдан жуда манфаатдордирлар. Бинобарин, Европа

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 21-том, 26-бет.

хавфсизлигини таъминлаш ишига янги шартномада алоҳида ўрин берилганлиги ўз-ўзидан аён. Биз шунга ишончимиз комилки, шартномада икки томоннинг Европа иқлимини яхшилаш ва Европада самарали хавфсизлик системасини вужудга келтириш борасидаги қатъиятнини мустаҳкам тинчликдан манфаатдор бўлган барча халқлар яхши тушунадилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия — тинчликсевар мамлакатлардир. Бизнинг мудофаа қудратимиз энг инсонпарвар мақсадларга — совет ва чехословак халқларининг, бошқа социалистик мамлакатлар қардош халқларининг тинч меҳнатини таъминлашга қаратилгандир. Лекин халқаро вазият, империализмнинг агрессивлиги кучаяётганлиги ва бу ҳол Америка ҳарбийларининг Комбоджага бостириб кирганлиги натижасида Жануби-Шарқий Осиёдаги вазият жиддий равишда кескинлашаётганлигида яққол кўринаётганлиги Совет Иттифоқи ҳамда Варшава шартномасидаги бошқа мамлакатларни империалистик агрессияга зарба бериш ва бу агрессияни тўхтатиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга мажбур этмоқда.

Ўртоқлар! Биз шартномамизни Совет Иттифоқи халқлари, бошқа мамлакатлар халқлари герман фашизми устидан қозонилган Ғалаба кунининг йигирма беш йиллигини нишонлайдиган муҳим сана арафасида имзоладик. Чехословакия Социалистик Республикаси шу кунларда гитлерчи босқинчилардан озод бўлганлигининг йигирма беш йиллигини нишонлабгина қолаётгани йўқ, у социалистик йўлга олиб чиққан ана шу даврдаги ўз тараққиётига яқун ҳам ясамоқда.

Социалистик Чехословакия эришган муваффақиятлар — бу унинг ишчилари, деҳқонлари, зпелилари меҳнатининг натижасидир. Бу муваффақиятлар халқдан катта куч-гайрат сарфлашни талаб қилди. Биз учун эришган натижаларни авайлаб асраш ва уни кўпайтириш, уни бизга халақит бермоқчи бўлган кучлардан ҳимоя қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилиш муҳимдир.

Чехословакия халқлари шунга комил ишонч бўлишлари керакки, улар учун совет халқлари ҳам яратувчилик меҳнатида, ҳам хавфли дақиқаларда содиқ иттифоқчи ва дўстдирлар.

Қардош Чехословакия халқи учун, унинг социалистик қуриллишдаги муваффақиятлари учун қадаҳ кўтаришга рухсат этгайсиз!

Унинг жанговар авангарди — Чехословакия Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети учун!

Абадий ва бузилмас Совет-Чехословак дўстлиги учун!
Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун!

**СССР БИЛАН РУМИНИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК,
ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗARO ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ
ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ ВАҚТИДА БУХАРЕСТДА
1970 ЙИЛ 7 ИЮЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ўртоқлар! Социалистик мамлакатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалар ҳужжатларини имзолаш ҳар доим улар ўртасидаги муносабатларда байрамга айланиб кетади. Биз ана шу байрам, таитанали вазиятда Совет-Румин муносабатлари йилномасида алоқиб ўрин оладиган Совет-Румин шартномасининг тузилишини тарихий воқеа сифатида тинчланимиз.

Совет-Румин муносабатлари ва ҳукуматлари бу шартномада уларнинг дўстлик муносабатларини ва ҳар томонлама ҳамкорликларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу шартномада империализмнинг интернационал бирдамлигини мустаҳкамлашга, ўз куч тайратларини халқаро тинчлик ва халқлар хавфсизлигини империализмнинг агрессив кучлари хуружидан ва реакциядан ҳимоя қилиш учун бирлаштиришга интилишларини билдирмоқдалар.

Янги шартнома 1948 йил шартномаси ўрнига келди. Совет-Румин муносабатлари йигирма йил давомида ўша шартнома асосига қурилиб ва ривожланиб келди. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, социалистик давлатларнинг қардошларча ҳамкорлиги, уларнинг муштарак мақсадлар учун курашда ўз кучларини бирлаштиришлари янги жамиятни муваффақият билан қуриш ва меҳнаткашларнинг социалистик галабаларини ҳимоя қилиш учун жуда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан янги шартнома муҳим программ аҳамиятга эга. У социалистик давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун ишончли сиёсий ва ҳуқуқий база бўлиб қолади. Биз Совет-Румин муносабатларини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг бузилмас негизда ривожлантиришни Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасидаги дўстлик ўсиб ва мустаҳкамланиб боришининг гарови деб биламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати, бутун халқимиз дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги Совет-Румин Шартномасини социалистик

мамлакатлар ўртасидаги бошқа икки томонлама шартномалар ва Варшава Шартномаси билан бир қаторда социалистик мамлакатларнинг Европада хавфсизликни мустақамлаш учун умумий қурашишнинг таъсирчан дастури, халқаро типчиликни сақлаш фактори деб билдирлар. Импералистлар ва уларнинг малайлари Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ халқларига қарши агрессияни давом эттираётган, халқаро хавфсизликка путур етказётган, халқларнинг тинч меҳнатига таҳдид солаётган ҳозирги вазиятда бу айниқса муҳимдир.

Совет Иттифоқи ва Руминия янги шартномада Европадаги ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ўзларининг ижтимоий тузумларидан қатъи назар кенгайтиришга ёрдам беришга интилаётганликларини билдирдилар. Лекин биз кенг халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлиб чиқар эканмиз, уруш ва тинчлик масалаларида у ёки бошқа мамлакат қандай йўл тутаётганлигига бефарқ қараб туролмаймиз. Биз турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари негизда ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқаётган ҳар бир мамлакатга ўз қўлимизни чўзамиз. Лекин биз бошқа мамлакатлар билан диктаторлик тилида гапиришга уринаётганларга, давлатларнинг мустақиллиги ва территориал яхлитлигига, халқларнинг озодлиги ва прогрессив ғалабаларига кўз олайтирмақчи бўлганларга қарши кескин зарба бериб келдик ва зарба бераверамиз. Биз бундан бошқача йўл тутолмаймиз. Биз ўз синфий позицияларимиздан, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, социалистик зиёлиларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш позицияларидан бир қадам ҳам чекка олмаслигимиз жиҳатидан ҳам бундан бошқа йўл тута олмаймиз.

Дунёда шундай кучлар борки, улар Совет Иттифоқи, Руминия, бошқа социалистик мамлакатлар социалистик тузумда яшаётганликларини, коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлигида социализм ва коммунизм қураётганликларини ёқтирмайдилар. Албатта, бундай кучларга ёқадими ёки ёқмайдими, барп бир, социалистик мамлакатлар янги жамият қуриш ишида оғишмай давом этаверадилар, дадил ишонч билан олга бораверадилар. Импералистик кучлар бизнинг ҳаракатимизни тўхтатиб қўйишга уринаётганликларини ва бундан буён ҳам уринаверишларини биз биламиз. Бунинг учун имперализм авж олдириб юборган қуролланиш пойғасидан ҳам, агрессия сиёсатидан ҳам, социалистик мамлакатларга қарши, айниқса уларнинг жиҳслиги ва бирлигига қарши қўйирувчиликдан иборат маккор методлардан ҳам фойдаланилмоқда. Душманларимиз социалистик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда заррача бўлса ҳам бўш жойни сезиб қолгудек бўлсалар, дарров уни кенгайтиришга уринадилар. Бизнинг вазифамиз — уларга бундай қилиш учун заррача ҳам имко-

ният бермасликдан, социалистик ҳамдўстлигимизни мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилишдан иборат.

Ўзаро ишонч, ҳурмат, қардошларча ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари халқро муносабатларининг муштарак нормаси бўлиб қолишига ишончимиз компл. Бу муқаррар, чунки алоҳида равишда ҳар бир халқнинг манфаатларига ҳам, шунингдек барча халқларнинг манфаатларига ҳам жавоб берувчи адолатли, инсоний принциплардан бошқа принциплар йўқ. Бунга социалистик мамлакатлар йўл очмоқдалар.

Совет кишилари Руминия Социалистик Республикаси халқлари билан дўстликни юксак қадрлайдилар. Бизнинг шартномамиз икки мамлакатнинг бу дўстликни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ҳамда Совет Иттифоқи ва социалистик Руминия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, муҳофаа, илмий-техника ва маданий ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантиришга қатъий аҳд қилганликларини ифодалашидан жуда хурсандмиз.

Сизларни Совет-Румин шартномаси имзоланиши билан чин юракдан табриклашга ҳамда бу шартнома муштарак ишимизга — социализм ва коммунизм ишига яхши хизмат қилади деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Совет-Румин шартномаси имзоланиши билан чин юракдан табриклашга ҳамда бу шартнома муштарак ишимизга — социализм ва коммунизм ишига яхши хизмат қилади деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Маркс, Энгельс, Ленин революцион баёроги остида яши ҳаёт кураётган халқларнинг интернационал қардошлиги мустаҳкамланаверади.

**ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ ВИЛЛИ БРАНДТ ШАРАФИГА
БЕРИЛГАН ЗИЁФАТ ЧОГИДА КРЕМЛДА
1970 ЙИЛ 12 АВГУСТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли Федераль канцлер жапоблари! Хурматли ташқи ишлар министри жаноблари!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ўртасида шартнома тузиши муносабати билан Москвага келган Федераль канцлер Вилли Брандт жанобларини, ташқи ишлар министри Вальтер Шеель жанобларини, шунингдек уларни кузатиб келган шахсларни Совет ҳукумати номидан табриклайман.

Бугунги кун икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда эсда қоладиган кун бўлиб қолади. Мамлакатларимиз ўртасида амалий мақсадга эришиш учун тинч ҳамкорликни йўлга қўйиш сари боришга асос бўладиган воқеалар ўтмишда кўп рўй бермаган эди. Гарчи ҳар икки мамлакат халқларининг, Европа халқларининг тарихий сабоқлари ва ҳаёти, манфаатлари шу йўлдаги тўсиқларни бартараф этишни талаб қилган бўлса ҳам, ўтмишда бундай воқеалар кўп рўй берган эмас. Узоқ йиллар давомида халқаро сиёсий ҳаётда муҳим проблемаларни ҳал қилишда Совет Иттифоқи ва ГФР кўпинча бир-бирга қарама-қарши нуқталарда турганлар.

Ҳозирги имзоланган шартнома — бу узоқ давом этган, баъзан жуда мураккаб бўлган музокаралар натижасидир. Лекин икки томон битишув йўлида турган қийинчиликлардан чекинмаганларидан қониқиш изҳор қилиш мумкин, чунки улар ўз меҳнатларидан кутган мақсад сарфланган куч-ғайратларга муносибдир.

Биз Совет Иттифоқи ва Федератив Республика ўртасидаги муносабатларда бурилиш ясашимиз керак. Ўтган йиллар тажрибасининг ўзпёқ тинчликда ўтган ҳар бир кун ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик туфайли кўпайиб бораётган кунлар келтираётган шарофатлардан тўла-тўқис фойдаланиш ва уларга юксак баҳо беришга ўргатиши керак. Шартнома имзолангандан кейин СССР ва ГФР ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш борасида амалий қадамлар қўйилади деб ишонамиз. Совет Иттифоқи бунга тайёр ва бунда у тинч-тотув яшаш принциплари турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида бўл-

ганидек, СССР ва ГФР ўртасидаги муносабатлар учун ҳам ягона оқилона ва истиқболли негиз бўлади, деган фикрга асосланади.

Ҳукуматларимизнинг ҳар бири ўз зиммасига ўз халқлари ва умуман Европа халқлари олдида юксак мажбуриятлар ва катта масъулият олдилар. Бу шартномага садоқат, уни изчилик билан амалга ошириш, ҳеч шубҳасиз, Европа қитъасида стабиллик ва осойишталикни сақлашнинг муҳим элементлари бўлади. Шу маънода СССР ва ГФР ҳукуматлари амалга ошираётган ишлар беҳуда уриниш эмас. Бу ҳаракатлар Европада вазиятни соғломлаштириш ва хавфсизликнинг ишончли негизини вужудга келтириш учун Европа давлатлари сарфлаётган бошқа куч-гайратлар билан бир қаторда туради.

Шунинг айтиш керакки, буларнинг ҳаммасини Европа сиёсий ва ижтимоий доиралари жуда яхши тушунадилар. Бизнинг музокараларимизга жуда катта эътибор бераётган ва Европадан ташқарида бўлган доиралар ҳам бундан мустасно эмас. Бу муносабатлардан норозилик овозлари ҳам бор, албатта. Лекин бу овозлар сиёсий реализм туйғусидан ва Европа халқларининг тинч келажакга тўғрисида гамхўрлик қилиш туйғусидан бебаҳра бўлганларнинг овозидир. Халқаро кескинликни юмшатиш, тинчлик тарафлари бўлган кини бизнинг бу ҳаракатларимиз эди муҳим қарор эканлигини тан олмай қолмади. Совет Иттифоқи ва ГФР ўртасида шартнома тузишдан иборат бўлган ва Европа хавфсизлигини ҳал қилиш масаласига хизмат қиладиган бирон бир таклифни кимдир киритган ҳолларни билмаймиз.

Охирида шунинг айтмоқчиманки, Европадаги воқеликнинг бутун ривожланиши давомида, халқаро муносабатларнинг табиий бориши давомида тайёрланмаганида мазкур шартномани имзолаш имкони бўлмас эди. Шартнома ҳаёт тақозоси, у тинчликнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги шартнома учун қадаҳ кўтаришга руҳсат этгайсиз! Бу шартнома СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни икки мамлакат халқларининг манфаатлари, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида яхшилашга ва ҳар томонлама ривожлантиришга яхши хизмат қилиши учун!

ҚОҶИРА РАДИОСИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ 1970 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Бирлашган Араб Республикасининг ҳурматли граждaнлари! Араб халқининг ажойиб ва қадрли ўғли Жaмoл Абдул Нoсир билaн видoлaшaётгaн шу қайғули кунлардa биз бу ердa, сизнинг мaм-лaкaтингиздa бўлиб, жудoлик aлaмини сизлар билaн биргa тoрт-мoқдaмиз. Ўзининг бутун вужудини халқнинг миллий oзoд бўлиши ишигa, унинг дунёдa тенг ҳуқуқ мaвқeидa бўлиш учун, дaв-лaтингизнинг мустaqиллигини мустaqмaлaш, гуллаб-яшнaши вa тaрaққиётини тaъминлaш учун кураш ишигa бaғишлaгaн киши oрaмиздaн кeтди. Жaмoл Абдул Нoсир кишилар хотирасидa ўз халқининг миллий қaдр-қиммaти вa шaрaфи учун тoлмaс курашчи сифaтидa aбaдиий сaқлaниб қoлaди. У бу ишгa ўзининг бутун куч вa ғaйрaти, aқл-идрoки вa дaвлaт aрбoбигa хoс ҳар тoмoнлaмa қoбилиятини бaғишлaдн.

Жaмoл Абдул Нoсир билaн биргaликдa Бирлaшгaн Араб Рeспубликaси халқининг мaрдoнaвoр кураши ҳaм импeриaлизмгa қaрши, Исроил aгрeссиясигa қaрши мaрдoнaвoр кураш тарихидa қoлaдн. Жaмoл Абдул Нoсир бу курашдa араб дaвлaтларининг халқларини жипслaштириш учун, уларнинг бирлигини мустaqкaмлaш учун ҳaммa ишларни қилди. Сиз унгa миллий рaҳнoмa сифaтидa ишoнч билдирдингиз, ўз oрзу-умидингизни унинг нoми билaн бoғлaдингиз. У ҳaм халқнинг қудрaтли вa битмaс-тугaнмaс кучигa, унинг ижoдий қoбилиятигa ишoнaрди. Зoтaн, дунёдaги жaмикн буюк вa гўзaл нaрсaларнинг ҳaммaси, вeчa-нeчa aсрлар дaвoмидa бунёд этилгaн нaрсaлар — буларнинг ҳaммaси ишчи вa дeҳқoн, инжeнeр вa oлим — бaрчa мeҳнaт aҳллари қўли вa aқл-зaкoвaтининг кучидир.

Совет халқи Жaмoл Абдул Нoсир сиймосидa сoдиқ вa кaттa дўстдaн жудo бўлди. Совет Иттифoқи халқлари унинг халқларини ўртaсидa дўстлик ўрнaтиш вa уни мустaqкaмлaшгa қўшгaн ажойиб шaхсий ҳиссaсини юксaк қaдрлaйдилар вa ҳeч қaчoн эсдaн чиқaрмaйдилар. «Биз,— дeгaн эди Президент Нoсир,— халқлар вa дaвлaтлар ўртaсидaги яхши мунoсaбaтларнинг юксaк нaмунaси, бундaй изчил дўстлик воқeалар вa тарихнинг ривoжлaнишигa

қанчалық таъсир кўрсата олишига яхши мисол бўлиб хизмат қилувчи шу дўстликни юксак қадрлаймиз».

Президент Носирнинг хизматларига муносиб баҳо бериб, унга бўлган чуқур ҳурмат юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи бизни Бирлашган Араб Республикасига юбордилар. Совет партия-ҳукумат делегациясига мамлакатингиз раҳбарлари ва халқларини Совет Иттифоқи БАР билан ҳар томонлама муносабатларини ривожлантириш, араб халқларининг адолатли антиимпериалистик курашдаги манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мустақиллигини, иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан давом эттириверади деб ишонтириш топширилди.

Совет халқи арабларнинг дўсти сифатида Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик тарафдори, барча халқлар тинчлик ва хавфсизлик шароитида мустақил яшашдан иборат бузилмас ҳуқуқлардан фойдаланишлари тарафдоридир. Бизнинг тинчликка иштилийшимиз бундан буён ҳам ўз халқларининг прогрессив ғалабаларини ҳимоя қилаётган Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан кўшиб олиб

қадран дўстлар! Бу жудалиқ қайчалық оғир бўлшидан қатъи назар, сизларнинг сафларингизни бўшаштира олмаслиги-га, ганимларингиз умид қилган даражада тушқунликка тушибас-ликларингизга ишончимиз комил!

Марҳум Президент Носирга сўнгги ҳурмат бажо келтирар эканмиз, у билан видолашар эканмиз, биз сизлар биланмиз, дей-миз. Партиямизнинг, халқимизнинг иродаси ана шундай. Бир-лашган Араб Республикаси энг яхши келажак йўлида ҳамма имтиҳонлардан шараф билан ўтишига ишончимиз комил. Сизлар-нинг шу йўлда эришган ютуқларингиз Жамол Абдул Носирга қў-йилган энг яхши ҳайкал бўлади.

**СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ
ДЕЛЕГАЦИЯСИНING БОШЛИҒИ БОШ МИНИСТР,
МУДОФАА МИНИСТРИ, АРАБ СОЦИАЛИСТИК УЙҒОНИШ
ПАРТИЯСИ МУВАҚҚАТ РЕГИОНАЛЬ РАҲБАРЛИГИНИНГ
АЪЗОСИ ҲАФИЗ АСАД ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН
НОНУШТА ЗИЁФАТДА МОСКВАДА
1971 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ҳурматли Бош министр! Шу қабулнинг хурсандчилиги, табригининг самимийлиги ва, энг муҳими, Сурия партия ҳукумат делегацияси билан олиб борилган музокараларнинг дўстона, ўртоқлик характери — буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлигидан хабар берувчи янги далилдир. Биз шунини тўла асос билан айта оламизки, Сурия партия-ҳукумат делегациясининг мана шу визити мамлакатларимиз дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бунда биз шунга асосланамизки, Совет — Сурия ҳамкорлиги ҳар бир соҳада — сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳар қандай соҳада доимо тўла тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ишонч ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида қурилмоқда. Бу принципларга риоя қилиш ўзаро ишончли доимо мустаҳкамлаб боришни таъминлайди, Сурия ва Совет халқларининг ўзаро манфаатларини гарантиялайди, айни вақтда бизга улуғ ишлар учун курашда: араб мамлакатларининг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш, агрессияга қарши, тинчлик ва озодлик учун курашда куч-ғайратларимизни самарали бирлаштириш имконини беради.

Имperialизм халқларнинг озодлиги ва мустақиллигига ҳамон таҳдид солмоқда. Бугунги кунда Жанубий Вьетнам қўғирчоқлари ўзларининг океан нариёғидаги хўжайинларининг буйруғи ва мадади билан Жанубий Лаосда уруш ҳаракатларини авж олдираётганлиги тўғрисида янги-янги хабарлар келиб турибди. Кўришиб турибдики, АҚШ расмий доираларининг Ҳинди-Хитойдаги тағлиқни бартараф этиш йўллари қидириб топилмоқда, деган сон-саноқсиз баёнотларига қарамай, Америка ҳарбийлари ҳамон агрессия йўлидан бормоқдалар. Бутун дунёдаги тинчликсевар жамоатчилик ана шу янги авантюрага қарши баланд овоз билан норозилик билдирмоқда.

Совет Иттифоқи дунёда социалистик революция байроғини кўтарган, бу билан бутун инсониятга тараққиёт йўлини кўрсатиб берган биринчи мамлакат бўлди. Биз бу байроққа садоқатни ҳамма синовлардан олиб чиқдик, бошқа халқлар олдидagi ўз интер-

национал бурчимизни оғишмай бажариб келдик. Миллий озодлик адолатли ишيني ҳимоя қилаётган халқларни қўллаб-қувватлаш В. И. Ленин бизга васият қилиб қолдирган интернационализм сиёсатининг асосий ифодаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Биз бу масалада Сурия ва Совет Иттифоқи муштарак нуқтаи назарга амал қилаётганликларини жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Шу кунларда бўлиб ўтган суҳбатлар ҳар икки томон бундан буён ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, империализмга қарши, тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кураш ишида бир-бирига ишончни мустаҳкамлаш йўлидан боришга қарор қилганликларини тасдиқламоқда.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Араб Социалистик уйғониш партияси ўртасида қарор топган дўстона муносабатларга катта аҳамият берамиз. Зотан, партиялараро алоқалар ва контактлар Сурия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради ҳамда миллий мустақиллик, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашни қўллаб-қувватлаш ишида муҳим роль ўйнайди.

Биз, Сурия халқининг ўз мамлакати экономикасини ривожлантиришдаги, Сурия Араб Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашдаги қарорларини қатъий билан қайт қиламиз. Бизнинг ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам ана шу тараққиёт жараёнида пайдо бўладиган мақсадларга эришишга ёрдам беради. Биз Араб Социалистик уйғониш партияси муваққат раҳбарлигининг социал-иқтисодий қайта ўзгаришларни амалга ошириши давом эттирмоқчи эканлиги ва ташқи сиёсат соҳасида антиимпериалистик йўл тутуши ҳақидаги программ-баёнотини табриқлаймиз.

Сурия Араб Республикаси иқтисодий ва социал тараққиёт проблемаларини Яқин Шарқдаги мураккаб ва кескин шароитда, Исроил унинг территориясининг бир қисmini ҳамон оккупация қилиб турган шароитда ҳал қилмоқда. Барча тинчликсевар кучларнинг вазифаси — агрессорнинг планларини барбод этиш ҳамда халқаро реакциянинг найрангларига хотима беришдан иборат. Шу мақсадда бундан буён ҳам араб халқларини жиқсаштириш йўлидан бориш, душманга нисбатан ҳушёр бўлиш ва вазиятга реал баҳо бериш, арабларнинг чинакам дўстлари мададига таяниш зарур.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бундан буён ҳам араб мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бутун чоралар билан ривожлантираверадилар, Сурия Араб республикаси билан самарали ва ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиравердилар. Сурия партия-ҳукумат делегацияси билан бўлган музокаралар, Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлиги билан ва Сурия Араб Республикаси Бош министри ва Мудофаа министри генерал Ҳафиз Асад бошчилигидаги ҳукумат билан бевосита контактлар бунга ёрдам беради.

**ДЕНГИЗЛАР ВА ОКЕАНЛАР ТУБИДА ҲАМДА УНИНГ
ҚАЪРИДА ЯДРО ҚУРОЛИНИ ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН
ҚУРОЛИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИ
ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ
ИМЗОЛАШ ВАҚТИДА МОСКВАДА
1971 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ўртоқлар! Жаноблар! Бугун денгизлар ва океанлар тубида ҳамда унинг қаърида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома имзолана бошлангани муносабати билан Совет ҳукумати номидан мамнуният изҳор этишга ижозат бергайсиз. Бу муҳим халқаро ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXV сессияси томонидан маъқулланган. Мазкур Шартнома тузилиши халқаро ҳаётда ижобий бир иш бўлиши шубҳасиз.

Фан-техника тараққиёти инсоннинг яқин вақтларгача, планетанинг янги, ўзига ёпиқ бўлган қисмини — денгизлар ва океанлар тубини ўзлаштиришга киришишига имкон берди, лекин шу билан бирга, у ерда ядро қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини жойлаштириш имконияти ҳам туғилди. Ўз-ўзидан равшанки, денгиз тубидаги бу тарзда фойдаланиш, қуролланиш пойгаси миқёсини кенгайтириб юборган бўлур эди.

Ўз вақтида бунинг олдини олиш зарур, чунки қуролланиш пойгаси давом этаётган жойда уш тўхтатиш бундай қуролланиш пойгаси янги муҳитларда авж олишига йўл қўймасликдан кўра анча қийинроқ экаплигини тажриба кўрсатиб турибди.

Бугун имзоланаётган Шартнома денгиз тубида қуролининг энг хатарли турларини жойлаштиришга ғов солишни лозим. Шу билан бирга, Шартнома денгизлар ва океанлар тубида қурол-яроғларнинг бошқа турлари пойгасига йўл қўймаслик мақсадида бундан бўён кўриладиган чоралар тўғрисидаги музокараларни давом эттиришни кўзда тутди. Совет ҳукумати Шартнома денгиз тубини батамом демилитарлаштириш йўлидаги биринчи муҳим қадам бўлди, деган фикрга асосланади ва вазифани амалга ошириш учун ўзининг қуч-ғайратларини сарфлашга тайёр.

Денгиз туби тўғрисидаги ва, аввало, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ҳаракатларини чеклаб қўядиган Шартнома ҳамма мамлакатлар ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига асосланади. Бинобарин, бу халқаро кескинликни юмшатиш,

ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш фойдасига хизмат қилади. Шартнома денгиз тубидан тинч мақсадларда фойдаланиш учун, унинг бойлиқларини ўзлаштириш учун энг яхши шарт-шароит яратишга ҳам кўмаклашади.

Денгиз туби тўғрисидаги шартнома қуролисизланиш проблемасига тааллуқли яна бир қисмий тадбир бўлади. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргалликда қуролланиш пойгасига қарши, ядро, химия ва бактериялогия қуролини тақиқлаш учун, ажнабий ҳарбий базаларни тугатиш учун, қуролисизланишга доир бошқа масалаларни ҳал этиш учун сабот билан курашиб келмоқда. Неча марта лаб айтиб ўтилгандек, бунда стратегия қурол-яроғларини чеклаш соҳасидаги битимни табриклаган бўлур эдик.

Қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган бошқа халқаро шартномалар, масалан, ядро синовларини атмосферада, космосда ва сув остида тўхтатиш тўғрисидаги Шартнома, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома сингари денгиз туби тўғрисидаги Шартноманинг тузилиши ҳам осон иш бўлгани йўқ, албатта. Ана шу шартномаларни ишлаб чиқиш чоғида қийинчиликлар ҳам, музокара иштирокчиларининг нозицияларида тафовутлар ҳам бўлганлиги табиий. Шунинг билан ошқиниб айтиш мумкин, бу шартноманинг тадриж равишда қуратилиб турибди. Совет ҳукуматига келганда, у қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролисизланишга алоқадор энг зарур масалаларни ҳал этиш учун қуролини тўхтатиш учун бундан бўён ҳам куч-гаиратларини аямайди.

Уз ўзидан равишанки, давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги амалий фаолияти халқаро кескинликни ва агрессияни кучайтириш мақсадлари билан эмас, балки тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадлари билан белгиладиган бўлса, ана шу шартнома сингари битимлар тинчликка тўла-тўқис хизмат қилиши мумкин.

Пировардида денгизлар ва океанлар тубида ҳамда унинг қаърида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома жуда кўп давлатлар томонидан имзоланади ва ратификация қилинади ва бу Шартнома жуда яқин вақт ичида кучга киради, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи бу Шартномани имзолайди, чунки у давлатимизнинг халқлар тинчлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат ленинча ташқи сиёсати ўзгармас мақсадларига мос бўлиб тушади.

**СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК
ПЛАН ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ
ДИРЕКТИВАЛАРИ**

*КПСС XXIV съездида
1971 йил 6 апрелда
қиланган доклад*

Делегат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директивалар лойиҳасини съезд муҳокамасига тақдим этди. Бу ҳужжатда КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари ишлаб чиққан партия иқтисодий сиёсати тағин ҳам ривожлантирилди. Партиянинг иқтисодий сиёсати коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи вазифаларини ва уларни ҳал этиш йўллариини белгилаб берди.

Марказий Комитетнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев томонидан қилинган Ҳисобот докладида XXIII съездан кейин партия тўплаган тажриба ҳар томонлама умумлаштирилди ва партиянинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий сиёсатига оид асосий масалалар баён қилиб берилди. Докладда халқаро ва ички аҳвол маркста-ленинча чуқур анализ қилиб берилди, партия ички ҳаёти масалалари, шунингдек жаҳон социализм системасини тағин ҳам мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантириш ҳамда партиямизнинг бошқа мамлакатлар қардош партиялари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш вазифалари кўриб чиқилди.

Ўтган беш йиллик совет жамияти ҳаётида партиянинг раҳбарлик роли ўсганлигини намоён қилди. Партиянинг ғоявий ва ташкилий жиҳслиги кучайди, унинг халқ билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Партия совет халқининг жанговар авангарди бўлишдек юксак бурчни шараф билан бажармоқда.

Партиямиз изчиллик билан ўтказиб келаётган ленинча ташқи сиёсат ғоят мураккаб халқаро вазиятда социализм позицияларининг мустаҳкамланишини таъминлади. Агрессив империалистик кучлар тағин ҳам кўпроқ қаршилик кўрсатишига қарамай, тинчлик учун, барча халқларнинг эркин ривожланиши учун, социал тараққиёт учун курашда янги-янги ғалабалар қўлга киритилди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладининг муҳокама қилиниши партия сафларининг юксак ғоявий жиҳслигини, совет мамлакати халқларининг Ленин партияси билан ва унинг

Марказий Комитети билан буюк бирлигини ёрқин ва ишонарли тарзда намойиш қилди. Л. И. Брежнев доклади юзасидан съезд делегатларининг нутқларида Марказий Комитет фаолиятига берилган юксак баҳо, ана шу нутқларнинг конкретлиги, чуқур мазмунлилиги, ғоявий-сиёсий изчиллиги партиянинг жамиятимиз моддий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошираётган катта ишларни чуқур ва ҳар томонлама очиб беради.

Совет халқи партия раҳбарлигида революцион кураш ва қаҳрамонона меҳнат билан тўлиб-тошган катта йўлни босиб ўтди. Улуғ Ватан урушида биз қўлга киритган ғалаба кўп мамлакатлар халқлари учун тинчлик ва миллий мустақиллик келтирди, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши учун шароит яратиб берди. Совет кишилари душман томонидан вайрон этилган шаҳар ва қишлоқларни урушдан кейинги йилларда қисқа муддат мобайнида тикладилар, ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни 1940 йилдагига нисбатан саккиз баравардан зиёд оширдилар, халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантирдилар. Коммунистик қурилишнинг янги-янги вазифаларини муваффақият билан ҳал этиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Совет халқининг шонли бунёдкорлик меҳмони билан яратилган тинчликдаги биринчи ғалабаси билан қўлга киритилган мамлакатлар меҳнаткашлари қалбига ҳурур ва умид туйғуларини бахш этади.

Бизнинг хўжалиқ қурилишим соҳасидаги амалларимиз буюк мақсадга — коммунистик жамият барпо этишга бўйсундирилган. Муҳокамага тақдим этилган тўққизинчи беш йиллик план юзасидан Директивалар лойиҳаси иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида, ўлка, область, шаҳар ва район партия конференцияларида, партия ташкилотларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида ва матбуотда муҳокама қилинди. Ҳамма нутқларда партиянинг коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришга, экономикани жадал ривожлантиришга, халқ турмуши даражасини янада ошириб боришга қаратилган йўли яқдидлик билан маъқулланди. Иқтисодий, социал ва маданий тараққиёт масалаларига оид кўпгина фойдали ва чуқур мулоҳазалар айтилди. Бу мулоҳазаларнинг ҳаммаси кунт билан ўрганиб чиқилди. Уларнинг айримлари, чамаси, съезд Директиваларида ўз ифодасини топади, бошқалари эса беш йиллик планни тузишда ва амалга оширишда ҳисобга олинади.

Директивалар лойиҳасининг муҳокама қилиниши кенг меҳнаткашлар оммасининг Коммунистик партияимз сиёсатини чуқур тушунаётганлиги ва қизгин қўллаб-қувватлаётганлигидан, унинг совет жамиятини ривожлантиришга оид асосий проблемаларни ҳал этишда фаол қатнашаётганлигидан далолат беради. Бу янги беш йилликнинг улуғвор программаси муваффақият билан бажарилишига гарантиядир.

1. САККИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ

Делегат ўртоқлар, саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши асосий якунларини ҳамда ана шу давр ичида экономикамизда содир бўлган ўзгарилшларни маълум қилишга ижозат этгайсиз.

Ўтган беш йилликнинг энг муҳим якуни шундан иборатки, партия XXIII съезди белгилаб берган сиёсий ва асосий социал-иқтисодий вазибалар муваффақият билан бажарилди.

План топшириқларининг бажарилишига оид умумлаштирилган кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

	1970 йилга 1965 йилга нисбатан процент ҳисобида	
	XXIII съезд Директива-лари бўйича	амалда бажарилиши
Миллий даромад	138—141	141
Саноат маҳсулоти—жами	147—150	150
Шу жумладан:		
йшлаб чиқариш воситалари	149—152	151
истеъмол буюмлари	143—149	149
Капитал маблағлар ҳажми (олдинги беш йилликдагига нисбатан беш йиллик мобайнидаги умумий ҳажми процент ҳисобида)	147	147
Транспорт барча турларининг юк обороти	133	138
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	камида 140	148
Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи	камида 120	126
Колхозчиларнинг қолхоз жамоат хўжалигидан оладиган ўртача ойлик пул ва натура шаклидаги даромадлари	135—140	142
Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан аҳолига бериладиган тўловлар ва имтиёзлар	камида 140	153
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар	тахминан 130	133

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми ўтган беш йиллик ичида 21 процент ошди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти айрим турларини етиштириш юзасидан план топшириқларининг бажарилиши қуйидаги жадалдаги маълумотлар билан характерланади.

Келтирилган маълумотлар беш йиллик планни бажариш ишида анча катта ютуқларга эришилгандан далолат беради.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида. Беш йиллик ичида социалистик тузум, жамиятнинг ғоявий-сиёсий бирлиги, совет халқининг Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети теварагидаги жипслиги тагин ҳам мустаҳкамланди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, Совет Иттифоқи барча халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Социалистик демократия тагин ҳам ривож топди.

	1966—1970 йиллар мобайнида ҳар йили ўртача етиштирилган ёшилс ҳўжалик маҳсулоти—миллион тонна		
	план топ-шириқлари	бажарилиши	бажарилиш проценти
Дон	167	167,6	100,4
Пахта	5,6—6,0	6,1	108,9—101,7
Қанд лавлаги	80	81	101,3
Кунгабоқар	6	6,39	106,5
Картошка	100	94,8	94,8
Сабзавот	21,6	19,5	90,3
Гўшт (сўйилган вазьда)	11	11,6	105,4
Сут	78	80,6	103,3
Тухум—миллиард дона	34	35,8	105,3
Жун—мильг тонна	391	398	101,8

Иқтисодий ривожланиш соҳасида. Саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши халқ ҳўжалигини янада юқорироқ погонани кўтариш Фан-техникани тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни яқинлаштириш, ишчилик шартларини яқинлаштирилди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошди, халқ ҳўжалигининг тармоқ структураси яхшиланди, мамлакат бўйлаб ишчилик шартларини яқинлаштириш учун шароит яратиб берилди.

Социал соҳада. Аҳолининг моддий фаровонлиги ва турмушининг маданий даражаси ошди, ишчилар ва колхозчиларнинг профессионал-техник тайёргарлиги яхшиланди. Худди аввалгидек мамлакатда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми иш билан тўла таъминланди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни қадам-бақадам бартараф эта бориш каби туб социал вазифаларни ҳал қилиш соҳасида муҳим ишлар қилинди.

Делегат ўртоқлар, кўриб турибсизки, жамиятимиз тараққиётининг барча соҳаларида жуда катта ютуқлар қўлга киртилди. Жамиятимиз тагин ҳам уйғун, таркибий жиҳатдан бир хил, жиш ва қудратли бўлиб қолди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг белгиланган ўсишини таъминлаш ҳамда катта-катта социал тадбирларни амалга ошириш учун, равшанки, катта маблағлар зарур бўлди. Совет давлати бу маблағларни оладиган бирдан-бир манба меҳнаткашлар яратадиган миллий даромад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу сабабли миллий даромаднинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Еттинчи беш йилликда миллий даромад 32 процент ўсган бўлса, саккизинчи беш йилликда 41 процент ўсди.

Миллий даромадни тақсимлашдаги нисбатлар ҳам ўзгарди. Еттинчи беш йилликда ва ундан олдинги ҳамма беш йилликларда (урушдан кейинги биринчи беш йиллик бундан мустасно) жамғариш фондининг ўсиш суръатлари истеъмол фондининг ўсиш суръатларидан анча жадалроқ бўлди. Саккизинчи беш йиллик плани ана шу суръатларни бир-бирига яқинлаштиришни кўзда тутган эди. Бу амалга оширилди. Истеъмол фондининг ўсиши еттинчи беш йилликда 31,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, саккизинчи беш йилликда 57,5 миллиард сўмдан иборат бўлди, яъни жамғариш фондининг ўсиб бориши билан бир вақтда истеъмол фонди деярли икки барабар ошди. Шундай қилиб, ривожланган социалистик жамият шароитида халқ хўжалигини жадал ривожлантириш билан бир вақтда халқнинг турмуш даражаси ҳам тез ўсиб боради. Бу социализм табиатидан келиб чиқади. Социализм маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни меҳнат маҳсулотидан маҳрум этишга, меҳнаткашлар ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини эксплуататор синфларнинг ўзлаштиришига абадий барҳам берди.

Миллий даромаднинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш ва уни мамлакатнинг қудратини мустақкамлаш ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш манфаатларини кўзлаб тўғри тақсимлаш — бизнинг планлаштиришмизнинг туб проблемасидир. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат халқ хўжалик планларини ва давлат бюджетларини тузиб чиқиш вақтида ишлаб чиқаришнинг ҳажминини белгилаш масалаларини ҳамда миллий даромадни тақсимлаш масалаларини ҳар йили муҳокама қилиб турдилар, бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида ва СССР Олий Советининг сессияларида муҳокама қилиниб турди.

Хўш, ўтган беш йиллик ичида олинган миллий даромаддан қандай фойдаланилди?

Сўнгги беш йил мобайнида миллий даромаднинг умумий ҳажми жуда катта суммани — 1 триллион 166 миллиард сўмни ташкил этди. Бу рақамнинг нақадар катта эҳсанлигини тасаввур қилиш учун миллий даромаднинг умумий ҳажми еттинчи беш йилликда (1961 — 1965 йиллар) 840 миллиард сўмдан иборат бўлганлигини, урушдан олдинги беш йил (1936—1940 йиллар) мобайнида эса 134 миллиард сўмдангина (бу маълумотларнинг ҳаммаси 1965 йилги қийсий нархларда олинган) иборат бўлганлигини эслатиб ўтаман.

Саккизинчи беш йиллик ичида яратилган миллий даромаднинг қарийб тўртдан уч қисми истеъмолга сарфланган. Чунинчи, 518 миллиард сўмни (ишлаб чиқариш доирасидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда колхозчиларнинг даромадларидан) меҳнаткашлар ва уларнинг oilалари истеъмолга сарфладилар.

199 миллиард сўм маориф, соғлиқни сақлашга ҳамда аҳолининг бошқа маданий-маиший эҳтиёжларини ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланди.

80 миллиард сўмга яқин маблағ меҳнатга лаёқатсиз аҳолини (меҳнат ветеранлари ва ипвалидлари, уруш ипвалидлари, вақтинча меҳнат қилиш лаёқатини йўқотган кишиларни) боқишга, шунингдек ўқувчиларга стипендия ва нафақа тўлашга харажат қилинди.

41 миллиард сўм фан эҳтиёжларига сарфланди.

Бинобарин, миллий даромаднинг асосий қисми истеъмолга сарфланган. Лекин биз ижтимоий ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш тўғрисида бундан буён ҳам муттасил ғамхўрлик қилишимиз керак. Шунинг учун миллий даромаддан 186 миллиард сўми ишлаб чиқариш жамғармасига, яъни фабрикалар, заводлар, темир йўллар ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондларини кўпайтиришга, шунингдек товар-материал бойликлари запасларини оширишга сарфлапди.

Уй-жой фонди, мактаблар, касалхоналар, маданий ва бошқа муассасаларнинг ўсиш қиймати беш йил ичида 62 миллиард сўмни ташкил этди.

Совет Ўзбекистон қозирги халқаро вазиетини қўллаш мудоффа тўғрисида мустаҳкамлаб бориш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиши керак. Беш йиллик ичида мудоффа эҳтиёжларига 80 миллиард сўм сарфланди.

Бизнинг мамлакатимизда миллий даромад социализм принципларига, социалистик хўжалик системасини ривожлантиришнинг объектив қонунарига мувофиқ тарзда тақсимланадики, бу социалистик хўжалик системасининг ўзгармас негизи ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигидир. Маркс, Энгельс, Ленин асарларида илмий ишлаб чиқилган бу принциплар партияимизнинг Программасида ёзиб қўйилган, социалистик хўжалик юритиш учун асос қилиб олинган.

Миллий даромаднинг ўсиши ва унинг меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб тақсимланиши XXIII съезд саккизинчи беш йилликка мўлжаллаган Директиваларда белгиланган социал вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини берди.

Планда беш йиллик мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини камида 20 процент ошириш мўлжалланган эди, амалда эса 26 процент ошди. Колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан келадиган пул ва натура шаклидаги даромадларини 35-40 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди, амалда эса 42 процент кўпайди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар еттинчи беш йилликда 19 процент ортган бўлса, ўтган беш йилликда 33 процент кўпайди. Биз аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш юзасидан КПСС XXIII съезди берган топшириқ ошириб бажарилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўта оламиз.

Чакана товар обороти ҳажмининг ортанлиги халқ моддий фаровонлиги ўсганлигининг муҳим кўрсаткичидир. Чакана товар обороти 1970 йилда 153,6 миллиард сўмга етди, яъни 1965 йилдагига нисбатан 48,8 процент кўпайди. Бироқ баъзи бир товарларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг кўпайишидан орқада қолди.

Аҳолининг айрим товарларга, жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида бизда ҳали қийинчиликлар мавжуд, шундай бўлса-да, саккизинчи беш йиллик мобайнида уларнинг йилига аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши мамлакат бўйича ўрта ҳисобда 7 килограмм кўпайди.

Халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак. Беш йиллик планни тузиш вақтида аҳолининг товарларга бўлган талабини яқин йиллар ичида янада тўлароқ қондириш имкониятини берадиган барча шарт-шароитларни қўшимча равишда кўриб чиқиш лозим. Оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда савдони яхшилаш масалалари доимо ҳам иттифоқ, ҳам республика ва маҳаллий органларнинг диққат марказида туриши лозим.

Уй-жой қурилишини анча кўпайтиришни КПСС XXIII съезди саккизинчи беш йиллигининг катта вазифаларидан бири қилиб қўйган эди. Утган беш йилликда бунинг учун қарийб 60 миллиард сўм сарфланди. 11 миллион 333 минг квартира қурилди. Халқаро статистиканинг кўрсатишича, сўнгги беш йил ичида бу қадар кўп миқдорда квартира қурган бошқа бирорта мамлакат дунёда йўқ.

Аммо биз мамлакатимизнинг бутун аҳолиси уй-жой билан нормал таъминланган деб ҳали айтолмаймиз. Бу проблема буздан кейинги йилларда ҳам жиддий проблемалардан бири бўлиб қолаверади.

Аҳоли турмушининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида кўп ишлар қилинди. Театрлар, кинотеатрлар, клублар, кутубхоналар сони кўпайди. Газеталар, китоблар, журналларнинг тиражи анча ошди. Телевизорлар, радиоприёмниклар, холодильниклар, кир ювини машиналари, электр асбоблари турмушда кенг ўрин олди. Газ ўтказилган квартираларнинг сони икки баравардан зиёд кўпайди.

Халқ маорифи соҳасида катта ишлар қилинди. 1939 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, СССРнинг ишлайдиган бутун шаҳар аҳолиси орасида ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) ва олий маълумотли кишилар 24,2 процент, қишлоқда эса атиги 6,3 процент бўлган.

1970 йилда ўтказилган рўйхат шуни кўрсатадики, шаҳар меҳнаткашларининг 75 проценти ва қишлоқ меҳнатчиларининг 50 процентдан кўпроғи ўрта ва олий маълумотга эгадир.

Маълумот даражасининг жадал юксалиши ва аҳоли маданиятининг ўсиши — социалистик тузумнинг улкан ютуғидир.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ҳам каттагина ютуқларни қўлга киритдик. **Насалхоналар**, поликлиникалар ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари, санаторийлар, курортлар ва дам олиш уйлари кўпайди. Мактабгача болалар муассасалари сони ошди. Ҳозирги кунда баъзи бир шаҳарлар ва саноат марказларида болалар муассасаларига бўлган эҳтиёж қондирилган.

Ишчи ва хизматчиларни икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига планли равишда ўтказиб борилганлиги ўтган беш йилликдаги муҳим социал тадбирлардан бири бўлди. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳақ тўланадиган отпускарларининг минимал муддати оширилди.

Миллий даромадни жадал суръатлар билан ўстиришга ҳамда халқнинг турмуш даражасини оширишга социалистик ишлаб чиқаришни муваффақиятли ривожлантириш негизда эришилди, бунга эса КПСС XXIII съезди маъқуллаган хўжалик ислоҳоти кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 1970 йилда 373 миллиард сўмни ташкил этди, яъни беш йиллик мобайнида бир

Саноатда катта-катта сифат ўзгаришлари юз берди, фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқларини яқини этиш бунинг учун 50 миң Миллионерални ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 74 процент, химия ва нефть химияси саноатининг маҳсулоти 78 процент, электроэнергетика саноатининг маҳсулоти 54 процент ўсди.

Шунингдек, саноатдаги прогрессив ўзгаришлар кўп жиҳатдан унинг хом ашё базасининг кенгайиши билан, газ, нефть, қора ва рангли металллар рудаси, олмос ва бошқа қазилма бойликлар янги-янги конларининг очилиши билан ҳам белгиланади. Чунончи, ҳозирги пайтда 16 триллион куб метрдан ортиқ разведка қилинган газ запасларидан 13 триллиондан кўпроғи ўтган беш йиллик ичидаги заҳасларнинг ўсишینی ташкил этди. Ана шу конларнинг очилиши қандай аҳамиятга эга эканлиги шундан кўриниб турибдики, ёқилги балансида ҳозир нефть ва газнинг улуши 1965 йилдаги 51 процент ўрнига қарийб 60 процентни ташкил этади. Шарқда жуда катта нефть ва газ базаси барпо этилди. Тюмендаги жуда бой конлар Сибирь ва Узоқ Шарқнинг тобора ўсиб бораётган хўжалигини нефть билан тўла-тўқис таъминлаб турибди. Яқингинада Сибирга нефть ғарбдан келтирилар эди, эндиликда эса Сибирнинг ўзи нефть ресурсларининг бир қисмини трубопровод орқали ғарбга ҳам, шарққа ҳам жўнатиб турибди.

Табийий бойликларни ўзлаштириш билан бир қаторда тежамли юқори сифатли синтетик материалларни яратиш ва улардан саноатда янада кенгроқ фойдаланиш процесси бормоқда.

Сифат ўзгаришлари яна шунда ҳам пфодаланмоқдаки, катта қувватга эга бўлган агрегатлар саноатда тобора кенг кўламда қўлланилмоқда. Масала, энергетика блокларининг, нефтни дастлаб қайта ишловчи установааларнинг ва бошқа химия агрегатларининг қуввати, шунингдек домна печлари ва конверторларнинг ҳажми анча ошди. Темир йўл вагонлари, кемалар, кўтаргич кранларнинг юк кўтариш қуввати, тракторлар, автомобиллар, экскаваторлар ҳамда бошқа кўпгина машина ва механизмларнинг қуввати оширилди. Анча йирик агрегатларни ишлатишга ўтиш меҳнат унумдорлигини ошириш ва капитал маблағлар салмогини кескин камайтириш имконини беради.

Машинасозлик ҳам техника жиҳатидан қайта қуроолантирилмоқда. Замонавий приборлар, автомат линиялар ва электрон-ҳисоблаш машиналари чиқариш анча кенгайтирилди. Биз айрим машиналар ишлаб чиқаришдан меҳнатни комплекс тарзда механизациялаш имконини берадиган машиналар системасини ишлаб чиқаришга ўтмоқдамиз. Программа билан бошқариладиган станоклар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Бундай станоклар мураккаб шаклдаги деталларни белгиланган программа бўйича ясаш, деталнинг аниқ ишланиши даражасини ошириш, майда серияли ишлаб чиқаришни автоматлаштириш имконини беради.

Ўтган беш йиллик социалистик қишлоқ ҳаётига катта ўзгаришлар киритди. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида кўп ишлар қилинди. Қишлоқни электрлаштиришда катта одим ташланди. Мелиорация ишларининг катта ҳажми амалга оширилди. Колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникаси, ўғитлар, химиявий моддалар етказиб бериш анча кўпайтирилди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги оширилди, қишлоқ хўжалик барча маҳсулотларини етиштириш ҳажми кўпайтирилди. Бу тadbирлар давлат томонидан дон, техника экинлари, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар харид қилишни кўпайтириш имконини берди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишнинг ўсишини куйидаги жадвалдаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

Капитал қурилиш кенг программасини амалга оширмасдан туриб социалистик саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмас, халқ фаровонлигини ошириб бўлмас эди. Мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари деярли бир ярим барабар кўпайди. Беш йиллик ичида халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 354 миллиард сўмни ташкил этди (1969 йилги нархларда). Бу — ундан олдинги саккиз йил ичида сарфланган маблағга деярли тенгдир. Бизнинг ўсиш миқёсларимиз ана шундай.

Саккизинчи беш йиллик планига мувофиқ 546 миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилди, қуввати 5 миллион киловатт бўлган дунёда энг йирик

	Бир йил ичида ўрта ҳисобда харид қилинди—миллион тонна		
	1961—1965 йиллар ичида	1966—1970 йиллар ичида	1966—1970 йилларда 1961—1965 йиллардагига нисбатан процент ўсишида
Доп—жами	51,6	69,0	128
Шу жумладан ёрмабон доплар	1,6	2,6	163
Шундан шолли	0,21	0,67	325
Пахта	4,99	6,1	122
Қанд лавлаги	55,4	74,4	134
Қунгабоқар	3,4	4,7	138
Қартошка	8,4	10,9	130
Сабзавот	6,7	9,4	140
Гўшт (сўйилган вазнда)	5,2	7,3	130
Сут	31,1	43,2	138
Тухум—миллиард дона	8,7	14,4	166

Қрасноярск ГЭСи қурилади. Жами узунлиги 35,6 млнг километр бўлган нефть ва газ қувурлари фойдаланишга топширилди.

1966 йили металлургияда ишлаб чиқарилган металл тоннаси 120,5 миллион тонна пулат, 14,3 миллион тонна прокат ишлаб чиқарадиган ва 120,5 миллион тонна темир рудаси қазиб чиқарадиган қувватлар билан туширилди. Рангли металлургияга мис, никель, рух, алюминий ишлаб чиқарувчи қувватлар анча қураштирилди. Химия саноатида 33 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарадиган заводлар, супъий тола заводлари ва каучук ишлаб чиқарувчи заводлар қурилди. Қурилиш материаллари саноатида цемент заводлари, асбест қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар қурилди. Енгил ва озик-овқат саноатининг кўп корхоналари ишга туширилди. Беш йилликни бажариш жараёнида Тольятти шаҳрида мамлакатда энг йирик автомобиль заводи қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу заводни қуриш 1967 йилда бошланди. 1970 йил августда эса Волжск автомобиль заводи дастлабки енгил автомобилларни чиқара бошлади.

Шу билан бирга капитал қурилишда жиддий камчиликлар мавжуд. Бир қатор корхоналар ва объектларни қуриш муддатлари чўзилиб кетмоқда, бу эса унумсиз харажатларга ва нобудгарчиликка сабаб бўлади. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми катта.

Техника тараққибети, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга ёрдам берди. Умуман халқ хўжалигида ижтимоий меҳнат унумдорлиги 37 процент ошди, ҳолбуки еттинчи беш йилликда 29 процент ошган эди. Еттинчи беш йилликда саноат маҳсулотининг 62 про-

цент, саккизинчи беш йилликда 73 процент, 1970 йилда эса ҳатто 84 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора кўпроқ меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан амалга ошириш лозим. Бу — социалистик экономикани ривожлантиришнинг асосий йўлидир.

Маҳсулот таннархини камайтириш ишида жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Беш йиллик мобайнида корхоналар олган фойда икки барабардан зиёд кўпайди, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошди.

Экономикамизни ривожлантириш совет фанининг улкан ютуқлари билан чамбарчас боғланган. Янги машиналар, синтетик материаллар, электрон техника яратишда олимларнинг роли жуда катта. Математика, физика, химия, геология, биология, космосни тадқиқ этиш соҳасида каттагина илмий натижаларга эришилди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мамлакат мудофаа қувватини мустаҳкамлашга, мудофаа саноатини ривожлантиришга доимо эътибор бериб келди ва бермоқда. Ҳозирги халқаро вазият, Ватанимизнинг хавфсизлиги манфаатлари бизнинг зиммамизга шуни юклайди. Ҳозирги замон қурол-яроғининг кўпгина янги турлари фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари негизда яратилди ва чиқарилмоқда, қурол-яроғнинг жанговар ва техник сифати оширилмоқда. Биз съездга Совет Қуролли Кучлари аъло даражадаги энг янги жанговар техника билан қуролланган, деб айта оламиз.

Ўртоқлар! Партия бажарган ишнинг ҳажми ва саккизинчи беш йиллик планни бажариш якуналарининг аҳамияти жуда катта, лекин биз ўз муваффақиятларимизга ортқча баҳо бериб юбормаслигимиз керак. Бизда ҳал қилинмаган вазифалар ҳали оз эмас, қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Беш йиллик план асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Бироқ қурилиш министрликлари планни тўла бажарганлари йўқ, шунингдек қўмир қазиб чиқариш бўйича, қора металллар прокати, химиявий толалар, пластмассалар, юк автомобиллари, тракторлар, целлюлоза, цемент ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноатида бир қанча объектлар тўла-тўқис ишга туширилмаган. Бу ҳол маҳсулот айрим турларини чиқариш бўйича топшириқнинг бажарилмаслигига ўз таъсирини кўрсатди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида ва айниқса қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқлар тўла бажарилмади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, саккизинчи беш йиллик даврида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши халқаро вазият кескинлашган шароитда юз берди. Бу ҳол мудофаа соҳасида қўшимча тадбирларни амалга оширишни зарур қилиб қўйдик, бу тадбирларга бирмунча маблағ ва куч ажратиш лозим бўлди.

Шу билан бирга бизда талайгина камчиликлар борки, уларнинг сабабларини объектив сабаблар деб бўлмайдди. Бу камчиликлар КПСС Марказий Комитетининг 1969 йилги декабрь Пленумида очиб ташланди. Партия Марказий Комитети баъзи бир хўжалик раҳбарлари давлат интизомини бузганликларини, планларини, кооператив йўл билан маҳсулот етказиб бериш топшириқларини бажармаётганликларини, халқ олдидаги масъулият туйғусини сустайтириб юборганликларини танқид қилди.

Партиямизнинг ушбу съезидан олдин бўлиб ўтган партия конференцияларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида бир қанча хўжалик ташкилотлари, министрликлар ва идораларнинг иши танқидий нуқтан назардан пухта таҳлил қилинди. Замонавий техника савияси талабларига жавоб бермаётган станоклар, қишлоқ хўжалик машиналари, технологик ва айниқса қулов асбоб-ускуналари чиқараётган айрим машинасозлик корхоналари ҳаққоний танқид қилинди. Енгил саноат аҳолининг юқори сифатли кийим-кечак ва трикотаж буюмларга, пойафзал ва баъзи бошқа товарларга бўлган талабини ҳамон қондирмаётир. Маҳсулот хилларини янгилаш жуда суст амалга оширилмоқда, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини рационал фойдаланилмайди. Кўпинча шундан бўладикки, истеъмолчиларнинг талабларини қанақадан қанақадан қондиришга ҳисоб қилинган юқори сифатли бўлиб, кейинчалик эса уларнинг сифатини қондириб қолгани ва эришилган даражадан пастга тушиб кетмоқда. Баъзап замонавий техника асбобларидан янги корхоналар ҳам маҳсулотнинг эскириб қолган қусқаларини чиқаришмоқда. Саноатда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишда талай камчиликлар бор, янги ишлаб чиқариш объектларининг лойиҳадаги қувватлари суст ўзлаштирилмоқда.

Озиқ-овқат, балиқ ва гўшт-сут саноатида ҳам ашёнинг кўплаб нобуд бўлишига, технология интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда, бу эса бевосита маҳсулот сифатига таъсир қилади. Ассортиментни кенгайтиришга кам эътибор берилмоқда. Машинасозлик министрликлари енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда коммунал хўжалик корхоналарини юқори унумли энг янги асбоб-ускуналар билан етарлича таъминламаётирлар. СССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги ҳамда целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги мебель, қоғоз ва картон ишлаб чиқаришни ошириш юзасидан берилган топшириқларни уддалай олмайди. Мебелнинг сифати истеъмолчини ҳамма вақт ҳам қондиравермайди. Баъзи бир рўзгор буюмлари савдосида узиллиш ҳоллари бор.

Ҳаммага манзур маҳсулот чиқараётган талайгина корхоналаримиз бор, албатта. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг, шунингдек кemasозлик, электрон, авиация, мудофаа, приборсозлик ва радио саноатининг кўп корхоналари яхши оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқдалар. Вазифа бунга беистисно ҳамма корхоналарнинг эришишидан, улар чиқараётган маҳсулотнинг ҳаммаси

якши сифатли ҳамда аҳолининг ўсиб кетган талабларига жавоб берадиган бўлишидан иборатдир.

Партия ҳар бир раҳбардан халқ олдидаги бурчини юксак даражада англашни, иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга давлат нуқтаи назаридан ёндошишни, ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида муттасил раҳбарлик қилишни, социалистик мусобақани кучайтириш учун, меҳнатни, ишлаб чиқариш ва бошқарувни оқилона ташкил этиш учун, фан ва техника ютуқларини тезда ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун кун сайин қатъий кураш олиб боришни талаб қилади.

Агар умумий яқун ясаладиган бўлса, айтиш мумкинки, бизнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва социал жиҳатдан коммунистик қурилиш йўлидан муваффақият билан олға томон бормоқда.

Биз саккизинчи беш йилликда эришган ютуқларнинг ҳаммаси — совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишининг натижасидир.

Совет халқи ўтган беш йилликда кўрсатган меҳнат борасидаги шонли жасорат коммунизм қурилиши тарихига янги ёрқин саҳифа бўлиб киради!

2. ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ АСОСИЙ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар! Директиваларнинг лойиҳаси партия иқтисодий сиёсатини амалга ошириш программаси, социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида жуда муҳим социал-иқтисодий проблемаларнинг ечимидир.

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм сари бундан буёнги ҳаракатида, унинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва муҳофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади. Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.

Партия халқ турмуши моддий ва маданий даражасини янада анча юксалтириш вазифасини олға сураётиб, социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бундан аввалги ҳамма тараққиёти социалистик экономикамизнинг ўсган ресурсларидан вужудга келтирилган реал имкониятларга асосланади. Мамлакатимизнинг миллий даромади шуларнинг ифодасидир. Тўққизинчи беш йилликда ўртача йиллик миллий даромад ҳажми саккизинчи беш йилликдаги 233 миллиард сўм ўрнига 325 миллиард сўмга етади,

беш йил мобайнида жами 1 триллион 625 миллиард сўмга боради. Тўққизинчи беш йиллик план вазифаларини амалга оширишнинг моддий асослари ана шундай.

Халқимиз ўз миллий даромадининг тўлқ хўжайинидир. Социалистик жамиятда жамгарма билан истеъмол ўртасида капиталистик тузумга хос антагонизм йўқ: бизда жамгармадан ҳам, истеъмол фонддан ҳам тўлалигича бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланилади.

Социалистик халқ хўжалигини планли равишда ривожлантирмоқ учун марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб, миллий даромадни тақсимлашдаги пропорцияни илмий равишда белгиламоқ зарур. Ҳамма омилларни — ишлаб чиқаришда эришилган миқдорларни, аҳолининг турмуш даражасини, халқаро аҳволни, экономикани ривожлантириш вазифалари ва истиқболларини ҳар томонлама назарда тутиш талаб этилади.

Коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг вазифалари ва шарт-шароитларидан янги беш йилликнинг қуйидаги асосий, бир-бири билан узвий боғланган хусусиятлари келиб чиқади:

Биринчидан, бутун халқ хўжалигини халқ фаровонлигини оширишга, халқнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга янада кўпроқ йўналтириш керак. Бундан беш йиллик ва шунинг билан бир қатор ҳақиқатан ҳам халқ фаровонлигини оширишга қўлайлигини ресурсларини анчагина кўпайтириш характерли бир ҳолдир. Саккизинчи беш йилликда истеъмол фондларининг ўсиши 100—110% бўлади, бу эҳсан қилинган бўлади. Тўққизинчи беш йилликда 75—81 миллиард сўмга етказиш мўлжалланди;

Иккинчидан, фан-техника тараққиётини жиддий равишда тезлаштириш асосида барча ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишдан иборат. Ишлаб чиқариш структурасини анчагина яхшилаш, техника жиҳатидан такомиллашган машиналар ва ускуналар, янги материаллар ишлаб чиқариш, маҳсулот хилини кўпайтириш шунга ёрдам бермоғи лозим.

Директиваларнинг лойиҳасида тўққизинчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлари белгиланган:

Янги беш йилликда бутун халқ хўжалигини юксак даражада ривожлантириш суръатлари сақланиб қолаверади. Беш йил мобайнида мамлакатнинг миллий даромади 37—40 процент, саноат маҳсулотининг ҳажми 42—46 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 20—22 процент кўлаяди. Беш йил мобайнида саноатда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни 41—45 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни эса 44—48 процент ошириш кўзда тутилади.

Директиваларнинг лойиҳасида КПСС Марказий Комитетининг 1970 йилги июль Пленуми белгилаб берган вазифалар тўла назар-

	1970 йил	1975 йил	Беш йиллик ичда Усиш	
			1966— 1970 йиллар	1971—1975 йиллар
Миллий даромад (қиёсий нархларда— миллиард сўм)	267,4	365—373	78,3	98—106
Шу жумладан:				
истемол фонди	197,9	272—278	57,5	74—80
жамғарма фонди—	69,5	93—95	20,8	23,5—25,5
Саноат маҳсулоти (қиёсий нархларда— миллиард сўм)	373	528—544	125	155—171
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (тегишли беш йиллик учун ўртача йиллик ҳажм, қиёсий нархларда—миллиард сўм)	80,5	96—98	14,2	15,5—17,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиши про- цент ҳисобида: саноатда	—	—	32	36—40
қишлоқ хўжалигида	—	—	35	37—40
(колхоз ва совхозлар)	—	—	22	36—40
қурилишда	—	—	—	—

да тугтилган. Маълумки, бу Пленум қишлоқ хўжалигини ривож-
лантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган эди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, қишлоқ хўжалигини ҳамда
аҳоли учун товар ишлаб чиқариш билан боғланган соҳаларни ри-
вожлантиришга ҳали ҳеч қачон шу беш йилликдаги каби жуда
кўп пул ва моддий ресурслар сарфланмаган эди. Бу тадбир тез
орада ўзининг самараларини бериб, шаҳар ва қишлоқда аҳоли
фаровонлигини янада сезиларли даражада юксалтиради деб ишо-
намиз.

Бутун дунёда ривожланаётган илмий-техника революциясида
Совет Иттифоқи энг қудратли социалистик давлат сифатида етак-
чи ўрин эгаллаб турибди.

Тўққизинчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришга тобо-
ра кўпроқ таъсир кўрсатиб бораётган фан-техника революцияси
ютуқларини амалга ошириш йўлида олға катта қадам ташланади.
Фан-техника революцияси ишлаб чиқариш методларини тубдан
ўзгартиришга, принципиал янги, ғоят серунум меҳнат қуроллари,
прогрессив материаллар яратишга имкониятлар очиб беради, янги-
янги соҳаларни вужудга келтиради, барча ишлаб чиқариш фао-
лиятида самарадорликни оширишнинг мисли кўрилмаган имко-
ниятларини таъминлаб беради.

Капитализм мамлакатларида буржуазия шу революциянинг
эршиган ютуқларидан ўзининг сифий манфаатларини кўзлаб
фойдаланмоқда. Аммо фан-техника революцияси капитализмга
хос социал зиддиятларни кескинлаштириб юбормоқда. Масалан,
АҚШда ўтган йилларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши бирмун-

ча тезлашгани билан ишсизлик кўпайиб кетди: миллион-миллион меҳнаткашлар фабрика ва заводлардан ҳайдаб юборилди.

Забастовка ҳаракатининг тинмай кўнайиб бораётганлиги ҳам синфий зиддиятлар кескинлашганлигидан далолат беради. АҚШ меҳнат министрлигининг расмий маълумотларига кўра, забастовкалар муносабатин билан йўқолган киши-кунлари миқдори 1961—1965 йиллардаги 97 миллиондан 1966—1970 йиллар мобайнида 220 миллионгача етди.

Фақат социалистик тузумгина фан-техника тараққиёти учун чексиз имкониятлар яратиб беради. Социалистик ишлаб чиқариш-ни ривожлантиришнинг гоят юксак барқарор суръатлари капиталистик экономикадагидан фарқли ўлароқ меҳнат унумдорлиги тез ўсиб боргани ҳолда совет кишиларининг иш билан тўла банд бўлишларини таъминлайди.

Фақат социализм туфайли ва фақатгина шу пштимой тузум доирасидагина фан-техника революцияси тўла ва ҳар томонлама ривож топади, унинг натижаларидан барча меҳнаткашлар баҳраманд бўлади.

Директивалар лойиҳасида техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларнинг ривожланиш суръатларини йўқтариш йўли билан, асосан, машинасозлик, асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари, ҳисоблаш машиналари ҳамда сермеҳнат ишларини меҳнатшароитлари яхшиланган ҳолда асбоб-қуроллар ишлаб чиқариш тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни беш йил мобайнида 67 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Фан-техника революциясининг имкониятларини амалга оширмоқ учун тобора кўпроқ катта-катта харажатлар қилиш талаб этилади. Аммо давлат ўз тараққиётининг ҳар бир босқичида ана шу мақсадларга ишлатадиган муайян ресурсларга эга бўлади. Фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларини танлаб олиб, шуларни ривожлантиришга эътибор бериш зарурати, ягона давлат техника сиёсатини ишлаб чиқиб, уни изчиллик билан амалга ошириш зарурати шундан келиб чиқади. Ана шу сиёсатнинг асосий вазифалари Директиваларнинг лойиҳасида баён қилиб берилган.

Биринчи вазифа — сифат жиҳатидан янги меҳнат қуролири, янги материаллар ва янада такомиллашган технология яратишдан иборат. Мавжуд ечимларни такрорламай, жаҳондаги энг яхши намуналардан ўзидиган даражаларни кўзламоқ лозим. Коммунизм моддий-техника базасини яратиш талабларига жавоб бера оладиган ҳамда капитализм билан иқтисодий мусобақада мамлакатимизнинг тўла ғалаба қозонишини таъминлай оладиган техникани фақатгина шу тахлитда яратмоқ мумкин.

Иккинчи вазифа — эскирган техникани янгилаш ва алмаштириш суръатларини тезлаштиришдан иборат. Келаси беш йилликда

ишга тушириладиган янги ишлаб чиқарш фондларининг улуши 1975 йилга бориб саноатда 46 процентни ва қишлоқ хўжалигида 60 процентни ташкил этади. Бу миқдор ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини апча ошириб юборади. Министрликлар ва корхоналарнинг фаолиятини ҳамда халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги социалистик мусобақа натижаларини баҳолаётганда янги техника бўйича тузилган планларнинг bajarилганлиги энг муҳим мезон бўлиб қолмоғи керак.

Сермеҳнат ишларда қўл меҳнатини мумкин бўлган максимал даражада машиналар билан алмаштиришга имкон берадиган кенг қўламда механизациялаш биринчи навбатдаги вазифалардан биридир. Саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, транспортда энг муҳим ишлаб чиқарш процессларини комплекс механизациялашни поёнига етказиш вазифаси турибди. Машиналар системасини лойиҳалашга ўтмоқ, автоматлашган бошқариш системаларини кенг қўламда жорий этмоқ зарур.

Халқ хўжалигини химиялаштириш миқёсларини бутун чоралар билан кенгайтирмоқ, саноатнинг етакчи тармоқларида ва қишлоқ хўжалигида химиявий маҳсулотлар ва материаллардан янада кенгроқ қўламда фойдаланмоқ, химиявий технология процессларини кенгроқ қўламда жорий этмоқ лозим. Булар ижтимоий ишлаб чиқарш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора катталашиб бораётганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш вазифаларни асосий ишлаб чиқаришнинг ўзинигина эмас, шу билан бирга уни таъминлаб турувчи ёндош ишлаб чиқаришларни ҳам ривожлантиришга комплекс равишда қарашни талаб этади. Омбор ва тара хўжаликларини ҳам унутмаслик керак. Хом ашё, материал, тайёр маҳсулотни асраш ва тежаш кўп даражада шуларнинг аҳволи қандайлигига боғлиқ.

Хўжалик ҳисоби муносабатларининг ҳамма системаси, жумладан, маҳсулотга иқтисодий жиҳатдан асослаб белгиланган нархлар, корхоналарни маблағ билан таъминлаш ва уларга қарз бериш формалари техникавий тараққиётни тезлаштириш вазифаларига актив ёрдам бермоғи даркор.

Техникавий-иқтисодий ва социал тараққиётни тезлаштиришда фаннинг роли каттадир. Илмий-тадқиқот ва техникавий ечимдан то шуларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этгунгача жами ишлар комплексининг тезроқ амалга оширилиши таъминланса, фан ўз ролин муваффақиятли бажара олади.

Биз олимларимизнинг Ватанимиз иқтисодий ва муҳофаа потенциални юксалтиришга қўшган ҳиссаларини юксак қадрлаймиз. Олимларимиз, назарпётчиларимиз ва тажриба ўтказувчи ходимларимиз самарали илмий иш олиб бормоқ учун зарур шарт-шароитларга эгадирлар.

Аммо биз тадқиқотларнинг эришилган натижалари билан ҳа-миша ҳам хотиржам бўлиб қололмаймиз. Баъзи академия ва тар-моқ институтлари ҳамда олий мактаблар ўтказаяётган тадқиқот-лар фан-техника тараққиётининг муҳим проблемаларини ҳал этиш учун етарли эмас.

Илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш илмий хо-димларимизнинг ижодий активлигига боғлиқ. Олимларнинг меҳ-натига тўланадиган ҳақ системасини ҳам такомиллаштириш ке-рак бўлади, чамаси. Тўланадиган бу ҳақ ҳар бир ходимнинг фан-техника тараққиёти ишига қанчалик ҳисса қўшганлигини кўпроқ назарда тутмоғи лозим. Бу нарса илмий кадрлар составини яхши-лаш ва тадқиқотларнинг натижаларини оширишга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш бирлашмалари фан билан ишлаб чиқариш алоқа-сини мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоғи керак. Планлашти-ришни ҳамда амалий-илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва экспериментал ишларни ўтказишни бирлашмаларга тўплаш мақ-бул кўрилади. Бу нарса илм-фан ютуқларидан тезда амалий фойдаланишни таъминламоғи лозим.

Партиянинг ишлаб чиқаришни штепснвллаш йўлини тутган-лиги ижтимоий меҳнат самарадорлигини анчагина оширишни ҳам

... тадқиқотларнинг яхши-лашши, янги техника, ишлаб чиқаришни ил-мий асосда ташкил этиш ҳамда халқ хўжалигини бошқариш ме-тодларини такомиллаштириш асосда капитал маблағини до-ворлаштириш ошириш заруратини белгилайди.

Тўққизинчи беш йилликда саноатдаги меҳнат унумдорлигини ўтган беш йилликдаги 32 процент ўрнига 36—40 процентгача оши-риш мўлжалланади. Колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги 1966—1970 йиллардаги 35 процентга нисбатан 37—40 процент оширилиши керак. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги бундай аввалги беш йилликдаги 22 процент ўрнига 36—40 процент кўта-рилади. Бу топшириқлар халқ хўжалигини ривожлантириш мақ-садида тузган бутун программamız учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Халқ фаровонлигини юксалтириш меҳнат унумдорлиги-нинг ўсишига бевосита боғлиқ. Биз тўққизинчи беш йилликда мил-лий даромаднинг бутун ўсишининг 80—85 проценти меҳнат унум-дорлигини ошириш ҳисобига бўлишига эришишимиз керак.

Меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлаштириш юзасидан белгиланган топшириқларни бемалол бажариш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг техника билан жиҳозланишини ошириш бу топши-риқларнинг бажарилишига имкоп беради.

Меҳнатни механизациялаш билан бирга ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни муттасил яхшилаш, нлғор иш метод-ларини ёйиш, иш вақтининг нобуд бўлишини қатъий равишда қисқартириш керак. Биз бир қанча саноат корхоналарида смена ичда бекор туриб қолишлар бутун иш вақтининг 15—20 процен-

тигача бораётганлиги билан мурасосозлик қила олмаймиз. Ердამчи ишларни, жумладан юк ташиниш ва ортиш-тушириш ишларини ташкил этишни яхшилаш айниқса катта резерв ҳисобланади. Бу юмушлардан анчагина ишчиларни холи қилиб, улардан ишлаб чиқаришдаги асосий процессларда фойдаланиш мумкин.

Бунинг муҳимлиги шуки, аҳолининг иш билан таъминланганлиги юксак даражада бўлгани ҳолда ишлаб чиқаришни ишчилар сонини ошириш ҳисобига кўпроқ ўстиришга умид боғлай олмаймиз. Янги беш йилликда аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш доирасига анча кўп миқдорда ходимлар юбориб турилишини ҳам назарда тутмоқ керак.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шaroитларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш янада яхшилашини таъминламоқ, зомонавий хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш воситалари ишлаб чиқарувчи қувватларини етарлича яратмоқ зарур.

Маҳсулотга кетадиган материал сарфини камайтириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади. Экономикамизнинг мана шу катта резервидан ҳали етарлича фойдаланилмаяпти.

Ёқилги ва минерал хом ашё қазиб чиқаришнинг кўпайтирилиши, металл ишлаб чиқаришнинг кўпайиши кўп капитал маблағлар сарфлашни талаб этиши маълум. Шунинг учун хом ашё ва материални тежаш маҳсулот таннарини арзонлаштиришдан ташқари ишчи кучи ва капитал маблағларга бўлган эҳтиёжни анчагина камайтиришга ҳам имкон беради. Биздаги ишлаб чиқариш кўламлирида хом ашё ва материалларни тежаш жуда катта қўшимча резервга айланади.

Маҳсулотни ишлашга кетадиган материални камайтиришдан кўпроқ натижа олишни таъминламоқ учун янги илмий-технавий, конструкторлик ечимлари, хом ашёни қайта ишлашнинг янги технология режимлари талаб этилади, буюм вазини енгиллаштириш талаб этилади. Маълумки, буюмнинг вазини оғир бўлиб чиққанлиги унинг техникавий сифатлари юксак эканлигидан мутлақ далолат бермайди. Аксинча, одатда бирмунча енгил буюмлар техникавий жиҳатдан такомил буюм ҳисобланади. Машинанинг техникавий жиҳатларини сақлаб қолгап ёки ҳатто бирмунча яхшилаган ҳолда унинг вазини камайтириш учун конструкторлик ечимлари даражасини ошироқ, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг умумий техника даражасини ошириш зарур. Шундай қилиб, маҳсулот ясашга кетадиган материал сарфини камайтириш шу соҳадаги, шу корхонадаги ишлаб чиқаришнинг илмий-техника даражасини баҳолашнинг мезонларидан бири бўлиб қолмоғи керак. Ишни шундай ташкил этмоқ керакки, хом ашёдан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлсин. Бу ишда зомонавий илмий методлар ва технологиядан ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кенг кўламда фойдаланиш билан бир қаторда тежамкор-

лик, сарфланадиган материалларни қатъий равишда ҳисобга олиб боришнинг катта аҳамияти бор. Ҳар бир корхонанинг планида шу нарса назарда тутилмоғи керак.

Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш борасида катта ишлар ўтказилмоғи зарур. Шунинг айтиб ўтмоқ лозимки, бир қатор тармоқларнинг кўпгина корхоналарида сарфланган фонддан наф кўриш ҳамон паст даражада, яъни асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш оз.

Сарфланган фонддан кўпроқ наф кўриш даражаси лойиҳалаш сифатига ва қурилиш нархига кўп жиҳатдан боғлиқ. Биз янги корхоналар ва ишлаб чиқаришларда асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш, рентабеллик ва меҳнат унумдорлиги эскиларидан юқорироқ бўлиши кераклигига асосланмоғимиз лозим. Бу нарса лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларидан янада самарали, техникавий ечимлар бўлишини, қурилиш муддатлари анчагина қисқартирилиши ва арзонга туширилишини, саноатдан эса янги ишга туширилган фондлар ва қувватлар янада тезроқ ўзлаштирилишини талаб этади.

Айтилган гапларнинг хулосаси шуки, ижтимоий меҳнатнинг умумий сифатлари ва шартлари мукаммаллаштирилади. Меҳнатнинг исбот қилишга эришмоқ учун самарадорлигининг меҳнат унумдорлиги, буюм ясашга материал сарфини камайтириш, сарфланган фонддан кўпроқ наф кўриш каби ҳар бир кўрсаткичнинг яхшиланishiга эришмоқ зарур.

Директивалар лойиҳасида кўзда тутилган ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигининг юксалтирилиши тўққизинчи беш йилликда катта социал программанинг бажарилиши учун ишончли база яратиб беради. Бу программа:

аҳоли барча табақаларининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадидаги тадбирлар системаси амалга оширилишини;

меҳнат ресурсларидан янада рационал фойдаланишини, меҳнат шароитлари яхшиланишини;

аҳоли оладиган даромадларни тақсимлаш механизм, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш системалари такомиллаштирилгани ҳолда шу даромадларнинг ўсиши кўпроқ кўпайтирилишини;

ёш авлодни тарбиялашга, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатишга ва хотин-қизларнинг меҳнат ва рўзғор шароитларини яхшилашга ажратиладиган маблағлар анча кўпайтирилишини;

аҳолининг маданий-техника даражаси янада ўстирилишини, умумий ўрта маълумотни жорий этиш поёнига етказилишини;

қишлоқ билан шаҳар аҳолисининг турмуш даражаси анча яқинлаштирилишини назарда тутди.

Халқ фаровонлигининг ўсиши умуман шу билан характерланадики, янги беш йилликда аҳоли реал даромадларининг жами

суммаси 72 миллиард сўмгача кўпаяди. Ҳолбуки, ўтгап беш йилликда 55 миллиард сўмгача кўпайган эди. Реал даромадлар аҳоли жоп бошига ҳисоб қилинганда тахминан 30 процент кўпаяди.

Душманларимиз социалистик тузум гўё меҳнатни юксак даражада ташкил этолмайди, ишчиларни ўз қобилиятларини ишга солиш ва камол топширишларига қизиқтиролмайди, деб беҳабар кишиларни ишотиришга уриниб, социализмга бўҳтон қилмоқдалар. Аспда эса социализм билан коммунизм — эркин ижодий меҳнат тантанасидир. Социалистик давлат ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини ўстириш, унинг малакасини ошириш учун плапли равишда шарт-шароитлар яратиб беради ҳамда мана шунинг асосида бутун халқнинг оладиган даромадлари кўпайиши ва фаровонлиги яхшиланишини таъминлайди. Ҳозиргача кўп ишлар қилиб қўйилди. Тўққизинчи беш йилликда эса жамиятимизда барча меҳнаткашларнинг самарали фаолияти учун янада кўпроқ ишлар қилинади.

Ўртоқлар! Совет экономикаси капиталистик экономика олдидаги шак-шубҳасиз афзалликларини ўз тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳамisha яққол намоиш қилиб келмоқда.

Бу афзалликлар тарихан қисқа муддат ичида техника жиҳатидан замонавий катта индустриал база яратишга, халқ хўжалигининг барча соҳалари учун юқори малакали ходимлар кўп миллионли армиясини тарбиялаб етиштиришга, жуда катта табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб қилишга имкон берди. Бизнинг экономикамиз на кризисларни, на таназулларни, наинки бошқа иқтисодий ларза-зарбаларни билади.

Мамлакатимизнинг шахдам қадам билан олға бораётганлиги даставвал иқтисодий ўсиш суръатларида, ишлаб чиқариш потенциални тез ўстира билишда ўзининг ифодасини топмоқда. Сўнгги даврнинг (1970 йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) маълумотлари қуйидагилардан иборат.

Миллий даромадн икки баравар ошириш учун Америка Қўшма Штатларига 20 йил, Англияга 30 йилдан кўпроқ, Германия Федератив Республикасига 15 йил талаб қилинган бўлса, Совет Иттифоқига ижтимоий ишлаб чиқариш кўламлари жуда катта бўлсада, 10 йилгина керак бўлди.

АҚШ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтириши учун унга 18 йил, Англияга 22 йил, Германия Федератив Республикасига 11 йилдан кўпроқ вақт талаб қилинган бўлса, Совет Иттифоқига 8 ярим йил кифой қилди.

АҚШ асосий ишлаб чиқариш фондларини 22 йилда, Англия 19 йилда, Германия Федератив Республикаси 10 йилда икки баравар кўпайтира олган бўлса, Совет Иттифоқи бу ишни 8 йилда бажарди.

Социалистик экономикамизнинг одимлари мана шундай. Бу одимлар халқ хўжалигимиз тараққиётининг планлилиги ва динамикидан яққол далолат беради. Юқорида кўрсатилган капитализм мамлакатларининг биронтасидаги экономика бундай динамикликни билмайди.

Бир-бирига зид икки ижтимоий тузум иқтисодий мусобақасида биз ҳали узоқ ва қаттиқ кураш олиб боришимизга тўғри келди. Биз коммунистлар бу кураш пиروвард-оқибатда социализм фойдасига ҳал бўлишига ишончимиз комилдир.

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларининг амалга оширилиши экономикамизнинг янада юксалтирилишини таъминлайди, совет кишиларининг турмуш даражасини анчагина оширишга имкон беради.

3. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўртоқлар! Директиваларнинг лойиҳасида моддий ишлаб чиқариш барча соҳаларини кенг кўламда ривожлантириш программаси бор. Мен баъзи жуда муҳим вазифалар муҳимроқ бўлишига ишонаман.

Сапоат. 1975 йилда сапоат маҳсулоти ишлаб чиқаришини 528—544 миллиард сўмгача етказиш мўлжалланади. 1965 йилда 248 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришганидан

ўтаман. Шундан қилиб, ўн йил мобайнида мамлакатимизда сапоат ишлаб чиқаришининг ҳажми икки баравардан зиёд кўпаяди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришининг тўхтовсиз кўпайиб бориши сапоатимиз тараққиётининг қонуниятидир. Янги беш йилликда сапоатнинг барча тармоқларини тез ривожлантириш кўзда тутилади. Қуйида бир неча рақамларни мисол қилиб келтираман. Уч беш йилликда сапоат маҳсулоти ишлаб чиқариш қаячалик ўсиб борганлиги шу рақамлардан кўриниб турибди. Масалан, еттинчи беш йилликда сапоат маҳсулотининг мутлақ ўсиши 84 миллиард сўмни, саккизинчи беш йилликда 125 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, тўққизинчи беш йилликда 155—171 миллиард сўмга боради.

Оғир сапоат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, халқ фаровонлиги бундан буёнги ўсишининг негизи бўлиб келган эди ва шундай бўлиб қолаверади. Оғир сапоат техника тараққиётини, бутун халқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ҳамда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш билан боғланган тармоқлар ривожланишини, шунингдек Совет давлатининг муҳофаза қобилияти мустақамланганини таъминлайди. Бу вазифаларнинг халқимиз учун биринчи даражали аҳамияти бор. Оғир сапоат ходимлари бу вазифаларни шараф билан удалай оладилар, деб ишонамиз.

Даставвал ёқилғи-энергетика тармоқлари хусусида гаширмоқ зарур. Халқ хўжалигининг ёқилғи ва энергетикага нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини ва аҳолининг талабларини қондириш, ёқилғи-энергетика баланси структурасини такомиллаштириш ана шу тармоқларнинг вазифасидир.

Янги беш йилликда ёқилғи ва электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмлари қуйидагича бўлади:

	Ишлаб чиқариш ҳажми		Ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши	
	1970 й.	Директивалар лойиҳасига кўра 1975 йида	саккизинчи беш йилликда	тўққизинчи беш йилликда
Электрэнергия—миллиард килловатт-соат	741	1030—1070	234	289—329
Нефть (газ конденсатсиз)—млн. тонна .	349	480—500	107	131—151
Табий газ—млрд. куб. метр	198	300—320	70	102—122
Кўмир—млн. тонна	624	685—695	46	61—71

Беш йил ичида электр станцияларининг 65—67 миллион килловаттлик янги қувватлари ишга туширилади. Шуниси муҳимки, қувватлар жами ўсишининг 12 процентини атом электр станциялари беради.

Янги беш йилликда атом электр станцияларини кенг қўламда қуриш программасини амалга оширишга киришамиз. Атом электр станциялари даставвал мамлакатимизнинг ёқилғи ресурслари чекланган Европа қисмида қурилади. Бу программа 10—12 йил мобайнида жами қуввати 30 миллион килловаттлик атом электр станциялари ишга туширилишини кўзда тутди. Натижада кўмир саноатини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар 3 миллиард сўм қисқаради. Машинасозлигимиз атом электр станциялари учун керакли миқдорда машина-ускуналар ишлаб чиқаришга ҳали тайёр бўлмаганлигидан биз ўтган беш йилликда шундай программани бошлаш олмадик.

Тўққизинчи беш йилликда электр энергетикасини ривожлантиришда шу соҳадаги техникавий тараққиётни янада жадаллаштиришга қаратилган бошқа туб ўзгаришлар ҳам содир бўлади. Иссиқлик энергетикасида энергетика блоклари фақат 300 минг килловаттгина эмас, балки 500 минг, 800 минг ва 1 миллион 200 минг килловатт келадиган 4 миллион килловатт қувватли катта-катта электр станциялари қуриш мўлжалланади. Бундай катта блокли электр станцияларининг қурилиши ёқилғининг анча тежаллигини таъминлайди ва энергетикада меҳнат унумдорлигини кескин ошириб юборади.

Ўтган беш йилликда мамлакатимизнинг Европа қисмида бирлашган энергетика системаси вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда СССРнинг бирлашган энергосистемасини яратиб давом эттирилади. Биз тез орада Сибирь ва Қозоғистондан Европадаги районларга электр энергияси юбора оладиган бўлиб қоламиз. Қарийб барча колхоз ва совхозлар давлат энергетика системаларига уланади.

Тўққизинчи беш йилликда Тюмень билан Мағишлоқдаги янги улкан конлардан кенг кўламда нефть қазиб чиқариш авж олдирилади. Нефть қазиб чиқариш жами ўсишнинг 75 проценти шу жойларга тўғри келади. Мамлакатимизнинг Европа қисмидаги нефть қазиб чиқарилувчи эски районларда ер бағридан нефтни янада тўлароқ чиқариб олиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этмоқ учун нефтли қатламларга самарали таъсир кўрсатиш методларидан кенгроқ фойдаланмоқ зарур. Асосан Оренбург области, Коми АССР, Тюмень области, шунингдек Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРдаги янги ноёб конларни ўзлаштириш ҳисобига газ қазиб чиқаришнинг катта ўсишига эришилади. Бу конлар мамлакатимизни газ билан таъминловчи катта-катта базалар бўлиб қолади. Катта диаметрли қувурлар ётқизилади. Бу қувурлар нефть ва табиий газни қазиб чиқариладиган районлардан энг энг катта завоқ учунчи районларга юмша юми мингорта юмишнинг километрлик масофадан юят самарали тарзда ҳайдаб ўтказишга имкон беради.

Нефтни қайта ишлаш соҳотида юнори сифатли нефть маҳсулотлари: олтишугурти оз дизель ёшилгиси, октави кўи автомобиль бензини, юксак самарали қўшимча моддаси бўлган мойни кўпроқ ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилиши керак.

Директиваларнинг лойиҳаси кўмир қазиб чиқаришни анча арзонлаштирмоқ ҳамда шахтёрларнинг меҳнат шароитларини яхшиламоқ учун кўмир соҳотини техника жиҳатидан қайта қуролантиришни кўзда тутуди. Йирик карьерларда кўмирни очиқ усул билан қазиб олиш кўпроқ ривож топади, қазиб чиқариладиган кўмирнинг салкам учдан бир қисми ана шу усул билан олинади. Оғир ишларни, айниқса ер остидаги ишларни комплекс равишда механизациялаш ва автоматлаштириш кўмир соҳотидаги меҳнат унумдорлигини ўтган беш йилликдаги 16 процент ўрнига тахминан 40 процентга қадар оширишга имкон беради. Бунинг маъноси шунки, янги беш йилликда кўмир қазиб чиқаришнинг 11 процент ўстирилишига ходимлар сонини 20 процент камайтирган ҳолда эришилади.

Хом ашё ривожлантирилиши хусусида тўхталиб ўтиш лозим бўлган соҳаларнинг иккинчи катта группасидир. Бу соҳанинг асосий вазифаси халқ хўжалигини навбатдаги ишлов бериш учун кўпроқ тайёр ҳолга келтирилган хилма-хил хом ашё ва юқори

сифатли материаллар билан зарур миқдорда таъминлашдан иборатдир.

Директивалар лойиҳасида хом ашё ва материаллар энг муҳим турларини қуйидаги ҳажмда ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

	Ишлаб чиқариш ҳажми		Ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши	
	1970 йил	Директивалар лойиҳасига кўра 1975 йилда	салқинчи беш йилликда	тўққизинчи беш йилликда
Пўлат—миллион тонна	116	142—150	25	26—34
Химия ва нефть химияси sanoati маҳсулоти—млрд. сўм	21,1	36,2	9,3	15,1
Пластмасса ва синтетик смолалар—минг тонна	1672,6	3457	869,7	1784,4
Химиявий тола—минг тонна	623	1050—1100	216	427—477
Целлюлоза—минг тонна	5110	8490	1875	3380
Қоғоз—минг тонна	4185	5560	954	1375
Цемент—миллион тонна	95	122—127	23	27—32

Беш йилликда қора металллар ишлаб чиқариш 28 процент, рангли металллар ишлаб чиқариш 40 процент кўпаяди.

Металлургияда агрегатларнинг яқка қувватлари анча оширилади. Фойдали ҳажми 3200 куб метр келадиган домна печларини қуришни бундан кейин ҳам давом эттириш мўлжалланади, 1975 йилда эса ҳажми 5 минг куб метр келадиган домна печини қуриш назарда тутилган. Кислородли конверторларда эритиладиган пўлат ҳиссаси ишлаб чиқариладиган жами пўлат ҳажмининг 30 процентига қадар кўтарилди, конверторларнинг максимал сиғими 130 тоннадан 350 тоннагача оширилади. Пўлатни узлуксиз равишда қуйиш анча кўпаяди.

Темир руда хом ашёси эритишга яхшироқ тайёрланган ҳолда ишлатилади. Metallургия машинасозларга янада кўп профилдаги ҳамда номинал ҳажмдан жуда оз четлашадиган ўлчамдаги прокатларни (аниқ заготовклар) етказиб бermoғи, бинобарин, машинасозликда уларга ишлов бериш ғоят оз даражада бўлиши керак. Қувур ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам тез ривожлантириб бориш, катта диаметрдаги газ қувурларини, машинасозлик учун юшқа деворли қувурларни, нефть ва газ sanoati учун ғоят пишиқ қувурларни тайёрловчи янги қувватларни вужудга келтириш мўлжалланади.

Рангли металллар ишлаб чиқаришининг Директивалар лойиҳасида белгиланган даражасига эришмоқ учун Братск, Красноярск ва

Иркутск алюминий заводлари қурилишини битказиш, Норилск, Жезқазган, Олмалиқ ва Гай комбинатларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш керак бўлади. Рангли металлургиянинг мустақкам ва барқарор хом ашё базасини яратишга эътиборни ошириш зарур. Олмос, олтин ва бошқа қимматли металлар қазиб чиқаришни янада кўпайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Давлат ўтган йилларда химия sanoatига сарфлаган жуда катта маблағлар янги беш йилликда тўла наф келтира бошлаши керак. Минерал ўғит ишлаб чиқариш 90 миллион тоннага етади, бунинг 80 проценти юксак концентрацияли ва мураккаб ўғитлардан иборат бўлади. Химиявий тола ишлаб чиқариш 1,7 баравардан кўпроқ, пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқариш 2 баравар, рўзгор химия буюмлари ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпаяди.

Химия ишлаб чиқаришининг ўсиши ва унинг техника билан таъминланиши миқёсларини таърифламоқ учун шундай бир мисол келтираман. Ҳозирги вақтда Невинномисси, Шимолий Донецк ва Новомосковск химия комбинатларида йилига 400—450 миң тонна аммиак ишлаб чиқарувчи агрегатлар қурилмоқда. Битта шундай агрегатнинг қуввати мамлакатимизда 1948 йилда аммиак ишлаб чиқарган барча заводларнинг қувватига тахминан баравар бўлади. 1948 йилда Невинномиссида қурилган агрегатнинг қувватидаги ишлаб турган агрегатларникига қараганда 10 баравар кўп.

Резина sanoati тез ривож топади. 1975 йилда 50 миллион дона шина ишлаб чиқарилади. Каучук ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпаяди.

Химия sanoatини жадал ривожлантирмоқ учун химиявий маҳсулотларнинг ҳамма турларини — бошланғич хом ашё, химиявий материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр буюмлар ишлаб чиқаришни бир-бирига nisbatан батамом мувозанатда бўлишига эришмоқ гоётада муҳим ишдир.

Ўрмон ва ёғочсозлик sanoatида ёғочдан янада тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоғи керак. Янги беш йилликда ёғочни комплекс, химиявий ва механик тарзда қайта ишлаш асосида ёғочдан нафли фойдаланиш коэффициентини 75 процентга қадар кўтариш мўлжалланади. Бунинг натижасида ёғоч плита ишлаб чиқариш 2,8—2,9 баравар, целлюлоза ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпаяди.

Машинасозлик бутун халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуроллантиришнинг моддий асосидир. Ҳамма тармоқларни юксак самарали машина ва ускуналар билан таъминлаш машинасозликнинг асосий вазифасидир. Янги машиналарнинг унуми анча юқори бўлиши, қувват бирлигининг қиймати пасайиб бориши зарур.

Директивалар лойиҳасида машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидаги ҳажмда бўлиши кўзда тутилган.

	Ишлаб чиқариш ҳажмлари		Ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши	
	1970 йил	Директивалар лойиҳасига кўра 1975 йилда	санъатчи беш йилликда	тўқтинчи беш йилликда
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш маҳсулоти—млрд. сўм	88	148	37	60
Автомобиллар—минг дона	916	2000—2100	300	1084—1184
Шу жумладан енгил автомобиллар—минг дона	344	1200—1300	143	856—956
Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари—млн. сўм	3074	6155	1656	3081
Енгил ва озиқ-овқат саноати машиналари ва ускуналари—млн. сўм	774	1564	267	790
Қишлоқ хўжалик машиналари—млн. сўм	2121	3500	625	1379
Тракторлар—минг дона	458,5	575	104	116,5
млн. от қучи	29,4	53	8,4	23,6
Дон комбайнлари—минг дона	99,2	138	13,4	38,8

Машинасозлар олдига халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини оғир қўл ишларини механизациялайдиган техника билан, даставвал, ҳамма соҳалардаги ва айниқса қишлоқ хўжалигидаги жуда муҳим ишларни комплекс механизациялайдиган машиналар системаси билан тўлароқ таъминлаш вазифаси қўйилади. 1975 йилга бориб қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни 65 процент, тракторлар ишлаб чиқаришни (уларнинг номенклатурасини анчагина кенгайтирган ва яқка қувватини оширган ҳолда) 25 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Автоматлаштириш асбоблари ва воситалари ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди, плмий асбобсозлик анчагина ривож топади. Электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпаяди.

Янги беш йилликда Ватан автомобилсозлигини ривожлантиришда катта силжиш бўлади. Юк автомобиллари ва автотягач машиналарининг 22 янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш вазифалари турбди. Беш йиллик планда юк автомобиллари ва ёилдиракли тракторларга шатак қилинадиган прицеплар ишлаб чиқаришни қўшимча кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилади. Беш йилликнинг жуда катта қурбалишларидан бири бўлмиш Кама автомобиль заводи йилига 150 мингта дизель автомобили ва автопоезд ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда Волжск автомобиль заводи ишга туширилмоқда. Бу завод қурилиши 1972 йилда битказилади. Заводнинг лойиҳадаги қуввати йилига 660 мингта енгил автомашина ишлаб чиқаришга етади. Ленин комсомоли номли Москва автомобиль заводи реконструкция қилиб бўлинганидан сўнг «Москвич» автомобильлари ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Бундай машиналар ишлаб чиқариш йилига 200 минг донага етади. Ижевскдаги янги завод шу йилнинг ўзидаёқ 70 минг автомобиль ишлаб чиқаради. Завод лойиҳадаги тўла қувватига эришганида йилига 220 мингта автомобиль ишлаб чиқарилади. Буларнинг ҳаммаси 1975 йилга бориб енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни 1970 йилда ишлаб чиқарилган 344 минг дона ўрнига 1 миллион 200 минг — 1 миллион 300 минг донага қадар етказишга имкон беради.

Машинасозлик ўз олдига қўйилган катта вазифаларни удалай олмоғи учун машинасозликнинг ўзини ҳам техника жиҳатидан қайта қуроллантиришни тезлаштирмоқ зарур. Бу ишда станок инструментал саноати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Янги беш йилликда ишлаб чиқарилаётган машина-ускуналар структураси анчагина яхшиланади: темирчилик-пресслаш, қуйиш ва пайвандлаш ускуналарининг, пардозловчи ва пировард жилоловчи станоклар,

қўйиш ускуналарининг, ро-боторлар ва бошқаларнинг сонини кўпайтиришга имкон беради. Автоматлаш усули билан станоклар ҳиссаси кўпайтирилади. Машинасозлик учун автомат ва ярим автомат линиялар ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилади. Ракамли программа билан бошқариладиган станоклар ишлаб чиқариш 3,0 баравар кўпаяди. Бундан станоклар меҳнат ушумдорлигини 3—4 баравар оширишга имкон беради.

Ишлаб турган заводларда эскирган ускуналарни янгиларига алмаштириш машинасозликнинг техника даражасини анча кўтарди. Ишлаб чиқариладиган жами металл қирқувчи станокларнинг 25—30 проценти ва темирчилик-пресслаш машиналарининг камида 30 проценти шундай алмашлашга кетади.

Янги беш йилликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни зўрайтириш мақсадида қатъий йўл тутилиши машинасозликни тез ривожлантиришнинг муҳим шarti бўлади. Автоматлаш даражаси юксак ихтисослаштирилган корхоналар кўпроқ ривожланади. Машина деталлари, узеллар ва инструментларни максимал даражада унификациялаш, шунингдек технология жараёнларини типовой қилиш марказлашган ва ихтисослашган ишлаб чиқаришларни кенг ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилиши керак. Айни маҳалда завод ичидаги юк кўтариш-ташиш воситалари, механизациялаштирилган қўл асбоблари, махсус ускуналар ва технологик воситалар ишлаб чиқариш анчагина қўпайтирилмоғи лозим.

Сменалар коэффициентини ошириш машинасозликнинг катта резерви бўлади. СССР Госпланининг ҳисоб-китобларига кўра, ана шу тадбир туфайли 7—8 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тахминан 6—7 миллиард сўмлик капитал маблағ-

лар тежаб қоллиниши мумкин. Меҳнатни механизациялаш смена-ликни оширишнинг муҳим замини бўлмоғи керак. Бу нарса кишиларни оғир ёрдамчи ишлардан иккинчи сменадаги малакали ишларга ўтказишга имкон беради.

Директивалар лойиҳасининг совет халқ моддий фаровонлигини анча ошириш хусусида кўзда тулган шароитларида халқ истеъ-моли буюмларини ишлаб чиқарувчи соҳаларнинг вазифалари ва роли ошади.

Директиваларнинг лойиҳасида шу соҳалар маҳсулотини қуйи-даги ҳажмда ишлаб чиқариш кўзда тутилди.

	Ишлаб чиқариш ҳажми		Ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши	
	1970 йилда	Директивалар лойиҳасига кўра 1975 йилда	санки-зиччи беш йилликда	тўққизинчи беш йилликда
Енгил саноат маҳсулоти, маданлий-маиший ва уй-рўзгор буюмлари—милрд. сўм	76,5	112,4	27,4	35,9
Мебель—милрд. сўм	2,8	4,55	1,75	1,75
Холодильниклар—минг дона	4140	6886	2465	2546
Газлама—милрд. кв. метр	8,9	10,5—11	1,4	1,6—2,1
Чарм пойфазал—миллион жуфт	676	800—830	190	124—151
Озиқ-овқат, гўшт-сут ва баллиқ саноатининг маҳсулоти—милрд. сўм	78,8	106,6	19,3	27,8

Шундай товарлар ишлаб чиқаришда белгиланган ўсшни таъминламоқ учун енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг техника билан таъминланишини кучайтирмоқ зарур. Улар учун ускуналар ишлаб чиқариш икки барабар кўпайтирилади. Масалан, тўқимачилик саноатида урчуқсиз серунум йигириш машиналари, мокисиз тўқув станоклари, оҳорловчи ускуналар, ярим автомат ва автомат поток линиялар ҳамда бошқа ускуналар ўрнатилади. Булар меҳнат унумдорлигини 1,5—2 барабар оширади. Йигириш машиналари ва тўқув станоклари ирқининг тахминан учдан бирини янги ускуналар билан алмаштириш кўзда тутилиди. Озиқ-овқат саноати хом ашёни қайта ишлайдиган, маҳсулотни бўлиб қўядиган, қадоқлайдиган ва ўрайдиган жараёнлар учун комплекс автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган линиялар олади. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини замонавий техника билан ускуналаш тўққизинчи беш йилликнинг энг катта вазифасидир. Биз бу вазифани ҳал қилмоғимиз керак.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг хом ашё базаси анча кенгайди. Янги синтетик материаллар ишлаб чиқариш кўпаяди, қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб берил ошади.

Буларнинг ҳаммаси газлама тўқиб чиқаришни 19—24 процент, трикотаж ишлаб чиқаришни 47 процент ва пойафзал тайёрлашни 18—23 процент кўпайтиришга имкон беради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча кўпаяди. 1975 йилда 1970 йилдагига нисбатан 40—43 процент кўп гўшт, 47 процент кўп балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш мўлжалланади. Шу билан бирга, гўшт ва балиқ маҳсулотларининг хили яхшиланмоғи лозим.

Директивалар лойиҳасида маданий-маиший аҳамиятдаги моллар ишлаб чиқаришни 1,8 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Беш йиллик план ишлаб чиқиладиганда СССР Госплани, иттифоқдош республикалар, министрликлар ва идоралар аҳолининг талабларини тўлароқ қондирмоқ учун шундай моллар ишлаб чиқаришни кўшимча кўпайтириш имкониятларини яна бир марта қараб чиқишлари керак.

Оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда оғир саноат катта роль ўйнашга даъват этилган. Оғир саноатнинг ҳамма тармоқлари 1975 йилда 1970 йилдагига қараганда бундай молларни қарийб икки баравар кўпроқ, машинасозлик саноати эса 2,2 баравар кўпроқ ишлаб чиқарали. Маҳаллий саноат тармоқларининг ҳалиги тармоқини ривожлантириш мўлжалланади.

Ишлаб чиқаришнинг жуда катта кўлами, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти саноат динини таъинлагани билан ҳам юксак талаблар қўймоқда. Министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг аниқ, пухта ишлаши, кўн молларни кооперация усулида етказиб бериш соҳасидаги мажбуриятларнинг бекам-кўст bajarиллиши, халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларининг синчиклаб ўрганилиши, ишлаб чиқаришни ана шу эҳтиёжларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда тез ва изчиллик билан қайта қуриш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун давлат ва халқ олдидаги юксак масъулият алоҳида аҳамиятга эга.

Саноатимизнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари аввалгидек бундан буён ҳам янги техника учун, ишлаб чиқаришни илгор даражада ташкил этиш учун, юксак меҳнат унумдорлиги учун курашнинг олдинги сафида етакчи бўлиб боришларига амин-миз.

Қишлоқ хўжалиги. Юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги коммунизм моддий-техника базасининг ажралмас қисmidир, халқнинг турмуш даражасини тез юксалтиришнинг зарур шартидир.

Тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги асосан мавжуд майдоннинг ўзида йилига ўрта ҳисобда аввалги беш йилликдагидан 16—18 миллиард сўмлик кўп маҳсулот бериши керак.

Бу беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир асосий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

	1971—1975 йил- ларда ўртача йиллик ишлаб чиқариш	Тўққизинчи беш йилликда ўртача йиллик ишлаб чиқариш- ни асосий кў- пайтириш
Қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулот—милли- ард сўмлик	96—98	15,7—17,7
Маҳсулотларнинг энг муҳим турлари натура ҳо- лида:		
дон—миллион тонна	195	27,5
пахта—миллион тонна	6,75	0,65
гўшт (сўйилган вазнда)—миллион тонна	14,3	2,7
сут—миллион тонна	92,3	11,8
тухум—миллиард дона	46,7	10,9
жун—миң тонна	464,0	6,7

Дон етиштиришни кўпайтириш энг асосий проблема бўлиб қолади. Дон экинлари ҳосилдорлиги беш йиллик мобайнида гектар бошига камида 4 центнер оширилиши керак. Бу — қийин бўлса ҳам, лекин бемалол бажариш мумкин бўлган вазифадир.

Директивалар лойиҳасида чорва туёғини ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсифлаштириш бу тармоқни янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Директивалар лойиҳасида қишлоқ хўжалигига тракторлар, комбайнлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа моддий-техника воситаларини КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорига тўла мувофиқ равишда етказиб бериш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика қувватлари беш йиллик мобайнида 161 миллион от кучи миқдорида ёки 1,5 баравар кўпайтирилади, тракторлар 540 миң дона миқдорида ёки 27 процент кўпайтирилади. Қолхоз ва совхозларга Волгоград, Харьков, Минск, Челябинск, Олтой трактор заводларида ва Ленинграддаги Киров машинасозлик заводида тайёрланган кучли тракторлар, серунум ғалла комбайнлари ва бошқа машиналар юборила бошланади. Чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялаш ва меҳнатни энгилаштириш учун керакли машина ва ускуналар анча кўп етказиб берилди.

Ўз-ўзидан равшапки, замошавий қудратли техника ундан яхши фойдаланишни, тўла сақлашни талаб қилади. Сельхозтехника томонида колхоз ва совхозларга инженерлик-техника ва ишлаб чиқариш хизматини анча яхшилаш лозим.

Қишлоқ хўжалигида электр энергиясини истеъмол қилиш ортади. У 75 миллиард ватт-соатга етади ёки ҳақиқатда икки баравар кўпаяди.

Алмашлаб экинни тўлиқ ўзлаштириш ва фақат юқори сифатли навли уруғликларни экинга ўтиш — янги беш йилликнинг муҳим вазифаларида биридир.

Деҳқончилик ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда селекция жуда катта роль ўйнаши керак. Мамлакат селекционерларимиздан ўсимликларнинг юқори ҳосилли навларини ва чорва молларининг энг маҳсулдор зотларини етиштириб беришни кутмоқда.

1970 йилда қишлоқ хўжалигига 46 миллион тонна минерал ўғит ва озуқабоп фосфат етказиб берилган бўлса, 1975 йилда 75 миллион тонна етказиб берилди. Вазифа ҳар бир тупроқ-қўлим зонасида минерал ўғитлардан фойдаланишнинг энг самарали усулларини қўлланишдан иборат. Айни вақтда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий ва биологик восителарини ишлаб чиқариш ва тарқатиш лозим.

Ери қора тупроқли бўлмаган минтақада ҳамма жойда шўр хок ерларни дастлабки оҳаклаш тугалланади.

Пил беш йилликнинг охирида муҳим тармоқларда селекция ва селекция программани амалга оширишга, сугориладиган ерларда муттасил мўл товар дон етиштирадиган базани вужудга келтиришга катта эътибор берилиши керак.

Сугориш системалари қуришни жадаллаштириб, Волга бўйида, Шимолий Кавказда ва Украинанинг жанубида камда бир ярим миллион гектар сугориладиган ерга эга бўлиш, Ўрта Осиёда эса 650 минг гектар ерни ишга солиш керак. Захкаш зонада 5 миллион гектар ернинг захани қочириш ишларини бажариш белгиланган. 41 миллион гектардан ортиқ майдондаги яйловга сув чиқарилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигига (давлат ва колхоз маблағларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) салкам 129 миллиард сўм ҳажмида, яъни ўтган беш йилликдагига қараганда 47 миллиард сўм кўп капитал маблағ сарфлаш белгиланмоқда. Бундан ташқари беш йил мобайнида қишлоқ хўжалигини моддий техника билан таъминлашга алоқадор тармоқларга (минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик машиналари, омухта ем, электр энергия ишлаб чиқаришга, шунингдек микробиология саноатини ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга) сарфланган капитал маблағ беш йиллик мобайнида 11,5 миллиард сўм миқдоридан кўпайтирилиб, 29,3 миллиард сўмга етказилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни кўп даражада механизациялаш, унинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг саноат негизига кўчириш йўлида олға томош қатта қадам ташлаш имконини беради.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришни тезроқ кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун колхоз ва совхозларда механизациялаштирилган чорвачилик фермалари қуриш, шаҳарлар яқинида саноат усулида чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган йирик давлат, колхоз ва колхозлараро комплекслар, шунингдек паррацдачилик фабрикалари барпо этиш мўлжалланмоқда.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш чорвачиликни ривожлантиришдаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Озуқа экинлари етиштиришга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, улар учун кўпроқ минерал ўғит ажратиб бериш, уруғчиликни илмий асосда олиб бориш, табиий инчанзорлардан ҳам омилкорлик билан фойдаланиш зарур.

Беш йиллик охирига бориб давлат корхоналари омухта ем ишлаб чиқаришнинг камидан 30 миллион тоннага ва оқсил витаминли қўшимчалар ишлаб чиқаришнинг 1 миллион тоннага етказилади. Колхоз ва совхозларда етиштирилган дондан ва давлат корхоналаридан олинадиган оқсил витаминли қўшимчалардан фойдаланиб, шу хўжаликларнинг ўзида омухта ем ишлаб чиқаришнинг кенг кўламда йўлга қўйиш зарур.

Қишлоқ аҳолисининг шахсий хўжалигидаги чорва моллар ва паррандаларни (муайян нормалар доирасида) кўпайтиришни рағбатлантириш ва чорва молларини озуқа билан таъминлашда ҳамда уларга яйлов ажратиб беришда ёрдам бериш керак.

Янги беш йилликда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми маъқуллаган ва ўзини тўла-тўқис оқлаган принциплар — ҳамма йиллар учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлашнинг қатъий планини белгилаб қўйиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг энг муҳим турларини давлатга пландан ташқари сотган хўжаликларни рағбатлантириш принциплари сақланиб қолади. Бундай шароитларда ишлаб чиқаришнинг ўстириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳисобига рентабелликни ошириш лозим.

Биз маҳсулотни етиштириш, асраш ва ташинишнинг ҳамма босқичларида унинг нобуд бўлишини жуда камайтиришга, омборлар ва музхоналар ҳажмини анча кенгайтиришга, омбор хўжалигини яхшилашни таъминлашга эришмоғимиз керак. Маҳсулотнинг бир қисми истеъмолчига етиб бормаётганлиги сизгари аҳволга чек қўйиш керак. Истеъмолчига етиб бормаётган маҳсулотнинг мана шу қисмини ишлаб чиқариш учун одамларимизнинг меҳнати сарф бўлган-ку, ахир.

Янги беш йилликда транспорт ходимлари юк оборотини 32—35 процент кўпайтиришлари, бунда темир йўл транспортда ўсишнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришишлари лозим.

Бутун юк оборотининг салкам учдан икки қисмини ҳозирги вақтда темир йўл транспорти таъминлаб турибди. Ўтган беш йилликда биз темир йўллари локомотивларнинг прогрессив турларига ўтказишни асосан тугаллаш вазифасини қўйган эдик. Бу вазифа ҳал этилди: ҳозир ҳамма юкларнинг 96,5 проценти электровозлар ва тепловозлар ёрдамида ташиб берилмоқда. Тўққизинчи беш йилликда 6—7 минг километр узунликдаги темир йўл электровозлар билан ишлашга кўчирилади. Анча кучли локомотивлар ишлаб чиқарилади, бу эса поездлар вазини ва ҳаракат тезлигини ошириш имконини беради. Машинасозлар темир йўллар учун 420—430 мингта юк вагонлари, асосан нуқул металлдан тайёрланган, кўп юк ортиладиган, роликли подшипниклар билан таъминланган вагонлар етказиб беришлари лозим.

Энг кўп юк ташилайётган йўлларда, масалан, Москва — Қозон — Свердловск, Ленинград — Мурманск, Целиноград — Барнаул, Қарағанда — Тошкент йўлларида иккинчи излар қуриш кўзда тутилмоқда. Станция олди йўллари ривожлантиришга, поездлар ҳаракатини бошқаришга автоматика ва телемеханиканинг замонавий воситаларини жорий этишга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Беш йилликда бир қанча янги темир йўллар қуриш белгиланган. Шу жумладан, Ғарбий Сибирнинг нефть районларини мамлакатнинг темир йўл тармоғи билан туташтирадиган 700 километрли Тюмень — Сургут магистралини, шунингдек, Шарқий Сибирда Усть-Илим ГЭСи қурилайётган янги районни тезроқ ўзлаштириш имконини берадиган Хребтовая — Усть-Илим темир йўлини қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Мўлжалланган тadbирлар бажарилиши натижасида темир йўллар беш йилликнинг охирига бориб, халқ хўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини анча яхшироқ таъминлаши лозим.

Автомобиль транспортни олдига энг тежамли марказлаштирилган юк ташишни кенгайтириш, корхоналарга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш ва қисқа манзилларга темир йўлларда юк ташишнинг бир қисмини камайтириш вазифаси қўйилган. Бунинг учун автомобиль транспортга анчагина миқдорда юк автомобиллари етказиб берилади.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам автобус парклари анча тўлдирлади. Таксилар, шунингдек аҳолининг шахсий енгил автомобиллари жуда кўпайтирилади.

Автомобиль транспортининг анчагина ривожлантирилиши кўплаб малакали ҳайдовчилар тайёрлашни ва автомобиль тран-

спортин ремонт-техника базасини кучайтиришни, шу жумладан автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари кенг тармогини барпо этишни талаб қилади.

Қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг узунлигини тахминан 110 миң километр кўпайтириш белгиланди. Бу рақамни биз минимал деб биламиз. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий Советлар йўл қурилиши учун қўшимча имкониятларни қидириб топишлари, маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланишлари, корхоналар, совхозлар, колхозлар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак, йўлларда хавф-хатарсиз ва тез қатнов учун уларни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаш айтиниқса муҳим ишдир.

Янги беш йилликда денгиз савдо флоти халқаро кема қатновида ҳам, халқ хўжалигининг, айтиниқса Шимол ва Узоқ Шарқ районларидаги ички юк ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ҳам ўз фаолиятини кенгайтириши керак. Флот кўнгина янги кемалар билан тўлдирилади. Кўп денгиз портлари, шу жумладан Узоқ Шарқдаги портлар кенгайтирилиши ва замонавий механизация воситалари билан таъминланиши лозим.

Дарё флотининг айтиниқса аралаш юк ташишдаги роли ортиши керак, айтиниқса

лидан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига мамлакатнинг Европа қисмидаги темир йўллар ишини бирмунча енгиллаштириш вазифаси қўйилган. Сибирийнинг

яхшиланади. Флота кўнгина кемалар, шу жумладан дарёларда ҳам, денгизларда ҳам суза оладиган кемалар берилади. Обь, Лена бўйларида, Шимоли-Ғарбий ва бошқа ҳавзаларда янги механизациялаштирилган портлар ишга туширилади.

Нефть ва нефть маҳсулотларини қувурлар орқали юбориш беш йилликда икки баравардан зиёд кўпайтирилади ва шу тариқа темир йўлларнинг иши анча енгиллаштирилади. Шу усулда газ етказиб бериш тахминан 1,5 баравар кўпаяди.

Ҳаво транспортида пассажирлар ташиш беш йил ичида тахминан 70 процент кўпаяди. Самолётлар парки замонавий реактив лайнерлар билан тўлдирилади, аэропортларда пассажирларга хизмат кўрсатиш яхшиланади, самолётлар қатновининг ва уларни қўндиришнинг автоматлаштирилган системалари янада кенг қўлланиладиган бўлади. Геология-разведка ва қидирув ишларида, бориш қийин бўлган районлардаги қурилишларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида, бошқа қатнов йўлларида узокда жойлашган районларга юк ташишда авиациядан фойдаланиш анча кенгайтирилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни кескин яхшилаш транспорт ҳамма турларининг умумий вазифасидир. Госплан, Госснаб, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар таркиб топган транспорт алоқаларини

ва истеъмолчиларни етказиб берувчиларга биркитиб қўйиш практикасини танқидий назардан қараб чиқишлари, нораціонал юк ташишларга йўл қўймасликлари керак.

Мамлакатнинг яхлит транспорт системасини ташкил этувчи транспорт ҳамма турларининг баҳамжиҳат ишлаши, юк ташишини улар ўртасида тўғри тақсимлаш, юк ташишини бошқаришни координациялаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Юк ортиш, тушириш ишларини механизациялаш ва контейнерларда юк ташишни ривожлантириш ҳамма турдаги транспорт ходимларининг энг зарур вазифасидир.

Мамлакат халқ хўжалиги ва аҳолиси алоқага йил сайин тобора юксак талаблар қўймоқда. Тўққизинчи беш йилликда ягона автоматлаштирилган алоқа системасини вужудга келтириш иши давом эттирилади. Шаҳарларо телефон алоқаси каналлари салкам икки баравар узайтирилади, шаҳарлар ўртасида автомат ва ярим автомат алоқа кенгайтирилади.

Шаҳарларда, совхоз ва колхозларда маҳаллий телефон алоқасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолига почта алоқаси хизматини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Телевидение ва радио эшиттириш соҳасида айниқса кўп иш қилиниши керак. Бунинг учун зарур бўлган ҳамма техникавий имкониятлар бор, жумладан мамлакатнинг деярли бутун территориясида телевизион кўрсатувларни қабул қилиб олишни таъминлайдиган ернинг сувъий йўлдошларидан кенг фойдаланилади.

Капитал қурилиш ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш. Янги беш йилликнинг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этиш учун капитал қурилишнинг катта программасини амалга ошириш талаб қилинади. Бизнинг олға томон қиладиган ҳаракатимиз кўп жиҳатдан ана шу программанинг муваффақиятли бажарилишига, капитал маблағлардан қай даражада самарали фойдаланилишига боғлиқ бўлади.

1971—1975 йилларда жами 500 миллиард сўмга яқин, яъни ўтган беш йилликдагидан тахминан 40 процент кўп капитал маблағ сарфланади.

Янги беш йилликнинг асосий вазифалари капитал маблағлар сарфлашдаги сибатимизни ҳам белгилайди. Шунга биноан халқ хўжалигининг айрим тармоқларига сарфланадиган капитал маблағлар пропорцияларига катта ўзгаришлар киритиш мўлжалланмоқда. Қишлоқ хўжалигига давлат йўли билан сарфланадиган капитал маблағлар 70 процентдан эпёд, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигига — тахминан икки баравар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлаштиришга — 60 процент, енгил саноатга — 90 процент, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатига сарфланадиган капитал маблағлар 60 процент кўнайтирилади. Умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол мол-

лари ишлаб чиқаришни кўнайтиришга бутун халқ хўжалигига давлат йўли билан сарфланадиган капитал маблағларнинг тахминан 30 проценти ажратилади.

Беш йил мобайнида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватларини анча оширишимиз керак. Янги беш йилликнинг энг катта қурилишларини ҳам санаб чиқишнинг имкони йўқ, чунки ҳар бир республикада электр станциялар, металл ишлаш ва химия заводлари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари қуриш мўлжалланмоқда. Янги қурилишларнинг титул рўйхати беш йиллик планни тузиш вақтида иттифоқдош республикалар ва министрликлар билан бирга аниқланади ва муҳокама қилинади.

Капитал маблағлар самарадорлигини ҳар томонлама ошириш беш йилликнинг энг муҳим иқтисодий вазифаларидан биридир. Капитал маблағлардан раціонал фойдаланишнинг конкрет йўллари танилаб олмоқ учун чуқур иқтисодий ва инженерлик ҳисоб-китоблари қилиниши лозим. Ишлаб турган корхоналарда илгор технологияни жорий этиш, асқирган ускуналарни модернизация қилиш ва янгилари билан алмаштириш ҳисобига қувватларни кўнайтириш энг кўп самара беради.

Корхоналарнинг техникаси билан капитал кўнайитиришда, ҳисоб-китобларини алмаштириш ва модернизациялашда, меҳнат шароитларини яхшилашда корхонани ривожлантириш фондининг маблағлари катта роль ўйнай берилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, корхоналар билан бирлашмалар беш йил мобайнида ана шу мақсадларга ўтган беш йилликдагига нисбатан тахминан икки баравар кўп маблағ сарфлай оладилар. Панда ана шу фондлар ҳисобига амалга ошириладиган ишларни зарур материаллар билан таъминлаш кўзда тутилган. Министрликлар билан идоралар ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳисобига ўтказиладиган қурилиш юзасидан белгиланган планларни бажаришда уларга ёрдам беришлари, ана шу маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини кузатиб туришлари керак.

Лойиҳалаш сифатини ошириш керак, қурилишнинг смета қийматини нотўғри белгилаш ҳолларига барҳам бериш лозим. Смета капитал маблағлар планининг ҳамда буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги хўжалик ҳисоби муносабатларининг қатъий негизи бўлиб қолиши керак. Бу ишда аниқ тартиб ўрнатилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат капитал қурилишни планлаштиришни ва лойиҳа-смета ишини тубдан яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилди. Ана шу қарорларни тезроқ амалга ошириш зарур. Министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Госстрой лойиҳалаш масалалари билан чуқурроқ шуғулланишлари, лойиҳаларнинг сифати устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Мамлакатимизда йирик қурилиш-монтаж ташкилотларига, ма-лакали кадрларга, кўпдан-кўп машина ва механизмлар паркига эга бўлган қудратли қурилиш индустрияси барпо этилган.

Ўтган беш йилликнинг ўзида пудрат ташкилотларининг асо-сий ишлаб чиқариш фондлари 83 процент, қурилишдаги меҳнат-нинг механизмлар билан таъминланиши 53 процент оширилди. Шу беш йилликда қурилиш индустриясини янада ривожланти-ришга саккизинчи беш йилликдаги 11,5 миллиард сўм ўрнига сал-кам 15 миллиард сўм ажратиб мўлжалланмоқда.

Қурилиш муддатларини кескин камайтиришга эришиш — ҳо-зир ҳамма қурилиш ташкилотлари, буюртмачиларнинг ва уску-налар етказиб берувчиларнинг энг асосий вазифасидир. Замо-навий қудратли ва серунум қурплмалар ва технология комплек-слари шариҳтида қурилишда тежаб қолинган ҳар бир кун энг муҳим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириши мумкин. Чунончи, йирик домна печини қуриш муддатини атиги бир кун камайтириш йўли билан 8—10 минг тонна чўян олиш мумкин, 6 миллион тонна қувватга эга бўлган нефтни қайта иш-лаш комбинациялаштирилган қурилмаси бир кунда тахминан 500 минг сўмлик маҳсулот бера олади.

Директивалар лойиҳасида капитал маблағларни марказлашти-риб, айни бир вақтда қурилайтган корхоналар ва объектлар сонин-ни камайтириш, уларни тезроқ ишга тушириш кўзда тутилган.

Беш йиллик плавни тузиш ва унинг топшириқларини йиллар бўйича белгилаш вақтида капитал қурилиш программасини қури-лиш ташкилотларининг моддий-техника ресурслари ва қувватла-ри билан узвий равишда боғлашни таъминлаш керак.

Қурилишда бултур жорий этила бошланган хўжалик ислоҳоти ҳам қувватларни ва объектларни пормада белгиланган муддатлар-да ишга туширишни таъминлашга хизмат қилади. Қурилиш таш-килотининг молжавий ва хўжалик фаолиятига эҳдиликда қувват-ларни ишга тушириш топшириқларини бажаришига қараб баҳо бериллади, шу ташкилотда таркиб топадиган рағбатлантириш фонд-ларининг миқдори ҳам бевосита ана шунга қараб белгиланади. Беш йиллик мобайнида ҳамма қурилиш ташкилотларини план-лаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказишни тугаллашимиз, қуриб битказилган объектлар ёки иш босқичлари учун ҳисоб-китоб қилишнинг прогрессив формаларига кўчишимиз лозим.

Қурилиш ходимлари олдида беш йиллик топшириқларини асли-да ходимлар сонини кўпайтирмай туриб, яъни меҳнат унумдорли-гини ошириш ҳисобига бажаришдан иборат масъулиятли вазифа турибди.

Бунинг учун қурилиш ишларини механизациялаш даражасини ошириш зарур. Янги беш йилликда қурилиш ташкилотларига экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар, кўчма кранлар етказиб

берилши 30—40 процент кўпайтириш ва кичик механизация воситалари етказиб берилши икки марта кўпайтириш мўлжаллаб кўйилди.

Смепаларни кўпайтириш, машиналарнинг бекор туришини камайтириш, техника хизматини яхшилаш — қурилиш техникасидан яхшироқ фойдаланишнинг конкрет йўлларидир. Ремонт-эксплуатация базасининг қувватини анча кўпайтириш, унинг техника даражасини ошириш зарур.

Қурилишларда иш вақтининг бекор ўтишини қисқартириш меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резервидир. Иш вақти бекор ўтишининг сабаблари асосан қурилиш ишларини ташкил этишдаги камчиликларга боғлиқдир.

Ишларни ташкил этишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва кенг жорий қилиш зарур. Жумладан СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги билан СССР Қурилиш министрлиги Горький автомобиль заводида қўллаган усул, яъни йирик цехларни йиғиш ва қуришнинг конвейер усули диққатга сазовордир.

Янги беш йилликда иморатлар ва ишшоотлар қуришда заводларда тўла тайёрланган йиғма конструкциялардан кенг фойдаланиш лозим. Иморатлар ва ишшоотлар вазнини енгиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу йилликда қурилиш ва ишшоот конструкциялардан кенг фойдаланиш имконияти бор. Янги беш йилликда алюминийдан бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқарадиган янги заводлар ишлаб қурилади. Бундан бу конструкциялар анча кенгайдн.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш структурасига катта ўзгаришлар киритилиши, пардозлаш материаллари, заводда тўла тайёрланган буюмлар, теплоизоляция материаллари, шунингдек уй-жой, граждн ва ишлаб чиқариш қурилиши эҳтиёжлари учун юқори сифатли санитария-техника ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур.

Цемент ишлаб чиқариш янада ривожлантирилиши керак. Цемент ишлаб чиқариш 1975 йилга борганда 122—127 миллион тоннага етказилади. Шунингдек ойна, шифер, томга ёппадиган юмшоқ материаллар, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилади.

Қора металлургия қурилиш ташкилотларига юксак ва оширилган пишиқликдаги пўлатлар, эвлик қўштавр балкаларни, эгик профилларни, профиланган пўлат тўшамаларни кўпроқ етказиб беради.

Химия саноати қурилиш учун керакли синтетик материаллар ишлаб чиқариши ва турларни анча кўпайтириши ҳамда уларнинг сифатини ошириши зарур. Пенополистирол, лаклар, бўёқлар ва конструкцияларни занглашдан сақлайдиган материаллар ишлаб чиқариши анча кўпайтириш лозим.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноати қурилиш ташкилотларининг юқори сифатли дурадгорлик буюмларига бўлган талабини янада тўлиқ қондириши керак.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бир қанча районларда маҳаллий материаллар етарли равишда ишлаб чиқарилмаётганлиги сабабли қурилиш муддати кечикиб кетмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва қурилиш министрликлари ишлаб чиқаришнинг ана шу тармоғини ривожлантиришни планларда кўзда тутишлари зарур.

Қурилишлар энг кўп бўлаётган жойларда, айниқса мамлакатнинг Шарқий районларида қурилиш конструкциялари, деталлар ва монтаж заготовкालари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар вужудга келтириш соҳасида қурилиш министрликлари олдда катта вазифалар турибди.

Қурилиш муддатларининг қисқартирилиши кўп жиҳатдан заводда тўла тайёрланган технология усқуналарини белгиланган муддатларда комплект тарзда етказиб беришга боғлиқ. Бу жиҳатдан олганда химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг технология усқуналарини комплект тарзда етказиб бериш практикаси ижобий баҳога сазовор бўла олади. 180 минг тонна кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқарадиган станок заводда тўла-тўқис тайёрлаб берилганлиги туфайли мана шу станок Новомосковск химия комбинатида нормада белгиланган 23 ой ўрнига 15 ой ичида қурилиб ишга туширилди. Бошқа министрликлар ҳам бу яхши ишдан ўрнак олишлари лозим. 1971—1975 йилларда қурилиш объектларига усқуналарни комплектлаб етказиб бериш планлари ҳам беш йиллик план билан бирга тасдиқланishi керак.

Ҳозир бизнинг қурилишларимизда етти миллион нафар киши ишлаб турибди. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат қурилиш кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини оширишни кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қурувчиларнинг иш ҳақи анча оширилди. Эндиликда уларга кўпроқ уй-жой ажратиб берилмоқда, уларнинг маиший шароитлари яхшиланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси қурувчи кадрларнинг мустаҳкам муқим бўлиб қолишига ёрдам беради.

Қурувчилар ва монтажчилар олдига катта вазифалар қўйилган. Улар беш йилликка мўлжалланган программани бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар деб ишонч билдиришга пажозат бергайсиз.

* *
*

Ишлаб чиқарувчи кучларни тўғри жойлаштириб, шу тариқа барча иттифоқдош республикаларнинг индустриясини янада ривожлантиришни, ленинча миллий сиёсатнинг пачил амалга оши-

рилишини таъминлаш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Янги беш йилликда Европа шимолидаги, Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги бой табиий ресурсларни жадал ўзлаштириш соҳасида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз керак. Умумийтифоқ аҳамиятига эга бўлган бир қанча янги саноат районлари ва узеллари, чунинчи Ғарбий Сибирь нефть-газ райони, Шарқий Сибирда Братск-Усть-Илим ва Саян районлари, Тожикистонда Норақ райони ва бошқа шу сингари районлар ва узеллар барпо этилади. Шарқий районларда кўп энергия талаб қиладиган янги корхоналар, асосан рағли металлургия ва химия саноати корхоналари кўпроқ қурилади, қора металлургия, ёғочни мукамал қайта ишлаш анча ривож топади. Дастлабки ҳисоб-ки-тобларга қўра беш йилликнинг охирига бориб, бу ерда бутун алюминийнинг 70—73 процентини, целлюлоза ва картоннинг тахминан учдан бир қисmini ҳамда кўп энергия талаб қиладиган бошқа маҳсулотларнинг кўп хилларини ишлаб чиқарадиган бўлиб қоламиз.

Шимолӣ ва Шарқий районларни ривожлантириш юзасидан белгиланган программани амалга ошириш учун шу районлардаги муҳим қурилиш ва саноат объектларини мустақиломани ва аниқларини тузиш зарур. Экинчи, коммунал ва маданий-маиший қурилишни илдам суръатлар билан олиб бориб, шу тариқа малакали кадрларнинг бу жойларда янада мустаҳкам ўрнашиб қолишини таъминлаш муважжаллашни керак.

Янги беш йиллик барча Иттифоқдош республикалар саноати ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш даври бўлади. Республикаларнинг жуда кўпчилигида сапоат ишлаб чиқариши 40—50 процент ва ундан ҳам кўп ривожланади. Ҳамма иттифоқдош республикалар олдида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни ривожлантириш базасида қишлоқ хўжалиқ маҳсулоти етиштиришни кўнайтириш соҳасида катта вазифалар турибди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш хўжалиқ қурилиши суръатларини жадаллаштириш, умумдавлат манфаатлари билан иттифоқдош республикаларни ва ихтисосий районларни ривожлантириш манфаатларини тўғрироқ ва тўлароқ қўшиб олиб бориш имконини беради.

4. БОШҚАРИШ ВА ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўртоқлар! Ўтган беш йилликда халқ хўжалигини бошқаришнинг форма ва методларини социалстик экономика тараққиётининг ҳозирги босқичига мослаштиришга мўлжалланган муҳим тадбирлар ўтказилди. Бошқариш системасини қайта қуришнинг бош йўналишини КПСС XXIII съезди қарорлари белгилаб берди. Марказий Комитетнинг сентябрь (1965 йил) Пленуми «Сапоатни

бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва сапоат ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарорда бутун хўжалик механизмининг такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирларни таърифлаб берди. Бу тадбирлар партия XXIII съездида маъқулланди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принциплари янада ривожланиб бораётганлигидан далолат берувчи хўжалик ислохоти ўтказишга асос бўлди.

Саккизинчи беш йилликнинг якунлари планлаштириш ва рағбатлаштиришнинг янги системаси ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳолат катта ижобий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Янги шароитларда корхоналар коллективларининг ишнинг иқтисодий натижаларидан манфаатдорлиги кескин ошди, хўжалик кадрларининг активлиги ўсди, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш экономикаси масалаларини ҳал этишдаги иштироки кенгаймоқда.

Аммо айрим министрликлар ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги методларидан ҳали ҳам сузгачлик билан фойдаланаётганликларини айтиб ўтиш керак. Кўпинча корхоналарнинг хўжалик ҳисобига оид ҳуқуқлари камситилмоқда, иқтисодий методлар ўрнини маъмуриятчилик олмақда. Шу билан бирга қўлга киритилган тажрибалар хўжалик ислохотининг янада аниқланиш ва ривожлантиришга муҳтож жиҳатларини топишга имкон берди. Ўз-ўзидан равишанки, ислохотнинг илмий-техника тараққиётига, маҳсулот сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсирини кучайтириш ва корхоналар, бирлашмалар ҳамда министрликларнинг юксақроқ план топириқларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида планлаштириш ва рағбатлаштириш методлари, корхоналар ва бирлашмалар фаолиятига баҳо бериш мезонлари бундан буён ҳам такомиллаштирилиши керак. Бу ҳозир энг муҳим масаладир.

Хўжалик ислохоти — бир йўла амалга ошириладиган иш эмас. Бу — социалистик ишлаб чиқариш усулининг барча афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида хўжаликнинг бошқаришни такомиллаштириш жараёнидир.

Янги беш йилликда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча тармоқларга қарашли хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларни планлаштириш ва рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказиш тугалланади. Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, ислохотнинг босиб ўтилган босқичига якун ясаш ҳамда уни янада ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Совет планлаштириш усули бутун дунё тан олган ютуқларга эга. Янги ижтимоий-иқтисодий формация шароитида ташкил топган социалистик планлаштириш системаси социал-иқтисодий тараққиёт талабларига мувофиқ муттасил ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда тармоқлараро планлаштиришни яхшилаш эҳтиёжи етилди. Кўпгина йирик халқ хўжалик проблемаларини хўжаликнинг бир қанча тармоқлари иштирокида ҳал этиш зарурлиги муносабат билан тармоқлараро планлаштиришнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мисол тариқасида автомобилсозликни келтириб ўтмоқчиман. Автомобиль ишлаб чиқаришнинг мўлжалдаги ўсиши саноатнинг туташ тармоқларинигина эмас, балки йўл қурилишини ҳам, турли хизмат кўрсатадиган пунктларнинг кенг шохобчаларини ҳам ва ҳатто шаҳарларни планлаштиришни ҳам тақозо қилади. Бошқача қилиб айтганда, бизга «вертикалига» гина эмас, балки «горизонталига» ҳам ишлаб чиқиши керак бўлган комплекс планлар зарур.

Комплекс халқ хўжалик проблемаларини ҳал этиш учун узоқ муддатга мўлжалланган прогнозлар катта аҳамиятга эга. Бу прогнозлар узоққа мўлжалланган перспектив планларнинг илмий асосланган бўлишини оширишда муҳим роль ўйнаши лозим. Кейинги вақтларда илмий марказларимиз, фан ва техника комитети, Госплан томонидан транспорт, нефть ва нефть-химия саноатининг, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва химиялаштиришнинг, меҳнатнинг ёкилиги балансини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган прогнозлари ишлаб чиқилди ҳамда СССР Министрлар Совети томонидан кўриб чиқилди. Ушбу ишлаб чиқилувчи кучларни жойлаштиришнинг бош схемаси кўриб чиқилмоқда. Бу схема билан СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, айтайлик, 10—15 йилги планини ўтди туриши билан била олмаймики, бу нарса планлаштириш системасида муҳим ўрин эгаллаши лозим.

Биз фан-техника тараққиёти проблемаларини ҳар томонлама ишлаб чиқишимиз зарур. Халқ хўжалик плани кўрсаткичларининг системаси яхшиланиб, бу кўрсаткичлар барча хўжалик звеноларини ишлаб чиқаришнинг техника даражасини оширишга, илмий тадқиқотларнинг натижаларини тезроқ жорий қилишга, маҳсулотни муттасил янгилан туришга йўналтириши лозим. Янги техника бўйича плаплар бутун халқ хўжалик планининг таркибий қисми бўлиб қолиши керак, аммо шу билан бирга халқ хўжалик планининг ўзи барча бўлимларда фан-техника тараққиётига асосланиши лозим.

Планлаштиришда қўлланиладиган техника-иқтисодий нормативларни системасини ишлаб чиқишни давом эттириш зарур. Биз хом ашё, ёқилғи, электр энергияси, материаллар сарфининг, меҳнат сарфларининг илмий асосланган нормаларига эга бўлишимиз керак. Биз нормативларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиб, бу нормаларнинг техника тараққиёти ютуқлари билан бевосита алоқасини таъминлашимиз керак.

Узоқ муддатга мўлжалланган планлар ролининг кучайтирилиши, ижтимоий истеъмолни ва харидорлар талабининг ҳар томонлама ўрганш, моддий меҳнат ва молжавий ресурслардан фойда

ланишнинг прогрессив нормативлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришни баланслаштириш, социал проблемаларни ҳамда фан-техника тараққиёти проблемаларини мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти билан маҳкам боғлаган ҳолда чуқурроқ ишлаб чиқиш — планлаштиришимизнинг илмий даражасини янада оширишнинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат. Худди шу асосда планларнинг кўпроқ барқарор бўлишига ва иқтисодий нормативларнинг стабиллигига эришиш мумкин, корхоналар ва бирлашмаларнинг оптимал план топшириқларидан манфаатдорлиги таъминланиши мумкин.

Турли корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ишини, шунингдек уларнинг ривожланиш перспективаларини мослаштирувчи планларнинг бажарилиши ҳамма жойда давлат интизомининг оширилишини талаб қилади. Ҳар бир министрлик, бирлашма, корхона ходимлар коллективининг барча план топшириқларини ўз вақтида бажариш учун жавобгарлигини кучайтириш зарур. Интизомни мустаҳкамлашда ва топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлигини оширишда пухта йўлга қўйилган ижроти текшириш муҳим роль ўйнаши лозим. Йўйлардаги партия ва совет органлари, халқ контроли органлари ва уларнинг кўп миллионли активи, давлат статистика органлари партия ва ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларининг ижросини систематик текширишни ўз фаолиятларининг марказига қўйишлари керак.

Шуни айтиш керакки, план органлари планларнинг бажарилишини текширишга етарли эътибор бермаётирлар. Улар номуносибликларнинг вужудга келишига йўл қўймайдиган, планларнинг аниқ бажарилишини ва ички резервлардан энг тўла фойдаланилишини таъминлайдиган тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқишлари лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев докладада иқтисодий омиллардан моҳирона фойдаланиш, товар-пул муносабатларини таъминлаштириш зарурлигига эътибор жалб қилиб ўтилди. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шундан келиб чиқадиларки, директив планлаштириш етакчи ва ҳал қилувчи омил бўлиб, товар-пул муносабатлари халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилишни мустаҳкамлаш ҳамда хўжалик ҳисоби асосида корхоналар ва бирлашмалар ташаббусини ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланилиши мумкин ва лозим. Бизда товар-пул муносабатлари социализмга хос янги мазмунга эга. Ўз-ўзидан маълумки, биз марказлаштирилган давлат планлаштиришни ўйнайдиган етакчи ролнинг ўрнини бозорга қараб бошқариш билан алмаштирмоқчи бўлган ҳар қандай хато концепцияларни рад этамиз.

Индивидуал ва коллектив манфаатдорликни, корхонадаги айрим ходим манфаати билан бутун жамият манфаатларини мослаштириш учун иқтисодий ислоҳот имкониятларидан тўлароқ

фойдаланиш зарур, токи бу билан одамларга жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилишни ўзининг энг биринчи вазифаси ва фаровонликни оширишнинг бош манбаи деб қараш туйғуси сингдириб борилсин. Бунда корхоналар, бирлашмалар, министрликлар ходимларининг жорий натижалардангина эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган патижалардан — фан ва техника ютуқларини кели қўламда жорий қилиш ҳамда корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилашдан ҳам манфаатдорликларини кучайтириш муҳимдир. Иқтисодий омилларнинг ҳаммасини янада такомиллаштиришни ана шу мақсадларга бўйсундириб, моддий рағбатлантириш системасини беш йиллик план топшириқларининг бажарилишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш керак.

Хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга асосланган иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси халқ хўжалигида фойданинг ролини кучайтиришни тақозо қилади. Биз фойда билан рентабелликни корхоналар ва бирлашмалар ишлаб чиқариши самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари деб биламиз. Шу билан бирга фойда — корхона ва бирлашмалар хўжалик ҳисоби фондларининг асосий манбаигина бўлиб қолмай, балки давлат тартибдаги даромаддорлигининг муҳим манбаи ҳамдир.

Тўғри, фонданинги шимм ҳисобини фойда билан ва тандан шароитда кўнайитирилишига социалистик жамият бефарқ қарамайди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот танларини камантириш ва меҳнат ресурсларининг ўзларини бизнинг фойдани кўнайитириш йўлимиз ана шундан иборатдир. Давлат пархларни бузиш ёки пархни ошириш, белгиланган ассортиментга ва стандартларга риоя қилмаслик ҳисобига фойда олинган йўлидаги ҳар қандай уринишлар давлат манфаатларига зиддир. Министрликлар, идоралар, бирлашмаларининг ҳамда корхона ва парх белгилловчи органлар раҳбарларининг парх соҳасидаги давлат интизомига қатъий риоя қилиш ва поменклатура бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш планининг бажарилиши учун жавобгарлигини ошириш лозим.

Шу билан бирга фойдани тақсимлаш системасини янада такомиллаштириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларида фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда корхоналар манфаатдорлигини кучайтириш зарур.

1970 йилда саноат корхоналари ривожлантириш фондига 3,6 миллиард сўм, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондига 1,4 миллиард сўм ҳамда моддий рағбатлантириш фондига 4 миллиард сўм ажратилар. Бу фондларга жами 9 миллиард сўм ажратилди. Кўнгина корхоналар ўз фондлари ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан катта иш ўтказиб қўшимча равишда болалар боғчалари, яслилар, маданият муассасалари қура олдилар.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан коллективларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтиришда моддий рағбатлантириш фонди тобора катта роль ўйнамоқда. Утган беш йилликда саноатдаги ишчи ва хизматчилар ўртача иш ҳақининг ўсишининг чорагидан кўпроғи ана шу фондлар ҳисобига бўлди. Янги системага ўтказилган корхоналарда моддий рағбатлантириш фондидан йил якунларига қараб узлуксиз иш стажини, интизомни ва иш сифатини ҳисобга олган ҳолда мукофот тўлаш таомилга кирди. Тажриба рағбатлантиришининг бундай тартиби меҳнат унумдорлигини оширишга, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бераётганини кўрсатди.

Рағбатлантиришнинг хўжалик ҳисобидаги фондлари корхоналарнинг даромадлари ҳисобига вужудга келтирилмоқда, бинобарин ишчи ва хизматчиларнинг кенг активи улардан рационал фойдаланиш масалаларини ҳар томонлама муҳокама этишга жалб қилиниши керак. Шунин билан бирга рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш ва тақсимлаш системасини бундан бўён ҳам такомиллаштириб бориш зарур.

Халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилишдаги иқтисодий омилларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан нарх белгилаш системасига боғлиқ. Биз саноат маҳсулотига улгуржи нарх белгилашни тартибга солиш юзасидан катта иш қилдик, бунинг натижасида улар ижтимоий зарурий меҳнат сарфини аниқроқ акс эттира бошладик. Бу эса хўжалик ҳисобини янада мустаҳкамлаш учун шароит яратди. Улгуржи нархлар системасини бундан бўён ҳам яхшилаб бориш лозим. Меҳнат унумдорлиги ошиб борган, ишлаб чиқариш харажатлари камайиб борган сари биз саноат маҳсулотининг улгуржи нархларини камайтираверамиз.

Нарх белгилашнинг тўғри системаси корхоналар ва бирлашмаларнинг маҳсулотини янгилашдан, унинг сифатини яхшилашдан, фан-техника тараққиётини тезлаштиришдан манфаатдорлигини кучайтириши керак. Янги техника нархини ундай фойдаланиш қандай иқтисодий самара беришини ҳисобга олган ҳолда белгилаш керакки, бу нарса ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам фойдали бўлсин. Нарх — социалистик давлат қўлида иқтисодий бошқаришнинг қудратли омили бўлиб, биз ундан моҳирона ва самарали фойдаланишимиз керак.

Ислоҳот шароитида кредитнинг роли ошди. Оборот маблағларининг деярли ярми ва халқ хўжалигидаги асосий фондларнинг анчагина қисми кредит иштирокида ташкил топмоқда. Давлат колхозларга, колхозлараро ташкилотларга, матлубот кооперациясига ва аҳолига кредит билан катта ёрдам кўрсатмоқда. Товарлар ва хизматлар учун тўловларнинг 75 процентдан кўпроғи кредит иштирокида амалга оширилмоқда.

Утган беш йилликда умумдавлат ссуда фондидан ва оборот маблағларидан фойдаланиш яхшиланди. Беш йилликда саноатда обо-

тугатилади. Нефть ва химия саноатида ҳам шунга ўхшаш тадбирлар ўтказилди.

Химия, нефть, кўмир саноатини бошқаришнинг қайта қурилиши шуни кўрсатдики, бошқаришни ташкил этишнинг икки-уч звеноли системаси одатда энг маъбул системадир.

Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари айрим корхоналарга нисбатан жиддий афзалликларга эга. Йирик бирлашмалар составига ишлаб чиқариш корхоналари билан бир қаторда илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари киритилиши мумкин. Бу эса фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштиради, фан-техника ютуқларини халқ хўжалигига тезроқ жорий этиш учун шароит яратади.

Айрим корхонанинг мустақил равишда истеъмолчи аниқлаши, таъминот ва реализацияни ташкил этиши, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни такомиллаштириши, ёрдамчи ишларни марказлаштириши ва шу каби ишларни қилиши қийин. Бу вазифалар бирлашмалар зиммасига юклатилиши керакки, уларнинг ташкил этилиши ишлаб чиқаришни янада концентрациялашни ҳамда моддий ва молжавий ресурсларнинг зарур қисмини марказлаштиришни кўзда тутати.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тузилиши бошқарма системасини такомиллаштиришнинг янги муҳим элементиدير. Бирлашмаларнинг ривожлантирилиши хўжалик ислоҳоти имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш имконини беради.

Бирлашмаларни тузишга пухта ўйлаб ва иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда ёндошиш лозим. Корхоналарнинг бирлашмаси министрлик билан корхона ўртасида қўшимча оралиқ инстанцияларини келтириб чиқармаслиги, бошқариш аппаратини ва бу аппарат харажатларини кўпайтириб юбормаслиги керак. Министрликлар бошқаришни ташкил этишнинг ана шундай формасини жорий этиш йўлига қатъий ўтиб олишлари лозим. Съездда бу тўғрида ҳақли равишда гапириб ўтилди. Ўз-ўзидан маълумки, бирлашмаларнинг ташкилий структураси ва формалари барча тармоқларда бир хил бўлиши мумкин эмас, бинобарин бу ишда ҳали ижодий изланиш керак бўлади.

Филлаларга эга бўлган йирик бош корхоналар, шунингдек бош ташкилот вазифасини илмий-тадқиқот ташкилоти бажариши керак бўлган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари — ишлаб чиқариш бирлашмаларининг мақсадга мувофиқ формасидир. Бирлашмаларнинг фирма магазинларини ташкил этиш — бирлашмаларнинг маҳсулотни реализация қилиш учун масъулиятини оширишнинг ҳамда истеъмолчилар талабини бевосита ўрганишнинг фойдали формасидир.

Ленинграддаги оптика-механика бирлашмаси, «Светлана», «Поэтирон», Москвадаги Лихачев номи автомобиль заводи ва «Боль-

шевичка» тикувчилик бирлашмаси сингари кўпгина бирлашмалар иши орқали ижобий тажрибани кўрсатиб бериш мумкин бўлур эди.

Бирлашмаларнинг тузилиши билан министрликлар эътиборини тармоқни ривожлантиришнинг туб, принципиал масалаларини ҳал этишга қарата оладилар. Тармоқ маҳсулотига ижтимоий талабни ўрганиш ама шундай биринчи масаладир. Бу талабни қондириш — министрлик ишига баҳо беришнинг энг муҳим мезонидир. Министрлик ҳозир бу вазифани тўла бажара олмаётган бўлса у ҳаракат планини ишлаб чиқиши, уни ҳал этиш йўллари ва муддатларини белгилаб олиши керак.

Министрликлар тармоқларнинг ривожланиш истиқболидан келиб чиқиб, ягона техника спёсатини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари, ишлаб чиқариш ва қурилиш самарадорлигини оширишлари лозим. Машиналар ва ускуналарнинг запас қисмларига талабни қондириш соҳасидаги аҳвол министрликларнинг, аввало машинасозлик соҳасидаги министрликларнинг ташқилотчилик иши заиф эканлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, бу аҳвол кўпшлук хўжалигида яққол сезилмоқда. Запас қисмларини етказиб беришда узилкиларга йўл қўйилаётганини катта зарар келтирмоқда, бекор туриб қолишларга сабаб бўлмоқда. Кўйлаб кишиларни ярим қустарь усулидаги ишлаб чиқариш билан шугулланишига мажбур қилимоқда. Булар сабаб бўлиб, ишчи қўлидан амондан чиқаришни анча қимматлаштириб юбормоқда.

Уларни тайёрлаган асбоб-ускуналар ва машиналарни запас қисмлар билан таъминлаш ҳўш министрликлар таърибларидан улар билан соқит қилишларига мўтлақо йўл қўйиб бўлмайди. Иш и шундай йўлга қўйиш зарурки, истеъмолчининг биринчи талаби биланоқ завод унга запас қисмлар етказиб берадиган бўлсин, Машинасозлик корхоналари ва министрликларнинг фаолиятига ишлаб чиқарилган машиналарнинг миқдорига қарабгина эмас, балки бу машиналар қандай ишлаётганига, улар запас қисмлар билан қандай таъминланганига қараб ҳам баҳо бериш керак.

Хўжалик системасининг барча звеноларида — хоҳ бу корхона, бирлашма, министрлик бўлсин ёки Госплан бўлсин — улар қабул қиладиган қарорларнинг оптимал бўлишига алоҳида эътибор бериш зарур.

У ёки бу хўжалик масалалари юзасидан қарорлар тайёрлаш вақтида идоранинг эксперт баҳоларигагина эмас, балки идорадан ташқаридаги экспертларнинг баҳоларига ҳам асосланиш, турли вариантлар таққослаб кўрилиши лозим. Қабул қилинадиган ёки тақдим этиладиган қарорларнинг ҳар томонлама асосланган бўлиши учун лойиҳа ташқилотларига, министрликлар, идоралар, Госплан, Госснабга талабчанликни ошириш зарур.

Тармоқдаги хўжалик ва техника спёсатининг республикалар, иқтисодий районлар ва областлар ичидagi рационал хўжалик алоқалари системаси билан бирлигини белгилаб берувчи бошқа-

ришнинг тармоқ принципини яхшироқ мослаштириш керак. Бунинг учун тармоқлараро ва территориал иқтисодий проблемаларни ишлаб чиқишни яхшилаш зарур. Тармоқлараро алоқаларни ривожлантириш учун, хусусан, кооперация тартибда маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши учун министрликларнинг жавобгарлигини ошириш лозим. Социалистик хўжалик юритиш рационал ишлаб чиқариш алоқаларини бузувчи маҳкамачиликка ҳам, хўжалик сиёсатининг бирлигини заифлаштирувчи маҳаллийчиликка ҳам принципиал жиҳатдан қарама-қаршидир.

Ҳозирги шароитда халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш системасини тақомиллаштириш иқтисодий-математика методлари тобора кенгроқ тadbиқ этишни ҳамда электрон ҳисоблаш техникасидан, ташкилий техникадаш, техника жиҳатидан илгор бўлган алоқа воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш ахборот олишни ва ишлаб чиқишни беқўс даражада тезлаштириш, хилма-хил иқтисодий ҳисобларни амалга ошириш, планнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш ва планларни ҳал этишнинг оптимал ечимларини топиш имконини беради. Бутун мамлакат миқёсида иқтисодий ва социал процессларни бошқариш имконини берувчи социалистик хўжалик системасининг афзалликлари туфайли электрон ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш планларимизнинг асосланган бўлишини ва бу планларни бажариш учун мақбул қарорлар қабул қилинишини тезлаштиришга ёрдам беради.

Бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари бир қанча министрликларда ва кўнгина корхоналарда муваффақиятли тadbиқ этилмоқда. Госпланда, Госснабда, Марказий статистика бошқармасида ва бошқа бир қанча идораларда ҳисоблаш марказлари барпо этилди. Беш йиллик мобайнида саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларини, алоқа, савдо ва транспорт корхоналари ва ташкилотларини бошқаришнинг камда 1600 та автоматлаштирилган системасини ишга тушириш мўлжалланади.

Бизнинг планли хўжалигимиз мамлакатдаги ҳисоблаш марказлари давлат системасининг ҳамда ягона автоматика тармоқларининг базасида ҳисоб-китоб ишлари учун, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш ишлари учун ахборот тўплаш ва ишлаб чиқишнинг умумдавлат автоматлаштирилган системасини вужудга келтириш имконини беради.

Бошқариш кадрлари ҳақида масала доимий эътиборни талаб қилади. Бизнинг олдимизда ҳамма даражалардаги бошқариш кадрларини, шу жумладан юксак даражадаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини пичиллик билан кенгайтириш ва яхшилаш вазифаси турибди.

Марксча-ленинча назарияни, бошқариш назарияси ва практикасини, меҳнатин илмий ташкил этишни, планлаштириш ва

иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларини чуқур ўзлаштириш, иқтисодий-математика методларини ва замонавий ҳисоблаш техникасини татбиқ этиш асосида янгича бошқаришни ўрғаниш — хўжалик раҳбарларининг вазифасидир.

Халқ хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti — социалистик демократияни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар иштирокини кенгайтиришдан иборатдир. Бошқаришда меҳнаткашларнинг актив иштироки хўжалик фаолиятимизнинг энг муҳим принципини — жамиятнинг, коллективнинг манфаатларини ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатлари билан қўшиб олиб бориш принципини амалга оширишни таъминлайди.

Директивалар лойиҳаси партия съезди томонидан тасдиқланганидан кейин барча совет кишилари учун қўлланма бўлиб қолади. Тошпириқларни йиллар бўйича тақсимлаган ҳолда беш йиллик план тузиб чиқишни қисқа муддатларда тугаллаш лозим. Беш йиллик планни ҳукуматда, партия Марказий Комитетида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида кўриб чиқиш ҳамда СССР Олий Совети сессиясининг тасдиқига тақдим қилиш керак бўлади. Планнинг тузилиши узоғи билан 1971 йил 1 августгача тугалланиб, унинг ҳар бир бирдатеги ва тарғиб қилиниши таъминланиши лозим.

Ўз-ўзидан маълумки, беш йиллик планни йиллар бўйича тузиш ҳаёт тақозо қиладиган тузатишлар киритишни истисно қилмайди.

Ҳосилатга, иштифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига ва министрликларга қўйиладиган асосий талаб — планда тўғри пропорцияларни таъминлашдан, баланслаштирилган беш йиллик план тузишдан иборатдир. Бу нарса ижтимоий талабларни аниқроқ белгилаш, фан-техника ютуқларини тўлароқ ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш структурасини тўғрироқ белгилаш имконини беради.

Ишонч билдириб айтишга рухсат этгайсизки, партия, қасаба союз ташкилотлари, давлат ва хўжалик раҳбарлари бошқариш ва вланлаштиришни такомиллаштириш соҳасида партия съезди томонидан ўрғага қўйилаётган вазифаларни бажаришда ижодий ташаббус ва қатъият кўрсатадилар.

5. СОВЕТ ХАЛҚИ ТУРМУШИНING МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладиди ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг халқ моддий фаровонлигини ошириш соҳасидаги спёсатини баён қилиб берди.

Директивалар лойиҳасида совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш, меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашнинг кенг программаси белгиланган.

Янги беш йилликда аввало меҳнат унумдорлиги ўсган ва ходимларнинг малакаси ошиб борган сари ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва колхозчиларнинг даромадлари кўпайтирилши натижасида халқнинг моддий фаровонлиги ўсиб боради. Аҳоли даромадларини жампи кўпайтиришнинг асосий қисми шунинг ҳисобига таъминланади.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш программасида бир қанча йирик тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ВЦСПС иштирокда белгиланган программани амалга ошириш тартиби ва муддатларини белгилаб чиқдилар.

Шу программага мувофиқ 1971 йилда ойлик иш ҳақи минимуми 70 сўмга етказилади ҳамда айни вақтда темир йўл транспортдаги ўртача ҳақ оладиган ишчилар билан хизматчиларнинг ставкалари ва маошлари кўпайтирилади. Шу йилнинг ўзнда қишлоқ хўжалиги механизаторларининг тариф ставкалари оширилади.

1971 йил 1 июлдан бошлаб колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорини ошириш ва пенсияларни ҳисоблаб чиқаришнинг ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибни колхозчиларга ҳам жорий этиш кўзда тутилади.

Шу муддатдан бошлаб, яъни 1971 йил 1 июлдан ишчи ва хизматчилар учун қарилк пенсияларининг минимал миқдори кўпайтирилади.

1972 йил мобайнида Узоқ Шимол районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда, Европа Шимолида, Узоқ Шарқда, Шарқий ва Ғарбий Сибирда ҳамда Уралда иш ҳақининг янги минимуми жорий этилади ҳамда айни вақтда ишлаб чиқариш тармоқларида ўртача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва маошлари кўпайтирилади.

1972 йил сентябрдан бошлаб бутун мамлакатда бир вақтнинг ўзига ўқитувчилар билан врачларнинг иш ҳақини ўрта ҳисобда тахминан 20 процент, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячилари иш ҳақини эса бундан ҳам кўпроқ миқдорда ошириш планлаштирилмоқда. Шу муддатдан бошлаб олий ўқув юртлири студентларининг стипендиялари ҳам ўрта ҳисобда 25 процент ва техникумлар ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 50 процент оширилади.

1973 йил мобайнида Қозоғистонда, Ўрта Осиёда, Волга бўйида, Волга-Вятка районида ва Донбассда иш ҳақининг янги минимуми жорий қилинади ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ оладиган ишчилар билан хизматчиларнинг ставкалари ва маошлари оширилади.

Боқувчисидан маҳрум бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига берилётган пенсиялар ҳам кўпайтирилади.

Бетоб болага қараб туриш учун ҳақ тўланадиган отпускаи муддатини узайтириш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатнинг бошқа районларида иш ҳақининг янги минимумини жорий қилиш ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ оладиган ишчилар билан хизматчиларнинг ставкаларини ва маошларини, шунингдек маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ставкалари ва маошларини ошириш 1974 йилда тугалланади.

Меҳнат ва уруш инвалидлари пенсияларининг миқдорлари кўпайтирилиши тўққизинчи беш йилликда пенсия таъминоти соҳасидаги катта тадбирларнинг бири бўлади. Инвалидларнинг пенсия миқдорлари ўрта ҳисобда 33 процент оширилади. Айни вақтда боқувчисидан маҳрум бўлган oilаларнинг пенсияси ўрта ҳисобда 20 процент ортади.

1975 йилда иш ҳақининг янги минимумини жорий қилиш ҳамда ўртача ҳақ оладиган ишчилар билан хизматчиларнинг ставкалари ва маошларини ошириш батамом тугалланади.

Тўққизинчи беш йиллик давомида айрим районларда район коэффициентларини жорий қилиш ёки ошириш йўли билан иш ҳақини аста-секин ошира бориш ҳам белгиланган. Ғарбий Сибирда, Уралда, Қозоғистонда (жанубий районлардан ташқари), шунингдек Ўрта Осиёнинг айрим районларида иш ҳақига устама коэффициентлар олмаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига ана шундай коэффициентлар белгиланади. Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирнинг бир қатор районларида халқ хўжалигининг баъзи тармоқлари ишчилари учун белгиланган амалдаги район коэффициентлари оширилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг тушги вақтдаги иши учун бериладиган кўшимча ҳақ миқдори анча кўпайтирилади.

Иш ҳақи янги минимумининг жорий қилиниши, ўртача ҳақ оладиган ишчилар билан хизматчиларнинг ставкалари ва маошларининг оширилиши ҳамда иш ҳақини районлар бўйича тартибга солишининг янада такомиллаштирилиши катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тадбирлардир. Бу тадбирлар тариф системасининг родини кучайтиради, меҳнатни нормалашни яхшилаш имконини беради, малакали ходимлар билан малакасиз ходимлар иш ҳақининг, шунингдек тармоқлар ва мамлакат районларидаги иш ҳақининг анча тўғри нисбатини таъминлаб беради.

Иш ҳақи минимумини кўпайтириш соҳасидаги тадбирлар билан айни вақтнинг ўзида ойига 70 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқлар бекор қилинади ва ойига 90 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқ ставкалари камайтирилади.

Тўққизинчи беш йилликда меҳнаткашларнинг таъминоти кам oilаларига болалар учун нафақалар жорий этиш кўзда тутилмоқда. Совет давлати ҳозирнинг ўзида ҳам кўп болали oilаларга ёрдам бериб турибди. Таъминоти кам oilалар учун болалар муассасаларидан фойдаланишда камайтирилган ҳақ белгиланган, қа-

рамоғидаги оила аъзоларини ҳисобга олиб, иш ҳақидан олинмаган солиқ ставкалари камайтирилган. Тўққизинчи беш йилликда жами даромади (даромадларнинг ҳамма турлари бирга қўшилиб) оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилалар учун болаларга нафақа жорий этиш мўлжалланмоқда. Бундай нафақалар 1974 йилда жорий этилади.

Касалхоналарда, шунингдек шаҳарлардаги хушар-техника билан юртларида овқатлантириш нормасини ошириш кўзда тутилади.

Юқорида айтиб ўтилган ҳамма тадбирларга янги беш йилликда қилинадиган харажатларни ўтган беш йилликдагига қараганда 2,2 барабар кўнайитириш мўлжалланади.

Ишчилар билан хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи беш йиллик мобайнида 20—22 процент, колхозчиларнинг колхозлар жамоат ҳўжалигидаги меҳнатига тўланадиган ҳақ 30—35 процент оширилади. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 1975 йилда 90 миллиард сўмга етади ёки тахминан 40 процент кўнайитирилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съезда маълум қилганидек, ички давлат қарзини муддатидан илгарини узини мўлжалланмоқда.

1947 йилдан 1956 йилга қадар 11 марта заём чиқарилди. Ана шу заёмлар бўйича ички давлат қарзининг жами суммаси 25 миллиард 800 миллион сўмини ташкил қилади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1957 йил 19 апрелдаги қарорига мувофиқ бу қарзни 20 йил давомида, 1977 йилдан бошлаб узини мўлжалланган эди.

Партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бу масалани сиқчиклаб қараб чиқдилар ва ҳамма имкониятларни чамалаб кўриб, заёмнинг пулини тўлашга муддатидан олдин, 1974 йилдан бошлаб киришини зарур деб тондилар. Заёмларнинг пулини тўлашнинг қуйидаги муддатлари кўзда тутилади: 1974 ва 1975 йилларда йилга 1 миллиард сўмдан, 1976—1980 йилларда йилига 1 миллиард 200 миллион сўмдан, 1981—1985 йилларда йилига 1 миллиард 500 миллион сўмдан, 1986—1989 йилларда йилига 2 миллиард сўмдан, 1990 йилда 2 миллиард 300 миллион сўм тўланади. Шу тариқа давлат қарзини узини муддати олти йил камайитирилади.

Аҳоли пул даромадларининг тез суръатлар билан кўнаиб бораётганлиги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўнайитириш билан ва товар оборотини ошириш билан таъминланиши керак. Директивалар лойиҳасида аҳолининг пул даромади 40 процент ошган тақдирда аҳолига мол сотиш 42 процент, ҳақ тўланадиган хизматлар ҳажми эса 47 процент ошиши кўзда тутилган.

Янги беш йилликда гўшт, балиқ, ўсимлик ёғи, тухум, сабзавот сингари маҳсулотларнинг бозор фондлари 40—60 процент

кўпаяди. Кийим-кечак сотиш 35 процент, трикотаж буюмлар сотиш 56 процент, маданий-маиший моллар сотиш 80 процент ортади. Ҳар 100 оиллага ҳисоблаганда аҳолининг холодиликлар билан таъминланиши 1970 йилдаги 32 дондан 1975 йилда 64 донга, телевизорлар билан таъминланиши 51 тадан 72 тага, кпр ювип машиналари билан таъминланиши 52 тадан 72 тага етказилади. Беш йиллик охирига бориб аҳолига автомобиллар сотиш 1970 йилдагига нисбатан 6 баравардан зиёд кўпаяди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни умуман кўпайтириш ва аҳолига сотиш билан уларнинг турларини донмо кўпайтириш ва сифатини яхшилаш зарур. Вазифа харид қобилиятини миқдор жиҳатидан қоплашдангина иборат бўлиб қолмай, энг муҳими, харидорнинг магазинлардан қандай молларни топиб олишдан, унинг ана шу моллар турлари ва сифатидан қанчалик қаноат ҳосил қилишдан иборатдир. Бу эса саноат билан савдога талабни оширади, саноат билан савдо талабда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларга оператив равишда жавоб бериши керак.

Савдо ташкилотларининг саноатга берадиган заказлари тўғри борадигани ҳамда молларнинг истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериладигани ҳамда беришни ошириш вақти келди. Савдога ўз навбатида янги-янги, янада мукамал моллар ишлаб чиқариш аҳолининг талабига таъсир ўтказиши лозим.

Беш йиллик мобайнида умумий овқатланиш обороти бир ярим баравар ортади. Айниқса қурилишларда, корхоналарда, уқув юртимларида ошхоналар, ресторанлар, кафелар тармоғини кенгайтириши давом эттириш зарур. Умумий овқатланишни ривожлантиришдаги асосий вазифа сифатини оширишдан, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтаришдан иборат.

Директвалар лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, янги беш йилликда давлат чакана нархларининг стабиллиги таъминланади. Товар ресурслари жамғарилишига қараб айрим турдаги молларнинг нархи арзонлаштирилади.

Янги йилларда ярим фабрикатлар, кулинария маҳсулотлар, концентратлар ва овқатни уйда тайёрлашни енгиллаштирадиган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишни кенг миқёсда ривожлантириш лозим. Қадоқлаб ўраб қўйилган моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, олдиндан буюртма олиш практикаси, посилка орқали савдо қилишни ва маданий савдонинг бошқа турларини ривожлантириш керак.

Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажмининг камидан 2 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун устахоналар, ательелар, химиявий тозалаш фабрикалари, корхоналар ва маиший хизмат кўрсатадиган бошқа корхоналар тармоғини кенгайтириш талаб қилинади. Маиший хизмат ҳозирги шароитда механизациялашган йирик тармоқ сифатида ривожланиб бориши керак.

Даромадларнинг кўпайиши муносабати билан аҳоли кенг қамламлигининг маданий талаблари ҳам ортади, янги-янги эҳтиёжлар пайдо бўлади. Масалан, туризм тобора катта аҳамият касб қилади. Биз туризмнинг моддий базасини кенгайтиришимиз ва мустақамлашимиз, меҳмонхоналарни, кемпингларни ва туристларга хизмат қиладиган бошқа объектларни кўпроқ қуришимиз керак.

Директивалар лойиҳасида 1971—1975 йилларда жами саҳни 565—575 миллион квадрат метр келадиган уй-жой бинолари қуриш кўзда тутилган. Уй-жой қурилиши тобора қулай планлаштирилиши, квартираларни яхшироқ жиҳозлашни ва пардозлашни кўзда тутган янги лойиҳаларга мувофиқ тобора кўпроқ амалга ошириладиган бўлади.

Уй-жой қуриш кооперациясини ривожлантириш, шунингдек шаҳар ва қишлоқларда яқка тартибда уй-жой қуриб олишга кўмаклашиш лозим.

Аҳоли пунктларига коммунал хизмат кўрсатишни ва уларни ободонлаштиришни яхшилашга катта эътибор бериш зарур. Шаҳарларнинг ва шаҳар типдаги йирик посёлкаларнинг жуда кўпчилиги марказлаштирилган тартибда сув билан таъминланади. Аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун электр энергиясини истеъмол қилиш кўпайтирилади. Беш йил ичида 17—18 миллион квартирани газ билан таъминлаш белгилаб қўйилди. Шаҳарлардаги уй-жой фондиди газ билан таъминлаш даражаси 65—75 процентга, қишлоқ жойларда 40—50 процентга етади.

Дастлабки беш йилликлар даврида биз умумий бошланғич таълимни амалга оширган эдик. Янги беш йилликда умумий ўрта таълимни жорий этили тугалланади. Бу вазифанинг ҳал этилиши жуда катта сиссий ва социал аҳамиятга эга. Умумий ўрта таълимнинг амалга оширилиши ҳар бир кишига ўз истеъдодига яраша касбни таълаб олиш, ўз қобилиятларини бутун жамият бахт-саодати йўлида энг яхши тарада қўллашниш учун катта имкониятлар беради.

Директивалар лойиҳасида ҳунар-техника таълимига катта эътибор берилган. Олий ва ўрта махсус таълим янада ривож топади, 9 миллионга яқин мутахассис тайёрлаш, шу жумладан фап ва техниканинг янги соҳаларда ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш белгилапган.

Шу йилларда мактабга кириб ўқийдиган кпши мамлакат экономикаси ва маданийтини асримизнинг 90-йилларида ва ХХI асрнинг бошларида ривожлантирадиган бўлади. Мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртларидаги таълим программаси ва методлар ҳозирнинг ўзидаёқ фан ва техникани ривожлантириш истиқболларини тобора кўпроқ ҳисобга олиб бориши керак.

Аҳолининг маданий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлиқ қондириш учун китоблар чиқариш, газета ва журналларнинг тиражини янада кўпайтириш, уларнинг фоявий савиясини ошириш ва ташқи беаганини яхшилаш, театрлар, кинотеатрлар ва киноустановка

тармоғини кенгайтириш, малавият муассасаларнинг моддий базасига мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Янги беш йилликда аҳоли соғлигини сақлаш соҳасида катта вазифалар турибди.

Медицина ёрдамининг ҳамма турларини яхшилаш, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган медицина хизмати савиясини шаҳарлар аҳолисига кўрсатилаётган хизмат савиясига яқинлаштириш зарур. Ана шу вазифаларнинг доираси кўп жиҳатдан соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонун, шунингдек, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш ва медицина фанини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори билан белгилаб берилган. Касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари қуриш давом эттирилади. 1975 йилда касалхоналардаги ўринларни уч миллионга етказиш мўлжалланмоқда.

Тўққизинчи беш йилликда физкультура ва спорт янада ривож топади.

Аҳоли саломатлигининг манфаатлари табиатни авайлаб сақлашни, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилашни талаб қилади. СССР Олий Совети қабул қилган ер ва сув ҳақидаги қонулар Асосларини қатъият ва пачиллик билан амалга ошириш зарур.

«Риодлар» Янги беш йиллик социал программасининг амалга оширилиши жамиятимиз ҳамма табақаларнинг фаровонлигини юксалтиришга олиб боради.

Совет кишиларининг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш кенг жабаҳа бўйлаб, ривожланган социалистик жамиятга хос хилма-хил воситалар ва формаларнинг ҳаммасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Меҳнатнинг моддий ва маънавий стимуллари уйғунлаштириб олиб боришни таъминлаш зарур. Ишдаги энг яхши натижаларни, ижодий ташаббускорликни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли формалари билан тақдирлаш лозим, бу нарса кишининг хизматлари жамият томонидан эътироф қилинганлигини ифодалайди, унинг ўз касбидан ифтихор туйғусини оширади.

Халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш социалистик ҳаёт тарзини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан чамбарчас боғлангандир. Совет кишилари коммунистик қурилиш жараёнида социализмнинг буюк афзалликлари тобора тўлиқ намоён бўлаётганлигини кўриб турибдилар.

Социализм тарихда биринчи бўлиб жамият бойлигини жамият ҳамма аъзоларининг бойлигига айлантирди. Совет кишилари меҳнат қаҳрамонлигининг, улардаги коммунизм идеалларига содиқликнинг манбаи, партия билан халқ бузилмас бирлиги асосларининг бири ҳам ана шудир.

6. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Ўртоқлар! Халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан энг кўп фойдаланишга қаратилган ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш тўққизинчи беш йилликнинг муҳим вазифасидир. Бу вазифани амалга ошириш Совет Иттифоқининг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга, жаҳон социалистик системасининг бирлигини ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларида алоҳида ўрин тутади. Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги товар оборотининг умумий ҳажми беш йил ичида қарийб 1,5 баравар ўсди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига бирлашган давлатларнинг ишлаб чиқариш ва фан-техника соҳасидаги кооперацияси анча кенгайди.

СССРнинг қардош мамлакатлар билан яқиндан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, иллатли равишда ривожлантириш йўлида бир қанча конкрет қадамлар қўйиш Директивалар лойиҳасида кўзда тутилган. Совет саноати маҳсулотларининг кўпгина турларини, шу жумладак, машинасозлик, химия саноати маҳсулотларини, хом ашё ва ёқилгининг кўпгина турларини етказиб бериш анча кўпайтирилади. Чунинчи, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга нефть етказиб бериш 1966—1970 йиллардаги 138 миллион тоннадан тўққизинчи беш йиллик ичида 243 миллион тоннага, табиий газ етказиб бериш 8 миллиард куб метрдан 33 миллиард куб метрга, электр энергия етказиб бериш 14 миллиард киловатт-соатдан 42 миллиард киловатт-соатга, темир руда етказиб бериш (металлга айлантириб ҳисоблаганда) 72 миллион тоннадан 94 миллион тоннага етказилади. Янги беш йилликда биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларидан химия саноати учун 1,3 миллиард сўмлик ускуналар, 3 миллиард сўмликка яқин темир йўл ва сув транспорти воситалари, 8,5 миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол саноат моллари оламиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлардан Совет Иттифоқида етказиб берилаётган маҳсулотларнинг кўпайтирилиши халқ ҳужалигининг бир қанча эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришимизга имконият беради.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқиляётган социалистик иқтисодий интеграция программаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги замирида ётган жуда катта потенциал имкониятлардан ҳар тарафлама фойдаланишга ёрдам бериши лозим.

Ёқилғи, хом ашё ва металлларнинг ресурсларини анча кўпайтиришни, экономиканинг турли тармоқларида ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни йўлга қўйишни назарда тутиб, манфаатдор мамлакатлар билан биргаликда лойиҳалар тайёрлаш-

да бизнинг планлаштирувчи ва хўжалик органларимиз иштирок қиладилар. Халқаро инвестиция банкининг фаолиятини авиб олдириш бу проблемаларнинг ҳал этилишини енгиллаштиради. Бу банк капитал маблағлар солиш соҳасида келишиб олинган сиёсатни ўтказишга ёрдам бериб туради. 1970 йилда тузилган бу банк катта қурилиш программаларига биргаликда маблағ ажратилида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг яқиндан ҳамкорлик қилишларини таъминлашга даъват этилган.

Бу беш йилликда бизнинг мамлакатимиз бошқа социалистик мамлакатлар, яъни Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси билан ҳам ҳар тарафлама иқтисодий ва плмий-техника ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳамда ана шу асосда улар билан ташқи савдони кенгайтиришга катта эътибор беради.

Совет Иттифоқи Хитой билан савдомизнинг ривожланиши учун бир қатор тадбирлар кўрди. Бироқ бу соҳада эришилган натижалар ҳар иккала мамлакатнинг реал имкониятларига сира мос келмаётди. Хитой билан савдо муносабатлари тенглик ва ҳар иккала томоннинг манфаатларига риоя қилиш асосларида эндиги йилларда ривожланиб кетувини мумкин қилиш керак.

Амалда бундан ташқари СССР билан Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг янада кенгайиши мўлжалланмоқда. Бу бундан ташқари мамлакатларнинг қўшқари билан—Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Миср Араб Республикаси, Сурия, Ироқ, Жапон ва бошқа мамлакатлар билан бизнинг савдомиз ва иқтисодий ҳамкорлигимиз шундай босқичга қадам қўядики, бу босқичда мустақкам ўрнашиб қолган ўзаро фойдали хўжалик алоқалари ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бизнинг тенглик ва ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш принципларига асосланган бу мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз барқарор меҳнат тақсимоли характерини касб этиб, бундай меҳнат тақсимоли халқаро иқтисодий муносабатлар доирасидаги империалистик эксплуатация системасига қарама-қарши туради. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлар билан савдо-сотиқни кенгайтириш йўли билан Совет Иттифоқи ўз халқ хўжалигининг эҳтїёжларини тўлиқроқ қондириш имкониятига эга бўлади.

Дадил айтиш мумкинки, Совет Иттифоқи билан Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бундан буён ҳам ана шу давлатларнинг миллий мустақиллигини мустақкамлаш ишига, империализмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдан иборат муштарак ишимизга хизмат қилаверади.

Биз саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар билан ҳам савдо алоқаларини кенгайтириш тарафдоримиз. Финляндия,

Франция, Италия, Япония, ГФР, Австрия билан иқтисодий муносабатларимизда савдо-иқтисодий, илмий-техника ва кредит-молиявий жиҳатларини ўз ичига олувчи узоқ муддатли битимлар тузиш тенденцияси юзага келмоқда. Бу ҳол савдони ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар вужудга келтиради.

Капиталистик мамлакатларнинг савоат ва савдо доиралари Совет Иттифоқи билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан ўзларининг етарли даражада манфаатдор эканликларини қўрсатсалар, шу мамлакатлар билан қиладиган савдо-сотиғимиз тағин ҳам кўпроқ ривож тошади.

Башарти ҳозирги вақтда халқаро вазиятни кескинлаштираётган актуал проблемаларни ҳал этиш соҳасида конструктив тадбирлар қўришга муваффақ бўлинса, бизнинг Ғарб мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларимизнинг миқёси ҳам мутлақо бошқача бўлиши мумкин, албатта.

Масалан, шу парса маълумки, Совет Иттифоқи Европа хавфсизлиги масалалари юзасидан кенгаш чақиришга жуда катта аҳамият бермоқда. Бизга мутлақо равшанки, бундай кенгашни ўтказиш Европада ишончли мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди, кенг иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги сари йўл очиб берган бўлур эди ҳамда трансконтинентал юк ташишни ташкил этиш, кучли электр ўтказгич линиялари қуриш ва ана шу асосда Европанинг ягона энергетика системасини барпо этиш каби проблемаларни ҳал қилиш учун яқин вақт ичида шароит яратиб бера олган, ёнилғи-энергетика баланси проблемаларини ҳал қилишда кардинал спл-жишларга олиб кела олган бўлур эди. Бундай кенгаш табиий муҳитни сақлаб қолиш, аввало Европа қитъасини ўраб турган денгизларнинг софлигини сақлаб қолиш ва денгизларнинг ресурсларидан рационал фойдаланиш сингари инсон фаолиятининг муҳим соҳаларида кенг ҳамкорликни ривожлантиришга, юрак-томир касалликларини даволашда, раққа қарши курашда қўнгина мамлакатлар олимларининг куч ва ғайратини бирлаштириш борасида кенг ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам берган бўлур эди.

Табиийки, бу хил проблемалар фақат Европа учунгина актуал деб бўлмайди. Шу сабабли биз бу соҳада бошқа мамлакатлар билан, жумладан Канада ва Япония билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёرمىз. Биз Америка Қўшма Штатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни ҳам истисно этмаймиз, бундан мақсад бундай алоқаларнинг даражаси ҳар пикки мамлакатнинг иқтисодий қудратига кўпроқ мувофиқ бўлишига эришишдир. Бундай ҳамкорлик тинч-тотув янаш принциплари негизда тинчликни мустаҳкамлаш ва мамлакатларнинг бир-бирларини яхшироқ тушунишлари учун мустаҳкам асос бўлур эди.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар социал турмуш турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши тарафдори бўлиб келмоқдалар. Биз урушни муқаррар парса деб билмаймиз

ва шу сабабли икки система ўртасида иқтисодий мусобақа олиб бориш тарафдоримиз. Биз савдодаги «умумий бозор» типдаги биқик группировкаларга қаршимиз. Биз қўп томонли иқтисодий алоқаларни ҳар қандай камситишсиз кенг ривожлантириш тарафдоримиз. Бу—бизнинг принципиал позициямиз. Биз ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ва тинч-тотув яшаш принципларини ҳурмат қиладиган ҳар бир давлат билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биз билан иқтисодий алоқаларда чеклашлар ва камситишлар йўли билан Совет Иттифоқига зарар келтириш ниятида бўлган кишилар шуни унутиб қўймоқдалар: Совет Иттифоқи шундай ресурсларга эгаки, бу ресурслар бизнинг мустақил ривожланиш имкониятимизни тўла таъминламоқда.

Планилаштириш органлари, ташқи савдо ташкилотлари ва саноат ҳодимлари ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш масалаларини ҳал этишда бундай алоқаларнинг айрим идора учун самарали бўлишини назарда тутмасдан, балки бутун халқ хўжалиги учун самарали бўлишини назарда тутиб олиб боришлари зарур.

Ташқи савдонинг ривожлантирилиши, халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг кенгайтирилиши янги беш йиллик планнинг муваффақиятли ривожланиши билан таъминланадими.

Ўроқлар! Беш йилликлар тарихи—Ленин партияси раҳбарлиги остидаги коммунал ва ерқилишга коммунизмнинг моддий техника базасини муваффақиятли равишда қўққариш келтиришга совет халқининг буюк ишлари тарихидир. Беш йилликдан беш йилликка ўтган сари экономика, фан ва маданият ривожланиб бормоқда, миллий даромад кўпаймоқда, халқнинг турмуш даражаси ошиб бормоқда, тобора катта социал проблемалар муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Партиямизнинг съездлари тараққиётнинг ҳамма босқичларида Совет мамлакатининг коммунизм сари зафарли ҳаракатини белгилаб берувчи тарихий роғоналар бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Партиямизнинг олий органи ривожланишнинг бундан буёнги бош йўлини навбатдаги беш йилликка мўлжаллаб белгилаб беради. Бутун партиянинг, барча совет кишиларининг иродаси ва ақл-заковати мана шу бош йўлда мужассамланади.

Тўққизинчи беш йиллик план—мамлакат экономикасини ва 250 миллионли совет халқининг турмуш даражасини юксалтириш плавидир. Бизнинг бу ишдаги ютуқларимиз социализмнинг жозоба кучига куч қўшади. Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг намунаси бутун дунёда социал тараққиётни жадаллаштиришга ғоят катта таъсир кўрсади.

Янги беш йиллик план—социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини янада ривожлантириш плавидир. У ишлаб чиқариш ва жамият ишларини бошқаришда кенг меҳнаткашлар оммасининг фаол қатнашишини таъминлайди. Совет социалистик тузуми—энг

илгор, энг демократик тузум бўлиб, ишчилар сиёфи, деҳқонлар, халқ интиқилари ижодий кучларининг ғоят тўла намоён бўлишига имкон беради.

Бизнинг беш йиллик планимиз—тивич қурилиш планидир. У Совет давлатининг сиёсати—тивичлик ва тараққиёт сиёсати эканлигини кўрсатиб турибди. Бизнинг тивч қурилиш планларимиз, тивчликсевар сиёсатимиз империализмнинг агрессив сиёсатига қарама-қарши турибди. Биз барча халқларнинг манфаатларини кўзлаб халқаро кескинликни юмшатиш учун курашмоқдамиз.

Империалистик реакция ҳарбий авантюралар ва тўғридан-тўғри агрессия қилишга ўтаётган, Америка тажовузкор ҳарбий доиралари халқаро ҳуқуқ нормаларини оёқости қилиб, Вьетнамда, Камбоджада ва Лаосда шармандални, жирканч босқинчилик урушини олиб бораётган ва Яқин Шарқдаги агрессияга кўмаклашаётган, жаҳонда кескинлик ва уруш хавфи сақланиб турган мураккаб халқаро вазиятда Қурулган Кучларимизни ва уларнинг юксак жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш зарурлигини бир минут бўлса ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Янги беш йиллик давлатимизнинг муҳофаа қудратини янада мустаҳкамлашни таъминлайди.

Беш йиллик планини бажариш бўтун Совет Иттифоқининг ва ҳар бир иттифоқдош республиканинг янада равнақ топиши учун, улду Ватанимизнинг барча халқлари учун жуда катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга бўлади, чунки у Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиради, барча кишиларнинг турмушини янада яхши ва янада гўзалроқ — моддий жиҳатдан кўпроқ таъминланган ва маънавий жиҳатдан кўпроқ мазмунли ва шавқли қилади.

Совет кишилари Коммунистик партиянинг XXIV съездини умумхалқ мусобақасида катта-катта ютуқлар билан кутиб олдилар. Бўтун саноат бўйича биринчи квартал илаш ошириб бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми план топшириғига нисбатан 103 процентини ташкил этди. Ҳар кун ишлаб чиқилаётган маҳсулотнинг ўртача миқдори ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 9,5 процент кўлайди. Ҳамма министрликлар, барча иттифоқдош республикалар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириғини бажардилар. Чорвачилиқ маҳсулотлари, шу жумладан гўшт ва сўт тайёрлаш плани ва қўшимча топшириқлар ҳам ошириб бажарилди, бу янги беш йилликнинг яхши дебодасидир.

Биз амниэмизки, беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ошиб бораверади, бу эса коммунистик қурилишда янги ғалабаларни қўлга киритишнинг ҳал қилувчи омилли бўлади.

Совет жамиятининг ривожланишидаги бўтун тарихий тажриба Ленин айтган қуйидаги ажойиб сўзларни яққол исботлаб турибди: «Тарихий ҳаракатларнинг кўламини қанча кенг бўлса, бунда давра қанча кенг олинса, бу ҳаракатларда қатнашувчи кишиларнинг сони

шунчалик кўп бўлади ва, аксинча, биз амалга ошироқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтироқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтироқ керак».¹

Коммунистик партия халқ оmmasининг меҳнатдаги куч-ғайратига бошчилик қилмоқда ва уни ягона мақсад сари йўлламоқда. Коммунистик партия ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг ишончини қозонган. Биз, коммунистлар зиммасига ҳамма вақт, ҳар қандай соҳада фидокорона меҳнат намунасини кўрсатиш, ўз ишини чуқур билиш, юксак даражада уюшқоқ ва пнгизомли бўлиш, камчиликларга муросасиз бўлиш ва принципиаллик намунасини кўрсатиш вазифаси юклатилган.

Съезд ишида дунёдаги деярли ҳамма коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари қатнашмоқдалар. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсатига юксак баҳо берганликлари учун дўстларимиздан миннатдормиз. Улар бизнинг хўжалик соҳасидаги ютуқларимизга жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ҳамда миллий ишчи кучларининг ривожлантиришга кўшилган муҳим ҳисса деб баҳо берганлар.

Халқаро ишчилар синфи, дунёдаги барча прогрессив кишилар бизнинг беш йилликларимизни социализм билан капитализм ўртасидаги тарққий дуранида эришилган ҳақан галабалар деб биладилар. Бинобарин, улар янги беш йилликка бутун ишсопийатнинг социал тараққиёт соҳасида, бутун дунёда коммунизм тантанаси сари олға томон қўшилган бир қадам деб қарамоқдалар.

Биз, коммунистлар ўз планларимиз билан, ўз сиёсатимиз билан бутун дунё меҳнаткашларига бизнинг асосий ишимиз ва мақсади-миз меҳнат аҳлини бахт-саодатли қилишдан, инсон шахсининг тўла ва ҳар томонлама равнақини таъминлайдиган шароит яратиб беришдан иборат эканлигини кўрсатиб бермоқдамиз.

Партиямизнинг XXIV съезди тасдиқлайдиган тўққизинчи беш йиллик планга доир Директивалар умумхалқ программасидир. Совет халқи муваффақиятли равишда амалга оширган аввалги беш йиллик планларнинг ҳаммасига нисбатан ҳозирги беш йиллик ўз кўламининг зўр бўлиши билан, белгиланган вазифаларнинг зулгворлиги билан, совет жамияти турмушининг барча энг муҳим томонларини кенг қамраб олганлиги билан ажралиб турибди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир меҳнатчиси буюк умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшмоқ учун куч ва ғайратини аямайди.

Партиянинг иродаси билан, бутун совет халқининг иродаси ва фидокорона меҳнати билан тўққизинчи беш йиллик муваффақиятли бажарилади, деб ишопч билдиришга ижозат бергайсиз.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 528-бет.

Улуғ Ленин партияси бизни янги шовли ишлар сари, коммунизмнинг янги-янги ғалабалари сари олға бошлаб бормоқда!
Яшасин коммунизм бунёдкори—улуғ совет халқи!

КПСС XXIV СЪЕЗДИДА ҚИЛИНГАН ДОКЛАД БЎЙИЧА 1971 ЙИЛ 8 АПРЕЛДА СУЗЛАНГАН ЯКУНЛОВЧИ СУЗ

Делегат ўртоқлар! Съездимиз тўққизинчи беш йиллик планга доир Директивалар лойиҳасини муҳокама қилиб бўлди. Муҳокама якунлари партиямиз съездига делегат қилиб юборган ўз вакиллари орқали мамлакатимиздаги социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг ана шу улуғвор, илмий асосланган программасини яқдиллик билан маъқуллаётганлигидан яққол далолат бериб турибди.

Делегатларнинг нутқлари партиямизнинг ана шу буюк программ ҳужжатиининг съезддан олдин бўлиб ўтган умумхалқ муҳокамасини давом эттирди, якунлади ва тугаллади. Ана шу нутқларнинг асосий хислатлари большевикларга хос принципиаллик ва ишчанликдан, масаланинг моҳиятини чуқур англашдан ва социалистик ижтимоий тузум ривожининг истиқболларини чуқур тушувишдан, энг мақбул қарорларни ижодий излавишдан ва ғалабага бўлган жўшқин хоҳиш-ирода ифодасидан иборатдир.

XXIV съезд партия билан халқ бирлигини, партиямизнинг барча социалистик мамлакатлар билан, бутун дунё коммунистлари билан интернационал бирдамлигини ёрқин намойиш қилди. Барча социалистик мамлакатлар, бутун дунё коммунистлари бизнинг программамизни Совет Иттифоқининг тинчлик ва социал тараққиёт учун қурашдан иборат умумий ишчимизга қўшаётган ҳиссаси доимо кўнайиб боришининг мустаҳкам гарови деб, қабул қилиб олдилар.

Ўртоқлар! Съезд сайлаган комиссия Директивалар лойиҳасига таклиф этилган тузатишлар ва қўшимчаларни қараб чиқди. Шу қўшимчалар ва тузатишларнинг бир қисмини комиссия Директиваларга киритишни тавсия қилади. Директиваларнинг тузатишлар киритилган тексти сизларга тарқатилган.

Бошқа таклифларнинг ҳаммасини комиссия беш йиллик плани ишлаб чиқиш вақтида синчиклаб ўрганиш ва ҳисобга олиш учун СССР Министрлар Совети, СССР Госплани, министрликлар ва идораларга ҳавола этишни таклиф қилади.

Беш йиллик плани тузиш вақтида биз Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида Леонид Ильич Брежнев баён этган асосий ғояларга амал қиламиз ва съезд делегатларининг нутқларида айтилган таклифлардан кенг фойдаланамиз.

Партия съезди тасдиқлаган Директивалар тўққизинчи беш йиллик планининг негизи бўлиб қолади. Беш йиллик плани батафсил ишлаб чиқиш вақтида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорли-

гини оширишнинг ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг янги резервлари аниқланиши, халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш учун қўшимча ресурслар сафарбар этилиши шубҳасиздир.

Беш йиллик планни тузиш, беш йиллик топшириқларини йилма-йил, ишлаб чиқариш тармоқлари, иқтисодий районлар ва корхоналар бўйича белгилаб чиқиш ишлари шу йил 1 августга қадар тугалланиши лозим, шундан кейин план ҳукуматда қараб чиқилади, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилади.

Шундай қилиб, янги беш йиллик план социалистик демократия принципларига биноан халқ яқдил продасининг ифодаси, партия билан халқ коллектив ақл-идрокининг, улар қилган ижодий изланишлар ва келажакка бўлган олижаноб интилишнинг инъикоси бўлади.

КПСС XXIV съезди партиямиз тарихига, Маркс — Энгельс — Ленин буюк музаффар таълимотини ривожлантиришга ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Шунинг учун ҳам партия съездида қатнашаётганлардан ҳар биримиз социал тараққиётни планлаштиришнинг буюк ишга юзмастлардек берилган йўналишга алоқадор бўлган ҳар биримизнинг ўзини янада янада кўпроқ аниқлаш оғри ва қувончли хис-туйғуларни кечирмоқдамиз.

Партиямизнинг съездлари халқимиз ва бутун жаҳон коммунистни ҳаракати тарихида бутун бир даврга ташкилланган воқеалар бўлади. Миннатдор халқ ўз хотирасида партиямиз съездларининг ҳар бири тўғрисида жуда яхши эсдаликлар сақлаб қолади.

КПСС съездлари бамисоли улкан тарихий монументлар каби капиталистик ўтмишдан социалистик ҳозирги кунимизгача босиб ўтилган буюк йўлни гавдалантириб турибди. Партия съездлари бамисоли сўнмас юлдузлар каби бутун инсониятнинг порлоқ келажак йўлини равшан кўрсатиб беради.

Халқ озодлиги ва бахт-саодати йўлидаги, ер юзида тинчлик йўлидаги, коммунистик келажак йўлидаги курашда партия билан халқнинг энгилмас бирлиги мустақамлана берсин ва ривожлана берсин!

**КРЕМЛДА ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ МИНИСТРИ АХТИ ҚАРЪЯЛАЙНЕН
ШАРАФИГА БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 19 АПРЕЛДА
СЎЗЛАНГАН НУҚТ**

Яхши қўшничилик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари орқали Совет Иттифоқи билан боғланган дўст қўшни мамлакат вакиллари бўлган Сизни, Бош Министр ва финляндиялик барча ҳурматли меҳмонларни Совет ҳукумати номидан самимий табриклайман.

Финляндия ҳукумати бошлиғининг Москвага келиши бизни фойат мамнун қилди. Финляндия ва Совет Иттифоқи давлат арбобларининг мунтазам учрашувлари Совет-Финляндия муносабатлари аҳволини белгилаб бераётган юксак даражадаги ўзаро ишончни ифодалайди. Биз бунинг мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги катта ютуғи, деб ҳисоблаймиз. Бу ютуққа урушдан кейинги йиллар мобайнида Совет Иттифоқи ва Финляндия халқларининг, уларнинг давлат арбобларининг куч-қайратлари туфайли эришилди. Ана шу давлат арбоблари орасида тутилган қўннинг 100 йиллигини биз ўтган йил охирида нишонлаган Юхо Пааскивини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман. Финляндияда Совет Иттифоқи билан дўстлик муносабатларини ривожлантириш йўли қарор топганлигининг номи билан, шунингдек президент Урхо Кекконен номи билан боғланган. Финляндия-Совет ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига Сиз, Бош Министр жаноблари, шахсан катта ҳисса қўшиб келаётганингизни ҳам биламиз.

Бир неча кун муқаддам бу ерда, Кремлда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди ўз ишини тамомлади. Съезд мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришнинг ва халқ фаровонлигини анча оширишнинг катта программасини қабул қилди. Съезд келгуси йиллардаги ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўлларини белгилаб берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев съездда айтиб ўтганидек, бизнинг партиямиз, Совет давлатимиз қардош социалистик мамлакатлар билан, бошқа тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорликда халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ишви қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Совет Иттифоқи ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга интилаётган давлатлар билан ҳам-

ма соҳаларда ана шундай муносабатларни кенгайтиришга тайёр. Финляндия ҳам ана шундай давлатлардан эканлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани юзасидан съезд тасдиқлаган Директивалар, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун қураш юзасидан съезд белгилаб берган программа экономика, фан, техника, маданият соҳаларида ва, ўз-ўзидан равшанки, ўзаро сиёсий муносабатларимиз соҳасида ўзаро манфаатли Совет-Финляндия алоқаларини кенгайтириш йўлида ҳам янги истиқболлар очиб беради.

Биз 1948 йилда тузилган ва бултур ёзда яна 20 йилга узайтирилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномани Совет-Финляндия муносабатларини ривожлантиришнинг, халқаро масалаларда мамлакатларимиз қиладиган ҳамкорликнинг мустаҳкам негизи, деб биламиз. Шартнома тузилгандан буён ўтган даврда бизларнинг муносабатларимизда кескинлик ёхуд ишончсизлик сийгари ҳолатлар бўлмади. Аксинча, бу давр давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб, ҳар томонлама алоқалар кенгайиб, иккала мамлакат халқлари ўртасида тотув қўшнчилик ва дўстликнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги билан ишончланди. Бу — жуда муҳим ва қадимий дўстликнинг яна бир қадимий шартноманинг қайта кенгайтирилиши.

Шартнома билан бизларнинг ўзаро муносабатларини давлат суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиши ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосидаги ҳамкорлик ва дўстлик руҳида ривожлантиришимиз мумкин бўлган шартноманинг янги шартноманинг амалий натижасини кўриб турибмиз.

Шартноманинг мустаҳкамлиги икки давлатнинг обрўйи билангина, улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларга ҳалол муносабатда бўлиши билангина белгиланиб қолмайди. Шартнома Совет Иттифоқи билан Финляндия халқларининг ҳозирги эҳтиёжларига ҳам, шунингдек узоқ муддатли манфаатларига ҳам мос бўлиб тушди.

Совет Иттифоқи ва Финляндия халқлари ўз чегараларида ошайшталик ва тинчликни таъминлашдан, экономикада ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳамкорлик имкониятларидан кенг фойдаланишдан фойда манфаатдордирлар. Халқларнинг тинчлик шароитида яшаш ва ўз меҳнати самараларидан бузғунчилик ва вайрон қилиш йўлида эмас, балки бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида фойдаланиш истаги вақтинчалик бир истак бўлмаганлиги каби, бу мақсадлар ҳам ўтқинчи ва конъюктур аҳамиятга эга бўла олмаслиги равшан. Давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти аввало ана шу мақсадга хизмат қилмоғи лозим. Совет-Финляндия ҳамкорлиги ана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилаётганлиги бизда зўр мамнуният туйғуларини уйғотмоқда.

Финляндия давлат арбоблари бир неча бор таъкидлаганларидек, Финляндиянинг ташқи сиёсатидаги йўли — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномасига таянув-

чи «Паасикиви-Кекконен йўли» — СССР билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мутасил ривожлантиришни таъминлайди, Финляндиянинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида тинчликсевар сиёсат юргизиш муддаосини, унинг ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатларини давом эттириш истагини ўз ичига олади.

Планетамизда тинчлик ва уруш кучлари ўртасида бораётган шиддатли курашда ҳеч бир давлат бефарқ бўла олмайди. Ҳарбий можаролар ўчоғига ўт қалаётган, ялпи тинчликка хавф солаётган империализмнинг агрессив сиёсатига нисбатан тинчликсевар мамлакатларнинг бирортаси ҳам бефарқ қарай олмайди. Агрессив кучларга қаттиқ зарба бериш, халқлар ооздлиги ва мустақиллигини, уларнинг мустақил ривожланишдек муқаддас ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўли билангина ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкин. Агрессия сиёсатига нисбатан бефарқлик позицияси ҳеч қайси давлатнинг миллий манфаатларига мос келмаслиги мутлақо равшан, чунки бундай позиция миллий хавфсизликка путур етказишга, умуман халқаро хавфсизликни бўшаштиришига олиб бориши мумкин.

Биз Совет-Финляндия муносабатларининг келажагига ишонч билан қараймиз. Бу ишонч, аввало, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун курашаётган кучлар шак-шубҳасиз устун эканлигига асосланади. Совет Иттифоқи тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу ҳусусда шунини айтиш керакки, мамлакатимизда ҳамманинг фикри бир. Бизнинг мамлакатимизда қўшни Финляндия билан яхши муносабатларга душман бўлган кишини топа олмайсиз. Мамлакатимиз ўртасидаги яхши қўшничиликни ёқтирмайдиган муайян доиралар Финляндияда ҳали ҳам иш кўраётганлиги сир эмас. Биз уларнинг аҳамиятини бўрттирмоқчи эмасмиз, лекин улар Совет-Финляндия дўстлигига қарши қилаётган ишларга кескин зарба бериш лозимлиги шубҳасиздир.

Биз Совет-Финляндия муносабатларининг ривожланиши учун, бу муносабатлар шакла мамлакат халқлари манфаатларига, Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилиши учун бундан буён ҳам мумкин бўлган ҳамма чораларни кўраверамиз.

Коммунистик партияларнинг, Совет ҳукуматининг сиёсати халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан, турли ижтимоий системадаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшайдан иборат ленинча принципларга ҳамиша асосланиб келмоқда. Биз дўст қўшнимиз — Финляндия билан муносабатларда ҳам ана шу принципларга изчиллик билан амал қилиб келмоқдамиз.

Биз Бош Министр Карьялайненнинг мамлакатимизга қилган визитига катта аҳамият берамиз ва бу визит Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ва бир-бирини англашни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирамиз.

**КРЕМЛДА КАНАДА БОШ МИНИСТРИ
ПЬЕР ЭЛЛИОТ ТРЮДО ШАРАФИГА
БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1971 ЙИЛ 18 МАЙДА
СУЗЛАНГАН НУТҚ**

Сизни, жаноб Трюдо ва канадалик барча меҳмонларни Совет ҳукумати номидан табриклашга ижозат бергайсиз.

Совет ва Канада жамоатчилиги, ҳар иккала мамлакатнинг ҳукуматлари ҳозир бошланган визитга, бу — Канада Бош Министрининг Совет Иттифоқига қилган биринчи визити бўлганлиги учун ҳам катта эътибор бераётганликлари тамомилан табиий бир ҳолдир. Зотан, Канада ҳукуматининг бошлиғи бугун Москвада меҳмон бўлиш билан бир вақтда Совет Иттифоқига биринчи маррага эришилганлиги, шу туфайли бу муносабатларнинг ҳамма ижобий натижаларга таяниб, олга томон янги қадам қўйилиши, бу алоқаларни таври ҳам юксак даражага кўтариши имконияти борлиги равшан.

Бугун бошланган музокаралар ҳар иккала томоннинг худди шу йўлда олган ҳолда ниятида эканлиги тўғрисида гапирishi имконини беради. Совет-Канада муносабатларининг жуда кўп масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар сидқидилдан ва амалий фикрлашиш вазиятида муҳокама қилинмоқда. Бу эса бизга ҳамкорлик қилиниши мумкин бўлган қўшимча соҳаларни аниқлаб олишга, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида ва ҳамжиҳат ҳаракат қилиш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи билан Канада ўртасида ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиб бўлмайдиган ва ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш ҳамда яхши қўшничиликни йўлга қўйиш имконини бермайдиган визолар ёки масалалар йўқ.

Совет Иттифоқи билан Канада турли ижтимоий системаларга ва давлатларнинг турли гуруҳларига мансуб эканлиги важдан уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги дунёнинг у ёки бу проблемаларига ёндашишда бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари бор, албатта. Биз ана шу тафовутларни камайтириб ҳам, кўпайтириб ҳам кўрсатмоқчи эмасмиз.

Совет Иттифоқи турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида муносабатларни тинч-тотув яшаш принципи асосида қуриш

имкониятигагина эмас, балки шу билан бирга заруратига ҳам асосланади. Бу принцип эса тинч шароитларда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни экономика, техника, фан, маданият ва бошқа тармоқларнинг турли соҳаларида ривожлантиришни назарда tutиши маълум. Совет ҳукумати ўзининг ташқи сиёсатини шу принципга мувофиқ ўтказиб, бунга интилаётган бошқа ҳар бир мамлакат билан бўлгани каби, Канада билан ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр. Бу — бизнинг ўзгармас йўлимиз, бу йўлни КПСС нинг яқинда бўлиб ўтган XXIV съезди ҳам таъкидлади.

Катта территорияларга, бой табиий ресурсларга эга бўлган мамлакатларимизнинг иқтисодий ривожланишида бир-бирига ўхшаш кўпгина проблемалар бор. Бу эса катта майдонларни, шу жумладан, Шимолий минтақадаги майдонларни хўжалик йўли билан ўзлаштиришдаги, табиий муҳитни сақлаб қолиш, энергетик ва бошқа табиий ресурсларни ишга солиш, транспорт ва алоқани ривожлантириш сингари проблемаларни ҳал этишдаги тажрибани айирбошлаш соҳасида каттагина имкониятлар очиб беради.

Мамлакатларимизнинг ҳамжиҳатлигини яхшилашга ва уларни бир-бирига яқинлаштиришга ёрдам берадиган савдо-иқтисодий алоқаларни, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ўстиришнинг бир талай конкрет мисолларини айтиб ўтиш мумкин. Жумладан, яқинда фан-техника ютуқларини саноатда қўлланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, шунингдек, балиқчилик масалалари соҳасида ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли алоқалар боғлаш ва ҳамкорлик қилишни Шартнома тарзида мустаҳкамлаб қўйиш, бундай алоқа ва ҳамкорликни анча мустаҳкам ва долмий негизда амалга ошириш имкониятлари борлиги шубҳасиз.

Совет-Канада муносабатларини ривожлантиришда аслида муҳим бўлса ҳам, лекин дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Ҳар иккала томоннинг куч-гайратлари эндиликда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга янгича ва анча узоқ муддатни кўзлаб ёндашиш истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилиши мумкин бўлур эди. Булар, аввало, сиёсий соҳада муштазам алоқани йўлга қўйишдан, ўзаро манфаатли ва балансланган савдои ривожлантиришдан, саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳаво ва денгиз қатнови, фан ва маданият сингари соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

Икки томонлама муносабатларга доир масалалардагина эмас, шу билан бирга, халқаро ишларда тинчликни сақлаш ишида ҳам СССР билан Канада ўртасида ҳамкорлик қилишнинг муайян имкониятлари бор. Бир қанча районларда қалтис можаролар давом этаётганлиги, актуал халқаро проблема ҳали бартараф этилмаганлиги учун ҳам бундай ҳамкорлик қилиш жуда зарур.

Европа қитъасида кескинликни юмшатиш ва тинчлик сари туб бурилиш қилиш вазифаси турбди. Бу катта мақсадга эришиш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилиш керак. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг кўп йиллардан бери сарфлаб келаётган куч-гайратлари, Ғарбий Европадаги тинчликсевар ва реалистик фикрдаги кучлар ҳаракати натижасида қитъадаги умумий вазият аҳволини яхшилаш сари муҳим ўзгаришлар қилиш учун анча умидбахш ва қулай бўлиб қолди.

Канада Европа мамлакати бўлмаса ҳам, лекин ушунг Европада муайян манфаатлари борлигини биз яхши биламиз. Канадаликлар гитлерчиларга қарши буюк коалициядаги барча халқлар билан биргаликда Европа фронтларида фашист агрессорларига қарши жанг қилганлар. Шу сабабли Канаданинг Умумевропа кенгаши тўғрисидаги масала хусусидаги қизиқиши табиий бир ҳолдир. Кейинги вақтларда ана шундай кенгашии чақариш тўғрисида манфаатдор давлатлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар давом этмоқда.

Бизнинг фикримизча, Умумевропа кенгашии тайёрлаш ишини олға силжитиш лозим. Европада тинчликни мустаҳкамлашдан чицакам манфаатдор бўлган бироп бир давлатнинг бунга эътироз билдириши мумкин эмас. Бу Умумевропа кенгашии тайёрлаш ишининг асосий шартидир. Бизнинг фикримизча, Умумевропа кенгашии тайёрлаш ишини олға силжитиш лозим. Европада тинчликни мустаҳкамлашдан чицакам манфаатдор бўлган бироп бир давлатнинг бунга эътироз билдириши мумкин эмас. Бу Умумевропа кенгашии тайёрлаш ишининг асосий шартидир.

Европадаги базис муносабати билан ҳазир Қурол-Яроғларни ва қурол-яроғларни қисқартирish масаласига кўп эътибор берилмоқда. Айрим мамлакатларда бу хусусда, жумладан ажабий қўшинларни қисқартирish имконияти тўғрисида қизғин мунозара бўлмоқда. Бизнинг бу масала тўғрисидаги таклифларимизни яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Тбилисида сўзлаган нутқида яна бир марта баён қилиб берди. Башарти Ғарб томонидан бу хусусда ҳақиқатдан ҳам амалий қадамлар қўйишга тайёрлик билдирилса, у ҳолда биз бир битимга эришиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қиламиз.

Қуролсизлавиш соҳасидаги реал чоралар жаҳон халқлари ўз елкасида кўтариб келишга мажбур бўлаётган ҳарбий харажатлар юкини енгиллаштириш имконини берур эди, бу чоралар халқаро кескинлигини юмшатишга самарали кўмаклашган бўлур эди.

Дунёдаги бошқа халқлар сингари совет халқи ҳам Хинди-Хитойдаги агрессив уруш давом этаётганлигидан ва Яқин Шарқдаги уруш ўчоғи сўндирилмаётганлигидан жуда ташвишга тушиб газабланмоқда. Халқларнинг озодлиги ва мустақиллигига ҳамла қилинаётган ҳамма жойлар хусусида Совет Иттифоқининг позицияси мутлақо равшан. Агрессор ўзгаларнинг ерларидан чиқиб кетиши, халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқи, ўзининг ички ишларини халқларнинг хоҳиш иродаси ва орзу-умидларига мувофиқ

қуриш ҳуқуқи қаттиқ ҳурмат қилиниши лозим. Бизнинг мамлакатимиз империалистик агрессияга дучор бўлган ва ўзининг ҳаққоний ишини ҳимоя қилаётган давлатлар ва халқларни муттасил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Биз агрессияга кескин зарба бериш сиёсатини ўтказиш билан бирга, можароларнинг сиёсий йўл билан, музокаралар йўли билан бартараф этилишини талаб қилиб келмоқдамиз ва Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ватанпарварлари, шунингдек Яқин Шарқдаги араб давлатлари томонидан можарони сиёсий бартараф қилиш юзасидан ўртага қўйилган программаларни қўллаб-қувватлаймиз. Бу программалар шу районларда тинчлик ўрнатишнинг реал йўллари очиб беради.

Бош Мишистр жаноблари, Совет ҳукумати Канада билан муносабатларга муҳим аҳамият бермоқда ва муносабатларни янада ривожлаштиришга, Совет-Канада ҳамкорлигини икки томонлама ва халқаро планларда кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада биз вақтинчалик манфаат мулоҳазаларига эмас, балки узоқ муддатли манфаатларга амал қилмоқдамиз, бу манфаатлар эса тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш ишида давлатларнинг куч-гайратларини бирлаштириш зарурлигини тақозо этади.

Биз бугун Совет-Канада муносабатларининг аҳволига баҳо берганимизда, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда муайян силжиш, яхшиланиш сари умумий тенденция намоён бўлганлигини мамнувият билан таъкидлай оламиз. Бу тенденцияни келгусида ҳам мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар бор. Шу шарт-шароитлардан Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ва самарали ҳамкорлик манфаатлари йўлида ҳар томонлама фойдаланиш — пикала мамлакат ҳукуматлари ва жамоатчилигининг вазифасидир.

Канада Бош мишистрини, унинг рафиқасини ва канадалик бошқа муҳтарам меҳмонларни яна бир бор табриклайман, ушбу визит Совет-Канада муносабатларини ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид билдиришни истайман.

**КИПР РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ
АРХИЕПИСКОП МАКАРИОС ТОМОНИДАН
МОСКВАДА БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1971 ЙИЛ 4 ИЮНДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам президент жаноблари!

Совет Иттифоқи ва халқимиз шаънига айтган дўстона тилакларнингиз учун шу ерда Совет томонидан ҳозир бўлган ҳамма кпшилар номидан Сизга ташаккур айтаман.

Москвада ўтказган ана шу кунларингиз мобайнида Сиз интернационализм туйғуси, ҳар қандай ҳаққоний иш учун курашаётган бошқа халқлар билан бирдамлик туйғуси жуда кучли ривожланган давр эрурларини билан дўстона муносабатларда қўлдан келгунча бизнинг керак даражадаги, бизнинг халқимиз инсоннинг қодр қилматини ва адолатни ҳимоя қилиш, ички ишларга ўзгаларнинг аралашувидан ҳалос бўлиш, ўзининг мустақил ривожланишига бўлган ҳуқуқини қарор топтириш нуқтида бошқа халқларнинг иштирокидаги ва куч-ғайратларига ҳеч қачон бефарқ қараб турган эмас.

Президент жаноблари, Сизнинг мамлакатингиз мустамлака ҳукмрончилигига қарши кипрликларнинг ҳаракати авж олган даврда бизнинг мамлакатимизда айниқса кенг машҳур бўлди. Империялистик кучларнинг аралашуви оқибатида Кипр халқининг эзу орзу-умидларидан айримлари рўёбга чиқмай қолган бўлса ҳам, лекин у жасорат ва матонат кўрсатиб мустақилликка эришди, лекин кураш йўллари нақадар мураккаб бўлмасин, биз кипрликларнинг ўз мустақиллиги ва озодлиги тўла таятанасига эришишларига ишонамиз. Бу мақсадга эришиш йўли орзу қилинганидек унчалик осон бўлмаслиги мумкин, лекин бутун дунёдаги халқларнинг қудратли озодлик ҳаракати зўр тўлқини ҳамма жойда бу йўлни тобора кенгайтириб бормоқда. Эндilikда бу ҳаракатни тўхтатишга ҳеч қандай куч қодир эмас.

Кипрликларнинг мустамлака зулмига қарши курашига совет халқи зўр хайрихоҳлик билан қараб келди ва ҳозир ҳам у Кипр республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини таъминлашга тааллуқли ҳамма масалаларда уларни батамом қўллаб-қувватламоқда. Биз кипрлик грекларга ҳам, кипрлик туркларга ҳам баббаравар ҳурмат билан қараймиз ва уларнинг

ихтилофларини музокаралар йўли билан ҳал этишда муваффақият тилаймиз.

Президент жаноблари, Москвадаги суҳбатлар пайтида Сиз жуда кўп проблемаларни муҳожама қилиш, Совет-Кипр муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор бериш имкониятига эга бўлдингиз. Биз Сизнинг Совет Иттифоқи билан Кипр республикаси ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шквали мамлакат манфаатларигагина эмас, шу билан бирга уч қитъа — Европа, Осиё ва Африка оралигидаги Ўрта денгизнинг муҳим райондаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади, деган ишончингизга қўшиламиз. Биз Кипрдаги аҳвол хусусида Сиз ўз нуқтингизда баён этган масалаларга тушуниш билан қараймиз.

Биз шунга аминмизки, Сизнинг Совет Иттифоқига қилган вазифанингиз ҳамкорлигимизнинг ҳамма соҳаларида Совет-Кипр дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўз томонимиздан биз бу соҳада куч-гайрат сарфлашни бундан буён ҳам давом эттираверамиз.

Совет ва Кипр халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин!

**УЛАН-БАТОРДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ
РЕВОЛЮЦИЯСИНING 50 ЙИЛЛИГИГА
БАГИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДА
1971 ЙИЛ 10 ИЮЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Азиз монгол дўстлар! Монголия Халқ Республикаси — бизнинг қадрдон ва содиқ дўстимиз, у шундай мамлакатки, жаҳон социализм системаси вужудга келгунига қадар Совет Иттифоқи у билан кўп йиллар мобайнида елкама-елка борли ва эндиликда у биз билан яна ҳам мустаҳкам бирдамлик алоқалари ила боғлангандир.

Қардош монгол халқи халқ революцияси амалга оширилганидан бери кураш ва меҳнат, жасорат ва ғалабаларга тўла янги асрлик юзларини кўриб келди.

Биз, Совет Иттифоқи вакиллариға, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети билан биргаликда:

Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетиға, Буюк халқ хурали Президиумиға ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советиға, социалистик Монголиянинг барча меҳнаткашларига халқ революцияси ғалабасининг 50 йиллиги муносабати билан қизғин қарлошлиқ саломини ва самимий табрикларимизни топиришға ижозат бергайсиз!

Монгол ерида революциянинг шонли юбилейиға бағишлаб ўтказилаётган тантаналарда қатнашишға таклиф этганингиз учун ўзимизнинг бениҳоя миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Яқиндагина бўлиб ўтган Монголия халқ-революцион партиясининг XVI съездида сизлар партия ва бутун мамлакатнинг кейинги беш йил мобайнидаги ишиға яқун ясадингиз. Бугун ўртоқ Ю. Цеденбалнинг докладыда Монголиянинг илгариги қолоқлигиға барҳам бериш ва социализм қуриш соҳасида 50 йил мобайнида партия ва халқ амалга оширган қаҳрамонова ишларнинг таъсирчан манзараси чизиб берилди. Тарихан қисқа муддат ичида монгол халқи жуда кўп нарсаларға эришди. Ҳар бир янги беш йилликда у ҳал этишға қодир бўлган вазибалар миқёси ҳам жадал ўсиб бормоқда.

Кўп асрлик қолақликнинг оғир меросини енгиб ўтиш осон эмаслигини монгол дўстларимиз ўз тажрибаларидан яхши билишади. Буни бизнинг халқимиз ҳам мамлакатимизнинг кўпгина районларида янги ҳаёт қуриш тажрибасидан билади. Кенг халқ оmmasини

мустақил онгли ижодиётга кўтармасдан туриб, халқнинг ташаббусини уйғотмасдан туриб, революцион ўзгартишларни меҳнаткашларнинг жонажон ишига айлантирмасдан туриб бундай вазифани ҳал қилиб бўлмасди.

Революцияни амалга оширишда мамлакатнингиз меҳнаткашларини Улуғ Октябрь ғојлари илҳомлантириб турди. Монгол халқи социалистик қурилиш йўлига дадил ўтиб олди. Халқ ҳокимиятининг 50 йилли мобайнида монгол халқи ҳаётининг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги Монголия — аграр-индустриал социалистик давлат бўлиб, у социализм ғалабаси сари дадил бормоқда. Монгол халқи ўзининг марксчи-ленинчи авангарди — Монголия халқ-революцион партиясининг раҳбарлигида социализм қурилишида, мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашда жуда катта муваффақиятларга эришди. Д. Сухэ-Батор ва унинг революционер сафдошлари тузган партия бўлмаганида, халқ революцияси ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Монголия халқ-революцион партиясининг буюк хизмати шундаки, у меҳнаткашларни миллий мустақиллик, халқ ҳокимиятини ўрнатиш ва социализм йўлидан ривожлантириш учун курашга отлаттира олди.

Мамлакатнингиз тарихий тажрибасининг жуда катта аҳамияти 50 йил мобайнида босиб ўтган йўлнинг бошланишидан тобора узоклашган сайин янада яққол кўринмоқда.

Монголия революция арафасида қандай эди? Идора қилишнинг теократия усули ҳукм сурган қолақ феодал давлат эди. Биз тарихга тўхтаб ўтиш учун буни эсга олаётганимиз йўқ, асло. Ҳолбуки, Осиё ва Африкадаги кўпгина халқлар ҳозирда ҳам ривожланишнинг тахминан шундай босқичида турибдилар. Бу халқлар олдида шундай савол кескин бўлиб турибди: улар иқтисодий, илмий-техника, социал ривожланиш даражаси жиҳатдан илғор давлатлардан ўзларини айириб турган фарқни умуман енгиб ўта оладиларми. Бордию бу вазифани ҳал этиш мумкин бўлган тақдирда ҳам, уни қандай қилиб, қандай тарихий муддатда, қандай йўллар билан ҳал қилиш мумкин ва лозим.

Монгол халқи ва давлатининг тажрибаси бу саволга дангал аниқ жавоб беради, бу абстракт-назарий жавоб бўлмай, балки амалий жиҳатдан асосланган ва шу сабабли ҳам юксак даражада ишончли жавобдир. Бу жавоб кўп асрли қолақликни ҳам енгиб ўтиш мумкинлигини айтиб турибди. Бу, мустамлакачиларнинг айби билан, эксплуататор синфларнинг айби билан орқада қолган халқлар Европанинг кўпгина халқлари босиб ўтган ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишнинг ҳамма босқичларини бирма-бир ўтишлари мутлақо шарт эмаслигини кўрсатади. Улар беҳисоб қурбонлар билан тўлган капиталистик йўлдан боришларининг зарурати йўқ. XX асрда орқада қолган халқларнинг ишни капиталистик саноат ўзгариши тонгида Стефенсон, Уатт ва бошқа ихтирочилар яратган нарсалардан бошлашларига тўғри келмайди.

Жаҳонда қудратли социалистик давлатлар системаси мавжуд бўлган ҳозирги вақтда қолоқ мамлакатларнинг халқлари бир маҳаллар ҳозирги тараққий қилган капиталистик мамлакатлар учун муқаррар бўлган азоб-уқубатлар ривожланиш босқичларини четлаб ўтиб, замонавий маданият ютуқларини эгаллашлари мумкин.

Орадаги фарқни йўқотиш учун тараққиётнинг маълум даврини ўтиш керак бўлади, албатта, аммо монгол халқининг тажрибаси кўрсатиб турибдики, бу давр асрлар билан эмас, балки ўн йиллар билан ўлчанади.

Монголия Совет Иттифоқи, кейинроқ эса бошқа социалистик мамлакатлар билан яқин ҳамкорликда ва уларнинг ёрдамида қолоқликдан чиқиб, тараққиётга эришди. Бу унинг шундай йўлдан боришига имкон бердики, бунда, капитал мамлакатларида бўлганидек, минг-минглаб кишилар ҳаёт йўлидан улоқтириб ташланмади. У меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини юксалтириш йўлидан борди.

Капиталистик тараққиёт босқичини четлаб социализмга ўтиш йўлининг ҳаётчилиги монгол халқининг тажрибасида тасдиқландики, бу ҳам унинг инсоният тарихига қўшган жуда катта ҳиссасидир. Жамият тараққиётининг биринчи йўли, деганимиз

Монголия халқи, турмушининг биринчи феодализмдан социализмга ўтиш тажрибаси

ушнинг бу доҳиёна баёнотининг тўғрилиги практикада ҳозирги ижтимоий тараққиёт тажрибаси орқалигина исботлаб берилди.

Монголия халқи, турмушининг биринчи феодализмдан социализмга ўтиш тажрибаси социалистик қурилиш назарияси ва практикасига қўшилган катта ҳиссадир. Бу тажриба шу нарсага яққол кўрсатиб турибдики, озод бўлган мамлакатлар социалистик мамлакатлар билан маҳкам иттифоқда бўлсагина муваффақиятли ривожлана оладилар. Яқин вақтларда феодализм ҳукмрон бўлган, асосий позицияларни чет эл савдо судхўрлик капитали эгаллаб олган бир мамлакатда социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари тўла талаба қилганлигини, социалистик хўжалик системаси қарор тошганлигини, социалистик ижтимоий ва давлат тузуми мустаҳкамланганлигини ҳозир ҳамма кўриб турибди. Кўчманчиликка асосланган ибтидоий чорвачилик амалда халқ хўжалигининг бирдан-бир тармоғи бўлган мамлакатда кўп тармоқли экономика барно қилинди, саноат эса умумий ижтимоий маҳсулотнинг учдан бир қисмидан кўпрогини бермоқда. Маънавий ҳаётни ламаий черкови томонидан бўғиб қўйилган, қашшоқлик, касаллик, ҳодонлик меҳнаткашларнинг қисмати бўлган мамлакат ёппасига саводхон ва маданият тараққий қилган давлатга айланди.

Биз социалистик Монголия халқ хўжалиги ва маданиятининг қайси бир тармоғини олиб кўрмайлик, ҳамма соҳада Монголия халқ революцион партияси, унинг ўз халқининг содиқ фарзанди, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг атоқли арбоби ўртоқ Ю. Цеденбал бoshчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлик қила-

ётган монгол халқи олга томон дадил одим ташлаётганини, жуда катта яратувчилик иши олиб бораётганини кўриш мумкин.

Монголия халқ-революцион партияси XVI съездининг қарорлари мамлакатда спёсий ва меҳнат активлигини гоят даражада юксалтириб юборди. Съезд партия программасини амалга ошириш соҳасида янги вазифаларни илгари сурди ва монгол коммунистларининг марксизм-ленинизмга содиқ эканлигини тасдиқлади.

Азиз ўртоқлар! Биз халқ революцияси ғалабасининг 50 йиллигини нишонлаш билан бир вақтда совет ва монгол халқлари ўртасида, КПСС билан Монголия халқ-революцион партияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганининг 50 йиллигини ҳам нишонламоқдамиз. Биз бугун зўр мамнуният туйғулари билан айта оламизки, В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Ватор мустақам пойдеворини қуриб берган совет-монгол муносабатларига ҳеч қачон ва ҳеч қандай доғ тушмайди.

КПСС ва Монголия халқ-революцион партияси, Совет ҳукумати ва МХР ҳукумати совет-монгол муносабатларининг барча масалалари бўйича иккала томоннинг ҳам миллий, ҳам интернационал манфаатларига мос тушадиган ҳулосаларга келиш учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрмоқдалар. Совет-монгол муносабатлари янги типдаги муносабатларнинг, ўз муносабатларини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм мустақам принциплари асосида қурайтган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида қарор тошган дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик, тенглик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг тимсоли бўлиб қолди.

Қарийб чорақ аср давомида социализм лагери фақат икки мамлакат — Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикасида иборат бўлди. Бизнинг мамлакатларимиз ана шу машаққатли ва шунинг билан бирга сўнмас шон-шухратларга тўла ҳамда улўввор йилларда оғир синовларга бардош беришларига тўғри келди.

Совет ва монгол халқлари ҳамма вақт бир-бирларининг ёрдамини ҳис этиб турдилар ва ўртоқ Цеденбалнинг образли қилиб айтганидек, ҳаммаша меҳнатда бир бригадада, жангда бир экипажда бўлдилар.

Халхин-гол қаҳрамонларининг ҳамда 1945 йилда Хинган тоғи ёнбағирларида ва Шимолий Хитой текисликларида Япония милитаристларига қарши биргаликда олиб борилган жангларнинг шон-шухрати совет ва монгол халқлари ёдидан ҳеч қачон чиқмайди.

Улўв Ватан урушининг оғир йилларида қардош Монголия бизга кўрсатган ёрдам совет кишиларининг ёдиди. МХРда Совет Иттифоқига, фронтга ёрдам кўрсатиш ҳаракати умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Монгол аратлари Совет Армияси эҳтиёжлари учун минглаб отлар етказиб берди. Монголия меҳнаткашлари совет-герман фронтига кўплаб миқдорда иссиқ кийим ва бошқа хил совғалар юбордилар. Совет Армияси жангчиларига совғалар

топшириш учун монгол вакиллари делегациялари, МХР раҳбарлари Чойбалсан, Цеденбал, Бумацэндэ ва бошқа ўртоқлар бир неча марта фронтга бордилар. Монгол халқи йиққан маблағга қурилган ва Совет Армиясига топширилган «Революцион Монголия» танк колонпаси жанг қилиб, Берлинга қадар борди. МХР меҳнаткашлари маблағига қурилган «Монгол арати» авиаэскадрильяси ҳам Смоленск ерида фашист босқинчиларга қирон келтира бошлади, урушни эса Берлинда ва Прагада тугатлади.

Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги мустақкам иттифоқ ва бузилмас дўстлик урушдап кейинги йилларда янада ривожланди. СССР билан МХР ўртасида 1946 йил февралда имзоланган дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома ҳамда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим совет-монгол муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақкамлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 1966 йил январь ойида МХРга келган вақтда тузилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномада ушбу тарихий ҳужжатларнинг асосий қоидалари ҳамда принциплари ривожлантирилди. Бу шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги традицион дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг қўллаб-қувватловчи асоси бўлиб, совет-монгол муносабатларини мустақкам асоси, Узоқ Шарқда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминловчи амалдорнинг қудратли омилли ҳисобланади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1970 йил октябрь ойида МХР партия-ҳукумат делегациясининг 1970 йил октябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида визити совет-монгол қардошлик муносабатларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Музокаралар вақтида 1971—1975 йилларда совет-монгол ҳамкорлигининг муҳим масалалари қараб чиқилди, сўнгра эса мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорликни муттасил ривожлантиришга қаратилган бир неча битимлар тузилди.

Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши билан МХР бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам кенг ҳамкорлик муносабатларини ривожлантира бошлади.

Монголия Халқ Республикаси социалистик давлатлар жинс оиласининг аъзосидир. Социалистик ҳамдўстликнинг мустақкамлиги, энг аввало, социалистик мамлакатлардаги қардош коммунистик ва ишчи партиялар идеологиясининг муштараклиги, мақсадларининг бирлиги билан белгиланади.

Совет Иттифоқи, Монголия Халқ Республикаси, бошқа ҳамдўстлик мамлакатларининг коммунистлари ишчилар синфи, деҳқонлар, интеллигенция, социалистик жамият барча меҳнаткашларининг турмуш ва меҳнат шароитини муттасил яхшшлаш йўлидаги ўз мақсадларида яқдлдирлар. Мамлакатларимизда социалистик ва коммунистик қурилишга раҳбарлик қилиш, халқ манфаатлари йўлида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият,

санъатни ривожлантириш соҳасида қардош партиялар олиб бораётган ҳар томонлама ва кўп қиррали фаолият ана шу мақсадга эришишга хизмат қилади.

Қардош партиялар тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, империалистик агрессияга ва халқларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилинишига қарши, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини халқаро ҳаётда қарор топтириш учун курашда бирдамдирлар.

Бизнинг партияларимиз ҳамisha ғолиб марксизм-ленинизм таълимоти ва пролетар интернационалиزمни асосида социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлаш учун актив курашмоқдалар. Халқлар қўлга киритган социалистик ғалабалар дахлсиздир, уларни ҳимоя қилиш — барча социалистик мамлакатларнинг умумий интернационал бурчидир.

Бизнинг тинчлик ва социализм учун, империализмга қарши курашимизни жаҳон революцион ҳаракатининг бошқа отрядлари олиб бораётган курашда ажратиш мумкин эмас. Бизнинг буюк кучимиз, халқларимиз муваффақиятларга ва ғалабаларга эришувининг гарови бирликдadir!

Ўртоқлар! Бу йил бизларнинг барчамиз учун айниқса машҳур йилдир. Яқинда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди бўлди, қардош партиялар — Монғолия халқ-революцион партияси, Болгария коммунистик партияси, Чехословакия коммунистик партияси, Германия бирлашган социалистик партиясининг съездлари бўлиб ўтди. Жаҳон социалистик системаси ва у билан бирга ҳар бир социалистик мамлакат ўз тараққиётининг янги босқичларига дадил кўтаришмоқда, уларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бормоқда, йнрик социал вазифалар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Янги беш йиллик социалистик ҳамдўстлик тарихига фан-техника тараққиёти ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликни оширишнинг янги босқичи бўлиб киради. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг саноат маҳсулоти беш йиллик мобайнида бир ярим баравар ортади, аҳолининг реал даромадлари тахминан учдан бир ҳисса кўпаяди.

Социалистик халқаро меҳнатни план асосида кооперациялаштириш, хўжалик соҳасида уларнинг куч-ғайратини бирлаштириш — ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётини тезлаштиришнинг муҳим омилдир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш, унинг янги, янада самарали формаларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни рационал ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш системасини изчил суратда ривожлантириш йўлида яқдил бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Бу мақсадлар УИЕК

XXIII ва XXIV сессияларининг қарорларида белгилаб берилган ҳамда социалистик иқтисодий интеграциянинг узоқ муддатга мўлжалланган Комплекс программасида аксини тошган бўлиб, бу программа УИЕКнинг XXV сессиясида қўриб чиқилади. Миллий хўжаликларнинг ўзаро келишиб ҳаракат қилиши социалистик хўжалик системаси афзалликларини кучайтириш имконини беради ва мамлакатларимиздан ҳар бирининг туб проблемаларини биргаликда самарали ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Социалистик давлатларнинг қардошларча ҳамкорлиги жараёнида халқларда мамлакатларимиз вазифаларини ва тақдирининг муштарақлигини яна ҳам чуқур англаш туйғуси шакллана боради. Социалистик мамлакатлар халқлари йил сайин бир-бирлари билан кўпроқ яқинлашиб бормоқдалар, бу эса бизнинг ҳамкорлигимизни яна ҳам кўпроқ жишлаштирмоқда, дўстлигимиз алоқаларини ҳаққатан ҳам мустаҳкамламоқда. Бу эса давлатларнинг социалистик ҳамдўстлигини таъкил топиши ва ривожланиши билан халқларнинг янги тарихий бирлиги таркиб топаётганидан далолат беради.

Социалистик ҳамдўстликнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишидан иборат бу тарихий жараёнга Монғолия Халқ Республикаси муносиб ҳисса қўймоқда.

Социалистик давлатларнинг ҳамкорлиги соғиниб келинган хўжалик территорияси, иқтисодий потенциали турлича бўлган мамлакатларни бирлаштиради. Аммо биз, интернационалист-коммунистларга бу нарса уқарма. Ҳамкорликнинг муносибатга бўлиши учун, мамлакатларни спёсий аҳамиятига қараб буюк ва кичик мамлакатлар деб суъбий равишда бўлиши учун асос бўла олмайди. Бизнинг ҳамкорлигимизда унинг барча қатнашчиларининг тенглиги принципинга қатъий риоя қилинаётган экан, бундай бўлишнинг қандай маъноси бўларди? Агар баъзи бировлар бу хилда бўлишнинг бизга тикшиштиришига уринаётган эканлар, буни социалистик мамлакатларни жишлаштириш манфаатлари йўлида қилаётганларини йўқ, асло. Бирлигимизнинг душманлари бир хил мамлакатларни бошқа мамлакатларга, улардаги социал тузумга қарамай қарама-қарши қўйишига ҳар қандай йўллар билан уринадилар. Синфий бўлмаган бундай ёндашиш билан реал воқелик ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бундай ёндашиш марксизм-ленинизмга, социализм кучлари билан империализм кучлари ўртасидаги курашда ҳал этилаётган вазифаларга хилофдир.

Мамлакатнинг буюклиги фақат унинг ҳажми ва потенциали билан белгиланмайди. Спёсати тинчликни ва халқро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилмай, балки уруш хавфи ўчоқларини вужудга келтирса, агрессия ва қуролланиш пойгасини келтириб чиқарса, бошқа халқларга ўз ишнини мустақил ҳал қилишига тўсқинлик қилса, бундай давлат ҳақиқатан ҳам буюк давлат деб аталиши учун маънавий ҳуқуққа эга бўлиши мумкинми, ахир?

Аҳолисининг сони ва бошқа белгилари жиҳатидан нисбатан катта бўлмаган кўпгина мамлакатлар тинчлик учун, ижтимоий тараққиёт учун социализм мамлакатлари бирлиги ва жиислигини мустаҳкамлаш учун курашда каттагина роль ўйнадилар. Монголия Халқ Республикаси ҳам шундай мамлакатлар жумласига кирди. Биз монгол дўстларимиз халқро майдонда ва жаҳон коммунистик ҳаракати сафларида олиб бораётган актив фаолиятига зўр ҳурмат билан қараётганимиз учун ҳам ҳозир шу ҳақда гапиряймиз.

Биз Монголия халқ-революцион партияси Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси ва шахсан ўртоқ Ю. Цеденбал партиявий принципиаллик ва эътиқод билан совет-монгол дўстлигини, бутун социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлаётганликларини ва муносабатдаримизга раҳна солиш учун уринаётган кишиларга зарба бераётганликларини яхши биламиз ва буни бағоят қадраймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон социализм системаси қудратини янада оширишга, социалистик мамлакатлар бирлиги ва жиислигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам беришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида бундай деди: «Ҳар бир қардош мамлакатнинг гуллаб-яшнаб турган давлат бўлишини, тез иқтисодий ва илмий-техникавий ўсишни социалистик маданиятини яшнатип, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш билан уйғунлаштириб, бир-бирига қўшиб олиб боришларини кўришни истаймиз. Жаҳон социализм системаси янги жамиятни биргаликда қураётган ва ҳимоя қилаётган, тажриба ва билимлари билан бир-бирини бойлантаётган халқларнинг аҳил оқласи бўлишини, иноқ ва мустаҳкам оила бўлишини, эркин халқларнинг келгусида жаҳон миқёсидаги биродарлигининг тўлиқ тартиқасида ер юзидаги одамлар кўзи олдида намоён бўлишини истаймиз».

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси ярим асрдан буён марксизм-ленинизм байроғи остида, социализм учун, тинчлик учун, халқларнинг порлоқ истиқболи учун кураш байроғи остида бирга бормоқдалар. Қардошларча дўстлигимиз шу йўлда чиниқди, совет халқи бу дўстликни кўз қорачиғидай асрайверади, Совет Иттифоқи ва социалистик Монголия меҳнаткашларининг ҳаммамиз учун азиз бўлган галабаси сифатида мустаҳкамлайверади.

Монгол халқи билан биргаликда ўзининг кўп сонли дўстлари халқ революциясининг 50 йиллигини нишонлаётган ана шу тарихий кунда биз Монголия Халқ Республикасининг барча меҳнаткашларига қардошлик туйғуларимизни пазҳор этамиз ҳамда социализм қурилишида, мамлакатнинг пешлаб чиқарувчи кучла-

рини ривожлантиришда ва халқнинг фаровонлигини ошириш соҳасида уларга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Биз, азиз дўстлар, сизлаога Монголия халқ-революцион партияси XVI съезди қарорларини муваффақиятли бажаришингизни тилаймиз.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги бундан буён ҳам янада мустаҳкамланаверсин!

Яшасин халқларнинг социалистик ҳамдўстлиги!

**КРЕМЛДА ХИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ
ИНДИРА ГАНДИ ШАРАФИГА БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1971 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарама Бош Министр хоним! Ҳиндистонлик ҳурматли меҳмонлар!

Москва ҳамда бутун мамлакатимизнинг граждaнлари Сизнинг Совет Иттифоқига ташриф буюрганлигингизни табриклайдилар ва улар буни мамлакатларимиз ўртасида амал қилиб келаётган самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ифодаси деб биладилар. Совет кишилари Сизни Ҳиндистоннинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, унинг тараққиёт йўлидан ривожланиши учун, халқлар ўртасида тинчлик учун изчил суратда курашаётган буюк давлат арбоби сифатида табриклайдилар. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига Сизнинг шахсан қўшган ҳиссангизни бизнинг мамлакатимизда юксак баҳолайдилар.

Совет ҳукумати номидан ҳар иккала мамлакатларимиз ҳукуматларини қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилмоқ учун Москвада Сиз билан яна учрашиш имкониятига эга бўлганлигимдан чуқур мамнун эканлигимни изҳор этаман. Сизни, Бош Министр хоним ва Сизга ҳамроҳ бўлган кишиларни яна бир бор чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Совет ва ҳинд халқлари кўп йиллардан буён дўстона муносабатларнинг мустаҳкам алоқалари билан боғлангандирлар. Бизнинг дўстлигимиз нимадан бошланган? Агар биз бу саволга жавоб берадиган бўлсак, Совет давлати эндигина вужудга келган даврдаёқ совет кишиларининг фикри Шарқ халқларига, шу жумладан социал ва миллий озодлик учун оламшумул тарихий курашда ўзининг табиий иттифоқчиси бўлган Ҳиндистонга ҳам қаратилганлигини эсга олмасдан қололмаймиз.

«Шарқда, биз биламизки,— деган эди В. И. Ленин,— Шарқ халқлари оммаси мустақил қатнашчилар сифатида, янги ҳаёт ижодчилари сифатида курашга қўзғаладилар, чунки юзларча миллиондан иборат бўлган бу аҳоли тўла ҳуқуқли бўлмаган, қарам

миллатлардандир, бу аҳоли ҳозирга қадар империализмнинг халқ-аро сиёсатининг объекти бўлиб келди!...».

Совет-ҳинд муносабатлари Ҳиндистон халқи ўз елкасидан мустамлака зулмини улоқтириб ташлаб, мустақил тараққиёт йўлига кирганидан кейингина кенг ривож топди. Бизнинг муносабатларимиз халқаро вазиятнинг ғоят турли шароитларида синовдан ўтди ва биз шунд дадил айтишимиз мумкинки, бу муносабатлар ҳамма вақт шундай синовга бардош бериб келган.

Айрим мамлакатлар манфаатларининг вақтинчалик, конъюнктура жиҳатидан бир-бирига мос тушиши асосида уларнинг яқинлашганини кўрсатувчи қўпгина мисоллар тарихда маълум. Совет-ҳинд дўстона муносабатлари эса принципиал жиҳатдан бошқача негизга қурилгандир. Таъриба ва замон бу муносабатларнинг ҳаётийлигини ва Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқларининг тўб манфаатларига тўла мос келишини исботлади. Ана шунинг учун ҳам шу йил 9 августда имзоланган Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани мамлакатларимизнинг халқлари ғоят мамнуният билан қутиб олдилар.

Шартноманинг охирида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч юксак даражага кўтарилганлиги ифодаланган. Шунинг билан мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатлиги домини билан шундай яқинлик билан қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб қарши олинди ҳамда тез орада ратификация қилинди.

Биз ушбу шартнома ўстона совет-ҳинд муносабатларини янада ривожлантириш учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ҳозир батафсил гапириб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак. У мамлакатларимиз ўртасида янги пестиқбёллар очади, мамлакатларимиздаги мавжуд ижтимоий системаларда фарқ борлигига қарамай, биз ўзимизнинг тинч қурилиш планларимизни амалга ошириш манфаатлари йўлида, Оспёда ва бутун дунёда тинчлик иши манфаатлари йўлида биргаликда олға интилишимиз ва ҳаракат қилишимиз мумкин, деб айтиш учун асос беради.

Бу Шартнома мамлакатларимизга икки томонлама ҳамкорлик қилиш соҳасида узоқ даврга мўлжалланган биргалашиб ҳаракат қилиш режасини белгилаб олишда, шунингдек халқаро кескинликни юмшатишга ва халқларнинг ҳаёт кечирishi учун қулай ташқи шароит вужудга келтириш йўлида қўядиган ўз қадамларимизни келишиб олишимизга ёрдам беради.

Албатта, совет-ҳинд муносабатларининг шу кунгача бўлган бутун ривож шартномамизга замин тайёрлаб берди. Иккинчи томондан, шартноманинг тузилиши ва унинг кучга кириши Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро ишончни ва бир-бирини англашни янада мустаҳкамлаш учун яна ҳам қулай вазият

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 36-том, 160-бет.

еужудга келтиради. Шу асосда узоқ истиқболни кўзлаб йиряк иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда совет-ҳинд муносабатларини янада кенгайтириш учун имконият юзага келади.

Биз ўйлаймизки, совет-ҳинд муносабатлари соҳасида эришилган ҳозирги даража иккала мамлакат ўртасида 10—15 йилга мўлжалланган узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик программасини ишлаб чиқиш имконини беради, токи бизларнинг ҳамкорлигимиз тараққиёт ишига, халқ фаровонлигини юксалтириш ишига янада самарали хизмат қилсин.

Шак-шубҳа йўқки, бунинг учун кўпгина имкониятлар мавжуд. Ҳиндистон бой табиий ресурсларга эга. Геологларнинг айтишларича, унинг бағрида миллий саноатни ривожлантириш учун, ҳинд халқининг эҳтиёжларини қондириш учун барча зарур нарсалар бор. Ҳиндистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имкониятлари ҳам гоятда кенг.

Сизлар шуни яхши биласизларки, Совет Иттифоқи ҳам гоят катта ва хилма-хил табиий бойликларга эга. Биз бу бойликлардан мамлакатнинг миллий даромадини ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини доимий равишда юксалтириш учун фойдаланмоқдамиз.

Бизнинг иқтисодий алоқаларимизда ҳар иккала мамлакатнинг имкониятларини тўғри қўшган ҳолда биз иқтисодий тараққиётда янада зўр юксалишга эришишимиз мумкин.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон фақат ўз ўрталарида эмас, балки барча мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳам тинчлик бўлишини истайдилар. Ҳозирги вазиятда Ҳинди-Хитойда ва Яқин Шарқда империалистик агрессиянинг тўхтатилишига эришиш, ҳал қилиниши лозим бўлган асосий халқаро проблемалар юзасидан давлатлар ўртасида фикрларнинг бир-бирига тўғри келишига муваффақ бўлиш айниқса муҳимдир. Булар — халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуроли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш, қуролсизланиш, қуролланиш пойғасини тўхтатиш, жаҳон урушининг олдин олш проблемаларидир. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXIV съездида Ҳисобот докладыда Бош секретарь Л. И. Брежнев илгарги сурган Тинчлик программасида қўйилгандир.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг Осиёда ва бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлашдан чуқур манфаатдор эканлиги совет-ҳинд шартномасида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Иккала томон бири-бирининг ташқи сиёсат соҳасида тутаётган йўлига ишонч билан қарашини шартномада таъкидлаб қўйганга биз катта аҳамият бермоқдамиз. Совет Иттифоқи Ҳиндистон ўтказиб келаятган тинчликсевар ташқи сиёсатни — атоқли давлат арбоби Жавоҳарлал Неру асос солиб кетган қўшилмаслик сиёсатини ҳурмат қилади ва қадрлайди. Қўшилмаслик сиёсати тинчликни сақлаб туриш ва халқаро кескинликни юмшатишнинг муҳим

омили бўлиб қолади. Ҳиндистоннинг тинчликни сақлаш ва мустақамлаш ишига, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссасини биз юксак даражада қадрлаймиз.

Совет-ҳинд шартномасининг халқаро аҳамияти ҳақида гап-раб эканмпз, у бирон-бир давлатга қарши қаратилмаганлигини ва совет-ҳинд дўстона муносабатларини булдан буён янада мустақамлаш бошқа мамлакатлар билан муносабатларни ёмонлаштириш эвазига бўлмаслигини таъкидлаб ўтиш зарур. Тинчликсевар икки давлат — Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ушбу шартномани тузиш билан Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш ҳамда умуман халқаро муносабатларни стабиллаштиришнинг мумкин бўлган йўлларида бирини кўрсатдилар.

Биз шунга аминмизки, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳар иккала мамлакатда фақат ҳозирги авлод учун эмас, балки кўнгина келгуси авлодлар учун ҳам яхши хизмат қилади ва уларнинг юксак баҳосига сазовор бўлади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Осиёда тинчликни мустақамлаш билан бутун дунёда тинчликни мустақамламоқдалар. Бизнинг давримизда кўнгина факторлар жаҳон сиёсати соҳасида ҳам, жаҳон экономикасида ҳам воқеалар ўртасида илгариги даврларга қараганда кўнгина ўзгаришлар бўлган, балки эволюцион ва

революцион ҳолатларга оғтириш бўлган. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ҳаётида интернационалишни яқарайишни беқийс даражада кучайтириб юборган илмий-техника революциясининг оқибати бўлди. Ҳамма соҳаларда умуман ҳарикат бўлиши билан 1950-йилларда тинч-тотув янаш сиёсати халқаро муносабатларда ҳамма томонидан эътироф қилинган нормага айланиши учун курашаётган жаҳондаги барча кучларнинг мустақамланаётганлиги, ўсиб бораётган бирдамлиги ва уюшқоқлиги ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга.

Шарқий Покистондаги воқеалар муносабати билан Ҳиндистон-Покистон субконтинентда юзага келган вазият Совет ҳукуматини ташвишлантирмоқда. Рўй берган ана шу воқеалар натижасида Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларда пайдо бўлган масалаларнинг бутун мураккаблигини биз аниқ тасаввур қилампз.

Вазифа Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашишини бартараф этишдан иборат.

Вазиятни юмшатиш учун, энг аввало, Покистондан чиқиб кетган қочоқларга ўз она юртига қайтишга имконият туғдириш, улар таъқиб қилинмаслиги ҳамда хотиржам яшашлари ва меҳнат қилишлари учун имконият яратилиши ҳақида тўла гарантия бериш зарур. Барча мамлакатлардаги тинчликсевар жамоатчилик, Ҳиндистон ва Покистоннинг ҳамма дўстлари мавжуд вазиятнинг шу йўсида сиёсий тартибга солинишини кутмоқдаларки, бу Покистон-Ҳиндистон муносабатларининг янада кескинлашиши хав-

фини бартараф этган бўлурди. Биз аминимизки, масалага бундай ёндашиш Покистон халқининг ва мазкур районда тинчлик ишининг манфаатларига мос бўлиб тушар эди. Ана шу масъулиятли дамда биз президент Яхёхонга мурожаат қилиб, юзага келган кескинлик ўчоғини тугатиш учун энг таъсирчан чораларни кўришга даъват этамиз.

Совет Иттифоқи ана шу районда тинчликни сақлаш ва қуролли тўқнашув келиб чиқишига йўл қўймаслик учун ўз томонидан мумкин бўлган ҳамма чорани кўради. Бизнингча, мазкур масала юзасидан Сиз билан, Бош Министр хоним, бошланган фикр алмашув шунга кўрсатадики, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ана шу мақсадга эришиш учун бундан буён ҳам ўз кучларини бирлаштираверадилар.

Биз бунга яна шунинг учун ҳам чуқур ишонамизки, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи халқлари тинчлик ва тараққиёт учун курашда илгари ҳеч қачон бир-бирлари билан бунчалик бирдам бўлмаган эдилар. Халқларимизнинг бу бирдамлиги жуда катта кучга эга. У бундан буён ҳам ўсиб, мустаҳкамлана беради, халқларимизнинг порлоқ келажак, ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлидаги умумий интилиши бунга гаровдир.

Мустақиллик ва тараққиёт йўлида Ҳиндистон халқига катта муваффақиятлар тилаймиз!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверсин!

**МОСКВАДА ЯМАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
ШАРАФИГА БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Биз олий мартабали меҳмонимиз дўст Яман Халқ Демократик Республикасининг Бош Министри Али Носир Муҳаммадни ва унинг бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини Москвага келганлиги билан табриклаймиз.

Совет халқи Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган ва прогрессив мустақил ривожланиш йўлидан бораётган ёш араб республикасининг муваффақиятларини эслаб

жанубий Яман халқи мустақилликка эришини учун узоқ ва оғир йўлни босиб ўтди. Жанубий Яман халқи мустамлакачилик таътиблари билан ҳар қандайдир империалистик ёки бюрократик ҳукмронлигининг дастлабки кунларидапоқ мамлакатда мустамлакачиларга ва уларнинг агентларига қарши халқнинг чиқишлари бошланди. Мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаш учун йиллаб сабот-матонатли қаҳрамонона кураш олиб боришга тўғри келди.

1963 йил 14 октябрь кунин араб миллий озодлик ҳаракати тарихида муҳим давр бўлди. Шу кунин Радфанда юз берган қуролли тўқнашув Жанубий Яман халқининг инглиз империализми ва маҳаллий феодал реакцияси ҳукмронлигига қарши ғолибона антиимпериалистик революциясининг бошланishi бўлди. 1967 йил 30 ноябрда мамлакатнинг мустақил деб эълон қилинганлиги ва Яман Халқ Демократик Республикаси ташкил этилганлиги Арабистон жануби ва Форс қўлтиғи районидаги озодлик ва миллий мустақиллик учун кураш олиб бораётган халқлар учун пилҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилди.

Совет Иттифоқининг халқлари мазлум миллатларни мустамлакачиликдан озод қилишга қаратилган, антиимпериалистик характерга эга бўлган спянинг революциянғизми қизғин табриклар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун халқимиз яман ватанпарварлари олиб борган озодлик кураши ривожининг ҳамма босқичларида ҳамisha у билан бирдам бўлдилар. Яман Халқ Демократик Республикаси тинч хўжалик қурилиши план-

ларини, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва мамлакатнингиз халқининг турмуш даражасини ошириш мақсадида миллий экономикани вужудга келтириш планларини амалга оширишга киршган ҳозирги вақтда ҳам биз сизлар билан бирдаммиз. Яман Халқ Демократик Республикасининг прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш саҳасидаги муваффақиятлари Совет Иттифоқида қизғин қарши олинмоқда.

Еш республика ўзи танлаб олган ривожланиш йўлида дуч келётган қийинчиликлар бизга аён. Имперялистлар, мустамлакачилар позицияларини ўз хоҳишлари билан қўлдан бермасликларини сизлар яхши биласизлар. Бу китоблардан олинган гаплар бўлмай, балки мамлакатингизда озодлик кураши ва янги ҳаёт қуришини аччиқ тажрибасидан келиб чиққанлигини сизлар биласизлар. Имперялистлар ва уларнинг агентураси бутун дунёда бўлаётган каби, сизнинг районингизда, бутун Яқин Шарқда миллий озодлик ҳаракатини барбод қилиш ва заифлантириш учун ҳамма чорани кўрмоқда. Бунинг учун ҳар қандай воситалар ишга солинмоқда: бевосита агрессия қилиш ҳамда суверен давлатлар ва халқларнинг ички ишларига ошкора суратда аралашшдан тортиб, иқтисодий тазйиқ ва ватанпарвар, прогрессив кучларга қарши қўпоровчилик фаолиятининг маккорона усулларигача фойдаланилмоқда. Жаҳон реакцияси мустамлака зулмидан озод бўлган мамлакатларни, миллий озодлик ҳаракатини антиимпериалистик курашда уларнинг асосий иттифоқчиси, мустаҳкам таянчи бўлган социалистик ҳамдўстлик давлатларидаш ажратиб қўйишга зўр бериб уринмоқда.

Бу кураш янги куч сарфлашни ва моддий ресурсларни талаб этади, булар эса мустамлака ўтмишининг оғир асоратларини егиб ўтиш учун, озодликка эришган мамлакатларда халқларнинг турмушини қайта қуриш учун, улар цивилизация ва маданиятнинг ҳамма неъматларидан баҳраманд бўла оlishлари учун жуда ҳам зарурдир. Афтидан, имперялистлар халқлар биз билан курашда бардош беролмайдн, деб ўйлаётдилар. Аммо бундай ниятларининг замини бўшдир. Мамлакатимизда Улуғ Октябрь революцияси ва социализм қурилиши тажрибаси шундан далолат беради, жаҳон социализм системаси вужудга келганлиги ва у ҳозирги даврнинг ҳал қилувчи кучига айланганлиги шундан далолат беради, жаҳон миқёсида миллий озодлик ҳаракатининг юксалганлиги ва муваффақиятлари шундан далолат беради. Халқлар қандай қийинчиликлар ва сновлардан ўтишларига тўғри келмасин, келажак уларникидир, империализм, реакция ва уруш кучлариники эмас, балки озодлик, мустақиллик, тараққиёт ва тинчлик кучлариникидир.

Совет Иттифоқи Яман Халқ Демократик Республикасининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги курашида унга ёрдам бермоқда. Турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида мам-

лакатларимиз ўртасида тузлган битимлар мамлакатларимиз халқлари манфаатлари ва тинчлик иши йўлида муваффақиятли бажарилгани учун биз барча зарур чораларни кўрамиз. Миллий фронт раҳбарлари ва Яман Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида антиимпериалистик йўлни ўтказиб бораётган мамлакатларимиз ўртасида кенг алоқаларни ва халқ-аро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Совет Иттифоқи ва Яман Халқ Демократик Республикаси Вьетнам халқининг ва Ҳинди-Ҳитойдаги бошқа халқларининг америка агрессиясига қарши олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан бирдамдирлар, мустамакачиликни узил-кесил тугатиш учун, империализм ва реакциянинг пайрағларига қарши, ирқий камситишга ва апартеидга қарши, халқаро кескинликни юмшатиш учун умумий позицияларда туриб актив курашмоқдалар.

Бизларнинг мамлакатларимиз Яқин Шарқда империалистик агрессияга қарши кураш олиб бораётган барча кучларнинг ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши учун, шу районда адолатли, инсонли ва мустақкам тинчлик учун курашмоқдалар. Бундай ҳамжиҳатлик барча араб халқларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари учун бўлиб, мамлакатларимизнинг умумий қаров бўлиши ҳисобланади. Коммунистик партияларнинг XXIV съезди баёнида айтилганидек, Совет Иттифоқи Исроил агрессиясига дучор бўлган араб халқларининг ҳақдорлиги иштини, уларнинг боймол атилган ҳуқуқларини қайта тиклаш, Яқин Шарқдаги аҳволнинг одиллона сиёсий бартараф қилинишини таъминлаш, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги куч-гайратларини бундан бўён ҳам изчиллик билан қўллаб-қувватлайверади. Биз барча тинчликсевар халқлар ва давлатларни араб мамлакатларининг халқлари билан бирдамликни мустақкамлашга ва Исроил агрессиясининг оқibatларини тугатиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал адолат идеалларининг тантана қилиши учун олиб бораётган курашда уларга актив мадад кўрсатишга чақирамиз.

Бугунги кунда Сиз билан, муҳтарам Бош Министр ва республикангизнинг бошқа давлат арбоблари билан бошлаган музокаралар сизнинг Совет Иттифоқига қилган визитингиз мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасида дўстлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида хизмат қилади, деб ишонч билдиришим учун имкон беради.

**ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ
РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИНИНГ РАИСИ, МИНИСТРЛАР
СОВЕТИНИНГ РАИСИ ХУАРИ БУМИДДИН ТОМОНИДАН
ЖАЗОИР ШАҲРИДА БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Жазоир Халқ Демократик Республикасининг раҳбарлари ва аҳолиси Совет Иттифоқининг вакиллари бўлган бизларни қизғин, самимий кутиб олганликларидан фойда мамнун бўлдик. Сизларнинг ҳаммангиздан, айниқса Совет Иттифоқи ва халқимиз шаънига дўстона туйғулар билдирган Раис Бумиддиндан астойдил миннатдормиз. Муҳтарам Раис, Сизга, мамлакатингизнинг Революцион кенгашига, Министрлар Советига ва бутун Жазоир халқига СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан, шахсан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний номидан, бутун совет халқи номидан қизғин қардошлиқ саломи топширамиз.

Биз Жазоир ишчилари, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлиларига, Миллий озодлик fronti партиясининг ҳамма аъзоларига, Жазоир халқи озодлик урушининг шонли ветеранларига, мамлакатингиздаги Совет Иттифоқининг ҳамма дўстларига қизғин салом топширамиз ва янги турмуш қуришда муваффақиятлар тилаймиз.

Халқларимизнинг дўстлиги жазоирликларнинг мустақилликка қарши, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураши йилларида таркиб топди. Жазоир халқи революция галабаларига таяшиб, янги ҳаёт қура бошлаганида ҳам бу дўстлик мустаҳкамлана борди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар аввал бошданоқ тенг ҳуқуқлилиқ, суверенитетни, территориал бутунлиқни ва мустақиллиқни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари негизда таркиб топа бошлади. Булар Совет давлати ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери, яъни Улуг Октябрь биринчи социалистик давлат дунёга келганлигини оғлоп қилганидан буён халқаро муносабатларда муттасил амал қилиб келаётган жуда муҳим ва ўзгармас принциплардир. Лекин Совет-Жазоир муносабатларининг характери аниқ шу принципларнинг амал қилиши билангина белгилаб берилади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар нормал муносабатларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга яқин ҳамкорлик, ўзаро шонч асосдаги муносабатлар ҳам бўлиши учун уларнинг мақсаатларида муайян бир-

лик ҳам бўлиши зарур. Бинобарин, биз икки ўртада ана шундай бирлик бор деб айтишга асосимиз бор, дея оламиз. Бундай бирлик антимпериалистик курашда, миллий ва соқпал озодлик учун, халқаро хавфсизлик учун, ҳар бпр халқнинг ўз тақдири-нинг хўжайини бўлишдан иборат ажралмас ҳуқуқини қарор топтириш учун курашда Совет Иттифоқи билан Ҳазопнинг манфаатлари бир-бирига мос келишида намоён бўлмоқда. Халқларимиз дўстлигини, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаётган ҳамда ана шу дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бераётган ҳол ҳам ана шу.

Менинг назаримда, ана шуларнинг ҳаммаси ҳар иккала томоннинг ўз иқтисодий имкониятларини иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида уйғунлаштириш истаги билан бирга турли соҳалардаги дўстона муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беради. Ана шу муҳим масалаларни биз Раис Бумиддин билан ва Ҳазопнинг бошқа раҳбар арбоблари билан боиланган музокаралар давомида муҳо-кама қилдик.

Совет-Ҳазоп муносабатларида ҳамкорлигимизни ривож-лантириш йўлига тўғри келган муҳим масалаларни кўриб чиқиб

Ўзларининг икки томонлама алоқалари, бошқа давлатлар билан муносабатлари ва ҳамкорликлари қулай халқаро вазиет шароитида мустаҳкамлаб беришга асос қўйган ҳолда раҳбар. Ҳамкор-лигимизнинг агрессив сиёсати, унинг қуролланиш пойгасини авик олдириши туфайли жаҳондаги вужудга келган кескинлик ўн мил-лионлаб кишиларни, жуда катта моддий ресурсларни яратувчи-лик мақсадларидан четга тортмоқда ва халқаро ҳамкорлик кўла-мини кескин чегаралаб қўймоқда. Мен жаҳонда жуда катта вай-рон қилувчи кучга эга замонавий қуролни йиғиш давом эттирила-ётганлиги ҳамда империалистик ҳарбий авантюралар сиёсати бу-тун инсоният учун қанчалик хавф туғдириши ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман.

Шундай шароитда халқаро ҳамкорлик учун, инсоният тарақ-қидёти учун мустаҳкам тинчликни, халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қуролланиш пойгасига чек қўйиш ва хотима бериш, қуролсизланиш, тинч-тотув яшап принципларига барча давлат-ларнинг риоя қилиши умуман олганда ҳар қачонгидан кўра зар-рур бўлиб қолди. Ҳар қалай ривожланаётган мамлакатлар ҳам қуролланиш пойгасига тортилганлар, бунинг оқибатлари улар-нинг зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Бу ерда уларнинг оқи-батлари айниқса оғир бўлмоқда, чунки ривожланаётган мамла-катлар айни вақтда мустамлакачиликни мубтало этган очарчи-ликка ва эпидемияларга, саводспзликка, иқтисодий қолақликка қарши кураш олиб боришларига тўғри келмоқда. Ўз мустақилли-гини империалистик ҳийла-найраглардан ҳимоя қилиш учун ри-

вожлашаётган мамлакатлар ўз қуроли кучларини сақлаб туриш ва мустақамлашга катта-катта маблағлар сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Импералистик агрессия хавфи сақланиб қолар экан, бундай сарф-харажатлар бўлиш муқаррар, албатта. Бироқ халқаро кескинликни юмшатиш ва жаҳоннинг турли районларида мустақам хавфсизлик системаларини вужудга келтириш шароитида бундай сарф-харажатларни камайтириш мумкин бўлурди.

Совет Иттифоқининг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўллари тўғрисида шу йил март ойида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладыда баёни этилган таклифлар энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга қаратилган. Бу таклифлар — тинч-тотув яшаш принципларининг таянмаси учун кураш программасидир, халқлар дўстлиги, уларнинг эркин, мустақил ривожланиши программасидир, агрессорларни жипловлаб қўйиш ва жаҳон урушининг олдини олиш программасидир. Тинчлик программасини амалга ошириш учун кураш ҳозирги вақтда Совет давлати халқаро фаоллигининг энг асосий соҳаларида биридир. Бизнинг куч-ғайратларимиз дунёдаги кескинликни юмшатишда бурилиш бўлишини таъминлашга, ҳамма халқларнинг уруш хавф-хатаридан холи бўлиб, эркин ва мустақил ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Биз Тинчлик программизнинг реал программа эканлигига амнимиз. Бу ишончимиз нимага асосланган? У энг аввало шунга асосланганки, бу программа барча халқларнинг социалистик ҳамдўстлик, ривожланаётган мамлакатлар ва жаҳондаги бошқа барча мамлакатлар халқларининг манфаатларига мос келади. Шунингдек бу программа мустамлакачиларга ва уларнинг зулм-истибодига қарши озодлик уруши олиб бораётган халқларнинг манфаатларига мос келади. Программизнинг реаллиги яна шунга асосланадики, унинг конкрет қондаларининг амалга оширилиши социализм мамлакатларининг, ўз ташқи сиёсатида антиимпералистик йўл тутаётган ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳондаги ғоят катта обрў-эътибори ва таъсир билан, шунингдек капиталистик мамлакатларда тинчлик кучларининг ўсиб бораётганлиги билан таъминланмоқда.

Илмий-техника революцияси ҳарбий техникада шундай бурилиш ясадики, ракета-ядро урушига айланиб кетиши муқаррар бўлган жаҳон уруши ҳозирда низоли масалаларни ҳал қилиш воқити бўла олмаслигини бутун дунёда тобора кенг суратда англаб етмоқдалар.

Халқаро кескинликни юмшатиш сари туб бурилишга эришмоқ учун Ҳинди-Хитойдаги Америка агрессияси ва Яқин Шарқдаги Исроил агрессияси манбаларини тугатиш зарур. Қаҳрамон Вьетнамнинг, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларнинг халқ-

лари, араб мамлакатларининг халқлари ўзларининг мардона кураши билан, озодлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт ишига садоқати ва матонати билан империалистларнинг ва янги мустамлакачиларнинг измига ҳеч қачон бўйсунмасликларини исбот қилдилар. Уларнинг қуролини курашини, шунингдек, ана шу районлардаги можароларни тинч бартараф этишга доир адолатли тақлифларни бутун тараққишпарвар инсоният қўллаб-қувватламоқда. Биз улар берган қурбонлар ва сарфлаётган куч-ғайратлар албатта галабага олиб боришига қаттиқ ишонамиз.

Яқин Шарқда Исроил агрессиясига қарши курашнинг асосий оғирлиги Миср Араб Республикаси зиммасига тушиб турибди. Ўз қуролини кучларини мустаҳкамлаб олишда, бу қуролини кучларни агрессияга қарши курашувчи даҳшатли воситага айлантиришда Совет Иттифоқи Миср Араб Республикасига ёрдам бермоқ учун кейинги йилларда имкони бўлган ҳамма ишларни қилди. Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси ўртасида шу йил май ойида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома мустаҳкамлашиб бораётган Совет-Миср бирдамлигининг ифодаси бўлди.

Оғир синов дамларида дўстларнинг мадади пақадар зўр аҳамиятга эга бўлишини биз ҳам таъбирданмасдан билмаган эдик. Сурия ваташпарварларини, Фаластин қаршилик қаравати жангчиларини жазоирликларнинг мустамлакачиликка қарши олиб бораётган ваҳрамонона кураши шакл-шубҳасиз руҳлантирмоқда. Бу курашда жазоир халқи юксак маънавий қазилатларини жазоирати ва матонатини, энг мураккаб пайтларда ҳам курашга ва галабага бўлган иродани бўлаштирмаслик қобилиятини, фидокорлиги ва отанин ваташпарварлигини кўрсатди. Жазоир халқининг озодлик жангномаси бутун Африка қитъаси учун катта революционлаштирувчи аҳамиятга эга бўлди.

Антиимпериалистик курашда бирон-бир араб мамлакати халқининг эришган ҳар бир муваффақияти — бу айни замонда барча араб халқларининг ҳам муваффақиятидир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зотан уларнинг ҳаммасининг асосий душмани битта — у ҳам бўлса империализмдир. Бу реал факт бўлиб, буни давлат қурилишидаги, айрим араб мамлакатларининг ижтимоий тузумидаги мавжуд тафовутлар ҳам, ўз тараққиётининг мазкур босқичида улар ҳал қилаётган конкрет вазифалардаги тафовутлар ҳам ҳеч бир ўзгартира олмайди. Империализм араб мамлакатларида талончи ва эксплуататор бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай, у араб мамлакатларининг мустақиллиги ва тараққиётига асосий хавф солмоқда. Шу сабабли арабларнинг жаҳондаги ҳамма дўстлари империализмга қарши ва ҳозирги вазиятда энг аввало Яқин Шарқда империалистик сиёсат кўриниши бўлган Исроил агрессиясига қарши курашда араб мамлакатларининг жиҳслигига олиб борувчи ҳар бир қадамни қизгин табриклайдилар.

Ва аксинча, агрессия оқибатларини бартараф қилишда ҳамда араб халқларининг, шу жумладан Фаластин араб халқининг қопуний ҳуқуқлари ва манфаатларини қайта тиклашда араб мамлакатларининг кучини заифлаштиришга олиб келадиган улар ўртасидаги келишимовчиликлар чуқур таассуф уйғотади. Исроил агрессиясига қарши курашда араб мамлакатларининг жипслашиши жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг араблар билан халқаро бирдамлигини ҳам мустаҳкамлайди.

Араб халқларининг душманлари бу халқларнинг бирлигидан, уларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигидан жуда қўрқадилар. Империялистлар, уларнинг Исроилдаги агентлари араб мамлакатлари ва уларнинг халқлари орасига нифоқ солиш учун, уларнинг социализм мамлакатлари билан дўстлиги ва ҳамкорлигига нутур етказиш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Башарти улар бирон-бир соҳада гарчи вақтинча ўз мақсадларига эришишга муваффақ бўлаётган бўлсалар ҳам, улар бунн ўзларининг катта ғалабаси деб ҳисобламоқдалар. Улар зўр бериб антикоммунизмни авж олдиarmoқдалар. Бу йўл ҳамisha ва ҳар жойда мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги ҳаракатни заифлаштириб келган.

Совет-Араб дўстлигининг душманлари араб мамлакатларида совет ташқи сиёсатига ишонсизлик туғдиришга зўр бериб уринмоқдалар, қандайдир «Совет экспансионизми» тўғрисидаги уйдирмаларни тарқатмоқдалар. Бундан кузатилган мақсад, афтидан, шундан иборатки, мустамлака ўтмиши оқибатнда араблар шу районда бир вақтлар ҳукмронлик қилиб келган давлатларга мутлақо ишонмай қўйганлар. Эндиликда душманларимиз ана шу ишонсизликни Совет Иттифоқига нисбатан ҳам ёйишга уришиб, Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги ташқи сиёсатини бизнинг мақсадларимизга мутлақо ёт мақсадларни кўзлайдиган бир нарса қилиб кўрсатиш йўлида ҳар хил тухматларни ишга солмоқдалар. Бошқа ҳар қандай давлат сингари Соовет давлатининг ҳам ташқи сиёсати ўз ички сиёсатининг давомидир. Ташқи ва ички сиёсатнинг синфий моҳияти билан мақсадларни бир-бирга зид бўлиши мумкин эмас. Кўп миллатли Совет Иттифоқи — Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакати, инсоният тарихида биринчи марта миллий масала ҳал этилган, миллатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тенглигигина эмас, шу билан бирга, илгари қолоқ бўлиб келган халқларнинг экономикаси ва маданиятини анча тез ривожлантириш йўли билан уларнинг ҳақиқий тенглиги таъминланган мамлакат, ана шундай бир мамлакат бошқа мамлакатларнинг халқлари билан муносабатда ўзининг ички сиёсатига зид бўлган сиёсатни ўткази оладими, ахир? Йўқ, асло бундай қила олмайди. Бундай қилиш ўзимизнинг сиёсий принципларимизга, буюк устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Лениннинг васиятларига жуда хиёнат бўлур эди. Партиямиз билан давлатимизнинг асосчисм

совет кишиларини ҳамма халқларга ҳурмат билан қарашга, уларнинг ишончини, айиқса, миллий зулм азобларини чеккан ҳамда «бизларнинг империалистлар эмаслигимизни, бизлар империализм томонга оғиб кетишга асло йўл қўймаслигимизни исботлаш...» лозим бўлган халқларнинг ишончини юксак даражада қадрлашга ўргатган эди.

«Бу — дунё миқёсида, ҳеч муболагасиз, дунё миқёсида аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Бу масалада гоят қаттиққўл бўлиши керак»¹, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Бу сўзларда йўлбошчимизнинг гоят чуқур интерпационализм туйғуси ифодаланган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг ленинча принципларига муттасил содиқ бўлиб келмоқда, партиямиз келгусида ҳам шу принципларга қатъият билан амал қилаверади, чунки ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг авангарди бўлган сиёсий партия уларнинг маффаатларини ифодалайди. Ўз синфининг ақл-идроки, шон-шарафи, ор-номуси бўлади, — бундай партия ташқи сиёсатда ўзининг ички сиёсатида амал қилиб келаятган совет Иттифоқи партияси қавоқининг ҳақиқий вақимидир.

Совет Иттифоқи партияси душманларимиз ҳам яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар Совет Иттифоқига, бизнинг Коммунистик партиямизга қутуриб тухмат қиладилар. Халқларнинг миллий эркинликларидан озода бўлашга ҳалакат беришни исотаганликлари учун ҳам тухмат қиладилар. Бутун инсоиятнинг тараққийпарвар кучлари эса халқларни миллий ва социал зулмдан озода қилиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Араб халқлари ўзларининг дўстлари ким-у, душманлари ким эканлигининг фарқига етишни ўрганиб олганлар. Улар Араб Шарқидаги прогрессив ривожланишга тўсқинлик қилмоқчи бўлган кимсаларнинг игволарини пайқаб олишни ўрганганлар.

Совет халқи империализмга қарши курашда ва Ҳазоирда янги турмуш қурилишида жазоир халқи билан бирдамдир. Сизларнинг миллий экономика, фан ва маданият соҳасидаги, халқ хўжалигининг давлат ва ўзини-ўзи бошқариш секторларини ривожлантиришдаги режаларингизни экономикага жорий этиш ишидаги муваффақиятларингизни совет кишилари табриклайдилар. Ҳазоир халқининг меҳнати билан янги-янги саноат корхоналари, ўқув юртлари барпо этилмоқда, қишлоқ хўжалиги қайта қурилмоқда. Сизлар ўтмишнинг оғир меросини нокапиталистик йўлда бориб бартараф этиш ва Ҳазоир меҳнаткашларининг яхши келажакини таъминлаб бериш учун прогрессив ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширмоқдасизлар. Сизлар ана шу ва бошқа прогрессив ишларингизда совет халқи сизлар билан ҳамisha

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 45-том, 275-бет.

ҳамнафас бўлишига ва Совет-Ҳазоир дўстлиги руҳида ҳамкорлик қилишига тайёр эканлигига ишончингиз комил бўлаверсин.

Раис Бумиддин билан ва Ҳазоирнинг бошқа раҳбар арбоблари билан бошланган сдққидил суҳбатлар мамлакатларимиз ҳукуматларининг дунёда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги фикрларини таққослаб кўриш, позицияларимизни аниқлаш уларни империализмга қарши, халқаро хавфсизлик учун кураш мақсадлари йўлида мувофиқлаштириб олиб бориш имконини беради, деган умиддамиз. Совет Иттифоқи билан Ҳазоирнинг икки томонлама алоқаларини мустаҳкамлаш ишида мамлакатларимизнинг ҳаракатларини келтириб олиш суҳбатларимизнинг яна бир муҳим мақсади эканлиги равшан. Учрашувларимиз ва музокараларимиз ўзаро ҳолис ният муҳитида бошланганлигини биз юксак баҳолаймиз.

Араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги бирдамлик ҳамда уларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан бирдамлиги мустаҳкамланаверсин!

**ОТТАВАДА КАНАДА ҲУКУМАТИ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 18 ОКТЯБРДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Биз Сиз билан, Бош Министр жаноблари, яна учрашиб турганимизда, сизнинг шерикларингиз билан учрашганимиздан хурсандимиз. Уларнинг баъзилари билан Москвада тапишиш имкониятига эга бўлган эдик. Модомики, бир йил давомида Совет Иттифоқи ва Канада ҳукуматлари Бош министрларининг бир-бирлари ҳузурига визит билан келишларини фойдали деб топган экалар, мапа шунинг ўзи ҳам кўп нарсадан ва, аввало, давлатларимиз ўртасида яхши қўшничлик муносабатлари вужудга келаётганлигидан далолат бериб турибди. Мамлакатимиз турғисида ҳаминдай сувлар эитгани билан Совет-Канада алоқалари ва ҳамкорлигига юксак баҳо берганлиги учун биз Бош Министр Триудо жанобларидан миннатдоримиз ва унинг берган баҳосига тамомила қўйиладимиз. Мен бизга кўрсатишган меҳмондўстлик учун ҳам самимий миннатдорчилигимизни изҳор этишни истардим. Биз буни канадаликларнинг совет халқига нисбатан дўстлик ҳис-туйғуларининг ифодаси деб қараймиз ва шунини айтишим керакки, бизнинг халқимиз ҳам дўстпарвар ва меҳнатсевар кишилар мамлакати — Канада халқига нисбатан хайрихоҳлик ва дўстлик ҳис-туйғуларини бошидан кечирмоқда.

Биз Совет-Канада муносабатларида эришилган барча ажойиб жиҳатларни мамлакатларимиз халқларининг бир-бири билан тинчликда ва дўст бўлиб яшашга интилаётганлигининг бевосита оқибати деб, иккала ҳукуматнинг ўзаро фойдали алоқаларни йўлга солиш соҳасида қилаётган ҳаракатининг натижаси деб қарамоқдамиз. Мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги аидиликда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалар ва бошқа бир қанча соҳаларни ўз ичига олмоқда. Ҳозир ҳар иккала томон бу ҳамкорлик барқарор, доимий бўлишига куч ва ғайрат сарфламоқда, токи бу ҳамкорлик Совет-Канада ҳамкорлигининг тағин ҳам кеиг ва ҳар томонлама бўлишини таъминлаб, унинг кейинги бир неча йиллар давомида ҳам ривожланишини белгилаб беришга имкон яратсин.

Биз сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисида шу йил май ойида имзоланган Совет-Канада протоколига катта аҳамият бермоқдамиз. Бу протокол мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар-

да муштазам алоқалар қилиб туриш ҳамда халқаро проблемалар ва икки томонлама муносабатларга доир масалалар устида фикрлашиб туриш практикаси биринчи марта белгилаб беради.

Менинг ўйлашимча, Канада Бош Министри Трюдо жаноблари бизнинг мамлакатга қилган визитнинг энг муҳим натижаларидан бири шунки, Совет Иттифоқи ҳам, Канада ҳам тинчликни ва халқаро хавфсизликни сақлаш ҳамда мустақамлашдан ўзларининг умумий манфаатдор эканликларини намойиш этдилар. Бизнинг давлатимиз — Совет Иттифоқи — чет эл босқинчиларига қарши олиб борилган оғир курашда ўсиб вояга етди ва мустақамланди. Совет халқи тинчлик, озодлик ва тараққиёт йўлида жуда катта қурбонлар берди ва маҳрумликларга учради. Шу сабабли тинчликни мустақамлашни Совет давлати доимо ўз ташқи сиёсатининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисобламоқда. Бу жуда катта масаладир, бинобарин, оқибат натижада бизнинг халқаро майдондаги ҳамма ҳаракатларимиз уни ҳал этишга қаратилган. Сизларнинг мамлакатингиз билан муносабатларни ривожлантириш ҳам шунга қаратилган бўлиб, Трюдо жанобларининг май ойида бизнинг мамлакатимизга қилган визити натижасида бу катта стимулга эга бўлди.

Совет Иттифоқи жаҳонда кескинлик туғдирётган, халқларнинг диққат эътиборини тинч бунёдкорликдан чалғитаётган халқаро проблемаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилишни барча мамлакатларга таклиф этмоқда. Ҳозирги вазиятда бунинг учун нималар қилиш кераклиги тўғрисидаги мулоҳазаларимиз Коммунистик партия Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Н. Брежневнинг партиямиз XXIV съездида қилган докладдаги машҳур Тинчлик программасида баён этиб берилган.

Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати асосида тинчликни мустақамлашда ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб турган мамлакатларнинг ҳаммасига биз шу программаниз билан мурожаат қилдик. Совет-Канада муносабатларининг ривожланиб бораётганлиги бу сиёсатнинг таъсирчанлигини кўрсатувчи яна бир мисол бўлиб турибди.

Бизнинг замонамизда илмий-техника революцияси жараёни бораётганлиги ва бу билан боғлиқ ҳолда яратувчи ҳамда вайрон қилувчи имкониятлар гоят даражада ошиб кетганлиги тинч-тотув яшаш сиёсатининг тарихий аҳамиятини тобора кўпроқ оширмоқда. Тинч-тотув яшаш принциплари давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси бўлиб қоладими ёки халқаро кескинлик ва қуролланиш ийогаси сақланиб қоладими — яқин ўн йиллар давомида инсониятнинг келажаги кўп жиҳатдан шу билан белгила-нишига шубҳа билан қараш эҳтимолдан узоқдир.

Совет-Канада муносабатларининг ривожлантирилаётганлигини тинч-тотув яшаш йўлини мустақамлашга қўшилган муайян ҳисса деб ҳисобламоқдамиз ва шу сабабли, табиийдирки, совет халқи бу муносабатларнинг ривожлантирилишини табрикламоқда.

ронлик, рақобат ва бир-бири билан тил бириктирадиган майдон, деб тасаввур қилувчилардан эмасмиз. Совет Иттифоқи бундай сиёсатни халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва халқаро хавфсизликни таъминлаш ишига тўғри келмайдиган сиёсат, деб рад этади. Табиийдирки, типчликни сақлаб қолиш учун катта масъулият буюк давлатлар зиммасига юклатилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳам шундай келиб чиқади. Устав процедурага кирмайдиган барча масалалар юзасдан қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик Кенгаши барча аъзоларининг яқдил бўлишини талаб этади ва, албатта, бу энг аввало халқаро типчлик ва хавфсизликни сақлаш масалаларига тааллуқлидир. Аммо бунинг ким бўлмасин халқаро ишларда алоҳида мавқеи даъво қилиши билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Бу масалалар хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ ўртача бўлсин — барча манфаатдор мамлакатларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишини керак. Халқаро алоқаларда ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ тўла тенг ҳуқуқли ва уларнинг ҳаммаси инсоният цивилизациясини ривожлантириш ишига, жаҳон фани ва маданиятига, социал тараққиёт ишига ўзларининг такрорланмас қандайдир ўзларига хос ҳиссаларини қўшмоқдалар деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳозирги замоннинг кўпгина актуал проблемалари борасида Канада конструктив позицияда турганлигини, бир қанча муҳим халқаро битимларга эришишда у ижобий ҳисса қўшаётганлигини қадрлаймиз. Биз бир қанча халқаро проблемаларни ҳал қилишда Совет-Канада ҳамкорлигини қадрлаймиз ва халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштириш, жаҳондаги барча мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш мақсадида бу ҳамкорлик бундан буён ҳам кенгайтирилаверади, деб умид қиламиз. Биз давлатларимиз ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш муҳимлиги ҳақида Трюдо жаноблари айтган фикрга қўшилиамиз ва ишонч — бу катта талабадир, деб ҳисоблаймиз. Биз ўртамиздаги алоқалар ва бир-биримизнинг позицияларимизни яхшироқ англашимиз ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишини истардик.

Муҳтарам Бош министр жаноблари, бугун, Сизнинг туғилган кунингизда Сизнинг меҳмонингиз бўлиш биз учун айниқса мароқли. Бу бизнинг бугунги учрашувимизга алоҳида самимиетлик бахш этмоқдаки, буни биз ҳаммамиз шу ерда ҳис этолдик. Ушбу кунда Сизни чин қалбдан табриклашга, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва бошқа совет раҳбарларининг самимий табрикларини сизга топширишга ижозат бергайсиз. Москвада Сиз билан бўлиб ўтган учрашувлардан уларда жуда яхши таассурот қолган. Сизга сиҳат-саломатлик, давлат ишида муваффақиятлар, Сизнинг оилангизга бахт-саодат ва эсон-омонлик тилаймиз.

**МОСКВАДА СОМАЛИ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ РЕВОЛЮЦИОН СОВЕТИ ПРЕЗИДЕНТИ
ГЕНЕРАЛ МУҲАММАД СПАД БАРРЕ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1971 ЙИЛ 17 НОЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Олий революцион Совет президенти! Ҳурматли меҳмонлар!

Президент Муҳаммад Спад Барренинг мамлакатимизга қилган визити — Совет-Сомали муносабатларида катта воқеадир. Бу воқеанинг аҳамиятини турли соҳаларда дўстона Совет-Сомали ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида Москвада бўлиб борилаётган музокараларда кўриб чиқилган ҳимматини ҳурмат қилдик.

Бизнинг ҳукуматларининг ҳозирги халқаро аҳволга, халқларнинг империализмга қарши, ўзининг мустақил ривожланиши учун, жаҳонда тенг мақога эга бўлиши

ушунга қарши ба ҳалқларнинг ҳафсизлиги учун курашга тааллуқли талай масалалар юзасидан қарашлари яқдиллиги ва бир-бирига мос келаётганлигини табриқлаймиз. Кремлдаги зиёфатда сўзлаган нутқда ўртоқ Президент бу ҳақда жуда яхши ва ишончли қилиб гапирди. Президент Совет халқига нисбатап дўстлик ва ҳурмат ҳис-туйғуларини изҳор этгани учун шу ерда ҳозир бўлган барча совет ўртоқлар номидан унга ташаккур айтишни истардим.

Бизларнинг қарашларимиз ва мақсадларимизнинг кенг кўламда бир-бирига мос келганлиги туфайли Совет Иттифоқи ва Сомали Демократик Республикаси умумий антиимпериалистик курашда худди сафдошлардек ҳаракат қилмоқдалар. Имперналистик агрессия сиёсатига, ўзбошимчиликка ва бошқа халқларнинг ички ишларига аралашшига қарши давлатларнинг бирлашиши ва жиислиги дунёдаги барча прогрессив кучларнинг буюк вазифасидир. Сомали ҳукумати, Совети Иттифоқи ҳукумати каби, жаҳонда прогрессив кучларнинг жиислигини мустаҳкамлашга ғоят катта аҳамият бериб, буни халқларнинг тараққиёт йўлидан ривожланишда улар муваффақиятга эришувининг ғоят муҳим гарови деб билаётганидан биз пихоятда мамнунмиз.

Жаҳондаги барча революцион отрядлар жиислигининг аҳамияти юқори баҳоламай бўлмайди. Озодлик, миллий мустақиллик,

социал адолат учун курашчиларнинг сафлари қанчалик жипс бўлса, уларнинг кучлари шунчалик мустаҳкам бўлади.

Бу мақсадга эришиш йўли ҳар бир мамлакатда антиимпериалистик кучларнинг биргалликда ҳаракат қилишига, Африка, Европа, Осиёда ва бошқа қитъаларда уларнинг бирлигига эришишдан иборатдир. Мустамакачилик режимиладан халос бўлган давлатларнинг жаҳон социалистик системаси билан ҳамкорлиги мустаҳкамлашиб бораётганиги бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Агар жаҳонда социалистик ҳамдўстлик бўлмаганда, социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама ёрдами бўлмаганда, озодликка эришган мамлакатлар империалистларнинг сиқувига қаршилик кўрсата олармидилар? Социалистик ҳамдўстликнинг бутун қудрати жаҳон миқёсда техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган империалистик давлатлар армияларининг йўлига тов бўлиб турмаганда халқлар уларнинг агрессиясига қаршилик кўрсата олишлари мумкинмиди ахир? Шу сабабли Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматининг сиёсати социализм кучлари билан халқларнинг миллий озодлик кучлари ўртасидаги ҳамкорликни бундан буёқ ҳам мустаҳкамлайтиришига қаратилгандир. Совет-Сомали муносабатлари бунинг мисолларидан бири бўлиб, бу муносабатлар тўла тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, антиимпериалистик курашда бир-бирини қувватлаш принциплари асосида қурилгандир.

Революция ғалаба қилиши билан Сомали Демократик Республикаси халқи олдида иқтисодий ва социал тараққиётнинг кенг истиқболлари очилди. Совет халқи Олий революцион Совет томонидан эълон қилинган Сомали Демократик Республикасида социалистик жамият қуриш йўлини амалга оширишда Сомали халқи катта муваффақиятларга эришишини қизғин тилайди.

Биз шунга аминмизки, Президент Спад Барренинг Совет Иттифоқига қилган визити, Совет-Сомали музокаралари сомали ва совет халқларининг бахт-саодати, тинчлик, миллий озодлик ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Сомали ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Совет Иттифоқи билан Сомали Демократик Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари мустаҳкамланаверсин!

Сомали Демократик Республикасининг халқи учун, унинг гуллаб-яшнаши ва прогрессив ривожланиш йўлида муваффақиятларга эришиши учун!

**СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
1971—1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИҚ ПЛАНИ
ТЎҒРИСИДА ВА СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ
ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА**

*СССР Олий Советининг сессиясида
1971 йил 24 ноябрда
қилинган доклад*

Ҳурматли депутат ўртоқлар! КПСС XXIV съезди коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичини, совет экономякасини ривожлантириш якунларини чуқур ва ҳар томонлама анализ қилиб берди. Ўтган саккизинчи беш йиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий иқтисодини ва социал ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киртилди. Бу муваффақиятлар партия ишлаб чиққан сиёсатнинг тўғрлигини тўла-тўқис тасдиқлади, бу сиёсатнинг ҳаётини кўннинг янгол паноийини қилди.

Ўтган беш йилликнинг асосий якуни шунки, КПСС XXIII съезди қўйган асосий иқтисодий ва социал вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Шу йиллар ичида:

ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари тезлаштирилди, унинг техникавий даражаси ва самарадорлиги ошди;

катта социал тадбирлар амалга оширилди, халқ фаровонлиги анча юксалтирилди, беш йилликнинг бу соҳадаги топшириқлари эса ошириб бажарилди;

мамлакатимизнинг мудофаа қудрати тагин ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Қуролли Кучлар энг янги техника билан таъминланди;

Совет давлатининг қудрати ва халқаро обрў-эътибори ошди; социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги тагин ҳам мустаҳкам ва самарали бўлиб қолди. СССРнинг жаҳондаги бошқа кўпгина давлатлар билан иқтисодий алоқалари кенгайди.

Саккизинчи беш йиллик план бажарилганлиги натижасида мамлакатнинг иқтисодий потенциални анча ошди. Халқ хўжалигидаги асосий фондларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда 740 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Кейинги ўн йил ичида асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 75 проценти янгиланди.

Саноатда етакчи тармоқлар анча ривожланди, янги ишлаб чиқаришлар вужудга келди. Халқ хўжалигида энг янги техника ва технология тобора кенг қўлланилмоқда.

Саккизинчи беш йилликни бажариш давомида демократик децентрализмнинг ленинча принциплари асосида хўжаликка планли раҳбарлик ва уни бошқариш такомиллаштирилди. Министрликлар ва идораларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди, корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик ишидаги мустақиллиги оширилди, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар тағин ҳам активроқ қатнашадиган бўлиб қолди.

Мана шуларнинг ҳаммаси коммунистик қурилишнинг янги, тағин ҳам каттароқ вазифаларини ҳал этиш учун мустаҳкам негиз яратиб берди. Биз мана шуларга аввало партиямизнинг ленинча раҳбарлиги, совет халқининг меҳнатдаги шижоати тўғрисида эришдик.

КПСС XXIV съезди мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди, ривожланган социалистик жамиятнинг янги имкониятларига ва талабларига жавоб берадиган, илмий жиҳатдан асосланган социал-иқтисодий программа билан партия ва халқни қуроллантирди, тўққизинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш Директиваларини тасдиқлаб берди.

Съездеда СССР Министрлар Советига қабул қилинган Директивалар асосида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йилликнинг йилларига тақсимланган 1971 — 1975 йилги планини ишлаб чиқиш топширилди.

Министрлар Совети СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган беш йиллик план съезд Директиваларига тўла мувофиқ равишда тузилган.

Беш йиллик планни ишлаб чиқиш КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати раҳбарлигида олиб борилди. Планни ишлаб чиқишда СССР Госплани билан бирга министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, кассаба союзлари, маҳаллий план ва хўжалик органлари, СССР Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасалар иштирок этдилар. КПСС XXIV съездида, республикаларда бўлиб ўтган партия съездларида ҳамда ўлка ва областларда, шаҳар ва районларда бўлиб ўтган конференцияларда, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида киритилган таклифлар, шунингдек ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва олимлар киритган таклифлар қараб чиқилди.

План лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг шу кунларда бўлиб ўтган Пленумида муҳокама қилинди ва асосан маъқулланди.

Тўққизинчи беш йиллик планга доир материаллар депутатлар қўлига бериб қўйилди. Планнинг энг муҳим вазифаларига тўхталиб ўтишимга ижозат бергайсиз.

1. БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ИФОДАСИ

Тўққизинчи беш йиллик — жамиятимизнинг коммунизм йўлидан янада олға боришдаги, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришдаги, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги муҳим босқичдир. Беш йиллик плавини ба-
жариш социалистик тузумнинг буюк афзалликларини кўрсатувчи янги ёрқин далил бўлади.

Беш йиллик планининг КПСС XXIV съездида белгилаб берилган асосий вазифаси шунки, у социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлаб бериши лозим.

Марказий Комитет номидан партия XXIV съездида қилган Хисobot докладда ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб уқтириб ўтди: «Меҳнаткашлар фаровонлигини анча оширишни тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси бўлади». Марказий Комитет шунинг назарда тутадигани, бу ҳақда беш йилликнинг бундан буюнги беш йилликкагина белгилаб бериб қолмай, шу билан бирга мамлакат хўжалигини узоқ келгусида ривожлантиришнинг умумий нунавалигини ҳам белгилаб берди. Шунинг билан бу йўлни белгилаганида аввало шунинг назарда тутадигани, одамларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлароқ қондириш — социализм шароитидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади дидир».

Партияимизнинг бу йўли беш йиллик план топшириқларида кoнкрет ифoдаланмоқда.

Бу планининг асосий белгилари нималардан иборат?

Биринчидан, бу план инсон ҳаётининг ҳамма жиҳатларини илгари вақтдагига қараганда анча кўпроқ даражада ўз ичига олган кенг социал программадан иборатдир. Халқ фаровонлигини анча оширишни назарда тутиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган режаси тўққизинчи беш йилликда ижтимоий ресурсларни қайта тақсимлашни ва мамлакат экономикасига катта структуравий ўзгаришлар киритишни талаб қилди. Бу эса аввало:— миллий даромаднинг истеъмолга сарфланаётган улуши оширилаётганлигида;

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий моддий-техника базасини вужудга келтиришга сарфланадиган капитал маблағлар улушининг оширилганлигида;

санoат маҳсулотининг умумий ҳажмида халқ истеъмоли маҳсулотининг улуши кўпайтирилганлигида;

авчагина меҳнат ресурсларини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига тортинида ўз ифодасини топти.

Иккинчидан, план ижтимоий ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кенгайтириш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятига таъминлаш негизи бўлган оғир саноатни янада зўр куч билан ривожлантиришни кўзда тутди. Бу эса халқ хўжалигини техника билан анча қайта қуроллантиришга, ижтимоий меҳнат унумдорлигини авчагина ўстиришга, аҳоли учун мол ишлаб чиқараётган тармоқларни, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳаммасини таъминлашни кўп даражада кенгайтиришга имкон беради.

Учинчидан, план қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг узоқ муддатга мўлжалланган ва партия ишлаб чиққан комплекс программасини амалга оширишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси бу программани амалга оширишнинг жуда муҳим шартидир. Химиялаштириш, комплекс механизациялаш, ерларни мелиорация қилиш, ишлаб чиқаришни иқтисодий равишда асослаб ихтисослаштириш ва марказлаштириш, фан ва техника муваффақиятларидан кенг фойдаланиш — мана шунларнинг ҳаммаси интенсификациянинг асосий омилларидир. Селекция масалалари — ўсимликларнинг серхосил навларини ва чорва молларининг энг маҳсулдор зотларини яратиб масалаларни ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Беш йилликда плавда кўзда тутилганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг юксалтиришга асосан сарфланадиган маблағларни кўпайтириш, машиналар ва минерал ўғитларни қишлоқ хўжалигига анча кўпроқ етказиб бериш йўли билан эришилади.

Тўртинчидан, фан-техника тараққийини тезлаштириш ва ягона давлат техника сисъатини амалга ошириш ижтимоий ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстиришнинг ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Фан-техника тараққийининг комплекс программаси беш йиллик планнинг таркибий қисмидир. Принципиал равишда янги меҳнат қуролларини, янги материалларни, прогрессив технологик жараёнларни яратиб бериш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш мана шу программанинг негизидир.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжаллаб қўйилган тез ва барқарор суръатлар КПСС XXIV съездининг Директиваларига тўла равишда мувофиқдир.

Планда беш йилликнинг ҳар бир йилига белгиланган вазифалар кўзда тутилган.

Асосий кўрсаткичларнинг беш йиллик йиллари давомида ўсиб бориши совет экономикасини ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини ошириш тўхтовсиз юксалиш йўлидан бораётганлигини кўрсатиб турибди.

	1970 йилга нисбатан процент ҳисобида				
	1971 й.	1972 й.	1973 й.	1974 й.	1975 й.
Миллий даромад	106,1	113	121	129	139
Саноат маҳсулоти	106,9	115,4	124,4	135,1	147,0
Меҳнат унумдорлиги: саноатда	105,9	113,0	120,3	129,0	138,8
қурилшда	106,4	113,2	120,6	128,5	137,0
Барча транспорт турларининг юк обороти	105,3	111,6	118,3	126,0	135,1
Чакана товар обороти	106,4	114,6	123,3	132,3	141,8
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ре- ал даромадлар	104,7	111	117,3	123,8	131
Ижтимоий истеъмол фондлари	107,2	114,1	121,1	130,5	140,6

2. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ УСТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакатнинг барча ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш, моддий ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини янча устириш тўққизинчи беш йилликнинг саноат ва қурилиш вазифаларини ҳал этишнинг жуда муҳим шартидир.

Тўққизинчи беш йилликда экономикамизни ривожлантириш ҳақиқатан жуда катта миқёсда олиб борилишини кўрсатиб беради. Бу саноат ва қурилишнинг барча асосий фондларини айтиб бераман. 1975 йилда халқ ҳўжалигидаги барча асосий фондларнинг қиммати триллион сўмдан ошиб кетади. Саноат маҳсулотининг йиллик ҳажми пул билан ҳисоблаганда қарийб 550 миллиард сўмга етади. Электр энергия ишлаб чиқариш 1 триллион киловатт-соатдан ошиб кетади. 150 миллион тоннага яқин пўлат эритиб берилади. Нефть қазиб чиқариш тахминан 500 миллион тоннага етказилади. Цемент ишлаб чиқариш 125 миллион тоннага етказилади. Газламалар ишлаб чиқариш 11 миллиард куб метрдан ошиб кетади. Чарм пойафзал ишлаб чиқариш эса 830 миллион жуфтга етказилади. Беш йилликнинг охирига бориб ялпи дон ҳосили 200 миллион тоннадан ошиб кетиши, гўшт етиштириш қарийб 16 миллион тоннага, сўт етиштириш 100 миллион тоннага, тухум етиштириш 52 миллиард донага етказилиши лозим. Бу рақамлар ишлаб чиқариш юксак даражага кўтарилганлигини, давлатимизнинг иқтисодий қудратини яққол кўрсатиб турибди.

СССР саноат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти умумий ҳажми 1975 йилда АҚШдаги саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасидан ошиб кетади. Бу эса, ўртоқлар, СССР билан капиталистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақада муҳим босқичдир.

Янги беш йилликда биз фан-техникани тараққий эттириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида анча олға силжишимиз лозим. Жаҳондаги икки хил системанинг иқтисодий мусобақасида эндиликда оғирлик маркази мана шу соҳага ўтмоқда. Партиямиз В. И. Лениннинг «Кимдаки, энг катта техника, уюшқоқлик, интизом ва энг яхши машиналарга эга бўлса ўша устун бўлиб чиқади»¹ деган маълум кўрсатмасига амал қилмоқда. Социализм устун бўлиб чиқишига аминимиз!

КПСС XXIV съездининг фан-техника тараққиётини тезлаштириш тўғрисидаги қарорлари тўққизинчи беш йилликда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш планга асос қилиб олинди. Фан-техника тараққиётни программаси конкрет проблемаларни ишлаб чиқишни кўзда тутди. Бу проблемаларни ҳал этиш ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсификаштиришни ва унинг самарадорлигини оширишни, шунингдек фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларидан амалий фойдаланишни таъминлайди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янги меҳнат қуроллари билан таъминламоқ учун ҳозирги вақтда мамлакат қудратли моддий-техника базасига эга. Ушбу беш йилликда меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилиши лозим. 25 мингтага яқин янги машиналар, механизмлар, аппаратлар, асбоблар яратиш ва улардан 19 мингтадан кўпрогини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси олдинда турибди. Меҳнат қуролларининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга — уларнинг унумдорлигини оширишга, ишлатишда тежамли бўлишини таъминлашга, уларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган материалларни камайтиришга, уларнинг ишиқ бўлишига алоҳида эътибор берилди.

Янги ускуналар яратиш йўли тутилаётганлиги ҳар бирининг қуввати анча кўпроқ бўлган машиналар ва агрегатлар конструкциясини тузиб бериш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун министрликларга берилган тошпириқларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, катта энергетика блоклари, катта ҳажмдаги домна печлари, катта конверторлар, агрегатлар ҳамда химия, нефть химияси ва бошқа ишлаб чиқаришлар учун керакли установкалар, кон-руда ва кўмир саноати учун керакли роторли комплекслар ва экскаваторлар ҳамда бошқа кўпгина шу каби машиналарни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тўғрисида министрликларга тошпириқлар берилди.

Электр энергияни узоқ масофаларга узатиш фаят ери кенг бўлган бизнинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга. Мамлакатнинг Европа қисмида ҳозир ишлаб турган ва умумий қуввати юз миллион киловаттдан кўпроқ бўлган туташ энергетика системасини Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг энергетика системала-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, 116-бет.

ри билан бирлаштириб, мамлакатнинг туташ энергетика системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилади. Бунинг учун ўта зўр қувватга эга бўлган ва электр энергиясини узоқ масофаларга узатиб турадиган линиялар қурилади. Бир ярим миллион вольт кучланшшли ўзгармас ток линиялари учун ва бир миллион 150 минг вольт кучланшшли ўзгарувчан ток линиялари учун жаҳон практикасида биринчи марта юксак вольтли комплекс ускуналар яратиб берилмоқда.

Бизнинг машинасозлик саноатимиз айрим ишлаб чиқаришларни техника билан комплекс қайта қуроллаштириш учун керакли машиналар системасини яратишга ва шундай машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришмоқда. Қон-руда, кўмир, ўрмончилик ва ёрочсозлик саноати учун, қурилиш ва бошқа баъзи тармоқлар учун керакли машиналар системасини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш туғалланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан таъминламоқ учун қуввати анча каттароқ бўлган ва иш тезлиги кўпроқ бўлган тракторларни кўплаб ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда, қувватли тракторлар билан комплекс бўлиб ишлайдиган тезкор қишлоқ хўжалик машиналари системаларини жорий ишларда

қўллашнинг асосида янги ёнғи самарали материаллар яратиб берилиши лозим. Масала, металлургия маҳсулотларининг, қотишмаларнинг пресспорошокларининг маҳсулотларининг янги чала утказгичли, ўта соф ва магнитли материалларнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари лозим. Кимёгарлар машиналарнинг узелларини ва деталларини, енгил ҳажмдаги қурилиш конструкциялари ясаш учун керакли янги полимерлар ва бошқа синтетик материалларни яратиб беришлари керак. Панда ўта қаттиқ материаллар — сувний кристаллар ҳосил қилиш борасида олимларимиз кашф қилган йўللардан бундан буён ҳам фойдаланишга доир топшириқлар берилган.

Техника тараққиёти фаннинг энг янги муваффақиятларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллаштирилганлиги билан, химиявий, шунингдек электр ва электрон технологик жараёнларнинг тағин ҳам кенгроқ жорий қилинганлиги билан кўп жиҳатдан белгиланади. Беш йиллик панда меҳнат ва материал сарфланишини камайтирадиган ва хом ашёдан комплекс фойдаланишни, маҳсулот сифатини яхшилашни ва нобудгарчиликни камайтиришни таъминлайдиган узлуксиз ва бир босқичли, юқори самарали технологик жараёнларни қўлланиш кўзда тутилади. Химиявий технологияни ривожлантириш билан бир қаторда катализли жараёнларни қўлланишни кенгайтириш ва катализаторларнинг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга ёрдам берадиган янги, тағин ҳам самарали типларидан фойдаланиш давом эттирилади.

Фанни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва фаф муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларини қисқартириш фан-техника тараққиётини тезлаштириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий муассасаларнинг экспериментал базасини мустаҳкамлаш учун ушбу беш йилликда давлат томонидан қилинадиган сарфлар ўтган беш йилликда қилинган сарфларга нисбатан 60 процентдан зиёдроқ кўпайтирилади.

Совет олимлари ишлаб чиқаришдаги ходимлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, Ватанпизини кўшгина кашфиётлар ва ихтиролар билан бойитдилар. Улар кўнгина янги проблемалар устида иш олиб бормоқдалар. Бу проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кескин равишда оширади. Бу проблемаларнинг энг муҳимлари халқ хўжалик планига, министрликларнинг планларига киритилди. Принципиал равишда янги технологик жараёнлар яратиб берип, шунингдек мана шу жараёнлар учун тегишли техника яратиб берип устида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар анча кенгайтирилади. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб бориш мўлжаллаб қўйилди. Термоэлектрон синтези проблемаси устида олиб борилаётган ишлар ҳам давом эттирилади ва ривожлантирилади. Лазер технологияси кенг ривожлантирилади. Биология фанининг энг янги муваффақиятларини ишга солиш катта роль ўйнайди.

Жаҳон океанининг ресурсларини ўрганиш ва бу ресурслардан фойдаланиш, сув ва ҳаво ҳавзаларини булганишдан сақлаш, сув ва энергетика ресурсларидан рационал равишда фойдаланиш сингари катта проблемалар устида иш олиб бориш беш йиллик планда мўлжаллаб қўйилди.

Янги меҳнат қуроллари, хоссалари олдиндан белгилаб қўйилган материаллар яратишга доир, технология жараёнларини такомиллаштиришга доир янги самарали лойиҳаларни ишлаб чиқишга бизнинг ихтирочиларимиз, рационализаторларимиз, ишлаб чиқариш новаторларимиз катта ҳисса қўшмоқдалар. Мана шу прогрессив янгиларнинг жонкуярлари кўрсатаётган ижодий таппабусни хўжалик, илмий ва жамоат ташкилотлари қўллаб-қувватлашлари ва уларга ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим.

Беш йиллик план техника тараққиётига асослаб ижтимоий меҳнат унумдорлигини янада анча ўстиришни мўлжаллаб қўйди. Чувоқчи, меҳнат унумдорлиги 1975 йилда саноатда қарийб 39 процент, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий секторида 38 процент, қурилишда 37 процент, темир йўл транспортда тахминан 23 процент кўпайиши лозим. Бошқа сўз билан айтганда, бу — ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат беш йил

ичида анча қисқаради, демакдир. 1 миллион сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришга 1960 йилда 267 нафар, 1970 йилда 150 нафар ходимнинг меҳнати сарфланган бўлса, 1975 йилда фақат 113 нафар ходимнинг меҳнати сарфланади.

Меҳнат унумдорлиги мана шундай мўлжалланган миқдорда оширилганида моддий ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимлар сонини беш йил ичида фақат 4,7 миллион нафар кўпайтириш лозим бўлади, ваҳоланки меҳнат унумдорлиги 1970 йилги даражада бўлганида бунишг учун қўшимча равишда яна 37 миллион нафар ходим керак бўлар эди. Бинобарин, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, уни ташкил этишни такомиллаштириш туфайли меҳнат унумдорлигининг ўстирилиши 32 миллиондан зиёдроқ кишининг меҳнатини реал равишда тежашни таъминлайди. Мана шундай тежашга эришиш социалистик хўжалигимизнинг катта галабаси бўлади.

Беш йил ичида барча меҳнат ресурсларининг ўсиши тахминан 10 миллион кишидан иборат бўлишини ҳисобга олсак, бу проблемани ҳал қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолади. Айтаб ўтилганидек, мана шу 10 миллион кишидан 4,7 миллион нафари моддий ишлаб чиқариш учун қўшимча равишда керак бўлади. Қолган 5,3 миллион киши эса маориф, соғлиқни тақомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамда материал ишлаб чиқаришда бўлган бошқа тармоқларда ишлайдиган ходимлар сонининг кўпайтирилишини таъминлайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки ҳозирги вақтнинг ўзндаёқ меҳнат ресурсларининг катта қисмидан аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилмоқда. Чупончи, СССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, саккизинчи беш йилликнинг охирида халқ хўжалигида ишлаб турган жамки ходимларнинг тўртдан уч қисмига яқини халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита ёки билвосита шуғулланаётган кишилардан иборат бўлган. Қишлоқ хўжалик ходимлари, истеъмом моллари ишлаб чиқараётган саноат ходимлари, шунингдек шу саноат билан алоқадор тармоқларнинг ходимлари, уй-жой, мактаб, касалхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар қураётган ходимлар, улар учун истеъмом буюмларини ва хом ашёларни ташиб бераётган транспорт ходимлари, ўқитувчилар, врачлар, савдо ходимлари ва аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар шулар жумласига киради. Ишлаб турганларнинг фақат тўртдан бир қисмигина оқибат натижада ишлаб чиқариш жамгармаларини тўплаш мақсадлари учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлардир.

Мана шулардан хулоса чиқариб шуни айтиш керакки, тўққизинчи беш йилликнинг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида

мўлжаллаб қўйган тошпириқларини бажаришнинг ўзигина моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва анча кенгайиб бораётган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси эҳтиёжларини ишчи кучи билан таъминлашга имкон беради.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноат ишнинг самарадорлигини ошириш социал-иқтисодий вазифаларнинг бажарилиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Планда саноат ишлаб чиқаришни ўстиришни ўтган беш йилликдагига нисбатан анча кўпайтириш кўзда тутилган: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўққизинчи беш йилликда анча кўпайтирилиб таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда, бу ўсини саккизинчи беш йилликдаги 125 миллиард сўм ўрнига тўққизинчи беш йилликда 174 миллиард сўмга етказилади.

Саноат маҳсулотининг айрим турлари беш йилликнинг ҳар бир йилида қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилади:

	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Электр энергия—млрд. кВт-соат	790	850	913	985	1065
Нефть (газ конденсатидан ташқари) миллион тонна	371	395	429	451	496
Табий газ—млрд. куб метр	241	229	250	280	320
Қўмир—млн. тонна	620	634	652	670	695
Пўлат—млн. тонна	120	126	131	138	146
Химия ва нефть химияси саноати маҳсулоти—млрд. сўм	22,8	25,2	27,9	31,7	36,3
Пластмасса ва синтетик смолалар—минг тонна	1785	1992	2277	2759	3533
Химиявий тоғалар—минг тонна	672	746	828	911	1065
Целлюлоза—минг тонна	5447	5812	6637	7496	8490
Қоғоз—минг тонна	4362	4556	4855	5174	5564
Цемент—млн. тонна	99	103,4	108,5	116,3	125
Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулоти—млрд. сўм	93	104	116	130	146
Автомобиллар—минг дона	1122	1376	1703	1987	2100
Шу жумладан енгил автомобиллар—минг дона	513	728	977	1204	1260
Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларга керакли запас қисмлар—млн. сўм	3310	3868	4487	5359	6308
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун керакли машиналар ва ускуналар—млн. сўм	825	934	1127	1338	1576
Қўшлоқ хўжалик машиналари—млн. сўм	2336	2641	2978	3324	3702
Тракторлар—минг дона	470	478	502	542	575
млн. от кучи	31,6	34	42,7	49,3	53

	1971 йил	1972 йил	1973 йил	1974 йил	1975 йил
Ғалла' қомбайнлари—миңг допа	102	103	94	123	138
Енгил саноат маҳсулоти, маданый- маиший ва хўжалиқ моллари— млрд. сўм	82	89	95	102	112
Мебель—млрд. сўм	2,99	3,38	3,68	4,086	4,63
Холодильниклар—миңг допа	4568	5131	5782	6288	6901
Газламалар—млрд. кв. м	9,4	9,6	10,06	10,45	11,1
Чарм повафзал—млн. жуфт	708	728	759	791	830
Озиқ-овқат, гүшт, сүт ва балиқчи- лик саноати маҳсулоти—млрд. сўм	82	88	93	99	107

Халқ хўжалигининг ёқилғи-энергетика базасини янада мустаҳкамлаш ва техника билан таъминлаш беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Кучли иссиқлик электр станциялари ва гидростанциялар қуриш йўли билан электр энергетикани тез ривожлантириш кўзда тутилди. Ҳаттоқ энергетикада анча ривожлантирилди.

Мамлакатнинг ёқилғи олабсида нефть ва газнинг улушини янада ошириш кўзда тутилади. Нефть қазиб чиқариладиган янги районлар илғари вақтларнинг ҳаммасига қараганда анча тезроқ ўзлаштирилмоқда. Масалан, тароқи Спбирь — Тюмень ва Томск областларида нефть қазиб чиқариш ҳақиқатда ўтган беш йилликдагина бошланган эди. Бу ерда қазиб олинаётган нефтнинг йиллик миқдори 1975 йилда 125 миллион тоннага етказилди.

Мамлакатни нефть-газ билан таъминлашнинг туташ системасини вужудга келтириш ишлари давом эттирилади. Нефть ва газ қазиб чиқарилаётган янги районлардап Тюмень, Мангшпоқ, Вуктиль, Оренбург ва Удмуртия АССРда бу нефть ва газни мамлакатнинг бошқа районларига оқзиб юбориш учун катта қувурлар қурилмоқда. Қиш фаслида газ таъминотини узлуксиз давом эттириш мақсадида қатор саноат марказлари яқинида ер остидаги газхоналарни анча кенгайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Беш йиллик планда саноатнинг хом ашё тармоқларини янада ривожлантириш кўзда тутилди. Бу тармоқларни техника билан қайта қурулантириш давом эттирилади. Шу билан бирга истеъмолчилар фойдаланиши учун кўпроқ тахт қилиб қўйилган материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунингдек хом ашё ва материалларнинг замонавий машина-ускуналар, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган юқори сифатли янги турларни ишлаб чиқаришга эътибор берилди.

Қора металлургия соҳасида металлнинг 500 га яқин тежамли профилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ишлаб чиқарила-

ётган профилларни кўнайтириш ва прокат сифатини яхшилаш 1975 йилда машинасозлик ва металл ишлаш соҳасида 8 миллион тонна чамаси металлни тежашга имкон беради. Диаметри катта бўлган ва газнинг кучли босимида бардош бера оладиган газ қувурларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш трубопроводларнинг кўпроқ миқдорда газ ўтказишига ва газ ташишни арзонлаштиришга имкон беради.

Рангли металлургия олдида катта вазифалар турибди. Алюминий, рух, мис, никель ҳамда бошқа кўпгина рангли ва подир металллар ишлаб чиқариши анча кўпайтирилади. Химия саноатида маҳсулотларнинг 4 миңдан кўпроқ турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Сиптетик толалар ва пластмасса ишлаб чиқариш пкки баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Юқори сифатли сиптетик каучуклар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, бу эса кўпроқ вақт хизмат қиладиган автомобиль шиналари ишлаб чиқаришини анча кенгайтиришга имкон беради.

Ўрмончиллик саноати ўз вазифаларини ҳозирча яхшилаб бажараётгани йўқ. Бу саноатнинг ишини қайта қуриш мўлжалланмоқда. Кесиб олинаётган дарахтлардан тўлиқроқ фойдаланиш, бу дарахтларнинг шу вақтгача чиқитга чиқариб юборилаётган қисмини ҳам қайта ишлаш чоралари кўрилади.

Машинасозлик программаси оғир саноатнинг барча тармоқларини техника жиҳатидан тагин ҳам юксак даражада ривожлантиришни, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашни, қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини кучайтириш ва янгиланиш, енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришни таъминлайди.

Машинасозлик саноати олдида қўйилган катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида бу тармоққа сарфланадиган капитал маблағлар бундан олдинги беш йилликка қараганда қарийб пкки баравар кўпайтирилади. Машинасозлик саноатининг ўзида ишлаб чиқаришнинг техника даражаси анча оширилади, укупалар паркиннинг структураси яхшиланади.

Беш йиллик планда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариши анча кўпайтириш кўзда тутилди. Бундай моллар 1975 йилда 1970 йилдагига қараганда 49 процент кўп ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришни бундай ўстириш енгил ва озиқ-овқат саноатида кўпгина янги корхоналарни ишга туширишни, ишлаб турган заводлар ва фабрикаларни техника билан қайта қуроллантиришни ҳал этади. Шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат катта-катта маблағ ва моддий ресурслар ажратиб берди. Машинасозлик, химия ва мудофаа саноати, қора ва рангли металлургия ҳамда саноатнинг бошқа тармоқлари халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ҳажми беш йиллик планда КПСС XXIV съездининг Директивларига мувофиқ кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисобланганда колхоз ва совхозларда маҳсулот етиштириш учдан бир қисмича кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатнинг харид қилиш анча кўпайтирилади.

1971 — 1975 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлат ва колхозлар 129 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ажратадилар.

Қишлоқ хўжалиги беш йил ичда қуввати анча катта бўлган 1 миллион 700 миң трактор, иш упуми юксак бўлган янги ғалла комбайнлари ва маккажўхорини ўриб-йиғиб оладиган комбайнлар, ёмғир ётдирувчи машиналар, ерга минерал ўғит солиб берадиган машина ва қишлоқ хўжалик техникасининг бошқа кўпгина турларини олади. Чорвачиликдаги ишларни механизациялаштирадиган машиналар ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Ерларни мелиорация қилишнинг кенг программасини амалга ошириш учун керакли машиналар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1970 йилдаги 55,4 миллион тонна ўрнига 1975 йилда 90 миллион тоннага етказилди.

Беш йил ичда 3,2 миллион гектар суғориладиган ер, 5 миллион гектар зах кетказилган ер ва 41 миллион гектардан кўпроқ сув билан таъминланган яйловлар фойдаланишга топширилди. Волгабўйида, Шимолий Кавказда, Украина жанубида зах қочирилган ва суғорилаётган ерларда товар дон етиштириб берадиган катта-катта базалар вужудга келтириш мўлжаллаб қўйилди.

Чорвачиликни юксалтириш борасида катта чоралар мўлжалланмоқда. Чорвани ем-хашак билан таъминлаш бу вазифани ҳал этишнинг асосий шартидир. Беш йиллик планда ем-хашак етиштиришни, айниқса, концентрат озуқалар ва яйлов хашаклари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади. Бу мақсадга аввало озуқа экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва суғориладиган сермахсул яйловлар вужудга келтириш йўли билан эришилади. Омукта ем ишлаб чиқариш 1975 йилда қарийб 35 миллион тоннага, озуқабоп фосфатлар ишлаб чиқариш 3 миллион тоннага етказилди, чорва озуқасига қўшиб бериладиган оқсил витамин моддалар ишлаб чиқариш 1 миллион тоннадан ошириб юборилади. Колхоз ва совхозларда саноат асосида чорвачилик маҳсулоти етиштириладиган катта комплекслар қурилади.

Қишлоқ хўжалигига ажратиладиган жуда катта маблағлардан энг кўн самара берадиган қилиб фойдаланиш лозим.

Беш йиллик планда транспортни ривожлантиришга катта эътибор берилган.

Темир йўл транспортини ривожлантиришга бериладиган капитал маблағлар қарийб 1,6 барабар кўпайтирилади. 5,6 миң километр янги темир йўл қуриш ва 6 миң километр темир йўлни электрлаштириш мўлжаллаб қўйилди. Ўтган беш йилликка қараганда бу беш йилликда қарийб 3,5 барабар кўп иккинчи йўллар қурилади. Сабоат 400 миңга, яъни ўтган беш йилликка қараганда 65 процент кўп юк вагонлар етказиб беради. Темир йўл транспортининг юк ташиб бериш қуввати анча кўпайтирилади, пассажирлар ташиш яхшиланади.

Беш йиллик йилларида автомобиль транспорти анча ривожлантирилади. Енгил автомобиллар парки кескин равишда кўпайтирилади. Бу эса ремонт корхоналарини, техникавий хизмат кўрсатиш станцияларини кўпайтириш ва кенгайтирилиши, уларнинг ишларини ташкил этишни яхшилашни, марказлаштирилган юк ташиш системасини такомиллаштиришни, янги автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни яхшилашни талаб қилади.

Янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган автомобиль йўлларининг сифатини ошириш зарур. Ҳозирги вақтда бу йўлларнинг сифати кўпичча қошқарли эмас. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, тегишли министрликлар автомобиль транспортининг ишини яхшилаш ва йўл қурилиши масалаларига кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Юк ортиш-юк бўшатил ишларини механизациялаш анча оширилади. Контейнерларда юк ташиш ҳажми тахминан икки барабар кўпайтирилади. Бу эса транспорт воситаларидан яхшироқ фойдаланиш имкониятини беради.

Денгиз, дарё ва ҳаво флотлари замонавий кемалар ва самолётлар билан таъминланади. Кўнгилда денгиз ва дарё портларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, янги аэропортлар қуриш ва ишлаб турган аэропортларни реконструкция қилиш мўлжаллаб қўйилди.

Трубопроводларни ривожлантириш суръатлари тезлаштирилади, таъминлаётган суюқ ёқилги ҳажмининг деярли ярмисини трубопроводлар орқали юбориладиган бўлади.

Тўққизинчи беш йилликда капитал қурилишининг кенг программасини бажаришимиз, ушнинг самарадорлигини ва сифатини оширишимиз керак.

Беш йилликда сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 501 миллиард сўм миқдорда ёки ўтган беш йилликка қараганда қарийб 42 процент ошиқ қилиб белгилади. Давлат маблағлари ҳисобидан асосий фондларни ишга тушириш бир ярим барабардан зиёдроқ кўпайтирилади. Бу эса битмай қолаётган қурилиш ҳажминини камайтиришни таъминлайди. Илгари бошланган қурилишларни тезроқ битказиш чоралари белгилаб қўйилди.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва уларни техника билан қайта қуроллантириш капитал қурилишининг асосий

йўналиши бўлиши лозим. Бу йўл қисқа муддатларда ва кам маблағ сарфлаб қувватларини кўпайтиришни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлайди. Жумладан, чўяп, қора металллар прокати, пўлат трубалар, буғ ва газ турбиналар, прокатлаш ускуналари ва бошқа бир қанча буюмларини ишлаб чиқариш қувватларини беш йиллик планда мўлжалланганлидек кўпайтиришнинг ҳаммасига ишлаб турган заводларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш йўли билан эришни лозим. Бу — бизнинг саноатимиздаги ишлаб чиқаришни концентрациялашни кучайтиришнинг муҳим чорасидир.

Капитал қурилишни яхшилаш лойиҳалашнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лойиҳаларда энг янги техника ва технологиядан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим, қурилиш учун тузилган металллар эса унинг аниқ қимматини ақс эттириши ҳамда корхона қурилаётган бутун бир давр давомида планлаштириш ва уни пул билан таъминлаш учун негиз бўлиши лозим. Министрликларнинг, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг вазифаси шуки, улар қурилишнинг смета қимматини камайтиришни таъминлашлари, қурилишни арзонлаштириш имкоиятларини излаб топиллари керак.

1972 йилда ривожлаштиришга 21 миллиард сўмга яқин ёки саккизинчи беш йилликка қараганда 4,5 миллиард сўм кўп маблағ ажратилган.

Капитал қурилиш программасини бажариш ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини анча яхшилайдди, табиий ресурсларга бой бўлган шарқий ва шимолий районларнинг ривожлаштирилишини тезлаштиради. Беш йилликнинг охирига бориб Урал шарқидаги районларда мамлакатда чиқарилаётган жамики саноат маҳсулотининг тахминаи бешдан бир қисми ишлаб чиқариладиган бўлади. Геологлар шарқий районларда қидириш ишларини янада ривожлаштириш билан бир қаторда мамлакатнинг Европа қисмида нефть, кўмир, газ ва бошқа фойдали қазилмалар бор жойларни қидиришни кучайтиришлари керак.

Иттифоқдош республикалар хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш миқёслари планда КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ белгилаб берилди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамми барча иттифоқдош республикаларда анча кўпайтирилади.

1972 йилда совет халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганлигининг 50 йиллигини нишонлайди. Бу — шонли ва тарихий санадир. Бизнинг кўп миллатли давлатимиз ўз таркибидаги барча миллатлар ва элатлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги бирлигининг намунаси бўлиб турибди. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошира бориб миллий масалани бирдап-бир тўғри ва одилона асосда —

	Маҳсулотнинг ўсиши (процент ҳисобида)	
	Сапоат (1975 йилда 1970 йилга нисбатан)	Қишлоқ хўжалиги (9-беш йилликда ҳар йили ўртача ишлаб чиқариш 8-беш йилликка нисбатан)
РСФСР	147	122
Украина ССР	143	119
Белоруссия ССР	158	125
Ўзбекистон ССР	151	124
Қозоғистон ССР	159	122
Грузия ССР	144	127
Озарбайжон ССР	146	135
Литва ССР	149	116
Молдавия ССР	162	136
Латвия ССР	140	119
Қирғизистон ССР	155	120
Тожикистон ССР	138	128
Арманистон ССР	164	132
Туркменистон ССР	164	120
Эстония ССР	138	120

Улуғ Ватанимиз барча халқларининг теплиги ва бир-бирларини ҳурматлаши асосида ҳал этишга муваффақ бўлди.

Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг барча халқлари бу санини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда сиёсий активликни ва меҳнат гайратини янада юксалтириш билан пишонлайдилар.

3. ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ПРОГРАММАСИ

Мамлакат пқтисодий потенциалини ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан-техника тараққиёти соқпал ривожланишнинг йприқ вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг негизидир. Беш йиллик планда халқнинг турмуш даражасини ошириш КПСС XXIV съезди Директиваларига тамомила мувофиқ равишда белгиланган.

Бу программанинг бажарилиши бутун совет халқининг, ҳар бир осплаинг фаровонлигини анча оширишни таъминлайди, аҳоли моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонларини ўз ичига олади. Бунда социалистик тузум афзаллиги яққол намоён бўлади.

Тўққизинчи беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромадлар 31% кўпаяди. Аҳолининг пул даромадлари 1975 йилда 1970 йилга нисбатан 78 миллиард сўм миқдорда ортади. Шундан

22 миллиард сўм иш ҳақи ставкалари ва окладларни, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини ошириш юзасидан ўтказиладиган янги давлат тадбирларига ва бошқа тадбирларга сарф қилинади.

Бу маблағнинг катта қисми иш ҳақи минимумини, шунингдек ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини оширишга ишлатилади. Ставкалар ва окладлар беш йиллик мобайнида Совет Иттифоқи районлари бўйича изчиллик билан оширилади.

Айни вақтда шу районлар бўйича ойига 70 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқ олиш тўхтатилади ва ойига 90 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқлар ўрта ҳисобда учдан бир ҳиссадан кўпроқ миқдорда камайтирилади. Ставкалар ва окладларни ошириш билан бирга 1972 — 1974 йиллар мобайнида тунги вақтда ишлаган ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақлар қўпайтирилади. 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб бутун мамлакатда ўқитувчилар, врачлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг иш ҳақини ошириш белгиланади.

Ана шу тадбирларни маълум сўмларнинг ҳисобидан амалга ошириш

1 Иш ҳақининг минимал миқдорини ошириш билан бирга ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини кўпайтириш — ҳажмаси 1971—1975 йиллар

Шу жумладан:

Ишлаб чиқариш тармоқлари 1971—1974 йиллар

Шулардан:

темир йўл транспорти 1971 йил
қўшпоқ хўжалиги (механизаторлар) 1971—1972 йиллар
саноат ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари 1972—1974 йиллар

Шу жумладан районлар бўйича:

Узоқ Шимол ва унга тенглаштирилган районлар, Европа шимоли, Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь, Ғарбий Сибирь ва Урал 1972 йил
Қозоғистон, Ўрта Осиё, Волга-Вятка райони, Поволжье, Донбасс, Ростов области 1973 йил
Шимоли-Ғарбий, Марказий, Марказий-Қоратунроқ районлари, Украина (Донбассдан ташқари), Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи, Шимолий Кавказ (Ростов областидан ташқари) ва Закавказье 1974 йил

Ишлаб чиқаришдан ташқари тармоқлар . . . 1972—1975 йиллар

Шу жумладан:

- врачлар, ўқитувчилар, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячилари 1972 йил
 маориф ва соғлиқни сақлашнинг бошқа ходимлари 1974 йил
 уй-жой — коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқат-лавиш, маъший хизмат, тайёрлаш, таъминот, реализация, ямий муассасалар, маданият, санъат ва бошқарув аппарати 1975 йил
2. Туғи вақтда ишлаганлик учун меҳнатга қўшимча ҳақ тўлашни қўнайтириш 1972—1974 йиллар
3. Ойига 70 сўмгача бўлган иш ҳақидан солиқ олишни бекор қилиш ва ойига 71 сўмдан 90 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинadиган солиқни камайтириш . . . 1972—1975 йиллар

Жуда катта табиий бойликлар хўжалик оборотига тобора кўпроқ қўшилаётган Шарқий ва Шимолий районларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни янада жадаллаштириш манфаатларини кўзлаб, 1972 — 1975 йилларда аҳоли даромадларини оширадиган қўшимча имтиёзларни жорий этиш кўзда тутилди. Бу эса шу районларга ишчи ва мутахассис кадрларни жалб қилиш ва уларнинг ўрнашиб қолишига ёрдам беради.

Бу тадбирлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

1. Ҳозирги вақтда район коэффициентлари қўланилмаётган тармоқлардаги ходимларнинг иш ҳақига ава шундай коэффициентларни жорий қилиш — ҳаммаси 1972—1975 йиллар

Шу жумладан:

- Гарбий Сибирь ва Ўрта Осиёнинг айрим районлари 1972 йил
 Урал 1973—1975 йиллар
 Қозоғистон (жанубий районлардан ташқари) . . . 1974—1975 йиллар
2. Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирнинг бир қанча районларида иш ҳақига илгари жорий этилган район коэффициентларини ошириш 1974—1975 йиллар
3. Европа шимолининг айрим районларида имтиёзлар жорий этиш 1972 йил

Умуман ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг, шу жумладан совхозлар ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1975 йилда деярли 150 сўмга етади, иктимой фондлар ҳисобидаш берилаётган имтиёзларни ҳам ҳисоблаганда ойига 200 сўмдан ошиб кетади.

Беш йиллик планда жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари турмуш даражасини ошириш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш — пенсия таъминотини ва социал страхованиени яхшилаш кўзда тутилган. Қарлик пенсияларининг минимал миқдор-

лари, шунингдек инвалидларга ва боқувчисидан жудо бўлган oilаларга бериладиган пенсиялар оширилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

1. Ишчи ва хизматчиларнинг қариллик пенсиялари минимал миқдорини ойига 30 сўмдан 45 сўмгача ва колхозчиларнинг қариллик пенсиялари минимал миқдорини 12 сўмдан 20 сўмгача кўпайтириб, айни вақтда колхозчиларнинг инвалидлик пенсияларини ва боқувчисидан жудо бўлганлиги учун бериладиган пенсиялар миқдорини ошириш, ҳамда пенсияларни ҳисоблаб чиқаришнинг ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган шартларини колхоз аъзоларига ҳам жорий қилиш 1971 йил
2. Ишчилар, хизматчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг инвалидлик пенсияларини ҳамда уларнинг боқувчисидан жудо бўлган oilаларига бериладиган пенсияларини кўпайтириш 1973—1974 йиллар
3. Меҳнат қобилиятиги вақтинча йўқотишнинг айрим ҳолларида бериладиган нафақаларни кў-

шу тадбирларнинг бир қисми шу шундай амалга оширилди.

Бизнинг мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашда oilаларга, айниқса, кўп болали oilаларга давлатнинг ҳар томонлама ёрдам бериш системаси амал қилиб келмоқда. Тўққизинчи беш йилликда бу система oilанинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами даромад ойига 50 сўмдан ошмайдиган кам таъминланган oilаларда болалар учун нафақалар жорий этиш билан тўлдирилади. Oilаларга алоҳида эътибор берилди. Иш стажи қанча бўлишидан қатъи назар ҳомиладорлик отпусчасига юз процент ҳақ тўлаш белгиланади. Касал болани парвариш қилиш учун ҳақ тўланадиган пуллар кўпайтирилади. Ишлайдиган аёллар учун бошқа имтиёзлар ҳам жорий этилади.

1972 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ўқув юртлари, техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини кўпайтириш тўғрисида ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш чоралари ҳақида қарор қабул қилинди. Шаҳардаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини овқатлантиришни яхшилаш мўлжалланмоқда. Касалхоналарда овқатланishi учун бериладиган маблағлар нормаси оширилади.

Кўрсатилган тадбирлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади.

1. Жоп бошига тўғри келадиган жамп даромад ойига 50 сўмдан ошмайдиган оилаларга болалар учун вафақалар жорий этиши 1974 йил
2. Касал болани парварши қилиш учун ҳақ тўланадиган қулларни қўпайтириш, ишлайдиган ҳамма аёлларнинг меҳнат стажидан қатъи назар уларга ҳомладорлик ва туғиш отпус каларига 100 процент ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар 1973—1974 йиллар
3. Олий ўқув юртлари студентларининг ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш 1972 йил 1 сентябрьдан бошлаб
4. Шаҳар ҳунар-техника билим юртларида, шунингдек касалхоналарда овқатланишга сарф қилинадиган маблағлар нормасини қўпайтириш 1972—1973 йиллар

Ҳозирги вақтда давлатнинг ўзига қарашли доимий болалар ясаилари ва боғчаларида 9,3 миллион бола тарбияланмоқда, 5,6 миллион ўқувчи қуни узайтирилган мактабларда таълим олмоқда. Шу беш йилликда 2 миллиондан кўпроқ ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилади, қуни узайтирилган мактаблар ва гуруҳалардаги ўқувчилар 1,7 миллион нафар кўнаяди.

Сизларга маълумки, КПСС XXIV съездида 1947—1956 йилларда чиқарилган давлат ички заёмлари ҳақини муддатидан олди қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарорга мувофиқ заёмларнинг ҳақини қайтариб бериш 1974 йилдан бошланади. Планда шу мақсадларга 1974 ва 1975 йилларда 1миллиард сўмдан маблағ ажратилиш кўзда тутилган.

Аҳоли даромадларининг ўсиши товарларга бўлган талабни анча оширади. Бу нарса беш йиллик планда ҳисобга олинган. Чақана товар обороти ҳажми йил сайин ортиб боради ва 1975 йилда 218 миллиард сўмга етади, яъни 1970 йилдагига нисбатан 64 миллиард сўм ортади. Гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, тухум, сабзавот ва мева истеъмол қилиш кўнаяди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг кўпайиши тўғрисидаги баъзи бир маълумотлар қуйидагича:

	Ҳар бир кишига йилига кг ҳисобида		
	1965 йил	1970 йил	1975 йил план
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	41	48	59
Сут ва сут маҳсулотлари	251	307	340
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	12,6	15,4	22
Ҳар хил мевалар	28	35	50
Сабзавот ва полз маҳсулотлари	72	82	109
Тухум (дона)	124	159	192
Қанд—шакар	34	39	43

Аҳолига енгил саноатнинг энг муҳим молларини сотиш анча кўпайтирилади.

Ҳар бир кишига ўрта ҳисобда қуйидаги миқдорда газлама, трикотаж ва чарм пойафзал сотилади.

	1965 йил	1970 йил	1975 йил
Газламалар—квадрат метр	26,5	30,4	35
Трикотаж—дона	4,1	5,3	7,6
Чарм пойафзал—жуфт	2,4	3,0	3,6

Маданий-маиший ва рўзгор молларини сотиш икки баравар кўпаяди. Беш йиллик мобайнида аҳолига 2 миллион 600 мингта енгил автомобиль сотиш мўлжалланмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Совети оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу қарорда министрлик ва идораларга оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан министрликлар ва идоралар умум тошириқлар белгилаб берилган.

Халқ истеъмоли молларининг сифатини анча яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги замон модаси ва фасонидаги хилма-хил моллар магазинларда ҳамisha бўлиши лозим.

Савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналар қўри сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кескин чоралар кўрмайдиган бўлсалар, улар маҳсулотни сотишда жиддий қийинчиликларга дуч келиб қоладилар. Аҳоли учун ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатига корхоналарнинг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликларини эслатиб қўйиш зарур.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштириш халқ фаровонлигига тобора кўпроқ таъсир қилаверади. Беш йиллик мобайнида умуман мамлакатда кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми тахминан икки баравар, қишлоқ жойларида эса, салкам 3 баравар кўпаяди. Корхоналар, кийим-бошбеш химиявий тозалаш фабрикалари, ательелар билан бир қаторда хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари, масалан, квартираларни ремонт қилиш, кийим-бош, пойафзал, рўзгор машиналарни ремонт қилиш корхоналари тармоғи ҳам ривожлантирилади.

Уй-жой, коммунал қурилиш фоят ривож топади. Беш йил ичунда жамп саҳни 580 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилади. Шаҳар ва қишлоқларни янада анча ободонлаштириш кўзда тутилган. Шаҳарларнинг бош планларини ишлаб чиқариш ишнини

тубдаш яхшилаш учун, қулай ва шинам квартиралар қуриш учун йттифоқдош республикаларнинг Мипистрлар Советлари, маҳаллий ҳоқимият органлари, шунипгдек Госстрой ва жойлардаги архитектура бошқармалари органлари системасига катта масъулият юклатилган. Шаҳар қурувчилар барно этадиган биномлар ва иншоотларнинг архитектураси давримизнинг улғуворлигини ўзида акс эттирадиган бўлсин.

Қишлоқ жойлардаги хонадонларни газ билан таъминлаш соҳасидаги катта ишларни қилиш кўзда тутилган. Шаҳарларда салкам 1300 километр трамвай йўли, 3 минг километргача троллейбус линияси ва салкам 70 километр метрополитен линияси қурилади.

Меҳнаткашларнинг соғлигини сақлашга, физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Касалхоналар, клиникалар, амбулаториялар, санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик базалар ва меҳмонхоналар қуриш анча кенгайтирилади. Медицина саноати янада ривожланади, даволаш муассасаларини энг янги аппаратлар билан таъминлаш, дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш кўзда тутилган. Маҳаллий Советлар шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқнинг маданий савиясини оширишга, совет кишиларини гоъвий тарбиялашга ва уларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга жуда катта аҳамият бермоқдалар.

Халқ хўжалиги техникавий ва иқтисодий жиҳатдан саводли. билимдон, малакали ишчиларни йил сайин тобора кўпроқ талаб қилмоқда. Беш йиллик мобайнида ҳунар-техника билим юртлари 9 миллион малакали ишчи тайёрлайди. Ёшлар ҳунар ўрганиб, айни вақтда умумий ўрта маълумот ҳам оладиган билим юртлари жуда тез ривожлантирилади. Ишлаб чиқаришда ҳам кадрларнинг малакаси ошириб борилади.

Айниқса фан ва техниканинг янги соҳалари бўйича олий ва ўрта махсус таълимни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Китоблар, газеталар, журналларнинг тиражлари кўпайтирилади. Алоқа, радио эшиттириш ва телевидение янада ривож топади. Театрлар, кинотеатрлар, киноустановакалар, клублар ва кутубхоналар кўпайтирилади ва кенгайтирилади.

Тўққизинчи беш йилликнинг баён этилган ва КПСС XXIV съезди маъқуллаган социал программаси — социализм даврида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадларига, халқ хўжалигини янада ривожлантириш эҳтиёжларига, экономикамининг янги имкониятларга тўла-тўқис мос бўлиб тушади. Бу программа меҳнат самараларини бутун жамиятнинг мулки қилиб қўйилган мамлакатда халқ фаровонлигини ошириш учун нақадар кўп иш қилиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

4. ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРИШГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР

Совет экономикасини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи, ишлаб чиқариш кўлами қудратли равишда кенгайганлиги, ишлаб чиқариш интенсивлашганлиги хўжаликка раҳбарлик савиясини оширишни талаб қилади. Халқ фаровонлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги топшириқларни бажариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бутун иқтисодий ва ташкилий ишларнинг марказида туриши лозим.

Йиллар бўйича тузилган тўққизинчи беш йиллик план хўжаликни бошқарувчи барча органларнинг, юқоридан пастгача бўлган ҳамма органларнинг иш савиясини ошириш учун, планларнинг янада стабилроқ бўлишини таъминлаш учун, узоқ муддат амал қиладиган техникавий-иқтисодий прогрессив нормативларни жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ана шундай нормативлар негизида иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилинади.

Бу эса хўжалик органларига яхши истиқбол очиб беради. Булар хўжалик қарорларининг турли вариантларини шун қўлти самара позициясидан турпоғида эмас, шу оқибат билан узоқ истиқболга асосланиб ҳам баҳолай оладиган, ўзларининг куч-ғайратларини ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш соҳасидаги ийрик тадбирларни амалга оширишга собит қадамлик билан йўналтира оладиган бўладилар.

Беш йиллик план — давлат планларининг асосий формасидир. Йилма-йил тақсимланиб тузилган беш йиллик план йиллик планларга бўлган эътиборни сусайтириши мумкин, деган маънони асло аёнлатмайди. Экономика йиллик планларсиз планли равишда ишлаши мумкин эмас. Йиллик планларда янги техник ва технологик проблемалар муваффақиятли равишда ҳал этилиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятлари ҳисобга олинishi лозим.

Тўққизинчи беш йиллик планда ўртага қўйилган катта ва мураккаб вазифалар хўжаликни бошқарувчи ҳамма бўғинларни тинимсиз такомиллаштиришни талаб қилади, корхоналарнинг коллективлари ва хўжалик ташкилотларини оптимал планлар ва топшириқлар олишга, техника тараққиёти учун, маҳсулот сифатини ошириш учун янада ғайрат билан курашишга қизиқтирадиган иқтисодий ва ташкилий тадбирлар системасини амалга оширишни, иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришни талаб қилади.

Меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш — беш йилликнинг бажаришнинг энг асосий шартидир. Шунини эслатиб ўтмоқчи-манки, тўққизинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига 32 миллион ходимнинг меҳнати тежаб қилиниши

керак. Саноатда маҳсулотни кўпайтиришнинг 87 процентига, қурилишда бажариладиган ишларни кўпайтиришнинг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш лозим; ишлаб турган саноат корхоналарида, темир йўл транспортда ва қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштиришни кўпайтиришнинг ҳаммасига ходимлар сонини кўпайтирмай туриб эришиш керак. Беш йиллик планда кўзда тутилган конкрет тадбирлар меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган миқдорини таъминлаши керак. Бу тадбирлар аввало фан ва техникани ривожлантиришдан, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Ҳамма тармоқларда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш йўли билан меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резервларини вужудга келтириш мумкин. Лекин кўпгина хўжалик раҳбарлари бу проблемага лозим даражада эътибор бермаётганликларини айтиб ўтиш керак.

Меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳар қандай бекор туришларни ва иш вақтининг нобуд бўлишини тугатишни, ишчи кучларидан фойдаланишни яхшилашни, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни талаб қилади. Беш йиллик планда ишчи ва хизматчилар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан катта тадбирлар кўзда тутилган, бу эса ишлаб чиқариш коллективларининг стабиллигига, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг бевосита бурчидир. Тарбиявий иш ва интизомни бузувчиларга қарши лозим даражада кураш олиб борилмаётган жойларда масъулиятсизлик вазияти вужудга келади, бу эса халқ хўжалигига зарар етказди. Ишчиларнинг кўпгина йўғилишларида интизомни бузувчиларга ишлаб чиқаришни издан чиқарувчилар деб қаралсин, ҳалол меҳнатчилар фойдаланадиган имтиёзлар ва афзалликлар уларга берилмасин, деган талаблар айтилмоқда. Бу — адолатли талаб. Беш йиллик план топшириқларининг яхшироқ бажарилиши манфаатларини кўзлаб моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларида омилкорлик билан фойдаланиш ва уларни бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш зарур.

Меҳнат унумдорлигини юксак суръатлар билан оширишга эришмоқ учун иш ҳақи соҳасида партия ишлаб чиққан сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, техникавий жиҳатдан асосланган нормаларни жорий қилиш лозим.

Иш ҳақи минимумини, ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва окладларини ошириш тариф системасининг родини кўтариш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради. Янги тариф ставкалари ва окладларини жорий этиш вақтида мала-

кали ихтисосдаги ишчилар, конструкторлар, инженерлар, технологлар, техниклар, агрономлар ва бошқа мутахассислар учун ана шундай ставка ва окладларни кўнайтиришнинг бирмунча юқори проценти белгиланади, чунки техника тараққиётини жадаллаштириш ана шу кишиларнинг ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Уз-ўзидан равшанки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларини механик тарзда жорий қилиб бўлмайди. Бундан аввал меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш, бир маромда ишлашни таъминлаш соҳасида жиддий тайёргарлик олиб борилиши керак. Шу асосда меҳнатни нормалаш ишини анча яхшилаш зарур, ваҳоланки кўнгина корхоналарда бу иш қониқарсиз олиб борилмоқда.

Рағбатлантириш фондларини текисчилик билан тақсимлаш тенденцияларига мутлақо йўл қўймаслик керак. Бу фондлар асосан меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, рағбатлантириш мақсадида ишлатилиши лозим, шунинг учун ҳам бу фондлардан аввало ана шу соҳаларда аниқ бир мақсадни кўзлаб фойдаланиш керак.

Колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳам кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам бериши лозим. Утган беш йилликда кўпчилик колхозлар колхозчилар меҳнатига ҳар ойда пул билан гарантияланган ҳақ тўлашга ўтди. Бу системадан иқтисодий ишлаб чиқаришни кўбайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, қишлоқ хўжалик эквивалари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, колхозларнинг ишлаб чиқариш воситаларини яхшироқ ишлатиш учун тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Беш йилликнинг меҳнат унумдорлиги соҳасидаги тошпириқларини бажариш учун хўжалик раҳбарлигининг ҳамма бўгинларида катта ташкилотчилик иши олиб бориш керак бўлади. Бу тошпириқларни ўзибўларчилик билан, ишга ижодий ёндашмай туриб, корхоналарнинг резервларини сафарбар қилмай туриб бажариб бўлмайди. Министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва колхозлар беш йиллик планнинг меҳнат унумдорлиги соҳасидаги тошпириқлари бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирлар системасини ишлаб чиқишлари зарур. Янги гоёт серуноум техникани жорий этиш, ишлаб турган корхоналардаги машина-ускуналарни модернизация қилиш ва янгилаш, ишлаб чиқаришнинг комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва ихтисослаштириш, технологияни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ана шундай тадбирлар системасининг мазмуни бўлиши керак.

Халқ хўжалигидаги ҳамма моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш маблагларни беш йиллик планни бажаришга сафарбар қилишнинг муҳим манбаидир. Ҳозирги вақтда кўп корхона-

ларда ресурслардан хўжасизларча фойдаланиш фактлари содир бўлмоқда. Материаллар, ёқилғи, энергия сарфининг амалдаги кўп нормалари ошириб белгиланган.

Фан-техниканинг ҳозирги ютуқлари моддий ресурсларни тежашга хизмат қилдирилиши керак. Машиналарнинг янги прогрессив конструкциялари, технология жараёнларини, зарур хусусиятларга эга бўлган материаллар, яхши сифатли хом ашё — ана шуларнинг ҳаммаси материаллар, ёқилғи, хом ашё сарфини қисқартириш имконини беради.

Ассий фондлардан фойдаланишни яхшилаш — катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Тўққизинчи беш йилликда ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига 5 миллион тоннадан ортиқ пўлат, 8,5 миллион тоннага яқин ўғит, 1,8 миллион тонна цемент, 30 миллион жуфтдан ортиқ поёафзал ва бошқа кўп миқдордаги маҳсулот олиш белгилаб қўйилди. Лекин айрим министрликлар фондларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тадбирларни ҳали ҳам амалга оширганлари йўқ. Беш йилликни бажариш жараёнида СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ишлаб турган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўнайтириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишлари лозим.

Корхоналардаги янги ишлаб чиқариш қувватлари кўн ҳолларда узоқ вақт ичида ўзлаштирилмоқда. Бу — қониқарсиз ишлашнинг, техникадан яхши самара олабилмасликнинг натижасидир. Янги ишлаб чиқариш майдонларидан узоқ вақтгача фойдаланмаслик фактларига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

КПСС XXIV съездида корхоналарнинг, айниқса машинасозлик корхоналарининг иш сменаларини ошириш зарурлиги татқиқланди. Беш йиллик планда машина-ускуналарнинг иш вақтини кўпайтириш кўзда тутилган, шу йўл билан камроқ капитал маблағ сарфлаб кўпроқ маҳсулот олиш мумкин бўлади. Министрликлар ва идоралар машина-ускуналарни сменаларда ишлатишнинг планда кўзда тутилган миқдорда кўпайтирилишини таъминлашлари лозим.

Фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш — хўжалик бошқарувчи органларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат шу соҳада бир қанча тадбирларни кўрдилар. Саноат ва қурилишнинг турли тармоқлари ўртасидаги фан-техника ва ишлаб чиқариш ютуқларини ўзаро айирбошлаш кенгайтирилмоқда ва яхшиланмоқда. Янги техникани ўзлаштириш фондларининг маблағлари анча кўпайтирилмоқда, шу маблағлардан фойдаланиш соҳалари кенгайтирилмоқда. Материалларни тақсимлаш баланслари ва планларида машина-ускуналар ва материалларнинг корхоналарда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришни ри-

вожлаштириш фондларидан фойдаланиш учун зарур бўлган ре-
зерви кўзда тутилган.

Рағбатлантириш фондлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳаж-
мида янги, анча мукаммал ва самарали маҳсулотнинг салмоғини
ҳисобга олиб белгиланадиган бўлади. Бу эса замонавий техника-
ни ишлаб чиқарувчи ходимларни рағбатлантиришни кўпайти-
ришга имкон беради.

Нархнинг тўғри системаси фан-техника тараққиётини рағбат-
лантиришда катта роль ўйнаши керак. Бу система янги маҳсу-
лотни кенг жорий этишга ёрдам беради ҳамда қурилишнинг сме-
тадаги қимматини ва ишлаб чиқариш чىқимларини камайтириш-
ни таъминлайди.

Шу беш йилликда амалдаги улгуржи пархлар қайта қараб чи-
қилади. Машинасозлик маҳсулоти асосий турларининг улгуржи
пархларини 10—12 процент, электроника, приборсозлик, радио-
техника, электротехника маҳсулотларининг улгуржи пархларини
эса бундан ҳам кўпроқ миқдорда камайтириш назарда тутилади.
Ишлаб чиқаришда энг мукаммал техниканинг кенг кўламда қўл-
ланилишини таъминлашни кўзда тутиб, маҳсулотнинг айрим тур-
лари нархларининг нисбати тартибга солинади.

Шакланиб келган пархларга қараганда КИСС XXIV ётадиган Пархларни
ларида белгиланганидек беш йиллик мобайнида бу пархларнинг
стабиллиги, товар ресурсларининг тўпланишига қараб, моллар-
нинг айрим турлари пархларини пасайтириш кўзда тутилади.
Нарх комитети ва унинг жойлардаги органлари, айниқса маҳсу-
лотнинг янги турлари нархининг тўғри белгиланиши устидан
контролликни кучайтиришлари, давлат нарх интизомининг бузи-
лишига йўл қўймасликлари лозим.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш, саноатни, қишлоқ хў-
жалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлан-
тириш юзасидан беш йиллик планда кўзда тутилган тадбирлар-
нинг амалга оширилиши жуда катта молия ресурсларини талаб
қилади. Давлатнинг бюджет ҳисобига ҳам, хўжаликларнинг маб-
лағлари ҳисобига ҳам қиладиган харажатлари беш йил мобайни-
да салкам бир ярим баравар кўпаяди ва 1975 йилда 360 миллиард
сўмга етади.

Социалистик хўжалик жамғармалари шу беш йилликда давлат
қиладиган харажатларни пул билан таъминлашнинг асосий ман-
баи бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш даромад-
ларини кўпайтиришнинг асосий омилidir. Шу сабабли хўжалик
ташқилотлари олдига жамғарма тўплашнинг ҳамма мабдаларини
саффарбар қилиш, давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш,
ҳар соҳада тежамли бўлиш вазифаси қўйилмоқда. Иқтисодий те-
жам — социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги
учун муваффақиятли кураш олиб боришнинг мажбурий парти-
дир. Министрликлар, идоралар ва корхоналар ишлаб чиқариш-

нинг рентабеллигини ўстиришни таъминлашлари, ресурслардан омилдорлик билан фойдаланишлари лозим. Хўжалик раҳбарларининг корхоналар ишидаги молжавий натижалар учун бўлган масъулиятини ошириш лозим. Ҳамма бирлашмалар ва корхоналар фойда планини бекаму кўст бажаришлари керак.

Шу беш йилликда моддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида хўжалик ҳисобидаги ҳамма корхоналар ва ташкилотларни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методига ўтказишни тугаллаш лозим. Ҳамма совхозлар батамом тўла хўжалик ҳисобига ўтказилади: қурилиш ташкилотлар ваказчилар билан тўла-тўқис битказилган объектлар учун ҳисоб-китоб қилишга ўтадилар. Иқтисодий ислохотни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш унинг фан-техника тараққиётини жадаллантиришга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга ўтказадиган таъсирини кучайтиради.

Саноатда янги бирлашмалар тузиш ва ишлаб турган бирлашмаларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида эса, ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш янада кенгайтириш, аграр-саноат корхоналари ва бирлашмаларини барпо этиш бошқарувнинг ташкилий структурасини янада такомиллаштиришнинг муҳим тадбири бўлади. Ишлаб чиқаришни янада йириклаштириш ҳамда бошқарувнинг янада самарали ва содда системасига ўтиш бирлашмаларни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисобидаги асосий звеносига айлаштиришга олиб келади.

Бошқарувнинг 2—3 звеноли системасига ўтиш давом эттирилади. Министрликлар билан идоралар раҳбарлигининг иқтисодий методларини ривожлантиричлари, бошқарувнинг замонвий ташкилий техникасида фойдаланишни кенгайтиришлари ва яхшилашлари, бошқарув аппаратини соддалаштиришлари ва арзонлаштиришлари лозим. Беш йиллик планда тармоқларни, бирлашмалар ҳамда корхоналарни плавлантириш ва бошқаришнинг 1600 дан ортиқ автоматик системасини вужудга келтириб, жорий этиш, бу системаларда электрон ҳисоблаш техникаси базасида иқтисодий-математик методларини қўлланиш кўзда тутилган.

Иқтисодий рағбатлантириш фондлари бирлашмалар ва корхоналар хўжалик ҳисобидаги фаолиятининг энг муҳим иқтисодий асосларидан биридир. Халқ хўжалиги тармоқларидаги фойдадан шу фондларга ажратмалар миқдорини беш йил мобайнида 1,7 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Қасаба союзларига катта ҳуқуқлар бериб қўйилганлиги меҳнаткашларни рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш ва шу фондлардан тўғри фойдаланиш устидан контроллик қилишни таъминлайди.

Министрликлар, идоралар ва иттифоқдои республикаларнинг Министрлар Советлари ҳар бир корхона, қурилиш ва ташкилот бўйича беш йиллик йилларига тақсимлаб қўйилган беш йиллик плавларни, шу жумладап, иқтисодий нормативларни қисқа муд-

дат ичида тасдиқлашлари лозим. Бу жуда муҳим иш бўлиб, у энг қисқа муддатда тугалланиши керак.

Бизнинг экономикамиз турли тармоқлар ва ишлаб чиқариларнинг мураккаб комплексидан иборат. Тармоқлараро алоқаларни тўғри ташкил этиш халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилиниши лозим бўлган энг муҳим принцип — истеъмолчининг эҳтиёжлари тўғрисида, пиктимоий меҳнатни тежаш тўғрисида гамхўрлик қилишдир.

Ўтказиб берувчи ташкилот ўзининг истеъмолчи билан ўзаро муносабатларида ўз идорасининг манфаатларига эмас, балки умумдавлат манфаатларига асосланиб иш тутиши, фақат ўз корхоналарида харажатларни тежашдан манфаатдор бўлиб қолмасдан, истеъмолчининг ҳам тежашдан манфаатдор бўлиши лозим. Ишга ана шундай ёндошишгина эконоимикамизнинг социалистик принципларига мос келади. Бунинг маъноси шуки, ўтказиб берувчи ташкилот истеъмолчига хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотларнинг қатъий белгилаб қўйилган турларини қайта ишлаш учун муқома қилиб бериши керак.

Айнан шундай тармоқлар, машинасозларга заказчининг талабларига тўла-тўқиса мос келадиган ҳажмдаги, профил, сифатдаги прокатни ўтказиб бериши керак. Машинасозлар ҳам ўзлари ишлаб чиқараётган машиналарнинг запас қисмлар, алмаштириладиган узеллар, деталлар билан таъминлашлари ва гарантияланган муддатда ремонт қилиб беришлари лозим. Ёғочсозлик саноати тахтани истеъмолчиларга қуришиб, зарур бўлган турларда ва ҳажмда ўтказиб бериши, қурилишларни эса бениҳсон тайёрланган, зарур даражада пардоз қилинган конструкциялар ва бинокорлик материаллари билан таъминлаши керак. Бу ерда бошқа мисоллар ҳам келтириб ўтиш мумкин эди.

Биз тармоқлараро алоқаларни яхшилаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Қайта ишлаш учун унчалик яхши тайёрланмаган материаллар ва хом ашё ўтказиб бериладиганлиги сабабли халқ хўжалиги кўп миқдордаги моддий ресурслардан маҳрум бўлмоқда ва ортиқча меҳнат сарфига йўл қўймоқда. Кўпгина корхоналар материалларни лозим бўлган кондицияга ўтказиб олиш учун ёки запас қисмлар, металл буюмлар ва инструментлар тайёрлаш учун ўзлари махсус устахоналар ва ҳатто йирик цехлар ташкил қилишга мажбур бўлмоқдалар.

План органлари ва министрликлар шу вақтга қадар юқоридан настига: Госплан — министрлик — корхоналар бўйича планлаштиришга асосий эътибор бериб келмоқдалар. Горизонтал бўйича планлаштиришни, яъни тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги рационал техпология алоқаларни вужудга келтиришни яхшилаш лозим.

Технологик жиҳатдан яхши тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун айрим корхоналарда кўшимча харажат қилишга тўғри келади. Бундай харажатдан қочмаслик керак. Айрим ҳолларда хом ашё ва материалларни истеъмолчининг ўзи қайта ишлатишни ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлиб чиқиши мумкин. Бу вазифа ижтимоий харажатларни тежаб пуқтай назаридан ҳал этилиши, уни ҳал этишда асосланган ҳисоб-китобларга таяниб иш кўрилиши керак. Шировард натижада халқ хўжалиги кўп миқдорда хом ашёни, меҳнат сарфларини, юк ташиш маблағларини тежаб қоладиган бўлсин, машина-ускуналардан самаралироқ фойдаланиладиган бўлсин.

Истеъмолчилар ҳам етказиб берилётган маҳсулотнинг сифатига талабчанликни оширишлари керак. Истеъмолчиларнинг оқилона талабларини етказиб берувчилар ҳеч сўзсиз бажаришлари керак. Бу ишда Госнаб ва унинг жойлардаги органлари катта роль ўйнаши керак. Улар аввало истеъмолчиларнинг маънафатларини ҳимоя қилишлари лозим. Бу — умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасида энг рационал доимий алоқалар ўрнатилгани яқин вақт ичида тугаллаш зарур. Бу алоқалар хўжалик шартномалари билан мустақамланиши керак. Беш йиллик планини йилма-йил тақсимлаб қўйиш бунинг учун яхши шароит яратиб беради.

Беш йиллик планда белгиланган катта ва мураккаб вазифаларнинг бажарилиши давлат интизомини қатъиян яхшилашни, хўжалик бошқарувининг ҳамма бўғинларидан масъулиятни оширишни талаб қилади. Беш йиллик планни ва унинг йиллик топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажариш — министрликлар, бирлашмалар, корхоналар фаолиятига баҳо беришнинг энг асосий мезони бўлиб қолиши лозим. Бунда ган, аввало план топшириқларини ва кооперация усулида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш учун, планларни маҳсулотнинг бутун номенклатураси бўйича бажариш учун давлат олдидagi масъулият устида, маҳсулотнинг сифати учун истеъмолчи олдидagi, ишлаб чиқаришни юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган қилиб ташкил этиш учун ўз коллективи олдидagi масъулият устида бораётир. План топшириқлари ва шартномадаги мажбуриятларини бажармаган тақдирда ҳеч сўзсиз иқтисодий ва маъмурий чоралар кўрилиши лозим. План ва шартнома интизомини мустақамлашда давлат арбитражи органларининг роли тўла-тўқис намойён бўлиши керак, лекин бу органлар ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан етарли равишда фойдаланмаётирлар.

Коммунистик партия ва Совет давлати хўжалик раҳбар кадрларини юксак кадрлайдилар, уларга ишонч ва зўр ҳурмат билан қарайдилар. Лекин ишонч ҳаминша юксак талабчанлик билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Партия Марказий Комитетининг кеча ўз ишлари тамомлаган

Пленумида, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида халқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликлар учун баъзи министрликлар кескин ва ҳаққоний тапқид қилинди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги сусткашлик, корхоналарни техника билан қайта қуролантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тadbирлари конкрет планларининг йўқлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаслик, янги объектларни қуриш ва ишга туширишнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари бу тапқиддан ўзлари учун жоят жиддий хулосалар чиқариб олишлари зарур.

Бошқарувнинг ҳар бир бўғинида қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан асосланган бўлиши учун, моддий воситалар ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш учун, давлат тошшириқларини аниқ бажариш учун раҳбарларнинг шахсий масъулияти оширилиши керак.

Ҳали ҳам хўжасизлик, исрофгарчилик фактларига, ҳар қил ортиқча чиқимларга тез-тез дуч келинмоқда. Планларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларда қилинмаган ишларни қилинди деб кўрсатиш тўғрисидаги баъзи баёнотларни қабул қилишнинг заруриятини кўрсатиб турибди. Буни давлатни тўғридан-тўғри айланиб ўтган қаранг лозим ва бунда айбдор бўлган кишилар доғулдаги қаттиқ чоралар билан жавобгар қилиниши керак.

Қурилиш қурилиши ишларининг бажарилиши учун масъулиятни ошириш тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Қувватларни ишга тушириш планларининг ўз вақтида бажарилиши, смета қимматига риоя этилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилишларни материал-техника билан таъминлаш тошшириқларининг бажарилиши учун министрликлардан, қурилишларнинг раҳбарларидан, материалларни етказиб берувчилардан қаттиқ жавоб талаб қилиш лозим.

Хўжалик раҳбарларининг, ҳар бир ходимнинг тошширилган иш соҳаси учун масъулиятини ошириш ижронини текшириш илғини яхшилашни талаб қилади. Давлат иртизомини мустаҳкамлаш — ҳамма бошқарувчи органлар ишнинг сифатини ошириш ва методларини яхшилашнинг мажбурий шартидир, тўққизинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

5. СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съезди қарорлари туфайли мамлакатда умумхалқ сийёсий активлиги ва меҳнат жўшқинлиги авж олиб кетди. 1971 йил 10 ойидаги ишларнинг дастлабки якунлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1971 йил планининг асосий тошшириқлари бажарилишида далолат бериб турибди.

Саноат йиллик пландан ташқари беш миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Доннинг ялпи ҳосили тахминан 180 миллион тонна бўлди. Чорва ва парранда харид қилиш плани ошириб бажарилди. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу — қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг катта муваффақиятидир. Капитал маблағ ҳажми ва асосий фондларни ишга тушириш кўпайди. Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти топириқлари ошириб бажарилди.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш юзасидан белгиланган топириқлар бажарилди. Иш ҳақини ва пенсияларни ошириш соҳасида 1971 йилда ўтказилган янги тадбирларнинг ўзидан 19 миллион киши баҳраманд бўлди.

Беш йилликнинг биринчи йилида совет эконоомikasини ривожлантириш якунлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари 1972 йилда янада муваффақиятлироқ ишлаш учун яхши замин яратди. Шу билан бирга 1971 йилги хўжалик фаолиятида катта нуқсонларга йўл қўйилди. Учинчи кварталда саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларининг бирмунча пасайганлиги сезилди. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, бир қанча тармоқларда эса янги техникани яратиш ва жорий этиш плани бажарилмай қолди. Айрим халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш топириқлари ҳам тўла бажарилмаётир. Товар оборотининг умумий ҳажми юзасидан белгиланган план бажарилгани ҳолда айрим молларга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам қондирилмаётир.

Беш йиллик планга доир материаллар билан бирга сизларга 1972 йилги халқ хўжалик планининг муфассал кўрсаткичлари ҳам тарқатилган. Бу кўрсаткичлар ҳам КПСС XXIV съезди Директиваларига тўла-тўқис мос келади.

1972 йил плани беш йиллик планининг таркибий қисми бўлиб, бундаги топириқларнинг бажарилиши бутун беш йилликни муваффақиятли бажарилишига катта замин яратади.

1972 йил учун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари кўзда тутилган:

	1972 йилда 1971 (бажарилиши кўтилаётган) йилдагига нисбатан ўсиш проценти
Миллий даромад	6,2
Саноат маҳсулоти	6,9
шу жумладан:	
«А» группаси	6,8
«Б» группаси	7,1
Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти	5
Капитал маблағларнинг умумий ҳажми .	5,7
Саноатда меҳнат унумдорлиги	6,1
Чакана товар обороти	7,7
Аҳоли жон бошига реал даромадлар . . .	5,2

Шуни назарда тутиб керакки, 1972 йилда иш кунлари миқдори 1971 йилдагидан 5 кун кам бўлади. Шуни ҳисобга олиб, 1972 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,9 процент кўпайтирмоқ учун ўртача суткалик ишлаб чиқаришни каттароқ миқёсда — 7,9 процент кўпайтириш лозим бўлади. Ана шу ҳусулиятлар министрликлардан, бирлашмалар ва корхоналарда 1972 йилда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга пухта ва атрофлича тайёргарлик кўришни талаб қилади. Шу йилнинг қолган вақти ичида иш даражасини анча оширишга эришиш зарур.

1972 йилги планда саноат ишлаб чиқаришнинг структурасида катта силжишларни амалга ошириш белгиланмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини пилдам суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга сарфланадиган ресурслар анча кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 1972 йилда давлат маблағлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан сарфланадиган капитал маблағлар 22,9 миллиард сўм ҳажмида харажат қилинади. Колхоз ва совхозларга 316 миңгадан кўпроқ трактор, 187 миңга юк автомобилли, 2,8 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳинталари етказиб берилди. Қишлоқ хўжалигига янги, янада серурум техника юборила бошлади. 1972 йилда 73,0 миллион тонна минерал ўғит юборилади, минерал ўғитларнинг сифати анча яхшиланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва харид қилишни кунантириш мўъжизамасида.

Планда ҳамма турдаги транспортни жадал ривожлантиришнинг таъминлаш кўзда тутилган.

1972 йилда 92,5 миллиард сўм ҳажмида, яъни 1971 йилда кўпайётганидан 5,7 процент кўп капитал ишларни бажариш лозим.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида электр станцияларда салкам 25 миллион киловатт қувватга эга бўлган янги агрегатлар, 22 миллион тонна нефтни дастлабки тарзда қайта ишлайдиган, 39 миллион тонна кўмир қазиб чиқарадиган, салкам 6 миллион тонна прокат, 9,6 миллион тонна минерал ўғит, 550 миң тонна пластмасса, 45 миллион дона трикотаж, 42 миллион жуфт чарм пойафзал ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилиши лозим.

Келгуси йилда кўпгина янги йирик корхоналар ишга туширилиши керак. Улар орасида Норак ГЭСи, Улгегорск ГРЭСи, Ново-Липецк металлургия заводидagi домна печи, Қарағанда заводида кучли прокат стани. Белоцерковск шина комбинати, Донецк экскаватор заводи, Тернополь ил-газлама комбинати, Пинск трикотаж комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар бор.

Беш йилликнинг муваффақияти кўп жиҳатдан капитал қурилиш планларининг сўзсиз бажарилишига боғлиқ. Лекин бахтга қарши, кўпгина хўжалик ходимлари ана шу планларнинг, айниқ-

са енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари қуриш планларининг bajarилмаслигига мурасасозлик билан қарайдиган бўлиб қолганлар. 1972 йилда қуриб битказиладиган ҳамма қурилишларни белгиланган муддатларда ишга тушириш — барча қурувчиларнинг шон-шараф ишидир.

Моддий ишлаб чиқариш ҳамма тармоқларини анча ривожлантириш асосида мамлакатнинг миллий даромади 1972 йилда 6,2 процент кўпаяди. Миллий даромадни ўстиришнинг тахминан 83 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилмоғи керак. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни 5,2 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик вазифаларини баён қилиш вақтида айтиб ўтилганидек, 1972 йилда халқнинг турмуш даражасини янада ошириш ва аввало иш ҳақини кўпайтириш тадбирлари қўрилади.

Аҳолининг кўпайиб борадиган пул даромадларини таъминламоқ учун чакана товар оборотини (қўшимча тошширқларни ҳам қўшганда) 177,5 миллиард сўмгача ёки 7,7 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Озиқ-овқат ва саноат молларини истеъмол қилиш кўпаяди.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг миқёсларда давом эттирилади. 1972 йилда жами саҳни 115 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилади. Болалар bogчалари ва яшиллари, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайтирилади.

1972 йил планида ҳамма иттифоқдош республикаларнинг экономикасини янада ривожлантириш ва аҳолисининг турмуш даражасини ошириш кўзда тутилган. Келгуси йил плаини муваффақиятли бажармоқ учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

6. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Депутат ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг Пленуми КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалаларини қараб чиқди. КПСС XXIV съездининг ташқи сиёсий йўлини амалга ошириш борасида Марказий Комитет бир мақсадни кўзлаб актив иш олиб борганлигини Пленум яқдиллик билан маъқуллади. Бу ҳаммага маълумки, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, тинчлик, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққилёт учун олиб борилган кураш йўлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қайд қилиб ўтилганидек, совет ташқи сиёсатининг асосий кучи шундаки, у бутун халқнинг мададига, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларимизнинг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига таънади.

Беш йилликлар йиллари давомида совет халқининг меҳнатдаги шижоати янги ижтимоий тузумнинг буюк афзалликларини, марксизм-ленинизм гоёларининг тарихий ҳаққонийлигини, шонли Коммунистик партияимиз ишнинг энгилмаслигини кўрсатувчи энг яққол далил бўлиб қолди.

Капитализм дунёси бу шижоатга бирор далилни қарама-қарши қилиб қўя оладими? Йўқ, қўя олмайди. Бу бир-бирига қарама-қарши икки социал-иқтисодий системаларнинг жаҳонда яшаб келётган бутун даври учун тааллуқлидир.

Жаҳон капиталистик хўжалигида асосий империалистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари кейинги йилларда пасайиб кетганлиги қайд қилинди. Ишсизлик кўпайиб бораётганлиги, инфляция кучайиб бораётганлиги, бюджетдаги дефицитлар ошиб борганлиги, Ғарб валюта системаси кризисга учраганлиги шу йиллар учун айниқса характерли бўлди. Капитализмнинг энг катта ва ривожланган мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг йиллик ўртача суръатлари олтинчинчи йилларда қарийб икки барабар пасайиб кетди: 1961—1965 йиллардаги 5.7 процентдан 1966—1970 йилларда 3.4 процентга тушириб қолди. 1966 йилиги мамлакатимиздан бошлаб ҳама АҚШ экономикаси кризисга ривожланиш мавзасига кирди. Шу йилнинг тўққиз ойи ичда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1969 йилининг шу даврдаги даражасига фарқат 96 процентини ташкил қилади. Қайта ишловчи саноат, қора металлургия, транспорт ва умумий машинасозлик саноати ва бошқа шу каби тармоқларда ишлаб чиқариш даражаси тавни ҳам кўпроқ пасайиб кетди. Англияда саноат ишлаб чиқариши бир нуқтада туриб қолди. Халқаро валюта фондининг яқинда эълон қилинган докладыда айтилишича, жаҳон капиталистик экономikasининг 1970 йилдаги ва 1971 йилнинг биринчи ярмидаги ҳолати «бир қанча муҳим жиҳатлардан қараганда қонқарли даражада ҳам пасайиб кетди». Иқтисодий ўсиш суръатлари «АҚШда асосан 1969 — 1970 йилларда иқтисодий активлигининг пасайиб кетганлиги ва сусайиб қолганлиги сабабли сезилиш билан борди ва бир текисда бўлмади». Халқаро валюта фонди ана шундай қайд қилади. У капиталистик давлатлар иқтисодий ривожланишининг натижаларини ҳеч қачон камайтириб кўрсатмаган эди.

Асосий империалистик мамлакатларнинг монополиялари ўртасида рақобатли кураш жуда кескинлашганлиги Ғарбдаги иқтисодий аҳволнинг характерли белгиси бўлиб турибди. Ғарбдаги валюта системаси, яъни халқаро резерв валюта сифатида доллардан фойдаланишга асосланган система дабдала бўлганлиги панижасида мазкур монополиялар ўртасидаги рақобатчилик кураши янги кескин тус олди.

Капиталистик мамлакатларни ўз гирдобига олган валюта кризисидан қутилиш йўлларини топиш учун ҳозир зўр бериб ҳа-

ракат қилинмоқда. Ҳукуматларнинг, халқаро молия доираларининг ва монополияларнинг вакиллари ўзаро келишиб олишга ва капиталистик ҳўжаликдаги халқаро ҳисоб-китобларнинг бузилган механизмнинг тартибга солишга уришмоқдалар. Лекин капитализм дунёсида ўзаро келишши нималарга асосланиши яхши маълум. Капитализм дунёсида моддий неъматларни, таъсир доираларини, бозорларни ва бошқа нарсаларнинг ҳаммасини тақсимлаш чоғида капитал, куч асосий роль ўйнайди. Қайси импералистик давлат, нечоғлиқ кучли ва кўпроқ капиталга эга бўлса капиталистик нознеъматлар дастурхошида луқманнинг кўпроқ қисмини, В. И. Ленин айтганидек, ана шу давлат даъво қилади.

Капиталистик дунёдаги иқтисодий муносабатлар доирасида кейинги йиллардаги воқеалар ана шунини кўрсатиб турмайдими, ахир. Мана шу капиталистик дунёдаги энг асосий мамлакат аввал валюта бозорларини қадри кетиб қолган доллар билан тўлдириб юбориб ўзини пул билан таъминлашга бошқа капиталистик мамлакатларни мажбур қилди, сўнгра эса четдан келтириладиган молларга қўшимча солиқ солиб шу мамлакатларни Америка бозорида камроқ қатнашишга мажбур қилди. Буни ғайри қонуний иш деб ўйлайдиганлар кўп. Лекин монополиялар ўртасидаги муносабатлар учун ҳам, капитал дунёсидаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар учун ҳам бундан бошқача асос бўлган эмас ва бўлмайдиган ҳам.

Давлат-монополистик тартиб ўрнатиш йўли билан кризисни батараф қилишга қаратилган уришларига келганда тажриба шунини кўрсатиб турибдики, бу чоралар капитализмнинг объектив қонуनларини ўзгартира олмайди ва капитализмга хос иллатларни тузата олмайди.

Социализм мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги принципиал бошқача асосда ривожланмоқда. Социалистик ишлаб чиқариш усулига хос бўлган барқарорлик социалистик мамлакатларнинг давлатлараро иқтисодий муносабатларида ҳам намоён бўлмоқда. Улар ўртасида савдо-сотиқ муттасил кенгайиб бормоқда. Тўққизинчи беш йилликда Совет Иттифоқининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан товар обороти 77 миллиард сўмдан ортади, яъни 1966 — 1970 йиллардаги савдо-сотиқнинг ҳажмига нисбатан бир ярим баравар кўпаяди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коллектив социалистик валюта сифатида алмашириладиган сўмдан фойдаланиб, ўзларини капиталистик ҳўжалик учун тобора катта қийинчиликлар туғдираётган валюта кризисининг ҳар хил таъсиридан маҳкам муҳофаза қилиб турибдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 1971 йил июль ойидаги XXV сессиясида қабул қилинган социалистик иқтисодий интеграциянинг комплекс программаси иқтисодий алоқаларни ва қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш учун жуда катта

аҳамиятга эга бўлади. Социалистик мамлакатлар коллектив куч ва ғайрат сарфлаб бу комплекс программани ишлаб чиқишга икки йилдан кўпроқ вақт кетказдилар. Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигида сифат жиҳатидан янги босқич бошлаб берган мана шу муҳим ҳужжатга Совет Иттифоқи юксак даражада баҳо бермоқда. Ана шу босқичда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мана шу комплекс программага асослашиб энг катта халқ хўжалик программаларини биргаликда ҳал этмоқ учун бирлаштирилган илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланишга киришдилар. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик плани социалистик интеграциялаш комплекс программасини амалга оширишда мамлакатимизнинг актив қатнашиши учун зарур моддий негизни яратмоқда, бу қатнашаётган барча социалистик мамлакатлар учун ва умуман ҳамкорлик учун фойдалидир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини координациялаш чоғидаёқ шу мамлакатларнинг интеграцион алоқаларини мустаҳкамламоқ учун катта аҳамиятга эга бўлган йирик тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай тадбирлар Совет Иттифоқининг бошқа социалистик мамлакатлар билан бўлган музокара ва савдо оқимларидаги эмас, шу билан бирга шавбатдаги беш йилликка мўлжалланган халқ хўжалик планларимизда ҳам ўз ифодасини топди. «Дўстлик» нефть қувури системасини кенгайтирилиш ҳамда социалистик мамлакатларга нефть ва газ юбориб туриш учун трубопроводлар қуриш, социалистик мамлакатларнинг атом энергияси соҳасидаги ҳамкорлиги, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида айрим хом ашё молларини экспорт қилишни кўпайтирмоқ учун СССРда шу хом ашёларни ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватлар вужудга келтириш тўғрисида битимлар тузилганлиги мана шу чоралар жумласига ки-
ради.

Комплекс программага мувофиқ шу беш йилликда энергетика базаси проблемаси сингари жуда муҳим программани ҳал этиш учун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган манфаатдор мамлакатларнинг ресурсларини бирлаштиришга, қўшимча қувватлар вужудга келтиришда биринчи галда хом ашёнинг энг ташқи ва кўпроқ капитал маблағ талаб қиладиган турларини, нефть, газ, целлюлоза, қора металлургия буюмлари, асбест, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш борасида, шунингдек кўп юк кўтара оладиган юк автомобиллар ишлаб чиқариш, юкларни контейнерларда ташини воситаларини, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш воситаларини, ишлаб чиқаришда қўшимча қувватлар вужудга келтиришга киришни мўлжалланмоқда.

Бизнинг плавлантирувчи, ташқи савдо, хўжалик органларимиз социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик фор-

маларини ва методларини янада такомиллаштириш масалаларига, халқ хўжалиқ планларини координациялаш масалаларига, рационал миқлий меҳнат тақсироти бўйича биргалликда мўлжаллаб қўйилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларига ҳар доим эътибор бериб туришлари ва бу масалаларни беш йиллик планда ҳам, шунингдек бутун йиллик планлар системасида ҳам акс эттиришга интилишлари лозим. 15 — 20 йилга мўлжалланган комплекс программада кўрсатилиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш партиямиз сиёсатининг яқин йилларга ҳам, шунингдек узоқ истиқболга ҳам мўлжалланган қатъий йўлидир.

Янги беш йилликда Совет Иттифоқи тегилик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатларни ривожлантиришга ўзининг тайёр эканлигини билдираётган жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни давом эттира беради. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қарорларида ва Комплекс программада қайд қилиб ўтилганидек социалистик иқтисодий интеграция очиқ характерга эга бўлиб Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан, шунингдек саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлига ҳеч қандай тўғаноқ солмайди.

Биз шундай алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, чунки ҳозирги замон фан ва техника революциясининг хусусиятлари кенг халқаро ҳамкорликни зарур иш қилиб қўймоқда ва узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий алоқалар халқаро сиёсат нуқтаи назаридан қараганда ҳам, бир қанча актуал халқаро проблемаларни ҳал этиш учун қулай шароит яратиб бериш нуқтаи назаридан қараганда ҳам ниҳоят даражада аҳамиятлидир.

Саноат учун доимий буюртмалар беришни таъминлайдиган узоқ муддатли битимлар тузиш практикасига ўтиш натижасида Ғарб мамлакатлари билан қилаётган муносабатларимизда янги имкониятлар очилмоқда. Бунда гап Совет Иттифоқининг табиий ресурсларидан фойдаланиш, саноат корхоналари қуриш, янги техникавий ечимларни қидириб топиш билан алоқадор йирик иқтисодий масалаларни ишлаб чиқишда чет эл фирмалари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиниши тўғрисидагина бўлиши мумкин. Биз аминмизки, бундай ҳамкорлик қилмоқ учун шу ҳамкорликда қатнашаётганларнинг ҳаммаси кўзлаётган манфаатларга мос бўлиб тушадиган хилма-хил формалар топилиши мумкин, албатта.

Совет Иттифоқи Франция, Финляндия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Канада, Япония, Швеция, Норвегия, Дания ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқараётган бошқа капиталистик мамлакатлар билан қилаётган савдомизининг ҳажми бизнинг иқ-

иқтисодий потенциалимизга ва уларнинг ҳам иқтисодий потенциалига кўпроқ даражада мувофиқ бўлиб тушиши учун шу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни мустақамлашни давом эттиришга тайёр.

Бу гапларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболларига ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Бу алоқалар шу вақтгача оз миқдордагина ривожланди ва ҳар иккала мамлакатнинг имкониятларига бутунлай мос эмас. Тўпна-тўғри шунини айтиш керакки, бундай аҳвол аввало Совет Иттифоқи билан савдо қилиш йўлидаги бир қанча суъий чеклашлар сақланиб қолаётганлиги натижасида вужудга келди. Совет-Америка муносабатларининг ривож топиши учун Қўшма Штатлар савдо, молия, кемалар қатнови масалаларида Совет Иттифоқини камситишга уринишдан воз кечиши зарур. Албатта, Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан савдо қилишда Америка саноати маҳсулотининг рақобатга реал бардош беришини ҳисобга олиб йўл тутиши лозим бўлади. Биз шу парсага аминмики, Совет-Америка иқтисодий алоқаларини кенг ривожлантирмоқ учун шарт-шароит ва имкониятлар бор. Ҳозир олдиндан бирон гап айтиш барвақтлик қилади, албатта. Чунки бу масала ҳусусида Америка томони билан барвақтлик бўлиши мумкин эмас. Бу масалада шарт-шароит ва имкониятларнинг сазовордир.

Совет Иттифоқининг Ғарб мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлари кенгайтирилиши учун шарт-шароит ва имкониятларнинг плаца кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга товар оборотининг мўлжалланганидек кўпайтирилиши мумкин бўлган жуда реал вариантлардан фақат бири бўлади, холос. Бироқ ҳали бу ҳам энг яхши вариантларнинг бири эмас. Капиталистик мамлакатларнинг ўзидаги саноат ва савдо доиралари бизнинг мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришдан етарли равишда манфаатдор эканлигини кўрсатсалар Совет Иттифоқининг шу мамлакатлар билан савдо-содиқ қилиши тағин ҳам кўпроқ ривож топади.

Совет Иттифоқига келганда у ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган изчил йўлни ўтказаверади. Бу йўл партиямиз ва Совет давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсатининг узвий қисмидир.

Депутат ўртоқлар! Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида буюк ғалабаларга эришди. Ватанимиз коммунистик қурилиши йўлида, янги катта бунёдкорликлар қилиш томон дадил бўлиб олға бормоқда. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари биз билан бирга бормоқда. Бутун дунё мамлакатлари бизга хайрихоҳ бўлиб ва бизни қўллаб-қувватлаб турибди.

Беш йиллик план партиямиз ишлаб чиққан иқтисодий ва социал сиёсатни ифодалайди. Беш йиллик топшириқларини амал-

га ошириш мамлакатнинг иқтисодий потенциалини анча кўпайтиради, социалистик иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш йўлида бу беш йилликда янги қадам қўйилади. Социалистик демократия тўхтовсиз ва пачил равишда ривожлантирилади. Иттифоқдош республикаларнинг қардошларча ҳамкорлиги кенгайтирилади ва мустаҳкамланади, СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги тағни ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолади.

Тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор вазифалари халқнинг ижодий кучларини сафарбар қилишни, хўжаликка қилинаётган раҳбарликни янада такомиллаштиришни талаб этади. Владимир Ильич Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, «Биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қапоатланмасдан, *албатта олға қараб боришимиз, албатта кўпроқ натижаларга эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўта боришимиз керак. Бўсиз умуман ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас, социалистик қурилишда ҳам тараққиёт бўлиши мумкин эмас*»¹.

Ленин партияси, совет халқи албатта олға боришга, ҳаминша, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида албатта кўпроқ натижаларга эришишга маҳкам бел боғлади.

Беш йиллик план топшириқларини бажариш халқнинг фидо-корона меҳнати билан таъминланади. Умумхалқ социалистик мусобақаси миллион-миллион меҳнаткашлар ижодий активлигининг ёрқин ифодаси бўлиб турибди. Беш йилликларимизнинг бутун тарихи социалистик мусобақанинг ривожлантирилиши билан боғланган, социалистик мусобақа эконимикани юксалтиришдаги қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолди, меҳнатга оинли, коммунистик муносабатнинг конкрет ифодаси бўлиб қолди. Беш йиллик топшириқларини бажариш учун Москва, Ленинград ва бошқа sanoat марказларидаги илгор корхоналарнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Бу мажбуриятлар—ижодий ташаббускорликнинг, дадил новаторликнинг янги ажойиб намуналаридир. Совет халқи Ленин партияси XXIV съезди режаларини амалга ошириш йўлида қунт билан ва руҳланиб, коммунистик қурилишнинг олий мақсадларини амалга ошириш учун зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб меҳнат қилмоқда.

Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган беш йиллик план Олий Совет тасдиқлаганида кейин бугун совет халқи ҳаётининг ва фаолиятининг қонуни бўлиб қолади.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 28-том, 200-бет.

Партия билан халқнинг бирлиги, Ленин ғояларига содиқлик кучимизнинг маббадидир, янги галабаларнинг гаровидир. Бугун мана шу юксак миқбарда туриб шуни дадил айтиш мумкинки, совет халқи тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини, партия-миз топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўради.

**СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА
1971 ЙИЛ 26 НОЯБРДАГИ
ҚИЛИНГАН ДОКЛАД БУЙИЧА
ЯКУНЛОВЧИ СЎЗ**

Хурматли депутат ўртоқлар! Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планини ҳамда 1972 йил планини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилди.

Планларнинг муҳокамаси тўла яқдиллик вазиётига ўтди. совет халқининг мустақкам маданий-сиёсий амалиётини қўллаш Ленин партияси теваратига жиёнашганлигини равшан ифода қилди.

Депутатлар ўз путиларига Совет давлатининг қачонки яна янада мустақкамлаш тўғрисида, совет халқининг моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлаш тўғрисида эўр ғам-хўрлик билан гапирдилар.

Депутатлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, даставвал меҳнат унўмдорлигини ўстириш масалаларига катта эътибор бердилар. Бу, ҳозирги вақтда экономикамизни интенсив ривожлантиришнинг ҳақиқатан ҳам асосий воситасидир. Ижтимоий меҳнат унўмдорлигини ошириш йўлида системали, планли иш олиб бориш — ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир бошқарув бўғинининг ишида асосий ўринни эгалламоғи керак.

Кўнгина депутатлар беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиш белгиланган капитал қурилиш программасини амалга оширишга, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтда ишга туширишга ва ўзлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги тўғрисида гапирдилар. Бутун қурилиш ишларини янада яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Планда қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш юзасида муҳим тадбирлар белгиланди. Қурувчилар олдида ўзининг миқёси жиҳатидан янада катта ва техника жиҳатидан мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифалар заказчи министрликларнинг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотла-

рининг қурилиш министрликлари билан биргаликда катта иш олиб боришини талаб қилади. Қурилиш жараёнидаги шундай ҳамкорлик ва алоқагина қурилиш проблемаларини тезроқ ҳал этишни таъминлай олади.

Бошқа тармоқларга қараганда айниқса қурилишда муваффақият қозониш ишви тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Ахир, ҳар бир қурилиш янги ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган янги хўжалик-ку. Қурувчилар олдига қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш, бинокорлик техникасидан тўғри ва тўла фойдаланиш вазифаси қўйилган.

Капитал маблағларни қўпайтириш тўғрисида депутатларнинг таклифларига келганда шунини айтиш керакки, бу таклифларга нисбатан қаттиқ туриш, таклифларни ҳар томонлама асослаб бериш керак. Беш йилликда капитал қурилиш программаси кенгдир, шунини ҳам айтиш керакки, бу программа катта куч сарфлашни талаб қилади.

Ўтган беш йилликда капитал қурилишлар учун ажратилган маблағ 354 миллиард сўмдан иборат бўлса, тўққизинчи беш йилликда 501 миллиард сўмлик қилиб белгиланган. Бу маблағнинг янада қўпайтирилиши мавжуд материаллар, маблағ ва меҳнат ресурслари билан капитал маблағлар ҳажмининг бир-бирига мувофиқлигини бузган бўлар эди. Шунинг учун ҳам асосий диққат-этибор планда белгиланган капитал маблағлардан янада самаралироқ фойдаланишга, қурилишларнинг қимматини камайтиришга, унинг муддатларини қисқартишга ва янги қувватларни ишга туширишга тезлаштиришга қаратилиши лозим. Акс ҳолда бинокорларнинг иши самарали бўлмайди.

КПСС XXIV съезди халқ хўжалигини янги пиланга ривожлантириш йўлини белгилаб, моддий ишлаб чиқаришни янада ўстиришнинг энг асосий йўлини аниқлаб берди. Бу йўл ишлаётган корхоналарнинг қувватидан яхшироқ фойдаланишдан, уларни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришдан иборат. Бу соҳада бизнинг резервларимиз кўп. Барча хўжалик раҳбарларининг диққат-этибори бириктириб навбатда шунга қаратилиши керак. Бу бизнинг беш йиллик планимиз учун асос қилиб олинган.

Тўғри, беш йиллик планни бажариш давомида капитал маблағларга қўшимча эҳтиёж келиб чиқиши мумкин. Бу масалалар йиллик планларда кўриб чиқилади ва иқтисодий тежаш ҳамда планларни бажариш ҳисобидан қўшимча ресурслар яратилган сари ҳал қилинаверади. Шу қўшимча ресурсларнинг миқдори эса ҳар бир тармоқнинг, ҳар бир корхонанинг планни бажариш ва ошириб бажаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшадиган ҳиссасига тамомла боғлиқдир.

Палаталарнинг мажлисларида депутатлар беш йиллик планнинг социал программасини яқинлик билан маъқулладилар. Мен шунини яна таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу программанинг амалга

оширилиши маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг таннархини камайтириш, фойдадан жамғармаларни кўпайтириш юзасидан, ҳуллас, барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари юзасидан беш йиллик план топшириқларини бажаришга тўғридан-тўғри ва бевосита боғлиқдир. Планнинг бу топшириқлари умуман саноат тармоқлари бўйичагина эмас, балки ҳар бир корхона бўйича ҳам бажариллиши керак.

Корхоналарнинг коллективлари партиянинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги чақириғига конкрет ишлари билан, шундай товарларни планда ташқари ишлаб чиқариш билан жавоб бермоқдалар. Бу ташаббус ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши лозим. Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик план топшириқларига минимал планлар, деб қараш керак. Бу планлар аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ўсишини ҳисобга олиб, йиллик планларда кўпайтирилаверади ва министрликлар ҳамда корхоналар бунга шай бўлиб туришлари лозим.

Сессияда бир қанча корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати паст эканлиги ҳаққоний таъкид қилинди.

Министрликлар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот сифатига доир

талабларни қўйишга ва уларни бажаришга қарор қилишнинг зарурлиги керак. Шунинг яна бир марта таъкидлаб ўтиши зарурки, бу пил аҳён-аҳёндагина ўтказилмай, балки халқ ҳўжалиги илашини байкаришда арзиданки энг асосий иш бўлиб туриши лозим. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш кенг миқёсда олиб борилаётганлиги муносабати билан маҳсулотнинг сифатига ва таъқи беазагига нисбатаи талаблар ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Паст сифатли маҳсулотни истеъмолчи қабул қилиб олмайди. Шундай маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг коллективларига эса уни реализация қилиш оғир бўлиб қолади. Бизнинг бутун маҳсулотимиз ўзининг сифат жиҳатидан ўзимиздаги ва жаҳон миқёсидаги намуналардан сира қолишмаслиги керак.

Кўпгина депутатлар баъзи министрликлар ва идоралар шаънига таъкидий мулоҳазаларни билдирдилар. Бу таъкидий мулоҳазалар ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар, техника билан таъминлашга, ишлаб чиқариш объектларини қуришни тезлаштиришга, шунингдек халқ ҳўжалик тармоқларини ва мамлакат районларини ривожлантиришнинг бошқа масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Янги, янада мукамал маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларини ҳал этишда фоят сусткашлик борлиги уқтириб ўтилди. Мана шу барча мулоҳазалар ва таклифлар эътибор билан қараб чиқилади, шу хусусда тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий Совет палаталарининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари 1972 йилда товарларни реализация қилиш планини 117,5 мил-

лион сўм миқдорда кўпайтиришни ва келгуси йил давлат бюджетини 120 миллион сўм миқдорда кўпайтиришни тақлиф қилдилар. Комиссиялар томонидан шаҳар ва ишчи посёлкалари ободончилигига, мактабларни, касалхоналар ва бошқа социал маданий муассасаларни кенгайтиришга ҳамда улар учун ашёлар ва асбоб-ускуналар олишга иттифоқдош республикалар бюджетига кўзда тутилган маблағларни кўпайтириш тўғрисида тақлиф киритилди.

СССР Министрлар Совети бу тақлифларни қараб чиқди. Бу тақлифларга қўшилади ҳамда уларни тўла равишда қабул қилишни мақбул деб ҳисоблайди. Олий Совет тасдиқлаганидан кейин 1972 йилги халқ хўжалиги плани ва бюджетига зарур ўзгарттиришлар киритилади.

Иттифоқ Совети План-бюджет комиссиясининг қўшимча докладада тракторлар ва автомобиллар учун запас қисмлар жуда ҳам етишмаётганлиги уқтириб ўтилди. Бу мулоҳаза тўғри. Запас қисмлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш юзасидан беш йиллик планда кўзда тутилган топшириқлар халқ хўжалигининг шу запас қисмларга бўлган эҳтиёжини яхшироқ таъминлашга имкон беради. СССР Госпланига машинасозлик министрликлари билан биргаликда шу соҳадаги ишни давом эттириш ҳақида топшириқ берилди.

Машинасозлик заводлари ҳам ўз навбатида ўзлари ишлаб чиқараётган машиналар учун деталлар чиқаришни кўпайтириш имкониятларини қидиришлари лозим. Ишлаб чиқариладиган машиналардан фойдаланиш даврида запас қисмлар билан таъминлаб туриш учун машинасозлик заводларининг жавобгарлиги оширилиши зарур.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бошқа бир қанча масалалари юзасидан комиссияларнинг қилган тақлифларини алоҳида қараб чиқиш, шундан кейин бу тўғрида тегишли қарорлар қабул қилиш керак бўлади.

Депутат ўртоқлар! Партиямиз XXIV съезди Директиваларига тамомла мувофиқ бўлган тўққизинчи беш йиллик план совет халқининг туб манфаатларини яқинда қилади. Шу планда иқтисодий ва социал вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари ҳамда воситалари белгилаб берилган ва илмий асослангандир.

Совет кишилари тўққизинчи беш йиллик планни қизғин маъқуллаб, янги юксак мақсадлар қўйилганлигини, бу мақсадларга эришиш эса зўр ғайрат билан ишлашни талаб этишини яхши тушунадилар. Ҳар бир коллектив, ҳар бир совет кишиси самаралироқ меҳнат қилган сарф партия белгилаб берган вазифалар ҳам муваффақиятли бажарилaveraди. Қудратли ижодий кучлар ва социалистик тузумнинг буюк имкониятлари миллионлаб ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ташаббускорлиги ва ақтивлиги кенг қулоч ёйилганлиги бунинг гаровидир.

Бутун илғор инсоният халқимизнинг тўққизинчи беш йилликни бажариш йўлидаги қурашини интернационал бурчни адо этишининг

ажойиб намунаси, тинчлик ва социал тараққиёт ишига қўшилган катта ҳисса деб қабул қилмоқда. Беш йиллик планни бажариш Совет Иттифоқининг халқаро мавқеини янада мустаҳкамлашга, социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришувига хизмат қилади. Беш йиллик планнинг бажарилиши Совет Иттифоқи иқтисодий ва мудофаа қудратининг янада мустаҳкамлашишини, совет халқи турмуш даражасининг янада юксалишини, коммунизм йўлидан катта қадам қўйилганлигини билдиради.

Халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида кўпгина буюк ғалабаларга эришди. Биз совет халқи тўққизинчи беш йиллик план вазифаларини муваффақият билан бажаради ва улур ленинча гоюларнинг тантанаси учун курашга янги ҳисса қўшади деб астейдил ишонамиз.

**КОПЕНГАГЕНДА ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ
ЕНС ОТТО КРАГ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 2 ДЕКАБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Мухтарам Бош министр жаноблари ва Краг хоним! Хонимлар!
Жаноблар!

Сиз, Бош министр жаноблари, ҳаққоний айтиб ўтаганингиздек, биз кўндан буён учрашмаган эдик. Аммо Совет Иттифоқида Сиз билан бўлган учрашувларни ҳамisha зўр хайрихоҳлик билан эслаймиз, бу учрашувлар Дания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда яхши нэ қолдирди.

Бугун биз зўр мамнуният билан Дания пойтахти — Копенгаген билан танишяпмиз. Мен шунн таъкидлашим керакки, Сиз айтган об-ҳаво биз учун жуда қулай.

Бизнинг Данияга визит билан келишимиз ҳамда Дания ва Совет Иттифоқи ўртасидаги келишувга келинганлиги — кейинги йилларда Совет — Дания муносабатларида ҳам, умуман Европадаги вазиятда ҳам юз бераётган ижобий сбликшларнинг кўринишларидан биридир. Совет Иттифоқи билан Дания Европада таркиб топаётган умумий вазиятдан ажралган ҳолда бир-бирлари билан муносабатларни ривожлантира олмасалар керак.

Шу сабабли Сиз билан, Бош министр Краг жаноблари ҳамда Даниянинг бошқа давлат арбоблари билан бугун бошланган музокараларда Умумевропа проблемалари Совет-Дания икки томонлама муносабатлари масалалари билан бир қаторда асосий ўрин олади. Шу билан бирга, биз бошқа халқаро проблемалар юзасида ҳам фикрлашиб олмақдамиз, албатта.

Бу музокаралар вақтида биз муҳокама қилаётган ҳамда бизлари ва Европадаги бошқа мамлакатларни ҳаяжонга солаётган масалаларни ҳал этишга Дания томонн амалий ёндашишга интилаётганини биз ҳис этдик. Биз бундай ёндашишни табриклаймиз, чунки ўзимиз ҳам бунга тамомила қўшилиамиз ва Данияга қилган визитимиздап, энг аввало, ҳамма соҳаларда мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч-ни, шунингдек Совет Иттифоқини ҳам, Данияни ҳам қизиқтираётган халқаро проблемаларни ҳал қилишда ҳамкорликни мустаҳ-

камлаш учун фойдаланиш хусусида Совет ҳукуматининг топшириғига эгамиз.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб боришидан Совет ҳукумати асосан мамнундир. Бу муносабатлар тобора актив ва икпма-хил тус олмақдаки, биз буни табриқлаймиз. Ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ, фаи-техника ва маданйй ҳамкорлик соҳасида тузилган битимлар бунда ижобий роль ўйнади. Совет Иттифоқи билан Дания ўртасида 1970 — 1975 йилларга мўлжаллаб тузилган узоқ муддатли савдо битими умуман олганда муваффақиятли бажарилмоқда.

Бизнинг товар оборотимизни кенгайтиришнинг муҳим резервлари совет саноатининг қатор тармоқларини усқуналар билан жиҳозлашда Дания фирмаларининг шитирокида, шунингдек совет машиналари, усқуналари ҳамда хом ашёсини Данияга импорт қилишдадир, деб ўйлайман.

Данияга қилган визитимизнинг муҳим мақсадларидан бири ҳамкорликнинг янги йўналишларини қидириб топиш ва иложи бор жойда бу ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Сиз билан қилган суҳбатларимизда биз Европадаги вазиятга катта эътибор беряпмиз. Мамлакатларимизнинг халқаро мавқеи

да сиёсий иқлимни юмшатишга олиб бораётган ижобий ўзгаришлар Европа мамлакатлари ҳукуматларининг, сиёсий партияларининг кенгайтирилган алоқаси ва ҳамкорлиги билан таъминланадиганлиги асосий таъбирдир. Биз Сизнинг, Бош министр жаноблари, кейинги бир ярим йил ичида Европада вазиятнинг шаклланишини белгилаб берган воқеалар қаторида Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамда Польша Халқ Республикаси билан ГФР ўртасида шартномалар тузилганлигини, Ғарбий Берлинга тааллуқли масалалар бўйича тўрт томонлама битимлар имзоланганлигини, Европадаги кўпгина давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг чуқурлашганлигини айтиб ўтиш лозим, деган гапингизга қўшилапмиз. Ғарбий Берлин проблемасини ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги музокараларда жиддий ўсишга эришилди.

Ташқи сиёсат соҳасидаги бу ва бошқа ҳаракатлар Европада кескинликнинг юмшашига ёрдам бериб, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашини чақирриш учун қулай шароит вужудга келтирмоқда. Бундай кенгаши чақирриш ҳақидаги таклиф тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Ушн ўтказиш Европа қитъасида мустаҳкам тишчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоғи лозим.

Биз ўйлаймизки, Умумевропа кенгаши Европадаги давлатларнинг ҳаммаси учун мақбул бўладиган шундай йўлни топишда ёрдам бериши керакки, натижада бу йўлда уларнинг ўзаро муноса-

батлари ҳамкорлиги Европадаги ҳар бир давлатнинг ҳамда тинчлик ишининг манфаатларини кўзлаб муваффақиятли ривожлаша олсин. Бошқача қилиб айтганда, Европа мамлакатлари бу кенгашида халқаро муносабатларнинг қатъий риоя қилиниши қитъада уруш келиб чиқиши хавфини истисно этадиган бир қанча туб принциплари хусусида келишиб олишлари мумкин бўларди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида таркиб топган Европа чегараларининг мустаҳкамлиги, халқаро масалаларни ҳал қилишида куч қўллашдан воз кечини, давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг территориял бутунлиги, мустақиллик, ички ишларга аралашмаслик — булар, бизнинг фикримизча, асосий, белгилловчи принциплар бўлиб, тинчликсевар сиёсат шу принциплар асосига қурилиши керак. Афтидан урушқоқ восвослар, реваншичи ва милитарист кучлардан бўлак, Европада ҳеч қим, мавжуд проблемаларни уруш орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисобламаса керак. Бу проблемаларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш мумкин.

Ўтган урушда жуда кўп қурбон берган Европа халқлари Европадаги барча давлатлар ҳукуматларининг ўз куч-ғайратларини Европада мустаҳкам хавфсизлик бўлишини таъминлашга, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқарттиришга, қуролензлашишга, тинчлик сиёсатини ўтказишга сарф қилишларидан астойдил манфаатдордирлар. Совет Иттифоқи шу йилнинг кўкلاميда Коммунистик партия XXIV съездида қабул қилинган ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги программасини амалга ошириб, бу йўлда изчил ҳаракат қилаверади.

Европа мамлакатлари кескинлик ўрига турли социал тузумдаги давлатларнинг бир-бирига беҳуда қарама-қарши турини эмас, балки ўзаро ишонч қарор топишини ва кескинликнинг юмшатилишини истасалар, улар албатта, Европада ўзларининг иқтисодий, фан-техника ва маданий алоқаларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни ҳам вужудга келтиришлари керак.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар умумевропа кенгашида худди ана шу масалаларни қараб чиқини ва ҳал этишини таклиф қилмоқдалар. Биз Европада кескинликни юмшатиш юзасидан баъмаслаҳат келишиб олинган тadbирларни амалга оширишида, шу жумладан яқин вақт пчида Умумевропа кенгашининг чақирилишидан манфаатдор бўлган барча давлатларнинг кўп томонлама тайёргарлик борасида маслаҳатлашиб олишлари йўлида Европадаги бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари каби Дания ҳукумати билан ҳам маҳкам ва актив ҳамкорлик қилишга умид боғлашни истар эдик. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, уларнинг ташқи ишлар министрларининг яқиндагина Варшавада тамом бўлган кенгашида таъкидлаб ўтилганидек, кўп томонлама маслаҳатлашиб олишда бошқа давлатларнинг мухтор вакиллари билан биргаликда қатнашмоқ учун ўзларининг

мухтор вакиллари тайинлашга тайёрдирлар. Бундай маслаҳатлашиб олишлар Умумевропа кенгашини тезроқ чақириш ва уни муваффақиятли ўтказишга ёрдам бериши керак, албатта.

Сўзимнинг охирида мамлакатингизга меҳмон бўлиб келишни таклиф этганлиги учун, Данияда бизга кўрсатаётган дўстона илтифотингиз ва меҳмондўстлигингиз учун, Совет Иттифоқига нисбатан, бизнинг халқимизга нисбатан кўндан-кўп иззат-ҳурмат кўрсатганлигингиз учун Дания ҳукуматига ва шахсан Бош министр Краг жанобларига яна бир бор миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

**КРЕМЛДА КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ
ВА СЕКРЕТАРИАТИ АЪЗОСИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ОСВАЛЬДО ДОРТИКОС ТОРРАДО
ШАРАФИГА БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1971 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Сизни, ўртоқ Президент ҳамда Сизга ҳамроҳ бўлган кубалик ўртоқларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан қизгин табриклашимга ижозат бергайсиз.

Биз Сизнинг Совет Иттифоқига қилган дўстона визитингизга катта аҳамият берамиз ҳамда бошланган музокаралар яқинда Кубада ўртоқ Фидель Кастро билан, Сиз билан ва Кубанинг бошқа раҳбарлари билан ўтказган учрашувларимиз ва суҳбатларимиз каби Совет — Куба дўстона алоқаларини мустаҳкамлашда янги қадам ташлашга имкон беради, деб ишонамиз.

Куба халқи кўрсатган тарихий жасорат совет кишиларининг онгида маҳкам ўрнашиб қолган. Куба Америкада биринчи бўлиб эски дунёга қарши бош кўтарди. Зулм ва эксплуатацияга қарши, помещиклар ва капиталистларга қарши, империалистик монополияларнинг зўравонлигига қарши қўзғолди. Куба Америкада биринчи бўлиб социалистик революцияни амалга оширди ва янги жамият барпо қилишга киришди. Бу жамиятда капитал ва унинг йиртқич табиати эмас, балки ер юзидаги барча моддий ва маънавий бойликларнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш инсон ҳукмрондир.

Янги жамият қуриш — буюк ва олижаноб мақсад бўлиб, бу меҳнаткашларнинг қудратли революцион активлигини юзага келтиради, уларнинг социализм ҳаққоний ишнини галабаси учун курашга бўлган иродасини мустаҳкамлайди.

Шу йил октябрь ойида Куба Республикасида бўлган чоғимизда биз меҳнаткашлар интернационал бирдамлигининг буюк кучини, Куба ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг буюк кучини чуқур ҳис этдик. Биз Совет халқига нисбатап қизгин, дўстлик туйғуларига тўлиб-тошган минглаб кишилар билан учрашдик. Ҳар қандай сўздан ҳам кучлироқ бўлган бу туйғу коммунистик партияларимиз авангардида бораётган халқларимизнинг бирдамлиги иши тавтана қилганлигидан далолат бериб турди. Пролетар интернационализи, озодлик, мустақиллик, социал та-

раққиёт учун курашаётган кишиларнинг ҳаммаси билан революцион бирдамлик руҳида тарбияланган совет халқи Куба халқи билан дўстликнинг қадрига етади. Биз жаҳонда қудратли ва енгилмас куч бўлиб қолган социалистик мамлакатлар халқларининг шонли оиласига Куба халқи билан биргаликда мансубмиз.

Биз Совет — Куба муносабатлари янада мустаҳкам бўлмоғи, иқтисодий ҳамкорлигининг самарадорлиги юксалмоғи, Совет Иттифоқи билан Куба жаҳон майдонида янада жишроқ курашмоғи учун мумкин бўлган ҳамма ишни қиламиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди. «Совет Иттифоқи билан Куба халқлари умумий курашда сафдошлардир, уларнинг дўстлиги бузиламасдир». Биз Совет — Куба муносабатларидаги бу йўлни оғишмай амалга ошириб келмоқдамиз.

Янги жамият қуриш осон эмаслигини Совет халқи ўз тажрибасидан билади. Тарихда осон йўللар йўқ, халқлар ҳаётида туб иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги вақтда аса бу яна ҳам ҳаққоний эшитилади. Янги жамият асосларини қуриш учун революцияни унинг дуншмаларининг кирдикорларидан химоя қилиш зарур. Миллатларнинг, мамлакатларнинг, халқларнинг ҳаётида ҳам юқоридагидек қутарини лозим. Кишилар оғидаги уммин сарқитларини барҳам тойтирини зарур. Бунинг учун аса фаи. тех. инж. маданият ютуқларини эрдаим. уларни берга. меҳнатчиларининг бойлигига айлантирини керак. Куба халқи унинг иккундий меҳнати билан, мардлиги ва ўз коммунистик партиясига эътиқоди билан олдида турган вазифаларни ҳал этишига қодир эканлигини неботламоқда. Кубада чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар амага оширилганлиги, энг муҳим иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда ҳали Латин Америкасидаги биронта ҳам мамлакат билмаган тараққиётга эришилганлиги факти шунини кўрсатмайди-ми, ахир? Импералистик кучларнинг Кубадаги янги тузумини қурол кучи ёки қамал йўли билан ағдариб ташлаш йўлидаги уришишларини даф қилишда Куба кўрсатган сабот-матонат шундан далолат бермайди-ми ахир?

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг Куба билан бирдамлиги бу мамлакатда на агрессия йўли билан, на бирон тазинқ кўрсатиш ёрдамида ўз мақсадларига эриша олмасликларига ҳатто Кубанинг гаимларини ҳам тобора кўпроқ ишонтирмоқда. Биз Куба халқи ўз коммунистик партияси раҳбарлигида муттасил олга бориб, Куба диёрида социализм қуришига ғоятда ишонамиз.

Биз буюк тарихий ўзгаришларнинг ғувоҳи ҳамда иштирокчилари ҳисобланамиз. Эксплуатация ва капитализм дунёсига қарши турган янги, социалистик дунё кучлари йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Социалистик ҳамдўстлик қудратининг бу ҳилда мустаҳкамланиши, энг аввало, янги жамиятнинг иқтисодий

базасини барпо этишда социалистик мамлакатлар халқларининг фаровонлигини ва маданиятини оширишда улар эришяётган муваффақиятлар билан татминланмоқда.

Биз ҳеч кимга таҳдид қилмаймиз, бизда бирон давлатга нисбатан агрессив лиятлар бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Биз социал тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари асосида муносабатларини ривожлантиришга ўзимиз каби тайёр турган ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишини ёқлаб келмоқдамиз. Аммо агрессиянинг ҳар қандай кўриinishларига қатъиян зарба берилмас экан, тинчлик ҳеч қачон мустаҳкам бўлолмайди.

Биз қардош социализм мамлакатлари билан биргалашиб, озодлиги ва мустақиллигига империализм тажовуз қилаётган ҳамма халқларга барча чоралар билан мадад кўрсатиб келмоқдамиз. Биз Хинди-Хитой халқлари билан, араб мамлакатларининг халқлари билан, ҳаққоний иш учун курашяётган барча халқлар билан бирдаммиз. Совет халқи империалистларнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши босқинчилик ҳаракатларини дарғазаб бўлиб қораламоқда. ВДРнинг бир қанча районлари яқингида америка авиацияси томонидан ваҳшиёна бомбардимон қилинди. Аммо, ҳаминша бўлганидек, агрессиянинг кенгайтирилиши фақат унга зарба беришни ҳамда вьетнам халқига унинг дўстлари бераётган мададни кучайтиришни мумкин.

Куба Республикаси Президентининг Совет Иттифоқига визити бугун бошланган Совет — Куба музокаралари ўртоқлик, самимийлик ва бир-бирини англаш вазиятида ўтмоқда. Бунда ҳам биз Совет Иттифоқи билан Куба коммунистик партиялари, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамлашиб бораётганлигининг яна бир исботини кўриб турибмиз. Ишон учун, партия учун, халқ учун марксизм-ленинизмнинг буюк ва ишонарвар ғоялари тантанаси йўлида халқларининг порлоқ келажаги йўлида бутун дунёдаги маслақдошлар билан биргаликда меҳнат қилиш ва курашишдан кўра каттароқ бахт бўлмаса керак.

**КРЕМЛДА БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БОШИ
МИНИСТРИ ШАЙХ МУЖИБУР РАҲМОН ШАРАФИГА
БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА 1972 ЙИЛ 1 МАРТДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Бугунги кун Совет Иттифоқи ва Бангладеш Халқ Республикаси учун машҳур кундир. Бангладеш Халқ Республикаси ҳукумати бошлиғининг Совет Иттифоқига қилган биринчи визити мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш учун, улар ўртасида халқларимиз манфаатларига, тинчликни таъминлаш манфаатларига мос бўлиб тушганидан келиб чиқиб ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта ҳисса қўлади. Бу жуда муҳим воқеадир.

Суверен давлат ҳукуматининг бошлиғи, 75 миллионли Бангладеш халқининг муносиб вақили, унинг мустақиллиги ва суверенлиги учун буюк курашчи бўлган Сизни, ҳурматли Мужибур Раҳмон, партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати, барча ўртоқларимиз номидан табриклашимга ижозат этгайсиз. Сизнинг курашдаги сафдошингиз — ташқи ишлар министри жаноб Абдус Самадни, шунингдек Сиз билан бирга Москвага келган бошқа ҳамроҳларингизни ҳам биз чин қалбдан табриқлаймиз.

Бангладеш халқи жасур ва эрксевар халқ эканлигини биз биламиз. У қўлида қуроли билан ўзининг мустақил суверен давлат ҳуқуқини ҳимоя қилди. Репрессиялар ва турмалар, миллионлаб қочоқлар ўз юртини тарк этишга ва қардош Ҳиндистон территориясидан бошпана излашга мажбур бўлган дамларда бошига тушган оғир синовлар унинг иродасини буколмади.

Совет халқи Шарқий Бенгалия халқининг курашига чуқур хайрихоҳлик қилди ва унинг ғалабасини табриқлади. Бизнинг бу позициямиз жуда принципиалдир. Совет давлатининг бутун тарихини эсга олиб кўринг. Бундан 54 йил муқаддам, миллий ҳуқуқий тенгсизлик ва миллий адоватдан иборат империалистик сиёсатга хотима берилганлигини эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Совет Иттифоқи халқларининг миллий мустақиллик учун олиб бораётган ҳаракатини мудом қўллаб-қувватлаб келмоқда. «Биронта ҳам миллат учун, биронта ҳам тил учун бирон бир

имтиёз берилмасин! Андаккина бўлсада жабр-зулм, андаккина бўлсада адолатсизлик қилинмасин...» — Владимир Ильич Лениннинг бу сўзлари миллий масалада совет сиёсатининг моҳиятини ифода этади. Шарқ халқлари, шу жумладан Ҳиндистон халқлари сиймосида биз ҳамма шаклдаги ва кўринишдаги империалистик мустамлака зулмига қарши курашда ўз дўстларимиз ва иттифоқчиларимизни кўриб турибмиз. Биз Осиё, Яқин Шарқ, Африка, Латин Америкаси халқларини, иложи борича, энг кўп даражада ўз ёрдимиз билан таъминлаш ҳамда уларнинг халқаро ҳаётда актив ва тенг ҳуқуқли куч сифатида қатнашишига ёрдам бериш учун улар билан ўз муносабатларимизни худди шундай негизда қуришга интилиб келдик ва интилмоқдамиз. Тарих сабоқлари бизга шундан далолат берадики, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг курашаётган халқлари билан бирдамлиги уларнинг ғалабага эришишида жуда катта роль ўйнади.

Покистоннинг собиқ ҳарбий маъмурияти 1970 йил декабрда бўлиб ўтган ва Шарқий Бенгалия вакиллари катта ғалаба қозонган парламент сайловларининг натижаларини назар-писанд қилмай, Бенгалия аҳолисига қарши шафқатсиз репрессия йўлига ўтиб олган вақтда, Халқ лигаси партиясининг лидери Мужибур Раҳмонни озодликдан маҳрум қилган чоғда, у ўзини фақат бенгал халқининг эмас, балки барча эрксеар халқларнинг хоҳиш-иродасига қарши қўйди ва реакция кучлари билан ўз тақдирини узил-кесил боғлади. Бу билан у ўзини бадном қиладиган йўлга ўтиб олди.

Покистоннинг собиқ ҳарбий маъмурияти ўз орқасида иш кўраётган ва шарқий бенгал халқига ҳамда Покистон халқига келтирадиган оқибатлар билан ҳисоблашмай, аҳволни сиёсий бартараф этишга халал бераётган муайян доирадаги ташқи кучларнинг мададига ҳам умид боғлаган эди. Чет элдаги айрим доиралар Ҳиндистон ярим ороли халқларининг ўзаро урушлари алангасида исиниш мақсадида бу ерда кескинлик ўчоғини сақлаб қолишни очиқдан очиқ кўзлаган эдилар. Бироқ бу кучларнинг Покистон реакциясига ёрдам бериши жанг майдонида ҳам, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий тартибга солишга қаратилган қарорларни ўтказмаслик йўлида Хавфсизлик Кенгашида қилинган уринишлар ҳам асоссиз бўлиб чиқиб, ҳеч нимани ўзгартирмади.

Бугунги кунда Бангладеш Халқ Республикасини 40 дан ортиқ давлат дипломатик жиҳатдан таниди ва шак-шубҳа йўқки, бугунги кунда Бангладешни танишни истамаганлар бу ишни эрта-индин қилишларига тўғри келади.

Халқ социал тараққиёт йўлидан боришга интилаётган янги суверен давлатнинг дунёга келиши ҳамма вақт тинчлик иши фойдасига иш кўрувчи ижобий фактор ҳисобланади. Биз шунга амин-

мизки, Бангладеш Халқ Республикасининг ташкил топиши Ҳиндистон ярим оролида вазиятни ялпи нормаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, Бангладеш ҳукумати душман кучлар томонида бу ерда сунъий тарзда вужудга келтирилган кескинликка абадий барҳам беришга қаратилган сиёсат олиб боради. Ҳиндистонда мустақкам тиҷчилик ўрнатилиши шу район халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушиб, уларнинг социал, иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шarti ҳисобланади ва жиддий кескинлик ўчоғига барҳам беради. Бангладеш, Ҳиндистон ва Покистон халқларига етилган социал-сиёсий проблемаларни ҳал қилиши, уларнинг турмушини яхшилаши, экономика ва маданиятни янада юксалтириш учун тиҷчилик зарур. Совет ҳукумати Ҳиндистон ярим оролида вазиятни тезлик билан нормаллаштиришга эришиш зарур, деб ҳисоблайди ва бунига актив кўмаклашишга даъват этади. Бизнинг мамлакатимиз Ҳиндистон ярим оролидаги мамлакатлар ўз ораларидаги мавжуд проблемаларни тиҷ йўли билан, дўстлик ва ўзаро бир-бирини англаш руҳида ҳал этишларидан фойда манфаатдордир.

Бангладеш Халқ Республикасининг оёққа турли жараёни мураккаб ва оғир шароитда қўйилган вазиятни бундан ҳам янада яхшироқ ҳал қилиш учун қўйилган шартларни қўқураштиради. Аммо Бангладеш халқи ялпи ҳаёт қуришга қатъий аҳд қилганлигини ва ўз ҳукуматициги мамлакатда нормал ҳўжалик фаолиятини қўқуришга қатъий эришишга прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш йўлидаги тадбирларини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини ҳам биламиз ва шунга аминмизки, у ғалаба қозонади. Халқларининг бирлиги ва жиҳслиги вазибалар қапчадан мураккаб ва оғир бўлмасин, уларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шartiдир.

Сиз, мухтарам жаноб Бош Министр, Бангладеш ҳукумати ва бутун эрксевар халқи порлоқ келажак учун олиб бораётган курашингизда ёлғиз эмассизлар. Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг мадади, дўст Ҳиндистоннинг мадади, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Сизга чин қалбдан катта муваффақиятлар тилаётган ҳозирги замон барча илғор кучларининг мадади Бангладеш халқи томонидадир.

Сиз Бангладеш Халқ Республикаси вужудга келган дастлабки ойлардаёқ Совет Иттифоқига келишни лозим кўрганлигингизни биз юксак қадрлаймиз. Биз шунга аминмизки, бу визит мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида бевосита алоқаларнинг дебачаси бўлиб хизмат қилади, Совет Иттифоқи билан Бангладеш Халқ Республикаси ўртасидаги мустақкам дўстлик ва ҳамкорлиқнинг негизини тапжил этадиган яхши анъаналарга асос солади.

Совет Иттифоқи Бангладеш Халқ Республикаси билан ўз муносабатларини тўла тенглик, суверенитет ва мустақилликни ўза-

ро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига ҳеч қандай ара-
лашмаслик принциплари асосида қуради. Биз Шарқий бенгал
халқига, Бангладеш Республикаси ўтказаяётган халқаро кескин-
ликни юмшатишга қаратилган қўшилмаслик ва дўстона ҳамкор-
лик сиёсатига зўр ҳурмат билан қараймиз.

Биз ишопч билдириб айтамызки ва бу ишончимиз бугунги
суҳбатларимизнинг натижалари билан ҳам мустаҳкамланмоқда-
ки, ҳамкорлигимиз самарали бўлади, мамлакатларимизнинг мил-
лий манфаатларига мос бўлиб тушади ва тинчликни мустаҳкам-
лашнинг яна бир омилли бўлиб хизмат қилади.

**МОСКВАДА ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ЗУЛФИҚОР АЛИ БХУТТО
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1972 ЙИЛ 17 МАРТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ушбу қабул маросимида ҳозир бўлган барча совет меҳмонлари номидан Сизга, Президент жаноблари, эътиборингиз учун ҳамда Совет Иттифоқи тўғрисида дўстона сўзлар айтганлигингиз учун ташаккур билдиришни истардим. Биз ҳам Сизнинг олиб борилган Совет — Покистон музокараларининг самарали бўлишига интилаётганлигингизни бағоят қадраймиз, бизнинг ҳам мақсадимиз ана шундай.

Покистон Президентининг Совет Иттифоқига қилган бу визити Ҳиндустон субъектларининг кескинлик билан ҳал қилинган масъулиятли равишда, шунинг учун райондаги давлатлар уртасидаги мувозабатлар мураккаб тус олган бир даврда ўтмоқда. Ўтган йили юз берган маълум воқеалар Ҳиндустонда кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди, бу воқеалар субъектларининг давлатлар уртасида қуроли тўқнашув чиқишига олиб келди. Агар биз бўлиб ўтган кризиснинг сиёсий маъносини қандай баҳолаётганимизни очиқ айтадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, у қарама-қарши кучларнинг: бир томондан, миллий озодлик кучларининг, иккинчи томондан — Ҳиндустон халқларига, шу жумладан Покистон халқига ҳам душман бўлган ташқи агрессив доиралар билан битишган халққа қарши ҳарбий диктатура кучларининг тўқнашуви билан белгиланади.

Совет ҳукумати ўзгаларнинг ички ишларига аралашмаслик принципига қатъий амал қилган ҳолда ошкора суратда ва дипломатик каналлар орқали Шарқий Бенгалия проблемаси тинч йўл билан, манфаатдор томонлар ўртасида шу мамлакат халқининг хоҳиш продасини ва қонуний ҳуқуқларини хурмат қилиш асосида музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф қилиниши лозимлигини доимо таъкидлаб келди. Бангладешда миллионлаб кишилар ҳалок бўлиб кетишининг олдини олиш учун, Ҳиндустон давлатлари ўртасида кескинлик кучайиб кетишининг ҳамда улар ўртасидаги ихтилофнинг олдини олиш учун биз қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдик. Форди-ю тарих яна такрорланганда ҳам, биз худди шундай нозицияда турган бўлурдик, чунки унинг ҳақлигига ишончимиз комил.

Мен бизнинг фикримизга қўшилмаётганларни ишонтириш учун яқин ўтмишга мурожаат қилаётганим йўқ, асло. Бунинг зарурати ҳам йўқ, чунки ҳаётнинг ўзи жанжални бирёқлик қилди. Аммо мен яқинда бўлиб ўтган воқеаларнинг сабоқлари, бундан анча илгариги воқеалар каби, Ҳиндустон субконтинентдаги давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч асосда тартибга солиш йўлларини излашни ҳамда уларнинг халқлари ва раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч муҳитини вужудга келтиришни қатъиян талаб этмоқда.

Кеча Қремлда Совет-Покистон музокаралари бошланди. Музокаралар жараёнида биз Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга ҳамда халқаро ишларга тааллуқли кўпгина масалаларни қараб чиқамиз. Ҳар иккала мамлакат ўртасида тотув қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратишга совет томони ҳам, шунишгдек Покистон томони ҳам қизиқиш билан қараётганлигини биз кўриб турибмиз. Биз Совет-Покистон муносабатлари, жумладан, Ҳиндустон мамлакатлари ўртасидаги барча низоли масалаларни тинч асосда ҳал қилиш принципи хусусида ҳам бир-бирларини кенг тушунишга асосланган дўстона муносабатлар бўлишини чин қалбдан истаймиз. Биз Ҳиндустон халқлари ўртасига нифоқ солаётган ва душманлик уруғини сочаётган империализмга қарши курашда куч-гайратимизни бирлаштириш тарафдоримиз.

Совет ҳукумати аввалгидек Ҳиндустон субконтинентда юзага келган вазиятдан жиддий ташвишланмоқда. Бу масала Мужибур Раҳмоннинг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити вақтида асосий масалалардан бири бўлди. У бугунги кунда ҳам асосий масала бўлиб қолмоқда. Совет халқи Ҳиндустон субконтиненти халқларига меҳр билан қарайди ва, табиийки, Президент Бхуттонинг Совет Иттифоқига визити Покистон, Ҳиндустон ва Бангладеш ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ёрдам берадики, бу биринчи навбатда ана шу давлатлар халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушган бўлурди. Бизнингча, субконтинентда кескинликни юмшатишнинг ўзи ҳам унинг барча мамлакатларига мустаҳкам тинчликни барпо қилиш, ўз раёнида ўзаро ишонч вазиятини вужудга келтириш йўлидан бориш имконини берган бўлурди. Ҳозир энг асосий нарса ана шудир. Ҳиндустон ҳукумати ва шахсан Бош Министр Индира Ганди, Бангладеш ҳукумати ва шахсан Бош Министр Мужибур Раҳмон буни ёқламоқдалар. Сиз, Президент жаноблари ҳам шуни ёқламоқдасиз. Ҳўш, олга елжиш учун нима халал берапти? Афтидан, Ҳиндустон, Бангладеш ва Покистон ўртасида музокараларни ўтказиш ҳақида келишиб олинмаганлиги бўлса керак.

Бироқ, биз шунга ишонамизки, бундай музокаралар бошланади ва субконтинентда конфронтация сўёсатига чек қўйилишига, унинг ўрнини тинчлик ва Ҳиндустон давлатларининг ҳамкорлиги

сиёсати олишига, ҳинд-покистон чегарасида тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши ҳақида битимга эришишга олиб келади. Бундан бошқа оқилона йўл йўқ. Биз биламизки, Ҳиндустон ва Бангладеш шунга интилаётир ва, Сиз, жаноб Президент, ҳозир айтганингиздек, Покистон ҳам ўз олдига шундай мақсадни қўймоқда. Ҳиндустон раҳбарлари — Президент Гирри, Бош вазир Индира Ганди ҳинд халқи Покистон халқига нисбатан ёмон шайта эмас ва Ҳиндустоннинг Покистонга ҳамда бошқа мамлакатларга нисбатан территория туфайли даъвоси йўқ, деб печача бор очик айтдилар.

Сизнинг, Президент жаноблари, Покистон ҳукумати Ҳиндустонда аҳволни нормаллаштириш масалалари юзасидан Ҳиндустон ва Бангладеш ҳукуматлари билан музокараларни бошлашга тайёр эканлиги ҳақида айтган гапингизни ҳам биз лозим даражада қадрлаймиз. Биз Покистон ҳукумати бу муҳим ишга реалистик ёндашишига аминмиз.

Субконтинент халқлари олдида иқтисодий ва социал ривожланиш бобида катта вазифалар турибди. Уларни ҳал қилиш учун эса тинчлик ва ўзаро ҳамкорлик зарур. Бу халқларнинг турмуш даражасини юксалтириш Ҳиндустон мамлакатларида ҳам ҳукуматнинг асосий ва иқтисодий сиёсати бўлиши керак. Бу сўзга ҳаммадан кўпроқ эътибор шартидир.

Биз Покистон Президентини Москвада қабул қилаётган вақтда Покистонга нисбатан бизнинг ҳаётимизда қандайдасан ҳам ва тугатилмаган ҳолатда унинг ишонтириш ва шу орқали буни Покистон халқига етказишни истардик. Биз Покистон халқига фақат яхшиликни истаймиз, социал ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, иқтисодий ҳаётда демократик асосларни кенгайтиришда муваффақиятлар тилаймиз.

Ниҳоят, биз Президент Бхутто билан кеча бошланган фикр олишув бизга икки томонлама Совет-Покистон муносабатларини ривожлантириш, Ҳиндустондаги аҳволни сиёсий бартараф этиш масалалари юзасидан, шунингдек бошқа халқаро проблемалар бўйича умумий нуқтаи назарга эришувимизга имкон беради, деб умид қилишни истардик. Мамлакатларимиз ўртасида тотув қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш, Ҳиндустон субконтинентда вазиятни нормаллаштириш ишида олга қадам қўйиш Сизнинг Совет Иттифоқига қилган визитингизнинг натижаси бўлиши учун биз ўз томонимиздан мумкин бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

**БАҒДОДДА СССР БИЛАН ИРОҚ ҶУМҲУРИЯТИДА
ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ ВАҚТИДА
1972 ЙИЛ 9 АПРЕЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Қадри дўстлар! Бизнинг мамлакатларимиз ўз муносабатларини ривожлантиришида катта ва муҳим қадам қўйдилар: биз ҳозиргина Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоладик.

Халқаро муносабатлар практикасида шартномалар ва битимлар турлича роль ўйнаган. Тарихда амалга ошмайдиган шартномалар ҳам бўлган, уларнинг қадри, одатда, улар битилган қоғознинг қадридан нари ўтган эмас.

Ўзбошимча шартномалар ҳам тузилган, улар халқлар мустақилликка эришиб, дунёда тенг ҳуқуқли мавқега эга бўлишлари биланоқ тарих аҳдатхонасига улоқтириб ташланарди. Аммо тарих бошқача таҳлитдаги халқаро битимларни ҳам биллади, бу битимлар улар орқали ўзларининг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаган мамлакатларнинг чуқур ҳаётини манфаатларини акс эттиради. Бундай шартномалар халқларнинг тараққиёт ва тинчликка интилишида бамисоли уларнинг кучини озиқлантирувчи ҳаётбахш булоқдир.

Биз бугунги кунда Ироқ билан Совет Иттифоқи ўртасида совет ва ироқ халқларининг туб манфаатларини ифодаловчи худди шундай шартнома тузилди, деб айтиши учун ҳамма асосларга эгамиз.

Бизнинг шартномамиз совет-ироқ муносабатларининг қулай шароитда ривожланиши заминида тайёрланди, унинг асосида империализм ва мустақлааччилик кучларига қарши, Яқин Шарқда ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун умумий курашда мамлакатларимиз халқларни ўртасида вужудга келган ва мустаҳкамлаган дўстлик ётади. Унинг асосида Совет-Ироқ дўстлиги яққол ифодасини тошган конкрет ишлар ётади.

Совет ва Ироқ халқларининг ҳаётини тажрибаси шунга ишонч ҳосил қилдиrhoқдаки, иккала мамлакат ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамлашини уларнинг туб манфаатларига ҳолатда мос бўлиб тулади, Совет Иттифоқи ҳукумати ва Ироқ Республикаси ҳуку-

матининг сийёсатида ифодасини топган ҳамкорлигимизни яна ҳам кўпроқ кенгайтириш, уни тагин ҳам актив ва самарали қилишга ўзаро интилишнинг сабаби ҳам шунда.

Совет-Ироқ шартномаси ана шу интилишларни ҳаётга татбиқ этишга ёрдам беради. У сийёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда томонларнинг яқин ҳамкорлик қилишини кўзда тутади. Бу борада шартнома бошдан-оёқ иккала томоннинг мустақиллиги, суверенитети ва территориял бир бутунлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланади. У империализм ва мустамлакачиликка қарши, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчликка эришиш йўлидаги, халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги курашда куч-гайратимизни бирлаштириш учун қулай шароит вужудга келтиришда таъсирчан восита бўлишга даъват этилган. Бизнинг ташқи сийёсатидаги қадамларимизни ва позицияларимизни келишиб олиш учун сийёсий консультациялар таъсирчан восита бўлиб хизмат қилади.

Бугун мазкур шартномани имзолаш билан биз СССР ва Ироқ халқларининг совет иқтисодий алоқадар ташаббусларини самарали қилиш, шунинг билан ривожлантириш учун шарт-шароитни таъминлашда уларнинг яқин ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиш-иродасини ифода этдик. Бизнинг шартномамиз Совет-Ироқ дўстона алоқалари мунозиратга характерга эмас, балки мустаҳкам барқарор характерга эга эканлигини намойиш этади.

Шу билан бирга бу шартнома бирон бир учинчи мамлакатга қарши қаратилган эмас, ҳеч кимнинг қонуний манфаатларини камситмайди. Аксинча, биз шунга чуқур аминмизки, у кенг суратда халқаро ҳамкорлик манфаатларига, шу жумладан Совет Иттифоқи ва Ироқнинг бошқа араб мамлакатлари билан ҳамкорлиги манфаатларига жавоб беради. Бу шартномани тузар эканмиз, биз тинчликсевар ва прогрессив кучларнинг ва уларнинг сафида илғор араб давлатларининг жипслигини антиимпериалистик асосда мустаҳкамлаш, тинчлик ишига ва Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш ишига хизмат қилишдан келиб чиқамиз.

Биз ишонч билдириб айтаемизки, барча тинчлик ва тараққиёт кучлари бу шартномани совет ва ироқ халқлари ўртасида муносабатларни ривожлантиришда муҳим тарихий воқеа, социалистик мамлакатлар билан илғор араб мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ижобий ҳисса сифатида маъқуллаб кутиб оладилар.

Ана шу муҳим воқеадан фойдаланиб, биз Совет партия-ҳукумат делегациясини Ироққа келишга таклиф этганлиги учун Президентга ҳамда давлат ва партия раҳбарлигининг бошқа аъзоларига яна бир бор ташаккур изҳор этишни истардик. Бизнинг де-

легациямиз ироқлик дўстлар ва ўртоқлар билан Ироқнинг миллий нефть хўжалиги барпо қилиниши, шунингдек Араб социалистик уйғониш партиясининг 25 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок эта олганидан бағоят мамнундир. Биз сизларга прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда ва антимпериалистик ташқи сиёсат соҳасида янада муваффақиятларга, мамлакатнинг барча прогрессив ватанпарвар кучларининг жиқслигига эришишингизни тилаймиз.

Пировардида биз шундай демоқчимиз: тинчлик, озодлик ва тараққиёт йўлида Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасидаги дўстлик гуллаб-яшнайсин ва мустақамланаверсин!

**МОСКВАДА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ
РИЧАРД НИКСОН ВА УНИНГ РАФИҚАСИ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1972 ЙИЛ 26 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Президент жаноблари! Никсон хошим! Хурматли меҳмонлар!

Мен ана шу машҳур кунни нишонлаш мақсадида бизни бу ерга элчиҳопага таклиф этганликлари учун Президент Никсонга, унинг рафиқасига, АҚШнинг СССРдаги элчисига ва унинг рафиқасига шу ерда ҳозир бўлган совет меҳмонлари помдан ташаккурлар билан кўнрақ қилганимиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бosh секретари Л. Н. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. В. Подгорний, СССР Элчилик Кўнрақ Кўрсаткичи Бosh ва Рафиқаси ва унинг рафиқаси билан иш ҳафтасининг охириги кунги Президент сизгари, биз ҳам қилинган ишларни ижобий баҳоламоқдамиз. Бу иш яна давом этилади.

Олиб борилган музокаралар ҳамкорликни ривожлаштириш мумкин бўлган соҳаларни ҳам, шунишдек СССР билан АҚШ дунёда турлича социал-иқтисодий системаларга мансуб бўлганликлари сабабли иккала давлатнинг позициялари бир-бирига мос келмаган соҳаларни ҳам очиқ-ойдин аниқлаб олиш имконини берди. Бизнинг пазаримизда, иккала томон ҳам ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган истиқболларни реалистик баҳоламоқда.

Шу кунлар мобайнида тинч мақсадларга хизмат қилишга даъват этилган бир неча Совет-Америка битимлари имзоланди. Ўжумладан, биз ишонни ўраб турган атроф муҳитни сақлаш, космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш соҳаларида куч-ғайратларимизни бирлаштириш, фан ва техника, медицина ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдик.

Биз иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқни ва бошқа иқтисодий алоқаларни ривожлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашмоқдамиз. Бу соҳада ҳам умум томонидан қабул қилинган халқаро практикага мувофиқ ҳолда ҳар икки томоннинг иқтисодий айирбонлаштириш нормаллаштириш ва кенгайтиришга бўлган

қизқишини ифодаловчи реалистик жавоб топиш мумкин бўлар, чори.

Бугун Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Қўшма Штатлар Президенти Никсон томонидан стратегик қуролларни чеклаш масалалари юзасидан қўшма ҳужжатлар имзоланади. Биз ана шу масалалар бўйича бир битимга келиш қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида катта ютуқ бўлиб тарихга киради, деган умиддамиз.

Томонларнинг тенг хавфсизлиги принципига қатъий риоя қилини ва қандайдир бир ёқлама афзалликлар олишга йўл қўймаслик асосидагина бунга эришиш мумкин бўлди. Бу совет ва америка халқларининг халқаро кескинликни юмшатиш ишидаги катта галабасидир, бу барча тинчликсевар халқларнинг галабасидир, чунки хавфсизлик ва тинчлик уларнинг муштарак мақсадидир.

Бизнинг музокараларимиз натижасида тинчлик яна ҳам мустаҳкамроқ бўладими, деган масала гарчи Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар дунёда жуда катта таъсирга эга бўлсалар-да, ўз-ўзидан аёнки, фақат уларга тааллуқли масала эмас. Аммо бу бошқа қолган барча халқлар ва давлатларга ҳам боғлиқдир. Биз келишиб олган ёки келишиб олишимиз мумкин бўлган қарорлар, агар бошқа давлатларнинг қонуний манфаатларига, уларнинг хавфсизлиги ва мустақиллигига қарши борса, жуда ҳам жўн қарорлар бўлурди. Шу боисдан ҳам биз Қўшма Штатлар Президенти билан бошқа халқлар ва мамлакатларга тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун музокаралар олиб бориш мақсадида стол теварагида учрашаётганимиз йўқ, асло.

Бу музокараларда Совет Иттифоқи билан АҚШ иккала давлатга бевосита тааллуқли бўлган халқаро проблемаларни тинчлик ва халқлар хавфсизлиги манфаатлари йўлида ҳал қилиш имконини топишга интиломоқдалар. Биз бу соҳада жиддий қадамлар қўймоқдамиз.

Аммо мақсад сари дадил бориш — мустаҳкам тинчликка эришиш учун халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқларини қаттиқ ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг давлат территориялари дахлсизлиги асосида Вьетнам ва Яқин Шарқдаги мавжуд уруш ўчоқларини тугатиш йўлида мумкин бўлган барча чоралар кўрилиши лозим.

Биз Совет Иттифоқи халқи учун, Қўшма Штатлар халқи учун, жаҳондаги барча халқлар учун яна ҳам мустаҳкам тинчликни таъминлаш Совет-Америка музокараларининг асосий яқуни бўлади, деб умид қилишни истардик.

Тузилган битимлар ва келишувлар қай даражада самарали амалга оширилиши ва тинчлик ишига қандай хизмат қилиши ҳам катта аҳамиятга эга, албатта. Ҳар қандай битим, ҳар қандай шартнома, уларда эълон қилинган принциплар ва ниятлар дав-

латларнинг амалий фаолиятининг мазмунини ташкил этгандагина тарихда пз қолдиради. Биз тузган битимлар ҳам худди шундай битимлардан бўлсин.

Биз Америка Қўшма Штатларининг улуғ халқига чуқур ҳурматимизни изҳор этишни истардик, совет халқи у билан ҳамкорликда ва тинчликда яшашни хоҳлайди. Бу бизнинг самимий ва жиддий истагимиз эканлигини уйига қайтиб борганидан сўнг америка халқига етказишни биз Президент Р. Никсондан илтимос қиламиз.

**МОСКВАДА КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ,
КУБА РЕСПУБЛИКАСИ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИНИНГ
БОШ МИНИСТРИ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС
ТОМОНИДАН ЎТҚАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
1972 ЙИЛ 3 ИЮЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Азиз ўртоқ Фидель Кастро! Қадрли дўстлар ва ўртоқлар!

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукумати Бош министри Фидель Кастронинг мамлакатимизга визити Совет-Куба муносабатларида катта сиёсий воқеадир. Ўртоқ Фидель Кастро бу ерда Америка қитъасида биринчи бўлиб социалистик революция байроғини кўтарган Куба Республикаси, куба халқи, шу мамлакат коммунистик партиясининг вақили ҳисобланади. Кубада, империализмнинг мутлақ ҳукмронлиги доирасида тургандай туюлган ана шу мамлакатда сотқин диктаторлик режимини ағдариб ташлаш учун озодлик, мустақиллик ва тараққиёт ишига чексиз садоқат, ўз халқига битмас-туганмас меҳр-муҳаббат билан қараш фазилатларига эга бўлиш, мард ва жасоратли бўлиш, ўзини революция галабаси йўлига бутунлай бағишлаш лозим эди. Меҳнаткаш халқнинг озодлиги ва бахти учун курашувчи умуман барча революционерлар каби, кубалик революционерларга ҳам ана шундай фазилатлар хосдир. Шу сабабли совет кишилари ўртоқ Фидель Кастро ва кубалик бошқа меҳмонларни дўстлик ва зўр ҳурмат ҳис-туйғуларига, синфий бирдамлик ҳис-туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Совет Иттифоқи билан Куба, совет ва Куба халқлари, мамлакатларимиз коммунистик партиялари муштарак иш — Улуғ Октябрь иши учун, Куба революцияси иши учун, Ленин иши учун, социализм ва коммунизм иши учун курашда сафдошдирлар.

Мен ўртоқ Фидель Кастро ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқига нисбатан дўстлик ҳамда ўртоқлик ҳис-туйғуларини изҳор этганлиги учун унга барча совет ўртоқлар номидан ташаккур айтишни истардим.

Москвада Совет-Куба дўстона муносабатларини янада ривожлаштириш тўғрисида олиб борилётган музокараларнинг натижалари бу визитнинг аҳамиятини айниқса таъкидлаб кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи билан Куба Коммунистик партиялари ва ҳукуматларининг коммунистик ҳамда социалистик қурилиш, ҳозирги халқаро аҳвол, халқларнинг империализмга қарши, мустақил-

лик, социал тараққидёт, тинчлик ва хавфсизлик учун кураши масалалари бўйича қарашлари кенг миқёсда муштараклигини биз юксак даражада қадрлаймиз. Биз ўртамизда мавжуд бўлган ўзаро ишонч ва бир-бирини англашни ғоят ҳурматлаймиз. Бизнинг партияларимиз ва халқларимизни жипслаштириб турган бирдамлик алоқалари мустаҳкам материалдан таркиб тошган бўлиб, синфий манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги бунда энг асосий ҳисобланади. Бундай материал ғоят жиддий синовларга бардош бера олади.

Иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида, умумий ишмиш манфаатлари йўлида ҳал қилинаётган икки томонлама ҳамкорлигимизга тааллуқли йирик масалаларнинг муҳокамаси якунлари бизни ниҳоят мамнун қилмоқда. Ўртоқ Фидель Кастро Куба экономикасини янада ривожлантириш хусусида айтган фикрларига биз қардошларча тушуниб муносабатда бўламиз ва иккала мамлакат халқ хўжалик планларини координациялаш ҳамкорлигимизни такомиллаштиришда ҳамда хўжалик қурилиши вазибаларини ҳал қилишда олга томон янги катта қадам қўйиш имконини беради, деб ўйлаймиз. Шу сабабли биз ишонимизки, музокараларимизнинг натижалари совет ва куба халқлари бирлигини

Совет — Куба музокаралари — пролетар интернационализмининг ёрқин кўрилиши намунасидир. Бизнинг ҳамма музокараларимизда Т. Н. Бушнев ҳамда Ф. Кастронинг нутқларида пролетар интернационализмига садоқат очиқ кўриниб турди. У Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Куба Коммунистик партияси ҳамда мамлакатларимиз ҳукуматлари олиб бораётган бутун сиёсатда яққол кўриниб турибди.

Сиз, ўртоқ Фидель, ўтган ҳафта Кремлда сўзлаган нутқингизда, Куба революцияси пролетар интернационализи принципларининг таъсирчанлигини исботламоқда, у Совет Иттифоқи революцион Кубани қатъий ва оғишмай қўллаб-қувватлаётганини исботламоқда, деб таъкидлаб ўтдингиз.

Қардош Куба билан муносабатларда Совет Иттифоқининг тутаётган йўли Кубада социализмни муваффақиятли қуриш учун ғоят қулай шароитлар яратишга ёрдам беришга муқаррар қаратилгандир. Биз муносабатларимиз яна ҳам мустаҳкам бўлишини, иқтисодий ҳамкорлигимизнинг самараси бутун чоралар билан қўпая боришини, Совет Иттифоқи билан Куба ҳаммаша жаҳон майдонда жипслашиб ҳаракат қилишини истаймиз ва бунинг учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўрмоқдамиз. Биз шу нарсага чуқур ишонимизки, Куба халқи ўз коммунистик партияси раҳбарлиги остида оғишмай олга бораверади ва Куба тупроғида социализм қураверади. Куба халқининг революцион продаси, унинг жаҳонда энг қудратли кучга айланган социалистик мамлакатлар интернационал қардошлигига мансублиги бунинг гаровидир.

Бизнинг интернационал бирдамлигимиз — коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча социалистик мамлакатларнинг умумий буюк бойлигидир. У социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида ижтимоий ҳаётнинг муҳим хусусиятига айланди.

Партияларимиз ва халқларимизнинг интернационал бирдамлиги — империализмга қарши курашда қудратли омилидир. Бу бирдамлик америка агрессиясини даф қилаётган ва халқларнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-умидларига мувофиқ равишда ўзининг мустақил ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя этаётган қаҳрамон Вьетнам халқини, Лаос ва Камбоджа ватапарварларини қўллаб-қувватлашда яққол кўринмоқда.

Шак-шубҳа йўқки, Вьетнам халқи, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари каби, ўз ҳаққоний ишининг — озодлик ишининг тانتана қилишига, суверенитетнинг қарор топишига, тинчлик ва тараққиёт йўлидан ривожланишга эришади.

Социал тузуми ўзгача бўлган мамлакатларга нисбатан Совет Иттифоқи амалга ошираётган тинч-тотув яшаш спёсати давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал қилиш учун куч ишлатишга йўл қўймасликка асосланади. Бироқ бу халқларнинг қўлга қурол олиб агрессияга қаршилик кўрсатиш ёки чет эл зулмидан халос бўлишга эришиш ҳуқуқини инкор этиш, деган сўз эмас, асло. Бу ҳуқуқ мақаддас ва дахлсиздир, бинобарин, Совет Иттифоқи — мустамлакачиларга қарши курашга отланган ёки агрессия қурбонлари бўлган халқларга ёрдам бермоқда.

Бизнинг бирдамлигимиз Исроил агрессиясига қарши ва босиб олинган барча араб территорияларини озод қилиш учун курашда араб мамлакатлари халқларининг ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бу бирдамлик миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча халқларга қаратилган.

Синфий бирдамлик туйғуси капиталистик дунёдаги монополияларнинг ҳукмронлигига қарши, ўз ҳуқуқлари учун курашаётган меҳнаткашлар оmmasи билан бизни бирлаштириб турибди.

Меҳнаткашларнинг, ер юзидаги барча революцион, озодлик кучларининг интернационал бирдамлиги бундан буён ҳам янада муштаҳамланаверсин!

Куба Коммунистик партияси учун, унинг социализм учун курашишига қўшган ҳиссаси учун, унинг Куба революцияси вазифаларини ҳал этишдаги муваффақиятлари учун қадаҳ кўтаришга ижозат этгайсиз!

Латин Америкасида озодлик ҳаракатининг авангардида бораётган қаҳрамон куба халқи учун!

Ўртоқ Фидель Кастро учун, унга ҳамроҳ бўлиб келган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бошқа аъзолари учун, кубалик барча дўстлар учун!

РЕЗЕРВЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛДИРАЙЛИК

СССР ГОСПЛАНИ ХОДИМЛАРИ ОЛДИДА
1972 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ўртоқлар! Шу беш йилликнинг икки йил мобайнида совет халқи экономика, фан ва маданиятни юксалтириш соҳасида йиллик муваффақиятларни қўлга киритди. Саноат ишлаб чиқаришининг юксак ва барқарор суръатлар билан ўсиши таъминланди. Меҳнат-кашларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган социалистик тартиб-таъдилнинг тўлиқ кенг проგრессив режими суратда амалга оширилмоқда. Катта ҳажмда каштага ишлар, шу жумладан уй-жой қурилиши ишлари бажарилди. Бу муваффақиятлар КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан партия иқтисодий сиёсати амалга оширилаётганининг натижасидир. Халқ хўжалиғига раҳбарликда бошқаришнинг иқтисодий методлари кучайди, социалистик хўжалик ленинча принциплари изчиллик билан амалга оширилаётди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1973 йилда экономикамизни ривожлантириш масалаларини олдиндан кўриб чиқиб, 1973 йилга мўлжалланган халқ хўжалик планини ишлаб чиқишга, унда мавжуд резервларни янада тўла ҳисобга олишга, хўжалик раҳбарлари савиясини оширишга катта аҳамият бермоқдалар.

Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантириш планини тузиш — масъулиятли иш. Халқимизнинг турмуш даражасини янада ошириш кўп жиҳатдан бу план қандай тузилганига, унда моддий, меҳнат ва молния ресурсларидан фойдаланиш қай даражада самарали кўзда тутилганига боғлиқ.

Маълумки, бу йил об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги қишлоқ хўжалиғида қийинчиликлар туғдирди. Шунингдек саноат айрим тармоқларининг ишида ва, айниқса, қурилишда ҳам камчиликлар содир бўлди. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида бу қийинчиликлар ва нуқсонларнинг оқибатлари кўп даражада муваффақиятли бартараф қилинмоқда. Шу сабабли планда КПСС XXIV съезди Директиваларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган тўғри қарорларга асосланмоқ лозим. Барча мавжуд резервларни халқ хўжалиғига хизмат қилдириш зарур. Бу

СССР Госпланининг, унинг ҳар бир ходимининг энг муҳим вазифасидир. Бу мураккаб, аммо шак-шубҳасиз бажариш мумкин бўлган вазифадир.

Шу мувосабат билан халқ хўжалик плани лойиҳасини тайёрлаш жараёнида пайдо бўлган баъзи бир энг актуал масалаларга тўхталиб ўтишни истардим.

КПСС XXIV съезди халқ хўжалигини ривожлантиришда интенсификация факторининг ролин кучайтириш зарурлигини таъкидлаб кўрсатди. Бу, энг аввало, фан-техника тараққиёти ютуқларидан тўла фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида ишнинг самарадорлигини ошириш ҳисобига кўпгина вазифаларни ҳал этишни назарда тутди. Халқ хўжалигидаги мавжуд резервларни аниқлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бу резервлар 1973 йил планини ишлаб чиқиш вақтида тўла ҳисобга олинмоғи лозим.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун жуда катта қўшимча имкониятларга эга бўлиш мумкин. Министрликлар ва Марказий план органлари биринчи навбатда планларда ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан яна ҳам яхшироқ фойдаланишни назарда тутишлари керак. Янги қурилишни бошлашдан аввал, ички резервлар тугаганига ва янги корхонанинг қурилиши ишлаб чиқаришнинг мазкур тармоғини янада ривожлантиришнинг энг оқилона йўли эканлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. СССР Госплани бундиққат билан қўзғатиб бориши керак.

Мамлакат қудратли ишлаб чиқариш имкониятларига эга. 1950 йилдан 1972 йилгача барча асосий фондлар 139 миллиард сўмдан 850 миллиард сўмдан зиёдроққа кўпайди, 1973 йилда эса, беш йиллик план ҳисоб-китобларига кўра, уларнинг қиймати 900 миллиард сўмдан ошиб кетади. Фақат кейинги уч йил (1970—1972 йиллар) ичида асосий фондларнинг ўсиши халқ хўжалиги асосий фондларининг 1953 йилги қийматига деярли тенгдир. Бу бизнинг жуда катта ютуғимиздир.

Аммо асосий фондларнинг ўсиши бизнинг ишлаб чиқариш имкониятларимизнинг миқдорий характеристикасидир. Ҳозирги кунда биз учун сифат томони, яъни бу фондлар қандай фойдаланилаётганлиги айниқса муҳим. Улардан эса турли тармоқларда жуда ҳам ҳар хил фойдаланишмоқда. Фондлардан фойдаланиш нормативлари ҳам йўқ. Корхоналарнинг сменали ишлашини ҳисобга олган ҳолда саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг норматив кўрсаткичларини белгилаш ҳақидаги масалани жиддий ўйлаб кўриш зарур. Бу ҳам Госпланининг вазифаси ҳисобланади.

Бизда янги ишга туширилган саноат қувватлари секинлик билан ўзлаштириляётир. СССР Марказий статистика бошқармасининг

1971 йилги текшириш маълумотларига кўра лойиҳа қувватларини ўзлаштириш норматив муддати тугаган 1557 объектдан 906 таси қувватлардан тўла фойдаланилмапти, шунинг натижасида халқ хўжалиги мазкур объектларда 1,4 миллион тонна пўлат, 3,2 миллион тонна прокат, 2 миллион тонна клинкер ва бошқа кўпгина маҳсулот турларини кам олган. Министрликлар ва план органлари янги ишга туширилган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларининг тезроқ ўзлаштирилиши чораларни кўришлари зарур. Ишлаб чиқариш қувватларининг норматив муддатларда ишга туширилишини таъминлаш ва ўзлаштириш экономикамизнинг жуда катта резерви бўлиб, бу резерв 1973 йил планини тайёрлаш чоғида тўла назарда тутилмоғи лозим. Ускуналарнинг сменали ишлашини ошириш ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш йўллари бирдир.

Кўпинча министрликлар ва бошқармалар тармоқни ривожлантириш масалаларини қараб чиқиш чоғида капитал маблағ ва бошқа моддий ресурсларни ажратишга ортқича талаб қўядилар, ишлаб турган қувватларда ҳамда мавжуд барча ресурслардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини тўла ҳисобга олмайдила. Тармақдан ривожлантиришни ҳамин вақтда боғлаш ҳам оқибатда қўшимча ресурслар талаб қилиш билан боғламаслик керак, СССР Госплани асосий равишда капитал маблағ олиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдинин қатъий олдини лозим.

Капитал қурилишида катта резервлар мавжуд. Беш йилликнинг ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан қўрилишдаги ишнинг аҳволига, унинг муваффақиятларига боғлиқ. Қурилишдаги резервларни аниқлаш, албатта, фақат СССР Госпланининг эмас, балки кўп даражада СССР Госнаби ва СССР Госстройнинг ҳам вазифасидир.

Қурилишнинг асосий камчиликлари маблағларнинг сочиб юборилаётганлиги, объектлар узоқ муддат қурилаётганлиги ва тугалланмаган қурилиш ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлигидир. Министрликлар ҳозир қурилаётган корхоналарни тезроқ фойдаланишга топшириш учун зарур чоралар кўрмаётирлар. Тугалланмаган қурилиш ҳажми (фақат давлат капитал маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектлар бўйича) 1961 йилдаги 24,5 миллиард сўмликдан, 1972 йил охирига 63 миллиард сўмликка етади. Колхозлар, кооператив ва бошқа ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилишни ҳам ҳисобга олганда эса, бу рақам салкам 70 миллиард сўмни ташкил қилади.

Капитал маблағларнинг кўп сонли объектларга сочиб юборилиши қурилишларни материаллар ва иш кучи билан таъминлашни қийинлаштиради ва оқибат натижада қурилишнинг норматив муддатлари бузилишига, давлатнинг катта-катта маблағлари оборотдан чиқиб қолишига олиб келади.

Бизда тугалланмаган қурилиш катта миқдорни ташкил қилади. Эътиборини, энг аввало, ҳозир қурилаётган объектларни битказишга қаратиш зарур.

СССР Госплани ва министрликлар 1973 йил планида янгидан бошланадиган қурилишлар сонини камайтиришлари керак. Шунингдек янги объектларни жойлаштиришни техника-иқтисодий асослашни ҳам яхшилаш, планларда уларни қуришни молли ва моддий ресурслар билан, шу жумладан қурилиш ташкилотларининг қувватлари билан боғлаш ҳам зарур.

Марказлаштирилмаган капитал маблағлар ҳисобига қуриш масалаларини алоҳида қараб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, ускуналарни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бошқа мақсадлар учун катта-катта маблағларга эга. Хўш, ана шу маблағлардан қандай фойдаланилмоқда? 1971 йилда марказлаштирилмаган капитал маблағ сарфлаш плани 128 процент адо этилди, 14,7 миллиард сўм ҳажмда маблағлар ўзлаштирилди (план бўйича эса 11,5 миллиард сўм мўлжалланган эди). Ана шу маблағларнинг катта қисмидан тўғри ва самарали фойдаланилди. Шу билан бирга катта-катта маблағ саноат қурилишига эмас, уй-жой қурилишига ва меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашга эмас, балки биринчи навбатда асло зарурати бўлмаган маъмурий бинолар ва бошқа объектлар қурилишига сарфланган. Маблағларнинг бу хилда сарфланишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалада қаттиқ интизом бўлиши керак. СССР Госнаби ва унинг жойлардаги органлари катта моддий-техника ресурсларининг бундай қурилишларда банд бўлиб қолишга йўл қўймасликлари лозим. Бу, шу хилдаги объектларни қуриш умуман мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида гап бораётир, деган маънони англатмайди, асло.

Капитал қурилишдаги ва уни планлаштиришдаги кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг бартараф қилиниши капитал маблағ сарфлашининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарш объектларининг нормативда белгиланган муддатларда ўзини қоплашини таъминлаш имконини беради. Бунда капитал маблағларнинг асосий қисми ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатдан қайта қурулантириш ва реконструкция қилишга қаратилмоғи лозим. Шунингдек йирик шаҳарларда кооператив уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва техника даражасини ошириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг муҳим резервидир. Ҳозирги вақтда ана шу муҳим проблемани ҳал этишга қаратилган бир қанча иқтисодий ва ташкилий тадбирлар ўтказилаётир. Бироқ бу тадбирлар жуда секциялик билан амалга оширилаётир. Натижада халқ хўжалиги моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишдан зарур самарани ололмаётир. Масалан, шу беш йилликда чет элдан катта миқдорда қувурлар со-

тиб олинади, ҳолбуки уларни ишлаб чиқариш бўйича бизнинг мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўриндадир. Агар диаметри катта бўлган ва катта босимга, айтайлик 75 атмосфера ва undan юқори босимга мўлжалланган қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олсак, unda уларни сотиб олишни камайтириш ва халқ хўжалигининг бўлак аҳтиёжлари учун талай миқдордаги металлни тежаб қолиш мумкин бўлурди. Ёпи бошқа бир мисол. Бизнинг саноатимиз кўп-лаб миқдорда турли хил шундай машиналар ишлаб чиқармоқдаки, уларнинг кўплари вази жиҳатидан бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган шундай машиналарнинг намуналаридан оғирроқдир. Мамлакатимизда йилга 120 миллион тоннадан зиёд пўлат ишлаб чиқарилаётган бир пайтда, халқ хўжалиги ҳали металл камчилигини бошдан кечираётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. СССР Госплани, СССР Госнаби, министрликлар ва бошқармалар маҳсулотга ва, энг аввало, машинасозлик буюмларига материал сарфини камайтириш проблемасига кўпроқ эътибор беришлари зарур.

Маҳсулотнинг сифатини ва техника даражасини ошириш масалаларини ҳал қилишда фақат ўзимиздаги прогрессив конструкторлар ва технологик изобреткорларнинг ечимларидан эмас, балки жаҳондаги конструкторларнинг ҳам фойдаланиши лозим. Мамлакатимиздаги мамлакатларда бизнинг фан-техника соҳасидаги кўпгина ютуқларимизни юқори баҳоламоқдалар ва улардан фойдаланиш учун чет эл фирмалари лицензиялар сотиб олишлар. Масалан, профелитлардан алюминий ишлаб чиқариш, алоҳида юнқа чоксиз трубалар, магний ишлаб чиқариш, электрошлак ёрдамда қайта қуйиш усули билан соф металллар ва қотишмалар олиш технологияси, домна печларини буғлаткич билан совутиш системаси ва бошқа кўпгина ютуқлар шулар жумласига киради. Аммо биз ўз лицензияларимизни сотиш билан бирга, ўзимиз ҳам чет элдан лицензиялар сотиб олишимиз лозим. Лицензияларни сотиб олиш ва фойдаланиш ишида тармоқ министрликларининг, СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитетининг масъулияти оширилиши керак.

Халқ хўжалигининг пропорционал ривожланишини таъминлашда ва планнинг баланслилигини оширишда СССР Госпланининг роли айниқса муҳимдир. Министрликлар ўз тармоқларининг позициясида туриб бу масалада ҳамма вақт ҳам тўғри йўл тутмасликлари мумкин. Шу сабабли халқ хўжалигининг пропорционал ривожланишини, энг аввало, СССР Госплани таъмин этиши керак. СССР Госпланининг, айниқса унинг планларни жамлайдиган бўлимларининг ва, энг аввало, халқ хўжалик планига оид маълумотларни тўплайдиган бўлимнинг асосий вазифаси шундан иборат. Улар СССР Госпланининг планда тўғри халқ хўжалик пропорцияларини таъминлаш мақсадида халқ хўжалик планининг айрим кўрсаткичларини тузувчи барча бошқа бўлимларининг ишига таъсир кўрсатишлари керак.

Планнинг фақат кўпроқ умумий бўлган пропорциялари ва бўлимлар соҳасида эмас, балки унинг ҳар бир позицияси бўйича баланслиги даражасини ошириш унинг реаллиги ва муваффақиятли бажарилишининг асоси ҳисобланади. План баланслигининг аҳамияти ошиб бораётганлиги кўп минглаб янги корхоналарнинг пиша туширилаётганлиги, пшлаб чиқариш миқёслари доимий равишда кенгайиб, тармоқлараро ва районлараро алоқаларнинг ривожланаётганлиги, бинобарин, халқ хўжалиги структураси мураккаблашиб бораётганлиги билан белгиланади. 1973 йил учун тўла балансланган халқ хўжалик плани министрликлар ва корхоналар планларининг стабиллигини таъминлаш имконини беради.

СССР Госпланининг фаолияти давлатимизнинг хўжалик соҳасидаги бошқаришда янги катта ва муҳим бўлган иш участкаларидан биридир. СССР Госплани экономика соҳасида мамлакатнинг бош штабидир. Бироқ унинг ишида кўп ҳолларда ҳатто йприк проблемаларни ҳал қилишга ҳам статистик нуқтаи назардан ёндашиш устулик қилади; халқ хўжалиги позицияларидан туриб иқтисодий асосланган хулосаларни анализ қилиш ва ишлаб чиқишга ҳамма вақт ҳам лозим даражада эътибор берилмаётир. СССР Госплани бўлимлари муҳим халқ хўжалик плани проблемаларини ҳал этишда принципиаллик кўрсатмаётган, бошқармалар манфаатларини кўзловчи йўлга ўттиб олаётган ҳоллар ҳам учраб туради. Госплан ходимлари министрликлар ва бошқармаларнинг планларини қараб чиқиш вақтида мутлақо умумдавлат манфаатларидан келиб чиқишлари керак. Госплан планлаштиришнинг илмий савиясини оширишга қунт билан эришиши зарур. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий масалалари унинг диққат марказида туриши керак. Госплан бўлимлари бошлиқларининг ролин ва масъулиятини кескин ошириш, давлат планларини ишлаб чиқишда расмий ёндашишга қатъиян барҳам бериш, план интизомини мустаҳкамлаш зарур.

План тошприқларини муваффақиятли амалга ошириш учун қарорларнинг ижросини мунтазам равишда контроль қилиб бориш катта аҳамиятга эга. Бу — барча план ва хўжалик органларининг фаолиятида энг муҳим левинча принципдир. Партия ва ҳукумат директиваларининг, тасдиқланган давлат планларининг бажарилиши устидан доимий равишда ва таъсирчан контроль олиб бориш — план органларининг энг биринчи вазифасидир. Партия иқтисодий сиёсатни амалга оширишда план ходимларининг принципиаллиги ва қатъийлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг барча участкаларидаги ишнинг ҳолатини белгилайди.

СССР Госплани ишнини яхшилашнинг муҳим йўлларида бири — иқтисодий-математика методларидан ва ҳозирги замон ҳисоблаш техникасидан актив фойдаланишдан иборат. Уларни тўла эгаллаб олиш учун иқтисодчилар ва математикларнинг куч-ғайратини маҳкам бирлаштириш, иқтисодчи кадрларнинг математика

соҳасида тайёрлиги савиясини ошириш зарур. Фақат шундай қилинган тақдирдагина план вариантларини самарали ишлаб чиқиш ва оптимал ечимлар танлаш таъминланиши мумкин.

Халқ хўжалигини планлаштиришни ва уни бошқаришни такомиллаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал қилиш, ҳозирги замон илмий-техника революцияси ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатимизда фан юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу эса илмий ташкилотларнинг, айниқса тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини доимий суратда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб қилади. Фан ва техника бўйича план халқ хўжалик планининг энг муҳим таркибий қисми бўлмоғи ва унинг ҳамма бўлимларига сингиб кетмоғи лозим. 1973 йилги планда энг янги фан-техника ютуқларидан фойдаланишни максимал даражада ҳисобга олиш — СССР Госпланининг, СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитетининг, шунингдек барча министрликларининг вазифасидир. Илмий-техник ривожлантиришнинг кўпгина проблемаларини ҳал этишни тезлаштириш илмий тадқиқотларнинг савиясини ва самарадорлигини оширишни, ҳозирги вазифаларини ҳал қилишни талаб қилади.

1973 йил планини тузиб чиқишни жуда қисқа муддатда тугаллаш зарур. Бу эса хўжалик раҳбарлигининг бевақо бўлиши билан шунингдек ташкил қилишни талаб этади. СССР Госплани халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги планини тузиш соҳасидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли тугаллайди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

СССР ГОСПНАБИ ХОДИМЛАРИ ОЛДИДА 1972 ЙИЛ 6 ОКТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚДАН

Ўртоқлар! Совет халқи ва бутун прогрессив инсоият СССР Иттифоқи ташкил этилган куннинг 50 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Биз ҳаммамиз бу улкан байрамни совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида эришган оламшумул-тарихий муваффақиятлар учун ватанпарварлик руҳи билан сугорилган ифтихор туйғусига тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқдамиз. Мамлакатни иқтисодий, социал ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш, халқнинг фаровонлигини муттасил ошириб бориш борасида партия илгари сурган программани турмушга татбиқ қила бориб, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш соҳасида янги йирик муваффақиятларни қўлга киритди. Бу йил мамлакат саноати саноат маҳсулотларининг

кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик плани, шунингдек фойда олиш планини бажарди. Саноат маҳсулоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 процент ўсди, саноатда меҳнат унумдорлиги 5,3 процент ошди. Маҳсулот таннархи пасайди. Газ саноати министрлиги ҳамда ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигидан ташқари, барча иттифоқдош республикалар ва қарийб ҳамма умумиттифоқ ҳамда иттифоқ-республика саноат министрликларини планини бажарди.

Шу билан бирга умуман саноат планини бажаргани ҳолда корхоналарнинг бир қисми маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, маҳсулотни зарур ассортиментда ва тегишли даражада сифатли ишлаб чиқариш, шунингдек жамғариш юзасидан топшириқларни тўла удалай олмадилар. Кўп корхоналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг янги резервларидан ҳали етарли даражада самарали фойдаланмаётдилар. Буларнинг ҳаммаси бизни ҳар бир корхона, саноатнинг ҳар бир тармоғи нормал ишлашини таъминловчи тадбирлар устида жиддий ўйлаб кўришимизга мажбур этади. Бу ишда моддий-техника таъминоти умумдавлат системаси органлари фаолиятини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Госснаб ишга баҳо берар эканмиз, у ўз вазифаларини асосан бажаряпти, деб айтиш мумкин. Бироқ социалистик экономика тараққиётининг ҳозирги босқичда, мамлакатда ишлаб чиқариш ва капитал қурлишининг жуда катта кўлами шароитида Госснабга янада юсак талаблар қўйилмоқда.

Халқ хўжалигининг моддий-техника жиҳатидан таъминлаш планларининг амалга оширилишини таъминловчи ҳамда маҳсулот етказиб бериш бўйича тармоқлараро алоқаларни йўлга қўювчи орган бўлган Госснаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, янги тежамли материалларни ҳамда замонавий ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш борасида саноатга яна ҳам жўшқин яна ҳам самарали таъсир этишни ва шу тариқа, фан-техника тараққиёти бўйича тадбирларнинг актив тарғиботчиси бўлиши лозим.

Бизнинг планли хўжалигимизда моддий-техника таъминоти ёки бирон-бир маҳсулотни сотиб олиш соҳасида баъзан юз бериб турган қийинчиликларни нормал ҳол деб бўлмайди. Планли социалистик хўжалиқнинг афзалликларидан ҳали ҳамма соҳада ҳам чинакамига фойдаланилмаётганлиги сабабли бу қийинчиликлар юз бермоқда. Бу афзалликлардан максимал даражада фойдаланишни ўрганиб олиш энг муҳим вазифалардан биридир.

КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленумининг хўжалиқни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларидан кейин бизнинг саноатимизда планлаштириш системаси «вертикал бўйича»: Госплан — министрлик — корхона тарзида қурилган. Шу билан бирга «горизонталь бўйича» планлаштириш ҳам амалга оширилмоқдаки, бу, энг аввало, тармоқлар билан корхоналар ўртасида тўғри хўжалиқ алоқаларининг тарқиб топишида

ифодаланмоқда. Планлаштиришнинг ана шу методларини тўғри қўшиб олиб бориш бизнинг бутун халқ хўжалигимизни планли ривожлантиришни таъминлаш нуқтаи назаридан жуда ҳам муҳим бўлиб, бу иш кўп даражада Госснаб томонидан амалга оширилиши керак.

Госснабни тузаётганда биз, бу орган моддий-техника таъминотига тааллуқли барча масалаларни ҳал қилар экан, белгиланган планларни амалга ошириш вақтида баъзан юз бериб турадиган қийинчиликларни тармоқ ҳамда территориял бошқаришнинг афзалликларидан яна ҳам тўла фойдаланиш асосида тезда бартараф этади, бу билан мамлакатимиз эга бўлган жуда катта моддий ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшимча жалб этишга ёрдам беради, деб ўйлаган эдик. Бу соҳада Госснаб ҳозир кўп иш қилмоқда, ammo бундан ҳам кўпроқ иш қилиши мумкин.

Хўжалик алоқалари системасида Госснаб органлари манфаатлари жиҳатидан ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан маҳкам боғлиқ ҳолда ҳаракат қилувчи ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида турадилар. Ҳозирча бу органлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг маҳсулоти халқ хўжалиги талабларига тўла жавоб бериши, маҳсулот ишлаб чиқариш эса фан ва техниканинг энг янги ютуқлари даражасида диверсификациянинг кўп қанчаларини қўллашнинг мумкин бўлишига қўйиб бериши, у Госснаб, унинг барча органлари фаолиятида диққат марказида туриши керак.

Госснаб ўз ишини нормал олиб бориш учун моддий-техника таъминотини янала такомиллаштириш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириши зарур.

Ҳозир Госснаб системасида (пятифокдош республикаларнинг нефть сотувчи бош бошқармалари билан бирга) тахминан 365 киши ишлайди. Бу ерда таъминот ва мол ўтказиш бобида истеъмолчиларнинг бўлғуси талабларини ўз вақтида ва тўғри белгилай оладиган, халқ хўжалигига бутун нима зарур ва эртага нима керак бўлишини яхши биладиган малакали кадрлар таркиб топти.

Госснаб 1 миллиард сўмликдан зиёдни ташкил қилувчи йирик асосий фондларга, салкам 2,9 миллиард сўмлик оборот маблағларига эга. 1971 йилда 1965 йилга нисбатан Госснабнинг асосий фондлари қарий 2,4 баравар, оборот маблағлари 2,2 баравар кўпайди, бутун халқ хўжалиги бўйича эса асосий фондлар 1,5 баравар, моддий ва оборот маблағлар 1,6 баравар ортди. Шундай қилиб, моддий-техника таъминоти органлари ихтиёрида бўлган моддий бойликлар бутун халқ хўжалигидагига нисбатан анча тезроқ кўпайиб бормоқда.

Бу рақамлар шуни кўрсатадики, Госснаб ўз ихтиёрига ажратиб берилган моддий бойликлардан энг кўп самара олишни кўзлаб фойдаланиши, саноатда мавжуд бўлган нормадан ортиқча моддий запасларни хўжалик оборотига киритиш бобида кўрсатаётган ак-

тив таъсирини бўшаштирмаслиги лозим. Ваҳоланки, Госснаб бу соҳада қилаётган ишлар ҳали етарли эмас. Ҳолбуки бу унинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифа Госснаб тўғрисидаги Ниҳомда ёзиб қўйилган, бинобарин Госснаб уни сўзсиз бажармоғи керак.

Моддий-техника таъминотини планлаштиришни яхшилаш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, таъминот соҳасидаги каттагина қийинчиликлар моддий баланслардаги келишмовчиликлар, баъзи ҳолларда эса хатолар оқибатида келиб чиқмоқда. Халқ хўжалигининг эҳтиёжларини моддий-техника ресурслари билан планли таъминлаш учун, энг аввало, баланс ишhini тўғри йўлга қўйиш, моддий балансларни ишлаб чиқишда Госплан билан Госснабнинг куч-қайратини бирлаштириш керак. Баланслар ҳам ашё ва материаллар сарфининг прогрессив, техника жиҳатдан асосланган нормаларига асосланган бўлиши ҳамда янги тежамли материаллардан яна ҳам кенгроқ фойдаланишни кўзда тутиши лозим. Моддий балансларни ишлаб чиқишда министрликлар билан ҳам, шунингдек Госплан билан ҳам тортишувлар бўлиши муқаррар, аммо тўғри бир қарорга келишиб, баланслар тузилгач ва уларга асосан халқ хўжалик плани тасдиқлангач, у барча учун қонун бўлиб қолмоғи керак.

Госснаб министрликлар иштирокида таъминлаш учун ўзи бевосита жавобгар бўлган маҳсулотлар ва товарларнинг кепи поменклатураси бўйича балансларни тузмоқда, аммо бу соҳада ҳали ҳамма нарса ҳисобга олинаётми ва ҳамма иш қилинаётми деб бўлмайди. Битта мисол келтираман. Бизда электр ускуналарнинг баъзи хилларига бўлган эҳтиёж старли даражада таъмин қилинаётми, жумладан шчитлар ва панеллар етишмайди. Госпланда ҳам, Госснабда ҳам ҳар йили бу ҳақда гап бўлади, амалда эса масала ҳал бўлмаяпти. Наҳотки уни ҳал қилиш йўлида енгил бўлмайдиган қийинчилик бўлса? Биз капитал қурилишга йилига салкам 100 миллиард сўм ажратяпмиз. Ана шу буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга зарур маблағ ажратиб, масалами қун тартибидан олиб ташласак бўлмайми, ахир? Келгуси йил планига бир назар ташланг-а, унда ҳам бу саволга жавоб тополмасангиз керак. Бу бирдан-бир мисол эмас, бундай мисолларни кўп-кўп келтириш мумкин. Хўш, бу нимани кўрсатади? Госснаб иш савиясини жиддий суратда ошириши кераклигини кўрсатади.

Госснаб органлар моддий ресурслар сарфини, шунингдек нормативлар запасларини характерловчи кўрсаткичларни анализ қилиш асосида Госплан билан биргаликда халқ хўжалик планини ишлаб чиқишда яна ҳам активроқ қатнашиши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети капитал қурилишни яхшилашга катта эътибор бермоқдалар. Биз куч-қайратимизни ишга солиниши лозим бўлган объектларни тезроқ ишга туширишга ҳамда тугалланмаган қурилишларни анча камай-

тиришга қаратишимиз зарур. Бунда иттифоқ бош комплектлаш, иттифоқ бош таъминот-сотиш бошқармалари ҳамда Госснабнинг территориал органлари катта роль ўйнайди. Госснабнинг бевосита ўзи 1972 йилда капитал маблағ сарфлаш ҳажми йилига 14,4 миллиард сўм бўлган 4 мингдан зиёд қурилишларни комплектлайди. Бироқ материалларнинг ўз вақтида ва комплекти тарзда етказиб берилишини таъминлаш, шу қурилишларга ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш ишида ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Ишга солиниши лозим бўлган у ёки бу объект ускуналар билан комплектланмаганлиги сабабли ишга туширилиши мумкин эмас, деган гапларни кўпинча эшитиш мумкин. Бу ишда тегишли тартиб ўрнатиш зарур. Госснаб материал етказиб берилиши устидан контролни кучайтириши, ишга туширилиши лозим бўлган объектларни барча зарур нарсалар билан планли таъминлаш керак.

Моддий ресурсларни тежаш бўйича тўққизинчи беш йиллик тоншириқларининг бажарилишида Госснабнинг роли катта. Территориал органларнинг кенг тармоғига эга бўлган Госснаб ишлаб чиқаришда материаллардан мақсадга мувофиқ фойдаланилишини кузатиб бориши, улардан давлат планида кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланишга уринишларнинг олдини катта роль ўйнайди.

Бундан ташқари муҳим аҳволдаги маъмурий бўлинмаларнинг мувофиқ қилиниши ва ҳукумат сиёсатига мос равишда ишга туширилиши ҳам муҳим масъулиятли ишни ишониб топшириб қўйибди, бинобарин бу бойликлардан мақсадга мувофиқ ва ихтироатда тежамкорлик билан фойдаланиш лозим. Биз бу ишга ишоним билан қўлини олиб ендашишимиз талаб этишимиз керак.

Масалан, цемент сарфлаш соҳасидаги аҳволни олайлик. Ҳозир бизда йилига 100 миллион тоннадан зиёд цемент ишлаб чиқарилмоқда. Бу АҚШда ишлаб чиқарилаётганидан кўп, аммо биз уни баъзида тежаб-тергамасдан ишлатиб, жуда кўп нобудгарчиликка йўл қўймоқдамиз. Агар биз бетон ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган инерт материалларни олдин яхшилаб тозалаб, сараланишимизда, бетон ишлаб чиқаришда катта миқдорда цементни тежаб қолган бўлурдик. Бу масалада ҳам Госснаб қаттиқ контроль ўрнатиши зарур.

КПСС XXIV съездининг Директиваларида таралардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш тadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилган. Биз ҳар йили таралар ишлаб чиқаришга 24 миллион кубометр янги ёғоч сарфламаймиз. Бу кўп. Таралар ишлаб чиқаришга ёғоч сарфини анча камайтириш, бунга, энг аввало, таралардан такрор фойдаланишни яхшилаш, уларнинг янги хилларини кенг жорий қилиш ва контейнерларда ташишни ривожлантириш ҳисобига эришиш зарур. Бу муҳим халқ хўжалик вазифасидир, бинобарин Госснаб уни ҳал этмоғи лозим.

Шунингдек Госснаб органлари иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш соҳасида ҳам кўп иш қилишлари керак. Иккиламчи хом ашё

ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан ҳамда ишлаб чиқариш чiqиндиларидан тўлароқ фойдаланиш, уларни йнғишни ташкил этишни ҳамда қайта ишлаш технологиясини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Давлатимиз жуда катта резервларга эга, бинобарин уларни халқ хўжалигига хизмат қилдиришни тегиншли даражада йўлга қўйиш лозим. Ҳар қанақа исрофгарчликка, талон-торожга, хўжасизликка қарши қатъий кураш олиб бориш зарур. Госснаб корхоналарга таъсир кўрсатиш учун жуда катта иқтисодий кучга эга, аммо бу кучдан ҳозирча тўла фойдаланилмаётир.

Сизларнинг ишингизда катта камчилик бор, у ҳам бўлса сизларда ташкилий ишлар перспектив планининг йўқлигидир. Бусиз эса, Госснаб системасидек катта хўжаликка раҳбарлик қилиш жуда қийин. Госснабинг ўзида фақат оператив эмас, балки анча узоқ даврга мўлжалланган ташкилий фаолият планини ишлаб чиқиш зарур, токи ҳар бир ходим пима устида ишлаётганини ва келгусида унинг олдида қандай проблемалар турганини билсин.

Фикримча, малакали кадрларга эга бўлган Госснаб халқ хўжалик планини ишлаб чиқиш савиясига, мамлакатда саноатни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, сизлар транспорт қийинчиликларини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис этасиз ва бизда кўн юклар ногўрри ташилишини биласиз. Қарама-қарши юк ташиш ҳоллари ҳам кўп учраб туради. Бундай ташишларни камайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Энди таъминот формалари ҳақида икки оғиз сўз. Маҳсулот етказиб беришнинг транзит ва омбор формаларини оқилона уйғунлаштириш керак. Шубҳасиз, чоғроқ истеъмолчилар омборлардан таъминланишлари лозим. Йприк истеъмолчи учун эса таъминотнинг транзит формасидан фойдаланиш керак, бинобарин бу тартибни бузмаслик лозим. Бизда транзит ҳали ҳам секинлик билан ривожланмоқда. Йприк корхоналарни бевосита ва олис алоқа боғлашга қатъий кўчириш, уларни маҳсулот етказиб берувчиларга, айтайлик, 10 йилга биркитиб қўйиш керак. Металлни ҳам, химия маҳсулотларини ҳам, маҳсулотнинг бошқа хилларини ҳам кўплаб истеъмол қилувчи заводлар шундай корхоналар бўлиши мумкин.

Шунингдек ўғитларни бутун мамлакат орқали ташиб юрмаслик учун минерал ўғитлар етказиб берувчиларни қишлоқ хўжалик районларига бириктириб қўйиш масаласини чуқурроқ қараб чиқиш лозим. Ҳозир бизда 60 миллион тоннадан зиёд минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда, 1975 йилда эса 90 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқариладиган бўлади. Агар бу иш билан жиддийроқ шуғуллансак, биз халқ хўжалигида химиявий ўғитларни оқилона ташишни жорий қилиш орқали катта маблағни тежаб қолишимиз мумкин.

Истеъмолчиларни гарантияланган комплекс таъминлашни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдони ривожлантириш халқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш йўлларидаан биридир. Планли ва қўшимча ресурслар ҳисобига улгуржи савдо орқали реализация қилинадиган маҳсулотларнинг барқарор ва йилдан-йилга ўсиб боровчи номенклатурасини вужудга келтириш зарур.

Мен ўз нутқимда олдимизда турган айрим проблемаларгагина, Госснаб ва унинг органлари ишидаги баъзи заиф томонларгагина тўхталиб ўтдим. Аммо бизнинг ишончимиз комплки, Госснаб ўз ишини доимий равишда яхшилаёт беради. Моддий-техника таъминоти умумдавлат системаси фаолиятини янада такомиллаштириш социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Госснаб системаси ходимлари мавжуд камчиликларга барҳам бериб, халқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини ташкил этишини янада яхшилаш учун, тўққизинчи беш йиллик топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар.

КҮП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

*„Коммунист“ журналыда босылган мақола,
1972 йил, 17-сон*

Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеалар ҳамда амалга оширилган ишлар орасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилганлиги жуда катта ўрин эгаллайди. Унинг ярим асрлик юбилейини шу кунларда мамлакатимиз меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният тантанали нишонламоқдалар.

ССР Иттифоқи — Улуғ Октябрь фарзандидир. Октябрь революцияси давлатнинг янги типини — социалистик Советлар Республикасини ва демократиянинг янги типини — ишчилар сийфи билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқига асосланган меҳнаткашлар учун демократияни вужудга келтирди. Бу эса экономика ва маданиятни социалистик негизда тубдан қуришнинг, миллий зулми тугатишнинг энг асосий сиёсий шартидир.

Октябрь революцияси туфайли озодликка чиққан собиқ Россия империясида яшовчи халқлар тарихда биринчи марта ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширдилар ва тенг ҳуқуқли Совет республикалари иттифоқига ихтиёрий равишда бирлашдилар. В. И. Ленин кўпмиллатли Совет давлатини барпо этиш ишига бевосита раҳбарлик қилди, унинг чинакам ижодкори бўлди.

В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия барча совет республикалари халқ хўжалигини юксалтиришни ҳамда орқада қолган республикалар ва районларни тезроқ ривожлантиришни кўзда тутган сиёсий йўлини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Шу нарса яхши маълумки, феодал ва ҳатто патриархал-уруғчилик тузуми босқичида қолиб келган халқларга ғоят катта иқтисодий ёрдам кўрсатилди, республикаларда ҳозирги замон саноатини барпо этиш учун, уларнинг қишлоқ хўжалиги ва маданиятини жадал ривожлантириш учун иттифоқ давлати томонидан катта-катта капитал маблағлар ажратилди.

Мамлакатимизнинг барча миллатлари ҳамда элатлари ва, энг аввало, рус халқи социализм ғалабаси муштарак ишига, Совет Иттифоқининг ва ҳар бир республиканинг ишлаб чиқарувчи қучларини қудратли даражада юксалтириш учун биргаликда олиб борилган курашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Рус халқи қисқа

муддатда мислсиз тараққиётга эришишда бошқа халқларга ёрдам берди. Эндилликда ҳар бир совет республикаси кўп тармоқли саноатга, механизациялашган қишлоқ хўжалигига ҳамда юксак даражада тараққий қилган фан ва маданиятга эга.

СССРда барча миллатлар ва элатларнинг монолит бирлиги барқарор қилинди, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди.

КПСС XXIV съезди қарорларининг амалга оширилиши, коммунизм моддий-техника базасининг барпо қилилиши социалистик миллатлар ихтиёрий иттифоқининг янада мустаҳкамланиши ва такомиллашувига, уларнинг раванқ топиши ва яқинлашувига ёрдам бермоқда. ССР Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётганлиги ҳар бир республикада хўжалик қурилишини муваффақиятли олиб бориш учун ғоят қулай шарт-шароит вужудга келтирмоқда, бу эса, ўз навбатида, бутун мамлакат иқтисодий куч-қудратининг мустаҳкамланишига олиб келмоқда.

Экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида Совет Иттифоқи эришган ютуқлар, унинг муҳофаа қудрати ва халқаро миқёсдаги юксак обрў-эътибори — буларнинг бари барча халқларнинг туб маънафатларини муҳофааз қилиш, уларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш ва коммунистик давлатга янгилаштирган Коммунистик партия ленинча мислий сиёсатининг натижасидир.

1. МАМЛАКАТ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ

Ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсларининг ўсиб, экономикада, жамиятнинг социал структурасида, халқнинг турмуш даражасида чуқур сифат ўзгаришлари юз бераётганлиги кўпмиллатли Совет давлати ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйишига олиб келди. КПСС XXIV съездининг СССРда ривожланган социалистик жамият қуриш ҳақидаги ҳулосаси социалистик қурилишнинг тажрибасини, тарихий муваффақиятларини умумлаштириб берди, марксча-ленинча назарияни янада ривожлантирди. Ривожланган социалистик жамият — инсоният эндилликда эришган социал тараққиётнинг юқори босқичидир.

Қудратли иқтисодий ва фан-техника потенциали, ишлаб чиқаришнинг юксак даражаси — ривожланган социалистик жамият экономикасининг энг муҳим хусусиятидир. Бу ҳол халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, совет кишиларининг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун социалистик тузумнинг афзалликлари ва имкониятларидан, хўжалик юриштишнинг унга хос бўлган форма ва методларидан, ҳозирги замон фани ва техникасининг энг янги ютуқларидан ҳар қачонгидан ҳам кўра тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Социалистик экономика 30-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан мамлакатда танҳо ҳукмронлик қила бошлади. СССРда ўша вақтдаёқ энг илғор ишлаб чиқариш муносабатлари тўла-тўқис қарор топди. Дастлабки икки беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатимизни индустриал жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Бироқ ўша даврдаги мавжуд моддий-техника базаси, шунингдек халқро вазият социалистик индустрияни жадал ривожлантириш, мамлакатнинг муҳофазасини мустаҳкамлаш билан бир вақтнинг ўзида халқнинг турмушини тубдан яхшилаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишга имкон бермасди. Ўша йиллари мамлакатимиз капиталистик қуршовда бўлиб, халқро империализмнинг асосий кучи — фашизмга зарба беришни таъминлаш учун жуда кўп куч-гайрат сарфлаши

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишла чиқариш

	1928 йил	1940 йил	1948 йил	1960 йил	1972 йил / баъзири- лиши кў- тилади/.
Электр энергияси, млрд. киловатт-соат	5	48,3	66,3	292,3	860
Нефть (газ конденсатисиз), млн. тонна	11,6	31,1	29,2	147,2	393,3
Табий газ, млрд. куб метр	0,3	3,2	5,2	45,3	221
Кўмир, млн. тонна	35,5	169,9	208,2	509,6	656
Пўлат, млн. тонна	4,3	18,3	18,6	65,3	126
Минерал ўғитлар (шартли бирликда), млн. тонна	0,1	3,2	3,5	13,9	65,6
Химиявий тола, минг тонна	0,2	11,1	11,1	211,2	742,5
Металл қирқувчи станоклар, минг дона	2	58,4	64,5	155,9	208,5
Темирчилик-пресс машиналари, минг дона	0,1	4,7	6,9	29,9	43,7
Машинасозлик ва металл ишлаш, комплектлар учун автоматик ва ярим автоматик линиялар	—	1	3	174	699
Автомобиллар (жами), минг дона	0,8	145,4	197,1	523,6	1380
Шу жумладан энгил автомобиллар Тракторлар, минг дона:	0,05	5,5	20,2	138,8	729,5
физик бирликда	1,3	31,6	56,9	238,5	479
15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда	1,8	66,2	144,2	475,4	1300
Дон ўрайдиган комбайнлар, минг дона	—	12,8	14,5	59	95,
Қоғоз, минг тонна	284,5	812,4	773	2334	4619
Цемент, млн. тонна	1,8	5,7	6,5	45,5	104,4
Газламалар, млн. кв. метр	2198	3300	2627	6636	9527
Ички ва устки трикотаж, млн. дона	8,3	183	127,2	583	1344
Чарм пойафзал, млн. жуфт	58	211	134	419	676
Кенг эшиттиришли телевизорлар, минг дона	—	0,3	4,2	1726	5973
Рўзгор холодильниклари, минг дона	—	3,5	0,3	529,5	5100

лозим эди. Ишлаб чиқариш ва мудофаа потенциални жадал суръатда вужудга келтириш манфаатлари баъзида бир қатор эҳтиёжларимизни қондиришни чеклашга мажбур этарди.

Ҳозирги вақтга келиб халқ хўжалиги барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ишлаб чиқариш-техника имкониятлари ўша даврдагига нисбатан кўп марта ортди, кадрларнинг малакаси ошди. Фан, техника ва маданият тез ривожламоқда. Эндилликда ишлаб чиқарилаётган ялпи иқтимоий маҳсулот 717 миллиард сўмни ташкил этади, бу эса партия мамлакатимизда социализм ғалаба қилганлиги ҳақида хулоса чиқарган 1936 йилдагига нисбатан 14 барабар кўпдир.

Совет экономикасининг ривожланишидаги энг муҳим тарихий даврлар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми билан характерланади. Юқорида келтирилган маълумотлар биринчи беш йилликнинг бошланишида, Улуғ Ватан уруши арафасида, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича асосан урушдан олдинги даражага эришилган урушдан кейинги даврда, еттинчи беш йилликнинг бошланишида ва СССР ташкил этилганга 50 йил тўладиган йилда ишлаб чиқариш даражаси қандай бўлганлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда СССР саноат маҳсулотларининг жуда кўп турлари — металл маҳсулотлари, қўшма қувватли машиналар, турбиналар, электр турбиналари, электр турбиналари, бундан ташқари энг муҳим турлари — пулат, металл қирқувчи стапоклар, тракторлар, магистрал тешиловозлар ва электро-возлар, цемент ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш қурулмалари ҳажми ва бундан қўшма кўрсаткичлар бўйича эса охириги уришга чиқиб олди.

СССРда миллий даромад ҳажми муттасил кўпайиб бораётганлиги ҳозирги иқтимоий ишлаб чиқариш миқёсларидан далolat беради. Совет Иттифоқи ташкил топган 1922 йилга нисбатан миллий даромад 100 барабардан зиёд кўпайди. Барча иттифоқдош республикаларда миллий даромад юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Миллий даромаднинг абсолют ўсиши ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

СССР миллий даромадининг ўсиши

(йилига ўрта ҳисобда 1965 йилга қиёсий баҳоларда)

	1946—1955 йиллар	1956—1965 йиллар	1966—1970 йиллар	1971—1975 йиллар /плани/
Абсолют ўсим, млрд. сўм	6,5	9,4	15,7	20,7
Ўсиш процентининг абсолют миқдори, млн. сўм	542	1343	2181	3044

Мамлакатимизда миллий даромаднинг ўсиш суръатлари иқтисодий жиҳатдан энг тараққий қилган Ғарб капиталистик мамлакатлардагига нисбатан анча юқоридир. Масалан, 1951 йилдан 1972 йилгача бўлган давр ичда СССРда миллий даромад 5,8 баравар ўсгани ҳолда, Англияда 1,7, АҚШда — 2, Франция ва Италияда — 3, ГФРда — 3,5 баравар ўсди.

Ҳамият эга бўлган барча моддий неъматларни ўз ичига олувчи миллий бойлик мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичидир. Совет Иттифоқи жуда катта халқ бойлигига эга. СССР Марказий статистика бошқармасининг ҳисоб-китобларига кўра мамлакатимизнинг миллий даромади (ер ва ўрмонни ҳисобга олмаганда) ҳозирги вақтда тахминан 1 триллион 500 миллиард сўм баҳолавади, яъни революциядан олдинги даврга нисбатан 20 баравар кўпайди. Бунга Совет Иттифоқи бошида кечирган жуда катта маҳрумликларга қарамай эришилди; бу маҳрумликлар фақат Улуғ Ватан уруши даврида миллий даромаднинг салкам 30 процентини ташкил этганди. Жаҳондаги биронта мамлакат бундай катта маҳрумликларга дучор бўлган эмас.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ўсиб бориши натижасида СССРда халқ бойлиги тез кўпайиб бормоқда. Халқимиз СССР билан энг йирик капиталистик давлат ҳисобланган АҚШ ўртасида миллий бойлик миқёсларидаги фарқни анча камайтиришга муваффақ бўлди. Миллий бойликнинг энг муҳим қисмини асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади, улар 1913 йилга нисбатан 23 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда СССРда асосий ишлаб чиқариш фондларининг даражаси уларнинг қиймати бўйича олганда АҚШ асосий ишлаб чиқариш капитали даражасининг салкам 70 процентини ташкил этади.

Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигини олиб боришга яроқли жуда катта ер майдонига эга. Дунёдаги ёғоч запасларнинг салкам тўртдан бир қисми унинг ҳиссасига тўғри келади. Темир ва марганец рудалари, апатитлар, кўмир, табиий газнинг аниқланган запаслари бўйича СССР жаҳонда биринчи ўринни, бошқа кўпгина фойдали қазилмаларнинг аниқланган запаслари бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. В. И. Ленин социалистик қурилиш учун табиий ресурсларнинг аҳамиятини таъкидлаб «энг янги техника усулларини қўлланиб», мана шу табиий бойликларни ишга солиш «ишлаб чиқариш кучларининг мисли кўрилмаган даражада тараққий қилиши учун асос бўлади»¹, деб ёзган эди.

Ишлаб чиқаришнинг моддий факторлари составидагина эмас, балки меҳнат ресурсларининг шаклланишида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг сони 1936 йилдаги 27,2 миллион кишидан 1972 йилда 95 миллион кишига, ёки 3,5 баравар кўпайди. Бунда халқ хўжалигида банд бўлган ҳар минг

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 27-том, 261-бет.

кишидан 1939 йилда 123 киши олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумотга эга бўлган бўлса, 1972 йил охирига келиб олий ва ўрта маълумотлилар 718 кишидан иборат бўлди.

Ривожланган социалистик жамият учун экономиканинг ҳар томонлама, комплекс тарзда ривожланиши характерлидир. Энг аввало, мамлакатнинг янада индустриалаштирилиши, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш сингари тармоқларининг, аҳолига хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларнинг индустриал асосда қайта қурилиши ҳисобига халқ хўжалигининг тармоқ структураси тубдан ўзгариб кетди. Агар дастлабки беш йилликлар даврида революциядан олдин Россияда мавжуд бўлмаган саноат тармоқларини вужудга келтириш жараёни кечган бўлса, ҳозирги вақтда СССР экономикаси юксак даражада тараққий қилган индустриал мамлакатларга хос бўлган барча тармоқларни ўз ичига олгандир.

Совет Иттифоқи социалистик экономиканинг ажралмас қисми ҳисобланган юксак даражада механизациялашган йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига эга. Эндилликда мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 20 проценти қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади. Юқори маҳсулли қишлоқ хўжалиги — экономиканинг асосий тармоғидир. Индустриалаштирилиши билан бирга, халқнинг моддий фаровонлигини анча ўстириш, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Нартия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигида муваффақиятлар бермоқдалар. Коммунистик партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш соҳасида изчил йўлни амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини муттасил юксалтиришни, унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш учун уни жадал ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг яхлит ва уйғун системасини ишлаб чиқди.

Социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи ишлаб чиқаришнинг янги кўламли ҳамда илмий-техника революцияси туфайли ишлаб чиқарувчи кучларда сифат жиҳатдан ўзгариш содир бўлаётганлиги билан характерланади.

Ҳозирги вақтда фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаси кучайиб бораётганлигининг таъсири остида аслида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жадал ўзгаришлар юз бермоқда, бунда ишлаб чиқаришнинг техника даражаси тобора кўпроқ фаннинг муваффақиятлари билан, фаннинг тараққиёти эса ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар билан белгиланмоқда. Буларнинг барчаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожлашиши учун сифат жиҳатдан янги-ча шароит вужудга келтирмоқда.

Илмий-техника революцияси энергиянинг янги турларини, янги материалларни, замонавий коммуникация воситаларини, технология жараёнларини бошқариш воситаларини тобора кенг сурат-

да қўлланиш билан, яъни ишлаб чиқаришнинг техника базасини ҳам, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш формаларини ҳам чуқур қайта қуриш билан характерланади. Илмий-техника революцияси таъсири остида атом энергетикаси, пластик массалар ва химиявий толалар ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, электрон sanoat, ҳозирги замон приборсозлиги, микро-биология sanoati ва бошқа шу сифари бир қанча янги тармоқлар вужудга келтирилди.

Илмий-техника революцияси кўпгина проблемаларни олдимизга қўймоқда. Бу проблемаларни шу беш йилликдаёқ ҳал этиш зарур. Энди шу проблемаларда айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга кўчиш илмий-техника революциясининг энг муҳим звеноси бўлиб, бу бир талай тадбирларни амалга оширишни: машиналар системасини яратишни, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражасини оширишни ва шу кабиларни назарда тутди.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш проблемаларини ҳал этиш, шунингдек алоқа ва бошқарувни такомиллаштириш ҳозирги кунда ҳисоблаш техникаси ва электроника воситаларини кенг қўлланишга асослади. Электрон-ҳисоблаш техникаси асосида технология жараёнларини, айрим корхоналарни, тез орада эса бутун-бутун тармоқларни ҳам бошқариш системаларида фойдаланиш илмий-техника революциясининг энг муҳим хусусиятиридан биридир.

Ҳозирги вақтда атом электр станциялари амалий аҳамият касб этиб, кенг кўламларда қурилмоқда. Уларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари арзон ёқилғи ресурсларидан олинса жойлашган районлар учун иссиқлик электр станцияларининг кўрсаткичлари билан бемалол «рақобатлаша оладиган» бўлиб қолди. Жадал нейтронларда ишлайдиган атом реакторлари барпо этиш ва ишлатиш учун ўзлаштириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Табiiй ядро ёнилғисидан хийла тўла — бир неча ўн барабар ортiқ — фойдаланиш бундай типдаги реакторларнинг муҳим хусусиятидир. Жадал нейтронларда ишлайдиган реакторлар атом энергетикасининг келажагидир.

Sanoatning кўпгина тармоқларини ривожлантириш учун ҳозирги кунда фан яратаётган бутунлай янги материаллардан, масалан, янги иссиққа чидамли қотишмалар, пластмассаларнинг янги турлари, сунъий олмослар ва шу сингарилардан фойдаланиш имкониятлари амалда вужудга келмоқда.

Турли технология жараёнларида лазер қурилмалар, радиация химияси методлари тобора кенг суратда қўлланилмоқда. Энди кун тартибда ўта ўтказувчан материаллардан фойдаланиш масаласи турбди.

Қишлоқ хўжалигида тупроқни ишлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва бошқа бир қатор ишларни анча тезкорлик усулида бажаришга тобора кўпроқ ўтилмоқда. Янги қудратли тракторлар, дон ўрадиган комбайнлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари яратилганлиги бунга яқин бермоқда. Бу чорвачиликни индустриallashtiriш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши технологиясида муҳим ўзгаришлар содир бўлаётганини кўрсатади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, экономикампзнинг ривожланиш суръатлари фақат ва техника ютуқларида ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Илмий-техника революцияси жамиятимизнинг социал структурасида, турмуш даражаси ва истеъмол структурасида, шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг турмушини ташкил этиш ва бошқа соҳаларда юз бераётган ўзгаришларнинг характерига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Инсонни оғир жисмоний меҳнатдан халос этиш яраёни кечмоқда, меҳнатнинг мазмунини ҳам ўзгармоқда, у чинакам ижодий фаолиятга айланиб бормоқда.

Ишлаб чиқарувчи кучларда юз бераётган чуқур ўзгаришлар, илмий-техника революцияси ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бунга турмуш шартлари, техника тараққиёти истиқболларига атрафияча баҳо беришни талаб этмоқда. Халқ хўжалигининг ривожланиш истиқболларини белгиловчи бўлиши керак.

Коммунистик партия ва Совет давлати фан ва техниккага, олимларнинг ишлаши учун гоаят қулай шароитни таъмин этишга доимо катта эътибор бериб келдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилнинг ўзида фан ва техникани ривожлантиришга салкам 28 миллиард сўм маблағ ажратилди. Илмий ходимлар сонини 1940 йилдаги 98 минг кишидан 1971 йилда 1 миллион кишига кўпайди.

Социалистик хўжалик системаси, уни ривожлантиришнинг планли характери илмий-техника революцияси ютуқларидан яна ҳам тўла фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш учун кенг имконият яратмоқда. Илмий-техника революциясининг гоаят катта кучлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тезроқ ошириш йўлида хизмат қилмоғи учун ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида айтиб ўтганидек, «фан-техника революцияси ютуқлари билан социалистик хўжалик системаси афзалликларини узвий равишда қўшишдан, фан билан ишлаб чиқаришни бирга қўшишнинг социализмга хос ўз формаларимизни кенг ривожлантиришдан» иборат тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал этиш зарур.

Совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичи экономиканинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган

вазифаларини ҳал этиш томон тобора кўпроқ юз ўгираётганлиги билан характерланади.

Кўпмиллатли Совет давлатининг бутун тарихи давомида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва маданий даражасини оширишдан иборат катта-катта вазифалар ҳал қилинди. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва миллий даромад юксак суръатлар билан ўсиб борганлиги бунга ёрдам берди. Ҳозирги вақтга келиб бир ишловчи ҳисобига олганда реал даромад революциядан олдинги даражага нисбатан саноат ва қурилиш ишчиларида ўрта ҳисобда 8,5 барабар, деҳқонларда эса — 12 барабар кўпайди. «Фақат социализмгина, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — ҳамма меҳнаткашларнинг турмушини қандай қилиб энг осон қилиш, уларнинг фаровон бўлишига имкон берадиган қилиш учун жамият ишлаб чиқаришини ва маҳсулотларини тақсим қилишни янги мулоҳазалар асосида кенг ёйишга ва чинакамга бўйсундиришга имкон беради. Бунини фақат социализмгина амалга ошира олади»¹.

Меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимлаш социалистик принципига мувофиқ равишда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг оширилиши ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг даромадлари ортиб боришининг асосий манбаи ҳисобланади. Маълумки, Октябрь революциясидан кейинроқ дарҳол тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципи эълон қилинган ва ўрнатилган ҳамда жинси, ёши, миллатига қараб меҳнатга ҳақ тўлашдан иборат камситишга абадий барҳам берилганди.

Коммунистик партия ва Совет давлати халқнинг турмуш даражасини ошириш йўллари ва методларини таплар эканлар, социалистик такрор ишлаб чиқариш системасида меҳнатга ҳақ тўлашининг туган ўрни ва роли ҳақидаги марксча-ленинча қондага изчил суратда амал қилмоқдалар. Социализм даврида меҳнатга яраша тўланадиган ҳақ — меҳнаткашлар даромадларининг асосий манбаи, уларнинг моддий фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилли. Меҳнатга яраша тўланадиган ҳақ меҳнат улумдорлигини оширишдан меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтиради ва шу билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. В. И. Ленин тақсимотни ташкил қилиш, унинг у ёки бу формаларини тавлаш чоғида «...тақсимоғ ишлаб чиқаришни кўтариш учун хизмат қиладиган бир метод, қурол, восита»² эканлигини ёдда тутиш керак, деб таъкидлаган эди.

Иш ҳақи минимал миқдорининг кўпайтирилиши, ўртача ҳақ тўланадиган ишчи ва хизматчилар ставка ҳамда маошларининг оширилиши, янги техникани яратиш ва жорий қилиш ҳамда меҳ-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 27-том, 434-бет.

² В. И. Ленин. Асарлар, 32-том, 500-бет.

нат унумдорлигини ўстиришга кўпроқ таъсир этиш, шунингдек ишлаб чиқаришни кўнайтиришдан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилашдан колхозчиларнинг меҳнатини рағбатлаштириши мақсадида мукофотлаш системасининг такомиллаштирилиши — буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Бундан бун ҳам тақсимот меъёрини меҳнат меъёри билан маҳкам қўшиб олиб бориш, тақсимотнинг ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш зарур.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тақсимотнинг социалистик принципини такомиллаштиришга, уни ҳақини ташкил этишга, мукофотлаш системасини яхшилашга катта эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь (1965 йил) Пленумларининг, КПСС XXIII ва XXIV съездларининг қарорлари бу соҳада муҳим роль ўйнади. Корхоналарда, совхоз ва колхозларда ишнинг барча сифат кўрсаткичларини яхшилашдан меҳнаткашларнинг шахсий ва коллектив моддий манфаатдорлиги анча ошди. Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг шахсий даромадлари сезиларли даражада кўнади. Умумдавлат ижтимоий истеъмол фондларига кўшимча равишда корхоналарнинг ўзидан вужудга келтириладиган ижтимоий истеъмол фондларининг ҳажми сезиларли даражада ўсди. Корхоналарда ва ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тўғқизинчи беш йиллик режани ўртага солиш ҳақида 22,4 процент ошириш кўзда тутилган, 1975 йилда иш ҳақи даражаси 1955 йилги даражадан 2 барабардан зиёд ортади. Беш йиллик мобайнида колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ ўрта ҳисобда 30,6 процент кўнади.

Социализм даврида меҳнаткашларнинг даромадини вужудга келтиришда ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишда ижтимоий истеъмол фондлари гоят катта роль ўйнади. Меҳнаткашларнинг бир қанча муҳим эҳтиёжлари ана шу фондлар орқали қондирилмоқда. Жамият барча аъзоларининг кўпгина эҳтиёжларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олган. Совет Иттифоқининг граждандари айни шу ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига бепул ўқимоқдалар, олий ўқув юрларида таълим олмоқдалар, пенсия, нафақа, бепул медицина ёрдами олмоқдалар ва ҳоказо.

СССРда социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида ижтимоий истеъмол фондларининг узлуксиз равишда ўсиб бориш жараёни кечмоқда. Чунончи, ана шу фондлар ҳисобидан берилган турли тўловлар ва имтиёзлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1940 йилдаги 24 сўмдан 1972 йилда 295 сўмга кўнади, яъни 12,3 барабар ортди. 1975 йилга бориб улар аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда 353 сўмни ташкил этади.

Социализм шароитида ижтимоий истеъмол фондларининг ўсиб бориши совет кишиларини буржуа ҳаёт тарзига хос бўлган индивидуал ва юлғунчилик руҳига қарама-қарши бўлган коллективизм руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилашда пборат кенг программа муваффақиятли бажарилмоқда. СССРда уй -жой қурилишига сарфланган жами капитал маблағ 1950 йилга нисбатан 6 баравардан зиёд кўпайди. Шу беш йилликда умумий майдони 580 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланган. Бу урушдан олдинги бутун шаҳар уй-жой фондидан қарийб 1,4 баравар кўпдир. Коммунал хизмат кўрсатишга ҳамда шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Совет Иттифоқи халқ маорифи соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларга баҳо бериш қийин. Совет давлати чоризмдан ёппасига саводсизликни мерос қилиб олди. Европада Россиядан бўлак, халқ оmmasи маълумот, маориф ва билим жиҳатидан шу қадар маҳрум қилинган биронта ҳам мамлакат қолган эмас, деб ёзган эди В. И. Ленин 1913 йилда. 9 ва ундан катта ёшда бўлганлар орасида саводсизлар аҳолининг 76 процентини ташкил қиларди. Қишлоқ аҳолиси орасида саводсизлар 80,4 процент, шу жумладан хотин-қизлар орасида —91,4 процент эди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида барча иттифоқдош республикаларда мишглаб янги мактаблар қурилди, университетлар ва институтлар кенг шохобчаси вужудга келтирилди. Натижада кадрларнинг маълумоти ва тайёргарлиги даражаси жиҳатидан СССР жаҳондаги илгор мамлакатларининг бирига айланди. 1970 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш шуни кўрсатдики, иккала жинсга мансуб саводли граждaнлар 99,7 процентни, шу жумладан шаҳар аҳолиси 99,8 ва қишлоқ аҳолиси 99,5 процентни ташкил этган. Бошланғич, саккиз йиллик ва ўрта мактаблардаги ўқувчилар сопи революциядан олдинги 9,7 миллион ўрнига шу ўқув йилида СССР бўйича 49,3 миллион кишини ташкил қилди. Революцияга қадар Россияда олий ўқув юрлари ва техникумларда 182 минг студент таълим олган бўлса, СССРда эса эндиликда 9 миллиондан зиёд студент ўқимоқда. Мамлакатимизда олий ва ўрта махсус таълим олиш учун барча миллат граждaнларига кенг имкониятлар яратиб берилган. Ҳар бир республикада олий ва ўрта малакали кадрлар тайёрланмоқда. Ўн миллионлаб кишилар ўрта, ўрта махсус ва олий маълумот олдилар.

Совет кишиларининг фаровонлиги ва маданиятини ошириш соҳасида эришилган даража — давлатимизнинг жуда катта ютуғи, социалистик тузум афзалликларининг ёрқин намоёишидир.

Ҳозирги вақтда совет экономикаси илгор ишлаб чиқариш муносабатларини юксак даражада ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар билан узвий равишда боглайди. Шу туфайли халқнинг

турмуш даражасини яхшилаш йўллари ҳақидаги масала кўп соҳаларда янгича қўйилмоқда. Совет жамияти ривожланганининг шундай босқичига кирдики, бунда тез ўсиб бораётган моддий имкониятлар унга мамлакатнинг иқтисодий куч-қудратини янада ўстириш ва мудофаа қувватини мустаҳкамлаш билан бир вақтда социал вазифаларни яна ҳам тўла ҳал этиш имконини бераётир. Бу ерда гап халқ учун шундай турмуш шароитини яратиш ҳақида бораптики, бундай турмуш шароити шахснинг анча ўсган моддий эҳтиёжларига, ақлий ва социал талабларига, ҳар тарафлама камол топиши манфаатларига мос бўлиб тушади. Шунинг назарда тутиш керакки, бугунги кунда совет кишиларининг фаровонлиги ва маданий даражаси ошганлиги фақат ишлаб чиқаришнинг ривожланishi натижаси бўлмай, балки уни янада ўстириш ва такомиллаштиришнинг муҳим шарт-шароити ҳамдир. Иқтисодий ва социал вазифаларнинг бир бутунлиги, совет кишисининг ҳаётига тааллуқли масалаларнинг бутун комплексига эътибор берилаётганлиги тўққизинчи беш йиллик планда айниқса яққон кўринди.

Совет экономикаси тараққиётининг ҳозирги босқичда планлаштириш ва хўжалик раҳбарлиги бутун системасига янада юксак талаблар қўйилмоқда.

Совет жамиятида революциясининг ривожланishi, халқнинг турмушини яққон яхшилаш заруратида келиб чиқади. Халқ хўжалигини плани бонқаришнинг янада даврага ўтказилиши ва социалистик жамият афсаликлари ва имкониятларидан фойдаланишнинг зарур шартдир.

Марказлашган планлаштиришнинг, бонқаришнинг ташкилий структурасини, ишлаб чиқаришга иқтисодий таъсир кўрсатиш методларини яхшилаш хўжалик ташкилотларининг эътиборини беришчи гада иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллардан фойдаланишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратиши лозим. Марказий Комитетнинг март ва сентябрь (1965 йил) Пленумлари ҳамда КПСС XXIII съездининг қарорларига мувофиқ равишда бошлашган экономикани бонқариш системасини қайта қуриш иши айни шу вазифаларни бажаришга, янги халқ хўжалигини планлаштиришнинг такомиллаштиришга, унинг илмий даражасини оширишга қаратилгандир. Планлаштиришнинг янги системаси ривожланган социалистик жамият шароитларига яна ҳам тўла мос келадиган хўжалик механизмини вужудга келтиришга олиб боради, социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принципларини изчиллик билан қўлланиш ва яққон ривожлаштириш учун тагин ҳам кенг имконият очади.

Иқтисодий, илмий-техника ва социал проблемаларни ҳал қилишга комплекс тарзда ёндашиш кучаймоқда. Йўмладап, ишлаб чиқариш планлари билан бир қаторда корхоналар коллективларининг социал тараққиёти планларини, кейинги вақтларда эса —

алоҳида шаҳарлар ва областларнинг социал тараққиёти пландарини ишлаб чиқиш практикаси шундан далолат беради.

Хўжалик юретишнинг янги методларини амалга ошириш соҳасида катта тажриба ортирилди. Ана шу тажрибани умумлаштириш қилинган ишларни ижобий баҳолаш ҳамда хўжалик ислоҳотини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий манфаатдорлик механизмини такомиллаштириш ҳамда план топшириқларининг бажариллиши учун хўжалик органларининг масъулиятини ошириш истиқболларини белгилаш имкониятини беради.

Ўзибўларчилик ва стихиялилик социалистик экономикага ётдир. Бизнинг жамиятимизда иқтисодий муносабатларни, хўжалик юретиш форма ва методларини такомиллаштириш объектив иқтисодий қонувларни билиш ва улардан фойдаланиш асосида плавлари бошқариладиган жараён сифатида амалга оширилади. Совет давлатининг жуда катта хўжалик-ташкilotчилик роли худди шунда намойён бўлмоқда.

Экономикани бошқариш системасида давлат плавлари етакчи ўрнини эгаллайди. Объектив иқтисодий қонувлар талабларига мос келадиган, ҳам бутун халқ хўжалигининг, ҳам ишлаб чиқариш коллективларининг манфаатларини ҳисобга олувчи илмий жиҳатдан чамаланган план топшириғи социалистик ишлаб чиқаришнинг бошқаришнинг энг муҳим иқтисодий методи ҳисобланади. Тўққизинчи беш йиллик планининг ишлаб чиқилиши ҳамда унинг асосий топшириқлари йиллар бўйича тақсимланиб, бу топшириқларнинг корхоналар ва ташкilotларга етказилиши бутун план ҳамда хўжалик ишини яхшилаш учун зарур шарт-шароит вужудга келтирди. Биз бундан буён ҳам планларнинг сифатини ошира борганимиз, уларнинг баланслигини таъминлашимиз, план интизомини мустаҳкамлашимиз лозим. Бу марказий план ва хўжалик органларининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Планлаштиришни янада такомиллаштириш совет экономикасини яна ҳам узоқ муддатли мўлжаллаб ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг қарорларига мувофиқ СССР халқ хўжалигини 1976—1990 йилларда ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган перспектив планини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Узоқ муддатга мўлжалланган перспектив план партиянинг узоқ истиқболли кўзловчи социал-иқтисодий сиёсатининг конкрет ифодаси бўлиб, коммунизм моддий-техника базасини пачил суратда яратиб бориш, кенг кўламдаги социал тадбирларни амалга ошириш ва халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш йўллари ҳамда воситаларни белгилаб беради. Уни ишлаб чиқиш вақтида ватан ҳамда жаҳон фақи ва техникаси эршиган ҳар томонлама интенсификаштиришни, ижтимоий ишлаб чиқариш-

нинг самарадорлигини оширишни, меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришни ҳамда мамлакатнинг мудоффа қудратини мустаҳкамлашни таъмин этувчи муваффақиятлар ҳисобга олиниши керак.

Узоқ муддатга мўлжалланган плаanning ишлаб чиқиши уни тузишда, одатда, йиллик ва беш йиллик плапларни ишлаб чиқиш методларидан фарқ қиладиган янги методлар ҳамда ташкилий формалардан фойдаланишни тақозо қилади. Бу плаanning асосида энг муҳим социал-сиёсий мақсадларни белгилашни ҳам ўз ичига олувчи мамлакатни узоқ муддатли мўлжаллаб ривожлантиришнинг ягона бир бутун концепцияси ётиши керак. Узоқ муддатга мўлжалланган плаanni ишлаб чиқиш методлари ҳамда бу ишни ташкил этиш илмий-техника революциясининг ҳозирги ва келажакдаги ютуқларини жорий қилишни назарда тутмоғи, унинг иқтисодий ҳамда социал оқибатларини ҳисобга олмоғи лозим.

Буларнинг ҳаммаси план ва хўжалик органлари, шунингдек илмий-тадқиқот муассасаларининг, шу жумладап, фундаментал табиёт ва иқтисодий фанлар соҳасида ҳам яқин ҳамкорликда ҳамда ўзаро боғланган ҳолда иш олиб боришларини талаб қилади. План, хўжалик ходимларининг ва олимларнинг куч-гайратини иккинчи ҳамда амалий тарзда ишга соғиратиш, таъминлаш ва хўжаликнинг ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган илмий жиҳатдан асосланган плаanning тузиш мумкин.

Халқ хўжалик проблемаларини комплекс тарзда ишлаб чиқиши ҳамда ҳал этиши учун, плаanni таъбирлашнинг энг муҳим методологик принципи бўлмоғи лозим. Бунда масалаларни у ёки бу тарзда ҳал қилишнинг мамлакатни техникавий, иқтисодий ва социал ривожлантириш учун келтириши мумкин бўлган оқибатларини пухта ва атрофлича ҳисобга олиш зарур.

Узоқ муддатга мўлжалланган планда фан-техника, иқтисодий ва социал проблемаларни комплекс тарзда ҳал этиш илмий муассасаларнинг кенг тармоғига ҳамда юқори малакали кадрларга эга бўлган Фанлар академияси олдида перспектив проблемаларни ишлаб чиқишда уларнинг яна ҳам актив иштирок этиши зарурлиги, шу ечимларнинг сифатини ҳамда тавсияларнинг асосланганлигини ошириш ҳақидаги масалаларни қўяди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган плаани коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида янги босқич бўлмоғи керак.

Совет жамяяти тарққиёти ҳозирги босқичининг хусусиятлари социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги ичيدا сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Социалистик хўжалик системаси, социализм мамлакатларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами жаҳон социализм системасида ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлади. 1917 йилда ўша вақтда бирдан-бир социалис-

тик мамлакат бўлган Советлар мамлакатининг жаҳон саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришидаги улуши 3 процентдан ҳам камроқни, 1920 йилда салкам 1 процентни ташкил қилган бўлса, 1937 йилда социалистик мамлакатлар (СССР ва Монголия)нинг улуши салкам 10 процентни ташкил этди, 1950 йилда барча социалистик мамлакатларнинг улуши тахминан 20, 1955 йилда 27 процентга тенг бўлди. 1971 йилда социализм мамлакатлари жаҳон саноат маҳсулотининг тахминан 39 процентини ишлаб чиқардилар. Социализм мамлакатлари иқтисодий соҳада интенсив ривожланиб бораётганлиги социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг юксак даражада етуклигидан далолат беради.

Социалистик мамлакатларнинг бир типдаги иқтисодий ва давлат тузумига ҳамда ягона марксизм-ленинизм идеологиясига асосланган бирлиги ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXV сессиясида қабул қилинган социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаси уларнинг иқтисодий ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлигида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Бу босқич миллий хўжаликларнинг ўзаро алоқалари тобора кучайиб бораётганлиги билан характерланиб, у ЎИЕК мамлакатлари бутун ҳамдўстлигининг манфаатларини ҳам, шунингдек улардан ҳар бирининг миллий манфаатларини ҳам назарда тутди. Интеграция ЎИЕК мамлакатларида фан-техника тараққиётини кўп даражада тезлаштирмоқда, социалистик таъдор ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамламоқда, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошишига ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан тўлароқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасининг амалга оширилиши ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлардан ҳар бирининг социал-иқтисодий ривожланишига ҳамда социалистик ҳамдўстлигининг умумий иқтисодий куч-қудрати ўсишига ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий таъсир кўрсатмоқда ва, шак-шубҳа йўқки, олга томон борилган сари тобора кўпроқ ижобий таъсир кўрсатаверади.

ЎИЕК мамлакатларининг биргаликдаги фаолияти умумий ишлаб чиқариш проблемаларини ҳам, шунингдек илмий-техника проблемаларини ҳам ҳал этишга тобора кўпроқ даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу фаолият мақсадга мувофиқ бўлган халқаро меҳнат тақсимотиغا, миллий ҳамда интернационал манфаатларни маҳкам қўшиб олиб боришга, барча иқтисодий ҳамда сиёсий вазифаларни ҳал қилишга марксча-ленинча ёндашишга асосланади. Социалистик интеграция, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулотларни бир-бирига етказиб бериш йил сайин кўпайиб бормоқда ва халқ хўжалик планларида сезиларли роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Социалистик давлатлар олдида саноатнинг энг

муҳим тармоқларида ихтисослаштириш ва кооперациялаштиришни келгайтириш, экономикани жадал юксалтириш, жаҳон социализм системасининг мудофъа қудратини янада мустаҳкамлаш учун янги-янги имкониятлар вужудга келмоқда.

Совет Иттифоқи составига киргап барча миллатлар ва элатларнинг фидокорона меҳнати натижасида мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилди. Социалистик мулкнинг барқарор қилинганлиги ҳамда эксплуататор синфлар тугатилганлиги натижасида умуман СССРда ва алоҳида ҳар бир республикада экономиканинг юқори суръатлар билан ривожланиши таъминланди, кенг қўламдаги социал ўзгаришлар амалга оширилди, халқнинг турмуш даражаси юксалишига, маданиятнинг равиқ топишига эришилди.

Коммунистик партия ва Совет давлати ленинча миллий сиеатни амалга ошира бориб, барча районларда ишлаб чиқаришнинг шу қадар юксалиши учун жуда қўн ишлар қилдиларки, бу юксалиш барча совет республикаларининг тараққиёт даражасини аста-секин ва оғинмай барабарлаштириб боришни таъмин этмоқда.

Коммунистик партия ўзининг фаолиятида энг аввало коммунизм қурилишида Совет Иттифоқининг барча

иқтисодий районлар ўртасида янаи асосида амалга оширилаётган ҳамда табиий шарт-шароитларни ва хом ашё ресурсларини, аҳоли сонини ҳисобга олиб, иқтисодий тенгсизликни қисқартира олиш, социалистик меҳнат тақсимоти халқларнинг умумий манфаатларига мос бўлиб туримоқда. Бу меҳнат тақсимоти республикалар ва иқтисодий районларни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит энг қўн бўлган ишлаб чиқаришлар бўйича ихтисослаштиришни кучайтириш асосида ривож топиб бормоқда.

Халқ хўжалигига умумдавлат планли раҳбарлиги Совет Иттифоқининг республикалари ва районлари ўртасида ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ҳамда меҳнат тақсимотининг афзалликларидан фойдаланиш, бутун Иттифоқнинг ҳамда уш ташкил этувчи ҳар бир республиканинг умумий манфаатларини тағини ҳам тўлароқ ҳисобга олиш ва тўғри қўшиб олиб бориш имконини беради.

Мамлакатни социалистик индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларидаёқ Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар мавжуд бўлган иқтисодий тенгсизлигига асосан барҳам берилди. Чор Россиясининг собиқ чекка ўлкалари бўлган ҳамда мамлакатнинг асосий саноат марказлари учун хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб келган бу районлар Совет Иттифоқининг юксак даражада тараққиё қилган индустриал районларга айланди.

Иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий тараққиёти даражасини бараварлаштириш соҳасида биз қаидай муҳим ўзгаришларга эришганлигимизни қўйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. 1913 йилда мамлакат Европа қисмининг учта райони — Марказий сапоат, Шимоли- Ғарбий ва Жанубий районлари — Россиядаги сапоат бутун ялпи маҳсулотининг ярмисини ишлаб чиқарарди. Сибирь, Узоқ Шарқ, Урал ва Ўрта Осиё районлари биргаликда ўша йили сапоат маҳсулотининг атиги 11 процентини берган эди. 1971 йилда СССРнинг жуда катта сапоат ишлаб чиқаришида бу районларнинг улуши икки баравардан зиёд кўнайдди.

Лекинча миллий спёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши асосида умуман бутун мамлакатнинг ва алоҳида ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси тез юксалиб борди. Илгариги қолоқ қишлоқ хўжалик республикалари эндиликда юксак даражада индустриалашган республикаларга айланди. Барча иттифоқдош республикаларда юксак даражада ривожланган сапоат ҳамда йирик механизациялашган қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди. Меҳнаткашларнинг социал состави ўзгарди, ишчилар синфининг сони анча кўнайдди, ходимларнинг умумий сониде уларнинг салмоги анча ортди. Чунончи, 1971 йилда ижтимоий ишлаб чиқаришда баиц бўлганларнинг умумий сониде ишчиларнинг салмоги қўйидагича бўлди: Ўзбекистон ССРда 50 процент, Қозоғистон ССРда — 68, Грузия ССРда — 57, Озарбайжон ССРда — 56, Молдавия ССРда — 47, Қирғизистон ССРда — 57, Тожикистон ССРда — 48, Арманистон ССРда — 63, Туркменистон ССРда — 44 процент.

Беш йилликларимиз тарихи — совет кишилари меҳнат соҳасида қўлга киритган галабаларининг шонли қаҳрамонона йилномасидир. Қўшимчатли совет халқи ягона оила бўлиб, Магнитогорск ва Урал — Кузнецк, Красноярек ва Братск қудратли сапоат комплексларини барпо қилди, Қараганда ва Хиби́н табиий бойликларини ўзлаштирди. Днепр, Волга, Ангара ва Енисейда жуда катта гидроэлектростанцияларини барпо этди, Поволикье, Урал, Ғарбий Сибирь, Мағишлоқ нефть бойликларини, Ўзбекистон, Туркменистон, Сибирда ва бошқа районларда газ конларини ўзлаштирмоқда, Ўрта Осиёда ва Украинада йирик ирригация системаларини бүпёд этмоқда, капаллар қурмоқда. СССРнинг бутун тарихи давомиде республикаларининг халқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, шунингдек фан ва маданият соҳаларида ҳам ўзаро ёрдам ҳамда қардошларча ҳамкорлик шароитида ривожланиб боради. Украина ва Белоруссиянинг ғарбий областлари, Молдавия ССР, Балтиқ бўйи республикалари ва бошқа районлар Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласига кирганларидан кейин, уларга жуда катта ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимиз халқлари қисқа тарихий муддатда қолоқликдан тараққиёт сари шундай улкан йўлни босиб

ўтдиларки, уларнинг ёлғиз ўзлари бунга ҳеч қачон эриша олмас эдилар.

Ҳозирги вақтда СССР экономикаси жуда катта халқ хўжалик комплексидан иборат бўлиб, унда барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси мустақкам ва тобора кенгайиб бораётган ўзаро хўжалик алоқалари билан чамбарчас боғланган.

Давлатни ва хўжаликни бошқаришни ташкил этишда интернационал ва миллий асосларни тўғри қўшиб олиб бориш ленинча миллий сиёсатни амалга оширишнинг эгз муҳим омилidir. Миллий ва интернационал асослар хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришнинг иттифоқ-республика формасида ифодаланган. Халқ хўжалигини бошқаришнинг таъкилий формалари демократик централизм ленинча принципларига асосланган бўлиб, бу марказлашган раҳбарликнинг бир бутунлигини ҳамда республикаларнинг айпиқса маҳаллий масалаларни ҳал қилишда кенг ташаббус кўрсатишини назарда тутди. Ҳокимият ва бошқарув органлари структурасидаги федератив принципини уларнинг бутун амалий фаолияти ССР Иттифоқи билан ҳар бир иттифоқдош республика манфаатларининг бирлигини таъминлашга қарагилган бўлиши учун, умумийлик ва алоҳидаликни, интернационалликни ва миллий

СССР Иттифоқини социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар жаҳондаги барча халқларга мисолларнинг қўстлиги асосида кўриш мумкин.

Совет Иттифоқининг иқтисодий ва маданий ривожланиши билан сувлашган ишларни курастиб бermoқда, революцион курашда уларнинг азму қарорини мустақкамламоқда. Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида бизнинг ишларимиз қанча яхши борса, Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрў-эътибори шунча ошади, бутун инсониятнинг порлоқ кезаёғи — социализм ва коммунизмнинг жозиба кучи шунча ортади.

2. ТУҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ ДАСТЛАБКИ ЯҚУНЛАРИ ВА УНИ БАЖАРИШНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

СССРда ривожланган социалистик жамият қурилиши КПСС XXIV съезди қўйган йирик ва мураккаб социал-иқтисодий проблемаларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили яқунлари совет экономикаси партияимиз белгилаб берган йўлларга тўла мувофиқ ҳолда муваффақиятли ривожлаиб бораётганидан далолат бермоқда. Халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат беш йилликнинг асосий вазифасини бажариш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари юқори суръатлар билан ривожланиб бermoқда. Асосий ишлаб чиқариш фондлари қарийб 80 миллиард сўмлик ёки 17 процент ортди. Ҳтган икки йил ичида миллий

даромад 10 процент кўнайди. Саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажми 15 процент ошди. Совет Иттифоқида шу йилларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ҳар қандай йирик капиталистик мамлакатдагидан юқори бўлди. КПСС XXIV съездининг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидаги Директиваларига мувофиқ равишда асосий иқтисодий пропорциялар, тармоқ структураси, ижтимоий ишлаб чиқаришни жойлаштириш янада такомиллаштирилди, унинг самарадорлиги ошди. Янги ишлаб чиқаришлар, технология жараёнлари, маҳсулотнинг янги турлари яратилди.

КПСС XXIV съезди халқ хўжалигини ривожлантиришда оғир индустриянинг биринчи даражали роль ўйнашини яна бир марта таъкидлади. Халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуролантиришда асосий роль ўйнаётган оғир саноат ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан қайта қуриш ва интенсивлаштириш, ҳозирги замон техникаси асосида қувватлари тез ошириб бориш йўлидан изчиллик билан ривожланмоқда.

Волга автомобиль, Курск подшипник заводларида, Кострома автоматик линиялар заводида, Киришск нефтни қайта ишлаш заводида, Навоий шаҳридаги химия комбинатида, Кадевск вагонсозлик заводида, Разданск кончилик химияси комбинатида янги ишлаб чиқариш комплекслари ва бошқа шу сингари йирик, илгор техника билан таъминланган корхоналар ишга тушди. Красноярск ГЭСи лойиҳада кўзда тутилган тўла қувватга — 6 миллион киловаттга етказилди.

Техника жиҳатдан янги юқори тежамли бир неча агрегатлар, шу жумладан Славянск ГРЭСида бир валли турбинаси бўлган 800 минг киловатт қувватга эга энергоблок ҳамда Нововоронежск атом электр станциясида 440 минг киловатт қувватга эга энергоблок ишга туширилди. СССРда биринчи марта Киришск ГРЭСида юқори фойдали иш коэффицентли ўтхонада босим остида газ ва мазутни ёқиб учуш бир корпусли қозоп агрегати бўлган 300 минг киловатт қувватга эга энергетика блоки ишга туширилди. Электр станциялар ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Ҳосил қилинган 1 киловатт-соат электр энергияга сарф бўлган ёқилғи салмоғи 2 йил ичида 3 процент камайди, бу 11 миллион тонна шартли ёқилғини тежаш билан баравардир.

Газ қувурлари ва нефть қувурлари қуриш соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Узень — Куйбишев магистрал нефть қувури ишга туширилди. Узунлиги 1840 километр ва диаметри 1220 миллиметрли Усть-Балик — Курган — Уфа — Альметьевск нефть қувури, шунингдек бошқа магистрал нефть қувурлари қурилмоқда. Диаметри 1220 ва 1420 миллиметрли трубалардан юқори унумли газ қувурлари системалари барпо қилинмоқда.

Унуми катта бўлган юксак самарали газ қувурлари системаларининг яратилиши газ саноатида техника сиёсатининг беш ма-

саласидир. Бу масаланинг ҳал қилиниши газ қувурлари диаметрини ошириш, газни тортиб чиқариш вақтида босимни 75—100 атмосферага кўпайтириш ҳамда унуми катта ва юқори тежамли газ тортиб чиқарувчи агрегатларни жорий қилиш билан боғлиқ. Харцизск ва Волга труба заводларида диаметри катта бўлган қувурлар ишлаб чиқарадиган қувватларни тезроқ ишга тушириш металлургия ва қурувчиларнинг айниқса муҳим вазифасидир.

Уралдаги Ворошилов номи турбомотор заводи коллективи 1971 йилда 16 миң киловатт қувватга эга газ турбинаси билан газ тортиб чиқарувчи янги агрегат яратиб, газни ташини самарадорлигини ошириш проблемасини ҳал қилишга яхши ҳисса қўшди. Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги бундай агрегатини серийли ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишчи тезлаштириши зарур.

1972 йилда кўмир саноати учун кўмир қазиб чиқарувчи машиналар комплекси ишлаб чиқаришга тайёрланди. Бу машиналарнинг икки насаювчи қатламлар учун автоматик тарзда ишловчи муस्ताҳкамлагичи бўлиб, у ҳозирги вақтда ишлатилаётган худди шундай комплексга нисбатан меҳнат унумдорлигининг 1.7 баравар оширилиши ва кўмир қазиб чиқаришнинг 40 процент камайишига олиб келилади. Бу насаювчи юнқа кўмир қатламларидаги кўмирни қазиб чиқаришни тўла механизациялаштириш учун машиналар комплексини ишлаб чиқариш федеративдир. Аҳолининг турмуш шароитларининг қўлланилиши натижасида шахтёрлар эни қийин участкада — кўмир шахтасида оғир меҳнатдан халос бўладилар.

Қора металлургия учун трубаларни печь ёрдамида узлуксиз пайванд қилувчи дастлабки агрегатлар тайёрланди, уларнинг иш унуми йилга 340 миң тоннага тенг. Агрегатларда трубалар ишлаб чиқаришнинг янги технология жараёни қўлланилди, у прокат қилиш тезлигини 2 баравардан зиёд ошириш имконини беради.

Химия саноатида суткасига 1360 тонна аммиакли ситез қилиш қувватига эга агрегат яратилди. Бундай агрегатдан биттасининг иш унуми йилга тахминан 400 миң тоннага тенг, ҳолбуки, масала, 1950 йилда бутун мамлакатда йилга 566 миң тонна аммиак ишлаб чиқаришларди. Биринчи агрегат шу йил Невинномисск химия комбинатида ишга туширилади. Уни қўлланиш ҳозир ишлатилаётган суткалик қуввати 200 тонна бўлган агрегатларга нисбатан меҳнат унумдорлигини 5—6 баравар оширади ва аммиак тапшарлини 30 процент камайтиради. Суткасига 1400 тонна аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга йирик агрегатлар жорий қилинмоқда. 1972 йилда дастлабки шундай агрегатлар ишга туширилади. Ҳозирги вақтда алоҳида қуввати суткасига миң тонна бўлган агрегатда сульфат кислота ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб турган қурилмаларнинг алоҳида қуввати суткасига 350 тонна иш ташкил қилади. Химиявий тола ишлаб чиқа-

ришда узлуксиз полимерлаш технологияси ҳамда юксак умумли ускуналар жорий қилинмоқда.

Цемент саноатида биринчи марта бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси ишлаб чиқилди ва Себряковск цемент заводида жорий қилинди. Бу система бизда ҳамда чет элда маълум бўлган системалардан шуниси билан фарқ қиладики, у завод ишлаб чиқариш фаолиятининг айрим жараёнларига эмас, балки хом ашё тайёрлашдан тортиб цементни юклаб жўнатишгача — ҳамма томонларига дахлдор бўлиб, бунда фақат технология жараёнларини эмас, балки умуман бутун корхонани бошқариш автоматлаштирилади. Бу янги системанинг жорий қилиниши бутун цемент саноати корхоналарини оптимал бошқариш соҳасида катта истиқболлар очади.

Қурилишда ишлатиладиган керамика ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш соҳасида техника жаҳатидан улкан вазифа ҳал қилинди. Жумладан, керамика плиталар ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Бунда лойни тайёрлашдан то тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришгача бўлган технология жараёнининг узунлиги 60—80 соатдан 40—70 минутгача қисқарди. Меҳнат умумдорлиги 3 барабар ортди. Шу билан бирга маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди.

Кейинги икки йил мобайнида 15 мингдан зиёд механизациялаштирилган поток линиялар ва 3 минг автоматик линиялар жорий қилинди. 1971 йилда саноатда комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган корхоналарнинг сони 1965 йилдагига нисбатан 2,6 барабар кўпайди. Шу вақт пчида саноат корхоналарида поток линиялар ҳамда комплекс механизациялаштирилган участкалар ва корхоналарнинг сони икки барабар, автоматик линиялар эса 1,8 барабар кўпайди.

Хом ашё ва материалларнинг самарали ҳамда тежамли турларини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Саноат буюмларининг 7 мишга янги хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қора металлургия корхоналари прокатининг қўшима янги тежамли профилларини ишлаб чиқармоқда. Юқори частотали ток ёрдамида тоблаш билан термик усулда мустаҳкамлабган темир йўл рельслари ишлаб чиқарила бошланди. Трансформаторлар учун қалинлиги 0,35 миллиметргача бўлган пўлатни совуқ катка усулида ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уни қўллаш трансформаторларда электр энергиянинг пубуд бўлишини анча камайтиради ва уларнинг габаритини камайтириш имконини беради.

Химия ва нефть химияси саноатида ўсимликларни муҳофаза қилиш химия воситаларининг бир қанча янги хиллари яратилди. Топаларнинг янги хиллари, сифати яхшилانган мотор мойлари, мойлаш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарила бошланди.

1971—1972 йиллар мобайнида электр энергия ишлаб чиқариш 116 миллиард ватт-соат ортди, нефть чиқариш — 45 миллион

тонна, пўлат эритиш — 9,7 миллион тонна, цемент ишлаб чиқариш 9 миллион тонна, автомобиллар ишлаб чиқариш — 463 минг дона, тракторлар ишлаб чиқариш — 19 минг дона кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Беш йилликнинг икки йили мобайнида бу тармоққа давлат сарфлаган капитал маблағ 28 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил қилади. Масалаи, қишлоқ хўжалигига 626 минг трактор, 357 минг юк ва махсус автомобиллар, 192 минг галла ўрадиган комбайн, 105 миллион тоннага яқин минерал ўғитлар етказиб берилди. Сув хўжалиги қурилиши соҳасидаги ишларнинг ҳажми кенгайди. Шу беш йилликда фойдаланишга топшириладиган суғориладиган ва захи қочириладиган ерлар йилига ўртача 1,6 миллион гектарни ташкил қилади.

Маълумки, бу йил иқлим шароитлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ноқулай келди. Мамлакат Европа қисмидаги дол етиштириладиган асосий районларда қиш қаттиқ, кўрсиз бўлиб, ёз ҳам қуруқ келди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари баҳорда дол эканлиги билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун

ҳам берди. Ўзга оуида, РСФСРнинг жануби ва марказий қисмида, шунингдек Украинанинг баъзи областларида рўй берган қуруқликни қишлоқ хўжалигини ўртача ў

дан қушимча тадбирларни амалга оширишни талаб этди. Яхши ҳосил етиштирилган Шарқий районларга Шимолий Кавказ, Украина, Молдавиядан ва бошқа республикалардан тажрибали механизатор кадрлар юборилди, шунингдек кўн миқдорда терм машиналари, транспорт воситалари жўнатилди.

Коммунистик партия кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида ишлаб чиққан сўёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигимиз бу йил дуч келган қийинчиликларни асосан енгиб ўтди. Шунларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати амалга оширган бошқа қўшимча тадбирлар билан бирга қўшилиб, мамлакатда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш учун зарур озиқ-овқат ҳамда хом ашё ресурсларини вужудга келтириш имконини берди.

КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини техника билан таъминлашга катта эътибор берилаётир. Тўқимачилик саноатида бир вақтнинг ўзида тўртта технология жараёнини бирга қўшиб олиб борувчи йигирish-ўриш машиналари кенг жорий қилинмоқда. Ранги алмаштирувчи механизмни такомиллаштирилган моноксиз тўқув станоклари серияли ишлаб чиқарила бошланди. Бундай станоклар меҳ-

нат унумдорлигини 2,5—3 барабар ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради.

Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида саноат корхоналарининг истеъмол моллари ишлаб чиқариши 14 процент кўпайди. Озиқ-овқат саноати ва енгил саноатда ишлаб чиқариш анча кенгайтирилмоқда. Чунинчи, давлат хом ашё ресурсларидан гушг етиштириш 1971—1972 йиллар мобайнида 1,5 миллион тонна ёки 23 процент, балиқ овлаш — 527 минг тонна ёки 7 процент, консервалар ишлаб чиқариш — 1,4 миллиард шартли банка ёки 13 процент, ҳамма турдаги газламалар ишлаб чиқариш — 532 миллион квадрат метр ёки 6 процент, устки трикотажд ишлаб чиқариш — 36 миллион дона ёки 9 процент кўпайди.

Узоқ вақт фойдаланиладиган саноат товарлари, шу жумладан оғир индустрия корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариши юқори суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Масалан, маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш икки йил мобайнида 23 процент, шу жумладан мебель — 19, холодильниклар — 21, радиоприёмниклар ва радиолалар — 13 процент ортади. Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 2,1 барабар кўпайди.

Аҳолининг турмуш даражаси анча ошди. Миллий даромадининг илгаригига қараганда кўпроқ қисми шу мақсадларга йўналтирилди. Агар саккизинчи беш йилликда миллий даромад ўсишининг 73 проценти истеъмол учун фойдаланилган бўлса, ўтган икки йил мобайнида 80 процентдан кўпроги шу мақсадда фойдаланилди. Миллий даромадни тақсимлаш пропорцияларида бундай ўзгаришлар юз беришига аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган янги йирик тадбирлар амалга оширилганлиги кўп жиҳатдан сабаб бўлди. Иш ҳақининг минимал миқдори оширилди ҳамда темир йўл транспорти ва метрополитенининг ўртача ҳақ оладиган ишчи ҳамда хизматчиларининг ставка ва маошлари кўпайтирилди, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги тракторчи-машинистларининг тариф ставкалари оширилди, врачлар, ўқитувчилар ҳамда мактабгача муассасалар тарбиячиларининг ойлик маошлари ва иш ҳақи ставкалари, ишчилар ва хизматчилар учун қариллик пенсияларнинг минимал миқдори кўпайтирилди, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш яхшиланди. Олий ўқув юртлари студентларининг стипендиялари миқдори 25 процент ва техникум ўқувчиларининг стипендиялари миқдори 50 процент ортди. Ана шу тадбирларнинг ҳаммасига давлат сарфлаётган маблағ бир йилга ҳисоблаганда салкам 5 миллиард сўмни ташкил этди, шу жумладан фақат врачлар, ўқитувчилар, мактабгача болалар муассасаларидаги тарбиячилар иш ҳақини оширишнинг ўзига 1,2 миллиард сўм сарфланди, 1972 йилда халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 130,2 сўмни, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёزلарни ҳисобга олганда эса — 175,4 сўмни таш-

кил қилади. КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ аҳоли пул даромадларининг ўсиши билан давлат чакана пархларининг барқарорлиги таъминланди. Натижада аҳоли жон бошига ҳисоблагалда реал даромадлар 1970 йилга нисбатан 8,7 процент кўпайди.

Юқорида қайд қилинган барча муваффақиятлар — КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий спёсат амалга оширилаётганлигининг натижасидир. Айни чоғда шунинг таъкидламоқ керакки, тўққизинчи беш йиллик планининг бажарилиши учун мавжуд резервлардан максимал фойдаланиш, фан-техника тараққиёти суръатларини тезлаштириш ва шунинг асосида меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида партия белгилаган йўлни тўла амалга ошириш, бутун хўжалик фаолиятини муттасил яхшилаб бериш зарур.

1973 йилда халқ хўжалиги олдида гоят муҳим вазифалар турибди. Бу йил, аслини олганда, тўққизинчи беш йиллик планининг бажарилиши учун ҳал қилувчи йил бўлди. 1973 йил планида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича оғир топшириқлар белгиланган. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари ўтган икки йилдагига нисбатан юқори бўлади.

Саноат олдида муҳим вазифалардан бири — бу йилда меҳнат ҳосилида олга томон яннидан катта қадам ташлаш вазифаси қўйилмоқда. Шу муносабат билан қора металлургия, машинасозлик, приборлик тармоқларида саноат тармоқлари бўйича юқурак топшириқлар кўзда тутилган. Биргина машинасозликнинг ўзида юқори унумли машиналар, ускупалар ва приборларнинг янги тилидан 4 мингтагани ўзлаштириш лозим.

Енгил ва озиқ-овқат саноати ходимлари қишлоқ хўжалик хом ашёсидан яна ҳам самарали фойдаланилишини таъминлашлари, унинг нобуд бўлишига тўла барҳам беришлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришини кўпайтиришлари керак.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги энг муҳим вазифа доннинг янги ҳосилини максимал кўпайтиришдан, ҳосилдорликни оширишдан, шунингдек бошқа асосий маҳсулот турларини беш йиллик планининг 1973 йили учун кўзда тутилган миқдорда етиштиришини таъминлашдан иборат. Тупроқда ишлов беришнинг прогрессив усулларини жорий қилиш, унинг эрозияга дучор бўлишининг олдини олиш, селекциячилик ишини кенгайтириш юзасидан тадбирлар амалга оширилади.

Чорвачиликни юксак суръатлар билан ривожлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва зотини яхшилаш, чорвачилик биолари қурилишини тезлаштириш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалигига 328 миң трактор, 224,5 миң юк автомобиллари ва кўп миқдорда бошқа техника етказиб берилади. Ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун мазкур тармоқда давлат ваппи-

тал маблағ сарфи қарийб 9 процент ортди. Маблағнинг учдан бир қисми ерларни мелiorация қилишга сарфланмоқда.

1973 йилда қурувчиларимиз олдда катта вазифалар турибди. Электр энергетикада 3 миллион киловатт қувватли Кривой-Рог ГРЭСИ, 2,4 миллион киловатт қувватли Кострома ГРЭСи, 1,8 миллион киловатт қувватли Кармановск ГЭСи ва 1,6 миллион киловатт қувватли Эстония ГРЭСи қурилишини тугаллаш кўзда тутилган. Ленинград атом электр станциясида 1 миллион киловатт қувватга эга биринчи энергоблок фойдаланишга топширилишни керак. Кўмир саноатида Иртиньдаги «Богатирь» кўмир разрезининг қуввати 5 миллион тонна бўлган тўртинчи навбатини, «Расподская» шахтасининг қуввати 2 миллион тонна бўлган биринчи навбатини, қуввати 5—6 миллион тонна бўлган Осинниковск бойитиш фабрикасини ишга тушириш мўлжалланган. Қора металлургия соҳасида «Азовсталь» металлургия заводиди «3600» қалнин тунука стафининг биринчи навбатини ишга тушириш кўзда тутилган. Шахта ва Донецк ил-газлама комбинатларида ҳамда Астрахань трикотаж комбинатида йирик йиғириш корхоналарининг ишга туширилиши таъминланиши керак. Бухоро ва Донецк ил-газлама комбинатларида тўқув ишлаб чиқаришнини анча ривожлантириш кўзда тутилади.

КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ 1973 йилда Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада жадал ривожлантириш йўлини оғишмай амалга ошириш зарур. Бу ерларда нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, рангли металллар, электр энергия ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати ва бошқа сапоат тармоқлари маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишини таъминлашдан иборат умумийтифоқ аҳамиятга эга катта вазифалар ҳал қилинмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўсиб бораётганлиги ва хизмат кўрсатиши соҳаси ривожланаётганлиги келгуси йил планида аҳоли жоп бошига реал даромадларни 4,5 процент кўнайитиришини кўзда тутиш ҳамда совет халқининг турмуш даражасини ошириши соҳасида КПСС XXIV съезди белгилаган тадбирларни амалга ошириши имкошпини беради.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили якушлари ҳамда 1973 йилга белгиланган план тошшириқлари экономикамиз дадил олга босаётганидан, тўққизинчи беш йилликнинг бош вазифаси муваффақиятли бажарилаётганидан далолат беради.

3. РЕЗЕРВЛАРНИ САФАРБАР ҚИЛИШ — БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Беш йиллик плап тошшириқларини бажариши барча меҳнаткашлардан жуда катта ижодий куч-гайрат сарфлашни талаб этади. Уларнинг куч-гайрати биринчи галда халқ хўжалигинидаги

мавжуд резервлардан максимал даражада фойдаланишга, ижтимоий ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлаштиришга қаратилмоғи керак. Совет экономикаси тараққиётининг ҳозирги босқичини чуқур анализ қилиш асосида КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўли партия иқтисодий сиёсатининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Бу йўл ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш проблемасига янгича ёндашишни белгилайди, социалистик хўжаликни олиб боришнинг бутун практикасига янгича талаблар қўяди.

Социалистик хўжаликни унинг ҳамма босқичларида планли олиб бориш халқ хўжалик ресурсларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш ва фойдаланиш имконини берди.

Социализм қурилишининг дастлабки босқичларида, экономикаиз олдида мамлакатни индустриялаштириш, қудратли сапоат потенциалини, янги, ўша вақтгача халқ хўжалигида бўлмаган тармоқларни вужудга келтириш, оғир кўл меҳнатини оммавий суратда механизациялашган меҳнат билан алмаштириш базисига турган вақтда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ўсишига факат меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига мумкин бўлади.

Ишлаб чиқариш соҳасида баъд бўлган ҳолимлар сонини кўнрайтириш эвазига, яъни асосан экстенсив омиллар ҳисобига эришилди.

Ҳақ ютуқларидан ишлаб чиқаришда тобора кенг фойдаланилиб, халқ хўжалиги тармоқлари замонавий техника билан таъминлава борган сайин, эконимикани ривожлаштиришда интенсив омилларнинг роли ҳам ошиб борди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши унинг энг муҳим омилига тобора кўпроқ айланиб бормоқда. Бу меҳнатни тежашда, сарфланган маблағнинг ҳар бир бирлиги эвазига энг кўп натижаларга эришишда ўзининг ифодасини топмоқда.

Эндиликда иқтисодий ўсишнинг кўнроқ интенсив омилларидан фойдаланилаётганлиги энг аввало илмий-техника революцияси билан боғлиқдир. Ривожланган социализм шароитида, жуда катта моддий ва меҳнат ресурслари халқ хўжалигига жалб қилинган ҳозирги пайтда меҳнат унумдорлигининг ошиши, асосий ишлаб чиқариш фондларидан ҳамда капитал маблағ сарфлашдан фойдаланишнинг яхшиланиши, маҳсулотга материал сарфининг камайиши эконимикани ривожлантиришнинг белгиловчи омиллари бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш воситаларида гавдаланган ҳам жонли, ҳам буюмлашган меҳнатни ҳамма ерда тажаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш вақтни тежашдек объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши учун кенг имконият очади. Халқ хўжалигини интенсивлаштириш — ривожланган социализм

даврида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг бош йўлидир.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ишлаб чиқаришни интенсифлаштиришнинг ҳал қилувчи йўли, тўққизинчи беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишининг гаровидир.

Саноатда меҳнат унумдорлигининг оширилиши натижасида тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида 3,5 миллион кишининг меҳнати тежаб қолинди, бу ҳол меҳнат ресурслари балансидаги тигизликини юмшашига ёрдам берди ва аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларни қўшимча ходимлар билан таъминлаш имконини берди.

Бироқ бу борада ҳамма резервлар тўла фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Бу йил саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг бир қисми меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқларини бажармади. Натижада халқ ҳўжалиги кўп миқдорда зарур маҳсулотни ололмай қолди. Министрликлар ва идоралар меҳнат унумдорлигини ошириш учун кўпгина имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатида қайта қуроллаштиришга, ёрдамчи ишларни механизациялашга, меҳнатни яхшироқ ташкил этишга, иш вақтининг беҳуда кетишига барҳам беришга етарли даражада эътибор берилмаётир.

Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат унумини оширишда энг кўп муваффақиятларга эришилди. Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш эса ҳали ҳам қоқоқ участка ҳисобланади. Бу жараёнларда кам унумли меҳнат билан машғул бўлаётган кўп сонли ишчилар беҳуда банд бўлиб қолмоқдалар. Ёрдамчи жараёнларни механизациялаштириш соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда катта резервлари мавжуд. Бинобарин, СССР Госплани ва министрликлар бу ишга доимий эътибор беришлари керак.

Ёрдамчи ишларни, шу жумладан юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаштиришнинг социал жиҳатини ҳам эътиборда тутиш зарур. Ҳозирги вақтда каттагина қисми ўрта маълумотли бўлган ишчилар учун малакасиз меҳнат, ҳатто унга яхши ҳақ тўлакса-да, ўз жозибасини йўқотади.

Ишжепер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат унумини ошириш проблемаси ҳам гоят актуал ҳисобланади. Шу муносабат билан корхоналарда, лойиҳа, конструкторлик ташкилотларида инженерлик хизматини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда хизматчиларнинг меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсишини таъминлашнинг самарали воситасидир. Шунини айтиш киёоёки, шу беш йилликда меҳнат унумдорлигининг кўзда тутилган ўсишининг сал кам

ярми меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, кооперация бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш тадбирлари ҳисобига таъминланади. Саноатнинг етакчи тармоқларида иш жойини ташкил этишнинг оммавий касблардаги 4 миллиондан зиёд ишчини қамраб олган прогрессив типовой лойиҳаларини жорий қилиш лозим.

Машинасозликда тармоқлараро ишлаб чиқаришларнинг қувватларини қўнайитириш меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларидан биридир. Кўпгина машинасозлик заводлари ўз аҳтиёжлари учун умумий машинасозликда қўллашладиган талай миқдордаги буюмларни ўз кучларига таянган ва катта сарф-харажатлар қилган ҳолда тайёрлашга мажбур бўлмоқдалар. Иختисослашмаган корхоналарда меҳнат унумдорлиги ихтисослашган заводлардагига нисбат 2—2,5 баравар паст. Шу сабабли ихтисослаштиришни кенг ривожлантириш — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида биридир.

Тармоқлараро ишлаб чиқаришларни ривожлантириш билан бирга маҳсулот етказиб бериш, айниқса кооперация бўйича маҳсулот етказиб беришда иштинomini мустаҳкамлаш зарур. Маҳсулот етказиб бериш иштинomini бузувчиларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш, кооперация бўйича етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳақини буюм белгиларига нисбатан ўртача даражада ошириш лозим. Корхоналар кооперация бўйича йирик ихтисослантирилган ишлаб чиқаришлардан оладиган ярим тайёр маҳсулот оҳум ва сотувчилар баъдан "Лойиҳа тайёрлаш ва қўриқ" қўриқ қиммат тузиши каби ҳолатлари нормал деб бўлмади.

Капитал қурилишдаги ишларни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсификаштиришнинг йирик резерви ҳисобланади. Беш йилликнинг ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш кўп жиҳатдан капитал қурилиш соҳасидаги муваффақиятларга боғлиқдир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда ишнинг даражасини оширишга қаратилган бир неча қарорлар қабул қилдилар. Қурувчиларнинг ишини баҳолаш принципи ўзгартирилди. Эндликда қурувчилар фаолиятининг пировард натижалари уларнинг ишига баҳо беришда асос қилиб олинди. Лойиҳалаш ишини яхшилаш, қурилишнинг смета қийматини арзонлаштириш, прогрессив қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг кенг программаси ишлаб чиқилди.

Бироқ капитал қурилишдаги ишнинг аҳволи суётлик билан яхшиланмоқда: асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планда белгилангандан орқада қолмоқда. Қурилиш министрликлари қурилиш қийматини камайитириш ва муддатни қисқарттириш борасида ҳам зарур бурилиш ясай олмадилар.

Қурилиш муддати эса кўп объектлар бўйича ҳали ҳам нормадагидан юқоридир. Бунинг учун саноат министрликлари ҳам кўп жиҳатдан жавобгардирлар. Улар баъзан планга жуда кўплаб янги объектларни киритишга ҳаракат қиладилар. Бу объектларнинг қурилиши эса моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланмайди. Шу билан бир вақтда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмайtir.

Ҳозир маблағларнинг катта қисми қурилиш бошлаб қўйилган объектларни битказишга ҳамда яқин йиллар ичда самара бериши мумкин бўлган тадбирларни амалга оширишга сарфланмоқда. Бунда ишга туширилиши қисқа муддатда истеъмоқ моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва тармоқ ҳамда тармоқлараро характерига эга бўлган бошқа йирик масалаларни ҳал этиш имконини берадиган корхоналарнинг қурилишини тугаллашга алоҳида эътибор берилади.

Шу беш йилликда мамлакатнинг Шарқий районларидаги бой табиий ресурсларни ўзлаштириш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажариш кўзда тутилган. Мазкур районларда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган бир қанча саноат узеллари вужудга келди. Бу районларнинг табиий бойликлари ўз концентрациясига ва уларни қазиб олишнинг иқтисодий шароитларига кўра жуда нодир ҳисобланади. Улардан фойдаланиш ҳозирнинг ўзидаёқ ижтимоий меҳнатни анча тежашга эришиш учун имкон яратади, ҳамда келгусида яна ҳам кўпроқ самара олинишидан дарақ беради. Шу билан бир вақтда СССРнинг кам одам яшайдиган, одатда ўзининг оғир иқлим шароитлари билан ажралиб турадиган Шарқий районларини ўзлаштириш пайтида кўнгила қийинчиликларга дуч келишга тўғри келиб туради.

Шарқий районларни хўжалик жиҳатидан интенсив ўзлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини муваффақиятли амалга ошириш учун мавжуд қурилиш базаларини мустаҳкамлаш ва янгиларини ташкил этиш, шу районларда малакали кадрларнинг муқим ўрнатиб қолиши учун шарт-шароит туғдирадиган уй-жой-маиший ва маданий қурилиш илдам суръатлар билан олиб борилишини таъминлаш зарур. Мамлакатнинг шарқий лойиҳалаштириладиган саноат узеллари, одатда кўп тармоқли характерга эга. Шу сабабли уларни қуриш чоғида бир-бири билан боғлиқ бўлган барча корхоналарни комплекс тарзда ишга тушириш проблемаси айниқса кескин бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш ишини яхшилашнинг ақтуаллигини оширади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш учун жуда катта қўшимча имкониятларга эга бўлиш мумкин. 1971 йилда саноатнинг бир қанча тармоқларида корхоналар ва

объектларнинг лойиҳада кўзда тутилган қувватлари сустилик билан ўзлаштирилганлиги орқасида асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш камайди.

Саноатда янгидан лойиҳаланган қувватларни муддатидан олдин ўзлаштиришни кўрсатувчи нисоллар кўп. КИСС Марказий Комитети Фарбий Сибирь металлургия заводининг ҳамда Кемерово области бошқа корхоналарининг лойиҳада кўзда тутилган қувватларни тезроқ ўзлаштириш борасидаги тажрибани кўриб чиқиб ва умумлаштириб, қарор қабул қилди. Қарорда уларнинг тажрибасини саноатнинг барча тармоқларида кенг ёйиш тавсия қилинади.

Ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топширилган асосий фондларда маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш — қомилтеке вазифадир. Саноатнинг ҳар бир тармоғида, ҳар бир корхонада иш билан тўла таъминлаш ва ускуналарнинг сменали иш коэффициентини ошириш билан бир қаторда, қолақ соҳаларга барҳам бериш, қувватларни ўз вақтида, энг асосийси эса, қомилтеке тарзда ишга туширишни таъминлаш, эскирган техникани тезроқ алмаштириш зарур.

Маҳсулотга материал сарфини камайитириш — ишлаб чиқаришнинг интенсификациясининг муҳим резервидир. Ишлаб чиқаришнинг резервни муболағида маҳсулотнинг ҳилларини атиги 100% қадар қўпайтириш мумкин. 1970 йилда СССР мамлакатини металллар прокати, 6 миллион тоннадап зиёд кўмир, салкам 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш билан барабардир.

Материалларнинг рафторининг каттаи қисми вақтларда кормалари ҳамда уларга қатъий амал қилиш моддий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишда катта роль ўйламови лозим. Ҳолбуки хом ашё, материаллар, ёқинидаги фойдаланишнинг техника-иқтисодий нормативлари системаси моддий ресурсларнинг ниҳоятда кам номенклатурасини ўз ичига олади.

Моддий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш соҳасида эришилган даражанинг эмас, балки плаплантирилган даврда жорий қилиниши кўзда тутилган ташкилий-техника тадбирларини ҳам ҳисобга олувчи материал сарфлаш прогрессив нормаларини қўлланниш техникани ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бунда шуни эътиборда тутиш керакки, моддий ресурсларни тежаш айни вақтда капитал маблағларни кўп миқдорда тежаш, деган сўздыр. СССР Госпланининг ҳисобига кўра, қиймати 1 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган хом ашё, материал ва ёқилғи ишлаб чиқарадиган қувватларни вужудга келтириш учун бир йўла тахминан 3 миллион сўмлик капитал маблағ сарфлаш талаб қилинади.

Шунингдек чиқиндида чиқишни камайитиришда ҳам халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг катта-катта резервлари

мавжуд. Металлдан фойдаланиш коэффициенти машинасозликда 0,76 — 0,78, пўлат прокатида — 0,71 — 0,73 ни ташкил этади. Ишлаб чиқаришда металл прокатишнинг чиқиндига чиқишини кескин камайтиришга эришиш зарур. КПСС XXIV съездининг беш йиллик план юзасидан Директиваларидан келиб чиқиб, машинасозликда металл прокатиш 7,6 миллион тонна ҳажмида тежаш белги-ланган, шуниси ҳам борки, бунинг яримидан кўпроғини сифатни ошириш, сортни яхшилаш ва қора металллар прокати ўрнини босадиган материалларни қўлланиш ҳисобига тежаш кўзда тутилган.

Саноатнинг кўпгина тармоқларида моддий ресурсларнинг бошқа турларини сарфлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Чунончи, тахта тилиш ишлаб чиқаришида тахминан 60 процент, фанер ишлаб чиқаришда 50, дурадгорчиликда — 50—60 процент фойдаланила-ётир. Натижада салкам 50 миллион куб метр ёғоч чиқитга чиқарилмоқда. Химия ишлаб чиқаришларидан бир қанчасида хом ашёдан фойдаланиш коэффициенти 0,6—0,7 дан ошмайди.

Чиқитга чиқишни камайтириш ва чиқиндилардан фойдаланишга қаратилган тадбирлар орасида дастлабки хом ашё материалларини комплекс тарзда қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни химиялаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Комплекс тарзда қайта ишланганда хом ашё ва материаллардан тўла фойдаланиш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти халқ хўжалигида моддий ресурсларни тежаш учун катта имкониятлар очмоқда. Маҳсулотга материал сарфини камайтириш корхоналар ишига баҳо бериш мезонларидан бири бўлмоғи лозим. Бу ишни контрол қилиб бориш министрликлар ва таъминот органларининг бевосита вазифасидир.

Хом ашё, материал ва ёқилғини тежаш маҳсулотнинг кўпгина турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш шартларидан бири бўлиб, бу умумий сарфларни камайтиришга ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишга бевосита таъсир этади. Хом ашёдан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун энг аввало конструкторлик ва технологик ечимларни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг умумий техника даражасини ошириш лозим.

Маҳсулотга материал сарфини камайтириш унинг сифатини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Маҳсулот сифатини планлаштиришга кўчиш — тўққизинчи беш йилликнинг характерли хусусиятидир. Бу борада ҳозирнинг ўзида бир қанча муҳим ишлар қилинди. Халқ хўжалик планларида илмий-тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик ечимлари ва тажриба намуналарини тайёрлашдан тортиб тайёр буюмларни серияли ёки оммавий суратда ишлаб чиқаришга қадар маҳсулотнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш коллективларининг ишини баҳолаш ва рағбатлантириш фондининг вужудга келиши ишлаб чиқаришнинг

умумий ҳажмида янги, яна ҳам мукаммал ва самарали маҳсулот улушнинг ҳисобга олиш орқали белгиланади. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга маблағ сарфини камайтириш мақсадида планларда корхоналарнинг қўшимча сарфларини қоплаш учун маблағлар кўзда тутилмоқда. Маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча сарфларнинг ўрнини қоплаш учун кўзда тутилаётган маблағ янги маҳсулотга баҳо ҳамда сифати яхшиланган маҳсулотга устама баҳо белгилаш вақтида ҳисобга олинади.

ИПС XXIV съезди техника соҳасидаги янги давлат сўёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Бу сўёсатнинг моҳияти жаҳонда эришилган техника даражасидан устунлик қиладиган янги меҳнат қуроли, материаллар, технология жараёнларини яратиш ва тезроқ жорий қилишдан иборат. Кўпгина илмий ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг фаолияти бу талабга ҳали тўла жавоб бермайди. Улар янги ечимлар соғини қўлайтиришга иштирок этишлари, уларнинг техника даражаси ҳақида ҳали яхши ғамхўрлик қилмаётганлар. Ишлаб чиқаришда илғор илмий-техника ечимларидан фойдаланиш янги ечимларнинг илмий техника даражаси ўстиришда, тадқиқотлар ва конструкторлик ишлаб чиқаришдан тортганда маҳсулотни корхоналарда серияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга қадар, янги техникани яратиш устида давлат контролининг махсус системаси орқали таъминланиши мумкин.

СССР Министрлар Советининг фаол ва техника Давлат комитети ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтирочилик ва кашфиётчилик ишлари бўйича Комитет бунида алоҳида роль ўйнамоғи лозим. Фаоллар академиясининг илмий муассасалари, министрликлар ва идоралар олдида ўз ишини ташкил этишни такомиллаштириш, илмий тадқиқотларнинг бажарилиши ва натижаларининг ишлаб чиқаришда жорий қилиниши, олимларнинг меҳнатидан, шунингдек илмий муассасаларга ажратилаётган маблағлар, материаллар ва ускуналардан оқилона фойдаланиш учун жавобгарликни ошириш вазифаси қўйилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш йўли марказий план ва хўжалик органларининг, энг аввало СССР Госпланининг ишига алоҳида талаблар қўйилмоқда.

Маълумки, В. И. Ленин социалистик давлатнинг план соҳасидаги фаолиятини тўғри ташкил этишга, Госплан билан хўжалик халқ комиссарликларининг функцияларини аниқ чегаралаб олишга катта аҳамият берган эди, Госплан махсус қўдалик вазифалар ва тоншириқларни халқ хўжалик планларини тузиб чиқиши, турли усулларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш тартиби устида мунтазам иш олиб боришдан иборат ўзининг асосий вазифасига путур етказмаган ҳолда бажариши тўғрисида ғамхўрлик қилганди. СССР Госплани бутун халқ хўжалигини ри-

вояжлантиришнинг перспектив вазифаларидан келиб чиқиб, ми-нистрликлар ва иттифоқдош республикаларнинг планларини ту-зиш ишига актив таъсир кўрсатиши керак. Ҳозирги замон шароитида пухта ишлаб чиқилган узоқ муддатли прогнозларга — техника, иқтисодий, демографик ва ишлаб чиқарувчи кучлар соҳасида, атроф муҳитда юз бериши мумкин бўлган барча ўзгар-ишларни ўз ичига олган бошқа прогнозларга асосланган план-лаштиришга яхши бўлиши мумкин. СССР Госпланининг энг муҳим вазифаларидан бири ишлаб чиқариш ва капитал маблағ-лар самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини олдиндан белги-лаб олишдан иборат бўлиб, уларга риоя қилиш халқ хўжалиги-нинг барча бўғинларида плани ишлаб чиқаришнинг муқаррар шартни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш миқёслари ўсиб бориши билан унинг тармоқ структураси ҳам мураккаблашиб бормоқда. Ҳар бир йирик пл-мий-техника ва ишлаб чиқариш-иқтисодий проблема кўп тармоқ-ли характер касб этмоқда. Шу сабабли план ечимларининг пух-талигини ошириш тобора кўп даражада тармоқлараро алоқа ва хўжаликнинг турли бўғинлари ўзаро «горизонтал бўйича» яхши алоқа қилишини ташкил этиш масалаларини чуқур ишлаб чи-қишни талаб қилмоқда. СССР Госплани вазифаларни ҳозиргача бўлганидан кўра комплекс тарзда халқ хўжалик, умумдавлат пуқтап назаридан ҳал этиши, айрим тармоқларни ривожланти-ришга тор маҳкамачлик пуқтап назаридан ёндашиш ҳолиарига яна ҳам қатъият билан барҳам бериши керак.

Халқ хўжалигининг самарадорлигини ва баланслигини ошириш шартни сифатида ундаги тармоқлараро алоқаларни яхши-лаш плаплаштириш методологиясини ва уни ташкил этишни тако-миллаштиришни, план органларида иқтисодий ишларни анализ қи-лиш ва маълумотларни жамлашни кучайтиришни талаб қилади.

Халқ хўжалиги барча тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлашда, оқилона тармоқлараро алоқаларни йўлга қўйишда моддий-техника таъминоти органлари катта роль ўйнайди. План-да белгилангани тармоқлараро пропорциялар худди ана шу моддий-техника таъминоти орқали амалга оширилади. СССР Гос-набининг муҳим иқтисодий орган сифатидаги роли ортиб бормоқ-да, у ўз функциялари доирасида тармоқларнинг, ишлаб чиқариш турларининг ўзаро алоқасини координация қилади, халқ хўжа-лигининг планли ривожланишига ва иқтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. СССР Госнабп ва унинг жойларидаги органлари фаоллантиш такомиллаштириш, уларнинг ишини СССР Госплани ва бошқа план органларининг иши билан узвий боғлаб олиб бориш зарур.

Моддий-техника таъминоти органлари ишлаб чиқарувчига актив таъсир кўрсатиши: маҳсулот етказиб бериш муддатларига, истеъмолчиларининг буюртмаларига мувофиқ маҳсулотнинг ассор-

тименти ва сифатига роя қилишини, истеъмолчиларга зарур ва фойдали бўлган маҳсулотларнинг янги, янада мукамал турларини ишлаб чиқаришни планга киритиш ташаббускори бўлишни талаб этиши керак. Госнаб ишлаб чиқаришда материалларнинг сарфланиши устидан қатъий назорат олиб бориши, хом ашё, материал, ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланмаслик ҳолларига барҳам бериши лозим.

Госнаб ўз фаолиятини активлаштириши, истеъмолчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида бевосита хўжалик алоқаларини бутун чоралар билан ривожлантириши зарур. Ҳатто бир йилнинг ўзида ҳам тез-тез ўзгариб турадиган кўпдай-кўп нарядлар ўрнига узоқ муддатга мўлжалланган хўжалик шартномаси маҳсулот етказиб беришни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлмоғи лозим. Моддий-техника таъминоти бўйича давлат органлари томонидан ташкил қилинган ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилиш системаси тобора кўпроқ даражада моддий-техника таъминотининг муҳим формасига айланмоғи керак. Маҳсулот етказиб бериш шартларини бузганлик учун моддий жавобгарликни кучайтирган ҳолда гарантияли равишда комплекс таъминлаш тартибидан кенгроқ жорий қилиш зарур.

Хўжаликнинг бошқарилишини ташкилоти структурасини яхшилаш соҳасидаги ишви давом эттириш зарур. Партия XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ саноатда ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил қилиш ишлари авж олдиримокда. Биринчи 1971 йилнинг ўзида 252 та шундай бирлашмалар ташкил қилинди. Улар ишлаб чиқаришларни ихтисослаштиришни келгайтириш ва мавжуд резервлардан фойдаланишни яхшилаш имконини бераётир. Бирлашмалар ташкил этиш саноатда бошқариш системасини соддалаштиради, уни янада самарали қилади.

Беш йиллик охирига бориб халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчриш тугалланади. Ҳозирги вақтда бу система қурилишда кенг ривож топмоқда. 500 дан зиёд қурилиш трестлари ва бошқа ташкилотлар хўжалик юритишнинг янги методларига ўтказилди, улар қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 20 процентдан кўпрогини бажармоқда. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси савдода, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ривожланмоқда.

Социалистик планли хўжалик системаси экономикани тараққийнинг ҳамма босқичларида халқ манфаатларига тўла мувофиқ бўлиб келди. Меҳнаткашлар эксплуататорларга эмас, балки ўзлари учун, ўз жамияти учун ишлаётганликларини англаётганликлари оммавий меҳнат ғайрат-шижоатини юзага келтирмоқда. Барча совет кишиларининг ўз социалистик Ватанининг куч-қудратини мустаҳкамлашда манфаатдорлиги — ташаббус кўрсатиб, ижодий меҳнат қилишга ундовчи қудратли маънавий стимул

ҳисобланади. Ватанамиз куч-қудратининг ўсиши халқ фаровонлигининг муттасил юксалиши, унинг турмушининг яхшиланиб бориши демакдир. Беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси бунинг ёрқин нфодасидир.

* *
*

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг вужудга келганлиги дунёни революцион тарзда ўзгартириш даврини бошлаб берди. Ушандан буён мамлакатимиз доимо жаҳон ижтимоий тараққиётининг авангардида бормоқда. Янги жамият қурилиши соҳасида СССР қўлга киритган муваффақиятлар халқаро ишчилар синфи учун буюк намуна, унинг уюшқоқлиги ва сиёсий активлигини оширишнинг қудратли омилдир. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари эришган муваффақиятлар жаҳон майдонида кучларнинг нисбатан социализм фойдасига тубдан ўзгаришига олиб келди.

СССР тараққиётининг нокапиталистик йўлига ўтиб олган мамлакатлар учун мустақкам таянч ҳисобланади. Совет Иттифоқида ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг экономикаси ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси сиёсий мустақиллигини қўлга киритган ва кўп асрлардан буён давом этиб келган иқтисодий қолоқликка барҳам беришнинг энг самарали йўлларини излаётган ёш давлатлар учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бутун иқтисодий ва социал тараққиёти социализмнинг капитализмдан шаклшубҳасиз устунлигини яққол намойиш қилиб кўрсатмоқда. Улуғ Октябрь революцияси галаба қозонгандан буён ўтган давр жаҳон тарихида капиталистик система жуда катта ларзаларга учраган, капитализм умумий кризиси чуқурлашган ва унинг мустамлакачилик системаси қулаган давр бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўзининг ярим асрлик юбилейини бошқа социалистик давлатлар билан яқин ҳамкорликда кутиб олмоқда. Совет Иттифоқи қарийб ўттиз йил мобайнида капитализм системасига, социал ва миллий зулмга, ирқий камситишга қарши туриб келди. Ҳозир капитализм дунёсига қудратли жаҳон социализм системаси қарама-қарши турибди. У асосий халқаро проблемаларни ҳал этишда ҳукмрон омилга айланиб бормоқда.

Совет Иттифоқи ҳнмоя қилиб келаётган тинч-тотув яшаш принципи ҳамма томонидан эътироф этилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV

съездда таъкидлаб ўтганидек, давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча принципи, уларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар, эндиликда халқаро тараққиётнинг реал кучига айланди.

Кейинги вақтларда Европа қитъасида халқаро муносабатларда яхши ўзгаришлар юз берди. АҚШ билан муносабатларнинг истиқболлари яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида иқтисодий ва илмий-техника соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтди.

Кўп миллатли Совет давлати — ССР Иттифоқининг вужудга келиши ва унинг ривожланишининг ярим асрлик тажрибаси — келажак соҳиб бўлган социализм буюк ҳаётий кучга эга эканлигининг, инсоният кўз олдида социалистик тараққиётнинг порлоқ истиқболни очиб берган марксизм-ленинизм тарихан бениҳоя ҳақ эканлигининг амалдаги исботидир.

Коммунизм қуриш — Коммунистик партия ва совет халқи яратувчилик фаолиятининг буюк мақсади, бош истиқболидир.

Коммунистик партия теваригига яқинлашган бутун совет халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини байрам килар экан, коммунизм билан олган

**КРЕМЛДА ИТАЛИЯ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ
РАИСИ ЖУЛИО АНДРЕОТТИ ШАРАФИГА
ЎТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
1972 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Совет кишилари Италия халқига писбатан дўстлик ва ҳурмат туйғуларини дилда сақлайдилар, писоп фаоллятининг гоят турлитуман соҳаларда бу халқ эришган ютуқларни юксак қадрлайдилар.

Италия ва италияликлар Европа маданияти тарихига, жаҳон тараққёти тарихига кўндан-кўп ёрқин ва тақрорланмас саҳифалар битганлар. Мактабда ўқиб юрган кезларимиздаёқ биз барчамиз Кампанелла, Леонардо да Винчи ва Жордано Бруно, Данте ва Галилей билан, сўнгра Ферми ва бошқа буюк италянлар билан танишганмиз.

Совет халқи Италия халқининг демократик, прогрессив анъаналарига зўр ҳурмат билан қарайди. Гарпбальдининг номин совет кишилари Италия халқининг эрксеварлигини рамзи, деб билдиллар.

Совет қаҳрамон партизани Федор Полетаевининг ном совет ва италян халқларининг фашизмга қарши, мамлакатларимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун биргалликда олиб борган кураши рамзи бўлиб қолди.

Совет — Италия дўстлиги ҳақида гапирар эканмиз, биз Италиянинг турли сиссий оқимларга мансуб бўлган ҳамда фашизмга қарши олиб борган кураши билан мамлакатларимиз халқлари ўртасида дўстона алоқаларни ва бир-бирига хайрихоҳлик билан қарашни мустаҳкамлаган, мустаҳкам тинчликни таъминлашда Италиянинг актив роль ўйнаши учун курашган ва курашаётган жамоат ва сиссий арбобларни ҳурмат билан тилга оламиз. Шу муносабат билан биз Антонио Гармши, Пальмиро Тольятти, шунингдек бошқа кўпгина италиялик ватанпарвар-демократларни чуқур ҳурмат хис-туйғуларига тўлган ҳолда хотирлаймиз.

Сизнинг Совет Иттифоқига визитингиз, Бош министр жаноблари, Совет-Италия муносабатлари ривожланиш жараёнини бошдан кечираётганидан далолат беради. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида кенг алоқалар ўрнатилди. Бунда иккала давлат вақиллари ўртасидаги алоқалар катта роль ўйнади.

Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида тинчлик, озошлик, ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Бу мақсадлар КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик программасида ўзининг конкрет ифодасини топдики, Совет давлати уни сабот билан амалга оширмоқда.

Ҳозир жаҳонда юзага келган вазият давлатлар ва халқлардан халқаро хавфсизлик асосларини мустаҳкамлаш, халқаро хавфсизликни янада юмшатиш, қуролсизланиш йўлида тараққиётга эришиш, Европада кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш учун актив гайрат кўрсатишларини талаб этади.

Сўнгги вақтларда Европа қитъасида мураккаб халқаро масалалар ҳал қилиндики, бу кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Энг аввало Европада хавфсизликнинг туб масаласи — Европадаги мавжуд чегараларни барчанинг сўзсиз ҳурмат қилиш масаласида олға томон ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Европадаги турли ижтимоий системаларга мансуб бўлган мамлакатлар ўртасидаги алоқалар тобора активлашиб ва ҳар томонлама бўлиб бормоқда.

Совет-Франция ҳамкорлигида юксак даражага эришилди, Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида муносабатларнинг ривожланиши ҳам яхши шарафларга эришилди. Иккинчи сўзсизлик урушидан келинган йиллар мобайнида илк бор ўлароқ реалистик, тинчлик-севарлик йўли устувлик қилмоқда. Европанинг шарқи билан ғарб биланги қўйишга таянганлар ўртасида алоқалар ва аширбоиланлар ривожланмоқда, ўзаро ишонч мустаҳкамланмоқда. Биз СССР билан Италия ўртасида ҳам амалий ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатилганлигидан мамнуу эҳтишимизни изҳор этамиз. Шу ўринда мен Совет-Италия иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун кўп куч-гайрат сарфлаган Валлетта, Маттеи ва шулар каби Италия корчалон доираларининг кўзга кўринган намоёндалари ҳақида гапириб ўтишни истардим.

Хўш, Европада кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қитъамизнинг узоқ йиллар давомида барқарор тинчлик асосида ривожланишини таъминлаш йўлида қўядиган эндиги қадамимиз қандай бўлмоғи лозим? Биз бунини манфаатдор давлатлар бир ерга тўпланиб, ўз коллектив продаси ва обрў-эътибори билан Европа чегараларининг даҳлсизлигини мустаҳкамлашларидан, бир-бирлари билан муносабатларини тотув қўшничилик ва ҳамкорлик қилиш принциплари асосида қуриш мажбуриятини олишларидан, низоли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатишдан воз кечишларидан иборат деб биламиз.

Бу эса Европадаги давлатлар ўртасида муносабатларнинг бундан буён тинч-тотув яшаш муносабатлари тарзида ривожланиши, қитъанинг ҳарбий-сиёсий группировкаларга бўлинишига аста-секин барҳам бериш учун мустаҳкам замин вужудга келтиришга бў-

лурди, экономика, фан-техника ва маданият соҳасидаги алоқаларни тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида кенгайтириш учун янги имкопиятлар очилган бўлурди.

Бошқа сошпалистик мамлакатлар каби Совет Иттифоқи ҳам бундай катта вазифаларни хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгаши ҳал қилиб бериши керак, деб ҳисоблайди. Бу кенгашини ўтказиш Европа сиёсатининг фоят актуал масаласи бўлиб қолди.

Иш шунга қараб бормоқдаки, яқин орада Хельсинкида Умумевропа кенгашида қатнашиш шиятида бўлган давлатларнинг вакиллари учрашадилар. Улар кенгашни тайёрлаш ва ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун учрашадилар. Бизнингча бу унча кўп вақт талаб қилмаслиги лозим, чунки манфаатдор давлатларнинг ўзида кенгашни яқин келажакда ўтказишга умумий интилиш мавжуд.

Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар кенгашининг муваффақиятли ўтишига бутун чоралар билан ёрдам бериш мақсадида барча манфаатдор давлатлар билан амалий ҳамкорлик қилишга тайёрдилар.

Биз шунга аминмикки, Европа коллектив хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидан ҳаракат қилиб, ҳозиргига қараганда анча мустаҳкам ва ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун узок муддатли тарихий даврга қадам қўяди. Бизнингча, шунки томонлама ҳамкорлигимизнинг ҳам, жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигининг ҳам ривожланиши учун мумкин қадар кенг имкопиятни таъмин этиш бобида Совет Иттифоқи билан Италиянинг манфаатлари мос келмоқда. Шу сабабли Совет Иттифоқи биқиқ иқтисодий группировкалар сиёсатини маъқулламайди. Бундай сиёсат замон билан ҳамнафас бўлолмайди. Биз ўйлаймикки, Италиянинг ҳамда Ғарбий Европа «Умумий бозор» ининг қатнашчилари бўлган бошқа мамлакатларнинг корчалоқ доиралари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда жаҳон хўжалик алоқаларининг жонланиши шароитида ривожлантириш йўлида қўшимча қийинчиликлар туғдирмаслик учун реализм ҳиссига етарли даражада эгадилар.

Ҳозир, тинчлик ва Европа қитъасида кескинликни юмшатиш йўлидаги тенденциялар мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда, Европанинг ҳеч бир ерида ана шу тенденцияларга мос тушмайдиغان, чет эл ҳарбий базаларни вужудга келтириш, кескинликни кучайтиришдан пборат эски сиёсат асоратларини ўзида сақлаган ҳаракатлар қилинмаслиги айниқса муҳим. Кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш барча давлатларнинг муштарак иши бўлиб, бизнинг фикримизча, уларнинг куч-гайрати шунга қаратилмоғи лозим.

Биз, илгари бўлганидек, қуролли кучларни ва қурол-яроғни

қисқарттиришга, буни биринчи навбатда Марказий Европада амалга оширишга жиддий эътибор беряпмиз. Бу йприк мустақил масала бўлиб, Умумевропа кенгашидан айрим ҳолда ва у билан боғланмасдан махсус кўриб чиқишга лойиқдир.

Ҳозир мавжуд бўлган уруш ўчоқлари ва низолар бартараф қилинмас экан, ер юзида тинчлик мустаҳкам бўла олмайди.

Шундай манбалардан бири иккала мамлакатларимизнинг chegarалари яқинида мавжуд бўлиб турибди. Мапа олти йилдирки, Исроилнинг ҳукмрон доиралари БМТ қарорларига хилоф равишда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишига тўсиқ бўлмоқда. Босиб олинган барча араб территорияларидан Исроил қўшнларини олиб чиқиб кетиш — Яқин Шарқдаги тўқнашувни сиёсий бартараф этишнинг асосидир. Мазкур райондаги барча давлатлар ва халқларнинг хавфсизлиги шу йўл орқали таъмин этилиши мумкин ва лозим. Совет Иттифоқи доимо шу позицияда турганлигининг моҳияти ҳам худди ана шунда.

Вьетнам халқларига қарши уруш давом эттирилмоқда. Агрессияга хотима берилмас экан, Совет Иттифоқи Вьетнамнинг қарамон халқига агрессияни даф этиш учун барча зарур ёрдам ва мадад кўрсатаверади. Вьетнамдаги аҳволини адолатли ҳал қилишга эришиш учун сиёсий платформа мавжуд. Бу — Жанубий вьетнам президенти ва Мажлиснинг раёсатининг ҳукумати ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифларидан иборат. Совет Иттифоқи бу таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Биз шунга эминимизки, агрессиянинг давом эттирилиши Вьетнам халқи озодлик урушини оқибат патижасида ўзгартишга олиб келмасдан, балки янгидан-янги маҳрумликлар ва вайронликлар келтиради, холос. Эртами кеч Вьетнам озодлиги ва мустақиллигинининг тантина қилиши ана шундай натижа бўлади.

Министрлар Советининг Раиси жаноблари, социал тузум ва идеологиялардаги барча тафовутларга қарамай, Совет Иттифоқи билан Италиянинг тегишли даражада Европа ва халқаро майдонда тутган мавқенин белгиловчи бир қатор фактларни реалистик ҳисобга олганда, бизнинг фикримизча, Совет — Италия алоқаларини барқарор ривожлантириш учун етарлича кенг асос бор. Уларнинг ривожланиши иккала мамлакатларнинг доимий миллий манфаатлари ва, энг аввало, тинч келажақда ва мустаҳкам хавфсизликдан манфаатдор эканликларига асосланади.

Мамлакатларимиздан ҳар бири тегишли равишда халқаро мажбуриятлар олганлиги, ўз дўстлари ва иттифоқчиларига эгаллиги билан боғлиқ бўлган ҳолатга тўхталадиган бўлсак, биз шунга ишонамизки, Европада кескинликни юмшатиш ва халқаро кескинликнинг умуман юмшатиш жараёнида ҳукуматларимизнинг актуал халқаро проблемаларга қарашлари бир-бирига аста-секин яқинлашиб бориши ва, биз умид қиламизки, кўпинча мос тушиши мумкин.

Биз иқтисодий соҳада орттирилган тажрибани ижобий баҳолаймиз ва ҳамкорлик қилиш учун мавжуд имкониятларимиз ҳали тугаган эмас, деб ҳисоблаймиз. Саноати юксак даражада тараққий қилган мамлакатлар ҳисобланган СССР билан Италия кўпгина истиқболли соҳаларда, хусусан энергетика, жумладан атом соҳасида, химия, машинасозлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришлари мумкин. Бизларнинг тегишли ташкилотларимиз ҳам Совет Иттифоқи билан Италиядаги янги саноат корхоналари учун ускуналар етказиб беришда қатнашишлари мумкин бўлурди.

Ўртампзда бўлган дастлабки суҳбатларга қараганда умуман Совет — Италия муносабатларини ривожлантиришда янгида олган томон қадам қўйишга умумий интилиш борлиги кўринмоқда. Бундан гап барча соҳаларда, шу жумладан снэсат соҳасида ҳамкорликни яна ҳам юксак даражага кўтариш ҳақида бораётир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги снэсий муҳит билан уларнинг иқтисодий ва бошқа алоқаларнинг аҳволи бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олмасдан бўлмайди.

Турли даражаларда олиб борилаётган Совет — Италия снэсий консултацияларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бу мақсадга эришишнинг муҳим воситаларидан биридир. Биз музокараларнинг натижалари бундай консултацияларнинг мақсадини, уларни ўтказиш тартибини тўла-тўқис белгилаб олиш, ҳуллас, уларни ўзаро муносабатларимизнинг доимий практикасига олиб кириш имкониятини беради, деб умид қиламиз.

Бу эса СССР билан Италия ҳамкорлигини кескинликни юмшатиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш фойдасига кенгайтиришга ёрдам берган бўлурди. Халқаро ишлардаги янги ижобий фикрларни биргаликда қўллаб-қувватлаш, СССР билан Италия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш — биз суҳбатларимиз ва музокараларимизнинг асосий маъноси аниқ шундан иборат, деб биламиз.

**ВЕНАДА АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ
ФЕДЕРАЛЬ КАНЦЛЕРИ БРУНО КРАЙСКИЙ
ТОМОНДАН БЕРИЛГАН ЗИЁФАТДА
1973 ЙИЛ 2 ИЮЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Федераль канцлер жаноблари! Муҳтарама Крайская хоним! Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз Совет Иттифоқи тўғрисида айтган дўстона сўзларни учун Федераль канцлер жанобларидан миннатдоримиз ва муносабатларимизга берилган баҳога қўшилиамиз. Шу ерда, Австрия сиёсий ва жамоат доираларининг кўзга кўринган намоёндаларни ҳузурда, мен шунинг таъкидлаб ўтишни истардим. Австрия билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни қулай шароитда ривожлантиришни табиий натижадир, деб қарамоқдамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида ҳам Совет Иттифоқи раҳбарларининг сўзларида ҳам овозлашган Австрия билан муносабатларимиз доимо ижобий баҳоланиб келди. Бунда ҳар иккала томоннинг хизмати бор, албатта. Муносабатларни ривожлантиришга иккала томоннинг пайнлиши бўлмаганида эди, биз бугунги кунда сизнинг ажойиб пойтахтингизда учрашмаган бўлардик.

Биз Федераль канцлернинг таклифига мувофиқ, у ва унинг шериклари билан биринчи галда Совет — Австрия муносабатларининг ривожланишига ёрдам берадиган масалаларни муҳокама қилмоқ учун Австрияга келдик.

Бугун бошланган фикр олишув бизда СССР билан Австрия ўртасидаги муносабатларга тааллуқли кўпгина муҳим масалаларга умумий ёндашиш борлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли бизнинг вазиғамиз — иккала томон учун фойдали натижалар келтирадиган қизиқарли ўзаро мақбул фикрга келишдан иборат. Биз ўйлаймизки, Австриянинг корчалон доиралари вакиллари билан бўладиган бўлажак учрашувлар биз иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун биргаликда нималар қила оlishимиз мумкинлигини яна ҳам аниқ-равшан тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Биз барча масалаларни ҳам бирварақайпга ёки қисқа вақт давомида ҳал қилолмаймиз, албатта. Бу масалалардан баъзиларни қўшимча суратда муҳокама қилиш ва музокаралар олиб боришни

тақозо қилади. Айни шу мақсадда биз биргаликда Совет — Австрия амалий ҳамкорлигини чуқурлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программаси лойиҳасини тайёрладик. Бу программа СССР билан Австрия ўртасида халқаро меҳнат тақсиротини ва ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтиришга қаратилгандир.

Бизнинг Австрияга визитимиз халқаро ҳаётда муҳим ва умидвор қилувчи ўзгаришлар бўлаётган бир вазиятда ўтмоқда. Совет Иттифоқи Тинчлик программасига амал қилиб, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда яхши томонга юз берган ўзгаришлар бизнинг биргаликда сарфлаётган куч-гайратимизнинг оқибат натижаси бўлиб қолмай, балки халқаро муносабатларда мутлақо янги саҳифанинг — мустақкам тинчлик ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик даврининг бошланиши бўлишига интилмоқда. Узоқ йиллар давом этган ва вақти-вақти билан халқаро кризислар даражасига етган кескинликдан кейин бунга эришиш осон эмас, албатта. Аммо ҳар қандай бўлганда ҳам, ҳозир жаҳондаги кучларнинг реал нисбати шунга ишонч ҳосил қилмоқдаки, икки жаҳон системаси ўртасида муносабатларни ривожлантиришнинг бирдан-бир оқилона асоси тинч-тотув яшаш сиёсатидир.

Шу хулосадан келиб чиқадики бўлсак, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Америка Қўшма Штатларига ва Францияга қилган визитлари муҳим аҳамиятга эга воқеалар бўлди. Бу визитлар бутун халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Бу визитларни совет ташқи сиёсати тинч-тотув яшаш соҳасида пэчиллик билан ўтказаетган йўлининг қонуний натижаси деб қараетганлар мутлақо ҳақдирлар. КПСС Марказий Комитети Бош секретариининг АҚШ Президентни Р. Никсон билан оlib борган музокараларининг якунлари, шубҳасиз, кескинликни янада юмшатиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш соҳасида бутун халқаро вазиятга узоқ вақт таъсир кўрсатади. Улар кишиларнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари тинчлик неъматларидан баҳраманд бўла олишларига бўлган умидимизни мустақкамлайди. Бундай имконият ҳақиқатга айланиши учун барча давлатлар ва халқларнинг зўр куч-гайрат сарфлаши зарур бўлади, албатта. Бу соҳада ҳам ҳар бир мамлакатнинг ҳиссаси қимматли ва ўз аҳамиятига эга.

Шу сабабл Совет ҳукумати бизнинг Австрияга визитимиз ҳақида қарор қабул қилганида, биз Совет — Австрия муносабатларининг ривожланишига янгидан туртки бериш билан бирга, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишга катта аҳамият беришимизни таъкидлашни ҳам истагандик.

Совет Иттифоқи социал системаси бизникидан ўзгача бўлган мамлакатлар билан, агар бу мамлакатлар ҳам шунга интилаётган

бўлсалар, ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга тайёр, дегар эканмиз, биз ана шу принцинга амал қиламиз.

Европада халқаро муносабатларнинг туб масалалари, ўтмишда бўлганидек, Европа мамлакатлари орасидан қандайдир мумтозлар томонидан эмас, бир неча давлат қолган давлатларнинг фикрини сўраб ҳам ўтирмай, Европа тақдирини ҳал қилиб келган тарзда эмас, балки барча Европа мамлакатлари томонидан биргаликда Умумевропа кенгашида ҳал қилиниши учун курашар эканмиз, биз ана шу принципти турмушга ошириб келдик ва оширмоқдамиз.

Хельсинкида очилдиган ана шу кенгашда давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда умумий тил топишлари керак. Барча давлатларнинг манфаатларини кўзлаб ана шу масалалар юзасидан келишув соҳасини кенгайтириш, бунда ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ, прайм камситмаслик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик руҳида ҳаракат қилиш лозим. Кенгаш муваффақиятли якунланиши учун — бу унда қатнашаётган барча мамлакатларнинг ҳам муваффақияти бўлиши керак, — унинг барча қатнашчилари Европа воқелигини, у аслида қандай бўлса, шундай тасаввур эшитилар экан. Европада Умумевропа кенгаши Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ишини янги тарзда олга силжитди, дейиш учун асос бор.

Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан бўлгани сингари бетараф Австрия билан ҳам Умумевропа кенгашининг муваффақиятли ўтишини таъминлашда самарали ҳамкорлик қилишга умид боғлайди.

Кескинликни юмшатиш шароитида бетарафлик сиёсати ўзининг аҳамиятини йўқотди, деган фикрларни баъзан эшитиш мумкин. Бу нотўғри фикр, албатта. «Совуқ уруш» замонида ҳам бетарафликни бузуқ сиёсат деб атаганлар бўлган. Аммо бетарафлик — жаҳонда юз бераётган барча воқеаларга мутлақо бефарқ қараш, деган сўз эмас. Афтидак, бундай бетарафлик бўлмайди ҳам. Масалан, биз шунини биламизки, Австрия қуролсизланиш, халқаро кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида давлатлар ўртасида тотув қўшвичилик муносабатлари принципини қарор топтириш сингари бир қатор халқаро проблемаларни ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Доимий бетарафлик тўғрисидаги қонунга қўра Австрия ўз зиммасига ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик, ўз территориясида бошқа давлатларнинг ҳарбий базаларини вужудга келтиришга йўл қўймаслик мажбуриятини олган. Бундай позиция Европада уруш хавфини камайтиришга қаратилгандир. Бунда ҳам биз Австрия бетарафлигининг ижобий аҳамиятини кўриб турибмиз.

Европа кескинликнинг юмшатиш даврига қадам қўйган ҳозирги вақтда Австриянинг доимий сиёсати бўлган бетарафликнинг

аҳамияти асло қимматини йўқотмайди. Бизнинг фикримизча, унинг аҳамияти яна ҳам ортади. Шунинг учун ҳам ортадики, кескинликнинг юмшаши Австрия 1955 йилда ташқи сўбатда таплаган йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда ва, шуниси айниқса муҳимки, унинг халқаро ишларда яна ҳам актив амалий роль ўйнаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бу соҳада Австрия Совет Иттифоқи уни тушуниб етшига, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқларнинг осойишталиги манфаатлари йўлида бизнинг ҳамкорлигимизга ҳамisha умид боғлаши мумкин.

**ЛЕНИНГРАДДА СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ДЎСТЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН МИТИНГДА
1973 ЙИЛ 13 ИЮЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Ле Зуан ва Фам Ван Донг ўртоқлар! Қадрли вьетнамлик дўстлар! Азиз ленинградлик ўртоқлар.

Азиз меҳмонларимизни яна бир бор қардошларча табриклашга ҳамда ленинградликларга Коммунистик партияimiz Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ҳамда Сийёсий бюро барча аъзоларининг қизгин саломини топширишга кучимиз берганига, биз вьетнамлик дўстларимиз билан бирга Ленинградда келган бугунги кунда вьетнамлик қардошларимиз кураш олиб бораётган иш бутун совет халқи каби ленинградликлар учун ҳам бениҳоя азиз эҳтироби билан дарҳол ҳис этдик. Ленинградликлар азиз дўстларимиз Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ле Зуан ҳамда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, ВДР ҳукуматининг Бош Министри ўртоқ Фам Ван Донг бошчилигидаги Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати делегациясининг қизгин, унутилмас шод-хуррамлик билан кутиб олишаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Оспёда революцион-озодлик ҳаракатининг олдинги сафларида бораётган қаҳрамон вьетнам халқининг вакиллари қаҳрамон — шаҳар Ленинград, шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари шаҳри шундай қарши олаётганлиги ҳамда олқиш-лаётганлиги муҳим ва рамзий маънога эга.

Вьетнам халқи мустамлакачи империалистларга қарши жуда оғир курашга бардош берди, бу ундан гоят катта қурбонлар ва маҳрумликлар талаб этди. Аммо у барча сповларни мардонатор енгиб ўтди ва ғалаба қозонди. Вьетнам халқи ўзининг жанговар авангарди Вьетнам Меҳнаткашлар партияси теварагига маҳкам жиқлашганлиги учун ҳам, йўлбошчиси Хо Ши Мин васиятларига содиқлиги, Маркс — Энгельс — Ленин зафарли байроғига содиқлиги учун ҳам, ўз ваташини қизгин ва астойдил севганлиги учун ҳам гоят мураккаб вазиятда асло чекинмади, озодлик, мустақиллик ва социализм учун курашда қўлга киритган

позицияларини бой бермади. Ана шуларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар кўрсатган жуда катта ёрдам билан бирга қўшилган вьетнам халқининг империалистик агрессияга қарши курашда ғалаба қозонишини таъминлади.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари революцион Вьетнамни, шу мамлакат ватанпарвар кучларининг меҳнаткаш халқ манфаатлари, Вьетнамнинг тинчлик ва тараққиёт шароитида гуллаб-яшаш манфаатлари йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўрдилар ва кўрмоқдалар. Вьетнамга берган ёрдამимиз ҳамда сиёсий ва маънавий мададимиз социалистик мамлакатлар бирлигининг буюк кучини, уларнинг марксизм-ленинизм умумий ғоялари билан жипслашган синфий иттифоқининг энгилмаслигини намоён қилмоқда. Бизнинг олга томон биргаликдаги ҳаракатимизни, коммунистик идеалларнинг тантана қилиши йўлидаги умумий курашимизни тўхтатиб қоладиган куч дунёда йўқ. Вьетнам халқининг ғалабаси буни яна бир қарра исбот этди.

Азиз ўртоқлар! Кеча Москвада Совет-Вьетнам музокаралари ниҳоясига етди. Бизнинг музокараларимиз кенг кўламдаги халқаро проблемаларни ҳамда Вьетнам Демократик Республикасида социализм қурилиши манфаатлари, Вьетнам туризмида мустақам тинчликни таъминлаш ва Вьетнам бўйича Париж битимларининг қатъий бажарилиши манфаатлари йўлида Совет-Вьетнам ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалаларини ўз ичига олди. Биз, шунингдек, Вьетнам билан иқтисодий ҳамкорлигимизга тааллуқли бўлган, айниқса мамлакат халқ хўжалигини қайта тиклаш вазифалари билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни ҳам қараб чиқдик. Урушдан кейин Вьетнам Демократик Республикаси олдида уруш туфайли жуда катта зарар кўрган экономикани юксалтириш, узоқ йиллар давомида уруш машаққатларини бошидан кечирган меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш вазифалари кўндаланг бўлиб турибди. Шунингга олиб биз ВДР билан иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим қарорлар қабул қилдик ва тегишли Совет-Вьетнам битимларини имзоладик. Биз бу қарорларни социалистик интернационализм принципларига амал қилган ҳолда, уруш етказган оғир жароҳатларни мумкин қадар тезроқ даволашда вьетнам халқига ёрдам бериш иштиёқидан келиб чиққан ҳолда қабул қилдик.

Вьетнамлик ўртоқлар Париж битимини Вьетнамдаги аҳволни сиёсий баргараф қилиш масалаларини ҳал этиш учун асос деб билаётганликларини бизга маълум қилишди. Совет Иттифоқи ҳам ўз томонидан бутун чоралар билан бунга ёрдам беради.

Бизнинг вьетнамлик дўстларимиз билан олиб борган музокараларимиз тўла бир-бирини англаш, самимийлик ва қардошларча

дўстлик руҳида ўтди. Бундай муҳит фақат бизнинг музокара-ларимиз учун эмас, балки шу билан бирга вьетнамлик ўртоқлар Совет Иттифоқида ўтказган барча учрашувлари учун ҳам харак-терлидир.

Вьетнам Демократик Республикаси реакция кучларнинг ҳийла-пайрагларига нисбатан ҳушёрлик кўрсатиб, тинч қури-лишга киришмоқда. Биз вьетнам халқи ўз ваташнинг гуллаб-яшнаган халқ хўжалигини барпо этишда катта муваффақиятлар-га эришажагига аминмиз. Вьетнамлик дўстлардан бизга шу нарса маълумки, ҳозир Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти шунга қаратилган, партия ва давлат раҳбарлари Ле Зуан, Фам Ван Донг ўртоқлар ҳамда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бошқа аъзолари бунга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Вьетнам халқи ҳаётидаги бундай бурилиш бутун дунёда халқ-аро муносабатларда катта ижобий ўзгаришлар бўлаётган бир шароитда юз бермоқда. Бу эса Вьетнам Демократик Республика-сида социализм қурилиши учун ҳар қачонгидан кўра янада қу-лай шароит яратди.

Мустақкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун қуришга Совет Иттифоқи ва бундан ташқари мамлакатларнинг мамла-катлари билан ташқи алоқаларнинг аҳамияти молиқ муваффақият-ларини кўлга киритдилар. Вьетнамда агрессия урушининг тўхта-ганлиги, Европада вазиятнинг нормаллашганлиги, Совет-Итти-фоқи ва бундан ташқари мамлакатларнинг Германия Федератив Республикаси билан муносабатларининг соғломлашганлиги, Совет-Америка муносабатларининг сезиларли даражада яхши-ланганлиги, қуро-яроғларни чеклаш соҳасидаги ва, айниқса энг муҳими, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида битимга келинган ядро қуролининг олдини олиш соҳаси-даги кўзга кўринарли натижалар ана шу муваффақиятлардан далолат бериб турибди.

Совет Иттифоқининг халқаро вазиятда ўзгариш ясаётган таш-қи сиёсат соҳасидаги барча энг йирик ҳаракатлари партия XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш йўлида қилинмоқдаки, улар бутун инсониятнинг тинч келажаги йўлини пурафшон қил-моқда. Партиямиз ва ҳукуватимиз ташқи сиёсатини ишлаб чи-қиш ҳамда турмушга татбиқ этишга КПСС Марказий Комитети-нинг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев жуда катта ҳисса кўшмоқда. Совет халқи, жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Америка Қўшма Штатларига, Германия Федератив Республикасига, Францияга қилган визитларини, унинг шу мамлакатларнинг раҳбарлари билан олиб борган музокараларининг натижаларини қизғин маъқул-лаб кутиб олдилар. Бу гоят муҳим визитлар натижаси тузуми тур-лича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув

яшаш принциплари асосида қайта қуриш жараёнига қудратли стимул берди. Л. И. Брежневнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги жуда катта хизматлари унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Лепни мукофоти берилиши билан тақдирланди.

Тинч-тотув яшаш ғояси шундай кучга айланиб бормоқдаки, у пикки жаҳон системаси ўртасидаги муносабатларга самарали ўзгартирувчи таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, биз эндиликда партиямиз ва давлатимизнинг тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш соҳасидаги ташқи сиёсий фаолияти барча халқлар томонидан актив қўллаб-қувватланаётган тинчлик йўлидаги ғоят кучли ҳужумдан иборат бўлмоқда, деб дадил айта оламиз.

Жаҳонда кескинликни сақлаб қолиш ва «собик уруш»га қайтишни истовчи катта кучлар ҳали ҳам бор, албатта. Аммо бу кучларни халқлар қўллаб-қувватламайдилар, улар беҳудага уринадилар, улар ҳалокатга маҳкумдирлар. Шунга ҳеч шак-шубҳа йўқки, тинч-осойишта ҳаёт пьёматларини татиغان халқлар тинчлик ишнини қатъиян ҳимоя қиладилар ва мустаҳкамлай берадилар.

Капиталистик мамлакатларга, улар билан муносабатларни тинч-тотув яшаш асосида қуришни таклиф этиш билан, биз ҳеч қачон ўз сифий принципларимиздап ёки халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун кураш олиб бораётган революцион кучларнинг манфаатларидап воз кечганимиз йўқ. Совет Иттифоқи империалистик агрессия сиёсатига ҳамда ўзгаларнинг ишига аралашшига қарши ҳамма вақт қатъиян курашиб келди ва курашмоқда.

Бизнинг тинчлик сиёсатимиз социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Социалистик мамлакатларнинг куч-қудрати ва жиқлиги кескинликни юмшатиш ва бутун халқаро вазиятни соғломлаштиришга ишончли хизмат қилмоқда. Улар тинчликнинг энг муҳим омилга айландики, ҳеч бир кимса бу билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Вьетнам халқининг галабаси буни яна бир қарра тасдиқлаб турибди.

Азиз ўртоқлар! Бугунги кунда биз вьетнамлик дўстларимизни Лепни шаҳрида қабул қилмоқдамиз. Улуғ доҳиймиз шу ерда халқ иши учун курашчиларнинг кучларини таркиб топтирган ва мустаҳкамлаган эди, у шу ерда пролетар революцияси плагини ишлаб чиққан, бу плагини амалга ошириш, ғолибона Октябрь қуролли қўзғолонини ташкил қилиш бўйинча большевикларнинг ишига бошчилик қилган эди.

Октябрь революцияси Россия меҳнаткашлари ва бутун инсониятнинг келажакни йўлини нурафшон қилди. Октябрь ғоялари, социалистик революциямизнинг тажрибаси жаҳондаги барча пролетар революционерлар, барча миллий озодлик ва тараққиёт куч-

лари қўлида ғоят қудратли қурол бўлди. Бу ғоялар вьетнамлик марксистлар қўлида ҳам қудратли қурол бўлди.

Вьетнам партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқиغا қилган визити мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихига катта аҳамиятга эга воқеа бўлиб киради. Шу июль кунлари совет кишиларининг ҳам, вьетнамликларнинг ҳам эсида қолади. Бу кунлар Совет-Вьетнам ҳамкорлиги таътанан қилган кун сифатида бизнинг ёдимизда қолади.

Ўтган уруш кунларида бўлганидек, тинчлик кунларида ҳам биз халқларимизни бирлаштириб турган қардошлик ва бирдамлик алоқаларини биргаликда мустаҳкамлайверамиз, партияларимиз ўртасидаги алоқаларни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационалиزمи принциплари асосида мустаҳкамлайверамиз. Биз ленинградликлар ҳам ана шу умумий ишга муносиб ҳисса қўшишларига аминмиз.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси партиялари ҳамда халқлари ўртасидаги дўстлик ва жипслик мустаҳкамланаверсин!

Яшасин тинчлик, тараққиёт ва халқлар дўстлиги таянчи — социалистик ҳамдўстлик!

**КРЕМЛДА ЭРОН БОШ МИНИСТРИ АМИР АББОС ҲУВАЙДО
ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
1973 ЙИЛ 6 АВГУСТДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Бош Министр жаноблари!

Биз Сизнинг Совет Иттифоқига визитингизни табриқлаймиз. Бу визит тотув қўшничилик сиёсати Совет-Эрон муносабатларида доимий сиёсат бўлиб қолаётганини яна бир марта тасдиқламоқда.

Биз ўз муносабатларимизни социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши иринциплари асосида қурмоқдамиз. Совет Иттифоқининг, афтидан, Эроннинг ҳам халқлари муносабатларимизнинг ана шу негизда ривожланиб бораётганлиги орқасида юзага келаётган афзалликларни доимо кўриб турибдилар. Салкам 2,5 минг километрга чўзилган Совет-Эрон чегарасида тинчлик ва осойишталик вазияти барқарор қилинганлигини улар юксак баҳолайдилар. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ ҳар иккала мамлакатга тобора кўпроқ наф келтирмоқда. Бунда аввал Совет ва Эрон раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар вақтида шу масалалар юзасидан тузилган битимлар турмушга татбиқ қилинмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларнинг боши узоқ ўтмишга бориб тақалади, аммо яқингинада, шу йилнинг март ойида биз Совет Иттифоқи билан Эрон ўртасидаги иқтисодий алоқалар соҳасида янгича йўналишни, янгича анъанани барқарор қиладиган воқеани нишонладик. Бунда мен Совет Иттифоқининг техника жиҳатдан кўрсатган ёрдами билан Эронда барпо қилинган Исфохон металлургия заводининг очилишини назарда тутаяпман. Индустириал ривожланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бизнинг амалий алоқаларимизнинг муҳим қисмига айланмоқда. Совет Иттифоқи миллий саноатни ривожлантиришда Эронга ёрдам берад экан, буни фақат, одатда айтилишича бу иш иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, ўзаро манфаатли эканлиги учун, Эрон ўз навбатида керакли товарларни Совет Иттифоқига сўрашиб бераётганлиги учун қилаётгани йўқ, асло.

Биз индустриал ривожланиш соҳасидаги тажрибамизни ўз қўшимиз Эрон билан баҳам кўрар эканмиз, совет инженерлари,

инчилари, олимларнинг билим ва маҳоратини эронликлар билан ўртоқлашар эканмиз, биз шунчаки савдо-сотиқ операцияларини амалга оширмаётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим. Биз бошқа кўнгина ривожланаётган мамлакатлар сипариси, Эроннинг ҳам замонавий саноатини барпо этиш, иқтисодий мустақилликка эришни йўлидаги интилишига кўмаклашмоқдамиз. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ҳам ана шу катта мақсадга эришни йўлидаги ҳаракатига тўла тушунган ҳолда ва хайрихоҳлик билан қарайди.

Совет ҳукумати Эрон билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Биз шунинг учун ҳам бундай йўлни ўтказмоқдамизки, у иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос келади, Ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлашга ва умуман халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунинг ўзида Совет-Эрон ҳамкорлиги бироп-бир бошқа мамлакатга қаратилмаганлиги гарантсиялангандир. Совет Иттифоқининг бошқа мамлакатлар билан, масалан, СССР ва Эроннинг қўшнилари — Ҳиндистон, Афғонистон, Ироқ, Туркия, Покистон билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам худди шунини айтиш мумкин.

Совет Иттифоқида биринчи эронликларнинг қўшнилари билан ҳамкорликнинг асослари мустақимликнинг асослари эмас, балки уларнинг бир-бири билан муносабатлари ҳам тотув қўйинчилик, тинчликсеварликка асосланган ҳамкорлик ва бир-бирини янгиликлар билан барқарор бўлишига эришмоқчилик ва оқибатда унинг учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда. Бунда биз, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев яқинда Киевда сўзлаган нутқида таъкидлаб айтганидек, халқаро масалалар, шу жумладан бир хил ва турлича ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида пайдо бўладиган энг мураккаб масалалар ҳам фақат тинч йўл билан, куч ишлатмасдан ёки куч билан қўрқитмасдан, урушларсиз ҳал қилиниши мумкин ва лозим, деган қатъий эътиқодга асосланамиз.

Бордию бирон кимса ўзининг халқаро сиёсатини бир давлатни иккинчи бир давлатга қарама-қарши қўйиш асосида олиб борса, бундай йўл фақат халқаро кескинликни кучайтиришни, муҳим халқаро проблемаларни тартибга солиш иштини мушкуллаштиришни мумкин. Бундай сиёсатни қандай ниқоб билан хаспўшлашга уринмасинлар, у оқибат натижада ўзининг асоссизлигини муқаррар кўрсатади ва барбод бўлади.

Тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига хизмат қилувчи сиёсат халқларнинг ишончини қозонади ва улар томонидан қўллаб-қувватланади. Бу инсоният олдига турган жуда катта масала бўлиб, оқибат натижада Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги бутун фаолияти шу масалани ҳал этишга қаратилгандир. Биз халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатимизнинг аниқ йўлни белгилаб

олгаимиз. Бу — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасидир.

Тинчлик программасини амалга ошириш жараёнида, кескинликни юмшатиш ва халқаро вазиятни соғломлаштириш ишида эришилган муваффақиятлар умум томонидан эътироф қилинмоқда. Бу муваффақиятлар жуда маълум, бшнбарини улар ҳозирги халқаро муносабатларини ривожлантиришдаги асосий тенденцияни белгилаб бермоқда. Шу билан бир қаторда аввалгидек халқаро кескинликнинг юмшашига қаршилик кўрсатаётган, ҳарбий тайёргарликни кўчайтириш, ҳарбий бюджетларни кўпайтириш учун қурашаётган, давлатлар билан халқлар орасига ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга уринаётган кучлар ҳам мавжуд. Аммо халқаро ишларда «куч ишлатиш»га умид боғлашга ўрганиб қолганларга ҳаёт яхшигина сабоқ берди: «куч ишлатиш» сиёсати ва у билан боғлиқ бўлган қуролланиш пойгаси шундай сиёсатни ўтказишни лозим кўрган давлатларнинг халқлари зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Бундай сиёсатни халқлар рад этаётганликлари ўз-ўзида аён. Ҳозир дунёдаги кучларнинг мавжуд нисбати шунга ишонч ҳосил қиладики, халқаро проблемалар кескинликни юмшатиш, халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида, шикимоний тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашни йўларида ҳал қилиниши мумкин ва лозим.

Кескинликни юмшатиш жараёни барча қитъаларни, дунёнинг ҳамма районларини қамраб олиши керак. Бунинг учун, энг аввало, Вьетнам, Лаос, Камбоджа халқларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини қатъий ҳурмат қилиш неғизда бутун Ҳинди-Хитойда адолатли тинчлик ўрнатиш, Яқин Шарқдаги аҳволни тартибга солиш зарур, бу эса босиб олинган араб территорияларидан исроил қўшинларининг тамомила олиб чиқиб кетилишини талаб қилади.

Биз давлатларнинг ташқи сиёсати ўзаро ишончга ва тинчликни мустаҳкамлаш мақсади йўлида ўзаро келишувга асосланиши учун қурашмоқдамиз. Албатта, ишонч мустаҳкамланмоғи учун халқаро шартномалар ва битимларга қатъий амал қилинмоғи лозим, чунки уларни бузиш ишончнинг йўқолишига олиб келади ва, устига-устак, янги ихтилофлар учун замин яратади. Давлатларнинг сиёсати тузилаётган шартномалар ва битимлар бажарилажатига халқларда ишонч туғдирмоғи лозим.

Шу йил март ойида қабул қилинган Совет-Эрон қўшма ахборотида мамлакатларимиз Оспёда коллектив хавфсизлик гоёларининг амалга оширилишига ёрдам бериш мақсадида эканликларини баён қилдилар. Бу Оспёдаги барча мамлакатлар учун улкан мақсад ва, мавжуд қийинчиликларга қарамай, у реал ва бунга эришиш мумкин. Бизнинг пазаримизда, Оспёдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш ва тотув қўшинчиликка асосланган ҳамкорлик принциплари асосига қурилган, ўзаро муносабатлар ўрна-

тиш орқали бу мақсадга етншиш мумкин бўлурди. Бу, эиг аввало, давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч қўлланишдан воз кечиш, суверенитетни ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий ҳамда бўлак ҳамкорликни кенг ривожлантиришдан иборатдир.

Биз Осиёда коллектив хавфсизлик ҳар бир халқнинг ўз тақдирига ўзи эгаллик қилиши, агрессия йўли билан территорияларни аннексия қилишга йўл қўймаслик, барча халқаро низоларни тинч воситалар орқали бартараф қилиш сингари принципларни эътироф этиш ва уларга қаттиқ риоя қилишга ҳам таянмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир халқнинг ўз табиий ресурсларига суверен эгаллик қилиши ва социал-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга бўлган дахлсиз ҳуқуқининг барча томонидан эътироф этилиши ва унга риоя қилинишини ҳам шунинг қаторига қўйиш мумкин бўлурди.

Барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ана шу принципларнинг давлатлар ўртасидаги муносабатларда барқарор қилиниши Осиё мамлакатларига иқтисодий ва социал тараққиёт мақсадлари йўлида ўз ресурсларидан тўла фойдаланиш имконини берган бўлурди.

Осиёда хавфсизликни коллектив асосларда таъминлаш Осиё давлатларининг коллектив бўлиб куч-гайрат сарфлашини талаб этади. Совет Иттифоқига келганда шунинг айтиши керакки, биз бу соҳада Осиёдаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, чунки Совет Иттифоқи Осиёда коллектив хавфсизликни шу қитъадаги барча мамлакатларнинг муштарақ иши деб билади.

Биз Эрон Бош Министри билан бугун бошланган музокаралар Совет-Эрон ҳамкорлиги иккала мамлакатнинг манфаатларига мос келадиган барча соҳалар бўйича янада ривожланиши учун хизмат қилади, деб умид қиламиз. Бундай соҳалар кўп ва улар етарли даражада яхши маълум. Мен фақат Яқин ва Ўрта Шарқда кескинликни янада юмшатиш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик каби биргаликда фаолият олиб боришдан иборат энг муҳим соҳани алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман, холос.

**БЕЛГРАДДА ЮСФР ИТТИФОҚ ИЖРОИЯ
ВЕЧАСИНИНГ РАИСИ ЖЕМАЛ БИЕДИЧ
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1973 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли ўртоқлар! Совет Иттифоқига нисбаташ дўстона ҳис-туйғулар изҳор қилгани учун биз ўртоқ Биедичдан гоят миннатдормиз, Белградда бўлган дастлабки дақиқаларимизданоқ бизга нззат-икром кўрсатаётганликлари учун барча югослав дўстларимиздан миннатдормиз.

Югославия билан учрашув — бизларнинг ҳар биримиз учун ҳаяжонлантирувчи воқеадир. Ўтган ўн йиллар мобайнида Совет Иттифоқи билан Югославия халқлари қуролдош ўртоқ бўлиш ва янги ҳаёт қуриш учун, социализм учун курашда сафдош бўлиш нима эканлигини яхши билиб олишди. Халқларимиз тақдирининг муштараклиги, Совет Иттифоқи билан Югославиянинг, Европа ва бутун инсониятнинг озодлиги ҳамда мустақиллиги учун олиб борилган жангларда биргаликда тўқилган қон Совет-Югославия дўстлигини метиндек мустаҳкамлади, бинобарин, тарихнинг ҳеч қандай қинғирликлари бу дўстликка раҳна соллмади.

Бизнинг Югославия халқлари билан дўстлигимиз яна ҳам мустаҳкамланганини, иккала мамлакатдаги ёш авлод халқларимизни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган қардошлик, ўртоқлик туйғуларининг софлигини ва аҳамиятини асраганини совет халқи жуда-жуда истади. Бинобарин, бутун совет ва югослав жангчиларининг ёдгорликлари пойига гулчамбарлар қўяр эканмиз, биз улар ўз ҳаётларини қурбон қилган иш халқларимизнинг дўстлигида тантана қилаётганлиги ҳақида ўйладик. Бу иш бизларнинг социализм ва коммунизм учун, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун, мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун биргаликда олиб бораётган курашимизда яшамоқда ва тантана қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1971 йил сентябрда Югославияга қилган визити ҳамда ЮСФР Президентп, Югославия Коммунистлар Союзи Раисп ўртоқ Иосип Броз Титонинг ўтган йил июнь ойида Совет Иттифоқига қилган визити Совет-Югославия ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу

визитлар вақтида бизнинг партияларимиз ва давлатларимиз ўрта-сидаги муносабатларнинг асосини ташкил қилувчи принциплар таъкидлаб ўтилди, шунингдек бизларнинг келгусидаги ҳамкорлигимиз программаси белгилаб олинди. «КПСС билан ЮКС, — дейилади 1971 йил 25 сентябрдаги Совет-Югославия баёнотида, — шундан келиб чиқадиларки, социалистик жамият қурилиши учун курашда ўз халқларининг ва ишчилар синфининг бошида турган коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг сиёсати учун бугунги кунда ва келгусида ҳам ҳар бир мамлакатнинг хусусиятларига мувофиқ ҳолда ижодий қўлланилаётган ҳамда ривожлантирилаётган Маркс — Энгельс — Ленин таълимотигина доимо асос бўлиши мумкин. Айрм мамлакатларнинг ривожланиш тажрибасини ва хусусиятларини ифодаловчи социализм қурилиши методлари шу мамлакатлар халқларининг ҳамда ишчилар синфининг ишидир ва бир-бирига қарама-қарши қўйилмаслиги керак».

Шундай баёнот билан чиқиб, КПСС ва ЮКС Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасига нифоқ солишга, иккала мамлакат халқлари орасига шиносчилик ва душманлик уруғини сочишга уришган бизнинг умумий душманларимизга зарба бердилар. Биргаликда қабул қилинган бу ҳужжатда Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш синфини муносабатларини ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилиги муносабатлари оқалтириши баён қилдилар.

Бундай ёндашни мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, иқтисодий методлари ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун қулай шароит яратади, ҳамкорлигимиз жараёнида пайдо бўлиб турадиган масалаларда ўзаро мақбул бир қарорга келиш имконини беради.

Бу Совет-Югославия иқтисодий алоқаларининг ривожланиши мисолида яққол кўриниб турибди. Бу беш йилликда мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ ҳажми бир ярим баравардан зиёд-роқ кўпаяди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Югославия территориясида 90 дан ортиқ саноат объектлари барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Уларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатда пўлат ишлаб чиқаришни, темир, қўرғошин-рух рудалари, боксит қазиб олишни анча кўпайтириш имконини беради. Бу эса ўн минглаб югослав ишчиларини иш билан таъминлашга имкон яратади. Бундай ҳамкорлик иккала мамлакатга ҳам наф келтиради. Масалан, Совет Иттифоқи Югославиядан рангли металллар, кemasozлик маҳсулотлари, химия ва фармацевтика саноати буюмлари, халқ истеъмол товарларини кўп миқдорда импорт қилади.

Ягона план асосида, таназул ва инқирозларсиз ривожланаётган бизнинг социалистик халқ хўжалигимиз Югославия билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин ҳисобланади.

Биз Югославиянинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши доирасида ривожлантириши учун яхши истиқболлар бор, деб ҳисоблаймиз. Югославиянинг бундап буён УШЕК ишида қатнашини, шубҳасиз, унинг бошқа социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни кўпайтириш, халқаро социалистик меҳнат тақсимотида, пшлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштиришда яна ҳам актив қатнашини учун янги имкониятлар вужудга келтирадн.

Совет Иттифоқи Европа, Осиё, Америкадаги социалистик мамлакатлар билан ўзи ўртасида таркиб топган ўртоқларча ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини қадрайди ва социалистик ҳамдўстлик давлатларининг жишелигини мустаҳкамлаш учун изчиллик билан курашмоқда. «Киши ёлғиз бўлса, унга қийин, мамлакатнинг иттифоқчи мамлакати, маслакдош халқлари, дўст давлатлари бўлмаса унга ҳам қийин,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев.— Бунга ўртоқлар, ўз тажрибамизда, узоқ йиллар мобайнида империалистик давлатлар қуршовида ёлғиз бўлган чоғимизда ишонч ҳосил қилганмиз. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда бугун дунёда бизга дўст мамлакатлар борлигидап хурсандимиз. Социализм қураётган бизга қардош халқлар борлигини айниқса биз қадраймиз. Улкан социалистик онланинг барча аъзолари ҳам буни қадрлаяжақларини биз биламиз».

Совет Иттифоқи билан Югославия, инкала мамлакатда социал тузум бир хиллиги сабабли, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда сафдош бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Бошқа социалистик ва тинчликсевар мамлакатлар билан биргаликда, барча антиимпериалистик кучлар билан биргаликда биз бу курашда ғоят катта тарихий аҳамиятга эга муваффақиятларга эришдик. Вьетнамда агрессив урушнинг тўхтаганлиги, Европадаги вазиятнинг нормаллашини, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Германия Федератив Республикаси билан муносабатлари соғломлашганлиги, Совет-Америка муносабатлари яхшиланганлиги, қурол-яроғларни чеклаш соҳасидаги ва, айниқса муҳими, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида битимга келинган ядро урушининг олдини олиш соҳасидаги сезиларли натижалар яна шу муваффақиятлардан далолат бериб турибди. Гарчи бу битим ядро қуролнинг тақиқланишини кўзда тутмаса-да, унда томонларнинг улар ўртасида, шунингдек томонлардан ҳар бири билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги ядро урушининг келиб чиқишини истисно этиш йўлида ҳаракат қилиши ҳақидаги мажбуриятни аниқ ифодасини топган.

Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик бўлишмасдир, бинобарин уни сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида қайғуриш — ҳеч бир истисносиз барча мамлакатларнинг бурчидир, деб ҳисоблайди. Жа-

ҳондаги давлатларнинг коллектив куч-ғайрати туфайлигина мустақкам тинчликни барпо қилиш мумкин. Қўшилмаган мамлакатларнинг яқинда бўлиб ўтган Жазоир конференцияси ҳам шу фикрни очиқ-ойдин ифодалаб берди. Биз бундай нуқтан назарга қўшилаемиз, чунки халқаро проблемаларни ўзларининг қонуний ҳуқуқлари билан ҳисоблашмаган ҳолда ҳал этиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар, халқларга ёт продани уларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишлар фақат халқаро кескинликнинг ортишига ва тинчлик асосларига путур етишига олиб келиши мумкин.

Жазоир конференцияси қўшилмаслик ҳаракатида унинг антиимпериалистик йўналиши мустақкамланиб бораётганини кўрсатди. Бу, албатта, империализмнинг ҳамда баъзи қўшилмаган мамлакатлардаги унга қарам бўлган доираларнинг душманлик ҳуружи кучайишига сабаб бўлади. Чилида реакциян ҳарбийлар ва уларнинг ортида турган халққа қарши кучлар томонидан авж олдирилган қонли воқеалар шундан далолат бермайдими, ахир? Чилидаги контрреволюция фақат ҳарбий диктатурадан, демократларга, меҳнаткашларга қарши, қонуний сайлаб қўйилган Халқ бирлиги ҳукуматига қарши шафқатсиз репрессиялар режимидаги нажот тополган экан, бунданми бартаси. Чилидаги контрреволюциянинг келишига бизнинг ўқиб олиш билан қарашини кўрсатмайди, асло. ۋ Чилининг мустақиллик ва тараққиёт йўлидан олға ҳаракатини тўхтата олмайди.

Совет Иттифоқи, Югославия, бошқа социалистик мамлакатлар халқаро муносабатларда социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшайдан иборат ленинча ғояни қарор топтирмақдалар. Аммо тинч-тотув яшаш давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳали дунёда мавжуд бўлган адолатсизликлар, халқларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф қилинган нормаларини бузишлар билан муроа қилиш ҳақида барча мамлакатларга қарата қандайдир чақириқ эмас, асло. Ҳамма вақт социалистик, синфий позицияларда туриб, биз тинч-тотув яшаш сиёсатини империалистик агрессия сиёсатига қатъий зарба берип, озодлик, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш олиб бораётган кучларга мадад кўрсатиш билан доимий равишда боғламоқдамиз. Гап қаҳрамон Вьетнам халқининг ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа халқларнинг кураши ҳақидамиз, араб мамлакатларининг Исроил агрессиясига қарши кураши ҳақидами, Европада ва дунёнинг бошқа районларида хавфсизликни таъминлаш чоралари ҳақидами бормасин, Совет Иттифоқи ҳаммша ва ҳамма ерда шундай позицияда туради.

Яқингинада Женевада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг иккинчи босқичи бошланди. Хўш, биз бу кенгашдан нималарни умид қилмоқдамиз? Қисқа қилиб айтдиган бўлсак, биз мазкур кенгашда тинч-тотув яшаш принциплари

Европа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мустақкам асослари ва нормалари сифатида эътироф қилиниши ҳақида коллектив тарзда келишиб олинини кутмоқдамиз. Бу нормага қатъий риоя қилиш Европада уруш келиб чиқиши хавфини истисно қилган бўлурди.

Мен шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, бу кенгашда Совет Иттифоқи ҳеч кимга ва ҳеч нимани мажбуран қабул қилдирмоқчи эмас. Турган гапки, биз Совет Иттифоқига бирон нимани мажбуран қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай уринишларни ҳам рад қиламиз, бу бизнинг ташқи ва ички сиёсат соҳасидаги принципларимизга зиддир. Европада тинчлик ва ҳамкорлик иши — барча Европа давлатлари ва халқларининг муштарак ишидир, бинобарин кенгашнинг барча қатнашчилари тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ҳурмат қилиш, халқаро проблемаларни ҳал қилишда қандай бўлмасин бир ёқлама афзалликлар олишга йўл қўймаслик принципларига қатъий амал қилганлари тақдирдагина бу ишда муваффақиятга эришиш мумкин.

Бизнинг тинчлик сиёсатимиз социалистик мамлакатларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг жишслигини мустақкамлаш билан чамбарчас боғлангандир. Бу кучларнинг қудрати ва жишслиги кескинликни юмшатиш ва бутун халқаро вазиятни соғломлаштиришга ишончли хизмат қилмоқда. Улар тинчликнинг энг муҳим омилига айландики, бу билан бирон кимса ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

Биз, Совет Иттифоқи сингари, Югославия ҳам жаҳондаги прогрессив кучларнинг жишслигини мустақкамлашга катта аҳамият бераётганидан, буни тараққиёт йўлидан ривожланишда халқларнинг муваффақиятга эришишининг энг муҳим гарови деб билаётганидан бениҳоя мамнунмиз. Озодлик, миллий мустақиллик, социал адолат учун, социализм учун курашчиларнинг сафлари қанчалик маҳкам жиш бўлса, уларнинг кучлари ҳам шунчалик мустақкам бўлади.

Шу сабабли ўртоқ Тито, ўртоқ Биедич ва бошқа югославиялик раҳбарлар билан бўлган учрашувларимизни биз бутун дунёда барча социалистик ва антиимпериалистик кучларнинг позицияларини мустақкамлаш йўлида сарфлаётган умумий куч-гайратимизнинг давоми, деб қарамоқдамиз. Биз Совет-Югославия ҳамкорлиги — жаҳон социалистик системасида муҳим звенодир, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг ҳамкорлигимиз яна ҳам самарали бўлиши учун, у мамлакатларимизнинг халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Югославия Коммунистлар союзи раҳбарлиги остида ўзлари интилаётган олижаноб мақсадларга эришишларига мустақкам хизмат қилиши учун Совет Иттифоқи ўзига боглиқ бўлган ҳамма ишни қилишга тайёрдир.

**МОСКВАДА ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИ КАКУЭ ТАНАКА
ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН НОНУШТАДА
1973 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Бош Министр жаноблари! Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Ўртоқлар!

Сизнинг таклифингизга мувофиқ, Бош Министр жаноблари, Сизга, Япония халқига ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этиш учун биз бу ерга йиғилдик.

Кеча ва бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ва бошқа давлат ва ҳарбий ва маданий вакиллари билан бирга бўлиб, биз бу музокараларга катта аҳамият бермоқдамиз. Энг аввало шунинг учун ҳам катта аҳамият бермоқдамизки, совет халқи Япония халқи билан ҳамкорлик қилишнинг имкониятини ва тинчликда яшашни истайди.

Бизларнинг мамлакатларимиз — бир-биринга қўшин. Афсуски, муносабатлари тарихида узоқ вақт бегоналик ва ҳатто душманлик даврлари бўлган. Аммо биз яшаб турган дунё давлатлар ўртасида муносабатларга янгича ёндашишни талаб этади. Совет Иттифоқи билан Япония сингари социал тузуми турлича бўлган мамлакатлар учун улар ўртасидаги муносабатларнинг бирдап-бир оқилона асоси фақат тинч-тотув яшаш спёсати бўлиши мумкин. Агар Совет Иттифоқи билан Япония бунда бир ёқадан бош чиқарсалар, у ҳолда шунинч билан айтиш мумкинки, мамлакатларимиз халқлари бир-бирлари билан ҳамкорликни ва дўстона алоқаларни кенг суратда ривожлантиришнинг мутлақо янги тарихий даврига қадам қўйдилар.

Ҳамкорлик қилиш — икки томоплама муносабат масалаларини ва халқаро проблемаларни ҳал қилиш устида биргаликда ишлашдир. Бу эса инсон фаолиятининг турли соҳаларида айирбошлашни яна ҳам кучайтириш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишида куч-ғайратни бирлаштириш учун биргаликда қулай шароит яратиш демакдир. Шундай иш олиб борини билан, Совет Иттифоқи ва Япония ўз халқларининг бахт-саодати учун, бутун дунёнинг яхши келажаги учун кўп ишлар қилишлари мумкин.

Япония Бош Министри билан музокаралар олиб бораётган чоғимизда биз аша шу фикрга амал қилмоқдамиз. Ҳозироқ шуни айтиш мумкинки, ҳамкорлик масалалари, сўзининг кенг маъносида олганда, бизнинг музокараларимизда жуда муҳим ўрин тутди.

Биз билан Япония ўртасида тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатларни эътироф этиш асосида ва ҳеч қанақа камситишларга йўл қўймаган ҳолда таркиб топган иқтисодий алоқалардан мамнунмиз. Биз шунга қаттиқ ишонамизки, бу алоқаларни бундан буён ҳам кенгайтириб бориш учун яхши имкониятлар мавжуд.

Биз ўйлаймизки, бундай ҳамкорликдан иккала томон ҳам бабаравар наф қўради. Зотан бунда гап шундай давлатларнинг ҳамкорлигини устида бораётгани, уларнинг жаҳон экономикасидаги роли ва аҳамиятини, афтидан, тушуштириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Энг асосийси шуки, Совет Иттифоқининг раҳбарлари ҳам, Япониянинг раҳбарлари ҳам иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни тўла нормаллаштиришигига эмас, балки жиддий суратда яхшилашни ҳам муҳим иш деб ҳисобламоқдалар.

Биз шунга аминмизки, иккала мамлакат раҳбарларининг Совет-Япония муносабатларини янада ривожлантириш йўлида қилаётган ҳаракатларини совет халқи ҳам, япон халқи ҳам тўла маъқуллаб кутиб оладилар. Зотан иккала халқ ҳам СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашишидан ҳеч қанақа наф қўрмайди, бу муносабатларнинг самарали ривожланишидан эса, аксинча халқларимиз кўп нарса олишлари мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев кечагина Кремлда сўзлаган нутқида, биз Осиеда ва бутун дунёда тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида кўпгина халқаро проблемаларни ҳал этишда Совет Иттифоқи билан Япониянинг ҳамкорлик қилишини табриклаган бўлурдик, деб айтди. Уруш чиқишининг энг хавfli маълумларидан бири Осиенинг ғарбида жойлашган. Бу хавф Исроилнинг араб давлатларига нисбатан босқинчилик, душманлик сиёсати ўтказиб келаётганлиги натижасида кўп йиллардан буён сақланиб қолмоқда. Бу сиёсат Яқин Шарқда тўқнашувнинг яна кескинлашишига олиб келди. Совет ҳукумати ўз Баёпотида Исроил агрессиясини қоралади ва Яқин Шарқ кризисини адолатли ҳал қилиш учун араб халқларининг курашига мадад бераётганини айтди.

Халқаро ишларда Япония билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиш билан, биз уни ўзга мамлакатларга қарама-қарши қўйишга интилаётганимиз йўқ асло. Аксинча, бу ҳамкорликда мумкин қадар кўпроқ давлатлар биз билан бирга қатнашишидан манфаатдормиз.

Танакка жапоблар билан бўлиб ўтган суҳбатлар давомида жуда кўп масалалар муҳокама қилинди. Бу масалаларнинг кўплари

бўйича биз умумий фикрга эгамиз. Томонларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос тушмаган проблемаларга ҳам тўхтаб ўтилди. Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, юқори доирадаги бевосита алоқалар катта фойда келтиришини тажриба тасдиқлади. Бўлғуси учрашувлар ва алоқалар яна ҳам кўпроқ фойда келтирган бўлурди. Шу қабул маросмига таклиф этганлиги учун, кўрсатган меҳмондўстлиги учун Бош Министр Танака жанобларига бу ерда ҳозир бўлган совет меҳмонлари номидан ташаккур изҳор қилишимга ижозат этгайсиз. Японлар чиндан ҳам жуда хушмуомала ва очиқ кўнгил эканлигига биз ишонч ҳосил қилолдик.

Сўзимнинг охирида мен яхши ишлай биладиган ва тинчлик учун кураша биладиган, тотув қўшничилиكنи қадрлай биладиган ва ўз миллий характерининг рамзий белгиси сифатида олча гулини танлаб олган Япония халқига янада равнақ ва тинчлик тилашни истардим. Биз Узоқ Шарқдаги ўз қўшнимизга Совет Иттифоқи халқларининг дўстона ҳис-туйғуларини изҳор этишни истардик.

Муҳтарам Бош Министр жаноблари, Японияга келишга таклиф этганингиз учун мен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номидан ва шахсан ўз номимдан ташаккур айтишни истардим. Биз бу ташаккур маросимда бундан

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА — ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ

*Белоруссия Компартияси Марказий Комитети
ва БССР Олий Советининг Белоруссия ССРга
Халқлар дўстлиги ордени топширилишига
бағишланган тантанали мажлисида
1973 йил 14 ноябрда
сўзланган нутқ*

Азиз ўртоқлар! Белоруссия ССР Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ана шу юксак мукофотга сазовор бўлганлигининг муносабати билан ишчиларга, колхозчиларга, интеллигенцияга, бутун белорус халқига ғоят қизғин табрик сўзлари айтишимни менга топширишди. Мен бу шарафли топшириқни зўр мамнуният билан адо этаман.

Белоруссиянинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши — республика меҳнаткашлари Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча бирлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасига, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, коммунистик жамият қурилишида улар қўлга киритган ажойиб муваффақиятларга юксак баҳо берилганлигининг далилидир.

В. И. Ленин кўп миллатли Совет давлати ҳаётий манфаатлар ва синфий онгининг маънавий ишлари билан барча меҳнаткашларни бирлаштиради, деган эди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Коммунистик партия миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида таркиб топган халқлар дўстлигининг ҳаётда гавдаланишидир. СССРнинг 50 йиллигини нишонлаш юзасида таъсис этилган Халқлар дўстлиги ордени барча совет республикалари бирлиги ва қардошлигининг, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг озодлиги ва равнақи йўлида уларнинг биргаликдаги курашининг рамзидир.

Совет Иттифоқида ҳар бир республикани уйғун равишда ва ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур бўлган сиёсий ва социал-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Бу — уларнинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларида тўла тенг ҳуқуқлигидир. Бу — бутун мамлакат ва ҳар бир республиканинг манфаатларини пўфдаловчи ягона план асосида ривожланаётган юксак даражада тараққий этган ва динамик умумиттифоқ халқ ҳўжалигидир. Бу — ягона ижтимоий ва давлат тузуми, ягона марксизм-ленинизм идеологияси, коммунизм

қуриш барча халқларнинг ягона мақсади эканлигидир. Бу — Совет Иттифоқи халқлари ўртасида таркиб топган ижтимоий мувосабатларнинг, ўзаро ҳурмат, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг янги типидир. Бу — бутун дунё меҳнаткашлари туб манфаатлари билан социал идеалларининг муштараклиги асос қилиб олинган социалистик интернационализмдир.

Халқимизнинг метиндек бирлиги, унинг Коммунистик партия теварагига жиқлашганлиги, мамлакатимиз равнақини, барча совет кишилари фаровонлигини, уларнинг келажагини мустаҳкам равишда гарантиялаб турганлигини тарих тажрибаси ишонarli тарзда кўрсатиб берди. Бинобарин, ҳар бир республика муваффақиятлари 250 миллионлик бутун совет халқини бениҳоя қувонтиради. Шу сабабли, Белоруссиянинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлангани белорусларнинггина эмас, руслар, украинлар, литваликлар, латишлар, эстонлар, қozoқлар, грузинларнинг, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг ҳам катта байрамидир.

Халқимиз амалга оширган ишлар мислсиздир! Уларга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси асос солиб берилди. Уларнинг бундан бундан ярим асрдан кўпроқ муқаддам айтилган эди. Совет кишиларининг ижодий иши қанчалик улкан муваффақиятларга эришганлигини бугунги кунда бутун дунё ўз кўзи билан кўриб турибди. Мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилди, илгор экономика вужудга келтирилди, бебаҳо маданий бойликлар яратилди. Коммунистик қурилишда, мамлакатимиз халқларининг бирлигини мустаҳкамлашда Коммунистик партия раҳбар куч бўлиб қолмоқда. Ёлғиз Коммунистик партиягина ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифодалаб, ленинча миллий спёсатли амалга ошира бориб, барча миллатлар ва элатларни қардошлик иттифоқига бирлаштира ва уларнинг куч-гайратини синфсиз жамият барио этишга сафарбар қила олди.

«Бу сўзлар бундан ярим асрдан кўпроқ муқаддам айтилган эди. Совет кишиларининг ижодий иши қанчалик улкан муваффақиятларга эришганлигини бугунги кунда бутун дунё ўз кўзи билан кўриб турибди. Мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилди, илгор экономика вужудга келтирилди, бебаҳо маданий бойликлар яратилди. Коммунистик қурилишда, мамлакатимиз халқларининг бирлигини мустаҳкамлашда Коммунистик партия раҳбар куч бўлиб қолмоқда. Ёлғиз Коммунистик партиягина ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифодалаб, ленинча миллий спёсатли амалга ошира бориб, барча миллатлар ва элатларни қардошлик иттифоқига бирлаштира ва уларнинг куч-гайратини синфсиз жамият барио этишга сафарбар қила олди.»¹

«Ленин партияси, унинг коллектив заковати ва букилмас продаси, унинг ташкилотчилик ва раҳнамолик роли,— деди КПСС

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 26-том, 494—495-бетлар.

Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, — Совет Социалистик Республикаларининг улуғ Иттифоқни тузишга замин яратган, унинг ривожига ярим аср давомида раҳбарлик қилиб келган, уни комил ишонч билан олға бошлаётган кучдир».

Белорус халқи ўз қардошлари — Совет Иттифоқи халқларининг зўр ҳурматига сазовор бўлди. Бу муносиб ҳурматни Беларуссия меҳнаткашлари социалистик революция ғалабаси учун, гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Совет ҳокимиятини қарор топтириш учун олиб борилган курашда қўлга киритдилар. Бу ҳурматга белорус халқи социализм қурилишидаги фидокорона меҳнати туфайли, Улуғ Ватан урушидаги жанговар жасорати туфайли сазовор бўлди. Мардлиги ва меҳнатсеварлиги учун, сабот-матонат, оташин ватанпарварлиги ва коммунистик идеалларга садоқати учун белорус халқини ҳурмат қиладилар. Беларус халқининг ўзи ҳам кўп миллатли мамлакатимизнинг ҳамма қардош халқларига сидқидиллик, ҳурмат билан қараётганлиги туфайли ҳам у ана шундай ҳурмат қозонди.

Ўзаро ҳурмат, мустақкам дўстлик, пролетар интернационализи, социалистик ватанпарварлик Совет республикалари қардош халқларнинг бузилмас иттифоқини жиқлаштириб турибди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республика меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг бошқа халқлари билан биргаликда кураш ва яратувчилик йўлидан бориб, Беларуссияни ўтмишда қолақ бўлган ўлкадан ривожланган, равнақ топаётган социалистик республикага айлантирдилар.

Белоруссия Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса қаттиқ зарар кўрди. Беларус халқи умумий ғалаба йўлида катта қурбонлар берди. Гитлерчилар Беларуссиянинг 2 миллион 200 мингдан кўпроқ аҳолисини йўқ қилдилар, ҳар тўрт кишидан бири ҳалок бўлди. Фашист босқинчилар Беларуссиянинг деярли барча фабрика ва заводларини, колхоз ва совхозларини вайрон қилдилар, унинг уй-жой фонди, шаҳар ва қишлоқлари, мактаб ва касалхоналарининг тўртдан уч қисмини яқсон этдилар. Республика миллий даромадининг ярмидан кўпроги фашист босқинчилар томонидан пест-нобуд қилинди. Аммо Беларуссия бардош берди! Душман белорус халқининг қаршичилигини сидиришни мақсад қилган эди. Аммо у қаттиқ янглишди. Шафқатсиз репрессияларга умумхалқ озодлик урушининг шиддат билан ўсиб бораётган оқими қарши қўйилди. Хатиндаги юракни эзувчи тантанавор мемориал шундай бир ёдгорликки, жаҳондаги одамлар бу ерда белорус халқининг фашизм кучлари билан олиб борган қаҳрамонна курашига қойил қоладилар. Бу белорус халқининг шухрати ва жасурлиги рамзидир.

Белоруслар мамлакатимиздаги барча халқлар билан бирга Ватан урушининг ҳамма фронтларида жанг қилдилар. Қаҳрамон

Бресть қалъаси, республика пойтахти Минск, Жлобин, Могилев, Гомель ва бошқа шаҳарлар Улуғ Ватан уруши йилномасига унутилмас саҳифалар битдилар. Минск ёнидаги салобатли Шуҳрат қўрғонини бориб кўрган ҳар бир кимсанинг кўзи олдида Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонган халоскор совет жангчисининг образи намойён бўлади.

Белорус халқи жонажон Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиб, социалистик Ватанга ва ленинчи партияга чексиз содиқ экамлигини, букилмас сабот-матонат ва мардлик кўрсатди. Партизанлик ҳаракати умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди, бинобарин уруш йилларида Белоруссияни ҳақли равишда «партизанлар республикаси» деб аташди. Партизанлардан ва подпольечилардан иборат халқ армияси 440 минг кишига етди. Улардан ҳар тўрт кишидан бири коммунист ёки комсомол эди.

Совет Иттифоқидаги бошқа миллатларнинг минглаб вакиллари партизан отрядларида белоруслар билан ёнма-ён туриб душманга қарши курашдилар. Партиянинг чақириги билан ва унинг раҳбарлигида Белоруссияда кенг қулоч ёйган партизан уруши душманини тор-мор келтиришда катта роль ўйнади. Минск подпольечилар-коммунистлари қаҳрамонлик кўрсатганларидан бири Александр Белорус партизанлари. 1943 йили партизанлардан саркаш 140 минг киши Совет Иттифоқининг ордени ва медаллари билан мукофотланди, улардан 87 кишига эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди.

Халқнинг баҳодир қаҳрамонларини, уларнинг жангларида кўрсатган ўлмас жасоратларини биз доимо зўр меҳр-муҳаббат, миннатдорчилик билан ёдлаймиз ва шарафлаймиз.

Константин Заслонов, Василий Козлов, Минай Шмиров, Николай Кедишко, Иван Кабушкин, Владимир Омельянюк, Тихон Бумажков, Василий Корж, Кирилл Орловский, Михаил Сильницкий, Вера Хоружей ва бошқа кўндан-кўп қаҳрамонларнинг номларини совет халқи ҳамиша ёдда тутати. Биз ғалаба йўлида ҳалок бўлган жангчиларнинг хотирасини чуқур ҳурмат билан эсга оламиз. Октябрь революциясининг улуғ ғалабаларига қасд қилган душманга қарши курашда белорус партизанлари ва подпольечилари кўрсатган жасорат ҳозирги ва келажак авлодлар учун абадий намуна бўлиб қолажак.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Белоруссиянинг ҳозирда соғ-саломат яшаб юрган барча ветеранларини, фронтчилари ва партизанларини қизғин табриклайдилар, уларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда муваффақият ва эсон-омонлик тилайдилар.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага Белоруссия қўшган ҳисса халқаро миқёсда эътироф этилди. Бу нарса Белоруссия Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таъсис этган давлатлар орасидан жой олганлигида ҳам ўзининг ифодасини топди. Шу йил ок-

тыбрда эса Белоруссия БМТ Хавфсизлик Кенгашига биринчи марта сайланди. Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг урушдан кейинги даврда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашдаги хизматлари эътироф этилаётганлиги шундан ҳам кўриниб турибди.

Белорус халқининг битмас-туганмас ижодий куч-ғайрати, барча совет республикалари меҳнаткашларининг қардошларча ёрдами уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш имконини берибгина қолмай, балки, шу билан бирга, Белоруссия республикасини яна ҳам бой-бадавлат ва кўркам республикага айлантирди. Совет Белоруссиясининг янгидан барпо қилинган шаҳар ва қишлоқлари ўз архитектураси ҳамда ободлиги жиҳатидан жаҳондаги урушнинг оловли нафаси ҳеч қачон эсмаган энг яхши шаҳарлар билан рақобат қила олади.

Республикада Солнгорск, Новополоцк, Светлогорск, Жодино, Белозерск ва бошқа шу сингари янги йирик шаҳарлар пайдо бўлди ва улар унинг экономикасида ҳамда маданий ҳаётида сезиларли роль ўйнашти.

Бугунги Белоруссия кўп тармоқли саноати юксак даражада ривожланган, йирик қишлоқ хўжалиги механизациялашган ва маънавий маданияти юксалган республикадир. Партиянинг миллий ва иқтисодий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли беш йилликлар даврида Белоруссияда замонавий автомобиль ва трактор саноати, кончилик, нефтни қайта ишлаш ва химия саноати, станоксозлик, электрон техника, аниқ приборлар, сунъий тола, пластмассалар, минерал ўғитлар ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг хилма-хил маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар барно этилди. Совет тракторининг ҳар олтитасидан биттаси, металл қирқувчи станокларнинг ҳар еттитасидан биттаси, умумиттифоқда чиқарилаётган калийли ўғитларнинг деярли ярми, химия толасининг 16 проценти шу ерда, Белоруссияда ишлаб чиқарилаётир.

Кейинги йилларда республикада геологлар қимматли хом ашёнинг бой конларини очдилар. Эндиликда Белоруссия ҳам, Урал сингари, калий етказиб берувчи энг йирик жой ҳисобланади. Аниқланган ноёб тош туз запаслари химия саноатини янада ривожлантириш учун қудратли хом ашё базаси бўлиб қолади. Белорус диёри бағрида нефть ҳам бор. Тўғри, унинг аниқланган запаслари ҳали унча катта эмас. Аммо геологларнинг бу соҳадаги излавишлари муваффақиятли бўлишига умид боғлаш мумкин.

Белоруссиянинг халқ хўжалиги 1700 дан зиёд йирик корхоналарни бirlаштирган 100 дан ортиқ саноат тармоғини ўз ичига олган. Республика иқтисодий тараққиётининг якунлари барча совет кишиларини қувонтирмоқда. Зотан, Белоруссия саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги 1940 йилга нисбатан 17 баравар,

асосий фондлар қиймати эса умуман 8,5 баравар кўпайди. Бу — республиканинг жуда катта бойлигидир.

Белоруссия ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган пешқадам индустриал республикага айлантирилганлиги — белорус халқининг улкан хизматидир, унинг қунт билан тинимсиз қилган меҳлатининг натижасидир. Бунда Совет Иттифоқида яшовчи ва янги-янги чўққилларни эгаллашда белорусларга кўмаклашаётган қардош халқларнинг ҳам хизмати бор. Буларнинг ҳаммаси — халқ оммасининг ташаббусини ва меҳнат шижоатини коммунизм қуриш йўлидаги курашнинг яхлит бир ўзанига моҳирона йўллаб келаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси доно раҳбарлигининг натижасидир. Бу — Беларуссия партия ташкилоти ва унинг Марказий Комитети, шунингдек Беларуссия республикаси Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг якуни ҳамдир.

Белоруссияда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашнинг қатнашчилари, дастлабки беш йилликларнинг ветеранлари, колхоз ҳаракатининг ташаббускорлари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, ишлаб чиқаришнинг ажойиб илғорлари ва поваторлари, галлакорлар ва чорвадорлар, Совет Қуроли кучларининг шонли жангчилари шу етти йиллик курашнинг

ардори ва медаллари безаб турибди. Меҳнатсевар ва истеъдодли белорус халқининг вакиллари бўлган сизларчи Беларуссия республикасини ривожлантиришда қилган ишдан ажойиб муваффақиятларингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизларга Ватанамиз шон-шухрати йўлида янгидан-янги куч-ғайрат, янгидан-янги галабаларга эришувшигизни тилашга ижозат бергайсизлар.

Партия ва ҳукумат барча иттифоқдош республикаларнинг экономикасини ривожлантириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет экономикаси партия XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ равишда муваффақиятли ривожланмоқда. 1200 дан зиёд янги йирик саноат корхоналари ишга туширилганлиги беш йиллик дастлабки уч йилининг ажойиб якунидир. Шу давр ичида вужудга келтирилган асосий фондларнинг қиймати 260 миллиард сўмдан ошади, қурилган уй-жой биноларининг саноати эса 320 миллион квадрат метрдан кўпдир.

Шу беш йилликда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми ўтган беш йиллик дастлабки уч йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажмидан бир ярим баравар ортқидир. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ана шундай.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партиянинг беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили тошпириқларини бажариш билангина кифояланмасдан, ошириб ҳам бажариш тўғрисидаги даъватига

лаббай деб жавоб бердилар. Беш йиллик планни муддатидан аввал тўла ва ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақа меҳнат ғайратини янада жўр урдириб юборди. Мусобақа давомида кўпгина янги, яхши ишлар бошланди. Мамлакат саноат корхоналарининг коллективлари ўз резервларини чамалаб кўриб, бу йил қўшимча равишда тўрт ярим миллиард сўмлик маҳсулот беришга қарор қилдилар. Бу мажбурият ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажарилди.

Белоруссия саноат корхоналарининг ходимлари ҳам юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Уларнинг иш натижаларига қараб бу мажбуриятлар ошириб бажарилади, деб дадил айтиш мумкин! Минск трактор заводи, «Интеграл» ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси, Орша зиғир толаси комбинати, синтетик тола ишлаб чиқарувчи Могилёв комбинати, Гродно химия комбинати ва бошқа корхоналарнинг коллективлари миқдор ва сифат жиҳатидан юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Қолган бир ярим ой мобайнида барча корхоналар ишлаб чиқариш суръатларини оширишлари ва 1974 йилни ишлаб чиқариш соҳасида яхши замин ҳозирлаш билан кутуб олишлари учун илғор коллективлар ҳамда айрим новатор ишчилар тажрибасини кенг ёйиш зарур.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсифлаштириш йўлини изчил сууратда амалга оширмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги янги техника, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини йил сайин тобора кўп миқдорда олмоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланмоқда, ердан фойдаланиш ва чорвачилик системаси такомиллаштирилмоқда.

Барча иттифоқдош республикаларда партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари ўтган баҳорда дон экинлари етиштирилдиган майдонларни кенгайтириш ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўнайитириш юзасидан катта ишлар қилдилар.

Ҳозир мамлакат далаларида йиғим-терим ишлари ниҳоясига етди. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли ялпи дон ҳосили 222,5 миллион тоннани ташкил қилди.

Белоруссияда ҳам дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Утгап йили бўлганидек, республика колхоз ва совхозлари давлатга планда кўзда тутилгандан 1,6 баравар кўп дон сотдилар. Бу йил республика бўйича барча дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан салкам 22 центнерни ташкил қилди. Беларуссиянинг илғор хўжаликлари эса гектаридан 40—47 центнердан дон олмоқдалар.

Белоруссия картошка ва зиғирпоя сингари муҳим экинларни етиштиришда етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда етиштирилатган жами картошканинг 13,4 проценти ҳамда умумиттифоқ-

даги зиғирноя маҳсулотининг тўртдан бир қисми унинг улусига тўғри келмоқда. Бу йил республика колхоз ва совхозлари картошкадан юқори ҳосил етиштирдилар ва давлатга ана шу қимматли маҳсулотни сотиш плаппни ортинг билан бажардилар. Зиғирноя харид қилиш ўтган йилга нисбатан яхши бормоқда. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, хўжаликларнинг аксариятида зиғирноя етиштиришни кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш, зиғирноя маҳсулоти сифатини яхшилаш имкониятларида ҳали тўла фойдаланилмаётир.

Белоруссия ССР чорвачиликни ривожлантириш учун яхши шароитларга эга, бу — республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғидир. Кейинги йилларда республикада қорамол, чўчқа ва паррандалар сонг бирмунча кўпайди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш плаппи ортинг билан бажарилди. Бироқ чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш аввалгидек қишлоқ хўжалик меҳнатқашларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Тўққизинчи беш йилликда Белоруссия қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ривожлантиришга 3 миллиард 200 миллион сўм ажратилмоқда. Бу ўтган беш йилликдагидан анча кўпдир. Белоруссия учун айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган мелiorацияга қилинадиган капитал харажатлар қарийб 25 барқарор бўлди. Бу беш йилликда оғир ва оғирроқ ҳаёт шартларида эришгн натижа қозғилади. Мелiorацияга сарф бўлган капитал маблағининг ўрнини қисқа муддатда тўлдиршг учун республика ер фондига қўшиланиган эгалик объектлари ўзларнинг қисқашка эришини фондга муҳим.

Кейинги йилларда селекционерлар экинларнинг юқори ҳосилли ўнлаб навларини яратдилар. Энди давлатда дон экинларининг ерда ётиб қолишга айниқса бардошли навларини яратиш вазифаси турибди. Бу проблемани ҳал қилишга Белоруссия олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Республика деҳқончилиги ва чорвачилигининг муваффақиятлари — колхозчи деҳқонлар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассслари фидокорона меҳнатининг самарасидир. Шавкатли меҳнати учун, давлатга дон ва картошка сотиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари учун республиканинг барча колхозчиларига, совхоз ишчиларига, механизаторларига, агрономларига, хўжаликларнинг раҳбарларига КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати номидан чуқур шннатдорчилик пазор этишига ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! СССРдаги барча республикаларда бўлгани сингари, Белоруссияда ҳам жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳар томонлама камол топиши учун имконият яратилмоқда. Саводсизлик аллақачон тугатилди, ўрта маълумот олиш ҳар бир киши учун мажбурий бўлиб қолмоқда. Халқнинг маданияти беқпёс даражада ўсди. Респуб-

лика аҳолисининг қарийб учдан бир қисми ўқимокда. Совет ҳоқимияти йилларида республикада барпо қилинган олий ўқув юрталари пнженерлар, иқтисодчилар, агрономлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассислар армиясини тайёрлаб чиқарди. Белоруссия интеллигенцияси хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида баракали меҳнат қилиб, халққа садоқат билан хизмат қилмоқда. Хўжалик ва социал-маданий қурлиш ғоятда юксалган бир шароитда республика интеллигенцияси фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, кадрлар тайёрлашни яхшилашга, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштиришга, халқнинг маданиятини янада юксалтиришга мумкин қадар кўпроқ ёрдам бериш учун, шак-шубҳасиз, ўзининг пжодий имкониятларини ишга солади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш юксалганлиги ва меҳнат унумдорлиги ошганлиги халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган йирик социал-иқтисодий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш имконини бераётир. Умуман бутун мамлакатга, шунингдек Белоруссияга оид маълумотлар бундан яққол далолат бериб турибди. Беш йилликнинг икки йили мобайнида республикада салкам 1,5 миллион кишининг иш ҳақи, пенсияси ва стипендияси оширилди, 800 мингдан ортиқ аҳоли ўзининг уй-жой шароитини яхшилади. Кўплаб мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, касалхоналар ва поликлиникалар қурилди.

Белоруссияда беш йилликнинг уч йили мобайнида реал даромадлар аҳоли жон бошига 17 процентдан зиёд кўпайди. Меҳнаткашларнинг харид қилиш қобилияти ўсди, товар обороти кўпайди. Товарлар ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб, уларнинг ассортименти хилма-хил бўлиб бормоқда. Тўғри, бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак. Янги товарлар ишлаб чиқариш, сифат ва ассортиментни яхшилаш масалалари доимо партия, совет, хўжалик органларининг, бутун жамоатчилигимизнинг диққат марказида турини керак.

Ўртоқлар! Белоруссия халқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқларга эришди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича 1971—1973 йилларга белгиланган беш йиллик план тоишириқлари қарийб 5 процент ортинг билан бажарилиши кутилмоқда. Миллий даромад бўйича кўрсаткич ҳам мўлжалдагидан ошади. Ҳуда катта муваффақиятларга эришган республиканинг ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларига ва интеллигенциясига шон-шарафлар бўлсин!

Бу ерда бўлган кунларимизда биз Орша, Могилёв ва Минскдаги бир қанча саноат корхоналарини, шунингдек Орша яқинидаги колхоз-совхоз бирлашмасини бориб кўрдик. Шунг айтишим керакки, одамларимиз — ишлаб чиқариш ташкилотчиларни, мутахассислар, ишчилар нақадар тез ўсаётганлиги катта таассурот қолдиради. Уларнинг касбий ва сиёсий билим доираси нақадар тез кенгайиб,

янги вазифалар ва келажак режалари кўламига яраша фикрлаш ва ижодий ишлаш маҳорати ошиб бораётир.

Фақат социализм шароитида одамларнинг маънавий қобилиятлари ва истеъдодлари кенг намоён бўлиши мумкин. Бу тузумимизнинг, илгор социалистик демократиямизнинг жуда катта ютуғи ва афзаллигидир. Буржуа тузуми ва буржуа демократияси бунга тенг келадиган бирон-бир нарсани қарши қўя олмайди.

Белоруссия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. Машеров КПСС XXIV съездида айтиб ўтганидек, Беларуссия партия ташкилоти партия Директиваларини янада зўр активлик ва собитқадамлик билан амалга оширишга, ҳаммича ва ҳар ишда улуғ устозимиз Владимир Ильич Лениннинг абадий барҳаёт васиятларига амал қилишга тайёрдир.

Бироқ партия муваффақиятларни муносиб тақдирлаш билан бирга диққат-эътиборни ҳал қилинмаган вазифаларга қаратмоқда. Маълумки, ўртача юқори кўрсаткичлар орқасида меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий қилиш, саноат маҳсулотини реализация қилиш, жамғарини тошпириқларини бажармаётган кўнгиша корхоналар яширишгандир. Бизларнинг ҳаммамиз шуни яхши биламизки, маҳсулотнинг муайян турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар беролмаган маҳсулотларни қилиш ҳаммамизнинг енги вазифасидир. Бундан ташқари қонлаб булмайдди. Бундан ҳол саноатнинг ўзаро боғлиқ тармоқларини ривожлантириш пропорцияларига таъсир этмай қолмайди, аяббатта. План — бундан масъулдир, бундан аҳамият қарор қилган кишига мажбуур. Давлат планини бажармаётган корхоналар бошқа бир-бирига боғлиқ корхоналарнинг планни бажаришини издан чиқарадилар ва бу билан бугун халқ хўжалигига зарар етказадилар.

Мамлакатимизнинг ҳамма ерида қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Беларуссия республикаси ҳам бу жиҳатдан ибратлидир. Бу ерда беш йилликнинг бошидан буён давлат маблағлари ҳисобига салкам 7 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Тўққизинчи беш йилликда Беларуссия халқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта — 16 миллиард сўмдан зиёд капитал маблаг ажратилган. Капитал маблаг сарфлаш ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан 1,6 баравар ортади. Бироқ бир қанча ҳолларда қувватларни ишга тушириш муддатларига риоя қилинмаётир ва қурилиш таннархи смета қийматидан анча юқори бўлишига йўл қўйилаётир. Капитал маблағларни биринчи навбатдаги ва ишга туширилиши лозим бўлган объектларда тўплаш, давлат маблағларининг ортиқча сарфланишига йўл қўймаслик зарур. Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш — бугунги кунда давлат аҳамиятига эга энг муҳим вазифадир.

Белоруссия ССР капитал қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун барча зарур имкониятларга эга. Республикада яхши индустриал база вужудга келтирилган, қурилиш материалларининг

деярли барча асосий турлари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришни кучайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бир қанча муҳим техникавий проблемаларни ҳал қилишда Белоруссия қурилиш материаллари саноати ишчилари ва инженерларининг эришган ютуқлари ҳаммага маълум. Ана шу моддий-техника базаси ҳамда юқори малакали бинокор кадрлардан фойтда самарали фойдаланиш лозим.

Фан-техника тараққиёти — меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий йўлидир. Халқ фаровонлигининг ўсish суръатлари ҳамда бизнинг капитализм билан иқтисодий мусобақада муваффақиятга эришувимиз фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришда қанчалик тез жорий қилинишига боғлиқ. Олимларимиз, инженерларимиз, хўжалик раҳбарларимизнинг, халқ хўжалиги барча тармоқларидаги корхоналар коллективларининг изланишлари ва куч-гайратлари ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилмоғи лозим.

Биз мамлакат бойлиқларига бойлик кўшишимиз, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишимиз керак. Биз тўққизинчи беш йиллик планини барча кўрсаткичлар бўйича бажариш учун келгуси икки йил ичида ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз лозим бўлади.

1974 йил учун халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети КПСС Марказий Комитети Спёсий бюросида ва СССР Министрлар Советида қараб чиқилди ҳамда СССР Олий Советининг бўлажак сессияси тасдиқиға қўйилди. План ишлаб чиқариш ҳажмининг анча кўпайтириш ва халқнинг турмуш даражасини янада оширишни кўзда тутди. Бунда миллий даромад янада ўсишининг қарийб 90 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланиши керак.

Белоруссия учун 1974 йил давлат плани иқтисодий ўсish соҳасида бутун мамлакатдагига қараганда юқорироқ суръатларни кўзда тутди. Химия ва нефть-химия саноати, машинасозлик, приборсозлик, қурилиш материаллари саноати ва бошқа баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми энг кўп ўстириш мўлжалланган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида юксак ишлаб чиқариш топшириқлари белгиланган. Корхоналар қурилишини ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга алоҳида аҳамият берилди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш — беш йиллик тўртинчи йили плани муваффақиятли бажарилишининг муҳим шартларидан биридир. Панда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ички резервларидан тўла фойдаланиш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаб-тергаш, 1974 йил планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш зарурлиги уқтирилади.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Белоруссия ССР меҳнаткашлари КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Белоруссия Коммунистик партияси раҳбарлигида партия XXIV съездининг тарихий қарорларида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилдилар, деб ишонадилар.

Ўртоқлар! Шунн ишонч билан айтиш мумкинки, тўққизинчи беш йиллик совет халқи коммунизм йўлида буюк ишларни амалга оширган давр бўлиб тарихга киради. У Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш ишида ғоят катта муваффақиятларга эришилган давр бўлиб тарихга киради. Тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда эришилган муваффақиятлар социалистик мамлакатлар халқларининг яратувчилик фаолияти билан чамбарчас боғлангандир.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ошиб кетганлиги жаҳондаги кучлар нисбатини ўзгартириб юборди. Социализм системаси халқаро ҳаётга тобора кучлироқ таъсир ўтказмоқда ва жаҳон ривожининг асосий йўналишларини тобора кўпроқ даражада белгилаб бермоқда.

Партия билан ҳукуматнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини совет халқи астойдил кўллаб-куватламоқда. Бу фаолиятнинг натижасида жаҳоннинг иқтисодий ҳаётининг қатъийлиги, бу туш ҳаётининг овозлик ва тинчлик манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу сиёсат барча халқларга тушунарли ва қимматлидир. Тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган иккинчи конгрессида бу ларса буз куч билан таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг конгрессда сўзлаган нутқида ҳозирги халқаро вазиятга принципиал баҳо берилди. Ҳозир кескинликни юмшатиш ва халқларнинг хавфсизлиги учун курашда барча тинчликсевар кучлар олдида қандай вазифалар турганлиги тўғрисида чуқур хулосалар чиқарилди. Партия билан давлатнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик проблемаларига ёндашиши асослаб берилди. Леонид Ильич Брежнев совет халқи номидан, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати номидан гапириб, тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир, деб конгресс қатнашчиларини ишонтирди.

Мамлакатимиз босиб ўтган йўлнинг ҳар бир босқичида ленинча ташқи сиёсат муваффақиятлари яққол кўриниб турибди.

Энг аввало, социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Ҳозир илсон фаолиятининг бирон соҳаси йўқки,— у хоҳ экономика, хоҳ фан, идеология, маданият, мудофаа, халқаро муносабатлар соҳаси бўлсин,— унда социализм мамлакатларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ғоят самарали таъсир ўтказмаётган бўлсин. Бизнинг ҳамкорлигимиз, қардош мамлакатлар қарашлари ва ҳа-

ракатларининг бирлиги — тинчликни мустаҳкамлашнинг ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари коммунистик ва ишчи партиялари съездларининг қарорларида, халқаро коммунистик ҳаракатнинг программ ҳужжатларида ўртага қўйилган мақсадларини юзага чиқаришнинг энг муҳим омилдир.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбарлари 1973 йил ёзида Қримда бўлиб ўтган учрашувда қардош партиялар социализм иши ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб халқаро майдонда бундан буён ҳам ўз ҳаракатларини бир-бирлари билан мувофиқлаштириб олиб борадилар, деб яқдиллик билан маълум қилдилар.

Ҳамдўстлик олдида турган мақсадларга эришиш учун социалистик иқтисодий интеграция гоят катта аҳамиятга эга. Бу соҳада қўлга киритилган муваффақиятлар ҳар бир социалистик мамлакатда фан-техника тараққиётини тезлаштиради, улар халқларнинг фаровонлигини оширади. Ҳозир жаҳондаги бирон-бир мамлакат маҳсулотнинг ҳамма турларини ўзида ишлаб чиқаришга умид боғлай олмайди. Халқаро меҳнат тақсими, унинг афзалликларидан фойдаланиш ижтимоий тараққиётни тезлаштиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Социалистик интеграция социалистик система давлатларига куч-гайратларини бирлаштирган ҳолда ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан ўзлари манфаатдор бўлган янги йирик корхоналар барпо этиш, бир неча давлатнинг куч-гайратини бирлаштириш орқалигина самарали бўлиши таъминланадиган лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётир.

Техниканинг юксак даражада ривожланганлиги, эҳтиёжлар ошиб бораётганлиги кўплаб янги мураккаб проблемаларни ҳал қилишни тақозо этади. Энергия баланси, атроф муҳитини муҳофаза қилиш, сифати яхши ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларини кенг кўламда ишлаб чиқариш, меҳнаткашларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва бошқа талай проблемалар шулар жумласидандир. Уларни ҳал қилиш учун зўр меҳнат қилиш, жуда катта моддий ресурслар зарур, шу билан ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж тобора кўпроқ даражада сезилмоқда.

Социалистик мамлакатлар ўзлари ўртасидаги планли экономикага асосланган хўжалик кооперацияси капитализм доирасидаги кооперацияга қараганда анча самаралироқ бўлиши учун барча шарт-шароитларга эгадирлар.

ЎИЕК мамлакатларининг экономикаси гоят катта иқтисодий кучга эга. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг улуши 1950 йилдаги тахминан бешдан бир ўрнига, учдан бир қисмга етди. ЎИЕК мамлакатлари ўзларининг ёқилғи ва хом ашё импорт қилишга бўлган эҳтиёжларининг салкам 70 процентини, машиналар ва ускуналар импорт қилишга бўлган эҳтиёжларининг тахминан 75 процентини ўзаро маҳсулот

етказиб бериш ҳисобидан қопламоқдалар. Биз юқори самарали ишлаб чиқариш кооперациясини вужудга келтиришдан иборат социалистик интеграция программасида қўйилган асосий вазифани ҳал қилишга киришдик. Бундай кооперация эса УИЕК қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг ресурслари ва имкониятларидан янада мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаган бўлурди.

КПСС Марказий Қомитетининг Апрель (1973 йил) Пленуми социалистик интеграцияни ривожлантириш суръатларини тезлаштиришни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйди. Пленум ташқи иқтисодий алоқаларни планлаштиришга ёндашишда туб ўзгаришлар қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

УИЕКнинг 1973 йил июнда Прагада бўлиб ўтган XXVII сессиясида Совет Иттифоқи социалистик иқтисодий интеграция бўйича тадбирлар ҳар бир мамлакатнинг давлат планларига бевосита кириши, ана шу планлар асосида УИЕК мамлакатлари интеграциясини ривожлантиришнинг кўп томонлама беш йиллик планини ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритди. Бундай планнинг тузилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли УИЕК сессияси ишида қатнашган барча мамлакатлар Совет Иттифоқининг таклифини қабул қилдилар ва ҳозирги вақтда СССР давлатининг тўғрилик ва ёндашиш қарорини қабул қилди.

УИЕК мамлакатлари 1976—1980 йилларни ўз ичига олувчи янги беш йиллик план даврида ҳамкорлик қилишга тааллуқли энг муҳим масалаларни кўриб чиқишнинг асосий қарорини олдилар. Шунинг билан янгиш мумкинлики, бўлусен беш йиллик социалистик интеграцион жараённинг ривожланишида катта босқич бўлади.

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқининг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги антиимпериалистик позицияларда туриб, тинчлик учун, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган кўпгина давлатлар билан дўстона муносабатлари янада кўпроқ мустаҳкамланди.

Бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар Совет Иттифоқининг ўз озодлиги ҳамда мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқларга ҳар томонлама мадад бериш ва ёрдам кўрсатиш соҳасида ўтказиб келётган изчил йўлини юксак баҳоламоқдалар. Улар Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда Вьетнамда агрессив урушнинг тўхтатилиши ишига катта ҳисса қўшганлигига муносиб баҳо бермоқдалар. Қаҳрамон вьетнам халқининг ғалабаси — айни вақтда бутун тинчликсевар инсониятнинг ҳам ғалабасидир, халқларнинг ички ишларига аралашинишга қатъий зарба бериш сиёсатининг ҳам ғалабасидир.

Совет Иттифоқи араб давлатларининг исроил агрессиясига қарши курашини қўллаб-қувватламоқда, Яқин Шарқдаги аҳволни адолатли тарзда сиёсий бартараф этиш учун курашмоқда. Воқеаларнинг ривожини ана шу районнинг тинчлиги, барча давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Исроил босиб

олган барча араб ерларни озод қилган тақдирдагина таъмин этилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Яқин Шарқда уруш янгидан аланга олганлиги халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатининг жиддий синови бўлди. Гарчи уруш ҳаракатларига бевосита араб мамлакатлари ва Исроил тортилган бўлса-да, аммо бу тўқнашув халқаро вазиятга ҳамда кўпгина давлатлар ўртасидаги муносабатларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Яқин Шарқ кризиси хусусида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати изчил ва принципиал позицияда турибди. Биз Исроилнинг босқинчилик сиёсатини қораламоқдамиз ва араб давлатларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш ҳамда Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш ҳақидаги қонуний талабларини қўллаб-қувватлаймиз. Совет Иттифоқи ана шу талабларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, Миср, Сурия ва бошқа араб мамлакатларининг халқларига ўз суверен ҳуқуқларини амалга оширишларида ёрдам ҳам бермоқда. Агрессия қурбони бўлган араб мамлакатларига ҳар ёқлама ёрдам кўрсатиш билан бирга, мамлакатимиз Яқин Шарқда уруш хавфи ўчоғини тугатиш учун барча чораларни кўрмоқда.

Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг ишончли тарафдори бўлган Совет Иттифоқи шу райондаги барча мамлакатлар ва халқлар учун хавфсизликни таъминлаш йўлида курашмоқда. Воқеаларни тинч оқимга буриб юборишга эришиш йўлида биз БМТ Хавфсизлик Кенгашида қанчалик катта куч сарфлаганимизни сизлар биласизлар. Шунини айтиш керакки, бу йўлда қилинган ҳаракатнинг муваффақиятли чиқишига, гарчи ҳозирча бошланғич муваффақият ҳақидагина гапириб мумкин бўлса-да, кейинги йилларда халқаро вазиятда энг аввало Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг таъсири остида юз берган пажобий ўзгаришлар кўп даражада ёрдам берди. Башарти халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш принципларини яна ҳам кенг-роқ эътироф этиш сари бурилиш бўлмаганида, у ҳолда Яқин Шарқдаги воқеаларнинг ривожини ҳам, турган гапки, янада ҳам кескин тус олган бўлурди. Гарчи Исроил бу сафар ҳам Хавфсизлик Кенгашининг қарорларини назар-писанд қилмаётганини намойиш этган бўлса-да, ташқи империалистик кучлар мадад бераётган бўлишига қарамай, бундай позицияда туриш унинг учун тобора қўйин бўлмоқда. Ғарбий Европадаги баъзи бир давлатлар яқингинада Исроилнинг Яқин Шарқдаги йўлини маъқуллаган бўлсалар, эндиликда улар Исроилнинг экспансиячилик сиёсатини у ёки бу формада қораладилар ва БМТнинг Исроил босиб олган араб территорияларини бўшатиб қўйишини талаб қилувчи қарорларининг бажарилишини таъминлаш зарурлиги ҳақида ошқора гапирдилар.

Яқин Шарқ халқларининг манфаатлари, яъни тинчлик манфаатлари можаронинг асосий сабабларини бартараф этиш, яъни Исроил босиб олган араб территорияларининг озод қилинишига қаратилган амалий чоралар кўришни тақозо этади. Ҳозир бу энг асосий вазифадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълум қарорларида ҳам ўз ифодасини топган ана шу талабни қимдақим назар-писанд қилмасликка уришаётган бўлса, у уруш туфайли тўкилган қон ва вайронликлар учун, Яқин Шарқдаги можаронинг давом этиши келтириб чиқарадиган барча оқибатлар учун жавоб беради.

Совет ҳукумати яқинда юз берган қуролли тўқнашув сабоқлари Яқин Шарқдаги аҳволни адолатли тарзда тезроқ сиёсий бартараф этиш учун бутун кучни сарфлаш барча манфаатдор давлатлардан қатъият талаб этади, деб ҳисоблайди.

Совет халқининг миллий озодлик ва социал тараққиёт кучлари билан бирдамлиги халқаро турмушнинг энг муҳим омил эканлиги, бу омил антиимпериалистик курашда ўз қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини қарор топтиришда халқларга ёрдам бераётганлиги Хинди-Хитойда ҳам, Яқин Шарқда ҳам амалий равишда исбот бўлди. Совет кишиларининг хайрихоҳлиги ва бирдамлиги таъминлади.

Иккинчи дунёуруши ва тараққиёт бағриги остида бораётган ижтимоий кучлар томонидадир, Чилининг меҳнаткашлари ва барча демократлари бошига тушган фожияга доҳилдорларнинг халқаро демократлар олдига солини. Бу мамлакатда реакциянинг қутуриши фақат ушунг халқигагина қаратилган эмас. Чили тўнтаринининг орқасида турган империалистик доиралар анча узоқни кўзлайдилар. Улар Латин Америкасидаги бутун миллий-озодлик ҳаракатини барбод қилишга қаратилгандир. Бироқ бу ҳаракатнинг ривожидagi муваққат мағлубиятлар ҳам, қисман муваффақиятсизликлар ҳам халқларни ўз озодлиги учун курашдан воз кечинга мажбур эта олмайди. XX асрнинг иккинчи ярмидан халқлар рад этган мудҳиш ўтмишга қайтиш учун йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизнинг давримизда барча йўллар оқибат натижада халқлар озодлиги, уларнинг миллий уйғониши ва ижтимоий тараққиёти дунёсига олиб боради.

«Империализмнинг ўзи бой бериб қўйган тарихий ташаббусни қайтариб олишга, ҳозирги дунёнинг тараққиётини орқага қайтариб юборишга қурби етмайди,— деб таъкидланади 1969 йилги халқаро коммунистик Кенгашнинг ҳужжатларида.— Империал тараққиётнинг бош йўлини жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи, барча революцион кучлар белгилаб беради».

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати — синфий сиёсатдир. Бу сиёсат ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг, интеллигенциямизнинг манфаатларини, бутун социалистик жамият манфаатларини, бутун дунёда тинчлик ва социализм иши ман-

фаатларини ҳимоя қилмоқда. Халқаро кескинликни юмшатиш душманлари совет сиёсатининг синфий характерини социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат бўлган йўлимиз самимий эмаслигининг қандайдир далили сифатида талқин қилишга уринмоқдалар. Бироқ биз Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати қандай мақсадларга хизмат қилишини ҳеч қачон яширган эмасмиз ва буни ҳаммаша очиқ айтмоқдамиз. Бу мақсадлар социализм ва коммунизм қуриш учун қулай халқаро шароитни таъминлашдан; социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашдан; миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан ҳамда ривожланаётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдан; социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини назорат билан ҳимоя қилишдан, империализмнинг агрессив кучларига қатъий зарба беришдан, инсониятни янги жаҳон урушидан халос қилишдан иборат. Бу мақсадлар инсониятнинг ғоят қўпчилиги манфаатларига мос келади ва шу боисдан ҳам совет ташқи сиёсати бутун дунё халқлари томонидан кенг суратда қўллаб-қувватланмоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг самимийлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, В. И. Лениннинг шу ҳақда айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишни истардим: «сиёсат борасидаги самимият — сўз билан *инининг мувофиқлиги* — батамом текшириш мумкин бўлган мувофиқлигидир»¹. Ташқи сиёсатимизнинг изчиллиги, унинг давомийлиги, партиямиз ва давлатимизнинг асосчиси В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларга содиқлиги ташқи сиёсатимизда сўзимиз билан ишимиз бир эканлигига ҳаммадан кўра яхшироқ ишоятиради. Мамлакатимиз КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг ҳамма қондаларини оғишмай амалга ошираётганлиги бунга ишонч ҳосил қилдиради.

Тинчлик программаси қабул қилинганидан буён икки ярим йил ўтган бугунги кунда бу программа тарихий аҳамиятга эга бўлган, бутун халқаро вазиятни яхши томонга ўзгартириб юборган реал ишларда рўёбга чиқарилмоқда, деб айтишга бизнинг асосимиз бор. Бунда халқлар Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуватимизнинг ленинча ташқи сиёсатида сўз билан ишнинг бир-бирига мос келаётганини кўриб турибдилар.

Қандайдир ғайри синфий ёки синфдан ташқари ташқи сиёсат ўтказадиган давлат дунёда бўлган эмас ва йўқдир. Капиталистик давлатларнинг ташқи сиёсати ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ифодалаши табиий. Бинобарин, капитализм билан социализмнинг синфий мақсадлари бир-бирга зид эканлигини, бир-бири билан келиша олмаслигини биламиз. Аммо бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган жаҳон системалари — социалистик ва капиталистик системалар ер юзиде айни бир вақтда яшаб турганлиги ҳақида ҳа-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 24-том, 613-бет.

ётнинг ўзи далолат бермоқда. Жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати ўзгариб бораётганлиги шунга олиб келдики, энди буржуа жашиятининг ҳукмрон доиралари халқаро проблемаларни ҳарбий куч воситаси билан ҳал этиб бўлмаслигини тобора яхшироқ тушунмоқдалар. Ҳозирги шароитда тинч-тотув яшашгига халқаро муносабатларнинг бирдан-бир оқилона негизи бўлиши мумкинлигини улар кўрмасликлари мумкин эмас.

Халқаро вазиятни ҳамда унинг ривожланиш истиқболларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, партия Марказий Комитети, унинг Сийёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида актив ижодий фаолият олиб бораётганлиги тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга оширишда, халқаро вазиятни нормallasтириш ишида ҳамда Совет Иттифоқининг бир қанча капиталистик давлатлар билан муносабатларини мамлакатимиз катта муваффақиятларга эришувига имкон берди. Бу муваффақиятлар ҳаммага маълум. Улар совет халқида, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқларида, барча тинчликсевар кучларда чуқур миниатдорчилик туйғуларини уйғотмоқда. Биз эришган муваффақиятлар, бизнинг тинчлик ва халқлар ўртасида яшаш учун олиб бораётган сиёсатимиз бундан кўрада шунингдек янги вақтларгача тинчлик ва ҳамжаш ариинини бир-бирига қарама-қарши икки социал система ўртасидаги муносабатларнинг асоси бўлиши мумкинлигини рад қилиб келган доирани қамовидан ҳам эътироф қилишимиз.

Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинликни янада юмшатиш, халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, янги урушнинг олдини олиш учун бундан буён ҳам имкони бўлган ҳамма ишларни қила беради. Биз уруш ва тинчлик масалаларига бундан бошқача назар билан қарашимиз мумкин эмас. Турмушимизнинг бутун уклади, мақсади ва маъноси бузғунчилик эмас, балки халқ учун моддий ва маънавий неъматларни бунёд этишдан иборат бўлган социалистик тузумимизнинг характери ана шунини таъқозо этади.

Биз тинчликни мустаҳкамлаш ишида эришилган катта-катта муваффақиятларни қайд этиш билан бирга, тинч-тотув яшаш принципларини социал тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги нормасига айланттириш йўлидаги кураш зўр бериб куч-гайрат сарфлашни талаб қилишини тўла-тўқис тушуниб турибмиз. Агрессив империалистик кучлар гарчи дунёдаги кучларнинг янги нисбати билан ҳисоблашсалар ҳам, ҳамон доимо ҳушёр бўлиб туришимизни талаб қиладиган сиёсатни ўтказиб келмоқдалар. Фарбдаги милитарист доиралар халқаро кескинликни юмшатишга бўлган тенденцияларни бўғиб қўйиш ва ҳарбий тайёргарликларга янгидан тўртки бериш учун ҳар қандай баҳоналарни

ишга солмоқдалар. Милитаризм Европада ҳам ўзини сездириб қўймоқда. Бу ерда реваншист ва бошқа реакцион кучлар социалистик мамлакатлар билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга қарши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Кенгашида муваффақиятли тугашига қарши қаратилган, Шимолий Атлантика блокнинг ҳарбий активлигини жонлаштириш йўлидаги фаолиятини давом эттираётир. Яқин Шарқдаги воқеаларда, Ҳинди-Хитойда ва жаҳоннинг бошқа районларида ҳам шунга ўхшаш сўёсат кўзга ташланмоқда.

Кескинликни юмшатиш муҳолифлари орасида ҳозирги хитой раҳбарлари ҳам бор. Пекиннинг асосий мақсади — бу унинг ноҳўя ишларидан ҳам кўриниб турибди — Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро позицияларини заифлаштиришдан, унинг бирлигига путур етказишдан иборат. Бу йўлда маоичлар империалистик кучлар билан принципсиёз келишувга бормоқда, империалистик блокларни қўллаб-қувватлашдан ҳам тоймаётир, миллий озодлик ҳаракати маифаатларига хпёнат қилмоқда ва, иложини топганида, ҳамма ерда бизнинг мамлакатимизга ишончсизлик ва душманлик уругини сочмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Чжоу Эль-лай Хитой Коммунистик партиясининг X съезидида гўё Хитой томони тинч-тотув яшашнинг беи принципини асосида СССР билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдорн эканлиги ҳақида айтган гапларини тушуниш қийин. Афсуски, бу гаплар ҳозирча ХХР раҳбарларининг ҳақиқий ишлари билан тасдиқланмаётир.

Совет Иттифоқига келганда эса шунн айтиш керакки, олдин ҳам неча бор таъкидланганидек, у Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдоридир. Бироқ бизнинг делегациямиз Пекинда узоқ вақтдан буюн музокаралар олиб бораётганлигига қарамай, биз бир битимга келолганимизча йўқ, чунки Хитой томони бизнинг ҳамма амалий таклифларимизни ё рад этиб келди, ёхуд уларни шувчаки жавобсиз қолдирди. Хитой томони тутаётган бундай йўл ҳеч қандай ижобий натижалар беролмаслиги табиийдир. Башарти Хитой томони муносабатларни яхшилашдан ҳақиқатан ҳам маифаатдор бўлса, бундай ҳолда у, энг аввало, СССРнинг Хитойга топширган амалий таклифларига жавоб бериши ва уларни амалий тарзда муҳокама қилишга киришиши лозим.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ўз ташқи спёсатида ленинча принципларга оғишмай амал қилиб, халқаро проблемаларни ҳал этишга, бошқа мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга хушёрлик ва ақл-идрок билан ёндашиш намунасини кўрсатмоқда. Кейинги вақтларда бизнинг баъзи давлатлар билан муносабатларимиз қандай ривожланаётгани ҳақида қисқача гапприб ўтишга ижозат бергайсиз.

Юқори доирада бўлиб ўтган учрашувлар ва, айниқса, ўртоқ

Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти ўртасида 1973 йил июнда олиб борилган музокаралар натижасида Совет-Америка муносабатларида ижобий силжишлар юз берди. Бу силжишлар принципиал асосда — ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини эътироф қилиш асосида амалга оширилди.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан уруш хавфини камайтириш ва бартараф қилиш ишида ҳам, иқтисодий, фан-техника ва маданий алоқалар борасида ҳам ҳамкорлик қилишнинг турли соҳаларини ўз ичига олувчи бир неча муҳим битимлар тузди. Совет ҳукумати ялпи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатларига мос келувчи ана шу битимлар амалга оширилиши учун ўзига борлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Биз Қўшма Штатлар ҳукумати ҳам тузилган шартномаларга худди шу тарзда ёндашади, деб умид қиламиз.

Турган гап, бизнинг АҚШ билан муносабатларимизда бошқа мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобига қандайдир қелишувга бориш учун ўрин бўлмаслиги керак. Бизнинг ижтимоий системаларимиз бир-бирига қарама-қарши эканлиги ва инқилаб мамлакат ташқи сиёсатининг синфий характери ҳам буни исбот қилади. Бунда бошқа мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олишда биринчи мамлакатларнинг муносабатларни ривожлантиришга интилиши совет ташқи сиёсати учун ёт эканлиги ҳақида гашириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Халқаро ҳавфни камайтириш мустаҳкамлаш ҳамда тенг ҳуқуқли иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларига келсак, шунини айтиш керакки, биз бу борала Қўшма Штатлар билан муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан давом эттираверамиз.

Биз Япония билан муносабатларни янада ривожлантириш ва яхшилашга муҳим аҳамият бермоқдамиз. Япония Бош вазири К. Танака билан 1973 йил октябрда бўлиб ўтган музокараларнинг яқунлари Совет Иттифоқи билан Япония ўз ўрталаридаги тотув қўшничилик, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида иш олиб бориш ниятида эканликларини кўрсатмоқда.

Биз, жумладан, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг баъзи табиий ресурсларини ўзлаштиришда Япония билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрмиз. Айни чоғда, ана шу райондаги бизга душман қучларнинг ҳатти-ҳаракатларини бундан буён ҳам ҳушёрлик билан кузатиб борамиз ва бизнинг манфаатларимизга зиён-заҳмат етказиш йўлидаги уларнинг уринишларини нейтраллаш учун барча чораларни қўраверамиз.

Бизнинг Франция билан муносабатларимиз ривожланиб бормоқда, бу муносабатлар Европада тинчликни мустаҳкамлаш сиёсатининг доимий таъсирчан элементи бўлиб қолди. «СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари»га мувофиқ Совет-

Франция муносабатлари халқаро кескинликни янада юмшатиш йўлида, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида иккала мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилмоқда.

ГФР билан муносабатларда биз кейинги йилларда бу соҳада қўлга киритилган ижобий жиҳатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз. ГФР билан амалий ҳамкорликни ривожлантирар эканмиз, биз айни замонда ГФР билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги асосларига путур етказишга уринаётган бу ердаги обрў-эътиборли реакцион кучларнинг найрангларига бефарқ қараб туролмаймиз.

Кейинги вақтларда бизнинг Англия билан муносабатларимиз бирмунча яхшилади. Бу нарса кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида ҳамкорликни янтенсивлаштириш борасида Европада қарор топган йўл билан боғлиқ, албатта. Ҳозир Англия бу соҳасида Ғарбий Европадаги бошқа давлатлар билан бир қадар тенглашиб олди. Биз, турган гапки, бундай ривожланишни ижобий баҳолаймиз.

Жанубий Осиё субконтинентидаги бошқа мамлакатлар синга-ри, энг йирик қўшилмаган мамлакат — Ҳиндистон билан дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида бизнинг тутган йўлимиз ўзини тўла оқлади. Ҳиндистон билан тинч-лик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шарнома тузилганлиги, **Бангладеш Халқ Республикаси билан яхши муносабатлар** ўрнатилганлиги дунёнинг ана шу районда Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлади. 1974 йил декабрь мижаросидан кейин Ҳиндистон билан Покистон ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга бизнинг актив кўмакланганлигимиз ҳам бунга ёрдам берди. Шунингдек, биз субконтинентдаги учинчи мамлакат — Покистон билан ҳам нормал муносабатлар ўрнатдик.

Кўп ўтмай КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Ҳиндистонга визит билан боради. Шунга шак-шубҳа йўқки, ўртоқ Л. И. Брежнев чет элга қилган бошқа сафарлар каби, бу визит ҳам Осиёдаги ана шу буюк давлат билан дўстликни мустаҳкамлаш, шунингдек тинчлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун курашда социалистик мамлакатлар билан қўшилмаган мамлакатларнинг куч-гайратини янада бирлаштириш йўлида хизмат қилади.

Умуман олганда, ўртоқлар, партия Марказий Комитети Спёсний бюроси тинчлик ишига душман кучларининг активлашини туфайли маълум қийинчиликлар туғилаётганлигига қарамай, халқаро вазият социализм ва тинчлик фойдасига ҳал бўлаётир, деб ҳисоблайди. Планетада тинчликсевар кучларнинг позициялари муттасил мустаҳкамланиб бормоқда, бу эса партия ташқи спёсат соҳасида ўз олдига қўяётган олижаноб мақсадларга албатта эриша олажагимизга ҳаммамизнинг ишончимизни кучайтиради.

Азиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Белоруссия Совет Социалистик Республикаси тақдирланган Халқлар дўстлиги орденини сизларга тақдим этишни менга топширишди.

Республикани Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармони текстини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз.

«Белоруссия ССР меҳнаткашларининг ССР Иттифоқини ташкил этиш ва мустақамлашдаги, социалистик мамлакатлар ва элатларнинг дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустақамлаш соҳасидаги катта хизматлари учун, Совет давлатининг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан Белоруссия Совет Социалистик Республикаси Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин».

Азиз ўртоқлар! Ишчиларин, колхозчиларин, интеллигенцияни, бутун белорус халқини муносиб юксак мукофот билан яна бир бор чин қалбимдан муборақбод қилишга ижозат бергайсиз. Бу орден сизларга кўп миллатли буюк мамлакатдаги давлати тараққиётининг дўстлиги олдига олиб келишга имконият ҳамда ину дўстлигини мустақамлаш ҳамда мустақамлаш ҳар бир совет халқининг, мамлакатинидаги ҳар бир гражданининг муқаддас буючи ақалини доимо эслатиб турсин.

Белоруссияда дўстлик меҳробига ўз халқи бисотидаги жами энг яхши нарсаларни сахийлик билан тортиқ этмоқда. Бунга жавобан у бошқа республикаларнинг халқларидан ҳам худди шундай армуғон олмоқда. Бу эса бизнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқимизни бузилмас ва қудратли иттифоққа айлантираётган ўртоқлик, дўстлик, қардошлик муносабатларининг ўзгивасидир.

Сизларга меҳнатда янгида-янги муваффақиятлар тилайман, ҳар бир белорус описига улкан бахт-саодат ва эсон-омонлик тилайман.

Яшасин Совет Социалистик Белоруссияси ва унинг меҳнатсевар қаҳрамон халқи!

Бутун совет халқи бирлигининг таянчи, социализм ва бутун дунёда тинчлик таянчи — Совет Иттифоқи мустақамлаванаверсин!

Совет Иттифоқи халқларини коммунизм қуришда янгида-янги ғалабаларга бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, улуғ Ленин партиясига шон-шарафлар!

**ЕТМИШ ЁШГА ТЎЛГАН КУНИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ
ВА ИККИНЧИ «ЎРОҚ ВА БОЛГА» ОЛТИН МЕДАЛИ
БИЛАН МУКОФОТЛАНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
КРЕМЛДА 1974 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Ҳурматли ва азиз ўртоқлар! Мўътабар мукофотлар, табрик-номалар учун, шунингдек Николай Викторович Подгорнийнинг меннинг шаънинга айтган дўстона сўзлари учун КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Спёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига гоят чуқур ва самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Етмиш ёш — иссон ҳаётидаги шундай бир маррадирки, бу маррада туриб кечирилган йилларнинг маъносини бепхтёр ўйлайсан, киши. Энг муҳим нарса тўғрисида қисқа қилиб гапирганда, улдуз ленинчи партиямизнинг барча аъзолари каби мен учун ҳам бу — социалистик Ватан манфаатларига хизмат қилишдан, коммунистик идеалларни амалга ошириш учун олиб борилаётган курашда одамларга фойдали иш қилишга доимо интилишдан иборатдир.

20-асрнинг етмишинчи йилларида ўзининг етмиш йиллигини кутиб олаётган совет кишилари авлоди буюк тарихий воқеалар йўлини босиб ўтишга мушарраф бўлди.

Бу йўл — туб социал ўзгаришлар даври, социалистик тузумнинг вужудга келиши ва қарор топиши даври, чуқур социал-иқтисодий ислохотлар даври, коммунизм қурилиши даври бўлди.

Бу — келажакка олиб борадиган ва иссоният ҳали синаб кўрмаган кийин йўл бўлди, кураш ва машаққатли синовлар йўли бўлди. Лениннинг қаҳрамонона партияси бизни шу йўлда ғалаба сари бошлади.

Социалистик тузумнинг шарафли юриши совет кишиларининг юксак маънавий-спёсий фазилатларини, уларнинг ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги принципиал жиҳатдан янги тассавурларини шакллантирди.

Совет кишиси учун олий бахт-саодат ўзининг шахсий манфаатлари доираси билан чекланиб қолмайди. Бу бахт-саодат ўзининг ижтимоий ролини, ўзининг социалистик жамият манфаатлари билан бирлигини англаш тушунчасига мос келади.

Кейинги үч йил мобайнида мамлакатимиз спёсий, социал, иқтисодий соҳаларда партияимизнинг XXIII ва XXIV съездларида қабул қилинган ленинча тинчлик ва коммунизм қурилиши программасини амалга оширишда ялғи улкан муваффақиятларга эришди.

Кейинги үч йил мобайнида партияимизда, унинг Марказий Комитетида ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Спёсий бюрода қарор тонган ғоявий бирлик, ўртоқларча ишонч, юксак талабчанлик ва партиявий принципналлик муҳитида ана шу муваффақиятларга эришиш кўп жиҳатдан мумкин бўлиб қолди.

Менинг фаолиятимга юксак баҳо берилганлиги учун миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини айтиш билан бирга, менинг зиммамга партия юклаган бутун масъулиятини, улут халқимизнинг ишончлиги чуқур англаб турганлигимни яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман.

**КРЕМЛДА ЛИВИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ
РЕВОЛЮЦИОН ҚҰМОНДОНЛИГИ КЕНГАШИ АЪЗОСИ,
БОШ МИНИСТРИ АБДУЛ САЛОМ АХМАД ЖЕЛЛУД
ШАРАФИГА ҲТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
1974 ЙИЛ 14 МАЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Бош Министр жаноблари! Ҳурматли меҳмонлар!

Биз дўстимиз А. С. Желлудни Ливия Араб Республикасининг Бош Министри сифатида Москвада биринчи бор қабул қилмоқдамиз, бинобарин, биз бу визитда, Бош Министр ҳамда унинг шериклари билан бошланган музокараларда Совет Иттифоқи билан Ливия ўртасидаги муносабатларни қулай шароитда ривожлантиришнинг далилини кўриб турибмиз. Совет ҳукумати ва мамлакатимиз халқи муносабатларнинг бундай ривожланишини табриқлайдилар, чунки биз Ливия халқига, унинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳозирги дунёда ўзининг тенг ҳуқуқли ва муносиб манқеини эгаллаш йўлидаги курашига ҳурмат билан қараймиз.

Совет халқи барча қитъалардаги кўпгина халқлар билан дўстлик алоқаларини орқали боғланган. Бу улўф Ленин, Коммунистик партиямиз совет кишиларини интернационализм ғояларига, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қордошлиги ғояларига мустаҳкам содиқлик руҳида тарбияланганликлари туфайли мумкин бўлди. Биз бутун дунё меҳнаткашларининг асосий манфаатлари умумийдир, деб ҳисоблаймиз. Бу — эксплуатациядан, социал ва миллий зулмдан халос бўлишдан, халқлар ва уларнинг давлатлари ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, тотуи қўшнчилик ва дўстлик ўрнатилшдан иборат. Айни шу манфаатлар халқларни империализм ва реакцияга қарши, адолатсизлик ва зўравонликка қарши умумий курашда яна ҳам маҳкам бирлаштириб турибди. Бундай бирлашишга халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларидаги, кишилар тағасининг раигидаги, дини ва тилидаги тафовутлар халал беролмайди.

Зотан, аслини олганда, мамлакатларимизнинг халқлари умумий бир тилда — янги дунё тилида сўзлашмоқдаларки, унга Россиядаги Улўф Октябрь социалистик революцияси асос солган, бу революция жаҳонда миллий озодлик ҳаракатининг ўсишига қудратли стимул берди.

Сиз, Бош Министр, Совет Иттифоқига қиладиган визитингиз арафасида Ливияда Совет Иттифоқи билан муносабатларни дўс-

тоиа муносабатлар деб атадингиз, бу революцион халқларнинг дўстлиги, у доимийдир ва вақтинчалик ҳодиса характериға эға эмас. Ливиянинг ривожланишидаги қандайдир муайян босқич билан боғланган эмас, деб қарамоқдалар, ледингиз.

Биз халқларимиз ўртасидаги муносабатларға берилган бундай баҳоға қўшиламиз. Агар Ливия билан Совет Иттифоқини бирлаштириб турган жиҳатлар билан бизларнинг нуқтаи назаримиз мос келмаган томонларни бир-бириға таққослайдиган бўлсак, у ҳолда шубҳасиз, бизни бирлаштириб турган жиҳатлар ҳал қилувчи устуңликка эға бўлади. Бу, энг аввало, империализм ва мустамлакачиликка қарши, халқаро муносабатларни адолатли, демократик асосда қайта қуриш учун, халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқини, шунингдек ўз табиий бойликлари устидан суверенитети прогрессив социал-иқтисодий ислохотларни амалға ошириш ҳуқуқини қарор топтириш ва ҳурмат қилиш учун курашда бизнинг позицияларимиз муштараклиги ёки яқинлигидан иборатдир. Биз Ливия раҳбарлари 1969 йил 1 сентябрь революциясидан кейин бу соҳада амалға ошираётган тадбирларни табриқлаймиз.

Қарашлардаги тафовутларға келсак, улар афтидап, асосан идеология соҳасида бўлса керак. Аммо биз ўз идеологиямизни ҳеч кимға мажбуран қабул қилдирмоқчи эмасмиз. Бу бизнинг принципиаримизға эғи қарай бўлиши керак. Дунёдаги ҳақиқатларни

боғлаб берди.

Яқин Шарқ масалаларида Совет Иттифоқининг тутган йўли, бу масаланинг ҳал қилишдаги асосий принциплари, империализмга, спонизмға ва реакцияға қарши курашни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги сиёсатимиз бизнинг принципиал эътиқодларимиз билан узвий боғлиқдир.

Эътиқодларимизнинг мустаҳкамлиги Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматиининг Яқин Шарқ проблемаси бўйича позициясининг изчиллиги билан белгиланади. Бу позициянинг моҳияти яхши маълум. Совет Иттифоқи Исроил ташқи империалистик кучлар ёрдамида ўтказаетган агрессия сиёсатини қоралайди ва 1967 йилда ҳамда шундан кейин босиб олинган барча араб территориялардан исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилмас экан, Фаластин араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари таъмин этилмас экан, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Қўшинларни ажратиш ҳақидаги ҳар қандай келишув аҳволни яқин бартараф қилиш йўлидаги дастлабки қадам деб қаралмасғи ва унинг кетидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг маълум қарорларини бажариш юзасидап бошқа чоралар қўрилмоғи лозим.

Биз масаланинг бу томонини нима учун таъкидлаб айтмоқдамиз? Шунинг учуни, кейинги вақтларда агрессор ва унинг ҳомийлари Яқин Шарқдаги аҳволни умуман бартараф қилишни сирт-

дап қарагандагына Яқин Шарқда кескинликни юмшаган қилиб кўрсатувчи аллақандай чала-ярым чоралар билан алмаштириш ниятида экапликларни ошқор бўлиб қолди.

Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар Сийёсий маслаҳат комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар араб халқларининг адолатли ва мустақкам тиңчлик учун, уларнинг эркин ривожланиши, социал ва иқтисодий тараққиёт учун курашини қатъий ва ҳамisha қўллаб-қувватлаяжакларини баён қилдилар. Бу араб давлатларининг социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлиги принципат жихатдан муҳимлигини яна бир марта тасдиқлаб турибди.

Биз Совет-Ливия муносабатларининг ривожланиши ҳам араб мамлакатларининг исроил агрессияси оқибатларини бартараф қилиш йўлида биргаликда олиб бораётган кураши манфаатларига, уларнинг ана шу курашда антиимпериалистик асосда ишшлашишларига хизмат этади, деб умид қиламиз.

Сиз билан, Бош Министр жаноблари, олиб бориладиган музокараларда биз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг турли томонларини қараб чиқиш, Совет-Ливия алоқаларини кенгайтириш истиқболлари хусусида фикр алмашишни умид қилмоқдамиз. Бизнинг фикримизча, бунинг учун катта имкониятлар бор. Масалан, Совет Иттифоқи билан Ливия ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида 1972 йилда тузилган битим иккала мамлакат манфаатлари йўлида Совет-Ливия савдо-сотипини, иқтисодий ва бошқа алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиравериш имконини беради. Бунда биз ўртамиздаги ҳамкорлик янада барқарор ва узоқ муддатли бўлиши учун келишиб олишга тайёрмиз. Бу соҳада келишган ҳолда чора-тадбирлар кўриш, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасида бир-бирини англаш ва ўзаро ишончнинг мустақкамлаанишига, Яқин Шарқдаги аҳволин адолатли тартибга солиш учун курашда куч-гайратимизни бириштиришга ҳамда бошқа актуал халқаро проблемаларни ҳал этишга ёрдам берган бўлурди.

УЛУҒ МАМЛАКАТНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМИ

*Большой театрда СССР Олий Совети Министрлар Советига
сайловлар ўтказувчи Москва шаҳар сайлов округи
меҳнаткашлари вакиллари билан бўлган учрашувда
1974 йил 12 июнда сўзланган нутқ*

Азиз ўртоқлар!

СССР Иттифоқи Олий Совети депутатлигига менинг номзодим-ни кўрсатган Иккинчи соатсозлик заводи, Лихобори локомотив депоси, «Ўроқ ва болға» заводи, Ленин комсомолни номидаги Москва театри коллективларига самимий миннатдорчилик изҳор этишга ихозат бергайсиз. Менинг номзодимни қўллаб-қувватлаган барча корхоналар ва ташкилотларнинг коллективларига катта раҳмат. Бу ерда сўзга чиқиб, менинг шаттимча самимий раҳмат билан миннатдорчилик билан...

Москва шаҳар сайлов округи меҳнаткашлари менга билдирган ишончини улут Ленин партиясига билдирилган ишонч деб ҳисоблайман. Биз ҳаммамиз шу партиянинг шон-шарафини остида ва шундан раҳбарлигида янгу мақсадимиз таянмаси йўлида, коммунизм йўлида курашиб, ишлаб келмоқдамиз.

Тўққизинчи чақриқ СССР Олий Советига сайлов барча совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат активлиги айниқса юксалган бир шароитда ўтмоқда. Бу жопажон Коммунистик партиямиз теваригига жишлашган мамлакатимиз халқларининг бирлиги байрамидир.

Сайлов кампанияси давомида ҳамма жойда меҳнаткашлар мамлакат ҳаётининг туб масалаларини муҳокама қилмоқдалар, эришилган натижаларни яқулламоқдалар, янги вазифаларни белгиламоқдалар. Бунда социалистик демократиянинг моҳияти яққол намоён бўлмоқда. Социалистик демократия туфайли халқ жамиятининг бирлаш-бир ва тўла ҳуқуқли хўжайинли бўлиб қолди.

Партиямизнинг сайлов программаси КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатида баён этиб берилган. СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайловдан бери орадан ўтган тўрт йил мобайнида катта тарихий аҳамиятга молик кўпгина воқеалар содир бўлди. Шу воқеаларнинг энг муҳими КПСС XXIV съезидир. Мамлакатнинг бутун пажтимоий-сиёсий ҳаёти шу съезд тоялари ва қарорлари таъсири остида ривожланиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладыда, съезд қарорларида ва бошқа ҳужжатларида, шунингдек, Марказий Комитет Пленумларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларда совет жамиятини иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш программаси, тинчлик учун қураш программаси белгилаб берилган.

Партия XXIV съезди ишлаб чиққан йўли мамлакатимиз ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, элчилари, барча миллат ва элатлари қизил маъқулладилар, бу йўл муваффақиятли равнишда амалга оширилмоқда.

Партияимизнинг йўли — тўғри йўл, Совет ҳокимияти эса коммунизмга бориш йўли эканлигини турмуш тасдиқлаб берди. Бу йўл, Ленин таъбири билан айтганда, «Меҳнаткашлар оммаси топган йўлдир, шу боисдан ҳам у тўғри ва шу боисдан ҳам енгилмас йўлдир». Совет халқи шу йўлда бориб, ҳар томонлама ривожланган қудратли социалистик давлатни барпо этди. Совет давлатининг кучи — мамлакатимиз халқларининг дўстлигидадир, унинг гражданининг ғоявий-сиёсий бирлигидадир, социалистик демократияни муттасил мустаҳкамлашдадир.

Ўртоқлар! Бир-бирига боглиқ, яхлит халқ хўжалик органиزمи бўлган совет экономикаси план асосида ривожланмоқда, бу эса бутун мамлакат манфаатларини алоҳида олишган ҳар бир республика, ҳар бир районнинг манфаатлари билан рационал қўшиб олиб бориш имконини беради. Социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги, коммунизмнинг молдий-техника базасини қуришдаги муваффақиятлар иттифоқдош республикалар мустаҳкам алоқаси ва қардошларча ўзаро ёрдамнинг натижасидир, Совет Иттифоқи барча халқлари пикодий меҳнатининг натижасидир.

Социалистик жамиятнинг янада ривожланиб бораётганлиги, илмий-техника революцияси туфайли содир бўлаётган чуқур сифат ўзгаришлари бир қанча масалаларни ҳал этишни ўртага қўймоқда. Уларни ҳал қилиш эса оқибат натижада халқ хўжалиги барча тармоқларининг уйғун тарзда, пропорционал ривожланиши таъминлашга даъват этилгандир. Шу муносабат билан мен тараққиётимизнинг баъзи бир проблемалари ҳамда етиқболлари тўғрисида тўхталиб ўтишни истардим.

Мамлакатнинг энергетика билави проблемаси ҳозирги куннинг ва келажакнинг энг муҳим проблемалардан биридир.

Ёқилғи-энергетика базасини жадал ривожлантириш халқ хўжалиги барча тармоқларининг муваффақиятини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ёқилғи-энергетика ресурсларини йил сайин тобора кўпроқ талаб қилмоқда. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, совет кишилари турмуш шароитининг яхшиланиши, шунингдек қўйинга бошқа ма-

салаларнинг ҳал қилиниши ҳам электр энергия истеъмол қилиши-
нинг кўпайиши билан боғлиқ.

Ёқилги ва энергия билан таъминланми жаҳондаги барча мам-
лакатлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кейинги йиллар ичи-
да капиталистик давлатларнинг ҳаммасида, айниқса АҚШ, Анг-
лия, Франция, Италия, Японияда энергетика ҳақатчилиги юз берди
ва кескинлашди. Бу ҳол капитализмга аслида хос бўлган социал-
иқтисодий зиддиятларни янада чуқурлаштириб юборди. Энерге-
тика тавглиги инфляциянинг кучайишига, саноат ишлаб чиқари-
шининг камайиб кетишига, ишсизликнинг кўпайишига, айниқса
оммавий истеъмол молларининг нархи кескин ошишига олиб кел-
моқда, шунинг натижасида меҳнаткашларнинг турмуши ёмонла-
шишига сабаб бўлмоқда.

Бизнинг социалистик, планли экономикамизга бундай ларза-
лар ётдир. Партия энергетикани ривожлантиришга ҳаммша бир-
ринчи даражали аҳамият бериб келди. Буни ақалли Ватан уруши
арафасида СССРдаги электр станцияларининг қуввати Россия
электр станцияларининг 1913 йилдаги қувватидаи 10 барабар ор-
тиқ бўлганлиги фактидан ҳам кўрса бўлади. 1974 йилда СССР
даги электр станцияларининг қуввати 200 миллион киловаттдан
ошади, бу эса 1940 йилдаги ҳамми билан 10 баравар ортиқдир.

Маълумки, биз энергетикада фақат иссиқлик электр станция-
лари эмас, балки қудратли дарёларимизнинг энергиясидаи фой-
даланиб, гидростанциялар қуриши бўлидаи ҳам бормоқдамиз. Бун-
да айни бир вақтнинг ўзида гоят муҳим қишлоқ хўжалик пробле-
маси — ирригация проблемаси ҳам ҳал бўлмоқда. Волга, Апгара,
Енисейда ва мамлакатнинг бошқа кўлига дарёларида йирик гид-
ро-энергетика марказлари барпо қилинди. Янги қудратли иссиқлик
станциялари ва гидростанциялар қурилиши билан бир қаторда
атом станциялари қурилиши ҳам тобора катта кўламда олиб бо-
рилмоқда.

Фан-техника тараққиёти эҳтиёжлари ёқилги саноатини жадал
ривожлантиришни зарур қилиб қўймоқда. Совет халқи Комму-
нистик партия раҳбарлигида бу вазифани ҳам муваффақиятли
ҳал қилмоқда. Чунончи, 1940 йилда 31 миллион тонна нефть қа-
зиб чиқарилган эди. 1974 йилда эса, нефть қазиб чиқариши 450
миллион тоннадан ошиб кетади. Газ қазиб чиқаришининг ўсиши
бундан ҳам каттароқдир. 1940 йилда атиги 3 миллиард 200 мил-
лион куб метр газ қазиб олинган бўлса, 1974 йилда 256 миллиард
куб метр газ қазиб чиқарилади. Нефть ва газ қазиб чиқариши бў-
йича Совет Иттифоқи дунёда АҚШ дан кейин иккинчи ўринда
турибди.

КПСС XXIV съезди Фарбий Сибирда нефть ва газ қазиб чи-
қариши анча кўпайириши вазифасини қўйди. Кейинги ўн йил
ичида жуда бой очил конларда, айниқса Тюмень областида янги

қудратли ёқилғи базалари барпо қилинди. Ҳозир биз 1974 йилда Тюмень областида нефть қазиб чиқариш 1970 йилдагига нисбатан салкам 4 барабар, газ қазиб чиқариш эса 2,6 барабар ортади, деб айта оламиз.

Сибирь нефтьчилари, қурувчилари ва геологлари иш шароити оғирлигига қарамай фидокорона меҳнат қилмо, улуғвор иқтисодий вазифани ҳал этмоқдалар. Партия XXIV съездининг топшириғи ошириб бажарилади.

Қозоғистондаги Манғишлоқ ярим ороли, Коми АССР, Оренбург области, Туркменистон ССР даги конлардан ҳам нефть ва газ қазиб чиқаришни анча кўпайтиришга эришилди. Белоруссия ССР да нефть қазиб чиқарила бошлади. Бизнинг нефть ва газ ресурсларимиз геологлар янгида, масалан, Якутияда очган конлар ҳисобига янада кўпроқ ортади. Мамлакатнинг бошқа районларида ҳам геология қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Ёқилғи-энергетика тармоқларини тез ривожлантириш келгусида ҳам энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Нефть ва газ қазиб чиқаришни кўпайтириш билан бирга биринчи навбатда очиқ усулда кўмир қазиб чиқариш ҳам кенгайтирилади. Қозоғистондаги Экибастуз, Шарқий Сибирдаги Канск — Ачинск сингари катта кўмир конлари негизда янгидан-янги энергетика марказлари барпо этилади.

Экономикамизнинг ривожланиши мамлакатнинг реал энергетика ресурсларига асосланаётганлигини ҳисоб-китоблар ва прогнозлар кўрсатиб турибди.

Оғир саноатнинг асосий тармоқларидан бири — металлургия тез суръатлар билан ривожланимоқда. Аввалдан ишлаб келаётган металлургия районлари — Урал, Донбасс, Кузбасс билан бир қаторда янги районларда катта-катта металлургия заводлари ва комбинатлари: Қараганда, Череповецк, Новолинецк, шунингдек Ғарбий Сибирь металлургия корхоналари барпо қилинди. РСФСР да ва Украинада илгари қурилган деярли ҳамма металлургия заводлари реконструкция қилишиб, кенгайтирилмоқда.

Курск ва Белгород районларида темир рудалари қазиб чиқариш мамлакат металлургияси учун муҳим аҳамиятга эга. В. И. Ленин ўз вақтида Курск магнит аномалияси «шундай бойликни, у металлургиянинг бутун ишини айланттиришга қодирдир», — деб кўрсатган эди. Бироқ мазкур районни ўзлаштириш учун ўша вақтда бизда имконият йўқ эди. Уни ўзлаштириш ишлари кейинги йиллардагина амалда бошлаб юборилди. Шу йил 30 миллион тоннадан ортиқ товар темир-руда қазиб чиқарилади. Яқин йилларда бу ерда янги метод — металлни домна жараёнсиз бевосита қайта тиклаш методи билан пўлат ишлаб чиқарадиган, мамлакатда энг йирик металлургия комбинати барпо этилади.

Бизнинг қудратли темир-руда саноатимиз энди руда билан фақат ўз металлургия заводларимизни таъминлабгина қолмай,

балки уни социалистик мамлакатларга кўп миқдорда сотилиш имконини ҳам беради. Ҳозир СССР аслида яқин вақтларгача биздан энча олдинда бўлган АҚШ да эритилаётган миқдорда пулат эритмоқда. Аммо бизда ҳали фойдаланилмаётган кўпгина резервлар бор. Металлургия маҳсулотининг сифат кўрсаткичларини анча яхшилаш зарур. Металл павларини халқ хўжалиғи эҳтиёжларига мувофиқ равишда кенгайтириш керак. Истеъмолчиларга прокатнинг энг тежамли ва самарали турларини бериш лозим. Қувватлардап япада тўлиқ фойдаланишга эришиш, бир қанча металлургия заводларида айрим ишлаб чиқаришлар ўртасидаги баъзи бир помутаосибликларни тугатиш зарур.

Техника тараққиёти кўп жиҳатдан рангли металлургияга боғлиқ. Шу беш йилликда мис, алюминий, никель, қалайиш, қўрғошин ва бошқа рангли металлари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Бироқ рангли металлургияни ва у билан боғлиқ бўлган геология-қидирув ишларини илдам ривожлантириш зарурлигини пазардан қочирмаслик лозим. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, сапоат ва қурилишининг кўпгина тармоқларида рангли металлар энг тежамли ва мақсадга мувофиқ халқ хўжалик ечимларини таъминлаши билан баробар уларнинг ролу ҳақиқатан ҳам катта бўлади. Рангли металлургиянинг янги мавзуси бўлган буғудга келтириш ва марказий қисмларини кенгайтириш билан бирга, бу тармоқ ходимлари олдида рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қувватлардан яхшироқ фойдаланишга, руда таркибидаги металлларни тўлиқ даража ажратиб олишга ва побудгарчиликни йўқ даражага келтиришга эришиш вазифалари турибди.

Партия машинасозликни япада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Маълумки, бу сапоатда, транспортда ҳам, шунингдек қишлоқ хўжалиғида ҳам меҳнат унумдорлигининг ўсишини ва фан-техника тараққиёти суръатларини белгилаб беради. Машинасозлик маҳсулотлари турларининг днапазони жуда ҳам катта. Машинасозлик корхоналари йилга юз минглаб станоклар, машиналар ва турли хил ускуналар ишлаб чиқармоқда. Улардан кўплари ишлаб чиқарган маҳсулот жаҳонда машҳур бўлиб, яхши инухрат қозонди. Машина ва ускуналар экспорт қилиш йилчап-йилга кўпайиб бормоқда.

Машинасозликда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юксак ва барқарор суръатларига эришидик. Беш йилликнинг атиги уч йили мобайнида бу тармоқ маҳсулотининг ҳажми 40 процент кўпайди. Аммо бир қанча машинасозлик тармоқларида ишлаб чиқарилмаётган маҳсулотнинг техник даражаси бизни қаноатлантира олмайди. Машинасозлик маҳсулотлари истеъмолчилари машина, стапок, ускуналарнинг сифати ҳусусида кўпинча ҳаққоний эътирозлар билдирмоқдалар. Маҳсулотнинг кўпгина турларини янгилаш суръатлари ҳали етарли эмас, бизнинг талаб ва эҳтиёжларимизга мос келмайди. Ҳозирги замон машинасозлигини приборлар,

электрон техникаси, автоматика воситалари ишлаб чиқаришни тегишли даражада ривожлантирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу беш йилликда бу тармоқлар анча ривож топди.

Халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуролантириш вазифалари буида бўён ҳам машинасозликни илдам суръатлар билан ўстира боришни талаб этади. Келгуси беш йилликда биз шу соҳада кўпгина вазифаларни ҳал этмоғимиз лозим.

Ўзининг шонли анъаналарига ва бои ишлаб чиқариш тажрибасига ҳамда юқори малакали ишчи ва инженер кадрларига эга бўлган Москва машинасозлиги бу вазифаларни ҳал қилишда алоҳида роль ўйнайди. Москвада машинасозликда фан-техника тараққиётининг келажакини белгилаб берувчи жуда кўп илмий-техшириш ва конструкторлик институтлари жойлашган.

Кейинги йиллар ичда пойтахтдаги кўпгина машинасозлик корхоналари реконструкция қилинди. Энди Москва заводлари ўзлари ишлаб чиқараётган машиналар, усқуналар, приборларнинг техника даражасини кескин оширишлари мумкин ва лозим. Москва машинасозлик заводларининг маҳсулоти аъло сифатли бўлишига эришни керак. Энг муҳими ала шундан иборат.

Халқ хўжалигининг ҳозирги техникавий даражаси химия ва нефть химияси саноатининг ютуқлари билан кўп жиҳатдан белгиланади. Шу беш йилликда мазкур тармоқлар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. 1974 йилда 80 миллион тонна, беш йиллик охирига бориб эса 90 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Ҳолбуки, 1940 йилда 3 миллион 200 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилган эди, холос.

Химиявий тола, пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқариш ҳам кўпаймоқда. 1974 йилда химиявий тола ишлаб чиқариш 1960 йилдагига нисбатан 4,3 баравар, пластмасса ва спитетик смола ишлаб чиқариш 8,2 баравар кўпаяди. Бироқ биз ҳали бу соҳада жуда ҳам орқада қолянимиз ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондиrolмаётимиз. Бу қолоқликка барҳам бериш химия саноати ходимларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Шу билан бирга бошиқа хил химиявий маҳсулотларни, айниқса бўёқлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан келгайтириш зарур. Буидай маҳсулотлар етишмаётганлиги ишлаб чиқаришнинг бир қатор тармоқларининг ривожланишига ва маҳсулот сифатининг ошишига халал бераётир.

Келгуси йилларнинг халқ хўжалик плашларида химия ва нефть-химияси саноатини яна ҳам тез суръатлар билан ривожлантириш зарурлиги қўзда тутилмоғи лозим.

КПСС ХХIV съезди қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг катта комплекс программасини ишлаб чиқди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини бутун чоралар

билан мустаҳкамлаш ва уни интенсивлаштириш бу программа-нинг асосии ташкил этади.

Совет халқи съезд қарорларини сабот-матонат ва изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. Бугунги кунда мамнуният билан айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти-нинг энг муҳим кўрсаткичлари юзасидан беш йилликнинг уч йили топириқлари байқарилди. Кейинги уч йил ичидагина қишлоқ хўжалигига қарийб 72 миллиард сўм қаштал маблағ сарфланди. Бу аввалги беш йилликнинг шу давридагига нисбатан салкам 60 процент кўпдир. Қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини таъминловчи сапоат тармоқларини ривожлантиришга ҳам катта-катта маблағлар сарфланмоқда. Бу ҳол колхоз ва совхозларга техника, минерал ўғитларни йил сайини тобора кўп миқдорда етказиб бериш, қишлоқни электрлаштиришни амалга ошириш лмоқини бераётир.

Ерларни мелiorациялаш катта кўламда олиб борилмоқда. Мелiorация қургоқчиликка қарши ишинқ-сухта қалқон, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширувчи қудратли восита бўлиб бормоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 2 миллион 300 минг гектар суворилардан ерлар фойдаланишга топириқ-латилди. Ҳўра ҳали Чили, Италия, Гвинея, Кавказда, Украинада ва Мамлакатнинг бошқа районларида янги катта сувориш системалари ишга тушди. Катта-катта майлопларда айниқса Беларуссияда, ерларнинг заҳи оғирлади.

Партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп томонлама, маълум мақсадга қаратилган ишлари тобора сезиларли натижалар бермоқда. 1972 йилги миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган қургоқчиликни ҳамма биледи. Партия ва бутун халқнинг куч-гайрати билан бу табиий офат оқибатларини енгиб ўттиш мумкин бўлди. Маълумки, ўтган йили ялли доп ҳосили 222,5 миллион тоннани ташкил этди, бу эса беш йиллик сўнгги йилнинг план топириғидап анча ошиқдир. Россия Федерацияси, Украина ва Қозогистон дон етиштириш ва тайёрлашда айниқса катта муваффақиятларни қўлга кпритдилар.

Кейинги йилларда пахта етиштиришни барқарор кўпайтириб бориш таъминланмоқда. Бўлтур Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқа республикалар пахтакорларининг меҳлати туфайли жуда катта ютуққа эришилди. Улар 7 миллион 700 минг тонна, яъни беш йиллик планда 1975 йилга мўлжалланганидан анча кўп пахта териб олдилар.

Мамлакатда картошка, сабзавот, ҳўл мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайди.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳар йилги кўпайиши асосан ҳосилдорликни ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобиға бўлаётганлиги эътиборға сазовор бир хусусиятдир.

Чорва туёғи кўнайди, унинг маҳсулдорлиги ошди. Чорвачилик маҳсулотларининг давлат томонидан харид қилиниши кўнайди. Аммо биз чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш анча кўпайганлигига қарамай, аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган ўсиб боровчи талабларини ҳали қондиrolмаётимиз. Шунинг учун ҳам мамлакатда чорвачиликни янада тез юксалтириш қишлоқ хўжалик соҳасидаги асосий вазифалардан биридир. Бу вазифа партия ва ҳукуматнинг, министрликлар ва маҳаллий органларнинг доимо диққат марказида турибди. Бу вазифани ҳал этиш йўллари белгилаб олинган. Озиқ базасини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда доп етиштиришни кўпайтириш, чорва молларини бўрдоқига боқишни яхшилаш, аралаш-ем саноатини кенгайтириш, йирик чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қуриш, мавжуд чорвачилик биноларидан яхшироқ фойдаланиш соҳасида илмийлик билан амалга оширилаётган тадбирлар аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тезроқ таъминлаш имконини беради.

Биз ҳозирнинг ўзида чорвачилик комплексларини вужудга келтириш соҳасида яхши тажриба ортирдик. Москва, Ленинград, Киев, Горький, Белгород ва бошқа областларда кейинги йилларда ишга тушган комплекслар ана шу прогрессив форманинг юксак самарали эканлигидан далolat бермоқда.

Келгуси йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриал методларга ўтказиш каттагина моддий ва молиявий маблағлар сарфланишини талаб этади. Биз мамлакатдаги катта-катта иқтисодий районлар қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал этишга қодирмиз.

Яқинда партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «РСФСРнинг қора туироқ бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор — катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Партия ва ҳукумат ишлаб чиққан тадбирлар малакатимизнинг жуда катта территориясини ўз ичига олади.

Ана шу зонада ерларни кенг миқёсда мелiorациялаш лeгизида, гўшт, сўт, картошка, сабзавот, чорвачилик учун ем-хашак, энгирпоя ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида намунали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барпо этиш соҳасида катта ишларни амалга ошириш керак.

Қишлоқларни ободонлаштириш, мактаблар, болалар муассасалари, Мадааният уйлари, касалхоналар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва бошқа объектлар қуришни кўзда тутувчи социал тадбирларнинг кенг программаси белгиланган. Қора туи-

роқ бўлмаган зонада енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут ва аралаш-ем саноат тармоқлари ривожлантирилади.

Қора тупроқ бўлмаган зона қишлоқ хўжалигини тўдап қайта қуриш программасини амалга ошириш учун 1976—1980 йилларда 35 миллиард сўм капитал маблағ сарфланади.

Ана шу тadbирларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг кенг ўлкаси — қора тупроқ бўлмаган зона ишлаб чиқарувчи кучларини анча юксалтириш имконини беради.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барқарор ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга гоаят муҳим аҳамият бермоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси бундан буён ҳам ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаб борилаверади. У юқори унумли техника билан кўн миқдорда таъминланади, минерал ўғитларни тобора кўп миқдорда оладиган бўлади. Қишлоқ хўжалик фани ҳар томонлама ривож топади ва унинг ютуқлари ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилинади. Механизаторлар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун бошқа мутахассислар тайёрлаш юзасидан катта тadbирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотини қулайлиги янада кўпайтириш учун қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар яратилаётир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва қайта ишлаш шўналардек аҳолини таъминлаш мақсадлари билан шугулланувчи муштрликлар, идоралар ва ташкилотлар халқимизнинг турли хил маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги ишларини анча яхшилашлари керак. Ҳозир бунинг учун катта имкониятлар бор.

Беш йилликнинг халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишдан иборат асосий вазифасини амалга ошириш халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш бора-сида катта-катта иқтисодий чоралар кўрилишини талаб қилди. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг тармоқларига катта-катта капитал маблағлар сарфланмоқда. Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида 637 корхона, шу жумладан ип-газлама, шойп, жун газлама комбинатлари ва фабрикалари, трикотаж, тикувчилик, пой-афзал корхоналари, чинни заводлари, гўшт комбинатлари, қанд-шакар ва сут-қатиқ заводлари қурилди. Айни вақтда мавжуд корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ишлари амалга оширилмоқда, ускуналар янгиланмоқда, пахта, зигирпой, жун етиштириш, чорва, шунингдек химия хом ашёси ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Бу йил 1965 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда гап миқдор жиҳатидан ўсишдагина эмас, шу билан бирга маҳсулотнинг сифати жиддий яхшилланишига ҳам эришиш зарур. Аҳолининг моддий фаровон-

лиги ўсган сайин товарларнинг сифатига талаблар ҳам қонуний ошиб бормоқда. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тобора яхшилашиб бормоқда, ammo вазифа ана шу жараёни кескин суратда тезлаштиришдан, унинг узлуксиз жараён бўлишига эришишдан иборат. Маҳсулот турларини тезроқ янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилари билан мулғазам суратда алмаштириб бориш, хушбичим ва кўркем маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан аҳолида эстетик диднинг шаклланишига таъсир ўтказиш зарур. Янада юқори сифатли янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш фақат мавжуд хом ашё ресурсларига эмас, балки, биринчи навбатда, саноат ходимларининг ўзига, уларнинг ишлаб чиқариш масалаларини нечоғли ижобий ҳал қила билиш маҳоратларига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда Москва корхоналари олдида ҳам, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи оғир саноат корхоналари олдида ҳам катта вазифалар турибди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети енгил саноат моллари ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш, уларнинг сифати ва хиллини яхшилаш ҳамда савдо-сотиқ ташкилотларининг ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасида бир қанча тadbирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу нарса саноат корхоналарининг аҳоли талабида бўлаётган ўзгаришларни тезроқ сезиб олишларига имкон беради.

Озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноатининг барча тармоқларини ривожлантириш соҳасида катта тadbирлар амалга оширилмоқда. Маълумки, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати тармоқлари қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятларга бевосита боғлиқ. Ammo саноатнинг ана шу тармоқларининг ўзида, шунингдек балиқ саноатида ҳам катта-катта резервлар мавжуд. Қўнлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш ва сақлаш вақтида йўл қўйилаётган нобудгарчиликларга қарши қаттиқ қураш олиб бориш лозим. Жумладан, бу гап картошка, сабзавот, ҳўл мева, балиқ сипгарини оммавий истеъмол моллари, шунингдек уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларга тааллуқлидир.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксак, барқарор суръатлар билан ривожлантириб бориш бизнинг капитал қурилиш ишидаги муваффақиятларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Биздаги қурилиш қўламлари дарҳақиқат улкандир. Шу йилнинг ўзидагина халқ хўжалигига сарфланган жами капитал маблағлар 104 миллиард сўмни ташкил этади, бу эса 1940 йилдагидан 16 баравар кўпдир.

Беш йилликлар мобайнида қудратли асосий фондлар — бизнинг жуда катта миллий бойлигимиз яратилди. Уни яратишга совет кишиларининг, айниқса бивокорларимизнинг қаҳрамонона

меҳнати сарф бўлди. Донбасс ва Кузбассдаги, Урал ва Поволжьедаги, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги, мамлакат маркази ва Урта Осиёдаги йирик саноат комплекслари уларнинг қўли билан барно қилинди. Ватанимиз харитасида кўпгина янги саноат марказлари пайдо бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатнинг узоқ районлари — Якутия ва Чукотка, Сахалин ва Камчатка, Курил ороллари, Магадан ва Амур областлари, Хабаровск ва Приморье ўлкалари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу районларда саноатнинг кўндан-кўп тармоқлари: рапги металлургия, энергетика, машинасозлик, ёғоч-тахта ва целлюлоза-қоғоз саноати, рапги ва қимматбаҳо металллар, олмос қазиб чиқариш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ривожланмоқда. Бу ерларда янги денгиз ва дарё портлари барпо этилмоқда, мавжуд портлар кенгайтирилмоқда, денгиз транспорти ва балиқ овлаш флоти кўпайтирилмоқда, балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда. Комсомольск-Амур, Магадан, Мирний, Норильск ва шу сингари янги шаҳарлар ўсмоқда ва ободонлашмоқда. Владивосток ва Хабаровск таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерларда кўндан-кўп шонли меҳнаткашлар отрядлари барпо бўлди, дейиш мумкин. Булар партия ва совет кўли бародир. Булар инженерлар, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир. Булар иншоотчи, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир. Булар иншоотчи, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир. Булар иншоотчи, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир. Булар иншоотчи, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир. Булар иншоотчи, соҳовчилар, шашмакчи ва техниклар, бинокорлардир.

Уларнинг фидокорона меҳнатини бутун совет халқи юксак қадрламоқда. Мамлакат бушдан буёп ҳам ана шу районлар иқтисодий ва маданий соҳаларда янада тез ривожланиши учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўраверади.

Энди Узоқ Шарқда янги саноат комплексини яратиш вазифаси турибди. Байкал-Амур темирйўл магистрални қурилиши шу ишнинг боши бўлмоғи керак. Бу темир йўлнинг қурилиши билан Сибирь ва Узоқ Шарқнинг жуда бой фойдали қазилмалари — темир рудаси, кўмир, газ, мис, қўрғошин, қалайи, шунингдек катта-катта ўрмон бойликлари қўшимча суратда халқ хўжалик оборотига киритилади. Сибирь дарёларининг қудратли энергетика ресурсларидан яна ҳам кенг миқёсларда фойдаланилади. Улар кўп миқдорда арзон электр энергия берадиган бўлади.

Байкал — Амур магистрალი — Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар зарбдор қурилишидир. Бўлгуси беш йилликнинг ана шу энг муҳим объектини қуриш учун кўп миляб ёшлар бу ерга жўнаб кетмоқдалар. Биз уларнинг олижаноб ишида катта-катта муваффақиятлар тиланиш ҳамда улар улкан қурилишда ёшларга хос ғайрат ва шараф билан меҳнат қиладилар, деб ишонч билдиришни истардик.

Мамлакатимиз бени йилликнинг энг масъулиятли даврига кирди.

Коммунистик қурилиш давомида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли омилли бўлган социалистик мусобақанинг роли тобора ошиб бормоқда. Ишчилар шиффи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари, ажойиб ёшларимиз КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдирish тўғрисида партияга, совет халқига қилган Мурожаатига зарбдор меҳнат билан жавоб бердилар. Мамлакат саноат корхоналарининг коллективлари 1974 йилда пландан ташқари 5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар. Меҳнаткашлар берган сўзларининг устидан чиқадилар.

1974 йилнинг беш ойи мобайнида халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари ҳаммамизни қувонтиради. Шу йилнинг беш ойи мобайнида халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани барча асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик пландан 6,8 процент ўрнига 8,7 процентга кўнайдди. Беш ойлик пландан ташқари 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мамлакатда кўклагини экин-тикин ишлари муваффақиятли ўтди.

Барча қарош республикаларимиз — РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркменистон ССР, Эстония ССРда КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажариш юзасидан катта ишлар бажарилмоқда. Ҳар бир республика коммунизмининг моддий-техника базасини яратишга, республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, тўққизинчи бени йилликнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида ҳамма республикалар халқ хўжалик илашининг асосий топшириқларини тўла ва ортиғи билан бажардилар.

Партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш борасида москваликлар катта иш олиб бормоқдалар. Бу йил мамлакатда уларнинг ташаббуси билан муқобил планлар кенг ёйилди. Социалистик мусобақанинг бу формаси мавжуд резервлардан яна ҳам самаралироқ фойдаланиш имконини бермоқда. Пойтахт меҳнаткашларининг кўпгина ташаббуслари орасида корхонани техника жиҳатидан реконструкция қилишни жалаллаштириш учун курашни бошлаб юборган Лихачев номидаги автомобиль заводи коллективининг ташаббусини; меҳнат ушмдорлигини ошириш юзасидан шахсий планлар қабул қилган ва амалга ошираётган «Динамо» заводи ходимларининг инамунасини; электровакуум приборлари заводидан тежаб қолинган материаллардан кўшимча маҳсулот ишлаб чиқараётган Арефьева бригадасининг ташаббусини; Зеленоградстройдан бригада пудрати методини қўллаяётган

гаи Злобин бригадасининг ижодий изланишини; Люблино станцияси коллективининг транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ютуқларини ва бошқа кўпгина ташаббусларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Москваликларнинг меҳнати ажойиб самаралар келтираётир. Беш йилликнинг уч йилли мобайнида саноат ишлаб чиқариши плани ортиги билан бажарилди. Шу йилнинг плани ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Саноат маҳсулотининг жами ўсимига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ҳақли равишда шунини айтиш мумкинки, москваликлар партия сиёсатини амалга ошириш учун курашнинг ҳаммаша авангардида бўлишдек ўз шонли алъаналарига содиқдирлар. Биз шунга аминимизки, Москва меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик тошшириқларини ўзлари қабул қилган социалистик мажбуриятларига мувофиқ 1975 йил 1 декабрга бажарадилар. Бу эса уларнинг коммунистик қурилишга қўшган янги ажойиб ҳиссаси бўлади.

Эришган ҳамма муваффақиятларимиз — партия ва халқнинг КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш юзасидан қилаётган катта ишларнинг натижасидир. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев айтган: «Шунда сузлаган ютуқларимиз шу муваффақиятларга эришишда ва улардан фойдаланишда янги тугатишда жуда муҳим ташкилотчилик ролини уйнади. Эндilikда эришилган муваффақиятларни муҳим таҳкамлаш ва янада ривожлантириш муҳим ишлардан ҳисобланади. Бирок беш йилликнинг дастлабки уч йилли мобайнида пландаги баъзи тошшириқларни бажаришдаги қолоқлик ҳозирча тўлатўкис енгиб ўтилмаганлигини ҳам ўнутмаслик керак.

Бизда шу қолоқликка барҳам бериш учун имкониятлар бор. Кўп нарса камчиликлар нечоғли тез тугатилишига боғлиқ. Лекин энг муҳими — меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлаштиришдан иборатдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш масалалари партиямиз ва Совет ҳукумати-нинг фаолиятида доимо муҳим ўрин эгаллаб келди ва ҳозир ҳам шундай. Бу соҳадаги муваффақиятлар оз эмас.

Беш йилликнинг уч йилли мобайнида миллий даромаднинг жами ўсишида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига салкам 40 миллиард сўм маблағ, ёки жами даромаднинг қарийб 80 проценти ҳосил қилинди. Беш йилликнинг ўтган уч йилли мобайнида меҳнат унумдорлиги 1970 йилги даражада қолаверган тақдирда, ҳосил қилинган миллий даромад ўсимига эришиш учун моддий ишлаб чиқаришга қўшимча 13 миллион кишини жалб этиш талаб қилинган бўлур эди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги жуда кўп корхона-лар меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича тошшириқларини ба-

жариш соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Улардан кўплари беш йиллик охирига мўлжалланган даражага эришдилар. Москвада ҳам бундай корхоналар оз эмас. Масалан, «Динамо» ва «Станколит» заводлари, СССР 50 йиллиги помидога автоматик линиялар заводи, Каршов номли химия-фармацевтика заводи, «Каучук» ва «Красный богатырь» бирлашмалари, Пётр Алексеев номли майни мовут фабрикасининг номларини айтиб ўтаман.

Бироқ корхоналар ва ташкилотларнинг бир қисми меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқларни ҳали ҳам бажармай келаётир. Бу кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мукаммал эмаслиги, меҳнат интизомининг паст даражадалиги, кадрларнинг қўнимсизлиги билан боғлиқ. Буларнинг барчаси пил интизомининг бузилишига олиб келмоқда.

Халқ хўжалигимизда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг катта-катта резервлари бор. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни юксалтириш шундай резервлардан биридир. Маълумки, ижтимоий меҳнат унумдорлиги фақат жонли меҳнатнинг миқдори ва сифати билан эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида моддийлашган амалга оширилган меҳнатдан қандай фойдаланилиши билан ҳам белгиланади. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишга кўп даражада боғлиқдир. Биз жуда катта ишлаб чиқариш фондларига эга бўлган ҳозирги шароитда бу биринчи даражали аҳамиятга эга вазифадир.

Партия XXIV съездининг Директиваларида моддий ресурсларни тежаш юзасидан топшириқлар белгиланган. Бу топшириқлар корхоналарга етказилди ва уларнинг кўпларида бажарилаётир. Бироқ ишлаб чиқаришда хом ашё ва материаллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш иши ҳамма корхоналарда ҳам лозим даражада йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Жамоат бойлигини эҳтиёт қилиш ва ундан халқ манфаатлари йўлида тўғри фойдаланиш — ҳар бир совет кишисининг вазифасидир.

Барча хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг, барча ишлаб чиқариш коллективларининг диққат-этибори меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, моддий ресурсларни тежаш масаласига қаратилмоғи лозим. Ҳозирги шароитда халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ҳал қилувчи омилдир. Фан-техника тараққиёти — ишлаб чиқаришимизни техника билан қуроллаштириш проблемасига бўлмай, шу билан бирга жуда катта социал проблема ҳамдир.

Мамлакатимизда ҳозирги замон фанининг ҳамма соҳалари бўйича тадқиқот ишлари кенг суратда олиб борилмоқда. Совет Иттифоқи қудратли фан-техника потенциалига эга. Олимларимиз фанининг кўпгина энг муҳим соҳаларида олдинги позицияларни

эгаллаб турибдилар. Улар улуг кашфиётлар қилдилар, кўнгини мураккаб фан-техника проблемаларини ҳал этдилар.

Ишлаб чиқаришда жорий қилинган кўнгини фан ютуқлари унинг самарадорлигини оширишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда, ипсоннинг ғайратига-ғайрат қўшмоқда, меҳнатни энгиллаштирмоқда, унинг ижодий имкониятларини кенгайтирмоқда. Илмий ташкилотларнинг вазифаси — олимларнинг эътиборини фан-техника тараққиётининг энг муҳим ва истиқболли соҳаларига қаратишдан, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришда тезроқ жорий этишга ёрдам беришдан, фанининг ишлаб чиқариш билан бевосита алоқасини ва унга таъсирини кучайтиришдан иборат.

Партия XXIV съездининг ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь (1973 йил) Пленумининг қарорларида кўзда тутилган ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар системасида планлаштиришни ва халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозир саноатни бошқаришнинг ташкилий структурасини яхшилаш ишлари олиб борилмоқда. Саноат асосан икки ва уч бўғинли бошқариш системасига ўтказилмоқда. Корхоналар йириклаштирилмоқда, уларнинг ихтисослашгани аниқланмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар Бутуинтифоқ ва республика саноат бирлашмалари тармоқларида бўлар эконотикамизининг тармоқлари ва вазифаларига, фан-техника тараққиётининг талабларига мувофиқ келадиган йирик ишлаб чиқариш-хўжалик комплекслари шир.

Тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида оралиқ звенолар қисқартирилади, тармоқ бошқарувиининг бошланғич, ўрта ва юқори звеноларининг ҳуқуқ ва вазифалари аниқроқ белгилаб олинади, моддий ва молния ресурсларидаги усталлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқариш масалаларини оператив ҳал қилиш учун яхшироқ шароит яратилади. СССР Ҳукумати тасдиқлаган Бутуинтифоқ ва республика саноат бирлашмалари тўғрисидаги Умумий Низом ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмаси (комбинат) тўғрисидаги Низом ҳам шу мақсадларга мос бўлиб тушади.

Бўғинларини камайитириш, ишлаб чиқариш ва саноат бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда индустриямизга раҳбарликни такомиллаштириш борасидаги бошқа бир қанча тадбирлар ҳозирги вақтда министрликлар ва идоралар саноатининг тегишли тармоқларини бошқариш бўйича ишлаб чиқаётган бош схемаларда кўзда тутилмоқда.

СССР Ҳукумати саноатининг баъзи тармоқлари бўйича бошқаришнинг бош схемаларини кўриб чиқди. Бошқаришни такомиллаштириш халқ хўжалигимизга катта иқтисодий самара беради.

Планлаштиришни яхшилаш борасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Перспектив план лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Бу план ўзаро боғланган узоқ муддатли, ўрта муддатли (беш йиллик планлар), йиллик планларнинг мушгазам ягона системасини ташкил этишга ёрдам беради. Шу билан бирга план тузиш практикасини, план кўрсаткичлари доирасини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

План кўрсаткичлари янги техникани тезроқ ўзлаштириш ва жорий қилиш вазифаларини ҳал қилишга, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини яхшилашга, маҳсулот сифатини оширишга, хўжалик ички резервларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланишга актив таъсир этиши керак. Шунингдек план тошириқларининг бажарилишида қаттиқ иштизомга риоя қилинишига эришиш зарур.

Хўжалик шартномаларининг роли ва аҳамиятини, корхоналар ва бирлашмаларининг белгиланган номенклатурада ва лозим даражада сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда этказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажаришлари учун жавобгарлигини ошириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар план иштизоминини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади.

План ишлари ва хўжалик методларини муттасил яхшилаб бориш юзасидан изчил тадбирлар ўтказиб туриш КПСС XXIV съездининг экономикани бошқаришга системасини такомиллаштиришдан пборат вазифасини бажаришга қаратилгандир.

Ўртоқлар! Муваффақиятларимиз улкан. Улар партиямиз ишлаб чиққан ва ўтказаятган иқтисодий сиёсат тўғрилигини намоён қилади. Тўққизинчи беш йилликнинг муттасил бажариб борилаётган кенг ва кўп томонлама социал программаси бунинг яққол далилидир. Амалда мамлакатимиз аҳолисининг ҳамма табақалари турмуш даражасини ошириш тадбирларидан баҳраманд бўлмоқда.

Давлат маблағларининг асосий қисми халқ хўжалиги ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақни оширишга сарфланмоқда. Мамлакатнинг кўпгина районларида бир қанча тармоқларнинг ишчи ва хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашининг янги шартлари жорий этилди, бир қанча касб-ҳунарлар учун эса бундай янги шартлар ҳамма ерда баравар жорий этилди. Тўққизинчи беш йилликнинг уч йилги мобайнида ўтказилган ва шу йил ўтказилаётган тадбирлар натижасидаги қарийб ҳар икки ишчи ва хизматчидан бирининг иш ҳақи ошади. 1975 йилда иш ҳақини ошириш тадбирлари мамлакатнинг бошқа районларида ўтказилади. Меҳнат унвдорлиги ўсиб, ишчининг малакаси юксалиб борган сайин ҳам меҳнаткашларининг иш ҳақи кўпайиб боради.

Беш йиллик план тошириқларига тўла мувофиқ равишда совет граждандарининг беҳул таълим, медицина хизмати, ҳақ тўланадиган отпусклар, касаллик ва кексаллик учун моддий таъминот сингарй конституцион ҳуқуқларининг иқтисодий заминини яққол акс эттирувчи ижтимоий истеъмол фондлари ҳам кўпайиб боради.

Давлат ижтимоий истеъмол фондларининг катта қисминини — учдан икки қисмасини меҳнат ветеранлари моддий аҳволини, она-

ларнинг меҳнат ва маиший турмуш шароитларида яхшиланга, ёш авлодни тарбияланга сарфламоқда. Ишчилар, хизматчилар, колхозчилардан, ҳарбий хизматчилар оилаларидан пубрат пенсиялардан 17 миллион кишининг таъминоти яхшиланди, уларга белгиланган ойлик пенсиялар миқдори 41 процент ортди. Ўқувчи ёшларнинг стипендиялари миқдори кўпайтирилди. Ишловчи аёллар — оналарга янги имтиёзлар белгиланди. Болалар муассасалари шохобчаси кенгайтирилди. Бугунги кунда шаҳарларда мактабгача ёшдаги ҳар икки боладан бири болалар боғчаси ёки яслида тарбияланмоқда.

Умуман 1973 йилда аҳолининг пул даромадлари 1970 йилдагидан қарийб 40 миллиард сўм ошди бўлди, товар обороти эса 20 процент кўпайди.

Уй-жой проблемаси партиянинг социал сиёсатида жуда муҳим ўрин эгаллади. Бу мақсадларга катта-катта маблағлар сарфланмоқда. Саккизинчи беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида уй-жой қурилишига капитал маблағлар сарфи ҳамма мабдалар бўйича 34 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1971—1973 йиллар мобайнида 43 миллиард 700 миллион сўмга етди, яъни 9 миллиард 500 миллион сўм ошди.

Тўққизинчи беш йилликнинг бошларида давлатнинг уй-жой қурилишига бундан ташқари 3 миллиард сўм кўп давлат капитал маолағини сарфлаш мақбули деб топилганлиги ҳам бизнинг шу масалани ҳал этишга нақадар катта аҳамият бераётганини биз билдиради. Шунинг қарамаи, келгуси беш йилликда ҳам уй-жой қурилиши энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Давлат соғлиқни сақлаш масалаларига катта эътибор бермоқда. Касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, санаторийлар, дам олиш уйлари қурилиши кенгайтирилди. Касалхоналарда ўринлар сонини кўпайтириш юзасидан беш йиллик топшириқлари бажарилмоқда. Врачларнинг иш ҳақи оширилди. Касалхоналарда овқатланиш ва дори-дармонларга маблағ сарфи кўпайтирилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мўлжалланмоқда.

Табиий ресурслардан авайлаб ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, табиатни ифлосланшдан муҳофаза қилиш ҳозирги босқичда муҳим социал проблемалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда инсонни ўраб турган муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш — давлат фаолиятининг муҳим соҳасидир. Халқ хўжалигини ривожлантириш панида табиий муҳитни сақлаш ва яхшилаш бўйича махсус бўлим бор.

Партиямиз ва давлатимизнинг бутун фаолияти жамиятимизда ҳар томонлама таълим ва тарбия олиш, маданий бойликлардан кўпроқ баҳраманд бўлиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда активроқ қатнашиш учун барча совет кишиларига катта ва барабар

имкониятларни таъминлай оладиган шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

2 миллион 700 минг совет ўқитувчиси ёш авлодни тарбиялаш соҳасида олижаноб иш олиб бормоқда. Партия ва ҳукумат, бутун совет халқи совет ўқитувчиси обрў-эътиборини ошириш, унинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Шак-шубҳа йўқки, барча маориф ходимлари мактабнинг оила билан алоқасини мустаҳкамлаб бориб, ўзларининг педагогик маҳоратини бундан буён ҳам янада такомиллаштираве-радилар, маданий қурилишнинг ана шу ғоят масъулиятли участка-сида яна ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилаверадилар.

Маданият ва санъат ходимлари аҳолида коммунистик онгни шакллантиришда бебаҳо роль ўйнади. Москванинг ижодий интел-лигенцияси маданий фронтнинг етакчи отряди ҳисобланади. Пой-тахт театрлари, музейлари, киностудиялари ва телестудиялари бутун мамлакатда ва унинг ташқарисидаги олис ерларда ҳам маш-хурдир.

Ижодий ходимларнинг меҳнати ва истеъдоди билан кўпгина асарлар яратилди. Улар халқни маънавий камол топтиришга жуда катта таъсир кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Телевидение, кино ва радионинг имкониятлари беқийс ортган ҳозирги кунда адабиёт ва санъат асарлари, маданиятимиз дурдоналаридан мамлакатимиз-нинг ҳамма бурчақларида меҳнатнашлар тезда баҳраманд бўлмоқ-далар.

Жамиятимизда кишиларнинг янги, социалистик ҳаёт тарзи қа-рор топди. Кишилар ўртасида муносабатлар, коллективчилик, чинакам халқ ҳокимияти, интернационализм ва ватанпарварлик, жамият аъзоларининг юксак ижтимоий-сиёсий активлиги ва масъулияти ана шу ҳаёт тарзининг энг муҳим хусусиятларидир.

Совет Иттифоқининг халқлари ишбатаи қисқа давр мобайни-да жаҳон тарихи кўламлирида буюк социал ўзгаришларни амалга оширдилар. Октябрь социалистик революцияси ана шу ўзгариш-ларни бошлаб берган эди. Миллионлаб совет граждандари амалга оширган фидокорона, бунёдкорлик меҳнати самаралари социали-стик тузумнинг тарихан қарор топиши жараёнида янги киши — социалистик жамият кишиси шакллана борганлигидан далолат беради.

Беш йилликларимиздаги улкан қурилишлар, совет халқининг жаҳоншумул-тарихий ғалабаси, совет кишиларининг Улуғ Ва-тан урушидаги қаҳрамонона жасорати, урушдан кейинги биринчи беш йилликда ҳўжаликни тиклаш соҳасида амалга оширилган буюк ишлар, шундан кейинги йилларда иқтисодий ва маданий ривожланишнинг жадаллаштирилган суръатлари, неча ўн мил-лионлаб гектар қўриқ ерларнинг ўзлаштирилганлиги, атом эне-ргиясини эгаллаш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар, совет кишисининг космосга парвози — ана шу ғалабаларнинг

ҳаммасида янги кишини, синфсиз жамият бинокорини, у билан бирга янги ахлоқ кодексини, жамиятга, давлатга янгича муносабатни кўрамиз.

Бу киши ўзи яратган жамиятнинг хўжайинидир. Бу жамиятда инсоният тарихида биринчи марта меҳнаткашлар оmmasининг эҳтиёжлари ва орзу-тилақларига энг муносиб бўлган социал шарт-шароитлар оғли ва планли суратда вужудга келтирилмоқда.

Социалистик жамият кишиен коммунистик қурилишнинг вазифаларини ўзининг жонажон, шахсий иши деб билади. Бинобарин, бундай кишининг буржуа индивидуализмга ва ласткаш худбинчилигига нафрат билан қараётганлиги табиий бир ҳолдир.

Ютуқларимизни бўрттириб кўрсатиш биз коммунистларга хос эмас. Биз социалистик жамиятнинг ўз фаолиятида коммунистик идеалларни мужассамлаштираётган илғор кишилари билан бир қаторда қолоқ кишилар, меҳнатга, ижтимоий бурчга, етук социалистик жамиятга ёт тарзда муносабатда бўлаётган шахслар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездида Ҳисобот докладыда: «Совет кишисининг янги қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқи ва дунёураши ўтмишнинг сарқитларига қарши қўлдан келтирилган барча олиб бориётган курашнинг натижаси ҳисобда. Биз ўтмишнинг кишилар — илғор ҳудуддаги сарқитлари деб атаган нарсага қарши кураш — партиянинг, жамиятимиздаги барча оғли дунёурашчиларнинг доимий эътиборини қўлиб ўтаётган илдир».

Жамият эвазидан узининг шахсий масъулиягини англаш билан бирга, юксак социал масъулиятини ҳам англаш социализм даврининг илғор кишиен уқум ҳосидир. Илғор совет кишисининг юксак ғоявийлиги ишчилар синфи озодлик ҳаракатини келтириб чиқарувчи социал хусусиятларининг қонуний ривожидир.

Социалистик жамият кишиен ижодий меҳнатдан, коммунизмнинг юксак инсонпарварлик идеалларига фидокорона хизмат қилишдан астойдил маънавий қаноат ҳосил қилади.

В. И. Ленин «жонли, ижодий социализм халқ оmmasининг ўзи яратган социализмдир»¹, деб уқтирган эди. Меҳнаткашларнинг социал ижодийети янги, социалистик цивилизациянинг асосий омилдир. Социалистик қурилишнинг бутун тарихий тажрибаси Лениннинг ала шу башорати тўғри эканлигини тасдиқлаган ҳозирги кунда биз комил ишонч билан шунини айтишимиз мумкинки, социалистик шахс ўзининг янги дунёқараши, маънавий бутунлиги ва кучи, ғоявийлиги, манфаатлари ва эҳтиёжларининг турли-туманлиги билан ижтимоий ҳаётни бойитади, унга фазилат бахш этади.

Ўртоқлар! Кейинги йиллар ташқи сиёсат соҳасида партия ва ҳукуматнинг КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини бажариш йўлида собитқадамлик билан зўр ғайрат

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 26-том, 293-бет.

сарфлаш шпорн остида ўтди. Партиянинг ижодий тафаккури билан яратилган халқаро ҳамкорликнинг дадил ва кенг плаши давлатлар ўртасида муносабатларнинг янги системасини, бир давлатнинг ва давлатлар кичик гуруҳасининг манфаатларига эмас, балки бутун инсониятнинг манфаатларига, унинг тинч ва прогрессив ривожланишининг узоқ муддатли кўзловчи мақсадларига мос бўлиб тушадиган системаши барно қилишнинг тўғри йўлини кўрсатиб бермоқда.

Айни шу нарса социалистик ҳамдўстликдаги дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз, бошқа мамлакатлардаги силфдош қардошларимиз Тинчлик программасини ғоят кенг суратда қўллаб-қувватлаб, маъқуллаётганликларини, шунингдек дунёнинг ҳамма жойида тинчликсевар кучларнинг унга тушунган ҳолда, ишонч ва хайрихоҳлик билан қараётганликларини ҳам таъмин этмоқда. Бундай қўллаб-қувватлаш бўлмаганда халқаро вазиятни яхши томонга ўзгартириб юборган натижаларга эришиш мушкул бўлурди.

Дарҳақиқат, биз тинчлик иши ва кескиликни юмшатиш йўлидаги курашнинг қандай йўналишини, қандай участкасини олиб кўрмайлик, ҳамма жойда бизнинг йўлимиз ва мақсадларимиз тўғри эканлигига ишончни мустаҳкамлайдиган катта ўзгартишлар кўзга ташланади.

Урушдан кейинги йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида урушдан кейинги чегараларнинг дахлсизлигини ялпи эътироф этиш тўғрисидаги масала Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда оғир муаммо бўлиб келган эди. Эндликда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Германия Федератив Республикаси билан маълум шартномаларини тузганлиги натижасида бу масала Европада тинчлик манфаатлари йўлида ҳал этилди.

Совет-Америка муносабатлари узоқ йиллар мобайнида ҳар икки давлатнинг бир-бирига қаттиқ қарши туриши билан белгиланганли ва бу ҳол планетамизда тинчликнинг тақдирини учун ташвиштини кучайтирган эди. Эндликда Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўз муносабатларини тинч-тоғув яшаш принципи асосида қуриш мажбуриятини олдилар. Улар ўз хатти-ҳаракатларини ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ўзаро келишиб олишга аҳд қилдилар.

СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайлов вақтида Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатлари жуда авж олиб кетган эди. Эндликда Ҳинди-Хитойдаги агрессия тўхтатилганлиги натижасида, гарчи анча мураккаб шароитда бўлса ҳам, урушдан тинчликка, Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятни умуман соғломлаштиришга ўтилмоқда.

Яқин Шарқдаги можаро спёсий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Женевада Яқин Шарққа бағишланган сулҳ конференцияси ишининг давом этирилиши натижасида Яқин Шарқ можаросининг асосий проблемалари ҳал этилиши — исроил қўшинлари

босиб олишган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетилиши, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқлари таъминлашиши, бу раёндаги барча давлатларнинг хавфсизлиги гаранцияданиши лозим.

Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқ-аро ишлардаги муҳим муваффақиятлари тинч қурилиш соҳасида бутун совет халқи қаҳрамониона гайрат кўрсатаётганлигининг натижасидир, қардон социализм мамлакатларининг халқлари билан дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизнинг, партиямиз, шунингдек қардон коммунистик ва ишчи партиялар тўғри марксча-ленинча сиёсат олиб бораётганлигининг натижасидир.

Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи, унинг ташқи сиёсатига доир масалалар партиямизнинг, унинг Марказий Комитетининг ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Н. Брежнев ташқи сиёсат соҳасидаги йўлигимизни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, Совет Иттифоқининг жаҳондаги нозицияларини мустаҳкамлаш ишига катта ижодий ҳисса қўшимоқда.

Биз келажакка умидворлик билан қараймиз.

Бу умидворлик реал имкониятларимизнинг айёрлиги билан ҳисобга олишга асосланади. Бу умидворлик жаҳонда жаҳондаги ўзгаришларнинг ҳақиқатан ҳам социалистик системасининг, барча тинчлик ва тараққиёт, демократия ва миллий мустақиллик кучларининг катта самарали таъсири остида таркиб топиётганига асосланади. Халқаро вазият тараққиётидаги ҳукмрон хусусият сифатида кескинликни юмшата бориш тенденцияси буни исбот этади.

Кескинликни юмшатиш оддий жараён эмас, албатта. Бу жараён зиддиятларни, қийинчиликларни бартараф қилиш йўли билан амалга оширилади. Биз зиддиятда тинчлик ва кескинликни юмшатиш ишининг муҳолифлари йўқ, қуролланмиш пойгасига ва ҳарбий бюджетларнинг ўсишига барҳам берилган, деб айта олмаймиз. Шу сабабли Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципларига содиқ бўлиб қолгани ҳолда, лозим бўлган ҳамма жойда империализм агрессив кучларининг кирдиқорларига қаттиқ зарба беради.

Халқаро кескинликнинг юмшатилиши ўз-ўзинча ҳозирги дунёдаги зиддиятларни бартараф қилишга олиб боради, деб ҳисоблаш учун ҳам асосимиз йўқ. Халқаро кескинликнинг юмшатилиши бир-бирига зид бўлган икки ижтимоий система ўртасидаги синфий кураш тўхтатилишидан ҳам далолат бермайди, албатта.

Ғарбда баъзи бировлар ҳарбий харажатларнинг кўпайтирилишини ҳам кескинликни юмшатиш сиёсатига мослаштириш мумкин, деб ҳисоблаётган бўлсалар керак. Аммо бундай нуқтаи-назарда турган кишилар уруш хавфи доим ўсиб бориши муқаррар эканлигига қўшилишлари ва инсоният ўз кучлари ҳамда ресурсларини ҳамisha исроф қилишга маҳкум этилганлигини эътироф қилишлари лозим.

Совет Иттифоқи масалага бундай ёндашишни қатъиян рад этади. Биз кескинликнинг юмшатилишини давом эттириш ва тезлаштириш тарафдорларимиз, уни муқаррар давом этадиган жараёнга айлантириш, ёшасига ва батамом қуролсизланиш тарафдоримиз. Ёшасига ва батамом қуролсизланиш тинчликнинг энг мустақкам гарантпасидир. Биз ҳаммапиг хавфсизлиги принципи ва бир томонлама устуликка эга бўлишга йўл қўймаслик принципи асосида қуролсизланиш соҳасида кенг ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Шунини айтиб ўтиш керакки, қурол-яроғларни чеклаш масалалари юзасидан Совет Иттифоқининг Америка Қўшма Штатлари билан тузган шартнома ва битимлари ана шу ҳақдоший талабга жавоб беради.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги кучларнинг нисбати, давлатлар эга бўлган қурол-яроғларнинг ҳозирги даражаси, илмий-техника революциясининг ривожини — ана шуларнинг ҳаммаси мавжуд халқаро проблемаларнинг халқаро кескинликни юмшатиш, халқларнинг хавфсизлигини мустақкамлаш, кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўли орқали ҳал қилиниши мумкинлиги ва лозимлигига қайта-қайта ишопч ҳосил қилмоқда. Партия XXIV съезди белгилаб берган айни шу ҳилда ёндашиш бизнинг социал тузуми ўзгача бўлган мамлакатлар билан муносабатларимизнинг асосини ташкил қилади. Бу — реалистик ва одилона ёндашиш бўлиб, ҳеч бир мамлакатга зарар етказмайди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тинчлик негизларини мустақкамлаш, халқлар ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш соҳасида ўзга мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун бундан буён ҳам барча имкониятлардан фойдаланаверади.

АҚШ президенти Р. Никсоннинг Совет Иттифоқига қиладиган визити ҳам ана шу мақсадга эришишга ёрдам беради, деб умид қиламиз. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда конфронтациядан музокаралар ва кескинликни юмшатиш сари рўй берган тарихий бурилиш Совет ва Америка халқларининг манфаатларигагина эмас, балки шу билан бирга бутун инсониятнинг келажакдаги тинчлиги манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Бу бурилишнинг «икки ўта буюк давлатнинг тил бириктириш спёсати» деган гапга ҳеч қандай алоқаси йўқ, албатта. Пекиндагилар ғаламислик билан ана шундай гапларни ўйлаб чиқаришган.

Пекин раҳбарлари Совет-Америка муносабатларини нормаллаштиришга қарши, умуман кескинликнинг юмшатилишига қарши чиқиб, империализмнинг агрессив доиралари билан бир лагерга ўтишди. Пекин раҳбарлари Ғарбдаги милитаристик доираларни, уларнинг ҳар қандай хуружларини, ўнг-терсига қарамасдан қўллаб-қувватлаётганликларини тобора очиқ айтмоқдалар. Уларнинг фикрича, бундай хуружлар социалистик ҳамдўстликка қарши,

кескинликнинг юмшатилишига ва тинчликнинг мустаҳкамланишига қарши қаратилса бас.

Ҳеч қандай иғво ва тухматлар, ҳеч қандай ғалампслик Совет Иттифоқининг партия XXIV съездида ишлаб чиқилган тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини амалга оширишдан қайтара олмайди, албатта.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан дўстона муносабатларимизни янада ривожлантириш тинчлик ва кескинликни юмшатишдан иборат олижаноб мақсадларга хизмат қилиши учун биз мумкин бўлган ҳамма чорани кўрамиз. Бизни мана шу қитъалардаги кўпгина мамлакатлар билан миллий озодлик ва социал тараққиёт ишидаги манфаатларимизнинг кенг суратда муштараклиги билан боғланганмиз. Шу мақсадларга эришиш йўлида, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларга биз катта муваффақиятлар тилаймиз.

Биз социал системалари турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бирдан-бир оқилона асоси бўлган тинч-тотув яшаш принципини қарор топтириш мақсадида капиталистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоқадор ҳақиқат аҳамият бермоқдамиз.

Биз СССР билан ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамма капиталистик дунё мамлакатлари билан иқтисодий ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлигини бундан бўён кенгайтираверамиз. Халқаро кескинликни юмшатиш тенденцияси бундай ҳамкорликни узоқ муддатни кўзлаб ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантиришга ёрдам беради. Барқарор иқтисодий ва илмий-техника алоқалари халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан халқ хўжалиги манфаатлари йўлида кенг фойдаланиш имконини берадир, шунингдек улар мамлакатлар ўртасида ишончли мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда ва тинчлик ишига хизмат қилмоқда.

Лекинча тинч-тотув яшаш сиёсатининг муваффақиятлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирдамлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган. Жаҳондаги можаро ва кескинликнинг хавфли манбаларини тугатиш ишида, Европада вазиятни нормаллаштириш, қуролланиш пойғасини тўхтатиш тadbирларини амалга ошириш соҳасида ва бошқа актуал халқаро проблемаларни ҳал қилишда анча юксалишга эришилганлиги бундан далолат бериб турибди. Социалистик мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида биргаликда қилаётган ҳаракатлари давомда уларнинг ташқи сиёсий обрў-эътибори ва жаҳондаги воқеаларнинг боришига таъсир ҳам ўсмоқда. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия, Куба, Монголия Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, социалистик Югославия тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Варшавада шу йил апрель ойида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сийёсий маслаҳат комитетининг кенгаши бўлиб ўтди. Шу кенгаш қабул қилган ҳужжатларда халқаро ҳаётдаги энг муҳим воқеаларга баҳо берилди, кескинликни юмшатиш пилиши қандай қилиб олға бостириш, умумий халқаро вазиятда юз берган ижобий ўзгаришларни маҳкам сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақида амалий ва реалистик таклифлар баён қилинди.

Варшава Шартномаси қатнашчилари бошқа мамлакатларнинг давлат ва сийёсий арбобларига мурожаат қилиб, ўз куч-гайратларини ҳавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгашининг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун сафарбар қилишга даъват этдилар.

Европа мамлакатлари тарихда биринчи марта Умумевропа кенгаши каби муҳим ажиуманга тўиланишди. Кенгашининг биринчи ва иккинчи босқичлари давомида анча иш қилинди. Аммо ижобий натижалар билан бир қаторда айрим салбий томонлар ҳам пайдо бўлди. Бунда гап, жумладан, кенгашнинг айрим комиссиялари жуда сует ишлаётганлиги тўғрисида бормоқда. Бизнинг фикримизча, кенгаш қатнашчилари кул тартибидаги айрим масалаларни аниқлаб олмаганликлари натижасида бундай аҳвол рўй бераётгани йўқ. Афтидан, бунинг учун етарли даражада фурсат бор эди. Совет Иттифоқи кенгаш ҳужжатларининг пухта тайёрлашишга ва ўзаро мақбул қарорларнинг қидриб топилишига қарши эмас. Аммо кенгаш ўз қатнашчиларининг қонуний манфаатларига ҳилоф ёки уларнинг ички ишларига аралашидан далолат берувчи қарорлар қабул қилиши мумкин эмаслиги билан ҳисоблашмай бўлмайди.

Шу сабабли биз кенгашда қатнашувчи ҳар бир давлат кенгашда шу вақтгача қилинган ишларнинг якунларига сийёсий жиҳатдан юксак даражада баҳо бериши ва Умумевропа кенгашини яқин орада юксак даражада тугаллаш учун йўл очиб берадиган масъулиятли қарорларни қабул қилиши учун пайт келган, деб ҳисоблаймиз. Кенгашнинг муваффақиятли ўтиши кескинликни янада юмшатиш учун, Европадаги барча давлатларнинг самарали ҳамкорлиги учун янги имкониятлар очиб беради.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бу йил ўзларининг асосий халқаро иқтисодий ташкилоти — Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг 25 йиллигини нишонламоқдалар. Кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлиги бу мамлакатларда иқтисодий ва техника тараққиётини жадаллаштириш, индустриалаштириш даражасини юксалтириш, халқларининг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида жуда катта роль ўйнади. Шу йиллар ичида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар жуда йприк иқтисодий кучга айланди ва улар жаҳон саноат ишлаб чиқариши маҳсулотининг тахминан учдан бир қисмини тайёрлаб бермоқдалар. Ҳамкорлик тўғрисида тузилган битимларга асосан Ўзаро Иқтисодий Ердам

Кенгашининг ишида Югославия, шунингдек шимолӣ қўшни-
миз — Финляндия ҳам қатнашмоқда.

Ҳозирги вақтда социалистик иқтисодий интеграция Комплекс программасини амалга ошириш масалаларни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг диққат марказида турибди. У Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг энг муҳим проблемаларини ҳал қилиш йўллариини кўрсатиб бермоқда.

Яқин кунларда Болгария пойтахти — Софийда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVIII юбилей сессияси бўлади. Бу сессия социализм мамлакатлари бирлигини янада мустаҳкамлашда, социалистик иқтисодий ва илмий-техникавий интеграцияни ривожлантиришда янги муҳим воқеа бўлади.

Уртоқлар! Шонли Қуролли Кучларимиз совет халқининг тинч меҳнатини мустаҳкам муҳофаза қилмоқдалар. Совет Армияси ва Ҳарбий Деңгиз Флоти ҳеч кимга таҳдид қилмай, империалистик доираларнинг агрессив хуружларини тийиб туриш омили бўлиб Варшава Шартномасида қатнашувчи ботирқон мамлакатларнинг қуролли кучлари билан ҳамкорликда хуружларни тинчлиги ва тинчликнинг ҳиммати қилмоқдалар. Қуролли Кучларимизнинг бундан роль ўйнаши социалистик давлатимизнинг вайрон қилувчи эмас, балки яратувчи давлатнинг хуруж давлати эмас, балки тинчлик давлатининг ўз характери билан белгиланади. Совет Қуролли Кучлари бугун ҳақли равишда умумхалқнинг буюк меҳр-муҳаббатини ва прогрессив, тинчликсевар инсониятнинг иззат-ҳурматини қозонди.

Коммунистик партия, Совет ҳукуматимиз ички сиёсат соҳасида ҳам, ўзининг халқаро фаолияти соҳасида ҳам КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўлдан шахдам қадамлар билан олга бормоқда. Бу — йўл — жаҳон социалистик системасининг жиқслигини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш, иллий ва социал озодлик учун курашаётган халқлар билан бирдамлик, ривожланиб бораётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш йўлидир. Бу — йўл халқаро муносабатларда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қарор топтириш, инсониятни янги жаҳон урушидан халос қилиш йўлидир. Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати ана шу юксак мақсадларга эришмоқ учун бундан буён зарур чораларнинг ҳаммасини кўрадилар.

Уртоқлар! Москвани ривожлантиришнинг бош планида пойтахтнинг асосий социал, иқтисодий ва шаҳар қурилиши проблемаларини ҳал қилишнинг бош йўналишлари белгилаб берилган. Москва Ватанимизнинг бой тарихини кўп жиҳатдан ўзида мужассам қилган, бинобарин, шу нарса табиийдирки, бош план шаҳарни реконструкция қилиш вақтида гоят қимматли бўлган тарихий ва

архитектура ёдгорликларини максимал даражада сақлаб қолшни кўзда тутди.

Москва қурувчи ва монтажчилардан иборат тажрибали кадрларга эга. Бу ерда кўпгина илмий-тектириш институтлари, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари жойлашган. Шу сабабли биз қурилиш иши бобида Москва барча янги илгор ташаббусларнинг чинакам маркази бўлиб қолишини талаб қилишга ҳақлимиз. Бунинг учун Москвада ҳамма имкониятлар бор. Москва қурувчилари бу вазифани шараф билан бажаришларига бизнинг ишопчимиз комил.

Москва қурувчилари ва архитекторлари кўп ишлар қилдилар. Шаҳарнинг қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди, янги йирик районлар вужудга келди, пойтахт замонавий ажойиб бинолар ва ишшоотлар билан бойиди. Сайловлар ўртасидаги давр ичида умумий саҳни 21 миллион квадрат метр уй-жой бинолари, 22 минг ўринли касалхона корпуслари, кўпгина йирик маданий ва спорт ишшоотлари қурилди. Эндиликда ўқувчиларнинг 90 проценти бир сменада мактабларда таълим олмақда. Аҳолининг мактабгача муассасаларга бўлган эҳтиёжи деярли тўла қондирилди. Янги техника базасида кўпгина саноат корхоналари реконструкция қилинмоқда. Атроф муҳитни яна ҳам мусоффо қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Хуллас, Москва кишиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, граждандарнинг коммунистик онги ва юксак ахлоқий фазилатларини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилатган шаҳарга айланмоқда.

Ишчилар, олимлар, ёшлар, кўндан-кўп касб моҳнаткашлари шахри, билим, маданият, саноат шахри бўлган ажойиб шаҳримиз — Москвани биз барчамиз севамиз. Биз Москвани у кўп асрлардан буён мамлакатимиз тарихида жуда катта роль ўйнаб келатганлиги учунгина севмаймиз. Москва революцион ҳаракат марказларидан бири сифатида, жаҳонда биришчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг пойтахти сифатида шуҳрат қозонди. У Ватанимиз душманларига қарши курашда қаҳрамонлик ва сабот-матонат тимсоллига, социализм қурилишида халқимизнинг меҳнатда кўрсатган жасорати улдувворлиги тимсоллига айланди. Барча қитъалардаги халқлар учун Москва янги дунё рамзи бўлиб қолди.

Аmmo москваликлар ўз шахрини алоҳида меҳр-муҳаббат билан севади. Зотан уларнинг меҳнати, гамхўрлиги ва ижодиёти туфайли Москва бошқача қиёфа касб этмоқда, яна ҳам кўркам ва обод шаҳарга айлланиб бормоқда.

Биз Москванинг сиёсий, хўжалик, маданий ҳаётининг қайси соҳасини олмайлик, бу ерда қўлга киритилган катта-катта муваффақиятлар Коммунистик партияимизнинг шонли отрядларидан бири, унинг Марказий Комитетининг мустаҳкам ва содиқ таянчи, партия қарорларини, унинг ленинча йўлини актив амалга ошира-

ётган Москва шаҳар партия ташкилотининг кўп қиррали фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Москва шаҳар партия комитети, меҳнатқашлар депутатлари Москва Совети катта ва ҳар тарафлама иш олиб бормоқда.

Москва халқаро алоқаларнинг йирик маркази бўлиб қолди. Москва шаҳар партия комитети, Москва Совети ва шаҳардаги бошқа ташкилотлар актив фаолият олиб бориб, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий соҳадаги умумий вазифаларимизни ҳал қилишда катта ҳисса қўшмоқдалар, Тинчлик программасини амалга оширишга ёрдам бермоқдалар.

Уртоқ Л. И. Брежнев «Бизнинг мақсадимиз Москваиш пажуна-ли коммунистик шаҳарга айлантиришдан иборат», деган эди. Москва коммунистлари шаҳар партия комитети раҳбарлигида Москва ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ана шу фахрли вазифани муваффақиятли бажаришга қаратилган жуда катта ишларини уюштирмоқдалар ва бунга етакчилик қилмоқдалар.

Уртоқлар! СССР Олий Советига умумхалқ сайлови ўтказилмадиган тантанали кун яқинлашиб қолди. Совет кишилари ана шу байрам кунини зўр меҳнат кўтаришқилиги билан пажунамоқдалар. Бу байрам партия билан халқнинг бузилмас бирлигини аниқ намойиш қилади. Бу байрам партиянинг коммунистик ҳиссиётини реаллаштиришда, коммунистик ахлоқ ва инсонлиқни ўз фаолиятида мужасамлаштиради. Бизнинг халқимиз партиямизнинг улуғ идеаллари билан, коммунизм идеаллари билан сўйумлашган. Партия халқни янги меҳнат шарафларига олдиштирмоқда. Коммунистлар порлоқ коммунистик келажак бинокорларининг олдинги сафларида бормоқдалар. Партия билан халқнинг ана шу бирлиги улуғ ишмизнинг бундан бунини талабаси учун мустаҳкам гаровдир.

**СОФИЯДА ҰИЕҒ XXVIII СЕССИЯСИНИНГ
ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА
1974 ЙИЛ 18 ИЮНДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам ўртоқ Тодор Живков! Муҳтарам ўртоқ раис! Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларга, ушбу таптанали мажлисида ҳозир бўлган қардош партиялар ва давлатларнинг барча вакиллариغا Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукуматининг ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қизғин ўртоқлик саломини ва табрикномасини тошпиришига ижозат этгайсиз.

Ушбу таптанали дама биз ҳаммамиз мамлакатларимизнинг қардош коммунистик ва ишчи партияларининг доно сиёсат юритаётганлиги учун мамнуният ва фахрлаиш ҳис-туйғуларига тўлиб тошмоқдамиз. Шу сиёсат туфайли, партияларимизнинг марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмга мустаҳкам садоқати туфайли жаҳонда социалистик давлатларнинг қудратли ҳамдўстлиги вужудга келди ва мустаҳкам қарор топди. Шу сабабли биз Ғзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 25 йиллик юбилейни қардош партиялар сиёсатининг тантанаси сифатида, дўстлигимиз байрами сифатида, асримизнинг сўнгги чораги мобайнида социалистик мамлакатлар халқлари меҳнатининг кўзда кўринарли ва ёдда қолдиган натижаси сифатида нишонламоқдамиз.

Халқаро ишларда партиямизнинг социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан, бизнинг жипслигимиз ва бирлигимизни мустаҳкамлашдан кўра олий мақсади йўқдир. Бунга биз биргаликдаги фаолиятимизнинг барча соҳаларида эришяётган умумий муваффақиятларимизнинг гарови, деб биламиз.

Биз биргаликда каттагина йўлни босиб ўтдик. Албатта, инсоният тарихи миқёсида олганда чорак аср — жуда қисқа давр. Аммо социализм давригача бу шундай эди. Социализм жамият ҳаётида шундай катта суръатларни ўзи билан олиб келдики, бу илгарилари ўнларча йиллар ва ҳатто асрлар даркор бўлган йўлни бир неча йил ичида босиб ўтиш имконини беради. Ҳар бир қардош мамлакатнинг тарихида шундай йиллар ва ҳатто кунлар борки, улар аҳамияти

жиҳатидан ўн йилларга тенгдир. Социализм меҳнаткашларнинг жуда кенг оmmasини онгли ижодиётга уйғотаётганлиги учун ҳам бунга эришиш мумкин бўлди. Уларнинг коммунистик авангард томонидан бошқариб турилган революцион ғайрат-шижоати жамият тараққиётини мислсиз даражада тезлаштирмоқда.

Ташкилотимизнинг юбилейи социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлиги доirasидан анча четга чиқади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ташкил топиши тарихда социалистик давлатлар биргаликда амалга оширган муҳим иш бўлиб, бу уларнинг кўп томонлама ҳамкорлигига асос солди, улар бирлигининг моддий заминини вужудга келтирди.

Бизнинг биргаликдаги ишчимизнинг бошланishi осон кўчмади. Тарихда энг кўп қон тўкилган ва вайронгарчилик келтирган уруш мамлакатларимизни салкам тўрт йил ажратиб қўйди. Уруш етказган огир шароҳатлар ҳали охиригача даволаб бўлинмаган эди. Биз давлатлараро ҳамкорликни ташкил қилиш соҳасида етарли тажрибага эга эмас эдик. Тарихан таркиб топган иқтисодий алоқалар йўқ эди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига асос солган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти жиҳатидан бир-биридан жуда ҳам фарқ қиларди. Улардан баъзилари халқ-демократик революцияларига қадар капиталистик Ғарбдаш шайқалланган мамлакатларнинг аграр ҳўрларни қуршувчан эди. Марказий ва Жанубий-Шарқий Ёрдам мамлакатларининг аксарияти товар оборотининг ошидан бир қисмидап камроғи ўзаро олди-сотдига тўғри келарди. Уларнинг савдо-сотигида Совет Иттифодининг улushi эса бундан ҳам кам эди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун таркиб топган анъанадан кўра қудратлироқ куч зарур эди. Бизнинг илғор тузумимиз — социализм, социалистик мулкчилик, бизнинг планли экономикамиз, ишчилар синфи партиялари қарашларининг ва ҳаракатларининг бирлиги шундай куч бўлди.

Социализмнинг қудратли кучи УИЕК аъзолари бўлган барча мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида иқтисодий ва техника тараққиётини жадаллаштириш, индустриялаштириш даражасини ошириш соҳасида, уларнинг халқлари фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришишларига имкон берди. Бизнинг ҳамкорлигимиз жаҳонда энг жўшқин иқтисодий кучга айланди ва эддиликда жаҳон сапоат ишлаб чиқаришининг тахминан учдан бир қисмини бермоқда. Саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари бўйича эса бизларнинг мамлакатларимиз ўтган чорак аср мобайнида ривожланган капиталистик мамлакатлардан 3 баробар ўзиб кетдилар.

Биз бир-биримиз билан ҳамкорликда эришган барча муваффақиятларимиз социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида кун сайин қунт ва сабот билан иш олиб борилиши

орқасида рўёбга чиқарилди. Бунда мамлакатларимиз миллионлаб меҳнаткашлари меҳнатининг натижаларини мужассам бўлгандир. Аммо қундалик, одатдаги ишлар биз кўзлаётган олий мақсадни ҳеч қачон ҳаёлимиздан чиқаролмайди, зотан биз шу мақсад йўлида яшамоқдамиз ва меҳнат қилмоқдамиз. Бу мақсад — кишилик тарихида энг адолатли жамият бўлган коммунистик жамият қуришдан иборат. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўзларининг бутун ишларида, шу жумладан бизларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигимизда ҳам шу мақсадни кўриб турибдилар. Социалистик тузумимизнинг, бизнинг социалистик турмуш тарзининг буюк афзалликларидан бири ҳам худди шундаки, бу шароитда кишиларнинг меҳнати мажбурий бурч бўлмасдан, балки коммунистик идеаллардан пилҳом олувчи англаган ижоддир. Умумий идеалларга ва мақсадларга садоқат социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлигини ривожлантиришда гоят катта кучга ва афзалликка айланди.

Бизларнинг партияларимиз ва халқларимиз ҳамкорликдаги барча ишларда ҳамيشа бир-бирларининг нафасини сезиб, ҳаммалари бир-бирларига мадад беришга доимо тайёрлигини ҳис этиб турибдилар. Пролетар интернационализмнинг принципларига жавоб берадиган ўзаро беғараз ёрдам янги жамиятни қуришда, социалистик ҳамдўстлигимизни мустаҳкамлашда жуда кучли восита бўлиб, бу бизнинг капитализм олдидаги яна бир ҳал қилувчи афзаллигимиздир.

Ҳамкорлигимизнинг ҳамма босқичларида биз бошлаган ишимиз муваффақият қозонишига ҳамيشа қаттиқ ишондик. Биз шунинг учун ҳам бунга ишондик ва ишонганимизни, марксизм-ленинизм таълимотидек ишончли ва синалган компасдан фойдаланмоқдамиз. Бизларнинг қардош партияларимиз марксизм-ленинизм позицияларида маҳкам туриб, социалистик давлатлар ҳамкорлигини назарияси ва практикасига доимий равишда янгиллик киритиб бойитмоқдалар. 1969 йил Москвада юқори партия-ҳукумат донрасида бўлиб ўтган ЎИЕКнинг XXIII (махсус) сессияси ишнинг натижалари бунинг яққол мисолидир. Маъмур сессия ҳамкорлигини ва социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш ҳамда такомиллаштиришнинг Комплекс программаси ҳақида қарор қабул қилиб, узоқ даврга мўлжалланган ҳамкорлигимизни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўллариини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг форма ва методларини такомиллаштириш соҳасида биргаликдаги ташаббусимиз қардош коммунистик ва ишчи партиялари коллектив ижодий тажрибасининг натижасидир. Социалистик ва коммунистик қурилишга раҳбарлик қилаётган партия томонидан гоятда бой ва кўп томонлама тажрибани ўртоқларча айирбошлаш, дўстларнинг илгор тажрибасидан фойдаланиш — умумий куч-қудратимизнинг, капиталистик мамлакатлар би-

лан мусобақада бизнинг устуңлигимизнинг қўшимча манбаидир.

Чет эл мамлакатларидаги буржуа арбоблар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун характерли бўлган қарашлар бирлиги хусусида кўпинча қойил қолиб сўзлайдилар. Бизнинг ҳамдўстлигимизда ишончдаги «кризислар», қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви ёки рақобат кураши нима учун йўқлигини улар ўз спифий дунёқараш орқасида англаб етишлари қийин. Бизнинг ҳамдўстлигимизда капиталистик дунёга хос бўлган ана шу аломатларнинг ҳеч бири йўқ, чунки қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги мусобабатларда уларнинг миллий ва интернационал манфаатлари уйғун тарзда қўшилиб кетади, социалистик интернационализм принциплари, тенг ҳуқуқлилик, суверенитет, қардошларча ўзаро ёрдам принциплари амал қилади. Бу принциплар бизнинг ҳамдўстлигимизда миллий допрада ҳам, халқаро допрада ҳам амал қилади. Бизда бундай рақобатчилик кўришишлари йўқ, чунки қардош мамлакатларнинг коммунистлари В. И. Лениннинг халқлар ўртасида «мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликини очик ва равшан тунувниб олишга, тўла ихтиёрийликка»¹ асосланган мусобабатларни вужудга келтириш учун курашиш ҳақидаги вазиятни бажармоқдалар.

Ўтган асрнинг йилларида бизнинг ҳамдўстлик мамлакатларидаги интернационал куч-гайратни социализм ва коммунизм куриши учун, халқларимизнинг тинч бунёдкорчи мекенини учун олг қулай ташки шароитни яна мунда амалга қаратилди. Варшава Шартномаси ташкилоти бу вазифани муваффақиятли адо этмоқда. Бу ташкилотда мамлакатларимиз жаҳон майдонда ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа позицияларини мустаҳкамлаш учун, халқаро кескинликни юмшатиш, Европада ва бутун дунёда тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда ўз куч-гайратларини бирлаштирмоқдалар.

Варшава Шартномаси давлатлари Сиёсий консультатив комитетининг шу йил апрелда бўлиб ўтган кенгашида социалистик ҳамдўстликнинг тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида амалий ва белгиловчи роль ўйнаётганлиги яна бир карра намоён бўлди. Бу кенгаш яқунлари социалистик ҳамдўстликнинг жишсагини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқаро майдонда социалистик давлатларнинг ҳаракатларини координациялашни чуқурлаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги ўз ҳамкорлигининг 25 йилигини Европада ва бутун дунёда вазият ривожининг белгиловчи хусусиятига айланган халқаро кескинликнинг юмшаши шароитида нишонламоқдалар. Жаҳон майдонидеги кучлар нисбатининг тинчлик ва социализм кучлари фойда-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 30-том, 315-бет.

сига умумий ўзгарганлиги бунда асосий роль ўйнади. Социалистик мамлакатларнинг келишиб ўтказётган сиёсати, бизнинг ҳар томонлама яқин ҳамкорлигимиз кескинлик юмшашининг энг муҳим омилига айланди.

Ўтган 25 йил мобайнида биргаликда олиб борган фаолиятимизнинг натижалари, шу вақт ичида биз эришган барча ютуқлар, бизларнинг келгусига мўлжалланган биргаликдаги планларимиз сингарин, социализм мамлакатлари халқларида умумий ишчимизнинг тантана қилишига бўлган ишонччи мустаҳкамламоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бизнинг ленинчи партиямиз, бутун совет халқи социалистик интернационализм байроғини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва қардошларча бирдамлиги байроғини бундан буён ҳам баланд тута берадилар, деб Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгашининг юбилей сессияси қатнашчиларига айтишни менга топширишди. Биз «жаҳон социализм системаси,— Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездида Ҳисобот докладада таъкидлаб айтганидек,— янги жамиятни биргаликда қураётган ва ҳимоя қилаётган, тажриба ва билимлари билан бир-бирини бойитаётган халқларнинг аҳил оиласи бўлиши... илқ ва мустаҳкам оила бўлиши... эркин халқларнинг келгусида жаҳон миқёсидаги биродарлигининг тинсоли тариқасида ер юзидан одамлар кўз олдида намоён бўлиши...» учун барча зарур чораларни кўраверамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати ана шу юксак мақсадга эришиш йўлида куч-гайратларини аямадилар!

Нашриётдан	3
Илғор тўқимачилик саноатини барпо қиламиз. ВКП(б) XVIII съездида 1939 йил 16 мартда сўзланган нутқдан	5
РСФСРнинг хўжалик вазифалари тўғрисида. РСФСР Олий Совети V сессиясида 1944 йил 3 мартда сўзланган нутқ	11
Ватан қудратини мустаҳкамлаш бюджети. СССР Олий Советининг XI сессиясида 1945 йил 25 апрелда сўзланган нутқ	21
Мамлакат тинч ривожланиш даврига қадам қўймоқда. РСФСР Олий Совети олтинчи сессияси мажлисида 1945 йил 7 июнда сўзланган нутқ	29
Енгил саноатни ҳар томонлама ривожлантириш учун. КПСС XIX съездида 1952 йил 9 октябрда сўзланган нутқдан	41
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг муҳим резерви «Коммунист» журналининг 1956 йил 2-сонида босилган мақола	47
Совет эконоимикасининг янги муваффақиятлари сари. КПСС XX съездида 1956 йил 23 февралда сўзланган нутқ	62
Барча мамлакатлар олимларининг самарали ҳамкорлиги учун. Москвада X Халқаро астрономия съездининг очилишида 1959 йил 12 августда сўзланган нутқ	72
Тараққиётнинг кўрсаткичлари. КПСС XXI съездида 1959 йил 28 январда сўзланган нутқ	79
Социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамдўстлиги. «Правда» газетасида 1959 йил 28 апрелда босилган мақола	92
Фан ва техникадан инсон бахт-саодати йўлида фойдаланайлик. Москвада автоматик бошқариш бўйича I-Халқаро конгресснинг очилишида 1960 йил 27 июнда сўзланган нутқ	102
СССР ва Ҳиндистон халқлари дўстлигининг симболи. Бхилаида совет ва Ҳинд ишчилари ҳамда инженерлари ҳамкорлиги шарафига обелиск қуришида 1961 йил 27 февралда сўзланган нутқ	105
Фаннинг турмуш билан яқин алоқаси учун. Москвада илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгашида 1961 йил 14 июнда сўзланган нутқ	109
Коммунизм учун. КПСС XXII съездида 1961 йил 21 октябрда сўзланган нутқ	126
Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги. Кремлдаги Съездлар саройида Москва Советининг тантанали мажлисида 1962 йил 6 ноябрда қилинган доклад	138
Жавоҳарлал Неру хотираси. Союзлар уйининг Колонна залида Москва жамоатчилиги вакиллариининг йиғилишида 1964 йил 8 июнда сўзланган нутқ	154
Совет халқи коммунистик жамият қурмоқда. Ижтимоий фанлар институтида 1969 йил 3 июлда ўқилган лекция	164
Космонавтлар Комаров, Феоктистов, Егоров ўртоқлар шарафига Кремлдаги қабул маросимида 1964 йил 19 октябрда сўзланган нутқ	178
СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1965 йилги давлат плани тўғрисида. СССР Олий Советининг сессиясида 1964 йил 9 декабрда қилинган доклад	181
Осиёнинг социалистик мамлакатларига сафар тўғрисида. СССР Марказий телевиденияси орқали 1965 йил 26 февралда сўзланган нутқ	217

Планларни илмий асослаш даражасини ошириш — план органларининг энг муҳим вазифаси, СССР Госплани мажлисида 1965 йил 19 мартда сўзланган нутқ	226
Космонавтлар Беляев ва Леонов ўртоқлар шарафига Кремлда 1965 йил 23 мартда қабул маросимида сўзланган нутқ	238
Вроцлавда 1965 йил 7 апрелда ўтказилган Совет-Польша дўстлиги митингида сўзланган нутқ	241
Немис халқи фашизмдан озод бўлганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида Берлинда 1965 йил 7 майда сўзланган нутқ	247
Москва қаҳрамон шаҳар. Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг тантанали мажлисида 1965 йил 19 майда сўзланган нутқ	255
Патрис Лумумба номидagi Халқлар дўстлиги университетини дастлабки битириб чиқувчиларга бағишланган тантанали йиғилишида Кремлдаги Съездлар саройида 1965 йил 29 июлда сўзланган нутқ	262
Волга бўйидаги қаҳрамон шаҳар шухратли асрлар оша ўчмайди. Қаҳрамон шаҳар Волгоградга Ленин ордени, «Олтин Юлдуз» медали топширилиши муносабати билан Волгоградда область ва шаҳар партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг тантанали мажлисида 1965 йил 11 июлда сўзланган нутқ	269
Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида. КПСС Марказий Комитети Пленумида 1965 йил 27 сентябрда қилинган доклад	282
Тошкентда учрашув	
Покистон Президенти Муҳаммад Айюбхон билан Ҳиндистон Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри ўртасидаги учрашувни расмий очиб чоғида 1966 йил 4 январда сўзланган нутқ	326
Учрашувни ёпиш вақтида 1966 йил 10 январда сўзланган нутқ	328
СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик илани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директивлари. КПСС XXIII съездида 1966 йил 5 апрелда қилинган доклад	330
Совет-Араб дўстлиги мустаҳкамлаверсин	395
Асвондаги митингда 1966 йил 12 майда сўзланган нутқ	—
БАР мпллат мажлисида 1966 йил 17 майда сўзланган нутқ	402
Совет Иттифоқи ва Франция ҳамкорлиги манфаатлари йўлида	411
Франция Республикаси Президенти Шарль де Голль шарафига Кремлда ўтказилган қабул маросимида 1966 йил 30 июнда сўзланган нутқ	—
Франция Республикаси Президенти Шарль де Голль томонидан Елисей саройида берилган зиёфат вақтида 1966 йил 1 декабрда сўзланган нутқ	412
Сорбонна университетида 1966 йил 3 декабрда сўзланган нутқ	415
Франция телевидениеси орқали 1966 йил 8 декабрда сўзланган нутқ	418
Туркия Республикаси Бош министри Сулаймон Демирал томонидан Анкарада берилган зиёфат вақтида 1966 йил 20 декабрда сўзланган нутқ	423
Буюк Британия парламентида 1967 йил 9 февралда сўзланган нутқ	426
БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессиясида 1967 йил 19 июнда сўзланган нутқ	432
Франция Республикасининг Бош Министри Жорж Помпиду шарафига Кремлда берилган зиёфат вақтида 1967 йил 3 июлда сўзланган нутқ	444

- СССР билан Венгрия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани имзолаш чоғида Будапештда 1967 йил 7 сентябрда сўзланган нутқ 449
- Ленинграднинг сўнмас жасорати. *Ленинградда Таврия саройида 1907 йил 5 ноябрда сўзланган нутқдан* 452
- Ленин байроғини, коммунизм байроғини баланд кўтарамиз. *КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар ва Москва область Советларининг жамоат ташкилотлари билан биргаликда Кремль Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисида 1967 йил 6 ноябрда сўзланган нутқ* 454
- Деҳлида ўтказилган қабул маросимида 1968 йил 27 январда сўзланган нутқ 460
- М. Горькийнинг адабиётдаги революцион анъаналари. *М. Горький туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан Кремлда ўтказилган қабул маросимида 1968 йил 29 мартда сўзланган нутқ* 465
- Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги проблемалари тўғрисида. *Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг махсус сессиясида 1969 йил 23 апрелда қилинган доклад* 467
- Қабул политехника институтининг очилишига бағишланган тантанали митингда 1969 йил 20 мартда сўзланган нутқ 498
- «Болгария халқ республикаси — социализм йўлидан 25 йил» весптавқасининг очилиш маросимида Москвада 1969 йил 26 сентябрда сўзланган нутқ 500
- Депозитарий ҳужжатлари — СССР ва АҚШ ўзаро қўроқлини таъкитловчи шартномани тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрликларини ташқириши маросимида Москвада 1970 йил 5 мартда сўзланган нутқ 505
- Кўрек области байроғида иккинчи Ленин ордени. *Кўрекда КПСС област ва шаҳар комитетининг, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг тантанали мажлисида 1970 йил 17 апрелда сўзланган нутқдан* 507
- Лениннинг номи ва иши абадий яшайди! *В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида Кремлда Съездлар саройида 1970 йил 22 апрелда сўзланган нутқ* 519
- СССР билан Чехословакия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартноманинг имзоланиши муносабати билан СССР партия-ҳукумат делегацияси шарафига ЧКП Марказий Комитети, ЧССР Президенти ва ЧССР ҳукумати томонидан ўтказилган қабул маросимида Прагада 1970 йил 6 майда сўзланган нутқ 523
- СССР билан Руминия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномани имзолаш вақтида Бухарестда 1970 йил 7 июлда сўзланган нутқ 526
- Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Вилли Брандт шарафига берилган зифат чоғида Кремлда 1970 йил 12 августда сўзланган нутқ 529
- Қоҳира радиоси ва телевидениеси орқали 1970 йил 1 октябрда сўзланган нутқ 531
- Сурия Араб Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Бош министр, Мудофаа министр, Араб социалистик уйғонинг партияси муваққат региональ раҳбарлигининг аъзоси Ҳафиз Асад томонидан берилган нонушта зифатда Москвада 1971 йил 2 февралда сўзланган нутқ 533
- Денгизлар ва океанлар тубида ҳамда унинг қаърида ядро қуроқлини ва оммавий қирғин қуроқлинини бошқа турларини жойлаштириш-

- ни тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани имзолаш вақтида Москвада 1971 йил 11 февралда сўзланган нутқ 535
- СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари. *КПСС XXIV съездида 1971 йил 6 апрелда қилинган доклади* 537
- Кремлда Финляндия Республикаси Бош Министри Ахти Карьялайнен шарафига берилган зиёфатда 1971 йил 19 апрелда сўзланган нутқ 603
- Кремлда Канада Бош министри Пьер Эллиот Трюдо шарафига берилган нонуштада 1971 йил 18 майда сўзланган нутқ 606
- Кипр Республикасининг Президенти архиепископ Макариос томонидан Москвада берилган нонуштада 1971 йил 4 июнда сўзланган нутқ 610
- Улан-Баторда Монголия халқ революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 1971 йил 10 июлда сўзланган нутқ 612
- Кремлда Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди шарафига берилган нонуштада 1971 йил 28 сентябрда сўзланган нутқ 621
- Москвада Яман Халқ Демократик Республикаси ҳукумати делегацияси шарафига берилган зиёфатда 1971 йил 30 сентябрда сўзланган нутқ 626
- Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси Хуард Бумиддин томонидан Жазоир шаҳрида берилган зиёфатда 1971 йил 5 октябрда сўзланган нутқ 629
- Оттавада Канада ҳукумати томонидан берилган зиёфатда 1971 йил 18 октябрда сўзланган нутқ 636
- Москвада Сомали Демократик Республикаси Олий Революцион Совети президенти генерал Муҳаммад Спад Барре томонидан берилган нонуштада 1971 йил 17 ноябрда сўзланган нутқ 640
- СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик плани тўғрисида ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани ҳақида. *СССР Олий Советининг сессиясида 1971 йил 24 ноябрда қилинган доклад* 642
- Копенгагенда Дания Бош Министри Еис Отто Краг томонидан берилган зиёфатда 1971 йил 2 декабрда сўзланган нутқ 687
- Кремлда Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Спёсий бюроси ва секретариати аъзоси, Куба республикаси президенти Февальдо Дортикос Торрадо шарафига берилган зиёфатда 1971 йил 22 декабрда сўзланган нутқ 691
- Кремлда Бангладеш Халқ Республикаси Бош министри шайх Муъйибур Раҳмон шарафига берилган зиёфатда 1972 йил 1 мартда сўзланган нутқ 694
- Москвада Покистон Ислоҳ Республикаси Президенти Зулфиқор Али Бхутто томонидан берилган нонуштада 1972 йил 17 мартда сўзланган нутқ 698
- Бағдодда СССР билан Ироқ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзолаш вақтида 1972 йил 9 апрелда сўзланган нутқ 701
- Москвада АҚШ Президенти Ричард Никсон ва унинг рафиқаси томонидан берилган зиёфатда 1972 йил 26 майда сўзланган нутқ 704
- Москвада Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматиининг Бош министри Фидель Кастро Рус томонидан ўтказилган қабул маросимида 1972 йил 3 июлда сўзланган нутқ 707
- Резерварни халқ хўжалигига хизмат қилдирайлик 710

СССР Госплани ходимлари олдида 1972 йил 30 сентябрда сўзланган нутқдан	—
СССР Госснаби ходимлари олдида 1972 йил 6 октябрда сўзланган нутқдан	716
Кўп миллатли Совет давлатининг социал-иқтисодий ривожланиши «Коммунист» журналыда босилган мақола, 1972 йил, 17-сон	723
Кремлда Италия Министрлар Советининг Раиси Жулио Андреотти шарафига ўтказилган қабул маросимида 1972 йил 24 октябрда сўзланган нутқ	759
Венада Австрия Республикаси Федераль канцлери Бруно Крайскый томонидан берилган зиёфатда 1973 йил 2 июлда сўзланган нутқ	764
Ленинградда Совет-Вьетнам дўстлигига бағишланган митингда 1973 йил 13 июлда сўзланган нутқ	768
Кремлда Эрон Бош Министри Амир Аббос Хувайдо шарафига ўтказилган қабул маросимида 1973 йил 6 августда сўзланган нутқ	773
Белградда ЮСФР Иттифоқ Ижроия Вечасининг раиси Жемал Бледич томонидан берилган нонуштада 1973 йил 24 сентябрда сўзланган нутқ	777
Москвада Япония Бош Министри Какурэй Танака томонидан берилган нонуштада 1973 йил 9 октябрда сўзланган нутқ	782
Ягона қардошлик оиласида — янги галабалар сари. <i>Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ва БССР Олий Советининг Беларуссия ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисида 1973 йил 14 ноябрда сўзланган нутқ</i>	785
Етмиш ёшга тўлган кунда Чили ордени ва иккинчи «Хонор» Билди» ордени медали билан таърифланганини муносабат билан Кремлда 1974 йил 21 февралда сўзланган нутқ	807
Кремлда Ливия Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенгаши аъзоси, Бош Министри Абдул Салом Аҳмад Желуд шарафига ўтказилган қабул маросимида 1974 йил 14 майда сўзланган нутқ	809
Улут мамлакатнинг қудратли одим. <i>Большой театрда СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайловлар ўтказувчи Москва шаҳар сайлов округи медраткашлари вакиллари билан бўлган учрашувада 1974 йил 12 июнда сўзланган нутқ</i>	812
Софияда УИЕК XXVIII сессиясининг тантанали мажлисида 1974 йил 18 июнда сўзланган нутқ	839

На узбекском языке

Алексей Николаевич Косыгин

ИЗБРАННЫЕ РЕЧИ И СТАТЬИ

Ответственные за выпуск А. Г. Карпов, Б. Т. Бацанов

Ордена Дружбы народов издательство «Узбекистан»—1975—Ташкент

Таржимовлар: Х. Назиров, В. Абдувалиев, М. Жалоло
Таржима редакторлари: С. Абдукаримова, Ш. Мансуров ва Т. Юсупова
Расоом Ю. Кученков
Вадий редактор А. Соибназаров
Техредактор С. Собирова
Ксрректорлар Э. Насивалиева, М. Мажитхўжаева

Тартиб бериш 8/IV-1975 й. Ўзинга рухсат этилди 30/VI-1975 й. Қороз формати 60×90¹/₁₆.
№ 1. Ўсм. л. 53,0. Нашр. л. 55,3+0,04 вкл. Тиражи 10.000. Шартнома № 494—75. Халқлар дўстлиги ордени «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, Навоий, 30.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат қўлмеғдалиг Тўқтинг Полиграфмобилинатида босилди. Навоий, 30, Заказ № 600. Ҳақси 1 с. 57. т.